

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

*Шафсири
Ҳилол*

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

3 жуз

Аллоҳ таолонинг каломи тафсири ҳақидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳақ таолодан у зотларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан отамиз ва онамиз ҳақларига дуолар умидигаман.

Муаллиф.

Ш и о р и м и з:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.



ЮНУС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 109 оятдан иборат.

Ушбу сураи карима Юнус Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида ҳам ҳикоя қилганлиги сабабли шу ном билан аталгандир. Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби, бу сура ҳам иймон-эътиқод масалаларини муолажа қилади.

«Юнус» сурасининг аввалида Макка мушрикларининг Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тушаётган ваҳийга муносабатлари зикр қилиниб, ваҳийдан ажабланишнинг ҳеч ҳожати йўқлиги айтилади. Шу билан бирга, мушрикларнинг ваҳийга ишониш учун қўяётган шартлари нотўғри эканлиги баён қилинади. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан, агар тушаётган ваҳий ҳақиқат бўлса, бир моддий мўъжиза кўрсатишни талаб қилган эдилар. Ана ўша талаб ноҳақ экани сураи кариманинг энг муносиб жойида баён этилади. Ҳар қанча мўъжиза бўлса, Қуръони Каримнинг ўзи кифоя қилиши таъкидланади.

Сўнгра, мушрикларнинг илоҳийлик ва ибодат хусусидаги нотўғри тушунчалари муолажа этилади. Чунки, улар Қуръон Аллоҳнинг ҳузуридан эканига ишонмай, шубҳаланишар ва турли бут ва санамларга сифинишар эди. Ўша бут ва санамлар «катта Худо»нинг олдида шафоатчи бўлади, деган бузуқ эътиқодлари ҳам бор эди. Шунинг учун, сурада ҳақиқий ибодатга лойиқ илоҳнинг сифатлари баён этилади. Мушриклар худо қилиб олган бут-санамларнинг аслида нима экани тушунтирилади.

Ундан кейин охиратга бўлган иймон ҳақида баҳс кетади. Чунки, одамлар шу ишончнинг йўқлигидан дунё ҳойи-ҳавасларига берилиб, оқибатни ёддан чиқаришар, натижада турли номаъқулчиликлар келиб чиқар эди. Шунинг учун ҳам, қиёматнинг ҳақ экани, уни қоим қилиш Аллоҳ таоло учун қийин эмаслиги оятларда кетма-кет баён этилади. Қиёмат саҳнаси жонлантирилади. У кунда нималар рўй бериши – иймонли бўлиб, Аллоҳга ибодат қилиб ўтганларнинг жаннатга киришлари, кофир, мунофиқ ва осийларнинг эса, қилмишларига яраша жазо олиш учун дўзахга тушишлари тасвирланади.

Шунингдек, «Юнус» сурасида Аллоҳ таолонинг чексиз қудратли Зот эканлигига далолат қилувчи махлуқотларига назар солишга даъват этадиган оятлар ҳам кўп учрайди.

Бу суранинг яна кўпгина ўринларида ўтган умматлар қиссалари ҳам келтирилиб, улардан ибрат олишга чақирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الرَّتَّكَ ءَايَتُ الْكِنَبِ الْحَكِيمِ

1. Алиф. Лаам. Ро. Булар, ҳикматли китобнинг оятларидир.

«Юнус» сураси ҳам «Бақара», «Оли Имрон» ва «Аъроф» суралари каби, алифбо ҳарфларидан баъзисининг зикри билан бошланади. Бу ҳақда аввал батафсил тушунтириш берилган. Ана ўша ҳарфлардан ташкил топган оятлар ҳикматли китобнинг оятларидир.

Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳикмат тўла китобидир. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ояти чексиз ҳикматдан иборатдир. Ундан бошқа китобда бунчалик ҳикматни қидирган одам адашади. Бу китобнинг нақадар ҳикматлилигини келаси оятларда ҳам кўраимиз:

أَكَانَ لِلنَّاسِ عَجَبًا أَنْ أَوْحَيْنَا إِلَى رَجُلٍ مِّنْهُمْ أَنْ أَنْذِرِ النَّاسَ وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنَّ لَهُمْ قَدَمَ صِدْقٍ عِنْدَ رَبِّهِمْ قَالَ الْكَافِرُونَ إِنَّ هَذَا السَّحْرُ مُبِينٌ

2. Одамларга ўзларидан бўлган бир кишига ваҳий юбориб: «Одамларни огоҳлантир ва иймон келтирганларга Роббилари ҳузурида улар учун собитқадамлик борлигининг башоратини бер», деганимиз ажабланарли бўлдими? Кофирлар: «Албатта, бу очиқ-ойдин сеҳргардир», дедилар.

Аллоҳ таоло Ўз ҳикмати ила бандалари ичидан бир салоҳиятли кишини танлаб, унга Пайғамбарлик мартабасини беради. Унга ваҳий юбориб, атрофидаги кишиларни огоҳлантиришга амр қилади. Қадимдан шундай бўлиб келган. Лекин кофир одамлар бу ишга дои-

мо инкор назари билан қарашган, ўзларидан бўлган бир одамга Аллоҳдан ваҳий келиши уларга ажабланарли туюлган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдинги Пайғамбарларга бўлгани каби, у кишига ҳам худди шу муносабат бўлди.

«Одамларга ўзларидан бўлган бир кишига ваҳий юбориб: «Одамларни огоҳлантир ва иймон келтирганларга Роббилари ҳузурда улар учун собитқадамлик борлигининг башоратини бер», деганимиз ажабланарли бўлдими?»

Мушриқлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ваҳийни ажабланиб, инкор билан қарши олдилар. Аслида эса, ҳеч ажабланидиган, инкор қиладиган жойи йўқ эди. Бошқа Пайғамбарларга келгани каби, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам Аллоҳ томонидан ваҳий кела бошлаган эди. Бу ваҳийда у зотга Аллоҳ таоло барча одамларни огоҳлантиришни амр қилган эди. Шу билан бирга, иймон келтирганларга башорат беришни топширган эди. Бу башоратга биноан, кўплар қалтираб-титраб, қадамини боса олмай, оёғи осмондан бўлиб кетаётган шиддатли бир пайтда мўминларнинг Аллоҳ ҳузурда собит қадам — қадамлари мустаҳкам ҳолда туришлари ва юқори мартабаларга эришишлари айтилди.

Аммо, кофирлар бу ҳақиқатни тушуниб етмадилар.

«Кофирлар: «Албатта, бу очиқ-ойдин сеҳргардир», дедилар.»

Чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тиловат қиладиган Қуръон уларни ожиз қолдираётган эди. Унинг олдида улар лол қолишган эди. Аммо, улар бу ожиз қолдирувчи каломни «Аллоҳнинг каломи экан» дейишнинг ўрнига, бу сеҳр, уни гапирётган Муҳаммад эса, очиқ-ойдин сеҳргардир, дедилар. Улар дин билан сеҳрни, Пайғамбар билан сеҳргарни аралаштириб юборган эдилар. Аслида эса, гап бошқача:

إِنَّ رَبَّكُمْ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يُدِيرُ الْأَمْرَ

مَنْ شَفِيعٌ إِلَّا مِنْ بَعْدِ إِذْنِهِ ذَٰلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ

3. Албатта, Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнг, аршни эгаллаган Аллоҳдир. У ишнинг тадбирини қиладир. Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинглр. Эсламайсизларми?!

Кофирлар Аллоҳ таоло Ўз бандаларидан бирига ваҳий юбориши мумкинлигига ишонмай, турли гап-сўзлар қилишмоқда. Аммо эслаб кўрсалар, фикр юритсалар, ҳар қадамларида Аллоҳ не-не катта

ишларни вужудга келтириб қўйганини англайдилар. Мисол учун, осмонлару ерга қарасинлар. Уларни Аллоҳ таоло яратган.

«Албатта, Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган.»

Агар кофирларда бунга ҳам эътирозлар бўлса, ўзларининг ҳақ эканликларини исбот қилсинлар. Аллоҳ таоло Ўзининг Робблик — тарбиякунандалик сифати ила осмонлару ерни олти кунда яратган. Бу олти куннинг ҳақиқатини — кайфиятини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо бизнинг тушунчамиздаги «кун» маъносида эмаслиги маълум. Чунки бизнинг тушунчамиздаги «кун» осмонлару ер яратилгандан сўнг ерга муносиб бўлган вақт билан чегараланади. Бу оятдаги «кун» эса, осмонлару ер яратилишидан олдинги замонга тегишли вақтни англатмоқда.

«...сўнг, аршни эгаллаган Аллоҳдир.»

Аллоҳ, ана ўша Робб — тарбиякунандалик сифати ила осмонлару ерни яратиб бўлгандан сўнг, Аршни эгаллаган Зотдир. Аллоҳ таолонинг Аршни эгаллаши ҳақидаги масала ҳам уламолар орасида қўплаб тортишувларга сабаб бўлган. Бу ҳақда олдин келган шунга ўхшаш оятлар тафсирида батафсил сўз юритилгандир.

«У ишнинг тадбирини қиладир.»

Бу дунёда нима иш бўлса, ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ қилади. Ҳар бир ишнинг аввали ҳам, охири ҳам, фойдаси ҳам, зарари ҳам, бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам — ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолога боғлиқдир. Ана шу сифатларга эга бўлган Зот бандаларидан биттасига ваҳий юборса, ажабланарлими? Эсламайсизларми?!

«Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас.»

Мушриклар Аллоҳни инкор этишмас, аксинча, Унинг борлигини эътироф қилар эдилар. Лекин Унинг амрига бўйсунмай, ўзларича иш тутардилар. Аллоҳнинг элчисини, унга келган ваҳийни инкор этиб, ибодат йўлини ўзларича топмоқчи бўлардилар. Ўзлари сиғинаётган бут ва санамларни, Аллоҳнинг олдида шафоатчи бўлади, деб эътиқод қилардилар. Уларнинг бу эътиқодлари нотўғри эканлиги ушбу оятда баён этилмоқда. Аввало, у дунёда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлади, биров бировга шафоат қилиб, уни қутқариб қолиши жуда қийин. Қолаверса, Аллоҳнинг изнисиз ҳеч ким шафоатчи бўла олмайди. Ўзига шерик қилинган буту санамларга шафоатчилик қилишга Аллоҳ изн бермаслиги яна ҳам аниқ. Шунинг учун ҳам, инсон ўзича тахминга берилиб, турли йўлларга бошини ургандан кўра, Аллоҳнинг Пайғамбарига келган ваҳийга ишониб, унга эргашиб қўйгани афзал эмасми? Эсламайсизларми?!

«Ана ўша Аллоҳ, Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинлар.»

Юқорида зикр қилинган васфларга эга бўлган Зот сизнинг Роббингиздир, эй одамлар. Бас, шундай экан, фақат Унгагина ибодат

қилинг. Яъни, фақат Унинг айтганига амал қилиб яшанг. Ҳаётингизнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир лаҳзаси унинг кўрсатмасига мувофиқ бўлсин.

«Эсламайсизларми?!»

Ахир:

إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا وَعَدَّ اللَّهُ حَقًّا إِنَّهُ يَبْدُوُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ لِيَجْزِيَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ بِالْقِسْطِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ

4. Барчангизнинг қайтишингиз Унгадир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Албатта, У аввал бошда (барчани) Ўзи яратадир. Сўнгра, иймон келтирган ва яхши амал қилганларни адолат-ла мукофотлаш учун уларни қайтарадир. Кофир бўлганлар эса, куфр келтирганлари учун, уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир.

Бу дунёда Аллоҳнинг айтганларини қилмасликнинг оқибати ёмон бўлади. Чунки:

«**Барчангизнинг қайтишингиз Унгадир.**»

Ундан бошқага эмас. Ким бўлишидан, қачон яшаб, қачон ва қай тарзда ўлишидан қатъиназар, ҳамма Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб бориши муқаррардир. Аллоҳнинг ваъдаси шундай.

«**Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир.**»

Унинг ваъдасида хилоф бўлмайди. Унинг ваъдаси кечикмайди ҳам.

«**Албатта, У аввал бошда (барчани) Ўзи яратадир.**»

Ундан бошқа яратувчи йўқдир.

«**Сўнгра, иймон келтирган ва яхши амал қилганларни адолат-ла мукофотлаш учун уларни қайтарадир.**»

Бу қайтариш қиёмат куни, ҳаммани ўлик ҳолидан тирик ҳолига қайтариш билан бўлади. Аллоҳга иймон келтириб, яхши амаллар қилган бандаларнинг мукофоти ўша кунда адолат билан берилади. Аллоҳ таоло уларга жаннатни ато этади. Улар жаннатда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нозу неъматларга соҳиб бўладилар.

«**Кофир бўлганлар эса, куфр келтирганлари учун, уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир.**»

Ҳамма Аллоҳнинг ҳузурига қайтадиган ўша қиёмат кунида кофирларга ҳам қилмишларига яраша адолат билан жазо берилади.

Улар қаттиқ қизиб турган дўзахга ташланадилар. Агар чанқасалар, қайноқ сувдан шароб ичадилар ва аламли азобларга дучор бўладилар.

Кейинги оятда Аллоҳнинг қудратига далолат бўлиши учун яна мисоллар келтирилади:

هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسُ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا عَدَدَ السِّنِينَ
وَالْحِسَابَ مَا خَلَقَ اللَّهُ ذَلِكَ إِلَّا بِالْحَقِّ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٦٠﴾

5. У қуёшни зиё ва ойни нур қилган ҳамда сизлар йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган Зотдир. Аллоҳ ўшани фақат ҳақ ила яратди. У биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баён қиладир.

Инсон ҳаёти давомида доимий ҳис этиб турадиган мавжудотлардан бири қуёш бўлса, яна биттаси ойдир. Лекин инсон уларнинг мавжудиятига ўрганиб қолганидан, кўп ҳам эътибор бермайди. Агар инсон бу икки нарсага ибрат назари билан қараса, уларни ўрганса, Аллоҳнинг чексиз қудратига тан берар ва шунчалик нарсага қодир бўлган зотнинг Ўз бандаларидан бирига ваҳий юбориши ҳеч ажабланарли иш эмаслигини тўла англаб етар эди.

«У қуёшни зиё ва ойни нур қилган...»

Ҳа, қуёшни зиё – иссиқлик ила ёруғлик сочадиган ва ойни нур – фақат ёруғлик сочадиган қилиб қўйган зот Аллоҳдир. Қуёшнинг ҳажми, унинг коинотдаги ўрни, борлиққа таъсири ва бошқа ҳақиқатларни бир четга қўйиб турайлик-да, фақат иссиқлик билан ёруғлик таратишини олиб кўрайлик.

Дунё яралганидан буён қуёш оламга тинимсиз зиё сочиб турибди. Усиз ҳаёт йўқ. Усиз ёруғлик ҳам бўлмайди. У чарчамайди, кечикмайди ҳам. Қуввати-да камайиб қолмайди. Доимо керагича зиё сочиб туради. Қуёшнинг катталигини ва бошқа хоссаларининг беқийс эканлигини яна ҳам яхшироқ англаб етиш учун уни инсон мақтанаётган қаҳрабо ишлаб чиқариш ихтироси ва бошқа кашфиётлари билан солиштириб кўришнинг ўзи кифоя. Бу эса, биладиган, ақл юритадиган ҳар бир киши учун Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига ва ваҳийга иймон келтиришга чорловдир.

Шунингдек, ойни ҳам тадаббур қилиб кўрмоқ лозим. У нур сочади, яъни, иссиқликсиз ёғду таратади. Бу ҳам борлиққа жуда зарурдир. Ой ва унинг нури бўлмаса, дунёда ҳаёт бўлмас эди. Ойнинг нури нима учун зарурлиги ҳақида тўлиқ маълумот олмоқчи бўлган-

лар махсус адабиётларга мурожаат қилсинлар. Агар унинг заруратини англаб етсалар, Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига ва ваҳийга иймон келтирмай иложлари қолмайди. Агар иймонли бўлсалар, иймонларига яна ҳам қувват қўшилиши, шубҳасиз.

Аммо, ояти каримада ўша давр кишилари тушунчасига мос тарзда баён келмоқда:

«ҳамда сизлар йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган Зотдир.»

Оятда ўрин маъносини англатувчи «манзиллар» истилоҳи фалакиёт илмида «буржлар» деб аталади. Ой ҳар кеча маълум бир жойдан чиқиб, маълум бир жойга ботади. Буни оддий кўз билан ҳам кўриб, билиб олса, бўлади. Бу манзиллар ва ойнинг улардан чиқиб-ботиши доим бир хилда туради. Шунинг учун, ҳозирда ҳам вақт ўлчови уларга қараб аниқланади. Яъни, соатлар қуёш, ой, ва юлдузларга қараб тўғриланади. Шунингдек, кун, ҳафта, ой ёки йил ҳисоблари ҳам Аллоҳ яратган ўша махлуқотларга қараб юритилади.

«Аллоҳ ўшани фақат ҳақ ила яратди.»

Аллоҳ ҳамма нарсани Ўзи яратади. Яратганда ҳам ҳақ билан яратади. Жумладан, У зот қуёш ва ойни ҳам ҳақ билан яратгандир.

«У биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баён қиладир.»

Одамлар ушбу баёнлардан ҳидоят йўлини топишга ҳаракат қилмоқлари лозимдир.

Юқоридаги ояти каримада осмонлару ер, қуёшу ой Аллоҳнинг қудратига далил қилиб келтирилди. Энди келадиган ояти каримада эса, кеча ва кундуз ҳам шу мавзуга жалб этилади:

إِنِّي أَخْلَقُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَّقُونَ ﴿١٠﴾

6. Албатта, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмонлару ерда яратган нарсаларда тақво қиладиган қавмлар учун оят – белгилар бордир.

Кеча-кундузнинг алмашиб туриши доимий жараён. Жуда ҳам улуғ бир жараён. Дунё бино бўлганидан бери бир хилда давом этиб келаётган жараён. У бир сонияга ҳам хато қилмайди. Кеча кириши муқаррар лаҳзада кеча киради. Кундуз бўлиши муқаррар лаҳзада кундуз бўлади. Ҳеч ким, ҳеч қандай куч бу жараёнга аралаша олмайди. Ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси ва тадбири ила рўй беради. Аммо, бу ишлар тинимсиз такрорланаверганидан, инсон бу жараёнга эътибор бермай қўйган, унинг қандай содир бўлаётгани, ким

томонидан қилинаётгани ҳақида кўп ҳам фикр юритмайди. Агар фикр юритганида, шундай қудратли Аллоҳ Ўз бандаларидан бирига ваҳий юбориши мумкин эканлигига ажабланмас эди.

Шунингдек, осмонлару ерда Аллоҳ таоло яратган нарсаларнинг ҳар бирида, каттаю кичик, юмшоғу қаттиқ – барча-барчасида Аллоҳдан қўрқадиган бандалар учун Унинг мавжудлигига ва ҳамма нарсага қодирлигига далиллар бисёрдир. Шу боис, қадимги мусулмон файласуфлар бошқа миллатларнинг худосизлари билан қилган ақлий тортишувларида ҳар бир нарсанинг аслини суриштириб кўрар эдилар. Яъни, осмонлару ердаги ҳар бир нарсанинг бу дунёга қандай келгани ҳақида савол берар эдилар. Жавоб эса, Аллоҳ яратган, дейишдан ўзга бўлмас эди. Агар кишида заррача тақво бўлса, осмонлару ерда яратилган ҳар бир нарсада Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва ваҳийга иймон келтириши учун керагича далил топа олади.

Шунчалик улкан ҳақиқатларни кўра-била туриб ҳам иймон келтирмаганларнинг оқибати келаси оятларда баён қилинади:

إِنَّ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا وَرَضُوا بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاطْمَأَنُّوا بِهَا وَالَّذِينَ هُمْ عَنْ
ءَايَاتِنَا غَافِلُونَ ﴿٧﴾

7. Албатта, Биз ила мулоқот бўлишини умид қилмаганлар ва бу дунё ҳаётдан рози бўлиб, у билан хотиржам қолганлар ҳамда оятларимиздан ғофил бўлганлар,

أُولَٰئِكَ مَا لَهُمْ النَّارُ إِلَّا مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨﴾

8. Ана ўшаларнинг жойлари, қилган касблари туфайли, жаннамдир.

Ҳар лаҳзада мазкур оят – белгиларни кўриб-билиб туриб иймонга келмаганлар, албатта, қиёматга ҳам ишонмаган бўладилар. Қиёматда Аллоҳга мулоқотда бўлишдан улар умидсиздирлар. Яъни, қиёмат бўлиб, Аллоҳга йўлиқишларига ишонмайдилар. Шунинг учун, улар кофирдирлар. Шунинг учун, уларнинг у дунё билан ишлари йўқ. Улар:

«бу дунё ҳаётдан рози бўлиб, у билан хотиржам қолганлар»-дир.

Уларнинг фикри-зикри беш кунлик дунё ва унинг лаззатидадир. Шу билан овуниб, хотиржам бўлиб қолганлар. Уларнинг энг

катта айблари ва сифатлари Аллоҳнинг оятларидан ғофил бўлганларидир. Шу боисдан ҳам, улар ҳар қандай ёмонликни тап тортмасдан қилаверадилар. Натижада:

«Ана ўшаларнинг жойлари, қилган касблари туфайли, жаҳаннамдир».

Ҳа, улар, бекорга эмас, қилган касблари туфайли, адолат юзасидан жаҳаннам азобига дучор бўладилар. Айна пайтда, бошқа бир томонда умуман бошқача манзаранинг шоҳиди бўламиз:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ يَهْدِيهِمْ رَبُّهُمْ بِإِيمَانِهِمْ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمُ
الْأَنْهَارُ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٩﴾

9. Албатта, иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларни Роббилари, иймонлари сабабли, ҳидоятга бошлайдир. Наъийм жаннатларидалар, остларидан анҳорлар оқиб турадир.

دَعْوَتُهُمْ فِيهَا سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَامٌ وَعَآخِرُ دَعْوَتِهِمْ أَنِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ
الْعَالَمِينَ ﴿١٠﴾

10. У ердаги дуолари: «Эй, бор Худоё, Сени поклаб ёд этамиз»-дир. У ердаги саломлашишлари «ас-Салом»дир. Охирги дуолари эса: «Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин»дир.

Иймон ўз соҳибини яхшиликларга бошлаши зарур. Соҳибини яхшиликларга бошлаган иймонгина иймон ҳисобланади. Бошқаси иймон эмас. Иймонга келиб, яхши амаллар қилганларни эса, Аллоҳ таолонинг Ўзи доимо ҳидоятга йўллаб туради.

«Албатта, иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларни Роббилари, иймонлари сабабли, ҳидоятга бошлайдир.»

Улар ана ўша ҳидоят, иймон ва яхшиликлари туфайли жаннатга қирадилар.

«Наъийм жаннатларидалар, остларидан анҳорлар оқиб турадир.»

Ҳол-аҳволлари яхши бўлганидан, оғизларидан ҳам доимо яхши дуолар чиқади. Уларнинг дуоси — чақириғи ўзларини шу даражага етказган Роббиларини поклаб ёд этишдир:

«У ердаги дуолари: «Эй, бор Худоё, Сени поклаб ёд этамиз»-дир».

Ундоқ саодатманд бандаларнинг жаннатдаги бир-бирлари билан сўрашишлари ҳам ўзига хосдир:

«У ердаги саломлашишлари «ас-Салом»дир».

Иймон келтирганлари ва амали солиҳ қилганлари учун Роббиларининг ҳидоятига ва жаннати наъиймга сазовор бўлган саодатманд бандаларнинг

«Охирги дуолари эса: «Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин»дир».

Келаси оятларда мушрикларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ваъда қилинаётган азобни тезроқ келтиришни талаб қилишлари ва ўша азобнинг кечиктирилиши беҳикмат эмаслиги, Аллоҳнинг раҳмати ҳам борлиги баён этилади. Шунингдек, уларга мусийбат етганида ўзларини қандай тутишлари ва мусийбат кўтарилганида нима қилишлари ҳикоя қилинади. Улардан олдингиларнинг ҳоли нима бўлгани эслатилиб, бу дунё ҳаёти синовдан иборат эканлиги, ундан кейин жазо ёки мукофот келиши таъкидланади.

﴿ وَلَوْ يُعَجِّلُ اللَّهُ لِلنَّاسِ الشَّرَّ اسْتَعْجَالَهُمْ بِالْخَيْرِ لَقُضِيَ إِلَيْهِمْ أَجْلُهُمْ فَنذَرُ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَ نَافِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴾

11. Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни тез келтиргани каби ёмонликни ҳам тезлатса эди, ажаллари битган бўлур эди. Бас, Биз ила мулоқотда бўлишдан умиди йўқларни тугёнларида ташлаб қўямиз, адашиб-улоқиб юраверадилар.

Аввалги сураларда ҳам бир неча бор айтиб ўтилганидек, араб мушриклари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан азобни тезроқ келтиришни талаб қилишар эди. Улар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан келган ваҳийни инкор этишда ўзларининг ҳақликларини исботлаш учун шундай талаб қўйишар эди. Яъни, сенга келган ваҳийда айтилган кофир ва мушрикларга тушадиган азоб-уқубатдан қўрқмаймиз, чунки сенинг Пайғамбарлигинга ҳам, сенга келган ваҳийга ҳам ишонмаймиз, агар гапинг рост бўлса, ўша ваъда қилаётган азобингни тезроқ келтир, дейишар эди. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг талабларига нима учун шошилишч истижобат бўлмаслигини баён қилмоқда:

«Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни тез келтиргани каби ёмонликни ҳам тезлатса эди, ажаллари битган бўлур эди».

Аллоҳ таоло бандаларига яхшиликни доим, тез, сўраса-сўрамаса бериб келади. Бу, ҳаётда кўрилатган ҳақиқат. Аммо ёмонликни

сўраган заҳоти бермайди. Чунки, ёмонликни ҳам тезда берса, ҳам-малари ҳалок бўлиб кетадилар. Аллоҳ бандаларини бунинг учун яратмаган. Шу боис ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида насиҳат қилиб, кишиларни ўзларига қарши, моллари ва болаларига қарши дуо этишдан қайтарганлар.

Ҳофиз Абу Бакр Баззор Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: «Ўз зиддингизга дуо қилманг, фарзандларингиз зиддига дуо қилманг, молу мулкингиз зиддига дуо қилманг. Яна, Аллоҳдан ижобат бўладиган соатга тўғри келиб, дуонгиз қабул бўлиб қолмасин».

Инсон аччиғи чиққан пайтида саркашлиги қўзиб, оғзига нима келса, гапираверади-ю, аслида, бошига бир оз мушкуллик, мусийбат етса, дарҳол, ундан қутқазилганини сўраб, Аллоҳга ёлборишга тушади. Бу пайтда унинг ҳақиқати кашф бўлади. Аммо, инсон шу даражада ўзгарувчанки, бошидан бало-офат кўтарилгани билан яна аввалги ҳолига қайтиб олади.

Ҳа, сабрсиз инсоннинг ўзига ёмонлик тилаб қилган ҳар бир дуосини Аллоҳ таоло ижобат қилаверганда, одамларнинг ажаллари битган бўлар эди.

«Бас, Биз ила мулоқотда бўлишдан умиди йўқларни тугёнларида ташлаб қўямиз, адашиб-улоқиб юраверадилар.»

Яъни, Аллоҳ таоло охиратда Ўзига рўбарў бўлишларига ишонмайдиغان кофирларни кофирлик – ҳаддан ошганлик ҳолларида тек қўйиб қўяди. Улар эса, тўғри йўлни топа олмай, турли жойларга бошларини уриб юраверадилар. Ҳеч қачон тўғри йўлни – нажот йўлини топа олмайдилар.

Инсоннинг табиати жуда ҳам қизиқ,

وَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ الضُّرُّ دَعَانَا لِجَنبِهِ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَائِمًا فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُ ضُرَّهُ مَرَّ
كَأَن لَّمْ يَدْعُنَا إِلَى ضُرِّ مَسَّهُ كَذَلِكَ زُيِّنَ لِلْمُسْرِفِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٢﴾

12. Қачонки инсонга зарар етса, Бизга ёнбошлаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қиладир. Ундан зарарини кетказсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек, кетаверади. Ана шундай қилиб, исрофчиларга қилаётган амаллари зийнатла-ниб кўрсатилди.

Инсон боласининг иши юришиб турганида, ўзи соғ-саломат, тинч-омон ва роҳат-фароғатда бўлганида ҳеч нарса билан иши йўқ, бу

дунё ҳаётига мағрур бўлиб юраверади. Албатта, Аллоҳ ҳидоятга бошлаган мўмин-мусулмонлардан бошқалари.

Аммо мағрурланиб юрган ўша инсоннинг соғлиғидами, тинчлигидими ёки роҳатидими футур етса, бошига мусийбат келса, дарҳол, Аллоҳ ёдига тушади. Ҳа,

«Қачонки инсонга зарар етса, Бизга ёнбошлаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қиладир».

Оғир кунда қолган инсон, ким бўлишидан қатъиназар, ёнбошлаган, ўтирган ёки тик турган ҳолида, яъни, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга ёлборишни бошлайди. Ҳатто, энг катта кофир, фосиқлар ҳаётида ҳам бундай воқеалар рўй берганига тарихда мисоллар кўп. Турли мусийбатлардан кейин дин йўлига кирганларнинг кўплиги ҳам шу ҳолга далил. Аммо, афсуски, кўплар бундан ўзига яраша хулоса чиқариб олмайди. Бошига мусийбат тушганида Аллоҳга ёлборади-ю:

«Ундан зарарини кетказсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек, кетаверади».

Яна аввалгидек, бу дунё ҳаётига ўзини уради. Аллоҳни унутади. Ўзининг бандалигини унутади. Бир куни келиб, бошига яна қайта мусийбат тушиши мумкинлигини ҳам унутади. Ҳеч нарсадан тап тортмай, ибрат олмай, олдинги ҳолига тушиб қолади.

Бундай кимсаларни Аллоҳ таоло оятда **«исрофчилар»** деб атамоқда ва бошларига мусийбат тушганида Аллоҳга ёлбориб, мусийбат кўтарилганида ҳеч нарса бўлмагандек кетаверишларини «исрофгарчилик» деб васф қилмоқда ҳамда бу ишлари ўзларига зийнатли — чиройли бўлиб кўринишини таъкидламоқда:

«Ана шундай қилиб, исрофчиларга қилаётган амаллари зийнатланиб кўрсатилди».

Аммо, бунинг оқибати яхшиликка олиб бормади. Бунга олдин ўтган исрофчиларнинг аҳволи ҳам далилдир.

وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا الْقُرُونََ مِنْ قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا وَجَاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ وَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا كَذَلِكَ نَجْزِي الْقَوْمَ الْمُجْرِمِينَ ﴿١٣﴾

13. Батаҳқиқ, сиздан олдинги асрларни зулм қилган чоғларида ва Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келганларида иймон келтирмайдиган бўлганларида ҳалок қилганмиз. Жиноятчи қавмларни ана шундай жазолаймиз.

Ўша ўтган асрлардаги кофир ва мушриклар ҳам Пайғамбарларга, Аллоҳдан келган ваҳийга нисбатан ҳозирги кофир ва мушриклар каби

муносабатда бўлган эдилар. Улар ҳам мусийбат етганида Аллоҳга ёлбо-риб, мусийбат кўтарилганида кўрмагандек бўлиб кетавериб, исрофчи-лик қилган эдилар. Бунинг оқибатида улар ҳалокатга учрадилар.

«Батаҳқиқ, сиздан олдинги асрларни зулм қилган чоғларида ва Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келганларида иймон келтирмайдиган бўлганларида ҳалок қилганмиз.»

Агар сиз, ҳозиргилар, ҳалокатга дучор бўлмайлик десангизлар, нажот топмоқчи бўлсангизлар, аввалгиларнинг хатосини такрорла-манглар, улардан ибрат олиб, ўзларингизни ўнганглар. Агар ўзла-рингизни ўнглаб, Аллоҳнинг айтганига юрмасангизлар, аввалгилар-га ўхшаб, ҳалокатга учрашларингиз турган гап. Чунки Биз доимо:

«Жиноятчи қавмларни ана шундай жазолаймиз.»

Сиз яхши билиб қўйингки, Биз бошқаларни (яъни, сиздан аввал яшаб ўтганларни) ҳам, сизни (яъни, ҳозир яшаб турганларни) ҳам бу дунёга беҳудага келтирганимиз йўқ.

ثُمَّ جَعَلْنَاكُمْ خَلَائِفَ فِي الْأَرْضِ مِنْ بَعْدِهِمْ لِنَنْظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

14. Сўнгра, қандай амал қилишингизга назар солишимиз учун уларнинг ортидан сизларни ер юзида ўринбосарлар қилдик.

Ушбу ояти каримада инсон бу дунёда ўзини қандай ҳис қилиши лозимлиги баён этилган. Олдингилардан Аллоҳнинг амрига хилоф қилганлари бу дунёда ҳалокатга учрадилар. У дунёда ҳалокатнинг ҳақиқийсига йўлиқадилар. Ҳозиргиларни эса, Аллоҳ таоло қандай амал қилишларига назар солиш учун аввалгилар ўтиб кетганидан кейин ер юзида ўринбосарлар қилди. Ҳар бир инсон ер юзида ўрин-босар этиб қўйилгандир. Аллоҳ унинг ишларига назар солиб, ҳисоб-китоб қилиб боради. Шу ҳисоб-китоб бўйича, адолат билан, мукофот ёки жазо берилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам ушбу маънони таъкидловчи ҳадиси шарифлар ворид бўлган.

Имом Муслим Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, дунё ширин ва жозибалидир. Албатта, Аллоҳ сизларни унда халифа қилгувчи ва қандай амал қилишингизга назар солиб тургувчидир. Бас, дунёдан ҳазир бўлинглар. Хотинлардан ҳазир бўлинглар. Шубҳасиз, Бани Исроилнинг биринчи фитнаси хотинлардан бўлган», деганлар.

Дунё ҳақида мана шундай тасаввурда бўлишгина инсонни дои-мо бу дунёда яхшилик қилишга ва ёмонликдан четланишга ундаб туради. Бошқа ҳар қандай тасаввур, ҳар қандай омил кутилган на-тижани бера олмаслиги ҳар лаҳзада тасдиқланмоқда.

Аммо ушбу оятлар нозил бўлаётган даврдаги мушрик ва кофирлар ўзларини тамоман бошқача тутдилар.

وَإِذْ اتَّخَذْتُمْ آلِهَتَكُمْ آيَاتِنَا بُيُوتًا أُولَٰئِكَ نَبِئَتْ قُلُوبُهُمْ لَوْمَةً مِّنْ رَبِّهِمْ إِذْ تَبَسَّوْا بِنُجُومِهِمْ أَسْمَاءًا أَكْثَرًا
هَذَا أَوْ بَدَّلَهُ فُلٌّ مَّا يَكُونُ لِي أَن أَبَدِّلَهُ مِنْ تَلْقَائِي نَفْسِي إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيْكُمْ إِنِّي
أَخَافُ إِن عَصَيْتُمْ رَبِّي عَذَابٌ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾

15. Қачонки, уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинганда, Бизга мулоқот бўлишдан умиди йўқлар: «Бундан бошқа Қуръон келтир ёки уни алмаштир», дедилар. Сен: «Мен ўзимча уни алмаштира олмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос. Албатта, мен Роббимга осийлик қилсам, улуғ куннинг азобидан қўрқаман», деб айт.

Ушбу ояти каримада мушрикларнинг ваҳийга нисбатан бўлган яна бир нотўғри муносабатлари баён қилинмоқда. Уларга Аллоҳ таолонинг очиқ-ойдин оятлари тиловат қилинган чоғда, мазкур ояти карималарга иймон келтириб, уларга амал қилиш ўрнига, Пайғамбар алайҳиссаломга ножўя гапларни айтдилар:

«Қачонки, уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинганда, Бизга мулоқот бўлишдан умиди йўқлар: «Бундан бошқа Қуръон келтир ёки уни алмаштир», дедилар».

Бу гапни ўтакетган жоҳилларгина айтиши мумкин. Улар ваҳий нима эканини билишни ҳам хоҳламайдилар. Унинг кимдан чиққанини ҳам, унинг инсоният учун аҳамиятини ҳам билмайдилар.

Қуръони Карим – Аллоҳнинг каломи, мусулмонларнинг ҳаёт дастури. Уни ўзгартириш, алмаштиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким шундай бўлиши мумкин деб эътиқод қилса, ўйласа, кофир бўлади.

Оятда бундай кимсалар «Бизга мулоқот бўлишдан умиди йўқлар» – яъни, қиёматдан умиди йўқлар, дейилмоқда. Сўнгра Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мусулмонларнинг ҳаёт дастури бўлган Қуръон ўрнига бошқа дастур келтиришга ёки уни алмаштиришга даъват қилишга кофирларнинг ҳеч ҳақлари йўқ эканини баён этишни амр қилмоқда:

«Мен ўзимча уни алмаштира олмасман».

Ҳа, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мартабалари қанча юқори бўлмасин, Қуръонни, ҳатто унинг бирор ҳарфини алмаштиришга ҳақлари йўқ. У кишининг вазифалари Аллоҳ таоло

томонидан келган ваҳийни, Қуръонни қабул қилиб олиб, шундай-лигича кишиларга етказишдир.

«Мен, фақат, ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос.»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари шу бўлганидан кейин, бошқа одамлар ваҳийни маҳкам тутиб, ундан қилча ҳам четга чиқмасликлари керак.

«Албатта, мен Роббимга осийлик қилсам, улуғ куннинг азобидан қўрқаман», деб айт.»

Яъни, Қуръоннинг ўрнига бошқа нарса келтириб ёки уни алмаштириб, Роббимга осийлик қилсам, улуғ қиёмат кунининг азобига дучор бўлишдан қўрқаман. Пайғамбар бўлатуриб у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шунчалик қўрқсалар, Қуръон ўрнига бошқа дастур келтираётган ва унинг оятлари ёки ҳукмларини алмаштираётган оддий одамларни нима деса бўлар экан?!

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охи-ратда Аллоҳга йўлиқишдан умиди йўқ кофир-мушрикларга қилаётган раддиялари давом этади:

قُلْ لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا تَلَوْتُهُ عَلَيْكُمْ وَلَا أَدْرَبْتُكُمْ بِهِ ۗ فَقَدْ لَبِثْتُ فِيكُمْ عُمُرًا
مِّن قَبْلِهِ ۗ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٦﴾

16. Сен: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, уни сизларга тиловат қилмас ва уни сизларга ўргатмас эди. Батаҳқиқ, мен орангизда ундан олдин ҳам умр кечирдим. Ақл ишлатиб кўрмайсизларми?» деб айт.

Яъни, мен сизларга ўзимча Қуръон тиловат этиб, унга иймон келтиришга ўзимча даъват қилаётганим йўқ. Аллоҳнинг амри билан бўляпти бу ишлар.

«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, уни сизларга тиловат қилмас ва уни сизларга ўргатмас эди.»

Агар Аллоҳ сизларга Қуръон тиловат этишимни ва уни ўргатишимни хоҳламаса эди, буни қилмасдим.

«Батаҳқиқ, мен орангизда ундан олдин ҳам умр кечирдим. Ақл ишлатиб кўрмайсизларми?» деб айт.»

Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча вақт орангизда умр кечирдим ва шу пайтгача бу ишни қилган эмасдим.

Аммо, Аллоҳдан амр келганидан сўнг, уни бажо келтириб, сизларга Қуръон тиловат этмоқдаман ва уни сизларга ўргатмоқдаман.

Дарҳақиқат, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий келгунича ҳам қирқ йил давомида уларнинг ичида яшаган эдилар. Яхши сифатлари билан улар орасида машҳур бўлган эдилар. Хусусан, ўта ростгўй бўлганларидан «Амин» деган лақаб олган эдилар. Ана шундай сифатларга эга бўлган одам қирқ ёшга кирганида бирдан ёлғон гапириб қолиши, хусусан, Аллоҳнинг номидан ёлғон гапириши ҳеч ақлга сиғмайди. Ўзини билган ҳар бир одам, ҳатто душман, кофир бўлса ҳам, бу ҳақиқатни дарҳол англаб етарди. Рум императори Ҳерақл билан Абу Суфён ва унинг шериклари ўртасида ўтган суҳбатда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари ҳам тилга олинган эди.

Ўшанда Ҳерақл Абу Суфёндан:

«Бу гапларини айтишидан олдин уни ёлғон гапиришда айблаган-мисизлар?» деб сўради. Ўша пайтда куфрнинг боши, мушрикларнинг раҳнамоси бўлган Абу Суфён:

«Йўқ!» деб жавоб берди. Шунда Ҳерақл:

«Менимча, одамларга ёлғон гапирмаган одам Аллоҳнинг номидан ҳам ёлғон сўзламайди», деди.

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшга етгунларича Қуръон ва Ислом ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаган эдилар. Чунки бундай ишлар бўлиб кетишини у киши ўйламаган ҳам эдилар. Қирқ ёшга кирганларида Аллоҳдан ваҳий келди ва у киши амри илоҳийга итоат этиб, ўша ваҳийни одамларга етказа бошладилар. У зот Аллоҳ ҳақида ёлғон гапиришлари мумкин эмасди. Агар шундай қиладиган бўлсалар, Аллоҳ у зотни ўз ҳолларига ташлаб қўймасди, балки жазоларди. Чунки:

فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِآيَاتِهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ
 الْمُجْرِمُونَ

17. Аллоҳга ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, жиноятчилар нажот топмаслар.

Аллоҳ ҳақида ёлғон тўқишлик, Аллоҳдан ваҳий келмаса ҳам, менга ваҳий келди, деб даъво қилишлик сохта пайғамбарликдир. Бу, жуда катта зулмдир.

Тарихда кўплар шундай даъво билан чиқишган ва барчаларининг оқибати ёмон бўлган. Шу билан бирга, иккинчи катта зулм ҳам бор. У, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқаришдир. Бундай зо-

лимлар ҳам доимо ҳалокатга дучор бўлганлар. Чунки жиноятчилар ҳеч қачон нажот топмаганлар, топмайдилар ҳам. Дунёда Аллоҳнинг шаънига ёлғон тўқишдан ва Унинг оятларини ёлғонга чиқаришдан ҳам каттароқ жиноят йўқ-да, ўзи.

Кейинги оятларда мушрикларнинг бошқа кирдикорлари ҳам борлиги зикр қилинади:

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شَفَعَتُنَا
عِنْدَ اللَّهِ قُلْ أَتَنْتَبَهُونَ اللَّهُ يَمَا لَا يَعْلَمُ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا
يُشْرِكُونَ

18. Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қилурлар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиздир!» дерлар. Сен: «Аллоҳга У осмонлару ерда билмайдиган нарсаларнинг хабарини бермоқчимисизлар?!» деб айт. Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок ва юксак Зотдир.

Мушриклар ер юзида халифа бўлиб қолганларидан сўнг Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва ваҳийга ишонмаганлари ҳамда дастури илоҳийга амал қилмаганлари учун ҳам:

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қилурлар».

Ўз қўллари билан ясаган бут-санамларга ва бошқа нарсаларга сиғинадилар. Бу иш жоҳиллик эканини ҳамма ҳам билади. Чунки одам қўли билан ясаб олинган бут-санамлар зарар ҳам, фойда ҳам етказа олмаслиги ҳаммага маълум. Лекин Аллоҳ таълимотидан узоқ бўлган ҳар қандай тафаккурнинг пасткашликка ва аҳмоқликка бориши ҳеч гап эмас. Бут ва санамларга сиғинувчи мушриклар эса, ана ўша пасткашлар рўйхатининг бошида турадилар. Улар ўзлари ибодат қилаётган буту санамларнинг ожизлигини биладилар, аммо:

«Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиздир!» дерлар».

Мантиқсизликни қаранг. Аллоҳнинг иродасига зид ўлароқ, У зотга шерик қилинган бут ва санамлар қиёматда У зотнинг ҳузурида мушрикларга шафоатчи бўла оладими? Аллоҳ бунга изн берадими? Ёлғиз Аллоҳга сиғинмай, Ундан ўзгани худо тутиб, кейин уни шафоатчи қилишнинг нима кераги бор?! Тўғридан-тўғри Аллоҳ

таолонинг Ўзига ибодат қилаверишса, бўлмайдими? Уларнинг назарларида гўё: «Менга ибодат қилинглар», деб Аллоҳ хато қилмоқда, аслида: «Бут ва санамларга ибодат қилинглар, улар Менинг ҳузуримда сизларга шафоатчи бўлади», дейиши керак эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга амр этмоқдаки, эй Пайғамбарим:

«Аллоҳга У осмонлару ерда билмайдиган нарсаларнинг хабарини бермоқчимисизлар?!» деб айт».

Ҳа, мушрикларнинг фикрлари нотўғри:

«Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок ва юксак Зотдир».

Одамлар орасида ана шундай мушриклар – Аллоҳга ширк келтирувчилар ҳам чиқиб туради. Аслида:

وَمَا كَانَ النَّاسُ إِلَّا أُمَّةً وَاحِدَةً فَاخْتَلَفُوا وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ لَقُضِيَ بَيْنَهُمْ فِي مَا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٩﴾

19. Одамлар фақат бир уммат бўлган эдилар. Сўнгра, ихтилофга тушдилар. Агар Роббинг томонидан айтилган сўз бўлмаганида, улар ихтилоф қилаётган нарса ҳақида ораларида ҳукм қилинган бўлар эди.

Дарҳақиқат, Одам Атодан бошлаб ҳамма бир хил ақийдада – тавҳид ақийдасида эди. Аммо, вақт ўтиши билан, турли омилар таъсирида баъзи ихтилофлар келиб чиқди. Айрим одамлар тавҳидни маҳкам тутдилар. Бошқалари ширкка кетдилар. Ҳа,

«Одамлар фақат бир уммат бўлган эдилар. Сўнгра, ихтилофга тушдилар».

Шунингдек, Аллоҳ аввал бошдан сўз бериб, ҳужжат-далил бўлмаса, ҳеч кимни азобламаслигини айтган эди. Шунингдек, У халойиқни маълум вақтгача қўйиб беришини ҳам билдирган. Агар шу сўзлар айтилмаганида, алақачон:

«улар ихтилоф қилаётган нарса ҳақида ораларида ҳукм қилинган бўлар эди».

Ушбу ҳақиқат баён этилганидан сўнг, келаси ояти каримада, яна мушрикларнинг баҳоналарига қайтилади:

وَيَقُولُونَ لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْهِ آيَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَقُلْ إِنَّمَا الْغَيْبُ لِلَّهِ فَانْتَظِرُوا إِنِّي مَعَكُمْ مِنَ الْمُنْتَظِرِينَ ﴿٢٠﴾

20. Ва улар: «Унга Роббидан бир белги – мўъжиза тушса эди», дерлар. Бас, Сен: «Ғайб Аллоҳникидир. Интизор бўлиб туринг, мен ҳам сиз ила интизор бўлувчиларданман», деб айт.

Мушрик ва кофирларнинг одатлари шу: атрофларидаги сон-саноксиз мўъжизалардан кўз юмиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва у кишига келаётган ваҳийнинг ҳақ эканлигини тасдиқловчи алоҳида катта моддий мўъжиза келтиришни қайта-қайта талаб қилишарди.

«Ва улар: «Унга Роббидан бир белги – мўъжиза тушса эди», дерлар.»

Қуръони Карим оятларидан бизга маълумки, ўтган авлодлар орасида бундай мўъжизадан кейин ҳам иймонга келмаганлар бўлса, Аллоҳ таоло ўша қавмни умумий азобга дучор қилиб, ер юзидан йўқотиб юборган. Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари охирги шариат бўлганидан, Аллоҳ таоло мушрикларнинг талаб қилган нарсаларини ортга суришга аҳд қилган эди. Шу боис, Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикларнинг бу бемаъни талабига:

«Ғайб Аллоҳникидир. Интизор бўлиб туринг, мен ҳам сиз ила интизор бўлувчиларданман», деб айт», демоқда.

Яъни, Пайғамбарнинг вазифаси бир белги – мўъжиза келтириш эмас. Бу иш Аллоҳнинг ишидир, хоҳласа, келтираверади. Пайғамбар эса, бошқалар қатори кутиб туради.

Ер юзида халифа бўлиб қолганларнинг айтадиган гаплари ва қиладиган амалларининг баёни тугади. Энди, зарар ва мусийбатдан кейин яхшилик етганида, одамлар ўзларини қандай тутишлари ҳақида сўз кетади:

وَإِذَا أَذَقْنَا النَّاسَ رَحْمَةً مِنْ بَعْدِ ضَرَاءٍ مَسَّتْهُمْ إِذَا لَهُمْ مَكْرٌ فِي آيَانَا نَأْتِي اللَّهُ أَسْرَعُ مَكْرًا
 إِنَّ رُسُلَنَا يَكْتُبُونَ مَا تَمْكُرُونَ

21. Қачонки, одамларга уларга етган зарардан сўнг раҳматни тотдирсак, баногоҳ, уларда оятларимиз ҳақида макр бўлур. «Аллоҳ макрда тезкордир. Албатта, элчиларимиз қилаётган макрларингизни ёзиб борурлар», дегин.

Одам боласининг иши қизиқ: бошига мусийбат тушса, Аллоҳни эслайди, унга ёлборади, халос қилишини сўрайди. Мусийбат кўтарилганида эса, ҳаммаси ёдидан чиқади, туғёнга кетади ва яна гуноҳ ишларга ботади. Ушбу ҳолат ояти каримада:

«Қачонки, одамларга уларга етган зарардан сўнг раҳматни тотдирсак, баногоҳ, уларда оятларимиз ҳақида макр бўлур», деб васф қилинмоқда.

Тафсирчи уламоларимиз «оятлар ҳақида макр»ни истехзо қилиш ва ёлғонга чиқариш, деб тушунтирганлар.

Бундай ҳолатлар қадимги умматларда ҳам бўлганини аввалги сураларда кўриб ўтдик. Фиръавн оиласи бошига офат тушганида ёлбориб, агар бу бало кўтарилса, ўзларини ўнглаб, тўғри йўлга юришга ваъда қилган эди. Бало бошларидан кўтарилгач эса, аксинча, яна туғёнга кетдилар. Бу ишлари ўта жоҳилликдандир. Аллоҳ таолони макр-ҳийла ила алдашга уринишдир. Лекин У зотни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

«Аллоҳ макрда тезкордир. Албатта, элчиларимиз қилаётган макрларингизни ёзиб борурлар», дейиш амр қилингандир.

Ожиз бандалар ўзларича макр қилишга уринадилар. Аммо ҳамма нарсани билгувчи ва ҳар нарсага қодир Аллоҳ уларнинг макрини дарҳол йўққа чиқаради. Бунинг устига, Аллоҳнинг элчилари – фаришталар ҳар бир макрни ёзиб туради. Вақти келганда, ўша ёзув маккорлар зиддига ҳужжат бўлади. Маккорлар икки дунёда ҳам макрларининг азобини тортади.

هُوَ الَّذِي يُسَيِّرُكُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ حَتَّىٰ إِذَا كُنْتُمْ فِي الْفُلِكِ وَجَرَبَ بِهَمِّ بَرِيحٍ طَيْبَةٍ وَفَرِحُوا بِهَا جَاءَتْهَا رِيحٌ عَاصِفٌ وَجَاءَهُمُ الْمَوْجُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ وَظَنُّوا أَنَّهُمْ أُحِيطَ بِهِمْ دَعَوُا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ لَئِنِ أَنْجَيْتَنَا مِنْ هَذِهِ لَنَكُونَنَّ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴿٦٦﴾

22. У сизларни қуруқликда ва денгизда юргизадиган Зотдир. Токи сизлар кемада бўлганингизда ва у(кема)лар яхши еллар ила уларни олиб кетганида ҳамда улар бундан хурсанд бўлганларида, қаттиқ шамол келур ва уларга ҳар томондан тўлқин келур. Ўзларининг қуршовда қолганларини англаганларида, Аллоҳга чин ихлос билан: «Агар бизни мана шундан қутқазсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўлурмиз», деб дуо қилурлар.

Аллоҳга ишонмайдиган инсон, ҳамма нарсани ўзим қиялман, деб ғурурланиб юради. Аслини олганда, у ожиз бир бандадир. Унинг ҳар бир ҳаракати Аллоҳ таолога боғлиқ. Ҳатто қуруқликда ва денгизда юриши ҳам:

«У сизларни қуруқликда ва денгизда юргизадиган Зотдир».

Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси ва риояси бўлмаса, юриб бўпсиз. Бу ҳақиқатни яхшироқ англаб етмоқ учун денгизда юриш ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Айтайлик, денгиз сафарига чиқдингиз.

«Токи сизлар кемада бўлганингизда ва у(кема)лар яхши еллар ила уларни олиб кетганида ҳамда улар бундан хурсанд бўлганларида...»

Яъни, сиз кемага миндингиз, майин еллар эсиб, кемангизни ҳаракатга келтирди. Сиз ўзингизда йўқ хурсандсиз, бу гўзал сафардан завқланиб кетмоқдасиз. Шунда бирдан

«...қаттиқ шамол келур ва уларга ҳар томондан тўлқин келур».

Ҳа, денгизда бирдан қаттиқ шамол туриб қолди. Сиз ҳеч нарса қила олмайсиз. Бу шамолни тўхтатиш ҳам, секинлатиш ҳам қўлингиздан келмайди. Шунингдек, қуруқликка чиқиб, ундан паноҳ ҳам топа олмайсиз. Денгиз ўртасидасиз. Шамол борган сари кучайиб, ҳамма томондан бўрон ўраб олган. Кема қаттиқ чайқалмоқда. Ҳар лаҳзада чўкиб кетиш хавфи бор. Ана шунда, ҳар қанча кофир бўлсангиз ҳам, Аллоҳга ёлвора бошлайсиз. Бут-санамлар ёки бошқа жонсиз нарсаларга ва шахсларга эмас, ёлғиз Аллоҳга чин ихлос билан дуо қилишга тушасиз.

«Ўзларининг қуршовда қолганларини англаганларида, Аллоҳга чин ихлос билан: «Агар бизни мана шундан қутқазсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўлурмиз», деб дуо қилурлар.»

Ушбу хавф-хатардан қутулиб олсангиз, доимо ибодат қилишни, яхшиликка юришни ва ёмонликдан қайтишни кўнглингизга тугасиз. Ана ўша ниятларингиз амалга ошса, жуда яхши бўларди. Аммо:

فَلَمَّا أَنْجَلَهُمْ إِذَا هُمْ يَبْغُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ يَأْتِيهَا النَّاسُ إِنَّمَا بِغَيْرِكُمْ عَلَى
 أَنْفُسِكُمْ مَتَعَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ثُمَّ إِلَيْنَا رُجْعُكُمْ فَنُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٣﴾

23. Бас, қачонки У зот уларга нажот берса, кўрибсизки, улар ер юзида ноҳақдан зулм қилурлар. Эй одамлар! Бу зулмингиз фақат ўз зиёнингизгадир. Бу, ҳаёти дунё матоҳи, холос. Сўнгра, Бизга қайтишингиз бор. Бас, Биз нима амал қилишингизнинг хабарини берурмиз.

Одам болаларининг ҳоли шу: Аллоҳ таоло уларнинг бошларига тушган офатдан нажот берса, бир оз ўтиб, Уни эсидан чиқаради. Хавф-хатар вақтида Аллоҳ таолога ёлбориб, турли ваъдалар берганини ҳам унутди. Яна гуноҳ қила бошлайди. Натижада, ер юзида ноҳақлик, зулм пайдо бўлади. Бу ноҳақликлари, аслида, бирор аҳа-

миятга эга эмас. Бу, ҳаёти дунёнинг ўткинчи матоҳи, холос. Бошқа нима ҳам бўларди? Шу матоҳни деб, Аллоҳнинг айтганидан чиқилди-да, ўзи. Бу эса, айна чоғда, улкан зулмдир.

Аллоҳнинг айтганини қилмай юрганлар нима топадилар? Беш кунлик дунёнинг арзимас матоҳиними? Уй-жой, молу мулк, мансабними? Бу нарсаларни Аллоҳнинг айтганини қилиб туриб топиш осонроқ-ку. Ҳавойи нафснинг истакларини қондирадиларми ё?! Бу истакларнинг – ароқхўрлик, зинокорлик, порахўрлик, айшу ишратларнинг ҳаммаси кони зиён-ку, ахир! Ана шунинг учун ҳам, оятда уларга хитоб қилиниб:

«Эй одамлар! Бу зулмингиз фақат ўз зиёнингизгадир. Бу, ҳаёти дунё матоҳи, холос», дейилмоқда.

Демак, Аллоҳнинг айтганига зид ўлароқ зулм қилганлар ўзларига зиён келтирадилар, холос. Бу зиён бу дунёдаёқ уларнинг ўзларига уради. Турли касаллик, бало-офатлар ва мусийбатларга йўлиқадилар. Қолганини охиратда кўрадилар.

«Сўнгра, Бизга қайтишингиз бор. Бас, Биз нима амал қилишингизнинг хабарини берурмиз».

Қиёматда қилганингизга яраша жазо олурсиз.

Келгуси оятда одамлар қизиқаётган дунё ҳаётининг асл моҳияти баён қилинади:

إِنَّمَا مَثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءٍ أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ مِمَّا يَأْكُلُ
النَّاسُ وَالْأَنْعَامُ حَتَّى إِذَا أَخَذَتِ الْأَرْضُ زُخْرُفَهَا وَازَّيَّنَتْ وَظَنَّ أَهْلُهَا أَنَّهُمْ قَدِرُوا
عَلَيْهَا أَتَاهَا أَمْرٌ نَالِيًّا أَوْ نَهَارًا فَجَعَلْنَاهَا حَصِيدًا كَأَن لَّمْ تَغْنَبِ بِالْأَمْسِ كَذَلِكَ نُفَصِّلُ
الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٤﴾

24. Албатта, дунё ҳаётининг мисоли худди Биз осмондан туширган сувга ўхшайдир. Бас, одамлар ва чорвалар ейдиган ер набототи у билан аралшиб, ер безагини олганда ва зийнатланганда ҳамда унинг аҳли, энди бунга эришдик, деб ўйлаганда, кечаси ёки кундузи унга Бизнинг амримиз келади. Биз уни худди куни кеча яшнаб турмагандек қуритиб қўямиз. Тафаккур қиладиган қавмлар учун оятларимизни ана шундай батафсил баён қилурмиз.

Ушбу ояти каримада бу дунё ҳаёти ва унинг матоҳлари табиатда рўй бериб турадиган ҳодисаларга ўхшатилмоқда. Қуруқ ерга ёмғир ёғиб, сув тушса, одамларга ҳам, чорва ҳайвонларига ҳам озуқа бўла-

диган наботот — ўсимликлар униб чиқади. Бу ўсимликлар ер юзини безайди. Ўсган сари гўзаллиги ортиб боради. Ҳосил вақти яқинлашганида эгаларининг кўзлари қувонади. Энди бир нарсали бўладиган бўлдим, деб келгуси ҳосил устида ҳар хил режалар тузади. Шунда, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, Аллоҳдан амр келиб, ҳалиги ўсимликлар бирдан қуриб қолади. Қуруқ хашакка айланади. Яшиллиги ҳам, гўзаллиги ҳам, мева-ҳосили ҳам йўқ.

Фикрли, фаросатли одамлар учун бу дунё ҳаёти ҳам худди шундай. Инсон туғилади, ўсади. Тинмай ҳаракат қилади. Маълум бир натижаларга ҳам эришади. Аммо, Аллоҳ таоло хоҳлаган лаҳзада у эришган нарсани олиб қўйиши мумкин. Яъни, бу дунё матоҳи бир лаҳзага арзимайдиган нарсадир.

Ҳадиси шарифда ривоят қилинишича, қиёмат куни бу дунёда энг улкан неъматларга эришганларни олиб келиб, дўзахга бир солиб олиб: «Ҳеч яхшилик кўрганмисан? Ҳеч бир неъматга эга бўлганмисан?» деб сўралганида, «Йўқ», деб жавоб берар эканлар. Бундай нарсаларни ҳар бир банд ахши тафаккур қилмоғи лозим.

«Тафаккур қиладиган қавмлар учун оятларимизни ана шундай батафсил баён қилурмиз.»

Аммо тафаккур қилмаганлар, Аллоҳнинг айтганига юрмаганлар бу дунёю у дунёларини куйдиради.

Аслида, ҳар бир инсон Аллоҳнинг айтганига амал қилиб яшамоғи лозим. Чунки:

وَاللَّهُ يَدْعُوا إِلَى دَارِ السَّلَامِ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٢٥﴾

25. Аллоҳ тинчлик диёрига даъват қилур ва Ўзи хоҳлаганларни сиротул мустақиймга ҳидоят қилур.

Аллоҳ бандаларининг икки дунёда ҳам саодатли бўлишларини хоҳлайди. Уларни тинчлик диёрида, омонликда, бахт-саодат ва фароғатда бўлишга чақиради. Кимки Аллоҳнинг чақириғига лаббай деб жавоб берса, У зотнинг айтганларини қилса, барча яхшиликларга етишади. Тўғри йўлда — сиротул мустақиймда барқарор туради. Доимо яхшиликларга соҳиб бўлади.

Чунки:

﴿لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ وَلَا ذِلَّةٌ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾ ﴿٢٦﴾

26. Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Аллоҳга иймон келтириб, унинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бериб, яхши амалларни қилиб яшаган бандалар бу дунёда гўзал ҳаёт кечирадилар. Охиратда эса, бу дунёда қилган гўзал амаллари учун савоб оладилар, жаннатга дохил бўладилар. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Уларга зиёдалик ҳам бордир. Бу зиёдалик шуки, уларга гўзал амалларининг савоби етти, етмиш, етти юз ва ундан ҳам ортиқ марта кўпайтириб берилади. Шунингдек, жаннатдаги олий мақомлар, нозу неъматлар ва бошқа ато қилинадиган нарсалар ҳам шу зиёдаликка киради. Энг улкан зиёдалик эса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг жамолини кўришга муяссар бўлишдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир» оятини тиловат қилдилар ва: «Жаннат аҳллари жаннатга, дўзах аҳллари дўзахга кирганларида, бир жарчи:

«Эй, жаннат аҳллари! Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида У зотнинг сизга берган ваъдаси бор. Ўшани сизга беришни истайди!» деб жар солади.

Жаннат аҳли бўлса:

«У нима экан? Мезонимизни оғир қилиб берди-ку. Юзларимизни оқ қилиб қўйди-ку. Жаннатга киритиб қўйди-ку. Дўзахдан сақлади-ку», дейишади.

Шунда уларга парда очилади. Бас, У зотнинг жамолига назар соладилар. Аллоҳга қасамки, У зотнинг жамолига назар солишдан кўра маҳбуброқ ва кўзларга қувонч бўладиганроқ нарсани Аллоҳ уларга бермаишдир», дедилар. Ҳа,

«Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир».

Аллоҳ ҳаммамизни ўшаларнинг қаторига қўшган бўлсин.

Мазкур бахтиёр бандаларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади:

«Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас».

Балки, юзлари оппоқ ва гулгун бўлади. Чунки:

«Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар».

وَالَّذِينَ كَسَبُوا السَّيِّئَاتِ جَزَاءُ سَيِّئَةٍ بِمِثْلِهَا وَتَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ مَّا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ عَاصِمٍ كَأَنَّمَا
أَغْشَيْتَ وُجُوهَهُمْ قِطْعًا مِّنَ اللَّيْلِ مُظْلِمًا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

27. Ёмонликларни касб қилганларга эса, ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур. Уларни хорлик қоплар. Улар учун Аллоҳдан бирор сақловчи ҳам бўлмас. Юзлари худди тун зулматидан бир парча ила қопланган каби бўлур. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Олдинги, аҳли жаннат васфидаги манзаранинг тамоман акси. Оятда бу дунёда гўзал амаллар эмас, ёмон амаллар қилганлар васф қилинаётир. Ёмонликлари туфайли улар бу дунёнинг ўзида ёмон ҳаёт кечирадилар. Охиратда эса:

«Ёмонликларни касб қилганларга эса, ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур».

Бу ерда зиёдаси йўқ. Амалларига ярашасини тортсалар ҳам, етиб ортади. Аҳли жаннат ҳолига зид ўлароқ:

«Уларни хорлик қоплар».

Яъни, уларга хорлик етмайди, балки бутунлай қоплаб олади. Ҳамда шу ҳолларида доимий тураверадилар. Чунки:

«Улар учун Аллоҳдан бирор сақловчи ҳам бўлмас».

Бу бахтиқаро бандалар шундай ноқулай ҳолатда қоладиларки, уларга назар солган киши ҳайрон бўлади. Чунки:

«Юзлари худди тун зулматидан бир парча ила қопланган каби бўлур».

Бу юзи қаролар кимлар ва улар қандай оқибат топадилар?

«Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.»

وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشْرَكُوا مَكَانَكُمْ أَنْتُمْ وَشُرَكَاءُكُمْ فَرِيقًا بَيْنَهُمْ وَقَالَ
شُرَكَاءُهُمْ مَا كُنْتُمْ إِلَّا نَا تَعْبُدُونَ ﴿٢٨﴾

28. У кунда барчаларини тўплармиз. Сўнгра, ширк келтирганларга: «Сизлар ҳам, шерик қилганларингиз ҳам жойингиздан қимирламангиз», дермиз. Бас, ораларини ажратармиз ва шерик қилинмишлар: «Бизга ибодат этмаган эдингиз.

У кун – қиёмат кунидир. У кунда ҳамма нарсанинг мулки Аллоҳ таолонинг қўлида бўладир. Ўшанда Аллоҳ таоло дунё яралганидан то қиёмат қоим бўлгунича ўтган барчани ҳисоб-китоб қилиб, орани очиқ қилиш учун маҳшарга тўплайди.

«У кунда барчаларини тўплармиз.»

Ҳамма-ҳамма тўпланади. Ҳеч ким бу тўпланишдан четда қола олмайди. Ўшанда ҳаммага бу дунёдаги ишига қараб муомала қили-

нади. Бу дунёда Аллоҳга иймон келтирмаган ва тавҳидга юрмаганларга, яъни:

«ширк келтирганларга: «Сизлар ҳам, шерик қилганларингиз ҳам жойингиздан қимирламангиз», дермиз».

Ушбу жумладаги «Шерик қилганларингиз»дан мурод бут ва санамлардир. Ушбу амру фармоннинг услубиданоқ уларни даҳшатли нарса кутаётгани билиниб турибди. Шундан сўнг:

«Бас, ораларини ажратармиз».

Ҳамма ўзига тегишли гуруҳ билан қолади. Ана ўшанда ҳолат яна ҳам ойдинлашади. Ҳар ким оқибати нима бўлишини аниқ тушуниб қолади. Бу дунёда гапира олмайдиган бут-санамлар тилга кириб, мушриклардан тонадилар:

«Бизга ибодат қилмаган эдингиз».

Шўри қурисин мушрикларнинг! Бу дунёда ихлос билан ибодат этиб, у дунёда бизга шафоатчи бўлади, оғир пайтда бизни оқлаб, қутқазиб олади, деб ишонган «худолари» — бут-санамлари бирдан тилга кириб, энг нозик жойда ишни расво қилиб турибди. У дунёдагидек жим тураверсалар, бўлмасмиди?! Ҳозир ўзларига ибодат қилганлардан тониб турибдилар. Улар ўзига ибодат қилганлардан бутунлай қутулишмоқчи. Мазкур шерик қилинмишлар, яъни, буту санамлар ўзларига ибодат қилган мушрикларга қаратилган сўзларини давом эттириб, яна бундай дейишади:

فَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ إِن كُنَّا عَنْ عِبَادَتِكُمْ لَغَافِلِينَ ﴿٢٩﴾

29. Биз билан сизнинг орангизда шоҳидликка Аллоҳ кифоядир. Биз, албатта, сизнинг ибодатингиздан гофил эдик», дерлар.

Яъни, эй, мушриклар, биз буту санамлар сизларнинг бизга ибодат қилаётганингизни билганимиз йўқ. Бизга ибодат қилинг, деб айтишга имконимиз ҳам йўқ эди. Бунга Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ, дейдилар. Сўнгга:

هُنَالِكَ تَبْلُوا كُلُّ نَفْسٍ مَّا أَسْلَفَتْ وَرُدُّوْا إِلَى اللَّهِ مَوْلَاهُمْ الْحَقُّ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَّا كَانُوا

يَفْتَرُونَ ﴿٣٠﴾

30. Ўша ерда ҳар бир жон ўзи қилиб ўтган ишдан сўралур-хабардор бўлур ва ҳақиқий хожалари Аллоҳга қайтарилурлар. Ҳамда ўзларича тўқиб чиқарган нарсалари улардан ғойиб бўладир.

Ҳа, маҳшарда ҳар бир жоннинг қилган амаллари заррача қолдирмай ҳисоб-китоб қилинади. У ерда ҳар бир жонга у қилган амалларнинг барча – барчаси ҳақида хабар ҳам берилади. Сўнгра, ҳамма, ҳамма жонлар бирорта ҳам қолмай ўзларининг ҳақиқий хожалари, эгалари, Аллоҳ таолонинг амрига қайтариладилар. У ерда мушрикларнинг ўзларича тўқиб олган бут-санамлари уларга ёрдам бера олмай, ғойиб бўладир.

Кейинги оятда охират саҳналаридан бу дунё ҳаётининг воқеаликларига қайтилади. Охиратда мазкур ноқулай ҳолатга тушмаслик учун бугунги кунда ақл ишлатиб, баъзи нарсалардан хулоса чиқариб, ўзини ўнглаб олиш имкони борлиги эслатилади. Ушбу эслатиш Пайғамбаримиз алайҳиссаломга у зот томонидан мушрикларга бериладиган саволни ўргатиш тариқасида келади:

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّن يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣١﴾

31. Сен: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўлиқдан, ўликни тирикдан ким чиқаради? Ишнинг тадбирини ким қилади?» деб айт. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. Бас, сен: «Тақво қилмайсизларми?» деб айт.

Аввалда ҳам бир неча бор такрорланганидек, араб мушриклари Аллоҳнинг борлигини инкор этмас эдилар. Улар «Аллоҳнинг шериги бор» деган ақийдалари билан йўлдан озган эдилар. Улар Аллоҳ тўғрисида нотўғри тасаввурда эдилар. Чунки улар эътиқодда У зот ҳақидаги илоҳий таълимотларга эмас, ўз тушунчаларига суянишарди. Ҳолбуки, инсон тушунчаси комил эмас, ўзгариб туради. Шу боисдан ҳам, араб мушриклари ўз қўллари билан ясаб олган буту санамларни кичик худо санаб, уларга ибодат қилишар ва булар катта Худо ҳузурида бизга шафоатчи бўлади, деб ишонишар эди. Ўтган оятда уларнинг бу эътиқодлари бузуқ экани баён қилинди, энди ҳушларини жойига келтиришга, ўйлаб кўришга чақирилади; хатоларини тўғрилашга уринилади. Эй мушриклар, айтинглари-чи:

«Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради?»

Оддий, аммо тадаббурга чорловчи савол. Инсон ҳаёти давомида Аллоҳ берган ризқ билан тирик. Бусиз у яшай олмасди. У ризқнинг келиб чиқишига, ризққа айланиш жараёнига бир разм солсин. Буларнинг ҳеч бирини ўзи ҳам, бошқа бирор зот ҳам қила

олмаслигига аниқ ишониб етади. Оч қолган одам бир бурда нон тутган шахсга етти эгилиб таъзим қилади. Умр бўйи уни мадҳ этиб юради. Аслини олганда, ўша шахс Аллоҳ берган ризқнинг бир бўлагини оч қолган кишига етказади, холос. Ўзи уни йўқдан бор қилмайди. Шундай бўлса ҳам, бир парча нонни олган шахс берган шахсдан чексиз миннатдор бўлади, мақтовлар айтиб, умр бўйи эсдан чиқармай юради. Ҳолбуки, ҳақиқий шукрни Аллоҳга қилиши керак эди. Чунки, ҳақиқий ризқ бергувчи Аллоҳдир. У фақат оч қолгандагина эмас, балки ҳар вақт, ҳар қандай ризқни ато этгувчидир. Шу боис, инсон умрини доимо ризқ етказиб тургувчи Зотга шукр қилиб ўтказиши керак. Шукр эса, Унга иймон келтириш ва ибодат қилиш билан бўлади. Афсуски, кўплар, араб мушрикларига ўхшаб, бу ҳақиқатни унутиб қўяди. Аммо, ушбу оятдаги: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради?» деган савол ҳамманинг кўзини очиши керак. Ундан кейин яна бир шунга ўхшаш – кўзни очувчи, ақлни ростловчи савол келади. Эй мушриклар, айтинглари:

«Қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким?»

Ўзингизми ёки бут-санамларингизми? Ундан ҳам бошқа нарсалар бўлса, айтаверинг!

Қулоқ ва кўз инсонга берилган энг буюк неъматлардандир. Бу неъматларнинг қадрини эслатиб туриш учун Аллоҳ таоло баъзи бандаларини эшитиш неъматидан, баъзиларини кўриш неъматидан маҳрум қилиб қўяди. Ана ўшаларга ҳеч ким на эшитиш қобилиятини ва на кўриш қобилиятини бера олмайди. Бу борада мақтаниб, оламни бузаётган инсоннинг қилган иши, бор-йўғи, кейинчалик пайдо бўлган баъзи ҳолатларни тузатиш йўли билан эшитиш ёки кўришни бир оз яхшилашга сабаб бўлади, холос. Бунга ҳам Аллоҳ берган ақл ва билимни ишга солиб амалга оширади. Лекин дунё олимларининг ҳаммаси тўпланиб, ҳозиргача битта қулоқ ёки кўз ясай олганлари йўқ. Ясай олмайдилар ҳам. Ҳолбуки, эшитиш ёки кўришни яхшилайдиган фалон асбобни яратдик, деб мақтанишлари оламни олади, ўша асбобларнинг баҳоси ҳам оз эмас. Аммо, дунёдаги барча махлуқотларга инъом этилган эшитиш ва кўришнинг ҳақиқий эгаси кимлигини бир тафаккур қилиб кўрсалар, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бунга қодир эмаслигини англаб етадилар.

Эй, мушриклар, айтинглари:

«тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқаради?»

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган даврдаги одамлар тушунчаси бўйича, ўсиб-ҳаракатланиб турган нарсалар тирик, ҳаракатсиз, ўсмай турган нарсалар ўлик ҳисобланар эди. Ана шу тасаввурга

асосланган аввалги тафсирчиларимиз «ўликдан тирикни чиқариш»га тухумдан қушни, уруғдан ўсимликни, данакдан дарахтни чиқаришни ва шунга ўхшаш ҳолатларни мисол қилиб келтирганлар. Дарҳақиқат, тухум жонсиз нарса, аммо ундан мукамал бир қуш пайдо бўлади. Хўш, буни ким чиқаради? Уруғ ҳам жонсиз бир модда, аммо ерга сочилса, маълум вақтдан сўнг ўсимлик униб чиқади. Дана ҳам жонсиз ва қаттиқ қобиқ билан ўралган, лекин ундан ҳам дарахт ўсиб чиқади. Ёки, аксинча, ҳамма ҳайвонлар тирик бола туғади, қушлар эса, жонсиз тухумни. Ўсиб етилган ўсимликдан жонсиз уруғ чиқади.

Буларнинг ҳаммасини ким қилмоқда? Албатта, Аллоҳ!

Ҳозирда илм тараққий этиб, тухум, уруғ ва данакда ҳаёт борлиги аниқланди. Яъни, уларда нав ёки зотнинг асли бўлади. Маълум бир таъсир этувчи омиллар туфайли улар ҳаракатланиб, қушга, ўсимликка ёки дарахтга айланади. Бу кашфиётдан кейин худосизлар, Худонинг йўқлигига далил топдик, деб қувондилар. Ҳар тарафга аййуҳаннос солдилар. Лекин бир оз вақт ўтгандан сўнг, яна жимиб қолдилар. Чунки аллома Ваҳидуддинхонга ўхшаш мўмин уламолар кофирларни чуқурроқ ўйлашга таклиф этишди. Хўп, тухумда ҳаёт бор экан, маълум бир омил таъсир қилса, қушга айланар экан, ўша қобилиятни тухумнинг ичига ким жойлаб қўйди? Қушнинг тумшуғи, суяги, ичаги ва бошқа аъзолари тухумнинг қаерида эди? Уларни ким бу ҳолга келтирди? Тухум босган она қушми ё инкубаторга тухум қўйган паррандабоқарми ёки кашфиётчи иймонсиз олимми? Уруғдан ўсимлик, данакдан дарахт чиқиши ёки акс жараён хусусида ҳам ўйлаб кўрсинлар!

Буларни ҳам қўйиб, бошқа бир мисол олайлик, дейди мусулмон уламолар. Овқат оловда пиширилганида ундаги ҳамма моддалар, ҳатто микроблар ҳам ўлади. Аммо шу ўлик таом истеъмол қилинса, у инсон ҳаётининг асоси бўлмиш қонга айланади. Хўш, буни ким қилади? Албатта, Аллоҳ!

Эй, мушриклар, айтинглари:

«Ишнинг тадбирини ким қилади?»

Борлиқдаги, коинотдаги, ер юзидаги ҳамма мавжудот маълум бир қоида, тартиб асосида ҳаракатланади. Уларни бу ҳолда ким бошқариб турибди? Ёки бутун борлиқ ўзидан-ўзи шунчалар дақиқлик билан ҳаракат қилмоқдами? Эҳтимол, бирорта иймонсиз кашфиётчи бошқариб тургандир? Йўқ, ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ таоло қилиб турибди.

Бунга араб мушрикларининг ҳам ишончлари комилдир, шунинг учун ҳам, уларга мазкур саволлар берилса,

«Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар».

Эй Пайғамбар, ана шунда уларга:

«Тақво қилмайсизларми?» деб айт».

Яъни, чиндан ҳам шундай бўлса, Аллоҳдан қўрқмайсизларми? У сизга ризқ, қулоқ, кўз берган бўлса, ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқараётган бўлса, борлиқдаги ҳар бир ишнинг тадбирини қилаётган бўлса, нимага Ундан қўрқмайсизлар? Нимага Унга иймон келтирмайсизлар? Нимага Унга ибодат қилмайсизлар?!

Эй, инсонлар!

فَذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمُ الْحَقُّ فَمَاذَا بَعَدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ فَأَنَّى تُصْرَفُونَ ﴿٣٢﴾

32. Бас, мана шу Аллоҳ сизнинг ҳақ Роббингиздир. Ҳақдан сўнг нима бўлади? Магар залолат бўлади. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?

Аллоҳ сизнинг ҳақиқий тарбиякунандангиз – Роббингиздир. Ҳақиқат битта бўлади. У бўлинмайди. Ҳақдан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Фақат ноҳақ бўлади, залолат – адашиш бўлади. Шундай бўлгандан кейин, эй бандалар, Аллоҳнинг ибодатини қўйиб, қайси томонга бурилиб кетмоқдасизлар?! Қаёққа?!

Одамларни тафаккурга, ақлни тўғри ишлатишга даъват қилинса, ҳақиқатни англайдилар, аммо кўплари ўша ҳақиқат бўйича иш кўрмайдилар. Ҳавойи нафсларининг гапига кириб, бошқа томонларга, залолатга бурилиб кетаверадилар.

كَذَلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى الَّذِينَ فَسَقُوا أَنَّهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٣﴾

33. Шундай қилиб, фосиқлик қилганларга Роббингнинг сўзи ҳақ бўлди. Улар иймон келтирмаслар.

Уларни биров иймон келтиришдан ман этгани йўқ. Ўзлари очиқ-ойдин далилларни кўра-била туриб тафаккур қилмайдилар, англаб туриб, яна бошқа ботил йўлга юриб кетадилар. Аллоҳ таоло яратган мантиқни бузганлари учун ушбу бахти қаролик бошларига ёғилади.

Кейинги оятларда Аллоҳнинг қудратига далиллар келтирилади ва бунда мушриклар шерик қилаётган бут-санамларнинг иштироки бор-йўқлиги ҳақида баҳс этилади ҳамда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мушрикларга қарши кескин хитоб қилиш буюрилади:

قُلْ هَلْ مِنْ شُرَكَائِكُمْ مَنْ يَبْدُو الْخَلْقَ ثُمَّ يَعِيدُهُ قُلِ اللَّهُ يَبْدُو الْخَلْقَ ثُمَّ يَعِيدُهُ فَأَنْتُمْ تَوَفَّوْنَ

34. Сен: «Сизнинг шерик келтираётганларингиз орасида махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайтарадигани борми?» деб айт. Сен: «Аллоҳ махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайтарар. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?» деб айт.

Дунёда махлуқотлар — яратилган нарсалар жуда кўп. Инсон ҳатто уларнинг номини тўла билмайди. Янги-янги махлуқлар кашф этилмоқда. Хўш, буларни аввал бошда яратган, йўқдан бор қилган зот ким? Мушриклар Аллоҳ таолога шерик қилаётган бут ва санамларми? Ёки ўртада яна бошқа биров ҳам борми? Бу улкан ҳақиқатни ҳар бир инсон, хусусан, Аллоҳга ширк келтираётган мушриклар жиддий ўйлаб кўришлари лозим ва шартдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзининг ҳабиб Пайғамбарига мушрикларга қарата қуйидагича хитоб қилишни ўргатмоқда. Эй Пайғамбарим, мушрикларга:

«Сизнинг шерик келтираётганларингиз орасида махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайтарадигани борми?» деб айт».

Мавжудот йўқ бўлиб, яна қайтадан вужудга келиши турган гап. Бу мантиқий талаб. Чунки, бу дунёда яшаб ўтиш билан иш битмайди. Бу дунё — вақтинчалик ва нуқсонли дунё. Унда махлуқотлар камолга ета олмайдилар, қилган яхшиликларининг мукофотини, ёмонликларининг жазосини тўлиғича олмайдилар. Адолат ва ҳикмат юзасидан ҳам охират зарурати туғилади. Ана шу охиратга махлуқотни ким қайтаради? Бут-санамларми? Йўқ. Улар ҳам, бошқалар ҳам бу ишни қила олмайдилар.

«Аллоҳ махлуқотни аввал бошда яратиб, сўнгра уни қайтарар.»

Шундай экан, бандалар ҳаммаси У зотга иймон келтириб, У зотгагина ибодат қилишлари керак-ку?! Аммо, эй одамлар, сизлар:

«Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!»

Эй Пайғамбарим!

قُلْ هَلْ مِنْ شُرَكَائِكُمْ مَنْ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ قُلِ اللَّهُ يَهْدِي لِلْحَقِّ أَفَمَنْ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ أَحَقُّ أَنْ يُتَّبَعَ أَمْ لَا يَهْدِي إِلَّا أَنْ يَهْدِيَ فَأَلْكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ

35. Сен: «Сизнинг шерик келтираётганларингиз орасида ҳаққа ҳидоят қиладигани борми?» деб айт. Сен: «Аллоҳ ҳаққа ҳидоят қиладир. Эргашишга ҳаққа ҳидоят қиладиган Зот ҳақдироқми

ёки ҳидоят қилмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож кимсами? Сизга нима бўлди?! Қандай ҳукм қилмоқдасиз?!» деб айт.

Инсон бу дунёда кимга эргашса, тўғри йўлда юрган бўлади ва икки дунёнинг бахт-саодатига эришади? Мушрик ва кофирлар эргашаётган буту санам ва бошқа нарсалар ҳидоятга — тўғри йўлга бошлай оладими? Улар Пайғамбар юбориб, китоб нозил қилиб, инсонларни тўғри йўлга йўллаб, икки дунё бахти билан таъминлай оладиларми? Оятда ушбу масалалар кўндаланг қўйилмоқда.

«Сизнинг шерик келтираётганларингиз орасида ҳаққа ҳидоят қиладигани борми?» деб айт», деган илоҳий амр Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилмоқда. Қани, ким жавоб беради? Инсон ўз қўли билан ясаб олган ҳайкаллар, бут-санамлар ҳаққа ҳидоят қила олмаслигини уларни ясаганлар ҳам, уларга чўқинганлар ҳам яхши биладилар.

Кейинчалик бу содда кўриниш анча мураккаблашди. Ўтмишдаги бут-санамлар эндиликда турли доҳийлар, сиёсий-ижтимоий фирқалар ва тузумлар шаклига кирди. Уларнинг ҳар бири, мен ҳаққа ҳидоят қиламан, деб жар солди. Лекин ҳаммаси бирин-кетин муваффақиятсизликка учраб, йўқ бўлиб кетди ва кетмоқда. Бизнинг асримизда бунга коммунистик тузум яққол мисолдир. Вақтида коммунистлар бутун дунёга жар солиб: «Фақат бизгина инсониятни ҳалокатдан қутқарамиз, фақат бизгина тўғри йўлга бошлаймиз. Фақат бизгина инсонларга бахт-саодат берамиз, уларни ер юзидаги жаннатга — коммунизмга эриштирамиз», дейишган эди. Аммо натижа тамомила аксинча бўлиб чиқди. Коммунистлар ва уларнинг низом-мафкураси туфайли инсоният ўз тарихида кўрмаган бадбахтликларга, қийинчиликларга, ваҳшийликлар ва турли бало-офатларга йўлиқди. Охир-оқибат коммунистлар хатоларини тан олишга мажбур бўлдилар. Энди эса, бошқалар шунга ўхшаш даъволарни қилмоқдалар. Аммо бу ҳам вақтинчалик, қолганлар ҳам бир кун келиб хатоларини тушунадилар. Чунки, инсоният ҳақ йўлдан юрсагина, икки дунё бахтига эришади. Ҳақ йўл эса, фақат биттадир. Зеро, фақатгина:

«Аллоҳ ҳаққа ҳидоят қиладир».

Инсонни яратган ҳам, борлиқни яратган ҳам Аллоҳ. Шу инсон шу борлиқда қандай қилиб ҳаққа эришишини, қандай қилиб икки дунё бахтига муяссар бўлишини ҳам ёлғиз Аллоҳ билади. Шу боисдан, У зот бандаларига Пайғамбар юбориб, илоҳий китоб тушириб, уларни ҳаққа ҳидоят қилиб туради. Фақат Аллоҳнинг ҳидоятига эргашганларгина саодатга эришадилар. Бошқага эргашганлар саодатдан маҳрумдирлар. Келинг, ақлни ишлатиб ўйлаб кўрайлик: кимга эргашмиш керак-у, кимга эргашмаслик керак?

«Эргашмоқликка ҳаққа ҳидоят қиладиган Зот ҳақлироқми ёки ҳидоят қилмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож кимсами?»

Албатта, эргашмоқликка ҳаққа ҳидоят қиладиган зот ҳақлидир. Бу зот эса, шубҳасиз, Аллоҳ таолодир. Шундай экан, эй одамлар, нима учун унга эргашмайсизлар:

«Сизга нима бўлди?! Қандай ҳукм қилмоқдасиз?!»

Ушбу нидо бугун дунёдаги барча инсонларга қаратилгандир.

Чунки ҳозирги одамлар кимга, нимага эргашётганларини билмайдилар:

وَمَا يَسْتَعِزُّ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا ظَنًّا إِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِمَا يَفْعَلُونَ ﴿٦٦﴾

36. Уларнинг кўплари гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақ ўрнида ҳеч нарса бўла олмас. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларини билгувчи Зотдир.

Аллоҳнинг йўлида юрмаганларнинг кўплари, балки ҳаммалари гумон ва тахминга эргашадилар. Улардан, нима учун бу ишни қилмоқдасан, нима учун бу йўлга юрмоқдасан, деб сўралса, берадиган жавоблари фақат гумондан иборат бўлади. Ҳа,

«Уларнинг кўплари гумонга эргашадилар, холос».

Қадимда бутпарастлар, ота-бобомиз шундай қилган, биз ҳам қилмоқдамиз, деб жавоб беришган. Ҳозирда ҳам фалончи айтгани учун, пистончи қилгани учун, дейишади.

«Албатта, гумон ҳақ ўрнида ҳеч нарса бўла олмас.»

Баъзи бировлар «коммунистик ғоя» деган сафсатани ўйлаб чиқарган кишиларни ҳам, уларга эргашганларни ҳам хатодан холи деб гумон қилиб юрдилар. Лекин гумонларининг ҳеч бири ҳақ бўлиб чиққани йўқ. Ҳамма гаплари ёлғон ва нотўғри экани исбот бўлди. Иншоаллоҳ, бошқалари ҳам исбот бўлади.

«Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларини билгувчи Зотдир.»

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло инсониятни ҳидоятга бошлаш учун нозил этган Қуръони Каримнинг ҳақлиги баён қилинади:

وَمَا كَانَ هَذَا الْقُرْآنُ أَنْ يُفْتَرَىٰ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ تَصَدِّقَ الَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ الْكِتَابِ لَا رَيْبَ فِيهِ مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٧﴾

37. Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа томонидан тўқиб чиқарилган эмас. Ва лекин у ўзидан олдингининг тасдиғи ва китобнинг тафсило-тидир. Унда ҳеч шубҳа йўқ. У оламларнинг Роббисидандир.

Қуръони Каримнинг сўз ва маъно жиҳатини ҳам, ҳукм ва ҳидоят жиҳатини ҳам, тарихий ва воқеий жиҳатини ҳам, қисқаси, ҳеч бир жиҳатини Аллоҳдан бошқа зот яратишга қодир эмас. Ҳа,

«Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа томонидан тўқиб чиқарилган эмас».

Бундай китоб фақат оламларнинг Робби Аллоҳ томонидан бўлиши мумкин, холос. Қанча-қанча одамлар Қуръоннинг ўзини эмас, Қуръонга ўхшаш нарсани яратишга уриндилар. Аммо уларнинг ҳеч бири Қуръонни Карим у ёқда турсин, лоақал унинг бир оятига ўхшаш жумлани ҳам келтира олмадилар. Ўшаларнинг кўплари иймонга келиб, аҳли Қуръон бўлдилар. Қуръоннинг соҳиби эса, Аллоҳ, фақатгина Аллоҳдир.

Шу билан бирга, унинг бошқа сифатлари ҳам бор. Шулардан бири: **«Ва лекин у ўзидан олдингининг тасдиғи»**дир.

Яъни, Қуръон ўзидан аввалги Пайғамбар алайҳиссаломларга келган барча китобларнинг ҳақлигини тасдиқловчи китобдир. Яна у:

«китобнинг тафсилотидир».

Яъни, аввалги барча илоҳий китоблардаги маъноларнинг муфассал баёнидир.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَيْنَاهُ قُلْ فَآتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ ۚ وَادْعُوا مَنِ اسْتَضَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣٨﴾

38. Ёки ўзи тўқиб олган дерларми? Сен: «Агар ростгўй бўлсангиз, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва (бу ишга) Аллоҳдан бошқа, кучингиз етганича, кимни хоҳласангиз, чақиринг», деб айт.

Гапнинг хулосаси – шу. Чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Модомики, кофирлар Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб чиқарган, дейишаётган экан, демак, уни бошқа бир инсон ҳам ярата оларканда?! Уларнинг сўзларидан шу маъно чиқади-да. Эй, Пайғамбари охири замон! Сен ўша «Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб олган» деб айтаётган кофирларга:

«Агар ростгўй бўлсангиз, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва (бу ишга) Аллоҳдан бошқа, кучингиз етганича, кимни хоҳласангиз, чақиринг», деб айт.

Ҳа, агар шундай бўлса, ўзлари Қуръони Каримнинг ҳаммасини эмас, ҳеч бўлмаса биттагина сурасининг ўхшашини тўқиб келтирсинлар. Озчилик бўлсалар, хоҳлаганларича ёрдамчи чақираверсинлар. Бутун дунё бир бўлиб уринсалар-да, Қуръони Каримдаги энг кичик суранинг ҳам мислини яратишга қодир эмаслар.

Бу таклиф воқеликда бўлган. Уни бажаришга уриниб кўрган кофирлар ҳам бўлганлар. Аммо улар ҳеч нарсани эплай олмаган-

лар. Бу собит ҳақиқатдир. Асрлар, йиллар, ойлар ва кунлар ўтиши билан Қуръони Каримнинг илоҳий мўъжизалиги тобора аёнлашиб бормоқда. Илм-фаннинг ривожланиши бунга сабаб бўляпти. Кўпгина илм эгалари иймонга келиб, Исломни қабул этмоқда. Улар «Нима учун мусулмон бўлдингиз?» деган саволга, «Қуръонни ўқиб чиқдим, бундай китобни Аллоҳнинг Ўзи яратмаса, инсон зоти тўқиб чиқара олмайди, деган фикрга келдим ва мусулмон бўлдим», деб жавоб бермоқдалар. Аммо, қадимда бўлганидек, ҳозир ҳам кўпчилик бу илоҳий китобни ўқимай ёки уни инсоф ила ўрганмай туриб, инкор қиладилар. У ҳақида турли бўлмағур гаплар айтадилар. Ҳаммаларининг — аввалгиларнинг ҳам, кейингиларнинг ҳам Қуръони Карим ҳақидаги гаплари нотўғридир.

بَلْ كَذَّبُوا بِمَا لَمْ يُحِيطُوا بِعِلْمِهِ ۗ وَلَمَّا يَأْتِهِمْ تَأْوِيلُهُ كَذَّابَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ ۗ فَانظُرْ
كَيْفَ كَانَتْ عِقَابَةُ الظَّالِمِينَ ﴿٣٩﴾

39. Балки, улар ўзлари илмини билмаган нарсани, уларга унинг таъвийли етмай туриб, ёлғонга чиқардилар. Улардан олдингилар ҳам шундай ёлғонга чиқарган эдилар. Золимларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

Йўқ! Улар айтган гап тўғри эмас. Улар Қуръон илмига эга бўлмай, уни етарлича ўрганмай туриб, у ҳақида ёлғондан гапирадилар. Уларга Қуръон оятларини таъвийл қилиш, тушуниш илми етиб келгани йўқ. Шунга қарамай, Қуръон ҳақида ўзларича гапираверадилар.

«Улардан олдингилар ҳам шундай ёлғонга чиқарган эдилар».

Аллоҳга ва У зотнинг каломига қарши чиққанларнинг гапи доимо ёлғондир. Улар золимлардир.

«Золимларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.»

Албатта, уларнинг оқибати яхши бўлмаган.

Кўпчилик фақат гумонга эргашади, баъзилари Қуръон ҳақида илми бўлмаса ҳам, ёлғон гапни гапираверадилар, баъзилари эса, унга иймон келтиришлари мумкин. Ҳа:

وَمِنْهُمْ مَّنْ يُؤْمِنُ بِهِ ۗ وَمِنْهُمْ مَّنْ لَا يُؤْمِنُ بِهِ ۗ وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِالْمُفْسِدِينَ ﴿٤٠﴾

40. Улардан унга иймон келтирадиганлар ҳам бор ва улардан унга иймон келтирмайдиганлар ҳам бор. Роббинг эса, бузғунчиларни яхши билгучи Зотдир.

Демак, Қуръонга иймон келтирмайдиганлар бузғунчилардир. Чунки бузғунчилик ва Қуръон бир-бирларига тамоман қарама-қарши тарафлардир. Табиатига бузғунчилик ўтириб қолган кимсаларга Қуръоннинг тўғрилиги, бузғунчиликка қарши кураши ёқмайди. Шу боис, улар Қуръондан четлашадилар, у ҳақида ёлғон гаплар айтадилар.

Лекин Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билиб тургувчи Зот. Жумладан, бузғунчиларни ҳам яхши билади. Уларнинг жазосини Ўзи билиб беради.

Мушрикларнинг Қуръони Каримга муносабати баён қилинганидан сўнг, келаси оятларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни уларнинг бу қилмишларидан таъсирланмасдан, ўз йўларида давом этаверишга, улар билан ора очиқ эканини эълон қилишга чақирилади:

وَإِنْ كَذَّبُوكَ فَقُلْ لِي عَمَلِي وَلكُمْ عَمَلُكُمْ أَنْتُمْ بَرِيءُونَ مِمَّا أَعْمَلُ وَأَنَا بَرِيءٌ مِمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٤١﴾

41. Агар улар сени ёлғончи қилсалар, сен: «Менга ўз ишим, сизларга ўз ишингиз, сизлар мен қиладиган ишдан поксизлар, мен сизлар қиладиган ишдан покман», деб айт.

Улар шунчалик далилларни кўриб-билиб, ҳақиқатни англаб етганларидан кейин ҳам иймон келтирмасалар, сени ёлғончига чиқарсалар, унда улар билан орани очиқ қилишингдан бошқа чора қолмайди. Эй Пайғамбарим! Уларга йўлар бошқа-бошқа эканини билдириб:

«Менга ўз ишим, сизларга ўз ишингиз...» деб айт.

Шу билан бирга, орада ҳеч бир алоқа қолмаганини ҳам таъкидлаш лозим. Бўлмаса, улар орқадан яна ҳар хил гаплар қилиб юришлари мумкин:

«...сизлар мен қиладиган ишдан поксизлар, мен сизлар қиладиган ишдан покман», деб айт.»

Ҳа, сенинг улар қиладиган турли ишлар ила мутлақо алоқанг йўқ. Шунингдек, уларнинг ҳам сен қиляётган ишлар билан мутлақо алоқалари йўқ. Сизлар тамоман бошқа-бошқа йўлдасизлар.

وَمِنْهُمْ مَّنْ يَسْتَمِعُونَ إِلَيْكَ أَفَأَنْتَ تُسْمِعُ الصُّمَّ وَلَوْ كَانُوا لَا يَعْقِلُونَ ﴿٤٢﴾

42. Ва улардан сенга қулоқ тутадиганлари ҳам бор. Агар ақл ишлатмасалар, карқулоқларга сен эшиттира олурмисан?!

Мазкур ноқобил кишилар ичида сенга юзаки қулоқ осадиган, аммо ақл ишлатиб, айтганларингнинг маъносини англашга ҳаракат қилмайдиганлар бор. Эшитганини англамайдиган одам карқулоқ билан тенг. Карқулоққа бир нарсани эшиттириш эса, сенинг ишинг эмас.

Шунингдек:

وَمِنْهُمْ مَّن يَنْظُرُ إِلَيْكَ أَفَأَنْتَ تَهْدِي الْعُمَىٰ وَلَوْ كَانُوا لَا يَبْصُرُونَ ﴿٤٣﴾

43. Улардан сенга назар соладиганлари ҳам бор. Агар ўзлари (қалб кўзлари ила) кўрмасалар, кўрларни сен ҳидоят қила олурмисан?!

Ўша бемаъни кишилардан баъзилари сенга назар соладилар, аммо қалб кўзлари кўр, кўрган нарсаларидан ибрат олмайдилар. Улар кўрлардан ҳам баттардир. Ундай кўрларга сен ҳидоят йўлини кўрсата олурмисан? Модомики, сени ва сендаги мўъжизаларни кўриб туриб ҳам, кўзлари очилмаган экан, уларга ҳеч ким, ҳатто сен ҳам ҳидоят йўлини кўрсата олмайсан.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ النَّاسَ شَيْئًا وَلَكِنَّ النَّاسَ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٤٤﴾

44. Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч зулм қилмас, ва лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло томонидан бандаларга нисбатан заррача зулм содир бўлмас. Чунки, зулм Аллоҳ таолонинг зотига мутлақо бегона нарсадир. Ушбу иймон масаласини олганда ҳам, Аллоҳ таоло одамларга ҳеч зулм қилмаслиги очиқ-ойдин кўриниб туради. Аллоҳ таоло инсонга ақл-идрок берган, у ўша ақл-идрок ила Аллоҳга иймон келтирмоғи лозимдир. Лекин Аллоҳ таоло бандаларга яна ҳам меҳрибонлик қилиб, Пайғамбар юбориб, Ўз китобини тушириб, ҳидоят йўлини равшанлаштириб қўйибди. Одамлар ўша йўлга юрсалар, бўлди. Бошқа ҳеч қандай уринишнинг ҳожати йўқ. Аммо одамларнинг кўплари ўзларига ўзлари зулм қиладилар. Кўриб билиб туриб ўзларига фойдали бўлган йўлга юрмай, ҳалокат йўли — куфр ва мунофиқлик йўлини танлайдилар. Улар шу билан ўзларига ўзлари зулм қиладилар. Уларнинг энг катта зулмлари Ислом динига юрмасликларидир.

Кейинги оятда кишиларни сергаклантириш учун ажойиб услуб билан охират эслатиб ўтилади:

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ كَأَن لَّمْ يَلْبَسُوا إِلَّا سَاعَةً مِّنَ النَّهَارِ يَتَعَارَفُونَ بَيْنَهُمْ قَدْ خَسِرَ الَّذِينَ كَذَّبُوا
بِلِقَاءِ اللَّهِ وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ ﴿٤٥﴾

45. Уларни тўплайдиган кунда худди наҳордан бир соатгина турганга ўхшаб, бир-бирлари билан танишурлар. Батаҳқиқ, Аллоҳнинг мулоқотини ёлғонга чиқарганлар ва ҳидоят топганлардан бўлмаганлар зиён қилурлар.

Яъни, қиёмат қоим бўлиб, одамлар Аллоҳнинг амри ила маҳшарга тўпланганида, улар бир-бирларига, бу дунёда кундузи бир соатгина яшаган эдик, шекилли, дейдилар. Ҳа,

«Уларни тўплайдиган кунда, худди наҳордан бир соатгина турганга ўхшаб, бир-бирлари билан танишурлар».

Бу ҳоллари дунё ҳаётининг нақадар қисқа ва ҳақир эканини кўрсатади. Ана ўша маҳшар кунида ушбу беш кунлик арзимас дунёда қилинган амалларга қараб, ҳақиқий ва абадий дунёнинг ҳукми чиқарилади. У ҳукмга биноан:

«Аллоҳнинг мулоқотини ёлғонга чиқарганлар ва ҳидоят топганлардан бўлмаганлар зиён қилурлар».

Улар беш кунлик дунёни деб абадий охиратини куйдирганлардир. Арзимаган замон ҳавоий нафсларининг гапига кириб, абадул абад азоб-уқубатда қолурлар. Жаҳаннамда абадий ёнурлар.

Эй Пайғамбар!

وَإِمَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ أَوْ نَتُوفِينَاكَ فَإِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ ثُمَّ اللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ ﴿٤٦﴾

46. Ёки сенга уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини кўрсатамиз ёки сени вафот эттирамиз. Бас, уларнинг қайтишлари Бизгадир. Сўнгра, нима қилаётганларига Аллоҳ шоҳиддир.

Маълумки, кофир ва осийларга Аллоҳ таоло томонидан азоб-уқубат келиши ваъда қилинган. Аммо, фалон пайтда келади, деб вақти аниқ тайин қилинмаган. Мазкур азобнинг келиши Аллоҳ таолонинг Ўзигагина боғлиқдир.

Ушбу ҳақиқат оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган хитобда баён қилинмоқда. Бу борада икки ишдан бири бўлади. Эй Пайғамбар!

«Ёки сенга уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини кўрсатамиз...»

Яъни, эй Пайғамбар, сенга у кофирларга ваъда қилган азобларимизнинг баъзисини тириклик чоғингдаёқ кўрсатамиз — уларни

азоб ва иқобга дучор қиламиз. Сен буни ҳаёт чоғингда ўз кўзинг билан кўрасан.

Ёки уларга азоб-уқубат юборишимиздан олдин

«...сени вафот эттирамиз».

Сен уларнинг азоб-уқубатга дучор бўлганларини кўрмасдан ҳам вафот этишинг мумкин. Лекин гап сенинг кўришинг ёки кўрмаслигинда эмас. Гап уларнинг албатта азоб-уқубатга дучор бўлишларидадир.

«Бас, уларнинг қайтишлари Бизгадир.»

Биздан бошқага эмас. Ана ўшанда улар билан яхшилаб ҳисоб-китоб қилинади. Улар азоб келмаётганидан ғурурга кетмасинлар. Охиратда, албатта, Аллоҳга қайтишлари бор.

«Сўнгра, нима қилаётганларига Аллоҳ шоҳиддир.»

Ҳаммасини кўриб-билиб турибди. Кофир ва зolimларга ваъда қилган азобларни кечиктиришда нима ҳикмат борлигини Ўзи билади.

وَإِذْ كَلَّمَ رَسُولٌ فَإِذَا جَاءَ رَسُولُهُمْ قُضِيَ بَيْنَهُمْ بِالْقِسْطِ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٥٧﴾

47. Ҳар умматнинг ўз Пайғамбари бордир. Қачонки уларга Пайғамбарлари келса, ораларида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.

Ҳамма иш Аллоҳнинг ихтиёри билан бўлади. Шу жумладан, баъзи қавмларга азоб етиш ёки етмаслиги ҳам. Шу билан бирга, бундай ишларнинг юзага келишидан дарак берувчи аломатлар ҳам бор. Мисол учун, бир қавмга азоб келиши уларнинг Пайғамбари келгунча кечиктирилади. Зотан:

«Ҳар умматнинг ўз Пайғамбари бордир».

Ўша Пайғамбарнинг келиши ҳам Аллоҳнинг ихтиёридадир. Пайғамбар келиб, уларни огоҳлантиради, дин ҳукмларини баён қилади, ҳидоят йўлига даъват этади. Қавмдан баъзилари иймон келтириб, унга эргашадилар. Баъзилари куфр келтириб, саркашлик қиладилар. Ана шунда Пайғамбарга бўлган муносабатларига қараб, улар орасида адолат билан ҳукм чиқарилади.

«Қачонки уларга Пайғамбарлари келса, ораларида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.»

Шундай экан, кофирлар ва осийлар кўзларини очсинлар. Даъватчилар ва ҳақ йўлда курашаётганлар сиқилмасинлар, шошилмасинлар, сабр билан курашларини давом эттираверсинлар.

Кофир ва мушриклар эса, бошларига азоб келмаётганидан, ўзларини ҳақ деб биладилар. Шунинг учун ҳам, Ҳазрати Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сурбетлик билан қайта-қайта сўрар эдилар.

وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَذَا الْوَعْدِ ۖ إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿٤٨﴾

48. Улар: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлади?» дерлар.

Яъни, мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«**Агар ростгўйлардан бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлади?**» деган саволни сўрар эдилар. Яъни, сизлар «Кофирларга Аллоҳнинг азоби бўлади», деган гапингизда ростгўйлардан бўлсангиз, айтингчи, ўша азоб ҳақидаги ваъда қачон воқе бўлади? – деб сўрардилар.

Кофирларнинг бу саволининг жавобини ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ўргатмоқда:

قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي ضَرًّا وَلَا نَفْعًا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ لِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ ۖ إِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ فَلَا يَسْتَعْجِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٤٩﴾

49. Сен: «Мен ўзим ҳам на зарарга ва на фойдага молик эмасман. Магар Аллоҳ нимани хоҳласа (шу бўлади). Ҳар умматнинг ўз ажали бор. Ажаллари келган вақтда бир соатга орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар», деб айт.

Гапнинг хулосаси – шу. Бировга зарар ёки фойда етказиш фақат Аллоҳнинг иши. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига на зарар, на фойда етказа олмасалар, демак, ўзгаларга ҳам етказа олмасликлари турган гап. Лекин улар ҳадеб у зотдан ваъда қилинган азоб қачон келишини сўрайверадилар. Аслида эса,

«**Аллоҳ нимани хоҳласа (шу бўлади)**».

Аллоҳ азоб юборишни хоҳласа, азоб келади, хоҳдамаса, келмайди. Сизлар шошилиб, ҳадеб сўрайверманглар:

«**Ҳар умматнинг ўз ажали бор**».

У ажални Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилаб қўйган ва қачон келишини ҳам фақат У зотнинг Ўзи билади. Аммо умматлар:

«**Ажаллари келган вақтда бир соатга орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар**».

Ажал келган соатнинг айнаи ўзида ҳалок бўладилар. Бунга ўтган умматлар, хусусан, Қуръони Каримда зикри келган умматлар ёрқин мисолдир. Баъзи уламоларимиз, умматларнинг ҳалокати фақат жисмоний бўлиши шарт эмас, маънавий ҳалокат ҳам шунга киради, дейдилар.

Эй Пайғамбар!

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَتَاكُمْ عَذَابُهُ بَيِّنَاتًا أَوْ نَهَارًا مَّاذَا يَسْتَعْجِلُ مِنْهُ الْمُجْرِمُونَ ﴿٥٠﴾

50. Сен: «Хабар беринг-чи, агар Унинг азоби сизларга кечаси ёки кундузи келса, жиноятчилар унинг нимасига шошилмоқдалар?» деб айт.

Мушрик-кофирларга қарата айтилиши лозим бўлган бу саволни ҳам Аллоҳ таоло Пайғамбарига Ўзи ўргатаётибди. Бу савол уларнинг ғоятда мантиқсиз талаб қўяётганларини фош қилади. Мушриклар азобни кўришга ошиқиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан унинг қачон келишини қайта-қайта сўраб эдилар. Айтайлик, азоб келди ҳам, аммо кейин нима қилишади, унинг нимасига ошиқишади? Ахир, азоб келса, ҳалок бўлишади-ку! Унга ошиқининг нима фойдаси бор?!

Барибир, вақти-соати етиб, ўша ваъда қилинган азоб бошингизга тушади. Унинг таъмини албатта тотасиз. Ўшанда унинг ҳақлигига албатта ишонасиз. Ўшанда сизларга қуйидаги хитоб ҳам қилинади:

أَمْ إِذَا مَا وَقَعَ ءَامَنُكُمْ بِهِ ءَلَا كُنْتُمْ بِهٖ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٥١﴾

51. У воқе бўлганидан сўнг унга ишондингизми? Энди-я?! Уни, тезроқ келсин, деб шошилаётган эдингиз-ку?!

Ҳа, Аллоҳ таоло томонидан кофирларга ваъда қилинган азобнинг тушиши муқаррар. Қачон бўлса ҳам, у барибир тушади. Ана ўша вақтда мушрик ва кофирларга:

«У воқе бўлганидан сўнг унга ишондингизми?»

Эй, мушриклар! Эй, кофирлар! Ваъда қилинган азоб воқе бўлганидан кейингина унга ишондингизми?!

«Энди-я?!»

Авваллари, беш кунлик ҳаёти дунёда қаёқда эдингиз?! Нима учун ўша пайтда бу азобга ишонмаган эдингиз?! Энди нимага дод-вой солмоқдасиз?! Ўшанда,

«Уни, тезроқ келсин, деб шошилаётган эдингиз-ку?!»

деган сўзлар айтилади. Ҳамда:

ثُمَّ قِيلَ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا ذُوقُوا عَذَابَ الْخُلْدِ هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا بِمَا كُنْتُمْ تَكْسِبُونَ ﴿٥٢﴾

52. Сўнгра, зулм қилганларга: «Мангу азобни тортинглар. Фақат касб қилганингизга яраша жазо олурсизлар, холос», дейилур.

Бу ҳолат охиратда бўлади. Улар бу дунёда қилган зулмлари — Аллоҳга иймон келтирмаганлари учун қилмишларига яраша жазо оладилар, дўзахда мангу қоладилар.

Эй Пайғамбар!

﴿ وَيَسْتَنْبِئُونَكَ أَحَقُّ هُوَ قُلُّ إِى وَرَبِّي إِنَّهُ لَحَقُّ وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ ﴾

53. Улар сендан: «У ҳақми?» деб сўрарлар. «Ҳа, Парвардигорим ҳаққи, албатта, у ҳақдир ва сизлар қочиб қутулувчи эмас-сизлар», деб айт.

Яъни, мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ваъда қилинаётган азоб ҳақми?» деб яна қайта сўрайдилар. Аллоҳ таоло эса, Пайғамбарига:

«Ҳа, Парвардигорим ҳаққи, албатта, у ҳақдир ва сизлар қочиб қутулувчи эмассизлар», деб айт», деб ўргатмоқда.

Ҳа, қиёмат ҳақ, унда кофир, мушрик ва гуноҳкорларнинг азобга дучор бўлишлари ҳам ҳақ. Улар ҳеч қачон ундан қочиб қутула олмайдилар.

﴿ وَلَوْ أَنَّ لِكُلِّ نَفْسٍ ظَلَمَتْ مَا فِى الْأَرْضِ لَافْتَدَتْ بِهِ ۗ وَأَسْرُوا النَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوْا الْعَذَابَ وَفِىْ بَيْنِهِمْ بِالْقِسْطِ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴾

54. Агар ҳар бир зулм қилган жонга ер юзидаги ҳамма нарса берилсаю уни фидо қилса ҳам. Азобни кўрганларида ичларида надомат чексалар ҳам. Улар ўртасида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.

Яъни, қиёмат кунида золимлар ҳар қанча уринсалар ҳам, жазодан қутула олмайдилар. Агар, фаразан, ўша кофир, мушрик ва золимларнинг ҳар бирига ер юзидаги ҳамма нарсалар тўплаб берилиб, мана шуларни сарфла, фидо қил, ўзингни қутқариб қол, дейилса ва у шуни қилса ҳам, барибир, қутула олмайди.

Шунингдек, ўша мушрик, кофир ва золимлар азобни кўрган чоғларида ич-ичларидан надомат чекиб, афсуслансалар, тавба-тазарру қилсалар ҳам, қутула олмайдилар. Чунки, у пайтда вақт ўтган, ҳисоб-китоб пишган бўлади.

«Улар ўртасида адолат ила ҳукм чиқарилур. Уларга зулм қилинмас.»

Шунинг учун, бу дунёда огоҳ бўлиб, Аллоҳнинг айтганидан чиқмай яшамоқ лозим. Ҳа,

أَلَا إِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ ۗ أَلَا إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾

55. Огоҳ бўлинг! Осмонлару ердаги нарсалар, албатта, Аллоҳникидир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг ваъдаси, албатта, ҳақдир. Лекин кўплари билмаслар.

Эй, кофирлар, фосиқлар, осийлар! Огоҳ бўлинглар! Аллоҳнинг азобидан қутулиб қоламан, деб хомтама бўлманглар!

«Осмонлару ердаги нарсалар, албатта, Аллоҳникидир.»

Шундай бўлгандан кейин, етти қават осмоннинг устига чиқиб олсангиз ҳам, етти қават ернинг тагига кириб кетсангиз ҳам, барибир, хоҳлаган вақтида, хоҳлаган жойида ва хоҳлаганидай қилиб сизни азоблайди. У зот золимларни – кофир, фосиқ ва осийларни азоблашни ваъда қилган.

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг ваъдаси, албатта, ҳақдир.»

У ваъдасига хилоф қилмайди. Кофир, фосиқ ва осийларни азобламай қўймайди.

«Лекин кўплари билмаслар.»

Шунинг учун, кофирлик, фосиқлик ва осийлик қиладилар.

Эй одамлар, кўзингизни очинглар! Огоҳ бўлинглар!

هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ ۗ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٥٦﴾

56. У тирилтирур ва ўлдирур ва Унгагина қайтарилурсизлар.

Бошқа ҳеч кимга эмас. Ҳаёт беришга, ўлим етказишга ва Ўзига қайтариб олишга қодир бўлган Зот ҳисоб-китоб этиб, қилмишингизга яраша жазо беришга ҳам қодирдир.

يَتَأْتِيهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ ۖ وَشِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ ۖ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾

57. Эй одамлар! Сизга ўз Роббингиздан мавъиза, кўксингиздаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди.

Эй одамлар! Қуръонни ёлфон деманг! Қуръонни фалончи тўқиган, деманг! Унинг тўғрисида шубҳа қилманг.

«Сизга ўз Роббингиздан мавъиза» келди.

У сизларга икки дунё бахтига эришишингиз учун керакли мавъизалар, панд-насихат ва кўрсатмалар йўлади.

Бу Қуръон оддий китоб эмас, у Роббингизнинг ҳузуридан сизнинг

«кўксингиздаги нарсага шифо»

бўлиб келгандир.

У қалбингиздаги руҳий, маънавий дардларингизнинг барчасига шифо бўлиб келди. Шуларнинг қаторида сизнинг ичингиздаги

«мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди».

Ким Қуръонга иймон келтириб, мусулмон бўлса, у ўша одамни ҳидоятга бошлайди, Аллоҳнинг раҳматига эриштиради.

Кейинги ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилиб, Қуръони Каримнинг васфини одамларга баён қилиб беришни амр этмоқда:

قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلْيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ

58. Сен: «Аллоҳнинг фазли ила ва Унинг раҳмати ила. Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир», деб айт.

Бир умматга икки дунё бахтига эриштирувчи илоҳий китоб берилиши ўша миллатга Аллоҳнинг фазли ва марҳаматидир. Ҳа, Қуръони Каримнинг Аллоҳ таоло томонидан Ислом миллатига берилиши

«Аллоҳнинг фазли ила ва Унинг раҳмати ила» бўлгандир.

Бу миллат ушбу фазли илоҳий ила, раҳмати Роббоний ила қанча хурсанд бўлса, арзийди.

«Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар.»

Аллоҳ таолонинг фазли ва марҳамати бўлмиш Қуръони Каримга иймон келтириб, уни ўзига дастур қилиб олган зотлар ўша энг улуғ фазл ва раҳматга эришган кишилар сифатида қанча хурсанд бўлсалар, шунча оз.

«У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир.»

Қуръонга эришиш дунёдаги бошқа ҳамма нарсаларни жамлаб, ўшаларга эга бўлишдан кўра яхшироқдир.

Афсуски, мусулмонман, деб юрган кўплар Аллоҳнинг бу фазли ва раҳматининг қадрини билмаяптилар. Турли моддий ва бошқа

талаблар ортидан кетмоқдалар. Ўша қадрсиз нарсаларни деб, ўзларини ўтга-чўққа урмоқдалар. Илоҳий таълимотни – Қуръонни қўйиб, бошқа таълимотлар ортидан боряптилар. Қуръон таълимотига юрилмаса, залолатга кетиш турган гап. Қуйидаги оятларда ана шунга ўхшаш залолатлардан бири ҳақида сўз кетади:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ لَكُمْ مِنْ رِزْقٍ فَجَعَلْتُمْ مِنْهُ حَرَامًا وَحَلَالًا قُلْ إِنَّ اللَّهَ أَذِنَ لَكُمْ أَنْ تَأْكُلُوا عَلَى اللَّهِ تَفَتُّوْنَ ﴿٥٩﴾

59. Сен: «Аллоҳ сизга нозил қилган ризқдан хабар беринг-чи! Уни ҳаром ва ҳалол қилиб олдингиз!» деб айт. Сен: «Аллоҳ сизга изн бердими ёки Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқияпсизми?» деб айт.

Сураи кариманинг аввалида зикр қилинганидек, бандага ризқни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. У зотдан бошқа ризқ берувчи йўқ.

Шунга биноан, ризқни берувчи зотгина, унинг ҳақиқий эгасигина ўша ризқни ҳалол ёки ҳаром қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу ишга ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо мушрик ва кофирлар бунга кўнмайдилар. Улар ўзларига баъзи нарсаларни ҳалол ва баъзи нарсаларни ҳаром қилиб оладилар. Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг ҳаққига қилган тажовузлари савол тариқасида исбот этилмоқда ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бу саволни кофир ва мушрикларга бериш таклиф қилинмоқда:

«Аллоҳ сизга нозил қилган ризқдан хабар беринг-чи! Уни ҳаром ва ҳалол қилиб олдингиз!» деб айт».

Ризқ берувчи ким, деган саволга «Аллоҳ» деб жавоб берган эдингиз. Унинг ҳақиқий ва ягона ризқ берувчи эканлигини ҳам эътироф қилган эдингиз. Энди нима учун, У берган ризқнинг ҳалол-ҳаромлиги баённи У зотнинг Ўзидан кутмай, ўзингизча, бу ҳалол, бу ҳаром, демоқдасиз? Ким берди сизга бу ҳуқуқни?!

«Ёки Аллоҳ сизга изн бердими?»

Агар изн берган бўлса, исбот қилинг.

«Ёки Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқияпсизми?»

وَمَا ظَنُّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٦٠﴾

60. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқийётганларнинг қиёмат куни ҳақида нима гумонлари бор? Албатта, Аллоҳ одамлар учун фазл эгасидир. Лекин кўплари шукр қилмаслар.

Одамлар билиб-билмай, Аллоҳга ёлғон тўқийверадилар. Жумладан, Аллоҳ берган ризқнинг баъзисини ўзларича ҳаром, баъзисини ҳалол қилиб оладилар. Қўрқмайдилар ҳам. Лекин ўша:

«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқийётганларнинг қиёмат куни ҳақида нима гумонлари бор?»

Ўша улуғ ва даҳшатли Куннинг келишига гумон қиладиларми? Ўша кунда ҳам бир иложини топиб қутулиб кетамиз, деб ўйлайдиларми? Ёки бошқа гумонлари борми? Улар Аллоҳ таолонинг ҳаққига ёлғон сўзлашдан олдин қиёмат куни ҳақида ҳам бир ўйлаб олсинлар. Шу билан бирга, қуйидаги ҳақиқатни ҳам ўйлаб қўйсинлар:

«Албатта, Аллоҳ одамлар учун фазл эгасидир. Лекин кўплари шукр қилмаслар».

Улар ўзларига берилган Аллоҳнинг фазлини — ризқ, соғлиқ, тинчлик ва бошқа неъматларни билмаганлари учун У зотга шукр қилмайдилар. Оқибатда, Унга нисбатан ёлғон тўқийдилар. Улуғ зот бўлмиш Аллоҳнинг соф ҳақларига тажовуз қилишгача етиб борадилар. Бу ҳалол, бу ҳаром, буни қилса бўлади, буниси мумкин эмас, деб ҳукмлар чиқаришга ўтадилар. Аллоҳ кўрсатиб берган тайёр йўлдан юриб, нима ҳалол, нима ҳаромлигини, нима қилиш кераг-у, нимани тарк этиш лозимлигини унинг дастуридан олмай, ўзича ҳукм чиқаришга уринганлар энг катта ношукрлардир. Аммо, улар нима қилаётганини Аллоҳ таолонинг Ўзи кўриб-билиб турибди. Шунинг учун, Пайғамбар ҳам, унга эргашганлар ҳам кўнгилларини тўқ тутсинлар. Аллоҳнинг ҳаққига ёлғон тўқийётганлар уларга зарар етказа олмайдилар.

Эй Пайғамбар!

وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا مِنْهُ مِنْ قُرْءَانٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا
إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ وَمَا يَعْزُبُ عَنْ رَبِّكَ مِنْ مِثْقَالِ ذَرَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَلَا أَصْغَرَ
مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٦٠﴾

61. Қайси ҳолда бўлсанг, Қуръондан нимани тиловат этсанг, ишлардан қай бирини қилсанг, албатта, Биз ўшанга киришаётган пайтингларда сизларга гувоҳмиз. На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридеги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан махфий бўла олмас, балки, очиқ-ойдин китобдадир.

Демак, ҳар бир нарсани Аллоҳ нафақат кўради ёки билади, балки унга гувоҳ бўлади ва очиқ-ойдин китобга ёзиб ҳам қўяди. Қадимги уламоларимиз «зарра» деганда қуёш нурида кўзга чалинадиган чанг заррачаларини тушунганлар. Аммо бугун «зарра» деганда «атом», «электрон» каби кўз билан кўриб бўлмайдиган моддалар тушунилмақда. Ана шу зарралар ҳам Аллоҳ томонидан махфий қолмас экан. Албатта, ўшанга биноан вақти келганда ҳисоб-китоб қилинади. Шундай бўлгандан кейин, дунёда энг катта гуноҳни қилганларнинг — Аллоҳ таологагина хос бўлган ҳаққа тажовуз этиб, У зотнинг шаънига ёлғон тўқиб, берган ризқининг баъзисини ҳаром, баъзисини ҳалол деганларнинг гуноҳи махфий бўлиб қолармиди? Йўқ, албатта.

Шунингдек, зарра миқдорига ишга ҳам Аллоҳ гувоҳ бўлиб турибди, очиқ-ойдин китобга ёзилиб турибди, деган эътиқод билан яшаб, Аллоҳга ихлос ила эътиқод ва бандалик қилганларнинг бирор амали зое бўлармиди? Албатта, йўқ. Ҳаммаси ҳисобга олинади ва мукофоти берилади.

﴿الْآيَاتِ أُولِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

62. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар.

Ҳа, Аллоҳнинг дўстларига ҳам бу дунёда ва ҳам охирада ҳеч қандай хавф йўқдир. Улар икки дунёда ҳам тўлиқ омонликдадирлар. Улар бу дунёда Аллоҳга дўст бўлганлари учун, У зотнинг кўрсатмалари бўйича ҳалол-пок, тўғри яшаганлари учун уларга ҳеч нарса хавф-хатар солмайди. Уларнинг соғлиғига, молу мулкига, обрў-эътиборига, оиласига, жонларига, умуман ҳеч нарсаларига ҳеч қандай хавф йўқ.

Шунингдек, охирада ҳам уларга дўзахнинг, ундаги азоб-уқубатларнинг ҳеч қандай хавфи йўқ.

Аллоҳнинг дўстлари бу дунёю охирада ҳеч хафа ҳам бўлмаслар. Улар доимо хурсанд бўлурлар.

Ана ўша бахтиёр шахслар, Аллоҳнинг дўсти бўлиш шарафига муяссар бўлганлар, икки дунёда хавфдан холи бўлганлар, икки дунёда хафа бўлмайдиганлар кимлардир?

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ﴾

63. Улар иймон келтирганлар ва тақво қилганлардир.

Демак, Аллоҳнинг дўсти бўлиш жуда ҳам осон экан. Бунинг учун, аввало, У зотга иймон келтириш; иккинчидан эса, тақводор бўлиш,

яъни, Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшаш лозим экан. Кимнинг иймонида заррача хато бўлса ёки Аллоҳнинг кўрсатмалари асосида эмас, ўзганинг йўлида ҳаёт кечирса ёхуд ўзи ўзига йўлланма тузиб олса, у одам Аллоҳга дўст бўлиш бахтидан маҳрумдир. Аллоҳга дўст бўлганларга эса:

لَهُمُ الْبُشْرَىٰ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ لَا نَبْدِيلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ ذَلِكَ هُوَ
الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٦٤﴾

64. Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам хушxabар бор. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша улуғ ютуқдир.

Аллоҳнинг дўстларига икки дунё саодатининг хушxabари бор. Улар иймонлари ва тақволари туфайли, Аллоҳнинг инояти ила, аввало, бу дунёда саодатли ҳаёт кечирадлар. Охирада эса, худди шу иймонлари ва тақволари сабабли жаннатга дохил бўладилар.

Мазкур хушxabар Аллоҳнинг сўзларидир.

«Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша улуғ ютуқдир.»

Ҳозирда баъзи мусулмон жамиятлар ўша улуғ ютуққа бу дунё ҳаётида эриша олмаётган бўлсалар, бу нарса Аллоҳнинг калималари ўзгарганига эмас, балки иймон ва тақвода камчилик борлигига ёки иймон ва тақвонинг умуман йўқлигига далилдир.

Мазкур хушxabардан сўнг Аллоҳ таоло Ўз дўстларининг раҳнамоси Ҳазрати Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, дейди:

وَلَا يَحْزُنكَ قَوْلُهُمْ إِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٦٥﴾

65. Уларнинг гапи сени хафа қилмасин. Албатта, азизликнинг барчаси Аллоҳникидир. У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.

Яъни, кофирларнинг гапидан ҳеч хафа бўлма. Улар ҳар доим ўзларини мақташади. Мўминларнинг шаънларини ерга уриш учун турли гаплар тарқатишади. Уларнинг гаплари беҳуда. Аслида:

«Албатта, азизликнинг барчаси Аллоҳникидир.»

Азизлик (куч-қудрат ва ғолиблик) сифатига соҳиб бўлган Зот дўстларини ҳимоя қилиб олади.

«У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.»

У зот ким нима деяётганини эшитиб ва ким нима қилаётганини билиб турибди.

أَلَا إِنَّ لِلَّهِ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَمَا تَتَّبِعُ الَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ
دُونِ اللَّهِ شُرَكَاءَ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿٦٦﴾

66. Огоҳ бўлингким, осмонларда ким бўлса ва ер юзида ким бўлса, албатта, Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга шерикларга илтижо қилаётганлар нимага эргашурлар? Улар фақат гумонга эргашурлар, холос. Улар фақат тахмин қилурлар, холос.

Эй одамлар, ўйлаб кўринглар, огоҳ бўлинглар! Осмонлару ерда ким бўлса ҳам – фариштами, жинми, одамми, тақводорми, исёнкорми – ҳамма-ҳаммаси Аллоҳникидир. Унинг Ўзи кимни хоҳласа, ғолиб қилади, кимни хоҳласа, мағлуб этади. Аллоҳга иймон келтиринглар, Унинг амрига бўйинсунинглар, Унинг кўрсатмаларига эргашинглар.

«Аллоҳдан ўзга шерикларга илтижо қилаётганлар нимага эргашурлар?»

Аллоҳга илтижо қиладиганлар оламларнинг Робби бўлган зотга эргашадилар. Аммо, Аллоҳга илтижо этмай, Унга иймон келтирмай, ибодат қилмай, айтганини бажармай юрганлар нимага эргашадилар? Турли-туман нарсаларга – баъзилари бут ва санамларга, бошқалари шахсларга, айримлари тузум ва ғояларга эргашадилар. Бир сўз билан айтганда:

«Улар фақат гумонга эргашурлар, холос. Улар фақат тахмин қилурлар, холос».

Эй, гумонга, тахминга эргашаётганлар, нима учун Роббингиз Аллоҳ таолога эргашмайсиз? Ахир:

هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الَّتِيلَ لِتَسْكُنُوا فِيهِ وَالنَّهَارَ مُبْصِرًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ
لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٦٧﴾

67. У сизларга сокинлик топишингиз учун кечани ва кўрсатувчи этиб кундузни қилган Зот. Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят – аломатлар бордир.

Яъни, кеча ва кундузнинг ўзини, улардаги жараёнлар ва хусусиятларни яхшироқ тадаббур қилган инсон Аллоҳга иймон келтириши лозим. Чунки уларда эшитиб, ибрат қулоғини тутадиган инсонлар учун жуда кўп оят – белгилар бордир. Махсус манбалар билан танишиб чиққанлар буларни янада яхшироқ тушунадилар. Аммо

қуйидагича фикр юритилса ҳам, ҳамма нарса очиқ-ойдин тушунилади:

«У сизларга сокинлик топишингиз учун кечани ва кўрсатувчи этиб кундузни қилган Зот».

Эй одамлар! Ўйлаб кўринглар! Кечани ким қилади? Кечани, оятда айтилганидек, одамларга сокинлик-осойишталик палласи қилиб қўйиш кимнинг қўлидан келади? Бунга ёндош не-не ишлар бор, уларни ким қилади? Албатта, Аллоҳ, Олам кеча қоронғулигидангина иборат бўлганида, одамлар ҳеч нарсани кўра олмасдилар, уларга кўриш имкониятини яратиб, кундузни берган ким? Албатта, Аллоҳ!

«Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят – аломатлар бордир.»

Ундай бўлса, Ўша зотга иймон келтириб, Унинг айтганида юриш, қайтарганидан қайтиш керак-да!

Мушриклар бўлса, умуман нотўғри иш қилдилар.

قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحٰنَهُ هُوَ الْغَنِيُّ لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ
 إِنَّ عِنْدَكُمْ مِّنْ سُلْطٰنٍ بِهٰذَا تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾

68. Улар, «Аллоҳ фарзанд тутди», дедилар. У (бундан) покдир. У беҳожатдир. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Униқидир. Бу ҳақда сизнинг ҳеч қандай далилингиз йўқ-ку! Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни айтаверасизми?

Ушбу ояти каримадаги

«Аллоҳ фарзанд тутди» деган иборани «Бировни ўзига бола қилиб олди», деган маънода тушунмоқ лозим. Маълумки, «Аллоҳнинг хотини бор, боласи бор, ўғли ёки қизи бор», дейдиганлар Аллоҳга нисбатан катта бўҳтон қиладилар. Лекин масийҳий фирқалар ичида баъзилари: «Ийсо Аллоҳнинг Ўзидан бўлган боласи эмас, бу сифат Аллоҳга тўғри келмайди, балки Ийсони Аллоҳ танлаб олиб, Ўзининг тутинган ўғли, деб эълон қилган», деган эътиқодда эканлар. Шу маънода ояти каримадаги ушбу жумлани «Аллоҳнинг боласи бор» деб таржима қилиш ёки тушуниш нотўғри бўлади. Бу ҳақиқатни асримизнинг буюк алломаси шайх Абул Ҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий ҳазратлари ўзларининг «Қуръон тафсирига кириш» номи китобларида муфассал баён қилганлар. Шу билан бирга, ушбу ояти карима ҳеч ким билмаган бир масийҳий фирқанинг эътиқодидан ҳам хабар бериши Қуръоннинг илоҳий китоблигига далиллардан биридир, деб ёзганлар.

Одатда инсон қай ҳолларда фарзанд тутади? Фарзандсизлигим билинмасин; менга ёрдам бўлсин; кўнглимни кўтариб турсин ва ҳоказо ҳожатларни кўзлаб фарзанд тутади. Ажабо, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шу каби ишларга муҳтожми? Унга нисбатан бунақа сифат бериш дурустми? Йўқ, албатта.

«У (бундан) **поқдир.**»

Ажабо, унинг бирор нарсага ҳожати бормидики, фарзанд тутса?! Албатта, йўқ!

«У **беҳожатдир. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Униқидир.**»

Борлиқдаги ҳамма нарсага ягона Ўзи соҳиб бўлган зот ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Аммо, эй одамлар, сиз Аллоҳнинг ҳожати бор, деяпсиз. Буни «Аллоҳ фарзанд тутди» деган гапингиз кўрсатиб турибди. Ахир:

«**Бу ҳақда сизнинг ҳеч қандай далилингиз йўқ-ку!**»

Агар бирорта далилингиз бўлса, келтиринг. Албатта, келтира олмайсиз!

«**Аллоҳга нисбатан билмаган нарсангизни айтаверасизми?!**»

Эй Пайғамбар!

قُلْ إِنَّا الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ لَا يُفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾

69. Сен: «Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиганлар нажот топмаслар», деб айт.

Бу муқаррардир. Шунинг учун, эй Пайғамбар, бу ҳақиқатни ҳаммага ошкор қил. Бутун борлиқни яратган Зотга, ҳаммани яратиб ризқ берган, чексиз неъматлар ила неъматлантирган Зотнинг ҳаққига ёлғон тўқиган одамнинг нажот топмаслиги аниқ ва равшандир. Уларнинг ҳоли бундай:

مَتَّعْنَاهُم فِي الدُّنْيَا ثُمَّ إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ ثُمَّ نَذِقُهُمُ الْعَذَابَ الشَّدِيدَ بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ ﴿٧٠﴾

70. Бу дунёда (бир оз) фойдаланиш, кейин Бизга қайтишлари бор. Сўнгра, Биз уларга, куфр келтириб ўтганлари учун, шиддатли азобни тоттирамиз.

Бошқа гап йўқ. Кофир одамлар беш кунлик дунёнинг ҳойи-ҳавасига берилиб ўтадилар. Кейин барчалари Аллоҳнинг ҳузурига қайтадилар. Ҳа,

«**Бу дунёда (бир оз) фойдаланиш, кейин Бизга қайтишлари бор.**»

Кофирлар бу дунёда, кўп эмас, бир озгина фойдаланадилар, холос. Кейин, барибир, Аллоҳ таолога қайтишлари, турган гап.

«Сўнгра, Биз уларга, куфр келтириб ўтганлари учун, шиддатли азобни тоттирамиз.»

Кофирлар куфр келтирганлари учун охиратда Аллоҳ таоло томонидан уларга бериладиган шиддатли азобни тортадилар.

Мазкур маънолар ўтган умматлар ҳаётида қандай воқе бўлганининг баъзи қиссалари қуйида келадиган оятларда баён этилади.

Албатта, бундан кейингиларнинг ўрнак олишлари мақсад қилинади.

﴿وَأْتَلُّ عَلَيْهِمْ نَبَأَ نُوحٍ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ يٰقَوْمِ إِن كَانَ كَبُرَ عَلَيْكُمْ مَّقَامِي وَتَذَكِيرِي بِشَايَاتِ اللَّهِ فَعَلَى اللَّهِ تَوَكَّلْتُ فَأَجْمِعُوا أَمْرَكُمْ وَشُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُنْ أَمْرُكُمْ عَلَيْكُمْ غُمَّةً ثُمَّ اقْضُوا إِلَيَّ وَلَا تُنظِرُونِ﴾

71. Уларга Нуҳнинг хабарини тиловат қилиб бер. Вақтики у ўз қавмига: «Эй қавмим, агар сизларга менинг мақомим ва Аллоҳнинг оятлари ила эслатишим оғир келаётган бўлса, бас, мен Аллоҳга таваккал қилдим. Сиз шерик келтирганларингиз билан биргаликда ўз ишингизни билаверинглар. Яна, ишларингиз ўзингиз учун ноаниқ бўлиб қолмасин. Сўнгра, менга нисбатан ҳукмингизни ижро этаверинглар, менга муҳлат берманглар.

﴿فَإِنْ تَوَلَّيْتُمْ فَمَا سَأَلْتُكُمْ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِي إِلَّا عَلَى اللَّهِ وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْمُسْلِمِينَ﴾

72. Бас, агар юз ўгирсангиз, мен сизлардан ажр сўраганим йўқ. Менинг ажрим фақатгина Аллоҳдан. Ва мен мусулмонлардан бўлишга амр қилинганман», деди.

Эй Муҳаммад, ўз вақтида Нуҳ алайҳиссалом ҳам сенга ўхшаб қавмига Пайғамбар бўлиб келган эди. Сен билан қавминг ўртасидаги ҳолат уларнинг ҳам бошидан кечган. Сенинг қавминг ичидан ҳам Нуҳ қавмидагига ўхшаш саркашлар чиқди. Улар Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи турли оят – белгилардан ўрнак олмаяптилар. Энди сен:

«Уларга Нуҳнинг хабарини тиловат қилиб бер».

Шояд, бу хабарни эшитганларидан кейин кўзлари очилса.

«Вақтики у ўз қавмига...»

Яъни, Нуҳ алайҳиссалом қавмида саркашликни кўрганидан кейин уларга:

«Эй қавмим, агар сизларга менинг мақомим ва Аллоҳнинг оятлари ила эслатишим оғир келаётган бўлса, бас, мен Аллоҳга таваккал қилдим», деди.

Яъни, сизларнинг орангизда Пайғамбарлик мақомида туришим ҳамда сизларга дину диёнат ишларини, дунё ва охираат ҳукмларини Аллоҳнинг оятлари ила эслатишим оғирлик қилиб ўзингизни шундай номаъқул тутаётган бўлсангиз, унда менинг сизлар билан ишим йўқ. Мен Аллоҳ таолога таваккал қилдим.

«Сиз шерик келтирганларингиз билан биргаликда ўз ишингизни билаверинглар.»

Модомики, Аллоҳнинг амри сизга ёқмай, унга турли нарсаларни шерик қияпсизми, шерик қилган нарсаларингиз билан биргаликда иш кўраверинглар. Орамиз очиқ. Қўлингиздан келган чора-тадбирларни қилаверинглар:

«Яна, ишларингиз ўзингиз учун ноаниқ бўлиб қолмасин».

Ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлсин. Шубҳа ва иккиланишларга ҳеч қандай ўрин қолмасин. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

«Сўнгра, менга нисбатан ҳукмингизни ижро этаверинглар, менга муҳлат берманглар.»

Мен Аллоҳга иймон келтирган одамман. Ҳеч кимдан қўрқмайман.

Мен Аллоҳга таваккал қилган одамман. Бошқага суйнамайман.

Менинг қалбим ва бутун вужудим ишончга тўлиқ.

Мен нима учун яшаётганимни ҳам яхши биламан, нима учун ўлишим кераклигини ҳам яхши биламан.

Менга муҳлат ҳам берманглар. Қўлингиздан нима келса, қилаверинглар.

Яна билиб қўйингларки:

«Бас, агар юз ўгирсангиз, мен сизлардан ажр сўраганим йўқ».

Ҳидоятга юрмай, юз ўгириб кетадиган бўлсангиз, кетаверинг. Мен бу иш учун сиздан ажр — ҳақ сўраётганим йўқ. Мен сиз гумон қилаётган ўша ажрдан маҳрум ҳам бўлиб қолмайман. Ҳидоят йўлида қилган хизматим учун:

«Менинг ажрим фақатгина Аллоҳдан».

Мен Унинг амри ила, Унинг розилиги учун ҳаракат қилмоқдаман. Шу боис, ажрини ҳам фақат Ундангина кутаман.

«Ва мен мусулмонлардан бўлишга амр қилинганман.»

Шунинг учун, бутун вужудим ила Унга таслим бўлганман.

Нуҳ алайҳиссалом бу сўзларни ихлос билан, қавмимга таъсир қилармикан, деган ниятда айтдилар. Лекин нима бўлди? Таъсир қилдими? Бу саволга жавобни кейинги ояти каримадан оламиз:

فَكَذَّبُوهُ فَنَجَّيْنَاهُ وَمَنْ مَعَهُ فِي الْفُلْكِ وَجَعَلْنَاهُمْ خَلْقًا وَأَغْرَقْنَا الَّذِينَ كَذَّبُوا
بِآيَاتِنَا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٣﴾

73. Сўнгра, уни ёлғончига чиқаришди. Бас, Биз уни ва у ила бирга бўлганларни кемада қутқардик ва уларни халифалар қилдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни ғарқ этдик. Огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.

Нух алайҳиссаломдан ихлосга ва иймонга йўғрилган сўзларни эшитган саркаш қавм иймон келтириб, муслмон бўлиш ўрнига, Пайғамбарларини ёлғончига чиқаришди. Аллоҳдан хабар етказган улуғ Пайғамбарни ёлғончиликда айблашди.

«Сўнгра, уни ёлғончига чиқаришди.»

Оқибатда, уларнинг бошига тўфон балоси келди. Бутун оламини сув босди.

«Бас, Биз уни ва у ила бирга бўлганларни кемада қутқардик ва уларни халифалар қилдик.»

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни ва у кишига эргашган оз сонли мўминларни тўфон балосидан кемада соғ-саломат қутқариб қолди. Ҳамда уларни ер юзидан ўзининг халифалари қилди.

«Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни ғарқ этдик.»

Аллоҳ таоло Ўз оятларини ёлғонга чиқарган кофирларни тўфонда ғарқ қилиб, ер юзидан йўқ қилди.

«Огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол.»

Ҳа, огоҳлантириб турилса ҳам огоҳ олмаганларнинг барчасининг оқибати воидир. Нух қавми ёки бошқа кофир қавмлар каби ҳалокатга дучор этиладилар.

Энди Нух алайҳиссаломдан кейин келган Пайғамбарлар ва уларни адашган қавмлар қандай қилиб кутиб олганлари ҳақида мухта-сар ҳолда сўз юритилади:

ثُمَّ بَعَثْنَا مِنْ بَعْدِهِ رَسُولًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا بِمَا كَذَّبُوا بِهِ
مِنْ قَبْلُ كَذَلِكَ نَطْبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِ الْمُعْتَدِينَ ﴿٧٤﴾

74. Сўнгра, ундан кейин Пайғамбарларни қавмларига юбордик. Бас, улар очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келдилар. Аммо у (қавм)лар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келти-

рувчи бўлмадилар. Тажовузкорларнинг қалбига шундай қилиб муҳр босамиз.

Нуҳ алайҳиссаломдан кейин ҳам ер юзига, турли қавмларга Пайғамбарлар юбордик. Ҳа,

«Сўнгра, ундан кейин Пайғамбарларни қавмларига юбордик».

У Пайғамбарлар қавмларини Аллоҳнинг динига чақирдилар. Одамлар уларга ишонмай, Пайғамбарлигини тасдиқловчи очиқ-ойдин ҳужжат-мўъжизалар келтиришни талаб қилдилар.

«Бас, улар очиқ-ойдин ҳужжатлар ила келдилар.»

Пайғамбар алайҳиссаломлар ўзларидан талаб қилинган очиқ-ойдин ҳужжат-мўъжизаларни келтирдилар ҳам.

«Аммо у(қавм)лар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирувчи бўлмадилар.»

Аммо қавмлар яна иймонга келмадилар. Чунки бир марта инкор қилиб ёлғонга чиқарган нарсаларига кейин яна иймон келтиришлари қийин эди. Улар дастлаб, Пайғамбарлар даъват этиб келганларида, уларни ёлғончига чиқариб, катта тажовузкорлик қилган эдилар.

«Тажовузкорларнинг қалбига шундай қилиб муҳр босамиз.»

Ҳа, уларнинг тажовузкорликлари ўзларининг бошларига етди. Шу туфайли Аллоҳ қалбларига муҳр босиб қўйган эди. Натижада, улар очиқ-ойдин ҳужжат-мўъжизаларни кўрганда ҳам иймонга келмадилар ва ҳалок бўлдилар.

Эй сиз, инсонлар, ушбу оятлар билан танишаётганлар! Сизлар ҳам ўша қавмларга ўхшаб аввал бошдан Пайғамбарни, Қуръонни ёлғонга чиқариб, тажовузкорлик этманг. Агар шундай қиладиган бўлсангиз, ўшаларга ўхшаб қалбингизга муҳр босилиши, оқибатда ҳалокатга учрашингиз турган гап. Мана, қуйида қиссаси келадиган қавм ҳам худди шундай тақдирга дуч келган эди.

ثُمَّ بَعَثْنَا مِنْ بَعْدِهِم مُّوسَىٰ وَهَارُونَ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِۦ بِآيَاتِنَا فَاسْتَكْبَرُوا وَكَانُوا قَوْمًا

مُجْرِمِينَ ﴿٧٥﴾

75. Сўнгра, улардан кейин Мусо ва Ҳорунни Фиръавн ва унинг қавмига Ўз оят – мўъжизаларимиз ила юбордик. Бас, улар кибру ҳаво қилдилар ва жиноятчи қавм бўлдилар.

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар қандай оят – мўъжизалар билан келганликлари бошқа сураларда, жумладан, «Аъроф» сурасида баён қилинган. Уларни батафсил баён қилиш ушбу сура сиёқига тўғри келмагани учун, фақат зикр этиб қўйилган, холос. Фиръавн

ва унинг қавмининг кибру ҳавоси ва жинояти нимадан иборат экани келаси оятда баён этилади:

فَلَمَّا جَاءَهُمُ الْحَقُّ مِنْ عِنْدِنَا قَالُوا إِنَّ هَذَا السِّحْرُ مِمْيُنُ ﴿٧٦﴾

76. Бизнинг ҳузуримиздан уларга ҳақ келган пайтда: «Бу, албатта, очиқ-ойдин сеҳрдир», дедилар.

Уларга Пайғамбарларимиз Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар орқали ҳақ динни тасдиқловчи мўъжиза келган пайтда, уни Пайғамбарлик ҳужжати эмас, очиқ-ойдин сеҳр, дейишлари кибру ҳаво ва жиноят бўлди. Энди эса, Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ҳужжат-мўъжиза – Қуръони Каримни ҳам араб мушриклари «очиқ-ойдин сеҳр» деб турибдилар. Аммо, ўзларини ўнгласинлар, бўлмаса, оқибати яхши бўлмайди. Ишонмасалар, ушбу қиссага охиригача эътибор берсинлар. Ўз қавмидан юқорида зикр этилган гапни эшитган

قَالَ مُوسَىٰ أَتَقُولُونَ لِلْحَقِّ لَمَّا جَاءَكُمْ أَسِحْرٌ هَذَا وَلَا يُفْلِحُ السَّحْرُونَ ﴿٧٧﴾

77. Мусо: «Сизга ҳақ келганда (шундай) дейсизларми?! Шу сеҳрми?! Сеҳргарлар нажот топмаслар», деди.

Пайғамбарлик билан сеҳргарлик бир-бирига тамоман зид нарса. Пайғамбарлик ростгўйликка асосланган, Аллоҳ томонидан бандаларга юборилган ҳидоятдир. Сеҳргарлик эса, алдов ва ҳийла-найрангга асосланган, кишиларга ёмонлик етказиш учун ишлатилган дажжолликлардир.

Пайғамбарлик эътиқодга асосланади. Сеҳргарликда эътиқод деган нарсадан асар ҳам йўқ. Пайғамбарлик икки дунё бахту саодати ила кишиларни таъмин этувчи мукамал низом. Сеҳргарликда бундан ҳам асар йўқ.

Қолаверса, тарихга назар солсангиз, бирор сеҳргар нажот топмаган, топмайди ҳам.

Энди келадиган ояти каримада Фиръавн ва унинг қавми пайғамбарликни инкор қилишларининг ҳақиқий сабаблари очилади:

قَالُوا أَجِئْنَا لِتُلْفِنَنَا عَمَّا وَجَدْنَا عَلَيْهِ ءَابَاءَنَا وَتَكُونَ لَكُمْ الْكِبْرِيَاءُ فِي الْأَرْضِ وَمَا نَحْنُ لَكُمْ

بِمُؤْمِنِينَ ﴿٧٨﴾

78. Улар: «Сен бизни оталаримиз тутиб келаётганида топган нарсамиздан буриш учун ва икковингизга ер юзида катталик бўлиши учун келдингми? Биз икковингизга иймон келтирувчилардан эмасмиз», дедилар.

Демак, улар илм-маърифат асосида эмас, балки қалбларидаги аввалдан ўрнашиб қолган дард туфайли Аллоҳ томонидан келган динни инкор қилаётган эканлар. Бу фақат Фиръавн ва унинг қавмигагина эмас, балки Аллоҳнинг динига юришни хоҳламаган ҳар бир тоғут ва унинг қавмига ҳам хос хусусиятдир. Уларнинг Аллоҳнинг динига юрмасликларининг биринчи сабаби – ота-боболаридан қолган урф-одат, тасаввур ва тузумларнинг йўқ бўлишидан қўрқидир. Ота-боболаридан қолган нарса бидъат-хурофот, зарарли, нопок нарсадир балки, аммо у томони билан ишлари йўқ. Шунинг учун ҳам, улар Аллоҳнинг Пайғамбарига қараб:

«Сен бизни оталаримиз тутиб келаётганида топган нарсамиздан буриш учун келдингми?» дейишмоқда.

Уларнинг Аллоҳнинг динига юришдан бош тортишларининг иккинчи ва асосий сабаби – ўша бидъат ва хурофотларга суянган «катталик»ни, мансаб ва ҳокимликни йўқотиб қўйишдан қўрқидир. Шунинг учун ҳам, улар Мусо алайҳиссаломга қараб сен бизнинг ҳузуримизга сенга ва аканг Ҳорун

«икковингизга ер юзида катталик бўлиши учун келдингми?» дейишмоқда.

Аллоҳнинг динига қаршилик қилишнинг асосий боиси шулдир. Фиръавн ҳам, унинг амалдорлари ҳам Мусо ва Ҳорун алайҳимассалом келтирган дин қабул қилинса, ҳокимиятдан, салтанатдан, катталикдан, мансабдан ажраб қолишдан қўрққанлар. Шу боис ҳам, бу динни халққа етиб боришдан тўсишга ҳаракат қилганлар. Бу борада қилган биринчи ишлари динга даъват қилувчиларни жорий низомни бузишда, унга қарши чиқишда айблаш бўлган. Шунинг учун ҳам, даъватчиларга қараб: «Сен бизни оталаримиз тутиб келаётганида топган нарсамиздан буриш учун келдингми?» деганлар. Бу, даъватчилар юзига отилган айблов бўлса, халққа уларни қоралаб кўрсатиш учун юритилган ташвиқот ҳамдир.

Бу ҳам етмаганидек, даъватчиларни жамиятда ҳокимлик даъвосини қилишда айблашга ўтдилар. Булар ўзларига ер юзида «катталик» бўлишини хоҳлаяптилар, дедилар ва уларни йўқ қилишга ҳаракат бошладилар. Дастлаб, ўз тушунчалари бўйича, даъватчиларни енга олади, деб ўйлаганлари тоифани ишга солдилар. Икковлари ҳам бир хил бўлса керак, менга нима, бир-бирига қарши қилиб қўяй, деб ўз гумонидаги тоифани ҳақ даъватчиларга қарши гиж-гижлайдилар.

Шунинг учун ҳам, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни мазкур икки айб – мавжуд низомни бузиш ва каттаконликка уринишда айблаб бўлган

وَقَالَ فِرْعَوْنُ أَتُنُونِي بِكُلِّ سِحْرِ عَلِيمٍ ﴿٧٩﴾

79. Фиръавн: «Менга барча билимдон сеҳргарларни келтиринглар», деди.

Унинг фикрича, Мусо ва Ҳорун алайҳимассалом билан сеҳргарларнинг сўз ва амалларида ўхшашлик бор эди. У, сеҳргарлар бу иккаласини енгади, деб ўйларди.

فَلَمَّا جَاءَ السَّحَرَةُ قَالَ لَهُمُ مُوسَى الْقَوْمَ مَا أَنْتُمْ مُلْقُونَ ﴿٨٠﴾

80. Сеҳргарлар келганида, Мусо уларга: «Сизлар ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз», деди.

فَلَمَّا الْقَوْأَقَالَ مُوسَى مَا جِئْتُمْ بِهِ السَّحَرُ إِنَّ اللَّهَ سَيُذِطُّهُمُ إِنَّ اللَّهَ لَا يُصْلِحُ عَمَلَ الْمُفْسِدِينَ ﴿٨١﴾

81. Улар ташлаганларида, Мусо: «Сиз келтирган нарса сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ўнгламас.

وَيُحِقُّ اللَّهُ الْحَقَّ بِكَلِمَاتِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُجْرِمُونَ ﴿٨٢﴾

82. Ва Аллоҳ Ўз калимаси ила, гарчи жиноятчилар ёқтирмаса ҳам, ҳақни рўёбга чиқарур», деди.

Аввал айтилганидек, қиссанинг тафсилоти бошқа сураларда келган. Бу сурада эса, сиёқига мос равишда баъзи ҳолатлар баён қилинмоқда.

Сеҳргарлар мубораза жойига келишганида, ҳамманинг олдида Мусо алайҳиссалом уларга:

«Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташланг», деди».

Сеҳргарлар ўша нарсаларини ташладилар. У нарсаларни кўрган Мусо алайҳиссалом ҳақиқатни англадилар ва:

«Сиз келтирган нарса сеҳрдир», дедилар.

Чунки, Аллоҳ томонидан берилган мўъжизага соҳиб бўлган Пайгамбар сеҳрни осонликча билиши ажабланарлик эмас. У киши Ал-

лоҳга иймон ила қалби тўла, ўз ишининг ҳақлигига, бошқаларнинг иши ботиллигига ишончи комил зотдирлар. Шунинг учун ҳам, ҳеч иккиланмасдан:

«Албатта, Аллоҳ уни ботил қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ўнгламас», дедилар.

Илоҳий ҳақиқатни тушуниб етган инсон доимо шундай мавқеда туради. Ҳақ тарафида ўзи ёлғиз бўлиб, ботил бутун дунёни тўлдирса ҳам, ўз ишининг ёлиб келишига, бузғунчиларнинг иши ботил бўлишига заррача шубҳа қилмайди.

Мусо алайҳиссалом сўзлари давомида:

«Аллоҳ Ўз калимаси ила, гарчи жинойтчилар ёқтирмаса ҳам, ҳақни рўёбга чиқарур», деди».

Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Аллоҳнинг «Бўл!» деган калимаси ила ҳар нарса бўлиши турган гап. Сеҳргарларнинг сеҳри ботил бўлди. Аллоҳ ҳақни рўёбга чиқарди. Аммо:

فَمَا أَمَّنَ لِمُوسَىٰ إِلَّا ذُرِّيَّةٌ مِّنْ قَوْمِهِ عَلَىٰ خَوْفٍ مِّنْ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِمْ أَن يَفْتِنَهُمْ وَإِنَّ فِرْعَوْنَ لَعَالٍ فِي الْأَرْضِ وَإِنَّهُ لَمِنَ الْمُسْرِفِينَ ﴿٨١﴾

83. Мусога ўз қавмидан баъзи зурриётларгина Фиръавн ва амалдор-зодагонларининг фитна қилмоқларидан қўрққан ҳолларида иймон келтирдилар, холос. Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетган эди. Албатта, у исрофчилардан эди.

Мусо алайҳиссаломнинг шунчалик мўъжизалар кўрсатишига, сеҳргарлар билан бўлган муборазада ютиб чиқишларига қарамай, кўпчилик иймон келтирмади. Фақат ўз қавмларидан баъзи «зурриётлар»гина иймон келтирдилар. Тафсирчиларимиз «зурриётлар»ни «ёшлар» деб талқин этганлар.

Бунинг сабаби нимада? Албатта, бу Аллоҳнинг иродасига боғлиқ иш. Лекин ҳаётда синалгани шуки, давлат бошлиғи ва унинг амалдорлари динга қарши бориб, душманлик қилиб турганларида, авом халқнинг динга берилиши қийин бўлади. Айниқса, катта ёшдагилар ўзлари ўрганиб қолган нарсани ташлаб динга ўтишга унча шошилмайдилар. Аммо ёшлар, қалblари покроқ бўлганидан, ҳақ динга юришлари мумкин. Гарчи ҳукумат ва амалдорлар уларга фитна юборишларидан қўрқсалар ҳам. Оятдан мана шу маънолар келиб чиқади. Ўша пайтдаги ёшлар – зурриётлар Фиръавн ва унинг амалдорларининг фитнаsidан қўрқиб бўлса ҳам, Мусо алайҳиссаломга иймон келтирдилар. Бошқа сураларда келган хабарлардан Фиръавннинг

Мусо алайҳиссаломга иймон келтирганларни офир қийноқларга солишни айтиб, таҳдид қилгани маълум. Аслида, унинг ўзи Аллоҳнинг амрини қабул этмасдан катта хато қилган эди.

«Албатта, Фиръавн ер юзида баланд кетган эди.»

У лаънати, одамларни Аллоҳнинг айтганини қўйиб, ўзининг айтганига юришга мажбур қилган эди. Уларни Аллоҳнинг ибодатидан тўсган эди.

«Албатта у (туғёнда) исрофчилардан эди.»

Ўз фойдаси учун ҳар қандай зулм ва ваҳшийликдан қайтмас эди. Бундай жаббор ҳукм қилаётган юртдаги мўминларга осон бўлмади. Шунинг учун ҳам, иймон келтирган кишиларга қарата

وَقَالَ مُوسَىٰ يٰقَوْمِ إِن كُنتُمْ ءَامَنُۢم بِاللّٰهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوۡا إِن كُنتُمْ مُّسْلِمِينَ ﴿٨٤﴾

84. Мусо: «Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унгагина таваккал қилинг», деди.

Мўмин-мусулмон одам фақат Аллоҳ таологагина суянади. Зотан, ҳақиқий иймон ва Исломнинг тақозоси шудир.

Пайғамбарларидан бу хитобни эшитган мўминлар

فَقَالُوۡا عَلٰى اللّٰهِ تَوَكَّلْنَا رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظّٰلِمِيۡنَ ﴿٨٥﴾

85. Улар: «Аллоҳгагина таваккал қилдик. Роббимиз, бизни золим қавмларга фитна қилиб қўйма.

وَيَجْنٰ بِرَحْمٰتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكٰفِرِيۡنَ ﴿٨٦﴾

86. Ва Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмлардан нажот бергин», дедилар.

Мусо алайҳиссаломга иймон келтирган мўмин-мусулмонлар фақат Аллоҳгагина суянишларини очиқ-ойдин эълон қилдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳга илтижо этмоқдалар:

«Роббимиз, бизни золим қавмларга фитна қилиб қўйма».

Арабчада «фитна» сўзи синов маъносини англатади. Жумладан, темирни ўтга солиб синаб кўришни ҳам фитна дейишади. Шунингдек, фитна сўзи «алдов» ва «адашув» маъносини ҳам англатади. Ушбу оятда эса, мўминлар Аллоҳдан золим қавмларни улар устидан ғолиб

қилиб қўймасликни сўрашмоқда. Чунки, бу иш фитнага сабаб бўлиши мумкин. Мўминлар, уларнинг ишлари тўғри экан-да, бўлмаса нима учун бизга ғолиб келишади, деган хаёлга боришлари мумкин. Бу эса, катта фитнадир. Аслида, Аллоҳ кофирларни билдирмай олиш учун аввал уларга зоҳиран ғалаба бериб туриши ҳам мумкин. Аммо бу мўминлар гуруҳи шуни ҳам хоҳламаптилар. Кейинги жумладан уларнинг ниятлари яна ҳам равшан билинади:

«Ва Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмлардан нажот бергин».

Кейинги оятда Аллоҳ таоло уларга бундай шароитда нима қилиш лозимлигини ўргатганининг хабари берилади:

وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ وَأَخِيهِ أَنْ تَبَوَّءَ الْقَوْمَ كَمَا بِمِصْرَ بِيُوتًا وَأَجْعَلُوا يُبُوتَكُمْ قِبْلَةً
وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ

87. Биз Мусога ва унинг биродарига: «Икковингиз қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг, уларингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо этинглар ва мўминларга хушxabар бер», деб ваҳдий юбордик.

Мўминлар оз сонли, кучсиз. Кофирлар эса, кўп, қувватли. Ҳукм, салтанат уларнинг қўлида. Кўп сонли аскарлари бор. Нима қилиш керак? Аллоҳ таоло мўминлар жамоаси раҳбарлари бўлмиш Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга нима қилиш кераклигини ўргатиб, ваҳдий йўллади:

«Икковингиз қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрланг», деб амр этди.

Демак, иймон келтирганлар кофир ва мунофиқларнинг фитна-сидан қўрқсалар, ўзларини улардан узоқроқ тутишга ҳаракат қилишлари лозим.

Аллоҳ таоло кўрсатмалари давомида:

«Уларингизни қибла қилиб, намозни тўқис адо этинглар», демоқда.

Уламоларимиз бу ояти каримадаги «қибла»ни «ибодат жойи» деб таъвийл қилганлар. Демак, мўминлар учун тайёрланган ўша жойларда ибодат, намоз ўқиш ила кўпроқ машғул бўлиш керак. Бу нарса руҳий ва маънавий тайёргарликнинг олий босқичидир. Чунки, олдинда кўп машаққатли ишлар турибди. Узоқ ва тўсиқларга тўла йўл турибди. Ҳозирдан руҳий ва маънавий тайёргарликни пухта қилиб бориш керак. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда: «Эй, иймон келтирганлар, сабр ва намоз ила

ёрдам талабида бўлинглар», деган. Пайғамбаримиз Муҳаммад сол-
лаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир ишдан ташвишга тушсалар, намоз
ўқишга шошилганлар. Ана шу кўрсатмаларга амал қилиб бораве-
рилса, иншоаллоҳ, зафар ёр бўлади. Шу боис ҳам:

«Мўминларга хушxabар бер», деб ваҳий юбордик».

Шунда Мусо алайҳиссалом Аллоҳга қуйидаги илтижо билан му-
рожаат этдилар:

وَقَالَ مُوسَى رَبَّنَا إِنَّكَ آتَيْتَ فِرْعَوْنَ وَمَلَأَهُ زِينَةً وَأَمْوَالًا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا رَبَّنَا
لِيُضِلُّوا عَنْ سَبِيلِكَ رَبَّنَا اطْمِسْ عَلَى أَمْوَالِهِمْ وَأَشْدُدْ عَلَى قُلُوبِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُوا حَتَّى يَرَوُا
الْعَذَابَ الْأَلِيمَ

**88. Мусо: «Эй Роббимиз, Сен Фиръавнга ва унинг амалдорла-
рига зебу зийнат ва молу дунё бердинг. Роббимиз, бу Сенинг йўлинг-
дан адаштиришлари учундир. Роббимиз, уларнинг молларини йўқ
қилгин ва қалбларини қаттиқ қилгин, то аламли азобни кўрма-
гунларича иймонга келмасинлар», деди.**

Мусо алайҳиссалом Фиръавн, унинг амалдорлари ва қавмини
тўғри йўлга чақириб қаттиқ уриндилар. Турли томондан ҳаракат
қилиб кўрдилар. Аммо бирон фойда чиқмади. Улардан умидлари
тамоман узилгандан кейин дуоибад қилишга мажбур бўлдилар. Дуо
қилганларида ҳам улар кишиларни диндан қайтариш учун қурол
қилиб олган энг кучли омиллариининг зиддига дуо қилдилар:

**«Эй Роббимиз, Сен Фиръавнга ва унинг амалдорларига зебу
зийнат ва молу дунё бердинг. Роббимиз, бу Сенинг йўлингдан адаш-
тиришлари учундир».**

Кофир ва бузғунчилардаги зебу зийнат ва молу дунё доимо иймон
ва Ислом учун кони зарар бўлади. Чунки уларнинг бу ҳолини кўрган
баъзи мўминлар нафсига гулгула тушиши, ҳатто йўлдан озишлари
ҳам мумкин. Қолаверса, кофир ва бузғунчилар ўзларига берилган
молу дунёдан кишиларни дин йўлидан тўсиш ёки уларни диндан
чиқаришда фойдаланишлари турган гап. Шунинг учун ҳам, Мусо
алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб:

«Роббимиз, уларнинг молларини йўқ қилгин», демоқдалар.

Токи улар ўзларининг бузғунчи ниятларини рўёбга чиқариш
воситасидан маҳрум бўлсинлар.

Мусо алайҳиссаломнинг кофир ва бузғунчиларга қарши қилган
дуоларининг энг шиддатли жойи қуйидаги жумлада аксини топган:

«...ва қалбларини қаттиқ қилгин, то аламли азобни кўрмагунларича иймонга келмасинлар».

Мусо алайҳиссалом улардан бутунлай умидлари узилганидан кейингина шундай деганлар. Бундай одамлар гуноҳ, жабр ва зулм қилганлари сари яна ҳам ашаддийлашиб бораверадилар. Шу ҳолда умрлари ўтади, фақат аламли азобга рўбарў қилинганларидагина иймонга келадилар. Аммо кеч бўлади. У вақтда иймон ҳисобга ўтмайди.

Уламоларимиз шунга ўхшаш ҳолатларни тушунтириш учун баъзан латифалар ҳам келтирадилар:

Бир киши биродарига ўша замондаги подшоҳнинг ҳолидан ажабланиб: «Бу подшоҳ шунча зулм, жабр-ситам ва шаккоклик қилса ҳам, унга ҳеч нарса бўлмайди-я?» дебди. Шериги бунга жавобан: «Аллоҳ унга жаҳаннамда тайёрлаб қўйган азобларга лойиқ ҳолга етмаган бўлса керак-да», деган экан.

Лекин мўминлар тушкунликка тушмасинлар, умидсизланмасинлар. Ихлослари етарли бўлса, Аллоҳ уларни ҳеч ташлаб қўймайди. Мана, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг дуоларини ҳам қабул қилганининг хабарини бермоқда:

قَالَ قَدْ أُجِيبَت دَعْوَتُكُمْ مَا فَاسْتَقِيمَا وَلَا تَتَّبِعَان سَبِيلَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

89. У: «Батаҳқиқ, икковингизнинг дуоингиз қабул бўлди. Бас, собит туринглар ва билмайдиганларнинг йўлига эргашманглар», деди.

Яъни, Аллоҳ айтмоқдаки, эй Мусо ва Ҳорун,

«Батаҳқиқ, икковингизнинг дуоингиз қабул бўлди».

Мен ирода этдим. Сизнинг сўраганингиз бўлади. Фиръавн ва унинг қавми ҳалок бўлади. Аммо бу юзага чиққунча, сизлар ўз йўлингизда

«...собит туринглар ва билмайдиганларнинг йўлига эргашманглар».

Одатда, қийин ҳолга тушиб қолган кишиларга ҳар ким ўзича йўл кўрсатаверади. Уларнинг ҳаммаси тахминни гапиради. Мўминлар эса, уларга эътибор бермасдан, Аллоҳнинг кўрсатганидан қолмасликлари керак.

Энди, орада бўлиб ўтган ҳодисалар баёни тўхтаб, ўша дуонинг ижобат бўлиши саҳнаси кўрсатилади:

﴿ وَجَوْرْنَا بِبَنِي إِسْرَائِيلَ الْبَحْرَ فَاتَّبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ وَجُنُودُهُ بَغْيًا وَعَدُوًّا حَتَّىٰ إِذَا أَدْرَكَهُ الْعَرْقُ قَالَ ءَأَمِنْتُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا الَّذِي ءَأَمِنْتُ بِهِ بَنُو إِسْرَائِيلَ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴾

90. Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, Фиръавн ва унинг аскарлари ҳаддан ошган ва тугён қилган ҳолда уларни таъқиб этдилар. Токи унга фарқ бўлиш етганида: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга Илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди.

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар Аллоҳнинг амри ила қавмлари зулм ва истибдоддан озод қилиш учун Мисрни ташлаб чиқдилар. Орқаларидан Фиръавн аскарлари билан қувиб кела бошлади. Йўлдан денгиз чиқиб қолди. Ҳамма, энди қўлга тушдик, деб ўйлади. Аммо Мусо алайҳиссалом, Аллоҳ ёрдам беради, дедилар. Аллоҳ у зотга, қўлингдаги асо билан денгизни ур, деб амр этди. Урган эдилар, денгиз иккига ёрилиб, йўл очилди. Мусо ва Ҳорун алайҳимассалом бошлиқ қавм нариги томонга ўтиб олдилар. Бу ҳақида оятда:

«Ва Бани Исроилни денгиздан ўтказдик», дейилмоқда.

Ҳа, Аллоҳ таоло ўтказмаганида, ҳеч ҳам ўта олмас эдилар.

«Бас, Фиръавн ва унинг аскарлари ҳаддан ошган ва тугён қилган ҳолда уларни таъқиб этдилар.»

Улар мўминларни иймонларидан қайтармоқчи ва ўзларига қул қилиб олмоқчи эдилар. Улар Бани Исроилнинг изидан қувиб боравердилар. Фиръавн ва унинг қавми ҳаммалари денгиз ичига тушиб бўлганларида, Аллоҳнинг амри ила ажраб турган сув яна Аллоҳнинг амри ила аввалги ҳолига қайтди. Золимларни фарқ қилди. Кофирларнинг бошлиғи Фиръавн эса:

«Токи унга фарқ бўлиш етганида: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга Илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди».

Энди унинг ҳеч иложи қолмаган эди. Мулкидан ажраган эди. Ҳукмидан ажраган эди. Амалдорларидан ва аскарларидан ажраган эди. Ўлими муқаррарлигига ақли етганида кўзи очилди. Иймонга келди. Аммо бу фойда бермайди. Унга ва унга ўхшашларга бундай пайтда қуйидагилар айтилади:

ءَالْتَنَ وَقَدْ عَصَيْتَ قَبْلُ وَكُنْتَ مِنَ الْمُفْسِدِينَ ﴿٦١﴾

91. Эндими! Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдинг-ку?!

فَالْيَوْمَ نُنَجِّيكَ بِبَدَنِكَ لِتَكُونَ لِمَنْ خَلْفَكَ آيَةً وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ عَنْ آيَاتِنَا لَغَافِلُونَ ﴿٦١﴾

92. Бугун сенинг баданингни қутқарамиз. Токи ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар.

Соғлик-саломатлик, куч-қувват, молу мулк, ҳукм, мансаб ва бошқа имкониятлар борида қиларини қилиб юрган ҳар қандай одам ҳам ўлимига кўзи етиб қолганида Худони эслайди. Лекин бунинг фойдаси йўқ. Бу ҳақиқат ўша тоифадаги кишиларга уларнинг энг кўзга кўринган вакили Фиръавн мисолида тушунтирилмоқда.

«Эндими! Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдингку?» деб аввалги қилганлари юзига солинмоқда.

«Бугун сенинг баданингни қутқарамиз.»

Жонингни эмас. Жонингни оламиз. Бошқалар каби ўласан. Чунки, сен ҳам оддий ожиз бандасан. Аммо жасадингни қутқарамиз. Балиқлар ҳам емайди. Сувга оқиб ҳам йўқ бўлмайди. Бошқа сабаб билан ҳам йўқ бўлиб кетмайди.

«Токи ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин.»

Шунчалар мулкка эга бўлсанг ҳам, қанча катта даъволар қилган бўлсанг ҳам, аскарларинг шунча кўп бўлса ҳам, барибир Аллоҳнинг азобидан қутула олмаганингни кўриб ибрат олсинлар. Ўлик ҳолдаги жонсиз жасадинг сув устида чорасиз қалқиб, оқиб юрганини ҳамма кўрсин. Ҳамма кўриб, ҳолинг шу экан-ку, десин.

«Албатта, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар.»

Шунинг учун ҳам, Бизнинг айтганимизда юрмай, ўзларини турли йўлларга урадилар.

Ривоятларда келишича, ўша, Фиръавн ва унинг аскарларини Аллоҳ таоло ҳалок қилиб, Мусо алайҳиссалом ва мўминларни қутқарган кун «Ошуро» куни – муҳаррам ойининг ўнинчи куни экан.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага янги келган вақтларида яҳудийлар Ошуро кунининг рўзасини тутар эдилар. Ул зот улардан:

«Бу, рўзасини тутаётган кунингиз қандай кун?» деб сўрадилар. Улар:

«Бу кун Мусо Фиръавндан устун келган кун», дейишди. Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга:

«Сизлар улардан кўра Мусога ҳақдироқсизлар, ўша куннинг рўзасини тутинглар», дедилар».

Келаси оятда Бани Исроилнинг нажотдан кейинги ҳолати баён қилинади.

وَلَقَدْ بَوَّأْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ مَبُوءًا صِدْقٍ وَرَزَقْنَاهُمْ مِّنَ الطَّيِّبَاتِ فَمَا اخْتَلَفُوا حَتَّىٰ جَاءَهُمُ الْعِلْمُ
 إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٩٣﴾

93. Батаҳқиқ, Биз Бани Исроилни ҳақиқий омонлик масканига жойлаштирдик ва уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик. Бас, улар то ўзларига илм келмагунча ихтилоф қилмадилар. Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида Ўзи ҳукм чиқарур.

Фиръавн ва унинг аскарларидан Бани Исроилни қутқарган Аллоҳ энди уларни ҳақиқий омонлик масканига жойлаштирди. Узоқ давом этган зулм-ситам ва қийинчиликлардан сўнг улар роҳат-фароҳат, тинчлик-омонликка эришдилар.

Яна, Аллоҳ таоло уларни ҳақиқий омонлик масканига жойлаштириш баробарида, пок ризқлар билан ризқлантирди ҳам.

«Батаҳқиқ, Биз Бани Исроилни ҳақиқий омонлик масканига жойлаштирдик ва уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик.»

Бани Исроил бу масканда бир муддат яхши яшаб турди.

«Бас, улар то ўзларига илм келмагунча ихтилоф қилмадилар».

Илм келганидан сўнг эса, турли фикрлар, таъвийллар қилиб, ҳам дунё, ҳам динда ихтилофни бошладилар.

«Албатта, Роббинг қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида Ўзи ҳукм чиқарур.»

Нуҳ ва Мусо алайҳиссаломларнинг қиссаларига хотима ясалгач, энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли берилиб, у кишини ишларида собит туришга, қавмдан келаётган саркашликларга эътибор бермасликка чақирилади:

فَإِنْ كُنْتَ فِي شَكٍّ مِّمَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ فَسْأَلِ الَّذِينَ يَقْرَأُونَ الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكَ لَقَدْ جَاءَكَ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿٩٤﴾

94. Агар сенга нозил қилган нарсамиздан шакда бўлсанг, сендан олдин китобни ўқиганлардан сўра. Батаҳқиқ, сенга Роббингдан ҳақ келди. Бас, ҳеч шубҳа қилгувчилардан бўлма.

Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир лаҳза ҳам Қуръони Каримнинг ҳақ эканлигига шубҳа қилмаганлар. Аммо бу ояти каримада:

«Агар сенга нозил қилган нарсамиздан шакда бўлсанг, сендан олдин китобни ўқиганлардан сўра», дейилмоқда.

Яъни, сендан олдин ҳам Қуръонга ўхшаш илоҳий китоблар нозил қилганмиз. Ана шуларнинг давомчилари ҳозир ҳам бор, ана ўшалардан сўра, демоқда. Хўш, нима учун бундай демоқда? Бу ерда гап Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига тегишли эмас, балки ушбу оятлар нозил бўлаётган вақт шу сиёқдаги баённи тақозо қилар эди. Узоқ вақт Маккада Ислом даъвати ривож топмай туриб қолди. Хадича онамиз ва Абу Толибнинг вафотларидан сўнг кофирларнинг озорлари яна ҳам кучайди. Исро ҳодисаси бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кечада Маккаи Мукаррамадан Байтул Мақдисга бориб, у ердан осмонга чиқиб — меърож қилиб қайтганларидан сўнг, баъзи кишилар бу ҳодисага ишонмай, Исломни тарк этдилар. Ана шундай нозик бир пайтда иймонларини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш зарурлигидан Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди. Оятнинг давомида:

«Батаҳқиқ, сенга Роббингдан ҳақ келди. Бас, ҳеч шубҳа қилгувчилардан бўлма», дейилмоқда.

Яъни, сенга Роббингдан келган Қуръон ҳақдир. Ҳеч-ҳеч шак-шубҳага бора кўрма. Кейинги оят шу маънони яна ҳам қаттиқроқ таъкидлайди.

وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الَّذِينَ كَذَبُوا بَيِّنَاتٍ أَللَّهِ فَتَكُونُ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٩٥﴾

95. Зинҳор, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарувчилардан бўлма, у ҳолда зиёнкорлардан бўлиб қоласан.

Бу, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали барча мўмин-мусулмонларга хитобдир.

Эй Пайғамбар!

إِنَّ الَّذِينَ حَقَّتْ عَلَيْهِمْ كَلِمَتُ رَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٩٦﴾

96. Албатта, Роббингнинг калималари зиммасига вожиб бўлганлар иймонга келмаслар.

وَلَوْ جَاءَتْهُمْ كُلُّ آيَةٍ حَتَّىٰ يَرَوْا الْعَذَابَ الْأَلِيمَ ﴿٩٧﴾

97. Агар уларга ҳамма оят-мўъжизалар келса ҳам, то аламли азобни кўрмагунларича.

Баъзи одамлар, ҳидоятга юриш ниятлари йўқлиги туфайли, шунча вақтдан бери Исломга даъват қилинсалар-да, борган сари куфрда ашаддийлашиб кетмоқдалар. Табиатлари ва ниятлари бузуқлиги сабабли, уларнинг зиммасига охирги дамгача иймонга келмасликлари ҳақида Аллоҳнинг калимаси ҳақ бўлиб қолди. Уларнинг мўмин бўлмасликларига Аллоҳдан лафз кетди. Яъни, Аллоҳ таоло ўзигагина маълум бўлган яна бир ҳақиқатни – табиатлари бузуқ баъзи кимсаларнинг оқибатини баъдаларига билдириш учун Ўз китобига битиб қўйди. Улар ҳам, ҳозиргина қиссаси ўтган Фиръавнга ўхшаб аламли азобни кўрмагунларича иймонга келмайдилар. Аламли азобни кўрганларида, ўлим олдида келтирган иймонларидан эса, наф бўлмайди. Шунинг учун, сен улар ҳақида ташвиш чекма.

فَلَوْلَا كَانَتْ قَرْيَةٌ أَمِنَتْ فَنَفَعَهَا إِيْمَانُهَا إِلَّا قَوْمَ يُونُسَ لَمَّا أَمِنُوا كَشَفْنَا عَنْهُمْ عَذَابَ
الْخِزْيِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَتَّعْنَاهُمْ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١٠٨﴾

98. Қани энди, бирон қишлоқ иймон келтирганда, унга иймони манфаат берса эди. Фақат, Юнус қавми иймон келтирганларида, улардан ҳаёти дунёдаги хорлик азобини кушойиш қилдик ва уларни маълум вақтгача фойдалантирдик, холос.

Макка аҳли иймон келтирмаётганларидек, олдин ҳам Пайғамбарлар келган шаҳар ва қишлоқларнинг аҳллари иймон келтирмаганлар.

«Қани энди, бирон қишлоқ иймон келтирганда, унга иймони манфаат берса эди.»

Лекин, афсуски, улар иймон келтирмадилар. Оз сонли кишилар иймон келтириб, кўпчилик кофирликда қолаверди. Бу борада фақат битта қишлоқни истисно қилиш мумкин. Қилган гуноҳлари учун бошларига азоб келганда барча аҳолиси тавба қилиб нажотга эришган фақат битта қишлоқ бор.

«Фақат, Юнус қавми иймон келтирганларида, улардан ҳаёти дунёдаги хорлик азобини кушойиш қилдик ва уларни маълум вақтгача фойдалантирдик, холос.»

Оятнинг маъносидан кўриниб турибдики, Юнус алайҳиссаломнинг қавмига ҳаёти дунёнинг хорлик азоби таҳдид солиб қолганда, барчалари бирдан иймонга келганлар. Ана шунда Аллоҳ таоло уларнинг бошидан бу азобни кўтарган ва иймонлари шарофати билан маълум муддатгача фаровон турмуш ила манфаатлантирган.

Юнус алайҳиссаломнинг қавмларининг қилган гуноҳлари, уларнинг бошига таҳдид солиб келган азоб, уларнинг қаттиқ тавба қилганлари ва

охири нажот топганлари ҳақидаги тафсилотлар бошқа сураларда баён қилинган. Бу қавмдан бошқа ҳеч бир қавм, бошига илоҳий азоб келиб қолганда, тавба қилиб, нажот топмаган. Балки, Фиръавнга ўхшаб, охирги лаҳзада келтирган иймони фойда бермай, ҳалокатга учраган.

Демак, қоида шу: қайси шаҳар-қишлоқ кофир бўлса, хорлик азобига дучор бўлаверади, қайси қишлоқ иймон келтирса, ундан хорлик азоби кушойиш қилиниб, иймони туфайли манфатлар топаверади. Лекин бу улкан ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Балки, кўпчилик бу улкан ҳақиқатдан йироқда бўлиши ҳам мумкин. Аллоҳнинг динига даъват қилувчилар ушбу ҳолатни яхши тушуниб етмоқлари лозим. Баъзида улар одамларнинг тўғри йўлдан бош тортишларидан қаттиқ ранжиб, ўзларини ҳаддан ташқари койитиб юбормасликлари лозим.

Эй Пайғамбар!

وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَأَمَنَّ مِنَ فِي الْأَرْضِ كُلُّهُمْ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ تُكْرَهُ النَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا

مُؤْمِنِينَ ﴿٩٩﴾

99. Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммаси иймонга келар эдилар. Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?

Сен ҳамманинг бирдай мўмин бўлмаганига кўп ҳам куюнаверма. Уларнинг ҳаммаси иймонга келиши шарт эмас. Агар шу нарса зарур бўлганда Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини аввал бошдан мўмин қилиб яратар эди ёки мўмин бўлишга мажбур этар эди. Ҳа,

«Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидаги кишиларнинг ҳаммаси иймонга келар эдилар».

Лекин барча ҳикмат соҳиби бўлган У зот бундай қилмади. Инсонни яхшилик ва ёмонлик, иймон ва куфрга лаёқат билан яратди. Унга у ёки бу йўлни танлаб олиш ихтиёрини берди. Аллоҳ инсонга тўғридан нотўғрини ажратадиган ақл ҳам берди. У зот ақлларга энг осон йўлни кўрсатиш учун Пайғамбарлар юборди. Китоблар туширди. Яъни, ҳар бир одамнинг тўғри йўлни топиб олишига ҳар жиҳатдан имконият яратди. Ана ўша омиллар орқали ҳар бир одам тўғри йўлни топиб олиши ёки аксинча, ақлини ишлатмай, залолатда қолиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, иймон иши ихтиёрли бўлди.

«Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?»

Йўқ, албатта, иймон иши қалбга боғлиқ. Унга мажбур қилиш фойдасиздир.

وَمَا كَانَتْ لِنَفْسٍ أَنْ تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَجْعَلُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٠﴾

100. Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир жон мўмин бўла олмас. У ақл юргизмайдиганларга ўта ифлосликни раво кўрур.

Яъни, ҳар бир инсон иймонга эришиш учун Аллоҳ изн этган йўлдан юриши керак. У кўрсатган амалларни қилиши керак. Мисол учун, Аллоҳ берган ақлни ишлатиб, атрофдаги оят-далилларни тушуниб етиб, иймонга юзланиши керак. Ақлни ишлатмаса, ўзига ибрат олмаса, иши расво бўлади. Нотўғри йўлга юриб, залолатга кетади. Чунки:

«У ақл юргизмайдиганларга ўта ифлосликни раво кўрур».

Аллоҳ Ўзи берган ақлни ишга солиб, тўғри йўлни, иймон йўлини топиб юрмаган шахсларни ақли йўқ жонзотлардан ҳам паст даражага, энг расво ҳолга тушириб қўяди.

Эй Пайғамбар! Ақлини ишлатиб Аллоҳга иймон келтирмаётганларга:

قُلْ أَنْظِرُوا مَاذَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا تُعْنِي الْآيَاتُ وَالنُّذُرُ عَنْ قَوْمٍ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠١﴾

101. Сен: «Осмонлару ердаги нарсаларга назар солинглар. Иймон келтирмайдиган қавмларга оят-мўъжизалар ва қўрқитувлар фойда бермас», деб айт.

Албатта, осмонлару ердаги нарсаларга ибрат назарини солишнинг фойдаси жуда ҳам катта. Ҳар қандай инсон бундан ўзи учун катта манфаатлар олиши мумкин. Бу манфаатларнинг энг улкани Аллоҳ таолонинг борлигини ва чексиз қудратга эга эканлигини англаб етишдир.

Шу ва шунга ўхшаш бошқа оятларга назар солган мусулмонлар вақтида мислсиз илмий кашфиётлар қилдилар ва бутун дунёни манфаатлантирдилар. Бу эса, иймон-Ислом ишига, тинчлик-омонлик ишига катта хизмат қилди. Аммо кишининг иймони бўлмаса, осмонлару ердаги нарсаларга назар солиб оят-мўъжизаларни кўриши ҳам, қўрқитувчилар ҳам фойда бермайди. Буни оятнинг иккинчи жумласидан билиш мумкин:

«Иймон келтирмайдиган қавмларга оят-мўъжизалар ва қўрқитувлар фойда бермас, деб айт».

Иймон бўлмаганидан кейин, инсон ҳамма нарсани ёмонликка бураверар экан. Осмондаги жисмларни ўрганса, улардан жосуслик ишларида, оммавий қирғин қуролиларини жойлаштиришда, инсониятга зарар келтирадиган бошқа ҳар хил ишларни бажаришда фойдаланар экан. Иймони бўлмаганидан кейин, ердаги нарсаларга назар солиб,

ундан ҳам ўзининг қабиҳ ниятларини амалга оширишда фойдаланишни ўйлар экан. Улардаги оят-мўъжизалардан ибрат олмас экан. Турли қўрқитувчиларнинг огоҳдантиришларидан ҳам қўрқмас экан. Лекин улар нима қилмоқчилар ўзи? Нимани кутишяпти?

فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا مِثْلَ آيَاتِ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِهِمْ قُلْ فَأَنْظِرُوا إِنِّي مَعَكُمْ مِنَ الْمُنْتَظِرِينَ

102. Улар фақат ўзларидан олдин ўтганларнинг кунларига ўхшаш кунларга интизор бўлмоқдаларми? Сен: «Бас, интизор бўлинглар. Албатта, мен ҳам сизлар билан интизор бўлгувчиларданман», деб айт.

Ақлларини ишлатиб ибрат олмаган, иймонга келмаган бу кофир кимсалар аввалги кофирларнинг бошига тушган мусийбатли кунлар ўзларининг ҳам бошига тушишини кутяптиларми? Ҳа,

«Улар фақат ўзларидан олдин ўтганларнинг кунларига ўхшаш кунларга интизор бўлмоқдаларми?»

Шунча оят ва далилларни кўриб-билиб туриб иймонга келмаганларидан шу маъно туғилади. У ҳолда, эй, охирзамон Пайғамбари, сен уларга:

«Бас, интизор бўлинглар. Албатта, мен ҳам сизлар билан интизор бўлгувчиларданман, деб айт».

Оқибат нима бўлишини кўрамиз.

ثُمَّ نُنَجِّي رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا كَذَلِكَ حَقًّا عَلَيْنَا نُنَجِّي الْمُؤْمِنِينَ

103. Сўнгра, Пайғамбарларимизга ва иймон келтирганларга нажот берамиз. Шундай қилиб, мўминларга нажот бермоғимиз зиммамиздаги бурчдир.

Охир-оқибатда мўминларнинг нажот топиши ҳақдир. Бу вази-фани Аллоҳ таоло Ўзига бурч қилиб олгандир. Бу ҳақиқатни мўмин-мусулмонлар, айниқса, даъватчилар жуда яхши англаб етмоқлари лозим. Ана шунда вақтинчалик қийинчиликлар енгил кўринади. Кофир ва мунофиқларнинг озорлари, қийноқлари оғир ботмайди.

Энди сураи кариманинг хотимасига етиб келинди. Аввалдан зикр қилиб келинган мавзуларга якун ясаиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга умумий эълон қилиш топширилмоқда. Бу эълонда эса, у зотга йўлларида собит ҳолда бардавом бўлишлари баён қилинмоқда:

Эй, охирзамон Пайғамбари, сен:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِن كُنتُمْ فِي شَكٍّ مِّن دِينِي فَلَا أَعْبُدُ الَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ وَلَكِن
أَعْبُدُ اللَّهَ الَّذِي تَتَوَفَّكُمُ وَأُمِرْتُ أَن أَكُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٤﴾

104. «Эй одамлар, агар менинг динимда шак-шубҳангиз бўлса, бас, (билингки) мен сизлар ибодат қилаётган – Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилмасман. Лекин сизни вафот эттирадиган Аллоҳга ибодат қилурман ва мўминлардан бўлмоғимга амр қилинганман», деб айт.

Яъни, эй одамлар, агар сизнинг ҳаммангиз мен келтирган ҳақ динга шубҳа билан қараб, унга юрмайдиган бўлсангиз ҳам, бу қилмишингиз менинг ишончимга заррача таъсир ўтказа олмайди. Кўпчилик қўнмаяпти, бир гап бор шекилли, деган фикр хаёлимга ҳам келмайди. Сиз ҳаммангиз бир бўлиб тутган йўлингиз шу йўлингизнинг тўғрилигига далил бўла олмайди. Билиб қўйингки, ҳеч қачон:

«мен сизлар ибодат қилаётган – Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилмасман».

Аллоҳдан ўзга сиз ибодат қилаётган турли нарсаларга ибодат қилишнинг нотўғрилиги менга ойдан равшан.

«Лекин сизни вафот эттирадиган Аллоҳга ибодат қилурман.»

Сизни ибодат қилаётган бутларингиз вафот эттирмайди. Улар ҳеч нарса қила олмайди. Сизларни ҳамма нарсага қодир Аллоҳ, мен ибодат қилаётган Зот вафот эттиради.

«...ва мўминлардан бўлмоғимга амр қилинганман».

Мен Аллоҳ таолодан келган амрни бажараман, холос. Ва менга яна қуйидагилар буюрилгандир:

وَأَن أَقِمَّ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا وَلَا تَكُونَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٥﴾

105. Юзингни динга тўғри тут. Мушриклардан бўлма.

Бошқа томонга мойил бўлмай, юзингни Исломига тўғри тут. Аллоҳга ширк келтиргувчилардан бўлма, деб амр қилинган.

وَلَا تَدْعُ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ فَإِن فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِن الظَّالِمِينَ ﴿١٠٦﴾

106. Аллоҳдан ўзга – сенга манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган – нарсага илтижо қилма. Бас, агар шундай қилсанг, унда, сен золимлардан бўласан.

Ўзини билмаган золим одамлар Аллоҳни қўйиб, бут-санамлар ва бошқа нарсаларга илтижо этиб, манфаат топмоқчи ёки зарарни қайтармоқчи бўладилар. Сен, эй Пайғамбар, уларга ўхшама, Аллоҳдан ўзга ҳеч кимга, ҳеч нарсага илтижо этма.

«...агар шундай қилсанг, унда, сен золимлардан бўласан.»

وَإِنْ يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَادَ لِفَضْلِهِ
يُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿١٧﴾

107. Агар Аллоҳ сени зарар ила тутса, Ундан ўзга ўшанга кушо-йиш берувчи йўқдир. Агар У сенга яхшилиқни ирода қилса, Унинг фазлини рад қилувчи ҳам йўқдир. Уни бандаларидан хоҳлаганига етказур. У мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир.

Бандага фойда ёки зарар етиши Аллоҳнинг иродаси билангина бўлади. Ҳа,

«Агар Аллоҳ сени зарар ила тутса, Ундан ўзга ўшанга кушо-йиш берувчи йўқдир».

Борлиқнинг ягона Холиқи, Қодиру Молик Зот бир бандани зарар ила тутганидан кейин у ожиз бандага ким ҳам ёрдам бериб, мушқулига кушойиш ато қила олар эди. Шунингдек,

«Агар У сенга яхшилиқни ирода қилса, Унинг фазлини рад қилувчи ҳам йўқдир».

Аллоҳ яхшилиқ келтирадиган ишларни қилганларга яхшилиқ, ёмонлик келтирадиган ишларни қилганларга ёмонлик етказишни ирода этгандир. Аллоҳ бандалари ичидан Ўзи хоҳлаганларини фазлига эриштиради. Бу орада бандалардан баъзи гуноҳлар содир бўлсаю тавба қилсалар, Аллоҳ уларни мағфират этади. Уларга раҳим кўрсатади.

«У мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир».

Эй, охирзамон Пайғамбари!

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنِ اهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ
وَمَنْ ضَلَّٰ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا وَمَا أَنَا عَلَيْكُمْ بِوَكِيلٍ ﴿١٨﴾

108. Сен: «Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ келди. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзи учун ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, ўз зарарига залолат топадир. Мен сизларнинг устингиздан қўриқчи эмасман», деб айт.

Ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлди. Энди ҳар ким ўзини билиб иш кўрсин.

«Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ келди.»

Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ Пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссалом келди.

Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ китоб – Қуръони Карим келди.

Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ дин – Ислом келди.

Эй одамлар, сиз ўзингизга Роббингиздан келган ҳақ Пайғамбар – Муҳаммад алайҳиссаломга эргашинг, ҳақ китоб – Қуръони Каримга амал қилинг ва ҳақ дин – Исломни ҳаётингизга татбиқ қилинг, икки дунё саодатига эришасиз.

«Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзи учун ҳидоят топадир.»

Аллоҳнинг ҳидоятига юрганлар ўзлари учун фойдага эришадилар. Бошқа бировга хизмат қилган бўлмайдилар.

Шунингдек,

«Ким залолатга кетса, ўз зарарига залолат топадир».

Ким Аллоҳнинг ҳидоятида юрмаса, залолатга кетган бўлади. Залолат эса, кони зарардир. Бинобарин, залолатга кетган ҳар бир шахс ўзига ўзи зарар қилган бўлади.

«Мен сизларнинг устингиздан қўриқчи эмасман», деб айт.»

Ҳа, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам, у зотдан бошқа бирор киши ҳам ҳеч кимнинг устидан қўриқчи қилиб қўйилган эмаслар. Уларнинг вазифаси Аллоҳнинг динини кишиларга етказиш, холос. Ҳар ким нима қилса, ўзи учун қилади.

Эй Пайғамбар!

وَاتَّبِعْ مَا يُوحَىٰ إِلَيْكَ وَأَصِرْ حَتَّىٰ يَحْكُمَ اللَّهُ وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ

109. Ва сенга ваҳий қилинган нарсага эргаш ва Аллоҳ ҳукм қилгунча сабр қил. У ҳукм қилгувчиларнинг яхшисидир.

Фақатгина Аллоҳдан ваҳий қилинган нарсага эргашинг ила нажотга етишинг мумкин, холос.

Ул ишни қилиш давомида эса, турли қийинчиликларга дучор бўлиш турган гап. Ана ўшандоқ пайтларда сабр қилиш лозим.

Аллоҳ фақат Ўз йўлида юрганларнинг фойдасигагина ҳукм қилади.



ХУД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 123 оятдан иборат.

Ичида Худ қавми қиссаси ҳам келгани учун сура шу ном билан аталган. Уламоларимизнинг таъкидлашларича, бу сураи карима Қуръони Каримда ўзидан олдин турган «Юнус» сурасидан кейин нозил бўлган. Бир вақтда нозил бўлганлари учун ушбу икки суранинг сиёқлари ҳам бир-бирига яқин. Ушбу суралар Ислому даъвати учун энг оғир пайтларда нозил бўлган. Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга ҳомий бўлиб турган Абу Толиб ва Ҳадича онамиз вафот этиб, мушрикларнинг тазйиқлари энг учига чиққан пайтлар эди.

Ислому тарихида «маҳзунлик йили» деган ном ила машҳур давр. Абу Толиб ва Ҳадича онамиз вафотларини ўзларига қулай фурсат билиб, мушриклар зулми яна ҳам кучайтирдилар.

Исро ҳодисаси рўй бериб, бу ҳодиса ғайри одатий бўлганидан, баъзи иймони заифлар муртад бўлиб диндан чиққан, кофирлар эса, масхара қилиб қулган пайт.

Ислому даъвати умуман тўхтаб қолган, Макка ва унинг атрофидан ҳеч ким Исломуга қирмай қўйган маҳаллар.

Оз сонли мусулмонлар ниҳоятда қийин аҳволда қолган, кофирлар эса, яна бир оз ҳаракат қилсак, Исломуни йўқ қилиб юборамиз, деб турган нозик палла.

Ана шундай ҳассос даврда нозил бўлган бу сураи каримада ўша даврга хос мавзулар аксини топгандир. Сураи кариманинг аввалида Қуръони Карим ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз кетади. Ақийда масаласида баҳс юритилади. Кишилар Аллоҳ таолога бўйсунган ҳолларида яшамоқлари зарурлиги ўзига хос услуб билан уқтирилади.

Ундан кейин тарихга мурожаат қилинади. Ўтган умматларнинг қиссалари батафсил баён қилинади. Бу борада Нуҳ алайҳиссалом қиссалари, шунингдек, Худ, Солиҳ, Шуайб алайҳимуссаломларнинг қиссалари ҳам келтирилади.

Сўнгра, ўша зикр қилинган мавзуларга хулоса ясаиб, буларнинг ҳаммаси ибрат учун эканлиги айтилади.

Сураи карима ниҳоятда қийин даврда нозил бўлиб, ниҳоятда саркаш қавмнинг номаъқул кирдикорларини муолажа қилгани учун ҳам, бу сурадаги баҳс қаттиқ ва муросасиз услубдир. Қалбларни ларзага солувчи, таҳдидга тўла иборалар бу сураи каримада айнан муросасиз услуб етакчи эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло қалби қаттиқ қавмга уларнинг ўзига яраша муомала қилади. Шунинг учун ҳам, бу сураи каримани ўқиган ва ўрганган одамга у ўзига хос тарзда шиддатли таъсир этади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳуд» сурасини ўзларининг муборак сочларини оқартирган суралар қаторига қўшганлар.

Ҳофиз Абу Яъло Икрима розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Сочингизни нима оқартирди?» деб сўраганларида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сочимни «Ҳуд», «Воқиъа», «Амма ятасаъалун» ва «Изаш-шамсу куввирот» суралари оқартирди», деган эканлар».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الرَّ كُنْتُ أَحْكَمَ آيَاتِهِ ثُمَّ فَضَّلَتْ مِنْ لَدُنِّ حَكِيمٍ خَيْرٍ ﴿١﴾

1. Алиф. Лаам. Ро. (Ушбу) китоб оятлари маҳкам қилинган, сўнгра ҳикматли ва хабардор Зот томонидан муфассал (баён) қилингандир.

Бу сураи карима ҳам алифбо ҳарфларининг учтаси билан бошланмоқда. Бошқа суралар тафсирида бу ҳақда кераклигича гапирилгани учун такрорлаб ўтирмаймиз.

Яъни, ушбу зикр қилинганга ўхшаш ҳарфлардан ташкил топган Қуръон сизларга келди. Унинг:

«оятлари маҳкам қилинган».

Яъни, тузилиши пухта, далолат қилиши дақиқ, ҳар бир сўзи чуқур маъноли, ҳамма тарафи бир-бирига муносиб, ҳеч камчилиги йўқдир.

«...сўнгра ҳикматли ва хабардор Зот томонидан муфассал (баён) қилингандир.»

Нимасини батафсил баён қилиш керак бўлса, ўша нарсаси, жумладан, ғоялари, мақсадлари, мавзулари батафсил баён қилингандир. Бундан мақсад:

أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ إِنِّي لَكُمْ مِنْهُ نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ ﴿٦﴾

2. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслигингиз учундир. Албатта, мен сизларга Ундан келган огоҳлантирувчи ва хушхабарчиман.

Яъни, ўша васфга эга бўлган китоб ва унинг оятлари қуйидаги масалаларни ичига олгандир:

«Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмаслигингиз учундир»;

Ундан бошқага бўйинсунмаслик;

Ундан бошқанинг айтганини қилмаслик;

Ундан бошқага эргашмаслик;

Унгагина итоат қилишлик.

Яна бошқа бир масала:

«Албатта, мен сизларга Ундан келган огоҳлантирувчи ва хушхабарчиман».

Мен У зот томонидан сизларга юборилган Пайғамбар бўлиб, вазифам кишиларни куфр ва гуноҳкорликнинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантириш, иймон ва солиҳ амалларнинг оқибати яхши бўлишининг хушхабарини беришдир.

Яна қуйидагиларни етказиш ҳам менинг вазифамдир:

وَأَنْ أَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُمْنَعَكُمْ مِّنْ عَذَابٍ حَسَنًا إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى وَيُؤْتِ كُلَّ ذِي فَضْلٍ فَضْلَهُ وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ كَبِيرٍ ﴿٦﴾

3. Роббингизга истиғфор айтинглар, сўнгра Унга тавба қилинглар. (Шунда) У зот сизларни маълум муддатгача яхши роҳатлар ила баҳраманд қилур ва ҳар бир фазл эгасига фазлини берур. Агар юз ўгириб кетсангиз, бас, албатта, мен сизларга улуғ куннинг азоби бўлишидан қўрқаман.

Мусулмон инсон доимо Роббига истиғфор айтмоғи – гуноҳларини мағфират этишини сўраб турмоғи лозим. Шунингдек, у доимо гуноҳларига тавба қилиб, афсус чекиб, уларни қайта такрорламасликка аҳду паймон бериб юрмоғи лозим.

«Роббингизга истиғфор айтинглар, сўнгра, Унга тавба қилинглар.»

Агар инсон шундай қилса, охиратда фойда бўлишидан ташқари, бу дунёнинг ўзида ҳам катта манфаатларга эришади. Шунинг учун ҳам, ояти каримада истиффор ва тавбага амр этилганидан кейин бевосита:

«(Шунда) **У зот сизларни маълум муддатгача яхши роҳатлар ила баҳраманд қилур ва ҳар бир фазл эгасига фазлини берур**», дейилмоқда.

Бу хусусда аввал келган оятлар тафсирида муфассал сўз юритганмиз.

«Агар юз ўгириб кетсангиз, бас, албатта, мен сизларга улур куннинг азоби бўлишидан қўрқаман.»

Яъни, қиёмат қоим бўлишини ҳам сизларга эслатиб қўйишим керак. Ким бу дунёда Пайғамбардан, унга нозил бўлган Китобдан, Исломдан юз ўгириб кетса, у дунёда – қиёмат кунида азобга дучор бўлиши муқаррарлигини ҳам айтиб қўйишга буюрилганман.

إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

4. Аллоҳнинг Ўзига қайтишингиз бор. У ҳар бир нарсага қодир Зотдир.

Нима қилсангиз ҳам, барибир, Аллоҳга қайтишингиз, Унга рўбарў бўлишингиз бор. Ўшанда У сизни сўроқ-саволга тутади, бу дунёда қилганингизга яраша мукофот ёки жазо беради. Ундан ва Унинг жазосидан қочиб қутула олмайсиз. Зотан:

«У ҳар бир нарсага қодир Зотдир».

«Қуръон» дея номланмиш ушбу китобда ва унинг оятларида мана шунга ўхшаган масалалар муфассал баён қилингандир. Кишилар жоҳилликларини қўйиб, турли эътиқод ва тартиблардан чекиниб, ушбу китоб таълимотлари асосида яшамоқлари лозимдир.

Юқоридаги оятларда Қуръони Каримнинг нималарни баён қилиши ҳақида гап юритилди. Энди, ўша китоб келганида баъзи одамлар ўзларини қандай тутишлари ҳақида сўз кетади:

أَلَا إِنَّهُمْ يَنْتُونُ صُدُورَهُمْ لِيَسْتَخْفُوا مِنْهُ أَلَا حِينَ يَسْتَغْشُونَ ثِيَابَهُمْ يَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ
وَمَا يَعْلَمُونَ إِنَّهُ عَلَيْهِمْ بَدَاتِ الصُّدُورِ

5. Огоҳ бўлингким, албатта, улар Ундан яшириниш учун кўксиларига (бошларини) эгарлар. Огоҳ бўлингким, кийимларига ўрал-

ган чоғларида ҳам, У зот нимани сир тутаётганларинию нимани ошкор қилаётганларини билар. Албатта, У – қалблардаги бор нарсаларни билгувчи Зотдир.

Ушбу оятда жоҳилият аҳлининг қизиқ ва кулгили ҳолатларидан бири ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кишиларга Қуръони Карим оятларини ўқиб бераётганларида, юқорида зикр қилинган ҳақиқатларни етказаётганларида, баъзи мушриклар, мен ҳам шу гапларга дахлдор бўлиб қолмай, дегандек, кўринмасликка уриниб, пусиб, бошини кўксига эгиб, беркинишга ҳаракат қилар эканлар. Оятда уларнинг қилмишлари, Аллоҳдан яширинишга уриниш, деб таърифланмоқда. Бу, ҳақиқатан, кулгили ҳол. Қуръон оятлари ўқиладиганида, ўзига қарши ҳужжат бўлиб, фалон жойда оятларини эшитган эдинг-ку, деб қолмасликлари учун, Аллоҳнинг назарига тушиб қолмаслик учун, бошини кўксига эгиб беркиниш ниҳоятда кулгили. Наҳотки, Аллоҳ ўша одамни кўрмай қолса? Йўқ, ундай эмас!

«Огоҳ бўлингким, кийимларига ўралган чоғларида ҳам, У зот нимани сир тутаётганларинию нимани ошкор қилаётганларини билар.»

Ушбу жумладаги «кийимларига ўралган чоғларида» иборасини «кечаси жойларига ётиб ўранганларида» деб тушуниш керак. Одам кўздан энг узоқ бўладиган вақт ўша вақтдир. Биров бировни кўра олмайдиган тун қоронғуси. Киши уйда, уйнинг ҳам ухлаш учун ажратилган бир бурчагида. Бунинг устига, ўраниб олган. Дарҳақиқат, уни одам боласи кўра олмайди. Аммо, Аллоҳ таоло кўриб туради. Кўрибгина қолмайди, балки нимани сир, нимани ошкор тутаётганини ҳам билади.

Чунки:

«Албатта, У қалблардаги бор нарсаларни билгувчи Зотдир».

Ана шундай Зотдан кўксига калласини эгиб беркинишга уриниш, ҳақиқатан ҳам, жуда кулгили. Бу ҳол иймонсизларнинг ақлсиз ва фаросатсиз ҳам эканлигидан далолат беради.

﴿ وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلٌّ فِي

كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٦٠﴾

6. Ер юзида ўрмалаган нарса борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобдадир.

Ер юзида ўрмалаган нарса — одамзот, ҳайвонот, ҳашарот, қурт-қумурсқа ва бошқа жонзотлардир. Шуларнинг ҳаммасига Аллоҳ таоло ризқ беради. Ҳаммасининг юргани, тургани, туғилгани ва бошқа ҳолатларини билади. Буларнинг ҳаммаси очиқ-ойдин ва равшан китобда ёзиғлиқ ҳамдир. Ана шундай сифатларга эга бўлган Зотдан беркинишга уриниш жуда ҳам кулгили-ку.

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ وَكَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ
لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَلَئِنْ قُلْتُمْ إِنَّكُمْ مَبْعُوثُونَ مِنْ بَعْدِ الْمَوْتِ لَيَقُولَنَّ
الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْحَرُؤْمِينُ ﴿١٠١﴾

7. У сизлардан қайсингизнинг амали яхшироқ эканини синаб кўриш учун олти кунда осмонлару ерни яратди. Ўшанда Арши сув устида эди. Агар сен: «Сизлар ўлимдан кейин албатта қайта тирилтириласизлар», десанг, куфр келтирганлар, албатта: «Бу очиқ-ойдин сеҳрдан ўзга нарса эмас», дерлар.

Бу оятда ҳам Аллоҳ таолонинг таърифи давом этмоқда. Аллоҳ осмонлару ерни олти кунда яратган Зотдир. Бу ҳақда ўтган «Юнус» сураси тафсирида батафсил гапирилган. Ушбу оятда эса, осмонлару ерни яратишдан мақсад одамлардан қайсилари яхшироқ амаллар қилишини синаб кўриш эканлиги таъкидланмоқда.

«У сизлардан қайсингизнинг амали яхшироқ эканини синаб кўриш учун олти кунда осмонлару ерни яратди.»

Шунингдек, Аллоҳнинг Арши ва унинг турган жойи ҳақида ҳам маълумот келмоқда:

«Ўшанда Арши сув устида эди.»

Демак, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган вақтда Унинг Арши сув устида бўлган экан. Шунинг ўзини билишимиз кифоя. Аллоҳнинг Арши бор экан. Ўша пайтда бу Арш сувнинг устида турган экан. Бўлди, бундан бошқаси ортиқча. Бунақа, ғайбиётга тегишли масалалар атрофида овора бўлиб, вақт ва ақл-заковотни беҳуда сарфлагандан кўра, кўпроқ яхши амалларни қилиб, синовдан яхши ўтишга уринган маъқул.

Чунки, албатта, ўлимдан кейин тирилиш бор. Ўшанда бу дунёда қилинган амалларнинг сўроқ-саволи бўлади. Ана ўшанда иймону амали солиҳгина фойда беради.

«Агар сен: «Сизлар ўлимдан кейин албатта қайта тирилтириласизлар», десанг...»

Ҳа, бу ҳақиқатни кофирларга айтсанг, ишонмай инкор этадилар:
«Бу очиқ-ойдин сеҳрдан ўзга нарса эмас», дерлар».

Улар қайта тирилишга, охират азобига ишонмаганларидек, бу дунёда азобга дучор бўлишлари мумкинлигига ҳам ишонмайдилар.

وَلَيِّنَ أَخْرَانَا عَنْهُمْ الْعَذَابَ إِلَىٰ أُمَّةٍ مَّعْدُودَةٍ لِّيَقُولُوا مَا يَحْسِبُهُ الْآلَاءُ يَوْمَ يُأْتِيهِمْ
 لَيْسَ مَصْرُوفًا عَنْهُمْ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦٦﴾

8. Агар Биз улардан маълум муддатгача азобни кечиктирсак, улар албатта: «Уни нима тўхтатиб турибди?» дерлар. Огоҳ бўлингларким, у келган кунда улардан қайтарилмас ва уларни ўзлари истеҳзо қилиб юрган нарса ўраб олур.

Қуръони Карим оятларида кофирлар, мушриклар икки дунёда ҳам азобга гирифтор бўлишининг хабари бор. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бу ҳақиқатни ҳадисларида баён қилганлар. Уларда ўтган умматлар Пайғамбарларини, илоҳий китобларини, диний таълимотларни инкор қилганларида азобга дучор бўлганлари жуда кўп айтилган. Аммо Ислом келганидан сўнг, у охири дин бўлганлиги учун, одамларни оммавий азобга гирифтор қилишни Аллоҳ ирода қилган эмас. Уларнинг баъзиларигагина азоб келиши мумкин. Аммо ёппасига азоб юборилмайди. Буни тушуниб етмаган мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга доимо: «Ваъда қилаётган азобинг қачон келади? Уни нима тўхтатиб турибди?» каби саволларни берардилар.

«Агар Биз улардан маълум муддатгача азобни кечиктирсак, улар албатта: «Уни нима тўхтатиб турибди?» дерлар.»

Уларнинг саволларига жавобан ояти каримада:

«Огоҳ бўлингларким, у келган кунда улардан қайтарилмас ва уларни ўзлари истеҳзо қилиб юрган нарса ўраб олур», дейилмоқда.

Яъни, уларга ваъда қилинган азоб ўша кунда ҳеч қайтариб бўлмайдиган бўлиб келади. У кунда кофир ва мушрикларни ҳозир истеҳзо қилиб кулаётган нарсалари – аламли азоб бутунлай ўраб олади. У улар учун ҳам куфр ва ширклари, ҳам истеҳзоларига жазо бўлади. Уларга азоб келмай турганининг, уларни ер юзидан супуриб ташламаганининг яна қандай ҳикматлари борлигини Аллоҳнинг ўзи билади. Бир пайтлар «Азобни нима тўхтатиб турибди?» деб юрганларнинг кўпчилиги кейин яхши мусулмон бўлди. Кўпларининг эса, болалари Исломга кирдилар ва ҳоказо.

Инсоннинг иши қизиқ, нима учун азоб келмаяпти, деб шошилади-ю, аммо салгина озор етса, дод-вой қилади.

وَلَيْنَ أَذْقَنَا الْإِنْسَانَ مِتَارَ حِمَّةٍ لَّمْ نَزَعْنَا مِنْهُ إِنْتَاهُ لَيْئُوسٍ كَفُورٍ ﴿١٠١﴾

9. Агар инсонга Ўз томонимиздан роҳатни тоттириб, сўнгра ундан уни тортиб олсак, у албатта ноумид ва ношукр бўлур.

Бу васф иймон ва Ислом сифатлари билан тўла сифатланмаган инсоннинг васфи. Агар ундай одамга бирор неъмат бериб туриб, сўнгра олиб қўйилса, тушкунликка тушиб, дод-вой қилади. Ўзини ҳар томонга уради.

وَلَيْنَ أَذْقَنَاهُ نِعْمَاءَ بَعْدَ ضِرَاءٍ مَسَّتَهُ لِيَقُولَنَّ ذَهَبَ السَّيِّئَاتُ عَنِّي إِنَّهُ لَفَرِحٌ فَخُورٌ ﴿١٠٢﴾

10. Агар унга етган қийинчиликлардан сўнг неъмат тоттирсак, албатта: «Мендан ёмонликлар кетди», дейди. Албатта, у хурсанд ва фахрлидир.

Ёки аввалги оятдаги ҳолатнинг аксича бўлса, Аллоҳ ўша инсонга етган зарарни, мусийбатни кетказиб, ўрнига неъмат ато қилса, у хурсанд бўлиб, фахрланиб: ёмонликлар мендан кетди, дейди. Ўша инсон, ёмонликларни Аллоҳ кетказди, демайди, балки, ўзи кетди, дейди. Яъни, банда на иссиққа чидайди, на совуққа. Ушбу номаъқул сифат ва ҳолатлардан келаси оятда васф қилинган бандалар фориғдирлар:

إِلَّا الَّذِينَ صَبَرُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿١٠٣﴾

11. Магар сабр қилганлар ва яхши амаллар қилганлар, ана ўшаларга мағфират ва катта ажр бор.

Ушбу ояти каримада солиҳ бандаларнинг иккита сифати алоҳида таъкидланмоқда: сабр ва яхши амаллар қилиш.

Сабр доим керак. Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар — камчилик пайтида ҳам, фойда — борчилик пайтида ҳам. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик, тўқчиликка ҳамма ҳам сабр қила олмайди. Аслида эса, банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганида шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак.

Ҳам енгил, ҳам оғир пайтларда

«...яхши амалларни қилганлар, ана ўшаларга мағфират ва катта ажр бор».

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, Аллоҳ мўмин банда учун нимани қазо қилса, ўша унинг учун яхши бўлади. Агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади, унга яхши бўлади. Агар унга хафачилик етса, сабр қилади, унга яхши бўлади. Бу фақат мўминлардагина бўлади», деганлар.

Аммо, одамларнинг кўплари, бу ҳақиқатларни тушунмайдиганлар, дин йўлига юрмаганлар пайғамбарлик моҳиятини ҳам англай олмайдилар. Шунинг учун, бу ҳақда турли нотўғри тасаввурлар қиладилар. Ҳатто, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ноўрин таклифлар ҳам қилишади:

فَلَعَلَّكَ تَارِكٌ بَعْضَ مَا يُوحَىٰ إِلَيْكَ وَضَائِقٌ بِهِ صَدْرُكَ أَنْ يَقُولُوا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْهِ كِتَابٌ أَوْ جَاءَ مَعَهُ مَلَكٌ إِنَّمَا أَنْتَ نَذِيرٌ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٦﴾

12. Эҳтимол, сен уларнинг: «Унга хазина туширилса эди» ёки «У билан бирга фаришта келса эди», деганлари учун ўзингга ваҳий қилинган нарсанинг баъзисини тарк қилмоқчи бўларсан ёки ундан юрагинг сиқилар. Сен огоҳлантирувчисан, холос. Аллоҳнинг Ўзи ҳамма нарсага вакилдир.

Албатта, кофир ва мушриклар қанчалик шаккоклик қилмасинлар, қанчалик таклифлар киритмасинлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиқодларига зарар етказа олмайдилар. У киши Қуръоннинг баъзисини тарк этмоқчи ҳам бўлмайдилар, ундан юраклари сиқилмайди ҳам. Аммо бу оят у кишига ва у киши орқали барча мўмин-мусулмонларга тасалли, панд-насиҳат бўлиб келмоқда:

«Эҳтимол, сен уларнинг: «Унга хазина туширилса эди» ёки «У билан бирга фаришта келса эди», деганлари учун ўзингга ваҳий қилинган нарсанинг баъзисини тарк қилмоқчи бўларсан ёки ундан юрагинг сиқилар».

Яъни, мушриклар қанчалар ёмонлик қилсалар ҳам, сизлар сабр қилинлар, сиқилманглар, демоқда.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

«Сен огоҳлантирувчисан, холос», деб у зотнинг асосий вазифаларини эсга солмоқда. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантириб қўйсалар, бўлди. Шаккок мушрик ва кофирларнинг ишини Аллоҳнинг Ўзи билади:

«Аллоҳнинг Ўзи ҳамма нарсага вакилдир».

Ваколатидаги нарсаларни Ўзи билиб тасарруф қилади. Кофир ва мушриклар билан ҳам Ўзи ҳисоб-китоб қилиб олади.

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَيْنَاهُ قُلُوبًا فَآتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَادْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٤﴾

13. Ёки: «Ўзи тўқиб олди», дерларми? Сен: «Бас, агар ростгўй бўлсаларингиз, Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг-чи», дегин.

Иймон бўлмаганидан кейин, инсон ҳар нарса дейди. Ақлга, мантиққа тўғри келган-келмаган сўзларни ҳам гапираверади. Мушрикларнинг «Пайғамбарга хазина туширилса ёки у билан бирга фаришта ҳам Пайғамбар этиб юборилсагина унга эргашамиз», каби мантиқсиз гаплари етмаганидек, улар:

«Ёки: «Ўзи тўқиб олди», дерларми?»

Кофирлар: «Қуръонни Пайғамбарнинг ўзи тўқиб олган», ҳам дейдилар. Бундан ҳам аччиғинг чиқмасин, хафа бўлма. Хотиржамлик билан:

«Агар ростгўй бўлсаларингиз...»

Яъни, менинг Қуръонни тўқиб олганим ҳақидаги гапингиз рост бўлса:

«Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг-чи», дегин».

Қани, нима деб жавоб берар эканлар?

Йўқ! Жавоб бера олмайдилар.

فَإِ لَّمْ يَسْتَجِيبُوا لَكُمْ فَاعْلَمُوا أَنَّمَا أُنزِلَ بِعِلْمِ اللَّهِ وَأَن لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَهَلْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿١٥﴾

14. Агар жавоб бера олмасалар, бас, билинги, у фақатгина Аллоҳнинг илми ила нозил қилингандир. Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?!

Яъни, улар таклифга жавоб бера олмасалар, Қуръонга ўхшаш ўнта сура келтира олмасалар, келтира олмасликлари аниқ, унда:

«...билинги, у фақатгина Аллоҳнинг илми ила нозил қилингандир».

Ундан бошқанинг Қуръон нозил қилишга ҳеч илми етмайди:

«Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир».

Жумладан, мушриклар ибодат қилаётган буту санамлар ҳам илоҳ эмасдир. Улар ҳам Қуръон нозил қилишга қодир эмаслар.

«Энди мусулмон бўларсизлар?!»

Чунки ҳеч қандай узрингиз қолмади. Даъволарингиз ботил бўлди.

Аммо улар инсоф қилмадилар. Куфр ва ширклариди давом этдилар. Чунки улар бу дунё ҳаётига ва унинг зебу зийнати, ҳойи-ҳаваси, обрў-мансабига ўч эдилар. Шу нарсалардан ажраб қолишдан қўрқдилар.

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيْهِمْ أَعْمَالَهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُبْخَسُونَ ﴿٥٦﴾

15. Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини хоҳласа, бу борадаги амаллари(самараси)ни тўлиқ берамиз. Улар бунда камситилмаслар.

Аллоҳ таоло ким ҳаракат қилса, у мўмин бўладими, кофир бўладими, ҳаммага ҳам бераверади. Бу дунёнинг ободлиги ҳам шунда. Ким дунёда қўлидан келган ҳаракатни қилса, ҳаракатига яраша самара ҳам олади. Бу дунё ва унинг зийнатига эришишни хоҳлаб, ўзини урган одам ўшанга эришади. Чунки, Аллоҳ бу борадаги амалларнинг самарасини тўлиқ беришни ваъда қилган. Қилинган ҳаракатга яраша мева олинади, ҳеч кимнинг меҳнатининг самараси камайтирилмайди. Буни айниқса ҳозир, дунё ва унинг зийнати учун ҳаракат кучайган бир даврда яққол кўриб турибмиз. Кўпчилик фақат дунё учун уриниб, унга эришиб турибди. Аммо:

أُولَئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا النَّارُ وَحَبِطَ مَا صَنَعُوا فِيهَا وَبِطُلُّ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٥٧﴾

16. Ана ўшаларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир. Бу дунёда қилган ишлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди.

Чунки, улар охират ҳаёти учун ҳеч нарса қилганлари йўқ. Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръонга ишонгани, ибодат қилгани ва шариатга бўйсунганлари йўқ. Улар фақат бу дунё ҳаёти ва унинг зийнатига эришишни умид этган ва шунинг учун амал қилган эдилар, орзуларига эришдилар.

«Ана ўшаларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир.»

Бу дунёда қилган амаллари, молу мулки, зебу зийнати-чи, дерсиз? Бу саволингизга жавоб ояти кариманинг иккинчи ярмида келмоқда:
«Бу дунёда қилган ишлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди».

Охират учун улар ҳеч қандай фойда бермади. Чунки, иймон бўлмаса, ҳеч бир амал мақбул эмас. Агар улар иймон билан ҳаракат қилганларида, яъни, дунё учун қилган амалларини ҳам иймонли бўлган ҳолда бажарганларида, охиратда улуғ мақомларга эришган бўлур эдилар. Қолаверса, охират учун ҳаракат ҳеч қачон бу дунёни тарк қилишни тақозо этмайди. Инсон иймонли бўлса, бир ҳаракат билан бир йўла икки дунёнинг бахтига эришади.

Кейинги оятларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг шариатлари, Қуръони Карим ҳақ эканлигига далиллар борлиги таъкидланади, шу билан бирга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишига иймон келтирган оз сонли мўминларнинг қалбларида сабот-матонат уйғотишга, кофирларга эса, таҳдид солишга эътибор қаратилади:

أَفَمَنْ كَانَ عَلَىٰ يَمِينِهِ مِّن رَّبِّهِ ۖ وَيَتْلُوهُ شَاهِدٌ مِّنْهُ وَمِن قَبْلِهِ ۖ كَتَبْنَا مُوسَىٰ إِمَامًا
 وَرَحْمَةً أُولَٰئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۖ وَمَن يَكْفُرْ بِهِ ۖ مِنَ الْأَحْزَابِ ۖ فَالنَّارُ مَوْعِدُهُ ۖ فَلَا تَكُ فِي مِرْيَةٍ
 مِّنْهُ إِنَّهُ الْحَقُّ مِن رَّبِّكَ ۚ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٧﴾

17. Ўз Роббидан аниқ ҳужжатга эга бўлган, унга Ўша (Робб)нинг Ўзидан гувоҳ эргашган ва у (гувоҳ)дан олдин Мусонинг китоби имом ва раҳмат ҳолида унга (шоҳид) бўлган кишига (куфр келтирадилар) - ми? Ана ўшалар у (шоҳид)га иймон келтирурлар. Гуруҳлардан ким унга куфр келтирса, унга ваъда қилинган жой жаҳаннамдир. Сен у ҳақда шак-шубҳада бўлма! Албатта, у Роббингдан келган ҳақдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

Ояти кариманинг биринчи қисмида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақлигига кўплаб далиллар, ҳужжатлар, гувоҳлар бўлса ҳам, кишиларнинг иймон келтирмай, инкор қилаётганига раддия билдирилмоқда.

«Ўз Роббидан аниқ ҳужжатга эга бўлган...»

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари ўз шахсларида очиқ-ойдин билингандир, бунда ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Бунинг устига, у кишининг Пайғамбарликларини янада кучлироқ тасдиқлаш учун:

«унга ўша(Робб)нинг Ўзидан гувоҳ эргашган...»

Яъни, у зотни Пайғамбарликка танлаб олган ўша Роббнинг Ўзи Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликларини тасдиқлаш учун гувоҳ сифатида ҳамроҳ қилиб Қуръонни юборгандир.

«...ва у(гувоҳ)дан олдин Мусонинг китоби имом ва раҳмат ҳолида унга (шоҳид) бўлган кишига...»

Яъни, Қуръони Каримдан олдин Мусо алайҳиссаломнинг китоби Таврот ҳам имом ва раҳмат бўлган ҳолида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирзамон Пайғамбари бўлишларига гувоҳ бўлган эди. Ана шундай кишига куфр келтирадиларми?!

Оятнинг давомида эса, Қуръонга иймон келтирганлар ва аксинча, кофир бўлганларнинг баёни келяпти:

«Ана ўшалар у(шоҳид)га иймон келтирурлар».

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминлар Қуръонга иймон келтирадилар.

«Гуруҳлардан ким унга куфр келтирса, унга ваъда қилинган жой жаҳаннамдир.»

Қуръонга иймон келтирмасдан жаннатга киришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасин. Эй Пайғамбар:

«Сен у ҳақда шак-шубҳада бўлма!»

Албатта, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон Қуръони Каримнинг ҳақ эканлигига шак-шубҳа қилмаганлар. Аммо бу сўзлар ўша даврдаги офир ҳолатни енгиллатиш учун айтилмоқда. Чунки у пайтда одамлар Исломига қаршилик қилиб, даъват ишлари юришмай туриб қолган эди. Аллоҳ таоло Пайғамбарига ва оз сонли мўмин бандаларига тасалли бериб, бу ҳолатдан ҳайрон бўлмасликларини уқтирмоқда. Нимага Қуръон иши тўхтаб қолди, деб ўйлама, Аллоҳ хоҳлаган вақтида юришиб кетади. Чунки:

«Албатта, у Роббингдан келган ҳақдир».

Роббдан келган ҳақ эса, юзага чиқмай қолмайди.

«Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.»

Ана ўшалар Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган золимлардир.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أُولَٰئِكَ يُعْرَضُونَ عَلَىٰ رَبِّهِمْ وَيَقُولُ
الْأَشْهَادُ هَٰؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَىٰ رَبِّهِمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿١٨﴾

18. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Ана ўшалар Роббиларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир», дерлар.

Аслини олганда, ёлғон катта гуноҳ. Энди, ўша ёлғон улуғ зотнинг — Аллоҳ таолонинг шаънига айтилса, яна ҳам катта гуноҳ бўлади. Ундай ишни қилган кишилар золимларнинг золими бўлади.

«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золиброқ одам борми?»

Бундай зулмни қилган одамлар тек қўйилмайди. Албатта, қиёмат кунида:

«Ана ўшалар Роббиларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир», дерлар».

Қиёмат куни халойиқ маҳшарга тўпланганида, улар ҳамманинг ичида шарманда бўладилар. Гувоҳлар халойиқнинг ичидан уларни алоҳида ажратиб кўрсатадилар, ҳаммаси ошкор этилиб, шарманда бўладилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим Қатода розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Сафвон ибн Мақриз шундай дейдилар: «Ибн Умарнинг қўлидан ушлаб кетаётган эдим. Бир одам йўлни тўсиб чиқди-да:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёмат кунида пичирлашиш ҳақида қандай ҳадис эшитдинг?» деб сўради. Ибн Умар:

«Ул зотнинг шундай деганларини эшитдим», деб жавоб қилдилар: «Аллоҳ азза ва жалла мўминни ўзига яқинлаштириб, уни қўлтиғига олиб, одамлардан тўсиб, гуноҳларига иқрор қилдиради. Унга «Манави гуноҳни биласанми? Бунисини-чи? Мана бунисини-чи?» дейди. У банда гуноҳларига иқрор бўлиб, ҳалокатга учраганини тан олиб турганида, Аллоҳ таоло: «Мен у дунёда буларни сатр қилган (беркитган) эдим, энди эса, мағфират қиламан», дейди ва ҳасанотлари китобини беради. Аммо кофир ва мунофиқларга бўлса, бундай дейди: «гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир», дерлар».

Ушбу оятдаги «гувоҳлар»дан мурод фаришталар, Пайғамбарлар ва мўминлардир.

Кейинги оятда ўша золимларнинг васфи келади:

الَّذِينَ يَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَفَرُونَ ﴿١٩﴾

19. Улар Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар ва унинг эгри бўлишини хоҳларлар ҳамда улар охиратга куфр келтирувчи кимсалардир.

Аслида, бандалик бурчи Аллоҳга иймон келтириб, Унинг кўрсатган йўлидан юрмоқлик эди. Аммо булар зулмкор бўлдилар, ўзларининг иймон келтирмаганлари етмаганидек, бошқаларни ҳам:

«Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар ва унинг эгри бўлишини хоҳларлар».

Бу эса, зулм устига зулмдир. Бугунги кофирларнинг иши ҳам худди шу. Одамларни нима қилиб бўлса-да Аллоҳнинг йўлидан тўсардилар. Ҳатто, улар, ўз эгри табиат ва хоҳишлари ила, Аллоҳнинг йўли ҳам эгри бўлишини истайдилар.

Шундай иймонсизлик зулмдир. Қаерда иймонсизлик бўлса, ўша ерда зулм ҳукм суради.

Шунингдек, иймонсизлик эгриликдир. Қаерда иймонсизлик бўлса, у ерда албатта эгрилик бўлади. Чунки:

«...улар охиратга куфр келтирувчи кимсалардир».

أُولَئِكَ لَمْ يَكُونُوا مُعْجِزِينَ فِي الْأَرْضِ وَمَا كَانُوا لَهُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ مِن أَوْلِيَاءٍ يُضَعَفُ لَهُمُ الْعَذَابُ مَا كَانُوا يَسْتَطِيعُونَ السَّمْعَ وَمَا كَانُوا يُبْصِرُونَ ﴿٢٠﴾

20. Ана ўшалар ер юзида қочиб қутулувчи бўла олмадилар, уларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам бўлмади, азоб бир неча баробар қилинур. Улар эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам.

Куфр келтириб, нимага эришдилар? Ҳеч нарса қилолганлари йўқ. Ҳатто:

«ер юзида қочиб қутулувчи бўла олмадилар.»

Қочиб қаерга ҳам борар эдилар. Аллоҳ таоло уларни қаерда бўлсалар ҳам, барибир жазолайди.

«...уларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам бўлмади.»

Улар Аллоҳга куфр келтириб, Уни ўз ихтиёрлари билан тарк этган эдилар. Аммо Аллоҳдан ўзга ҳеч ким уларга дўст ҳам бўлмади, ёрдам ҳам бермади, ҳимоя ҳам қилмади. Энди эса, қиёматда уларга:

«азоб бир неча баробар қилинур».

Чунки улар бу дунёда яшаган чоғларида бепарво бўлдилар:

«Эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам».

Эшитганда ибрат қулоғи-ла тинглаб, фойда олмадилар. Кўрган-да ибрат кўзи-ла кўриб, иймонга келмадилар.

أُولَئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ ﴿٢١﴾

21. Ана ўшалар ўзларига зиён қилганлардир ва тўқиган нарсалари улардан ғойиб бўлди.

Куфр ва ширклари туфайли шунақа ҳолга тушганлар ўзларига зиён қилганлар бўлмай, ким бўлсин?! Улар иймонга, Исломга даъват қилинса, ўзларича юрмадилар. Куфр ва ширкда туриб олдилар. Уларни ҳеч ким кофир бўлишга мажбур қилгани йўқ. Ўзларига ўзлари зиён қилдилар. Охири келиб, тўқиб олган нарсалари ғойиб бўлди, йўқолди. Энди эса:

لَا جَرَمَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ هُمْ الْأَخْسَرُونَ ﴿٢٢﴾

22. Шак-шубҳасиз, албатта, улар охиратда яна ҳам кўпроқ зиён кўргувчилардир.

Уларнинг зиёнига ҳеч қандай зиённи тенг қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, улар икки дунёда зиёнкор бўлдилар. Улар ана шундай аянчли ҳолда турганларида, бошқа томонда тамоман ўзгача манзарани кўрамиз.

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَخْبَتُوا إِلَىٰ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٣﴾

23. Албатта, иймон келтирганлар, яхши амаллар қилганлар ва Роббиларига ишонч ила бўйинсунганлар, ана ўшалар, жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Иймон, яхши амал қилиш ва Аллоҳга бўйинсуниш бир-бирдан ажралмайдиган сифатлардир. Булар ҳақиқий мўмин-муслмоннинг сифатларидир. Бу сифатларга эга бўлганлар эса, албатта жаннатга киритилиб, унда абадий қолурлар.

Аввалда кофирнинг сифатлари, оқибати баён қилинган эди. Энди эса, мўминнинг сифатлари ва оқибати зикр қилинди. Солиштириб кўринг-а, фарқ қанчалик улуғлигини дарҳол сезасиз.

﴿٢٤﴾ مَثَلُ الْفَرِيقَيْنِ كَالْأَعْمَىٰ وَالْأَصْمَىٰ وَالْبَصِيرِ وَالسَّمِيعِ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًا أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٢٤﴾

24. Бу икки гуруҳнинг мисоли худди кару кўр ҳамда эшитувчи ва кўрувчига ўхшайдир. Улар бир-бирларига баробар бўла оладиларми? Ибрат олмайсизларми?

Кофир билан мўминнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Кофир кўр ва кар одамга ўхшайди. Мўмин эса, кўзи, қулоғи бутун, ҳам кўриб, ҳам эшитадиган одам кабидир.

«Улар бир-бирларига баробар бўла оладиларми?»

Албатта, йўқ. Куфри туфайли қалб кўзи кўр, ибрат қулоғи қар бўлиб қолган кофир бу дунёнинг ҳақиқатини кўролмайди, эшитолмайди. Ҳаммаёққа урилиб, туртилиб-суртилиб юради. Иймони сабабли қалб кўзи ва ибрат қулоғи очиқ бўлган мўмин эса, ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, яхши йўлни танлаб, тўғри ва шаҳдам юради.

«Ибрат олмайсизларми?!»

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ إِتِي لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٦٥﴾

25. Албатта, Биз Нуҳни ўз қавмига : «Албатта, мен сизларга очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман,

أَن لَّا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ ۗ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمِ أَلِيمٍ ﴿٦٦﴾

26. Аллоҳдан ўзгага ҳеч ибодат қилманглар, албатта, мен сизларга аламли кун азоби бўлишидан қўрқаман», дедириб юбордик.

Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмини ҳидоят қилиш учун Аллоҳ таоло тарафидан Пайғамбар этиб юборилдилар. У зотнинг вазифаси — огоҳлантириш. Пайғамбарликларининг мазмуни, ғояси — Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликка чорлаш. Бу ғояга юрмаганларнинг оқибати эса, аламли кун азоби. Ул зот ўз вазифаларини адо этиб, қавми огоҳлантирдилар. Хўш, қавм нима жавоб берди?

فَقَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِن قَوْمِهِ ۗ مَا نَرْنَكَ إِلَّا بَشَرًا مِّثْلَنَا ۖ وَمَا نَرْنَكَ إِلَّا تَبَعًا ۖ إِنَّا الْذِينَ هُمْ أَرَادُوا بِالدِّيَارِ الرَّأْيِ وَمَا نَرَىٰ لَكُمْ عَلَيْنَا مِن فَضْلٍ ۚ بَلْ نُنظِّقُكُمْ كَذِبِينَ ﴿٦٧﴾

27. Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлар: «Биз сенинг ҳам фақат ўзимизга ўхшаган одам эканингни кўряпмиз, сенга ичимиздан эси паст пасткашларимизгина эргашаётганини кўряпмиз, сизларнинг биздан устун фазлингизни кўрмаяпмиз, балки сизларни ёлғончи деб ўйляяпмиз», дедилар.

Нуҳ алайҳиссаломнинг гапларига қавм номидан уларнинг қорчалонлари, оғзи ботир зодагон бошлиқлари жавоб берди. Диққат билан разм солсак, уларнинг жавоблари барча кофир, саркаш қавмларнинг ўзларига келган Пайғамбарларга берган жавобларига ўхшашини кўраемиз:

«Биз сенинг ҳам фақат ўзимизга ўхшаган одам эканингни кўряпмиз».

Уларнинг фикрича, Пайғамбар одам бўлмаслиги керак. Фа-ришта бўлса, ишонишлари мумкин эмиш, ёки Пайғамбар бош-қа бир махлуқ бўлиши керак экан. Бунақа гапларни қурайш-ликлар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айт-ганлар.

Нух алайҳиссаломнинг қавми ўз гапида давом этиб, яна қуйида-гиларни айтди:

«Сенга ичимиздан эси паст пасткашларимизгина эргашаётга-нини кўряпмиз».

Уларнинг фикрича, камбағал кишилар пасткаш ва ақли оз ҳисоб-ланади. Шунинг учун камбағал бўлиб қолган, дейишади. Ўша кам-бағаллар аралашган ҳар бир ишга «хосиятсиз иш» деб қарашади. Аслида эса, камбағалларнинг қалбини бойлик, айшу ишрат ва мута-каббирлик бузмагани учун, улар илоҳий даъватларга тез жавоб бе-радилар. Буни бой-зодагонлар тамоман тескари тушунадилар.

«Сизларнинг биздан устун фазлингизни кўрмаяпмиз.»

Улар бу борада ҳам ўзларининг нотўғри ўлчовларини ишга со-ладилар. Уларнинг ўлчовида фазл молу дунё билан белгиланади. Молу дунёси йўқ фазилатсиз ҳисобланади. Пайғамбар ва унга эргашган мўминларнинг моли уларникидан оз бўлганлиги иймонга келмас-ликларига баҳона бўлади.

«Балки сизларни ёлғончи деб ўйлаяпмиз», дедилар.»

Бу тухматни Нух алайҳиссалом замонларидан бери бошқа Пай-ғамбарларга ҳам айтиб келмоқдалар.

Қавмининг кофир зодагонларидан бу жавобни эшитгач, Нух алайҳиссалом қалби кенглик ва мулойимлик билан уларга қуйида-гиларни айтдилар:

قَالَ يَقَوْمِ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كُنْتُ عَلَىٰ بَيْنَةٍ مِّن رَّبِّي وَعَآئِنِي رَحْمَةً مِّن عِنْدِهِ فَعُمِّيَتْ عَلَيْكُمْ أَنُلْزِمُكُمْوهَا وَأَنْتُمْ لَهَا كَاهُونَ ﴿٢٨﴾

28. У: «Эй қавмим, айтинг-чи, агар мен Роббимдан аниқ ҳуж-жатга эга бўлган бўлсам ва У менга Ўз ҳузуридан раҳмат берган бўлса-ю, сизга махфий қолган бўлса, уни сизга, агар ёқтирмасан-гиз ҳам, мажбурлаймизми?!» деди.

Нух алайҳиссалом уларга нисбатан қўпол ибораларни ишлатма-дилар. Балки, мулойимлик билан:

«Эй қавмим», дея мурожаат қилдилар ва уларни бир оз ўйлан-тирадиган гапларни айтдилар.

«...айтинг-чи, агар мен Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлган бўлсам...»

Яъни, Пайғамбар эканимнинг тасдиғи учун менда очиқ-ойдин, ишончли ҳужжатим бўлса

«ва У менга Ўз ҳузуридан раҳмат берган бўлса-ю...»

Мени Пайғамбарликка танлаб олиб, раҳмат берган бўлса-ю, бу нарса

«сизга махфий қолган бўлса...»

Сиз буни билмай қолган бўлсангиз, бу турган гап, чунки сизда буни билишга ҳам, англашга ҳам қобилият ва тайёргарлик йўқ, унда нима бўлади?

«..уни сизга, агар ёқтирмасангиз ҳам, мажбурлаймизми?!»

Ақийда бобида мажбурлаш йўқ, қаҳр ва куч ишлатиш ҳам мумкин эмас.

وَيَقَوْمٍ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مَا لَآ إِنِ اجْرِي إِلَّا عَلَى اللَّهِ وَمَا أَنَا بِطَارِدِ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّهُمْ مُلْكُوهُمُ وَلِكِنِّي أَرْكَبُ قَوْمًا يَجْهَلُونَ ﴿٦٠﴾

29. «Эй қавмим, бу (даъватим) учун сиздан мол сўрамасман. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. Мен иймон келтирганларни қувловчи эмасман. Албатта, улар Роббиларига рўбарў бўлувчилардир. Аммо мен сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўрмоқдаман.

Эй қавмим, менинг сиз учун қуонаётганимни ўзингизча ҳар хил тушунманг. Мен сизларнинг иймонли бўлиб, саодатга эришишингизни истайман, холос. Мен:

«бу (даъватим) учун сиздан мол сўрамасман».

Менга дунёнинг кераги йўқ.

«Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида.»

Ажрни Аллоҳ беради, сиз бермайсиз, хавотирланманг. Сенга пасткашларгина эргашаётганини кўряпмиз, деганингиз учун, сизларга ёқиш мақсадида ёки сизларни рози қилиш учун:

«Мен иймон келтирганларни қувловчи эмасман».

Мен учун бой-камбағал барибир, муҳими, иймон келтириш. Ҳамма гап иймонда. Шунингдек, улар мен учун иймон келтирган эмаслар, уларнинг иймон келтиришлари Аллоҳга боғлиқ;

«Албатта, улар Роббиларига рўбарў бўлувчилардир».

Унга рўбарў бўлганда шарманда бўлмайлик деб, иймон келтиришган.

«Аmmo мен сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўрмоқдаман.»

Қадр-қийматни иймон билан эмас, пул-мол билан ўлчаб юрибсиз. Одамлар албатта Роббиларига рўбарў келишларини англамай, жоҳиллик қилмоқдасиз.

وَيَقَوْمٍ مِّنْ يَّنصُرُنِي مِنَ اللَّهِ إِن طَرَفْتُمْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٣٠﴾

30. Эй қавмим, агар уларни қувсам, ким менга Аллоҳ (азоби)-дан (қутулишга) ёрдам беради? Ўйлаб кўрмайсизларми?

Агар мен Пайғамбар бўла туриб, мўминларни қувсам, Аллоҳнинг азобига дучор бўламан-ку! Унда ким менга Аллоҳнинг азобидан қутулишга ёрдам беради? Ҳеч ким. Буни ўйлаб кўрмайсизларми?

وَلَا أَقُولُ لَكُمْ عِنْدِي خَزَائِنُ اللَّهِ وَلَا أَعْلَمُ الْغَيْبَ وَلَا أَقُولُ إِنِّي مَلَكٌ وَلَا أَقُولُ لِلَّذِينَ تَزْدَرِي أَعْيُنُكُمْ لَن يُؤْتِيَهُمُ اللَّهُ خَيْرًا اللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا فِي أَنْفُسِهِمْ إِنِّي إِذًا لَّمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٣١﴾

31. Мен сизларга: «Ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор», демасман. Ғайбни ҳам билмасман. «Мен фариштаман», демасман. «Кўзингизга ҳақир кўринаётганларга Аллоҳ ҳаргиз яхшилик бермас», демасман. Уларнинг дилларида нима борлигини Аллоҳ яхши билади. Акс ҳолда, мен, албатта, золимлардан бўлиб қолурман», деди.

Ушбу ояти каримада Нух алайҳиссаломнинг ўз шахслари ва Пайғамбарликлари хусусиятларини қавмларига қандай васф қилиб берганлари баён қилинмоқда.

«Мен сизларга: «Ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор», демасман.»

Шунинг учун, сизга молу дунё ва бойлик бера олмайман. Буни олдиндан билиб қўйинглар.

«Ғайбни ҳам билмасман.»

Бу менинг вазифам ҳам эмас. Ғайбни билиш фақат Аллоҳга хос иш.

«Мен фариштаман», демасман.»

Мен оддий инсонман.

«Кўзингизга ҳақир кўринаётганларга Аллоҳ ҳаргиз яхшилик бермас», демасман.»

Чунки, кимга яхшилик беришни, кимга бермасликни Аллоҳнинг Ўзи билади:

«Уларнинг дилларида нима борлигини Аллоҳ яхши биладир».

Мен эса, сиртдан баҳо беравераман.

«Акс ҳолда...»

Яъни, мазкур нарсалардан бирортасини даъво қилсам,

«мен, албатта, золимлардан бўлиб қолурман», деди».

Чунки, ҳақиқатга қарши чиққан бўламан, демоқчилар.

Одатда, жоҳил одамлар диндан, Пайғамбарлардан, қолаверса, даъватчилардан ғайриоддий нарсаларни кутадилар. Нуҳ алайҳиссалом ҳаммасини очиқ айтиб қўйишларидан ўрнак олиб, даъватчилар ҳам ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб юришлари фойдалидир.

Нуҳ алайҳиссаломнинг мулоимлик билан айтган бу гапларига беодобларча, қўпол муомала қилинди.

قَالُوا يَنْبُوحُ قَدْ جَدَلْتَنَا فَأَكْثَرْتَ جِدْلَنَا فَأَنَّا بِمَا تَعِدُنَا إِن كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِينَ ﴿٣٢﴾

32. Улар: «Эй, Нуҳ, батаҳқиқ, сен биз билан тортишдинг, кўп тортишдинг. Энди, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир», дедилар.

Улар ақлий тортишувга ярамадилар, ожизлик қилдилар. Энди ожизларнинг одатига кўра, андишани йиғиштириб қўйиб, муттаҳамликка ўтдилар. Ваъда қилганинг аламли азобни келтир, деб туриб олдилар.

Нуҳ алайҳиссалом эса, босиқлик билан баён қилдилар.

قَالَ إِنَّمَا يَأْتِيكُمْ بِهِ اللَّهُ إِن شَاءَ وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ ﴿٣٣﴾

33. У: «Уни сизларга, агар хоҳласа, фақат Аллоҳгина келтиради ва сизлар қочиб қутулувчи эмассиз.

Мен Пайғамбарман, менинг вазифам Аллоҳнинг хабарини сизга етказиш, огоҳлантириш, холос. Азобни эса, фақат Аллоҳнинг Ўзи, қачон хоҳласа, ўшанда келтиради. У азобни келтирганида, ундан қочиб қутула олмайсиз.

وَلَا يَنْفَعُكُمْ نُصْحِي إِنْ أَرَدْتُ أَنْ أَنْصَحَ لَكُمْ إِنْ كَانَ اللَّهُ يُرِيدُ أَنْ يُغْوِيَكُمْ هُوَ رَبُّكُمْ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٣٤﴾

34. Ва агар Аллоҳ сизларни йўлдан оздиришни истаса, мен насиҳат қилишни хоҳлаганим билан, насиҳатим сизларга манфаат бермас. У сизнинг Роббингиздир ва Унга қайтарилурсиз», деди.

Ҳамма иш Аллоҳнинг қўлида, мен сизга азобни келтира олмаганимдек, ҳидоят ва залолат хусусида ҳам бир нарса қилиб беролмайман. Мен сизларга ҳидоятни кўзлаб, минг насиҳат қилганим билан, Аллоҳ сизни йўлдан оздиришни истаса, ўша истагани бўлади. Менинг насиҳатим сизларга фойда қилмайди. Ҳамма иш Аллоҳдандир:

«У сизнинг Роббингиздир».

Барча ишларингизни Унинг Ўзи бошқаради.

«...ва Унга қайтарилурсиз.»

Ўшанда бу дунёдаги иймон ва амалингизга қараб жазо ёки мукофот беради.

Нух алайҳиссаломнинг қиссалари шу жойга етганида эътибор бирдан мўътариза (кўндаланг) жумла ила Қурайш мушрикларига қаратилади ва орқасидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади. Чунки сиёқ шуни талаб этади:

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ إِنِ افْتَرَيْتُهُ فَعَلَىٰ إِجْرَامِي وَأَنَا بَرِيءٌ مِّمَّا يُجْرِمُونَ ﴿٦٦﴾

35. Ёки: «Уни тўқиб олди», дерларми? «Агар уни тўқиб олган бўлсам, жиноятим ўз зиммамда ва мен сиз қилаётган жиноятдан холидирман», деб айт.

Эй Муҳаммад, мушриклар Қуръон ҳақида турли-туман гапларни, ифво-бўҳтонларни гапирар эдилар. Улар яна нима деяптилар?

«Ёки: «Уни тўқиб олди», дерларми?»

Яъни, Муҳаммад Қуръонни ўзи тўқиб олган, Қуръон унга Аллоҳдан нозил бўлаётгани йўқ, деяптиларми?!

Агар улар шундоқ десалар, сен:

«Агар уни тўқиб олган бўлсам, жиноятим ўз зиммамда ва мен сиз қилаётган жиноятдан холидирман», деб айт».

Яъни, уни тўқиб олиш жиноят эканини, сиз айтмасангиз ҳам, ўзим яхши биламан. Агар «тўқиб олган» деган фараз бўлса ҳам, менинг жиноятим ўзим билан, сизга таъсири йўқ. Аммо билиб қўйингларки, тухмат қилиш ҳам жиноят. Сиз «уни тўқиб олган» деб тухмат қилмоқдасиз. Мен сизнинг ўша жиноятингиздан покман.

Сўнгра, сўз яна Нух алайҳиссалом қиссаларига қайтади:

وَأَوْحَىٰ إِلَىٰ نُوحٍ أَنَّهُ لَنْ يُؤْمِنَ مِنْ قَوْمِكَ إِلَّا مَن قَدَّأَمَنَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٦٧﴾

36. Ва Нухга: «Қавмингдан аввал иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин.

وَأَصْنَعِ الْفُلْكَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحِّينَا وَلَا تَخْطِبْنِي فِي الَّذِينَ ظَلَمُوا إِنَّهُمْ مُغْرَقُونَ ﴿٣٦﴾

37. Бизнинг риоятимиз ва ваҳийимиз ила кема ясагин ҳамда зулм қилганлар тўғрисида Менга гап очмагин, албатта, улар фарқ бўлгувчилардир», деб ваҳий қилдик.

Керагича даъват қилинди, тушунтирилди, иймонга келадиганлар келиб бўлди. Қолганлар гап-сўз, насихат таъсир қилмайдиганлардир. Энди улар иймон келтирмайдилар. Эй Нух!

«Қавмингдан аввал иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин.»

Сен ўз вазифангни бажариб қўйдинг. Улардан сенга зарар етмайди. Улар нима бўлса, бўлдилар. Уларни Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қил. Ўзинг эса:

«Бизнинг риоятимиз ва ваҳийимиз ила кема ясагин».

Кема ясашингни Биз риоямизга оламиз ва Ўзимиз ваҳий орқали ўргатиб турамиз.

«Ҳамда зулм қилганлар тўғрисида менга гап очмагин, албатта, улар фарқ бўлгувчилардир.»

Иймон келтирмаганлар ўзларига катта зулм қилдилар, улар албатта азобга дучор бўладилар, ҳаммалари фарқ бўлиб кетадилар. Сен эса, уларни кечириш, азобдан сақлаб қолиш ҳақида Менга сўз очма. Уларнинг куни битган. Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

وَيَصْنَعِ الْفُلْكَ وَكُلَّمَا مَرَّ عَلَيْهِ مَلَأَ مِنْ قَوْمِهِ سَخِرُوا مِنْهُ قَالَ إِنْ تَسْخَرُوا مِنَّا فَإِنَّا نَسْخَرُ مِنْكُمْ كَمَا تَسْخَرُونَ ﴿٣٨﴾

38. У кема ясамоқда. Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар. У: «Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам худди сиз бизни масхара қилганингиздек, сизни масхара қилурмиз.

فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ مَنْ يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٨﴾

39. Бас, яқинда кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини билиб олурсиз», деди.

Аллоҳнинг амрини бажо келтириб, Пайғамбари Нуҳ алайҳиссалом «кема ясамоқда».

Ул зот яқинда келадиган тўфондан ўзларининг ва иймон келтирган оз сонли кишиларнинг қутулиб қолишига сабаб бўлгучи кемани ясамоқдалар. Пайғамбар ўлароқ, Аллоҳнинг ваҳийсини қабул қилиб олган шахс ўлароқ, бутун вужуд ила берилиб ясамоқдалар. Бу ҳаракатлари кофир қавмларга кулгили кўринди. У киши кема ясамоқдалар-у:

«Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар».

Кечагина, «Пайғамбарман, Аллоҳдан менга ваҳий келди», деб юрган одам бутун нажжорлик қилиб, кема ясаши улар учун кулгили эди. Лекин Нуҳ алайҳиссалом бу ишни ўзларича қилаётганлари йўқ. Кема ясаш ҳам Аллоҳнинг ваҳийси ила бўлмоқда. Шунинг учун, у зот мутлақо жиддийлик билан ишламоқдалар ва мутлақо мустаҳкам ишонч ила:

«Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам, худди сиз бизни масхара қилганингиздек, сизни масхара қилурмиз», дедилар.

Чунки, у зот Аллоҳдан келган ваҳий орқали ўзларининг қутулиб қолишларини ва масхара қилаётган кофирларнинг фарқ бўлишларини яхши биладилар. Шунинг учун, сўзларининг давомида:

«Бас, яқинда кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини билиб олурсиз», деди».

Азоб кимга келади, бизгами, сизгами, ўшанда кўрамиз. Ана ўшанда ҳақиқий масхара қилиш вақти келади.

Мана, ўша вақт ҳам келди:

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُّورُ قُلْنَا احْمِلْ فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا
 مَنْ سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ وَمَنْ آمَنَ وَمَا آمَنَ مَعَهُ إِلَّا قَلِيلٌ ﴿٤٠﴾

40. Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора отганда: «У(кема)га ҳар нарсадан бир жуфтдан ва аҳлингни ол, магар аввал сўз кетганни (олма) ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик. У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди.

Бунақа ҳолатларда ҳар хил гаплар бўлиши аввалги тафсирилари- мизда айтилган. «Таннур» нима, катталиги қанча, фаввора қандай отилган, кемага нималар чиққану қандай чиққан, қайсиниси олдин

чиққану қайсиниси кейин чиққан ва ҳоказо гаплар кўп. Бунга ўхшаш нарсалар эски пайтда «исроилиёт» деб номланмиш яҳудийларнинг қиссаларидан баъзи китобларимизга ўтиб қолганини муҳаққиқ олимларимиз алоҳида ўрганиб, исбот қилганлар. Бу ишларни тушунган ҳолда улардан иложи борича четланганимиз маъқул. Ишончли бўлмаган хабарга, асоссиз турли ривоятларга суяниб, гапни кўпайтиришнинг ҳожати йўқ. Қуръони Каримда айтилганининг ўзи етарли. Тарих, жуғрофия илмларига келганда ижтиҳод қилиш эмас, аниқ маълумотлар керак. Қуръони Карим эса, ҳидоят китоби бўлганидан, асл эътиборни ибратга қаратган. Мисол учун, ушбу тўфон ҳодисасида бизга таннурнинг катталиги ёки ундан фаввора қандай отилиб чиққанлиги эмас, балки нима учун тўфон бўлиб, оламни сув босдию бу ҳодисадан қандай ибрат олишимиз кераклиги муҳим. Агар таннурнинг шакли ёки шунга ўхшаш бошқа маълумот биз учун зарур бўлганда Қуръони Каримда зикр қилинган бўларди.

Аллоҳ таоло ушбу оятда тўфон ҳодисасининг бошланишидан хабар бермоқда:

«Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора отганда».

Яъни, тўфон бўлиши ҳақидаги фармонимиз келиб, таннурдан сув отилиб чиқа бошлаган вақтда Нухга хитоб қилиб дедик:

«У(кема)га ҳар нарсадан бир жуфтдан ва аҳлингни ол, магар аввал сўз кетгани (олма)».

Яъни, махлуқотларнинг ҳар туридан бир жуфтдан — бир эркак, бир урғочи (қилиб) ол, дедик. Шунингдек, аҳлинг — оила аъзоларингни ҳам ол. Магар, аҳлингдан ҳалок бўлишига сўз кетиб қолганларини олма, дедик.

Нух алайҳиссалом оиласидан ҳалок бўлишларига сўз кетиб қолганлар — хотини билан бир ўғли. Уларни кемага олмасликни амр қилинди.

Шунингдек:

«ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик».

Бундан кейин Аллоҳнинг Ўзи:

«У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди», деб баён қилмоқда.

Ҳа, Нух алайҳиссалом узоқ вақт — элик санаси кам минг йил даъват қилишларига қарамай, саркаш қавмнинг озгинасидан бошқаси иймонга келмади. Шу сабабдан, бу тузалмас дардисарларни дунё танасидан бутунлай кесиб ташлаш учун, Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини фарқ этишни ирода қилди.

﴿ وَقَالَ ارْكَبُوا فِيهَا بِسْمِ اللَّهِ مَجْرُدَهَا وَمَرْضَاهَا إِنَّ رَبِّي لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴾

41. Ва у: «У(кема)га мининглар, унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми ила бўлур. Албатта, Роббим мағфиратли ва раҳимлидир», деди.

Яъни, Нуҳ алайҳиссалом тўфон бошланганида, ўзлари билан олишлари керак бўлганларга қараб:

«У(кема)га мининглар, унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг исми ила бўлур», дедилар.

Кеманинг ҳар бир лаҳзаси Аллоҳнинг риояси ва ҳимояси остида бўлишига ишоратан айтилган гап. Яъни, қўрқманглар, қанчалик катта ва даҳшатли тўфон бўлса ҳам, бу кемага зарар қилмайди. Аллоҳ таолонинг Ўзи уни сақлашни зиммасига олган, демоқдалар.

«Албатта, Роббим мағфиратли ва раҳимлидир», деди.»

Яъни, Аллоҳ кофирларни фарқ қилиб, бутунлай йўқ қилиб юбораётган бўлса ҳам, У зотнинг мағфират қилувчилиги ва раҳимлиги сифатлари барқарор, У бизларни – кемага чиқадиганларни мағфират қилади ва бизга раҳимлилик кўрсатади, дедилар.

وَهِيَ تَجْرِي بِهِمْ فِي مَوْجٍ كَالْجِبَالِ وَنَادَى نُوحٌ ابْنَهُ وَكَانَ فِي مَعْزِلٍ يَبْنَئُ
أَرْكَبَ مَعَنَا وَلَا تَكُنْ مَعَ الْكَافِرِينَ ﴿٤٢﴾

42. Ва у (кема) уларни тоғлардек тўлқинда олиб кетаётганида, Нуҳ бир четда турган ўғлига: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин», деди.

Тўфон даҳшатли тус олиб келарди. Нуҳ алайҳиссалом ва шериклари нажот кемасига минганларидан сўнг, у кема уларни тоғлардек бўлиб мавж ураётган тўлқинлар устида олиб кета бошлади. Шу пайт Нуҳ алайҳиссалом ўғилларидан бирининг бир четда ажралиб турганини кўрдилар. Даҳшатли тўфондан-да оталик меҳрлари устун келиб:

«бир четда турган ўғлига: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин», деди.»

Аммо оқпадар ўғил, ёшлик ғурури ила жавоб бериб:

قَالَ سَاوِيَ إِلَىٰ جِبَلٍ يَّعِصْمُنِي مِنَ الْمَاءِ قَالَ لَا عَاصِمَ الْيَوْمَ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِلَّا مَنْ
رَحِمْنَا وَحَالٌ بَيْنَهُمَا الْمَوْجُ فَكَانَ مِنَ الْمُغْرَقِينَ ﴿٤٣﴾

43. У (ўғил): «Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди», деди. У эса: «Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар

кимни раҳим қилсагина (сақлар)», деди. Шунда ораларини тўлқин тўсди ва у (ўғил) фарқ бўлганлардан бўлди.

Кофир бўлгандан кейин қийин экан. Улуғ Пайғамбар бўлмиш отанинг гапини эшитиб туриб ҳам, бостириб келаётган даҳшатли тўфонни кўриб туриб ҳам:

«Тоққа жойлашиб олсам, мени сувдан сақлайди», деди».

Кофир ўзи ўрганиб қолган тор доирада ўйлайди. Аллоҳнинг амри келганда одатдаги сабаблар иш бермай қўйишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Аммо бу ҳақиқатни яхши англаган Нуҳ Пайғамбар алайҳиссалом эса, яна оталик меҳри ила мазкур ҳақиқатни болаларининг қалбига солишга ҳаракат қилиб:

«Бугун Аллоҳнинг амридан сақловчи йўқдир. Магар кимни раҳим қилсагина (сақлар)», деди».

Аллоҳнинг азоби келгандан кейин, ҳеч кимни ҳеч нарса қутқара олмайди. Тоғу тош ҳам, ундан бошқаси ҳам. Кофирларни тўфон балоси ила ҳалок этишга Аллоҳнинг иродаси кетган. Уларнинг бирортасини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса қутқара олмайди. Илло, Аллоҳ Ўзи раҳим қилган бандаларини нажот кемасида қутқариб қолишни ҳам ирода қилган. Ота-боланинг гапи шу ерга етганида:

«ораларини тўлқин тўсди ва у (ўғил) фарқ бўлганлардан бўлди».

Бошқа кофирларнинг барчасини фарқ қилганидек, уни ҳам тўфон балоси олиб кетди.

Вақти-соати етиб, тўфон тинчиди. Дунёни сукунат босди.

وَقِيلَ يَا أَرْضُ ابْلَعِي مَاءَكِ وَيَسْمَأْهِ أَقْلِعِي وَغِيضَ الْمَاءِ وَقُضِيَ الْأَمْرُ وَاسْتَوَتْ عَلَى
الْجُودِيِّ وَقِيلَ بُعْدًا لِلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٤٤﴾

44. «Эй ер, сувингни ютгин, эй осмон, ўзингни тутгин», дейилди. Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий(тоғи)га жойлашди. Ҳамда «Золим қавмлар йўқолсин!» дейилди.

Ҳаммаси Аллоҳнинг амри ила бўлди.

Тўфон вақтида ўзига заррача сув сингдирмаган замин,

«Эй ер, сувингни ютгин» хитобига биноан, ҳамма сувни ютди.

Тўфон вақтида тинмай жала қуйдириб турган само,

«эй осмон, ўзингни тутгин» амрига биноан, ўзини тутди.

Ундан бир томчи ҳам сув тушмай қолди.

«Сув қуриди. Фармон бажарилди ва (кема) Жудий(тоғи)га жойлашди.»

Эски тафсир китобларимизда Жудий тоғи қаерда эканлиги ҳақида турли ривоятлар келтирилган. Лекин, аввал айтилганидек, илмий асосда исбот этилмагандир.

Ҳозир у тоғ бугунги Туркия ҳудудларида экани собит бўлди. Мазкур кеманинг қолдиқлари ҳам топилди.

«Ҳамда «Золим қавмлар йўқолсин!» дейилди.»

Одатда, ёқмаган шахс ёки жамоадан қутулганда шунга ўхшаш гап айтилади. Кофирларни тўфон ғарқ қилиб, улардан мўминлар қутулганда, шу гап айтилди.

Шу пайт Нух алайҳиссаломнинг оталик меҳрлари яна жўш урди ва:

وَنَادَى نُوحٌ رَبَّهُ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ابْنِي مِنْ أَهْلِي وَإِنَّ وَعْدَكَ الْحَقُّ وَأَنْتَ أَحْكَمُ الْحَكِمِينَ ﴿٤٥﴾

45. Нух Роббига нидо қилиб: «Роббим, албатта, ўғлим аҳлимдан дандир, албатта, ваъданг ҳақдир ва Сен ҳукм қилгувчиларнинг энг ҳикматлисисан», деди.

Яъни, бу билан Нух алайҳиссалом, эй Роббим, Сен менга аҳлинг-ни қутқараман, деб ваъда берган эдинг, ўғлим аҳлимдан-ку, ўша боламини менга бергин, Ўзинг ҳикмат ила ҳукм чиқаргувчи Зотсан, демоқчилар.

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломнинг бу нидоларига қуйидагича жавоб берди:

قَالَ يَنْوُحُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ فَلَا تَسْتَأْذِنُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنِّي أَعْظَمُكَ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٤٦﴾

46. У зот: «Эй Нух, албатта у аҳлингдан эмас. Албатта, у яхши амал эмасдир. Ўзингнинг илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин. Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан», деди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло улуғ ҳақиқатни – кишилар орасидаги ҳақиқий боғлиқлик риштаси қон, ирқ, насл билан эмас, балки иймон билан эканлигини баён қилмоқда.

У Зот Нух алайҳиссаломга хитоб қилиб:

«Эй Нух, албатта у аҳлингдан эмас», демоқда.

Яъни, у ўғлинг сенинг сулбингдан бўлгани, жигаргўшанг экани билан, аҳлинг эмас. Чунки:

«Албатта, у яхши амал эмасдир».

Яъни, унинг қилган иши яхши эмас. У кофирлик қилди. У кофирлиги билан сенинг аҳлингдан бўла олмайди. Иймони борлар сенинг аҳлинг бўлади.

«Ўзингнинг илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин.»

Ўғлингни "Аҳлимдан" деб, қутқаришни сўраганингдек.

«Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан», деди.»

Билмаган нарсаларингни сўрайвериб, жоҳиллар қаторига қўшилиб қолмагин, дейман. Мисол учун, юқоридаги саволинг билан инсонлар орасидаги ҳақиқий алоқа иймон алоқаси эканидан, аҳл деганда кимни эътиборга олиш кераклигидан, Аллоҳ Ўз ваъдасини қандай бажарганидан беҳабарга – жоҳилга ўхшаб кўриняпсан. Ҳолбуки, Аллоҳ иймонли қалблар ўртасидаги риштани ҳар қандай алоқадан устун қўяди, аҳл деганда, иймонли аҳлни кўзда тутаяди. Аҳлингни қутказишга ваъда берган бўлса, сенга ҳақиқий аҳл бўлганларни тўфон балосидан халос этиб қўяди.

Нуҳ алайҳиссалом шошилиб Аллоҳдан паноҳ сўради.

قَالَ رَبِّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَسْأَلَكَ مَا لَيْسَ لِي بِهِ عِلْمٌ وَإِلَّا تَغْفِرْ لِي وَتَرْحَمْنِي
أَكُن مِّنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٤٧﴾

47. У: «Роббим, мен ўзимнинг илмим бўлмаган нарсани Сендан сўрамоқдан паноҳ тиларман. Агар мени мағфират қилмасанг ва менга раҳим кўрсатмасанг, зиён кўргувчилардан бўлурман», деди.

Ўзини билган одам учун бир оғиз гап кифоя қилади. Нуҳ алайҳиссалом керакли хулосани чиқариб олдилар. Энди юқоридагига ўхшаш саволларни бермасликка қарор қилдилар. Ҳамда Аллоҳ таолодан мағфират ва раҳмат сўрадилар.

Аллоҳ таоло у зотга сўраган нарсаларини берди.

قِيلَ يٰنُوحُ اهْبِطْ بِسَلَامٍ مِّنَّا وَبَرَكَاتٍ عَلَيْنَا وَعَلَىٰ أُمَمٍ مِّمَّن مَّعَكَ وَأُمَمٌ سَنَسِتْنَهُمْ
فِي مَسْجِدٍ مِّنَّا عَذَابَ الْيَعْرَابِ ﴿٤٨﴾

48. «Эй Нуҳ, Биздан Сенга ва сен билан бирга бўлган умматларга бўлган тинчлик ва баракотлар ила (кемадан) тушгин. Яна бир умматлар бўлур, уларни бир оз ҳузурлантирурмиз, сўнгра уларни Биздан бўлган аламли азоб тутар», дейилди.

Яъни, сенга ва иймонли умматларга биздан салом — тинчлик ва хайру баракотлар бўлади. Кемадан тушиб, истиқомат қилаверинглар. Аммо, дунё ҳузурини кўзлаганлар бўлса, уларни бу дунёда истаган нарсалари билан бир оз ҳузурлантирамиз, оқибатда эса, уларни Биз томондан аламли азоб тутуди.

Шу билан Нуҳ Пайғамбар алайҳиссаломнинг қиссалари тугайди ва келаси оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади:

تِلْكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهَا إِلَيْكَ مَا كُنْتَ تَعْلَمُهَا أَنْتَ وَلَا قَوْمُكَ مِنْ قَبْلِ هَذَا فَاصْبِرْ
 إِنَّ الْعَاقِبَةَ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٤٩﴾

49. Ана шу ғайб хабарларини сенга ваҳий қилмоқдамиз. Бундан олдин уларни сен ҳам билмас эдинг ва сенинг қавминг ҳам. Бас, сабр қил, албатта, оқибат тақводорларникидир.

Нуҳ алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари алақачон ўтиб кетган. Уларнинг хабарини Муҳаммад алайҳиссалом ҳам, у кишининг қавмлари — Арабистон аҳолиси ҳам билмас эдилар.

«Ана шу ғайб хабарларини сенга ваҳий қилмоқдамиз. Бундан олдин уларни сен ҳам билмас эдинг ва сенинг қавминг ҳам.»

Мана энди, ана шу одамларга ваҳий йўли билан номаълум нарсаларнинг хабари — Нуҳ алайҳиссалом ва у зотнинг қавмлари хабари келди.

Дину диёнат, иймон-эътиқод иши қадимдан шундай қийинчилик билан кўчган. Нуҳ алайҳиссалом тўққиз юз элик йил даъват қилгандан сўнг озгина киши, баъзи ривоятларда айтилишича, ўн икки киши иймон келтирган, холос. Ҳаттоки, у кишининг ўғиллари ҳам иймон келтирмаган. Шунинг учун:

«Бас, сабр қил, албатта, оқибат тақводорларникидир».

Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, сабр қил, сен энди ўн йил даъват қилдинг. Даъват иши юришмай қолганига сиқилма, оқибатда тақво қилувчилар нажотга эришиши муқаррардир. Нуҳ Пайғамбар алайҳиссаломга иймон келтирганлар, ниҳоятда оз бўлишларига қарамай, узоқ вақт сабр қилдилар ва оқибатда нажотга эришдилар. Тақво қилмаганлар, кофирлар эса, қанчалик кўп бўлмасинлар, ҳалок бўлдилар.

Эндиги оятларда Аллоҳнинг яна бир Пайғамбари Ҳуд алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари Од ҳақидаги қисса келади:

وَإِلَىٰ عَادٍ أَخَاهُمْ هُودًا قَالَ يَا قَوْمِ أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُ ۚ إِنِّي أَنْتُمْ بِالْآ
مُفْتَرُونَ ﴿٥٠﴾

50. Ва Одга ўз биродарлари Ҳудни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизлар фақат тўқиб олувчиларсиз, холос.

Од қавми Арабистон ярим оролининг жанубида қумтепаликлар орасида яшаган, замонасида куч-қувват ва обрў-эътиборга эга бўлган қабила эди. Ҳуд алайҳиссалом ўша қабиладан бўлиб, улар билан қони, ирқи, насл-насаблари бир эди. Вақти-соати келиб, худди Нух алайҳиссаломни қавмларига Пайғамбар қилиб юборганидек, Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳиссаломни ҳам қавмларига Пайғамбар қилиб юборди:

«Ва Одга ўз биродарлари Ҳудни (юбордик)».

Шунда у зот алайҳиссалом:

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир», дедилар.

Бу гапларнинг Нух алайҳиссалом ўз қавмларига айтган гапларга ўхшашига эътибор берайлик. Шунингдек, кейинги Пайғамбарларнинг гапи ҳам худди шундай бўлади. Чунки уларнинг ҳаммалари битта зот — Аллоҳ таоло томонидан бандаларга бир шиор — «Ла илаҳа иллаллоҳ» ила юборилгандир. Ҳамма Пайғамбарлар Аллоҳнинг тавҳидига даъват қилиб келгандир. Ана ўша Пайғамбарлар силсиласининг бир ҳалқаси бўлмиш Ҳуд алайҳиссалом ҳам қавмларини ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига даъват қилиб, улар учун ўша Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот — илоҳ йўқлигини баён қилмоқдалар.

Шу билан бирга, қавмни ўзига танитиб:

«Сизлар фақат тўқиб олувчиларсиз, холос», дедилар.

Яъни, сизлар ибодатга сазовор зотга — Аллоҳга ибодат қилмасдан, ўзингизча сиғинишга худолар тўқиб оласиз, дедилар. У киши, яна сўзларида давом этиб, шундай дедилар:

يَقَوْمِ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا ۖ إِنِّي بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٥١﴾

51. Эй қавмим, мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр сўрамайман. Менинг ажрим, фақат, мени яратган Зотнинг зиммасидадир. Ақл юритмайсизларми?

Бу сўзлар ҳам Нух алайҳиссаломнинг гапларига ўхшайди. Чунки, барча жоҳилиятларнинг аҳллари дину диёнатга, иймон-эътиқодга даъват этаётган одам ҳақида «Мол-дунё учун шундай қияпти» деб ўйлайдилар. Ҳуд алайҳиссалом ҳам қавмларининг бу гумонларини рад этиш учун юқоридаги гапларни айтдилар. Ҳамда яна:

وَيَقَوْمِ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا
وَيَزِدْكُمْ قُوَّةً إِلَى قُوَّتِكُمْ وَلَا تَتَوَلَّوْا مَجْرِمِينَ

52. Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда У устингизга осмондан барака ёмғири юборади ва қувватингизга қувватни зиёда қилади. Жиноятчи бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетманг», деди.

Мўмин-мусулмон инсон доимо истиғфор айтиб – Аллоҳдан гуноҳларини мағфират қилишини сўраб ва қилган гуноҳларидан қайтиб – тавба қилиб туриши зарурлигини ҳамма Пайғамбарлар таъкидлаганлар. Бундан олдин Нух алайҳиссалом ҳам таъкидлаган эдилар. Энди Ҳуд алайҳиссалом ҳам таъкидламоқдалар:

«Эй қавмим, Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг...»

Ҳуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога ихлос ила истиғфор айтишнинг ва ихлос ила тавба қилишнинг ҳаёти дунёдаги, тириклик чоғидаёқ етадиган улкан фойдасини ҳам зикр қилмоқдалар:

«Шунда У устингизга осмондан барака ёмғири юборади».

Яъни, истиғфор айтиб, тавба қилсангиз, Аллоҳ сизни қурғоқчилик балосидан халос этади ва юртингизга барака ёмғирини ёғдиради. Ёмғир ҳам турлича бўлади. Баъзилари фойдали. Баъзилари балоофат. Баъзилари баракотли. Истиғфор айтиб, тавба қилганларга Аллоҳ таоло айнан барака ёмғирини ёғдирар экан.

«...ва қувватингизга қувватни зиёда қилади.»

Аввал айтиб ўтилганидек, Од қавми куч-қуввати ила ном чиқарган қабила эди. Истиғфор айтиб, тавба қилсалар, қувватларига қувват зиёда бўлиши ваъда қилинмоқда.

Истиғфор ва тавбанинг фойдалари ҳақида бошқа оятларда ҳам гапирилган. Шунингдек, бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам бир қанча ҳадислар ворид бўлган. Ўшандай ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ унга ҳар бир ғамдан кушойиш, ҳар

бир танглиқдан кенглик беради ва ўзи ўйламайдиган томондан ризқ-лантиради», деганлар.

«Жиноятчи бўлган ҳолингизда юз ўгириб кетманг», деди.»

Иймон келтирмасангиз, жиноят қилган бўласиз, жиноятчи ҳолингизда юз ўгириб кетган бўласиз.

Ҳуд алайҳиссаломнинг бу даъватларига Од қавми саркашлик қилиб, қўполик билан салбий жавоб берди:

قَالُوا يَا هُوْدُ مَا جِئْتَنَا بِبَيِّنَةٍ وَمَا نَحْنُ بِتَارِكِي آلِ هَارُونَ عَنْ قَوْلِكَ وَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٥٣﴾

53. Улар: «Эй Ҳуд, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирмадинг. Биз сенинг гапинг учун худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз ва биз сенга иймон келтирувчи ҳам эмасмиз.

إِن نَقُولُ إِلَّا أَعْرَضْنَا بَعْضُ آلِهَتِنَا بِسُوءِ قَالِ إِنِّي أُنشِدُ اللَّهَ وَأَشْهَدُ أَنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تَشْرِكُونَ ﴿٥٤﴾

54. Биз фақат, сени баъзи худоларимиз ёмонлик ила урибди, деймиз, холос», дедилар. У: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман.

مِن دُونِهِ فَكَيْدُونِي جَمِيعًا ثُمَّ لَا تُنظَرُونَ ﴿٥٥﴾

55. Ундан ўзга. Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар.

Ҳуд алайҳиссалом мўъжиза келтирмаганга ўхшайдилар, шунинг учун ҳам, Од қавми таъна қилиб:

«Эй Ҳуд, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтирмадинг»,

шу туфайли, биз сенинг Пайғамбарлигингга ишонмаймиз ва айтган сўзларингни қабул қилмаймиз, демоқда.

«Биз сенинг гапинг учун худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз» ва сенинг илоҳингга сифинувчи эмасмиз.

«...ва биз сенга иймон келтирувчи ҳам эмасмиз.»

Сенинг ҳақингда, қилаётган ишингга, айтаётган гапингга қараб, бир фикрга келдик. У ҳам бўлса:

«Биз фақат, сени баъзи худоларимиз ёмонлик ила урибди, деймиз, холос», дедилар.

Яъни, жинни бўлибсан, деган гапни бошқачароқ қилиб айтишди. Улардаги руҳий ва маънавий бузуқлик шу даражага бориб етган экан.

Ўзларига Пайғамбар бўлиб келган зотни жиннига чиқариб, алаҳсираб ҳар хил гапиряпти, демоқдалар. Ҳуд алайҳиссаломнинг гапларида ҳеч қандай алаҳсираш аломати, жиннилик белгиси йўқ эди. У кишининг ҳар бир сўзлари пурҳикмат эди. Олий маъноларни, ўша қавмни бахт-саодатга етаклайдиган кўрсатмаларни ичига олган эди.

У қавм бундай гапларни айтиб турганида, Ҳуд алайҳиссаломнинг ҳам қаттиқроқ гапиришдан, уларни ожиз қолдиришга ури-нишдан ўзга чоралари қолмади:

«Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан».

Менинг Пайғамбарлигимга Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ. Мен Худонинг Ўзига солдим. Агар ёлғончи бўлсам, мени жазолайди. Сиз гуноҳкор бўлсангиз, унда, сизни жазолайди. Лекин ҳозир орани очиқ қилиб олайлик, мен сизларга бир ҳақиқатни айтиб қўяй:

«сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман. Ундан ўзга».

Яъни, Аллоҳга У зотдан ўзга нарсаларни шерик келтиришингизга менинг даҳлим йўқ. Мен ширкка қарши курашиб, сизларни тавҳидга даъват қилиш учун Пайғамбар бўлиб келган эдим. Сизлар менинг даъватимни қабул қилмай, мушриклигингизча қолдингиз. Энди сизлар билан орамиз узилди. Агар мен сизларнинг насабингиздан, ирқингиздан, қаби-лангиздан бўлсам ҳам, орамизда алоқа қолмади. Чунки, асосий алоқа риштаси бўлмиш иймонни сизлар тутмадингиз. Энди биз бошқа-бошқа оламлармиз. Сизлар – кофир-мушриклар, мен – мўмин-муваҳҳидман.

«Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар.»

Бу ҳам Аллоҳга иймони комил инсоннинг ишонч ила айтган гапларидир.

Ўзлари ёлғиз бўла туриб, қаршиларидаги душманга – қуввати, шиддати билан донг таратган бутун бошли бир халққа бу гапларни айтиш осон эмас.

Аммо Ҳуд алайҳиссалом ҳақ йўлда эканликларини бутун вужуд-лари билан англаб етган Пайғамбар эдилар. Аллоҳнинг хоҳишисиз у кишига ҳеч ким ҳеч нарса қила олмаслигини яхши билардилар.

Ҳуд алайҳиссалом яна сўзларида давом этдилар:

إِنِّي تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ رَبِّي وَرَبِّكُمْ مَا مِنْ دَابَّةٍ إِلَّا هُوَ آخِذٌ بِنَاصِيَتِهَا إِنَّ رَبِّي عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٥٦﴾

56. Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга тавак-кал қилдим. Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг пешонаси Унинг чангалидадир. Албатта, Роббим тўғри йўлдадир.

Шунинг учун ҳам:

«Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга таваккал қилдим».

Фақат Унгагина суяндим. Ундан ўзга таваккал қиладиган зот йўқ.

«Ҳар бир ўрмалайдиган нарсанинг пешонаси Унинг чангалидадир.»

Ана шунинг учун ҳам, мен сиздан эмас, ўша қудратли, ғолиб ва қахрли Аллоҳдан қўрқаман ва Унгагина суянаман.

«Албатта, Роббим тўғри йўлдадир.»

Мен Роббимнинг йўлига юрганман ва Унинг ёрдами ила мақсадга етишимда шубҳа йўқдир. Сиздан заррача қўрқмаслигимнинг боиси ҳам шунда.

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقَدْ أَبَلَّغْتُمْ مَا أُرْسِلْتُ بِهِ إِلَيْكُمْ وَيَسْخَلِفُ رَبِّي قَوْمًا غَيْرَكُمْ وَلَا تَضُرُّوهُ شَيْئًا
إِنَّ رَبِّي عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَفِيظٌ ﴿٥٧﴾

57. Агар юз ўгириб кетсангиз, батаҳқиқ, мен сизларга нима ила юборилган бўлсам, уни сизларга етказдим. Роббим ўрнингизга сиздан бошқа қавми келтиради ва сиз Унга ҳеч бир зарар етказа олмассиз. Албатта, Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчи Зотдир», деди.

Яъни, агар сиз мендан юз ўгириб кетмоқчи бўлсангиз, бемалол кетаверинг, менинг қўрқадиган ёки мулоҳаза қиладиган жойим йўқ.

«...батаҳқиқ, мен сизларга нима ила юборилган бўлсам, уни сизларга етказдим.»

Аллоҳ таоло менга Пайғамбари сифатида нимани топширган бўлса, ўшани бажардим. Вазифамни шараф ила адо этдим. Энди У зотнинг Ўзи сиз билан ҳисоб-китоб қилиб олади. Агар хоҳласа:

«Роббим ўрнингизга сиздан бошқа қавми келтиради».

Сиз куфрингиз, бебошлигингиз ила азобга ҳақли бўлдингиз. Шунинг учун, У сизни хоҳлаган вақтида ҳалок қилиб, йўқотиб ташлаб, ўрнингизга ўзига иймон келтирадиган, тақво қиладиган бир қавми келтириши ҳеч гап эмас. Агар шундай қилса:

«...сиз Унга ҳеч бир зарар етказа олмассиз».

Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Чунки, сиз ожиз бир бандасиз.

«Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилувчи Зотдир», деди.»

Сиз Ундан қочиб қутула олмайсиз. Биз мўминларни ва динни Аллоҳнинг Ўзи ҳимоя қилиб олади.

Энди мунозара иши тугаб, белгиланган вақт келди.

وَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا هُودًا وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَنَجَّيْتَهُم مِّنْ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٥٨﴾

58. Амримиз келган пайтда Ҳудга ва у билан бирга иймон келтирганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик ва уларни қаттиқ азобдан қутқардик.

Ваъда қилинган азобни юбориб Од қавмини ҳалок қилишга амримиз келганида, Пайғамбаримиз Ҳуд алайҳиссаломни ва у билан бирга иймон келтирган мўминларни истисно тариқасида бу азобдан қутқариб қолдик. Қутқарганда ҳам, қаттиқ азобдан қутқардик.

وَتِلْكَ آيَاتُ الْعَادِثِينَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرُسُلِهِمْ وَاتَّبَعُوا أَمْرَ كُلِّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ ﴿٥٩﴾

59. Анави Оддир. Улар Роббилари оятларини инкор қилдилар. Унинг Пайғамбарларига осий бўлдилар. Ҳар хил жабрчи ва қайсарнинг ишига эргашдилар.

Ҳалок бўлиб, қаттиқ азобга учраб, ҳаммага ибрат бўлган анавилар Од қабиласидир.

«Улар Роббилари оятларини инкор қилдилар.»

Шунинг учун ҳам, ҳалок бўлдилар.

«Унинг Пайғамбарларига осий бўлдилар.»

Аслида, улар битта Пайғамбар — Ҳуд алайҳиссаломга исён қилдилар. Лекин Пайғамбарлар силсиласи битта бўлгани, улар ҳаммаси ёлғиз Аллоҳ томонидан юборилиб, тавҳидга чақирганлари учун, ва-зифа — мақсадлари бир экани, бир-бирларини тасдиқлаб келганлари учун, уларнинг биттасига осийлик қилган кимса барчасига осий бўлади. Пайғамбарларга осий бўлганлар эса, ҳалокатга учрайди.

Одликлар мазкур осийликлари устига яна:

«Ҳар хил жабрчи ва қайсарнинг ишига эргашдилар.»

Од қавмининг айбларидан бири — улар ҳаётларида Аллоҳнинг йўлига эмас, устиларида иш юритган турли золим ва саркашларнинг ҳукмига эргашдилар. Шунинг учун ҳам, бу дунёда барчалари қаттиқ оммавий азобга дучор бўлдилар.

وَاتَّبَعُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا لَعْنَةَ وَيَوْمِ الْقِيَامَةِ إِلَّا إِنْ عَادَا كَفَرُوا رَبَّهُمْ أَلَا بَعْدَ الْعَادِ قَوْمِ هُودٍ ﴿٦٠﴾

60. Ва уларга бу дунёда ҳам, қиёмат кунида ҳам лаънат эргашур. Огоҳ бўлингким, албатта, одликлар Роббиларига куфр келтирган эдилар. Огоҳ бўлингким, Ҳуд қавми Од йўқолсин!

Од қавми Аллоҳнинг йўлига юрмай, ҳар хил золим ва саркашларга эргашганлари учун, уларга бу дунёю охиратда лаънат айтилди. Ҳа,

«Ва уларга бу дунёда ҳам, қиёмат кунда ҳам лаънат эргашур».

Эй одамлар, огоҳ бўлинглар, ибрат олинглар:

«албатта, Одликлар Роббиларига куфр келтирган эдилар».

Шунинг учун, қаттиқ азобга гирифтор бўлдилар ва уларга икки дунёда лаънат эргашди. Ким уларга ўхшаб Роббига куфр келтирса, унга ҳам қаттиқ азоб келади ва икки дунёда ортидан лаънат эргашади.

«Огоҳ бўлингким, Худ қавми Од йўқолсин!»

Бехосият бу қавм йўқ бўлишини тилаб дуо қилинмоқда. Огоҳ бўлинг, яна сизга ҳам шунга ўхшаш дуо бўлиб қолмасин.

Шу билан, Од қиссаси ҳам тамом бўлди. Бу қиссада оғир пайтларни бошларидан кечириб турган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зот билан бирга бўлган оз сонли мусулмонларга қанчадан-қанча тасалли, кўнгил кўтаришлар бор.

Бу қиссада иймон йўлига юрмай, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни «сеҳргар», «жинни» деб турган Қурайш ашрофларию уларга эргашаётган мушриклар учун қанчадан-қанча таҳдид ва огоҳлантиришлар бор.

Шунингдек, бу қиссада ҳар бир инсон учун қанчадан-қанча ибрат, ваъзу насиҳатлар бор. Агар ўқувчи даъватчи бўлса, Худ алайҳиссаломдан ўрнак олади. Оддий мўмин бўлса, иймони ила фахрланади ва ҳақиқат ўзи томонда эканига ишонч ҳосил қилади. Агар ўқувчи кофир бўлса, кўзи очилиб, иймонга келади.

Албатта, қиссадаги ҳар бир тасарруф, жумла ёки калимадан не не ибратлар олиш мумкин. Муфассирларимиз бу қиссага тафсириларида кўплаб саҳифаларни бағишлаганлар. Биз ҳам ўзимиз олган бир ибратимизни қайд этайлик.

Эътибор берган бўлсангиз, бошқа Пайғамбарлар қатори Худ алайҳиссалом ҳам қавмларига дастлаб келганларида «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг», дедилар. Бу гапни ҳамма Пайғамбарлар, жумладан, бизнинг суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам айтганлар. Ҳозир одамлардан, жумладан, «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматман» деб юрганлардан «Аллоҳга ибодат қилиш»нинг маъносини сўрасангиз, «намоз ўқиш» деган жавобни беришади. Яна нима, деб сўрасангиз, рўза, закот, ҳаж, зикр, тиловати Қуръон ва бошқаларни қўшиши мумкин. Бу, «ибодат» деган сўзнинг маъносини жуда ҳам тор олишдир. Аслида эса, «ибодат»нинг маъноси кенг бўлиб, Аллоҳга бутунлай бўйсунуш, Унинг таълимотла-

рига эргашиш ва ўзини Унинг олдида хор тутиш маъноларини билдиради. Зотан, «ибодат» сўзи «абада» феълидан олинган бўлиб, «қул бўлди», «банда бўлди», маъносини ҳам англатади. Арабларда қул «абд» дейилади. «Абдуллоҳ» дегани Аллоҳнинг қули, бандаси, дегани эканини ҳамма билади. Одатда, қул ўз хўжасининг мулки бўлади. Унинг ихтиёри хўжасининг қўлида бўлади. У фақат хўжасининг айтганини қилиши керак бўлади. Унинг розилигини топиш учун айтганини қилади, чизган чизигидан чиқмайди. Йўқса, жазога тортилади. Шундай бўлгач, Аллоҳнинг бандасиман, деган одам ҳам бутун борлиғи ила ўзини Аллоҳга топшириши, фақат Унинг айтганини қилиб, чизган чизигидан юриши керак. Ана шундагина Аллоҳнинг қули – абди, яъни, бандаси бўлади ва Унга ибодат қилган ҳисобланади. Намозни ўқиб бўлиб, Аллоҳнинг ибодати тугади, энди фалончининг айтганини қилай, дейиш мўминнинг иши эмас. Ҳар бир амални Аллоҳнинг айтганига мослаб қилиш мўмин-мусулмоннинг бурчидир. Бўлмаса, гуноҳкор бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ҳуд алайҳиссалом дастлаб келганларида: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг», деган бўлсалар ҳам, Од қавми қулоқ осмай, ҳалокатга қараб кетгани ҳақида хулосалаб:

«Ҳар хил жабрчи ва қайсарнинг ишига эргашдилар», дейилмоқда.

Ҳар хил жабрчи ва қайсарга сажда қилди, назр атади ёки бошқа нарса қилди, дейилаётгани йўқ. Балки айнан, «эргашдилар», дейилмоқда. Зеро, Аллоҳнинг йўлидан юрмаганларга эргашиш, тақлид қилишнинг ўзи ҳам иймонсизлик аломатидир. Ушбу ҳақиқатни аввалгилар яхши тушунганлар. Биз ҳам тушунмоғимиз керак.

Эндиги оятларда эса, Солиҳ алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари Самуд қиссаси келади:

﴿وَالِى ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا قَالَ يَا قَوْمِ أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ هُوَ أَنشَأَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا فَاسْتَغْفِرُوهُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ إِنَّ رَبِّي قَرِيبٌ مُّجِيبٌ﴾

61. Ва Самудга биродарлари Солиҳни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди. Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим яқин ва ижобат қилгувчидир», деди.

Оятдан кўриб турибмизки, Солиҳ алайҳиссалом ҳам Пайғамбар бўлиб келиб, қавмларига ўзларидан олдинги Пайғамбарларнинг гапларини айтганлар:

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ».

Нуҳ алайҳиссалом ҳам, Ҳуд алайҳиссалом ҳам шу гапни айтган эдилар. Солиҳ алайҳиссалом ҳам худди шу гапни айтмоқдалар. У кишидан кейин келганлар ҳам айтадилар бу гапларни. Ва ниҳоят, бу гапларни Пайғамбарларнинг охиргиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам айтадилар. Чунки, Пайғамбарларнинг ҳаммаси ягона Аллоҳдан келган, Аллоҳнинг эса битта дини бор – Ислому.

«У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди.»

Эй қавмим, Аллоҳ сизларни аввал бошда ер жинсидан яратди. Сўнгра, ўша ерни обод қилишингиз учун сизни унда қолдирди.

Демак, инсоннинг ер юзидаги вазифаларидан бири уни обод қилишдир.

«Бас, Унга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг.»

Бу сўзларни ҳам барча Пайғамбарлар айтганлар.

«Албатта, Роббим яқин ва ижобат қилгувчидир.»

У истиғфор ва тавбангизни яқиндан туриб эшитади ва билади ҳамда тезда қабул қилади.

Солиҳ алайҳиссаломнинг бу гапларига қавмлари қуйидаги жавобни бердилар:

قَالُوايٰصٰلِحُ قَدْ كُنْتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هٰذَا اِنَّهٗنَا اَنْ نَّعْبُدَ مَا يَعْبُدُ اٰبَاؤُنَا وَاِنَّا لَفِي شَكِّ مِمَّا تَدْعُوْنَا اِلَيْهِ مُرِيْبٍ ﴿٦٢﴾

62. Улар: «Эй Солиҳ, бундан олдин сен ичимизда орзу қилинган эдинг. Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсага ибодат қилмоғимиздан қайтарасанми? Албатта, биз сен даъват қиладиган нарса ҳақида шак-шубҳадамиз», дедилар.

Бу ҳам одатдаги ҳол. Бошқа қавмларга ўхшаб Самуд қавми ҳам, ўзларининг ичларидан чиққан Пайғамбарга, у даъват қиладиган динга шак-шубҳа билан қарамоқдалар. Шу билан бирга, улар Солиҳ алайҳиссаломнинг аввалги ҳолларини эътироф қилмоқдалар:

«Эй Солиҳ, бундан олдин сен ичимизда орзу қилинган эдинг».

Яъни, фазилатларинг учун, ақлинг, илминг, ростгўйлигинг, чиройли хулқинг, омонатдорлигинг учун ҳаммамиз сенга ҳавас қилар, сендек бўлишни орзу этар эдик.

«Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қиладиган нарсага ибодат қилмоғимиздан қайтарасанми?»

Бу ҳам барча жоҳил қавмларнинг баҳонаси. Ота-бобоси ибодат қилган нарсага ибодат қилишни рўкач қилиб, Аллоҳнинг юборган Пайғамбарини инкор қиладилар. Ота-боболари ибодат қилган нарса ҳақми, ноҳақми – уларга бари бир. Ота-бобоси ибодат қилган бўлса, бўлди. Ўзларича ақл ишлатиб кўрмайдилар. Самуд қавми илгари ўзлари ҳавас қилиб юрган одам Пайғамбар бўлиб келиб, Аллоҳнинг амрини етказса ҳам, ота-боболарининг амалини ташлашни эп кўрмасликни баҳона қилиб, Аллоҳнинг динини инкор қиляптилар. Улар Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломга:

«Албатта, биз сен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳадамиз», дедилар».

Ноҳаққа ўзини урганлар ҳақдан ажабланадилар. Ҳақ ҳақида шак-шубҳага тушадилар. Инсон табиати бузилганда шундай бўлади.

Бир неча асрлар ўтиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам охирги Пайғамбар бўлиб келганларида ҳам, Қурайш мушриклари у зотга шунга ўхшаш гап айтишди.

Нобакор қавмнинг бу раддиясидан сўнг Солиҳ алайҳиссалом уларга босиқлик билан ҳақиқатни тушунтиришга уриниб кўрдилар:

قَالَ يٰقَوْمِ اَرَأَيْتُمْ اِنْ كُنْتُمْ عَلٰى بَيِّنَةٍ مِّنْ رَبِّيْ وَاْتٰنِيْ مِنْهُ رَحْمَةً فَمَنْ يَنْصُرُنِيْ مِنَ اللّٰهِ اِنْ عَصَيْتُهُ فَمَا تَزِيْدُوْنِيْ غَيْرَ تَخْسِيْرٍ

63. У: «Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Роббим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам ва менга У томонидан раҳмат берилган бўлса-ю, мен Унга осий бўлсам, ким менга Аллоҳ (азоби)дан (қутулишга) ёрдам беради?! Бас, сиз менга зиёндан ўзгани зиёда қилмассизлар.

Илгари Нух алайҳиссалом ҳам шу гапларни айтган эдилар.

Сизлар мен даъват қилаётган нарса ҳақида шак-шубҳа қилмоғингиз ҳеч нарсани ҳал этмайди. Сиз ҳар хил нарсада шак-шубҳа қилишингиз мумкин. Лекин дунёнинг азалий ишлари, хусусан, Пайғамбарлик, динга даъват қилиш сизнинг хоҳишингиз ёки шак-шубҳа қилишингизга боғлиқ эмас!

«Эй қавмим, хабар беринг-чи, агар мен Роббим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эга бўлсам...»

Бу очиқ-ойдин ҳужжат У кўрсатган йўл ҳақ эканини аниқ кўрсатиб турса

«...ва менга У томонидан раҳмат берилган бўлса-ю...»

У зот, яъни Аллоҳ таоло Ўз томонидан менга Пайғамбарликни берган бўлса-ю,

«...мен Унга осий бўлсам...»

Унинг айтганини бажармасдан, бошқача амал қилсам, албатта, Унинг азобига дучор бўламан. Ўша азобга дучор бўлган пайтимда

«ким менга Аллоҳ(азоби)дан (қутулишга) ёрдам беради?!»

Сизми? Йўқ! Сиз ёрдам беролмайсиз. Сиз фақат зарар берасиз.

«Бас, сиз менга зиёндан ўзгани зиёда қилмассизлар», деди.

Кўр-кўрона, ҳеч қандай далил-хужжатсиз, ўзларича, ота-бобо-сидан қолган бидъат-хурофотларга ёпишиб олган мушриклардан зиёндан ўзга нима ҳам кутиш мумкин!

وَيَنْقُومِ هَذِهِ نَافَةُ اللَّهِ لَكُمْ آيَةٌ فَذَرُوهَا تَأْكُلْ فِي أَرْضِ اللَّهِ وَلَا تَمَسُّوهَا
بِسُوءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابٌ قَرِيبٌ ﴿٦٤﴾

64. Эй қавмим, Аллоҳнинг мана бу туяси сизга белги-мўъжиза-дир. Бас, уни тек қўйинглар, Аллоҳнинг ерида еб юрсин, унга ёмонлик етказманглар, акс ҳолда, сизни яқин азоб ушлайди», деди.

Туя ҳақида ва унинг мўъжиза экани ҳақидаги батафсил маълумотлар бошқа сураларда келган, «Худ» сурасида эса, сиёққа мос тарафлари баён этилмоқда.

Солиҳ алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбарликларини тасдиқловчи мўъжиза қилиб берилган туяни Самуд қавмига кўрсатиб, эй қавмим, мана бу туя менинг ҳақ Пайғамбар эканимни тасдиқловчи мўъжиза, бу – Аллоҳнинг туяси, унга тегманглар, Аллоҳнинг ерида хоҳлаган нарсасини еб юрсин, унга бирор ёмонлик етказа кўрманглар, агар бирор ёмонлик етказсангиз, сизга тезда азоб келади, дедилар.

Лекин жиноятчи қавм ўз Пайғамбарининг бу гапини ҳам инобатга олмадилар.

فَعَقَرُوهَا فَقَالَ تَمَتَّعُوا فِي دَارِكُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ ذَلِكَ وَعَدْغَيْرُ مَكْدُوبٍ ﴿٦٥﴾

65. Бас, у(туя)ни сўйдилар. Сўнг у: «Диёрингизда уч кун баҳраманд бўлиб туринг. Бу, ёлгон бўлмаган ваъдадир», деди.

Самуд қавмининг қалби тош бўлиб, ҳеч нарса таъсир қилмайдиган даражага етган эди. Аллоҳнинг мўъжизасини кўзлари билан кўриб

туриб, таъсирланиш, ибрат олиш, тўғри йўлга тушиш ўрнига, мўъжи-зага ҳам, Солиҳ алайҳиссаломнинг огоҳлантиришларига ҳам парво қилмай, Аллоҳнинг туясини сўйдилар.

«Бас, у(туя)ни сўйдилар.»

Бу иш динга нисбатан, Пайғамбарга, Аллоҳга нисбатан ҳурмат-сизлик ва ҳақоратнинг очиқ-ойдин кўриниши эди. Шунда Солиҳ алайҳиссалом уларга:

«Диёрингизда уч кун баҳраманд бўлиб тулинг. Бу, ёлғон бўлмаган ваъдадир», деди».

Яъни, сизга уч кундан сўнг азоб келади. Бу, чин ваъдадир, дедилар.

فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا صَالِحًا وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَمِن خِزْيِ يَوْمِئِذٍ
إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ ﴿٦٦﴾

66. Амримиз келган пайтда Ўз раҳматимиз ила Солиҳга ва у билан бирга иймон келтирганларга нажот бердик ва ўша куннинг шармандалигидан қутқардик. Албатта, Роббинг, Унинг Ўзи кучли ва азиздир.

Яъни, Бизнинг амримиз юзага чиқиши ваъда қилинган пайт келганида, Пайғамбаримиз Солиҳ ва у билан иймон келтирган мўмин бандаларимизга нажот бердик. Ҳамда уларни ўша азоб келган кунги шармандалиқдан қутқардик.

Бу ишни қилиш Биз учун қийин эмас. Чунки, Роббинг куч ва иззат эгасидир.

وَأَخَذَ الَّذِينَ ظَلَمُوا الصَّيْحَةَ فَأَصْبَحُوا فِي دِيَرِهِمْ جَثَمِينَ ﴿٦٧﴾

67. Ва зулм қилганларни даҳшатли қичқириқ олди. Бас, диёрларида тўкилдилар.

كَانَ لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا إِلَّا إِنَّا شَمُودَ أَكْفَرُوا مِنْهُمْ أَلا بَعْدَ الشُّمُودِ ﴿٦٨﴾

68. Худди унда турмаганга ўхшаб. Огоҳ бўлингким, албатта, Самуд (қавми) Роббиларига куфр келтирган эдилар. Огоҳ бўлингким, Самуд йўқолсин!

Иймон келтирмай, кофир бўлиб, зулм қилган Самудликларни даҳшатли қичқириқ ҳалок этди. Улар турган жойларида тутдек тўкил-

дилар. Бу ҳолларини кўрган одам уларни бу ерда яшаган деб ўйла-мас эди.

«Ва зулм қилганларни даҳшатли қичқириқ олди. Бас, диёрла-рида тўкилдилар. Худди унда турмаганга ўхшаб.»

Эй одамлар, эй, бу қиссадан хабардор бўлганлар, улар нима учун бу ҳалокатга учради? Бир ўйлаб кўринглар! Нима учун?!

«Огоҳ бўлингким, албатта, Самуд (қавми) Роббиларига куфр келтирган эдилар.»

Ана шу куфрлари туфайли азобга гирифтор бўлдилар.

«Огоҳ бўлингким, Самуд йўқолсин!»

Касофати бошқага урмасин. Ҳаммадан узоқда бўлсин!

Бу қисса ҳам ваъз-насихат ва ибратларга тўла. Шаккоклик ва нобакорлик билан, Аллоҳдан қўрқмай, Унинг мўъжизасига қарши журъат қилган гуноҳкор қавми Аллоҳ таоло тўсатдан эмас, олдиндан кунини тайин қилиб, кейин ҳалок қилди. У қавми ҳалок қилиш учун тўфон, зилзила каби улкан офатларни эмас, биттагина даҳ-шатли қичқириқни ишга солди. Агар хоҳласа, Муҳаммад алайҳисса-ломни инкор қилиб турган мушрикларни ҳам худди шундай ҳалок этиб, Солиҳ алайҳиссалом ва у зот билан бирга иймон келтирган-ларни қутқариб қолгани каби, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васал-лам ва оз сонли мусулмонларни ҳам қутқариб қолади.

Шу билан Солиҳ алайҳиссалом ва Самуд қавми қиссаси ниҳоя-сига етди.

Энди Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари келади:

وَلَقَدْ جَاءَتْ رُسُلَنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبَشْرَى قَالُوا سَلَمًا قَالَ سَلَامٌ فَمَا لَبِثَ أَنْ جَاءَ بِعِجْلٍ

حَنِيدٍ ﴿١١٩﴾

69. Батаҳқиқ, элчиларимиз Иброҳимга хушхабар келтирдилар. Улар: «Салом», дедилар. У: «Салом», деди. Ва кўп ўтмай қовурилган бузоқ келтирди.

«Худ» сурасида келган бошқа Пайғамбар алайҳимуссаломларнинг қиссаларидан фарқли ўлароқ, Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссаларининг бошидан эмас, балки, ундан бир кўриниши келтирилмоқда. Бу эса, Лут алайҳиссалом қиссасига кириш учундир.

Янги қисса Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳнинг элчилари — фаришталари келтирган хушхабар билан бошланмоқда. Ўша пайтда Иброҳим алайҳиссалом ўзлари туғилган Ироқнинг Калдонийлар еридан ҳижрат қилиб, саҳрода, Канъонийлар заминиде яшаб турган эдилар.

«Батаҳқиқ, элчиларимиз Иброҳимга хушхабар келтирдилар.»

Фаришталар Иброҳим алайҳиссаломга қанақа хушхабар келтиргани кейинроқ, ўз ўрнида зикр қилинади. Фаришталар келиб Иброҳим алайҳиссаломга:

«Салом», дедилар».

Ёш, хушрўй йигитлар сувратида, меҳмонга ўхшаб келган шахсларнинг фаришталар эканлигидан беҳабар Иброҳим алайҳиссалом уларнинг саломига алик олдилар:

«У: «Салом», деди».

Саломлашиб бўлгач, меҳмонлар ўтирдилар. Иброҳим алайҳиссалом эса:

«кўп ўтмай, қовурилган бузоқ келтирди».

Яъни, қиздирилган тошда пишган семиз бузоқ гўштини олиб келиб, дастурхонга қўйдилар. Сўнгра:

فَلَمَّا رَأَوْا آيَاتِهِمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكِرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَحْفَ إِنَّا
أُرْسِلْنَا إِلَى قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٠﴾

70. Уларнинг қўллари у(таом)га етмаётганини кўриб, улардан ҳайрон бўлди ва ичида хавфсиради. Улар: «Қўрқма, биз Лут қавмига юборилганмиз», дедилар.

Фаришталар одам суратида келган эдилар. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом саҳроликларнинг меҳмондўстликлари асосида уларни зиёфат қилишга шошилдилар.

Тезда, пиширилган бузоқ гўштини олиб келиб, меҳмонлар олди-га қўйганларида, фаришталар таом емасликлари сабабидан унга қўл узатмай ўтиравердилар. Бу ҳол Иброҳим алайҳиссаломга ғалати кўринди ва улардан хавфсирай бошладилар:

«Уларнинг қўллари у(таом)га етмаётганини кўриб, улардан ҳайрон бўлди ва ичида хавфсиради».

Чунки, меҳмон мезбоннинг дастурхонидан таом олмаслиги яхшилик аломати эмас. Иброҳим алайҳиссаломдаги бу ҳайратланиш ва хавфсирашни сезган меҳмонлар — фаришталар у кишига сирни очдилар:

«Қўрқма, биз Лут қавмига юборилганмиз», дедилар».

Шу пайт Иброҳим алайҳиссаломнинг эшик олдида:

وَأْمُرْ أَتَهُ قَائِمَةٌ فَضَحِكْتُمْ فَبَشِّرْنَهَا بَأْسَ حَقِّ وَمِنْ وَرَاءِ إِسْحَاقَ يَعْقُوبَ ﴿٧١﴾

71. Тик турган хотини кулди. Бас, Биз у(хотин)га Исҳоқнинг ва Исҳоқдан кейин Яъқубнинг хушхабарини бердик.

Иброҳим алайҳиссаломнинг фаришталар билан қилаётган суҳбатларини тик туриб эшитаётган у кишининг аёллари кулди. Лекин у аёлга аталган бошқа гап бор эди.

«Бас, Биз у(хотин)га Исҳоқнинг ва Исҳоқдан кейин Яъқубнинг хушхабарини бердик.»

У аёл шунгача бефарзанд эди. Аллоҳ таоло Лут қавмига азоб олиб бораётган фаришталарга йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссалом оиласида туғилажак Исҳоқ исми фарзанднинг ва у эса Яъқуб деган ўғил кўришининг хушхабарини етказишни ҳам топширган эди. Мана, улар хушхабарни етказдилар. Шунда:

قَالَتْ يَوَيْلَتِيءَ الْاِدُوْا اَنَا عَجُوْزٌ وَّهَذَا بَعْلِيْ شَيْخًا اِنَّ هَذَا الشَّيْءُ عَجِيْبٌ ﴿٧٢﴾

72. У: «Вой шўрим, ўзим кампир, манави эрим чол бўлса ҳам, туғаманми?! Бу қизиқ нарса-ку!» – деди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг ёшлари анча улуғ эди. Шунингдек, аёлларининг ёши ҳам ўтиб қолган эди.

Одатда, бу ёшда эркакдан фарзанд бўлмайди, қари аёл фарзанд туғмайди. Иброҳим алайҳиссаломнинг аёллари ўша одат бўйича, инсоний тажрибага суяниб, хушхабардан ажабланди. Аммо фаришталар унга илоҳий ўлчов бошқа эканини тушунтирдилар:

قَالُوْا اَتَعْجَبِيْنَ مِنْ اَمْرِ اللّٰهِ رَحْمَتُ اللّٰهِ وَبَرَكَتُهُ عَلَيْكُمْ اَهْلَ الْبَيْتِ اِنَّهُ حَمِيْدٌ مُّجِيْدٌ ﴿٧٣﴾

73. Улар: «Аллоҳнинг амридан ажабланасанми? Эй, аҳли байтлар, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлгай. Албатта, У мақталган ва буюк Зотдир», дедилар.

Инсон ҳаётда ўзи кўп кўрган, кўп такрорланган ҳодиса-ҳолатларни қоида шаклида тушуниб қолади. Баъзида ўша «қоида» бузилиши мумкинлигини унутиб қўяди. Аллоҳ у «қоида»ларни хоҳлаган лаҳзада хоҳлаганича бузиши мумкинлигини эсдан чиқариб қўяди. Инсоний тарозида, маълум ёшдаги эр-хотинлар қўшилгандагина фарзанд дунёга келади, деган ўлчов бор. Аммо бу ҳодиса Аллоҳнинг иродаси ила рўёбга чиқишини унутиб қўйишади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ баъзида айрим ёш эр-хотинларни бефарзанд қилиб, бу ҳақиқатни одамларга эслатиб туради.

Шунингдек, маълум ёшдан ўтгандан сўнг, фарзанддан қолиш умумий қоидага ўхшайди. Аммо Аллоҳ хоҳласа, қарилардан ҳам фарзанд туғилиши мумкин. У ҳар нарсага қодир Зот. Бу ишдан ҳеч ажабланиб бўлмайди. Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари ёши ўтган аёл киши ўлароқ, ҳайз кўрмай қўйган, ўзида бола кўриш имкони йўқлигини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, фаришталар келтирган хушxabардан ниҳоятда ажабландилар. Аммо хушxabар келтирувчилар бу ажабланиш ноўрин эканлигини англатиб:

«Аллоҳнинг амридан ажабланасанми?» дедилар.

Яъни, бу гапни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ. Бу – Аллоҳнинг амри. У хоҳлаган нарсасини қилади, ажабланишга ўрин йўқ. Хоҳласа, чолу кампирдан ҳам фарзанд пайдо қила олади.

«Эй, аҳли байтлар, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлгай.»

Яъни, эй, Пайғамбар аҳли оиласи, сизларга келажакда Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлгай. Унинг раҳмати ва баракоти фарзанд ато қилиш билангина тугаб қолмагай. Ҳали ундан ўзга турли хайр-баракалар бор. Бу осон иш. Чунки, уларни сизга ваъда қилаётган зот Аллоҳдир.

«Албатта, У мақталган ва буюк Зотдир», дедилар».

Аллоҳ бандаларига берган неъматлари, раҳмати ва баракотлари учун доимо мақталиб келатган Зотдир. У буюқдир, бунга ўхшаган ишлар Унинг учун ҳеч гап эмас.

Фаришталарнинг бу гапларидан кейин Иброҳим алайҳиссаломга ҳамма нарса равшан бўлди.

فَلَمَّا ذَهَبَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ الرَّوْعُ وَجَاءَتْهُ الْبُشْرَىٰ يُجَادِلُنَا فِي قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٤﴾

74. Иброҳимдан қўрқинч кетиб, хушxabар етгач, Биз билан Лут қавми ҳақида баҳслаша бошлади.

إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَحَلِيمٌ أَوَّاهٌ مُّنِيبٌ ﴿٧٥﴾

75. Албатта, Иброҳим ҳалийм, тазаррули ва У зотга тез қайтувчидир.

Фаришталарнинг мақсадларини билгандан сўнг, Иброҳим алайҳиссаломдан қўрқинч кетди. У кишига фаришталар келтирган хушxabар етди. Лекин у киши фаришталар хушxabар келтиргани билан

бирга Лут қавмига азоб олиб келаётганидан ташвишда эдилар. Иброҳим алайҳиссалом ўзларига етган хушxabардан хурсанд бўлиб бошқаларни унутадиган одам эмас эдилар.

«Иброҳимдан қўрқинч кетиб, хушxabар етгач, Биз билан Лут қавми ҳақида баҳслаша бошлади.»

Дарҳол Лут қавмидан ташвишга тушиб, улар ҳақида тортиша бошладилар. Чунки, у зотга Аллоҳ таоло олий сифатларни берган эди.

«Албатта, Иброҳим ҳалийм, тазаррули ва У зотга тез қайтувчидир.»

Ҳалиймлик сифати газабга сабаб бўладиган ҳоллардан четланувчи, босиқ ва тез аччиқланмайдиган кишига нисбат берилади.

«Тазаррули» деб таржима қилган сўзимиз ояти каримада «аввоҳ» деб келган бўлиб, «жуда тақводор, тазарру ила кўп дуо қилувчи шахс» деган маънони англатади.

Оятдаги «мунийб» сифатини «У зотга тез қайтувчи» деб таржима қилдик, бу ҳам «ҳар бир нарсада Роббига тез қайтувчи шахс» деганидир.

Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссаломнинг ушбу сифатлари бир неча бор такрорланган. Бу сифатлар у зотни Лут қавми ҳақида баҳслашишга ундади. Лекин бўлар иш бўлган эди. Шунинг учун ҳам, у кишига фаришталар:

يٰۤاِبْرٰهِيْمُ اَعْرِضْ عَنۢ هٰذَا اِنَّهٗ قَدْ جَآءَ اَمْرٌ رَّبِّيْكَ وَاِنَّهُمْ لَآتِيْهِمْ عَذَابٌ غَيْرُ مَرَدُوْدٍ ﴿٧٦﴾

76. Эй Иброҳим, бундан воз кеч. Чунки, Роббингнинг амри келиб бўлган. Албатта, уларга қайтарилмас азоб келгусидир.

Ҳамма нарса аён бўлди. Фаришталар гапни чўзиб ўтирмай, гапнинг индалосини айтиб қўя қолишди:

«Эй Иброҳим, бундан воз кеч.»

Эй Иброҳим, сен биз билан Лут қавми ҳақида баҳс қилишдан тўхта. Бу масалада ҳеч қандай баҳснинг фойдаси йўқ.

«Чунки, Роббингнинг амри келиб бўлган.»

Лут қавмининг ҳалок бўлиши ҳақида Аллоҳ таолонинг ҳукми содир бўлиб бўлган.

«Албатта, уларга қайтарилмас азоб келгусидир.»

Ва Лут қавмининг диёри томон равона бўлишди.

وَلَمَّا جَآءَتْ رُسُلُنَا لُوْطًا سِىٔءَ بِهٖمْ وَضَآقَ بِهٖمْ دَرَعًاوَقَالَ هٰذَا يَوْمٌ عَصِيْبٌ ﴿٧٧﴾

77. Элчиларимиз Лутга келган пайтларида, у уларни (кўриб) ёмон ҳолга тушди ва қўл-оёғи бўшашди ҳамда: «Бу қийин кундир», деди.

Чунки, Лут алайҳиссалом қавмларининг жинояткор эканини яхши билардилар. Улар дунёда ҳеч ким қилмаган гуноҳни қилаётган эдилар. Бу зolim қавмга Аллоҳнинг азоби келиши муқаррар эди. Аммо қачон келишини ҳеч ким билмас эди. Жумладан, Лут алайҳиссалом ҳам. Аммо ҳузурларига Аллоҳнинг эчилари бўлмиш фаришталар келганида, Лут алайҳиссалом қавмларига азоб келганини англадилар:

«У уларни (кўриб) ёмон ҳолга тушди ва қўл-оёғи бўшашди».

Мўмин қазои қадарга ишонади. Ҳар бир нарса Аллоҳдан эканига чин дилдан иймон келтиради. Айниқса, Пайғамбарлар бу борада ҳаммага ўрнақдирлар. Шунинг учун, Лут алайҳиссаломнинг ёмон ҳолга тушиб, қўл-оёқлари бўшашишини «азобдан қўрқиш» деб тушунмаслик керак. Фаришталар келишидан у зот алайҳиссаломнинг ёмон ҳолга тушишларига бошқа сабаб бор эди. Фаришталар чиройли, хушрўй йигитлар суратида келган эдилар. Лут алайҳиссалом қавми эса, баччабозликка мубтало эди. Бадбахт қавм хушрўй йигитлар сувратидаги фаришталарга осилиб, беъманиликлари ила шармандачиликка қўл уришларини ўйлаб, у зот шу ҳолга тушдилар. Ҳақиқатда ҳам у кишининг ўйлаганлари бўлиб чиқди.

وَجَاءَهُ قَوْمُهُ يَهْرَعُونَ إِلَيْهِ وَمِنْ قَبْلُ كَانُوا يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ قَالَ يَنْظُرُونَ هَلْ نُؤَلِّئُ بَنَاتِنَا
هِنَّ أَطْهَرُ لَكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَلَا تُخْزُونِ فِي ضَيْفِي أَلَيْسَ مِنْكُمْ رَجُلٌ رَشِيدٌ

78. Қавми унга шошилиб, ҳаллослаб етиб келди. Улар бундан олдин гуноҳлар қилар эдилар. У : «Эй қавмим, анаву қизларим сизлар учун покроқ-ку. Бас, Аллоҳдан қўрқинг! Меҳмонларим ҳақида мени шарманда қилманг. Ичингизда бирорта тузукроқ одам йўқми?!» – деди.

Лут алайҳиссалом ҳузурига чиройли, ёш йигитларнинг келганини эшитган жиноятчи қавм тезлик билан етиб келди.

«Қавми унга шошилиб, ҳаллослаб етиб келди. Улар бундан олдин гуноҳлар қилар эдилар.»

Яъни, баччабозлик қилардилар. Лут алайҳиссаломнинг меҳмонга ёш йигитларнинг келишидан ёмон ҳолга тушишлари ва қўл-оёқлари бўшашишлари ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, шу боисдан эди. Қавмнинг нияти кўринишидан маълум эди. Шунинг учун, Лут алайҳиссалом уларни тўғри йўлга йўллашга ҳаракат қилиб:

«Эй қавмим, анаву қизларим сизлар учун покроқ-ку», дедилар.

Лут алайҳиссаломнинг «анаву қизларим» деган иборалари пуштикамарларидан бўлган қизларини ҳам ва иймон келтириб, у кишига эргашган қизларни ҳам ичига олишини тафсирчиларимиз таъкидлаб ўтишган. Лут алайҳиссаломнинг «сизлар учун покроқ-ку», дейишлари, уларга уйланиб, шаҳватларингизни қондиришга пок-ку, деганларидир. Бу ердаги поклик ҳамма маъноларни — ҳиссий, маънавий, руҳий, жисмоний ва бошқа покликларни ичига олади. Эркак кишининг эркак кишига жинсий яқинлик қилиши энг катта ифлослик, нопокликдир. Лут алайҳиссалом қавмларини ўша нопокликдан қайтариб, бу борадаги пок йўлга, аёлларни никоҳлаб олишга даъват қилдилар. Шу билан бирга, қавмга таъсирни кучлироқ ўтказиш учун:

«Бас, Аллоҳдан қўрқинг!» дедилар.

Бу билан уларнинг қалбларига қўрқинч солиб, ёмон ишдан қайтармоқчи бўлдилар. Шунингдек, бошқа омиларни ҳам ишга солдилар:

«Меҳмонларим ҳақида мени шарманда қилманг».

Бу билан урф-одатларни эҳтиром қилишга ҳам даъват этдилар. Чунки, меҳмоннинг ўзига яраша ҳурмати бор. Айниқса, ўша бадавий, саҳройи халқнинг меҳмонни ҳурматлаш борасидаги одатлари таҳсинга сазовор эди. Ҳолбуки, бу қавм Пайғамбариникига келган меҳмонлар устига жирканч ният билан бостириб кирмоқда!

«Ичингизда бирорта тузукроқ одам йўқми?!» – деди.»

Яъни, бу иш ичингизда бирорта ҳам тузукроқ одам йўқлигидан бўляпти. Аҳмоқликни бас қилинг, ақлингизни йиғиб олинг.

Аммо бузуқ нафснинг тузалиши қийин. Айниган тафаккурнинг тўғриланиши ҳам мушкул:

قَالُوا لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَالَنَا فِي بَنَاتِكُمْ مِنْ حَقِّ وَانَّا لَنَعْلَمُ مَا نُرِيدُ

79. Улар: «Сенинг қизларингда бизнинг ҳаққимиз йўқлигини билгансан ва биз нимани хоҳлашимизни, албатта, сен биласан», – дедилар.

Яъни, эй Лут, аёлларга рағбатимизнинг йўқлигини яхши биласан. Ҳозир нима мақсадда келганимизни ҳам яхши биласан, дейишди.

Ана шунда, Лут алайҳиссаломнинг барча умидлари узилди.

قَالَ لَوْ أَنَّ لِي بِكُمْ قُوَّةٌ أَوْ إِيَّائِي إِلَى رُكْنٍ شَدِيدٍ

80. У: «Қани энди сизларга қувватим етса эди ёки мустаҳкам ерга беркинсайдим», – деди.

Тафсирчиларимиз Лут алайҳиссаломнинг ушбу гаплари кимга қаратилгани ҳақида икки хил фикр билдирадилар. Бир гуруҳ тафсирчиларимиз, Лут алайҳиссаломнинг бу гаплари қавмларига қаратилган, дейдилар. Бизнинг таржимадаги маъно ҳам шунга яқинроқ. Бошқа бир гуруҳ тафсирчилар эса, бу гаплар меҳмон бўлиб келган ёш йигитларга қарата айтилган, дейдилар. Шунда, эй меҳмонлар, сиз ҳам ёш, камқувват кўринасизлар, қани энди, кучим етсаю сизларни ҳимоя қилсам ёки мустаҳкам бир паноҳ тошиб, жойлаштираман, деган маъно чиқади.

Гап шу ерга етганда фаришталар ҳақиқатни ошкор қилдилар:

قَالُوا يَلُوطُ إِنَّا رُسُلُ رَبِّكَ لَنْ يَصِلُوا إِلَيْكَ فَأَسْرِبْ أَهْلَكَ بِقِطْعٍ مِّنَ اللَّيْلِ وَلَا يَنْفِتْ
مِنْكُمْ أَحَدٌ إِلَّا أَمْرًا نَّكَ إِنَّهُ مُصِيبُهَا مَا أَصَابَهُمْ إِنَّ مَوْعِدَهُمُ الصُّبْحُ أَلَيْسَ الصُّبْحُ
بِقَرِيبٍ ﴿٨١﴾

81. Улар: «Эй Лут, биз Роббингнинг элчиларимиз, булар сенга ҳаргиз тега олмаслар. Бас, кечанинг бир бўлагида аҳлинг ила юргин ва сизлардан хотинингдан бошқа ҳеч ким ўгирилмасин. Чунки, уларга етадиган мусийбат у(аёл)га-да етгувчидир. Уларга тайин қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!» – дедилар.

Ёш йигитлар камқувват, ўзларини ҳимоя қила олмайдиган меҳмонлар эмас, балки Аллоҳнинг элчилари – мазкур жиноятчи қавмни ҳалок қилиш учун юборилган қувватли фаришталар эди. Улар Лут алайҳиссаломга у киши мустаҳкам паноҳда – Аллоҳ таолонинг ҳимоясида эканликларини эслатдилар:

«Улар: «Эй Лут, биз Роббингнинг элчиларимиз, булар сенга ҳаргиз тега олмаслар...»

Яъни, золим қавмдан ҳеч қўрқма, улар сенга ҳеч қачон заррача зарар еткиза олмайдилар. Буни сенга биз – Роббингнинг элчилари айтмоқдамиз, дедилар.

Сўнгра эса, у зот алайҳиссаломга қутулиш йўлини ўргатдилар:

«Бас, кечанинг бир бўлагида аҳлинг ила юргин ва сизлардан хотинингдан бошқа ҳеч ким ўгирилмасин».

Демак, кўрсатма бўйича, Лут алайҳиссалом аҳларини олиб, кечанинг бир бўлагида диёрларини ташлаб чиқишлари керак эди. Кечаси улардан ҳеч ким қолмай чиқиб кетиши керак эди. Тонггача улгуриш керак эди. Лут алайҳиссаломнинг аҳлидан фақат бир киши –

у зотнинг хотинлари қолиб кетади. Ё чиқмай, шаҳарда қолиб ёки кетаётиб ўтирилиб, ортда қолиб, балога гирифтор бўлишига Аллоҳнинг ҳукми чиққан эди.

Бунинг сабабини ояти каримада:

«Чунки уларга етадиган мусийбат у(аёл)га-да етгувчидир», деб баён қилинмоқда.

Шунинг учун, у аёл қавм билан бирга ҳалок бўлади.

Бу аёл улуф Пайғамбарнинг жуфти ҳалоли бўлишига қарамай, гуноҳқорлик қилгани учун золим қавмга қўшилиб ҳалок бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилган эди. Ҳалок бўлиш вақти ҳам Аллоҳ таоло томонидан белгиланган:

«Уларга тайин қилинган вақт субҳдир».

Эътибор ва мулоҳаза ила қараладиган бўлса, кўп ҳалокатлар субҳ вақтида юз бериши маълум бўлади. Бу пайтни Аллоҳ таоло баракали қилиб қўйган. Лекин гуноҳқор ва кофир қавмлар кечаси билан гуноҳ ишларни қилиб, айна тонг – субҳ чоғида гафлат уйқусига кетган бўладилар.

«Субҳ яқин эмасми?!» – дедилар.»

Албатта, яқин.

فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَالِيَهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَابًا مِّن سِجِّيلٍ مِّن مَّوَدٍ ﴿٨٢﴾

82. Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик.

مُسُومَةٌ عِنْدَ رَبِّكَ وَمَا هِيَ مِنَ الظَّالِمِينَ بِبَعِيدٍ ﴿٨٣﴾

83. Уларга Роббинг ҳузурида белги қўйилган эди ва улар золимлардан узоқ эмасдир.

Яъни, ўша золим қавм яшаган ўлкани ҳалок қилиш ҳақидаги

«Амримиз келган пайтда у ўлкани остин-устун қилдик».

Мазкур диёрнинг номи Садум бўлиб, ривоятларда келишича, Аллоҳнинг амри ила фаришталар Садумни борлигича кўтариб чаппа айлантриб қўйганлар. Яъни, ернинг остини устига айлантриб қўйганлар. Садум бутун аҳолиси ва бор-йўғи ила ер остига кўмилган. Фақиҳлардан баъзилари: Лут қавмининг жиноятини қилганларни, яъни, баччабозлик ила шуғулланганларни ётқизиб туриб устидан деворни йиқитиш керак, деганлар ва бу ҳукмларига айнан шу ҳолатни далил қилиб келтирадилар.

Аллоҳ таоло яратган соф инсоний табиатга тамоман зид иш қилган бундай нобакорларга бу ҳам оз. Шунинг учун, Аллоҳ таоло: **«ва устидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик»**, демоқда.

Яъни, Садум остини устига қилиб туриб, яна устидан кетма-кет сопол тошлар ёғдирдик. Биз «сопол» деб таржима қилган маъно оятда «сижжил» лафзи ила келган. Бунинг маъносини бир сўз билан англариб бўлмайди. Луғат уламолари бу сўзнинг маъноси ҳақида «лойи қаттиқ қотиб қолган тош» ҳам деганлар. Баъзи уламоларимизнинг баён қилишларича, Лут қавми истиқомат қилган диёрлар беш шаҳар-қишлоқдан иборат бўлган, уларнинг каттаси Садум деб номланган. Аллоҳ таоло уларнинг барчасини остин-устин қилиб ташлаганидан сўнг, устидан лойи қотиб қолган тош ёғдирган.

«Уларга Роббинг ҳузурида белги қўйилган эди.»

Яъни, тошларга белги қўйилган эди. Уламоларимиз айтишларича, ким ўлиши керак бўлса, ўша одамнинг исми ёзилган тош унга тегиб ўлдирар экан. Ўлка остин-устин қилинганида ўлмай тирик қолганларни ўша тошлар қувиб етиб, уриб ўлдирган.

«...ва улар золимлардан узоқ эмасдир.»

Яъни, тошлар золим қавмларга жуда яқиндир. Золимлар у тошлардан қочиб қутула олмаслар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ушбу тош билан ўлдирилганларни ҳужжат қилиб, Лут қавми амалини қилганларнинг ҳукми: олдин баланд жойдан улоқтириб, кейин тошбўрон қилишдир, деганлар.

Машҳур муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимни Лут қавмининг амалини қилаётган ҳолда топсангиз, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдилинг», деганлар.

Шу ерга келганда Иброҳим алайҳиссалом, Лут алайҳиссалом ва у кишининг қавми қиссаси охирига етади. Бу қисса ҳам, аввалгиларига ўхшаб, ваъз-насихат ва ибратларга бой. Бу қиссада ҳам кифирлар тазйиқи остида қийин ҳолга тушиб қолган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, у кишига эргашган оз сонли мусулмонлар ва улардан кейин келадиган аҳли иймон, аҳли Ислом ва аҳли Қуръонларга тасалли, юпатиш бор.

Шунингдек, осий, гуноҳкорларга эслатма, таҳдид бор.

Мулоҳаза қилсак, бу қиссада аввалги қиссаларга ўхшаб гап бевосита иймон ҳақида, Пайғамбар, унга келган илоҳий ваҳийни инкор қилиш ва унинг оқибатлари ҳақида бормайди. Балки, иймонсизлик туфайли жамиятда тарқаладиган ижтимоий касаллик ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маълумки, ушбу оятлар нозил бўлаётган пайтда жоҳилий жамиятда турли ижтимоий касалликлар тарқалган эди. Бу касалликлар иймонсизлик оқибатида, Аллоҳнинг амрига, Пайғамбарининг кўрсатмаларига юрмаслик оқибатида келиб чиқаётган эди. Бу хасталикларни даволаш учун юборилган Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга араб мушриклари Лут алайҳиссаломга қавми қилган муомалани қилаётган эдилар. Аллоҳ таоло уларни хоҳлаган пайтда ҳалок қилиши мумкинлигини эслатиб қўймоқда.

Энди Аллоҳнинг Пайғамбарларидан яна бири бўлмиш Шуайб алайҳиссаломнинг қиссалари келади.

﴿وَإِلَى مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا قَالَ يَا قَوْمِ أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَهِ غَيْرُهُ وَلَا تَنْقُصُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ إِنِّي أُرِيدُكُمْ خَيْرِ وَإِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ مُّحِيطٍ﴾

84. Ва Мадянга биродарлари Шуайбни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ўлчовни ва тортишни камайтирманглар. Албатта, мен сизларнинг яхшиликда эканликларингизни кўриб турибман. Албатта, мен сизларга қамровли кун азобидан қўрқмоқдаман.

Мадян – бир ўлканинг ва ўша ерда яшовчи қабиланинг номи. Бу ўлка Ҳижоз билан Шом орасида жойлашган.

Аллоҳ таоло уларга биродарлари Шуайб алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. У кишига пайғамбарлик етиши билан бошқа Пайғамбарлар каби даъватни

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ», дейишдан бошладилар.

Яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ»га даъват қилдилар. Бунинг орқасидан эса, қавмда мавжуд энг ёмон одатни муолажа қилишга ўтдилар:

«Ўлчовни ва тортишни камайтирманглар», дедилар.

Яъни, одамларга бирор нарсани ўлчаб берадиган бўлсангиз, ўлчовдан уриб қолманг, тортиб берадиган бўлсангиз, тарозидан уриб қолманг, дедилар.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Мадян аҳли ичида бу номаъқул одат кенг тарқалган экан. Шуайб алайҳиссалом иймон-эътиқод масаласидан кейин бевосита инсоний муомалаларда адолат бўлишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу эса, бутунги кунда «Дин одамнинг дилидаги нарса, у инсон билан Робби орасидаги руҳий боғланиш,

холос», деб сафсата сотаётганларнинг гапи мутлақо нотўғри эканига ёрқин далилдир.

Тижорат ила кўпроқ машғул бўлган Мадянликлар иқтисодий жиҳатдан яхши ҳолатда бўлсалар керак. Бу фикрни Шуайб алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтаётган гапларининг давомидан билиб оламиз:

«Албатта, мен сизларнинг яхшиликда эканликларингизни кўриб турибман».

Яъни, мен сизларни мўл-кўлчиликда, фаровон турмушда кўриб турибман. Сиз бу ҳолга шукр қилинг, Аллоҳга иймон келтиринг ва одамларнинг ҳаққини уриб қолишдан сақланинг.

«Албатта, мен сизларга қамровли кун азобидан қўрқмоқдаман.»

Қамровли кундан мақсад қиёмат кунидир. Чунки у кун ҳамма нарсани қамраб олади.

Келаси оятда Шуайб алайҳиссалом бу масалага яна мурожаат қиладилар:

وَيَقْوُوا أَوْفُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ بِالْقِسْطِ وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٥٥﴾

85. Эй қавмим, ўлчаш ва тортишни адолат ила мукамал қилинг. Одамларнинг нарсаларини камайтириб қолманг ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрманг.

Яъни, нарсаларни ўлчаш ва тортишда вафо ила адолатни тўлиқ қилинглр.

«Одамларнинг нарсаларини камайтириб қолманг.»

Яъни, нафақат ўлчаш ва тортишда, балки ҳамма нарсада бировнинг ҳаққига хиёнат қилманглр.

«...ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрманг», дедилар.

Ер юзида умуман бузғунчиликни қасд қилманглр.

Энди уларни боқий яхшиликка тарғиб қиладилар:

بَقِيَّتُ اللَّهِ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ وَمَا أَنَا عَلَيْكُمْ بِحَفِيظٍ ﴿٥٦﴾

86. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг наздида боқий қолувчи сиз учун яхшироқдир. Мен сизнинг устингизда қўриқчи эмасман», деди.

Оятдаги **«Аллоҳнинг наздида боқий қолувчи»** дейилган иборадан тижоратдан қолган ҳалол-покиза фойда тушунилади.

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг наздида боқий қолувчи сиз учун яхшироқдир.»

Яъни, сиз ўлчов ва тортишда уриб қолмай, вафо ила адолатли муомала қилганингиздан сўнг қоладиган ҳалол фойда сиз учун яхшидир.

Шуайб алайҳиссаломнинг бу гапларидан, ўлчов ва тортишда уриб қолмай, вафо ила адолатли муомала қилиш мўминлик аломатларидан эканлиги билиб олинади.

«Мен сизнинг устингизда қўриқчи эмасман», деди.»

Сизларни ёмонлик ва азобдан огоҳлантиришга, иймон ва яхши амалларга даъват қилишга амр қилинганман.

Аммо, Шуайб алайҳиссаломнинг бу гаплари қавмга таъсир қилмади. Улардаги бузғунчилик анчагина томир отган эди.

قَالُوا يَشْعِبُ أَصْلَوْتُكَ تَأْمُرُكَ أَنْ تَتْرُكَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا أَوْ أَنْ نَفْعَلَ فِي
أَمْوَالِنَا مَا نَشَاءُ إِنَّكَ لَأَنْتَ الْحَلِيمُ الرَّشِيدُ

87. Улар: «Эй Шуайб, сенга бизнинг оталаримиз ибодат қиладиган нарсани тарк қилмоғимизни ёки молларимизда хоҳлаганимизни қилмаслигимизни намозинг амр қилмоқдами?! Сен жуда ҳалийм ва рашид экансан-да», – дедилар.

Мадян аҳолисининг бу гапи ҳозирги жоҳилият аҳлининг Исломга даъват қилувчига: «Намозингни ўқисанг-чи, бизнинг ишларимизга аралашмасдан» деган гапларининг худди ўзи. Қадим замондаги мушрик ва кофирлар Шуайб алайҳиссаломнинг фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилиш, Унинг дастури асосида яшаш ва иқтисодий алоқаларда вафоли ва адолатли бўлиш, бузғунчиликни тарк этиш хусусидаги даъватларига:

«Эй Шуайб, сенга бизнинг оталаримиз ибодат қиладиган нарсани тарк қилмоғимизни ёки молларимизда хоҳлаганимизни қилмаслигимизни намозинг амр қилмоқдами?!» деб жавоб бердилар.

Улар жоҳилдирлар, ниҳоятда жоҳилдирлар, бу дунё ҳаёти учун иймон ва намоз энг зарур омил эканини билмайдилар. Улар иқтисод, олди-берди масаласида ҳам иймон ва намоз энг муҳим омил эканини тушунишни хоҳламайдилар. Шуайб алайҳиссаломнинг насиҳатларини намознинг тақозоси деб биладилар. Улар «дин масаласи намоз билан чегараланиши керак» деб ўйлайдилар. Бошқа ишларга дин ҳам, диндорлар ҳам аралашмаслиги керак, деган даъвони қиладилар. Шунинг учун ҳам, уларни ҳалол-покликка чақираётган Шуайб алайҳиссаломга заҳарханда қилиб:

«Сен жуда ҳалийм ва рашид экансан-да», – дедилар».

Яъни, сен жуда сабрли, босиқ ва ақли-ҳуши жойида, ниҳоятда тўғри тасарруф қиладиган одам экансан-да, дедилар. Бу гаплари истехзо ва камситишдан бошқа нарса эмас.

Минг йиллар ўтиб, бугунги жоҳилият аҳллари ҳам ушбу сафсатанинг айни ўзини такрорламоқдалар. Улар асли мусулмон қавмдан туғилгани ва исмлари мусулмонча бўлгани учунгина ўзларини мусулмон санайдилар. Исломга бошқа алоқалари йўқ. Кўплари шаҳодат калимасини нутқ қилишни ҳам билмайдилар. Аммо дин устидан ҳукм чиқаришга, Аллоҳнинг таълимотларини чегаралашга жуда устатар. «Мен мусулмонман, – дейди улар, – динни ва диндорларни ҳурмат қиламан, лекин дин одамларнинг қалбида бўлиши керак. Майли, масжидга боришсин, намоз ўқишсин, аммо бошқа нарсаларга аралашмасин.»

Қавми шундай жоҳилона гапларни айтгандан кейин ҳам Шуайб алайҳиссалом уларга яхши муомала қилдилар, ширин гапирдилар. Зотан, у кишининг лақаблари ҳам «Хатийбул анбиё – Набийлар хатиби» эди. Ул зотда кишиларга хитоб қилиш услуби етук даражада эди.

قَالَ يَقَوْمِ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّي وَرَزَقَنِي مِنْهُ رِزْقًا حَسَنًا وَمَا أُرِيدُ أَنْ
أُخَالِفَكُم إِلَىٰ مَا أَنهَكُم عَنْهُ إِنْ أُرِيدُ إِلَّا الْإِصْلَاحَ مَا اسْتَطَعْتُ وَمَا تَوْفِيقِي إِلَّا بِاللَّهِ
عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ ﴿٨٨﴾

88. У: «Эй қавмим, хабар беринглар-чи, агар мен Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлсам-чи ва мени Ўзи тарафидан яхши ризқ ила ризқдантирган бўлса-чи?! Мен сизларни ўзим қайтараётган нарсада ўзим хилоф қилмоқчи эмасман. Мен имконим борича ислоҳ қилишдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламайман. Менинг муваффақиятим фақат Аллоҳга боғлиқ. Унгагина таваккал қилдим. Унгагина қайтаман.

Шуайб алайҳиссалом саркаш қавмнинг кўнглини юмшатиш учун ораларидаги яқинликни эслатиб, уларга:

«Эй қавмим», деб хитоб қилдилар. Сўнгра, ҳис-туйғулар поғонасидан ўтиб, уларнинг ақлларига хитоб қилдилар:

«хабар беринглар-чи», дедилар.

Аввалги гапларингизни ўйламай, шошилиб, бебошларга қўшилиб айтиб қўйган бўлишингиз мумкин. Аммо, энди, ўйлаб кўриб, шошилмасдан, ақлни пешлаб туриб,

«хабар беринглари-чи, агар мен Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлсам-чи?!»

Унда нима деган одам бўласиз? Менинг Пайғамбарлигим ҳақ. Мен ўзим биламан. Аллоҳ менга ваҳий юборади, амр қилади. Мен одамларга етказаман. Мени инкор қилаётганингиз нотўғри. У зот

«мени Ўз тарафидан яхши ризқ ила ризқлантирган бўлса-чи?!»

Сизларни тижоратда ҳалол бўлишга, одамларнинг ҳаққини уриб қолмасликка, иқтисодий муомалаларда адолат қилишга даъват этишимни нотўғри тушунманглари. Бунинг орқасида бирор манфаат қозонмоқчи эмасман. Аллоҳ таоло менга яхши ризқни бериб қўйган. Шунинг ўзи менга етарли:

«Мен сизларни ўзим қайтараётган нарсада ўзим хилоф қилмоқчи эмасман».

Сизларни бир нарсадан қайтариб қўйиб, ўзим ўша ишни қилмоқчи эмасман. Мен фақат бир нарсани хоҳлайман, холос:

«Мен имконим борича ислоҳ қилишдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламайман».

Аллоҳдан элчи бўлиб келган ҳар бир Пайғамбарнинг мақсади, Аллоҳ юборган диннинг ғояси шу: барчага илоҳий ислоҳни раво кўриш. Бу ислоҳ умумий бўлиб, ундан ҳамма фойда кўради. Якка шахслар ҳам, жамоатлар ҳам, мўминлар ҳам, бошқалар ҳам, наботот ҳам, ҳайвонот ҳам, хулласи калом, ҳамма-ҳамма фойда кўради.

«Менинг муваффақиятим фақат Аллоҳга боғлиқ.»

Фақат У зотнинг Ўзига умумий ислоҳ учун қилаётган ҳаракатларимга муваффақият ато этиши мумкин. У менинг ниятимни яхши билади. Бу ишга мени У зотнинг Ўзи амр қилган. Ҳамда қилган амалимга ажр берувчи ҳам Унинг Ўзидир.

«Унгагина таваккал қилдим.»

Барча ишларимда фақат Унгагина суяндим.

«Унгагина қайтаман.»

Ҳамма нарсада Аллоҳнинг Ўзигагина қайтаман.

Шуайб алайҳиссалом сўзлари давомида ўтган қавмларнинг ҳалокатини ҳам эслатиб қўйдилар:

وَيَقَوْمٍ لَا يُجْرِمَنَّا أَن يُصِيبَكُمْ مِثْلَ مَا أَصَابَ قَوْمَ نُوحٍ أَوْ قَوْمَ هُودٍ أَوْ قَوْمَ صَالِحٍ وَمَا قَوْمَ لُوطٍ مِّنكُمْ بِبَعِيدٍ ﴿٨١﴾

89. Эй қавмим, менга хилоф қилишингиз сизларни ё Нуҳ қавмига, ё Ҳуд қавмига, ёки Солиҳ қавмига етган мусийбатга ўхшаш мусийбат етишига олиб бормасин. Лут қавми сизлардан узоқ эмас.

Яъни, Нух, Ҳуд, ва Солиҳ қавмига етган мусийбатлар сизга ҳам етмаслигини хоҳласангиз, менга хилоф қилишни йиғиштиринг.

«Эй қавмим, менга хилоф қилишингиз сизларни ё Нух қавмига, ё Ҳуд қавмига, ёки Солиҳ қавмига етган мусийбатга ўхшаш мусийбат етишига олиб бормасин.»

Ўша қавмлар Пайғамбарларига хилоф қилишлари оқибатида мусийбатлар, азоб-уқубатларга дучор бўлишган эди. Сизлар ҳам менга қарши чиқмоқдасиз, агар шу хилда давом этаверсангиз, худди ўша қавмларга етган мусийбатлар сизларга ҳам етиши турган гап.

«Лут қавми сизлардан узоқ эмас.»

Улар яшаган жойлар сизга яқин. Улар яшаган замон ҳам сиз яшаётган замондан узоқ эмас. Ибрат олинглар.

Ҳали ҳам вақт бор. Ўзингизни ўнглаб олишингиз мумкин. Бунинг учун:

وَأَسْتَغْفِرُكُمْ ثُمَّ يَوَدُّ إِلَيْهِ أَنْ يُرِيكُمْ دُونَ

90. Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим раҳимли ва шафқатли Зотдир», – деди.

Вақт борида Аллоҳни таниб, Ундан гуноҳларни кечиршини сўраб, тавба қилиб қолиш керак. Ҳа,

«Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг.»

У раҳимли, бандалари вақтида истиғфор айтиб, тавба қилса, кечиради ва раҳим-шафқат кўрсатади.

«Албатта, Роббим раҳимли ва шафқатли Зотдир», – деди.»

Бу гапларни эшитганидан кейин тош бўлса ҳам, эриб кетиши керак эди. Аммо кофир қалб тошдан ҳам қаттиқ бўлади. Шунинг учун, Мадян кофирлари Шуайб алайҳиссаломнинг бу гапларига ҳам жоҳиллик ила жавоб бердилар.

قَالُوا يَشْعَبُ مَا نَفَقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ وَإِنَّا لَنَرُّكَ فِيْنَا ضَعِيفًا وَلَوْلَا رَهْمُكَ
لَرَجَمْنَاكَ وَمَا أَنْتَ عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ

91. Улар: «Эй Шуайб, айтганларингнинг кўпини яхши тушунмадик ва биз сени ичимизда заифхал кўряпмиз, агар одамларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилар эдик. Сенинг ўзинг биз учун қимматли эмассан», дедилар.

Шуайб алайҳиссаломнинг қавмлари бўлмиш Мадян кофирларининг ушбу гаплари ҳам ҳар замон ва ҳар макон кофирларининг гапига ўхшайди. Улар, дин таълимотлари жуда осон ва тушунарли бўлишига қарамай, ўзларини тушунмаганга соладилар. Эътибор берайлик-а, Мадян кофирлари нима демоқдалар.

«Эй Шуайб, айтганларингнинг кўпини яхши тушунмадик.»

Ҳолбуки, Шуайб алаҳиссаломнинг гапларида англаш қийин бўлган бирорта ҳам сўз йўқ эди.

Кофирлар, шунингдек, ўзлари мубтало бўлган зебу зийнат, молу мулк, фисқу фасод каби нарсаларни яхши тушунадилар, холос. Аммо иймон-эътиқод, одоб-ахлоқ, инсоф, адолат, тақво ва ибодат каби маъноларни тушуна олмайдилар. Улар ҳамма нарсани куч-қувват юзасидан баҳолайдилар.

«...биз сени ичимизда заифҳол кўряпмиз.»

Шунинг учун, гапингни қабул этмасдан, сенга хилоф қилмоқдамиз.

«...агар одамларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилар эдик.»

Қариндош-уруғларингдан ва одамларингдан кўрқиб турибмиз, холос. Бўлмаса, сен билан айтишиб ўтирмай, тошбўрон қилиб ўлдирар эдик.

Бу ҳам кофирларга хос тушунча ва ўлчов. Оламларнинг Роббидан кўрқмайдилар, аммо ўзларига ўхшаган одамлардан кўрқадилар. Улар кучи бор одамлардан кўрқадилар. Уларни одам ҳисоблайдилар. Аммо кучсиз одам уларни икки дунё бахтига чақириб, икки дунё шармандачилигидан қутулиш йўлини кўрсатиб турган Пайғамбар бўлса ҳам, улар учун қадрсиздир.

«Сенинг ўзинг биз учун қимматли эмассан.»

На ўзингнинг, на насиҳатингнинг биз учун заррача қиймати йўқ.

Шунда Шуайб алайҳиссалом уларга ҳақиқатни очиқ айтдилар.

قَالَ يَنْقَوْمِ أَرْهَطِي أَعَزُّ عَلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَأَتَّخَذْتُمُوهُ وَرَاءَكُمْ ظَهْرًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٩٢﴾

92. У: «Эй қавмим, менинг одамларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Унга орқангизни ўгириб олдингиз. Албатта, Роббим қилаётган амалларингизни ихота қилувчидир.

Эй, нодон қавм, бир гуруҳ одамларнинг ҳисобини қиласиз-у, Аллоҳ таолони, буюк ва қудратли Зотни унутиб, Унга орқа ўгирасизми?!

«Эй қавмим, менинг одамларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Унга орқангизни ўгириб олдингиз.»

Майли, ҳозирча нима қилсангиз, қилиб тураверинг. Аммо, ҳеч унутмангки:

«Роббим қилаётган амалларингизни ихота қилувчидир».

Вақти-соати келганда ҳисоб-китобини қилиб олади.

وَيَقَوْمٍ أَعْمَلُوا عَلَيَّ مَا كُنْتُمْ لِي بِهِ عَمَلٌ وَإِنِّي عَلِيمٌ سَوْفَ تَعْلَمُونَ مَنْ يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَمَنْ هُوَ كَذِبٌ وَأَرْتَقِبُوا إِنِّي مَعَكُمْ رَقِيبٌ ﴿١٣٦﴾

93. Эй қавмим, имконингиздаги амални қилаверинг, мен ҳам амал қилувчиман. Кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини тезда биласизлар. Кутинглар, мен ҳам сизлар ила кутувчиман», – деди.

Энди орамиз очиқ бўлди. Шу даражага борган бўлсангиз, энди сизга гап-сўзнинг фойдаси йўқ экан.

«Эй қавмим, имконингиздаги амални қилаверинг, мен ҳам амал қилувчиман.»

Яъни, Аллоҳнинг айтганини қилмаганингиздан кейин, қўлингиздан келганини қилаверинг. Лекин, мен Аллоҳнинг айтганига амал қиламан.

«Кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини тезда биласизлар.»

Менми ёки сизми ёлғончи? Ўшанда билинади. Бу вақтни:

«Кутинглар, мен ҳам сизлар ила кутувчиман», – деди».

Оқибат нима бўлишини ўшанда кўрамиз.

Бу айтилган вақт ҳам кўп куттирмади.

وَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا شُعَيْبًا وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَأَخَذَتِ الَّذِينَ ظَلَمُوا الصَّيْحَةَ فَأَصْبَحُوا فِي دِيَارِهِمْ جِثْمِينَ ﴿١٣٧﴾

94. Амримиз келган пайтда Шуайбга ва у билан бирга иймонга келганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик. Зулм қилганларни эса, қичқириқ тутди ва диёрларида тўкилдилар.

كَانَ لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا الْأَبْعَدَ الْمَدِينِ كَمَا بَعَدَتْ ثَمُودُ ﴿١٣٥﴾

95. Худди у ерда яшамаганлардек. Огоҳ бўлингким, худди Самуд йўқолгандек, Мадян ҳам йўқолди.

Мадян аҳлини ҳалок этиш учун тайин қилинган вақт келиб, амримиз етганида, одатдагидек, Пайғамбаримиз Шуайб ва у билан бирга бўлган мўминларга нажот бердик. Ҳа,

«Амримиз келган пайтда Шуайбга ва у билан бирга иймонга келганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик».

Зулмкор бўлган кофирларни эса, биз томондан келган бир қичқириқ тутди ва ҳаммалари турган жойларида тўкилиб қолдилар. Ҳа,

«Зулм қилганларни эса, қичқириқ тутди ва диёрларида тўкилдилар».

Уларни бундоқ қилиш учун ортиқча нарса ҳам керак бўлгани йўқ. Фақатгина бир қичқириқ билан турган ерларида тутдек тўкилиб қолдилар.

«Худди у ерда яшамаганлардек.»

Худди ер юзида яшамагандек, адо бўлдилар.

«Огоҳ бўлингким, худди Самуд йўқолгандек, Мадян ҳам йўқолди.»

Шуайб алайҳиссаломнинг қавми Мадян аҳли ҳам, Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми Самуд каби, йўқотилди.

Шу билан Шуайб алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари Мадян аҳлининг қиссаси ҳам тугади. Бу қиссада ҳам кўплаб ваъз-насиҳат ва ибратлар бор. Мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу қиссада иймон ва эътиқод масаласи иқтисод, тижорат ва кишилар орасидаги олдиберди масалаларига боғлиқ ҳолда келган. Мадян аҳлининг иқтисодий жиноятлари алоҳида бўрттириб кўрсатилган. Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган жой ва вақтда ҳам шунга ўхшаш жиноятлар авж олган эди. Ҳозирги пайтда янада кучаймоқда. Демак, ҳар ким ўзига яраша хулоса чиқариб олиши керак.

Ушбу қиссаларнинг сўнгида Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссасига ҳам бир тўхтаб ўтилади. Қисқача ҳолда оқибат нима бўлганига ишора қилинади.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا وَسُلْطٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٩٦﴾

96. Батаҳқиқ, Биз Мусони оятларимиз ва очиқ-ойдин ҳужжатимиз ила юбордик.

إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِۦ فَاتَّبِعُوهُمُ أَهْمًا فِرْعَوْنَ وَمَا أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِرَشِيدٍ ﴿٩٧﴾

97. Фиръавн ва унинг одамларига. Бас, улар Фиръавн ишига эргашдилар. Фиръавннинг иши эса, тўғри эмасди!

Шубҳа йўқки, Биз Мусони Фиръавнга ва унинг қавмига Пайғамбар қилиб юбордик. Аммо, улар (Фиръавн қавми) Аллоҳнинг эмас, Фиръавнинг амрига юрдилар. Фиръавнинг амри эса, нотўғри эди. Улар тўғри амрни қўйиб, нотўғрисига эргашдилар.

يَقْدُمُ قَوْمَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَأَوْرَدَهُمُ النَّارَ وَبِئْسَ الْوَرْدُ الْمَوْرُودُ ﴿٩٨﴾

98. У қиёмат куни қавмининг олдига тушиб, уларни дўзахга бошлаб келтирур. У жой қандай ҳам ёмон тушиш жойидир.

Биз «тушган жойи» деб таржима қилган сўз ояти каримада «сув ичгани тушган жойи» деган маънони англатувчи «ал-вирдул мавруд» ибораси ила келган. Қавм бу дунёда Аллоҳ таолонинг амрини қўйиб, Фиръавнга эргашгани учун, қиёмат куни ҳам унга эргашадилар.

У эса, иссиқда қуйиб-ёнган қавмни, сув ичишга бошлаб бораман, деб ҳаракат қилади-ю, олиб борган жойи дўзахнинг қаъри бўлади.

У қандай ҳам ёмон жой.

وَاتَّبِعُوا فِي هَذِهِ لَعْنَةً وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُبْسُ الرِّفْدُ الْمَرْفُودُ ﴿٩٩﴾

99. Бу дунёда ҳам, қиёмат кунида ҳам уларга лаънат эргашур. Бу қандай ҳам ёмон ёрдамдир!

Фиръавн уларга ёрдам ваъда қилган эди. Уларга унинг берган ёрдами бу дунёда ҳам лаънатланиш, у дунёда ҳам лаънатланиш бўлди. Бу қандай ҳам ёмон ёрдамдир.

Эндиги ояти карималар суранинг хотимаси ҳисобланади. Аввало, зикр қилинган қиссаларга хотима берилади:

ذَلِكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْقُرَى نَقُصُّهُ عَلَيْكَ مِنْهَا قَائِمٌ وَحَصِيدٌ ﴿١٠٠﴾

100. Мана булар шаҳарларнинг хабарларидан бўлиб, уларни сенга қисса қилаётирмиз. Улардан (ўз ўрнида) турганлари ҳам бор, йивилганлари ҳам бор.

Яъни, юқорида зикр қилинган қиссалар баъзи шаҳарларнинг хабарларидир. Сен билмас эдинг. Биз сенга ҳикоя қилиб бермоқдамиз.

«Улардан (ўз ўрнида) турганлари ҳам бор...»

Яъни, аҳли ўтиб кетган бўлса ҳам, шаҳарнинг асоратлари турибди. Мисол учун, Аҳқофдаги Од қавмининг, Ҳижрдаги Самуд қавмининг асоратлари ҳозиргача бор.

«...йиғилганлари ҳам бор.»

Яъни, худди деҳқон ҳосилини йиғиштириб олганидек, ўша қиссаси келган шаҳарлардан, ҳеч бир асар қолдирмай, йиғиштириб олинганлари ҳам бор. Мисол учун, Нуҳ ва Лут қавми яшаган шаҳарлардан ному нишон йўқ.

وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ فَمَا أَغْنَتْ عَنْهُمْ آلِهَتُهُمُ الَّتِي يَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ لَمَّا جَاءَ أَمْرُ رَبِّكَ وَمَا زَادُوهُمْ غَيْرَ تَتْنِيْبٍ ﴿١٠١﴾

101. Биз уларга зулм қилмадик. Лекин ўзларига зулм қилдилар. Роббингнинг амри келган пайтда, Аллоҳни қўйиб илтижо қилган «худо»лари ҳеч бир нарсада уларнинг ҳожатларини чиқара олмади. Уларга зиёндан бошқани зиёда қилмадилар.

Яъни, Биз зулм қилганимиз учун улар бундай ноқулай ҳолга тушганлари йўқ. Балки ўзлари ўзларига зулм қилдилар. Вақтида иймонга келмадилар. Пайғамбарларга эргашмадилар. Вақтида истиффор айтиб, тавба қилмадилар. Оқибатда:

«Роббингнинг амри келган пайтда, Аллоҳни қўйиб илтижо қилган «худо»лари ҳеч бир нарсада уларнинг ҳожатларини чиқара олмади».

Улар турли нарсаларни ўзларига «худо» қилиб олишган эди. Аллоҳга эмас, ўша сохта «худо»ларга ибодат қилар эдилар. Улар бизга ёрдам беради, ҳожатимизни чиқаради, деб эътиқод қилардилар. Аммо Аллоҳнинг амри келиб, кофирлар азобга гирифтор бўлганларида, ўша «худо»лари уларга бирор фойда етказа олмади.

«Уларга зиёндан бошқани зиёда қилмадилар.»

Ўша сохта «худо»лардан мушрик-кофирларга фақат зиён етди, холос.

Мазкур қиссалардан чиқадиган хулосалардан бири — шу.

وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقَرْيَةَ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ ﴿١٠٢﴾

102. Роббинг золим шаҳарларни ушлаганида, ана шундай ушлайди. Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир.

Яъни, Роббинг аҳли зулмкор юртларни азоб ила ушлаганида, мазкур қиссаларда келганидек, қаттиқ ушлайди. Турли йўллар билан қутулиб бўлмайдиган қилиб ушлайди.

«Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир.»

Бу ҳақиқатни ҳамма билиб қўймоғи лозим. Қайси шаҳар, қишлоқ ёки диёр мазкур қавмларнинг гуноҳини такрорласа, уларга ҳам ўшандай азоблар келиши мумкин.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّمَنْ خَافَ عَذَابَ الْآخِرَةِ ذَٰلِكَ يَوْمٌ مَّجْمُوعٌ لَّهُ النَّاسُ وَذَٰلِكَ يَوْمٌ مَّشْهُودٌ ﴿١٠٣﴾

103. Албатта, бунда охират азобидан қўрққан кимса учун ибрат бордир. Бу кун одамлар жамланадиган бир кундир. Бу кун шоҳид бўлинадиган кундир.

Яъни, ушбу сурада келган қиссаларда зикр этилган золим шаҳар, қишлоқ ва диёрларнинг аламли ва шиддатли азобларга йўлиқишида «**охират азобидан қўрққан кимса учун ибрат бордир**».

Чунки, бу дунёда лаънатга учраб азобга гирифтор бўлганлар, албатта, у дунёда янада қаттиқроқ лаънатга учраб, улканроқ азобга гирифтор бўладилар. Чунки, охират куни – бошқача кун.

«Бу кун одамлар жамланадиган бир кундир.»

У кунда Одам Атодан тортиб, то қиёмат қоим бўлгунча ўтган барча одамлар битта ҳам қолмасдан жамланадилар.

«Бу кун шоҳид бўлинадиган кундир.»

Яъни, бу кунда шоҳидлик сифати бордир. У ҳаммага шоҳид бўлади. Унинг бўлмай қолиши мумкин эмас. Бу кун улуғ кундир. У кунда шоҳидлар ҳозир бўладилар. У шоҳидлар – фаришталар, Пайғамбарлар, шаҳидлар, инсу жинлар, ҳайвонлар ва бошқалар. Ҳамма-ҳамма ҳозир бўлади. Ҳамма-ҳамма гувоҳлик беради.

У кун яна шундай кунки:

وَمَا تُؤَخِّرُهُ إِلَّا لِأَجَلٍ مَّعْدُودٍ ﴿١٠٤﴾

104. Уни Биз фақат саноқли муддатга кечиктирамиз.

Яъни, охират куни бўлиши муқаррар. Дунё сўнгсиз эмас. Бир кун келиб, охирига етади. Қиёмат кунини Биз Ўзимиз кечиктириб турибмиз, холос. Саноқли муддатгача.

يَوْمَ يَأْتُ لَا تَكَلَّمُ نَفْسٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ فَمِنْهُمْ شَقِيٌّ وَسَعِيدٌ ﴿١٠٥﴾

105. У келган кунда ҳеч бир жон гапира олмас. Магар У зотнинг изни ила (гапирур). Бас, улардан бадбахтлари ва бахтлилари бордир.

Яъни, қиёмат куни келганида, ҳеч бир жон гапира олмай қолади. Гапирса ҳам, Аллоҳ изн берганидан кейин гапиради.

Ўша куни одамлар иккига бўлинадилар. Улардан бир гуруҳлари бадбахт бўладилар. Бошқа бир гуруҳлари эса, бахтли бўладилар.

فَأَمَّا الَّذِينَ شَقُوا فِي النَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾

106. Бас, бадбахт бўлганлар дўзахдалар. У ерда улар дод-фарёд қилурлар.

Яъни, қиёмат куни бадбахтлар гуруҳига қўшилганлар дўзахга тушадилар. Дўзахда улар фарёд чекадилар.

Ояти каримада биз «дод» деб таржима қилган сўз «зафир», «фарёд» эса, «шаҳийқ» деб келган. Аслида, «зафир» қийналиб нафас олишга, «шаҳийқ» эса, қийналиб нафас чиқаришга айтилади.

Демак, дўзахийлар нафас олишнинг қийинлигидан «дод» дейдилар ва нафас чиқаришнинг машаққатлигидан «фарёд» чекадилар.

Аллоҳ таолонинг Ўзи сақласин!

خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿١٠٧﴾

107. Улар, модомики, осмонлару ер бор экан, унда абадий қолурлар. Магар Роббинг хоҳласа, (абадий қолмаслар). Албатта, Роббинг нимани хоҳласа, қилгувчи Зотдир.

Яъни, улар дўзахда абадий қолурлар. Магар Аллоҳ хоҳласа, баъзиларини озод этиши мумкин. Чунки, Аллоҳ хоҳлаганини қилгувчи Зотдир.

Бадбахтлар бундай азоб-уқубатда қийналиб турган бир пайтда бахтлиларнинг ҳолати тамоман бошқача бўлади.

﴿١٠٧﴾ وَأَمَّا الَّذِينَ سَعِدُوا فِي الْجَنَّةِ خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ عَطَاءٌ غَيْرٌ مَّجْدُودٍ ﴿١٠٨﴾

108. Бахтли бўлганлар жаннатдадирлар. Улар унда, модомики, осмонлару ер бор экан, абадийлар. Магар Аллоҳ хоҳласа, (Ўзи билур). Бу туганмас инъомдир.

Яъни, бахтлилар жаннатда абадий қолиш билан бирга, туганмас неъматларга ҳам эга бўладилар.

Саҳиҳ ҳадисда ривоят қилинишича, уларга: «Эй, аҳли жаннатлар, сизлар энди абадий яшайсизлар, ўлмайсизлар, абадий ёш бўласизлар,

қаримайсизлар, абадий соғ бўласизлар, бемор бўлмайсизлар, абадий неъматда бўласизлар, ноумид бўлмайсизлар», дейилади.

Энди келадиган оятларда эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишига иймон келтирган оз сонли мўминларга тасалли ва сабот бўлиши учун керакли ибратлар, кофир ва мушрикларни огоҳлантириш учун таҳдидли хулосалар баён қилинади.

فَلَا تَكُ فِي مِرْيَةٍ مِّمَّا يَعْبُدُونَ إِلَّا كَمَا يَعْبُدُ آبَاءَهُمْ مِنْ قَبْلُ وَإِنَّا لَمُوفُونَ مِمَّا نَصَبْتَهُمْ غَيْرَ مَقْصُودٍ

109. Сен анавилар ибодат қилаётган нарсада шак-шубҳада бўлма. Улар олдин оталари ибодат қилганга ўхшаш ибодат қиладилар, холос. Ва, албатта, Биз уларга насибаларини (ҳеч бир) камайтирмай тўлиқ қилиб берамиз.

Бу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Аллоҳ таоло у кишига:

«Сен анавилар ибодат қилаётган нарсада шак-шубҳада бўлма», демоқдаки, «анавилар» дейилишининг ўзи мушриклар шаънини пастлатади. Яъни, анави мушриклар ибодат қилаётган нарса ноҳақ эканлигида сенда шубҳа бўлмасин. Уларнинг ноҳақлиги муқаррар. Уларда бирор яхшилик ёки ўзгариш бўлса экан, умид қилинса.

«Улар олдин оталари ибодат қилганга ўхшаш ибодат қиладилар, холос.»

Оталари ҳам мушрик бўлганлар, турли бут-санамларга ибодат қилганлар. Булар ҳам мушрик, булар ҳам оталарига ўхшаб бут ва санамларга ибодат қиладилар.

Эсингизда бўлса, ушбу сурада қиссаси келган, ҳалокатга учраган қавмлар ҳам, оталари ибодат қилган бут-санамларга ибодат қилмади деб, мусийбатга йўлиққан эдилар. Энди булар ҳам ўшаларнинг хатосини айнан тақрорламоқдалар.

«Ва, албатта, Биз уларга насибаларини (ҳеч бир) камайтирмай тўлиқ қилиб берамиз.»

Уларнинг насибаси маълум. Олдин ўтган мушрикларга нима насиба теккан бўлса, буларга ҳам шу тегади.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ فَأَخْلَفَ فِيهِ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ لَقُضِيَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّهُمْ لَفِي شَكٍّ مِنْهُ مُرِيبٍ

110. Батаҳқиқ, Мусога китобни бердик. Бас, у ҳақида ихтилоф қилинди. Агар Роббингдан ўтган сўз бўлмаганида, ораларида ҳукм чиқарган бўлар эди. Ва, албатта, улар ундан шак-шубҳададирлар.

Яъни, Пайғамбаримиз Мусога Тавротни бердик.

«Бас, у(Таврот) ҳақида ихтилоф қилинди.»

Яъни, Таврот ҳақида Мусо алайҳиссаломнинг қавми ихтилоф қилди. Улар Таврот ҳақида турли гаплар айтдилар, турлича эътиқодлар қилдилар ва бошқа ихтилофлар чиқардилар. Уларнинг бу ихтилофлари ҳар қандай жазога, ҳар қандай азобга лойиқ эди.

«Агар Роббингдан ўтган сўз бўлмаганида, ораларида ҳукм чиқарган бўлар эди.»

Яъни, Аллоҳ таоло уларни оммавий азобга дучор қилмасликка аҳд қилган эди. Шу боис, мазкур гуноҳлари учун уларни бошқа қавмларга ўхшатиб оммавий азобга дучор этмади. Чунки, булар аҳли китоб эдилар. Одатда, аҳли китоблар оммавий азобга дучор қилинмайди.

«Ва, албатта, улар ундан шак-шубҳададирлар.»

Яъни, албатта, Мусо алайҳиссаломнинг қавми унинг китоби Тавротдан шак-шубҳададирлар. Чунки, бу китоб Мусодан бир неча авлод ўтиб, кейин ёзилди. Ривоятлар турлича бўлиб, бир-бирига аралашиб кетди. Унга ишонадиганлар ҳам ҳайрон.

وَإِن كَلَّمَا لِيُؤْفِقَهُمْ رَبُّكَ أَعْمَلَهُمْ إِنَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١٠﴾

111. Албатта, Роббинг ҳаммага амалларига яраша тўлиқ вафо қилур. Чунки, У қилаётган нарсаларидан хабардордир.

Аввалги оятларда зикр қилинганидек, оммавий азоб кечиктирилганидан кейин, бошқача иш тутиш керак бўлади. Ана шунинг учун ҳам:

«Албатта, Роббинг ҳаммага амалларига яраша тўлиқ вафо қилур».

Яъни, яхшига мукофот, ёмонга жазо берур. Ҳеч бир нарсани камайтирмас. Бу иш унинг учун жуда ҳам осон.

«Чунки, У қилаётган нарсаларидан хабардордир.»

Аллоҳ банда бирор ишни қилаётган пайтдаёқ аниқ билиб туради. Шунинг учун ҳам, уларни қилганига яраша мукофот ва жазолаш қийин эмас. Иш шундай бўлгач:

فَأَسْتَقِمْ كَمَا أُمِرْتَ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١١﴾

112. Бас, сен ва сен билан тавба қилганлар мустақийм турунглари ва туғёнга кетманглари. Чунки, У нима қилаётганингизни кўриб тургувчидир.

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминлар тўғри йўлда – Аллоҳнинг динида собит турмоқликлари, бардавом бўлмоқлари лозим. Улар ҳаддан ошиб, туғёнга кетиши мумкин эмас. Агар мустақийм турмасангиз ва туғёнга кетсангиз, ўзингизга қийин бўлади.

«Чунки, У нима қилаётганингизни кўриб тургувчидир.»

وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿١١٢﴾

113. Зулм қилганларга мойил бўлманглари. Яна, сизни дўзах олови тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар.

Яъни, сизлар золимларга мойил бўлманглари. Чунки, сизнинг золимларга мойил бўлишингиз уларнинг зулмини иқрор қилганингиз бўлади. Бу эса, иймонли кишининг иши эмас. Сиз золимларга яқин бўлманг.

«Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ.»

Шунинг учун, фақат Унигина дўст тутинглари. Акс ҳолда:

«Сўнгра ёрдам берилмайсизлар».

Яъни, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким сизга ёрдам бера олмайди.

Албатта, ушбу икки оятга амал қилиш осон эмас. Бу қийин ишда ёрдам бера оладиган омилларга қуйидаги оятда ишора қилинади:

وَأَقِمِ الصَّلَاةَ طَرَفِي النَّهَارِ وَزُلْفًا مِّنَ اللَّيْلِ إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ السَّيِّئَاتِ ذَلِكَ ذِكْرِي لِلذَّاكِرِينَ ﴿١١٤﴾

114. Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагиданамозни тўқис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир.

Уламоларимиз ояти каримадаги «Кундузнинг икки тарафида» адо қилинадиган намоз бомдод, пешин ва аср намозлари, «кечанинг бир бўлагидан» адо этиладиган намоз шом ва хуфтон намозлари, дейишган.

Дарҳақиқат, намоз ҳақиқий руҳий озуқа, банданинг ўз Робби ва ҳақиқий ёрдамчиси Аллоҳ таоло билан бевосита боғланишидир.

Намоз офир ва нозик пайтларда кишига мадад берувчи омилдир.

Намоз диннинг устунидир. Усиз ҳеч бир аҳамиятли ишни кўнгилдагидек охиригача етказиб бўлмайди.

«Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди.»

Мўмин киши томонидан қилинган ҳар бир яхши иш ёмонликларни кетказди. Намоз ўша яхшиликларнинг гултожидир.

Ушбу оятда оғир ва аҳамиятли ишларни қилишда, Аллоҳнинг амрига бўйсунушда, кўрсатган йўли ва йўллаган динида мустақийм туришдек масъулиятли ишда намоз ва яхшилик қилиш ила олдинга йўл очишга ундаш бор. Худди шу маъно Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ўз ифодасини топгандир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Абу Зарр ал-Фифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонлик ортидан яхшилик қил. Уни ювади. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил!» деганлар.

«Бу эса, эсловчиларга эслатадир.»

Зотан, намоз ҳам зикр — эслашдир. Яхшиликлар ҳам шундай.

Аллоҳнинг йўлида, Унинг динида мустақийм туриш учун сабр ҳам керак. Шунинг учун, келаси оятда сабрга чақирилади:

وَأَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٥﴾

115. Ва сабр қил. Бас, албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.

Яхшиликнинг тури жуда ҳам кўп. Энг олий яхшилик Аллоҳнинг йўлида, Унинг динида мустақийм туришдир. Намоз ҳам яхшилик, балки барча яхшиликларнинг онасидир. Шунингдек, сабр қилиш ҳам яхшилик. Мўмин банда ҳар қандай яхшиликни қилишга уринмоғи лозим. Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди.

Келгуси оятларда ўтган умматларнинг оммавий азобга учрашига сабаб уларда одамлар зулм қилгани, ислоҳчилар эса, оз бўлгани, агар ислоҳчилар кўпчиликни ташкил қилганларида иш ҳам бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз кетади:

فَلَوْلَا كَانَ مِنَ الْقُرُونِ مِن قَبْلِكُمْ أُولُوا بَقِيَّةَ يَنهَوْنَ عَنِ الْفَسَادِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّنْ أَنجَيْنَا مِنْهُمْ ۗ وَاتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَا أَتَرَفُوا فِيهِ وَكَانُوا مُجْرِمِينَ ﴿١١٦﴾

116. Сиздан олдинги асрларда ер юзида фасоддан қайтарилган боқийлик эгалари бўлганида эди. Магар Биз нажот берганлар

озгина кишилар бўлди, холос. Зулм қилганлар эса, маийшат ортидан кетдилар ва жинойтчилардан бўлдилар.

Ўтган замонларда қавмлар ер юзида фасод ишларни қилдилар. Пайғамбарларга қарши чиқдилар. Ана шунда уларни ўша фасод ишлардан қайтарувчи яхши кишилардан боқий қолганлар бўлиб, боқий дин аҳкомларига чақирганларида қавмлари оммавий азобга дучор бўлмас эдилар. Аммо улар жуда ҳам оз эдилар. Улар оммавий азобдан қутулиб қолган санокди кишилардир. Шунинг учун, улар кўпчиликка таъсирларини ўтказа олмадилар.

«Зулм қилганлар эса, маийшат ортидан кетдилар ва жинойтчилардан бўлдилар.»

Шунинг учун ҳам, ҳалокатга дучор бўлдилар. Ўзларидан ўтди. Бўлмаса:

﴿١١٧﴾ وَمَا كَانَ رَبُّكَ لِيُهْلِكَ الْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا مُصْطَحُونَ

117. Роббинг аҳли ислоҳчи бўлган шаҳарларни зулм ила ҳалок қилмас эди.

Одамлари иймонли бўлиб, амали солиҳ қилган шаҳарларни ҳеч қачон ҳалок қилган эмас. Бундай қилиш зулм бўларди. Аллоҳ эса, мутлақо зулм қилмайди.

Қуйида келадиган икки оятда одамлар ҳидоят ва залолат масаласида турлича бўлишлари таъкидланади:

﴿١١٨﴾ وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَجَعَلَ النَّاسَ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَا يَزَالُونَ مُخْتَلِفِينَ

118. Агар Роббинг хоҳласа, одамларни бир уммат қиларди. Улар ихтилоф қилишда бардавом бўлурлар.

إِلَّا مَنْ رَحِمَ رَبُّكَ وَلِذَلِكَ خَلَقَهُمْ وَتَمَّتْ كَلِمَةُ رَبِّكَ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ
وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١١٩﴾

119. Роббинг раҳим қилганларидан бошқалари. Уларни шунинг учун яратгандир. Роббингнинг: «Жаҳаннамни, албатта, жинлар ва одамлар билан тамомийла тўлдирурман», деган сўзи батамом бўлди.

Аллоҳ таоло қудрати ва хоҳиши чексиз Зотдир. У нимани хоҳласа, шуни қилади. «Бўл» деса, ҳамма нарса бўлади. Агар У хоҳласа, ҳамма

одамларни бир хил қилиб яратиши мумкин эди. Барча одамларни мўмин қилиб яратиш Унинг учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шунингдек, ҳамма одамларни кофир қилиб яратиши ҳам мумкин эди. Ҳа,

«Агар Роббинг хоҳласа, одамларни бир уммат қиларди».

Лекин бундай қилмади. Уларнинг турли-туман бўлишини хоҳлади. Чунки, Унинг Ўзи борлиқда яратган ҳаётнинг тақозоси – шу. Аллоҳ инсоннинг ушбу турли-туман шароитда яшашини, ўзи ҳам турлича бўлишини хоҳлади. Ўша турли нарсалардан яхшисини танлаб олиш ихтиёрини унга берди. Ҳамда ўша ихтиёр юзасидан сўроқ-савол қилишни тайин этди. Одамлар бир хил бўлмаганлари учун:

«Улар ихтилоф қилишда бардавом бўлурлар. Роббинг раҳим қилганларидан бошқалари».

Чунки, улар турлича яратилганлар. Динда ҳам ихтилоф қиладилар. Магар, Аллоҳ раҳим қилганларгина, хилофсиз, Аллоҳнинг айтганларида юрадилар.

Ихтилоф қилганлар эса, бу йўлдан юрмайдилар. Шунинг учун:

«Роббингнинг: «Жаҳаннамни, албатта, жинлар ва одамлар билан тамоийла тўлдирурман», деган сўзи батамом бўлди».

Жаҳаннамни тўлдириш учун, ихтилоф қилганлар етарлича топилади.

Суранинг охирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этилиб, мазкур қиссаларнинг келтирилиши ҳикмати баён қилинади:

وَكَلَّا نَقْصُ عَلَيْكَ مِنْ أَنْبَاءِ الرُّسُلِ مَا نُثَبِّتُ بِهِ فُؤَادَكَ وَجَاءَكَ فِي هَذِهِ الْحَقُّ وَمَوْعِظَةٌ

وَذِكْرٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٢٠﴾

120. Биз қалбингни саботли қилиш учун сенга Пайғамбарлар хабарининг ҳаммасини қисса қилиб айтмоқдамиз. Бу(сура)да сенга ҳақ ва мўминларга мавъиза ҳамда эслатма келди.

Бу қиссалардан хабардор бўлганингдан кейин, динга даъват қилишда қалбингга сабот тўлади. Ўзингдан олдин ўтган Пайғамбарлар ҳам қийинчиликларга дучор бўлганларини, аммо собит турганлари учун оқибатда нажот топганларини билиб, ҳимматингга ҳиммат, ғайратингга ғайрат кўшилади. Даъват йўлидаги қийинчиликлар роҳат бўлиб кўринади.

«Бу(сура)да сенга ҳақ ва мўминларга мавъиза ҳамда эслатма келди.»

Бу сурадаги ҳамма нарса ҳақдир. Мўминлар учун эса, мавъиза ҳамда эслатмадир. Улар бу сурада келган қиссалардан ибрат оладилар. Ундаги баёнлар мўминлар учун эслатма бўлади.

وَقُلْ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ أَعْمَلُوا عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنَّا عَامِلُونَ ﴿١٢١﴾

121. Иймон келтирмайдиганларга: «Имконингиз бор амалларни қилаверинг, биз ҳам амал қилувчилармиз.

وَأَنْظِرُوا إِنَّا مُنْظِرُونَ ﴿١٢٢﴾

122. Ва интизор бўлинглар, биз ҳам мунтазирмиз», деб айт.

Модомики, иймон келтирмас экансиз, қўлингиздан нима келса, қилаверинглар. Биз фақат Аллоҳнинг айтганини қиламиз. Сиз ўзингизга ўхшаган иймонсизларга келган азобларга интизор бўлинглар. Биз эса, ўзимизга ўхшаган мўминларга келган нажотга мунтазирмиз.

وَلِلَّهِ غَيْبُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِلَيْهِ يُرْجَعُ الْأَمْرُ كُلُّهُ فَاعْبُدْهُ وَتَوَكَّلْ عَلَيْهِ وَمَا

رَبُّكَ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٢٣﴾

123. Осмонлару ернинг ғайби(ни билмоқ) Аллоҳга хосдир. Ишнинг барчаси Унга қайтарилур. Бас, Унга ибодат қил ва Унгагина таваккал қил. Роббинг қилаётганларингиздан ғофил эмасдир.

Интизор бўлиб кутилаётган нарса ғайбдир. Ғайбни эса, ҳеч ким билмайди. Уни фақат Аллоҳнинг Ўзи билади, холос. Чунки:

«Осмонлару ернинг ғайби(ни билмоқ) Аллоҳга хосдир».

Кофирларга азоб, мўминларга нажот қачон келишини Аллоҳ билади.

«Ишнинг барчаси Унга қайтарилур.»

Мўминларнинг иши ҳам, кофирларнинг иши ҳам, бошқа ишлар ҳам фақат Аллоҳга қайтади. Бу ишлар устидан фақат Аллоҳ ҳукм чиқаради. Шундай бўлганидан кейин:

«Бас, Унга ибодат қил ва Унгагина таваккал қил».

Ундан бошқанинг айтганини қилма ва Ундан ўзгага суюлма.

«Роббинг қилаётганларингиздан ғофил эмасдир.»

Ҳаммасини кўриб, билиб турибди.

Мана, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларига оқ туширган «Ҳуд» сурасининг тафсири ҳам ниҳоясига етди. Балки, у бизнинг сочимизга ҳам оқ туширгандир? Агар туширган бўлса, охираг ғамини ейдиган бўлибмиз. Туширмаган бўлса, гафлатда юрибмиз экан.



ЮСУФ СУРАСИ

Маккага нозил бўлган. 111 оятдан иборат.

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, бу сураи карима «Ҳуд» сурасидан кейин нозил бўлган.

«Ҳуд» сураси қандай оғир вазиятда, Ислому ва мусулмонлар учун нақадар нозик, ҳассос ва қийин пайтда нозил бўлганини кўриб ўтдик. Мушрикларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у кишига эргашган оз сонли мусулмонларга тазйиқлари ниҳоятда кучайган бир пайт эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яқин ва суянчиқ бўлиб турган зотлар — амакилари Абу Толиб ва Биби Ҳадича онамиз бирин-кетин вафот этиб, бандалардан келаётган сўнгги кўмаклар ҳам битган, мусийбат ортидан мусийбат келаверган, ўша йил мусулмонлар учун «маҳзунлик йили»га айланган бир пайт. Мусулмонларнинг нажот истаб, Аллоҳнинг Ўзига илтижо қилишдан бошқа чораси қолмаган пайт. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, қийноқда сиқилиб қолган мусулмонлар ҳам бир оғиз бўлса-да, далдага муҳтож пайт. Ана шу ҳолатда ҳақиқий ёрдамчи бўлмиш Аллоҳ таолонинг Ўзидан далда келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мўмин-мусулмонларга бунданда қаттиқроқ мусийбатларга йўлиққан, синовларнинг ҳар турлисига учраган бир банданинг — Пайғамбар Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари келди. Бу қисса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам, мусулмонларга ҳам улкан тасалли ва буюк дарс эди.

Шу билан бирга, бошқа маккий суралар каби бу сурада ҳам ақийда масалалари, Аллоҳнинг қудрати, Ислому даъвати ҳақида сўз юритилади. Иймон йўлида тинмай ҳаракат қилиш, бу йўлдаги турли тўсиқларга бардош бериш лозимлиги ва бошқа масалалар қисса давомида муолажа қилинади.

«Юсуф» сураси битта қиссани аввалидан охиригача, бошқа нарсаларни аралаштирмай ҳикоя қилган ягона сурадир. Юсуф алайҳиссаломнинг исмлари бу сурадан бошқа яна бир жойда зикр қилинади, холос. Бу сураи каримада, бошқаларидан фарқли ўлароқ, кўпроқ оилавий муносабатлардаги салбий ўринларга, ҳукмрон доиралар ичидаги ихтилофларга, уларнинг атрофидагиларнинг ҳолатларига эъти-

бор берилган. Диний-маънавий тарбия бўлмагани туфайли бойзодагон оилаларнинг баъзи аъзолари «тўқликка шўхлик» қилишларидан намуналар келтирилган.

Улуғ Пайғамбарлар – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб алайҳиссаломларнинг сулоласи бўлмиш ёш ва гўзал йигит Юсуф ўз акаларининг фитнасига учрайди. Акалари уни оталари Яъқуб алайҳиссаломдан қизганиб, йўқотмоқчи бўладилар, маслаҳатлашиб, Юсуфни қудуққа ташлайдилар ва оталарига келиб: «Биз мусобақа қилиб, ўйнаб кетиб қолибмиз, Юсуфни бўри еб қўйибди», дейдилар. Юсуф эса, ночор ҳолда қудуқда ўтирибди. Лекин у келажақда эришадиган олий мартабалари учун синов кунларини ўтамоқда, баъзи тажрибаларни бошидан кечирмоқда, холос. Ҳамма ишни ҳикмат ила қиладиган Аллоҳ уни қутқазиб йўлини ҳам Ўзи яхши билади. Ана, йўловчилар сув олиб келиш учун сувчиларини қудуқ томон йўлладилар. Биттаси челагини сувга ташламоқчи эди, қараса, қудуқ ичида чиройли бир йигит ўтирибди. Уни қудуқдан чиқариб олишди ва қул қилиб сотишди. Ҳа, улкан Пайғамбарларнинг фарзанди аржумандини, бўлажак Пайғамбарни қул қилиб сотишди. Баҳосига унча қизиқишмади ҳам. Ё Аллоҳ, бу нақадар даҳшат! Лекин ҳакийм сифатли Зот ҳамма ишни ҳикмат ила амалга оширади. Юсуфнинг ҳозирча қул бўлиб сотилишининг ҳам ҳикмати бор, бу иш келажақда илоҳий ироданинг юзага чиқиши сари бир поғонадир.

Уни сотиб олган кимса оддий одам эмас, Мисрдек катта юртнинг Азизи – бош вазири бўлган бир кишиси. У одам Юсуфдаги одоб, ахлоқ, олижаноблик, юқори савиядаги тарбия ва бошқа яхши хулқларни кўриб, ёқтириб қолди. Аҳли байтига, бунга яхши қаранглар, эҳтимол, ўғил қилиб олармиз, деб тайинлади. Аллоҳ таоло Ўз тадбири ила Юсуфни қудуқдан ва қулликдан қутқариб, Миср бош вазирининг қасрига, қароргоҳига олиб келди ва уни алоҳида эътиборга сазовор этди. Аммо бу ерда ҳам Юсуфни имтиҳон, ниҳоятда катта имтиҳон – фитна кутар эди. Бойлик, айшу ишрат, ҳойи ҳавас ичида яшаб ўрганган Азизнинг хотини ёш ва гўзал Юсуфга ошиқ бўлиб қолди. Ошиқ бўлганда ҳам, ашаддий ошиқ бўлди. Бирдан-бир нияти Юсуфга эришиш бўлиб қолди. Тўқликка шўхлик, деб шуни айтадилар-да. Лекин тарбия кўрган комил бир эркак бўлиш билан бирга Роббидан кўрқиб қўриқиб-да ўрнига қўядиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган Юсуф бу имтиҳон-синовдан ҳам муваффақиятли ўтди. Азизнинг хотинининг ҳаром хоҳиши амалга ошишига восита бўлмади. Балки ундан, унинг сиймосидаги хиёнатдан, фоҳиша ишдан, ҳаромдан қочди. Лекин бу ҳолда ҳам яна тухматга учради. Яна синов, яна имтиҳон, яна мусийбат ва яна кулфат. Уларнинг бу ҳолатлари устига кириб қолган эрини кўриши биланок хотин Юсуфга тухмат тошларини ота бошлади. «У сенинг аҳлинига тажовуз қилмоқчи бўлди, уни ҳибсга сол

ёки аламли азоб бер!» дея даъво қилди. Лекин даъвони исбот қилиш керак эди. Текшириш жараёнида ашъвий далиллар хотиннинг зиддига, Юсуфнинг фойдасига бўлиб чиқди. Эр хотинининг макр қилганини тушунди. Хотинларнинг макри зўр эканини яна бир бор англаб етди.

Бўлиб ўтган воқеа ҳақида шаҳар аёллари ўртасида турли миш-мишлар тарқалди. Улар Азизнинг хотинини маломат қила бошладилар. Бу миш-мишларни эшитган Азизнинг хотини сергап аёллардан қасос олмоқчи бўлди. Уларни зиёфатга чақирди. Ҳаммаларига таом улашиб, қўлларига биттадан пичоқ берди. Юсуфга уларнинг олдига чиқишни буюрди. Юсуф уларнинг ҳузурига чиққанда, меҳмон аёллар унинг ҳуснига маҳдиё бўлиб қолишди, таомни кесаман деб, қўлларини кеса-вердилар ва: «Бу башар эмас, малак экан-ку!» дейишди. Юсуфнинг ошиқлари кўпайди. Энди аввалгидан ҳам катгароқ балага, синовга, имтиҳонга йўлиқди. Охири, Аллоҳ ҳаром қилган йўлга юришдан кўра ҳибсда ўтиришни афзал кўрди. Қамоқ ҳам унинг учун синов, имтиҳон ва келажакка тайёргарлик босқичи бўлди. У ерда ҳам Аллоҳнинг динига даъват қилишни давом эттирди. Қамоқдагилар унинг фазли, илми, ахлоқ-одобини кўриб, ундан ҳатто тушларининг таъбирини сўрайдиган бўлдилар. Аллоҳ берган илм асосида тушга таъбир айтар экан, Юсуф даъват ишларини ҳам олиб борди. Ва келажакда бўладиган ишлар эҳтиётини қилиб, нажот топиб чиқиши умид этилган кишига гап тайинлади. Бир қанча муддат ўтиб, худди кутганидек бўлиб чиқди. Туши ўнгидан келиб қамоқдан чиққан одам подшоҳнинг тушини таъбир қилиш қийинлашиб қолганда Юсуфни эслаб қолди ва подшоҳга уни эслатди. Қамоқдан чиққан Юсуфнинг таъбири, илми, тадбиркорлиги подшоҳга ёқиб қолди ва уни ўзига вазир қилиб олди.

Асосий имтиҳон ва синов энди бошланди. Ўлдириш учун қудуққа ташланган, қул қилиб сотилган, тухматга учраб қамалган Юсуф алайҳиссалом Мисрдек катта юртга вазир бўлдилар. Вазир бўлганда ҳам, энг қийин вақтда — бир неча йил очарчилик ҳукм суриб, одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш овирлашган ва бошқа нозик ишларни амалга ошириш зарурати туғилган вақтда бўлдилар.

Очарчилик фақатгина Мисрга кирмаган эди. Бошқа юртларда, жумладан, Юсуф алайҳиссаломнинг она юртларида ҳам ўз ҳукмини ўтказарди. Шунинг учун ҳам, Юсуф алайҳиссаломнинг акалари Мисрдаги муваффақиятли иқтисодий ҳолатдан хабар топиб, нажот излаб келдилар. Вазирга таҳсинлар айтиб, ёрдам сўрашди. Лекин улар бу вазир ўзлари бир пайтлар қудуққа ташлаган укалари Юсуф эканини билмадилар. Юсуф алайҳиссалом эса, уларни дарҳол танидилар ва яхши муомалада бўлдилар. Янаги сафар келишларида уйда қолган укаларини ҳам бирга олиб келсалар, бир туя қўшимча озиқ-

овқат олиб кетишлари мумкинлигини айтдилар. Акалари қайтиб бориб, оталари Яъқуб алайҳиссаломга бўлган ҳодисаларни гапириб бердилар ва кичик укаларини келгуси сафар қўшиб беришини сўрадилар. Аммо фарзанд доғи ҳамон қалбини ўртаётган ота, Юсуфни сизга ишониб топшириб панд еганман, энди укасини ҳам сўрайсизларми, деди. Узоқ тортишувлардан кейин аҳду паймон олиб, кичик ўғлини ҳам акаларига қўшиб берди. Миср вазири – Юсуф алайҳиссалом тадбир ишлатиб, укаларини ўзлари билан бирга олиб қолдилар. Яъқуб алайҳиссаломнинг дардларига дард қўшилди. Лекин бу вақтинчалик эди. Олдиндаги катта хурсандчиликка «дебоча» эди.

Ниҳоят, Юсуф алайҳиссалом ўзларининг ким эканликларини ошкор қилдилар. Акаларига ота-оналарини ҳам олиб келишни тайинладилар. Шундай бўлди ҳам. Ҳаммалари – ота-она ва ўн бир ўғил Миср вазири Юсуф алайҳиссалом ҳузурига кириб, эҳтиромларини билдирдилар. Ул зотнинг ёшлиқда кўрган тушлари ўнгидан келди.

Қиссанинг сўнгида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади.

Юсуф алайҳиссалом қиссасининг мухтасар баёни шундан иборат. Бу қиссада хаёлий гаплар йўқ, лирик чекинишлар ҳам, ўқувчиларни қизиқтириш учун тўқилган ёлғонлар ҳам йўқ. Зеро, бу – Аллоҳнинг ваҳий қилиб юборган Қуръонидир. Бу қиссани ўқиш ҳам, эшитиш ҳам ибодат. Бошидан охиригача ибрат, ваъз-насиҳат. Келинг, Қуръони Каримда бу қисса қандай ҳикоя қилинганини ўрганиб чиқайлик.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ الْکِتٰبِ الْمِیْنِ

1. Алиф. Лаам. Ро. Ушбулар очиқ-ойдин китобнинг оятларидир.

Алиф, лом, ро каби ўзингизга таниш ҳарфлардан таркиб топган оятлар жамланиб, ушбу очиқ-ойдин китобни вужудга келтиргандир. Бу китоб ҳарфларининг инсонга ёт бўлган жойи йўқ. Улар араб тилининг ёзув белгилари. Аллоҳ таоло китобини шу ҳарфлар ила араб тилида нозил қилишни ирода этди.

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢﴾

2. Биз уни арабий Қуръон этиб нозил қилдик, шоядки, ақл ишлатсангиз.

Ҳа, ул китоб, оятлари ўша ўзингиз билган ҳарфлардан ташкил топган китоб арабий – араб тилидаги Қуръондир. Уни Аллоҳ таоло шундай нозил қилди.

«...шоядки, ақл ишлатсангиз.»

Шоядки, ақл юритиб, бундай мўъжизакор китобни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина келтира олиши мумкинлигини англаб етсангиз.

Кейинги оятдан гап асосий мавзуга кўчади, ушбу сура гўзал қиссадан иборат экани ҳақида сўз очилади:

Эй, охир замон Пайғамбари!

نَحْنُ نَقُصُّ عَلَيْكَ أَحْسَنَ الْقَصَصِ بِمَا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ هَذَا الْقُرْآنَ وَإِنْ كُنْتَ مِنْ

قَبْلِهِ لَمِنَ الْغَافِلِينَ ﴿٣﴾

3. Биз сенга ушбу Қуръонда ваҳий қилган нарсамиз ила энг гўзал қиссани ҳикоя қилурмиз. Агарчи ундан олдин сен бундан беҳабарлардан бўлсанг ҳам.

Яъни, Қуръон деб номланган илоҳий китобимизни ваҳий ила нозил этиш жараёнида энг гўзал қиссани ҳам сенга айтиб берамиз. Сен қавминг ичида ўқиш-ёзишни ўрганмаган, бунақа қиссалардан хабарсиз кишилардан бири эдинг. Энди эса, Аллоҳнинг инояти ила булардан хабардор бўласан ва уларни халққа етказасан.

Шундан сўнг бевосита Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари бошланади. Юсуф алайҳиссалом кўрган тушларини оталари Яъқуб алайҳиссаломга сўзлаб бераётганларини тасвирлаш билан қиссага кирилади:

Эй Пайғамбар!

إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِي

سَاجِدِينَ ﴿٤﴾

4. Юсуф отасига: «Эй отажоним, мен ўн битта юлдузни ҳам қуёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим», деганини эсла.

Бу тушни кўрганда Юсуф алайҳиссалом ёш бола эдилар. Одатда,

ёш болалар бунчалар аниқ ва башоратли туш кўрмайдилар. Яъқуб алайҳиссалом ёшгина Юсуфнинг кўрган тушини эшитганларида, шу гаплар хаёлларидан ўтди. Бу туш улуғ келажақдан башорат эканини англадилар.

Аммо, бу башоратдан ҳамма ҳам хурсанд бўлавермаслигини, жумладан, Юсуфнинг ўғай акалари рашк қилишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, мушфиқ оталарга хос эҳтиёткорлик билан ўғиллари Юсуфни огоҳлантирдилар:

قَالَ يَبْنَئِي لَا تَقْصُصْ رُءْيَاكَ عَلَىٰ إِخْوَتِكَ فَيَكِيدُوا لَكَ كَيْدًا إِنَّ الشَّيْطَانَ لِلْإِنْسَانِ
عَدُوٌّ مُّبِينٌ

5. У: «Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтмагин. Яна, улар сенга бирор ҳийла қилмасинлар. Албатта, шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир.

Яъни, сенинг тушингни эшитсалар, рашклари келиб, уларни шайтон йўлдан уриб қўймасин ва бирон макр-ҳийла ишлатиб, сенга зарар етказмасинлар.

Сўнгра, Яъқуб алайҳиссалом сўзларида давом этиб, яна қуйидагиларни айтдилар:

وَكَذَٰلِكَ يُجَنَّبُكَ رَبُّكَ وَيُعَلِّمُكَ مِن تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ وَيُنمِّئُ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَعَلَىٰ آلِ
يَعْقُوبَ كَمَا أَتَمَّهَا عَلَىٰ أَبَوَيْكَ مِن قَبْلُ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبَّكَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

6. Шундай қилиб, Роббинг сени танлаб олади, сенга тушларнинг таъбирини ўргатади ва сенга ва Яъқуб аҳлига, худди оталаринг Иброҳим ва Исҳоққа батамом қилганидек, Ўз неъматини батамом қилиб беради. Албатта, Роббинг билгувчи ва ҳикматли Зотдир», – деди.

Аллоҳнинг Пайғамбари бўлмиш Яъқуб алайҳиссалом ўғиллари Юсуф кўрган тушни ана шундай таъбир қилган эдилар. Бу туш Юсуфнинг келажақда боболари Иброҳим ва Исҳоқ алайҳимассаломлар каби Пайғамбар бўлишидан дарак берар эди. Пайғамбар бўлгунча эса, Аллоҳ таоло унга тушларнинг таъбирини ўргатади. Бу неъматлар фақат Юсуфнинг ўзигагина эмас, Яъқуб Пайғамбар алайҳиссаломнинг бошқа фарзандларига ҳам берилишига башорат бор эди.

Аллоҳ таоло бу ишларни Ўз илми ва ҳикмати ила амалга оширади.

﴿لَقَدْ كَانَ فِي يُوسُفَ وَإِخْوَتِهِ آيَاتٌ لِّلسَّالِئِينَ﴾

7. Батаҳқиқ, Юсуф ва унинг оға-иниларида сўровчилар учун оят-ибратлар бор эди.

Яъни, Юсуф ва унинг ака-укалари қиссасида ажойиб ибратли аломат-белгилар жуда ҳам кўпдир. Ким сўраса, эътибор берса, диққат билан ўрганса, кераклигича ваъз-насихат, ибрат ва ўрнак олади. Энди қисса воқеалари ривожлана бошлайди.

﴿إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَخُوهُ أَحَبُّ إِلَيَّ أَيْنَا مَنَا وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّ آبَاءَنَا لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ﴾

8. Ўшанда улар: «Албатта, Юсуф ва унинг укаси отамизга биздан кўра маҳбуброқлар, ҳолбуки, биз кўпчиликмиз. Албатта, отамиз очиқ-ойдин адашувдадир.

Яъни, Юсуфнинг акалари (улар ўн киши бўлиб, оналари бошқа эди), отамиз биздан кўра укамиз Юсуф ва унинг ота-она бир, туғишган укаси икковини яхши кўради, аслида, улардан кўра бизга кўпроқ эътибор бериши керак эди, отамиз бу ишда адашмоқда, дедилар. Юсуф ва унинг укасига рашк қилиб, Аллоҳнинг Пайғамбари бўлмиш оталари Яъқуб алайҳиссаломга тухмат қилдилар, у зотга залолатни муносиб кўрдилар. Ўзаро шивир-шивир шу даражага бориб етиб, оталарини адашувда, адашув бўлганда ҳам, очиқ-ойдин адашувда, деб ҳукм чиқардилар. Сўнгра, янада каттароқ ишга журъат қилдилар:

﴿أَفَلَوْلَا يُوسُفُ أَوْ أَطْرَحُوهُ أَرْضًا يَخْلُلْ كَعَمَلِكُمْ وَجْهَهُ أَتَيْكُمْ وَتَكُونُوا مِنْ بَعْدِهِ قَوْمًا صَالِحِينَ﴾

9. Юсуфни ўлдиринглар ёки узоқ ерга олиб бориб ташланглар, шунда отангизнинг юзи сизга холи қолади. Бундан кейин солиҳ қавмдан бўлиб оласизлар», – дедилар.

Бу уларнинг ўзаро маслаҳатлари эди. Улар, нима қилиб бўлса ҳам, Юсуфни йўқотиб, оталари фақат ўзларига эътибор бериши учун ҳаракатга тушиб қолдилар. Шайтон васвасага солганда шундай бўлади. Ҳар қандай гуноҳни ҳам тап тортмай қилаверишга чорлайди. Шу ишни қилмасанг бўлмас, қилавер, ҳеч гап бўлмайди, жуда бўлмаса, тавба-тазарру қилиб, яна аҳли солиҳлардан бўлиб олаверасан, деб қизиқтиради. Аслида эса, тавба бунақа бўлмайди. Тавба – билмасдан, жоҳиллик билан содир этган гуноҳига надомат чекиш ва Аллоҳдан кечиритишни ўтиниб сўраш ҳамда бу гуноҳдан тўла чекиниб, зинҳор

унга бошқа қайтмасликдир. Аммо, ўтириб олиб, маслаҳатлашиб, ишнинг гуноҳлигини билиб туриб, кейин тавба этсам, яна аҳли солиҳлардан бўлиб қолавераман, дейиш, масийҳийларда бўлгани каби, черковга бориб, келажакда бир гуноҳ иш қилмоқчи эканини эътироф этиб, ўша гуноҳни ювиш учун пул тўлаб, «мағфират чиптаси» сотиб олишнинг бир тури, холос. Юсуфнинг акалари ҳам шайтон васвасасига учиб, худди шунга ўхшаш амал қилмоқчи бўлишди.

Лекин ичларидан қайси биринингдир виждони бу қабиҳликни кўтара олмади. Машъум фикр унга оғир келди, шунинг учун, гуноҳдан узоқроқ бир таклиф киритиб:

قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ لَا تَنْفُلُوا يُوسُفَ وَالْقَوْهَ فِي غَيْبَتِ الْجُبِّ يَلْقَاهُ بَعْضُ السَّيَّارَةِ إِن كُنْتُمْ فَاعِلِينَ ﴿١٠﴾

10. Улардан бир сўзловчи: «Юсуфни ўлдирманглар. Агар бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, уни қудуқнинг қаърига ташланглар, баъзи йўловчилар олиб кетади», деди.

Ана ўшанда Юсуфдан қутуласизлар, отангизнинг юзи сизга холи қолади. Гапнинг маъносидан, сўзловчи бу ишга қўшилмоқчи эмасу, лекин кўпчиликнинг раъйига қарши чиқа олмаётганга ўхшайди. Аввало, уларни Юсуфни ўлдиришдан қайтариши, қолаверса, «агар бирон иш қиладиган бўлсак», демасдан,

«бирон иш қиладиган бўлсангиз», дейиши ҳам унинг кимлигини кўрсатиб турибди.

Акалар гапни бир жойга қўйиб, режани амалга ошириш учун ҳаракатга тушдилар. Бориб, оталарини аврай бошладилар.

قَالُوا يَا أَبَانَا مَا لَكَ لَا تَأْتِنَا عَلَى يُونُسَ وَإِنَّا لَهُ لَنَصِحُونَ ﴿١١﴾

11. Улар: «Эй отамиз, сен нега Юсуфни бизга ишонмайсан? Ҳолбуки, биз унга ихлос қилувчилармиз.

أَرْسَلَهُ مَعَنَا غَدًا يَرْتَعُ وَيَلْعَبُ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿١٢﴾

12. Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келади. Албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», – дедилар.

Жуда усталик билан айтилган гаплар. Аввал оталарига бир оз ҳужум қилиб, у кишини ўзларига ишонмасликда айблаб:

«Эй отамиз, сен нега Юсуфни бизга ишонмайсан?» дейишмоқда.

Аслида, уларга ишонмасликдан эмас, Юсуфнинг кичкиналигини эътиборга олиб, эҳтиёт қилаётган бўлишлари мумкин-ку, ахир. Аммо улар оталарининг йўқ деб қолишларидан чўчиб, баланддан келдилар. Шу билан бирга:

«**Ҳолбуки, биз унга ихлос қилувчилармиз**», бизнинг қалбимиз мусаффо, унга нисбатан ихлосга тўла, ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаймиз, деб ўртадан шубҳани кўтармоқчи бўлдилар. Гапларининг сўнгида Юсуфни ўзларига қўшиб беришликни сўраб:

«**Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келади**», дедилар.

Сўнгра, яна, шубҳа бўлмасин, деган маънода:

«**Албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз**», дея қўшиб қўйдилар.

Катта ўғилларидан бу сўзларни эшитган Яъқуб алайҳиссалом уларга узр аралаш, раддия қилиб:

قَالَ إِنِّي لَيَحْزُنُنِي أَنْ تَذْهَبُوا بِهِ وَأَخَافُ أَنْ يَأْكُلَهُ الذِّبُّ وَأَنْتُمْ عَنْهُ غَافِلُونَ ﴿١٣﴾

13. У: «Уни олиб кетишингиз мени хафа қилади. Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман», – деди.

Яъқуб алайҳиссалом катта ўғилларига, уни сизларга ишониб, қўшиб юбора олмайман, деган маънодаги сўзни юмшоқроқ қилиб айтдилар.

«**Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман**», – деди.»

Юсуфдан ажраб қолиш у киши учун оғир эканини ҳам таъкидладилар. Лекин катта ўғилларини режага айланган мақсадлари тинч қўймас эди. Энди улар оталарини ўзларини камситишда айблаб бўлса-да, мақсадга эришмоқчи бўлдилар.

قَالُوا لَئِنْ أَكَلَهُ الذِّبُّ وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّا إِذًا لَخَسِرُونَ ﴿١٤﴾

14. Улар: «Агар биз кўпчилик бўлиб туриб, уни бўри еб кетса, унда биз зиёнкорлардан эканмиз-да?!» – дедилар.

Бу гап оталарига қаттиқ таъсир кўрсатиш учун айтилган эди. Улар, агар биз кўпчилик бўла туриб, биттаю битта укамизни ҳимоя қила олмай, бўрига егизиб юборсак, нима деган одам бўлдик, унда биз зиёнкор, ҳеч нарсага арзимайдиган, индамай бўрига ем бўлиб кетаверадиган одамлар эканмиз-да, демоқчи бўлдилар. Бунга ўхшаш гаплар одамга, албатта, қаттиқ таъсир қилади. Яъқуб алайҳиссалом ҳам ноилож қолиб, Юсуфни акаларига қўшиб юбордилар.

فَلَمَّا ذَهَبُوا بِهِ، وَأَجْمَعُوا أَنْ يَجْعَلُوهُ فِي غَيْبَتِ الْجُبِّ وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِ لَتُنَبِّئَنَّهُمْ بِأَمْرِهِمْ
هَذَا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٥﴾

15. Уни олиб кетиб, қудуқ қаърига ташлашга қарор қилганларида, Биз унга: «Сен, албатта, уларга бу қилмишларининг хабарини берурсан, ўшанда улар сени сезмаслар ҳам», деб ваҳий қилдик.

Ниҳоят, Юсуфнинг акалари ўзларининг машъум ниятларига етдилар. Уни қудуқ қаърига ташлаш ҳақидаги қарорларини амалга оширдилар. Қудуқ қаърида қалби хавфга тўлиб, ўлимини кутиб ўтирган ёш Юсуфга ваҳий келди:

«Унга: «Сен, албатта, уларга бу қилмишларининг хабарини берурсан, ўшанда улар сени сезмаслар ҳам», деб ваҳий қилдик.»

Яъни, сен хафа бўлма, қўрқма ҳам, вақти-соати келиб, акаларингга ўзингга қилган хиёнатларининг хабарини берасан. Ўшанда вазият шу даражада ўзгарган бўладики, акаларинг сени танимайдилар ҳам.

Аллоҳ таоло бу башоратни қудуқ ичида бечора ҳолда ўлимини кутиб ўтирган Юсуфга айтмоқда. Қудуқда ўлим хавфи остида ўтирган одамнинг бирдан-бир фикри, қандай қилиб бўлса ҳам, у ердан қутулиб чиқиш бўлади. Аммо, ўзини шу ҳолга солганларга қилмишларини айтиб беришини ва ўшанда тажовузкорлар унинг Юсуф эканини хаёлларига ҳам келтирмасликларини фақат Аллоҳ таологина башорат қила олади. Ўзининг суюкли бандаси, бўлажак Пайғамбари Юсуфнинг қудуққа ташланиши ҳам, аслида, беҳикмат эмас. Балки, рўй беражак катта ҳодисалар ва мартабалар сари бир поғона бўлган, холос. Юсуф ўша ҳолда қудуқ қаърида қолди.

Акалар эса, қилар ишни қилиб қўйиб, уйга равона бўлдилар ва:

وَجَاءُوا آبَاءَهُمْ عِشَاءَ يَبْكُونَ ﴿١٦﴾

16. Кечқурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб:

قَالُوا يَا أَبَانَا إِنَّا ذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِنْدَ مَتْعِنَا فَاكَلَهُ الذِّبُّ وَمَا
أَنْتَ بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ كُنَّا صَادِقِينَ ﴿١٦﴾

17. «Эй отамиз, биз Юсуфни нарсаларимиз олдига қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», – дедилар.

Ундай бемаза ишларни қиладиган ҳар бир шахс, ўз қилмишларини яшириш учун, дастлаб, айюҳаннос солади. Шу одат бўйича, улар ҳам оталарига ўзлари тўқиб қўйган ёлғонни ишлатдилар. Ҳийла қилишда оталарининг уларга ҳадиксираб айтган гапидан фойдаландилар. Яъқуб алайҳиссалом: «Сиз ундан ғофил қолсангиз, уни бўри еб кетишидан қўрқаман», деган эдилар. Улар бу ҳоллари билан, биз ёшлик қилибмиз, сенинг гапингга кирсак бўлар экан, худди айтганингдек бўлди, биз ўйинга берилиб, ғофил қолибмиз, Юсуфни бўри еб кетибди, дейишмоқчи бўлишди ва бу гапнинг орқасидан:

«Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», – дедилар».

Бу ҳам қиларини қилиб қўйиб, баҳона ахтарганларнинг услубларидан биридир.

وَجَاءُوا عَلَى قَمِيصِهِ بِدَمٍ كَذِبٍ قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنْفُسُكُمْ أَمْرًا فَصَبِرْ جَمِيلٌ وَاللَّهُ الْمُسْتَعَانُ عَلَى مَا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾

18. Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар. У: «Йўқ! Сизга ҳавойи нафсингиз бирор ишни зийнатлаб кўрсатибди. Энди чиройли сабр (дан бошқа чорам йўқ). Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган Зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи», – деди.

Ўғиллар оталарини ишонтириш мақсадида ашёвий далил деб, Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келишди. Аммо Аллоҳнинг Пайғамбари Яъқуб алайҳиссалом гап нимада эканини тушундилар. Юсуфни бўри емагани ҳам у кишига аён бўлди.

«У: «Йўқ! Сизга ҳавойи нафсингиз бирор ишни зийнатлаб кўрсатибди», – деди.»

Йўқ! Юсуфни бўри еб кетибди, деган гапларингиз ёлғон. Сизлар бошқа иш қилгансизлар. Ўша ишни сизга ҳавойи нафсингиз зийнатлаб кўрсатган, дедилар. Сўнгра:

«Энди чиройли сабр (дан бошқа чорам йўқ)».

Яъни, жигаргўшам, кичкинтойим Юсуфдан айрилиш мен учун катта мусийбат, бу мусийбатга сабр қиламан, холос. Сабр қилганда ҳам чидамсизлик, дод-вой ва турли номуносиб ҳоллар билан эмас, балки чиройли йўсинда сабр қиламан, дедилар.

Сўнгра, бундай пайтларда ёрдам сўраладиган манбани ҳам эслатдилар:

«Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган Зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи».

Яъни, сиз менга сифатлаб бераётган ҳодисада – Юсуфнинг йўқолишида менга ягона Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ёрдам қила олмайди. Шунинг учун, Унинг Ўзидангина ёрдам сўрайман.

Улар шундай туриб турсин. Энди қудуқ қаърида қолган Юсуфдан хабар эшитайлик:

وَجَاءَتْ سَيَّارَةٌ فَأَرْسَلُوا وَارِدَهُمْ فَأَدْلَى دَلْوَهُ قَالَ يَبُشْرَىٰ هَذَا غُلْمٌ وَأَسْرُوهُ بَضْعَةَ ۖ وَاللَّهِ
عَلِيمٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾

19. Ва йўловчилар келиб (қудуққа) сувчиларини юбордилар. Бас, у челагини ташлади ва: «Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!» – деди. Уни тижорат моли сифатида яшириб қўйдилар. Зотан, Аллоҳ уларнинг нима қилаётганларини билгувчи Зотдир.

Йўловчи савдо карвони дам олиш учун Юсуф ташланган қудуққа яқин жойга қўнди. Улар сувчиларини қудуқдан сув олиб келиш учун юбордилар. Биттаси қудуққа челак ташлади. Юсуфни кўриб, қувониб кетди:

«Суюнчи беринглар! Бу бола-ку!» – деди».

Қарашса, ростданам, хусн-чиройда тенги йўқ бир ёш бола. Савдогарнинг кўнгли доим тижоратда бўлади. Нимани кўрса, тижоратга қўйишни ўйлайди. Дарҳол, Юсуфни ҳам савдога қўйишга, сотиб фойда олишга қарор қилдилар. Ерли аҳоли кўриб, болани таниб, биздан олиб қўймасин, дея уни яшириб қўйдилар. Аммо:

«Зотан, Аллоҳ уларнинг нима қилаётганларини билгувчи Зотдир».

Бечоралар ожиз фикрлари билан яширинча иш юритмоқчи бўладилар. Бандадан яшириш мумкиндир. Аммо Аллоҳдан яшириб бўлмайди.

وَشَرَوْهُ بِثَمَنٍ بَخْسٍ دَرَاهِمَ مَعْدُودَةٍ وَكَانُوا فِيهِ مِنَ الزَّاهِدِينَ ﴿٢٠﴾

20. Ва уни арзон баҳога, санокли дирҳамларга сотдилар. Улар унга қизиқмаган эдилар.

Чунки қилмишлари фош бўлишидан қўрқдилар. Юсуфнинг ҳур инсон эканлиги, наслининг қанақалиги ошкор бўлиб қолса, бошларига нималар келишини яхши билардилар. Шунинг учун, уни, нима қилиб бўлса ҳам, тезроқ сотишга ҳаракат қилдилар.

وَقَالَ الَّذِي اشْتَرَاهُ مِنْ مِصْرَ لِامْرَأَتِهِ أَكْرِمِي مَثْوَاهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَخْذَهُ

وَلَدًا وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ وَلِنُعَلِّمَهُ مِن تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ وَاللَّهُ غَالِبٌ
عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

21. Ва уни Мисрда сотиб олган (одам) ўз хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштир, шояд, бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», – деди. Мана шундай қилиб, унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун Юсуфни жойлаштириб қўйдик. Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

Ушбу оятдан тижоратчилар Юсуфни Мисрга олиб келиб сотганлари маълум бўлмоқда.

«Ва уни Мисрда сотиб олган (одам) ўз хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштир, шояд, бизга манфаат берса ёки бола қилиб олсак», деди.»

Бу одам Юсуфни кўриши биланоқ унда яхшилик борлигини, оддий қул эмаслигини англаган кўринади. Бўлмаса, ким ҳам ўзи сотиб олган қулни яхшилаб жойлаштиришни хотинига буюриб, қул болани фарзанд қилиб олишни ният этарди. Аллоҳ таоло ҳар ишга қодир. Акалари томонидан қудуққа ташланган, савдогарлар томонидан қул қилиб сотилган, бир иш қилишга ихтиёри йўқ Юсуф ҳақида Аллоҳ таоло:

«Мана шундай қилиб, унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун Юсуфни жойлаштириб қўйдик», деб хабар бермоқда.

Аллоҳнинг тадбири бўлмаса, карвон қаёқдаю қудуқ қаърида ўтирган Юсуф қаёқда? Карвон тўхтамай, ўтиб кетса ҳам бўлаверарди. Аммо тўхтади. Сувчисини юборди. У Юсуфни кўрди. Уни сотиб, фойда қилишмоқчи ҳам бўлдилар. Беркитиб қўйишмаса, бирорта маҳаллий одам уни кўриб, Мисрга бормаи қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин Аллоҳ уларнинг кўнглига беркитиб қўйишни солди. Уни Мисрда сотиб олган кишининг қалбида эса, меҳр-шафқат уйғотди. Мана шундай қилиб, уни энг яхши жойга жойлаштирди. Бу ҳам келажақда бўладиган улуғ ишлар томон бир қадам силжиш эди.

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир.»

Ғолиб сифати ила У зот юқорида айтилганларни қилди.

«Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.»

Жумладан, Юсуфнинг акалари ҳам билмайдилар.

وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ آتَيْنَاهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٦٢﴾

22. Вояга етган вақтида унга ҳукми ва илми бердик. Гўзал иш қилгувчиларни шундай мукофотлармиз.

Яъни, Юсуф вояга етганда унга ҳамма нарсада тўғри ҳукм чиқариш ва илм фазлини бердик. Бу фазл унга гўзал амал қилгани учун берилди. Биз:

«Гўзал иш қилгувчиларни шундай мукофотлармиз».

Юсуф вояга етиб, ҳар бир ишда тўғри ҳукм чиқарадиган соҳиби илм бўлган чоғида яна имтиҳонга учради:

وَرَوَدَتْهُ الَّتِي هُوَ فِي بَيْتِهَا عَنْ نَفْسِهِ، وَعَلَّقَتِ الْأَبْوَابَ وَقَالَتْ هَيْتَ لَكَ قَالَ
مَعَاذَ اللَّهِ إِنَّهُ رَبِّي أَحْسَنَ مَثْوَايَ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٣﴾

23. У уйда бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» – деди. У: «Аллоҳ сақласин! Ахир, у жойимни яхшилаб берган хўжам-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар», – деди.

Яъни, Юсуф тушган уйдаги аёл – уни карвон эгаларидан сотиб олган кишининг хотини ундан нафсини қондиришини хоҳлади. У билан фаҳш иш қилмоқчи бўлди.

«Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» – деди.»

Бу тасарруфотлар хотин Юсуфни жуда ҳам қаттиқ севиб, унга етишишга азму қарор қилганини кўрсатади. Бўлмаса, аёл киши ҳеч қачон уйдаги хизматкор йигитга, эшикларни беркитиб туриб, бу ёққа кел, деб очикдан-очик айтмайди. Аммо Юсуф хотин ўйлаган энгилтак йигитлардан эмас. У Аллоҳдан қўрқади, Аллоҳ унга ҳар бир нарсада тўғри ҳукм чиқаришни амр қилган ва илм берган. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаром ишга бормайди.

«У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у жойимни яхшилаб берган хўжам-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар», – деди.»

Яъни, бундай ҳаром ишни қилишдан Аллоҳ сақласин, демоқда. Кейин, у яхшилиқни унутадиган одам ҳам эмас. Шунинг учун ҳам, ахир у, яъни уй эгаси – хотиннинг эри, жойимни яхшилаб берган хўжам-ку, деди. Менга шунча яхшилиқ қилган инсонга хиёнат этиб, хотинининг гапига кириб, фаҳш иш қиламанми? Агар шундай қиладиган бўлсам, золимлардан бўламан.

«Албатта, золимлар нажот топмаслар, – деди.»

Аммо хотиннинг зулм, хиёнат, адолат, риоят, Аллоҳдан қўрқиш, деган нарсалар билан иши йўқ эди.

وَلَقَدْ هَمَّتْ بِهِ، وَهَمَّ بِهَا لَوْلَا أَنْ رَأَى بُرْهَانَ رَبِّهِ، كَذَلِكَ لِنَصْرِفَ عَنْهُ السُّوءَ
وَالْفَحْشَاءَ إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا الْمُخْلِصِينَ ﴿٢٤﴾

24. Батаҳқиқ, хотин унга интилди. У ҳам, агар Роббининг бурҳон(ҳужжат)ини кўрмаганида, у(хотин)га интилар эди. Ундан ёмонлик ва фаҳш ишларни узоқлаштириш учун шундай қилдик. Албатта, у Бизнинг мухлис бандаларимиздандир.

Юсуф гапга кирмай, унинг таклифини рад этгандан кейин, хотин ниятига етиш учун унга томон интилиб қолди. Аслида, бунақа пайтларда эркак киши аёлга интилмасмиди? Ҳолбуки, Юсуф эркаклиги комил инсон эди. Унда ҳам бошқа эркакларда бўлгани каби майл бор эди. У ҳам аёлга интилиши мумкин эди. Аммо унинг бошқалардан фарқли жойи – Роббининг бурҳон(ҳужжат)ини кўрган эди, ўшандай далилни кўриб туриб ҳам ҳаром ишга юрганида, ҳақиқий мўмин бўлмас эди. Агар шу ҳолат бўлмаганида, у ҳам хотинга интилган бўларди.

Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг инояти ила бўлмоқда.

«Ундан ёмонлик ва фаҳш ишларни узоқлаштириш учун шундай қилдик.»

Биз қилган тадбир туфайли у ёмонлик ва фаҳш ишлардан, жумладан, ҳожасининг аёли хоҳлаган бузуқликдан ҳам узоқ бўлди. Унга бунчалик ишларни раво кўрганимиз беҳуда эмас:

«Албатта, у Бизнинг мухлис бандаларимиздандир».

Хотин Юсуфга интилиб, у хотиндан қочиб:

وَأَسْتَبِقَا الْبَابَ وَقَدَّتْ قَمِيصَهُ مِنْ دُبُرٍ وَأَلْفَيَْا سَيِّدَهَا لَدَا الْبَابِ قَالَتْ مَا جَزَاءُ مَنْ
أَرَادَ بِأَهْلِكَ سُوءًا إِلَّا أَنْ يُسْجَنَ أَوْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٥﴾

25. Эшик томон чопишди. Хотин унинг кўйлагини орқасидан юлиб олди. Эшик олдида у(хотин)нинг хожасига дуч келишди. У(хотин): «Сенинг аҳлингга ёмонлик хоҳлаганнинг жазоси фақатгина қамалмоқ ёки аламли азобдир», – деди.

Хотиннинг нафси шу даражага етган эдики, Юсуфга интилибгина қолмай, уни қувишга тушди. Юсуф ҳам фоҳиша ишга умуман бормаслигининг таъкиди сифатида эшик томон қочди. Хотин қочаётган Юсуфнинг кўйлагидан ушлаб тортган эди, кўйлакнинг бир парчаси қўлида юлиниб қолди. Шу пайт кутилмаган иш содир бўлди:

«Эшик олдида у(хотин)нинг хожасига дуч келишди».

Хотиннинг эри келиб қолди. Нима қилиш керак?

Маккор хотин ўзини йўқотмай, дарҳол ҳужумга ўтди:

«Сенинг аҳлингга ёмонлик хоҳлаганнинг жазоси фақатгина қамалмоқ ёки аламли азобдир», – деди».

Яъни, Юсуф менга – сенинг аҳлингга ёмон ният билан ҳамла этди, бузуқлик қилишни хоҳлади. Энди унинг жазоси ёки қамоқ, ёки аламли азоб бўлиши керак, деди.

Хотиннинг бу бўҳтони қаршисида Юсуф ҳам жим турмади:

قَالَ هِيَ زَوَدَتْنِي عَنْ نَفْسِي وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّنْ أَهْلِهَا إِن كَانَ قَمِيصُهُ قُدِّمَ مِنْ قَبْلِ فَصَدَقَتْ وَهُوَ مِنَ الْكَاذِبِينَ ﴿٢٦﴾

26. У: «Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», – деди. У(хотин)-нинг аҳлидан бир гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибдир, у ёлғончилардандир.

وَإِن كَانَ قَمِيصُهُ قُدِّمَ مِنْ دُبُرٍ فَكَذَبَتْ وَهُوَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿٢٧﴾

27. Агар унинг кўйлаги орт томондан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлғон гапирибдир, у ростгўйлардандир», – деди.

Юсуф хотиннинг бўҳтонини рад этиб, очиқчасига:

«Унинг ўзи менинг нафсимни хоҳлади», деганидан сўнг ким ҳақ эканини аниқлаш заруратга айланди. Бундай ҳолларда бир томоннинг фойдасига, иккинчи томоннинг зарарига ҳукм чиқариб, ҳақни изҳор қилиш учун далил керак бўлади. Худди шу ишга хотиннинг аҳлидан бир киши гувоҳлик берди. У гувоҳ ким эканлиги, ёши, қачон келгани, воқеадан қандоқ хабардор бўлгани айтилмайди. Лекин муҳими ва кераги айтилади. Афтидан, гувоҳ ақл-заковатли ва тадбиркор ҳамда одил одам бўлса керак, бу ҳодисадаги бирдан-бир ашъвий далилдан жуда ўринли фойдаланган. У ҳам бўлса, Юсуф кўйлагининг йиртиғидир. Хотин: «Юсуф менга ҳамла қилди», демоқда. Юсуф эса: «Йўқ, унинг ўзи менга ҳамла қилди», деб рад этмоқда. Воқеани ҳеч ким кўрмаган. Фақатгина кўйлак йиртилган. Шунга қараб аниқлаш мумкин.

Мазкур гувоҳ ҳакамликни худди шу бирдан-бир нозик нуқтадан чиқарди.

«У(хотин)нинг аҳлидан бир гувоҳ гувоҳлик берди ва: «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, бас, хотин рост айтибди, у ёлғончилардандир...»

Агар кўйлак олд томондан йиртилган бўлса, Юсуф ҳамла қилган, хотин эса, ҳимояланиш чоғида кўйлакнинг олдидан йиртиб

олган бўлади. У ҳолда хотиннинг даъвоси тўғри, Юсуф ёлғончи бўлади.

«Агар унинг кўйлаги орт томондан йиртилган бўлса, бас, хотин ёлғон гапирибди, у ростгўйлардандир», – деди.»

Агар кўйлак орт томондан йиртилган бўлса, хотин ҳамла қилган бўлади. Хотин қочаётган Юсуфни тутиш учун ортидан ташланиб, кўйлакни йиртган бўлади. У ҳолда хотин ёлғон гапирган, Юсуф эса, ростгўй бўлади. Оқилона гап, одилона ҳукм.

فَلَمَّا رَأَوْا قَمِيصَهُ قَدَّ مِنْ دُبُرٍ قَالَ إِنَّهُ مِنْ كَيْدِكُنَّ إِنَّ كَيْدَكُنَّ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾

28. Эр унинг кўйлагининг орт томонидан йиртилганини кўрган пайтда: «Албатта, бу (иш) сиз хотинларнинг макрингиздир. Албатта, сиз хотинларнинг макри жуда зўрдир», – деди.

Эр Юсуфнинг кўйлаги орт томонидан йиртилганини кўргач, ҳамма нарсани тушунди. Лекин бу ишга оддий қаради. Ўзига ўхшаган оқбилакларга ўхшаб, хотинига бир нарса демади. Очиқ-ойдин айбдор бўлиб турган хотинга бир оғиз ҳам гап айтмай, умумий қилиб:

«Албатта, бу (иш) сиз хотинларнинг макрингиздир. Албатта, сиз хотинларнинг макри жуда зўрдир», – деди.»

Худди, айбни ҳамма хотинлар қилгандек эди. Худди, бу айбни барча хотинлар қиладигандек эди. Шу билан ўзини ўзи алдаган оқбилак эр ўзига хиёнат қиляётганида устидан чиқиб қолган хотинига ҳам бирор оғиз гап айтишга ярамади.

Бир оз ўтиб, хиёнатчи хотиннинг оқбилак эри Юсуфга қараб:

يُوسُفُ أَعْرَضَ عَنْ هَذَا وَاسْتَغْفِرِي لِذَنبِكِ إِنَّكِ كُنْتِ مِنَ الْخَاطِئِينَ ﴿٢٩﴾

29. «Эй Юсуф, сен бу ишни унут. Сен, хотин, гуноҳингга истиффор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг», – деди.

Айшу ишратга берилган табақалар орасида бунақа ҳодисалар тез-тез учраб туради. Шунинг учун ҳам, эр бу номуссизликка тузукроқ чора кўришнинг ўрнига, ёпиғлиқ қозонни ёпиғлиқ ҳолида қолдиришга ҳаракат қилди. Оиласининг айбини очиши мумкин бўлган бирдан-бир шахсга – Юсуфга қарата:

«Эй Юсуф, сен бу ишни унут», деди.

Яъни, эсиндан чиқариб юбор. Туя кўрдингми, йўқ. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверсин. Ичкарида нима бўлса, бўлаверсин. Ичкаридаги гап ташқарига чиқмаслиги керак.

Лекин Аллоҳнинг билиши билан ишлари йўқ.

Асосий айбдорга – хотинга нима жазо? Ўз аҳлидан бўлган шохиднинг олдида фаҳш ишга урингани ашъвий далил билан собит бўлган хотинга эр нима жазо белгилайди? Бунинг жазоси ҳам ўша зодагон табақанинг ўзига хос:

«Сен, хотин, гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг», – деди».

Сен хато қилдинг. Сени ҳар қандай жазога тортса бўлади, майли, гуноҳингга истиғфор айтиб, кечирим сўраб қўйсанг, бўлди. Шу билан иш битади.

Лекин ҳар қанча уринмасинлар, барибир, шаҳар аёллари ўртасида бу гап тарқаб кетди. Чунки зебу зийнатга, айшу ишрат, кайфу сафога берилган табақага шунақа иш керак, бир гапнинг учини топсалар, бўлди, унга қўшиб-чатиб, оламга дoston қилиб юборадилар.

﴿ وَقَالَ نِسْوَةٌ فِي الْمَدِينَةِ امْرَأَتُ الْعَزِيزِ تُرَاوِدُ فَتَاهَا عَنْ نَفْسِهِ ۗ قَدْ شَغَفَهَا حُبًّا ۗ اِنَّا لَنَرُّهَا فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴾

30. Шаҳардаги аёллар: «Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди. Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да! Биз у(аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», – дейишди.

Ушбу оятда биринчи марта «Азиз» деб эрнинг кимлиги, унинг мансаби зикр этилмоқда. Бундан аввал эса, «Юсуфни Мисрда сотиб олган киши», «хотиннинг эри», «хотиннинг хўжайини» каби сифатлар билан васф қилиниб келинаётган эди. «Азиз» ўша вақтдаги бош вазир. Мисрда подшоҳлар «фиръавн», бош вазир эса «азиз» деб аталган.

Демак, юқорида юз берган машмашалар ҳукмдор табақада бўлаётган экан. Бу доираларда доимо шундай бўлади. Аёлнинг ўзини эмас, кимнинг хотини эканлигини айтиб туриб айблаш ҳам хотинларнинг қизиқ бир ҳолати. Бузуқ тоифаларнинг йўсини шу-да, ўзи.

«Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди.»

Бошқа вақтда зикр қилмасалар ҳам, бунақа ишлардан кейин хотиннинг кимнинг хотини эканини чертиб айтишади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, шу воқеагача у одамнинг кимлиги айтилмай келгандир.

«Унга жуда ҳам муҳаббат қўйиб қолган экан-да!»

Юрагидан уриб қолган экан-ку. Уни кўрмаса, туролмас экан.

«Биз у(аёл)ни, албатта, очиқ-ойдин адашувда деб биламиз», – дейишди.»

Шунчалик улуғ одамнинг хотини ҳам шунақа ишни қиладими! Қаранг-а, қанақа хотин экан! Залолатга кетмаган бўлса, бундай қил-

масди. Кўзини ёғ босиб қолган. Тўқликка шўхлик-да. Азизнинг хотини ҳам анойи эмас.

فَلَمَّا سَمِعَتْ بِمَكْرِهِنَّ أَرْسَلَتْ إِلَيْهِنَّ وَأَعْتَدَتْ لَهُنَّ مُتَّكِنًا وَهَاتَتْ كُلَّ وَاحِدَةٍ مِّنْهُنَّ سِكِّينًا
وَقَالَتِ آخْرَجْتُ عَلَيْهِنَّ فَلَمَّا رَأَيْنَهُ أَكْبَرْنَهُ وَقَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ وَقُلْنَ حَاشَ لِلَّهِ مَا هَذَا بَشَرًا إِنْ هَذَا إِلَّا
مَلَكٌ كَرِيمٌ

31. У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда, уларга одам юбориб чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади. Ва ҳар бирларига пичоқ берди. Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» – деди. Уни кўрган чоғларида лол қолдилар, қўлларини кесдилар. Ва: «Ё пок Парвардигоро! Бу башар эмас! Бу карамли фариштаннинг ўзи-ку!» – дейишди.

Бош вазирнинг уйига меҳмонга чақирилганликларидан миш-миш тарқатган аёллар ҳам юқори табақадан эканлиги маълум бўлади.

«У уларнинг макри ҳақида эшитган вақтда, уларга одам юбориб чақирди. Уларга суяниб ўтирадиган жой тайёрлади.»

Шаҳардаги аёлларнинг миш-мишларидан хабардор бўлган Азизнинг хотини уларнинг ҳаммасини меҳмонга чақирди. Ўша вақтнинг урфига биноан, суянчиқли ўринларни ҳам тайёрлаб қўйди. Ўзи олдиндан тузиб қўйган режа бўйича:

«ҳар бирларига пичоқ берди».

Меҳмондорчиликда дастурхондаги ноз-неъматлардан кесиб, еб ўтиришарди.

«Сўнгра (Юсуфга): «Уларнинг олдига чиқ!» – деди.»

Мени маломат қилган оғзи полвон хотинлар сени бир кўриб қўйсин!

«Уни кўрган чоғларида лол қолдилар.»

Юсуф меҳмонларнинг ҳузурига чиқди. Аёллар унинг ҳусну жамолини кўриб, бошлари айланиб, лол қолдилар, ҳайратга тушдилар ва беихтиёр, қўлларидаги пичоқлар ила:

«Қўлларини кесдилар».

Бу ҳол уларнинг ҳушлари бошидан учганлигининг таналаридаги тамғаси, ҳужжат-далили бўлиб қолди. Азизнинг хотини беҳудага улардан ҳар бирининг қўлига пичоқ бермаган ва кесиб ейиладиган таомларни тайёрламаган эди. Юсуфнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиш ўзининг бошидан ўтган, шунинг учун, бошқа аёлларнинг ҳоли нима бўлишини ҳам яхши билар эди.

Меҳмон аёллар тамоман ўзларини йўқотдилар. Қўллари кесилганини ҳам сезмасдан, ҳайрат ва ҳаяжонларини яшира олмай, беихтиёр:

«Ё пок Парвардигоро! Бу башар эмас! Бу карамли фаришта-нинг ўзи-ку!» – дейишди».

Ана шунда Азизнинг хотини уларнинг бу ҳолини, Юсуфнинг ҳусну жамоли олдида таажжуб ва ҳайрат ила лол бўлганларини кўриб, ўзини голиб сезди. Энди у ўзини маломат қилган аёллар устидан кула бошлади.

قَالَتْ فَذَلِكَ الَّذِي لُمْتَنِي فِيهِ وَلَقَدْ رَوَدتُّهُ عَنْ نَفْسِهِ ۖ فَاسْتَعْصَمَ وَلَئِن لَّمْ يَفْعَلْ مَا
ءَامُرُهُ لَيَسْجَنَنَّ وَلَيَكُونَا مِنَ الصَّغِيرِينَ ﴿٢٢﴾

32. У: «Сиз мени маломат қилган нарса – шу. Ҳа, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади. Агар у менинг амримни бажармаса, албатта қамалур ва хор бўлгувчилардан бўлур», – деди.

Мазкур масалада бошқани маломат қилиб турган аёллар ундан ҳам баттар аҳволга тушиб, ҳаяжонларини яшира олмай қолганидан кейин Азизнинг хотини сипо гапни йиғиштириб, пардасиз, беҳаё гапга ўтди:

«Сиз мени маломат қилган нарса – шу».

Азизнинг хотини хизматкорининг нафсини хоҳлабди, демаганми-дингиз? Хизматкорим шу йигит. Ҳа, қани айтинг-чи, ўзингизга нима бўлди? Нимага қўлингизни кесиб олдингиз? Нимага буни башар эмас, малак, демоқдасиз? Қандоқ бўлар экан? Гапириш жуда осон:

«Ҳа, мен ундан нафсини хоҳладим, бироқ у ўзини сақлади».

Энди вазирнинг хотини фаҳш ишни хоҳлаганини ҳам яширмай қўйди. Юсуфнинг поклигини ҳам тан олди. Аёл фахрлана бошлади. Мисрнинг казо-казо аёллари ошиқу беқарор бўлиб қолган йигит унинг хизматкори эди. Унинг қўли остида эди. Унинг айтганини қилар эди. Аёллар олдида фахр билан:

«Агар у менинг амримни бажармаса, албатта қамалур ва хор бўлгувчилардан бўлур, – деди».

Яъни, мен айтган фаҳш ишни қилмаса, уни қаматаман ва хору зор қиламан, деди.

Бу гапларни эшитган Юсуф алайҳиссалом дарҳол:

قَالَ رَبِّ السِّجْنُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا يَدْعُونَنِي إِلَيْهِ وَإِلَّا تَصْرِفْ عَنِّي كَيْدَهُنَّ أَصْبُ إِلَيْهِنَّ
وَأَكُنُّ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٢٣﴾

33. У: «Эй Роббим, улар мени чорлаётган нарсадан кўра мен учун қамоқ маҳбуброқдир, бу (аёл)ларнинг макрини мендан ўзинг

нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қоламан», – деди.

Энди Юсуфни фақат Азизнинг хотини эмас, меҳмонга келган аёллар ҳам яхши кўриб қолишган эди. У аёллар ҳам Азизнинг хотинини қўллаб-қувватлашарди. Шунинг учун ҳам, Юсуф алайҳиссалом:

«Эй Роббим, улар мени чорлаётган нарсадан кўра, мен учун қамоқ маҳбуброқдир», демоқдалар.

Улар – ана у хотинлар чорлаётган ҳаром ишни қилишдан кўра, менга қамоқ яхшироқдир.

Дарҳақиқат, Юсуф алайҳиссалом қийин имтиҳонга учраган эдилар. Шунинг учун ҳам, ўзларига ишончлари етарли бўлса-да, банда эканликларини назарда тутиб, Аллоҳ таолодан ёрдам сўрамоқдалар:

«Бу(аёл)ларнинг макрини мендан Ўзинг нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қоламан», – деди».

فَأَسْتَجَابَ لَهُ رَبُّهُ فَصَرَفَ عَنْهُ كَيْدَهُمْ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

34. Бас, Робби унинг (дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрини ундан нари қилди. Албатта, Унинг Ўзи эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.

Аллоҳ қайси йўл билан бўлса ҳам, Юсуфни бу фитнадан қутқарди. Муҳими шу бўлгани учун, қандай қилиб, нима восита билан қутқаргани айтилмади. Асосийси, банда чин қалбдан Аллоҳга илтижо қилиб сўраса, Аллоҳ унинг дуосини ижобат этиб, сўраганини беришидир.

«Бас, Робби унинг (дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрини ундан нари қилди.»

Юсуф алайҳиссалом ҳам жуда қийин ҳолатга тушиб қолишларига қарамай, собит турдилар, ўзларини ҳаромдан олиб қочдилар ва Аллоҳдан тинмай ёрдам сўрадилар, оқибати хайрли бўлди. Аллоҳ хотинларнинг макрини у кишидан нари қилди.

«Албатта, Унинг Ўзи эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.»

Бандаси илтижо қилса, сўраса, албатта эшитади, банданинг ҳолини ва ниятини билади ҳамда шунга қараб, Ўзи билиб тасарруф қилади.

ثُمَّ بَدَأَ لَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا رَأَوُا آيَاتِ لَيْسَ جُنَّتْهُ حَتَّىٰ حِينٍ

35. Сўнгра, оят-аломатларни кўрганларидан кейин, уларга уни бир муддат қамашлари аён бўлди.

Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, Азиз ва унинг атрофидагиларга, хотиннинг аҳлига Юсуфнинг беайб эканлиги аломатлари зо-

ҳир бўлиб, кўзлари билан кўрганларидан кейин, уни бир муддат қамашлари аён бўлди.

Қизиқ ва мантиқсиз иш, лекин аччиқ ҳақиқат. Одатда, соғлом жамиятда биров тухматга учраса, текширганларида унинг айбсизлиги аён бўлса, узр айтиб, ҳақиқат тикланади. Буларнинг жамияти бўлса, кўйлакнинг орт томонидан йиртилганини кўрди. Хотин кўпчиликнинг олдида, мен унинг нафсини хоҳладим, аммо у ўзини олиб қочди, деб эътироф қилди. Шунингдек, бошқа аломатлар ҳам бўлгандир. Қисқаси, Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари юз фоиз исбот қилингандан кейин «Сенинг поклигинг собит бўлди. Баракалла, кел, энди сени қамаб қўяйлик», дейишмоқда. Бундай ажойиботлар фақат ишрат кетидан тушиб, орномусни йўқотган ҳукмдор, зодагон табақаларда бўлиши мумкин, холос. Ҳамма фитнани кўзгаган, айбнинг борини қилган ва кўпчилик олдида «ишни мен қилдим» деб фахрланиб турган хотинга эса, ҳеч гап бўлгани йўқ. Аммо пок бўла туриб, ўзини тутган бечорани беғуноҳлиги аниқ бўлгандан сўнг, ўзларининг обрўларини сақлаш учун қамашмоқда. Авом халқ унинг қамалганини эшитса: Ҳа, ўзидан бир гап ўтган бўлса керак, бўлмаса, қамашмасди, дейди-да. Шундай қилиб, Юсуф алайҳиссаломнинг бошларига янги синов келди. У киши қамоққа тушди.

وَدَخَلَ مَعَهُ السِّجْنَ فَتَيَانِ قَالَ أَحَدُهُمَا إِنِّي أَرَانِي أَعْصِرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي
أَرَانِي أَحْمِلُ فَوْقَ رَأْسِي خُبْرًا تَأْكُلُ الطَّيْرُ مِنْهُ نَبَأًا وَيَلَهُ اتَّانَرْنَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٢٦﴾

36. У билан қамоққа иккита йигит ҳам кирди. Улардан бири: «Мен тушимда шароб тайёрлаб юрибман», – деди. Бошқаси эса: «Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда», – деди. «Бизга бунинг таъбирини хабар қил. Биз сени, шубҳасиз, яхши амал қилгувчилардан, деб билмоқдамиз».

Қамоқда турли одамлар бор эди. Жумладан, Юсуф алайҳиссаломга ўхшаб олий табақа истаган ишни қилмай, уларнинг қаҳрига учраганлар ҳам. Юсуф алайҳиссаломнинг ақл-заковати, тақвоси, художўйлиги ошкор кўриниб турганидан, қамоқдаги одамлар у зотга кўнгиллари очадиган, маслаҳат сўрайдиган бўлишди.

«У билан қамоққа иккита йигит ҳам кирди.»

Яъни, Юсуф алайҳиссалом қамалганда, бошқа икки йигит ҳам банди эди. Бир куни ўша икки йигит у кишининг ҳузурларига келишди:

«Улардан бири: «Мен тушимда, шароб тайёрлаб юрибман», – деди.»

Яъни, узумни сиқиб, ундан хамр – шароб тайёрлаб юрибман, деди. Бошқаси эса:

«Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда», – деди.

Иккинчи йигитнинг туши ҳам ўзига хос эди. Икковлари ҳам тушларининг таъбирини билишни хоҳлардилар.

«Бизга бунинг таъбирини хабар қил. Биз сени, шубҳасиз, яхши амал қилгувчилардан, деб билмоқдамиз.»

Шунинг учун ҳузурингга келдик. Бўлмаса, келмас эдик, дейишди.

Ҳақиқий даъватчи Аллоҳнинг йўлига даъват қилишда ҳар бир ҳолатдан унумли фойдаланади. Юсуф алайҳиссалом ҳам йигитларнинг эҳтиёж туфайли ҳузурларига келишганини даъват учун қулай фурсат билдилар. Кўнгилларини тўқ қилиш учун аввал уларни қизиқтираётган масалада гап очиб қўйиб, сўнгра даъватга ўтдилар:

قَالَ لَا يَا تَيْكَمَا طَعَامُ تُرْزِقَانِهِ ۚ إِلَّا نَبَأْتُكُمْ بِتَأْوِيلِهِ ۗ قَبْلَ أَنْ يَأْتِيَكُمَا ذَٰلِكُمَا مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّي ۗ إِنِّي تَرَكْتُ مِلَّةَ قَوْمٍ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَافِرُونَ ﴿٢٧﴾

37. У: «Мен сизларга ризқ бўладиган таом келгунига қадар унинг қандай эканининг хабарини берурман. Бу иш менга Роббим таълим берган нарсалардандир. Чунки, мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўлган қавмнинг миллати(дини)-ни тарк этган одамман.

Юсуф алайҳиссалом ўзларига умид билан қараб турган икки йигитга латофат билан жавоб бердилар. Дастлаб, улар тушунолмайд қийналаётган жумбоқни ечиш осон иш эканлигига ишора қилдилар.

«У: «Мен сизларга ризқ бўладиган таом келгунига қадар унинг қандай эканининг хабарини берурман», деди.

Яъни, келажакда етадиган ризқнинг хабарини бериш имкони борлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, бу фазлнинг ҳақиқий масдарига далолат қилиб:

«Бу иш менга Роббим таълим берган нарсалардандир», деб қўшиб қўйдилар.

Шу билан бирга, ўзларига Парвардигори Олам бошқа нарсаларни ҳам таълим берганлигини билдирдилар ва ўша Роббоний таълим асосида иш олиб бораётганлари ҳақида хабар бериб:

«Чунки, мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга кофир бўлган қавмнинг миллати(дини)ни тарк этган одамман», дедилар.

Демак, у кишининг ақийдалари ва даъват қилаётган динлари Аллоҳга ва охират кунига иймон келтиришга асосланган. Бу икки унсур ҳамма Пайғамбарларнинг ақийдасидир. Сўнгра, Юсуф алайҳиссалом сўзларини давом эттирдилар:

وَاتَّبَعْتُ مِلَّةَ آبَائِي إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ مَا كَانُوا لَنَا أَنْ نُشْرِكَ بِاللَّهِ مِنْ شَيْءٍ
ذَلِكَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٢٨﴾

38. Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллати(дини)га эргашдим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди. Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар.

Юсуф алайҳиссалом бу сўзлари билан куфрни тарк этибгина қолмай, ҳидоят, иймон йўлига юриш зарурлигини ҳам қамоқдаги шерикларига англамоқдалар. Уларни куфр миллатини ташлаб, иймон миллатига эргашишга даъват қилмоқдалар.

«Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг миллати(дини)га эргашдим.»

Бу миллат холис тавҳид миллатидир. Унда куфр ва ширкдан асар ҳам йўқ.

«Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас эди.»

Агар шундай бўладиган бўлса, мўмин бўлмасдик.

«Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди.»

Ҳидоятга эришиб, тавҳид йўлида юриш катта бахт. Бу бахтни эса, фақат Аллоҳнинг Ўзигина бера олади. Ўзини билган одам учун бу улкан фазлдир. Унга шукр этиш, ўша ҳидоятда собитқадам бўлиш зарур.

«Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар.»

Оқибатда, бу тенгсиз фазилатдан бебаҳра қоладилар.

يُصَلِّحِي السَّجْنَءَ أَرْبَابٌ مُتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمِ اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿٢٩﴾

39. Эй, ҳамзиндон дўстларим, турли-туман Робблар яхшими ёки ёлғизу Қаҳҳор Аллоҳми?

Юсуф алайҳиссалом ҳибсдаги шерикларига берган ушбу савол ҳар бир инсон ўйлаб кўриши лозим бўлган саволдир. Ҳамма нарсага ҳукми ўтадиган, бутун борлиқни Ўзига бўйсундира оладиган, Қаҳҳор сифатига соҳиб ёлғиз Аллоҳни Робб – тарбиякунанда деб билган яхшими ёки бу сифатларнинг тариқчасига эга бўлмаган турли-туман «худо»ларни Робб – тарбиякунанда қилиб олган яхшими? Ҳақ жавоб битта: Қаҳҳор зот бўлмиш ёлғиз Аллоҳни Робб – тарбиякунанда қилиб олишдан бошқа яхшилик йўқ. Ҳолбуки:

مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَآبَاءُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ إِنْ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٠﴾

40. Сизлар ундан ўзга, ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмларга, Аллоҳ уларга бирон ҳужжат нозил қилмаган нарсаларга ибодат қилмоқдасизлар. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди. Ана ўша тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.

Қаҳҳор сифатига эга бўлган ёлғиз Аллоҳни Робб деб билиш тўғри бўлгандан кейин, Унга ибодат қилиш, яъни, Унга бўйинсуниш, Унинг айтганини қилиш, Унгагина сиғиниш керак.

«Сизлар Ундан ўзга, ўзингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмларга, Аллоҳ уларга бирон ҳужжат нозил қилмаган нарсаларга ибодат қилмоқдасизлар.»

Яъни, бўйинсунмоқдасиз, уларни рози қилиш учун уринмоқдасиз, сиғинмоқдасиз. Ҳолбуки, сиз ибодат қилаётган нарсалар ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлар, холос. Улар турлитумандир. Баъзиларини ўзингиз ёки ота-боболарингиз қўл билан тош-ёғочдан йўниб олгансизлар. Баъзилари эса, ҳайвонлар ёки ўзингизга ўхшаган одамлардир. Яна баъзилари турли-туман урф-одат, тузум ёки фирқалардир. Буларнинг ҳеч бири инсонлар учун Парвардигор бўлишлик салоҳиятига эга эмаслар. Аллоҳ уларнинг Робб бўлишлари ҳақида бирон ҳужжат ҳам нозил қилган эмас. Аслида:

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир».

Демак, ер юзида бандалар устида ҳукми юрадиган биттагина Зот бор, у ҳам бўлса, Аллоҳ таолодир. Ҳаммага, ҳамма нарсага фақат Унинг ҳукмигина жорий бўлмоғи лозим. Ҳамма фақат Унинг ҳукми билангина яшамоғи лозим. Ундан ўзганинг ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Ҳукм қилиш хос бўлган Зот Аллоҳдир.

«У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди.»

Ундан ўзгага ибодат қилманг, бўйинсунманг, ҳукмига юрманг, рози қилишга уринманг ва сиғинманг.

«Ана ўша тўғри диндир.»

Фақат Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилишлик, Ундан ўзгага ибодат қилмаслик энг тўғри диндир — бўйинсунишлиқдир, ибодат қилишлиқдир, ҳукмига юришлиқдир.

«Лекин одамларнинг кўпи билмаслар.»

Шунинг учун, бу одамлар Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб, турли низомларнинг, ўзларига ўхшаган одамларнинг, фирқаларнинг ҳукмига юрадилар. Бу билан ўша тоғутларга ибодат қиладилар.

Шу билан Юсуф алайҳиссаломнинг зиндондаги дўстларини Аллоҳнинг йўлига даъват қилишлари охирига етади. Энди икки йигитнинг фикрларини ишғол қилиб турган масалага, улар кўрган тушларни таъбир қилишга ўтадилар:

يُصَحِّبِي السَّجْنَ أَمَا أَحَدُكُمْ فَيَسْقِي رَبَّهُ خَمْرًا وَأَمَا الْآخَرُ فَيُصَلِّبُ فَتَأْكُلُ
الطَّيْرُ مِنْ رَأْسِهِ ۗ قُضِيَ الْأَمْرُ الَّذِي فِيهِ تَسْتَفْتِيَانِ ﴿٤١﴾

41. Эй, ҳамзиндон дўстларим, сизлардан бирингиз хўжасига ҳамр соқийлиги қиладир. Бошқаси бўлса, осилади ва қушлар унинг бошидан ейдир. Сиз билмоқчи бўлган иш битди», – деди.

Юсуф алайҳиссалом туш таъбирини айтишда жуда риоя билан, одоб билан иш тутдилар. Ҳалиги йигитларга, сенинг тушингнинг таъбири – бу, сеники – бу, демадилар. Балки, тушининг таъбири нохуш бўлган шахсга оғир ботмаслиги учун:

«сизлардан бирингиз хўжасига ҳамр соқийлиги қилади. Бошқаси бўлса, осилади ва қушлар унинг бошидан ейди», дедилар.

Албатта, шунинг ўзи ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб турибдики, тушида шароб сиқаётган йигит яна бориб, хўжаси – подшоҳ саройида соқий бўлиб хизмат қилар экан. Тушида бошида нон кўтариб юрган, ўша нондан қушлар чўқиб еяётганини кўрган шахс эса, осилади ва қушлар келиб, бошини ейди.

وَقَالَ لِلَّذِي ظَنَّ أَنَّهُ نَاجٍ مِّنْهُمَا اذْكُرْنِي عِنْدَ رَبِّكَ فَأَنَسَهُ الشَّيْطَانُ
ذِكْرَ رَبِّهِ ۗ فَلَبِثَ فِي السَّجَنِ بِضْعَ سِنِينَ ﴿٤٢﴾

42. Ва у ўзи икковларидан нажот топгучи деб билган шахсга: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», – деди. Шайтон унга хўжасига эслатишни унуттирди. Бас, у қамоқда бир неча йил қолди.

Юсуф алайҳиссалом икки ҳамзиндон дўстларига тушларининг таъбирини айтиб бўлганларидан сўнг, улардан бирига, нажот топишини ўзлари башорат қилган шахсга, яъни соқийга:

«Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», дедилар.

Чунки, туш таъбири бўйича, бу йигит яна саройга кириб, хўжаси – подшоҳга соқий бўлиши кутилди. Худди ўша подшоҳ Юсуф

алайҳиссаломни суриштирмай-нетмай, турли ифво-бўхтонлар асо-сида, қамашга амр қилган эди. Унга яқин бўлган соқий қамоқда ноодил ҳукм ила бир мазлум ётганини эслатса, бирор кушойиш бўлармикан, деган хаёлга бордилар.

Дарҳақиқат, тушнинг таъбири тўғри чиқди. Ҳалиги йигит қамоқдан озод бўлиб, яна подшоҳга соқийлик қила бошлади. Аммо, Юсуф алайҳиссаломнинг илтимосини бажо келтирмади. Чунки:

«Шайтон унга хўжасига эслатишни унуттирди».

Яъни, шайтон соқийга подшоҳ ҳузурида Юсуф алайҳиссаломни эслатишни унуттирди. Оқибатда:

«Бас, у қамоқда бир неча йил қолди».

Бу эса, бандалар воситаси ила эмас, фақат Аллоҳ таолонинг хоҳиши ила ишлар ҳал бўлишидан бир дарс эди. Аллоҳга муқарраб бўлган бандалар доимо унинг ўзидан сўрашлари ва кутишлари лозимлигининг яна бир таъкиди эди.

وَقَالَ الْمَلِكُ إِنِّي أَرَى سَبْعَ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعٌ سُنبُلَاتٍ
خُضِرٍ وَأُخْرَى يَأْتِيهَا الْمَلَأُ أَفْتُونٍ فِي رُءْيَايَ إِنْ كُنْتُمْ لِلرُّءْيَا تَعْبُرُونَ ﴿٤٣﴾

43. Подшоҳ: «Мен тушимда еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганини ва еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғини кўрмоқдаман. Эй аъёнлар, агар туш таъбирини қиладиган бўлсангиз, менга тушимнинг фатвосини беринг», – деди.

Миср подшоҳининг «кўрмоқдаман» деб айтишидан мазкур туш-ни бир эмас, бир неча марта кўрганлиги маълум бўлади. У фақат шу тушни кўраверганидан кейин аъёнларини тўплаб, уларга тушини айтган ва таъбир қилишларини сўраган.

قَالُوا أَضْغَثٌ أَحْلَمٌ وَمَا نَحْنُ بِتَأْوِيلِ الْأَحْلَمِ بِعَامِينَ ﴿٤٤﴾

44. Улар: «Бу алғов-далғов тушдир. Биз бундай тушларнинг таъбирини билувчи эмасмиз», – дедилар.

Биз «алғов-далғов туш» деб таржима қилган маъно оятда «адғосу аҳломин» деб келган. Араб тилида «адғос» деб ҳўлу қуруқ аралаш ўт боғламига айтилади, «аҳлом» эса, «ҳулм»нинг жами бўлиб, «уйқуда кўрилган бўш хаёл» маъносида ишлатилади.

Аслида, аъёнлар подшоҳ тушининг яхшиликка далолат қилмаслигини билсалар ҳам, қандайдир кўнгилсизликка ишора эканлигини англасалар ҳам, бу ҳақда ҳеч нарса демадилар.

Бу – ҳукмдорлар атрофидаги аъёнларнинг доимий одатидир. Ҳукмдорга ёқадиган гапларни ташишда бир-бири билан мусобақа қилишади. Аммо унга ёқмайдиган гап бўлса, айтишдан ўзларини тортадилар. Миср подшоҳининг аъёнлари ҳам худди шу ишни қилдилар. Ўзларини четга олиб, бу алғов-далғов туш экан, бунақа тушларнинг таъбирини билмаймиз, деб қутулдилар.

Подшоҳ ҳузурида аъёнлар иштирокида туш ҳақида баҳс қизиганда, ўша ерда хизмат қилиб юрган соқийнинг эсига қамоқда тушининг таъбирини айтиб берган шахс, яъни Юсуф алайҳиссалом тушди. Унинг туш таъбирини айтишдаги илмини ҳаётида синаб кўрганидан, у ҳақида жамоатга, подшоҳга хабар беришни лозим топди.

وَقَالَ الَّذِي نَجَا مِنْهُمْ مَا آذَكَرَ بَعْدَ أُمَّةٍ أَمَا أَنَا أَنْبِئُكُمْ بِتَأْوِيلِهِ فَأَرْسِلُونِ ﴿٤٥﴾

45. Ва иккисидан нажот топгани анча муддат ўтгандан сўнг хотирлаб: «Бунинг таъбирининг хабарини сизга мен бераман. Мени юборинг», – деди.

Яъни, Юсуф алайҳиссалом билан қамоқда бўлган икки йигитдан қутулиб чиққани бир неча йиллар ўтгандан сўнг Юсуфни ва унинг туш таъбири билмдони эканини хотирлаб, подшоҳ ва аъёнларга:

«Бу тушнинг таъбирининг хабарини сизга мен бераман. Мени юборинг», деди.

Яъни, мени Юсуфнинг ҳузурига юборинг, деди. Уни юбордилар. У қамоққа кириб, Юсуфни топди, унга қараб:

يُوسُفُ أَيُّهَا الصِّدِّيقُ أَفْتِنَا فِي سَبْعِ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعُ عِجَافٍ وَسَبْعِ سُنبُلَاتٍ خُضْرٍ وَأُخْرَى يَا بَنِيَّ ارْجِعْ إِلَى النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾

46. У: «Юсуф, эй, ростгўй зот, бизга еттита семиз сигирни еттита ориқ сигир еяётганининг ва еттита яшил бошоқнинг ва шунча қуруғининг таъбирини айт. Шоядки, одамларга қайтиб борсам, улар ҳам билсалар», – деди.

Соқий йигит Юсуф алайҳиссаломни «сиддиқ» – ростгўй зот, деб атамоқда. Чунки, у Юсуфнинг ростгўйлигини тажрибада синаб кўрган. Сўнгра, у подшоҳнинг тушини таъбир қилиб беришни сўради, кейин уларга бориб етказиши зарурлигини ҳам таъкидлади. Юсуф алайҳиссалом унга қуйидагиларни айтдилар:

قَالَ تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ دَأَبًا فَمَا حَصَدْتُمْ فَذَرُوهُ فِي سُنْبُلِهِ ۖ إِلَّا قَلِيلًا مِمَّا نَأْكُلُونَ ﴿٤٧﴾

47. У: «Кетма-кет етти йил зироат қиласизлар. Йиғиштириб олган ҳосилингни бошоғида қолдиринг. Магар озгина ейдиганингни (қолдирмасангиз ҳам бўлур).

Яъни, подшоҳ тушида кўрган еттита семиз сигир ва яшил бошоқнинг таъбири шулки, етти йил жуда серҳосил келади. У йилларда сизлар кетма-кет дон экиб, зироат қиласизлар. Ҳосил тўплайсизлар. Ўшанда тўплаган ҳосилларингни бошоғида қолдиринг. Яхши сақланади. Чиримайди, қурт-қумурсқалар тешиб кетолмайди. Фақат, ўзингиз учун ейишга ярашасини олсангиз, бўлаверади.

ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ سَبْعٌ شِدَادٌ يَا كُنْ مَأْقَدٌ مِّمَّ هُنَّ إِلَّا قَلِيلًا مِمَّا تَحْتَسِنُونَ ﴿٤٧﴾

48. Сўнгра, ундан кейин еттита шиддатли (йил) келур, улар олдиндан тайёрлаб қўйганингни ейдилар. Магар, озгина асраб қўйганингни қолур.

Яъни, серҳосил етти йилдан кейин яна шунча шиддатли, қаҳатчилик йиллари келади. Подшоҳнинг тушидаги етти ориқ сигир ва қуруқ бошоқ шунга ишорат. Ўша етти шиддатли, қаҳатчилик йили ўзидан олдинги етти серобчилик йилини ейди.

Бошқача қилиб айтганда, етти мўл-кўлчилик йилида тўпланган ҳосилни етти қаҳатчилик йилида ейсизлар. Фақат уруғ учун сақлаб қўйган озгина донгина ейилмай қолади.

ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ النَّاسُ وَفِيهِ يَعْرِضُونَ ﴿٤٨﴾

49. Сўнгра, ундан кейин бир йил келадик, унда одамлар сероб қилинурлар ва унда (меваларни) сиқурлар», – деди.

Бу оятда келадиган башорат подшоҳнинг тушидан ташқаридадир. Яъни, Миср подшоҳи кўрган тушда бундай йилга таъбир қилинадиган ишора йўқ. Бу кейингиси Юсуф алайҳиссаломнинг Пайғамбарлик мўъжизаларидир. Етти йиллик серобчиликдан кейинги етти қаҳатчилик йили тугаб, ундан сўнг келадиган йилда ниҳоятда серобчилик бўлар экан. Унда одамлар устидан барака ёғиб, фаровонлик, мўл-кўлчилик бўлар, одамлар еганларидан ташқари, турли меваларни сиқиб, лаззатли ичимликлар ҳам тайёрлашар экан.

Юсуф алайҳиссалом соқийга ушбу гапларни айтганларидан кейин бу кўриниш тамом бўлади. Келаси оятда эса, қиссанинг навбатдаги бошқа бир кўриниши тасвирга чиқади. Унда соқийдан Юсуф алайҳиссалом айтган таъбирни эшитган Миср подшоҳининг сўзи келтирилади:

وَقَالَ الْمَلِكُ أَتُونِي بِهِ ۖ فَلَمَّا جَاءَهُ الرَّسُولُ قَالَ ارْجِعْ إِلَىٰ رَبِّكَ فَسْأَلْهُ مَا بَالُ النِّسْوَةِ
الَّتِي قَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ إِنَّ رَبِّي بِكَيْدِهِنَّ عَلِيمٌ ﴿٥٠﴾

50. Подшоҳ; «Уни менга келтиринглар», – деди. Унга элчи келган пайтда: «Хўжанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг ҳоли нима бўлганини сўра, албатта, Роббим уларнинг макрини билгувчидир», – деди.

Соқийдан хабарни эшитган подшоҳ Юсуф алайҳиссаломни ҳузурига олиб келишни амр этиб:

«Уни менга келтиринглар», – деди».

Подшоҳнинг амри билан элчи тезда Юсуф алайҳиссаломнинг олдиларига, қамокхонага келди ва хушxabарни етказди. Бундай хабар ҳар қандай одамни қувончга солиши табиий. Беайб ҳолда йиллаб қамокда ётган инсонни қамашга амр қилган одамнинг ўзи яхши ниятда ҳузурига чорлаётир. Бундай пайтда ҳар қандай одам чақириққа зудлик билан «лаббай» деб жавоб берар ва подшоҳ ҳузурига учиб борар эди. Аммо, Юсуф алайҳиссалом бундай қилмадилар. Туш таъбирини сўраб келишганда, умумхалқ манфаатини кўзлаб, ҳеч қандай шарт қўймай, содиқлик билан уни таъбир қилиб, кўрилиши лозим бўлган чораларни батафсил сўзлаб берган эдилар, лекин шахсларига тегишли хабар келганда, қамокдан чиқмай туришга қарор қилдилар.

«Унга элчи келган пайтда: «Хўжанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг ҳоли нима бўлганини сўра, албатта, Роббим уларнинг макрини билгувчидир», – деди.»

Юсуф алайҳиссалом қамокдан чиқишдан аввал подшоҳга ҳам, бошқаларга ҳам ўзларининг беайб эканликларини билдириб қўйишни ва орани очиқ қилиб олишни хоҳладилар. Қамалишларига сабаб бўлган ҳодисани қайта текширишни талаб қилдилар. Лекин бу ишда ҳам юксак одоб намунасини кўрсатдилар. Асосий айбдорни – Азизнинг хотинини эмас, кўпчиликни, яъни қўлларини кесган хотинларни эсга олдилар. Аллоҳ таоло ишнинг ҳақиқатини билиб турибди, лекин баъдалар ҳам бу ҳақиқатни билиб қўйишини хоҳладилар. Шу боис ҳам, элчидан подшоҳ олдига қайтиб бориб, қўлларини кесган хотинларнинг ҳоллари нима бўлганини сўрашни илтимос қилдилар.

قَالَ مَا خَطْبُكَ إِنَّ دِرْوَدَ بْنَ يُوسُفَ عَن نَفْسِهِ ۖ قُلْنَا حَسْبُ لِلَّهِ مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ مِنْ سُوٓءٍ
قَالَتْ أُمَّرَأَتُ الْعَزِيزِ أَلَيْسَ حَصْحَصَ الْحَقُّ أَنَا رُودَتْهُ عَنْ نَفْسِهِ ۖ وَإِنَّهُ لَمِنَ الصَّٰدِقِينَ ﴿٥١﴾

51. У: «Юсуфнинг нафсини хоҳлаган вақтингиздаги ишингиз нима эди?» – деди. Улар: «Аллоҳ сақласин! Биз унда бирон ёмонлик сезмадик», – дедилар. Азизнинг хотини: «Энди ҳақиқат зоҳир бўлди. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у содиқлардандир», – деди.

Ночор ҳолда қолган, тушнинг таъбиридан кейин келажақда Юсуф алайҳиссаломга кўп муҳтож бўлишини сезган подшоҳ у зотнинг талабларини дарҳол амалга оширди. Хотинларни тўплаб:

«Юсуфнинг нафсини хоҳлаган вақтингиздаги ишингиз нима эди?» – деди».

Улардан тўқликка шўхлик қилиб, Юсуфнинг чиройига маҳлиё бўлиб, унинг нафсини хоҳлаб, йўлдан уришга ҳаракат қилган пайтларида бўлиб ўтган ишларнинг тафсилотини, хусусан, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги фикрларини сўради. Ҳамма нарса аён бўлганини, инкор қилишдан фойда йўқ эканини англаб етган хотинлар очигини айтдилар:

«Улар: «Аллоҳ сақласин! Биз унда бирон ёмонлик сезмадик», дедилар».

Шу эътирофлари билан шаҳар аёллари Юсуф алайҳиссаломни оқладилар. У кишининг қамалишига сабаб бўлган шахслар энди келиб, у кишидан ҳеч қандай ёмонлик кўрмаганларини айтмоқдалар. Вақтида эса, қаматишга ҳаракат қилган эдилар. Воқеанинг асосий «қаҳрамони» – Азизнинг хотини ҳам шу ерда. У ўзига алоҳида савол берилишини кутиб турмади. Ҳақиқатни кўпчилик олдида эътироф этиб:

«Энди ҳақиқат зоҳир бўлди. Мен унинг нафсини хоҳладим. Албатта, у содиқлардандир», – деди.

Юсуф алайҳиссаломга муҳаббати тушган бу аёл яна жим турмади. Ҳамма нарсани очик айтди. Бўлиб ўтган ишга ўзи сабабчи бўлганини, Юсуф алайҳиссаломда айб йўқлигини ва у киши содиқлардан эканликларини кўпчилик олдида эълон қилди. Шу билан бирга, бу қилаётган тасарруфининг сабабини ҳам тушунтириб, қуйидагиларни айтди:

ذَلِكَ لِيَعْلَمَ أَنِّي لَمْ أَخُنْهُ بِالْغَيْبِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي كَيْدَ الْخَائِنِينَ ﴿٥١﴾

52. Бу, мен унга йўзида орқасидан хиёнат қилмаганимни, албатта, Аллоҳ хоинларнинг макрини тўғрилиқка йўлламаслигини билиши учундир.

Яъни, гуноҳимни эътироф қилиб, унинг пок эканини эълон этишимдан ўша одам билиб қўйсинки, мен унга орқасидан хиёнат қилмадим. Ва яна билсинки, Аллоҳ хиёнаткорларнинг макр-ҳийласини ҳеч қачон ҳидоятга бошламас.

﴿ وَمَا أُبْرِيْ نَفْسِيْ ۚ إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوْءِ ۗ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّي ۚ إِنَّ رَبِّي غَفُوْرٌ رَّحِيْمٌ ﴾

53. Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳим қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи Зотдир», – деди.

Мен бу гапларни нафсимни оқлаш учун айтаётганим йўқ, Аслида, нафс эгасини доимо ёмонликларга ундаб туради. Магар, Аллоҳ раҳим қилган зотнигина нафси ёмонликка ундамайди. Энг муҳими:

«Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчи Зотдир».

У Ўзининг Ғофир сифати ила бандаларидан ўтган гуноҳларни мағфират қилади.

У Ўзининг Олимлик сифати ила бандалари нима қилаётганини билиб турибди.

Ҳамма томондан – ҳам қўлларини кесган хотинлар, ҳам Азизнинг хотини томонидан Юсуф алайҳиссаломнинг покликлари исбот этилганидан кейин:

﴿ وَقَالَ الْمَلِكُ ائْتُونِي بِهِ ۖ أَسْتَخْلِصُهُ لِنَفْسِي ۖ فَلَمَّا كَلَّمَهُ قَالَ إِنَّكَ الْيَوْمَ لَدَيْنَا مَكِينٌ أَمِينٌ ﴾

54. Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан», – деди. У билан гаплашганда эса: «Албатта, сен бугунги кунда ҳузуримизда маконатли ва ишончли кишилардансан», – деди.

Подшоҳга Юсуф алайҳиссаломнинг пок эканликлари маълум бўлганидан сўнг, уни қамоқдан чиқариб олиб келишни амр қилди ва у зотни ўзига хос кишилардан қилиб олишини айтди:

«Подшоҳ: «Уни менга келтиринглар, уни ўзимга хос кишилардан қилиб оламан», – деди».

Юсуф алайҳиссаломни қамоқдан чиқариб олиб келганларидан сўнг, у киши билан гаплашди ва суҳбат сўнгида бу қарорини у кишига ҳам билдириб:

«Албатта, сен бугунги кунда хузуримизда маконатли ва ишончли кишилардансан», – деди».

Бу янгилик олдида Юсуф алайҳиссалом бошқалар каби эсанкираб қолмадилар. Подшоҳ «ҳазрати олийлари»нинг оёқларига йиқилмадилар, унга мақтов сўзларини ҳам айтмадилар, ўзларига кўрсатилган юксак ишончни оқлашга ваъда ҳам бермадилар. Балки, обрўларини сақлаган ҳолларида подшоҳга қараб:

قَالَ اجْعَلْنِي عَلَىٰ خَزَائِنِ الْأَرْضِ إِنِّي حَفِيظٌ عَلَيْمُ ﴿٥٥﴾

55. У: «Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман», – деди.

Бу – ўзига ишонган, қўлига олган ишни тўла-тўқис адо этишга қўзи етган одамнинг гапи. Оммага, халққа қайси жойда кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини билган шахснинг гапи. Юсуф алайҳиссалом подшоҳга ўзларини қайси ишга қўйишини айтишлари билан бирга, бу ишга лаёқатлари борлигини ҳам билдириб:

«Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман», дедилар.

Яъни, хазинани қандай муҳофаза қилиш – сақлаш ва уни қандай тасарруф қилишни билувчиман, дедилар. Туш таъбирига кўра, Миср ўлкаси келажакда худди шундай сифатларни ўзида мужассам қилган одамга муҳтож эди. Эл-юртни қийинчиликлардан сақлаш учун Юсуф алайҳиссаломга ўхшаш ҳалол-пок, омонатли, жиғилдони ва ҳамёнини эмас, халқни ўйлайдиган, элу улуснинг ғамини ейдиган, Аллоҳдан қўрқадиган, тақводор одам керак эди. Юсуф алайҳиссалом худди ўша одам ўзлари эканликларини баён қилдилар. Бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг тадбири билан амалга ошаётган эди. Шунинг учун ҳам, Юсуф алайҳиссаломнинг подшоҳга айтган:

«Мени ернинг хазиналари устига қўй» деган гапларига подшоҳ нима жавоб қилгани зикр этилмай, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари келмоқда:

وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ يَتَّبِعُوهُ مِنْهَا حَيْثُ يَشَاءُ نُفِيبُ بِرَحْمَتِنَا مَنْ نَشَاءُ
وَلَا نُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾

56. Шундай қилиб, Юсуфга ер юзида маконат бердик, уни ўзи хоҳлаган жойга ерлаша оладиган қилдик. Ўз раҳматимизни, кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз ва гўзал амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз.

«Шундай қилиб» яъни, Юсуфнинг беайб эканлигини билдириб, подшоҳнинг кўнглини унга бурдик.

«Юсуфга ер юзида маконат бердик, уни ўзи хоҳлаган жойга ерлаша оладиган қилдик.»

Юсуфнинг кўнглига хазинага омиликни сўраб олишни солдик. Бу билан Юсуфга ер юзида – Миср ўлкасида ёки бутун ер юзида

маконат бердик. Уни жойлаштириб, турли имкониятларга эга қилиб қўйдик. У ўша ерда хоҳлаган жойига жойлашадиган, хоҳлаган ишини қиладиган салоҳиятга эга бўлди.

«Ўз раҳматимизни, кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этур-миз...»

Ўша шахсга қийинчиликдан сўнг осонлик, ночорликдан сўнг имконлик, хавф-хатардан сўнг омонлик, хорликдан сўнг фаровонлик берамиз.

«...ва гўзал амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз.»

Эҳсон қилувчилар, Аллоҳга иймон келтириб, унга тақво қилиб, ибодатида собитқадам бўлувчилар эртами-кечми, барибир, ажрларини олурлар. Уларнинг ажри ҳеч қачон зое бўлмас. Бу дунёнинг ўзида кўражаклар.

وَلَا جَزَاءَ الْآخِرَةَ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا وَاٰنۡتَقُونَ ﴿٥٧﴾

57. Иймон келтирган ва тақво қилганлар учун, албатта, охи-ратдаги ажр яхшироқ бўлур.

Иймонли ва тақводор кишилар қилган гўзал амаллари учун бу дунёнинг ўзидаёқ яхши-яхши ажр-мукофотларга эришадилар, аммо уларга охирада бериладиган ажр-мукофотлар бундан ҳам яхшироқдир.

Шундай қилиб, Юсуф алайҳиссалом бошларига тушган қийинчиликларга, қамоқ ва туҳматларга қарамай, гўзал амалларини қилаверганликларининг мукофоти ўлароқ, улкан мақомга эришиб, у ерда ҳам омонат билан кўпчилик манфаати йўлида хизматларини давом эттириб бордилар. Кунлардан бир кун:

وَجَاءَ إِخْوَةَ يُوسُفَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ فَعَرَفَهُمْ وَهُمْ لَهُ مُنْكَرُونَ ﴿٥٨﴾

58. Юсуфнинг оға-инилари келдилар ва унинг ҳузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди. Улар эса, уни танимадилар.

Кейинги оятлардан Юсуф алайҳиссаломнинг акалари таом излаб келишгани маълум бўлади. Етти йиллик қаҳатчилик туфайли уларнинг юрти Канъонга ҳам очарчилик етган эди. Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни тадбирлари ва Аллоҳ берган имконларни ишга солишлари туфайли Миср аҳли бу қаҳатчиликдан катта зарар кўрмади. Ҳатто, бошқа ўлкалар улардан озиқ-овқат борасида ёрдам сўраб кела бошлади. Мисрда озиқ-овқат сероблигини эшитиб, Юсуф алайҳиссаломнинг оға-инилари ҳам шу ёққа келишди.

«Юсуфнинг оға-инилари келдилар.»

Табиийки, ёрдам сўровчилар дастлаб шу ишнинг бошида турган биринчи шахс – Юсуф алайҳиссаломга учрашлари лозим. Шунинг учун:

«Унинг ҳузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди».

Чунки, доим улар ҳақида сўраб-суриштириб турар эдилар. Хусусан, давлатнинг катта мансабига ўтирганларидан сўнг, бунга имконлари кўпайган бўлиши турган гап. Сўнгра, Юсуф алайҳиссаломдек мақом эгаси ҳузурига узоқдан келган меҳмонларни киритишдан олдин сарой хизматчилари уларнинг кимлигини, мақсадларини, қаердан келганликларини сўраб-суриштирадилар ва бу ҳақда раҳбарга хабар берадилар. Шу туфайли, оға-иниларини таниш Юсуф алайҳиссалом учун қийин бўлмади.

«Улар эса, уни танимадилар.»

Чунки, уни қудуққа ташлаганларидан сўнг: ўлди, уни бўри еб кетди, деб эълон қилишган эди. Шу сабабли, уни нафақат ўзлари, балки бошқалар ҳам унутиб юборишини хоҳлар эдилар ва унутиб юборган эдилар ҳам. Уларнинг бундан кейинги муомалалари ҳам шу ҳолатда кечади. Яъни, Юсуф алайҳиссалом ҳаммани таниб-билиб муомала қиладилар, оға-инилари эса, билмасдан.

Уларни таниб туриб, яхши қабул қилиб, меҳмондўстлик кўрсатиб, улардан ўзларига керакли маълумотларни билиб олган Юсуф алайҳиссалом:

وَلَمَّا جَهَّزَهُمْ بِجَهَّازِهِمْ قَالَ أَتُنُونِي بِأَخٍ لَّكُمْ مِّنْ أَبِيكُمْ أَ لَا تَرَوْنَ أَنِّي أُوْفِي الْكَيْلَ وَأَنَا خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ ﴿٥٩﴾

59. Уларнинг жиҳозларини юклаган вақтда: «Менинг ҳузуримга ота бир инингизни олиб келинг. Кўраяпсизларми? Мен ўлчовни тўла қилмоқдаман ва мен энг яхши мезбонман.

فَإِنْ لَّمْ تَأْتُونِي بِهِ، فَلَا كَيْلَ لَكُمْ عِنْدِي وَلَا تَقْرُبُونِ ﴿٦٠﴾

60. Агар уни ҳузуримга олиб келмасангиз, унда сизга менинг даргоҳимда ўлчаб бериш йўқ ва менга яқин ҳам келманглар», – деди.

Оға-иниларини яхшилаб меҳмон қилиб, суҳбат давомида улардан керакли гапларни билиб олган Юсуф алайҳиссалом уларга сўраган нарсаларини – озиқ-овқатни ҳам бердилар. Жўнаб кетишларидан олдин, молларини юклаш, йўлга тайёргарлик кўриш пайтида, янаги сафар ота бир иниларини ҳам олиб келишни тайинладилар.

Агар уни олиб келсалар, улар учун яхши бўлишини таъкидлаб, ўлчовни тўла қилаётганлари ва мезбонликни яхшилаб жойига қўяётганларини эслатдилар. Шу билан, ўша ота бир инингизни бирга олиб келсангиз, яна тўла ўлчовда керакли нарса оласиз ва яхши меҳмон бўласиз, демоқчи бўлдилар. Аксинча бўлса, уларга ҳеч нарса ўлчаб берилмаслигини ва ўзларига яқин кела олмасликларини ҳам таъкидлаб қўйдилар.

قَالُوا سَنُرْوِدُّعَنَّهُ أَبَاهُ وَإِنَّا لَفَاعِلُونَ ﴿٦١﴾

61. Улар: «Уни отасидан сўраб олиб келишга уринамиз. Биз бунни, албатта, қилувчимиз», – дедилар.

Яъни, улар ўша ота бир иниларини олиб келиш ўзларига боғлиқ эмаслигини англатдилар. Отасидан сўраб кўрамиз, дедилар. Аммо бу ишга алоҳида аҳамият беришларини таъкидлаб:

«Биз бунни, албатта, қилувчимиз», – дедилар».

Шунда Юсуф алайҳиссалом:

وَقَالَ لِفَتْنِهِ اجْعَلُوا بَضْعَنَّهُمْ فِي رِحْلِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَعْرِفُونَهَا إِذَا انْقَلَبُوا إِلَىٰ أَهْلِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٦٢﴾

62. У ўз йигитларига: «Уларнинг сармояларини юклари ичига солиб қўйинглар. Шояд, улар аҳлларига борганларида буларни таниб, қайтиб келсалар», – деди.

Бу гапдан Юсуф алайҳиссаломнинг оға-инилари матоҳ айирбошлаш учун ўша вақтнинг пулидан ташқари, юртларидаги маҳсулотлардан ҳам олиб келганлари маълум бўлади.

Улар шу сармояларга Мисрдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб кетишни қасд қилган эдилар. Юсуф алайҳиссалом ўша келтирган сармоя маҳсулотларига яраша озиқ-овқатни ўлчаб бердилар. Энди эса, хизматчи йигитларига:

«Уларнинг сармояларини юклари ичига солиб қўйинглар», демоқдалар.

Бу ҳам меҳмонга ҳурмат, сахийлик аломати. Шу билан бирга, бу ишни қилишда Юсуф алайҳиссалом бошқа бир мақсадни ҳам кўзлаган эдилар:

«Шояд, улар аҳлларига борганларида буларни таниб, қайтиб келсалар».

Яъни, сармояларини ўзларига қайтариб беришлик уларда Миср-га яна қайтиб келишга рағбат уйғотса.

Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлиб чиқди.

فَلَمَّا رَجَعُوا إِلَىٰ أَبِيهِمْ قَالُوا يَا أَبَانَا مُنِعَ مِنَّا الْكَيْلُ فَأَرْسِلْ مَعَنَا آخَانَذَكَتَلْ
وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿٦٣﴾

63. Оталари ҳузурига қайтиб борганларида: «Эй отамиз, бизга ўлчаб бериш ман этилди. Биз билан инимизни юбор, ўлчаб оламиз ва, албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», – дедилар.

Кўринишидан, Яъқуб алайҳиссаломнинг юртида озиқ-овқат масаласи ўта муҳим муаммога айланган, ҳамманинг фикри-зикри шу масалани ҳал этишга қаратилганга ўхшайди. Шунинг учун, узоқ сафардан қайтган ўғиллар олиб келган юкларини очмай туриб, бошқа масалаларга эътибор ҳам бермасдан, яна орқага қайтиб, озиқ-овқат олиб келиш чораларини изламоқдалар ва гапни шундан бошламоқдалар. Улар, агар энди укаларини бирга олиб бормасалар, озиқ-овқат ўлчаб бериш ман қилинишининг хабарини бермоқдалар. Эҳтимол, шу йўл билан оталарини кўндириш осон, деб ўйлашгандир.

Яна бунинг орқасидан:

«албатта, биз уни муҳофаза қилувчилармиз», деб ваъда ҳам бермоқдалар.

Ўғилларидан бу гапни эшитган Яъқуб алайҳиссалом қуйидаги жавобни бердилар.

قَالَ هَلْ ءَامَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَا ءَامَنُكُمْ عَلَىٰ أَخِيهِ مِن قَبْلُ فَاللَّهُ خَيْرٌ حَافِظًا وَهُوَ
أَرْحَمُ الرَّحِيمِينَ ﴿٦٤﴾

64. У: «Уни сизларга худди акасини ишонганимдек ишониб топширайми? Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳимлиларнинг энг раҳимлигидир», – деди.

Сизга ишониб, унинг акаси Юсуфни топширган эдим, нима бўлди. Энди бунисини ҳам сизга топширайми? Сиз яхши муҳофаза қиламиз, сақлаймиз, деб ваъда бермоқдасиз. Менга ваъдангизнинг кераги ҳам йўқ, мен бу ваъдага ишонмайман ҳам. Аввало, боламни Аллоҳнинг Ўзи сақласин, Унинг Ўзи раҳим қилсин.

«Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳимлиларнинг энг раҳимлигидир.»

Оталаридан бу гапни эшитган ўғиллар бориб, юкларини очдилар.

وَلَمَّا فَتَحُوا مَتَعَهُمْ وَجَدُوا بِضَاعَتَهُمْ رُدَّتْ إِلَيْهِمْ قَالُوا يَا بَأْسَآ مَا نَبِغِي هَذِهِ
بِضَاعَنَا رُدَّتْ إِلَيْنَا وَنَمِيرُ أَهْلَنَا وَنَحْفَظُ أَخَانَا وَنَزَدَادُ كَيْلَ بَعِيرٍ ذَلِكَ كَيْلُ يَسِيرٍ ﴿١٥﴾

65. Юкларини очган пайтда, сармояларининг ўзларига қайтарилганини билдилар. «Эй отамиз, яна нима истаймиз? Мана, сармояларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна аҳдимизга зод келтирурмиз, укамизни муҳофаза қилиб, бир туя зиёда (юк) ўлчови оламиз. Бу озгина ўлчовдир», – дедилар.

Улар юкларини очиб, сармояларининг ўзларига қайтарилганини кўрганларида, Юсуф алайҳиссалом кутган ҳолат юзага келди. Мисрга кичик ўғилни юборишга кўнмай турган оталарини кўндириш учун қайтиб келган сармояларини рўкач қила бошладилар:

«Юкларини очган пайтда, сармояларининг ўзларига қайтарилганини билдилар. Эй отамиз, яна нима истаймиз? Мана, сармояларимиз ўзимизга қайтарилибди.»

Бундан бошқа яна нима керак ўзи? Ҳар биримизга озиқ-овқатни тўла ўлчаб берган бўлса, яна сармояларимизни ҳам олмасдан, қайтариб солиб қўйган бўлса. Сен эса, укамизни бизга қўшиб беришга кўнмай ўтирибсан. Агар қўшиб берсанг, биз Мисрга бориб:

«Яна аҳдимизга зод келтирурмиз.»

Зоддан мурод, озиқ-овқатдир.

«...укамизни муҳофаза қилиб, бир туя зиёда (юк) ўлчови оламиз.»

Яъни, қўрқмай укамизни бизга қўшиб юборавер, биз, албатта, укамизни муҳофаза қиламиз ва уни олиб борганимиз учун аввалгидан бир туя зиёда озиқ-овқатга эга бўламиз.

«Бу озгина ўлчовдир», – дедилар.»

Яъни, яна бир туя озиқ-овқатни ўлчаб бериш Мисрдаги саҳий зот учун ҳеч нарса эмас, озгина ўлчов, холос.

Уларнинг бу гапларидан Юсуф алайҳиссаломнинг озиқ-овқат танқис чоғларида тежамкорлик сиёсати юргазганликлари кўриниб турибди. Ўзга юртлардан келганларга хоҳлаганларича эмас, балки фақат бир туяга юк бўладиган миқдордагина озиқ-овқат сотар эканлар.

Ушбу ҳужжатлар ва ёлворишлар қаршисида Яъқуб алайҳиссалом ҳам юмшадилар. Ўғилларига қараб:

قَالَ لَنْ أُرْسِلَهُ مَعَكُمْ حَتَّى تُؤْتُونِ مَوْثِقًا مِنَ اللَّهِ لَتَأْتُنَّنِي بِهِ إِلاَّ أَنْ يُحَاطَ بِكُمْ فَلَمَّا
ءَاتَوْهُ مَوْثِقَهُمْ قَالَ اللَّهُ عَلَى مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٦٦﴾

66. У: «Токи менга, албатта ҳузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз ила юбормасман. Магар (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз, бошқа гап», – деди. Унга васийқаларини берганларида, у: «Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир», – деди.

Юсуф алайҳиссаломни акаларига ишониб топшириб панд еган Яъқуб алайҳиссалом бу сафар ишни пухтароқ қилдилар. Кичик ўғилни акаларига қўшиб Мисрга юборишдан олдин уларга офир шарт қўйдилар.

«У: «Токи менга, албатта ҳузуримга қайта келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васийқа бермагунингизча, уни зинҳор сиз ила юбормасман.»

Яъқуб алайҳиссалом катта ўғилларига укаларини қайтариб олиб келишга ваъда бериб, Аллоҳ номига қасам ичмасалар, уни зинҳор қўшиб юбормасликларини таъкидладилар. Шу билан бирга, ҳамма нарсани тушунган, англаб етган инсон сифатида:

«Магар (ҳалокатга) ўралиб қолсангиз, бошқа гап», дедилар.

Яъни, ундай ҳолатда маъзурсизлар.

Демак, ўғиллар «Агар ҳалокатга учраб ноилож қолмасак, албатта, укамизни соғ-саломат қайтариб олиб келамиз» деб Аллоҳнинг номи ила қасам ичишлари керак эди. Улар укаларини муҳофаза қилиш учун қўлларидан келадиган барча чорани кўришга қасам ичишлари керак эди. Ўғиллар бу шартни бажардилар. Улар:

«Унга васийқаларини берганларида, у: «Айтган гапларимизга Аллоҳ вакилдир», – деди».

Бу билан Яъқуб алайҳиссалом орадаги ваъданинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб қўйдилар. Сўнгра, ўғилларига баъзи насиҳатлар қилдилар.

وَقَالَ يَبْنَى لَا تَدْخُلُوا مِنْ بَابٍ وَاحِدٍ وَأَدْخُلُوا مِنْ أَبْوَابٍ مُتَفَرِّقَةٍ وَمَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ
اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ إِنْ أَلْحَمْتُمْ إِلاَّ لِلَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٦٧﴾

67. У: «Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар, турли эшиклардан киринглар. Мен сизлардан Аллоҳнинг ҳеч нарсасини қай-

тара олмайман. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. Унгагина таваккал қилдим. Таваккал қилгувчилар фақат Унгагина таваккал қилсинлар», – деди.

Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига манзилга етганларида шаҳарга бир эшиқдан эмас, бўлиниб, турли эшиклардан киришларини насихат қилдилар.

«У: «Эй ўғилларим, битта эшиқдан кирманглар, турли эшиклардан киринглар», деди.

Ул зот Аллоҳнинг белгилаган тақдирини ўзгартириб бўлмаслигини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, сўзлари давомида:

«Мен сизлардан Аллоҳнинг ҳеч нарсасини қайтара олмайман», дедилар.

Яъни, Аллоҳ сизларга тақдир қилган бирор нарсани ўзгартира олмайман, демоқдалар. Сўнгра умумий қоидани эслатиб:

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир», дедилар.

Яъни, бу дунёдаги ҳамма ишлар фақат Аллоҳнинг ҳукми ила бўлади. Бошқанинг ҳукми билан эмас. Шунинг учун ҳам, мен фақат:

«Унгагина таваккал қилдим».

Унгагина суяндим, Ундан ўзгага суянмадим.

«Таваккал қилгувчилар фақат Унгагина таваккал қилсинлар.»

Яъқуб алайҳиссалом шунча нарсани билиб туриб, яна ўғилларига бир эшиқдан эмас, турли эшиклардан киринглар, дейишларининг сабаби келаси оятда баён қилинади:

وَلَمَّا دَخَلُوا مِنْ حَيْثُ أَمَرَهُمْ أَبُوهُمْ مَا كَانَ يُغْنِي عَنْهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا حَاجَةً فِي نَفْسٍ يَعْشُونَ قَضَاهَا إِنَّهُ لَذُو عِلْمٍ لِمَا عَلَّمْنَاهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾

68. Оталари амр этган томондан кирдилар. Зотан, бу улардан Аллоҳнинг ҳеч бир нарсасини қайтара олмас эди. Магар, Яъқубнинг кўнглидаги эҳтиёж бўлиб, уни қондирди, холос. Албатта, у Биз таълим берганимиз туфайли билим соҳиби эди. Лекин кўпчилик одамлар билмаслар.

Яъни, ўғиллар кўзлаган манзилга етиб борганларида оталари насихатига амал қилиб, ҳаммалари бир эшиқдан эмас, турли-турли эшиклардан кирдилар.

«Оталари амр этган томондан кирдилар.»

Лекин уларнинг бу амали:

«Зотан, бу улардан Аллоҳнинг ҳеч бир нарсасини қайтара олмас эди».

Яъни, Аллоҳ тақдир қилган нарса, бир эшиқдан кирсалар ҳам, турли эшиқдан кирсалар ҳам, албатта бўларди. Буни Яъқуб алай-ҳиссаломнинг ўзлари ҳам яхши билардилар. Аммо, шунга қарамай, ўғилларига турли эшиқлардан киришни насиҳат қилишлари:

«Яъқубнинг кўнглидаги эҳтиёж бўлиб, уни қондирди, холос».

Яъни, кўнглига бир айтиб қўйиш тушиб, айтиб қўйди, холос. Бу ерда бошқа ҳеч қандай сир-асрор йўқ. Гапни кўпайтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Бу ҳақиқатларни Яъқуб алайҳиссаломнинг ўзи жуда яхши билади.

«Албатта, у Биз таълим берганимиз туфайли билим соҳиби эди.»

У Бизнинг Пайғамбаримиз эди. Биз унга шунга ўхшаш нарсаларни яхшилаб ўргатганмиз. У буларни яхши биларди.

«Лекин кўпчилик одамлар билмаслар.»

Шунинг учун, турли гапларни кўпайтириб юрадилар.

Шаҳарга кирган оға-инилар:

وَلَمَّا دَخَلُوا عَلَىٰ يُوسُفَ ءَاوَىٰ إِلَىٰ أَخِيهِ أَخَاهُ قَالَ إِنِّي أَنَا أَخُوكَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

69. Юсуфнинг олдига кирганларида, у инисини ўзига яқин жойлаштирди ва: «Мен акангман, улар қилган нарсалардан хафа бўлма», – деди.

Улар Юсуф алайҳиссаломнинг ҳузурларига кирган вақтларида, у зот меҳмонларни яна яхши кутиб олдилар, иззат қилдилар. Кичик укаларини ёнларига олиб, бошқаларига билдирмай,

«Мен акангман», деб ўзларини танитдилар. Акалари олдин қилган ишлардан хафа бўлмаслигини айтиб:

«Улар қилган нарсалардан хафа бўлма», – деди».

Сўнгра, вақти-соати келиб, меҳмонлар ўз юртларига қайтиб кетадиган бўлиб,

فَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَّازِهِمْ جَعَلَ السَّقَايَةَ فِي رَحْلِ أَخِيهِ ثُمَّ أَذَّنَ مُؤَذِّنٌ أَيَّتُهَا الْعِيرُ إِنَّكُمْ لَسَارِقُونَ ﴿٧٠﴾

70. Уларнинг жиҳозларини ҳозирлаган пайтда, инисининг юкига бир сув идишни солиб қўйди. Сўнгра, жарчи: «Эй, карвондагилар, сизлар ўғридирсизлар», деб жар солди.

Яъни, Юсуф алайҳиссалом оға-иниларининг жиҳозларини ҳозирлаётган ходимларига айтиб, кичик укасининг юкига бир сув идиш қўштириб қўйдилар. Улар жўнаб кетганларидан сўнг, орқаларидан бир одам юбордилар ва у уларни ўғрилиқда айблади.

«Сўнгра, жарчи: «Эй, карвондагилар, сизлар ўғридирсизлар», деб жар солди.»

Бўлиб ўтган сирдан беҳабар кетаётган карвон ортидан жарчи бақириб жар солди. Уларни ўғрилиқда айблади. Карвондагилар бу гапдан таажжубда қолдилар ва:

قَالُوا وَقَبِلُوا عَلَيْهِمْ مَا ذَاتَ فَقْدُونَ

71. Улар (ортларидан келганларга) қараб: «Нима йўқотдингиз?» дедилар.

Демак, карвон ортидан фақат овоз чиқариб жар солган киши эмас, бошқалар ҳам борган экан. Оға-инилар уларга қараб туриб:

«Нима йўқотдингиз?» – дедилар».

Уларнинг бу гапи ўғрилиқ қилмаганларига ишончлари комиллигини билдириб турибди. Ўзларига ўғрилиқ айби қўйилаётган бўлса ҳам, «Нима йўқотдингиз?» дейишмоқда. Яъни, бир нарсани йўқотиб қўйиб, бизни ўғри қилмоқчимисизлар, демоқчи бўлишди.

قَالُوا نَفَقْدُ صَوَاعِ الْمَلِكِ وَلِمَنْ جَاءَ بِهِ حِمْلُ بَعِيرٍ وَأَنَا بِهِ زَعِيمٌ

72. Улар: «Подшоҳнинг идишини йўқотдик. Уни келтирган кишига бир туя юк. Мен унга кафилман», – деди.

Яъни, хизматкорлардан бири ҳамманинг номидан юқоридаги гапларни айтди. Лекин карвондагилар ўзларининг айбсиз эканликларига ишончлари комил эди. Шунинг учун, бу гапга жавоб ўлароқ:

قَالُوا تَاللَّهِ لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَا جِئْنَا لِنُفْسِدَ فِي الْأَرْضِ وَمَا كُنَّا سَرِقِينَ

73. Улар: «Аллоҳга қасамки, ўзингиз биласиз, биз ер юзида фасод учун келган эмасмиз, биз ўғрилар бўлган эмасмиз», – дедилар.

Улар қасам ичдилар ва шу билан бирга, ходимларга ўзларининг ким эканликларини улар ҳам билишларини эслатдилар.

Яъни, келиб-кетиб, ўзаро муомала давомида ҳукмдорлар ҳам, ходимлар ҳам оға-иниларнинг аслзода, Пайғамбарзода, ҳалол-пок киши эканликларини билган эдилар.

Ака-укалар ўзларига қўйилаётган айбга қарши ўша сифатларни ходимларнинг ёдларига солдилар.

Бу билан гўё:

«Биз ўғрилар бўлган эмасмиз», – дедилар».

Яъни, биз ҳеч қачон ўғрилик қилган эмасмиз, бу амал бизга ёт, дедилар.

قَالُوا فَمَا جَزَاؤُهُ إِنْ كُنْتُمْ كَاذِبِينَ ﴿٧٤﴾

74. Улар: «Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?» – дедилар.

Яъни, агар биз ўғри бўлган эмасмиз, деган гапингиз ёлғон чиқиб, ўғрилигингиз исбот бўлиб қолса, унинг жазоси нима бўлади, дедилар.

قَالُوا جَزَاؤُهُ مَنْ وَجَدَ فِي رَحْلِهِ فَهُوَ جَزَاؤُهُ كَذَلِكَ نَجْزِي الظَّالِمِينَ ﴿٧٥﴾

75. Улар: «Унинг жазоси, кимнинг юкида топилса, ўшадир. Бас, унинг жазоси ўшадир. Золимни шундай жазолаймиз», – дедилар.

Яъни, бизнинг қонун-қоидамиз бўйича, ўғирланган нарса кимнинг юкидан чиқса, ўша одам жазоланади, дедилар. Шу билан, икки томон йўқолган сув идиш кимнинг юкидан чиқса, ўшани жазолашга келишиб олдилар. Сўнгра, юкларни тафтиш қилиш бошланди. Ушбу ҳодиса ва тортишувлар Юсуф алайҳиссалом ҳузурларида бўлаётган эди.

فَبَدَأَ بِأَوْعِيَتِهِمْ قَبْلَ وِعَاءِ أَخِيهِ ثُمَّ اسْتَخْرَجَهَا مِنْ وِعَاءِ أَخِيهِ كَذَلِكَ كِدْنَا لِيُوسُفَٰٓءَ مَا كَانَ لِيَأْخُذَ أَخَاهُ فِي دِينِ الْمَلِكِ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مَّن نَّشَاءُ ۗ وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلِيمٌ ﴿٧٦﴾

76. У инисининг юкидан олдин уларнинг юкидан (тафтиш) бошлади. Сўнгра, у(сув идиш)ни унинг юкидан чиқариб олди. Шундай қилиб, Юсуф фойдасига ҳийла қилдик. У, подшоҳнинг дини бўйича инисини олиб қола олмас эди. Магар, Аллоҳ хоҳ-

ласагина, бўлиши мумкин эди. Кимни хоҳласак, ўшанинг даражасини кўтарамиз. Ҳар бир илм эгаси устидан билувчи бор.

Яъни, Юсуф алайҳиссалом ходимларига аввал оға-иниларининг юкларини тафтиш қилишни буюрдилар:

«У инисининг юкидан олдин уларнинг юкидан (тафтиш) бошлади».

Чунки, биринчи бўлиб, кичик уканинг юклари тафтиш қилинсаю йўқолган сув идишни дарҳол топиб олинса, оға-инилари гумон қилиб қолишлари мумкин.

«Сўнгра, у (сув идиш)ни унинг юкидан чиқариб олди.»

Навбат келиб, кичик уканинг юклари тафтиш қилинган эди, сув идиш ўша ердан чиқди.

«Шундай қилиб, Юсуф фойдасига ҳийла қилдик.»

Яъни, тадбир қилдик. Агар шундай қилмасак:

«У, подшоҳнинг дини бўйича, инисини олиб қола олмас эди».

Яъни, Миср подшоҳининг қонуни бўйича, ўғрига бошқа жазо берилар эди, уни олиб қолиш мумкин эмас эди. Шунинг учун, оға-иниларнинг ўзларини эътироф қилдириб, Яъқуб алайҳиссалом дини ҳукми бўйича амал қилишга – ўғрини олиб қолишга йўл очилди.

Бу ерда ўғрини жазолаш ҳукмини подшоҳнинг дини дейилмоқда. Демак, дин фақат эътиқод ва баъзи ибодатларни адо этишгина эмас, балки инсон ҳаётининг ҳамма томонини қамраб олувчи ҳукмлардан ҳам иборат экан.

«Магар, Аллоҳ хоҳласагина, бўлиши мумкин эди.»

Шунга ўхшаш бирор тадбир билан олиб қолинар эди.

«Кимни хоҳласак, ўшанинг даражасини кўтарамиз.»

Хоҳлаган эдик, Юсуфнинг даражасини кўтардик.

«Ҳар бир илм эгаси устидан билгучи бор.»

Ҳамма нарсани биламиз, деб юрганларнинг устидан ҳам билгучи бор. Бу дунёдаги билгуччилик Аллоҳ таолога бориб тақалади. У ҳамма билгуччилар устидан билгуччидир.

Кичик укаларининг юкидан сув идишнинг чиққанини кўриб, акалар даҳшатга тушдилар.

﴿قَالُوا إِن يَسْرِقَ فَقَدْ سَرَقَ أَخٌ لَّهُ مِنْ قَبْلُ فَأَسْرَهَا يُوسُفُ فِي نَفْسِهِ ۖ وَلَمْ يُبَدِّهَ لَهُمْ قَالُوا أَنْتُمْ شَرُّ مَكَّانًا ۗ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تَصِفُونَ﴾

77. Улар: «Агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди», – дедилар. Юсуф буни кўнглига туғиб қўйди, уларга ошкор қилмади. У: «Ўзингиз ёмонроқ турумда-

сиз. Аллоҳ сиз васф қилаётган нарсани яхши билгувчи Зотдир», – деди.

Улар ўзларини оқлаш учун навбатдаги ёлғонни гапирдилар. Аввал Юсуф ҳақида оталарига ёлғон тўқиб келган эдилар. Энди Юсуф алайҳиссаломнинг ўзларига у киши ва укалари ҳақида ёлғон тўқимоқдалар:

«Улар: «Агар бу ўғирлаган бўлса, бундан олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди», – дедилар».

Улар, кичик ўғай ука ўғрилиқ қилган бўлса, бу ажабланарли эмас, унинг туғишган акаси ҳам олдин ўғрилиқ қилган эди, бу иш уларнинг табиатида бор, ўзи, дейишмоқчи. Шу билан ўзларини оқлашмоқчи. Аммо:

«Юсуф буни кўнглига тугиб қўйди, уларга ошкор қилмади».

Уларнинг бу ёлғонларини Юсуф алайҳиссалом кўнглига тугиб қўйдилар. Уларнинг ёлғон гапирётганларини ошкор қилмадилар. Уларга:

«У: «Ўзингиз ёмонроқ турумдасиз. Аллоҳ сиз васф қилаётган нарсани яхши билгувчи Зотдир», – деди.

Яъни, сиз буни айбламоқдасиз, аммо, аслида, ўзингиз бундан кўра ёмонроқ ҳолдасиз. Ёлғон гапириб, бировни ёмонотлиқ қилмоқдасиз. Ҳолбуки, Аллоҳ сиз васф қилаётган ишларни жуда яхши билади. Ким ўғрию ким тўғрилигини, ким яхшию ким ёмонлигини ўзи яхши билади.

Бу гапдан сўнг улар бир оз ўзларига келдилар. Оталарига Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб берган ваъдалари ёдларига келди.

قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ إِنَّ لَهُ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُ إِنَّا نَرَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ

78. Улар: «Эй Азиз, бунинг катта ёшли чол отаси бор. Бас, биримизни унинг ўрнига ол. Биз сенинг яхшилик қилувчилардан эканлигингни кўрмоқдамиз», – дедилар.

Боланинг қари отаси борлигини айтиб, Азизнинг раҳмини келтиришмоқчи бўлишди. Унинг ўрнига хоҳлаган бошқа биттасини олиб қолишни таклиф қилишди. Ортидан ундан доимо яхшилик кўриб келаётганларини эслаб, мақтаб ҳам қўйишди.

Уларнинг бу таклифларига жавобан:

قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ أَنْ نَأْخُذَ إِلَّا مَنْ وَجَدْنَا مَتَّعَيْنَاهُ ۖ إِنَّا إِذَا الظَّالِمُونَ

79. У: «Нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин. Акс ҳолда, албатта, золимлардан бўлиб қоламиз», – деди.

Бошқа ўринларда бўлгани каби, бу сафар ҳам Юсуф алайҳиссалом нозик ибораларни ишлатиб, ҳеч кимнинг ҳаққига ножўя гап айтмадилар. «Ўғрининг» ё «айбдорнинг ўрнига» демасдан,

«нарсамизни ҳузуридан топган одамдан бошқани олиб қолишимиздан Аллоҳ сақласин», дея марҳамат қилдилар. Чунки ҳақиқатда ука ўғри ҳам, айбдор ҳам эмас эди. Юсуф алайҳиссалом шунчалик эътибор билан гапирдиларки, бирорта ҳам ҳақиқатдан узоқ сўз чиқмади.

فَلَمَّا أَسْتَيْسُوا مِنْهُ خَلَصُوا نَجِيًّا قَالَ كَبِيرُهُمْ أَلَمْ تَعْلَمُوا أَنَّ أَبَاكُمْ قَدْ أَخَذَ عَلَيْكُمْ مَوْثِقًا مِنَ اللَّهِ وَمِنْ قَبْلُ مَا فَرَّطْتُمْ فِي يُوسُفَ فَلَنْ أَبْرَحَ الْأَرْضَ حَتَّى يَأْذَنَ لِىَ أَبِي أَوْ يَحْكُمَ اللَّهُ لىَ وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ﴿٨١﴾

80. Ундан умидни узган чоғларида, четга чиқиб, хуфёна маслаҳат қилдилар. Катталари: «Отангиз сиздан Аллоҳ номи билан васийқа олганини ва бундан олдин Юсуф ҳақида қилган айбингизни билмайсизларми?! Мен токи отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ ҳукм чиқармагунча бу ердан қимирламасман. У ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидир.

ارْجِعُوا إِلَىٰ آبَائِكُمْ فَقُولُوا إِنَّا بَنَاءٌ إِنَّ ابْنَكَ سَرَقَ وَمَا شَهِدْنَا إِلَّا بِمَا عَلَّمْنَا وَمَا كُنَّا لِلْغَيْبِ حَافِظِينَ ﴿٨٢﴾

81. Отангиз олдига қайтинглар, бас, унга: «Эй отамиз, ҳақиқатда ўғлинг ўғрилиқ қилди. Биз фақат ўзимиз билган нарсага гувоҳлик бердик, холос. Биз ғайбни билувчи эмас эдик.

وَسَأَلَ الْقَرْيَةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا وَالْعِيرَ الَّتِي أَقْبَلْنَا فِيهَا وَإِنَّا لَصَدِيقُونَ ﴿٨٣﴾

82. Биз бўлган шаҳардан сўра ва у ерда биз учраган карвондан сўра, биз, албатта, ростгўйларданмиз, денглар», деди.

Оға-иниларнинг каттаси бўлиб ўтган воқеадан кейин масъулиятни ҳис этди. Отаси олдига қайтиб боришга журъат қила олмади. Ака-укалар хуфёна маслаҳатлашиб олишгач, у четга чиқиб, иниларига:

«Отангиз сиздан Аллоҳ номи билан васийқа олганини ва бундан олдин Юсуф ҳақида қилган айбингизни билмайсизларми?!» деди.

Яъни, бу иш биринчиси эмас, аввал ҳам Юсуфни олиб чиқиб кетиб, унингсиз қайтган эдингиз. Энди эса, отамизга Аллоҳ номи билан қасам ичиб ваъда берганимизга қарамай, яна унинг укасини ҳам йўқотдик.

«Мен, токи отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ ҳукм чиқармагунча, бу ердан қимирламасман.»

Яъни, отам айбимни кечиб, ҳузурига боришимга рухсат бермагунча ёки Аллоҳ таолонинг Ўзи бу ҳақда бирор ҳукм чиқармагунча Мисрдан ҳеч қаерга қимирламайман. Отамга ваъда берган эдик. У рози бўлиб, ўзи рухсат берса ёки Аллоҳ бир ҳукм чиқарса, юртимизга қайтишим мумкин. Ахир, Аллоҳнинг ҳукмини бажармай иложим йўқ, Чунки:

«У ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидир».

Сизлар, эй укаларим, юртимизга қайтиб боринглар ва отамизга бўлиб ўтган воқеани айтиб беринглар, деб оятда келган гапларни ўргатди. Укалари бориб унинг ўргатганларини оталарига айтдилар. Шунда:

قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنْفُسُكُمْ أَمْراً فَصَبْرٌ جَمِيلٌ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَنِي بِهِمْ جَمِيعاً
إِنَّهُ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ

83. У: «Йўқ, сизга ҳавойи нафсингиз бир ишни яхши кўрсатмиш. Бас, чиройли сабр (қиламан). Шоядки, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса. Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли Зотдир», деди.

Яъқуб алайҳиссалом худди шу гапни Юсуф алайҳиссаломни йўқотган кунларида ҳам айтган эдилар. Энди, йиллар ўтиб, кичик ўғилларини йўқотган куни ҳам шу гапни такрорладилар, кетидан Аллоҳ таолонинг марҳаматидан умид узмаганларини билдириб қўйдилар.

«Шоядки, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини ҳузуримга жамлаб келтирса.»

Ҳам Юсуфни, ҳам укасини ва катта ўғлини, ҳаммасини бирга қайтарса.

«Албатта, Унинг Ўзи билувчи ва ҳикматли Зотдир.»

Ҳамма ишни билиб ва ҳикмат-ла қилади. Юсуф ва унинг укасининг йўқолишида ҳам Аллоҳнинг бир ҳикмати бордир.

وَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ يَا أَسْفَىٰ عَلَىٰ يَوْسُفَ وَأَبْيَضَّتْ عَيْنَاهُ مِنَ الْحُزْنِ فَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٨٤﴾

84. Ва улардан юз ўгирди ҳамда: «Оҳ, Юсуф!» деб кўзларига оқ тушди. Бас, у дардини ютувчидир.

Яъқуб алайҳиссалом чиройли сабр қилдилар, мусийбат сабабчилари бўлмиш ўғилларига осилмадилар. Улардан юз ўгириб, ғам-қайғуга тушдилар. Дарду аламни ичларига ютдилар. Бу ишлар ўз таъсирини кўрсатди. У кишининг кўзларига оқ тушиб, кўрмайдиган бўлиб қолдилар.

Рашкчи фарзандлар эса, шу ерда ҳам ҳиқду ҳасадларини яшира олмадилар. Оталарининг Юсуф ва унинг кичик укаси учун фироқ дардида ёнаётганларини кўра олмай:

قَالُوا تَاللَّهِ تَفْتَوُا تَذَكَّرُ يَوْسُفَ حَتَّىٰ تَكُونَ حَرَضًا أَوْ تَكُونَ مِنَ الْهَالِكِينَ ﴿٨٥﴾

85. Улар: «Аллоҳга қасамки, токи мадордан кетгунингча ёки ҳалок бўлувчилардан бўлгунингча, Юсуфни зикр қилаверасан», дедилар.

Яъни, йўқ бўлиб кетган Юсуфни эслайвериб, ҳолдан тоясан ёки бир йўла ҳалок бўласан, дейишди.

Уларнинг бу ҳасад тўла гапларига жавобан:

قَالَ إِنَّمَا أَشْكُو بَثِّي وَحُزْنِي إِلَى اللَّهِ وَأَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾

86. У: «Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қилмоқдаман ва Аллоҳдан сиз билмаган нарсани билурман.

Яъни, Юсуф учун чекаётган ғам-ғуссамни сизга ҳам, бошқа бировга ҳам айтаётганим йўқ. Мен дарду ҳасратимни фақат Аллоҳнинг Ўзига айтиб йиғламоқдаман. Энг муҳими эса, менга Аллоҳнинг Пайғамбари ўлароқ, Ундан сиз билмайдиган нарсаларнинг хабари келиб туради.

يَبْنِي أَذْهَبُوا فَتَحَسَّسُوا مِنْ يَوْسُفَ وَأَخِيهِ وَلَا تَأْتِسُوا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِنَّهُ لَا يَأْتِسُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمَ الْكَافِرُونَ ﴿٨٧﴾

87. Эй ўғилларим, боринглар, Юсуфни ва унинг укасини яхшилаб изланглар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар.

Ҳақиқатан, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар», деди.

Чунки, кофирлар Аллоҳга ишонмайдилар, шунинг учун, улар озгина мусийбатдан ҳам дарров умидсиз ҳолга тушиб қоладилар. Мўмин киши эса, ғам-ғуссага кўмилиб қолган пайтида ҳам умидини узмайди. Чунки, у ҳамма нарсага қудрати етадиган Аллоҳга ишонади ва ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло уни ғам-ғуссадан қутқариб олишидан умид қилиб туради. Уни ҳеч нарса ноумид қила олмайди.

Оталаридан бу гапларни эшитган ўғиллар йўлга чиқдилар. Учинчи бор Мисрга келдилар. Учинчи бор Юсуф алайҳиссаломга учрадилар.

فَلَمَّا دَخَلُوا عَلَيْهِ قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ مَسَّنَا وَأَهْلَنَا الضُّرُّ وَجِئْنَا بِبِضْعَةٍ مُرْجَلَةٍ فَأَوْفِ
لَنَا الْكَيْلَ وَتَصَدَّقْ عَلَيْنَا إِنَّ اللَّهَ يَجْزِي الْمُتَصَدِّقِينَ ﴿٨٨﴾

88. Унинг ҳузурига кирганларида: «Эй Азиз, бизни ва аҳлимизни зарар тутди ва арзимаган сармоя келтирдик. Бас, бизга ўлчовни тўлиқ қилиб бер ва садақа ҳам бер. Аллоҳ, албатта, садақа қилувчиларни мукофотлайдир», дедилар.

Гапларидан кўриниб турибдики, уларнинг аҳволи оғир. Аввалгидек бор нарсаларини озиқ-овқатга алмаштиришга имконлари ҳам қолмаган. Олиб келган моллари жуда арзимас. У молларга яраша эмас, балки кўпроқ озиқ олсалар ҳам, эҳтиёжлари қонмайди. Садақага муҳтожлар. Аввалги гердайишларидан асар ҳам йўқ. Юсуф алайҳиссалом ўзларини танитиш вақти етганини англадилар ва акаларига қараб:

قَالَ هَلْ عَلِمْتُمْ مَا فَعَلْتُمْ بِيُوسُفَ وَأَخِيهِ إِذْ أَنْتُمْ جَاهِلُونَ ﴿٨٩﴾

89. У: «Жоҳиллик пайтингизда Юсуфга ва унинг инисига нима қилганларингизни биласизларми?» – деди.

Шунда акаларининг кўз-қулоқлари ялт этиб очилди. Кўзлари Азиз сиймосида Юсуфни кўрди, қулоқлари унинг овозини эшитди. Ва:

قَالُوا أَيْ تَنَاكَ لَأَنْتَ يُوسُفُ قَالَ أَنَا يُوسُفُ وَهَذَا أَخِي قَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْنَا إِنَّهُ
مَنْ يَتَّقِ وَيَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٩٠﴾

90. Улар: «Э-э, ҳали сен Юсуфмисан?!» – дедилар. У: «Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Ҳақиқатан, ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай», деди.

Юсуфнинг акалари шошиб қолдилар. Чунки, улар билан анчадан бери муомала қилаётган Миср бош вазири бир вақтлар ўзлари ҳасад орқасида қудуққа ташлаб юборган укалари Юсуф бўлиб чиқшини ҳеч кутмаган эдилар.

«Улар: «Э-э, ҳали сен Юсуфмисан?!» – дедилар.»

Улар кўзларига ҳам, қулоқларига ҳам ишонмай, яна бир бор тасдиқлаб олмоқчи бўлдилар. Шунда Юсуф алайҳиссалом:

«Мен Юсуфман, мана бу иним. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди», дедилар.

Узоқ айрилиқдан сўнг бизни учраштирди. Ҳолимизга раҳим қилди. Обрў-эътибор берди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки:

«Ҳақиқатан, ким тақво ва сабр қилса, Аллоҳ, албатта, гўзал иш қилувчиларнинг ажрини зое қилмагай».

Биз ҳам қўлимиздан келгунча тақво ва сабр қилдик, оқибатда шу даражага эришдик, дедилар.

قَالُوا تَأْتِيكَ لَقَدْ أَشْرَكَ اللَّهُ عَلَيْنَا وَإِنْ كُنَّا لَخَطِئِينَ ﴿٩٠﴾

91. Улар: «Аллоҳга қасамки, ҳақиқатан, Аллоҳ сени биздан устун қилди. Биз эса, хатокорлардан бўлдик», дедилар.

Оғалар бор ҳақиқатни эътироф қилдилар. Ўзларининг хато қилганларини ҳам тан олдилар. Аллоҳ таоло уларнинг қасдларию қилмишларига қарамай, укаларини ҳар нарсада устун қилиб қўйганини ҳам эътироф этдилар.

Ана шу пайтда Юсуф алайҳиссалом яна юксак одоб ва ахлоқ намунасини кўрсатдилар.

قَالَ لَا تَثْرِبَ عَلَيْكُمْ الْيَوْمَ يَغْفِرُ اللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ ﴿٩١﴾

92. У: «Бугунги кунда сизларни айблаш йўқ. Сизларни Аллоҳ мағфират қилгай. У раҳим қилгувчиларнинг раҳимлировидир», деди.

Ўтган ишга салавот. Бугун сизни биров айбламоқчи эмас, уялтирмоқчи ҳам эмас. Гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг Ўзи. У энг раҳимли Зот.

أَذْهَبُوا بِقَمِيصِي هَذَا فَالْقُوهُ عَلَى وَجْهِ أَبِي يَأْتِ بَصِيرًا وَأْتُونِي بِأَهْلِكُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٩٣﴾

93. «Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, кўзи очилур. Сўнгра, аҳлингиз ила жам бўлиб ҳузуримга келинглр.»

Юсуф алайҳиссалом акалари ила гаплашиб кўп нарсаларни, жумладан, оталари Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзанд фироғида йиғлаб кўзлари ожиз бўлиб қолганини ҳам билган эдилар. Шунинг учун, акаларига ўзларининг бир дона кўйлаklarини бериб:

«Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, кўзи очилур», дедилар.

Юсуф алайҳиссаломнинг бу гапларидан ажабланишга ҳеч ҳожат йўқ. Аввало, Яъқуб алайҳиссалом ҳам, Юсуф алайҳиссалом ҳам Аллоҳнинг Пайғамбарлари, ораларида мўъжиза бўлиб, бир кўйлак сабабли дардга шифо етиши ажабланарли иш эмас. Иккинчидан, тажриба кўрсатадики, фарзанд доғида хасталикка чалинган мушфиқ ота-оналар фарзандларини кўрганларида ёки хабарларини эшитганларида Аллоҳ таолодан дарҳол уларга шифо етган.

Учинчидан, илмий баҳслар бу иш ҳақиқат эканини, кийимда қолган ҳид ҳабиб инсоннинг дардига даво бўлишини тасдиқлади.

«Сўнгра, аҳлингиз ила жам бўлиб ҳузуримга келинглр.»

Яъни, отамнинг кўзлари очилгандан кейин, ҳаммангиз аҳли аёлингиз билан биргалашиб менинг ҳузуримга, Мисрга келинглр, дедилар.

Акалар Юсуф алайҳиссаломнинг илтимосларини бажо қилишга киришдилар.

وَلَمَّا فَصَلَتِ الْعِيرُ قَالَ أَبُوهُمْ إِنِّي لَأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَ لَوْلَا أَن تَفِنْدُونِ ﴿٩٤﴾

94. Карвон йўлга чиққан вақтда оталари: «Мени ақлдан озган деманглр-у, албатта, мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман», деди.

Яъни, Юсуфнинг кўйлагини олган карвон йўлга чиқиб, Мисрдан жўнаб кетган вақтда Яъқуб алайҳиссалом ҳузуридагиларга:

«Мени ақлдан озган деманглр-у, албатта, мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман», деди».

Юсуф алайҳиссаломнинг ҳиди Яъқуб алайҳиссаломга қандай етиб борганини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Лекин у кишининг гапларига оддиларида турганлар ишонмадилар.

قَالُوا تَاللّٰهِ اِنَّكَ لَفِي ضَلٰلِكَ اَقْدٰمٍ ﴿٩٥﴾

95. Улар: «Аллоҳга қасамки, сен эски адашувингдасан», дедилар. Яъни, йўқ бўлиб кетган Юсуфдан ҳали ҳам умидворсан-а, дедилар. Лекин иш бошқача бўлиб чиқди.

فَلَمَّا اَنْ جَاءَ الْبَشِيْرُ اَلْقَنَهُ عَلٰى وَّجْهِهِ ۗ فَاَرْتَدَّ بِصِيْرًا قَالِ الْمَلِكُ لَوْ لَكُم مِّنْ اِلٰهٍ مَّا لَا تَعْلَمُوْنَ ﴿٩٦﴾

96. Хушхабарчи келган чоғида, у(қўйлак)ни унинг юзига ташлаганида, яна кўрадиган бўлди. У: «Сизларга мен Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан, демаганмидим?!» – деди.

Ушбу ояти кариманинг сиёқидан карвондаги ўфиллардан олдин уларнинг хушхабарчиси Яъқуб алайҳиссаломнинг олдиларига етиб келган. Бирор кишини юбориб «Сен олдинроқ бориб отамизга хушхабарни етказ, бу қўйлакни бер, кўзлари очилса, ажаб эрмас», деган бўлсалар керак.

«Хушхабарчи келган чоғида, у(қўйлак)ни унинг юзига ташлаганида, яна кўрадиган бўлди.»

Ўфиллар юборган хушхабарчи келиб, Яъқуб алайҳиссаломнинг юзларига қўйлакни ташлаган эди, Юсуф алайҳиссаломнинг ҳидлари урган қўйлак баҳона, Аллоҳнинг иродаси ила Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб, қайтадан кўрадиган бўлдилар. Шунда олдиларида турганларга:

«У: «Сизларга мен Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани биламан, демаганмидим?!» – деди».

Сиз бўлсангиз, мени масхара қилиб кулдингиз. Сен эски адашувингдасан, дедингиз.

Шу ерга келганда ўфиллар ўз хатоларини тўла тан олдилар.

قَالُوْا يَاۤ اٰنَاۤ اَسْتَغْفِرُ لَنَا ذُنُوْبَنَاۤ اِنَّا كُنَّا خٰطِئِيْنَ ﴿٩٧﴾

97. Улар: «Эй отамиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айт. Албатта, биз хатокорлардан бўлган эканмиз», дедилар.

Яъни, эй отамиз, биз Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳкор бўлибмиз. Сиз Аллоҳнинг Пайғамбарисиз, дуоси мақбул зотсиз. Энди Аллоҳга истиғфор айтиб, бизнинг гуноҳимизни кечишини тилаб беринг, дедилар.

Ўфилларининг бу сўровига жавобан:

قَالَ سَوْفَ أَسْتَغْفِرُ لَكُمْ رَبِّي إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٩٨﴾

98. У: «Сизлар учун Роббимга ҳали истиғфор айтурман. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир», деди.

Эътибор берадиган бўлсак, Яъқуб алайҳиссалом ўғилларининг, эй отамиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айт, дейишлари ила дарҳол дуога қўл кўтармадилар, балки:

«У: «Сизлар учун Роббимга ҳали истиғфор айтурман», деди.

Уламоларимиз: бу, дуо яхши қабул бўладиган пайтда ҳаққингизга дуо қиламан, деганларидир, деб тушунтирганлар.

Шу билан бирга, у киши ўғилларининг умидворлигини ошириш учун:

«Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир», деди».

Аллоҳ таоло Ўзининг мағфират қилувчилик сифати ила бандаларининг гуноҳларини кечиради. Аллоҳ таоло Ўзининг раҳимлилик сифати ила гуноҳкорларга ҳам раҳим кўрсатади, дедилар.

Шундан сўнг, ҳаммалари Яъқуб алайҳиссалом бошчиликларида юртлари Канъондан Мисрга қараб йўлга тушдилар. Қуръони Карим уларнинг сафарлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Балки, сўзни улар Юсуф алайҳиссалом ҳузурларига киришлари саҳнасида улаб кетади.

فَلَمَّا دَخَلُوا عَلَى يُوسُفَ أَوْىٰ إِلَيْهِ أَبُو يَهُ وَيَه وَقَالَ ادْخُلُوا مِصْرَ إِن شَاءَ اللَّهُ ءَامِنِينَ ﴿٩٩﴾

99. Юсуф ҳузурига кирган чоғларида у отаси ва онасини ўзига яқинлаштирди ва: «Аллоҳнинг хоҳиши ила Мисрга омонликда киришлар!» – деди.

Яъни, Юсуф алайҳиссалом ота-онасини ўзига хос эҳтиром ва иззат ила қаршиладилар. Уларга алоҳида муомалада бўлдилар. Иззат-икромларини жойига қўйдилар. Ҳамда улар Миср ерида, ўзлари бош вазир бўлиб турган юртда омонликда эканликларини эълон қилдилар. Сўнгра:

وَرَفَعَ أَبُو يَهُ وَيَه عَلَى الْعَرْشِ وَخَرُّوا لَهُ سُجَّدًا وَقَالَ يَتَابَتِ هَذَا تَأْوِيلُ رُءْيَايَ مِنْ قَبْلُ قَدْ جَعَلَهَا رَبِّي حَقًّا وَقَدْ أَحْسَنَ بِي إِذْ أَخْرَجَنِي مِنَ السِّجْنِ وَجَاءَ بِكُمْ مِنَ الْبَدْوِ مِنْ بَعْدِ أَنْ نَزَغَ الشَّيْطَانُ بَيْنِي وَبَيْنَ إِخْوَتِي إِنَّ رَبِّي لَطِيفٌ لِّمَا يَشَاءُ إِنَّهُ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿١٠٠﴾

100. Ота-онасини тахтга кўтарди. Улар унга сажда қилиб йиқилдилар. У: «Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни ҳаққа айлантирди. Дарҳақиқат, У менга яхшилик қилди. Мени қамоқдан чиқарди. Шайтон мен билан акаларимнинг орасини бузгандан сўнг, сизларни биёбондан олиб келди. Албатта, Роббим нимани хоҳласа, ўшанга латифдир. Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли Зотдир», деди.

Бу ояти каримада узоқ айрилиқдан сўнг дийдор топишиб, сўрашиб бўлганларидан кейинги ҳолатларнинг тасвири келтирилмоқда. Юсуф алайҳиссалом:

«Ота-онасини тахтга кўтарди».

Яъни, баланд ўриндиққа ўтказди. Ана шундан сўнг:

«Улар унга сажда қилиб йиқилдилар».

Бу ҳол қандай бўлганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо қадимги тафсирчиларимиз бу ҳақда турли фикрлар айтганлар. Баъзилари, салом маъносида бошларини бир оз эгдилар, дейдилар. Бошқалари, берилган бу неъмат учун Аллоҳга шукр саждаси қилдилар, дейдилар. Яна бирлари, ўша вақтда катталарнинг оёғига йиқилиб сажда қилиш бор эди, лекин Ислом шариатида бекор қилинган, деган фикрни айтганлар.

Нима бўлса ҳам, ояти карима матнидан Юсуф алайҳиссаломга сажда қилганлари аён. Уларнинг ўзига сажда қилганини кўрган Юсуф алайҳиссалом:

«Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Роббим уни ҳаққа айлантирди», дедилар.

У кишининг суранинг бошида зикр этилган тушларидаги ўн битта юлдуз – оға-инилари, қуёш билан ой – ота-оналари бўлиб чиқди. Аллоҳ таоло неча йиллардан сўнг бу тушни ҳақиқатга айлантирди.

Сўнгра, Юсуф алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ томонидан берилган неъматларни эсладилар:

«Дарҳақиқат, У менга яхшилик қилди. Мени қамоқдан чиқарди».

Аллоҳ таоло у кишига кўп яхшиликларни қилди. Жумладан, у кишини қамоқдан чиқариши ҳам ўша яхшиликларнинг бири бўлди. Яна энг катта яхшиликлардан бири:

«Шайтон мен билан акаларимнинг орасини бузгандан сўнг, сизларни биёбондан олиб келди».

Мана энди биргалашиб, хурсанд бўлиб ўтирибмиз.

«Албатта, Роббим нимани хоҳласа, ўшанга латифдир.»

Яъни, хоҳлаган нарсасини нозик услублар ила амалга оширгувчидир.

«Албатта, Унинг Ўзи билгувчи ва ҳикматли Зотдир.»

Ҳамма нарсани билиб ва ҳикмат ила амалга оширади.

Сўнгра, Юсуф алайҳиссалом мухлис банда ўлароқ, ўз Роббилари Аллоҳ таолога шукрлар айтиб, илтижо қилдилар.

﴿ رَبِّ قَدْ آتَيْتَنِي مِنَ الْمُلْكِ وَعَلَّمْتَنِي مِنْ تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَنْتَ وَلِيِّ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَأَلْحَقْنِي بِالصَّالِحِينَ ﴾

101. «Эй Роббим, ҳақиқатан, менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг валийимсан. Мени мусулмон ҳолимда вафот эттиргин ва солиҳларга қўшгин.»

Ушбу оятда Юсуф алайҳиссалом, Аллоҳ таолога неъматларини бергани учун шукрлар айтиш билан бирга, охиратнинг неъматини ҳам беришини сўрамоқдалар.

«Эй Роббим, ҳақиқатан, менга мулк бердинг...»

Мисрга бош вазир бўлдим. Ҳукмга, обрў-мартабага, молу мулкка эга қилдинг.

«...ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг.»

Буниси илм неъматини эди.

«Эй, осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг валийимсан.»

Эгамсан, дўстимсан. Бу дунёда менга эгалик ва дўстлик қилиб, улкан неъматларингни бердинг, энди охиратда ҳам эгалик ва дўстлик қилиб, менга неъматлар бергин.

«Мени мусулмон ҳолимда вафот эттиргин ва солиҳларга қўшгин.»

Менинг асосий мақсадим шу. Чунки, молу мулк, ҳукму мансаб — ҳаммаси ўткинчи нарсалар. Боқийси эса, мусулмон бўлиб ўлиш ва охиратда аҳли солиҳларга қўшилишдир.

Шу билан Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари тамом бўлди. Энди бу қиссага шарҳлар келади, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоблар қилинади.

﴿ ذَٰلِكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهِ إِلَيْكَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ جَمَعُوا أَمْرَهُمْ وَهُمْ يَكْرُمُونَ ﴾

102. Бу найб хабарлардан бўлиб, уни сенга ваҳий қилмоқдамиз. Улар макр қилиб, ишлари ҳақида гап бириктирганларида олдиларида бўлмаган эдинг.

Яъни, ушбу сурада келтирилган қисса сен учун ғайбнинг иши эди. Сенинг ундан хабаринг йўқ эди. Биз:

«Уни сенга ваҳий қилмоқдамиз».

Бу қиссани сенга ваҳий орқали билдирмоқдамиз. Йўқса, у ҳақида ҳеч нарса билмас эдинг. Чунки:

«Улар макр қилиб, ишлари ҳақида гап бириктирганларида олдиларида бўлмаган эдинг».

Улар ҳасад қилиб, Юсуфни йўқотиш учун макр-ҳийла ишлатиб, маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўяётганларида бирга эмас эдингки, бу гаплардан хабардор бўлсанг.

Одамлар ибрат олиб, ўзларини ўнглисинлар, тўғри йўлга тушсинлар, деган мақсадда сенга бу қиссани ваҳий қилмоқдамиз. Дарҳақиқат, қадимда кечган ушбу қиссани сир-асрорларигача қолдирмай, сендек беҳабар бир одамга билдиришимиздан одамлар таъсир олиб, иймонга чоғланишлари зарур.

Лекин:

وَمَا أَكْثَرُ النَّاسِ وَلَوْ حَرَصْتَ بِمُؤْمِنِينَ

103. Одамларнинг кўплари, гарчи сен жуда қизиқсанг ҳам, мўмин эмаслар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмларига яхшиликни раво кўрганларидан, уларнинг иймонга келишларини жуда қаттиқ истар эдилар. Шунга ҳаракат ҳам қилар эдилар. Аммо, Аллоҳ таоло бу уриниш уларнинг иймонга келишларига сабаб бўла олмаслигини билдирмоқда. Аслида, мантиқан олиб қаралса, иймонга келишлари керакдек туюларди.

وَمَا تَسْأَلُهُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ

104. Сен улардан бунинг учун ажр ҳам сўрамайсан. У фақат оламлар учун эслатма, холос.

Яъни, сен Қуръон учун, ундаги хабарлар учун, уларни қавминга етказганинг учун ҳақ сўрамайсанки, сендан юз ўгириб қочсалар.

«У фақат оламлар учун эслатма, холос.»

Яъни, Қуръон бутун оламлар учун эслатмадир. Аммо одамларнинг кўплари эсламайдилар. Чунки:

وَكَأَيِّن مِّنْ آيَةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَمُرُونَ عَلَيْهَا وَهُمْ عَنْهَا مُعْرِضُونَ

105. Улар осмонлару ердаги қанчадан-қанча оят-белгилар қаршисидан юз ўгирган ҳолларида ўтадилар.

Яъни, уларга эътибор қилмайдилар. Улардан ибратланиб, ваъз-насиҳат олиб, иймонга келмайдилар. Инсон яшаб турган борлиқнинг ҳар бир қаричида Аллоҳнинг борлигига, бирлигига, қудратига, тадбирига, билувчилигига ва бошқа комил сифатларига далолат қилувчи оят-белгилар, далил-ҳужжатлар мавжуд. Лекин одамлар ўша ҳужжатларга, оят-белгиларга эътибор билан қарамайдилар. Шунинг учун ҳам, иймонга келмайдилар.

وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُشْرِكُونَ

106. Кўплари эса, Аллоҳга мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар, холос.

Яъни, иймон келтирсалар ҳам, унга ширк келтирган ҳолларида иймон келтирадилар. Холис тавҳид ила иймон келтирмайдилар. Чунки, холис тавҳид масаласи нозик масала, ширкнинг турлари эса, жуда ҳам кўп. Шунинг учун ҳам, Ҳофиз Абу Яъло Маъқал Ибн Ясар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ширк сиздан чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқдир», деганлар. Яъни, чумолининг ўрмалаганини сезмай қолганингиздек, ширкка дучор бўлганингизни ҳам сезмай қолишингиз мумкин.

Имом Термизий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Ким Аллоҳдан ўзга ила қасам ичса, ширк келтирган бўлади», дейилади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким тумор тақса, батаҳқиқ, ширк келтирибди», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ибн Лубайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилганларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг сизлар учун энг хавф қиладиган нарсам махфий ширкдир», дедилар. Шунда саҳобалар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, махфий ширк нимадир?» деб сўрадилар. У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Риёдир. Қиёмат куни одамлар ўз амаллари билан келганларида Аллоҳ таоло: «Дунёда риё қилганларингиз ҳузурига боринглар. Назар солинглар-чи, улар олдида мукофот бормикан?» дейди», дедилар».

Ушбу ва бошқа ҳадиси шарифлар ҳозир биз ўрганаётган оятни тушунишимизга ёрдам беради.

Одамларнинг кўплари оят-белгилар ёнидан юз ўгириб ўтсалар, иймон келтирмасалар ёки ширк аралаш иймон келтирсалар, оқибатлари нима бўлади?

أَفَأَمِنُوا أَنْ تَأْتِيَهُمْ غَشِيَةٌ مِّنْ عَذَابِ اللَّهِ أَوْ تَأْتِيَهُمُ السَّاعَةُ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ

107. Улар ўзларига Аллоҳдан қамраб олувчи азоб келишидан ёки сезмай турганларида қиёмат ногаҳон келиб қолишидан омондадиларми?!

Ўша кофир ва мушриклар шунинг учун бемалол юрибдиларми?! Ахир, ҳар дақиқада Аллоҳ томонидан уларни қамраб олиб, ҳалок қилиб юборувчи азоб келиб қолиши мумкин-ку?! Авваллари ҳам шундай бўлган. Ҳозирда ҳам ўрناق учун тез-тез, у ер-бу ерда бундай ҳалокатлар бўлиб турибди-ку?! Ёки бўлмаса, хоҳлаган пайтда қиёмат қойим бўлиши, бутун борлиқ ҳалок бўлиши мумкин-ку?! Бу ҳақда ўйлаб кўришмайдими?!

Аммо улар нима қилсалар, қилаверсинлар:

قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُوا إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ

108. Сен: «Бу—менинг йўлимдир. Мен Аллоҳга билиб—ишонч ила чақираман ва менга эргашганлар ҳам. Аллоҳ покдир. Ва мен мушриклардан эмасман», деб айт.

Яъни, эй Пайғамбарим, сен халойиққа шундай деб айт:

«Бу—менинг йўлимдир».

Бу Ислом—менинг йўлимдир. Ягона тўғри йўлдир. Унда қинғирлик йўқдир. Унда шак-шубҳа ҳам йўқдир.

«Мен Аллоҳга билиб—ишонч ила чақираман ва менга эргашганлар ҳам.»

Яъни, биз йўлимизнинг тўғри эканини аниқ билиб, ишониб туриб чақирамиз. Бизга Аллоҳ таоло ҳидоят ва нур бергандир. Биз бу йўлдан ишонч ва билим ила юрамиз, унга бошқаларни ҳам чақирамиз.

«Аллоҳ покдир.»

Биз доимо Аллоҳ таолони поклаб ёд этамиз, уни турли камчилик ва нуқсонлардан пок деб эътиқод қиламиз.

«Ва мен мушриклардан эмасман.»

Яъни, менда ширкнинг ҳеч бир кўриниши йўқдир. Бу ҳақиқатни ҳамма билиб қўйсин, таниб қўйсин.

Кейинги оятда хитоб яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилади ва пайғамбарлик, Аллоҳнинг ер юзидаги оят-белгилари ҳамда улардан ибрат олиш ҳақида сўз кетади:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ إِلَّا رِجَالًا نُوْحِي إِلَيْهِمْ مِنْ أَهْلِ الْقُرَىٰ أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٠٩﴾

109. Биз сендан илгари ҳам фақат шаҳар аҳлидан эр кишиларга ваҳий юбориб, Пайғамбар этганмиз. Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати нима бўлганига назар солмайдиларми? Албатта, охират диёри тақво қиладиганлар учун яхшироқдир. Ақл юритмайдиларми?!

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериб, кофир ва мушрикларнинг у кишини инкор этишларига эътибор қилмасликка, аввалги Пайғамбарлар ҳам у зотга ўхшаган инсонлар бўлганига ишора этмоқда:

«Биз сендан илгари ҳам фақат шаҳар аҳлидан эр кишиларга ваҳий юбориб, Пайғамбар этганмиз».

Яъни, аввалги Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам шаҳар аҳолисидан бўлган, саҳровийлардан эмас. Чунки, шаҳар аҳли тарбияли, муомалани яхши биладилар, даъват ишларини олиб боришда сабр-матонатли бўладилар, яна шунга ўхшаш зарурий сифатларга эгалар. Шунингдек, аввал ўтган Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам эркак кишилар бўлганлар. Хотин киши ёки фаришталар эмас. Чунки, аёл кишиларнинг табиий, жисмоний тузилишлари Пайғамбарликдек оғир вазифага мос эмас. Ва фаришталар ҳам одамларга Пайғамбар бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Бу ҳақда бошқа жойларда батафсил сўз юритилган.

Бинобарин, хотамул анбиё бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломни инкор этаётган кофир ва мушриклар:

«Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати нима бўлганига назар солмайдиларми?!»

Чунки, ўтганларнинг изига назар солиш, уларнинг ким бўлганликларини нима ҳолга тушганликлари ҳақида тафаккур қилиш ҳар қандай шаккокнинг ҳам қалбини ларзага келтиради. Дунёдан дабдаба ила ўтган не-не жаҳонгирлар, паҳлавонлар, олимлар, донишмандлар, бойлар ва устмонларнинг ҳеч нарсага етишмай, тупроққа қоришиб ётиши, улар қолдирган асарлар — бир пайтлар гуллаб-яшнаган

шаҳару қишлоқлар, сарою қасрларнинг ҳаробага айланиб кетгани ҳар қандай тош қалбни ҳам эритиб юборади. Улар ибрат назари билан мазкур оят-белгиларни мулоҳаза қилиб кўрсалар:

«Албатта, охират диёри тақво қиладиганлар учун яхшироқдир», деган гапга ишонч ҳосил қилган бўлардилар. Ахир:

«Ақл юритмайдиларми?!»

Ақл юритмасалар, бу ҳақиқатни тушуниб етмайдилар ва ҳалокатга учрайдилар. Ақл юритсалар, ўзларига яхши. Одатда, кофирлар ақл юритмайдилар. Мўминлар, ҳатто Пайғамбарлар ҳам кофирларнинг тазйиқларига учрайди. Қийин аҳволларда қоладилар.

حَتَّىٰ إِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَظَنُّوا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِّبُوا جَاءَهُمْ نَصْرٌ نَّافِعٌ مِّنْ نَّشَأِهِمْ
وَلَا يُرَدُّ بَأْسُنَا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ ﴿١١٠﴾

110. Ҳаттоки Пайғамбарлар ноумид бўлиб, ўзларини ёлғончига чиқарилганлар, деб гумон қилиб қолганларида, уларга Бизнинг нусратимиз келади. Бас, Биз хоҳлаганларга нажот берилур. Жиноятчи қавмлардан Бизнинг азобимиз қайтарилмас.

Ажиб ҳолат. Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбарларнинг иши дарров юришиб кетмайди. Улар турли қийинчиликлар, машаққатлар, тўсиқларга дуч келадилар. Уларнинг йўлида куфр, жаҳолат, мунофиқлик, зулм тўсиқ бўлади. Пайғамбарлар ҳар қанча уринмасинлар, иш олға силжимади. Кундан-кунга ёмонлашиб бораверади. Зулм ва туғён янада кучаяди. Пайғамбарлар бошлиқ оз сонли мўминларнинг ҳаётлари хавф остида қолади. Шу пайт:

«Ҳаттоки Пайғамбарлар ноумид бўлиб, ўзларини ёлғончига чиқарилганлар, деб гумон қилиб қолганларида, уларга Бизнинг нусратимиз келади».

Ҳа, Аллоҳнинг нусрати охирги лаҳзада, ҳеч умид қолмаганда келади. Чунки, Аллоҳ таоло Пайғамбарлар ва мўмин бандалар иймон йўлида барча имкониятларни, ҳаракатларни ишга солишларини, Унинг розилигини топиш учун сидқидилдан динига хизмат қилишларини истайди. Ҳа, ишламай топилган неъматнинг, машаққатсиз эришилган мақомнинг қадрини бўлмайди. Гулга етиш учун тикан заҳрини тотиб кўриш керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннат тиканлар билан ўралгандир», деганлар. Жаннатга кириш учун ўша тиканларнинг орасидан уларнинг заҳрини тотиб, баданлардан қонлар оқизиб ўтиш керак. Аллоҳнинг динига даъват қилиш шунинг учун ҳам осон эмас.

Агар у осон бўлганида, ҳар куни янгидан-янги даъвогарлар чиқар эди. Лекин ҳаммага ҳам бу насиб қилавермайди.

«Бас, Биз хоҳлаганларга нажот берилур.»

Яъни, Исломнинг машаққатли таклифларини адо этганларга, иймонини пок сақлаш учун чекилган азиятларга сабр қилганларга, даъват йўлида турли балоларга мубтало бўлганларга ва шулардан ҳам Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаганларига нажот берилади.

«Жиноятчи қавмлардан Бизнинг азобимиз қайтарилмас.»

Кофирлар, мушриклар, мунофиқлар ва гуноҳкорлар, албатта, Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлурлар. Доимо шундай бўлган.

لَقَدْ كَانَتْ فِي قَصَصِهِمْ عِبْرَةً لِأُولِي الْأَلْبَابِ مَا كَانَ حَدِيثًا يُفْتَرَىٰ وَلَٰكِن تَصَدِّقَ الَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ كُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿١١١﴾

111. Батаҳқиқ, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди. Бу (Қуръон) тўқима гап эмас, лекин ўзидан олдин келганнинг тасдиғи ва барча нарсанинг тафсилоти, ҳидоят ҳамда иймон келтирганлар учун раҳматдир.

Ҳа, ўтган умматларнинг, жумладан Юсуф алайҳиссалом ва замондошларининг қиссаларида ҳам ақл ишлатган ҳар бир киши учун ибрат бор.

Ҳа, бу Қуръон ва унинг қиссалари тўқима, уйдирма эмас, балки олдинги илоҳий китобларда келган нарсаларнинг тасдиғидир. Одатда, ёлғон, тўқима гап бир-бирини тасдиқлай олмайди. Бирпасда ўртада хилоф чиқиб, сири фош бўлиб қолади.

Шунингдек, Қуръон ҳар бир нарсани муфассал баён қилувчидир. Агар тўқилган ва уйдирма бўлганида бундай бўла олмас эди.

Яна, Қуръон ва унинг қиссалари ҳидоятдан иборатдир, ёлғон ва уйдирма ҳеч қачон ҳидоят бўлган эмас, бўла олмайди ҳам.

Қуръон иймон келтирганларга раҳматдир. Ёлғон ва уйдирма ҳеч кимга раҳмат бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

Шундай қилиб, аввалидан охиригача битта қиссадан иборат бўлган «Юсуф» сураси Қуръон қиссалари ақл эгалари учун ибрат эканлиги ҳақидаги оят билан тамом бўлди.

Шу билан ушбу сураи кариманинг тафсири ҳам тугади. Аммо бу сурани ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган фикрлар тугамайди. Хусусан, қиссаларни ичига олган сураи шарифларни ўрганиш жараёнида улардан келадиган фойдалар, кўзланган мақсадлар ва бошқалар ҳақида мақомига қараб сўз юритилган эди.

Ушбу «Юсуф» сурасини ўрганиш жараёнида яна янги фикрлар пайдо бўлди. Жумладан, Қуръон қиссаларини тафсир қилишда асл мақсаддан узоқлашиш, кераксиз нарсаларга эътиборни тортиш, турли тафсилотларга киришиб кетиш Қуръон қиссалари равнақини бузиши аён бўлди. Шунинг учун ҳам, бошидан-охиригача бир қисса – Юсуф алайҳиссалом қиссасидан иборат бўлган бу сура тафсирида мазкур тафсилотларни келтирмай, охирида алоҳида баҳс сифатида келтирмоқдамиз.

Аввало, қиссалардаги турли кераксиз тафсилотларга берилиб кетишга сабаб Қуръондаги қиссалардан кўзланган мақсадни англамаслик, улардан узоқлашиш бўлса керак, деган фикрдамиз.

Ҳолбуки, уламоларимиз Қуръони Каримдаги қиссалардан кўзланган мақсадларни очиқ-ойдин баён қилганлар. Улар, жумладан, қуйидагилардан иборат:

1. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг Пайғамбари ва Қуръони Карим илоҳий китоб эканлигини исбот қилиш.

Ўқимаган, ёзмаган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтмишдаги қиссаларни ўзларича бундай аниқлик билан келтира олишлари мумкин эмас. Фақат Аллоҳ ваҳий орқали айтиб бериши мумкин, холос.

2. Ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳақида ҳикоя қилиш ила Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг умматлари қалбига собитлик солиш ва уларга тасалли бериш.

3. Кишиларни иймон-Ислом йўлига тарғиб қилиш, қизиқтириш.

4. Охир-оқибатда Аллоҳ Пайғамбарларга ва мўминларга нусрат бериб, кофир ва зolimларни ҳалок қилишини баён этиш.

5. Турли уммат ва халқларнинг муваффақияти ёки ҳалокати сабабларини ўргатиш.

6. Пайғамбарлар кишиларни яхшиликка даъват қилиб келганларини баён қилиш.

7. Иймон-Ислом йўли бахт-саодат йўли эканини, куфр ва зулм йўли ҳалокат йўли эканини англаш.

Демак, Қуръони Каримни ўқиган, ўрганган ёки уни бировга ўргатишга уринган одам қиссалардаги мазкур маъноларга алоҳида эътибор бермоғи лозим. Ундан бошқа маъноларни топишга уриниш эса, асл мақсаддан узоқлашишдир.

Минг афсуски, эски тафсирларимизнинг кўпида худди шу асл мақсаддан узоқлашишга ҳаракат қилинганини кўрамиз. Бунга «Юсуф» сураси тафсирида ҳам дуч келдик.

Одатда, Қуръони Карим шахс, макон ва вақтларни тайин қилмайди. Яъни, қиссаларда бу нарсалар муҳим эмас. «Юсуф» сура-сида ҳам шахс исмлари-дан Яъқуб, Юсуф, маконотларидан Миср зикр этилган, холос. Бошқа шахслар эса, «укаси», «Азиз», «Азиз-

нинг хотини», «подшоҳ» каби сўзлар билан ифода этилган. Лекин эски тафсирларимизда буларнинг ҳаммасига ном қўйиб чиқилган. Мисол учун, Азиз, яъни бош вазирнинг исми «Китфир ибн Руҳайб» ёки «Литфир» дейилган. Унинг хотинининг исмини «Роъил» ёки «Зулайҳо», Миср подшоҳининг исмини эса «Райён ибн ал-Валид» дейишган. Табиийки, исмнинг икки хил айтилиши ҳам маълумот аниқ эмаслигига далолат қилади. Бунинг устига, ҳар бир исми келтирган одам ўз фикрини қувватлаб, ўзгани танқид ҳам қилади. Лекин ҳеч ким Мисрда Юсуф алайҳиссаломнинг даврларида арабча исмлар бўлганми, деб ўйлаб кўрмайди? Эҳтимол, қадимги уламоларимиз ўз замонлари воқелигидан келиб чиқиб, Қуръонда зикр қилинган ҳар бир нарсани аниқлаб қўйишга ҳаракат қилгандирлар. Аммо, агар у ном ва исмларнинг аниқ бўлиши дин учун бирон фойда келтирадиган бўлса, Аллоҳнинг Ўзи зикр қилган бўлар эди.

Бошқа мулоҳазалардан бири, Қуръони Каримда зикр қилинган воқеаларни исроилиёт (Бани Исроил тўқиган қиссалар) билан тўлдириб уринишдир. Биргина мисол келтирамиз. Қуръони Каримда Азизнинг хотини ва Юсуф алайҳиссалом ўртасидаги можаро кераклигича баён қилиниб, у зот алайҳиссаломнинг поклигини айтиб, аёл ўз айбини бўйнига олиши билан ниҳоясига етади. Аммо эски тафсирларимизда айтилишича, исми Зулайҳо деб даъво қилинган бу аёлга Юсуф алайҳиссаломни уйлантирадилар. Аёл шунча йил эри билан яшаса ҳам, бокира ҳолида турганлиги зикр қилинади. Баъзиларида эса, Аллоҳ унга ёшлиги ва бакоратини қайтариб бергани ҳам айтилади. Агар бунақа қўшимча тафсилотларда бирор фойда бўлса, Аллоҳнинг Ўзи айтмасмиди?!

Яна бир мулоҳаза: баъзи тафсирларда қиссадаги маъноларни атрофлича тушуниш учун Қуръони Каримнинг ўзига ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ривоятларга эмас, бошқа масдарларга суянилган.

Бу борада Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни жамоллари ҳақидаги васф-баёнларни келтириш мумкин. Ҳолбуки, Қуръони Каримдаги васф ҳаммасидан ўтади. Мисрнинг менман деган зодагон аёллари Юсуф алайҳиссаломни бир кўришларидаёқ ўзларини йўқотиб, ҳушлари бошидан учиб, беихтиёр қўлларини кесишлари ва «Бу башар эмас, карамли фариштадир!» дейишлари кифоя эмасми? Ёки Юсуф алайҳиссаломга борлиқ ҳуснининг ярми берилгани ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис кифоя эмасми?

Яна бир мисол. Юсуф алайҳиссаломнинг инисининг юки ичидан сув идиши чиққанда акаларининг: «Бу ўғрилиқ қилган бўлса, бун-

дан олдин акаси ҳам ўғрилиқ қилган эди», деган гапларини исботлаш мақсадида турли ривоятлар келтирилади. Уларнинг баъзиларида Юсуф алайҳиссалом кичкиналик вақтида бир бутни бобосидан (онасининг отасидан) ўғирлаб синдирган эди, дейилади. Бошқалари эса, бошқача ривоятни келтирадилар. Ҳаммалари ҳам Юсуф алайҳиссаломдек одам ўғрилиқ қилиши мумкин эмаслигини яхши билганларидан ривоятларда у кишини, «ҳақиқий ўғри эмас» дея таърифлайдилар. Аммо Юсуфни қудуққа ташлаб, оталарига «уни бўри еб кетди» деб ёлғон гапирган акалар яна бир бор ёлғон гапиришлари мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бунга ўхшаш узундан-узоқ тортишув ва ривоят суришлар Юсуф алайҳиссаломга ота-оналари ва биродарларининг сажда қилишлари ҳақида, Юсуф алайҳиссалом агар Роббининг бурҳонини кўрмаганида аёлга мойил бўлиб қолишлари мумкинлиги тўғрисида ва бошқа мавзуларда ҳам анчагина бор. Буларнинг ҳаммаси, аввалда айтганимиздек, фикрни асосий мақсаддан бошқа томонга буради, холос.

Энди «Юсуф» сурасининг бош мавзуларидан бири бўлган туш масаласига тўхтайлик. Кўриб ўтганимиздек, «Юсуф» сурасида воқеалар ривож, асосан, уйқуда кўрилган тушлар билан боғлиқдир. Қисса Юсуф алайҳиссалом тушларида ўзларига ўн битта юдуз, қуёш ва ой сажда қилаётганини кўрганларини баён қилиш билан бошланиб, ўша туш ўнгда ҳақиқатга айланиши билан тугайди. Шунингдек, қиссадаги бурилиш нуқталари ҳам тушларга боғлиқ. Аввал, Юсуф алайҳиссалом билан бирга қамалган икки йигитнинг кўрган тушлари, кейин эса, Миср подшоҳининг кўрган туши.

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга туш таъбири илмини берганини Юсуф алайҳиссаломнинг ўзлари неъмат деб ҳисобламоқдалар. Юсуф алайҳиссаломнинг тушларни тўғри таъбир қилишлари Пайғамбарлик мўъжизаси ўрнида келмоқда. Эҳтимол, ўша пайтда туш таъбири халқ ўртасида ривожланган бўлиши мумкин.

Ҳаётга назар соладиган бўлсак, баъзилар тушни тамоман тан олмайди. Баъзилар эса, ҳамма нарсани тушга боғлаб қўяди. Ислонда эса, ҳақиқий мавқиф тугилади. Ислонда тушга бўлган муносабат, айниқса, ушбу сурадан очиқ-ойдин билинади.

Мусулмон уламолар тушни уч турга бўладилар:

1. Аллоҳдан бўлган илҳомий тушлар. Уларга ушбу сурадаги тушлар мисол бўлади. Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрган тушлари ҳам шу хилдаги тушлардан. Маълумки, у киши Пайғамбарликларининг дастлабки олти ойида кўрган тушлари худди тонг ёғдусидек, аниқлик билан воқелиқда ҳам такрорланиб турган. Бу ҳақда саҳиҳ ривоятлар кўп. Пайғамбаримиз

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Тўғри туш Пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан биридир», деган ҳадисларини ҳам уламолар ўша олти ойга ишорат, дейдилар. Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари йигирма уч йил бўлган. Йигирма уч йил қирқ олтига олти ойликдан иборат. Демак, ўша, туш ўнгидан келиб юрган дастлабки олти ой муддат йигирма уч йиллик Пайғамбарлик муддатининг қирқ олтидан биридир.

2. Ҳаётда бўлиб ўтган нарсаларни хотирлаб, эсга олиб, сўнгра ухлагандан кейин ўша нарсаларнинг тушга кириши. Бу тушнинг эътибори йўқ. Моддапарастлар шуни ҳам «туш» деб биладилар.

3. Шайтон таъсири остида кўриладиган алғов-далғов тушлар. Бунинг ҳам ҳеч қандай эътибори йўқ. Шунинг учун ҳам, ҳар бир кўрган тушни эътиборга олиб, таъбирини ахтаришга тарғиб қилиш ҳам йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида: «Агар бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсасини тушида кўрса, бошқаларга айтсин. Ёмон кўрадиган нарсасини тушида кўрса, чап томонига уч марта туфласин-да, бошқа томонга ёнбошлаб олсин. Аллоҳдан унинг шарридан сақлашини сўрасин. Бировга бу тушини айтмасин. Шунда туш унга зарар қилмайди», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Муовия ибн Ҳайдатул Қушайрийдан ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Туш таъбир қилинмагунча, киши учун фолга ўхшаб тураверади, таъбир қилинса, воқелиқда зоҳир бўлади», деганлар.

Тобеинларнинг орасида тушларни оят ва ҳадислар асосида таъбир қилувчи машҳур кишилар ҳам бўлганлар.

Уламоларнинг фикрича, туну куннинг узунлиги бир-бирига яқин бўлган мавсумда таҳорат билан ётган одамнинг саҳар чоғи кўрган туши ҳақиқатга яқин туш бўлади.



РАЪД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 43 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи «Ва раъд Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтади» оятидан олингандир. «Раъд» сўзининг бизнинг тилимиздаги маъноси «момақалдироқ»дир. Уламоларимиз: «Бу сураи карима ўз номига мос, худди раъд — момақалдироқ каби гулдурос солиб, ҳамманинг эътиборини тортади; Аллоҳга, Қуръонга, Пайғамбарга ишонишга чорлайди», дейдилар.

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби, бу сураи кариманинг ҳам асосий мавзуи ақийда ва унинг турли мақсадларини муолажа қилишдан иборатдир. Унда, асосан, илоҳу маъбуднинг ягоналиги, бу дунёю охиратда фақат ягона Аллоҳга бўйинсуниш лозимлиги ҳақида сўз кетади. Шунингдек, ваҳий, илоҳий китоб ва ўлгандан сўнг қайта тирилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қилинади.

Тўғри, мазкур масалалар бошқа сураларда ҳам ўтган. Аммо «Раъд» сураси шу масалаларнинг айна ўзини тамоман бошқача услуб ила талқин этади. Айниқса, бу масалаларнинг борлиқ ажойиботларига боғланган ҳолда баён қилиниши диққатни тортади. Сура инсон қалбини уфқлар сари етаклайди. Уни атрофидаги мавжудотларга, осмону ерга, тоғу тошга, қуёшу ойга, кечаю кундузга, қуруқлигу сувликка, ўсимликларга, турли манзараларга, ўзгаришларга назар солишга, эътибор қилишга чорлайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْمَرَّةَ تِلْكَ آيَاتُ الْكِتَابِ وَالَّذِي أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ الْحَقُّ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١﴾

1. Алиф. Лаам. Мийм. Ро. Ушбулар китобнинг оятларидир. Ва сенга Роббингдан нозил қилинган нарса ҳақдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.

Суранинг аввалида келадиган алиф, лом, мийм, ро каби муқаттаот ҳарфлар ҳақида бошқа сураларда тўхтаб ўтилди.

«Ушбулар китобнинг оятларидир.»

Яъни, сурадаги мазкур ҳарфлардан тузилган оятлар Аллоҳнинг китоби Қуръоннинг оятларидир. Демак, улар Аллоҳдан келган ваҳийдан бошқа нарса эмасдир.

«Ва сенга Роббингдан нозил қилинган нарса ҳақдир.»

Яъни, Қуръони Карим ҳақдир. У айна ҳақиқатдир, ҳеч қандай ботил аралашмагандир. Унда ҳеч қандай шак-шубҳа ҳам йўқдир.

«Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмаслар.»

Улар Қуръоннинг Аллоҳдан юборилган ваҳий эканлигига, ҳукмларига ишонмайдилар – иймон келтирмайдилар. Аммо таналарига ўйлаб, тафаккур қилиб кўрсалар, яхши бўларди:

اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ أَسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ
كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ

2. Аллоҳ сиз кўриб турган осмонни устунсиз кўтарган, сўнгра аршни эгаллаган, қуёш ва ойни ўзига бўйсундирган Зотдир. Ҳар бири номланган ажалгача юрадир. У ишнинг тадбирини қиладир, оятларни муфассал этадир. Шоядки, Роббингизга мулоқот бўлишга ишонч ҳосил қилсангиз.

Аллоҳ Ўз Пайғамбарига ҳақ китоб юборишига иймон келтирмаётган эй одамлар, кўзингизни очинг, сиз қудратига ишонмаётган ўша зот, яъни:

«Аллоҳ сиз кўриб турган осмонни устунсиз кўтарган» зотдир.

Осмонни доим кўриб турасиз. Унинг бепоёнлигини ҳам биласиз. Унинг шундай ҳолатни олишига ўзингиз ёки сиз ишонган бошқа бирортаси сабабчи бўлмаганини, Аллоҳдан ўзганинг қудрати етмаслигини ҳам биласиз. Сизни ҳайратга солувчи ана ўша осмонни устунсиз кўтариб қўйган зот Аллоҳдир. Шундай улкан ишни қилишга қодир бўлган зот севиқли бандасига ҳақ китобни юбора олмасмиди?! Худди ўша Аллоҳ,

«сўнгра аршни эгаллаган», зотдир.

Арш энг олий мақомдир. Унга фақат Аллоҳнинг Ўзигина эгалик қилади. Ана шундай олий мақом соҳиби бўлган Аллоҳ таоло Пайғамбарига ҳақ китобни нозил қила олмасмиди?! Яна У

«қуёш ва ойни ўзига бўйсундирган Зотдир».

Қуёшни кундузлари, ойни эса, кечалари кўриб турасиз. Улар ҳаёт учун қанчалик аҳамиятли эканини биласиз. Шу билан бирга, бу иккисини на сиз ва на сиздан бошқалар яратмаганини, амрига бўйсундира олмаслигини ҳам яхши биласиз. Ана ўша қуёш ва ойни яратган, борлиққа жойлаштирган ва амрига бўйсундирган ягона зот Аллоҳдир. Шундай ишга қодир Зот Ўз Пайғамбарига ҳақ китобни ваҳий орқали юбора олмасмиди?!

«Ҳар бири номланган ажалгача юрадир.»

Қуёш ҳам, ой ҳам маълум муддатгача ўзига белгиланган ҳудудда юради. Аллоҳ чизган чизиқдан чиқа олмайди. Чунки, салгина бошқа томонга оғсалар, дунё бузилиши мумкин. Шу ишни жорий этган Аллоҳ Ўз Пайғамбарига ҳақ китобни юбора олмасмиди?!

«У ишнинг тадбирини қиладир...»

У—Аллоҳ дунёдаги барча ишнинг тадбирини қилади. Ҳа, жумлаи оламда нима ҳодиса рўй берса, ҳаммаси Аллоҳнинг тадбири биландир, жумладан, юқорида зикр қилинган ишлар ҳам. Ана шундай ишларга қодир Аллоҳ Ўз Пайғамбарига ҳақ китобни юбора олмасмиди?!

Аллоҳ барча ишнинг тадбирини қилиш билан бирга:

«...оятларни муфассал этадир».

Ана ўша оятларни кўрган пайтда эслаб, ибрат олиб:

«Шоядқи, Роббингизга мулоқот бўлишга ишонч ҳосил қилсангиз».

Чунки, оятлар мулоқот бўлиши зарурат ва шубҳасиз эканлигига ишора қилмоқда. Ана ўша Роббингизга мулоқот бўлганингизда, яъни, қиёматда қайта тирилганингизда иймондан, жумладан, Аллоҳнинг ҳақ китобига бўлган иймондан ҳам сўраласиз.

Кейинги оятларда ҳам Аллоҳнинг қудратига далолатлар келтирилади:

وَهُوَ الَّذِي مَدَّ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَاسِيَ وَأَنْهَارًا وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ
أُنثَيْنِ يُغْشَى اللَّيْلَ النَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٠﴾

3. У ерни чўзиб, унда баланд тоғлар ва анҳорлар қилган, ҳар хил мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир. У кечани кундузга ўратадир. Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Ҳа, У зот кўз ўнгингизда ерни чўзиб қўйгандир. Қаердан қарсангиз, қаршингизда ер чўзилиб ётибди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ қилган. Шу билан бирга, Аллоҳ:

«унда баланд тоғлар ва анҳорлар қилган».

Ердаги баланд тоғларни ким барпо этган? Ердаги анҳорларни ким оқизиб қўйган? Албатта, Аллоҳ. У:

«ҳар хил мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир».

Агар меваларда жуфтлик — эркак ва урғочилик хусусияти бўлмаганида, мевага айланмас эди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ таоло.

«У кечани кундузга ўратадир.»

Кеча ва кундуз ҳам бир жуфтлик бўлиб, бир-бирини ўрайди. Навбат билан кеча кундузни, кундуз кечани ўраб туради. Бу жараён асрлардан буён давом этиб келмоқда. Хўш, буни ким қилмоқда? Албатта, Аллоҳ таоло. Ушбу ҳодисаларни ҳар бир одам ўйлаб кўрмоғи лозим:

«Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир».

Тафаккур қилмаганлар эса, онгсиз ҳайвонларга ўхшаб юраверадилар.

وَفِي الْأَرْضِ قِطْعٌ مُتَجَاوِرَاتٌ وَجَنَّتٌ مِّنْ أَعْنَابٍ وَزَرْعٌ وَنَخِيلٌ صِنَوَانٌ وَعَيْرٌ صِنَوَانٍ
يُسْقَى بِمَاءٍ وَاحِدٍ وَنَفِضَلٌ بَعْضُهَا عَلَى بَعْضٍ فِي الْأَكْلِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ
يَعْقِلُونَ ﴿٦٠﴾

4. Ва ер юзида қўшни бўлақлар бор. Шунингдек, узумлар, боғлар, экинзорлар, шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, бир хил сув ила суғориладилар ва уларнинг баъзиларининг мевасини баъзилариникидан афзал қилурмиз. Бунда, албатта, ақл ишлатувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Бу ояти каримада эътибор экин-тикинларга қаратилмоқда. Ер юзида бир-бирига ёнма-ён турли хил майдонлар — экинзор ерлар бор. Ўша ерларда турли узумзорлар, боғ-роғлар, шохлаган ва шохламаган хурмолар ўсади. Ўша боғлар ва дарахтлар бир хил сув билан суғорилади. Ер бир, сув бир, озуқа бир, лекин:

«Уларнинг баъзиларининг мевасини баъзилариникидан афзал қилурмиз».

Бу ҳам Аллоҳнинг қудратига далолат.

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳозирда бир неча юз хил узум нави бор. Улар бир ерга экилса ҳам, бир ариқдан суғорилса ҳам, меваси ҳар хил. Таъми-да бошқа-бошқа. Хўш, буни ким қилди? Албатта, Аллоҳ таоло!

Экин-тикинлар ҳам шундай. Улар бир хил ерга экилади, бир хил суғорилади, аммо таъми хилма-хилдир. Хурмо ҳам шу. Ер бир, сув бир, лекин мевасининг таъми бир-бириникига ўхшамайди. Хўш, буни ким қилади? Албатта, Аллоҳ.

Ушбу ҳақиқатни ҳар бир одам ақл ишлатиб, тафаккур қилмоғи лозим:

«Бунда, албатта, ақл ишлатувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир».

Ақлини ишлатмаганлар эса, ақли йўқ ҳайвонлардек юраверади-лар.

Сен уларнинг бу ҳолидан:

﴿وَإِنْ تَعَجَبَ فَعَجَبٌ قَوْلُهُمْ أَيْ ذَا كُنَّا تَرْبَاءَ إِيَّاهِ نَأْتِي خَلْقٍ جَدِيدٍ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ وَأُولَٰئِكَ الْأَغْلَالُ فِي أَعْنَاقِهِمْ وَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

5. Агар ажабланадиган бўлсанг, уларнинг: «Агар биз тупроқ бўлиб кетсак ҳам, янгидан яратиламизми?!» дейишлари яна ҳам ажабланарлидир. Ана ўшалар Роббиларига куфр келтирганлардир. Ана ўшалар бўйинлари кишанларда бўладиганлардир. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Кофирларнинг юқоридаги оятларда зикр этилган белги ва аломатларни кўриб, уларнинг ичида юриб туриб ҳам, ақларини ишлатмаётганларига:

«Агар ажабланадиган бўлсанг», бу ёқда ундан-да ажабланарли ҳолат бор. Ўша кофирлар:

«Агар биз тупроқ бўлиб кетсак ҳам, янгидан яратиламизми?!» дейишади.

Шунча оят-белгиларни, Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи аломатларни кўриб туриб ҳам, шу гапни айтадилар. Мазкур улуғ ҳодисаларни жорий этган, осмону ерни, қуёшу ойни ва бошқа махлуқларни яратган, бутун оламнинг тадбирини қиладиган, қанча-қанча ишларни амалга оширадиган зот — Аллоҳ уларни қайта тирилтира олмасмиди?!

Мана буниси:

«яна ҳам ажабланарлидир».

Унақа гапни айтиш бадбахтликнинг аломатидир.

«Ана ўшалар Роббиларига куфр келтирганлардир.»

Куфр келтирмаганларида бундай қилмас ва бу гапни айтмас эдилар.

«Ана ўшалар бўйинлари кишанларда бўладиганлардир.»

Улар бу дунёда ақллари ва тафаккурларига кишан урганлари сабабли, яъни ақллари ва тафаккурларини ишлатиб Аллоҳни танимаганлари учун, охиратда бўйинларига кишан осилади.

«Ана ўшалар дўзах эгаларидир.»

Дўзахга улар эга бўлмаса, ким ҳам эга бўлар эди?

«Улар унда абадий қолурлар.»

Ўша кофирлар дўзахда абадий азобда қолурлар.

Шунга қарамасдан, ҳидоят ва раҳмат сўраш ўрнига:

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِالسَّيِّئَةِ قَبْلَ الْحَسَنَةِ وَقَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِمُ الْمَثَلُ وَإِنَّ رَبَّكَ
لَذُو مَغْفِرَةٍ لِلنَّاسِ عَلَى ظُلْمِهِمْ وَإِنَّ رَبَّكَ لَشَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿٦﴾

6. Улар сендан яхшиликдан аввал ёмонлик келтиришни талаб қилурлар. Ҳолбуки, улардан аввал мисоллар ўтмишдир. Ва, албатта, Роббинг одамларнинг зулмига қарамай, улар учун мағфиратлидир. Ва, албатта, Роббинг иқоби шиддатлидир.

Улар, аслида, сендан тезроқ яхшилик келтиришингни сўрашлари лозим эди. Аммо аксинча қилмоқдалар. Улар сенга, сен хабарини бераётганинг — иймон келтирмаганлар йўлиқадиган азобни тезроқ келтир, демоқдалар. Ҳа:

«Улар сендан яхшиликдан аввал ёмонлик келтиришни талаб қилурлар».

Улар оят-белгиларга назар солмаганлари каби, ўтган қавмларнинг оқибатларидан ҳам ибрат олмаяптилар:

«Ҳолбуки, улардан аввал мисоллар ўтмишдир».

Уларга ўхшаган кофир, саркаш қавмлар кўп ўтган. Улар ҳам буларга ўхшаб Пайғамбарларга қарши чиққан ва турли талаблар қўйган эдилар. Оқибатда ҳаммалари ҳалок бўлганлар. Эндигилар аввал ўтган мисоллардан ибрат олсалар, тавба қилиб, тўғри йўлга тушсалар, яхши бўлар эди.

Чунки:

«Ва, албатта, Роббинг одамларнинг зулмига қарамай, улар учун мағфиратлидир».

Одамлардан баъзилари иймон келтирмай, саркашлик қилиб, яхшиликдан аввал ёмонлик келтиришни талаб этади ва яна бошқа зулмларни қилади. Шуларга қарамай, Роббинг улар учун мағфиратлидир. Тавба қилсалар, қабул этади. Ўтган гуноҳларини кечиради. Аммо тавба қилмасалар, зулмларида давом этаверсалар:

«Ва, албатта, Роббинг иқоби шиддатлидир».

Вақтида ўзини билиб тавба қилмаганларни У зот Ўзи шиддатли иқобга олур.

وَيَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ آيَةٌ مِنْ رَبِّهِ ۗ إِنَّمَا أَنْتَ مُنذِرٌ وَلِكُلِّ قَوْمٍ هَادٍ ﴿٧﴾

7. Куфр келтирганлар: «Унга Роббидан бир мўъжиза нозил қилинса эди», дерлар. Сен фақат огоҳлантирувчисан, холос. Ва ҳар қавмнинг ҳидоятчиси бордир.

Атрофида қанчадан-қанча мўъжизалар туриб яна:

«Куфр келтирганлар: «Унга Роббидан бир мўъжиза нозил қилинса эди», дерлар».

Бундай талаб ҳам ажабланарли. Ҳар қадамларида Аллоҳнинг бирлигига, борлигига қанчадан-қанча далиллар турибди. Лекин улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Роббидан биттагина одатдан ташқари мўъжиза тушишини ишташади. Бу эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ихтиёридаги иш эмас. Пайғамбарнинг вазифасини Роббиси:

«Сен фақат огоҳлантирувчисан, холос», деб белгилаб қўйган.

Ҳа, Пайғамбар кишиларни куфрнинг, исённинг ва гуноҳкорликнинг оқибатидан огоҳлантиради, холос. У одамлар сўраган мўъжизаларни келтиришга масъул эмас. У ҳам бошқа Пайғамбарларга ўхшаб юборилган бир Пайғамбар, холос.

«Ва ҳар қавмнинг ҳидоятчиси бордир.»

Яъни, ҳар бир қавмнинг ўз Пайғамбари келгандир.

Бундан кейинги оятларда эътибор кишиларнинг ўзларига, уларнинг ҳис-туйғуларига ва бошқа жонзотларга қаратилади:

اللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أُنْثَىٰ وَمَا تَغِيصُ الْأَرْحَامُ وَمَا تَزِدَادُ وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ ﴿٨﴾

8. Аллоҳ ҳар бир урғочининг ҳомиласини ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиладиган нарсаларни билади. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир.

Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи Зотдир. У, ҳатто, одатда кўпчилик пайқамайдиган нарсаларни ҳам билади.

«Аллоҳ ҳар бир урғочининг ҳомиласини» билади.

Дунёдаги барча жонзотларнинг урғочиси қачон ҳомиладор бўлишини, бўлганини ва шу ҳомиланинг ўзини батамом билади. Унинг ҳолатини, келажагини ва унга тегишли ҳар бир ҳодисани билади.

«...ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиладиган нарсаларни биладир.»

Ҳомилада бирон нуқсон бўлса, муддатидан кам турадиган бўлса, билади. Ёхуд бачадондаги ҳомилада бирор зиёдалик бўлса ёки муддатидан ортиқ турадиган бўлса ҳам, билади.

«Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир.»

Ҳамма нарсанинг ўлчови бордир. Ҳар бир нарсага Аллоҳ томонидан тақдир белгилаб қўйилгандир. Ҳар бир нарса ўша ўлчовга, белгига мувофиқ туради. Ҳеч бир нарса бу ўлчов ва белгидан ташқарига чиқа олмайди. Аллоҳ таолонинг илмининг чеки йўқдир.

عَلِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْكَبِيرِ الْمُتَعَالِ ﴿٩﴾

9. У зот ғойибни ҳам, шоҳидни ҳам билгувчидир. У буюқдир, юксақдир.

Аллоҳ таоло ўзи йўқ (ғойибдаги) нарсани ҳам билади, ҳозирда мавжуд нарсани ҳам билади.

«У буюқдир...»

У бутун мавжудотдан каттадир, улуғдир. Ундан катта, Ундан улуғ ҳеч бир мавжудот йўқдир. У

«...Юксақдир».

Аллоҳ таоло бутун борлиқдан юқоридир. Ундан юксақ ҳеч бир нарса йўқдир.

سَوَاءٌ مِّنْكُمْ مَّنْ أَسَرَ الْقَوْلَ وَمَنْ جَهَرَ بِهِ، وَمَنْ هُوَ مُسْتَخْفٍ بِاللَّيْلِ وَسَارِبٌ بِالنَّهَارِ ﴿١٠﴾

10. Сиздан ким гапни сир тутса, ким уни ошкор қилса ёки ким кечаси беркинувчи бўлсаю ким кундузи ошкор юрувчи бўлса, бари бир.

Аллоҳ таоло уларнинг гаплари ва қилмишларини бирдек билиб туради.

لَهُ مَعْقِبَتٌ مِّنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ، يَحْفَظُونَهُ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءَ أَفْلًا مَرَدَّهُ وَمَا لَهُمْ مِنْ دُونِهِ مِنْ وَالٍ ﴿١١﴾

11. Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчилар бор. Улар уни Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Албатта, то

бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас. Агар Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмайди ва улар учун ундан ўзга валий ҳам йўқ.

Аввалги оятда васф қилинган шахснинг, яъни ҳар бир одам боласининг

«олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчилар бор».

Яъни, унинг ҳар тарафида кузатиб юрувчи фаришталар мавжуд. Ушбу фаришталар ҳақида имом Бухорий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар сизлар учун алмашиб, кетма-кет келиб турадилар. Кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар келади. Улар бомдод ва аср намозида жам бўладилар. Аллоҳнинг ҳузурига сиз билан тунни ўтказувчилар кўтарилганларида, улардан, Ўзи сизларнинг ҳолингизни жуда яхши билса ҳам:

«Бандаларимни қайси ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди. Фаришталар:

«Уларнинг ҳузурига борганимизда намоз ўқиётган экан, уларни тарк қилганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди», дейишади», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса: «Албатта, сиз билан бирга, сизни хало ва жимоъ пайтидан бошқа вақтда тарк этмайдиган зотлар бор. Бас, улардан ҳаё қилинлар ва уларни ҳурмат этинлар», дейилган.

Мазкур фаришталарнинг вазифаларини ояти кариманинг кейинги жумласи баён қилади:

«Улар уни Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар».

Яъни, ўша фаришталар у бандани Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Ушбу жумладаги «ҳифз» сўзи «сақлаш» ва «ёдлаб — эслаб қолиш» маъноларини билдиради. Бандага бириктирилган фаришталар ушбу икки ишни бажарадилар. Яъни, бандани турли ёмонликлардан сақлаб турадилар ҳамда қилаётган амалларини ёзиб, ёдда сақлаб борадилар.

Ушбу оят ва ҳадисларга ҳамда шу маънодаги яна бошқа ҳужжатларга суянган ҳолда уламоларимиз қуйидагиларни таъкидлайдилар:

Бандани турли ҳодиса ва ёмонликлардан ҳимоя этиш учун фаришталар навбат билан қўриқчилик қиладилар. Шунингдек, унинг амалларини ёзиб бориш учун ҳам кечаю кундуз маълум фаришталар алмашиб турадилар. Иккитаси ўнг ва чап тарафда туради: ўнг тарафда турган фаришта яхши амалларни, чап тарафда тургани гуноҳ амалларини ёзиб боради. Яна икки фаришта олд ва орқадан уни қўриб турадилар. Демак, банда доимо тўрт фариштанинг ўртасида юради. Улар кундузи ва кечаси алмашиб туришади.

Аллоҳ, Ўзи юқорида зикр қилганидек, ҳамма нарсаларни, ҳатто бандалар учун ўта махфий бўлган ҳолатларни ҳам жуда аниқлик ила билиб туришига қарамай, ҳар бир бандага тўрттадан фариштани бириктириб қўйгандир. Улардан иккитаси банданинг ҳар бир қилган амалини ўша вақтнинг ўзидаёқ ёзиб қўяди. Бу, ҳар бир бандага катта масъулият юклайди. Фаришталардан иккитасининг бандани кўриқлаб туриши эса, Аллоҳ уни мукаррам қилганини кўрсатади. Демак, ҳар бир инсон ўша икромга лойиқ бўлиб, ўша масъулиятни ҳис этмоғи керак. Ўзини ўнглашга, тузатишга, Аллоҳнинг розилигини қозонтирадиган амалларни бажаришга уриниши лозим. Чунки:

«Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас».

Яъни, банда бир яхшиликка эришмоқчи бўлса, ўша яхшиликка етаклайдиган хислатларни ўзида мужассам этиши ва унга эришиш учун уриниши лозим. Ана шундагина Аллоҳ унинг ишида яхши томонга ўзгариш ҳосил қилади. Шунингдек, банданинг ўзидан ўтмаса, Аллоҳ унга ёмонликни раво кўрмайди:

«Агар Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга валий ҳам йўқ».

Ғамхўр дўсти ҳам йўқки, бирор чора кўрса.

Келгуси оятларда Аллоҳнинг қувватда, илмда ва тадбирда тенги йўқ Зот эканини англатиш учун табиат манзараси, ундаги ҳодисалар зикр қилинади. Бунинг баробарида инсон ҳис-туйғуси ҳам жунбушга келтирилади:

هُوَ الَّذِي يُرِيكُمْ الْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنشِئُ السَّحَابَ الثِّقَالَ

12. У сизларга чақмоқни хавф ва тамаъ қилиб кўрсатур ва оғир булутларни пайдо қилур.

Аллоҳ таоло, фақат Унинг Ўзигина, сизларга чақмоқни хавф – кўрқинч қилиб кўрсатади. Чақмоқ чаққанда ҳар бир инсонни кўрқув босади. Бирор нарсани урмасайди, деб хавфсирайди. Шу билан бир пайтда ўша одамнинг ўзи чақмоқ чақишига тамаъ – умидворлик ила қарайди. Чунки чақмоқ чақиши туфайли ҳаводаги баъзи унсурлар ўсимликларга фойда берувчи моддаларга айланиб, ёмғир ила ерга тушади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, чақмоқ чаққанда ҳаводаги кислородни куйдириб азотга айлантиради. Ўша азот моддаси чақмоқдан кейинги ёмғир ила ерга тушиб ўғитга айланади. Чақмоқ чақиб, ёмғир ёққандан кейин ер юзи яшнаб, ўсимликларнинг гуркираб кетиши ўшандан. Ана ўшани тушуниб етган кишилар чақмоқ

чаққанда қўрқиш билан бирга, у ўсимликларга фойда беришидан умидвор ҳам бўлиб турадилар.

Ҳа, айнан шунинг учун, инсонлар чақмоқ чаққанда ризқ-рўзларига барака киришидан умидвор бўладилар.

Бу нарсани одамларга ҳам хавфли, ҳам умидворли қилган ким? Албатта, Аллоҳ.

«Ва оғир булутларни пайдо қилур.»

Яъни, ёмғир ёғадиган булутларни вужудга келтиради. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қилади.

وَيَسِّحُ الرِّعْدُ بِحَمْدِهِ، وَالْمَلَكُ مِنْ خِيفَتِهِ، وَيُرْسِلُ الصَّوَاعِقَ فَيُصِيبُ بِهَا
مَنْ يَشَاءُ وَهُمْ يُجَادِلُونَ فِي اللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ الْمِحَالِ ﴿١٣﴾

13. Ва момақалдироқ Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтадир ва фаришталар ҳам Ундан қўрққанларидан (ҳамду тасбиҳ айтурлар). У чақмоқларни юборадир ва улар ила хоҳлаган одамларини, улар Аллоҳ ҳақида талашиб турганларида, урадир. У қаттиқ ушлайдиган Зотдир.

Чақмоқ ва оғир булутлар бор жойда момақалдироқ ҳам бўлади. Ҳаммасини ҳам Аллоҳ яратган. Ояти каримада момақалдироқнинг кўкни тутиб кетувчи гулдурос овозини, Аллоҳга айтган тасбиҳи, деб васф қилинмоқда:

«Ва момақалдироқ Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтадир».

Яъни, Аллоҳнинг амри билан момақалдироқ У зотга ҳамд — мақтов ва тасбиҳ — поклов сўзлари айтади. Инсон момақалдироқнинг овозидан даҳшатга тушади, бу юксак овоз унга жуда қўрқинчли бир қувват бўлиб туюлади, аслида эса, момақалдироқ ўзининг Холиқига — Аллоҳ таолога ҳамд ва тасбиҳ айтаётган бўлади. Ана шундай нарса ҳам Аллоҳга ҳамду сано ва тасбиҳ айтганда, нима учун ожиз инсон айтмайди?!

«Ва фаришталар ҳам ундан қўрққанларидан (ҳамду тасбиҳ айтурлар).»

Фаришталар Аллоҳга энг яқин — муқарраб зотлар, улар фақат Аллоҳга ибодат қиладилар. Фаришталарда гуноҳ — маъсият қилиш қобилияти йўқ. Шундай бўлса ҳам, улар Аллоҳдан қўрқиб, У зотга доимий равишда ҳамду тасбиҳ айтадилар. Шундай экан, нима учун исёнкор — гуноҳкор инсон Аллоҳдан қўрқмайди?! Нима учун қўрқиб, уни поклаб ёдга олмайди?! Инсон эҳтиёт бўлиши, Аллоҳдан қўрқиши лозим. Акс ҳолда, ўзига қийин бўлади. Чунки Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир. Мисол учун:

«У чақмоқларни юборадир ва улар ила хоҳлаган одамларини, улар Аллоҳ ҳақида талашиб турганларида, урадир».

Ҳа, чақмоқлар ҳам Аллоҳ таолонинг аскарари. Улар билан Аллоҳ хоҳлаган одамини уриши мумкин. Агар хоҳласа, ўзига осий бўлганларни, улар Аллоҳ ҳақида талашиб-тортишиб турганларида, чақмоққа урдириб ҳалок этади. Аллоҳдан қочиб қутулиб бўлмайди. У ушлайман деганида, иш тамом:

«У қаттиқ ушлайдиган Зотдир».

لَهُ دَعْوَةُ الْحَقِّ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُمْ بِشَيْءٍ إِلَّا كَبْسِطٍ كَفَيْهِ إِلَى الْمَاءِ لِيَبْلُغَ
فَأَهْ وَمَا هُوَ بِبَلِغِهِ وَمَا دَعَا الْكُفْرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ

14. Ҳақ даъвати Уникидир. Ундан ўзгага дуо қилаётганларга эса, ҳеч бир нарсада ижобат этмаслар. Магар, икки кафтини сувга узатиб, сув овзига етишини кутган одамга ўхшарлар. Ҳолбуки, унга етмас. Кофирларнинг дуоси залолатдан ўзга ҳеч нарса эмасдир.

Юқоридаги ояти карималарда Аллоҳ таолонинг қудрати, илми, тадбири, яратувчилиги ва бошқа баркамол сифатларига далолат қилувчи маънолар келтирилди. Энди дуо, илтижо ва ёлбориб сўраш фақат Аллоҳдангина бўлиши зарурлиги, ундан бошқага қилинган дуо, илтижо ва ёлборишлар беҳуда эканлиги баён этилмоқда.

«Ҳақ даъвати Уникидир.»

Яъни, ҳақиқий дуо, ёлбориш, илтижо ва бирор нарсани сўраш Аллоҳникидир, бу амаллар фақат Унгагина бўлиши лозим. Фақат У зотгина дуоларни қабул қилади, ёлборишларни эшитади, илтижоларга жавоб беради ва сўралган нарсаларни муҳайё қилади. Ундан бошқа бу ишни қиладиган ҳеч бир зот йўқ.

«Ундан ўзгага дуо қилаётганларга эса, ҳеч бир нарсада ижобат этмаслар.»

Яъни, дуо қилган нарсалари ва шахслари уларнинг дуоларига жавоб бера олмайдилар. Кўпчилик «Аллоҳдан ўзга дуо қилинадиган нарса» деганда бутларни тушунади. Лекин оятда муайян қилиб эмас, умумий қилиб, «Аллоҳдан ўзгага дуо қиладиганлар», дейилган. У фақат ёғоч ёки тошдан ясалган бут бўлиши шарт эмас. Аллоҳдан ўзга нима бўлса, тушунилаверади. Қуёшга, ойга, юлдузларга, баъзи ҳайвонларга, инсонларга ва ҳатто қабрда ётган ўликларга илтижо этаётганлар бор. Улар Аллоҳдан ўзга нимага, кимга дуо қилса, қилсинлар, аммо ўша дуони қаратган нарсалари уларнинг дуосини ўринлата олмайдилар. Аллоҳдан ўзгага дуо қилганлар, худди:

«икки кафтини сувга узатиб, сув оғзига етишини кутган одамга ўхшарлар. Ҳолбуки, унга етмас».

Яъни, улар худди қўлини узоқдан сувга узатиб, оғзимга сув етса эди, деб кутиб турган одамга ўхшайдилар. Қўли сувга етмайди-ю, оғзи қандай қилиб етар эди. Улар дуо қилаётган нарсаларнинг ўзлари дуога муҳтожлар-у, қандай қилиб уларнинг дуосини ўринлатадилар. Шунинг учун ҳам:

«Кофирларнинг дуоси залолатдан ўзга ҳеч нарса эмас».

Кофир ўзи залолатда бўлгани учун, дуоси ҳам залолатдан ўзга ҳеч нарса эмас. Улар Аллоҳдан ўзга турли беҳуда нарсаларга дуо қиладилар, уларга ибодат қиладилар. Ҳолбуки:

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَظِلًا لَهُمْ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ ﴿١٥﴾

15. Аллоҳга осмонлару ерлардаги кимсалар ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч сажда қилурлар.

«Осмонлардаги кимсалар» фаришталар ва яна уларга ўхшаган-ўхшамаган ёки умуман бошқа махлуқлар бўлиши мумкин. «Ердаги кимсалар» деганда эса, инсонлар ва жинлар тушунилади. Уларнинг ҳаммаси, хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам, Аллоҳ таолога сажда қиладилар, унга таслимдирлар, у жорий этган қонунларга бўйинсуниб яшайдилар. Нафақат уларнинг таналари, балки соялари ҳам Аллоҳнинг амрига эртаю кеч бўйинсунадилар – сажда қиладилар. Бирорта соя ўз эгасининг хоҳишига биноан тушмайди, унинг хоҳлаганича ҳам бўлмайди. Агар шу нарсаларни мулоҳаза қилиб, ўзларини ўнглаб олмасалар, кофирлар жуда ҳам анқов эканлар. Унда уларга қуйидаги оятда келадиган саволларни бериш керак:

Эй Пайғамбар!

قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ قُلِ اللَّهُ قُلْ أَفَاتَّخَذْتُمْ مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ لَا يَمْلِكُونَ لِأَنْفُسِهِمْ نَفْعًا وَلَا ضَرًّا قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الْأَعْمَى وَالْبَصِيرُ أَمْ هَلْ تَسْتَوِي الظُّلُمَاتُ وَالنُّورُ أَمْ جَعَلُوا لِلَّهِ شُرَكَاءَ خَلَقُوا كَخَلْقِهِ فَتَشَبَّهُ الْخَلْقُ عَلَيْهِمْ قُلِ اللَّهُ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿١٦﴾

16. Сен: «Осмонлару ернинг Робби ким?» деб айт. «Аллоҳ», дегин. «Ўзингизга Ундан ўзга, ўзларига фойда ёки зарарга эга бўлмаган валийларни тутдингизми?» дегин. «Кўзи кўр билан кўрувчи баробар бўлурми ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» дегин. Ёки улар Аллоҳга У яратган махлуқотларга ўхшаш махлу-

қотларни яратганларни шерик қилиб олдилар-у, уларга яратилган махлуқотларга ўхшаш кўринмоқдами? «Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. Ва У Бирдир, Қаҳқордир», дегин.

Эй ҳабибим, эй Муҳаммад, ўша кофиру мушриклардан сўра, уларга:

«Осмонлару ернинг Робби ким?» деб айт.

Осмонлару ернинг, улардаги барча нарсаларнинг тарбиячиси, ризқлантирувчиси, бу дунёда тутиб турувчиси ким, деб сўра. Лекин уларнинг жавобини кутиб турма, чунки саволнинг жавоби аниқ ва шубҳасиздир. Шунинг учун, жавобини ҳам ўзинг айт:

«Аллоҳ», дегин».

Сўнгра, уларга яна савол бериб:

«Ўзингизга Ундан ўзга, ўзларига фойда ёки зарарга эга бўлмаган валийларни тутдингизми?» дегин».

Аллоҳдан ўзга, сизга фойда ёки зарар бериш у ёқда турсин, ҳатто ўзларига ҳам фойда-зарар етказа олмайдиган ночор нарсаларни валий, дўст, ёрдамчи, илоҳ тутдингизми, дегин. Чунки, дунёдаги барча махлуқларга фойда ва зарарни фақат Аллоҳ таологина етказади. Бинобарин, кишилар фақат Аллоҳ таолонигина валий тутишлари лозим. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким, ҳеч нарса фойда ёки зарар етказишга қодир эмас. Шунинг учун, Аллоҳдан ўзгани валий тутганлар катта хато қилади. Мўминлар Аллоҳни валий тутганлари учун бу хатодан холидирлар. Ҳақ билан ботил орасидаги фарқ эса, очиқ ва равшандир. Ҳақ нурдир, ботил зулматдир. Нур иймондир, зулмат куфрдир. Мўмин кўзи очиқ одам, кофир кўзи кўр кимсадир.

«Кўзи кўр билан кўрувчи баробар бўлурми ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» дегин.»

Албатта, баробар бўлмайди, кўзи кўр одам ҳеч нарсани кўра олмайди. Шунинг учун, йўлини топиб юролмайди. Доимо қоқилиб, туртилиб-суриниб юради. Ҳар лаҳзада жарга қулаши эҳтимоли бор. Кўзи очиқ кимса эса, ҳамма нарсани кўради. Оқ-қорани ажратади. Йўлини топиб, текис жойдан юради. Албатта, бу икковлари тенг бўла олмайдилар. Худди шунингдек, кофир одам билан мўмин ҳам баробар бўлмайди. Кофир худди кўр одам мисоли, у куфр зулматига ўралиб қолган, унинг йўл кўрсатадиган нури – иймони йўқ. Мўмин одам эса, кўзи очиқ одамдир. Бунинг устига, унда иймон нури бор. Албатта, улар тенг эмаслар. Шунингдек, зулматлар билан нур; куфр, ширк, нифоқлар ила иймон ҳам баробар бўлмас.

Кофирларнинг қилмишларига сабаб нима? Нима учун Аллоҳга иймон келтирмаяптилар? Унга мушрик бўлмоқдалар?

«Ёки улар Аллоҳга У яратган махлуқотларга ўхшаш махлуқотларни яратганларни шерик қилиб олдилар-у, уларга яратилган махлуқотларга ўхшаш кўринмоқдами?»

Қайси махлуқотларни Аллоҳ яратгану қайсинисини улар Аллоҳга шерик қилиб олган нарсалар яратганини била олмай қийналмоқдаларми? Шунинг учун Аллоҳга ҳалиги нарсаларни шерик деб эътиқод қилмоқдаларми? Йўқ, ундай эмас! Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарсани халқ эта олмайди — яратолмайди.

«Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир.»

Жумладан, мушриклар Аллоҳга шерик қилиб келтираётган нарсаларнинг яратувчиси ҳам Аллоҳдир.

«Ва У Бирдир, Қаҳҳордир», дегин.

У — Аллоҳ — Бирдир. Яратувчиликда бирдир, шериги йўқдир. Ҳамма нарсани бир Ўзи яратгандир. Бу ишда Унга ҳеч ким ва ҳеч нарса шерик эмас. У — Аллоҳ Робблиқда — тарбиячиликда ҳам бирдир. Дунёдаги ҳамма нарсага ёлғиз Ўзи Робблиқ қилади. Уларни Ўзи тарбия қилиб, Ўзи ризқ бериб, Ўзи риоясига олган. Унга бу ишда ҳеч ким ва ҳеч нарса шерик бўлмайди.

Шунинг учун, У — Аллоҳ илоҳликда ҳам бирдир. Яъни, ибодатга сазоворликда ҳам бирдир. Дунёдаги барча махлуқот фақат Унгагина ибодат қилиши — бўйсунуши, Унинг хоҳиши бўйича юриши лозимдир. Унга бу ишда ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарса шерик бўла олмайди.

У — Аллоҳ Қаҳҳордир. Осмонлару ер ва улардаги барча нарсалар фақатгина Унинг қаҳрига бўйинсунади. Бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага эмас.

Кейинги оятда ҳақ ва ботилга табиат кўринишлари мажоз қилиб келтирилади:

أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَسَالَتْ أَوْدِيَةٌ بِقَدَرِهَا فَاحْتَمَلَ السَّيْلُ زَبَدًا رَابِيًا وَمِمَّا يُوقِدُونَ عَلَيْهِ فِي النَّارِ ابْتِغَاءَ حُلْيَةٍ أَوْ مَتَاعٍ زَبَدٌ مِثْلَهُ كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْحَقَّ وَالْبَاطِلَ فَأَمَّا الزَّبَدُ فَيَذْهَبُ جُفَاءً وَأَمَّا مَا يَنْفَعُ النَّاسَ فَيَمْكُثُ فِي الْأَرْضِ كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ ﴿١٧﴾

17. У осмондан сув туширди. Сўнгра водийларда ўз миқдорича сел оқди. Бас, сел ўз устига чиққан кўпикни кўтариб келди. Ва зеб-зийнат, асбоб-ускуна яшаш мақсадида ўтда тобланадиган нарсаларда ҳам шунга ўхшаш кўпик бўлур. Аллоҳ ҳақ ва ботилга мана шундай зарбулмасал келтирур. Аммо кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга манфаат берадиган нарса эса, ер юзида қолур. Аллоҳ мисолларни ана шундай келтирур.

Ушбу ояти карима ҳақнинг собитлиги ҳамда боқийлиги ва ботилнинг асосизлиги ва бебақолиги баёнидаги иккита зарбулмасални ўз ичига олгандир.

Биринчи зарбулмасал ояти кариманинг:

«У осмондан сув туширди. Сўнгра водийларда ўз миқдорича сел оқди. Бас, сел устига чиққан кўпикни кўтариб келди», жумласида акс топган.

Аллоҳ таоло осмондан сув тушириб, ёмғир ёғдирса, ҳар бир водийда ҳажмига яраша сел оқади. Кичик водийда оз, катта водийда кўп оқади. Шу билан бирга, сел ўзининг устида кўпикни ҳам оқизиб келади. Бунда сув ҳаққа, кўпик ботилга ўхшатилмоқда.

Иккинчи зарбулмасал:

«Ва зеб-зийнат, асбоб-ускуна яшаш мақсадида ўтда тобланидиган нарсаларда ҳам шунга ўхшаш кўпик бўлади».

Зеб-зийнат ясаладиган олтин ва кумуш, асбоб-ускуна ясаладиган темир ва мис каби маъданлар устида ҳам занг ва бошқа кераксиз моддалар бўлади. Бу масалда ҳаққа асл маъданлар, ботилга занг ва кўпикка ўхшаш бошқа моддалар қиёс қилинмоқда.

«Аллоҳ ҳақ ва ботилга мана шундай зарбулмасал келтирур.»

Яъни, ҳақ билан ботил бир бўлиб қолганда, ботил бир оздан сўнг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетишига мисол шу.

«...кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур.»

Кўпик, гарчанд сувнинг устига чиқиб турган бўлса ҳам, барибир у кўпикдир. Бир зумда тарқалиб, ўзидан-ўзи йўқ бўлиб кетади. Маъданлардаги занг ва бошқа кўпиксимон моддалар уларни ўраб турган бўлсалар ҳам, тобланиш вақти келганда, бирпасда йўқ бўлиб кетдилар. Ботил ҳам шундай: ўзидан-ўзи йўқ бўлиб кетади.

«Одамларга манфаат берадиган нарса эса, ер юзида қолур.»

Худди селнинг суви ва асл маъдан собит қолганидек, одамларга манфаат берадиган ҳақ ҳам собит қолади.

«Аллоҳ мисолларни ана шундай келтирур.»

Ҳақ ила ботилнинг, иймон ила куфрнинг мисоли шундай. Аллоҳнинг амрига эргашиб, ҳақ йўлни – иймон йўлини танлаганлар саботли ва бақоли йўлни танлабдилар. Аллоҳнинг амрига осийлик қилиб, ботил йўлни танлаганлар беҳуда ва бебақо йўлни танлабдилар. Албатта, уларнинг оқибатлари ҳам ҳар хил бўлади.

لِّلَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ الْاِحْسَنَ وَالَّذِينَ لَمْ يَسْتَجِيبُوا لَهُ لَوْ اَنَّ لَهُمْ مَا فِي الْاَرْضِ
جَمِيعًا وَمِثْلَهُ مَعَهُ لَافْتَدَوْا بِهِ ۗ اُولٰٓئِكَ لَهُمْ سُوءُ الْحِسَابِ وَمَا وَنَهُمْ جَهَنَّمَ وَيَسُ الْمُهَادِ

18. Роббиларига ижобат этганларга гўзаллик бордир. Унга ижобат этмаганларга эса, агар ер юзидаги ҳамма нарсалар ва яна шунчасига эга бўлсалар-у, уни фидо қилсалар ҳам, ана ўшаларга ёмон ҳисоб бўлур ва жойлари жаҳаннамдадир. У қандай ҳам ёмон жойдир.

Бу ояти каримада бахтли ва бадбахт бандаларнинг оқибатлари ҳақида хабар берилмоқда.

«Роббиларига ижобат этганларга гўзаллик бордир.»

Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйинсуниб, итоат этган, мўмин-мусулмон бўлиб ўтган бандаларга мукофот учун гўзаллик – жаннат бордир.

«Унга ижобат этмаганларга эса...»

Аллоҳнинг амрига бўйинсунмаган, унга итоат этмаган, кофир бўлиб ўтган бандаларга эса, қийин бўлади. Улар:

«...агар ер юзидаги ҳамма нарсалар ва яна шунчасига эга бўлсалар-у, уни фидо қилсалар ҳам» улардан бу фидокорлик қабул қилинмайди. Балки:

«Ана ўшаларга ёмон ҳисоб бўлур ва жойлари жаҳаннамдадир. У қандай ҳам ёмон жойдир».

Ўша ёмон жойда қилмишларига яраша жазоларини кўра-варадилар.

Кейинги оятларда иймон ва куфр табиати ҳақида сўз кетади. Мўмин ва кофирни ажратиб турувчи сифатлар айтилади. Уларнинг оқибатлари баён қилинади:

﴿ أَفَمَنْ يَعْلَمُ أَنَّمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ الْحَقُّ كَمَنْ هُوَ أَعْمَىٰ ۚ إِنَّمَا يَنْذَرُكَ أَوَّلُ الْأَلْبَابِ ﴾

19. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса албатта ҳақ эканини биладиган кимса кўр одамга ўхшармиди? Буни, албатта, ақл эгаларигина эсларлар.

Эй Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қилинган Қуръоннинг шубҳасиз ҳақ эканини билган одам кўрга ўхшайдими?

Бу оятда илм билан кўрлик (илмсизлик) бир-бирига қарши қўйилмоқда. Илмли одам кўрувчи, илмсиз одам кўр, деб тасвирланмоқда. Кўрлик жоҳилликни келтириб чиқаради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Роббидан нозил қилинган нарсанинг ҳақ эканини билмаслик учун кўр бўлиш керак, холос. Кўр бўлмаган ҳар бир кимса бу ҳақиқатни англаб етади. Албатта, «кўр» деганда, қалб кўрлиги назарда тутилади. Демак, бу масалада – Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ваҳий ва Қуръон масаласида одамлар иккига бўлиндилар: билувчиларга ва кўрларга. Албатта, кўрлар билувчилар билан тенг эмаслар.

«Буни, албатта, ақл эгаларигина эсларлар.»

Ақл ва идрок бўлмаса, буни эслаш, тушуниб етиш қийин. Энди ўша ақл эгаларининг сифатлари зикр этилади:

الَّذِينَ يُؤْفُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَلَا يَنْقُضُونَ الْمِيثَاقَ ﴿٦٠﴾

20. Улар Аллоҳнинг аҳдига вафо қиладиган ва мийсоқни буз-майдаганлардир.

Бу ояти каримадаги аҳд барча аҳдларни ўз ичига олади. Албатта, бу аҳдларнинг аввалида иймон аҳди туради. Бу ояти каримадаги мийсоқ ҳам барча мийсоқларни ўз ичига олади. Албатта, бу мийсоқларнинг аввалида иймон шартларига вафо қилиш мийсоқи туради.

Бу аҳд ва бу мийсоқ қадимийдир. «Аъроф» сурасида кўриб ўтганимиздек, Аллоҳ таоло бани Одамдан зурриётларини тарқатаётган пайтдаёқ аҳду мийсоқни олиб: «Мен Роббингиз эмасманми?» деб сўраган ва улардан: «Ҳа, албатта, биз бунга шоҳидмиз», деган жавобни қабул этган. Бу аҳд ҳар Пайғамбар келганида янгилашиб турган.

Шу билан бирга, мазкур аҳд ва мийсоқ фақат Аллоҳ билан банда орасидаги аҳду мийсоқнигина ифода этмайди. Балки, улар умумий аҳд ва мийсоқ бўлиб, бошқа барча аҳд ва мийсоқларни ҳам ичига олади. Демак, ақл эгаларининг биринчи сифатлари аҳдга вафо қилишлик ва мийсоқни бузмаслик. Яна бошқа сифатлари:

وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ ﴿٦١﴾

21. Улар Аллоҳ боғланишига амр этган нарсани боғларлар, Роббиларидан чўчирлар ва ёмон ҳисобдан қўрқарлар.

Ақл эгаларининг иккинчи сифати:

«Аллоҳ боғланишига амр этган нарсани боғларлар».

Бу ишларнинг бошида «силаи раҳм» – қариндошлик алоқаларини боғлаш, уларга яхшилик қилиш туради. Шунингдек, бева-бечора, етим-есир ва барча муҳтожларга, қўйингки, бутун мавжудотга яхшилик қилишлик мусулмон инсонга вазифа қилиб юклатилгандир.

Ақл эгаларининг учинчи сифати:

«Роббиларидан чўчирлар...»

Яъни, Аллоҳ таолонинг қудрати сўнгсиз эканлигини доимо сезиб, ҳис этиб турадилар.

Аллоҳ таолонинг буюклиги қаршида ўзларининг ожизликларини тушуниб, гуноҳ ишлар қилишдан сақланиб турадилар.

Ақл эгаларининг тўртинчи сифати:

«...ва ёмон ҳисобдан қўрқарлар».

Яъни, охирагда ҳисоб бериш лозимлигини яхши билганлари учун, доимо ўша ҳисоб-китобдан қўрқиб, фақат яхши амалларни қиладилар ва ёмонларидан қочадилар.

Келгуси оят ақл эгаларининг сифатларини санашда давом этади ва уларнинг оқибати ҳақида ҳам хабар беради:

وَالَّذِينَ صَبَرُوا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً
وَيَدْرءُونَ بِالْحَسَنَةِ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عُقْبَى الدَّارِ ﴿٢٢﴾

22. Улар Роббилари юзини кўзлаб, сабр қиларлар. Намозни тўкис адо этарлар, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсдан махфий ва ошкора инфоқ қиларлар ва ёмонликни яхшилик ила қайтарарлар. Ана ўшаларга оқибат диёри бордир.

Ақл эгаларининг бешинчи сифати:

«Улар Роббилари юзини кўзлаб, сабр қиларлар».

Яъни, Аллоҳнинг ризосини умид этиб, сабр қиладилар. Уларнинг сабрлари фақат Аллоҳнинг розилиги учун бўлади. Хўжакўрсинга, риё учун бўлмайди. Ўзига ўзи мақтаниб юриш учун ҳам бўлмайди. Сабр турли хил бўлади. Энг улуғи Иймон-Ислом талабларини бажариш йўлидаги қийинчиликларга сабр қилиш. Одамларнинг ноўрин тасарруфларига сабр қилиш. Етган неъматларга сабр қилиш ва ҳоказолар.

Ақл эгаларининг олтинчи сифати:

«Намозни тўкис адо этарлар».

Чунки намоз бўлмаса, Аллоҳ билан банда орасида боғланиш бўлмайди. Натижада, аҳд ва мийсоққа ҳам вафо қилинмайди. Шунинг учун ҳам, намоз ҳаммасидан зарурдир. Шунинг учун, намоз «мўмин бандалар билан бошқалар орасини ажратиб турадиган омил» деб таърифланган.

Ақл эгаларининг еттинчи сифати:

«Биз уларга ризқ қилиб берган нарсдан махфий ва ошкора инфоқ қиларлар...»

Аллоҳ берган ризқдан инфоқ қилиш мусулмон бандалар орасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантирувчи кучли омилдир. Бу иш бойларнинг қалбини бахиллик дардидан халос этса, инфоқни қабул қилиб олувчи камбағалларнинг қалбини ҳиқду ҳасаддан поклайди. Инфоқ қилиш, кези келганда, махфий қилинади, кези келганда эса,

ошкор. Инфоқ қилувчи риёдан қочса ёки инфоқ олувчининг ноқулай ҳолда қолиши мулоҳаза қилинадиган бўлса ва шунга ўхшаш ҳолларда махфий қилинади. Одамлар ўрнак олсинлар, дейилса, шариат аҳкомларини бажариш тарғиб қилинишига ҳожат туғилса ва шунга ўхшаш ҳолатларда ошкор қилинади.

Ақл эгаларининг саккизинчи сифати:

«...ва ёмонликни яхшилик ила қайтарарлар».

Бу, умумий мажбурий қоида эмас. Балки, махсус ҳолда, маълум мақсад ила амалга ошириладиган қоидадир. Зотан, бошқа оятларда, мисол учун, «Шўро» сурасида «Ёмонликнинг жазоси ўзига ўхшаш ёмонликдир», дейилган бўлса, «Бақара» сурасида «Ким сизга нисбатан тажовузкорлик қилса, сиз ҳам унга ўша тажовузкорлиги мислида тажовузкорлик қилинг», дейилган.

Уламоларимиз, ушбу оятдаги ёмонликни яхшилик билан қайтариш кундалик шахсий муомалаларда ёмонликни синдириш йўлида бўлади, аммо Аллоҳнинг динига тегишли ишларда қўлланилмайди, деганлар.

Баъзи уламолар, ушбу оятларда санаб ўтилган саккиз хайрли сифат жаннатнинг саккиз эшигига ишоратдир, деган эканлар.

Оятнинг охирида ҳам гап жаннатга бориб тақалмоқда:

«Ана ўшаларга оқибат диёри бордир».

Келаси оятда «оқибат диёри» нималиги баён қилинади:

جَنَّتْ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ
كُلِّ بَابٍ

23. Адн жаннатларидир. Унга улар ва уларнинг оталари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан солиҳ бўлганлари кирарлар. Сўнгра, уларнинг ҳузурларига ҳар эшиқдан фаришталар кириб:

سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ

24. «Сабр қилганингиз учун сизларга Салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай ҳам яхши!» (дерлар).

Яъни, мазкур саккиз сифатга соҳиб бўлган ақл эгалари эришадиган оқибат диёри:

«Адн жаннатларидир».

«Адн» жаннатнинг номларидан бўлиб, луғатда «истиқомат жойи, истиқрор ўрни» маъноларини англатади. Демак, мазкур ақл эгала-

ри – мўмин-мусулмонлар ўша сифатларни ўзларида мужассам этиб, бу дунёда уларга амал қилиб яшаб ўтганлари учун, қиёматда Адн жаннатларига кирадилар.

«Унга улар ва уларнинг оталари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан солиҳ бўлганлари кирарлар.»

Мазкур жаннатга, ҳузур-ҳаловатлари янада тўлиқ бўлсин учун, ота-оналари, эр ёки хотинлари ва ўғил-қизлари ҳам қўшилиб кирадилар. Аммо шарт бор. Ўша ота-оналар, жуфти ҳалоллар ва зурриётлар аҳли солиҳ бўлишлари керак. Аҳли солиҳ бўлмасалар, кира олмайдилар. Адн жаннатлари катта неъмат, унга кирганлар улуғ мақомга эришадилар. Унда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган неъматлардан баҳраманд бўладилар.

Бунинг устига:

«...уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга Салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандоқ ҳам яхши!» (дерлар)».

Бу эса, уларнинг ҳузурларини янада зиёда қилади. Инсон бу дунёда ҳам бирор неъматга эришса, ҳузурланади. Аммо яқин кишилар уни ўша неъмат ила муборакбод этсалар, ҳузур янгиланади ва янада зиёда бўлади.

Ақл эгалари Адн жаннатларида мана шундай ҳолда бўлиб, уларга фаришталар ҳам ҳавас қилиб турган бир пайтда, ақл ишлатмаганлар, кўр бўлганлар тамоман ўзгача ҳолда бўладилар:

وَالَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَٰئِكَ لَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ

25. Аллоҳнинг аҳдини мийсоқдан кейин бузадиганлар, Аллоҳ боғланишига амр этган нарсаларни узадиганлар ва ер юзида бузғунчилик қиладиганларга, ана ўшаларга лаънат ва уларга ёмон диёр бор.

Бу оятда васф қилинаётган бадбахт бандаларнинг бош айблари Аллоҳ таолога ал-Мийсоқда берилган бош аҳдни – иймон аҳдини ва ўша иймон тақозоси ила амал қилиш мийсоқини бузишларидир. Ушбу асосий ва марказий аҳд бузилгандан кейин бошқа аҳдлар ҳам бузилиши муқаррар. Чунки, Аллоҳга иймон аҳди бўлмагандан кейин, бошқа қандай аҳд бўлиши мумкин?! Шу боисдан ҳам, улар:

«Аллоҳ боғланишига амр этган нарсаларни бузадиганлар»га айланиб қоладилар.

Аллоҳга иймонлари бўлмаганидан кейин, унинг айтганларини ҳам қилмайдилар. Жумладан, Аллоҳ боғланишга амр этган қарин-

дошлик алоқаларини, инсонийлик ва бошқа алоқаларни ҳам узатдилар. Натижада:

«ер юзида бузғунчилик қиладиганларга» айланадилар.

Уларнинг иши бузғунчиликдан иборат бўлиб қолади.

«Ана ўшаларга лаънат ва уларга ёмон диёр бор.»

Уларнинг бу ҳолга тушишларига сабаб дунёю охиратда ризқни фақат Аллоҳ беришини англамасликлари ҳамдир:

اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ وَفَرِحُوا بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا لَأَمْتَعٌ ﴿١١﴾

26. Аллоҳ хоҳлаган кишисининг ризқини кенг қилур ва (хоҳлаганникини) тор қилур. Улар бу дунё ҳаёти ила шод бўлдилар. Ҳолбуки, бу дунё ҳаёти охират олдида арзимас матоҳ, холос.

Улар «бу дунё ҳаёти охират олдида арзимас матоҳ» эканлигини англаб етиб, оқибатини ўйлаб иш тутганларида, ҳам бу дунёни, ҳам охиратни қозонган бўлур эдилар. Аллоҳ аввал бу дунё неъматларини бериб, сўнгра охират неъматларига эриштирар эди. Чунки, У зот Ўзи хоҳлаган кишисининг ризқини кенг қилиб қўяди, хоҳлаганникини тор қилиб қўяди.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу дунё охират олдида ҳеч нарса эмас. Магар сизлардан бирингиз мана бу бармоғини денгизга солганига ўхшайди. Назар солсин-чи, бармоғига нима илашибди», деб кўрсатгич бармоқларига ишора қилдилар», дейилган.

Кейинги оятда ўша, ўзини билмай, кўру ақлсиз бўлиб, охиратнинг эмас, дунёнинг ташвишида юрган кофирларнинг гапларидан бири ва унинг жавоби келтирилади:

وَيَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ آيَةٌ مِّن رَّبِّهِ ۗ قُلْ إِنَّمَا اللَّهُ يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ أَنَابَ ﴿١٧﴾

27. Ва куфр келтирганлар: «Унга Роббидан бир мўъжиза тушса эди», дерлар. Сен: «Албатта, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказур ва ўзига йўналганларини ҳидоят қилур», деб айт.

Кофирларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан фавқулодда бир катта мўъжиза тушишини талаб қилишлари ҳам уларнинг қалб кўзлари кўр эканлигига, ақллари тўғрилиқка ишламаслигига далилдир. Бўлмаса, дунёнинг ҳамма томонида, ҳар қадамда Ал-

лоҳнинг қудратига далиллар тўлиб ётибди. Улар ўша далилларни кўриб-билиб турибдилар. Лекин ақл ишлатмайдилар. Одамларни қўрқитиб, мажбур қилувчи мўъжиза ила иймонга келишларини хоҳлайдилар. Аслида эса, одамларнинг иймонга келишлари одатдан ташқари, ғайритабиий ҳодисаларга эмас, қалбларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун буюрилмоқдаки, эй Пайғамбар:

«Сен: «Албатта, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказур ва ўзига йўналганларини ҳидоят қилур», деб айт».

Ушбу жумлада биз «йўналган» деб таржима қилган сўз «аноба» деб келган. Бу сўзнинг асл маъноси «яхшилиқ набати – тусига кириш», яъни, Аллоҳга таслим бўлиш, унинг оятларини кўриб, унга қайтиш ва тавба қилиш маъноларини англатади. Демак, бирор кишининг ҳидоятга муяссар бўлиши шарти, аввало, унинг ўзида истак, Аллоҳга томон йўналиш бўлиши кераклиги экан. Ана ўшанда, Аллоҳ уни ҳидоятга солар экан. Бўлмаса, ушбу оятда зикри келаётган кофирларга ўхшаб:

«Унга Роббидан бир мўъжиза нозил бўлса эди», деб юришаверади.

Аммо иймон келтирганларнинг ҳоли тамоман бошқача.

الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ ﴿٢٨﴾

28. Иймон келтирганлар ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлар. Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?

Ҳа, иймон келтирганларнинг қалблари Аллоҳнинг зикри ила ором топади. Чунки, у қалблар ўзларининг Аллоҳга доимий боғлиқ эканларини ҳис этадилар. Чунки, бу қалблар дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳдан эканлигини яхши биладилар. Аллоҳдан ўзганинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳам яхши биладилар. Бу дунёю у дунёнинг саодати Аллоҳнинг ихтиёрида эканини яхши биладилар. Шундай бўлганидан кейин нега Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасин?!

«Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?»

Бу оромнинг нелигини уни тотиб кўрганларгина биладилар. Иймонсизлар қалб ороми нима эканидан бутунлай беҳабардирлар. Улар ер юзидаги энг бадбахт одамлардир. Дунёдаги энг бахтли одамлар эса, Аллоҳ томон йўналганлар, ҳидоят топганлар, иймон келтирганлар ва қалблари Аллоҳнинг зикри ила ором топганлардир.

الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ طُوبَىٰ لَهُمْ وَحَسَنَ مَا أَجْرُهُمْ ﴿٢٩﴾

29. Иймон келтирганлар ва яхши амалларни қилганларга хушнудлик ва гўзал маскан бор.

Яъни, катта хурсандлик ва жаннат бор. Аммо, кофир ҳолида қолиб, турли оят-мўъжизалар нозил бўлишини талаб қилиб юрганлар билиб қўйсинларки:

كَذَلِكَ أَرْسَلْنَاكَ فِي أُمَّةٍ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهَا أُمَمٌ لِّتَتْلُوَ عَلَيْهِمُ الَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَهُمْ يَكْفُرُونَ بِالرَّحْمَنِ قُلْ هُوَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ مَتَابِ ﴿٢٠٠﴾

30. Шундай қилиб, сени ўзларидан олдин ҳам умматлар ўтган бир умматга уларга ўзинга ваҳий қилган нарсамизни тиловат қилиб беришинг учун юбордик. Ҳолбуки, улар Роҳманга куфр келтирурлар. Сен: «У менинг Роббимдир, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Унинг Ўзигагина таваккал қилдим. Тавбам ҳам Унинг Ўзигадир», деб айт.

Яъни, эй Муҳаммад, сен дунёдаги биринчи Пайғамбар эмассанки, улар сенинг Пайғамбарлигингдан ҳайратга тушсалар ҳамда бу ишни фаройиб санасалар.

Ҳолбуки, улардан олдин ҳам кўплаб умматлар ўтган. Уларга ҳам Пайғамбарлар келган.

«Шундай қилиб, сени ўзларидан олдин ҳам умматлар ўтган бир умматга уларга ўзинга ваҳий қилган нарсамизни тиловат қилиб беришинг учун юбордик».

Яъни, сени ҳам ўша Пайғамбарларнинг биттаси қилиб юбордик. Сенинг вазифанг юборган оятларимизни уларга тиловат қилиб беришдир. Ажабланарлисиз шуки:

«улар Роҳманга куфр келтирурлар.»

Лекин сен бундан сиқилма ва эътибор ҳам берма. Уларга:

«У менинг Роббимдир, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Унинг Ўзигагина таваккал қилдим. Тавбам ҳам Унинг Ўзигадир», деб айт».

Яъни, ўша сизлар иймон келтирмаётган Роҳман менинг Роббимдир, Парвардигорим, Розиким, Ҳомийимдир. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. Шунинг учун, мен фақат Унгагина ибодат қиламан. Ундан ўзга суянадиган суянчиқ йўқ. Шунинг учун, мен фақат Унгагина таваккал қилдим, суяндим. Ундан ўзга тавба қиладиган зот йўқ. Шунинг учун, фақат Унинг Ўзигагина тавба қиламан.

Ушбу Қуръон тиловат қилиниши учун нозил этилгани олдинги оятда айтиб ўтилди.

Келгуси ояти каримада эса, Қуръони Каримни васф қилиш давом этади.

وَلَوْ أَنَّ قُرْءَانَ سِيرَتْ بِهِ الْجِبَالُ أَوْ قُطِعَتْ بِهِ الْأَرْضُ أَوْ كَلِمَ بِهِ الْمَوْتَىٰ بَلَّ لِلَّهِ الْأَمْرُ
 جَمِيعًا أَفَلَمْ يَأْتِيسِ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ لَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَهْدَى النَّاسَ جَمِيعًا وَلَا يَزَالُ الَّذِينَ
 كَفَرُوا تُصِيبُهُم بِمَا صَنَعُوا قَارِعَةٌ أَوْ تَحُلُّ قَرِيبًا مِّن دَارِهِمْ حَتَّىٰ يَأْتِيَ وَعْدَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْلِفُ
 الْمِيعَادَ

31. Агар Қуръон ила тоғлар жилдириладиган, ер парчаланадиган ёки ўликлар тилга киритиладиган бўлганида (имкони бор эди). Аммо, ишнинг барчаси Аллоҳга хосдир. Иймон келтирганлар, агар Аллоҳ хоҳласа, одамларнинг ҳаммасини ҳидоят қила олишини билмадиларми? Куфр келтирганларга, то Аллоҳнинг ваъдаси келгунча, ўз ишлари сабабли мудом ларзага солувчи мусийбатлар етар ёки уларнинг диёрлари яқинига тушиб турар. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.

Аллоҳнинг охири самовий китоби, абадий мўъжизаси бўлган Қуръони Каримнинг хусусиятлари кўпдир. Унинг қуввати, таъсири ҳам ажойибдир.

«Агар Қуръон ила тоғлар жилдириладиган, ер парчаланадиган», бўлишини ирода қилинганида, бу ишлар бўлар эди.

«ёки ўликлар тилга киритиладиган бўлганида», улар ҳам тилга кирарди.

«Аммо, ишнинг барчаси Аллоҳга хосдир.»

Шу жумладан, Қуръоннинг иши ҳам Аллоҳга хосдир. Аллоҳ Қуръонни одамларга хитоб этиш учун, уларнинг қалбларига таъсир ўтказиш учун нозил этди. Бу билан эса, тоғларни жойидан жилдиришдан, ерни парчалашдан ёки ўликларни тилга киритишдан кўра улканроқ ишлар қилинди. Бутун дунё халқларининг тарихи жойидан жилдирилди, қалблардаги, фикрлардаги тошлар, музлар парчланди ва халқларнинг руҳига жон кирди.

Ана шундай хусусиятга эга Қуръонни ўқиб, эшитиб ва билиб туриб ҳам, иймонга келмайдиганлардан мўминлар ажаблансинлар. Уларнинг ишини Аллоҳга ҳавола қилсинлар.

«Иймон келтирганлар, агар Аллоҳ хоҳласа, одамларнинг ҳаммасини ҳидоят қила олишини билмадиларми?»

Яъни, бу ҳақиқатни билишлари керак. Агар хоҳласа, Аллоҳ таоло одамларни ҳам фаришталарга ўхшатиб фақат ҳидоятгагина истеъдодли қилиб яратган бўларди. Ёки ҳамма одамларни ҳидоятга мажбур этиши ҳам мумкин эди. Лекин Аллоҳ ундай қилмади. Маъ-

лум вазифани бажариши лозимлигини эътиборга олиб, инсонни ўшанга қобилиятли қилиб яратди. Шу боиски, бош тортганларида уларни бир йўла ҳалок қилиб юборишни истамай, ҳаммаларининг ҳидоятига сабаб бўладиган катта мўъжиза туширишни хоҳлади. Балки:

«Куфр келтирганларга, то Аллоҳнинг ваъдаси келгунча, ўз ишлари сабабли мудом ларзага солувчи мусийбатлар етар...»

Яъни, Аллоҳнинг ваъдаси — қиёмат келгунча уларнинг эс-ҳушлари жойига келтирувчи мусийбатлар бошларига тушиб туради. Бу мусийбатлар уларнинг қилган ишлари туфайли тушади.

«...ёки уларнинг диёрлари яқинига тушиб турар.»

Ёки эс-ҳушлари жойига келтирувчи ўша мусийбатлар дунёнинг бошқа жойларига тушади. Ўша кофир ва осий бандалар яшаётган диёрларга яқин жойларга тушади. Токи улар ўша мусийбатларни кўриб, ваъз-насиҳат олиб, ўзларига келсинлар ва иймон келтирсинлар.

«Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.»

Шунинг учун, У зот ваъда қилган қиёмат ҳам, ларзага солувчи мусийбатлар ҳам албатта содир бўлади.

Ушбу ояти кариманинг биринчи бўлимидаги маънони тасдиқловчи ҳадиси шарифни имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагича ривоят қилганлар:

«Ҳар бир Набийга одамлар иймонга келишига сабаб бўлган нарса (мўъжиза) берилган. Ҳақиқатда менга берилган нарса эса, Аллоҳ менга юборган ваҳий бўлади. Мен қиёмат куни Набийлар ичида уммати энг кўпи бўлишни умид қиламан».

Яъни, ҳар бир Пайғамбарга ўз замонида мос, кишиларни лол қолдириб, иймонга чорловчи мўъжиза берилган. Менинг ўшандай мўъжизам Аллоҳ менга юборган ваҳий — Қуръон бўлди. Ҳар бир Пайғамбарнинг мўъжизаси унинг ўлими ила битди. Аммо бу Қуръон абадий, боқийдир. Шунинг учун, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига эргашувчиларнинг, яъни умматларининг кўп бўлишини орзу қилдилар.

Термизий ал-Ҳорис ал-Аъвардан ривоят қилган ҳадисда Қуръони Каримнинг васфида қуйидагилар айтилади: «Қуръоннинг ажойиботлари тугамас, у кўп такрор бўлишдан эскирмас, уламолар ундан тўймас, у ҳазил эмас, балки фасл — айрим қилувчидир, ким уни бир жаббордан қўрқиб тарк этса, Аллоҳ уни синдиради. Ким ундан бошқадан ҳидоят изласа, Аллоҳ уни залолатга кетказди».

Мана шундай ҳолатда ҳам иймонга келмайдиганлар, Пайғамбарни масхара қилувчилар бор. Лекин, эй Пайғамбарим, сен уларнинг бу қилмишларига хафа бўлма:

وَلَقَدْ أَسْتَهْزَيْتُمْ بُرْسُلِي مِّن قَبْلِكَ فَأَمَلَيْتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثُمَّ أَخَذْتَهُمْ فَكَيْفَ كَانَ عِقَابِي ﴿٢٢﴾

32. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар масхара қилинганлар. Бас, куфр келтирганларга муҳлат бердим. Сўнгра, уларни ушладим. Бас, иқобим қандоқ бўлган эди?!

Кофирларнинг Пайғамбарларни масхара қилиши янгилик эмас. Уларнинг ҳамешалик иши бу. Бинобарин, у нозил бўлсин, бу нозил бўлсин, оят-мўъжиза келсин, деб сени масхара қилишса, ҳазин бўлма.

«Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар масхара қилинганлар.»

Улар бир оз амал қилиб турсинлар. Одат шунақа. Қадимда ҳам: **«Бас, куфр келтирганларга муҳлат бердим».**

Улар бу муҳлатдан ўзларини ўнглаб олишлик учун фойдаланмадилар. Куфр ва саркашлиқда давом этдилар.

«Сўнгра, уларни ушладим. Бас, иқобим қандоқ бўлган эди?!»

Кейинги кофирларга ҳам шундай қилишим осон.

Шу оятлар билан ваҳий ҳақидаги баён тугаб, энди ширк масаласи устида сўз кетади:

أَفَمَن هُوَ قَائِمٌ عَلَىٰ كُلِّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ وَجَعَلُوا لِلَّهِ شُرَكَاءَ قُلُوبًا سَمُّوهُمْ أَمْ تُنَبِّئُونَهُ بِمَا لَا يَعْلَمُ فِي الْأَرْضِ أَمْ بِيْظَاهِرٍ مِّنَ الْقَوْلِ بَلْ زَيْنَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مَكْرُهُمْ وَصُدُّوا عَنِ السَّبِيلِ ۗ وَمَن يُضِلِلِ اللَّهُ فَمَا لَهُ مِن هَادٍ ﴿٢٣﴾

33. Ҳар бир жоннинг қилган касби устида турувчи зот ким? Аллоҳга ширк келтирдилар. Сен: «Уларнинг номларини айтинг. Ёки Унга ер юзида У билмайдиган нарсанинг хабарини берасизларми? Балки, юзаки гапдир», дегин. Йўқ, куфр келтирганларга макрлари зийнатлаб кўрсатилди ва улар йўлдан тўсдилар. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласи ҳақида уламолар турлича фикр айтганлар. Тўғрироғи, жумланинг зикр қилинмаган қисми ҳақида фикрлар хилма-хил бўлган. Биз ўшалардан бирини олдик.

«Ҳар бир жоннинг қилган касби устида турувчи зот ким?»

Яъни, ҳар бир жоннинг нима қилаётганини ҳар доим билиб, кўриб, кузатиб, ҳисобга олиб турувчи ким? Албатта, Аллоҳ. Бу ҳақиқатни идрок қилган ҳар бир жон ўзини ўнглаб олиши керак. Аммо баъзи одамлар:

«Аллоҳга ширк келтирдилар».

Ўшандай сифатларга эга бўлган Аллоҳга ҳеч нарсага арзимайдиган махлуқларни шерик деб эътиқод қилдилар. Улар нималар ўзи? Эй Пайғамбарим, ўша мушрикларга:

«Уларнинг номларини айтинг», дегин.

Нима экан ўзи ўша шериклар. Номлари бормикан?

«Ёки Унга ер юзида У билмайдиган нарсанинг хабарини берасизларми?» дегин.

Яъни, эй мушриклар! Сиз Аллоҳга У билмайдиган нарсанинг хабарини берасизларми? Ер юзида Унга шерик бўладиган бошқа худодлар бор экан-у, У зот билмасмикан?

«Балки, юзаки гапдир», дегин.

Яъни, ширк тўғрисида айтаётган гапингиз асоссиз, юзаки гапдир.

«Йўқ, куфр келтирганларга макрлари зийнатлаб кўрсатилди ва улар йўлдан тўсилдилар.»

Демак, гап бошқа ёқда экан. Кофирларнинг дину диёнатга қарши қилаётган макр-ҳийлалари уларга зийнатлаб кўрсатилибди. Улар, бу қилаётган ишимиз тўғри ва гўзалдир, деб ўйладилар. Макр-ҳийлаларида давом этавердилар. Оқибатда эса, Аллоҳнинг йўлидан тўсилдилар. Залолатга кетдилар.

«Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳеч бир ҳидоятчи бўлмас.»

Чунки, улар қилмишларига яраша, Аллоҳнинг динига қарши макр-ҳийла ишлатганлари сабабидан жазога мубтало бўлдилар. Аллоҳ уларга макр-ҳийлаларини зийнатлаб кўрсатди ва уларни шу йўл билан залолатга кетказди. Одатда, бундай бўлганларга ҳеч бир ҳидоятчи топилмайди. Улар икки дунёнинг бадбахтлигига учрайдилар.

لَهُمْ عَذَابٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَعَذَابٌ الْآخِرَةِ أَشَقُّ وَمَا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَاقٍ ﴿٢٤﴾

34. Уларга бу дунё ҳаётида азоб бор. Албатта, охират азоби машаққатлироқ. Улар учун Аллоҳдан сақловчи бўлмас.

Уларнинг бу дунёдаги ҳаётлари азобдан иборат. Чунки иймонсизлик кони азоб. Кофирларнинг ҳаёти иймонсизликлари туфайли турли моддий ва маънавий азоблар ила кечади.

«Албатта, охират азоби машаққатлироқ.»

Охират азоби қандай бўлишини билиб қўйсинлар. Яна шуни ҳам билсинларки, қиёматда:

«Улар учун Аллоҳдан сақловчи бўлмас.»

Яъни, Аллоҳнинг азобидан сақловчи бўлмас.

Бунинг муқобилида келаси ояти каримада мўминларнинг – аҳли жаннатларнинг ҳоли тасвирланади:

﴿ مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كَالْمُهَادِ يُمُّوْظَلُّهَا تِلْكَ عُقْبَى الَّذِينَ اتَّقَوْا وَعُقْبَى الْكَافِرِينَ النَّارُ ﴾

35. Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир): остидан анҳорлар оқади, мевалари ва соялари доимийдир. Бу, тақво қилганларнинг оқибатидир. Кофирларнинг оқибати эса, дўзахдир.

Жаннатнинг васфида бошқа кўпгина оятлар ҳам келган. Улар билан ўз ўрнида танишдик ва яна танишамиз. Ушбу ояти карима ҳам жаннатни қисқача таърифлаб ўтмоқда.

«Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир)...»

Демак, жаннат фақат тақводорларга ваъда қилинган экан. Бошқаларга эмас. Ўша жаннатнинг васфи бундоқдир:

«остидан анҳорлар оқади, мевалари ва соялари доимийдир».

Яъни, тақводорларга Аллоҳ таоло томонидан ваъда қилинган жаннатнинг дарахтлари остидан анҳорлар оқиб туради. Бу, энг олий навли боғу бўстоннинг васфидир. Бу дунёда ҳам дарахти остидан анҳорлар оқиб турган боғ, анҳори йўқ боғдан неча чандон устун туриши ҳаммага маълум. Жаннатникининг васфига тил ожизлигини ҳам ҳамма билади.

Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг яна бир сифати мевалари доимийлигидир. Бу дунёнинг боғлари ҳар қанча яхши бўлган чоғида ҳам меваси доимий эмаслиги маълум. Ҳар йили бир неча ҳафталик мавсумида меваси бўлиб, бир узиб олингандан кейин таомом бўлади. Янаги йилнинг мавсумини кутишга тўғри келади. Жаннатнинг мевалари эса доимий бўлиши ушбу ояти каримада таъкидланмоқда. Жаннатнинг мевалари мавсумий эмас. Доимийдир. Жаннатийлар қачон хоҳдасалар, ҳузурларида тайёр бўлиб туради.

Шунингдек, жаннатнинг соялари ҳам доимийдир. Куннинг маълум соатида соя бўлиб, кейин сояси йўқолмайди. Ёки дарахтлари сербарг бўлганда сояли бўлиб, маълум вақтдан кейин барглари тўкилиб, соясиз бўлиб қолмайди.

Бу маъноларни тўлароқ англаш учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан иккитасини келтирмоқчимиз.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган, қуёш тутилганда ўқилган намоз тўғрисидаги ҳадисда, жумладан, шундай дейилади:

«Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биз сизни бу мақомингизда бир нарса-ни олганингизни, сўнгра ортга тисарилганингизни кўрдик?» дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга жаннат кўрсатилди. Ундан бир шингил мева тановул қилдим. Агар уни олганимда, дунё боқий тургунича ер эдингизлар», дедилар».

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатда бир дарахт бор, агар учқур от минган одам астойдил юз йил юрса ҳам, унинг соясидан чиқа олмайди», деганлар.

Энди келадиган ояти каримада ваҳийга, ширкка, Пайғамбарга тегишли масалаларга аҳли китобларнинг муносабатлари муолажа қилинади:

وَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَفْرَحُونَ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمِنَ الْأَحْزَابِ مَنْ يُنْكِرُ بَعْضَهُ قُلْ
 إِنَّمَا أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ اللَّهَ وَلَا أُشْرِكَ بِهِ ۚ إِلَيْهِ أَدْعُوا وَإِلَيْهِ مَتَابٌ ﴿٣٦﴾

36. Биз китоб берганлар сенга нозил қилинган нарсдан хурсанд бўлурлар. Гуруҳлар ичида унинг баъзисини инкор қиладиган кимсалар ҳам бор. Сен: «Албатта, мен Аллоҳга ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка амр қилиндим. Унгагина даъват қиламан ҳамда қайтишим ҳам Унгадир», деб айт.

Албатта, аҳли китоблардан ростгўй ва инсофлилари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган Қуръони Каримдан хурсанд бўлдилар.

«Биз китоб берганлар сенга нозил қилинган нарсдан хурсанд бўлурлар».

Чунки, улар бу китобда асл, тўғри ақйданинг асосларини топдилар, ўз китобларидаги башоратларнинг тасдиғини топдилар. Шу билан бирга:

«Гуруҳлар ичида унинг баъзисини инкор қиладиган кимсалар ҳам бор».

Ҳа, одамлар орасида Қуръоннинг баъзи жойларини, ўзларига ёқмаган ўринларини инкор этувчилар ҳам бор. Бир нарсасига ишонди-ю, бошқасига ишонмайди. Бир ҳукмига амал қилса бўлади, дейди-ю, бошқасига амал қилишдан қайтаради ва ҳоказо.

Одамлар нима деса, деяверсинлар. Аҳли китоблар Қуръондан хурсанд бўлсалар, яхши. Одамлардан баъзилари унинг баъзисини

инкор қилсалар, ўзларига. Буларнинг сенинг ишингга таъсири йўқ. Йўлингни бор ҳолича эълон қилиб қўй. Эй Пайғамбар!

«Сен: «Албатта, мен Аллоҳга ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка амр қилиндим. Унгагина даъват қиламан ҳамда қайтишим ҳам Унгадир», деб айт.»

Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини инкор қилаётганлар билиб қўйсинлар. Улар билан мурасасозлик қилиш йўқ. Ибодат фақат Аллоҳнинг Ўзигагина бўлади. Унга ҳеч кимни, ҳеч нарсани шерик деб бўлмайди. Даъват ҳам фақат Аллоҳ таолога бўлади. Охир-оқибат, қайтиш ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзигадир. Бошқа гап йўқ.

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهُ حُكْمًا عَرَبِيًّا وَلِيُنَّبِغْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا وَاقٍ ﴿٣٧﴾

37. Шунингдек, Биз уни арабий ҳукм этиб нозил қилдик. Агар сен ўзингга келган илмдан сўнг уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсанг, сен учун Аллоҳдан на бир дўст ва на бир сақловчи бўлмас.

Яъни, Қуръон араб тилидаги ҳукмдир. Сен, эй Пайғамбар, ўзинг ҳам арабсан. Шунинг учун, араб тилидаги Қуръоннинг ҳукмларини яхши биласан. Бу ишончли илмдир. Одамларнинг гаплари илм эмас, турли тахмин ва ҳойи ҳавасдир. Сен ишончли илмни қўйиб, одамларнинг ҳойи ҳавасларига эргашсанг, дўст ҳам, сақловчи ҳам топа олмай қоласан.

Агар сенинг оилали, бола-чақали оддий инсон эканлигингга ва одатдан ташқари бир оят-мўъжиза келтирмаётганингга эътироз бўладиган бўлса:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَنْ يَأْتِيَ بِبَيِّنَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ لِكُلِّ أَجَلٍ كِتَابٌ ﴿٣٨﴾

38. Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарлар юбордик ва уларга хотинлар ва зурриётлар ато қилганмиз. Ҳеч бир Пайғамбар Аллоҳнинг изнисиз оят-мўъжиза келтирган эмас. Ҳар бир ажалнинг ўз китоби бордир.

Яъни, сенинг оддий башар бўлишининг ажабланадиган жойи йўқ. Биров, «Бу ўзимизга ўхшаган одам экан, унга иймон келтирмайман, агар фаришта бўлганида, иймон келтирар эдим», дейишга ҳаққи йўқ.

«Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарлар юбордик ва уларга хотинлар ва зурриётлар ато қилганмиз.»

Биз доимо оддий одамларни Пайғамбар қилиб келганмиз, фа-ришталарни эмас. Ўша, сендан олдин ўтган Пайғамбарларнинг ҳам сенга ўхшаб оиласи, бола-чақалари бўлган.

Шунингдек, уларнинг мўъжиза келтиришингни талаб қилиш-лари, бўлмаса, иймон келтирмаймиз, деб шарт қўйишлари ҳам нотўғри. Мўъжиза келтириш Пайғамбарнинг иши эмас, унинг қўлидан келмайди. Сендан олдин ўтган Пайғамбарлар ҳам шундай бўлишган.

«Ҳеч бир Пайғамбар Аллоҳнинг изнисиз оят-мўъжиза келтирган эмас.»

Мўъжиза келтириш Аллоҳнинг иши. У зотнинг Ўзи хоҳлаган пайтида, хоҳлаган Пайғамбарига, хоҳлаган мўъжизани беради.

«Ҳар бир ажалнинг ўз китоби бордир.»

Ҳар бир ишнинг белгиланган муддати бор. Ўша белгиланган вақт келганда, у иш содир бўлади.

يَمْحُو اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَيُثَبِّتُ مَا يَشَاءُ وَعِنْدَهُ أُمُّ الْكِتَابِ

39. Аллоҳ нимани хоҳласа, маҳв қилур, нимани хоҳласа, собит қилур. Она китоб Унинг даргоҳидадир.

Ҳа, Аллоҳ таоло дунёдаги нарсалардан нимани хоҳласа, фойдасиз ёки муддати битди, деб топса, маҳв этади, йўқотади. Нимани фойдали деб топса, турсин деса, собит қилади, қолдиради. Буларнинг ҳаммаси ва бошқа нарсалар ёзилган она китоб Аллоҳнинг ҳузуридадир.

Эй Пайғамбарим:

وَإِنْ مَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلْغُ وَعَلَيْنَا الْحِسَابُ

40. Уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини сенга кўрсатармиз ёки (ундан олдин) сени вафот эттирармиз. Албатта, етказиш сенинг зиммангда, ҳисоб қилиш Бизнинг зиммамиздадир.

Биз кофир, мушрик ва золимларга азоб бўлиши муқаррарлигини ваъда қилмоқдамиз. Аммо, мазкур ваъда келиб, уларнинг азобла-нишини кўришинг шарт эмас. У азобларнинг қачон ва қандай келиши Бизнинг ишимиз.

«Уларга ваъда қилганимизнинг баъзисини сенга кўрсатармиз ёки (ундан олдин) сени вафот эттирармиз.»

Эҳтимол, уларга ваъда қилган нарсамизнинг баъзисини сенга кўрсатармиз. Кофир, мушрик ва золимларнинг қандай азобланишларининг гувоҳи бўларсан. Эҳтимол, уларни азоблашимиз орқага сурилар. Балки, азоб сенинг вафотингдан кейин келар. Бунинг аҳамияти йўқ. Энг аҳамиятлиси шулки:

«Албатта, етказиш сенинг зиммангда».

Аллоҳнинг амрини, шариатини, динини одамларга етказиш сенинг зиммангдадир. Сенинг вазифанг шундан иборатдир. Уларнинг қабул қилишлари ёки қилмасликлари билан ишинг бўлмасин.

«Ҳисоб қилиш Бизнинг зиммамиздадир.»

Қандай қилиб ҳисоб-китоб қилишни Ўзимиз биламиз, кофирлар хомхаёл бўлмасинлар.

أَوْلَمْ يَرَوْا أَنَّا نَأْتِي الْأَرْضَ نَنْقُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا وَاللَّهُ يَحْكُمُ لَا مُعَقَّبَ لِحُكْمِهِ وَهُوَ
سَكْرِيحٌ الْحِسَابِ ﴿٤١﴾

41. Биз ерга келиб, унинг атрофидан қисқартириб бораётганимизни кўрмасларми?! Ҳукми Аллоҳ қиладир. Унинг ҳукмини таъқиб қилгувчи йўқдир. У ҳисоби тез Зотдир.

Кофирлар вақт ўтиши билан ердаги ҳайротлар камайиб бораётганини кўрмайдиларми? Бой-бадавлат, ҳайротларга тўла юртлар, аҳолисининг кофирлиги туфайли, бойлиги, давлати ва ҳайротларидан жудо бўлаётганларини кўрмайдиларми? Уни Биз қилмоқдамиз. Ҳа, дунёдаги барча:

«Ҳукми Аллоҳ қиладир».

Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ҳукм қила олмайди. Агар у бирор юртни таназзулга учрашига ҳукм қилса, ўша бўлади.

«Унинг ҳукмини таъқиб қилгувчи йўқдир.»

Орқасидан тафтиш қилувчи, ўзгартирувчи йўқ.

«У ҳисоби тез Зотдир.»

Ҳар қандай ҳисоб бўлса ҳам, бир зумда қилиб қўяди.

Агар ишонмайдиган бўлсалар, тарихга бир назар солсинлар.

وَقَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلِلَّهِ الْمَكْرُ جَمِيعًا يَعْلَمُ مَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ وَسِعِلْمُ الْكُفْرِ
لِمَنْ عَقَبَى الدَّارِ ﴿٤٢﴾

42. Батаҳқиқ, улардан олдингилар ҳам макр қилдилар. Аммо, барча макрлар Аллоҳнинг (илкидадир). У ҳар бир жон нима қили-

шини биладир. Яқинда кофирлар оқибат диёри кимга бўлишини билажаклар.

Ҳозирги кофирларга ўхшаб қадимгилари ҳам турли ҳийла-найранглар қилиб кўрганлар. Ҳа,

«Батаҳқиқ, улардан олдингилар ҳам макр қилдилар».

Лекин фойдаси бўлмаган. Ҳаммаси ҳалокатга учраганлар. Чунки: **«барча макрлар Аллоҳнинг (илкидадир)».**

Макр ишлатиб, ундан қутулиб бўлмайди.

«У ҳар бир жон нима қилишини биладир.»

Наҳотки, кофирларнинг макрини билмай қолса? Йўқ, албатта билади. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилади. Ўша ҳисоб бўйича:

«Яқинда кофирлар оқибат диёри кимга бўлишини билажаклар».

Сўнги оятда кофирларнинг Пайғамбарликни инкор қилишлари яна бир бор эса олинади:

وَيَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَسْتَ مُرْسَلًا قُلْ كَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ
وَمَنْ عِنْدَهُ عِلْمُ الْكِتَابِ ﴿٤٣﴾

43. Куфр келтирганлар: «Пайғамбар эмассан», дерлар. Сен: «Мен билан сизнинг орангизда Аллоҳ ва Китоб илми бор кимсалар етарли гувоҳдир», деб айт.

Яъни, эй Пайғамбар! Ўша кофирларга «Менинг Пайғамбар эканимга Аллоҳ гувоҳ. Китоб илми бор кишилар гувоҳ. Сизга ўхшаган жоҳилларнинг гапининг аҳамияти йўқ», деб айт.

Ушбу ояти каримадаги «Китоб»дан мурод илоҳий китобдир. Шунинг учун ҳам, баъзи уламоларимиз: **«Китоб илми бор шахслар»**-дан мурод инсофли аҳли китоблардир, деганлар. Дарҳақиқат, қадимда кўпгина тортишувли масалаларда, хусусан мушриклар иштирокидаги тортишувларда аҳли китоблар гувоҳ қилинганлар. Чунки, илоҳий китоб соҳиби сифатида ўзларига яраша ҳурматлари бўлган. Аҳли китобларнинг инсофлилари эса, Ҳазрати Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига доимо гувоҳлик бериб келганлар.



ИБРОҲИМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Сураи каримада Иброҳим алайҳиссалом қиссалари келади, у зотнинг муборак исмлари зикр қилинади. Ана шу исм сурага ном бўлиб қолган. Шунингдек, бу сура Маккаи Мукаррамада Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишига иймон келтирган оз сонли мусулмонлар Пайғамбарлар отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссалом бошларидан ўтказган қийинчиликларга ўхшаш ҳолатларга йўлиққан бир пайтда нозил бўлган.

Бу сураи карима ҳам, Маккада нозил бўлган бошқа сураларга ўхшаб, ақийда, ваҳий, Пайғамбарлик, тавҳид, қайта тирилиш, ҳисобкитоб ва жазою мукофот масалаларини ичига олади. Албатта, бу масалаларни бошқа суралардан фарқли ўлароқ, ўзига хос услуб ва тарийқа ила муолажа қилади.

Унда иккита масалага алоҳида эътибор берилади.

Биринчиси: динларнинг ва Пайғамбарларнинг асли бирлиги, улар чақирган чақириқнинг бирлиги.

Иккинчиси: Аллоҳнинг башариятга берган неъматини, ўша неъматнинг шукр ила зиёда бўлиши. Одамларнинг кўплари ношукр бўлишлари.

Сураи карима Пайғамбарларнинг вазифасини баён қилиш билан бошланади. Кейин эса, Мусо алайҳиссалом ҳам барча Пайғамбарларга ўхшаб, ўша вазифани адо этиш учун Пайғамбар қилиб юборилганлари зикр этилади. Сўнгра, бошқа Пайғамбарлар ҳам даъват қилиш, одамларга тушунтириш учун келганлари баён қилинади. Аммо қавмлари буни тушунмай, эътироз қилишлари, уларнинг инсон эканликларидан шубҳага тушишлари эсга олинади. Ортидан Пайғамбарларнинг раддиялари келтирилади.

Ушбу сураи карима оятлари нозил бўлаётган пайтда Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ана шу масалага дуч келиб турган эдилар. Кофир ва мушриклар у кишининг оддий инсон эканликларига, одатдан ташқари мўъжизалар келтирмаётганларига эътироз билдираётган эдилар.

Шунингдек, сурада Пайғамбарлар қандай қилиб қавмларини Аллоҳнинг изни ила зулматлардан нурга олиб чиққанлари айтилади.

«Иброҳим» сурасида Аллоҳнинг Пайғамбарлари ва мўмин бандаларига берган ваъдаси, бу дунёда нусрат топиш ва устун бўлиш, охиратда олий мақомларга эришиш қай тарзда юзага чиқиши ҳам зикр қилинади. Турли мисоллар келтирилади.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматлари ва унга шукр этиш лозимлиги эсга олинади. Шу билан бирга, ношукр бўлмаслик уқтирилади.

Сурада Иброҳим алайҳиссаломга берилган неъмат, яъни, Маккаи Мукаррамага у кишининг зурриёти жойланиши таъкидланади ҳамда у зотнинг қилган дуолари зикр этилади.

Кейин эса, Аллоҳ таоло бандаларининг ишларидан ғофил эмаслиги, бир пайт келиб ҳисоб-китоб бўлиши айтилади. Золимлар олдин Пайғамбарнинг гапига кирмай, кейин афсус қилишлари, аммо энди афсуслари ёрдам бермаслиги қайд этилади. Жиноятчиларнинг қандай жазоланишлари баён қилинади.

Ниҳояда эса, сура аввалидаги масалага қайтилади, яъни, пайғамбарлик ва ваҳий масаласининг ҳақ экани яна бир бор таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الرَّكَتَبُ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ
إِلَى صِرَاطٍ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ ﴿١﴾

1. Алиф. Лаа м. Ро. Бу китобни сенга одамларни Роббиларининг изни ила зулматлардан нурга, азиз ва мақталган Зотнинг йўлига чиқаришинг учун нозил қилдик.

Эй Пайғамбар, ушбу ҳарфлардан ташкил топган китобни сенга Биз туширдик, уни ўзинг тўқиб олганинг йўқ. Бу китобни сенга нозил қилишдан мақсад одамларни зулматлардан нурга олиб чиқишдир. Аллоҳнинг йўлига, Азиз — ҳамманинг устидан ғолиб бўлган ва Ҳамид — ҳамма томонидан мақталган Зотнинг йўлига олиб чиқишинг учун нозил қилдик.

Ушбу ояти карима ва шунга ўхшаш бошқа оятлар тафсирида уламоларимиз «зулматлар» сўзининг кўплик сийфасида, «нур» сўзининг бирлик сийфасида келганига алоҳида эътибор берадилар. Иймон-Исломсиз ҳаёт нима ном билан аталса ҳам, зулматдир. Шунинг учун, улар кўпдир. Турли асоссиз динлар, фалсафалар, тузумлар ва «изм»лар асосида кечаётган ҳаётлар зулматларда ўтаётган ҳаётлардир. Ўша зулматлардан қутулишнинг фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса, Ислом нурига чиқишдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифалари Аллоҳ у кишига туширган Қуръони Карим ила одамларни жоҳилият зулматларидан Ислом нурига чиқариш бўлган. Инсоният Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, Қуръони Каримга амал қилиб яшагандагина зулматлардан нурга, Азизу Ҳамид сифатли Аллоҳнинг йўлига чиққан бўлади.

اللَّهُ الَّذِي لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَوَيْلٌ لِلْكَافِرِينَ مِنْ عَذَابٍ شَدِيدٍ ﴿٦٠﴾

2. Аллоҳ осмонлару ердаги нарсалар Уники бўлган Зотдир. Кофирлар ҳолига шиддатли азобдан вой бўлсин.

Яъни, Пайғамбар Роббининг изни ила одамларни олиб чиқарадиган нурли йўл соҳиби Аллоҳ осмонлару ердаги нарсаларнинг эгасидир. Унинг ҳеч кимга ҳожати йўқ, балки ҳамма Унинг олдида ҳожатманддир. Шунинг учун, турли ҳожатманд, ожиз ва бечоралар тузган, тақлиф қилаётган зулмат йўлларни ташлаб, Аллоҳнинг йўлига юрганлар тўғри йўлга чиққан бўладилар. Унинг йўлидаги инсонлар нажот топадилар, икки дунё саодатига эришадилар. Унинг йўлига юрмаган

«Кофирлар ҳолига шиддатли азобдан вой бўлсин».

Ҳа, бу дунёда мазкур олий сифатлар соҳиби бўлмиш Аллоҳ таолонинг йўлига юрмаганларнинг ҳолига қиёматда албатта шиддатли азобдан вой бўлади.

الَّذِينَ يَسْتَحِبُّونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَيَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا أُولَٰئِكَ فِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ ﴿٦١﴾

3. Улар бу дунё ҳаётини охиратдан афзал кўрадиганлар, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар ва у(йўл)нинг эгри бўлишини хоҳлайдиганлардир. Ана ўшалар йироқ адашувдадирлар.

Шиддатли азобдан ҳолига вой бўладиган кофирларнинг шундай ҳолатга тушишининг сабаблари ушбу оятда келтирилади. Уларнинг

шиддатли азобга дучор бўлишларининг сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан:

«Улар бу дунё ҳаётини охиратдан афзал кўрадиганлар»дир.

Бу эса, ўз навбатида, иймон тақозосига тўғри келмайди. Улар дунёни охиратдан устун қўйганлари учун иймон йўлига юра олмайдилар. Фақат бу дунёни кўзлаган одам беш кунлик ҳаётида кўпроқ матоҳга эришиш учун ўлиб-тирилади. Ҳаром-харишга қўл уради. Одамларнинг ҳаққини ейди Одамларга зулм, хиёнат қилади. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дунёнинг муҳаббати ҳар бир хатонинг бошидир», деганлар.

Аммо, охиратни дунёдан устун қўядиган мусулмонлар икки дунё саодатига эришадилар. Чунки, Ислом таълимоти бўйича, охират саодатига эришишни хоҳлаган одам Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси бўлиши лозим. Ер юзидаги халифалик эса, уни обод қилишни талаб этади. Бу иш ҳалол-поклик, адолат, ҳақиқат ва тўғрилиқ ила амалга оширилади. Демак, мўмин-мусулмон киши икки дунё саодатига эришади. Кофир эса, икки дунёда ҳам хору зор бўлади.

Кофирларнинг қаттиқ азобга дучор бўлишларининг кейинги сабаблари, яъни, ушбу оятда эслатилган иккинчи ва учинчи сабаблар ҳам биринчисидан, яъни, дунёни охиратдан устун қўйишдан келиб чиқади.

Иккинчи сабаб: улар

«Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар»дир.

Кофирлар бу дунёнинг матоҳи ишқида, ҳукм, мансаб, молу дунё, айшу ишрат кўйида иймону Исломни инкор этадилар. Одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам динга, диёнатга, Ислом-иймонга ва унинг аҳллариغا қарши чиқаётганларнинг ҳолига назар солинса, шу илатни кўрилади.

Учинчи сабаб: у кофирлар

«у(йўл)нинг эгри бўлишини хоҳлайдиганлардир».

Яъни, Аллоҳнинг йўли нотўғри бўлиб, уларнинг истагига муносиб бўлишини хоҳлайдилар. Улар, ўтмишда ҳам, ундоқ бўлсин, бундоқ бўлсин, деб таклифлар киритганлар. Ҳозирда ҳам, биз Исломни ҳурмат қиламиз, аммо у қалбда бўлиши керак; ҳар кимнинг шахсий иши бўлиши лозим; у бўлиши керак, бу бўлиши керак, деб Аллоҳнинг дини эгри бўлишини хоҳлайдилар. Бу эса, иншоаллоҳ, уларнинг «ҳолига шиддатли азобдан вой» бўлишига олиб келади. Чунки:

«Ана ўшалар йироқ адашувдадирлар».

Дунёни охиратдан устун қўйиш, одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиш ва Аллоҳнинг йўли эгри бўлишини хоҳлашдан ҳам баттарроқ адашув бўлмаса керак?!

Одамларни зулматлардан нурга чиқарувчи таълимотни тушунишни осонлаштириш учун

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا بِلِسَانٍ قَوْمِهِ ۗ لِيُبَيِّنَ لَهُمْ فَيُضِلَّ اللَّهُ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِيَ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٥١﴾

4. Қайсики Пайғамбарни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун, ўз қавми тили ила юборганмиз. Бас, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказди, кимни хоҳласа, ҳидоятга соладир. У азиз ва ҳикматли зотдир.

Барча Пайғамбарларни ўз қавми тили ила юбориш ҳам Аллоҳнинг бандаларига берган неъматидир. Чунки, бошқа қавм тилини тушуниш қийин бўлар эди. Ҳа, ҳамма Пайғамбарлар ўз қавмларига юборилганлар ва уларга ўз қавмлари тилида ваҳий келган.

Бутун оламларга ва барча қавмларга Пайғамбар бўлган Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам араблар тилида ваҳий келди. Бунинг асосий ҳикматларини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо, бу ўринда уламоларимиз мулоҳаза қилган ҳикматлардан баъзиларини айтиб ўтиш жоиздир.

Бошқа Пайғамбарлар маълум қавмга ва маълум муддатга келган бўлсалар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмларнинг ҳаммасига қиёмат кунига қадар Пайғамбар қилиб юборилганлар. У кишининг умрлари чекланган. Шунинг учун, динни ҳамма қавмларга ўзлари етказишлари қийин. Шунга кўра, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг охирги дини таълимотларини ўз қавмларига, қавмлари эса, уни бутун дунёга тарқатади. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом дини араблар яшаб турган ерларга ёйилиб бўлиши билан вафот топдилар. Исломни дунёнинг қолган қисмига у кишининг қавмлари етказдилар.

Турли макон ва замонларда яшайдиган турли қавмларга бир Пайғамбарни турли тиллар билан юбориб бўлмас эди. Аввало, бу ишни адо этиш жисмонан амри маҳол.

Қолаверса, дунёда хилма-хил тиллар жуда кўп. Ҳозирги тиллар ичида Исломнинг илоҳий китоби Қуръони Карим нозил бўлганидан кейин пайдо бўлганлари ҳам бор. Демак, ҳар бир қавмга ўз тилида ваҳий келиши керак бўлса, кейин пайдо бўлган тилларда сўзлашувчилар нима бўларди?

Қолаверса, тилларнинг имкониятлари ҳам ҳар хил. Шунинг учун, Аллоҳ таоло энг бой ва каломининг абадий мўъжиза бўлиб қолиши-

ни ҳам кўтара оладиган тилни – араб тилини танлаб, ўша тилда қиёматгача боқий қоладиган китобини – Қуръони Каримни туширди. Қавмлар, тиллар, лаҳжалар, замонлар алмашаверади, аммо Қуръон мўъжиза бўлиб тураверади. Ундан араб ҳам, ажам ҳам, оқ ҳам, қора ҳам баробар фойда олаверади.

Ҳа, Пайғамбар ўзига келган илоҳий таълимотларни одамларга баён қилиб беради. Шу билан унинг вазифаси тугайди. Қолгани Аллоҳнинг ихтиёрида:

«Бас, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказди, кимни хоҳласа, ҳидоятга соладир».

Қайси банда залолатнинг йўлига кирса, адашиб кетади, қайси банда ҳидоятнинг йўлига юрса, саодатга етади. Ҳар иккиси ҳам Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлади.

«У азиз ва ҳикматли Зотдир.»

У ҳамма нарсадан устун, одамлар ва ҳаётдаги нарсалар устидан голиб ва ҳар бир ишни ҳикмат ила қилгувчи Зотдир.

Пайғамбарлар юбориш бўйича умумий қоида баён этиб бўлинганидан кейин, келаси оятларда ўша мазкур қоидалар асосида ўз қавмларига юборилган баъзи Пайғамбарлар ҳақида сўз юритилади.

Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари ҳам бошқаларникига ўхшаш бўлган:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَذَكَرَهُمْ بِآيَاتِنَا اللَّهُ إِيَّاكَ فِي ذَلِكَ لَكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٥٠﴾

5. Батаҳқиқ, Биз Мусони оятларимиз ила: «Қавмингни зулматлардан нурга чиқар ва уларга Аллоҳнинг кунларини эслат! Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукрли учун ибратлар бордир», деб юбордик.

Мусо алайҳиссалом ҳам Аллоҳнинг Пайғамбарларидан биридир. У кишини Аллоҳ таоло ўз қавмларига юбориб, худди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга айтгандек:

«Қавмингни зулматлардан нурга чиқар», деган.

Демак, мақсад бир. Унисини ҳам, бунисини ҳам ягона Аллоҳ юборган. Ҳар иккисининг ҳам мақсади одамларни зулматлардан нурга чиқариш. Замон ва шахслар бошқа-бошқа, холос.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга буюрган ишларнинг ичида:

«ва уларга Аллоҳнинг кунларини эслат!» амри ҳам бор эди.

Яъни, эй Мусо, қавмларингга Аллоҳнинг эсда қоладиган машҳур кунларини эслат.

«Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукрли учун ибратлар бордир.»

Яъни, албатта, бу эслатишда машаққатларга сабрли ва Аллоҳнинг неъматига шукрли кишилар учун ибратлар бордир. Аллоҳнинг машҳур ва маълум, эслашга лойиқ кунларида сабрга чақирувчи ва шукрга ундовчи эслатмалар бордир.

Мусо алайҳиссалом вазифаларини бажаришга киришиб, қавмларини огоҳлантира бошладилар:

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ أَنْجَاكُمْ مِنْ آلِ
فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ وَيُدْحِقُونَ آبَاءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَكُمْ
وَإِنَّكُمْ بِذَلِكَ مِنْ رَبِّكُمْ عَظِيمٌ

6. Ўшанда Мусо қавмига: «Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг: У сизни Оли Фиръавндан қутқарди. Улар сизга бардавом ёмон азоб берардилар. Ўғилларингизни сўйиб ташлаб, қизларингизни тирик қолдирардилар. Ана ўшанда Роббингиздан буюк синов бордир», деган эди.

Ояти кариманинг маъносидан, Мусо алайҳиссаломнинг бу гаплари у зотнинг Пайғамбар бўлганларидан кейинги айтган биринчи гаплари эмас. Балки, у зот ўз қавмлари Бани Исроилни Фиръавн ва унинг қавмининг зулмидан Аллоҳнинг изни ила қутқариб олиб чиққанларидан кейин қавм Аллоҳга ношукрлик қилган пайтда уларга насиҳат қилиб айтган гапларидир.

«Ўшанда Мусо қавмига: «Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг», деди.

Яъни, Мусо алайҳиссалом ўз қавми Бани Исроил Аллоҳга ношукрлик қилганларида, эй қавмим, ношукрлик қилманг, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг, дедилар ва Бани Исроилга берилган ўша илоҳий неъматлардан баъзиларни тилга олдилар. Балки, энг катта неъматни эслатдилар:

«У сизни Оли Фиръавндан қутқарди. Улар сизга бардавом ёмон азоб берардилар. Ўғилларингизни сўйиб ташлаб, қизларингизни тирик қолдирардилар».

Дарҳақиқат, бундай азоб-уқубатдан қутқариш Аллоҳ таолонинг улуғ неъматидир. Фиръавн ва унинг аҳли Мусо алайҳиссаломнинг қавмлари Бани Исроилни қул қилиб олган, қаттиқ азобларга солган эди. Энг даҳшатли азоб эса, Бани Исроилнинг янги туғилган ўғил болаларининг

сўйиб ташланиши бўлди. Бундай зулмлар умумий қонунга айланиб қолган эди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юбориб, уларни бу азобдан қутқарди. Мусо алайҳиссалом уларни Аллоҳнинг изни ва ёрдами ила қуллик ва азоб-уқубатдан ҳурлик ва роҳат-фароғатга олиб чиқдилар. Аммо Бани Исроил, бошқа сураларда ўрганганимиздек, куфрони неъмат қилди. Шунда Пайғамбар Мусо алайҳиссалом ушбу оятда келган нарсаларни уларнинг эсига солдилар:

«Ана ўшанда Роббингиздан буюк синов бордир», деган эди».

Яъни, азоб-уқубатга дучор қилиш бир синов. Ундан қутулиш неъматини бериш иккинчи бир синовдир. Биринчисида банда сабр қилиб, иккинчисида шукр қилиб синовдан ўтиши керак.

Мусо алайҳиссалом сўзларида давом этиб, яна шуларни айтдилар:

وَإِذ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾

7. (Яна унинг): «Ва Роббингиз (сизга): «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», деб билдирган(ини эсланг).

Мусо алайҳиссалом қавмларига Аллоҳ таоло қасам ичиб таъкидлаган ҳақиқатни эслатмоқдалар:

«Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир».

Шукр неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларни айтиш ва ул неъматни Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлашдан иборатдир. Берилган неъматга шукр этиш инсоннинг тўғри йўлда — мустақийм эканлигини кўрсатади. Шукр қилувчи инсон Аллоҳ таоло ўзини доим кузатиб туришини ҳис этади ва неъмат етганда зоҳир бўладиган манманлик, исроф ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлардан холи бўлади. Натижада, ўзига берилган неъматлардан фойдаланиб, яхши амалларни кўпайтиради.

Неъматга куфронда бўлиш эса, унинг Аллоҳ томонидан берилишини тан олмаслик, унга ҳамду сано айтмаслик ва неъматни номаъқул йўлларда ишлатишдан иборатдир. Етган неъматга куфрон этиш уни берган зотга — Аллоҳга куфр келтиришдир. Бундай одамлар «Неъматни менга Аллоҳ берди», демайди, балки, унга ўз илмим, ҳаракатим ва усталгим туфайли эришдим, дейди. Шу сабабдан, ўзларидаги моддий имкониятларни ҳаром-хариш, манманлик, шухратпарастлик ва шунга ўхшаш салбий йўлларга ишлатадилар. Оқибатда қаттиқ азобга учрайдилар.

Ҳолбуки, шукроналик банданинг ўзига фойда келтиради, холос. Аллоҳ таоло унга эҳтиёжманд эмас. Шунинг учун ҳам, Мусо алайҳиссалом сўзлари давомида Аллоҳга ношукрлик қилган қавмлари Бани Исроилга бу ҳақиқатни англадилар:

وَقَالَ مُوسَىٰ إِنَّ تَكْفُرًا أَنْتُمْ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا فَإِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿٨﴾

8. Мусо деди: «Агар сиз ва ер юзидаги кимсалар ҳаммангиз куфр келтирсангизлар ҳам, албатта, Аллоҳ беҳожат ва мақталган Зотдир.

Бу маънода имом Муслим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтади: «Эй бандаларим, агар аввалингиз ҳам, охиригиз ҳам, инсингиз ҳам, жинингиз ҳам ораларингизда энг тақводор шахсинг қалбига эга бўлсангиз, Менинг мулкимда бирон нарсани зиёда қилмайди. Эй бандаларим, агар аввалингиз ҳам, охиригиз ҳам, инсингиз ҳам, жинингиз ҳам ораларингизда энг фожир шахсинг қалбига эга бўлсангиз, Менинг мулкимдан бирон нарса кам бўлмайди».

Демак, шукр этган киши ўзига фойда келтиради. Куфр қилган одам ўзига зарар орттиради. Аллоҳ, шундоқ ҳам, беҳожат ва мақталган Зотдир.

Мусо алайҳиссалом сўзларида давом этадилар:

الْمَ يَأْتِكُمْ نَبُؤُا الَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِكُمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُوْدَ وَالَّذِيْنَ مِنْ بَعْدِهِمْ لَا يَعْلَمُهُمْ اِلَّا اللّٰهُ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَرَدُّواْ اَيْدِيَهُمْ فِيْٓ اَفْوَاهِهِمْ وَقَالُوْا اِنَّا كَفَرْنَاۤ اِمَّاۤ اُرْسِلْتُمْ بِهِۦٓ وَاِنَّا لَفِيْ شَكٍ مِّمَّا تَدْعُوْنَۤنَاۤ اِلَيْهِۤ مُرِيْبٍ ﴿٩﴾

9. Сизга ўзингиздан олдин ўтган Нух, Од, Самуд қавмларининг ва улардан кейингиларнинг, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиганларнинг хабари келмадими? Уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Улар эса, қўлларини оғизларига қўйиб: «Биз сиз бизни чақираётган нарсада шубҳалантирувчи шакдадирмиз!» дедилар.

Мусо алайҳиссалом қавмларига бир йўла Нух, Од, Самуд ва улардан кейин ўтган – сонлари ва ҳақиқатлари ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина маълум қавмларнинг ҳолини эслатмоқдалар. Чунки, турли замонларда, турли қавмларга Аллоҳ юборган турли Пайғамбарларнинг хабарлари бир-бирларига жуда ҳам ўхшашдир.

«Сизга ўзингиздан олдин ўтган Нух, Од, Самуд қавмларининг ва улардан кейингиларнинг, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиганларнинг хабари келмадими?»

Мазкур қавмларнинг барчалари Пайғамбарларига нисбатан бир хил муомала қилганлар.

«Уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар.»

Ҳеч қандай ноаниқлик йўқ эди. Ҳужжатлар кучли ва аниқ эди. Пайғамбарлар Аллоҳ томонидан юборилганига шубҳа билдириш ўринсиз эди. Уларнинг дарҳол иймонга келиши тақозо қилинар эди. Аммо қавмлар бошқача иш тутдилар.

«Улар эса, қўлларини оғизларига қўйиб: «Биз сиз бизни чақираётган нарсада шубҳалантирувчи шакдадирмиз!» дедилар.»

Яъни, ўша нобакор қавмлар овозлари баланд чиқиши учун қўлларини оғизларига карнай қилиб қўйиб: «Биз сиз орқали Аллоҳ томонидан юборилган динга куфр келтирдик. Биз сиз даъват қилаётган нарсада кучли шак ва шубҳадамиз!» дедилар.

Демак, улар ўзларини зулматлардан нурга олиб чиқиш учун Аллоҳ томонидан келган тўғри йўлни кўрсатувчи Пайғамбарларга нисбатан беодобларча муносабатда бўлдилар.

Шунда:

﴿قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَفِي اللَّهِ شَكٌّ فَأَطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَدْعُوكُمْ لِيَغْفِرَ لَكُمْ مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخِّرَكُمْ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى قَالُوا إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا تُرِيدُونَ أَنْ تَصُدُّونَا عَمَّا كَانَتْ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَآتُونَا بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ﴾

10. Пайғамбарлари уларга: «Осмонлару ернинг яратгувчиси бўлмиш Аллоҳга шак борми? У сизларни гуноҳларингизни мағфират қилишга ва ўзингизни маълум муддатга қолдиришга чақирмоқда-ку!» дедилар. Улар эса: «Сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмассиз. Бизни оталаримиз ибодат қилиб юрган нарсдан тўсмоқчисиз. Бас, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиринг», дедилар.

Мазкур нобакор қавмларга келган Пайғамбар алайҳиссаломлар уларнинг кўзларини очишга, ҳушларини жойига келтиришга уриндилар. Пайғамбарни ва динни инкор этишлик Аллоҳни инкор қилишлик эканини тушунтирмоқчи бўлдилар. Улардан ҳар бири ўз қавмига:

«Осмонлару ернинг яратгувчиси бўлмиш Аллоҳга шак борми?» деди.

Яъни: «Эй қавмлар, сизлар бизга «Чақираётган нарсангизда шакдамиз» дедингиз, биз сизни Аллоҳнинг динига даъват этаётган эдик, Аллоҳнинг динида шакда-шубҳада бўлишлик Аллоҳга шак келтиришлиқдир, сизлар осмонлару ерни йўқдан бор қилган Аллоҳга шак келтирасизларми, ҳали?» дейишди.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ушбу асосли саволларини инкор этиш имконсиз бўлганидан, кофирлар унга тўғри жавоб беришдан қочиб, гапни бошқа томонга буришди. Энди улар Пайғамбарларнинг шахсларига осила бошладилар:

«Улар эса: «Сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмассиз», дедилар.

Яъни, Аллоҳ юборган Пайғамбар эмассиз, сиз ҳам биз каби одамсиз, дедилар.

Бу гаплари билан кофирлар ўзларига ўхшаган одам Пайғамбар бўлиши мумкин эмас, деб ўйлашларини ошкор қилмоқчи бўлдилар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ томонидан юборилган элчи — Пайғамбар фаришта ёки қандайдир бошқа бир олий мақомли зотга ўхшаши мумкин-у, аммо ўзларига ўхшаган одам бўлиши мумкин эмас. Бу нарса уларнинг жоҳиллигининг аломати ҳамда Аллоҳнинг динига юрмаслик учун топаётган баҳоналаридан биридир. Агар фаришта Пайғамбар этиб юборилса, бу Пайғамбар фаришта, унинг жинси бошқа, имкониятлари бошқа, биз эса ожиз одамлармиз, бу фариштанинг айтганини ҳам, қилганини ҳам қила олмаймиз, дер эдилар. Ўзларига ўхшаган одам боласи уларнинг ичидан танлаб олиниб Пайғамбар қилиб юборилганда эса, ўзларидан шундай олиймақом зотлар чиққанига фахрланиш, хурсанд бўлиш ўрнига, сиз ўзимизга ўхшаган одамсиз, Пайғамбар бўлишингиз мумкин эмас, демоқдалар. Бу ҳам етмаганидек, кофирлар Пайғамбар алайҳиссаломларни нияти бузуқликда ҳам айбламоқдалар:

«Бизни оталаримиз ибодат қилиб юрган нарсадан тўсмоқчисиз».

Барча қавм кофирлари барча Пайғамбарларга шу гапни айтганлар. Уларнинг ўз оталари нимага ибодат қилиб юргани билан ишлари йўқ. Оталари ибодат этган нарса нима бўлса ҳам, барибир. У нарсалар бир қийматга арзийдими? Уларга ибодат қилиш лозимлиги ҳақида бирор далил борми? Бу ва бунга ўхшаш саволлар билан ишлари йўқ.

Аммо Аллоҳ томонидан очиқ ҳужжатлар билан келган Пайғамбарлардан яна ҳужжат-далил сўрайдилар.

«Бас, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиринг», дедилар.»

Пайғамбар алайҳиссаломлар кофир қавмларнинг бу эътироз ва талабларига қуйидагича жавоб бердилар:

قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِن نَحْنُ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ وَمَا كُنَّا لَنَا أَنْ نَأْتِيَكُمْ بِسُلْطَانٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٠٦﴾

11. Пайғамбарлари уларга: «Биз сизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмасмиз. Лекин Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга (пайғамбарлик) инъом қилур. Биз ўзимизча сизга бирор ҳужжат келтира олмаймиз, илло Аллоҳнинг изни ила. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар.

Пайғамбарлар ўзларининг оддий одам эканликларини инкор қилмадилар. Улар ўзларига, сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмассиз, деб беодоблик қилган кофир қавларга қараб:

«Биз сизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарса эмасмиз», дедилар.

Яъни, бу гапингиз тўғри. Биз фаришта ҳам ёки бошқа бир олий мақомли алоҳида зот ҳам эмасмиз. Бироқ, бу дегани, одам зотидан Пайғамбар бўлиши мумкин эмас, деган гап эмас. Тўғри, биз башармиз.

«Лекин Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга (пайғамбарлик) инъом қилур.»

Фақат биз бўлишимиз шарт эмас, одам боласидан Аллоҳ кимни ихтиёр қилса, ўша Пайғамбар бўлаверади.

Энди сизнинг очиқ-ойдин ҳужжат келтириш ҳақидаги талабингизга келсак:

«Биз ўзимизча сизга бирор ҳужжат келтира олмаймиз, илло Аллоҳнинг изни ила».

Бизнинг вазифамиз Аллоҳнинг таълимотларини бандаларига етказишдир. Ҳужжат, мўъжиза келтириш бизнинг вазифамиз эмас, қўлимиздан ҳам келмайди. У иш фақат Аллоҳнинг Ўзига боғлиқ. Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаб бирортамизга ҳужжат-мўъжиза берса ва уни кўрсатишга изн этса, кўрсатишимиз мумкин, акс ҳолда, биз ҳам ожизмиз.

«Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар.»

Бу доимий ҳақиқатдир. Ҳар замон ва ҳар маконда мўминлар фақат Аллоҳга суянадилар. Ундан ўзгага эмас. Уларнинг қалблари Ундан бошқага бурилмасин. Улар Ундан ўзгадан ёрдам ҳам, ҳимоя ҳам сўрамасинлар.

وَمَا لَنَا إِلَّا نَتَوَكَّلَ عَلَى اللَّهِ وَقَدْ هَدَانَا سُبُلَنَا وَلَنَصِيرَبَ عَلَىٰ مَا آذَيْتُمُونَا
وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿١٢٦﴾

12. Нима учун биз Аллоҳга таваккал қилмас эканмиз?! Ҳолбуки, У бизни йўлимизга ҳидоят қилди. Бизга берган озорларингизга, албатта, сабр қиламиз. Таваккал қилувчилар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг бу сўзларида Аллоҳга таваккал қилишининг, ҳар бир нарсада Унга суяниш, Ундан изн олиш, Унга

ёлвориш, Ундан мадад кутишнинг асосий сабаби ифодасини топ-гандир. Айни чоқда, бу маъно ажойиб бир услуб, инкорий савол услуби ила баён этилмоқда.

«Нима учун биз Аллоҳга таваккал қилмас эканмиз?!»

Эй кофирлар, айтинглари-чи, нима учун биз ўз Роббимизга таваккал қилмас эканмиз?! Бу дунёда яшашдан мақсад икки дунё саодатига эришишмиди? Ўша саодатга эришиш учун унинг йўлини топиш керакмиди? Аллоҳ таоло бизни ўша йўлга бошлади:

«Ҳолбуки, У бизни йўлимизга ҳидоят қилди».

Биз Унинг инояти ила саодат йўлимизни топдик. Энди бизга ҳеч нарса таъсир қилмайди. Шу йўлдан собитқадам бораверамиз. Бу саодатга эришиш йўлида

«Бизга берган озорларингизга, албатта, сабр қиламиз».

Бу борада биз иккиланмаймиз ҳам, бўшашмаймиз ҳам.

«Таваккал қилувчилар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар», дедилар.»

Тортишув шу ерга етганида, ўзларининг фикрий ва ақлий жабҳада енгилганликларини сезган, масалани тинч йўл билан ҳал қилишда ютқазиларини билган кофирлар куч ишлатишларини айтиб таҳдид қилдилар:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِرُسُلِهِمْ لَنُخْرِجَنَّكُمْ مِّنْ أَرْضِنَا أَوْ لَتَعُوذُنَّ فِي مِلَّتِنَا
فَأَوْحَىٰ إِلَيْهِمْ رَبُّهُمْ لَنُهْلِكَنَّ الظَّالِمِينَ ﴿١٢﴾

13. Куфр келтирганлар ўз Пайғамбарларига: «Албатта, биз сизларни еримиздан чиқариб юборурмиз ёки, албатта, миллатимизга қайтурсизлар», дедилар. Бас, Роббилари уларга: «Албатта, Биз золимларни ҳалок қилурмиз.

وَلَنُكَفِّرَنَّكُمْ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِهِمْ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَافَ مَقَامِي وَخَافَ وَعِيدِ ﴿١٣﴾

14. Ва улардан сўнг у ерга сизни жойлаштирурмиз. Бу эса, мақомимдан хавф қилганлар ва таҳдидимдан қўрққанлар учундир», деб ваҳий қилди.

Кофирлар жамияти, жоҳилий жамият ўз ичидаги ҳақиқий мусулмоннинг ҳақиқий Ислому учун ҳаракат қилишига ҳеч қачон рози бўлмайди. Файриисломий жамият, тузум ўз ичида биргина ҳақиқий мусулмон туришидан ҳам қаттиқ хавфсирайди. Чунки, ўша мусулмон уларнинг ботилини, ҳийла-найрангини фош қилиши ва ҳақиқий тўғри йўлни

кўрсатиб қўйиши мумкин. Шу сабабдан, ғайриисломий тузум ҳақиқий мусулмон олдига масалани кўндаланг қўяди: бизнинг миллатимизга қўшилсан, биз қандай юрсак, шундай юрасан ёки бизнинг еримиздан чиқасан, ўлдирилсан, қамаласан ёки сургун қилинасан, дейди.

Бу ҳақиқатни ушбу оятда кофирларнинг ўзларига келган Пайғамбарларга айтган гапларидан билиб оламиз.

«Куфр келтирганлар ўз Пайғамбарларига: «Албатта, биз сизларни еримиздан чиқариб юборурмиз ёки, албатта, миллатимизга қайтурсизлар», дедилар.»

Тасаввур қилинг: Пайғамбар янги келган, ҳозирча бир ўзи, ёнида унга иймон келтирган мўминлар ҳам йўқ. У Аллоҳ томонидан элчи бўлиб келганини айтди, холос. Аввал бошда кофирлар у билан баҳсга киришдилар. Турли айбларни қўйиб кўрдилар, ҳужжат-далил талаб қилдилар. Аммо баҳсда ютқаздилар. Ақлий тортишувда енгилдилар. Зотан, кофирларда ақлга тегишли ҳеч нарса бўлмайди. Кейин эса куч ишлатиш, дўқ-пўписага ўтмоқдалар. Чунки, улар ақлий баҳсда ютган шахснинг жамият аъзоларини ўзига қаратиб олишидан кўрқадилар. Шу ўринда кофирларнинг «сизларни еримиздан чиқариб юборамиз» дейишларига эътибор беринг. «Еримиздан» деб яна манманлик қилдилар. Гўёки, ер уларники эмиш. Аллоҳнинг ерини ўзлариники қилиб олишибди. Ҳолбуки, улар ерга қанчалик ҳақли бўлсалар, ўша ерда туғилиб ўсган Пайғамбар ҳам шунчалик ҳақлидир. Балки, ўша ерни халқ этган Холиққа иймони туфайли улардан кўра ерда унинг ҳаққи кўпроқдир. Лекин туғёнга кетган кофирлар доимо ҳаддан ошадилар.

Икки томон шундай тортишиб турганда ҳал қилувчи сўз Аллоҳ таоло томонидан келди:

«Бас, Роббилари уларга: «Албатта, Биз золимларни ҳалок қилурмиз. Бу эса, мақомидан хавф қилганлар ва таҳдидидан кўрққанлар учундир», деб ваҳий қилди».

Аллоҳ таоло сўзини Пайғамбарларга қаратди. Кофирларни, худди улар йўқдай, эътиборга ҳам олмади. Пайғамбарларнинг кўнгилларини тинчлантириб, башорат берди. Биз золимларни ҳалок қиламиз, деди. «Биз»га урғу бериб айтди. Золимлар албатта ҳалок бўлишини таъкидлади. «Золимлар» деганда кофирлар кўзда тутилади. Чунки, куфр энг катта зулмдир. Ўша золимларни – кофирларни ҳалок этгандан сўнг у ерга сизларни, яъни, Пайғамбарларни ва уларга эргашган мўмин-мусулмонларни жойлаштирамиз, деди. У ерга, кимки Менинг мақомидан кўрқса, такаббурлик қилмаса, ўзидан кетиб ҳаддидан ошмаса, ўша жойлашади, деди. У жойга, кимки Менинг золимларни ҳалок қилиш ҳақидаги таҳдидларимдан кўрқса, шуни эслаб ўзини зулмдан сақласа, бировга зулм этмаса, ер юзида фасод қилмаса, ўша ўрнашади, деди. Сўнгра:

وَأَسْتَفْتَحُوا وَخَابَ كُلُّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ ﴿١٥﴾

15. Фатҳу нусрат сўрадилар ва ҳар бир жабрчи, саркаш кимса ноумидликка учради.

Тафсирчи уламоларимиз Аллоҳдан фатҳу нусрат сўровчилар ким эканлиги ҳақида турлича фикрлар айтганлар. Баъзилари фатҳу нусрат сўровчилар Пайғамбарлар десалар, бошқалари умматлар дейдилар. Учинчилари эса, тортишаётган икки тараф бир бўлиб, орамизда ким ҳақ бўлса унга фатҳу нусрат бўлсин, ким ноҳақ бўлса, ҳасратга учрасин, деб айтишган, дейдилар.

Бу сўров эса, ҳар бир жабрчи, саркаш кимса ноумидликка учраши билан натижаланади.

Яъни, мўминлар фатҳу нусратга эришдилар, кофиру мушриклар эса, ҳалокатга учрадилар. Уларнинг бу дунёда ҳалокатга йўлиқишлари ила иш тамом бўлмайди. Балки, ўша ҳар бир жабрчи, саркаш учун:

مِّنْ وَّرَائِهِ جَهَنَّمُ وَيَسْقَىٰ مِنْ مَّاءٍ صَدِيدٍ ﴿١٦﴾

16. Унинг ортида жаҳаннам бордир. Йиринг сув ила суғориладир.

يَتَجَرَّرَعُهُ وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُ وَيَأْتِيهِ الْمَوْتُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ وَمَا هُوَ بِمَيِّتٍ وَمِنْ وَّرَائِهِ عَذَابٌ غَلِيظٌ ﴿١٧﴾

17. Уни ютишга уринади-ю, юта олмас. Унга ҳар томондан ўлим келади-ю, ўла олмас. Унинг ортидан эса, қаттиқ азоб бор.

Кофир ва саркаш кимсалар учун бу дунё азоби ортидан жаҳаннам азоби ҳам бор:

«Унинг ортида жаҳаннам бордир».

Жаҳаннамда уларга алвон-алвон азоблар берилади. Жумладан, ўша жабрчи, саркаш кимсалар жаҳаннам оловида ёниб-чанқаб сув сўраганида:

«Йиринг сув ила суғорилади. Уни ютишга уринади-ю, юта олмас».

Йирингни оғизга олишнинг ўзи қаттиқ азоб. Уни чанқоқбосди учун ичиш икки карра азоб. Энди, уни юта олмай қийналиш эса, мислсиз азобдир.

«Унга ҳар томондан ўлим келади-ю, ўла олмас.»

Ўлимни ўйлашнинг ўзи бир азоб. Ўлимнинг келиши батгарроқ азоб. Энди такрор ва такрор ўлим келиб туриб ўла олмаслик мислсиз азобдир.

Лекин кофир, жабрчи ва саркашлар учун бу ҳам оз.

«Унинг ортидан эса, қаттиқ азоб бор.»

Яъни, азоб устига янада қаттиқ ва қўпол азоб бор. Аввалги, васфи келган азобдан кўра қаттиқ азоб бор.

Чунки,

مَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ أََعْمَلُهُمْ كَرَمَادٍ اشْتَدَّتْ بِهِ الرِّيحُ فِي يَوْمٍ عَاصِفٍ لَا
يَقْدِرُونَ مِمَّا كَسَبُوا عَلَى شَيْءٍ ذَلِكَ هُوَ الضَّلَالُ الْبَعِيدُ ﴿٥٥﴾

18. Роббиларига куфр келтирганларнинг амалларининг мисоли, худди бўронли кунда шамол учириб кетган кулга ўхшайдир. Улар ўз касбларидан бирор нарсага эга бўлмаслар. Ана ўша узоқ адашувнинг ўзидир.

Кофирлик ана шундай ёмон нарсадир. Ҳар қандай амал ҳам, агар эгасида кофирлик бўлса, беҳудага айланади. Кофирлик ҳар қандай яхши амални, худди кулга ўхшатиб, кераксиз қилиб қўяди. Чўғи йўқ кул бефойда нарсага айланиб, уни шамол тўзитади учириб кетганидек, кофирларнинг амаллари ҳам беҳуда кетади. Ҳа,

«Роббиларига куфр келтирганларнинг амалларининг мисоли, худди бўронли кунда шамол учириб кетган кулга ўхшайдир.»

Улар турли амалларни қилишлари мумкин, аммо фойда ола билмайдилар. Ҳа,

«Улар ўз касбларидан бирор нарсага эга бўлмаслар. Ана ўша узоқ адашувнинг ўзидир.»

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ إِنَّ يَئُودَ هَبْكُمُ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿٥٦﴾

19. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила яратиб қўйганини кўрмадингми? Агар истаса, сизларни кетказиб, янги халқ келтирадир.

وَمَا ذَلِك عَلَى اللَّهِ بِعَزِيزٍ ﴿٥٦﴾

20. Бу эса, Аллоҳ учун қийин эмас.

Ушбу оятда иймон ва куфр орасидаги тортишувни қўйиб, инсон виждонига хитоб қилишга ўтилади. Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга қарата:

Эй инсон,

«Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила яратиб қўйганини кўрмадингми?» дейди.

Осмонларнинг борлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Буни ҳар бир инсон кўриб билиб турибди. Ернинг борлиги ҳам ҳақиқат, уни ҳам ҳар бир инсон кўриб турибди. Шунингдек, осмонлару ерни Аллоҳ яратганлиги ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Буни ҳар бир инсон билиб, англаб етиши лозим. Осмонлару ерни Аллоҳ таоло яратган экан, демак, У ҳар бир нарсага қодир Зотдир. Эй бандалар, билинглarki, куфр келтириб, исён қилаверсангиз, Аллоҳ:

«Агар истаса, сизларни кетказиб, янги халқ келтирадир».

Сизга ўхшаш нобакорларни тамоман йўқ қилиб юборади-да, ўрнингизга Ўзига иймон келтирадиган, итоат этадиган тамоман янги халқ келтиради-қўяди.

«Бу эса, Аллоҳ учун қийин эмас.»

Бутун борлиқни, осмонлару ерларни, улардаги нарсаларни йўқдан бор қилган Зот мазкур яратилмишнинг арзимаган бир қисми бўлган одамларни йўқ қилиб, ўрнига янги халқ келтира олмайдами?!

Келаси оятларда бу дунёда таллашиб-тортишиб ўтганларнинг ҳоли охиратда қандай бўлиши васф қилинади:

وَبَرَزُوا لِلَّهِ جَمِيعًا فَقَالَ الضُّعَفَاءُ لِلَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنْتُمْ مُغْنُونَ عَنَّا مِنْ عَذَابِ اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ قَالُوا لَوْ هَدَانَا اللَّهُ لَهْدَيْنَاكُمْ سَوَاءٌ عَلَيْنَا أَجْرُنَا أَمْ صَبْرُنَا مَا لَنَا مِنَ مَحِيصٍ ﴿٦٦﴾

21. Уларнинг ҳаммалари Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлдилар. Бас, заифлар мутакаббирларга: «Албатта, биз сизларга тобе бўлган эдик. Энди, сизлар устимиздаги Аллоҳнинг азобидан бирор нарсани енгиллата оласизларми?» дедилар. Улар: «Агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилганида, биз ҳам сизларни, албатта, ҳидоят қилар эдик. Биз учун энди, дод-вой қиламизми ёки сабр қиламизми, бари бир. Биз учун қочар жой йўқ», дедилар.

Қиёмат қоим бўлди. Ўшанда ҳамма халойиқ – мўмину кофир, муттақийю осий, кучлию заиф, эргаштирувчию эргашувчи, инсу жин ҳамда шайтон –

«Уларнинг ҳаммалари Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлдилар».

Ҳеч бир тўсиқ йўқ. Ҳамма нарса очиқ-ойдин. Ҳамма ўз оқибатини билади. Шунда, улар орасида ўзаро сўзлашув, айб кимдалигини ахтарув бошланади.

«Бас, заифлар мутакаббирларга: «Албатта, биз сизларга тобе бўлган эдик. Энди, сизлар устимиздаги Аллоҳнинг азобидан бирор нарсани енгиллата оласизларми?» дедилар.»

Заифлар — бу дунёда заифҳол бўлиб, ўзидан кучли, ақлли, юқори мансабдорларга эргашиб гуноҳ этганлар қиёмат кунида Аллоҳнинг ҳузурида ишининг чатоқ эканлигини англаб етиб, ўз хўжайинларига мурожаат қиладилар:

«У дунёда сизга эргашиб, сизнинг гапингизга кириб, Аллоҳнинг айтганига юрмаган эдик. Мана, энди ҳамма нарса аён бўлди. Қайта тирилиш ҳам, қиёмат куни ҳам, у дунёдаги ишлар ҳисоб-китоб қилиниши ҳам ҳақ экан, биз сизга эргашиб содир этган гуноҳларимиз туфайли қаттиқ азобга учрашимиз маълум бўлди. Энди сиз ўша азобдан бирор бўлагини қайтара оласизларми?»

У дунёда иззатгалаб бўлганлар, кишиларни, хусусан, ўзига қарам бўлган одамларни ботил йўлга бошлаганлар, ўзларини доҳий ҳис этиб йўл кўрсатганлар, раҳбарлар, ишбошилар бу саволга ҳокисор ҳолда жавоб берадилар:

«Улар: «Агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилганида, биз ҳам сизларни, албатта ҳидоят қилар эдик».

Яъни, бу жойда Аллоҳ бизнинг ишимизни ўнглаганда, биз сизларга албатта ёрдам берар эдик. Сиз талаб қилаётгандек, азобингизни енгиллаштиришимиз ҳам мумкин эди. Аммо, ўзингиз кўриб турибсиз, бизнинг ҳолимиз сизникидан ҳам юз чандон ёмонроқдир. Ўзимизни ўнглай олмай турибмиз, ишимиз чатоқ.

«Биз учун энди, дод-вой қиламизми ёки сабр қиламизми, бари бир. Биз учун қочар жой йўқ», дедилар.»

Яъни, ўзига келиб дод-вой солиш ва тавба орқали ишни ўнглаб олишга имкон йўқ. Шунингдек, сабр қилса, Аллоҳ савоб берадиган вақт ҳам ўтди. Энди ҳеч бир нарсанинг фойдаси тегмайди. Ҳеч қандай қочадиган жой ҳам йўқ, бошга тушганни кўраверишдан бошқа илож қолмади.

Қиёматда ҳамма Аллоҳнинг ҳузурида пайдо бўлганида, заифлар ва мутакаббирлар тортишиб, қалблари афсус-надоматга тўлиб, фиғонлари фалакка чиқиб турганларида, ўртага шайтон чиқади ва ўлганининг устига тепгандай қилиб сўз бошлайди:

وَقَالَ الشَّيْطَانُ لَمَّا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعَدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُمُونِي وَلُومُوا أَنْفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِخِكُمْ وَمَا أَنْتُمْ بِمُصْرِخِيَّ إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكْتُمُونِ مِنْ قَبْلُ إِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦٧﴾

22. Иш битиб бўлганда шайтон: «Албатта, Аллоҳ сизга ҳақ ваъдани қилган эди. Мен эса, сизга ваъда бердим-у, ваъдамга хилоф қилдим. Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз. Бас, мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг. Мен сизларни қутқарувчи эмасман, сизлар ҳам мени қутқарувчи эмассизлар. Энди, мен, албатта, илгари мени шерик қилганингизни инкор қиламан. Албатта, золимларга, ҳа, уларга аламли азоб бор», деди.

Бу дунёда ҳар бир гуноҳ ишнинг бошида турган, ҳар ёмон қилмишга бош-қош бўлган лаънати шайтон у дунёда ҳамма иш битиб, ҳукм чиққандан сўнг пайдо бўлади. Бир-бирини маломат қилиб турган кучлию заиф, эргаштирган уларга эргашган издошларига қараб, сўз бошлайди:

«Албатта, Аллоҳ сизга ҳақ ваъдани қилган эди. Мен эса, сизга ваъда бердим-у, ваъдамга хилоф қилдим».

Шайтон шайтонлигига боради. Иш тугаб бўлгандан кейин очигини айтади. У дунёда кишилар қалбига васваса солган эди. Ҳеч нарса бўлмайди, ҳар кимнинг айтганига юриб ўзингни қийнама, бу беш кунлик дунёда ўйнаб қолмасанг, шуям ҳаётми, каби аврашлар билан уларни адаштирган эди. Уларга турли ваъдаларни берган эди. Энди бўлса, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, меники ноҳақ эди, деб турибди. Бунинг устига, ҳамма ишни қилиб қўйиб, яна бутун айбни ўзига эргашган, гапига кирганларга ағдаряпти:

«Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз».

Ўйлаб кўрмайсизми? Чақирса, кетаверасизми? Мен мутлақо сизларнинг устингизда ҳоким эмас эдим. Сизни куфрга, исёнга чақирган вақтимда менинг гапимга кирмасангиз, сизга қарши ҳеч нарса қила олмас эдим. Илло, ўзингиз хоҳлаб менинг гапимга кирдингиз, айтганимни қилдингиз. Шунинг учун:

«Бас, мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг».

Айб ўзингизда. Бу ноқулай ҳолга тушиб қолганингиз учун фақат ўзингизни айбланг. Менга осилиб юрманг.

«Мен сизларни қутқарувчи эмасман, сизлар ҳам мени қутқарувчи эмассизлар.»

Ҳар ким қилганига яраша тортаверади. Аммо:

«Энди, мен, албатта, илгари мени шерик қилганингизни инкор қиламан».

Сизларга, мени Аллоҳга шерик қилиб олинглар, унинг айтганини эмас, менинг айтганимни қилинглар, деганим йўқ. Бу гапни айтсангиз, мен инкор этаман. Сизлар мени Аллоҳга шерик қилиб олиб, катта зулм қилгансизлар.

«Албатта, золимларга, ҳа, уларга аламли азоб бор», деди.»

Ана шу пайтда иймонлилар ҳақида ҳам Аллоҳнинг ҳукми чиқиб қолади:

وَأُدْخِلَ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ تَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَامٌ ﴿٢٣﴾

23. Ва иймон келтириб, амали солиҳ қилганлар остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритилди. Унда Роббилари изни ила абадий қолурлар. Уларнинг ундаги сўрашишлари «Салом»дир.

Демак, ҳар бир нарса ўз жойини топди. Мантиқий ва адолатли ниҳояга етди. Шайтон ва унга эргашганлар дўзахнинг даҳшатли азобига маҳкум бўлдилар. Пайғамбарлар ва уларнинг мўмин умматлари жаннат ва унинг моддий-маънавий неъматларига эришдилар. Ҳа,

«Ва иймон келтириб, амали солиҳ қилганлар остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритилди».

Бу дунёда иймонли бўлиб, амали солиҳ қилиб ўтганларнинг оқибати, албатта, охират саодати бўлажак. Улар оддий эмас, остиларидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритилажак. Улар

«Унда Роббилари изни ила абадий қолурлар. Уларнинг ундаги сўрашишлари «Салом»дир».

Бу дунёда иймон келтириб, амали солиҳ қилиб ўтганлар у дунёда ўзлари кирадиган жаннатга вақтинчаликка эмас, абадийликка кирурлар. Чунки, вақтинчалик саодат ҳақиқий саодат бўла олмайди. Улар дўзахийларга ўхшаб ўзаро таллашиб-тортишмайдилар ҳам. Уларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари салом — тинчлик бўлади.

Юқорида яхши ва ёмон кишилар ҳақида сўз юритилди. Эндиги оятларда яхши ва ёмон сўз зарбулмасал қилиб келтирилади:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيِّبَةً كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ ﴿٢٤﴾

24. Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса, осмонда.

تَوْتِي أَكْلَهَا كُلِّ حِينٍ بِإِذْنِ رَبِّهَا وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ
يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٥﴾

25. Робби изни ила ҳар доим меваларини бериб турадир. Аллоҳ, шояд эсласалар деб, одамларга мисоллар келтирадир.

Яхши сўз, ҳақ сўз иймон сўзидир. У сўзни Аллоҳ таоло яхши, соғлом бир дарахтга ўхшатмоқда:

«Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса, осмонда».

Ҳа, бу дарахтнинг асли собитдир. Унинг томирлари ерга чуқур илдиз отгани учун мустаҳкамдир. Турли шамоллар, бўронлар ва бошқа омиллар уни жойидан қимирлата олмайди. Айни чоғда, бу дарахтнинг шохлари осмонда, юксакликдадир.

«Робби изни ила ҳар доим меваларини бериб турадир.»

У доимо мева бериб туради. Иймон ҳам худди шу яхши дарахтга ўхшайди. Асли мустаҳкам. Ҳеч нарсадан таъсирланмайди. Мартабаси олий. Доимо самарасини ҳам бериб туради.

«Аллоҳ, шояд эсласалар деб, одамларга мисоллар келтирадир.»

Мазкур яхши сўзнинг акси бўлмиш

وَمَثَلُ كَلِمَةٍ خَبِيثَةٍ كَشَجَرَةٍ خَبِيثَةٍ اجْتُثَّتْ مِنْ فَوْقِ الْأَرْضِ مَا لَهَا مِنْ قَرَارٍ ﴿٢٦﴾

26. Ёмон сўзнинг мисоли, худди ёмон дарахтга ўхшайдир. У ердан узилиб қолган, унинг қарори йўқдир.

Ёмон сўз, ботил сўз куфр сўзидир. У илдизи ердан узилган, қўпорилган, беқарор бир дарахтга ўхшайди. Суврати, шакли дарахтни эслатади. Аммо, унинг на ерга чуқур илдиз отган томири, на осмонга кўтарилган шохлари ва на меваси бор. Шунга ўхшаб, куфрнинг ҳам асли мустаҳкам эмас. Сал нарсага қулайди. Мақташга арзимади. Берадиган самараси ҳам йўқ.

يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضِلُّ
اللَّهُ الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ﴿٢٧﴾

**27. Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охира-
да ҳам собит сўз ила собитқадам қилур. Аллоҳ золимларни зало-
латга кетказур. Аллоҳ хоҳлаганини қилур.**

Аллоҳ таоло мўмин бандаларни иймонли бўлганлари учун, собит сўзни, иймон сўзини айтиб, унга амал қилганлари туфайли бу дунёю охирада собитқадам қилади. Ҳа,

«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам собит сўз ила собитқадам қилур».

Бу дунёда иймон соясида яшагани учун, мўмин банда собитқадам бўлади. Ҳар бир қиладиган иши, айтадиган сўзи аниқ, олдиндан Аллоҳ томонидан кўрсатиб қўйилган, олдиндан нима қилиши ва оқибати нима бўлишини яхши билган, билганда ҳам асосий масдар, яъни, Аллоҳ таоло томонидан юборилган Пайғамбар ва Китоблардан билган одам собитқадам бўлмай, ким бўлсин?! Шунингдек, Аллоҳ таоло мўмин бандаларни собит сўз – иймон ила охирада ҳам собитқадам қилади. Охирада мўмин собитқадам бўлмаса, ким собитқадам бўлади?!

«Аллоҳ золимларни залолатга кетказур.»

Улар золим бўлганлари учун залолатга кетади. Шунинг учун, улар икки дунёда ҳам собитқадам бўла олмайдилар.

«Аллоҳ хоҳлаганини қилур.»

Унинг истаги, хоҳиши ва иродасининг чеки йўқ.

Суранинг бошидан шу ергача Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Мусо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари тўғрисида, уларнинг одамларни зулматлардан нурга олиб чиқиш учун қилган ҳаракатлари, шунингдек, бошқа Пайғамбарларнинг қавмлари билан орала-рида ўтган баҳслари, уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилди.

Энди эса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қавмлари-дан кофирлик йўлини танлаганлари ҳақида сўз кетади:

﴿الْم تَرَى إِلَى الَّذِينَ بَدَلُوا نِعْمَتَ اللَّهِ كَفْرًا وَأَحَلُّوا قَوْمَهُمْ دَارَ الْبَوَارِ﴾

28. Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштирган ва қавмларини ҳалокат диёрига туширганларни кўрмадингми?

Ўйлаб кўргин, бу нарса таажжубланарли эмасми? Аллоҳ бир қавмга ўзларидан Пайғамбар юбориб, уларни иймонга, Исломга даъват қилса, охириги илоҳий китоби Қуръонни индириб, ҳеч кимга бермаган улуғ неъматини ато этса-ю, гумроҳ қавм бу неъмат ўрнига куфрни ихтиёр қилса! Иймонни куфрга алмаштириб олса! Ўзла-рига қўшиб қавмларини ҳам ҳалокат диёрига туширсалар! Ҳа, улар ҳалокат диёрига:

جَهَنَّمَ يَصَلُّونَهَا وَيُسُّ الْقَرَارُ ﴿٧٩﴾

29. Жаҳаннамга кирурлар. Бу қандоқ ҳам ёмон қароргоҳ!

Ҳа, «ҳалокат диёри» дейилганидан мурод жаҳаннамдир. Улар ўша жаҳаннамга кирадилар. Жаҳаннам қандай ҳам ёмон жой. Бу иш, ахир, ажабланарли эмасми?

وَجَعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا لِيُضِلُّوا عَنْ سَبِيلِهِ ۗ قُلْ تَمَتَّعُوا فَإِن مَّصِيرَكُمْ إِلَى النَّارِ ﴿٨٠﴾

30. Улар Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун Унга тенгдошлар қилдилар. Сен уларга: «Ҳузурланиб қолинг! Бас, албатта, борадиган жойингиз дўзахдир», деб айт!

Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштирган нобакорлар Аллоҳга ширк келтирдилар. Унинг тенги бор, деб айтдилар. Шунга яраша эътиқод ва амал этдилар. Улар бу ишларни одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун қилдилар. Демак, бу ўринда гап араб кофирларининг раҳбарлари ҳақида кетмоқда:

«Улар Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун Унга тенгдошлар қилдилар».

Ҳа, улар, агар кишилар Аллоҳ «неъмат» қилиб берган бу Пайғамбарга эргашиб, Аллоҳнинг айтганига юриб кетсалар, бизнинг айтганимизни ким бажаради, деган хаёл билан кишиларни тавҳид йўлидан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган ҳақиқий Ислом йўлидан адаштиришга уриндилар. Аллоҳга тенгдошлар топшига ҳаракат қилдилар. Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, деб турли таклифлар киритдилар. Эй Пайғамбар:

«Сен уларга: «Ҳузурланиб қолинг! Бас, албатта, борадиган жойингиз дўзахдир», деб айт!»

Одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириб, ўзингиз айтган йўлга юргизиб, гапингизни қилдириб, ўзингизча ҳузурланаяпсизми? Майли, ҳозирча ҳузурланиб тураверинг. Аммо, билиб қўйингки, албатта, охир-оқибат борадиган жойингиз жаҳаннамдир, деб айт.

Кейинги оят эса, мўмин бандаларга айтиш учун Аллоҳ Пайғамбаримизга тайинлаган гаплардан иборатдир:

Эй Пайғамбар!

قُلْ لِعِبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا يُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً مِّن قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا خِلَالٌ ﴿٨١﴾

31. Сен иймон келтирган бандаларимга айтгин, намозни тўла-тўқис адо этсинлар. Савдо-сотик, оғайнигарчилик йўқ бўлган Кун келмасидан олдин уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан махфий ва ошкор инфоқ қилсинлар.

Яъни, эй Пайғамбарим, мўмин бандаларимга айтгин. Кофирларга ўхшаб ношукр бўлмасинлар. Балки, берган неъматларимга шукр қилсинлар. Шукрнинг энг гўзал кўринишларидан бири намоз ўқишдир.

«Сен иймон келтирган бандаларимга айтгин, намозни тўла-тўқис адо этсинлар.»

Улар намозни тўла-тўқис адо этсинлар. Охиратда ҳар бандага фойда берадиган амал айнан шу намоздир.

Эй Пайғамбар! Сен иймон келтирган бандаларимга айтгин:

«Савдо-сотик, оғайнигарчилик йўқ бўлган Кун келмасидан олдин уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан махфий ва ошкор инфоқ қилсинлар.»

Қиёмат кунда олди-сотди билан иш битириб бўлмайди, ошна-оғайнигарчилик бир пулга арзимамайди. Шу ҳолга етмай туриб, мен ризқ этиб берган нарсалардан хоҳ махфий, хоҳ ошкора хайри-эҳсон қилиб қолсинлар. Риё, фахрланиш ва бировга озор етишидан қўрқсалар, махфий равишда хайри-эҳсон қилсинлар. Бошқаларга ўрнак кўрсатиш, Аллоҳга итоатни сездириш сингари ибратли ишлар илинжида бўлса, ошкора хайри-эҳсон қилсинлар.

Энди келадиган оятларда Аллоҳнинг бандаларига берган беҳисоб неъматлари, ризқлари ҳақида сўз кетади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنْ
الشَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمْ الْفُلْكَ لِتَجْرِيَ فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَسَخَّرَ لَكُمْ
الْأَنْهَارَ

32. Аллоҳ осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга бўйсундирган ва анҳорларни сизга бўйсундирган Зотдир.

Бу ояти каримадаги маънони бир оз чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Аллоҳ дунёдаги барча нарсени бизларга неъмат қилиб берганини англаб етамиз.

«Аллоҳ осмонлару ерни яратган...»

Ким учун? Инсон учун, албатта. Осмондаги ҳамма нарса инсонга хизмат қилади. Ер ва ундаги жамики нарса инсон учун яратилган, унга хизмат этади. Аллоҳ яна:

«...Осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган...»

Аллоҳ осмондан қор ёки ёмғир шаклида сувни инсон учун туширади. Ўша сув нафақат меваларга, балки инсон ва унга хизмат қиладиган барча жамодот — тоғ, тош, қум, тупроқ каби руҳсиз нарсалар, наботот ва ҳайвонотларга ҳам фойдалидир. Буларнинг барчасидан охир-оқибатда инсон манфаат топади.

Аллоҳ:

«...Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга бўйсундирган...»

Кемаларнинг денгизда, сувнинг юзида сузиб юриши ҳам мўъжиза. Ҳар бири алоҳида-алоҳида сувга солинса, чўкиб ёки оқиб кетадиган нарсаларни кема ҳолига келтирилса, сузиб инсонга хизмат қиладиган хусусиятга эга қилиб қўйган Аллоҳ буни ҳам инсон учун қилгандир. Бу ҳам Аллоҳнинг неъматидир.

«...ва анҳорларни сизга бўйсундирган Зотдир.»

Анҳорлар, дарёлар ҳам инсон учун кўплаб неъматлар манбаидир.

وَسَخَّرَ لَكُمُ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ دَائِبِينَ وَسَخَّرَ لَكُمُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ ﴿٣٣﴾

33. У сизга доимий ҳаракатдаги қуёш ва ойни ҳам, шунингдек, кеча ила кундузни ҳам хизматчи қилиб қўйди.

Қуёш билан ой тинимсиз ҳаракатда бўлиб, доимий равишда инсонга хизмат қилади. Кеча билан кундуз ҳам доимо бир-бири билан алмашиб туради. Шу билан бирга, ҳар доим инсоннинг хизматида бўлади. Уларни Аллоҳ шундай яратиб қўйган.

Лекин булар билан Аллоҳнинг инсонларга ато қилган неъматлари тамом бўлиб қолмайди.

وَمَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِن تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنَّا
الْإِنْسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾

34. Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмасизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир.

Аввалги оятларда тилга олинган умумий неъматлардан ташқари, Аллоҳ бандаларига улар сўраган мол-дунё, фарзанд, сиҳат-саломатлик, роҳат-фароғат каби кўплаб неъматлардан ҳам беради. Хулоса қилиб айтилганда:

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета ол-массизлар».

Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган неъматларини замон ҳам, макон ҳам, саноқ ҳам қамраб ола билмайди. Хўш, қандай қилиб уларни маълум замонда, маълум маконда яшайдиган, маълум илмга эга одамлар санай олади? Шундай бўлгач, барча инсонлар бу беҳисоб неъматлар учун ҳар доим ҳисобсиз шукрлар айтишлари керак эди. Афсуски, улар Аллоҳга ширк келтириб, кофир бўлиб юрибдилар.

«Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир.»

Аммо, уларнинг орасида шукр қилувчилари ҳам топилади. Бунга мисол Иброҳим алайҳиссаломдир. Келаси оятларда ҳаммага, жумладан, отамиз Иброҳимнинг динидамиз, деб даъво эта туриб, аслида ношукрчилик қилаётган араб мушрикларига ҳам ўртак бўлсин учун, у зот алайҳиссаломнинг шукрларидан намуна келтирилади.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ آمِنًا وَاجْنُبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ

35. Эсла, Иброҳим шундай демишди: «Эй Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин, мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин».

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом Маккаи Мукаррамада икки марта бир-бирига ўхшаш дуо қилганлар. Биринчи марта Биби Ҳожар билан гўдак Исмоил алайҳиссаломни қолдириб кетаётиб дуо этадилар. Иккинчи марта эса, Каъбатуллоҳ биноси қуриб бўлинганидан сўнг дуо қилганлар. Биз ўрганаётган дуолари иккинчисидир.

«Эй Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин...»

Омонлик улуғ неъмат ҳисобланади. Унга бошқа жуда кўп неъматлар боғлиқ бўлади. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом Каъбатуллоҳ — Байтуллоҳ қурилган юртнинг омонлик юрти бўлишини Аллоҳдан сўрамоқдалар. Омонлик Аллоҳ томонидан берилганидан кейин унга шукр қилиниши керак эди. Аммо Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги Макка аҳллариининг кўплари шукр қилмадилар. Улар Аллоҳнинг уйи — Каъбатуллоҳ шарафидан омонлиқда яшадилар-у, лекин Аллоҳга шукр этмадилар. Аллоҳга, Унинг Пайғамбари ва туширган китобига иймон келтирмадилар. Улар, отамиз Иброҳимнинг динидамиз, деб даъво қилдилар. Ҳолбуки, Иброҳим алайҳиссалом Каъбатуллоҳни қуриб бўлган чоғларида Аллоҳга

«...мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин», деб ёлборган эдилар. Демак, араб мушрикларининг даъволари пуч. Улар Аллоҳ берган неъматларга шукр ҳам қилмадилар, оталари Иброҳим алайҳиссаломнинг йўлларидан ҳам юрганлари йўқ. У киши алайҳиссалом буту санамлар ҳақида яна шундай деган эдилар:

رَبِّ إِنَّمَا أَضَلَلْنَا كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ فَمَنْ تَبِعَنِي فَإِنَّهُ مِنِّي وَمَنْ عَصَانِي فَإِنَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٦﴾

36. Эй Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирдилар. Бас, ким менга эргашса, у мендандир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳимлисан.

Иброҳим алайҳиссалом ўз даврларида ва ундан олдинги замонларда бут-санамлар кўплаб кишиларнинг залолатга кетишига сабаб бўлганини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, ушбу маънодаги дуони қилдилар:

«Эй Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирдилар».

Ҳа, тарихда кўп одамлар буту санамлар туфайли тўғри йўлдан оздилар. Фитнага учрадилар.

«Бас, ким менга эргашса, у мендандир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳимлисан.»

У киши алайҳиссалом одамларни шундай ажратиб олганлар: менга эргашганлар Аллоҳнинг йўлига юрган, тўғри йўлдаги кишилар бўлади; менга осий бўлганлар эса, гуноҳкор ва кофир бўладилар. Эй Роббим, уларнинг гуноҳларини Ўзинг кеч, раҳим айлаб, тўғри йўлга бошла.

Иброҳим алайҳиссалом Пайғамбарлар ичида жуда ҳам ҳалийм ва юмшоқ қалблик билан ажралиб турадилар. Ҳар доим кофирларга ҳидоят сўраб дуо қиладилар. Иброҳим алайҳиссалом дуоларида давом этиб айтадиларки:

رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بُوَادٍ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ عِنْدَ بَيْتِكَ الْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لِيُقِيمُوا الصَّلَاةَ فَاجْعَلْ أَفْعَدَةً مِنَ النَّاسِ تَهْوِي إِلَيْهِمْ وَارْزُقْهُمْ مِنَ الثَّمَرَاتِ لَعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ ﴿٣٧﴾

37. Эй Роббимиз, ҳақиқатда мен ўз зурриётимдан Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар.

Иброҳим алайҳиссалом ўз зурриётидан бўлмиш Исмоил алайҳиссаломни Аллоҳнинг Байтул Ҳароми ёнига, ўсимликсиз водийга жойлаштиришларининг бош сабабини намоз демоқдалар.

«Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун.»

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга ибодат қилишлари, намозни тўқис адо этишлари учун зурриётларидан баъзисини машаққатларга тўла, сувсиз, гиёҳсиз, иссиқ чўлнинг ўртасига жойлаштирдилар.

Одатда, одамлар гиёҳсиз чўлларга боришни истамайдилар. У ердаги машаққатлардан қўрқадилар. Эй Роббимиз:

«Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин...»

Уларнинг қалблари доимо ўша, мен зурриётимдан баъзисини жойлаштирган, Байтул Ҳаром ёнидаги водийга талпиниб турадиган бўлсин.

«...ва уларни мевалардан ризқлантиргин.»

Ўша зурриётимни ва улар билан бирга ўша ерда яшаётганларни мевалардан ризқлантиргин.

«Шояд, шукр қилсалар», деб дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Мазкур юртни, Ҳарами Шарифни омонлик юрти қилиб қўйди. Унинг омонлигига таҳдид соладиганларни ҳалок қилди. У ердагилар Аллоҳга ибодатни тўғри қилиб, намозни тўқис адо этганларида, омонликка қўшиб тўқчиликни ҳам берди. Мусулмон бўлган одамлар қалбини ўша томонга талпиниб турадиган этиб қўйди. У жойнию аҳолисини, ерларида ҳеч нарса ўсмаслигига қарамасдан, турли мевалар билан ризқлантириб қўйди. Фақат, ўша ер аҳолисининг шукр қилиши қолди, холос. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар қилиб юборилишлари арафасида ва даъватларини бошлаган пайтларида эса, уларнинг ношукрлиги ҳаддан ошган эди. Аллоҳ таолога ибодат қилиш ўрнига, улар буту санамларга ибодат қилардилар. Ҳатто Каъбатуллоҳнинг ичига ҳам бутларни олиб кириб қўйган эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ қуни Байтуллоҳни улардан тозаладилар.

رَبَّنَا إِنَّكَ تَعْلَمُ مَا نُخْفِي وَمَا نُعَلِنُ وَمَا نَحْفِي عَلَى اللَّهِ مِنْ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ ﴿٢٨﴾

38. Эй Роббимиз, албатта, Сенинг Ўзинг махфий тутган нарсамизни ҳам, ошкор қилган нарсамизни ҳам яхши билурсан. Аллоҳ учун на ердаю на осмонда бирор нарса махфий қолмас.

Кимнинг беҳисоб шукр айтаётганини ҳам, кимнинг бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрганини ҳам Ўзинг биласан. Шунинг учун, Ўзинг билиб жазо ёки мукофотини берасан.

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي وَهَبَ لِي عَلَى الْكِبَرِ إِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبِّي لَسَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴿٣٩﴾

39. Кексалик пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ато қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир.

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом узоқ вақт фарзанд кўрмаганлар. Тўқсон ёшларида Исмоил алайҳиссалом, сўнгра Исҳоқ алайҳиссалом дунёга келганлар. Кекса кишига фарзанд бериш Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом ёрдамида Байтуллоҳни қуриб бўлганларида ҳам бу неъматни ёдга олиб, ўзларига кексалик чоғида фарзанд берган Аллоҳга ҳамду санолар айтмоқдалар. Аллоҳ таолонинг дуоларни қабул этгувчи Зот эканини зикр қилмоқдалар:

«Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир».

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴿٤٠﴾

40. Эй Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Эй Роббимиз, дуони қабул этгин.

Ибодат пайтида яна ибодат учун Аллоҳдан ёрдам сўраш ибодатнинг бардавом бўлишида Аллоҳнинг Ўзидан ёрдам сўрашни англатади. Аллоҳнинг дуоларни қабул этгувчи Зот эканини зикр қила туриб, яна дуони қабул этишини сўраш бирор тўсиқ бўлиб қолмасин, деган хавфни англатади.

Келаси оят ила Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари сўнгига етади.

رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ ﴿٤١﴾

41. Эй Роббимиз, мени, ота-онамни ва мўминларни ҳисоб қилинадиган кун мағфират айлагин.

Ҳисоб қилинадиган кун деганда қиёмат тушунилади, албатта. Ўша кунда, Аллоҳнинг мағфирати бўлмаса, ҳеч ким нажот топмайди. Иброҳим алайҳиссаломнинг бу машҳур дуоларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инкор этиб турган мушрикларга қарши маънолар кетма-кет келиши билан бирга, мўминларнинг қалбига қувват берувчи маънолар ҳам келганини кўрдик.

Шу билан бирга, золимларнинг – мушрикларнинг кирдикорларидан озор кўрган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўмин-мусулмонларга алоҳида тасалли ояти келмоқда:

وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَافِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ
 الْأَبْصَارُ ﴿٤٢﴾

42. Сен ҳаргиз, Аллоҳ золимлар қилаётган нарсдан ғофил, деб гумон қилма. Фақатгина, уларни кўзлар қотиб қоладиган кунгача қўйиб қўядир, холос.

مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي رُءُوسِهِمْ لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ هَوَاءٌ ﴿٤٣﴾

43. Улар бошларини кўтарган ҳолда югурурлар. Кўзлари ўзларига қайтмас. Кўнгиллари эса, бўм-бўш бўлур.

Албатта, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон, Аллоҳ таоло ғофил деб, гумон қилмайдилар. Лекин баъзи кишилар золимларга ҳеч нарса бўлмай, ўйнаб-кулиб юрганларини кўрганда турли хаёлларга бориши мумкин. Баъзилар, фалончилар шунча золимлик қилса ҳам, уларга ҳеч нарса бўлмайдими-я, Аллоҳнинг иқоби золимларга келадиган бўлса, ўшаларга келиши керак эди, каби фикрларни хаёлидан ўтказиши мумкин. Ана шундай гумонларни рад қилиш учун Аллоҳ таоло:

«Сен ҳаргиз, Аллоҳ золимлар қилаётган нарсдан ғофил, деб гумон қилма», демоқда.

Балки, У золимларнинг ҳамма қилаётган ишларини жуда ҳам яхши билади. Унинг фаришталари золимлар қилган ишларнинг заррачаси бўлса ҳам ёзиб, ҳисоб-китоб қилиб турибди. Золимларга гуноҳ қилган пайтдаёқ азоб келмаслиги Аллоҳ уларнинг амалидан ғофил қолганини англатмайди, балки атайлаб азобни ортга сурганини билдиради:

«Фақатгина, уларни кўзлар қотиб қоладиган кунгача қўйиб қўядир, холос».

«Кўзлар қотиб қоладиган кун» деганда қиёмат куни тушунилади. Ўша кундаги даҳшатдан, қўрқинчдан одамларнинг кўзлари қотиб, юмилмайдиган, қимирламайдиган бўлиб қолади.

Золимларга ўша куни азоб-уқубат келади. Бу дунёдаги заррача ёмонликлари учун ҳам жазо оладилар. Улар қиёмат кунининг даҳшатидан, у кунда бериладиган азобдан қўрқиб, қочишга жой топа олмаган қушчага ўхшаб типирчилаб қоладилар.

«Улар бошларини кўтарган ҳолда югурурлар.»

Яқин атрофдан нажот йўқлигига ишонгач, бошларини кўтариб узоқларга қарайдилар ва тезроқ бирорта бошпана топиш мақсадида у ён-бу ён югурадилар.

«Кўзлари ўзларига қайтмас.»

Даҳшатдан қотиб қолган. Фақат атрофларидаги даҳшатли нарса-салардан узилмайди. Ўзларига қайтмайди.

«Кўнгиллари эса, бўм-бўш бўлур.»

Қўрқув туфайли бўм-бўш бўлиб қолган кўнгилларига бирон нарса сиймайди.

Сўнгра, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга хитоб қилади:

وَأَنْذِرِ النَّاسَ يَوْمَ يَأْتِيهِمُ الْعَذَابُ فَيَقُولُ الَّذِينَ ظَلَمُوا رَبَّنَا أَخِّرْنَا إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ
نُحِبُّ دَعْوَتَكَ وَنَتَّبِعُ الرَّسُولَ لَوْلَمْ تَكُنْ تُكُونُوا أَقْسَمْتُمْ مِّنْ قَبْلِ مَا لَكُم مِّنْ زَوَالٍ ﴿٤٤﴾

44. Сен одамларни уларга азоб келадиган Кундан огоҳлантир. Ўшанда зулм қилганлар: «Эй Роббимиз, бизни озгина вақт қўйиб тургин, Сенинг даъватингни қабул қиламиз ва Пайғамбарларга эргашамиз», дерлар. Бундан олдин сизларга завола йўқлигига қасам ичмаган эдингизми?!

وَسَكَنْتُمْ فِي مَسَاكِينِ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ وَتَبَيَّنَ لَكُمْ كَيْفَ فَعَلْنَا
بِهِمْ وَضَرَبْنَا لَكُمْ الْأَمْثَالَ ﴿٤٥﴾

45. Ва ўзига зулм қилганларнинг масканларига жойлашмадингизми? Сизга уларни қандай қилганимиз равшан бўлмади? Сизга мисоллар келтирмадикми?

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзларининг асосий ишлари — одамларни огоҳлантириш, уларга азоб келадиган кун, қиёмат кунидан огоҳлантиришда бардавом бўлишни амр этмоқда:

«Сен одамларни уларга азоб келадиган Кундан огоҳлантир.»

Бошқа нарса билан, яъни, кимга иқоб тез келяптию кимга келмай тургани билан ишинг бўлмасин. Қиёмат куни ҳамманинг кўзи мошдай очилиши турган гап.

«Ўшанда зулм қилганлар: «Эй Роббимиз, бизни озгина вақт қўйиб тургин, сенинг даъватингни қабул қиламиз ва Пайғамбарларга эргашамиз», дерлар.»

Бу дунёда энг улкан зулмни қилиб — мушрик бўлиб, Аллоҳга иймон келтирмай юрган золимлар, қиёматда кўзлари мошдай очилиб, ақллари кириб, мулойим бўлиб: «Эй Роббимиз» деб қоладилар. Бу

дунёда Роббга иймонлари йўқ эди. Унга бўйсунмас, эътиқод ҳам қилмас эдилар. Энди эса «Эй Роббимиз» деб қоптилар. Ҳаёти дунёда қанчадан-қанча огоҳлантиришларга қарамай, Аллоҳнинг даъватини қабул қилмаган, Пайғамбарларга эргашмаган эдилар. Энди эса, қиёматнинг даҳшатларини кўриб, ўзларига нима бўлишини билиб, озгина муҳлат сўрашмоқда. Фақат озгина вақт бўлса, бас, илоҳий даъватни қабул қиламиз ва Пайғамбарларга эргашамиз, деб сўз бериб, ялиниб-ёлворишмоқда. Ажабо, уларнинг бу ёлворишларига қандай жавоб берилар экан? Жавоб қуйидагича бўлади:

«Бундан олдин сизларга завол йўқлигига қасам ичмаган эдингизми?»

Яқиндагина, биз заволга юз тутмаймиз, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, қиёмат деган нарсалар бўлмаган гап, деб юрмаган эдингизми?

«Ва ўзига зулм қилганларнинг масканларига жойлашмадингизми?»

Уларнинг жойларида яшаб туриб, уларга нималар бўлганини билиб туриб, ўзингизга ўрناق олмай юравердингиз-ку?

«Сизга уларни қандай қилганимиз равшан бўлмадимми?»

Сиздан олдин ўтган золимларнинг ҳаммасини, жумладан, сиз масканларида яшаган золимларни охир-оқибат Биз нима қилганимиз ҳаммага маълум эди-ку! Сизларга ҳам маълум эмасмиди?! Қолаверса,

«Сизга мисоллар келтирмадикми?»

Албатта, келтирганмиз. Аммо у вақтда сиз бунга эътибор бермадингиз. Энди, бўлар иш бўлиб бўлганда, эсингиз кирдимми? Аллоҳнинг даъватини қабул қилиш ва Пайғамбарларга эргашини энди эсингизга тушиб қолдимми?!

وَقَدْ مَكَرُوا مَكْرَهُمْ وَعِنْدَ اللَّهِ مَكْرُهُمْ وَإِنْ كَانَ مَكْرُهُمْ لِتَزُولَ مِنْهُ

الْجِبَالِ ﴿٤٦﴾

46. Дарҳақиқат, улар ўз макрларини қилдилар. Ҳолбуки, уларнинг макрлари, гарчи макрларидан тоғлар заволга учрайдиган бўлса ҳам, Аллоҳнинг ҳузуридадир.

Кофиру мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, мўминларга, динга қарши қўлларидан келган барча макрларни қилдилар. Аммо, уларнинг макрлари ҳар қанча кучли ва таъсирли, ҳатто тоғларни йўқ қилиб юборадиган даражада бўлмасин, ҳеч нарса қила олмайдилар. Чунки, уларнинг барча макрлари Аллоҳ таолонинг ҳузуридадир. У зот ҳаммасини кўриб, билиб, ихота қилиб туради. Ўзи хоҳлаганича тасарруф қилади.

فَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ مُخْلِفًا وَعْدَهُ رُسُلَهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ ذُو انْتِقَامٍ ﴿٤٧﴾

47. Сен, Аллоҳ Пайғамбарларига берган ваъдасига хилоф қилувчи деб, гумон қилма. Албатта, Аллоҳ азиз ва интиқом эгасидир.

Яъни, ўзига зулм қилган мушрику кофирларнинг макри ўтмайди. Аллоҳ Пайғамбарларига нима ваъда берса, ўшанинг албатта бўлиши муқаррар. Шунинг учун:

«Сен, Аллоҳ Пайғамбарларига берган ваъдасига хилоф қилувчи деб, гумон қилма».

У, Пайғамбарларига ва уларга эргашган мўмин-мусулмонларга албатта фатҳу нусрат беради. Золим ва кофирларни эса, ҳалок қилиб, расвосини чиқаради. Чунки:

«Албатта, Аллоҳ азиз ва интиқом эгасидир».

У ҳамманинг устидан ғолибдир. Шу азизлик – ғолиблик сифати ила Пайғамбарларга ва мўминларга нусрат беради. Ҳамда интиқом олувчи сифати ила золим ва кофирлардан интиқом олади. Ўша ишлар:

يَوْمَ تَبْدَلُ الْأَرْضُ غَيْرَ الْأَرْضِ وَالسَّمَوَاتُ وَبَرَزُوا لِلَّهِ الْوَاحِدِ الْقَهَّارِ ﴿٤٨﴾

48. Бу, ер бошқа ерга ва осмонлар ҳам (бошқа осмонларга) алмаштириладиган ва у(одам)лар ёлғизу қаҳҳор Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлишадиган Кунда бўладир.

Яъни, юқоридаги оятларда зикр қилинган ғолиблик ва интиқом олиш қиёмат куни содир бўлади. Ўша қиёмат кунининг даҳшатидан бизга ҳозир жуда ҳам улкан бўлиб кўриниб турган ер бошқача, умуман бошқача ерга айланиб қолади. Шунингдек, осмонлар ҳам ўзгариб кетади. Одамларнинг ҳаммаси Аллоҳ ҳузурида ҳисоб-китоб учун йиғиладилар. Ўшандай кунда Аллоҳ Пайғамбарларга ва уларга эргашган мўминларга нажот беради. Золим ва кофирлардан интиқом олади.

وَتَرَى الْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُّقَرَّنِينَ فِي الْأَصْفَادِ ﴿٤٩﴾

49. Ва у кунда жиноятчиларни кишанлар ила тўпланган ҳолларида кўрасан.

Яъни, золим, кофир, мушрик – жиноятчиларни кишанланиб, бир-бирларига бирлаштирилиб тўпланган ҳолда кўрасан.

سَرَابِيلُهُمْ مِنْ قَطَرَانٍ وَتَغْشَىٰ وُجُوهُهُمُ النَّارُ ﴿٥٠﴾

50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов қоплагандир.

Кишанлар ила бир-бирига қўшиб ҳайдаб кетилаётган жиноятчилар ҳоли ҳам ниҳоятда ачинарли бўлади. Кийимлари сассиқ, қора мойга ботган бўлади. Салгина олов тегса, ёниб кетади. Олов эса, юзларини қоплаб туради. Бу дунёдаги қилмишлари учун уларга шундай жазо берилади.

Бу иш:

لِيَجْزِيَ اللَّهُ كُلَّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿٥٠﴾

51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган касбига яраша жазо бериши учундир. Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб қилгувчидир.

Жиноятчилар бу дунёда куфр келтирдилар, макр қилдилар. Шунинг учун, касбларига яраша у дунёда жазо олдилар. Аллоҳ ҳисоб-китобни жуда тез қилади.

هَذَا بَلَاغٌ لِلنَّاسِ وَيُنذِرُ أُولِي بَالٍ لِيَعْلَمُوا أَنَّمَا هُوَ إِلَهُ وَاحِدٌ وَلِيَذَّكَّرَ أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٥١﴾

52. Бу (Қуръон) одамлар учун, уларнинг у ила огоҳлантирилишлари, У ягона илоҳ эканини билишлари ва ақл эгалари эслашлари учун баёнотдир.

Яъни, Қуръон одамлар учун Аллоҳ томонидан юборилган бир баёнотдир. Уни нозил қилишдан мақсад одамларни огоҳлантиришдир. Бунда инсонларнинг икки дунё саодатига эришишлари ва икки дунё бадбахтлигидан қутулишлари учун нима ишлар қилишлари лозимлиги баён этилади.

Уни юборишдан мақсад одамларга Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқлигини билдиришдир. Токи ҳамма ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилиб яшасин.

Уни нозил қилишдан мақсад ақл эгаларига эслатма беришдир. Токи улар ақллари ишлатиб тўғри йўлни топиб олсинлар.

Қуръони Карим одамларга Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқлигини англатиш ва башарият ягона Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиб яшаши лозимлигини уқтириш мақсадида юборилган.

Бу муқаддас китоб ақл эгаларига эслатма бериш ва уларни ўз ақллари ила тўғри йўлни топиб олишга йўллаш мақсадида нозил қилингандир.



ҲИЖР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 99 оятдан иборат.

Сураи каримага ном бўлиб қолган «Ҳижр» сўзи ундаги қиссаларнинг бирида Самуд қавми яшаган водийнинг исми сифатида зикр қилинган.

Сураи карима Маккаи Мукаррамада «Юсуф» сурасидан кейин нозил бўлган. Бу пайт Ислом даъвати оғир кунларни бошдан кечираётган эди. Бир йилнинг ичида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яхши ёрдамчи бўлмиш икки шахс — амакилари Абу Толиб ва Хадича онамиз вафот этган, ўша сана «маҳзунлик йили» деб эълон қилинган эди. Бундан фойдаланган мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга, мусулмонларга ва Исломга қарши ҳамласини ниҳоятда кучайтирган пайт эди. Мусулмонлар бош кўтаролмай, қадам боса олмай қолганларидан, динлари ва диёнатларини сақлаш мақсадида она юртлари — азиз Маккани ташлаб ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар. Ҳа, «Ҳижр» сураси ана шундай шиддатли, шафқатсиз бир пайтда — хафагарчилик йили билан ҳижрат йили орасида нозил бўлди. Шунинг учун ҳам, ўша қийин пайт бу сура оятлари ниҳоясида ўз аксини топди.

Мушрикларнинг озорлари авжга чиққан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар оғир кунларни бошларидан кечирар эдилар. Ислом даъвати деярли қотиб қолган, жойидан қимирламас эди. Шу сабабли, бу сурада ўтган Пайғамбар ва умматлар тарихида юз берган худди шунга ўхшаш ҳолатларнинг қиссалари келтирилади. Бу, аввало, Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларга тасалли бўлса, сониян, мушрикларга таҳдид ва эслатма эди.

«Ҳижр» сурасида, асосан, Исломни инкор этувчиларнинг табиати ва уларнинг инкорлари сабаблари ҳақида сўз кетади. Оқибатлари нима бўлгани гапирилади.

Сураи карима аввалида куфр аҳлини огоҳлантирувчи оятлар келади. Улардан кейин, кофирлар томонидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берилиши, у кишига тухмат ва номаъқул

таклиф қилишлари, Аллоҳнинг Қуръонни муҳофаза этиш ҳақидаги ваъдаси ва аввал ўтганларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлганлигини эслатувчи тасаллиси келади. Борлиқдаги баъзи кўринишлар: осмон ва унинг буржлари, ер ва ундаги тоғлар, наботот, шамоллар, сув каби нарсалар эсга олинади. Ундан кейин Одам Ато ва шайтон қиссаси келтирилади. Сўнгра, Иброҳим, Лут, Шуайб ва Солиҳ алайҳиссаломларнинг қиссалари ўзига хос услуб ила баён этилади.

Ниҳояда эса, осмонлару ерни яратишдаги ҳақиқат, қиёматнинг албатта бўлиши, шунинг учун бошқа нарсаларга эътибор бермай, Аллоҳдан қолмаслик зарурлиги ҳақида сўз кетади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الرَّتْلَكَآءَايَتُ الْكِتَابِ وَقُرْءَانِ مُبِينٍ

1. Алиф. Лаам. Ро. Ушбулар китобнинг ва равшан Қуръоннинг оятларидир.

Муқаттаот ҳарфлари ҳақида аввал ўтган сураларда гапирилди. Араб тилидаги мазкур ҳарфлардан тузилган ушбу оятлар китобнинг – равшан Қуръоннинг оятларидир. Бу ҳарфларни ҳамма ҳам ишлатиши мумкин. Аммо Қуръоннинг мислини ҳеч ким келтира олмайди. Шу туфайли, ҳамма Қуръоннинг илоҳий мўъжиза эканлигига тан бериб, иймон келтирмоғи лозим. Аммо кўплар иймон калимасини айтиш ўрнига, Қуръонга куфр келтириб юрибди.

رُبَمَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ

2. Ҳали, куфр келтирганлар мусулмон бўлишни ҳам истаб қолурлар.

Ҳозир улар куфрга кетиб, ҳовлиқиб юришибди. Аммо бир вақт келадики, «Кошки, биз ҳам мусулмон бўлганимизда эди», деб қолишади.

Ушбу оятда айтилаётган ҳолат жон таслим қилиш чоғида, қиёмат куни Аллоҳ таоло мусулмонларни Ўз раҳмати ила жаннатга киритаётган пайтда, баъзи гуноҳлари туфайли дўзахга тушган аҳли қибла-

лар ундан озод бўлиб жаннатга ўтаётганларида бўлади. Яъни, шу ҳолатларда кофирлар мусулмон бўлмаганларига ич-ичларидан афсус этадилар ва «Кошки, биз ҳам мусулмон бўлсак эдик», деб орзу қиладилар. Аммо унгача:

ذَرَّهُمْ يَا كَلُوا وَتَمَتَّعُوا وَيَلْهَمُ الْأَمَلُ فَسَوْفَ يَعْمُونَ ﴿٢٠﴾

3. Уларни тек қўй, еб-ичиб, ҳузурланиб, умидлар ила машғул бўлиб юраверсинлар. Бас, тезда билурлар.

Ҳозирча, бу дунёнинг беш кунлик ҳаётида кофирларни ўз ҳолига қўйиб қўявер. Ҳайвонга ўхшаб еб-ичиб, ҳузурланиб, мазза қилиб юраверсинлар. Уларнинг еб-ичишдан ва лаззат кетидан қувишдан ўзга ишлари ҳам бўлмасин. У кофирлар, осийлар турли орзу-

«...умидлар ила машғул бўлиб юраверсинлар.»

Эртага уни, индинга буни қиламан, десин. Орзу кетидан орзу, умид кетидан умид қилаверсинлар. Охир-оқибат келиб, бутун машғулотлари, бутун ишлари шунга ўхшаш тирикчилик орзу-умидидан иборат бўлиб қолсин. Аммо фурсати келса:

«Бас, тезда билурлар».

Нимани биладилар? Асл иш, асл ҳақиқат қаёқда эканини англайдилар. Асл ҳузур-ҳаловат, асл орзу-умид нимада бўлиши кераклигини биладилар. Чунки улар ҳозирги ҳолатларида абадий қолмайдилар. Ҳамма нарсанинг ҳам вақти-соати бор.

وَمَا أَهْلَكْنَا مِنْ قَرْيَةٍ إِلَّا وَلَهَا كِتَابٌ مَّعْلُومٌ ﴿٢١﴾

4. Биз маълум битиксиз ҳеч бир шаҳарни ҳалок этганимиз йўқ.

Яъни, қайси шаҳарни ҳалок этган бўлсак, фақат белгиланган битик ва вақтга кўра ҳалок этдик, холос. Ўтмишда кўплаб шаҳарлар аҳолиси ҳалокатга учраган. Улар тартибсиз, бекордан-бекорга, эрмак учун ҳалок этилган эмас. Балки ҳаммаси Аллоҳнинг ҳузурдаги белгилаб қўйилган, ёзиб қўйилган китоб — битикка асосан бўлган. Аллоҳ таоло ҳар бир шаҳар, қишлоқ аҳолисига ҳаётни ва унинг неъматларини бериб қўйиб, қараб туради. Агар улар иймон келтириб, ибодатда собитқадам бўлиб, шукр этсалар, Аллоҳ уларга барча неъматларини зиёда қилади. Аммо, ўзларидан кетиб, ношукрлик қилсалар, фақат еб-ичиш, лаззатланиш ва орзу-умидлар ила ҳаёт кечиришга ўтиб қолсалар, ҳалокатга учрайдилар. Баъзи

бир умматларда мазкур шартлар мавжуд бўлади. Аммо ҳалокатга учрамай турадилар. Чунки, уларда ҳалокатдан вақтинча тўсадиган баъзи сифатлар бўлади. Мисол учун, ўша жамиятда нисбий адолат, ер юзини обод қилишга кучли уриниш ёки шунга ўхшаш яхшилик сифатлари бўлиши мумкин. Модомики, ўша сифатлар бор экан, у умматнинг ҳалокати ортга сурилиб тураверади. Улар ниҳоясига етганида эса, ҳалокат келади.

مَا تَسْبِقُ مِنْ أُمَّةٍ أَجَلَهَا وَمَا يَسْتَسْخِرُونَ ﴿٦﴾

5. Ҳеч бир уммат ўз ажалидан ўзиб кета олмас ва ортда ҳам қола олмас.

Ҳамманинг белгиланган ажали бор. Ҳар бир иш ўша ажалга мувофиқ содир бўлади. Ундан илгарилаб ҳам кетмайди, ортда ҳам қолмайди.

Ўтган умматларнинг ҳоллари, улар билан бўладиган муомаланинг умумий қоидаси айтиб ўтилгандан кейин, Қуръон энди нозил бўлаётган пайтдаги умматнинг ўша эски хатоларни такрорлаб, орзу-умидларга берилиб, Пайғамбарларни камситиб, хўрлаб, таҳқирлаб, Қуръон ва динни инкор қилаётганлари зикр этилади.

وَقَالُوا يَا أَيُّهَا الَّذِي نُزِّلَ عَلَيْهِ الذِّكْرُ إِنَّكَ لَمَجْنُونٌ ﴿٦﴾

6. Улар: «Эй, зикр нозил қилинган киши, албатта, сен мажнунсан».

Яъни, кофирлар, Макка мушриклари ўз Пайғамбарларига:

«Эй, зикр нозил қилинган киши, албатта, сен мажнунсан», дейдилар.

«Зикр» (эслатма) — Қуръони Каримнинг номларидан биридир. Мушриклар бу одобсиз гаплари ила ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини, ҳам Қуръони Каримнинг илоҳий китоб эканлигини инкор қилмоқдалар. Фақат инкор қилибгина қолмай, балки катта тухмат ҳам этмоқдалар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни жинниликда айбламоқдалар.

«Ҳеч шак-шубҳасиз, сен жиннидирсан», демоқдалар.

Улар ўз сўзларида давом этиб:

لَوْ مَا تَأْتِينَا بِالْمَلَكَةِ إِن كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِیْنَ ﴿٧﴾

7. Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга фаришталарни келтир-санг-чи!» дерлар.

Яъни, кофирлар, агар сен Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар эканлигинг ҳақидаги даъвоингда ростгўй бўлсанг, Пайғамбар эканлигинг рост бўлса, бизга бир фариштани келтир-чи, уни кўриб, сўнгра сенга ишонайлик, дейишмоқда. Бу гап ҳам, аввалги сураларда айтиб ўтилгандек, ўзларига ўхшаган одамнинг Пайғамбар бўлишини ақлига сиғдира олмаслиқдан келиб чиқади. Бу жоҳилона гапнинг раддига Аллоҳ қуйидагича жавоб беради:

مَا نَنْزِلُ الْمَلٰٓئِكَةَ اِلَّا بِالْحَقِّ وَمَا كَانُوْا اِذَا مُنْظَرِيْنَ

8. Биз фаришталарни фақат ҳақ ила туширамиз, холос. У ҳолда уларга қараб турилмас.

Яъни, фаришталарни, фақат, кофирларни азоблаш ҳақ бўлиб қолгандагина туширамиз. Фаришталарни туширган чоғимизда эса, кофирларга қараб турилмайди. Балки, дарҳол улар ҳалок қилинади. Лекин ҳозир Аллоҳ азоб фаришталарини эмас, эслатма Қуръонни туширди:

اِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَاِنَّا لَهٗ لَحٰفِظُوْنَ

9. Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз.

Ушбу Зикр – Қуръон кофиру мушриклар мажнун деб номлаётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўқима асари эмас. Уни айнан Биз нозил қилдик. Уни одамлар инкор қилсалар ҳам, тан олмасалар ҳам, йўқ қилиб юбормоқчи бўлсалар ҳам, барибир,

«албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз».

Ислом даъвати ўз бошидан энг оғир кунларни кечираётган бир пайтда, яъни, мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ оз сонли мусулмонларни бутунлай йўқотишга, Қуръоннинг номи-ни ҳам қолдирмасликка қасд қилишиб қолган бир пайтда нозил бўлган бу ояти карима ҳақиқий илоҳий мўъжизадир. Агар мазкур китоб ҳақиқий илоҳий мўъжиза бўлмаганида, шундай қийин пайтда ишонч ва таъкид билан бу гапларни айтмас эди. Бу бир мўъжиза бўлса, оятдаги ваъданинг юзага чиқиши минг мўъжизадир. Қуръон туша бошлаганидан ҳозирги кунга қадар уни йўқ қилиб юбориш, унга зарар етказиш ва ўзгартириш киритиш учун қанчадан-қанча уринишлар бўлди. Аммо, Аллоҳ таоло

ваъдаси устидан чиқди. Ўз китобини муҳофаза қилиб қолди. Бу китобнинг бирор ҳарфи ҳам ўзгаргани йўқ. Дунёдаги ҳамма китобларга, ҳатто самовий китоблар бўлмиш Таврот ва Инжилга ҳам ўзгартириш кири-тилди. Аммо Қуръони Карим софлигича қолди. Ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига ҳам ғаразгўйлар ҳамла қилишди. Оқибатда кўплаб ҳадис илми соҳиблари, улуғ уламола-римиз ҳадисларни бу ҳамладан ҳимоя қилиш учун бир талай ишларни амалга оширишга мажбур бўлдилар. Аммо Қуръони Каримнинг бир ҳарфига ҳам биров тил теккиза олмади. Аллоҳ таоло, ваъдасига биноан, китобини Ўз ҳимоясига олди.

Мусулмонлар бошларидан оғир замонларни ўтказдилар. Улар та-моман бошқаларга қарам бўлиб қолган вақтлар ҳам бўлди. Кўп урф-одатлари ўзгариб ҳам кетди. Аммо, Қуръони Карим ўзгармади. Ҳол-буки, Ислом душманларининг, мусулмонлар душманларининг асосий мақсади Қуръонга зарар етказиш эди. Улар мақсадларига ета ол-дилар. Аллоҳ Ўз китобини, ваъдасига биноан, муҳофаза қилиб қолди.

Бундан кейин ҳам муҳофаза қилажаги муқаррардир.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга тасалли бериб, мушрикларнинг озорларидан хафа бўлмас-ликка чақиради ва бу одатдаги ҳол эканини баён қилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي شَيْعِ الْأَوَّلِينَ ﴿١٠﴾

10. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам аввалгилар гуруҳларига (Пай-ғамбар) юборганмиз.

Яъни, сен биринчи Пайғамбар эмассан. Сендан олдин ҳам Пай-ғамбарлар юборганмиз. Бу иш қадимдан бўлиб келаётган иш.

وَمَا يَأْتِيهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١١﴾

11. Уларга қайси бир Пайғамбар келса, уни масхара қилмас-дан қўймас эдилар.

Яъни, ўтган умматлар ўзларига келган Пайғамбарни албатта масхара қилиб, устидан кулар эдилар. Шунинг учун, қавминг сени масхара қилиб, «мажнун» деяётганларидан ўкинма. Булар ўзлари-дан олдин ўтган кофирларнинг ишини такрорламоқдалар.

كَذَلِكَ نَسُكُهُمْ فِي قُلُوبِ الْمُجْرِمِينَ ﴿١٢﴾

12. Шунга ўхшаш, Биз уни жинойтчилар қалбига соламиз.

Яъни, ўтган умматлар қалбига Пайғамбарларни истехзо-масхара қилишни солганимизга ўхшаб, доимо жинойтчи қавмлар қалбига Пайғамбарларни масхара қилишни соламиз.

لَا يُؤْمِنُونَ بِهِ ۖ وَقَدْ خَلَتْ سُنَّةَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾

13. У(Қуръон)га иймон кетирмаслар. Батаҳқиқ, аввалгиларнинг суннати – одати шундоқ ўтгандир.

Аввалдан кофирларга бу нарса одат бўлиб келмоқда. Ҳар бир Пайғамбар келганида, уни масхара қиладилар ва у келтирган нарсага иймон келтирмайдилар. Кофирларнинг одати қадимда ҳам шу эди, ҳозирда ҳам шундоқ бўлиб қоляпти.

وَلَوْ فَتَحْنَا عَلَيْهِم بَابًا مِّنَ السَّمَاءِ فَظَلُّوا فِيهِ يَعْرُجُونَ ﴿١٤﴾

14. Агар уларга осмондан бир эшик очсаг-у, ундан чиқиб турсалар ҳам.

لَقَالُوا إِنَّمَا سُكِّرَتْ أَبْصَارُنَا بَلْ نَحْنُ قَوْمٌ مَّسْحُورُونَ ﴿١٥﴾

15. Улар: «Албатта, кўзларимиз боғланди, балки биз сеҳрланган қавмдирмиз», дерлар.

Демак, уларнинг иймон келтирмаётганларига сабаб далил-ҳужжат етишмаслиги эмас. Балки, ўзларидаги мавжуд касаллик, мутакаббирлик, саркашлик ва ғофиллик сабабдир. Ҳозир улар фаришта тушса эди, у бўлса ёки бу бўлса эди, дейишади-ю, аммо айтганларидан ҳам каттароқ нарса бўлиб:

«Агар уларга осмондан бир эшик очсаг-у, ундан чиқиб турсалар ҳам», иймон келтирмайдилар.

Битта фариштани тушириш тугул, осмондан эшик очиб, ўзларини осмонга чиқиб турадиган, фаришталарга аралашиб юрадиган қилиб қўйсак ҳам, иймон келтирмай, бошқа бир баҳона топадилар.

«Улар: «Албатта, кўзларимиз боғланди, балки биз сеҳрланган қавмдирмиз», дерлар.»

Яъни, мана, айтганимиздан ҳам зиёда бўлди. Биз бир дона фаришта тушишини сўраган эдик, осмондан эшик очиб, ўзимизни чиқариб қўйди. Энди ҳамма фаришталарни кўрмоқдамиз. Аллоҳ-

нинг борлиги, ҳамма нарсага қодирлиги, Пайғамбар юбориши ҳам, китоб туширгани ҳам ҳақ экан, биз Муҳаммад алайҳиссаломга ва Қуръонга иймон келтиришимиз лозим экан, демайдилар. Бу кўраётганимиз ҳақиқат эмас, бизнинг кўзимиз боғланди, сеҳрланиб қолдик, шунинг учун кўзимизга бу нарсалар кўринмоқда, дейдилар. Барча кофирларнинг одати шудир.

Уларнинг кўзига Аллоҳнинг ҳақлиги ҳақидаги очиқ-ойдин мўъжиза кўрсатилиб, қўлига ушлатиб қўйилса ҳам, эҳтимол удир, эҳтимол будир, балки табиат қонунини мен тушунмаётгандирман, деб тураверадилар. Айниқса, ҳозирги замон кофирлари бундай гапларга устадирлар.

Бўлмаса, турли фавқулода мўъжизаларни кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, атрофларига назар солсалар, мўъжиза тўлиб ётибди. Мана, келаси оятлардаги зикр қилинган нарсаларга бир назар солиб кўрсинлар:

وَلَقَدْ جَعَلْنَا فِي السَّمَاءِ بُرُوجًا وَزَيَّنَّاهَا لِلنَّاظِرِينَ ﴿١٦﴾

16. Батаҳқиқ, Биз осмонларда буржлар қилиб қўйдик ва уни назар солувчилар учун зийнатлаб қўйдик.

Осмон ҳамманинг кўз ўнгида турибди. Лекин ҳамма ҳам осмонни Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи буюк мўъжиза деб тушунмавермайди. Аслида, у мўъжизадир. Хўш, шундай улкан, бепоён, чексиз осмонни ким яратган? Яратганда ҳам, юлдузлар юрадиган йўллар – буржлар билан ким яратган? Албатта, Аллоҳ яратган. Ўша Аллоҳни инкор қилаётган, мўъжизаларни ўзлари яратаётганини даъво қилаётган инсонлар ҳаммаси тўпланиб осмоннинг тирноқча жойини ярата оладиларми? Ёки ўша чўққисига чиққан илмлари ила, «Осмонни ўрганиб бўлдик», дея оладиларми? Осмондаги буржлардан бирортасини қура оладиларми? Юлдузларни-чи? Буларнинг ўзи ақли бор одам учун мўъжиза эмасми? Шуларга назар солиб туриб, Аллоҳни таниб олса бўлмайдими?

وَحَفِظْنَاهَا مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ رَجِيمٍ ﴿١٧﴾

17. Уни ҳар бир қувилган шайтондан муҳофаза қилдик.

Яъни, осмонни лаънатга учраган шайтондан сақладик. Унга ҳеч қандай шайтон чиқа олмайди. Шайтон фақат ерда бўлади. Ўзининг ифвосига учган, бадбахт одамларни алдаб юради. Осмон эса, поклик

ва олиймақомлик рамзи сифатида, шайтоннинг ифлослиги билан булганмай туради.

إِلَّا مَنِ اسْتَرَقَ السَّمْعَ فَاتَّبَعَهُ شَهَابٌ مِّمِينَ

18. Магар бирортаси ўғриликча қулоқ осса, равшан олов унинг ортидан тушар.

Яъни, агар бирорта шайтон бу дунё осмонига яқинлашиб, у ердаги гапларни ўғриликча эшитиб олмоқчи бўлса, равшан бир олов ортидан тушиб қувади; ўғриликча эшитишга йўл қўймайди. Бу ҳақда «Жин» сураси тафсирида батафсил гапирилган.

Бу оятдаги эътиборли нарса эса, шу иш ҳам Аллоҳнинг қудрати улуғлигига далолат эканлигидир. Чексиз осмонга шайтон, жинларнинг биттасини ҳам яқинлаштирамай қўриш, дарҳақиқат, улкан мўъжиза. Буни англаб етган одам, дарҳол иймонга келмай иложи йўқ.

وَالْأَرْضَ مَدَدَتْ نَهَا وَالْقَيْنَا فِيهَا رَوَسِي وَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ مَّوْزُونٍ

19. Биз ерни ёйиб, устига баланд тоғларни ташлаб қўйдик ва унда ўлчанган турли нарсаларни ўстириб қўйдик.

Ер ҳам ҳамманинг кўз ўнгида, оёқ остида турибди. Лекин ҳамма ҳам ерни Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи буюк мўъжиза деб тушунавермайди. Аслида эса, Ернинг ўзи улкан мўъжизадир. Ердаги ҳозирги шаклни, улканлик ва турли хусусиятларни ким яратган? Уни юриб бораётган одам қаршисида худди ёйилган гиламдек тўшаб қўйган ким? Унинг устига баланд, улкан тоғларни «ташлаб» қўйган ким? Жавоб битта: Аллоҳ!

Ўша, Аллоҳни инкор этаётган, илм чўққисига чиққанлигинию мўъжизалар яратаётганини даъво қилаётган инсонлар ҳаммаси тўпланиб туриб мазкур нарсалардан тирноқчасини ҳам ярата оладиларми? Ёки ер ва ундаги барча нарсаларни ўрганиб бўлдик, дея оладиларми? Мазкур оятнинг ўзи ақли бор одам учун улкан мўъжиза эмасми? Уни ўқиб, тафаккур қилиб, Аллоҳни таниб олсалар бўлмайдими?

وَجَعَلْنَا لَكُمْ فِيهَا مَعْيِشًا وَمَنْ لَسْتُمْ لَهُمْ بَرَزِقِينَ

20. Ва унда сизлар учун маош воситаларини ва сиз ризқини бера олмайдиган кимсаларни қилиб қўйдик.

Яъни, ер юзида сиз учун турли ризқларни яратиб қўйдик. Улар жуда ҳам кўп. Шунингдек, сизга у ерда аёл, фарзандлар, хизматкорлар ва бошқаларни ҳам бердик. Гарчи улар ўзингизга хос бўлса-да, сиз уларга ризқ бера олмайсиз. Балки, уларнинг ризқини ҳам Ўзимиз берамиз.

Ўзини билган киши, ақлини ишга солган одам учун ушбу оятда зикр этилган нарсаларда ҳам Аллоҳнинг қудратига, унинг ягоналигига далолат қилувчи улкан ишоратлар бор.

Дунёда нима кўп, инсонга ризқ бўладиган нарса кўп. Инсон бу дунёда ўша ризқлар билан тирик. Ўша ризқлар билан яшайди, ҳузур-ҳаловат кўради. Лекин ҳамма инсон бирлашиб, бор имкониятини ишга солганларида ҳам, ўша ризқлардан зарчасини ярата билмайдилар. Ёки бошқа бир яратувчини топа олмайдилар. Ҳатто, инсон ўзига тобе бўлган кишилар — аёли, фарзандлари ва ходимларига ҳам ризқ беролмайди. Биргина қиладиган иши — Аллоҳ берган ризқни топиши, холос. Ризқнинг барчаси, аслида, Аллоҳнинг тасарруфида.

وَإِن مِّن شَيْءٍ إِلَّا عِنْدَنَا خَزَائِنُهُ وَمَا نُنزِلُ إِلَّا بِالْقَدَرِ مَعْلُومٍ ﴿٢١﴾

21. Ҳеч бир нарса йўқки, унинг хазиналари Бизнинг ҳузуримизда бўлмаса. Биз уни фақат маълум миқдор-ла нозил қилурмиз.

Дунёда Аллоҳдан ўзга бирор қодир ва молик зот йўқ. Ҳар бир нарсанинг хазиналари, манбалари, аслари Аллоҳнинг ҳузуридадир. Дунёда ҳеч бир нарса ўлчовсиз, бетартиб эмас. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор. Бу ҳақиқатни, айниқса, табиий илмлардан хабардор кишилар яхши билишади. Дунёдаги ҳар бир нарса, ҳар бир модда маълум миқдорга эга, ўша маълум миқдордан озайиб ёки кўпайиб қолса, мувозанат бузилади. Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади. Аллоҳ берган ризқларга ҳам футур етади.

Ўша маълум миқдорли нарсалардан бири келаси оятда зикр қилинади:

وَأَرْسَلْنَا الرِّيحَ لَوَاقِحَ فَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَسْقَيْنَاكُمُوهُ وَمَا أَنْتُمْ لَهُ بِخَازِنِينَ ﴿٢٢﴾

22. Биз шамолларни урчитувчилар этиб юбордик. Бас, осмондан сув тушириб, у ила сизларни сероб қилдик. Сизлар уни тўплаб олувчи эмассиз.

Яъни, Биз шамолларни ўлчов билан булутларни урчитувчи, бири-бирига қўшиб сув ҳосил қилувчи этиб юбордик. Ёмғирнинг ёғиши-

га асосан шамоллар сабаб бўлади. Улар маълум қоидаларга кўра эсади. Пайдо бўлган булутларнинг бир-бирлари ила қўшилишларидан сув ҳосил бўлади. Ана шундан кейин осмондан сув тушади, ёмғир ёғади. Аллоҳ таоло у сув билан ер юзини, одамларни сероб қилади. Деярли ҳамма ризқ осмондан тушган шу сувга боғлиқ бўлади. Инсон эса, Аллоҳ унга осмондан тайёр ҳолда тушириб берган сувни тўплаб олишга ҳам қодир эмас. Уни тўплашни ҳам булоқ, қудуқ, анҳор, ер ости кўллари ва бошқа воситалар орқали Аллоҳ таолонинг Ўзи амалга оширади.

وَإِنَّا لَنَحْنُ نُحْيِيهِمْ وَنُمِيتُهُمْ وَنَحْنُ الْوَارِثُونَ ﴿٢٣﴾

23. Албатта, Биз ўзимиз тирилтирурмиз ва Биз меросхўрмиз.

Яъни, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Ҳаммадан кейин бу дунёда қолувчи зот ҳам, яъни, меросхўр ҳам Аллоҳнинг Ўзидир.

Ҳаёт ва ўлим ҳақида инсоф ила тафаккур юритиш бу икки нарса ҳам улкан мўъжиза эканини тушуниб етишга олиб келади. Инсон ҳозиргача бирор нарсага ҳаёт ёки ўлим бериш у ёқда турсин, ҳаёт ва ўлим деган ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини ҳам тушуна олгани йўқ. Бу ожизлик эса, ақли бор инсонни ҳамма нарсага қудрати етувчи Аллоҳга иймон келтиришга чорламоғи лозим.

وَلَقَدْ عَلَّمْنَا الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنْكُمْ وَلَقَدْ عَلَّمْنَا الْمُسْتَأْخِرِينَ ﴿٢٤﴾

24. Батаҳқиқ, сиздан олдин келганларни билдик. Батаҳқиқ, кейин келганларни ҳам билдик.

Яъни, Бизнинг илмимиздан ҳеч ким четда қолмади. Аввалидан охиригача ҳамма-ҳаммасини, шубҳасиз, биламиз.

وَإِنَّ رَبَّكَ هُوَ يَحْشُرُهُمْ إِنَّهُ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥﴾

25. Албатта, сенинг Роббинг Ўзи уларни маҳшарга жамлар. Албатта, У ҳикматли ва илмли Зотдир.

Мазкур ишларга қодир бўлган Аллоҳ таоло, албатта, барча одамларни қиёмат куни ҳисоб-китоб учун маҳшарга жамлашга ҳам қодир. У ҳикматли Зотдир, ҳамма нарсани, жумладан, бандаларнинг ҳолини ҳам билиб туради.

Ўлим, ҳисоб-китоб, маҳшарга тўплаш зикр этилган оятлардан сўнг, одамнинг асли нимаданлиги, унинг дунёга келиши, қадимдан шайтоннинг унга адоват қилиб келаётгани ҳақидаги оятлар — Одам Атонинг қиссаси келади. Ўтган «Бақара» ва «Аъроф» сурасидан фарқли ўлароқ, бу сафар Одам ва шайтон қиссасида Одамнинг тузилиши, ҳидоят ва заллат сирига асосий эътибор берилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ صَلْصَلٍ مِنْ حَمَإٍ مَسْنُونٍ ﴿٢٦﴾

26. Батаҳқиқ, Биз инсонни қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан яратдик.

Ушбу оятда инсон аслида лойдан яратилганига далил келмоқда. Ҳозирги замон илми ҳам инсон танасида тупроқда мавжуд барча моддалар борлигини тасдиқлади.

Бу оятда зикр қилинган ҳолни тафсирчи уламоларимиз икки хил таъвийл этганлар:

1. Инсонни Аллоҳ таоло балчиқ — лойдан ясаб туриб, чертса овоз чиқарадиган даражада қаттиқ ҳолга келгандан кейин жон киргизган.

2. Аллоҳ аввал чертса овоз чиқарадиган даражадаги қаттиқ тупроқ — лойни олиб, унга сув аралаштирган, сўнгра ўзгарадиган лой қилиб туриб, ундан одам ясаган.

Нима бўлганда ҳам, инсон лойдан, Аллоҳ таоло томонидан ясалгандир. У аслини унутмаслиги керак.

وَالْجَانَّ خَلَقْنَاهُ مِنْ قَبْلُ مِنْ نَارِ السَّمُورِ ﴿٢٧﴾

27. Ва жинларни бундан олдин самум оловидан яратдик.

«Жинлар»дан мурод уларнинг асли — иблисдир. Одам алайҳиссалом инсонларнинг асли бўлгани каби, иблис алайҳи лаъна ҳам жин ва шайтонларнинг асlidir.

«Самум» дея луғатда олов каби иссиқ шамолга айтилади. Шунингдек, «самум» жаҳаннам иссиғини ҳам англатади. Иблиснинг асли ана шундай нарсадандир.

Келаси оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي خَلَقْتُ بَشَرًا مِنْ صَلْصَلٍ مِنْ حَمَإٍ مَسْنُونٍ ﴿٢٨﴾

28. Сен Роббингнинг фаришталарга: «Албатта, мен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратгувчидирман.

فَاِذَا سَوَّيْتَهُ وَنَفَخْتُ فِيْهِ مِنْ رُّوْحِيْ فَقَعُوْا لَهٗ سَاجِدِيْنَ ﴿٢٨﴾

29. Бас, қачонки уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳидан пуфлаганимда, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинг», деганини эсла.

Демак, Аллоҳ таоло инсоннинг асли бўлмиш Одам Атони яратишдан олдин фаришталарга ўша ниятини айтган. Шу билан бирга, уни яратиб, мукамал қилиб бўлганидан кейин, ичига Ўз руҳидан пуфлаб жон киритган пайтида уларнинг Одамга сажда этишлари лозимлигини ҳам таъкидлаган. Бу ўринда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга ва ҳар бир эшитувчига (яъни Қуръон тиловатини тингловчига) ушбу ҳолни эслашни амр этмоқда.

Ҳа, бу ҳар қанча эсласа, ҳар қанча ибрат олса, арзирли ҳодисадир.

Инсоннинг асли арзимаган қора балчиқ лойдан иборат эди. Аммо уни Аллоҳ қудрат қўли ила инсон шаклига келтирди. Бироқ шунда ҳам лойлигича қолаверди. Аллоҳ таоло унинг ичига Ўз руҳидан пуфлагандан кейингина инсонга айланди. Қадр-қиймат топди. Фаришталар унга, Аллоҳнинг амри ила, сажда қиладиган даражадаги олий мақомга эришди. Демак, инсоннинг қадр-қиймати руҳ билан боғлиқ. Инсон қанча руҳоний бўлса, шунча қиймати ортади. Руҳонийлигини йўқотган сари қадр-қийматини ҳам йўқотиб боради. Руҳонийликни инкор этса, инсонлигини ҳам инкор қилиб, ҳайвон даражасига тушиб қолади. Балки, ундан ҳам паст даражага тушиб қолади.

Инсон лой ва руҳдан, яъни, жисм ва руҳдан иборатдир. Унинг асл табиатига шу икки нарса қоришган бўлади. Ислом эса, ҳам жасадга, ҳам руҳга эътибор бериш, икковини мутаносиб равишда тутишга буюради. Жасаднинг ҳам, руҳнинг ҳам талабларига меъёрида жавоб бериш лозим. Бирига эътибор бериб, иккинчисини парвосиз қўйиш керак эмас.

Шунингдек, иблис инсондан олдин самум оловидан яратилган бўлиб, унга Аллоҳнинг руҳи кирмади, яъни, оловдан яратилганича қолди. У ҳам ўз аслига тортади. Зарарли олов каби, инсонни куйдиради. Ифвосига учганларни ҳалокатга бошлайди.

Чунки, иблис аввал бошдан одамга душманлик қилиб Аллоҳга осий бўлди. Аллоҳ таоло одамни мукамал этиб яратиб, унга Ўз руҳидан пуфлагач, барча фаришталарни унга сажда қилишга буюрган чоғда:

فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ ﴿٣٠﴾

30. Бас, фаришталар барчалари сажда қилдилар.

إِلَّا إِبْلِيسَ ابْنِ أَنْ يَكُونَ مَعَ السَّاجِدِينَ ﴿٣١﴾

31. Магар Иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди.

Аллоҳ таолонинг мазкур амрига итоат қилиб,

«Бас, фаришталар барчалари сажда қилдилар».

Ҳамма фаришталар, бирорталари ҳам қолмай, амри илоҳийга дарҳол итоат қилиб, Одамга сажда қилдилар. Унга Аллоҳ хоҳлаганидек эҳтиром кўрсатдилар.

«Магар Иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди.»

Одамга фақатгина иблис сажда қилмади. У, Аллоҳ таолонинг бу борадаги амрини адо этишдан бош тортди. Шунда Аллоҳ таоло унга хитоб қилди:

قَالَ يَا إِبْلِيسُ مَا لَكَ أَلَّا تَكُونَ مَعَ السَّاجِدِينَ ﴿٣٢﴾

32. У зот: «Эй, иблис! Сенга не бўлди, сажда қилувчилар билан бирга бўлмадинг?» деди.

Сажда қилувчилар билан бирга бўлмоғингга нима монне бўлди? Нима учун одамга сажда қилмадинг?

قَالَ لَمْ أَكُنْ لِأَسْجُدَ لِبَشَرٍ خَلَقْتَهُ مِنْ صَلْصَلٍ مِنْ حَمَإٍ مَسْنُونٍ ﴿٣٣﴾

33. У: «Сен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан яратган башарга сажда қила олмасдим», деди.

Бу гап иблиснинг ғурурга кетганидан далолат беради. У одамни ўзича таҳқир ила зикр этиб, унинг қора лойдан яратилганини эсламоқда. Яъни, мен ундан афзал бўлсам-у, қора балчиқдан яратилган нарсага нима учун сажда қилар эканман, демоқда. Лекин ўша қора балчиқдан одамни Аллоҳ яратганини, унга Ўз руҳидан жон пуфлаганини эсга олмаяпти. Аслида, шу нарсалар инсонни шарафлаганини, шу туфайли инсон иблисдан ҳам, фаришталар-

дан ҳам устун қўйилиб, улар Одамга сажда қилишлари лозим бўлганини эсламаяпти.

قَالَ فَأَخْرِجْ مِنْهَا فَإِنَّكَ رَاجِعٌ ﴿٣٤﴾

34. У зот: «Бас, сен ундан чиқ! Албатта, сен қувилгансан!

وَإِنَّ عَلَيْكَ اللَّعْنَةَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ ﴿٣٥﴾

35. Ва, албатта, сенга то жазо кунигача лаънат бўлур!» деди.

Яъни, иблиснинг номаъқул жавобини эшитганидан кейин Аллоҳ таоло уни Ўз раҳматидан қувди. Унга «Ундай бўлса, жаннатдан чиқ. Сен, албатта, қувилгансан ва сенга қиёмат кунигача лаънат бўлади», деди.

قَالَ رَبِّ فَأَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿٣٦﴾

36. У: «Эй Роббим, мени улар қайта тириладиган кунгача қўйиб қўйгин», деди.

Яъни, иблис Аллоҳга, одам болалари қайта тириладиган қиёмат кунигача мени йўқ қилиб юбормай, қўйиб қўйгин, деб ёлворди.

قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ الْمُنْظَرِينَ ﴿٣٧﴾

37. У зот: «Албатта, сен қўйиб қўйилганлардансан.

إِلَى يَوْمِ الْوَقْتِ الْمَعْلُومِ ﴿٣٨﴾

38. Маълум вақт кунигача», деди.

قَالَ رَبِّ بِمَا أَغْوَيْتَنِي لَأُزَيِّنَنَّ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا أُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٣٩﴾

39. У: «Эй Роббим, мени залолатга кетказганинг сабабидан, албатта, мен уларга ер юзида (гуноҳларни) зийнатлаб кўрсатаман ва, албатта, уларнинг ҳаммасини ифво қиламан.

Мана шу гапидан иблис нима учун Аллоҳдан уни йўқотиб юбормай қўйиб қўйишини илтижо қилаётгани тушуниб олинади. Унинг мақсади одамлар қайта тирилтириладиган кунгача тавба қилиб ўзини ўнглаб олиш эмас экан. Балки, одамларни ифво қилиб йўлдан оздириш, уларга турли гуноҳ ва ёмонликларни зийнатлаб кўрсатиш экан. Бунинг сабаби эса, одам туфайли залолатга учрагани экан. Унинг гапига эътибор берайлик-а:

«Эй Роббим, мени залолатга кетказганинг сабабидан», деяпти.


Аллоҳ уни залолатга кетказган эмиш. Ўзи беайб экан-да. Аллоҳ уни залолатга кетказишига эса, Одам сабабчи бўлган эмиш. Одам яратилмаганида, Аллоҳ уни Одамга сажда қилишга амр қилмасди. Амр бўлмаса, исён ҳам бўлмасди. Шайтон ва унга эргашганларнинг табиати шу. Ўзининг айбини тан олмайди. Ўз айбига бошқаларни сабабчи қилиб кўрсатаверади. Ўзи залолатга кетгани етмаганидек, ўзгаларни ҳам залолатга кетказиш учун жон-жаҳди ила ҳаракат қилаверади.

«...албатта, мен уларга ер юзида (гуноҳларни) зийнатлаб кўрсатаман...»

Ер юзида қандай гуноҳ, қандай ёмонлик бўлса, шайтон уни инсонга зийнатлаб кўрсатишга ҳаракат қилади. Агар инсон бирон ҳаром ишга нафсида озгина майл сезса, ўша ишни унга шайтон ифво қилиб, зийнатлаб кўрсатаётганини эсга олсин. Мабодо, инсон ўзининг тоат-ибодатларида сал бўлса ҳам дангасаликка майл топса, шайтон унга ўша дангасаликни зийнатлаб кўрсатаётганини фикр этсин. Чунки шайтон:

«...ва албатта, уларнинг ҳаммасини ифво қиламан», деди.

Яъни, залолатга кетказишга, йўлдан уришга ҳаракат қиламан, деди. Адаштираман, деди. Сўнг шайтон бундан мустасно бўладиганларни эслаб:



40. Магар, улардан танланган бандаларингни (адаштира олмасман)», деди.

Яъни, бандаларингдан ибодатинг, тоатинг учун танлаб олинганларини адаштира олмайман, деди. Аллоҳ Ўзига ихлос қилган бандаларнигина танлаб олади. Лаънати иблис билиб айтган бу гапни. Чунки, Аллоҳга ихлоси бор бандаларни Аллоҳнинг Ўзи ҳимоя қилади. Шунинг учун, шайтон бу бандаларни ҳеч қачон йўлдан оздира олмайди. Аллоҳга ихлоси йўқ, ғофил бандалар эса, шайтон ифвоси учун тайёр ўлжа ҳисобланади. У нимани зийнатлаб кўрсатса, ўшанга ўзини

уради. Оқибатда залолатга кетиб, шайтон аскарларидан бирига айланади.

قَالَ هَذَا صِرَاطٌ عَلَيَّ مُسْتَقِيمٌ ﴿٤١﴾

41. У зот: «Ушбу зиммамдаги тўғри йўлдир:

إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْغَاوِينَ ﴿٤٢﴾

42. Албатта, Менинг бандаларим устида сенинг султонинг йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳларгагина бордир.

وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمَوْعِدُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٣﴾

43. Албатта, жаҳаннам уларнинг барчасининг ваъда қилинган жойидир.

لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِّكُلِّ بَابٍ مِنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْسُومٌ ﴿٤٤﴾

44. Унинг етти эшиги бордир. Ҳар бир эшик учун улардан тақсимланган бўлаги бордир», деди.

Яъни: Аллоҳ таоло қуйидагиларни айтди:

«Ушбу зиммамдаги тўғри йўлдир».

Амалга ошиши лозим бўлган қонундир. Одатга кириб қолган ишдир. Чиқариб қўйилган ҳукмдир. У қуйидагилардир:

«Албатта, Менинг бандаларим устида сенинг султонинг йўқдир, магар сенга эргашган гумроҳларгагина бордир».

Менинг мухлис бандаларимга сенинг ҳукминг ҳам, гапинг ҳам ўтмайди. Зийнатлашинг ҳам, йўлдан оздиришинг ҳам таъсир этмайди. Сенинг бу нарсаларинг фақатгина сенга эргашган, йўлдан адашган гумроҳларгагина ўтади ва таъсир қилади. Қонун ва ҳукм шу. Бошқача бўлмайди. Тўғри йўлнинг яна бир қонуни шулки, сенга эргашган гумроҳлар учун ваъда қилинган жой ҳам бор:

«Албатта, жаҳаннам уларнинг барчасининг ваъда қилинган жойидир».

Демак, уларга жаҳаннам ваъда қилинган. Жаҳаннам қандай жой эканини биласанми?

«Унинг етти эшиги бордир.»

Баъзи ривоятларда келишича, жаҳаннам етти қаватдан иборат бўлиб, ҳар қаватининг алоҳида эшиги бўлар экан. Ҳар қавати бир-биридан ашаддийроқ бўлар экан. Чунки, гумроҳлик, хатокорлик ҳам ҳар хил бўлади. Қилган гуноҳи даражасига қараб, кофирлар турли қаватларга киритилади.

«Ҳар бир эшик учун улардан тақсимланган бўлаги бордир.»

Шайтонга эргашган гумроҳлар тақсимлаб, бўлиб-бўлиб, гуруҳларга ажратиб қўйилган бўлади. Ўша мазкур етти эшикдан гуноҳининг кўп-озлигига қараб, бирин-кетин киритилаверади.

Гумроҳларнинг оқибати эслатилганидан сўнг, унинг муқобилига тақводорларнинг оқибати нима бўлиши ҳам зикр қилинади:

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٤٥﴾

45. Албатта, тақводорлар жаннатлар ва чашмалардадир.

Тақводорлар — ўзларини гуноҳлардан сақлаган инсонлардир. Аллоҳдан қўрққанлар жаннатлар, гўзал боғу бўстонларда бўлурлар. Чашмалар, сув, салсабийл, асал, шароб каби ичимликлар чиқиб турган булоқларда бўлурлар. Ва:

أَدْخُلُوهَا بِسَلَامٍ ءَامِنِينَ ﴿٤٦﴾

46. Уларга тинчлик, омонлик ила киринглар», (дейилур).

Улар жаннатларга кириб, роҳат-фароғатда бўлурлар.

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلٍّ إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ ﴿٤٧﴾

47. Уларнинг дилларидаги вилли-ғиштларни чиқариб ташладик. Сўриларда бир-бирларига боқиб, дўст бўлган ҳолларида ўлтирурлар.

Инсон қанчалик моддий роҳат-фароғатга эришмасин, кўнгида бир оз ғашлик бўлса, унга ўша роҳат-фароғат татимайди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила жаннатга сазовор қилган тақводор бандаларининг дилларида ғашликлар, яъни, ҳиқду ҳасад, кўра олмаслик каби баъзи бир иллатлар бўлса, чиқариб ташлайди. Шунда аҳди жаннатнинг дилларида бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай виллу-ғишт қолмайди. Улар жаннатдаги:

«Сўриларда бир-бирларига боқиб, дўст бўлган ҳолларида ўлти-
рурлар».

Уларда бир-бирларига терс нарса бўлмайди.

لَا يَمْسُهُمْ فِيهَا نَصَبٌ وَمَا هُمْ مِنْهَا بِمُخْرَجِينَ ﴿٤٨﴾

48. Уларни у жойда чарчоқ тутмас ва улар ундан чиқарилувчи ҳам эмаслар.

Бу дунёда инсон роҳат-фароғатда юриб ҳам чарчайди. Чарчоқ ўша роҳат-фароғатни бузади. Жаннатда эса, ҳеч қандай чарчоқ йўқ. Демак, роҳат-фароғат ҳеч бузилмайди. Инсон ҳар қанча роҳат-фароғатда бўлса ҳам, ўша роҳатнинг тамом бўлишини, тугаши-ни ўйласа, афсус қилади, роҳатига футур етади. Аммо жаннатда ундай эмас. У ердаги кишилар, ундан ҳеч қачон чиқарилмаслар. Шунинг учун ҳам, роҳат-фароғатлари тўлиқ бўлур.

Шайтонга эргашган гумроҳларни жаҳаннамда азоблаш, Аллоҳдан қўрққан тақводорларни жаннатда мукофотлаш ҳақидаги оятлардан сўнг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, қуйидаги оят келтирилади:

﴿٤٩﴾ نَبِيِّ عِبَادِي أَنِّي أَنَا الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٤٩﴾

49. Бандаларимга хабар бергил: «Албатта, Менинг Ўзим ғофур ру роҳиймдирман».

وَأَنَّ عَذَابِي هُوَ الْعَذَابُ الْأَلِيمُ ﴿٥٠﴾

50. Ва, албатта, азобим аламли азобдир.

Эй Пайғамбар, Менинг бандаларимнинг ҳаммасига билдириб қўйгин:

Мен тавба қилганларнинг гуноҳларини мағфират этаман ва мўмин бандаларимга раҳим қиламан.

Айни чоқда, Менинг азобим аламли азобдир. Шайтонга эргашган гумроҳларга, Роббидан қўрқмаган гуноҳкорларга аламли азоб бераман. Аввалдан шундай қилиб келганман. Ибрат учун:

وَنذَرْتَهُمْ عَن ضَيْفٍ إِبْرَاهِيمَ ﴿٥١﴾

51. Уларга Иброҳимнинг меҳмонлари хабарини бер.

Ўшанда Иброҳимнинг ҳузурига фаришталар ёш, хушрўй йигитлар сувратидаги меҳмонлар бўлиб келган эдилар.

إِذْ خَلَوْا عَلَيْهِ فَقَالُوا سَلَامًا قَالَ إِنَّا مِنْكُمْ وَجِلُونَ ﴿٥٢﴾

52. Улар унинг ҳузурига кирганларида: «Салом», дедилар. У: «Албатта, биз сизлардан қўрқмоқдамиз», деди.

Бу қисса бошқа сураларда ҳам келган. Аммо ҳар бир сурада ўша суранинг сиёқига, асосий мақсадига қараб, алоҳида услуб ва тартиб билан зикр қилинган. Ушбу «Ҳижр» сурасида ҳам унинг сиёқи ва мақсадига мувофиқ, қисқа-қисқа иборалар билан, чўзмасдан, мақсад баён қилинмоқда.

Фаришталар меҳмон сифатида кириб Иброҳим алайҳиссаломга салом бердилар. Орада таом пишириш, келтириб қўйиш, фаришталарнинг қўл чўзмаслик воқеалари бўлиб ўтади. Иброҳим алайҳиссаломнинг меҳмонларнинг таом емаётганларини билиб қолиб айтган:

«Албатта, биз сизлардан қўрқмоқдамиз», деган гаплари у воқеаларга улаб кетилмоқда.

قَالُوا لَا نَوْجَلُ إِنَّا نَبَشِّرُكَ بِغُلَامٍ عَلِيمٍ ﴿٥٣﴾

53. Улар: «Қўрқма, биз сенга ўта билимдон ўғилнинг хушхабарини берамиз», дедилар.

Фаришталар ҳам чўзиб ўтирмадилар, бирдан хушхабарни айтиб қўйдилар. Шунингдек, Иброҳим алайҳиссаломнинг хотинлари, унинг гаплари ҳам зикр этилмади-да, бирдан:

«Улар: «Қўрқма, биз сенга ўта билимдон ўғилнинг хушхабарини берамиз», дедилар».

قَالَ أَبَشِّرْتُمُونِي عَلَىٰ أَنْ مَسَّنِيَ الْكِبَرُ فِيمَ تَبَشِّرُونَ ﴿٥٤﴾

54. У: «Мени кексалик тутганида, хушхабар берасизларми? Ниманинг хушхабарини бераяписизлар ўзи?» деди.

Иброҳим алайҳиссалом ўта қариб қолганликлари учун бу хушхабар у кишига ғалати туйилди. Лекин фаришталар ҳақни таъкид ила айтдилар:

قَالُوا بَشِّرْنَاكَ بِالْحَقِّ فَلَا تَكُن مِّنَ الْقٰنِطِيْنَ ﴿٥٥﴾

55. Улар: «Биз сенга ҳақ ила башорат бердик. Бас, сен ноумид бўлувчилардан бўлма», дедилар.

Шунда, Иброҳим алайҳиссалом дарҳол ўзларига келдилар ва ҳеч қачон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишлари мумкин эмаслигини таъкидладилар.

قَالَ وَمَن يَّقْنِطُ مِن رَّحْمَةِ رَبِّهِ ۗ إِلَّا الضَّالُّونَ ﴿٥٦﴾

56. У: «Фақат залолатга кетган кишиларгина ўз Роббисининг раҳматидан ноумид бўлувчилар», деди.

Аллоҳнинг раҳмати кенгдир. У раҳмати ила бутун борлиқни қамраб олгандир. Унинг раҳматидан ноумид бўлиш фақат бир тоифага — йўлдан адашган, гумроҳ тоифага хос. Аллоҳнинг раҳматидан юз ўтириб, залолат йўлига кириб кетган кимсагина ноумид бўлади, холос. Аммо, иймонли кишилар доимо Аллоҳ таоло билан боғлиқ бўладилар. Улар доимо Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб яшайдилар. Улар энг оғир чоғларда ҳам, энг қийинчилик пайтларда ҳам Аллоҳнинг раҳматидан умид узмайдилар.

Бу гаплардан кейин Иброҳим алайҳиссаломнинг кўнгиллари тинчиди. Қўрқув кетди. Фаришталардан бошқа нарсани сўрай бошладилар:

قَالَ فَمَا خَطْبُكُمْ أَيُّهَا الْمُرْسَلُونَ ﴿٥٧﴾

57. У: «Эй элчилар, нима иш ила юборилдингиз?» деди.

Яъни, менга жуда билимдон ўғил хушхабарини беришдан бошқа яна нима иш билан юборилдингиз, деди.

قَالُوا إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَىٰ قَوْمٍ مُّجْرِمِينَ ﴿٥٨﴾

58. Улар: «Биз жиноятчи қавмларга юборилдик.

إِلَّا ۗ أَل لُّوطٍ ۖ إِنَّا الْمُنَجِّوهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٥٩﴾

59. Магар Лут аҳлига эмас. Албатта, биз уларнинг ҳаммасини қутқарувчилармиз.

إِلَّا أَمْرَاتُهُ قَدَرْنَا إِنَّا هَالِكِينَ مِنَ الْعَذَابِ

60. Фақат унинг хотинигина истиснодир. Унинг албатта қолувчилардан бўлишини тақдир қилдик», дедилар.

Фаришталар ўзларининг жиноятчи қавмларни ҳалок этиш учун юборилганларини айтдилар. Унинг қайси қавм эканлиги кейинги оятдаги истиснодан билинади.

«Магар Лут аҳлига эмас. Албатта, биз уларнинг ҳаммасини қутқаргувчилармиз.»

Яъни, жиноятчи қавмга келган ҳалок этувчи азобдан Лут Пайгамбар аҳлини қутқариб қолишимизга амр бўлган.

«Фақат унинг хотинигина истиснодир.»

Яъни, қутқариб қолишимиздан Лут алайҳиссаломнинг хотинигина истиснодир. Уни ҳалок қилувчи азобдан қутқариб қолмаймиз. Чунки:

«Унинг, албатта, қолувчилардан бўлишини тақдир қилдик».

Яъни, Аллоҳ таоло ўша хотиннинг азобда қолувчи қавм билан бирга бўлишини ирода қилгандир.

Шу ерда Иброҳим алайҳиссаломнинг Лут алайҳиссалом қавми ҳақида фаришталар ила тортишганлари ҳам зикр қилинмай ташлаб кетилади. Бир йўла фаришталар Лут алайҳиссалом қавмига келганларидан гап давом этади.

فَلَمَّا جَاءَ آلَ لُوطٍ الْمُرْسَلُونَ

61. Элчилар Лут аҳлига келганларида...

Лут алайҳиссалом уларни кўриб танимадилар ва уларга қараб:

قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ مِّنْكَرُونَ

62. У: «Албатта, сиз нотаниш қавмсиз», деди.

Яъни, сизнинг нотаниш қавм эканлигингиз аниқ, сизни танимаяпмиз.

قَالُوا بَلْ جِنَّاتِكَ بِمَا كَانُوا فِيهِ يَمْتَرُونَ

63. Улар: «Йўқ! Биз сенга улар шак қилаётган нарса ила келдик.

وَأَتَيْنَكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّا لَصَادِقُونَ ﴿١٤﴾

64. Сенга ҳақ ила келдик ва албатта, бизлар ростгўйлардурмиз.

فَأَسْرِبَ أَهْلِكَ يَقْطَعُ مِنَ اللَّيْلِ وَاتَّبِعْ أَدْبَارَهُمْ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنْكُمْ أَحَدٌ وَامْضُوا حَيْثُ تُؤْمَرُونَ ﴿١٥﴾

65. Аҳлинг ила кечанинг бир бўлагида йўлга чиқ, сен уларнинг ортидан кузатиб бор. Сизлардан ҳеч бирларингиз ортга қарамасин. Амр қилинган томонингизга кетаверинглар», дедилар.

Яъни, фаришталар Лут алайҳиссаломга жавобан дейишдики: Йўқ! Сенинг айтганингчалик эмас. Биз таниқли зотлармиз. Аллоҳнинг элчилари, фаришталармиз.

«Биз сенга улар шак қилаётган нарса ила келдик.»

Сенинг ҳузурингга, қавмингга ўша кофир, осий қавмларинг шак келтираётган азобни олиб келдик.

«Сенга ҳақ ила келдик.»

Биз олиб келган нарса ҳақ. Ҳеч шубҳа қилиб бўлмайди. Биз билан уни кечиктириш ҳақида тортишиб бўлмайди. Ҳаттоки, уни бир оз ортга суришни илтимос қилиб ҳам бўлмайди.

«...ва албатта, бизлар ростгўйлардурмиз.»

Сен, эй Пайғамбар, тортишиб ҳам ўтирма, муҳлат ҳам сўрама.

«Аҳлинг ила кечанинг бир бўлагида йўлга чиқ.»

Аҳли аелинг ва ўзингга тобе одамларни олгин-да, кечанинг бир қисмида, азобда қолмаслик учун, йўлга чиқ.

«Сен уларнинг ортидан кузатиб бор.»

Сен бошлиқсан. Ҳаммасидан масъулсан. Шу сабабли, бирортаси қолиб кетмаслиги учун, ортда қолиб, ҳамма нарсани орқадан кузатиб бор.

«Сизлардан ҳеч бирларингиз ортга қарамасин.»

Чунки, бу қавмга тушган азобнинг даҳшатини кўрса, қаттиқ қўрқиб кетади.

«Амр қилинган томонингизга кетаверинглар.»

Сизларга қаёққа бориш буюрилган бўлса, ўша томонга қараб кетаверинглар.

وَقَضَيْنَا إِلَيْهِ ذَلِكَ الْأَمْرَ أَنَّ دَابِرَ هَتُولَاءِ مَقْطُوعٌ مُصْبِحِينَ ﴿١٦﴾

66. Ва унга ушбу амрни ваҳий қилдик: «Албатта, анавиларнинг орқаси субҳ чоғи кесилажақдир».

Яъни, биз Лутга, анави кофир қавмларнинг тонг чоғида тамоман ҳалок этилиши аниқ, деб хабар бердик. Улар охирларигача йўқ қилинадилар. Ортларидан бирор киши ҳам қолмайди. Орқалари кесилади.

Лекин ҳали бу ишларнинг бўлишига вақт бор. Кеч киргани ҳам йўқ. Жиноятчи қавм ўзига Аллоҳ томонидан бало келишига шак қилади, ишонмайди. Уларнинг дарду ғами бошқа нарсада. Уларга Лут алайҳиссалом ҳузурига ёш, чиройли йигитлар меҳмон бўлиб келгани ҳақида хабар етиб борди.

وَجَاءَ أَهْلَ الْمَدِينَةِ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٣٧﴾

67. Ва шаҳар аҳли севиниб, етиб келдилар.

Лут алайҳиссалом қавми яшайдиган Садум шаҳрининг жинояткор аҳолиси, Лутнинг уйига чиройли, ёш йигитлар келган эмиш, улар билан фоҳиша иш қиладиган бўлибмиз, деб севинган ҳолларида етиб келдилар.

قَالَ إِنَّ هَؤُلَاءِ ضَيْفِي فَلَا تَفْضَحُونِ ﴿٣٨﴾

68. У: «Булар менинг меҳмонларим, ахир. Мени шарманда қилманглар», деди.

Лут алайҳиссалом бу шарманда қавмнинг ҳолини яхши билар эдилар. Булар инсонлик табиатини тамоман йўқотиб, ҳайвон ҳам қилмайдиган иш ила ошкора равишда, фахр билан шуғулланиш даражасига етганларининг гувоҳи эдилар. Шунинг учун ҳам, Лут алайҳиссалом меҳмонлар келиши билан безовталаниб, ўзларини қўярга жой топмай, уларга турли саволлар бераётган эдилар. Жиноятчи, орсиз, номуссиз қавм халлослаб етиб келиши билан, улардан меҳмонларини ҳимоя қилишга тушдилар:

«Булар менинг меҳмонларим, ахир. Мени шарманда қилманглар», деди».

Бу гаплари билан, ақалли, одамгарчиликнинг охирги учқунини бўлса ҳам қўзғалоқчи бўлдилар.

Ҳеч бўлмаса, меҳмон эканликларини эътиборга олинглар. Буларни фаҳш ишга зўрлаб, уларнинг мезбони бўлмиш мени шарманда қилманглар, дедилар.

وَأَنْفُوا لِلَّهِ وَلَا تُخْزُونِ ﴿٣٩﴾

69. Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Мени хор қилманглар», деди.

Бу ишни қилишдан аввал Аллоҳдан қўрқинглар. Ахир, бу гуноҳингиз ила унинг азобига йўлиқасиз-ку! Меҳмонларимга тажовуз қилиш ила мени хор этманглар, деди.

قَالُوا أَوْلَمْ نَنْهَكَ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿٧٠﴾

70. Улар: «Биз сени оламлардан қайтармаганмидик?!» дедилар.

Яъни, биз сени бундан олдин ҳеч кимни ҳимоя қилмасликка буюрган эмасмидик?

Гапларидан кўриниб турибдики, Лут алайҳиссалом билан бу но-бакор қавм ўртасида ўша масалада олдин ҳам тортишувлар бўлиб ўтган. Лут алайҳиссалом уларни ўтакетган фаҳш иш бўлмиш бачча-бозлиқдан қайтарганлар, кимларнидир ҳимоя қилганлар ва жиноятчи қавм у кишига оламда ҳеч кимни ҳимоя қилмасликни айтиб таҳдид солган. Улар ҳозир Лут алайҳиссаломга ораларида аввал бўлиб ўтган ўша гап-сўзларни эслатмоқдалар. Биз сенга оламларни, яъни, дунёдаги бирон кимсани ҳимоя қилиб, бизнинг шаҳват қондиришимиз йўлида тўсиқ бўлмагин, демаганмидик, демоқдалар.

Лут алайҳиссалом бўлса, яна ҳам умидни узмай, жинсий майлни қондиришнинг тўғри йўлини уларга билдирмоқчи бўлдилар:

قَالَ هَؤُلَاءِ بَنَاتِي إِن كُنتُمْ فَاعِلِينَ ﴿٧١﴾

71. У: «Агар (бу ишни) қилувчи бўлсангиз, анаву қизларим бор», деди.

Албатта, Аллоҳ томонидан Пайғамбар қилиб юборилган Лут алайҳиссаломдек зот ўз қизларини ёки аёл умматларини зинога ишора қилмайдилар. Бу ерда жиноятчи қавмни жинсий жиноятдан, бачча-бозлиқдан қайтариш ҳақида гап кетмоқда. Эркак киши билан эркак кишининг жинсий алоқа қилиши инсоний табиатга тўғри келмаслигини тушунтириш борасида уриниш бўлмоқда. Шунинг учун, Лут алайҳиссалом уларга, шаҳват қондиришнинг тўғри йўли аёл киши ила жинсий алоқада бўлиш, деб тушунтирмоқдалар. Агар шаҳватингизни қондиришни истасангиз, ана, аёллар турибди, ўшалар ила ҳалол-пок йўл билан қондиришлар, демоқдалар.

لَعَمْرُكَ إِنَّهُمْ لَفِي سَكْرَتِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿٧٢﴾

72. Сенинг умринг ила қасамки, албатта, улар ўз сархушлик-ларида тентирамоқдалар.

Яъни, улар ўзларига келмайдилар. Насиҳатларни қабул қилмайдилар. Улар бу фаҳш ишга шу даражада берилиб кетганларки, худди маст одамга ўхшаб қолганлар. Маст одамнинг қулоғига гап кирмаганидек, буларнинг қулоғига ҳам гап кирмаслиги аниқ.

فَأَخَذْتَهُمُ الصَّيْحَةَ مُشْرِقِينَ ﴿٧٢﴾

73. Бас, уларни қуёш чиқиш пайтида даҳшатли қичқириқ тутди.

Яъни, шуруқ маҳали — қуёш чиқиш пайти Аллоҳ таоло Лут алайҳиссалом қавмига даҳшатли бир қичқириқ юбориб, уни ҳалок қилди.

فَجَعَلْنَا عَلَيْهِمْ سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ حِجَارَةً مِنْ سِجِّيلٍ ﴿٧٣﴾

74. Бас, Биз бу (шаҳар)нинг остини устин қилдик ва улар устига лойи қотган тошлар ёғдирдик.

Бу оятнинг батафсил маъноси ўтган суралар тафсирида зикр қилинган.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّمُتَوَسِّمِينَ ﴿٧٤﴾

75. Албатта, бунда фаросатли кишилар учун оят-белгилар бордир.

Лут алайҳиссалом қавмининг бу ҳолга тушиши ва мазкур қис-сасида эътибор қилувчи, тафаккур этувчи кишилар учун кўплаб ибрат ва белгилар мавжуд.

وَإِنَّهَا لِسَبِيلٍ مُّقِيمٍ ﴿٧٥﴾

76. Албатта, у (шаҳар) боқий йўл устидадир.

Яъни, Лут алайҳиссалом қавми ҳалокатга учраган шаҳарнинг вайроналари ҳозиргача боқий йўл устидадир. У орқали одамлар Ҳижоз билан Шом ўртасида қатнайдилар. Жумладан, Макка аҳли ҳам, Шомга борганларида ва у ердан қайтганларида, шу йўлдан юрадилар. Ўшанда вайроналарни кўриб, ибрат олсалар бўлмайдими?

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ

77. Албатта, бунда мўминлар учун ибрат бордир.

Аслида, бунга ўхшаш нарсалардан мўмин кишиларгина, қалби уйғоқ одамларгина ибрат оладилар.

Шуайб алайҳиссалом қавмининг ҳоли ҳам, юқорида зикр этилган Лут алайҳиссалом қавмининг ҳолига ўхшаш бўлган.

وَإِن كَانَ أَصْحَابُ الْأَيْكَةِ لظَالِمِينَ

78. Албатта, бир-бирига киришиб кетган дарахтзор эгалари золимлардан бўлганлар.

Бир-бирига киришиб кетган дарахтзор эгалари Шуайб алайҳиссаломнинг қавмлари ҳисобланади. Уларнинг золим эканликларида ҳам шубҳа йўқ. Уларнинг зулми Шуайб алайҳиссаломни ёлғончига чиқариш, йўлтўсарлик қилиш, ўлчов ва тарозидан уриб қолишдан иборат бўлган.

فَأَنقَمْنَا مِنْهُمْ وَإِنَّهُمَا لَبِإِمَامٍ مِّنْ بَيْنِ

79. Бас, Биз улардан интиқом олдик. Албатта, уларнинг икковлари ҳам очиқ йўл устидадир.

Яъни, Биз Шуайб қавмидан интиқом олдик. Улар қаттиқ зилзила ва сояли булут куни азобга учрадилар. Бу қавмнинг ҳалок бўлиш вақти яқинлашганида, ҳаво жуда исиб кетди. Шунда Аллоҳ бир сояли булут юборди. Қавмнинг ҳаммаси унинг соясида жон сақлаш учун бир жойга тўпландилар. Шунда ўша булутдан олов чиқиб, ҳам-маларини ҳалок қилди.

«Албатта, уларнинг икковлари ҳам очиқ йўл устидадир.»

Яъни, Лут алайҳиссалом ва Шуайб алайҳиссалом қавми яшаган шаҳар вайроналари очиқ йўл устидадир. Йўлдан ўтганлар уларни кўриб, ибрат олишлари зарур.

Энди эса, Ҳижр эгалари қиссаси келади.

وَلَقَدْ كَذَّبَ أَصْحَابُ الْحِجْرِ الْمُرْسَلِينَ

80. Батаҳқиқ, Ҳижр эгалари Пайғамбарларни ёлғончига чиқардилар.

Ҳижр Мадийнаи Мунаввара билан Шом ўртасидаги бир водий бўлиб, унинг асарлари ҳозиргача бордир. У водийда Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми – Самуд қабиласи яшаган. Улар водийдаги тошларни кесиб ўзларига турар жойлар ясаганлар.

Ҳижр водийси эгалари – Самуд қавми ҳам ўз Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломни ёлғончига чиқардилар. Аммо оятда:

«Ҳижр эгалари Пайғамбарларни ёлғончига чиқардилар», дейилмоқда.

Чунки, Аллоҳ томонидан юборилган бир Пайғамбарни ёлғончига чиқариш Пайғамбарларнинг ҳаммасини ёлғончига чиқариш билан баробардир. Ҳолбуки, уларнинг барчасини ягона Аллоҳ бир хил даъват ила юборгандир.

وَأَيْنِسْنَهُمْ ءَايَاتِنَا فَكَانُوا عَنْهَا مُعْرِضِينَ

81. Ва уларга оятларимизни бердик. Бас, юз ўгирувчи бўлдилар.

Яъни, ўша Ҳижр эгалари учун кўплаб оятлар бор эди. Дунё тўла белги эди. Ўшаларни кўриб, иймонга келсалар бўлар эди. Аммо бундай қилмадилар. Уларнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссаломга туя мўъжиза қилиб берилди. Ушбу туяда мўъжизалар жуда кўп эди. Туянинг тошдан чиқиши, чиққанда ҳам қорнида ҳомиласи билан чиқиши, жуссасининг катталиги, сутининг кўплиги – буларнинг ҳар қайсиси бир мўъжиза эди. Аммо Ҳижр эгалари уларга эътибор кўзи билан қарамадилар. Ибрат олмадилар. Юз ўгириб, кўрмагандай бўлиб кетавердилар.

وَكَانُوا يُنَجِّتُونَ مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا ءَامِنِينَ

82. Улар тоғдан ўйиб уй ясаб, омонликда юрар эдилар.

Ҳижр аҳолиси тоғнинг тошли қисмини ўйиб ўзларига уй ясар эдилар. Уларнинг бу услубда ясаган уйлари ўта мустаҳкам бўлар эди. Шунинг учун, улар ўзларини жуда ҳам омонликда ҳис қилар эдилар. Чунки мазкур мустаҳкам уйларда яшаганларга биров ёмонлик етказиши ақлга тўғри келмас эди. Уларнинг ўзлари ана шу уйлари ила мағрур бўлиб, ҳаддан ошган эдилар. Лекин Ҳижр аҳлининг бу хотиржамлиги ноўрин эди. Улар Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодир Зот эканини унутган эдилар.

فَأَخَذْتَهُمُ الصَّيْحَةُ مُصْبِحِينَ

83. Бас, субҳидам чоғида уларни қаттиқ қичқириқ тутди.

Ҳижр эгалари водийдаги тошлардан ўйиб ясаган уйларида бепарво қолганларида, ушбу тош уйларимиз бизни ҳар қандай бало-офатлардан сақлайди, деб ўзларини тўла омонликда ҳис этганларида, **«Бас, субҳидам чоғида уларни қаттиқ қичқириқ тутди».**

Бир овоз билан ҳаммалари, битта ҳам қолмай, ҳалок бўлдилар.

فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ

84. Қилган касблари уларга бирон фойда бермади.

Тошдан ўйиб ясаган уйлари уларни ҳимоя қилиб қолмади.

Уларга қаттиқ қичқириқ ҳалокат келтирувчи азоб бўлиши ҳам, эҳтимол, уларнинг тошни ўйиб қилинганидан бўлса, ажаб эмас. Сув балоси, ўт балоси ёки зилзила бўлса, бу уйлар оддий уйларга қараганда чидамлироқ бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, Ҳижр эгалари ўзларини омонда ҳис этиб юрар эдилар. Аммо, Аллоҳ таоло уларга ўзлари кутмаган томондан бало ёғдирди. Бир қичқириқ товуш билан ишларини битирди. (Қаттиқ товуш ҳалокатга олиб келиши ҳозирда ҳам тасдиқланган.)

Шу билан «Ҳижр» сурасидаги қиссалар силсиласи тамом бўлди. Улардан кўплаб ибратлар оламиз. Жумладан, ҳар қандай кофир ва саркаш қавм ажали етганда ҳалокатга учраши муқаррар эканини тушуниб етамиз. Иймонлилар нажот топади. Охири бориб, қилинган ишларнинг ҳисоб-китоби бўлади. Охиратда ҳам ҳар ким қилганига яраша жазо тортади. Аллоҳ таоло жорий қилиб қўйган қонун-қоида шу. Бу дунёю у дунёда нажот топай, деган одам Аллоҳга, Пайғамбарга ва илоҳий китобга иймон келтириб, уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшамоғи лозим. Келаси оятларда ана ўша маъноларни таъкидловчи, Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилувчи баёнотлар келади.

وَمَا خَلَقْنَا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَإِنَّ السَّاعَةَ لَأِنَّهٗٓ ^صفَاصْفَحَ
الصَّفْحَ الْجَمِيلَ

85. Биз осмонлару ерни ва улардаги нарсаларни ҳақ ила яратдик. Албатта, қиёмат келгувчидир. Бас, сен гўзал шаклда юз ўгир.

Демак, осмонлару ерда ва улардаги барча нарсаларда фақат ҳақ бор. Ёлғон ва ноҳақлик, алдамчилик ва ботил, беҳудалик ва тартибсизлик йўқ, ҳимматсизлик ҳам, мақсадсизлик ҳам йўқ. Шунинг учун, улардаги барча ишлар ростгўйлик, адолат, садоқат, ҳақиқат асосида

тартибли, фойдали, ҳикматли ва олий мақсадни кўзлаш ила кечмоғи лозим. Чунки:

«Албатта, қиёмат келгувчидир».

Қиёмат куни бу дунёда қилинган ишларнинг барчаси ҳақ ила ҳисоб-китоб қилинади. Келиши аниқ бўлган қиёмат кунида ҳақ қарор топади. Эй Пайғамбар:

«Бас, сен гўзал шаклда юз ўғир».

Ўзингни қийнаб юрма. Қалбингни турли ғам-ташвиш ила машғул қилма. Ҳақ, албатта, ўз ўрнини топади.

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ

86. Албатта, Роббинг яратгувчи ва билгувчи Зотдир.

Ҳамма нарсани яратган Унинг Ўзидир. Шунинг учун ҳам, уларнинг ҳаммасини ҳақ ила яратганлигида шубҳа йўқ. У ҳамма нарсани билгувчи Зотдир. Аллоҳ яратган нарсаларининг ҳолини жуда яхши билади.

وَلَقَدْ آتَيْنَاكَ سَبْعًا مِنَ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنَ الْعَظِيمَ

87. Ва, батаҳқиқ, сенга етти такрорланувчини ва Улуғ Қуръонни бердик.

Оятдаги «етти такрорланувчи»дан мурод «Фотиҳа» сурасидир. Чунки, бу сураи карима етти оятдан иборат бўлиб, жуда кўп такрорланади. Намознинг ҳар рақъатида қайта-қайта ўқилади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Алҳамду лиллаҳи Роббил аламийн – етти такрорланувчидир, у менга берилган Улуғ Қуръондир», деганлар.

Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга етти оятдан иборат ва кўп такрорладиган улуғ «Фотиҳа» сурасини ва уни ўз ичига олган Улуғ Қуръонни берганлигини таъкидлаб айтмоқда. Шу билан бирга, осмонлару ер қандай ҳақ бўлса, Қуръони Карим ҳам шундай ҳақ эканига ишорат қилмоқда. Бу эса, улуғ неъматдир. Қуръон неъматини дунёдаги ҳамма неъматлардан устун туради. Шунинг учун:

لَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَأخْفِضْ جَنَاحَكَ لِلْمُؤْمِنِينَ

88. Биз улардан баъзи гуруҳларни баҳраманд қилган нарса-

ларга (ҳавас-ла) назар солма! Улар учун хафа ҳам бўлма! Мўминларга қанотингни пастлат!

Кофирларнинг айрим гуруҳларига бу дунё ҳаётининг баъзи матоҳларини бериб қўйганмиз. Улар бу нарсалардан баҳраманда бўлиб юрадилар. Сен уларнинг мазкур дунё матоҳларига ҳавас ила назар солма. Улар ҳавас қилишга арзийдиган нарсалар эмас. Ҳақиқий ҳавас қилса арзигулик нарса сенга берилган Улуғ Қуръондир. Зеро, унда инсонни икки дунё саодатига етакловчи ҳақ йўл кўрсатилгандир.

«Улар учун хафа бўлма!»

Кофирларнинг иймонга келмаганликлари учун хафа ҳам бўлма.

«Мўминларга қанотингни пастлат!»

Иймонга келиб, сенга эргашганларга нисбатан мутавозе бўл. Улар билан чиройли муомалада бўл. Уларга лутф кўрсат. Уларни ўз қанотинг остига ол.

وَقُلْ إِنِّي أَنَا النَّذِيرُ الْمُبِينُ

89. Ва: «Албатта, мен очиқ-ойдин огоҳлантиргувчиман», деб айт.

Яъни, эй Муҳаммад, сен одамларга ўзингнинг очиқ-ойдин огоҳлантиргувчи, осийларни Аллоҳнинг азобидан огоҳ қилгувчи эканлигингни айт.

كَمَا أَنْزَلْنَا عَلَى الْمُقْتَسِمِينَ

90. Худди тақсимловчиларга туширганимизга ўхшаш.

الَّذِينَ جَعَلُوا الْقُرْءَانَ عَضِينَ

91. Қуръонни парча-парча қилганларга.

Бу жойда араб тилининг нозик услубларидан ишлатилмоқда. Икки оят олдин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга етти такрорланувчи ва Улуғ Қуръон туширилгани айtilган эди. Кейинги икки оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиниб, баъзи кўрсатмалар берилди. Сўнгра, сенга етти такрорланувчи ва Улуғ Қуръонни худди Қуръонни парча-парча қилган тақсимловчиларга китоб туширганимизга ўхшаш туширдик, дейилмоқда.

«Қуръонни парча-парча қилганларга», деганда аҳди китоб — яҳудий ва насоролар назарда тутилгандир. Улар ўзларига келган

илоҳий китобларни тақсимлаб, бир қисмига иймон келтириб, бир қисмига иймон келтирмаган эдилар. Энди эса, Қуръонни ҳам парча-парча қилиб, ўз фикрларига мос келганини олиб, тўғри келмаганини тарк этмоқчи бўлмоқдалар. Ана ўшаларга ўз вақтида синовчи китоб туширганимиздек, сенга ҳам бу самовий китобни – Улуғ Қуръонни нозил қилдик. Бу янгилик эмас. Қадимдан бўлиб келаётган иш. Кишилар баҳона, сабаб ахтармай иймон келтиришлари зарур эди. Аммо, кўплари бош тортмоқдалар.

فَوَرَبِّكَ لَنَسَعَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٩٢﴾

92. Бас, Роббинг ила қасамки, албатта, уларнинг ҳаммасидан сўрармиз.

عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾

93. Қилиб юрган ишлари ҳақида.

Уларни жамлаб ҳисоб-китоб қилиб олиш, бу дунёдаги заррача яхшилик ёки ёмонлиги учун мукофот ёки жазо бериш Бизнинг ишимиз. Сен эса:

فَأَصْدَعْ بِمَأْتُمِمْ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿٩٤﴾

94. Бас, сенга амр этилган нарсани юзага чиқар ва мушриклардан юз ўгир.

Сенинг бошқа нарсалар билан ишинг бўлмасин-да, ўзингга амр қилинган ишни – Аллоҳнинг динини одамларга етказишни юзага чиқар.

Ушбу оят нозил бўлгунга қадар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни динга яширин равишда даъват этар эдилар. Бу оятдаги

«**Бас, сенга амр этилган нарсани юзага чиқар**», деган амрга мувофиқ у зот ошкора даъватни бошладилар. Мушрикларнинг гап-сўзларига эътибор бермай қўйдилар.

إِنَّا كَفَيْنَاكَ الْمُسْتَهْزِئِينَ ﴿٩٥﴾

95. Албатта, Биз сенга истеҳзо қилувчилардан кифоя қилурмиз.

Яъни, Бизнинг Ўзимиз сени истеҳзо қилувчи кофиру мушрикларнинг ёмонликларини сендан қайтаришга етарлимиз.

الَّذِينَ يَجْعَلُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٩٦﴾

96. Улар Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ (шерик) қилурлар. Бас, тезда билурлар.

Сени истехзо қилаётган ўша кофирлар Аллоҳга шерик ҳам келтирадилар. Аммо бу ширк ва истехзоларининг оқибати нима бўлишини тезда биладилар.

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّكَ يَضِيقُ صَدْرُكَ بِمَا يَقُولُونَ ﴿٩٧﴾

97. Албатта, Биз уларнинг айтаётганларидан сенинг дилинг сиқилишини яхши билурмиз.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳам одам боласи эдилар. Гоҳида, мушрикларнинг қилмишларидан, гап-сўзларидан юраклари сиқилар, кўнгиллари ғаш бўлар эди.

Аллоҳ таоло ушбу оятда у зоти бобаракотнинг кўнгилларини кўтармоқда. Юраклари сиқилишини яхши билишини хабар қилмоқда. Шунингдек, келаси оятларда бундай ҳолларда ўзларини қандай тутиш кераклигини маслаҳат бермоқда:

فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَكُن مِّنَ السَّاجِدِينَ ﴿٩٨﴾

98. Бас, Роббинг ҳамди ила тасбиҳ айт ва сажда қилгувчилардан бўл.

Аллоҳга ҳамд айтиш, уни тасбиҳ айтиб, поклаб ёд этиш ва намоз ўқиб ибодат қилиш жоҳил одамлардан етган озорларни енгиллаштиради.

وَأَعْبُدْ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأْتِيَكَ الْيَقِينُ ﴿٩٩﴾

99. Ва сенга аниқ нарса (ўлим) келгунича Роббингга ибодат қил.

Ўлим ҳақ. Унинг келиши аниқ. Шунинг учун, «аниқ нарса» — «яқин» деган номни олгандир. Оятда ҳам бу маънода айнан «яқин» сўзи қўлланилган. Ҳа, ўша аниқ нарса, яъни, ўлим келгунича Аллоҳга ихлос билан ибодат қилмоқ зарур.



НАҲД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 128 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг «Наҳд» (Асалари) номи ундаги «Роббинг асаларига: «Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган сўритоклардан уй тутгин», деб ваҳий қилди», деган оятидан олингандир.

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби, бу сураи кариманинг асосий мавзуи ҳам ақийда масаласидир. Сурада Аллоҳнинг ваҳдонияти, ваҳий, қайта тирилиш ва қиёмат ҳақида алоҳида услуб ила сўз боради. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг қудратига ва ваҳдониятига далолат қилувчи осмон, ер, денгиз, тоғ, водий, пасттекислик, сув, наботот ва жамоdotот каби атрофимиздаги нарсаларга эътибор тортилади. Қуруқлик, сув ва ҳаводаги ҳайвонлар, улардан инсон учун келадиган манфаатлар ҳақида батафсил сўз кетади.

Суранинг биринчи қисмида ваҳий тўғрисида, кофирлар уни рад ва масхара қилишаётгани ҳамда қиёматни инкор этишлари ҳақида сўзланади. Бу масалалар алоҳида муолажа қилинади.

Шунингдек, «Наҳд» сурасида Аллоҳнинг ягоналиги масаласига ҳам алоҳида эътибор берилади. Аллоҳнинг ягоналигига, Унинг қудратига ва ҳар нарсадан устун эканлигига турли далиллар келтирилади. Инсон ақлини Аллоҳ томонга буришга ҳаракат қилинади.

Бу сурада куфрнинг, ношукрликнинг оқибати ёмон бўлиши алоҳида таъкидланади. Пайғамбар алайҳиссаломга кишиларни Аллоҳнинг йўлига сабр билан, яхши мавъиза билан даъват қилиш топширилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَتَىٰ أَمْرُ اللَّهِ فَلَا تَسْتَعْجِلُوهُ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ

1. Аллоҳнинг амри келди. Бас, унинг тезроқ келишини талаб қилмай қўя қолинг. У зот улар келтираётган ширклардан пок ва олий бўлди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларга азоб келиши, қиёмат бўлиши ҳақида хабар берган эдилар. Бу хусусда баъзи оятлар ҳам нозил бўлган. Албатта, бу хабарлар кишиларни огоҳлантириш, уларни куфр ва ширкнинг ёмон оқибатидан қўрқитиш учун юборилган. Кофирларга азоб қачон келишини ҳам ёки қиёмат қачон бўлиб, унда кофирлар жазосини қачон олишини ҳам ҳеч ким билмайди. Бу ишлар Аллоҳ тақдир қилиб қўйган вақтда бўлади. Мушриклар шу гапни ушлаб олдилар. Улар доимо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сен айтган қиёмат, азоб қачон келади, келса, тезроқ кела қолмайдими?» деб шоширишар эди. Улар ўзларича: «Агар Муҳаммад айтганидек, Аллоҳ кофирларни азоблайдиган бўлса, мана, биз кофир бўлиб турибмиз, нима учун бизни азобламаяпти? Агар мушрикларни азоблайдиган бўлса, мана, биз мушрик бўлиб турибмиз, нима учун бизни азобламаяпти? Агар осийларни азоблайдиган бўлса, мана, биз осий бўлиб турибмиз, нима учун бизни азобламаяпти?» дейишарди. Бу дағдағалари билан улар: биз тўғри қиляпмиз, Муҳаммад одамларни қуруқ гаплар билан қўрқитиб юрибди, унга ишонмаслик керак, демоқчи бўлишарди. Улар Аллоҳ таоло ҳар бир ишни ҳикмат билан қилишини тушуниб етишмасди. Ўзларига бериладиган азобнинг кетга сурилишида ҳикмат борлигини билишмасди. Ҳар бир иш Аллоҳ томонидан ўлчаб қўйилганини, белгиланган муддатида бўлишини англашмасди. Шунинг учун ҳам, бу оят:

«Аллоҳнинг амри келди», деб бошланмоқда. Аллоҳнинг «Кофир ва мушрикларни азобга дучор қиламан» деган ваъдаси чиқдими, бўлди, шунинг ўзи етарли. Бу, ўша азоб келди, деган гап. Аллоҳ айтган иш бўлмай қолмайди.

«Бас, унинг тезроқ келишини талаб қилмай қўя қолинг.»

У бўлди ҳисоб. Тезроқ келишини талаб қилишнинг хожати йўқ. У эрта ҳам, кеч ҳам келмайди. Балки, фақат Аллоҳ белгилаган вақтда аниқ келади.

«У зот улар келтираётган ширклардан пок ва олий бўлди.»

Аллоҳ таоло мушриклар қилаётган эътиқоддан покдир. Унинг ҳақидаги номаъқул фикрлардан олийдир.

يُنزِلُ الْمَلَكَةَ بِالرُّوحِ مِنْ أَمْرِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ أَنْ أَنْذِرُوا أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا

فَاتَّقُونِ

2. У Ўз амри ила фаришталарни руҳ — ваҳий билан бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига: «Огоҳлантиринглар. Албатта, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга тақво қилинглар», деб нозил қилур.

Яъни, Аллоҳ таоло бандалари орасидан танлаган Пайғамбарларига фаришталарни ваҳий билан туширади. Шу орқали уларга, одамларни огоҳлантиринглар, уларга Мендан ўзга илоҳ йўқ эканлигини айтинглар, Менга тақво қилинглар, деб айтади. Зотан, ҳар бир Пайғамбарни юборишдан асосий мақсад ҳам мана шудир.

Ояти каримада ваҳийнинг «руҳ» деб номланиши алоҳида эътиборга сазовордир. Руҳ киши жасадини жонлантиргани каби ваҳий (илоҳий таълимот) ҳам инсон қалбини, дилини жонлантиради. Илоҳий таълимот етмаган қалб ўлик ҳисобланади. Ваҳий инсоннинг қалбига, виждонига, ақлига, тафакқурига жон бўлиб келади. Инсоният ваҳий ила маънавий тирик бўлади. Ваҳийга асосланмаган халқлар маънавий ўлик ҳисобланадилар. Маънавий ўликлик эса, ҳамма балонинг бошидир. Жисмоний, моддий ҳалокатга ҳам, асосан, ушбу маънавий ўликлик олиб боради.

خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ تَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٢٠﴾

3. У осмонлару ерни ҳақ ила яратди. У улар ширк келтираётган нарсалардан олий бўлди.

Аллоҳ таоло осмонлару ерни бекорга яратгани йўқ, ҳақ ила яратди. Уларни яратиш ҳақ ила бўлганидан кейин, уларга тегишли нарсалар ҳам, албатта, ҳақ ила бўлади. Бу ишга эса, фақат қудратли Аллоҳ таологина қодир.

«У улар ширк келтираётган нарсалардан олий бўлди.»

Аллоҳ мушриклар Унга ширк қилиб келтираётган ҳар қандай нарсадан олий бўлди. Акс ҳолда, юқорида зикр этилган ишларни қила олмас эди.

خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُبِينٌ ﴿٢١﴾

4. У инсонни нутфадан яратди. Энди эса, у (инсон) очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди.

Осмонлару ерни яратган Аллоҳ, инсонни нутфадан (спермадан) яратди. Уни мукамал инсон ҳолига келтирди. Ақл-фаросат, куч-қувват ва ризқ-рўз берди. Керак бўлган ҳамма нарсани муҳайё қилди. Вояга етган инсон эса, асли бир томчи жирканч сув эканини

унутиб, Аллоҳга қарши, ўзини яратган Зотга қарши очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا فِيهَا لَكُمُ فِيهَا دِفٌّ وَمَنْفَعٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٦٠﴾

5. У чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам.

Чорва ҳайвонлари инсоният учун катта неъмат. Албатта, инсонлар уларни ўзлари яратганлари йўқ. Ярата олмайдилар ҳам. Ҳайвонлар ўз-ўзидан дунёга келиб қолишини ақли бор одам тасдиқламайди. Демак, уларни фақат Аллоҳ таоло инсон фойдаси учун яратган. Инсон у ҳайвонларнинг жун ва териларидан ўзига иссиқ кийимлар тикиб кияди. Шунингдек, яна энг катта фойдаларидан бири — инсонлар уларнинг гўшtidан таом пишириб, истеъмол қиладилар.

وَلَكُمْ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرِيحُونَ وَحِينَ تَسْرَحُونَ ﴿٦١﴾

6. Ва сиз учун уларда кечки пайт (ўтлоқдан) қайтаётганларида ва эрталаб (ўтлоққа) кетаётганида жамол бор.

Бу жамолни, бу чиройни чорвачилик билан машғул бўлганлар ҳис қиладилар. Айниқса, ушбу ояти карималар нозил бўлган жойда ва вақтда бу жамолнинг ўзига яраша аҳамияти бор эди. Мазкур ояти каримадан чорва ҳайвонларида нафақат моддий, балки маънавий манфаатлар ҳам борлигига ишорат қилинаётганини тушуниб оламиз.

وَتَحْمِلُ أَثْقَالَكُمْ إِلَىٰ بَلَدٍ لَّمْ تَكُونُوا بَلِغِيهِ إِلَّا بِشِقِّ الْأَنْفُسِ إِنَّ رَبَّكُمْ لَرءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٢﴾

7. Ва улар юкларингизни сиз жон машаққатсиз ета олмайдиган юртларгача кўтариб боради. Албатта, Роббингиз меҳрибон ва раҳимлидир.

Бу оятда мол ва туя каби баъзи чорва ҳайвонларининг яна бир хусусияти, яъни юк ташиш манфаати ҳақида гап кетмоқда. Асрлар давомида бу ҳам катта неъмат эди. Узоқ-яқин жойларга юк ташишда инсоннинг оғирини енгил қиладиган асосий восита, улов ўша давр-

ларда туя эди. Унинг ёрдамида одамлар офирдан-офир юкларини узоқ-узоқларга осонлик билан етказар эдилар. Бу ишларни инсон ўзи яратиб қўйган ёки ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолган нарса билан эмас, балки Аллоҳ яратиб берган туя воситасида амалга оширар эди.

Бу ҳолат Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлиги ва раҳимлилигидандир.

وَالْخَيْلِ وَالْبِغَالِ وَالْحَمِيرِ لَتَرْكَبُوها وَزِينَةً وَيَخْلُقُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨﴾

8. Отлар, хачирлар ва эшакларни минишингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур.

Ўша пайтларда улов — нақлиёт(транспорт) воситаси сифатида туядан ташқари ушбу оятда зикр қилинган от, хачир ва эшаклардан ҳам фойдаланилар эди. Шу билан бирга, бу ҳайвонлар эгалари учун зийнат ҳам ҳисобланган. Яъни, уларни миниб юрган кишиларга бошқалар ҳавас билан қарашар эди. Мазкур уловга эга бўлиш жамият ичида ўзига яраша обрў ва зийнат саналарди. Булар ҳам Аллоҳнинг инсонга яратиб берган ўзига хос неъматларидир. Инсоф билан тафаккур қилган одам мазкур неъматларни ато этган Зотга шукр қилмоғи, Унга доимо ҳамду санолар айтиб, иймон келтириб, ибодат қилиб ўтмоғи лозим.

Ояти кариманинг сўнгида:

«...ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур», дейилмоқда.

Яъни, Аллоҳ таоло келажақда сизлар учун туя, от, хачир ва эшакдан бошқа сиз билмайдиган нақлиёт(транспорт) воситаларини яратади. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Ушбу оятлар тушган даврда мавжуд бўлмаган, ҳавода учадиган, сувда сузадиган ва ерда юрадиган кўплаб нақлиёт воситалари вужудга келди. Бу эса, ўз навбатида, Қуръони Карим мазкур: «**ва сиз билмайдиган нарсаларни яратадди**» жумласи ила мўмин-мусулмонларни келажақ янгиликларидан хабардор қилаётганига далилдир.

Янгилари пайдо бўлганида аввалги уловларни ғариб санамаслик керак. Балки, Қуръонда зикр қилинган неъматлардан бири эди, деб улардан тўғри фойдаланишга ўтиш лозим бўлади.

Нақлиёт, юк ташиш ва йўл юриш каби ҳиссий ишлар баёнидан сўнг, келаси ояти карималарда маънавий ишлар, маънавий йўллар ҳақида гап боради.

وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّبِيلِ وَمِنْهَا جَائِرٌ وَلَوْ شَاءَ لَهَدَاكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٩﴾

9. Йўлларнинг мақсаддагиси Аллоҳга оиддир. Улардан эгриси ҳам бордир. Агар хоҳласа, албатта, ҳаммангизни ҳидоят қилган бўларди.

Бу дунёда ҳиссий йўлларга ўхшаб, маънавий йўллар ҳам кўпдир. Ўша маънавий йўллар ичида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор:

«Йўлларнинг мақсаддагиси Аллоҳга оиддир».

Энг тўғри йўл, яъни, мақсадга эриштирадиган, икки дунё саодатига олиб борадиган йўл – Аллоҳ йўлидир.

«Улардан эгриси ҳам бордир.»

Тўғри йўлдан эгилиб, нотўғри томонга бурилиб кетган йўллар ҳам бор. Улар мақсадга олиб бормайди. Икки дунёнинг бадбахтликка элтади.

«Агар хоҳласа, албатта, ҳаммангизни ҳидоят қилган бўларди.»

Агар Аллоҳ хоҳласа, эй одамлар, ҳаммангизни Ўзининг тўғри йўлига ҳидоят қилар эди. Ҳаммангизни шу йўлдан бошқа йўлга бора олмайдиган қилиб, фаришталарга ўхшатиб яратар ёки мажбур қилиб, шу йўлга юргизар эди. Лекин ундай қилгани йўқ. Сизларга ҳам ҳидоятга, ҳам залолатга юриш қобилиятини берди. Инсонга ақл бериб, таълимотларини юборди-да, ихтиёр эркинлигини ҳам ато этди. Шу боис, баъзилар ҳидоятга, баъзилар залолатга кетадиган бўлди. Аммо, ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг мутлақ иродаси остида бўлади.

Келгуси оятларда яна Аллоҳнинг яратувчи ва неъмат бергувчи Зот эканига далолат этадиган нарсалар зикр қилинади:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لَكُمْ مِنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجْرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ

10. У осмондан сувни туширган Зотдир. Сизга унда шароб ва (чорваларингизни) ўтлатадиган дарахт бордир.

Аллоҳ борлиқда жорий қилиб қўйган маълум қонун-қоидалар асосида осмондан сув тушади. Шунинг учун ҳам, осмондан тушадиган сувни «Аллоҳ туширди», деб асл эгасига нисбат берилади. Бу ҳам Аллоҳнинг инсонга берган неъматидир. Сув бўлмаса, ҳаёт йўқ.

«Сизга унда шароб ва (чорваларингизни) ўтлатадиган дарахт бордир.»

Яъни, инсон ичадиган сувлар, асосан, осмондан ёққан қор-ёмғирларнинг сувидан иборатдир. Ўша қор-ёмғирлар тоғлар, ер ости денгизлари, булоқ ва қудуқлар орқали инсонларга етади. Уларни осмондан тушириб, тоғларда ва ер ости сув омборларида сақлаб, инсон ичиши учун созлаб, чучук ва яроқли қилиб берган зот – Аллоҳ таолодир. Инсон ўзи бу ишларни қила олмайди ва бу ишларни қила-

диган бошқа бирон зотни ҳам билмайди. Демак, инсон шундай улуғ неъматни берувчи Зотга ҳамду сано айтиши, унга иймон келтириши, ибодат қилиб яшаши лозим.

Аллоҳ туширган ўша сувда инсон ўзига фойдали ҳайвонларни **«...ўтлатадиган дарахт бордир»**.

Ўтган оятларда ҳайвонларнинг инсонга берадиган манфаатлари айтиб ўтилди. Инсоннинг ўша ҳайвонларсиз бу дунёда яшаши қийин.

Ҳайвон ўз номи билан ҳайвон — ҳаёти-жони бор нарса. Уларнинг тириклиги учун сув керак, озуқа керак. Инсон ўзига турли манфаатлар келтирувчи бу ҳайвонларга сувни, озуқани қаердан олиб беради?

У бу ишда ҳам Аллоҳ таолога муҳтож бўлади. Аллоҳ осмондан туширган сув билан ҳайвонларни суғоради. Аллоҳ туширган сув сабаби ила ўсган ўт-ўланлар, ўсимликлар ва дарахтлар билан ҳайвонларни озуқалантиради. Бинобарин, булар учун ҳам инсон Аллоҳга ҳамду сано айтиши, шукр қилиши, унга иймон келтириб, ибодат этиши лозим.

يُنْبِتُ لَكُمْ بِهِ الزَّرْعَ وَالزَّيْتُونَ وَالنَّخِيلَ وَالْأَعْنَابَ وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

11. У ўша (сув) ила сизга экинларни, зайтунни, хурмоларни, узумларни ва турли меваларни ўстирур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Аллоҳ таоло ўша сув билан одамларга зироат экинларини, зайтун, хурмо, узум ва турли меваларни ўстириб беради.

Оятда Аллоҳ инсонга берган неъматларидан яна бир тоифаси, яъни зироат экинлари ва мева-чеваларнинг зикри келмоқда. Бу ўринда ушбу оятлар нозил бўлган жойда — Арабистон ярим оролида энг кўп учрайдиган мевалардан зайтун, хурмо ва узум алоҳида эслатилмоқда.

«У ўша (сув) ила сизга экинларни, зайтунни, хурмоларни, узумларни ва турли меваларни ўстирур.»

Бу неъматларсиз инсоннинг тирикчилиги осон бўлмайди. Албатта, уларни инсоннинг ўзи ўз қўли билан пайдо қила билмайди. Бошқа бирор куч ёки шахс ҳам яратиб бера олмайди. Бунга фақат ёлғиз Аллоҳ таологина қодир. Шунинг учун, инсон ўзига бу неъматларни берган Аллоҳга ҳамду сано айтиб, шукр қилиб, унга иймон келтириб, ибодат этиб яшамоғи лозим. Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг инсонга берган турли неъматлари ҳақидаги хабарлар сўнгида:

«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир», дейилмоқда.

Ҳа, бу неъматларнинг қадрига етиш учун тафаккур қилмоқ керак. Тафаккур қилмаганлар, фикрсиз ҳайвонларга ўхшаб, бу дунёга еб-ичиш учун келгандек юраверадилар. Тафаккур эгалари эса, бу неъматлар манбаини, инсон бекорга инсон бўлмаганини, унинг ер юзида еб-ичиш, айшу ишратдан ўзга ҳам иши борлигини англаб этади. Бу неъматларни бергувчи зотга – Аллоҳга шукр этади, ҳамду сано айтади, иймон келтириб, ибодат қилади.

Эндиги оятлар мажмуида ҳам Аллоҳнинг қудратига, неъмат берувчи Зот эканига далолат қилувчи бир қанча белгилар айтилади:

وَسَخَّرَ لَكُمُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ وَالنُّجُومَ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِ رَبِّكَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٦﴾

12. У сизга кечанию кундузни, қуёшнию ойни хизматкор қилди. Юлдузлар Унинг амри ила хизматкордир. Албатта, бунда ақл юритгувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Бу оятда зикри келган нарсалар ҳам Аллоҳнинг буюк неъматларидир. Масалан, кеча билан кундузнинг қанчалик улуғ неъматлар эканини англаб етиш учун икковидан бири йўқ бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи кифоя. Кечасиз ёки кундузсиз қандай ҳаёт бўлиши мумкин? Тун бир оз узун кечадиган жойларда фақат ёритишнинг ўзи учун қанчадан-қанча маблағ кетади. Аллоҳ таоло эса, бутун дунёни ёритувчи ва иситувчи манбани инсонларга доимий, бепул ва беминнат хизматкор қилиб қўйди. Зотан, кеча билан кундуз фақат ёруғлик ва қоронғулик, инсоннинг ухлаши ёки ҳаракатда бўлиши учун хизмат қилмайди. Балки, улар бутун борлиққа таъсир ўтказадилар, улар бўлмаса, дунё ўзгариб кетиши мумкин. Буни тасаввур қилиш учун кеча билан кундузнинг алмашиши нисбатан чўзиладиган шимолий ва жанубий қутбдаги ҳолатга назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади.

«У сизга кечанию кундузни, қуёшнию ойни хизматкор қилди.»

Аллоҳ таоло кечаю кундузни инсонга хизматкор қилиб қўйибди. Улар тинимсиз алмашиб, вазифаларини адо этиб турибди. Ўзларига юклатилган вазифани сўзсиз бажармоқдалар. Бу ҳолат Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Инсон буни ҳам ўзи қила билмайди. Бошқа бирор куч ёки шахс ҳам инсонга буни қилиб бера олмайди. Бунга фақат Аллоҳ таологина қодир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсонга қуёш ва ойни хизматкор қилиб қўйди.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: хўш, қуёш ёки ой бўлмаса, ер юзида ҳаёт бўлиши мумкинми?!

«Юлдузлар Унинг амри ила хизматкордир.»

Юлдузларни инсонга беминнат хизматкор этиб қўйган ким? Инсоннинг ўзи ёки бошқа бирор куч ёхуд шахс бу ишни қила оладими? Йўқ! Фақат Аллоҳнинг Ўзигина қудратли Зотдир.

«Албатта, бунда ақл юритувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир.»

Ҳа, бу белгиларни фақат ақл юритувчиларгина англаб етадилар. Улар ўша белгилар туфайли биру бор, мунъиму қодир Аллоҳни танийдилар. Унга шукр қиладилар, ҳамду сано айтадилар ҳамда иймон келтириб, ибодат қиладилар.

Ақл юритмайдиганлар эса, бу белгиларни тушунмайдилар. Улар орқали Аллоҳни ҳам танимайдилар. Бу дунёдан ношукр, кофир ва осий ҳолларида ўтиб кетадилар.

Аллоҳнинг осмондаги неъматлари зикридан сўнг, инсон учун ер остида ҳам турли неъматлар борлиги ҳақида хабар берувчи оят келади:

وَمَا ذَرَأَ لَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُخْتَلِفًا أَلْوَنًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ

13. Ва сиз учун ерда турли рангда қилиб яратган нарсаларини ҳам (хизматкор қилди). Албатта, бунда эслайдиган қавмлар учун оят-белги бордир.

Аллоҳ таоло ер ости бойликларини ҳам инсонга улуғ неъмат ўлароқ берди. Ранглари хилма-хил бўлган бу неъматларнинг ҳаммаси инсон учун беминнат хизмат қилади. Ўша неъматларни ер остидан топиб олган баъзи инсонларгина бир-бирларига миннат қиладилар, холос. Бу неъматларнинг қадрини билиш учун уларнинг барчаси ёки маълум қисми йўқолишини тасаввур этишнинг ўзи кифоя. Хўш, инсонга бу неъматларни беминнат берган ким? Албатта, Аллоҳ таолонинг Ўзи, Ундан бошқа ҳеч ким бунга қодир эмас. Фақат Аллоҳ таологина ер остидаги сон-саноқсиз, бири тамом бўлганда иккинчиси чиқадиган неъматларни инсонга беминнат ато этгандир.

«Албатта, бунда эслайдиган қавмлар учун оят-белги бордир.»

Ҳа, бу белгини фақат эси бор эсловчиларгина англайдилар. Улар бу белги орқали Аллоҳ таолони танийдилар. Аллоҳ таоло берган неъматлар учун шукр этадилар, ҳамду сано айтадилар. Унга иймон келтириб, ибодат қиладилар. Эсламайдиган эси йўқлар эса, ўша белгиларни мутлақо тушунмайдилар. Бинобарин, улар орқали Аллоҳни таний олмайдилар ҳам. Улар бу дунёдан эссиз, ношукр, кофир ва осий ҳолларида ўтадилар.

Аллоҳ таоло ўтган оятларда инсонга берган ер устидаги, ҳаводаги ва ер остидаги неъматларини зикр қилди. Келаси оятида денгиздаги — сувдаги неъматларини эслатади:

وَهُوَ الَّذِي سَخَّرَ الْبَحْرَ لِتَأْكُلُوا مِنْهُ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُوا مِنْهُ حِلْيَةً تَلْبَسُونَهَا وَتَرَى الْفُلْكَ مَوَاجِرَ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

14. У денгизни сиз ундан тоза гўшт ейишингиз, ундан тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишингиз учун, унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасан, ҳамда Унинг фазлини талаб қилишингиз учун хизматкор қилди. Шоядки, шукр келтирсангиз.

Аллоҳ таолонинг сувдаги неъматлари ҳам жуда кўпдир. Ушбу оятда улардан баъзилари зикр қилинмоқда. Жумладан:

«...сиз ундан тоза гўшт ейишингиз», дейилмоқда.

Сув ҳайвонларининг, хусусан, балиқ гўштининг нақадар ажойиб неъмат эканини ҳамма яхши билади. Оятда «тоза гўшт», яъни янги, эскириб қолмаган гўшт, деб аталмоқда.

«...ундан тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишингиз учун...»

Денгиздан луълу, маржон, садаф ва шунга ўхшаш зеб-зийнат учун тақиладиган қимматбаҳо ашёлар олинади.

«...унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасан...»

Бу ҳам Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Қуруқликда улов, нақлиёт маъносида ҳайвонлар зикр қилинган бўлса, сувда кемалар эса олинмоқда. Кема маркаб—юк ташиш воситаси сифатида катта хизматларни бажаради. Шу билан бирга, уларнинг сувни ёриб кетиб бориши ўзига яраша чирой ва гўзаллик касб этади. Бу гўзаллик инсонларга алоҳида завқ-шавқ ва сурур бағишлайди. Бу эса, моддиятдан фарқли ўлароқ, маънавий неъмат ҳисобланади.

«...ҳамда Унинг фазлини талаб қилишингиз учун хизматкор қилди.»

Яъни, сиз денгиздан мазкур нарсалардан ташқари Аллоҳнинг фазлини талаб қилиб, бошқача манфаатлар ҳам ахтарасиз, деган мақсадда уни сизга хизматкор қилиб қўйди.

«Шоядки, шукр келтирсангиз.»

Шунча неъматлардан фойдаланиб, шоядки, уларни берган Зотга шукр этсангиз. Унга иймон келтириб, ибодат қилсангиз.

وَالْقَى فِي الْأَرْضِ رَوْسًا أَنْ تَمِيدَ بِكُمْ وَأَنْهَارًا وَسُبُلًا لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥﴾

15. У зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун унинг устига баланд тоғларни ташлаб қўйди. Анҳорлару йўлларни ҳам. Шоядки, тўғри йўл топсангиз.

Бу оятда ер юзидаги тоғларнинг вазифаси баён қилинмоқда:

«У зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун унинг устига баланд тоғларни ташлаб қўйди».

Демак, баланд тоғлар ернинг мувозанатини сақлаб турар экан. Агар ўша тоғларни Аллоҳ таоло ер юзига «ташлаб» қўймаса, у тебраниб турадиган бўлар ва одамлар унда яшай олмас эканлар. Тоғларнинг фойдалари орасида фақатгина мана шу — ер мувозанатини ушлаб туришининг ўзи фикр этилсаёқ, уларнинг нақадар улкан неъматлиги билинади. Бу неъматни Аллоҳдан бошқа ким ҳам бера олади? Шунингдек, ер юзидаги анҳорлар ва йўллар ҳам Аллоҳ таолонинг инсонга берган улуғ неъматларидандир. Уларнинг манфаатлари ҳам жуда кўп. Уларни Аллоҳ таолодан ўзга ким ҳам беради? Бу неъматларга шукр қилиш керак. Уларни берган Зотга ҳамду сано айтиш лозим. Унга иймон келтириб, ибодат қилиш керак.

«Шоядки, тўғри йўл топсангиз.»

Ушбу жумлани ҳиссий ва маънавий томонлардан тушуниш мумкин. «Мазкур йўллар ила кўзлаган манзилларингизга тўғри йўл топиб боришингиз учун» тарзида тушуниш ҳиссий маъноси бўлса, «Ўша нарсаларни ўйлаб, тафаккур қилиб, иймонга ҳидоят топишингиз учун» шаклида англаш маънавий маъноси бўлади.

وَعَلَّمَنَّاكَ وَالنَّجْمِ هُمْ يَهْتَدُونَ ﴿١٦﴾

16. Ва аломатлар ҳамда юлдузлар ила улар йўл топурақлар.

Яъни, инсонлар кундуз кунлари тоғу тош, анҳор каби нарсаларни белги қилиб тўғри йўлдан, ўзларига керакли йўлдан юрадилар. Кечалари эса, юлдузларга қараб йўл топиб оладилар.

Аллоҳ таолонинг яратувчи, неъмат берувчи ва тадбиркор Зот эканига далолат қилувчи ояти каримадан кейин, қуйидаги хитоб келади:

أَفَمَنْ يَخْلُقُ كَمَنْ لَا يَخْلُقُ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿١٧﴾

17. Яратадиган зот яратмайдиган зот каби бўлурми? Ўйлаб кўрмайсизларми?

Яъни, Аллоҳ билан мушриклар эътиқод қилаётган илоҳлар тенг бўладими? Аллоҳ ҳамма нарсани, шу жумладан, мушриклар ва улар ибодат қилаётган нарсаларни ҳам яратган Зотдир. Шундоқ зот билан ҳеч нарсани яратмайдиган, балки ўзи яратилган нарсалар баробар бўлиши мумкинми?

«Ўйлаб кўрмайсизларми?»

Эй мушриклар:

وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا إِنَّ اللَّهَ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٨﴾

18. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмассизлар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳимли Зотдир.

Ҳа, Аллоҳнинг бандаларига берган неъматлари сонсиз-саноқсиздир. Уларнинг баъзилари юқоридаги оятларда эслатиб ўтилди. Аслида эса, агар инсонлар ўзларига берилган неъматларни ҳисоблашга уринсалар, санаб саноғига ета олмайдилар. Шундай сон-саноқсиз неъматнинг шукрини ҳеч ким адо қила билмайди. Агар Аллоҳ ҳамма неъматлари учун тўла-тўқис шукрни талаб этса, бандаларга жуда қийин бўларди. Лекин:

«Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳимли Зотдир».

Шунинг учун ҳам, бундай талабни бандаларига юклагани йўқ. Балки, умумий шукр айтиш, Ўзига иймон келтириб, Унга ибодат қилиб яшашни амр этди. Зотан, иймонларидан ҳам, ибодатларидан ҳам фақат бандаларнинг ўзларигагина фойда келади. Мазкур неъматларга шукр этмаган, уларни берган Аллоҳга иймон келтирмаган, Унга ибодат қилмаган баъзи бандалар ўзларига ўзлари ёмонлик орттирадилар, холос.

وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُسْرُونَ وَمَا تَعْلَنُونَ ﴿١٩﴾

19. Аллоҳ нимани сир тутаётганингизни ва нимани ошкор қилаётганингизни биладир.

Ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Ҳатто дилдаги ният ва эътиқодларимизни ҳам таг-тубигача билади.

وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِ اللَّهِ لَا يَخْلُقُونَ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ

20. Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётганлари ҳеч нарсани ярата олмаслар. Ҳолбуки, ўзлари яратилурлар.

Яъни, мушриклар ибодат қилаётган жонсиз илоҳлар — Аллоҳдан ўзга илоҳлар ҳеч нарсани ярата олмайди. Жонсиз ёғоч ёки тошдан ясалган буту санамларда қандай қилиб яратувчилик қобилияти бўлсин?!

«Ҳолбуки, ўзлари яратилурлар.»

Бут ва санамларни ясашга ишлатилган тош ва ёғочларни ҳам, сохта худолар ўйлаб топувчи одамларни ҳам, ҳаттоки, илоҳлик даъвосини қилувчи фиръавнларни ҳам — буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло яратган. Бас, шундай бўлгач, улар қандай илоҳ — худо бўлишлари мумкин? Қандай қилиб одамлар уларга ибодат этадилар? Асло мумкин эмас! Ибодатга фақат улуғ яратувчи зот — Аллоҳ таологина лойиқдир.

Макка мушриклари ибодат қилаётган буту санамлар:

أَمْوَاتٌ غَيْرٌ أَحْيَاءٍ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ

21. Ўликлардир, тирик эмаслар ва қачон қайта тирилтирилишларини билмаслар.

Уларнинг жонлари йўқ — ўликдир. Бинобарин, уларга ибодат қилган мушрикларнинг қачон қайта тирилтирилишларини ҳам билмайдилар. Яратувчи бўлганларида, ибодатга сазовор бўлганларида, билар эдилар. Чунки, қиёмат, қайта тирилиш ҳаётнинг давомидир. Ҳаётнинг ана шу давоми қачон бўлишини билмаган нарса қандай қилиб илоҳ бўла олиши мумкин?

Юқоридаги оятларда Аллоҳнинг неъматларига шукр этмай мушрик бўлганларнинг иши нотўғри эканлиги баён қилинди. Энди келадиган оятларда Аллоҳнинг ягоналиги ва унга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг бузуқ қалблари ҳақида сўз юритилади:

إِنَّهُمْ إِلَى اللَّهِ وَحْدًا فَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ قُلُوبُهُم مُّنْكَرَةٌ وَهُمْ مُسْتَكْبِرُونَ

22. Илоҳингиз ягона илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар.

«Илоҳ»нинг луғатдаги маъноси, бандаларнинг ибодатига сазовор зот, деганидир. Демак, оятдаги биринчи жумла –

«Илоҳингиз ягона илоҳдир», –

эй одамлар, сизнинг ибодатингизга сазовор зот ягонадир, У Аллоҳнинг Ўзидир, деган маънони ифодалайди. Бинобарин, Унга ширк келтириб, бошқаларни ҳам унга қўшиб ибодат қилиб бўлмайди.

«Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар.»

Оятда Аллоҳ ва охиратга бўлган иймон ёнма-ён келиши охиратга ишониш нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Бир тоифа инсонларнинг иймонсиз, кофир бўлишларига уларнинг ўзлари сабабчидир. Иллат, дард, фасод кофирларнинг ичларида бўлади. Уларнинг қалблари иймонга далолат қилувчи оят-белгилардан ибрат олмай, уларни инкор қилади. Ўзлари эса, Аллоҳга бўйсуннишни, Пайғамбарга эргашишни ор биладилар, мутакаббирлик қилиб ўзларини юқори тутадилар.

لَا جَرَمَ أَنتَ اللَّهُ يَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ وَمَا يُعْلِنُونَ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْتَكْبِرِينَ ﴿٢٢﴾

23. Шубҳасизки, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ва нимани ошкор қилаётганларини биладир. Албатта, У мутакаббирларни хуш кўрмас.

Аллоҳ уларнинг барчасини яратган Зотдир. Уларнинг барча сирларини ҳам, ошкор ишларини ҳам билади. Жумладан, Аллоҳ уларнинг қалблари ҳақиқатни инкор этаётганини ҳам, ўзлари мутакаббирлик қилаётганини ҳам билиб туради. Шу боисдан ҳам:

«Албатта, У мутакаббирларни хуш кўрмас».

Чунки, мутакаббирлардан яхшилик чиқмайди. Улар куйфрни ихтиёр қиладиган одамлардир.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ مَاذَا أَنْزَلَ رَبُّكُمْ قَالُوا أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٢٣﴾

24. Қачонки, уларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилса, улар: «Аввалгиларнинг афсоналарини», дерлар.

Ушбу ояти қарима Макка мушрикларининг Исломга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Қуръони Каримга қарши олиб борган ҳаракатлари сабабли нозил бўлган.

Ибн Абу Ҳотим Суддийдан қуйидагиларни ривоят қилади: «Қурайшликлар тўпланиб: «Муҳаммад — тили ширин одам. У ўзи билан гаплашган одамнинг ақлини олиб қўяди. Ораларингиздан насли-насаби маълум кишиларни ажратиб, ҳар бир йўлга, Маккадан бир-икки кунлик масофа узоқликка юборинглар. Ким Муҳаммадни кўриш учун келаётган бўлса, қайтариб турсин», дейишди. Ҳар бир йўлга одамлар қўйилди. Қавми номидан ҳазрати Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига вакил бўлиб, у зотнинг нима деяётганларини эшитиш учун келаётган одам ҳалигиларнинг олдига етиб келганида, улардан бири: мен фалончи-пистончининг ўғлиман, деб ўз наслу насабини айтар, сўнгра: «Мен сенга Муҳаммад ҳақида хабар бераман. У каззоб одамдир. Унга биздан фақат эси пастлар, қулбаччалар ва яхшилик кутиб бўлмайдиганлар эргашади, холос. Аммо унинг қавмининг шайхлари ва яхшилари уни тарк қилдилар», дер эди. Аллоҳ таолонинг: «Қачонки, уларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилса, улар: «Аввалгиларнинг афсоналарини», дерлар», деган сўзи ана шу муносабат иладир».

Бошқа ривоятларда, одамларнинг саволларига мушриклар жавоб тарийқасида шу жумлаларни айтганлари келтирилган.

Кўриниб турибдики, мушриклар Исломига, Пайғамбарга ва Қуръонга қарши қаттиқ ташвиқот ишлари олиб борганлар. Улар саволга тўғри жавоб бериш, Аллоҳдан нозил бўлган Қуръондан ўқиб эшиттириш, у билан одамларни таништириш ўрнига, Қуръонни:

«Аввалгиларнинг афсоналаридир», деб ўзлари тўқиб қўйган афсонани айтишган. Чунки, мушриклар одамлар Қуръон билан танишсалар, унга сўзсиз иймон келтиришларини яхши билардилар. Шунинг учун, улар Қуръонга бирон киши яқин келмаслиги учун барча чораларни кўрдилар. Кишиларга Қуръон ҳақида ўзлари тўқиб чиқарган ёлғонларни етказдилар.

Бу ишни қадимда Макка мушрикларигина қилган эмас. Балки барча замонлардаги Қуръон душмани бўлмиш кофирлар ҳам шундай иш билан шуғулланадилар. Улар бор Қуръон китобларини ёқиб, оқизиб, кўмиб ташлайдилар. Янгисини чоп этишни таъқиқлайдилар. Қуръон ўқитишни «жиноят» деб эълон қиладилар. Ким одамларга Қуръон ўргатса, ўлдирадилар, сургун қиладилар ёки қамайдилар. Айни чоқда, Қуръон ҳақида ўзлари тўқиб қўйган ёлғон-афсоналарни айтиб юрадилар. Қуръон душманларининг бу ишлари:

لِيَحْمِلُوا أَوْزَارَهُمْ كَامِلَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمِنْ أَوْزَارِ الَّذِينَ يُضِلُّونَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ
 الْأَسَاءَ مَا يَرْزُقُونَ

25. Қиёмат куни ўз гуноҳларини тўлалигича ва жаҳолат ила йўлдан адаштирганларининг гуноҳларидан кўтаришлари учундир. Огоҳ бўлинг! Улар кўтарган нарса қандоқ ҳам ёмон!

Мазкур кофирлар куфрлари, Қуръонга иймон келтирмай юрганлари ва одамларни Қуръондан тўсанлари учун етарли жазо оладилар.

«Қиёмат куни ўз гуноҳларини тўлалигича ва жаҳолат ила йўлдан адаштирганларининг гуноҳларидан кўтаришлари учундир.»

Ҳа, Қиёмат кунида улар ўз гуноҳларини тўлалигича кўтарадилар, яъни, шунга яраша жазога йўлиқтириладилар. Бунга қўшимча равишда, ўзлари жаҳолат ила Қуръонга қарши ташвиқот олиб бориб йўлдан адаштирган кишиларнинг гуноҳларидан баъзисини ҳам кўтарадилар. Унга яраша қўшимча жазо ҳам оладилар. Ўз гуноҳларига бошқаларнинг гуноҳларини ҳам қўшиб кўтарадилар.

«Огоҳ бўлинг! Улар кўтарган нарса қандоқ ҳам ёмон!»

Улар кўтарган нарса – Қуръонга иймон келтирмаслик гуноҳи юки. Улар елкасидаги нарса – Қуръонни «аввалгиларнинг афсонаси» деб васф қилишдек катта гуноҳнинг юки. Улар кўтарган нарса – одамларни Қуръондан тўсиб, йўлдан адаштиришдек улкан жиноятнинг юки. Бундан ҳам ёмон юк бўлурми?!

Аммо, ҳақни, Қуръонни мутакаббирлик билан инкор этаётган кофирларнинг макри биринчи марта бўлаётгани йўқ.

قَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَى اللَّهُ بُنْيَانَهُمْ مِنَ الْقَوَاعِدِ فَخَرَّ عَلَيْهِمُ
السَّقْفُ مِنْ فَوْقِهِمْ وَأَتَاهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٦٦﴾

26. Батаҳқиқ, улардан олдингилар ҳам макр қилганлар. Бас, Аллоҳ биноларини пойдеворидан йиқитди. Шифт уларнинг устига қулаб тушди. Ва уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келди.

Аллоҳга, Унинг динига ва Пайғамбарларига қарши булардан олдин ҳам макр қилганлар кўп бўлган. Улар, ўзларича, макр-ҳийла йўли билан дину диёнатни, иймону Исломи йўқ қиламиз, унинг тарқалишига йўл қўймаймиз, деб ўйлашган. Аммо, иш тамоман бошқача бўлиб чиққан.

«Аллоҳ биноларини пойдеворидан йиқитди.»

Аллоҳ улар қурган бинони, тузумни, мафкурани пойдеворидан қулатди. Яъни, бинолари таг-туби билан бузилди. Ундан ҳеч нарса қолмади. Аллоҳнинг таълимотига қарши қурилган бино шундай йиқилади. Аллоҳнинг каломига зид қурилган бино шундай қулайди. Йиқилганда ҳам:

«Шифт уларнинг устига қулаб тушди.»

Ўзлари қурган бинонинг шифти ўзларини босиб қолди.

«Ва уларга ўзлари сезмаган томондан азоб келди.»

Улар Исломдан, иймондан қўрқиб туришган эди. Аммо азоб улар кутмаган томондан келди. Ўзларининг томлари ўзларини босиб қолди. Бу нарса уларнинг қилмишларига бу дунёда берилган жазодир.

ثُمَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُخْزِيهِمْ وَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَائِيَ الَّذِينَ كُنْتُمْ تُشَاقُّونَ فِيهِمْ قَالَ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ إِنَّ الْخِزْيَ الْيَوْمَ وَالسُّوءَ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٧٧﴾

27. Сўнгра қиёмат кунида У зот уларни хор қилур ва: «Сизлар улар ҳақида тортишиб юрган Менинг «шерикларим» қани?» дер. Илм берилганлар: «Бугунги кунда хорлик ва ёмонлик кофирларгадир», дерлар.

Ҳа, кофир, мушрик, дин душманларига фақат бу дунёдагина азоб берилмайди, балки уларнинг устига тушадиган асосий азоб у дунёда бўлади.

«...қиёмат кунида У зот уларни хор қилур.»

Қай тарийқа хор қилишни Ўзи билади. Шунинг учун ҳам, бу оятда хор қилиш усулини айтмади. Аллоҳ, мушрикларнинг қиёматдаги хорлигини яна ҳам зиёда этиш учун, кўпчиликнинг олдида уларга савол бериб:

«Сизлар улар ҳақида тортишиб юрган Менинг «шерикларим» қани?» дер».

Менинг қандайдир «шерикларим» борлиги ҳақида у дунёда Пайғамбар ва мўминлар билан тортишиб юрар эдингизлар, ўшалар қани, дейди. Табиийки, мушриклар хор бўлиб, ҳамма нарсани аниқ кўрганларидан сўнг, тилларини тишлаб, жимиб қоладилар. Ана шунда Аллоҳнинг изни ила Аллоҳ томонидан илм берилган зотлар сўзлай бошлайдилар:

«Илм берилганлар: «Бугунги кунда хорлик ва ёмонлик кофирларгадир», дерлар».

Ўша кофирлар шундай васфга эгаки:

الَّذِينَ تَتَوَفَّوهُمْ الْمَلَائِكَةُ ظَالِمِي أَنْفُسِهِمْ فَأَلْقَوْا السَّلَامَ مَا كُنَّا نَعْمَلُ مِنْ سُوءٍ بَلَىٰ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٧٨﴾

28. Фаришталар уларнинг жонларини ўзларига зулм қилган ҳолларида олгандир. Улар, ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик, дея

таслим бўлурлар. Йўқ! Албатта, Аллоҳ нима амал қилиб юргангинизни билгувчи Зотдир.

Ушбу ояти каримада зикри келаётганлар тавба қилмасдан кофир ва мушрик ҳолларида ўлган одамлардир.

«Фаришталар уларнинг жонларини ўзларига зулм қилган ҳолларида олгандир.»

Ўлим фаришталари уларнинг жонини олганларида, улар ўзларига зулм қилиб, кофир ва мушрик ҳолларида турган эдилар. Улар бу дунёда мутакаббирлик билан ўтган бўлсалар ҳам, ўлим келганда таслим бўлурлар:

«Улар, ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик, дея таслим бўлурлар».

Ҳа, ўлимга таслим бўлмасдан илож йўқ. Аммо мазкур кофирлар ўлаётиб ҳам ёлғон гапирадилар. Умрларини фақат ёмонлик билан ўтказган бўлишларига қарамай, ўлаётиб: «ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик», дейдилар. Бу гап қўлга тушиб хор бўлган жиноятчининг гапига ўхшайди. Уларнинг бу даъволарига:

«Йўқ! Албатта, Аллоҳ нима амал қилиб юргангинизни билгувчи Зотдир», деган жавоб бўлади.

Йўқ! «Ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик», деган гапингиз ёлғон! Жуда кўп ёмонликларни қилгансиз. Барча амалингизни Аллоҳ яхши билади. Энди ўшанга мос жазоингизни беради.

فَادْخُلُوا أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَلَيْسَ مَثْوًى الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٢٩﴾

29. Бас, жаҳаннам эшикларидан, унда абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кириг! Бас, мутакаббирларнинг қайтар жойи қандоқ ҳам ёмон!

Бу дунёда мутакаббирлик билан динни инкор қилганингиз, одамларни дин йўлидан қайтариб, адаштирганингиз учун жаҳаннам эшикларидан кириг. Кирганда ҳам, унда абадул-абад қоладиган бўлиб кириг. Мутакаббирларнинг жазоси шу бўлади.

Аммо, айна пайтда, қарама-қарши томонда умуман бошқача манзара кўринади, ўзгача ҳаёт ҳукм суради. Бу, тақводор мўмин-муслмонлар томони бўлиб, уларга нисбатан муносабат-муомала ҳам, айтилаётган сўзлар ҳам тамоман бошқачадир.

﴿ وَقِيلَ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا مَاذَا أَنْزَلَ رَبُّكُمْ قَالُوا خَيْرٌ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ وَلَنِعْمَ دَارُ الْمُتَّقِينَ ﴿٣٠﴾ ﴾

30. Ва тақво қилганларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?», дейилди. Улар: «Яхшиликни», дедилар. Чиройли амаллар қилганлар учун бу дунёда чиройли (мукофот) бордир. Албатта, охират диёри яхшироқдир. Роббиларининг диёри нақадар яхши.

Мушрикларга «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилганида, «Аввалгиларнинг афсоналарини», дейишган эди. Чунки, улар динга, Қуръонга «ўтган авлодларнинг афсонаси», «эскилик сарқити», деб қарадилар. Шунинг учун, ёмон оқибатга учрадилар. Ўша мушрик ва кофирлардан фарқли ўлароқ тақводорлар яхши оқибатга эришдилар.

«Ва тақво қилганларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилди. Улар: «Яхшиликни», дедилар.»

Ҳа, Аллоҳ бандаларига нозил қилган Қуръон аввалгиларнинг афсоналари эмас, балки мутлоқ яхшиликдир. Ўша тўлиқ ва икки дунёга етадиган яхшиликда, яъни, Роббилари туширган яхшиликда:

«Чиройли амаллар қилганлар учун бу дунёда чиройли (мукофот) бордир», дейилган.

Ҳа, Роббилари нозил қилган яхшиликка иймон келтирганлар амалига яраша яхшиликка эришадилар. Агар чиройли амалларни қилсалар, аввало, бу дунёнинг ўзида чиройли натижаларни қўлга киритадилар. Чиройли ҳаёт кечириб, ҳузур-ҳаловатларда умр ўтказадилар. Шунингдек, юксак мартабаларга эга бўладилар. Аммо чиройли амалларнинг мукофоти бу билан тугаб қолмайди. Уларнинг ҳақиқий мукофоти охиратда бўлади.

«Албатта, охират диёри яхшироқдир.»

Чунки, бу дунё қанча яхши бўлса ҳам, бир куни тугайди. Ўзининг олиймақом яхшиликларига эга бўлган охират эса абадийдир. У ҳеч қачон тугамайди.

«Роббиларининг диёри нақадар яхши.»

«Нақадар яхши» диёрнинг васфи кейинги оятда келади:

جَنَّاتٍ عِدْنٍ يَدْخُلُونَهَا يُجْرَى مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ لَهُمْ فِيهَا مَا يَشَاءُونَ كَذَلِكَ يَجْزِي اللَّهُ
 الْمُتَّقِينَ

31. У адн жаннатларидир. Уларга кирганларида остилардан анҳорлар оқиб турар, улар учун у ерда истаган нарсалари бор. Аллоҳ тақводорларни ана шундай мукофотлар.

Аввал келган баъзи оятлар тафсирида айтиб ўтганимиздек, «адн» сўзи «иқомат» (муқим туриш) маъносини англатиб, жаннатнинг сифатига ўхшаб қолган сўздир.

«У Адн жаннатларидир», дейилганда, муқим туриладиган жаннат тушунилади. Тақводорларнинг охирадаги диёрлари ўша адн жаннат боғлари бўлади. Улар:

«Уларга кирганларида остиларидан анҳорлар оқиб турар».

Бу унинг роҳат-фароғат жойи эканлигига ишорадир.

«...улар учун у ерда истаган нарсалари бор.»

Тақводорлар жаннатда нимани истасалар, муҳайё бўлади.

«Аллоҳ тақводорларни ана шундай мукофотлар.»

Бундан олдин, мушрик ва кофирлардан фарқли ўлароқ, уларнинг ўлимлари ҳам осон кечган эди.

الَّذِينَ نُوَفِّئُهُمُ الْمَلَائِكَةَ طَيِّبِينَ يَقُولُونَ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

32. Фаришталар уларнинг жонларини пок ҳолларида ола туриб: «Сизларга салом бўлсин. Қилиб юрган ишларингиз туфайли жаннатга кириб», дерлар.

Ҳа, ўлим фаришталари ҳам тақводорлар билан гўзал муомалада бўладилар. Уларнинг жонларини олишда мулойимлик билан, пок ҳолларида, салом бериб туриб, жаннатга киришларини айтиб башорат берадилар.

Ушбу ўлим ва ундан кейинги турлича муомала ҳамда турар жойларини эслатувчи оятлардан сўнг Қурайш мушрикларининг ҳолидан сўроқ келади:

هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ تَأْتِيَهُمُ الْمَلَائِكَةُ أَوْ يَأْتِيَ أَمْرٌ رَبِّكَ كَذَلِكَ فَعَلَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَمَا ظَلَمَهُمُ اللَّهُ وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ

33. Улар ўзларига (ўлим) фаришталари ёки Роббингнинг (азоб) амри келишига интизор бўлиб турибдиларми? Улардан олдингилар ҳам шундай қилган эдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.

Мушриклар иймон келтирмасдан, ибодат қилмасдан нимага интизор бўлиб турибдилар? Албатта, яхшиликка интизор бўлмаётгандирлар? Уларнинг бунга ҳақлари ҳам йўқ. Бу иш мантиққа ҳам тўғри келмайди.

«Улар ўзларига (ўлим) фаришталари ёки Роббингнинг (азоб) амри келишига интизор бўлиб турибдиларми?»

Улар икки нарсани кутишлари мумкин, холос.

Биринчиси:

Ўлим фаришталари келиб, уларнинг жонларини олишларига интизор бўлишлари.

Иккинчиси: Аллоҳнинг азоб ҳақидаги амри келиб, азоб-уқубатга қолишларига интизор бўлишлари.

Бошқа интизор бўладиган нарсалари йўқ. Бундай ҳолга фақат уларнинг ўзларигина тушган эмас.

«Улардан олдингилар ҳам шундай қилган эдилар.»

Улардан олдин ўтган мушрик ва кофирлар ҳам буларга ўхшаб ширк ва куфр келтириб қўйиб, интизор туришган эди. Шунда, ўлим фаришталари баъзиларининг жонларини олгач, дўзахга киритилган эдилар. Баъзиларига Аллоҳнинг азоби етгандан сўнг, дўзахга равона бўлган эдилар. Бу билан:

«Аллоҳ уларга зулм қилмади. Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.»

Аллоҳ уларга яхшилик йўлини очиб қўйди. Ақл-идрок берди. Огоҳлантирувчилар юборди. Тавба қилишлари учун фурсат ҳам берди. Аммо улар ширк ва куфр йўлини ихтиёр этдилар ва оқибатда ўзларига ўзлари зулм қилдилар.

فَأَصَابَهُمْ سَيِّئَاتُ مَا عَمِلُوا وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٤﴾

34. Бас, қилган ёмон амаллари ўзларига етди ва истеҳзо қилган нарсалари ўзларини ўради.

Яъни, уларга ёмонлик ташқаридан келгани йўқ. Ўзлари ўзларининг бошларига етдилар.

«Бас, қилган ёмон амаллари ўзларига етди...»

Яъни, улар фақатгина ўзлари қилган ёмон амалларига яраша жазо олдилар, холос.

«...ва истеҳзо қилган нарсалари ўзларини ўради.»

Улар: «Агар Пайғамбар айтаётганидек, Аллоҳ осийларни азоблайдиган бўлса, нима учун биз иймон келтирмасак ҳам азобламаяпти?!» дер эдилар. Бу билан «Аллоҳнинг азоби келади» деган гапни истеҳзо қилар эдилар. Энди эса, уларни ўша, ўзлари истеҳзо қилган азоб ўраб олди.

وَقَالَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا عَبَدْنَا مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ نَحْنُ وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ فَعَلَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَهَلْ عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ ﴿٣٥﴾

35. Ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ундан ўзга ҳеч нарсага ибодат қилмас эдик ҳамда унинг ҳукмисиз бирон нарсани ҳаром қилмаган бўлар эдик», дедилар. Улардан олдингилар ҳам шундай қилганлар. Пайғамбарлар зиммасида фақат очиқ-ойдин етказиш бор, холос.

Мушриклар гуноҳ ишни қилиб қўйиб, «Ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси билан бўляпти» деган баҳона, даъво билан қутулмоқчи бўладилар. Даъволарига кўра, агар улар ҳам, уларнинг ота-боболари ҳам ширк келтирган бўлсалар, Аллоҳнинг хоҳиши ила ширк келтирганлар. Аллоҳ ҳалол қилган баъзи бир нарсаларни ҳаром деган бўлсалар, Аллоҳнинг иродаси билан деганлар. Унинг хоҳиш-иродаси бўлмаганида, улар ширк ҳам келтирмас, ҳалол нарсаларни ҳаром ҳам қилмас эдилар:

«Ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ундан ўзга ҳеч нарсага ибодат қилмас эдик ҳамда унинг ҳукмисиз бирон нарсани ҳаром қилмаган бўлар эдик», дедилар».

Бу номаъқул ишни фақатгина Макка мушриклари қилаётганлари йўқ:

«Улардан олдингилар ҳам шундай қилганлар».

Бу каби тушуниш Аллоҳнинг хоҳиши ва иродасини нотўғри талқин қилишдир. Агар уларнинг даъволари тўғри бўлса, Аллоҳ инсонга берган энг муҳим хусусият, яъни ақлни ишлатиб яхши нарсани ихтиёр қилиш хусусияти беҳудага чиқар эди. Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандаларига ширкни ҳам, ҳалолни ҳаромга чиқаришни ҳам раво кўрмайди. Бу маъно Қуръонда қайта-қайта таъкидланган.

Аллоҳ таоло инсонни ҳидоятга ҳам, залолатга ҳам қобилиятли қилиб яратди. Сўнгра, хоҳлаган йўлини танлашни ихтиёрига ҳавола этди. Шунга яраша уларга ақл ва сезги аъзоларини берди. Шунингдек, Пайғамбарлар юборди, китоблар нозил қилди ва шариатлар жорий этди.

«Пайғамбарлар зиммасида фақат очиқ-ойдин етказиш бор, холос.»

Улар ҳеч кимни мажбурламайди, урмайди, сўкмайди. Уларнинг вазифаси ширинсуханлик билан Аллоҳнинг таълимотларини бандаларига очиқ-ойдин етказиш, холос. Улар Аллоҳга сиғинишга ва унга ширк келтирмасликка тарғиб қиладилар. Агар мушриклар даъво этганидек, ширк ҳам, ҳалолни ҳаром қилиш ҳам Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси ила бўладиган бўлса, Пайғамбар юборишнинг нима фойдаси бор?

Аслида, ҳар бир умматга Пайғамбар юборилиб, Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси нимадан иборат экани уларга тушунтирилган:

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ فَمِنْهُمْ مَّنْ هَدَى اللَّهُ وَمِنْهُمْ مَّنْ حَقَّتْ عَلَيْهِ الضَّلَالَةُ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكذِّبِينَ ﴿٣٦﴾

36. Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз. Бас, улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса, залолат ҳақ бўлди. Бас, ер юзида сайр қилиб юриб, ёлғонга чақирувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

Одамларни яратиб, уларга ақл-идрок ато этиб, ризқ-рўз бериб қўйдик. Шу билан бирга, ҳар бир умматга Пайғамбар ҳам юбордик. Ҳар бир Пайғамбарнинг ўз умматига айтадиган гапи:

«Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг» дейишдан иборат бўлди.

Яъни, бу дунёда фақат Аллоҳнинг кўрсатмаси ила яшанг, Унинг айтганини қилинг, қайтарганидан қайтинг, фақат Унгагина сиғининг. Шу билан бирга, тоғутдан четланинг. Унга ибодат қилманг. «Тоғут» сўзи араб тилида Аллоҳдан бошқа ибодат қилинган нарсани ифода этади. У шайтон, фолбин, буту санам, турли тузумлар ёки шахслар, табиатдаги махлуқотлар ёки ҳайвонлар бўлиши мумкин. Демак, Аллоҳдан ўзганинг айтганини қилиб яшаш, ўшанинг таълимотларига амал қилиш, унга сиғиниш тоғутга ибодат қилиш бўлади. Аллоҳ таоло эса, бандалари фақат Ўзига ибодат қилиб, тоғутдан четланишини истайди. Ушбу хоҳиш-иродани У зот одамларга Пайғамбарлари орқали етказди. Аммо одамлар ўзларини турлича тутдилар.

«Бас, улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса, залолат ҳақ бўлди.»

Ҳидоят йўлини ихтиёр қилиб, унга интилганларни Аллоҳ таоло ҳидоятга йўлади. Залолат – куфр йўлини ихтиёр этиб, ўша томонни кўзлаганларга залолат ҳақ бўлди. Бу икки тоифанинг ҳеч бирини Аллоҳ мажбурлагани йўқ. Улар ихтиёрлари билан тасарруф қилдилар. Шунингдек, икки тараф ҳам Аллоҳнинг шомил ихтиёридан чиққанлари йўқ. Чунки, дунёдаги ҳар бир нарса фақат У зотнинг иродаси, жорий қилган қонун-қоидаси билан бўлади. Аллоҳ таоло ҳидоятни танлаб шу йўлда юраётган кишиларнинг ҳидоятга кетишини ихтиёр этган ва жорий қонун-қоидаларга айлантирган. Шунингдек, залолатни танлаб шу йўлга интилаётган кишиларга залолат ҳақ бўлишини ихтиёр қилган ҳамда жорий қонун-қоидаларга

айлантиргандир. Ана шу қонун-қоидаларга биноан, ҳар бир инсоннинг ҳидоят ёки залолатга кетиб, яхшилик ёки ёмонлик қилиши Аллоҳнинг хоҳишига мувофиқ бўлади, дейилади.

Шунинг учун ҳам, кейинги оятда қуйидагилар айтилади:

إِنْ تَحَرَّصَ عَلَىٰ هُدًىٰ لَهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ يُضِلُّ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرِينَ ﴿٣٧﴾

37. Агар сен уларнинг ҳидоятига ўта қизиқсанг ҳам, Аллоҳ залолатга кетказган кимсаларни ҳидоят қилмас. Уларга нусрат бергувчилардан бўлмас.

Эй Пайғамбар! Агар сен мушрикларнинг тўғри йўл топишларига ўта қизиқсанг-да, ҳарис бўлсанг-да, уларни ҳидоятга бошлай олмайсан. Чунки, бу иш сенинг ихтиёрингдаги иш эмас. Сенинг вазифанг — Аллоҳнинг таълимотини одамларга етказиш. Уларни ҳидоятга солиш эса, Аллоҳнинг иши. Аллоҳ ўз эрки ила нотўғри йўлни танлаган бандаларни ҳидоятга эмас, балки залолатга кетказди. Аллоҳ таоло жорий қилиб қўйган қонун-қоида шундан иборат. Залолатни ихтиёр этган бандани мажбур қилиб ҳидоятга юргизмайди. Балки, ўша танлаган залолати ўзига ҳақ бўлади.

«Уларга нусрат бергувчилардан бўлмас.»

Яъни, агар ихтиёр қилган залолатлари туфайли Аллоҳ таоло мушрикларни азобласа, уларга ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Кейинги оятларда мушрикларнинг олдинги гапларига ўхшаш бошқа бир нотўғри гаплари муолажа қилинади:

وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَانِهِمْ لَا يَبْعَثُ اللَّهُ مَنْ يَمُوتُ بَلَىٰ وَعَدَاءُ عَلَيْهِ حَقًّا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٨﴾

38. Улар жон-жаҳдлари билан: «Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмас», деб Аллоҳ номи ила қасам ичдилар. Йўқ! Бу, У зотнинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.

Ўтган оятларнинг бирида Аллоҳнинг яккаю ягона илоҳу маъбудлигига иймон келтиришдан кейинги энг муҳим нарса охиратга иймон келтириш эканлиги ҳақида сўз юритилган эди. Энди ўша охират кунига боғлиқ масала, яъни ўлгандан кейин қайта тирилиш масаласи ҳақида сўз кетмоқда. Қайта тирилишга ишониш қадимдан кўпчилик қавмлар учун мушкул масала бўлиб келган. Ҳатто, Аллоҳ-

нинг борлигига иймон келтирган баъзи кишилар ҳам ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмай залолатга кетганлар. Шулар жумласига Макка мушриклари ҳам қиради. Улар Аллоҳнинг борлигини инкор қилмайдилар. «Аллоҳ бор» дейдилар. Аммо Аллоҳга буту санамларини шерик қиладилар. Булар кичик худоларимиз, бизни катта худога етиштирадиган воситачиларимиз шулардир, дейишади. Айни бир вақтда, Аллоҳ одамларни ўлгандан кейин қайта тирилтиришига мутлақо иймон келтирмайдилар.

«Улар жон-жаҳдлари билан: «Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмас», деб Аллоҳ номи ила қасам ичдилар.»

Мушрикларнинг бу масаладаги эътиқодлари шу даражага етган эдики, улар ўлганларнинг қайта тирилиши мумкин эмаслигига жон-жаҳдлари билан Аллоҳ номи ила қасам ичар эдилар.

Лекин Аллоҳ мушрикларнинг бу ишларини қаттиқ инкор қилиб: **«Йўқ! Бу, У зотнинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир»**, демоқда.

Йўқ! Эй, мушриклар, сиз айтаётган гаплар беҳуда гаплардир. Ўлганларни қайта тирилтириш — Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди. Ўлганларни албатта қайта тирилтиради.

«Лекин одамларнинг кўплари билмаслар.»

Шунинг учун, кофир ёки мушрик бўлиб, турли гуноҳларни қилиб юрадилар. Агар улар Аллоҳ ўлганларни албатта қайта тирилтириши ҳақ эканини билсалар, бундай қилмас эдилар.

Одамларнинг ишониши ёки ишонмаслиги, билиши ёки билмаслигидан қатъиназар, Аллоҳ таоло уларни ўлганларидан кейин албатта қайта тирилтиради:

لَيْسَ لَهُمُ الَّذِي يُخْتَلَفُونَ فِيهِ وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّهُمْ كَانُوا كَذِبِينَ ﴿٣٩﴾

39. Уларга ихтилоф қилиб юрган нарсаларини баён қилиб бериш учун, куфр келтирганлар ўзларининг шубҳасиз ёлғончи эканларини билишлари учун (қайта тирилтирур).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло ўлганларни қайта тирилтиришининг ҳикматини баён қилмоқда. Аллоҳ нима учун ўлганларни қайта тирилтиради, деган саволга жавоб бермоқда.

Аллоҳ таолонинг ўлганларни қайта тирилтиришдан мақсади:

«Уларга ихтилоф қилиб юрган нарсаларини баён қилиб бериш учун»дир.

Одамлар бу дунё ҳаёти даврида кўп масалалар устида баҳслашадилар. Баъзилари, **Аллоҳ бор**, деса, баъзилари, йўқ, дейди. Бирлари, **Аллоҳ**

ягонадир, деса, бошқалари, Унинг шериги, ўғли ёки хотини бор, дейди. Баъзилари, **Пайғамбарларга, илоҳий китобларга, фаришталарга, охи-рат кунига ва бошқа илоҳий ҳақиқатларга иймон келтириш керак**, деса, бошқалари, керак эмас, дейди. Бировлари, **Аллоҳга ибодат қилиш лозим**, деса, яна бировлари, шарт эмас, дейди. Айримлари, **иймон келтиргандан кейин унинг тақозоси бўйича амал қилиш керак**, деса, бошқалари, иймон келтирса етади, амал қилмаса ҳам бўлаверади, дейди. Баъзилари, **Аллоҳнинг дини Ислом ҳаётнинг ҳамма соҳалари учун дастур бўла олади**, деса, бошқалар, бу эски фикр, ҳозир «измлар» ва моделлар даври, биз фалон «изм» бўйича, пистон модел бўйича ҳаёт кечирсак, яхши бўлади, дейди. Хуллас, ихтилофлар жуда ҳам кўп. Одатда, бу ихтилофларда ким ҳақлигини билмай дунёдан ўтиб кетилади. Чунки инсоннинг умри қисқа. Шунинг учун ҳам, бир кун келиб Аллоҳнинг иродаси ила бу дунё ҳаёти ниҳоясига етади. Қиёмат қоим бўлади. Аллоҳ таоло ўлганларнинг барчасини – Одам Атодан тортиб то охирги кунгача яшаб ўтганларни қайта тирилтиради. Уларнинг ҳаммасини маҳшарга тўплайди. Сўнгра, мазкур ихтилофларда ким ҳақ эканини баён қилиб беради. Ҳамма нарса аён бўлади. Ҳамма нарсани, яъни, **Аллоҳ бор, У зот ёлғиздир, Унинг Пайғамбарларига, илоҳий китобларига, охи-рат кунига ва фаришталарига иймон келтириш керак, Аллоҳга ибодат қилиш лозим, Ислом ҳаёт дастури бўла олади**, деганлар ҳақми ёки бунинг тескарисини айтганлар ҳақми – ҳаммасини баён қилиб беради.

Ўлганларни қайта тирилтиришдан яна бир мақсад:

«...куфр келтирганлар ўзларининг шубҳасиз ёлғончи эканларини билишлари учун»дир.

Қайта тирилишидан сўнг кофирларнинг ҳар бир нарсада ёлғончи эканликлари айтиб берилади. Улар «Биз ҳақмиз, Пайғамбар ёлғончидир» деган гапларида ҳам, «Қиёмат бўлмайди, Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмайди» деган гапларида ҳам ёлғончидирлар. Уларнинг барча эътиқод ва амаллари ёлғондан иборатдир. Ушбу ҳақиқатни уларнинг ўзларига билдириш учун, Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтиради. Бу иш У зот учун ҳеч қийин эмас:

إِنَّمَا قَوْلُنَا لِشَيْءٍ إِذَا أَرَدْنَاهُ أَنْ نَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿٤٠﴾

40. Агар Биз бир нарсанинг бўлишини ирода қилсак, унга «бўл» демоғимиз кифоя. Бас, ўша нарса бўлур.

Қийналиб ўтирмаймиз, бир оғиз «бўл» деган сўзни айтамиз, холос. Ҳар қандай нарса бўлади. Кофирлар, одам ўлгандан кейин чириб тупроққа аралашиб кетади-ю, уни қандай қилиб яна қайта-

дан тирилтириб бўлади, деб бекорга хаёл суриб юрмасинлар. Ҳамма ўликларни қайта тирилтириш учун бир оғиз «бўл» десак, кифоя. Бўлади. Ҳаммаси қайта тирилади. Ана шундан сўнг ҳисоб-китоб бўлиб, бу дунёдаги ихтилофли нарсалар баён этилади, кофирларга ёлғончи эканликлари билдирилади ва жаҳаннамга киришлари учун ҳукм қилинади.

Кофир ва мушрикларнинг ҳолидан фарқли ўлароқ, иккинчи томондаги муҳожир мўминларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади:

وَالَّذِينَ هَاجَرُوا فِي اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا ظَلَمُوا لَنُبَوِّئَنَّهُمْ فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَلَا جَزَاءَ لَآخِرَةٍ
أَكْبَرُ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿٥٦﴾

41. Зулмга дучор бўлганларидан сўнг Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилганларни бу дунёда, албатта, гўзал(жой)га жойлаштирамиз. Ва охираат ажри каттароқдир, агар биладиган бўлсалар.

Сиртдан қараганда, золимнинг зулмидан қочиб, Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилганлар кўп нарсани йўқотганга ўхшайдилар. Улар азиз ватанларидан айриладилар, қариндош-уруғ, хеш-ақраболар ва ёру дўстларидан ажраладилар. Аммо, ҳижратлари ҳақиқатан Аллоҳ учун бўлса, Аллоҳ бу дунёнинг ўзида уларга аввалгидан яхшироқ эвазларини беради. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло ушбу оятда таъкидлаб айтмоқда:

«Зулмга дучор бўлганларидан сўнг Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилганларни бу дунёда, албатта, гўзал(жой)га жойлаштирамиз».

Ҳижрат сабабли йўқотган ерларидан кўра гўзалроқ жойга жойлаштирилади. Аммо бу ниҳойи мукофот эмас.

«Охираат ажри каттароқдир, агар биладиган бўлсалар.»

Улар ҳижрат йўлида тортган машаққатлари учун битмас-туганмас ажру савоблар ҳамда мартабаларга эришадилар. Чунки:

الَّذِينَ صَبَرُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٥٧﴾

42. Улар сабр қилган ва Роббиларига таваккал қилганлардир.

Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилиш осон эмас. Бу йўлда сонсиз-саноксиз қийинчиликларга, машаққатларга сабр қилиш лозим бўлади. Она ватан фироқига, ота-она, қариндош-уруғ ва ёру дўстларнинг фироқига сабр қилишга тўғри келади. Мусофирчиликда, бегона юртларда юзага келадиган турли азоб-уқубатларга, моддий ва маънавий қийинчиликларга ҳам сабр этиш керак бўлади.

Муҳожирлар ана ўша қийинчиликларга, машаққатларга, азоб-уқубатларга сабр қилган улуғ кишилардир. Улар Аллоҳнинг розилиги учун сабр қилган ва бу аснода фақат Роббиларига таваккал этган ҳамда фақат Унгагина суянган зотлардир.

Сўнгра, яна Пайғамбар алайҳиссаломларнинг вазифаларини баён қилишга қайтилади:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ إِلَّا رَجَا لَأَنُوحِيَ إِلَيْهِمْ فَسَأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٤٣﴾

43. Биз сендан олдин ҳам фақат эр кишиларни юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўранглар.

Яъни, биз, одатимиз бўйича, доимо эр кишиларни Пайғамбар қилиб юбориб, уларга ваҳий туширганмиз. Фаришталарни ҳам, аёлларни ҳам Пайғамбар қилмаганмиз. Эй, қурайшликлар, эй, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инкор қилаётганлар!

«Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўранглар.»

Зикр аҳллари — илоҳий китоб аҳллари, ўшалардан сўранглар. Улар сизларга Пайғамбарлар одам бўлганми, фариштами ёки бошқа нарсами — айтиб берадилар.

Гарчи, ушбу жойда «зикр аҳли» — эслаш, билиш аҳли аввалги илоҳий китоблар аҳллари бўлса ҳам, бошқа ҳар бир масаланинг ўз «зикр аҳли» бўлиши ҳақдир. Шунга биноан, Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримадаги:

«Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларидан сўранглар», деган қавли умумий қоида бўлиб қолган. Мусулмон одам бирор нарсани билмай қолса, уни биладиган кишидан, ўша соҳанинг «зикр аҳли»дан ўрганиши лозим бўлади. Эътиқод ва дину диёнатга тегишли нарсалардан бошқа нарсаларни ғайридиндан бўлса ҳам ўрганиш лозим бўлади.

Пайғамбарлар юборишга оид гаплари давомида Аллоҳ таоло яна қуйидагиларни айтади.

Биз Пайғамбарларни:

بِالْبَيِّنَاتِ وَالزُّبُرِ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٤﴾

44. Очiq-ойдин баёнотлар ва китоблар ила (юбордик). Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик. Шоядки, тафаккур қилсалар.

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласи ўзидан олдинги оятнинг узвий давомидир. Ана ўша эътибордан умумий маъно, Биз сендан олдин ҳам эр кишиларни «**Очиқ-ойдин баёнотлар ва китоблар ила** (юбордик)», бўлади.

«Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик.»

Қуръони Каримнинг исмларидан бири «Зикр» эканини бошқа жойларда ҳам айтиб ўтган эдик. Ушбу оят ҳам уни «Зикр» деб атамоқда. Яъни, Пайғамбарларни ўз қавмларига турли очиқ-ойдин баёнотлар ва китоблар билан юбордик. Сени эса, одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикр – Қуръон ила юбордик.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалги китобларга амал қилиб келаётган қавмларга уларга тушган нарсанинг ҳақиқати нимадан иборат эканини айтиб берадилар. Шунингдек, аҳли китоб бўлмаган бошқа замондошларига ҳам Қуръонни баён қилиб берадилар. Бу баёнлардан мақсад шуки, одамлар

«Шоядки, тафаккур қилсалар».

Ҳамда тафаккурлари туфайли ҳақ йўлни топсалар.

Кейинги келадиган оятларда ҳақни инкор этиб, мутакаббир бўлиб юрганларга «Аллоҳнинг макридан эмин бўламан» деб ўйлашнинг оқибати яхши бўлмаслиги эслатилади. Ҳамда дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳга тасбиҳ айтиб, ибодат қилиши таъкидланади:

أَفَأَمِّنَ الَّذِينَ مَكَرُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ يَخْسِفَ اللَّهُ بِهِمُ الْأَرْضَ أَوْ يَأْتِيَهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٠﴾

45. Макр ила ёмонликлар қилганлар, Аллоҳ уларни ерга ютқазиб юборишидан ёки уларга кутмаган томонларидан азоб келиб қолишидан хотиржам бўлдиларми?!

Иймон келтирмай, макр ила ёмонлик қилиб юрганлар нимага ишониб юрибдилар? Иймон келтирганлар Аллоҳга ишониб юрибдилар. Аммо булар-чи? Кимга, нимага ишониб юрибдилар? Улар куфр келтираётган, исён қилаётган Зотлари ким эканлигини биладиларми ўзи? Улар Аллоҳ таолога, ҳаммадан қудратли Зотга куфр келтирмоқдаларми? Қудрати чексиз Зотга исён қилаётган экан, агар Аллоҳ хоҳласа, уларни бир зумда ерга ютириб юбориши мумкин. Ерга бир амр этса, кифоя, уларни ютиб юборади. Ибрат учун баъзи жойларда тез-тез зилзила бўлиб, одамларни ер ютиб туриши бунга мисолдир.

Ёки кутилмаган томондан азобга дучор бўлишлари ҳам жуда осон. Бундай ишлар ҳам тез-тез такрорланиб турибди-ку!

أَوْ يَأْخُذَهُمْ فِي تَقْلُبِهِمْ فَمَا هُمْ بِمُعْجِزِينَ ﴿٤٦﴾

46. Ёхуд уларни ҳаракатлари асносида олишидан, улар У зотни ожиз қолдирувчи бўла олмасликларидан (хотиржаммилар)?

Агар Аллоҳ хоҳласа, уларни ҳаракатда бўлиб, давлатма-давлат, шаҳарма-шаҳар кезиб, сайру саёҳат, тижорат ёки бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрганларида ҳам олаверади. Ўша пайтда одамлар Аллоҳни ожиз қолдириб қочиб қутула билмайдилар. Шу нарсаларни ҳам ўйлаб кўрмайдиларми? Нимага ишониб кофир ҳолида хотиржам юрибдилар?

أَوْ يَأْخُذَهُمْ عَلَى تَخَوُّفٍ فَإِنَّ رَبَّكُمْ لَرَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿٤٧﴾

47. Ёки У зот уларни хавфсираб турган ҳолларида олишидан ҳам (хотиржаммилар)? Албатта, Роббингиз меҳрибон ва раҳимлидир.

Аллоҳга барибир, агар хоҳласа, қўрқиб-писиб, беркиниб юрганларга ҳам бало ёғдираверади. Уларнинг қўрқиб ҳушёр туришлари, тайёргарлик кўриб қўйишлари фойда бермайди. Лекин Аллоҳ уларга фурсат бериб, тек қўйиб қўяди.

«Албатта, Роббингиз меҳрибон ва раҳимлидир.»

Одамлар У зотни инкор қилсалар ҳам, Унга куфр келтириб, исён этсалар ҳам, гарчи уларни ҳалок қилиш Ўз қўлида бўлса-да, тек қўяди. Уларга ўзларини ўнглаб олишлари учун муҳлат беради.

Агар кофирлар эътибор бериб атрофга назар ташласалар, ўзларидан бошқа ҳамма нарса Аллоҳга сажда қилаётганини кўрар эдилар.

أَوَلَمْ يَرَوْا إِلَى مَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ يَنْفَعِيهِمْ وَأُظْلَمُوا عَنْ الْيَمِينِ وَالشَّمَائِلِ سَجِدًا لِلَّهِ وَهُمْ دَاخِرُونَ ﴿٤٨﴾

48. Ахир улар Аллоҳ яратган ҳар бир нарсанинг соялари ўнгга, чапга мойил бўлиб, Аллоҳга сажда қилиб ётганини ва улар бўйсунувчи эканини кўрмайдиларми?!

Ушбу ояти карима барча мавжудотларнинг Аллоҳ жорий этган қонун-қоидаларга бўйсунушларини «Аллоҳга сажда қилиш» деб таърифламоқда. Бу ҳолат ҳар бир нарсанинг сояси ўнг ва чап томонла-

рига мойил бўлишидаги нозик ҳаракатлари ила васф қилинмоқда. Барча махлуқотлар Аллоҳга бўйсунган бўлишлари шу хилда таъкидланмоқда.

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ دَابَّةٍ وَالْمَلَائِكَةِ وَهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٤٩﴾

49. Осмонлару ердаги барча жонзотлар ва фаришталар фақат Аллоҳга сажда қилурлар. Улар мутакаббирлик қилмаслар.

Яъни, уларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳ жорий қилган қонун-қоидага бўйсундилар. Унинг хоҳишига биноан вазифаларини адо этадилар. Уларнинг ичида одамларга ўхшаб мутакаббирлик қилган кофирлари бўлмайди.

يَخَافُونَ رَبَّهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٥٠﴾

50. Улар устиларидаги Роббиларидан қўрқурлар ва ўзларига амр қилинган нарсаларни қилурлар.

Роббиларидан қўрқмайдиганлар ва ўзларига буюрилган амрни бажармайдиганлар фақат одамларнинг ичида бор, холос.

Ҳозир келадиган оятларда дунёда ягона илоҳ, ягона молик ва ягона неъмат берувчи зот бўлиши лозимлиги таъкидланади:

﴿ وَقَالَ اللَّهُ لَا تَتَّخِذُوا إِلَهَيْنِ اثْنَيْنِ إِنَّمَا هُوَ إِلَهٌُ وَاحِدٌ فَإِنِّي فَارְهَبُونَ ﴿٥١﴾

51. Аллоҳ: «Иккита илоҳ тутмангиз. Ҳақиқатда, У ёлғиз илоҳдир. Бас, Мендангина қўрқингиз», деди.

«Илоҳ» сўзи ибодатга лойиқ зот маъносида эканлиги авваллари ҳам бир неча бор айтиб ўтилган эди. Аллоҳ таоло ушбу оятда Ўзининг ибодатга сазовор ягона зотлигини алоҳида таъкидламоқда. Одамлар учун иккита илоҳ тутиш мумкин эмас. Икки маъбудга ибодат қилиб бўлмайди. Демак, уч ёки ундан кўп илоҳ тутиш умуман мумкин эмас.

«Ҳақиқатда, У ёлғиз илоҳдир.»

Илоҳликка лойиқ зот, ҳақиқатан, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир. Бошқа ҳеч қандай зот ибодатга сазовор бўла олмайди. Ягона Аллоҳдан ўзга на буту санамларга, на ҳайвонотга, на инсонга, на тузумларга ва на табиатдаги бошқа баъзи нарсаларга ибодат қилинади. Аллоҳ таоло ибодатга сазоворлик фақат Ўзига хослигини айтганидан сўнг, яна:

«Бас, Мендангина қўрқингиз», деди ва шу билан бандалар қўрқиши лозим бўлган зот ёлғиз Ўзи эканини баён қилди. Шунинг учун ҳам, бандалар ягона Аллоҳга ибодат қилмоқлари ва фақатгина Аллоҳдан қўрқмоқлари лозимдир.

وَلَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَلَهُ الدِّينُ وَاَصْبٰٓءُ اَفْعٰیۙرَ ۗ اَللّٰهُ نَتَقُوۡنَ

52. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Дин ҳам бардавом Уникидир. Аллоҳдан ўзгадан қўрқасизларми?

Ягона илоҳ бўлган зот – Аллоҳ осмонлару ердаги ҳамма нарсаларнинг молики – эгасидир. Ундан ўзга ҳеч ким у нарсаларга эга чиқа олмайди. Демак, У ҳам ягона илоҳ, ҳам ягона молиқдир. Шунингдек:

«Дин ҳам бардавом Уникидир».

Яъни, дин ҳам пайдо бўлганидан бошлаб ҳар доим Уники бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

«Аллоҳдан ўзгадан қўрқасизларми?!»

Ягона илоҳ, ягона молиқ, ягона дин эгаси қолиб, Ундан ўзга бутлардан, санамлардан, жонсиз мавжудотлардан, ҳайвонлардан, тузумлардан, одамлардан ёки шунга ўхшаш нарсалардан қўрқасизларми?

وَمَاۤیۡكُمۡ مِّنۡ نَّعۡمَةٍۢ مِّنۡ اَللّٰهِ ثُمَّ اِذَا مَسَّكُمُ الضُّرُّۙ فَاِلَیۡهِ تَجۡرُۡونَ

53. Сизда қайсики неъмат бўлса, Аллоҳдандир. Сўнгра, қачонки сизга ёмонлик етса, Унгагина ёлворасиз.

Ягона илоҳ, ягона молиқ, ягона дин эгаси бўлган зот – Аллоҳ ягона неъмат бергувчи ҳамдир.

«Сизда қайсики неъмат бўлса, Аллоҳдандир.»

Ундан ўзга ҳеч ким сизга неъмат бера олмайди.

«Сўнгра, қачонки сизга ёмонлик етса, Унгагина ёлворасиз.»

Оғир мусийбатга учраган, қийин аҳволга тушган пайтингизда инсоний табиатингиз ила, беихтиёр, Аллоҳга ёлбора бошлайсиз.

ثُمَّ اِذَا كَشَفَ الضُّرَّ عَنْكُمۡۙ اِذَا فَرِیۡقٌ مِّنۡكُمۡ بِرِہِمۡ یُشۡرِكُوۡنَ

54. Сўнгра, У сиздан ёмонликни кушойиш қилган чоғда, кўриб-сизки, сиздан бир гуруҳ ўз Роббиларига ширк келтирурлар.

Ёмонлик етган пайтида фақат Аллоҳга ёлбориб турган одамлардан баъзилари Аллоҳ таоло уларга етган ёмонликни кетказгандан сўнг, яна Аллоҳга ширк келтиришга ўтадилар.

لِيَكْفُرُوا بِمَا آتَيْنَاهُمْ فَتَمَتَّعُوا فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾

55. Уларга берган нарсаларимизга куфр келтирурлар. Бас, ҳузурланиб туринглар, тезда билурсиз.

Ўша ширк келтирганлар ўзларининг бу ишлари ила «Уларга берган нарсаларимизга куфр келтирурлар».

Берган неъматларимизнинг барчасига, жумладан, бало-офатдан қутқазиб неъматига ҳам куфр келтирурлар. Ношукрлик қилурлар. Ягона неъмат бергувчи зотга — Аллоҳга ширк келтиришдан ҳам ортиқ ношукрлик борми?

«Бас, ҳузурланиб туринглар, тезда билурсиз.»

Бас, эй, мушриклар, ҳозирча, ўзларингизча, мазза қилиб яшай-веринглар. Тезда бу қилмишингизнинг оқибати нима бўлишини билиб оласиз.

وَيَجْعَلُونَ لِمَا لَا يَعْلَمُونَ نَصِيبًا مِّمَّا رَزَقْنَاهُمْ تَاللَّهِ لَتُسْأَلُنَّ عَمَّا كُنْتُمْ تَفْتَرُونَ ﴿٥٦﴾

56. Ва улар ўзлари (моҳиятини) билмаган нарсага Биз уларга берган ризқдан насиба ажратурлар. Аллоҳга қасамки, ўзингиз уйдирган ёлғон нарса ҳақида албатта сўралурсиз.

Яъни, мушриклар ўзлари асл моҳиятини билмайдиган бутларига Биз берган ризқдан насиба ажратадилар.

Жоҳилият пайтида мушриклар баъзи ҳайволарни маълум бир бутларга атаб қўяр эдилар. Ўша ҳайвон аталгандан сўнг, «Бу фалон худонинг насибаси» деб унга алоҳида эҳтиром ила муомала қилинарди. Ўша ҳайвон минилмас, устига юк юкланмас, сути ичилмас, гўшти ҳам ейилмас эди. Аслида, у ҳайвонни ҳам Аллоҳ таоло инсонларга неъмат қилиб берган эди. Аммо мушриклар, Аллоҳнинг бу ризқига ўзларича ёлғон уйдириб, асл моҳиятини ўзлари ҳам билмайдиган бутларига насиба қилиб қўйдилар. Бу катта гуноҳдир. Шунинг учун, уларга хитобан:

«Аллоҳга қасамки, ўзингиз уйдирган ёлғон нарса ҳақида албатта сўралурсиз», дейилмоқда.

Қиёмат куни бу ҳақда албатта сўралишлари таъкидланмоқда.

وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ الْبَنَاتِ سُبْحَانَ وَلَهُمْ مَا يَشْتَهُونَ ﴿٥٧﴾

57. Улар қизларни Аллоҳники қилишур. У (бундан) покдир. Уларга эса, кўнгиллари тусагани (эмиш).

Мушрикларнинг яна бир улкан нобакорликлари бор:

«Улар қизларни Аллоҳники қилишур».

Мушрикларда «фаришталар Аллоҳнинг қизларидир», деган бузуқ эътиқод бор эди. Ушбу оятда уларнинг ўша эътиқодлари танқид қилинмоқда.

«У (бундан) покдир.»

Аллоҳ «қизи бор» деган айбдан покдир. Чунки, фарзандга муҳтож бўлиш нуқсондир. Аллоҳнинг ҳеч қандай нуқсони йўқдир.

«Уларга эса, кўнгиллари тусагани (эмиш).»

Яъни, мушрикларга кўнгиллари тусаган ўғил фарзандлар эмиш. Жоҳилият даврида қиз фарзанд ор-номус ҳисобланар эди. Шунинг учун, мушриклардан ҳеч ким қиз фарзанд кўришни хоҳла-мас эди.

وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِالْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٥٨﴾

58. Қачонки улардан бирига қизнинг хушxabари берилса, ғам-аламга тўлиб, юзи қорайиб кетур.

Мушрикларнинг бирортасига оиласида қиз бола туғилгани ҳақида хушxabар берилса, хафа бўлганидан, ғам-аламга тўлганидан, юзи қорайиб кетар эди.

يُنَوَّرِي مِنَ الْقَوْمِ مِنْ سُوءِ مَا بُشِّرَ بِهِ ۚ أَيُمْسِكُهُ عَلَىٰ هُونٍ ۖ أَمْرٌ يَدُسُّ فِيهِ التُّرَابُ ۚ أَلَسَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٥٩﴾

59. Унга берилган хушxabарнинг ёмонлигидан (уялиб) қавми-дан беркинул. У(қиз)ни хорлик-ла олиб қолсамикин ёки тупроққа кўсамикин? Огоҳ бўлинг! Улар қилган ҳукм нақадар ёмон.

Мушрикларнинг гумроҳлиги шу даражадаки, улардан ҳар бири оиласида қиз фарзанд туғилганини эшитиб, бу хабарнинг ёмонлигидан уялиб, одамлар кўзидан беркиниб юради. Одамларга кўри-нишни хоҳламайди. Қиз кўрибсан, деб уни мазаммат қилишларидан қўрқади. Ўша беркиниб юрган ҳолида, бу қизни нима қилсам экан, деб ўйлайди. Ўзимга ор-номус қилиб олиб юраверсаммикан ёки ерга кўмиб юборсаммикан, деб хаёл суради.

«Огоҳ бўлинг! Улар қилган ҳукм нақадар ёмон.»

Эй одамлар, огоҳ бўлинглар! Мушрикларнинг қиз бола ҳақидаги ҳукмлари нақадар ёмон. Ўзлари қиз болани шунчалик хоҳламай туриб, қизларни Аллоҳники қилиши нақадар ёмон.

لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ مَثَلُ السَّوِّءِ وَلِلَّهِ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

60. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг мисоли ёмон мисолдир. Аъло мисол Аллоҳникидир. У азиз ва ҳакиймдир.

Мазкур мушриклар охиратга ҳам иймон келтирмайдилар. Агар ўша мушрикларни бирор нарсага ўхшатиш лозим бўлса, улар энг ёмон мисоллар ва энг ёмон сифатли нарсаларга ўхшатилади. Ҳа,

«Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг мисоли ёмон мисолдир».

Аллоҳ таолога эса, энг аъло мисоллар, энг аъло сифатлар бўлади. Ҳа,

«Аъло мисол Аллоҳникидир».

Шу билан бирга,

«У азиз ва ҳакиймдир».

У ғолиб Зотдир. Ҳаммадан, шу жумладан, мушриклар устидан ҳам ғолибдир. У ҳикматли Зотдир. Ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади.

Кейинги оятда Аллоҳнинг ғолиблиги ва ҳикматлилиги ҳақида бир кўриниш келтирилади:

وَلَوْ يَأْخُذُ اللَّهُ النَّاسَ بِظُلْمِهِمْ مَا تَرَكَ عَلَيْهَا مِنْ دَابَّةٍ وَلَكِنْ يُؤَخِّرُهُمْ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّىٰ فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَرْخِوْنَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ

61. Агар Аллоҳ одамларни қилган зулмларига биноан тутганида, ер юзида битта ҳам жонзотни қўймас эди. Лекин уларни белгиланган ажалига қўйиб қўюр. Қачонки, ажаллари келса, уни бир соат орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар.

Аллоҳ таоло инсонни яратади. Унга жон ато қилади. Турли аъзолар, қобилиятлар ва хусусиятлар беради. Шунингдек, юқоридаги оятларда зикр қилинганидек, санаб саноғига етиб бўлмайдиган нозу неъматларни беради. Дунёдаги барча махлуқотларни унга беминнат хизматкор этиб қўяди. Табиийки, инсон шукр қилиши, Аллоҳга иймон келтириб, ибодат қилиши лозим эди. Аммо кўпчилик шукрни унутади. Аллоҳга иймон келтирмай, кофир ёки мушрик бўлади. Унга исён этади. Бу иш катта зулмдир. Аллоҳ таоло ширкни «улкан зулм» деган.

«Агар Аллоҳ одамларни қилган зулмларига биноан тутганида, ер юзида битта ҳам жонзотни қўймас эди.»

Уларнинг зулмига яраша жазолаганида, ҳаммасини ҳалок қилиб юборар эди. Ер юзида тирик жон қолмасди.

«Лекин У уларни белгиланган ажалига қўйиб қўюр.»

Аллоҳ таолонинг Ўзи тақдири азалда ҳар бир банданинг ажалини белгилаб қўйган. Ўша ажал муддати келгунча бандалар бу дунёда яшаб турадилар. Одамлар буни тушунмай, шунча гуноҳлар қилсак ҳам, ҳеч нарса бўлмапти-ку, деб ўзларидан кетадилар. Мутакаббирлик ила кўпроқ гуноҳга – зулмга қўл урадилар. Шундай қилиб, белгиланган ажалга етиб келганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар.

«Қачонки ажаллари келса, уни бир соат орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар.»

Ажал Аллоҳ белгиланган вақтда келади. Уларни олиб кетади. Лекин мушриклар буни англаб етмай, ҳис этмай, турли гуноҳларни қилаверадилар.

وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ مَا يَكْرَهُونَ وَتَصِفُ أَلْسِنَتُهُمُ الْكُذِبَ أَنَّ لَهُمُ الْحُسْنَىٰ لَا جُرْمَ
أَنَّ لَهُمُ النَّارَ وَأَنَّهُمْ مُّفْرَطُونَ ﴿٦٢﴾

62. Улар ўзлари ёқтирмаган нарсани Аллоҳники қилурлар. Уларнинг тиллари эса, ёлғондан ўзларига гўзал (оқибат) бўлишини васф қилур. Ҳеч шубҳа йўқки, уларга, албатта, дўзах бўлур ва, албатта, улар нутилганлардир.

Мушриклар асл эътиқодлари бузуқ бўлгани учун ҳар қандай ширк ишларни қилаверадилар. Хаёлларига келган мутлақо мантиқсиз гапларни ҳам айтаверадилар. Мисол учун:

«Улар ўзлари ёқтирмаган нарсани Аллоҳники қилурлар.»

Мушриклар қиз фарзандни қанчалик ёқтирмасликларини олдинги оятлардан билдик. Шу билан бирга, ўзлари хоҳламаган қиз фарзандни Аллоҳ таолога нисбат беришлари ажабланарли. Шунчалик ҳам нодонлик, одобсизлик, мантиқсизлик бўладими? Ўзинг ожиз, нотавон ва ифлос бир мушрик бўла туриб, ўзингга қиз фарзанд бўлишини ор биласан-у, барча олий сифатлар соҳиби, сенинг ва дунёдаги барча нарсаларнинг холиқи, илоҳи, молики, розиқи бўлмиш Аллоҳга «Унинг қизи бор» деб туҳмат қиласан. «Фаришталар Аллоҳнинг қизидир», дейсан.

Бундан ҳам ажабланарлиси шуки, мушриклар ўзлари кофир бўла туриб, турли гуноҳларни қилиб, қудратли холиққа ширк келтириб,

яна, «Биз тўғри йўлдамиз» деб даъво қиладилар. Бу ҳақда тиллари бийрон-бийрон сайрайди.

«Уларнинг тиллари эса, ёлғондан ўзларига гўзал (оқибат) бўлишини васф қилур.»

Яъни, биз тўғри йўлдамиз, бизнинг оқибатимиз гўзал бўлади, деб лоф урадилар. Лекин уларнинг бу гаплари ҳам бошқа гаплари каби фирт ёлғондир. Уларнинг оқибатлари гўзал бўлмайди.

«Ҳеч шубҳа йўқки, уларга, албатта, дўзах бўлур ва, албатта, улар унутилганлардир.»

Улар мушрик бўлганлари учун дўзахга энг олдин — биринчилар қаторида кирадилар ва ўша ерда «унутиладилар».

تَاللّٰهِ لَقَدْ اَرْسَلْنَا اِلٰى اَمَمٍ مِّنْ قَبْلِكَ فَرِيْنٌ لَّهُمُ الشَّيْطٰنُ اَعْمٰلَهُمْ فَهُوَ وَلِيُّهُمْ الْيَوْمَ
وَهُمْ عَذٰبُ الْيَوْمِ

63. Аллоҳга қасамки, Биз сендан олдинги умматларга ҳам (Пайғамбар) юборганмиз. Бас, шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатди. У бугун уларнинг дўстидир. Уларга аламли азоб бўлур.

Ояти каримадаги хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган бўлиб, Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни қавмларидаги мушрикларнинг мантиқсиз гап-сўзлари, ботил эътиқодлари ва ифлос қилмишларидан ажабланмасликка чақирмоқда. Чунки, бундай номаъқулчиликни фақат булар қилаётгани йўқ, улардан олдин ҳам мушриклар бўлган.

«Аллоҳга қасамки, Биз сендан олдинги умматларга ҳам (Пайғамбар) юборганмиз.»

Ўша Пайғамбарлар ҳам сенга ўхшаб, қавмларига Бизнинг таълимотларимизни етказганлар. Уларнинг қавмлари ҳам сенинг қавмингга ўхшаб, уларни инкор этганлар, ширк келтирганлар ва бўлмағур эътиқодлар ҳамда нолайиқ амалларни қилганлар.

«Бас, шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатди.»

Мушрикларни иғво қилиб, уларга бузуқ эътиқод ва гуноҳ ишларни тўғри деб кўрсатди. Улар шу туфайли ўзларининг бузуқ эътиқод ва ишларида бардавом бўлдилар.

«У бугун уларнинг дўстидир.»

Шайтон бу дунёда мушрик-кофирларнинг дўстидир. Улар унинг айтганини қиладилар. Охиратда эса:

«Уларга аламли азоб бўлур.»

Сўнгра, Аллоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобни давом эттириб, шундай дейди:

وَمَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ إِلَّا لِتُبَيِّنَ لَهُمُ الَّذِي اخْتَلَفُوا فِيهِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ
يُؤْمِنُونَ ﴿١٤﴾

64. Биз сенга китобни, фақат, уларга ўзлари ихтилоф қилган нарсаларни баён қилишинг учун, иймон келтирадиган қавмларга ҳидоят ва раҳмат этиб нозил этдик, холос.

Ҳа, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримни турли халқларнинг ҳақ ва ботил, иймон ва куфр, яхшилик ва ёмонлик ҳамда бошқа нарсалар устидаги ихтилофларини баён этиб бериш учун нозил қилди.

Ҳа, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримни мўминларга ҳидоят маёғи ва Ўз раҳмати ўлароқ туширди.

Одамларнинг ўлик қалбларини тирилтириш ниятида Қуръон индирган Аллоҳ дунёдаги бошқа ўлик нарсаларни тирилтириш учун осмондан раҳмат ёмғирини ёғдирган Зотдир. Бу ва бундан кейинги оятларда васф қилинадиган бошқа ишларда Аллоҳ таолонинг ягона илоҳ эканлигига далолат қилувчи белгилар бордир:

وَاللَّهُ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿١٥﴾

65. Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлиmidан кейин тирилтирди. Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят – белгилар бордир.

Сув бўлмаса, ер юзида ҳаёт ҳам бўлмайди. Аллоҳ таоло ердаги ҳамма нарсани муҳайё қилса-ю, сув бермаса, ҳаёт йўқ. Ўша мавжуд нарсаларнинг бирортасини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бера олмайди. Аммо, бу ўринда Аллоҳ ер юзида яратган бутун мавжудотни эмас, балки биргина сувни олайлик.

«Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлиmidан кейин тирилтирди.»

Ер ўлик бўлса, ер юзидаги нарсалар ҳам жонсиз бўлади. Ер тирилиши билан унинг устидаги ҳамма нарсаларга жон киради. Демак, сув ҳамма нарсага ҳаёт бағишлайди. Сувни эса, фақатгина Аллоҳ таоло тушира олади. Ҳамма нарсага ҳаётни фақат Аллоҳгина бера олади. Демак, ҳамма нарсага маъбуд бўлишга фақат Аллоҳгина ҳақдир.

«Албатта, бунда эшитадиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.»

Эшитганидан ибрат оладиган қавмлар учун мазкур нарсада Аллоҳнинг ибодатга сазовор ягона Зот эканига доир белги, аломат бордир. Шунингдек:

وَإِنَّ لَكُمْ فِي الْأَنْعَامِ لَعِبْرَةً لِّتُنذِرُوا بِطُؤْنِهِۦٓ مِمَّا فِي بُطُونِهِۦٓ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِۦ وَمِنْ خَلْفِهِۦٓ رِيْحًا وَأَلْسَانًا يَلْقَوْنَ الشَّرَّ بَيْنَ يَدَيْهِۦٓ

66. Чорва ҳайвонларида ҳам сиз учун, албатта, ибрат бордир. Биз сизларни уларнинг қорнидан, гўнг ва қон орасидан ичувчилар (томоғи)дан осон ўтувчи соф сут ила суғорамиз.

Чорва ҳайвонларига — қўй, эчки, сигир ёки туяга боқсангиз ҳам, Аллоҳнинг ягона илоҳ эканига далолат қилувчи белгиларни кўрасиз. Уларнинг яратилиши ва уларга тегишли сон-саноксиз мўъжизаларни бир томонга қўйиб тулинг-да, улардан сут чиқишига бир назар солинг. Биз сизларни чорва ҳайвонлари қорнидан чиқадиган сут билан суғорамиз. Ўша томоғингиздан осонгина ўтадиган, мусаффо сут чорва ҳайвонининг қорнидан томирларига ўтувчи қон ва ташқарига чиқувчи гўнгнинг орасидан чиқади. Ҳайвон еган озуқа унинг қорнига тушади, ҳазм бўлиш жараёнида баъзиси қонга айланиб, томирларига ўтади, баъзиси сутга айланиб, елинига келади. Қолгани ахлатга айланиб, ташқарига чиқади.

Буни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қила олмайди, албатта. Ушбу оят нозил бўлганидан тортиб, яқин-яқинларгача одамлар сутнинг қон билан гўнг орасидан чиқишини англамас эдилар. Мазкур ҳақиқатни эндигина тушуниб етмоқдалар. Бу нарса Қуръоннинг илоҳий китоб эканига ёрқин далиллардан бири эмасми? Бу нарса ўша Қуръонни нозил қилган Зот илоҳу маъбуд бўлишга ҳақли эканини кўрсатмайди?! Озгина бўлса ҳам ақли бор одам учун бу нарсаларда битмас-туганмас далиллар бор.

Кейинги оятда Аллоҳнинг ягона илоҳу маъбуд бўлишга лойиқлигини тасдиқловчи яна бир далил келтирилади:

وَمِنْ ثَمَرَاتِ النَّخِيلِ وَالْأَعْنَابِ نَتَّخِذُونَ مِنْهُ سَكَرًا وَرِزْقًا حَسَنًا إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

67. Ва хурмо ва узумларнинг меваларидан маст қилувчи нарса ва гўзал ризқ олурсиз. Албатта, бунда ақл юритгувчилар учун оят — белги бордир.

Хурмо ва узумларни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи яратган. Эътибор қилган одам уларда ҳам улкан илоҳий мўъжизаларни кўради. Ҳозир у мўъжизаларни бир томонга қўйиб турайлик-да, ушбу оятда зикр қилинган нарсага эътибор берайлик.

«...хурмо ва узумларнинг меваларидан маст қилувчи нарса ва гўзал ризқ олурсиз.»

Хурмонинг ҳам, узумнинг ҳам меваси бор. Ўша мевага маълум бир усулда ишлов берилса, ундан маст қилувчи ичимлик олинади. Яна ўша меванинг ўзидан бошқачароқ йўсинда яхши ризқ олиш ҳам мумкин. Бу мевага бундай қобилиятни – турли ҳолатни қабул қилиш истеъдодини ким берди? Албатта, Аллоҳ таоло берди.

«Албатта, бунда ақл юритгувчилар учун оят – белги бордир.»

Бу нарсаларнинг мўъжизалигини, уларни яратган зот – Аллоҳнинг Ўзигина ибодатга сазовор маъбудлигига белги эканини тушуниб етиш учун ақл бўлиши лозим. Ана шу ақл эгалари хурмо ва узумлар мевасидан маст қилувчи ичимлик эмас, яхши ризқ олишга ҳаракат қилади.

Ушбу ояти карима Қуръони Каримда маст қилувчи ичимлик ҳақида нозил бўлган тўрт оятнинг биринчисидир. Кўриниб турибдики, бу оятда маст қилувчи ичимлик ҳақида муайян бир ҳукм йўқ. Аммо, унинг яхши ризққа қиёсан ёмон эканига ишора бор. Бу ишора мусулмонлар ичида маст қилувчи ичимликка қарши Қуръоний тарғиботнинг бошланишидир.

Келгуси ояти карималарда Аллоҳ таолонинг қудрати, ҳикмати-га далил ва бандалар ибрат олиши лозим бўлган нарсалардан бири ҳақида сўз кетади.

وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى النَّحْلِ أَنِ اتَّخِذِي مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا وَمِنَ الشَّجَرِ وَمِمَّا يَعْرِشُونَ ﴿٦٨﴾

68. Роббинг асаларига: «Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган сўритоклардан уй тутгин.»

Аллоҳ таолонинг ҳайвонотларга, жумладан, асаларига ваҳий қилиши унга илҳом бериши ҳисобланади. Аллоҳ таоло асаларини яратганда унга бир ҳис-туйғу ҳамда илҳомни қўшиб бергани учун, у кўпгина ақлли инсонлар қила олмайдиган аниқлик билан ўзига топширилган ишни бажаради. Жумладан, тоғлардан, дарахтлардан ва одамлар кўтариб қўйган сўриток каби нарсалардан ўзига уй туттади.

ثُمَّ كُلِي مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ فَاسْأَلِي سُبُلَ رَبِّكِ ذُلُلًا يَخْرُجُ مِنْ بَطُونِهَا شَرَابٌ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ فِيهِ شِفَاءٌ لِلنَّاسِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٦٩﴾

69. Сўнгра ҳамма мевалардан егин. Бас, Роббинг осон қилиб қўйган йўллардан юргин», деб ваҳий қилди. Уларнинг қоринларидан турли рангдаги шароб чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта, бунда тафаккур қилувчилар учун оят – белги бордир.

Ушбу оятда Аллоҳнинг асаларига ваҳийси ҳамда берган илҳомининг давоми келмоқда. Аллоҳ асаларига фақат уя қуришнигина эмас, балки бошқа нарсаларни ҳам илҳом қилгандир:

«Сўнгра, ҳамма мевалардан егин».

Уяни қуриб қўйиб, мевалардан емоқ ҳам асаларига Аллоҳ томонидан илҳом қилинган. Шунинг учун, у бошқа ҳайвонларга ўхшаб турмайди, тўғридан-тўғри мева гуллари томон учиб кетади ва уни емоққа киришади.

«Бас, Роббинг осон қилиб қўйган йўллардан юргин», деб ваҳий қилди.»

Аллоҳ асаларига ўша меваларни, уларнинг гулларини топиш йўллари осон қилиб қўйган. Одамзот топа олмайдиган жойда бўлса-да, асалари бир зумда уларни топиб боради. Ҳамда ўша мева ва гулларни ейди.

«Уларнинг қоринларидан турли рангдаги шароб чиқар.»

Асаларининг қорнидан чиқадиган асалларнинг ранги турли бўлиши бежиз эмас.

«Унда одамлар учун шифо бордир.»

Ўша асаларининг қорнидан чиққан турли рангли шаробда одамлар учун шифо бордир. Ушбу Қуръоний ҳақиқат тиб илми ривожланган сари янада аниқроқ ойдинлашиб бормоқда.

«Албатта, бунда тафаккур қилувчилар учун оят – белги бордир.»

Асаларининг ҳаёт тарзи, уларнинг уй қуриши, бориб мева ва гулларни еб келиб, асал қилишлари ва ўша асал одамлар учун шифо бўлиши каби ҳодисаларда катта мўъжизалар бор.

Буни асаларичилардан ёки асаларилар ҳақида ёзилган китоблардан батафсил ўрганган одам Аллоҳнинг биру борлигига, ибодатга сазовор ягона илоҳу маъбуд эканлигига кўплаб оят-белгилар топади. Фақат, бу белгиларни топиш учун тафаккур бўлиши шарт. Тафаккурсиз одамлар аввалгидек мушрик ҳолида юраверади.

Ҳамаср уламоларимиздан баъзилари асалари ва унга ўхшаш баъзи ҳайвонларга Аллоҳ таоло томонидан «ваҳий қилиниши» – уларнинг дақиқ ишларга йўлаб турилиши Аллоҳ томонидан Пайғамбарларга ваҳий юборилиши осон иш эканига яққол далилдир, дейдилар. Аллоҳ кичик бир ҳашаротга «ваҳий қилиши» собит бўлгандан кейин, Ўшал Буюк зотнинг Ўзининг ер юзидаги халифаси, Ўзи яратган махлуқотларнинг гултожи, одамлар ичидан танлаб олган энг яхшисига ваҳий юбориши жуда ҳам осондир.

Чорва ҳайвонлари, сут, мевалар, асалари ва асал зикр қилиб бўлинганидан кейин, келаси оятларда инсоннинг ўзига эътибор тортилади:

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ ثُمَّ يَنْوَفِّكُمْ وَمِنْكُمْ مَنْ يَرُدُّ إِلَىٰ أَرْذَلِ الْعُمُرِ لِكَيْ لَا يَعْلَمَ بَعْدَ عِلْمٍ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ قَدِيرٌ ﴿٧٠﴾

70. Аллоҳ сизларни яратгандир. Сўнгра, У сизларни вафот эттирадир. Сизлардан баъзилар билимли бўлгандан сўнг, ҳеч нарса билмаслиги учун, умрнинг энг заифлигига қайтариладир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва қодирдир.

Одамларни яратган зот Аллоҳдир. Шунинг учун ҳам, инсон Яратгувчисига шукрда, иймонда ва ибодатда бўлмоғи лозимдир. Лекин кўпчилик бундай қилмайди. Ношукр, кофир ва осий бўлади. Ҳамма билиб қўйиши лозимки:

«Сўнгра, У сизларни вафот эттирадир».

Табиийки, вафот эттирган Зот ҳисоб-китоб ҳам қилади. Ўлимдан олдин бунга ҳам тайёр бўлиш керак.

«Сизлардан баъзилар билимли бўлгандан сўнг, ҳеч нарса билмаслиги учун, умрнинг энг заифлигига қайтариладир.»

Буни ҳам ўйлаб қўйиш лозим. Агар ишлар инсоннинг истагича бўлса, одамзот ўлимни хоҳламагандек, қариб-чириб, ақли-ҳуши кетиб, ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолишни ҳам ҳеч истамаслиги аниқ. Аммо ўлим ҳам, қарилик ҳам ундан сўрамай келади. Инсонлар ўлимдан ваъз-насиҳат олгандек, қариликдан ҳам ўзларига панд-насиҳат олишлари лозим.

«Албатта, Аллоҳ билгувчи ва қодирдир.»

У зот ҳамма нарсани билиб қилади. У зотнинг ҳамма нарсага қудрати етади.

وَاللَّهُ فَضَّلَ بَعْضَكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الرِّزْقِ فَمَا الَّذِينَ فُضِّلُوا بِرَادِي رِزْقِهِمْ عَلَىٰ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فِيهِ سَوَاءٌ أَفَبِنِعْمَةِ اللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٧١﴾

71. Аллоҳ ризқда баъзингизни баъзингиздан афзал қилди. Бас, афзал қилинганлар ўз ризқларини қўлларида мулк бўлганларга, ҳамма тенг бўлсин деб, берувчи эмаслар-ку. Аллоҳнинг неъматини инкор қиладиларми?!

Сураинг аввалидан буён кўплаб оятларда Аллоҳ таоло одамларга ҳадсиз-ҳисобсиз, сонсиз-саноқсиз неъмат — ризқ бергани таъкидланиб келмоқда эди. Ушбу оятда ўша ризқ ҳаммага бир хил берилмагани айтиляпти:

«Аллоҳ ризқда баъзингизни баъзингиздан афзал қилди».

Бу ҳақиқат шубҳасиз ва равшандир. Бандаларга ризқ берилиши ҳам Аллоҳ таоло белгилаб қўйган қонун-қоида асосида бўлади. Баъзи одамлар ўта ақлли, олим ва мутафаккир бўлади. Аммо ризқ масаласида ҳолларига ҳавас қилиб бўлмайди. Эҳтимол, ўша олим барча қобилиятини илмга сарфлаб, ризқ-рўз топиш борасида ҳеч нарсага соҳиб бўлмагандир. Бунинг аксича, баъзи одамлар содда, унча закий ҳам бўлмайди. Аммо молу мулк топишда устаси фаранг бўлади. Гоҳида Аллоҳ оз ёки кўп ризқ бериб, бандаларини синаши ҳам мумкин.

Мазкур оятлар тушган пайтда ўша ерларда шу ҳолат маълум ва машҳур бўлган. Шу билан бирга, кейинги жумлада баён қилинадиган ҳолат ҳам бор эди.

«Бас, афзал қилинганлар ўз ризқларини қўлларида мулк бўлганларга, ҳамма тенг бўлсин деб, берувчи эмаслар-ку».

Бойлар қулларига қўлларидаги молу мулкни, ҳамма тенг бўлсин деб, бериб қўймайдилар-ку! Ҳа, бермайдилар. Бунда мушрикларнинг нотўғри ишларига ишорат бор. Юқоридаги оятларда айтиб ўтилганидек, мушриклар Аллоҳ уларга берган неъматлардан баъзиларини бутларга атар эдилар. Нима учун Аллоҳ берган ризқни қўлларидаги қулларга бермасдан бутларга берадилар? Бу ношукрлик эмасми? Бу, Аллоҳ берган ризқни нотўғри тасарруф қилиш эмасми? Нима, у мушриклар:

«Аллоҳнинг неъматини инкор қиладиларми?!»

Аллоҳ уларга берган неъматни ўзлари олмай бутларга берадиларми?

Ахир ўйлаб кўрмайсизларми?!

وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَنِينَ وَحَفَدَةً
وَرَزَقَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ أَفَبِالْبَاطِلِ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَتِ اللَّهِ هُمْ يَكْفُرُونَ ﴿٧١﴾

72. Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфт(ҳалол)лар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда

сизларга пок ризқларни берди. Ботилга иймон келтирадилар-у, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирадиларми?!

Ояти каримада жон, жуфти ҳалол, фарзанд ва набира каби неъматлар ҳақида сўз кетмоқда.

Бу орқали ўша улуғ неъматларни беришга ягона Аллоҳнинг Ўзи ҳақли экани таъкидланади. Шунингдек, Аллоҳ таоло мазкур неъматлардан баҳраманд бўлган бандаларнинг ягона илоҳи — маъбуди бўлишга ҳам ҳақли эканига ишорат қилинади.

«Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфт(ҳалол)лар қилди.»

Аллоҳ сизларни эр-хотин бўлиб, жуфт бўлиб яшайдиган қилди. Ўша жуфти ҳалолни ўзингиздан яратди. Эрни ҳам, хотинни ҳам бир жинсдан қилди. Бирини юқори, бошқасини паст жинсдан яратгани йўқ. Балки иккиси ҳам инсон, иккиси ҳам Аллоҳнинг бандаси ўлароқ яратилди. Бу улкан неъматдир. Эркаклар учун аёлларни ёки аёллар учун эркакларни яратиб бермаганида нима бўлар эди? Эркакларга эркаклик, аёлларга аёллик хусусиятини берган ким? Уларни бир оилада яшаб фарзанд кўриш бахтига муяссар қилган ким?

«...ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди.»

Аллоҳнинг бандасига фарзанд бериши улкан неъматдир. Шунингдек, жигаргўшасининг фарзандини кўриш, яъни, набирали бўлиш ҳам улкан неъмат ҳисобланади.

Инсонга болани ва набирани фақат Аллоҳ таологина беради. Инсоннинг ўзи бола ёки набирани хоҳлаган пайтида яратиб олади, деган гапнинг мантиқсизлигини ҳеч бир инсон, ҳатто, мушрику кофирлар ҳам инкор қилмайди. Аммо, бутунги кунда сунъий равишда ҳомиладор бўлаётганлар эса, Аллоҳ яратиб қўйган қонун-қоидалардан фойдаланмоқдалар, холос.

Аллоҳ инсонни, аввало, жонсиз тупроқдан яратди. Кейин эса, нутфа (сперма) орқали кўпайишини қонунлаштириб қўйди. Фақат, бу кўпайиш ҳалол-пок йўл билан бўлиши шартлигини Ўз китобида алоҳида таъкидлаб ҳам қўйди. Демак, инсон ўзига ҳалол жуфт, бола ва набиралар берган Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унгагина ибодат қилиб юрмоғи лозим. Акс ҳолда, ношукрлик бўлади.

«...ҳамда сизларга пок ризқларни берди.»

Аллоҳ инсонга покиза ризқ бергувчи ягона Зотдир. Ундан бошқа ризқ бергувчи зот йўқ. Демак, бу ўринда ҳам инсон Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унгагина ибодат қилмоғи лозим. Лекин одамларнинг кўпи, бунинг тескараси ўлароқ, Аллоҳга куфр ва ширк келтирадилар, исён ва гуноҳ қиладилар. Аллоҳнинг таълимотларига амал этмасдан, Унинг айтганларини бажармасдан, Унга турли бўлмағур буту санамни, табиатдаги мавжудотлар, ҳайвонотлар, одамлар ва тузумларни шерик этадилар. Нима учун шундай қиладилар?!

«Ботилга иймон келтирадилар-у, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирадиларми?»

وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَهُمْ رِزْقًا مِّنَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ شَيْئًا وَلَا يَسْتَطِيعُونَ ﴿٧٣﴾

73. Ва Аллоҳдан ўзга – уларга осмонлару ердан ҳеч бир ризққа молик бўла олмайдиган ва ҳеч нарсага қодир бўла олмайдиган – нарсаларга ибодат қилурларми?

Инсон шунчалик ҳам айниб, шунчалик ҳам нотўғри йўлларга кириб кетадими? Ўзини яратган Зотни, унга ўз жинсидан жуфти ҳалол яратиб берган Зотни, унга болалару набиралар ҳамда пок ризқлар ато этган Зотни қўйиб, бошқага ибодат қиладими?

Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган ўша нарсаси нима эканини ўйлаб кўрмайдими? Нима учун унга сиғиняпти, ўзи? Ахир, сиғинаётган нарсаси унга бирор ризқни бера олмайди-ку?! У нарса ризқ ҳам, неъмат ҳам беришга қодир эмас-ку! Хўш, ризқ беришга қодир бўлмаган, ҳеч бир ризқ бера олмайдиган нарсага нима учун ибодат қилади?!

Эй, мушриклар!

فَلَا تَضُرُّوْا لِلّٰهِ الْاَمْثَالَ ۚ اِنَّ اللّٰهَ يَعْلَمُ وَاَنْتُمْ لَا تَعْلَمُوْنَ ﴿٧٤﴾

74. Аллоҳга мисол келтирманглар! Албатта, Аллоҳ биладир. Сизлар эса, билмассизлар.

Мушрикларнинг Аллоҳ берган ризқ ва неъматлардан баҳраманда бўла туриб ширк келтиришлари, Ундан ўзгага ибодат қилишлари уларнинг Аллоҳ ҳақидаги нотўғри тасаввур ва эътиқодларига боғлиқдир. Улар дунёда Аллоҳга ўхшаш нарсалар бор, буту санамлар Аллоҳга ўхшаш илоҳ, улар Аллоҳнинг тимсолидир, деб эътиқод қиладилар. Шунинг учун ҳам, ушбу оятда:

«Аллоҳга мисол келтирманглар!» дейилмоқда.

Яъни, Аллоҳга мисол келтирманг. Фалон нарса ҳам Аллоҳ мисоли, деманг.

«Албатта, Аллоҳ биладир. Сизлар эса, билмассизлар.»

Ҳамма нарсани Аллоҳ билади. Сизлар ҳеч нарсани билмайсизлар. Шунингдек, зарбулмасал қилишни ҳам Аллоҳ билади:

ضَرَبَ اللّٰهُ مَثَلًا عَبْدًا مَّمْلُوكًا لَا يَقْدِرُ عَلَىٰ شَيْءٍ وَمِن رَّزْقِنَا مِنَّا رِزْقًا حَسَنًا ۗ فَهُوَ يَنْفِقُ مِنْهُ سِرًّا وَجَهْرًا هَلْ يَسْتَوِيَنَّ الْحَمْدُ لِلّٰهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٧٥﴾

75. Аллоҳ ҳеч нарсага қодир бўлмайдиган мамлук – қул билан Биз уни яхши ризқ ила ризқлантирган ва ўшандан махфий ва ошкоро инфоқ қиладиган кимсани мисол келтиради. Улар тенг бўлурларми? Ҳамду сано Аллоҳгадир. Лекин кўплари билмаслар.

Ушбу мисол ояти қарима нозил бўлган жойдаги араб жоҳилий жамияти воқелигидан олингандир.

«Аллоҳ ҳеч нарсага қодир бўлмайдиган мамлук – қул билан Биз уни яхши ризқ ила ризқлантирган ва ўшандан махфий ва ошкоро инфоқ қиладиган кимсани мисол келтиради.»

Исломни инкор этиб, Аллоҳга ширк келтираётганларнинг бошлиқлари Қурайшнинг зодагонлари, бойлари эди. У даврдаги бойларнинг мамлуклари – қуллари бор эди. Бу қуллар эгасига мулк, ўзлари ҳеч нарсага ҳақсиз бир жонзот эди. Уларнинг қиладиган иши хўжайинларининг буйруғини бажаришу улар берган нарсани олиб, раҳмат айтиш ва тирикчилик ўтказиш эди. Хўжайинлар Аллоҳ уларга берган молу дунё, ҳурлик ва турли имкониятлар туфайли истаган нарсаларини қилар, жумладан, Аллоҳ берган ризқдан хайр-эҳсон этар эдилар. Бечора қуллар эса, хўжайинлар улашган ризқдан зўрға кун ўтказганлари учун, бировга бирон нарса беришга қодир эмас эдилар.

«Улар тенг бўлурларми?»

Кўп ризқу рўзга эга бўлиб, ҳаммага хайр-эҳсон қиладиган хўжайин билан унинг ҳеч нарсаси йўқ қули тенг бўладими? Албатта, тенг эмаслар. Демак, ҳамманинг холиқи ва розиқи Аллоҳ таоло билан ҳеч нарсага қодир бўлмаган, мушриклар ибодат қиладиган бутлар ҳам тенг бўла олмайдилар.

Ушбу зарбулмасални келтиргани учун

«Ҳамду сано Аллоҳгадир».

Ҳамма бандалар бундай ҳамду санони тинмай айтишлари керак.

«Лекин кўплари билмаслар».

Эндиги оятда иккинчи зарбулмасал келтирилади:

وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا رَجُلَيْنِ أَحَدُهُمَا أَبْكَمُ لَا يَقْدِرُ عَلَى شَيْءٍ وَهُوَ كَلٌّ عَلَى
مَوْلَاهُ أَيْنَمَا يُوَجِّههُ لَا يَأْتِ بِخَيْرٍ هَلْ يَسْتَوِي هُوَ وَمَنْ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَهُوَ عَلَى صِرَاطٍ
مُسْتَقِيمٍ ﴿٧٦﴾

76. Аллоҳ икки кишини зарбулмасал келтирди. Бирлари соқов, ҳеч нарсага қодир бўлмас. У ўз хожасига юқдир. Қаерга юборса ҳам, яхшилиқ келтирмас. Ўша одам билан ўзи тўғри

Йўлда туриб, бошқаларни адолатга амр қиладиган киши баробар бўлурми?

Бу зарбулмасалдаги биринчи киши ҳеч нарсага қодир бўлмаган соқов, ожиз ва нотавон кишидир. Хўжасига юк бўлишдан бошқа ишга ярамайди. Уни хожаси қаерга юборса ҳам, бирор яхшилик келтира олмайди. Бу одам буту санамга ўхшайди. У ҳам соқов — гапира билмайди. Ҳеч қандай яхшилик ҳам келтира олмайди. Бировларга юк бўлади, холос.

Зарбулмасалдаги иккинчи одам эса, ўзи тўғри йўлда бўлиши билан бирга, бошқаларни ҳам адолатга чақиради. Бу, Аллоҳ таоло мисолидир.

Кар-соқов ва нотавон билан ўзи тўғри йўлда туриб, бошқаларни адолатга амр қиладиган киши ҳеч қачон баробар бўлмайди. Шунга ўхшаб, Аллоҳ таоло билан бутлар ҳам баробар эмас.

وَلِلَّهِ غَيْبُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا أَمْرُ السَّاعَةِ إِلَّا كَلَمْحِ الْبَصَرِ أَوْ هُوَ أَقْرَبُ
إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٧٧﴾

77. Осмонлару ернинг ғайб(илм)и Аллоҳникидир. Соат (қиёмат) иши эса, кўз очиб-юмгандек ёки ундан ҳам яқинроқдир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

Аллоҳ таолони инкор этиб, унга куфр келтириб, мушрик бўлиб юрган кимсалар билиб қўйсинларки:

«Осмонлару ернинг ғайб(илм)и Аллоҳникидир».

Баңдалари учун ғайб бўлган оламни фақат Аллоҳ таологина билади. Ундан бошқа ҳеч қандай зот ғайбни била олмайди. Осмонлар ва ердаги барча ғайбларни фақат Аллоҳгина билади. Ана ўша ғайб нарсалардан энг кўп сўраладигани қиёмат куни бўлиб, унинг номларидан бири «Соат»дир. Ўша Соат қачон келиши ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзига аёндыр.

«Соат (қиёмат) иши эса, кўз очиб-юмгандек ёки ундан ҳам яқинроқдир.»

Яъни, қиёмат жуда яқин. Унинг келишидан ғофил қолманг, тайёргарлигингизни кўринг. У жуда ҳам тез бўлиб қолиши мумкин. Аллоҳ таоло «Бўл!» деса, бас. Бир зумда, кўз-очиби юмгунча ёки ундан ҳам тезроқ бўлиши мумкин. Бунга ҳеч шубҳаланмай, тайёргарлигингизни кўринг.

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.»

Жумладан, қиёматни қоим қилишга ҳам.

وَاللَّهُ أَخْرَجَكُمْ مِنْ بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ
وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْئِدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾

78. Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди. У сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядки, шукр қилсангиз.

Инсоннинг онаси қорнидаги ҳолини фақат Аллоҳ билади. Инсон баъзи бир зоҳирий ҳолатларни билиши мумкин, холос. Асл ҳолни эса, Аллоҳ билади. Одам боласининг она қорнида пайдо бўлиши ва у ерда ривожланиш жараёни лаҳза-лаҳзаларигача фақат Аллоҳгагина маълум. Вақти-соати келиб, қачон ва қандоқ туғилиши ҳам ёлғиз Аллоҳ таологагина аён.

«Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди.»

Дунёда фақат инсон боласигина жуда ожиз ҳолда туғилади. Бошқа ҳайвонларнинг болалари туғилгандан бир оз ўтиб, ҳаракатга тушади, ўзи юради, онасини эмади ва бошқа ҳожатларини чиқаради. Инсон боласи эса, йиғидан бошқа ҳеч нарсани билмай тураверади. Ҳар бир нарсани унга соат, кун, ҳафта, ой эмас, балки йил давомида ўргатиш керак. Ўша ўрганиш ҳам Аллоҳ берган хусусиятлар билан бўлади.

«У сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди.»

Идрок этиш қобилиятига хизмат қилувчи мажмуани Қуръони Каримда «қалб» ёки «дил» деб аталади. Демак, онадан янги туғилган болага билим олиши учун зарур бўлган қулоқ, кўзлар ва дилларни ҳам Аллоҳ берган. Булар ҳам улуғ неъматдир. Уларнинг асл моҳияти, инсонга қандоқ берилиши ҳам фақат осмонлару ернинг ғайб илмини билгувчи Аллоҳ таологагина маълум. Инсон боласи бошқа сонсиз-саноқсиз неъматлар қатори мазкур қулоқ, кўз ва дил неъматларини берган Зотга қойил қолиши керак. Чунки бутун дунё бир бўлиб ҳаракат қилганда ҳам бир дона қулоқ, кўз ёки бир дона қалб-ни ярата олмайди. Аллоҳ бўлса, ҳаммага бу неъматларни беминнат бериб қўйибди.

«Шоядки, шукр қилсангиз.»

Шоядки, бу неъматларнинг қадрига етсангиз, шоядки, бу неъматларни берган Зотни тан олиб, унга иймон келтирсангиз, ибодат этсангиз ва шукр қилсангиз.

Келаси оятда Аллоҳнинг тафаккур ила англанадиган яна бир қудратини кўрсатувчи далилга эътибор жалб қилинади:

الْمَيْرَ إِلَى الطَّيْرِ مُسَخَّرَاتٍ فِي جَوِّ السَّمَاءِ مَا يُمْسِكُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ
لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٧٩﴾

79. Осмон ҳавосидаги беминнат бўйсундирилган қушларга қарамайдиларми? Уларни фақатгина Аллоҳ ушлаб турадир, холос. Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.

Само бўшлиғида қанот қоқиб турган қушни кўрамиз-у, бироқ унга эътибор бермаймиз. Чунки, уларни доимо шу ҳолатда кўриб ўрганиб қолганмиз. Бизга ўзи шундай бўлиши шартга ўхшаб туюлади. Даҳрийлар тили билан айтганда, «Табиат қонуни» бўлиб кўринади. Лекин ўзимизга «Ўша қонунни ким жорий қилди?» деган саволни бериб кўрмаймиз. Қалби уйғоқ инсонгина ўзини ўзи саволга тутади ва жавоб излаш жараёнида ҳақиқатга эришади. Қушни яратиб, унга қанот берган ким? Нима учун ҳамма қанотлилар учавермайди? Осмонни қушлар учиши учун мослаб қўйган ким? Бу ва бунга ўхшаш саволларнинг жавоби битта — қодир Аллоҳдир. Ҳа, уларни осмонда:

«...фақатгина Аллоҳ ушлаб турадир, холос».

Уларни ҳавода ушлаб турадиган бошқа зот йўқ.

«Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун оят-белгилар бордир.»

Ҳа, бундай оят-белгиларни англаб етиш учун иймон керак.

Энди эса, одамларнинг уйлари, тузар жойлари ва яшаш шароитларидаги Аллоҳнинг яратувчи ва қудратли Зот эканлигига далолат қилувчи белгилар ҳақида сўз кетади:

وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ سَكَنًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ جُلُودِ الْأَنْعَامِ بُيُوتًا تَسْتَخِفُّونَهَا
يَوْمَ ظَعْنِكُمْ وَيَوْمَ إِقَامَتِكُمْ وَمِنْ أَصْوَابِهَا وَأَوْبَارِهَا وَأَشْعَارِهَا أَثْنَاوَمِتْعًا إِلَىٰ حِينٍ ﴿٨٠﴾

80. Аллоҳ сизга уйлaringизни оромгоҳ қилди. У сизга чорва ҳайвонларининг терисидан кўчадиган ва қўнадиган кунингизда энгил кўтариладиган уйлар қилди. Уларнинг жунлари, юнглари ва қилларидан маълум вақтгача жиҳоз ва мато бўладиган қилди.

Инсоннинг уйи энг қулай оромгоҳи ҳисобланади. Уйдан бошқа жойда одам оромини йўқотади. Ўз уйидагича тинчлана билмайди. Буни ҳар бир инсон, хусусан, уйи йўқ кишилар жуда яхши ҳис

этадилар. Шунинг учун ҳам, Ислом динида уйга ва унинг осойишталик, хотиржамлик макони бўлишига катта эътибор берилган.

«Аллоҳ сизга уйлариңизни оромгоҳ қилди.»

Ҳар бир уй – оромгоҳ. Мусулмон инсон учун уй – емакхона, омонлик жойи, хотиржамлик маскани ва тинчлик-осойишталик марказидир.

«У сизга чорва ҳайвонларининг терисидан кўчадиган ва қўнадиган кунингизда енгил кўтариладиган уйлар қилди.»

Бу ҳам Аллоҳнинг неъматидир. Агар шундай қилмаганида кўчиб юрувчи, саҳро, чўлу биёбонларда яшовчи қабилалар оромгоҳ топа олмай қийналар эдилар.

«Уларнинг жунлари, юнглари ва қилларидан маълум вақтга-ча жиҳоз ва мато бўладиган қилди.»

Қўйнинг жуни, туянинг юнги ва эчкининг қилида, уйга ишла-тишдан бошқа, яна жуда кўп манфаатлар бор. Айниқса, кейинги вақтларда бу матоларнинг қиймати янада ортди, уларга талаб кучайди. Инсон Аллоҳнинг бу неъматига ҳам шукр қилиши керак. Уларни берган Аллоҳга иймон келтириб, ибодат этиши лозим.

Шунингдек, Аллоҳнинг бошқа неъматлари ҳам бор:

وَاللّٰهُ جَعَلَ لَكُمْ مِمَّا خَلَقَ ظِلَالًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنَ الْجِبَالِ أَكْنَانًا وَجَعَلَ
لَكُمْ سَرَائِلَ تَقِيكُمْ الْحَرَّ وَسَرَائِلَ تَقِيكُمْ بَأْسَكُمْ كَذٰلِكَ يُبَيِّنُ نِعْمَتَهُ
عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تُسَلِّمُونَ ﴿٨١﴾

81. Аллоҳ сизга Ўзи яратган нарсалардан соялар қилиб қўйди ва сизга тоғлардан бошпаналар, сизларни иссиқдан сақлайдиган кийимлар ва зарбадан сақлайдиган кийимлар қилиб қўйди. Шундай қилиб, У сизларга Ўз неъматини батамом қилиб берди. Шояд-ки, мусулмон бўлсангиз.

Бу ўринда инсон, айниқса, ушбу ояти қарима тушган жой ва вақтнинг одами кундалик ҳаётида муҳтож бўлиб турадиган Аллоҳнинг неъматлари ҳақида гап кетмоқда.

«Аллоҳ сизга Ўзи яратган нарсалардан соялар қилиб қўйди.»

Нарсаларнинг сояси, айниқса Арабистон ярим оролига ўхшаш доимо қаттиқ иссиқ бўладиган жойларда, инсонга катта неъмат ҳисобланади. Буни ҳам унга Аллоҳ берди.

«...сизга тоғлардан бошпаналар» қилиб қўйди.

Бу жумлада ғор ва унгурлар назарда тутилган бўлиб, улар ҳам турли вақтларда инсон учун бошпана вазифасини ўтаган.

«...сизларни иссиқдан сақлайдиган кийимлар ва зарбадан сақлайдиган кийимлар қилиб қўйди.»

Турли, айниқса пахтали кийимлар Арабистон чўлларида одамни иссиқдан сақлаган. Кийимсиз инсон бадани бирпасда қуёш иссиғида куйиб қолган.

Шунингдек, инсонга Аллоҳ таоло урушда ўзини найза, қилич ва камон ўқи зарбаларидан сақлайдиган зирҳли кийим ва совутларни неъмат қилиб берди. Ҳар бир инсон шу неъматларни бергувчи зотга – Аллоҳ таолога шукр айтиши, Унга иймон келтириб, ибодат қилиши лозимдир.

«Шундай қилиб, У сизларга Ўз неъматини батамом қилиб берди. Шоядки, мусулмон бўлсангиз.»

Ушбу сурада Аллоҳ жуда кўп неъматларни зикр қилди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга зарур неъматларнинг ҳаммасини камчиликсиз, батамом қилиб беради. Шоядки, буларни ўйлаб, мусулмон бўлсангиз.

Агар одамлар мусулмон бўлса, ўзларига фойда келади.

Эй Пайғамбарим!

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلْغُ الْمُبِينُ ﴿٨٥﴾

82. Агар юз ўгириб кетсалар, бас, сенинг зиммангда очиқ-ойдин етказиб қўйиш, холос.

Эй Пайғамбар, одамлар мусулмон бўлмай юз ўгириб кетсалар, хафа бўлиб юрма. Зиммангдаги вазифангни бажаравер. Сенинг зиммангдаги вазифа Аллоҳнинг таълимотларини очиқ-ойдин етказиб қўйиш, холос. Юз ўгириб кетган кофирлар ўзлари жавоб берадилар.

يَعْرِفُونَ نِعْمَتَ اللَّهِ ثُمَّ يُنْكِرُونَهَا وَأَكْثَرُهُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٨٦﴾

83. Улар Аллоҳнинг неъматини танирлар, кейин эса, инкор қилурлар. Уларнинг кўплари кофирлардир.

Аллоҳнинг неъматини била туриб инкор қилган киши аниқ кофир бўлади.

Кейинги оятда кофирларнинг оқибати нима бўлиши айтилади:

وَيَوْمَ نَبْعَثُ مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا ثُمَّ لَا يُؤْذَنُ لِلَّذِينَ كَفَرُوا وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ ﴿٨٧﴾

84. У кунда барча умматлардан гувоҳ келтирурмиз, сўнгра, куфр келтирганларга (узр учун) изн ҳам берилмас ва улар итобга ҳам қайтарилмаслар.

Бу иш қиёмат куни бўлиб, унда Аллоҳ таоло ўтган умматлардан ҳар бирига ўзининг Пайғамбарини гувоҳ қилиб келтиради. Шунинг учун ҳам, оятда қиёмат куни:

«...барча умматлардан гувоҳ келтирурмиз...» деб таъкидланмоқда.

Ўша куни ҳар бир Пайғамбар ўз уммати учун гувоҳлик беради. Эй Роббим, мен уларга Сенинг таълимотларингни етказдим, улар ундай ёки бундай қилдилар, деб ҳаммасини очиқ айтади. Кўпчилик олдида ҳамма нарса аён бўлади. Шармандаси чиққан кофирлар узр айтмоқчи бўладилар.

«...сўнгра, куфр келтирганларга (узр учун) изн ҳам берилмас.»

Чунки, энди вақт ўтган эди. Ҳамма нарсанинг вақти бор. Келтирган куфрлари, қилган гуноҳлари учун энди уларга узр айтишга изн эмас, итоб бўлур. Улар Аллоҳ таолони рози қилиш учун энди ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам,

«...улар итобга ҳам қайтарилмаслар».

Ушбу жумлани тафсир қилишдан олдин бир оз луғавий баҳс юритишимизга тўғри келади. Айтиш мумкин бўлса, ушбу жумлани шартли таржима қилинди. Қуръони Карим лафзи ила ушбу шартли таржима қилинган жумла «юстаътабун», деб келган. Бу сўзни араб тили алломалари ҳам узундан-узоқ баён қилишга мажбур бўладилар.

Бир одам бошқа бировнинг олдида айбдор бўлиб қолди. Ҳақ эгаси олдида айбига иқрор бўлди. Шунда у истиътоб қилади. Яъни, ҳақ эгасига, мени хоҳлаганингизча итоб қилинг. Кейин менга имкон беринг, ўша айбдор бўлган ишим бўйича сизни рози этадиган амал қилай, дейди.

Ушбу ояти каримада ҳам дўзахийлар қиёматда Аллоҳ таолодан истиътоб сўрашлари, яъни, қилган гуноҳлари учун итоб қилиб, сўнгра, уларни ҳаёти дунёга қайтаришини ва уларга амали солиҳ қилиб, Ўзининг розилигини топишларига имкон беришини сўрашлари, аммо уларга бу имконият берилмаслиги ҳақида сўз кетмоқда.

Худди шу маънодаги ояти карималар қуйидаги сураларда ҳам бор: «Рум» сурасида – 57-оят, «Фуссилат» сурасида – 24-оят ва «Жо-сия» сурасида – 35-оят.

Улар ўзлари айбланаётган ишни тўғрилаб, Аллоҳни рози қилишни жуда хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам, бўлиб ўтган ишлар учун бизни итоб қилинсин. Сўнг у дунёга қайтиб, итоб қилинган ишимиз бўйича Аллоҳни рози қиладиган амали солиҳ қилишимизга имкон берилсин, деб сўрайдилар. Лекин уларга энди бу имконият берилмайди.

Чунки:

وَإِذَارَاءَ الَّذِينَ ظَلَمُوا الْعَذَابَ فَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٨٥﴾

85. Зулм қилганлар азобни кўрган вақтларида, улардан у енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас.

Аллоҳ таолонинг ҳукми чиқиб, кофирларга жаҳаннам азоби кўрсатилгач, иш тамом бўлади. Энди уларга бериладиган азоб заррача енгиллатилмайди. Аксинча, борган сари оғирлашиб бораверади. Шунингдек, кофирларга ўзларини ўнглаб олиш учун муҳлат ҳам берилмайди.

وَإِذَارَاءَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا شُرَكَاءَهُمْ قَالُوا رَبَّنَا هَؤُلَاءِ شُرَكَائُنَا الَّذِينَ كُنَّا نَدْعُوا مِنْ دُونِكَ فَأَلْقُوا إِلَيْهِمُ الْقَوْلَ إِنَّكُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿٨٦﴾

86. Ва ширк келтирганлар ўзларининг «шерик»ларини кўрган чоғларида: «Эй Роббимиз, анавилар бизнинг Сендан ўзга ибодат қилган «шерик»ларимиз», дерлар. Бас, у(шерик)лар буларга: «Албатта, сизлар ёлғончидирсизлар», деб сўз ташларлар.

Бу ҳол ҳам қиёматнинг кўринишларидан бир кўринишдир. Бу дунёда залолатга кетиб, Аллоҳдан бошқани илоҳ деб эътиқод этган, ўшанга ибодат қилиб, яратганга ширк келтирганлар қиёмат куни ҳамма билан бир қаторда маҳшаргоҳга йиғилдилар. Ҳамма иш тамом бўлганини тушуниб етганларидан сўнг, ўзларини бир оз бўлса ҳам оқлашга уринадилар.

«...ширк келтирганлар ўзларининг «шерик»ларини кўрган чоғларида: «Эй Роббимиз, анавилар бизнинг Сендан ўзга ибодат қилган «шерик»ларимиз», дерлар.»

Шу тарзда улар айбларини ўша «шерик»ларига ағдармоқчи бўлдилар. Бу дунёда Аллоҳни тан олмасдан, қиёмат қоим бўлганда Аллоҳга «Эй Роббимиз» деб мурожаат этадиган, илтижо қиладиган бўлиб қолибдилар. Авваллар бошқани «роббимиз» деб юрганлар энди ўша «роббилари»ни «анавилар» дейдиган бўлиб қолишибди. Ўша «анавилар» уларни адаштириб, ўзига ибодат қилдирганлигини айтиб ўзларини оқламоқчи бўлдилар.

«У(шерик)лар буларга: «Албатта, сизлар ёлғончидирсизлар», деб сўз ташларлар.»

Ваҳоланки, ҳеч ким ўз айбини бировга ағдариб қутулиб кета олмайди. Қиёматда ҳамма ўзи учун ўзи жавоб беради.

وَأَلْقُوا إِلَى اللَّهِ يَوْمَئِذٍ السَّلَامَ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ ﴿٨٧﴾

87. Ўшал кунда у(мушрик)лар Аллоҳга таслим бўлурлар ва уйдириб юрган нарсалари ботил бўлур.

Қиёмат кунида ноилож қолган мушриклар Аллоҳ таолога таслим бўладилар. Бу дунёда мутакаббирлик билан Аллоҳни инкор этиб юрганларига пушаймон қиладилар.

«...ва уйдириб юрган нарсалари ботил бўлур.»

Охиратда буту санамларимиз бизга шафоатчи бўлади, дея ўзларича тўқиб чиқарган умидлари ботил бўлади.

الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ زِدْنَاهُمْ عَذَابًا فَوْقَ الْعَذَابِ بِمَا كَانُوا
يُفْسِدُونَ

88. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганларга фасод қилганлари учун азоб устига азоб зиёда қилдик.

Ўзи кофир бўла туриб, бошқаларни Аллоҳнинг йўлидан тўсган одамлар бешбаттар бузғунчилик қилган бўладилар. Чунки, кофирликнинг ўзи энг ёмон фасоддир. Одамларни Аллоҳнинг динидан тўсиш ундан ҳам ёмонроқ фасод саналади. Шу қилмишлари учун уларга:

«...азоб устига азоб зиёда қилдик».

Кофирликлари учун бир азоб берилса, одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсганлари учун азоби янада зиёда қилинади. Мазкур ҳукмлар ҳамма қавмлар учун умумийдир. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг қавмларига алоҳида муомала бўлади. Буни қуйида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинаётган хитобдан билиб оламиз:

وَيَوْمَ نَبْعَثُ فِي كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا عَلَيْهِمْ مِّنْ أَنْفُسِهِمْ وَجِئْنَا بِكَ شَهِيدًا عَلَىٰ هَؤُلَاءِ
وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيِينًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ

89. Ҳар бир умматга ўзидан гувоҳ олиб келган кунимизда сени анавиларга (умматингга) гувоҳ қилиб келтирамиз. Сенга Китобни ҳар бир нарсани баён қилувчи этиб, мусулмонларга ҳидоят, раҳмат ва хушxabар қилиб нозил этдик.

Яъни, қиёмат куни ҳар бир умматга ўз Пайғамбарини гувоҳ этганимиздек, сени ҳам умматингга гувоҳ қилиб келтирамиз. Сенга Қуръони Каримни нозил қилишдан мақсад ҳар бир нарсани баён қилиб беришдир. Ўша китобдан бошқа бирон нарсга тўғри баёнотни

бера олмайди. Шу билан бирга, Қуръон мусулмонлар учун ҳидоятдир. Уларни тўғри йўлга бошловчи ҳидоят маёғидир. Яна, Қуръон мўминлар учун Аллоҳнинг раҳматидир. Ва ниҳоят, Қуръони Карим мўминлар учун хушxabардир, уларга иймонлари орқасидан келадиган яхшиликлар хушxabарини беради.

Келаси оятларда ўша баёнотлар, ҳидоят, раҳмат ва хушxabарлардан баъзи намуналар келтирилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايَ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ﴾

90. Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишга амр этадир ва фаҳшу мункар (ишлардан) ҳамда зулмкорликдан қайтарур. У сизларга ваъз қилур. Шоядки, эсласангиз.

«Муфассирлар шоҳи» лақабини олган Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда у киши: «Қуръондаги энг жамловчи оят шу оятдир. Эргашиладиган яхшилиқни ҳам, четланиши лозим бўлган ёмонлиқни ҳам жамлаб зикр қилган», деганлар.

Албатта, Аллоҳ:

«Адолатга» амр этади.

Аллоҳ буюрган адолат – исломий мутлоқ адолатдир. Бу адолатга кўра, ҳар бир шахс, жамоат ва ҳар бир қавмга одилона муомалада бўлинади. Унда ҳавойи нафсга, дўстлик ёки душманликка, насабга, қудачилик ёки қариндошлиқка, бойлик ёки камбағалликка, кучлилик ёки заифликка қараб муомала қилинмайди. Ҳамма учун ўлчов бир.

«Эҳсонга» амр этади.

Эҳсон сўзи яхшилик қилиш маъносини англатади. Исломда эҳсоннинг эшиги кенг очилган. Қатъий адолат юзасидан ҳукм чиққандан сўнг, биров яхшилик қилиш ниятида ўз ҳақидан кечиб, бошқага бериши мумкин. Кимки ёр-биродарлари ёки бошқа инсонларга яхшилик қилса, жуда яхши, савоблари кўпайтириб берилади.

«...қариндошларга яхшилик қилишга амр этадир...»

Бошқаларга яхшилик қилиш ичида, айниқса, қариндошларга яхшилик этиш алоҳида ўрин тутати. Чунки, уларнинг ҳам қариндошлик, ҳам инсонлик ҳақлари бор.

«...ва фаҳшу мункар (ишлардан) ҳамда зулмкорликдан қайтарур.»

«Фаҳш» сўзининг луғавий маъноси ҳаддан ошишлиқдир. Лекин урфда кишилар номусига тааллуқли жиноятлар тушунилади.

«Мункар» деганда, инсоннинг соф табиати инкор қиладиган ишлар кўзда тутилади. Буни, албатта, шариат ҳам инкор этади.

«Зулмкорлик» эса, ҳаққа тажовуз қилиш ва адолатни бузишдир.

Шу нарсалар ила:

«У сизларга ваъз қилур. Шоядки, эсласангиз».

Дарҳақиқат, булар эслашга арзигулик ваъз-насиҳатдир.

وَأَوْفُوا بِعَهْدِ اللَّهِ إِذَا عَاهَدْتُمْ وَلَا تَنْقُضُوا الْأَيْمَانَ بَعْدَ تَوْكِيدِهَا وَقَدْ جَعَلْتُمُ
اللَّهَ عَلَيْكُمْ كَفِيلًا إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ ﴿۱۱﴾

91. Агар аҳдлашсангиз, Аллоҳнинг аҳдига вафо қилинг. Қасамларни таъкид қилинганидан сўнг бузманг. Батаҳқиқ, Аллоҳни ўзингизга кафил қилгансиз-а! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.

Ояти каримадаги «Аллоҳнинг аҳди» бирикмаси Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга қилинган байъатни ўз ичига олади. У, Аллоҳ буюрган ҳар бир яхши амални қилиш учун берилган аҳдни ифода этади. Бу ҳақида ўтган суралардаги худди шу маънода келган оятлар тафсирида муфассал сўз юритилган эди. Аҳдга вафо қилиш айрим шахслар, турли жамоалар, давлатлар ва ниҳоят, инсонлар билан жамият орасидаги ўзаро ишончни ушлаб туради. Бу орқали улар ўзаро бирлашиб туради. Агар, Худо кўрсатмасин, аҳдга вафо қилиш йўқолса, ишонч кетади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда бунга алоҳида аҳамият бериб:

«Агар аҳдлашсангиз, Аллоҳнинг аҳдига вафо қилинг», дейилади.

Демак, аҳдга вафо қилишлик мусулмон инсон учун жуда ҳам муҳим иш. Ҳар қандай аҳд унинг учун Аллоҳ таолога берилган аҳдга айланиб қолади. Шунинг учун, мусулмон инсон Аллоҳга берган аҳдига қандоқ аҳамият ила қараса, бандага берган аҳдига ҳам шундоқ аҳамит ила қарамоғи лозим.

«Қасамларни таъкид қилинганидан сўнг бузманг.»

Сиз аҳдлашаётиб, уни таъкидлаш учун Аллоҳнинг номи ила қасам ичгансиз, сиз қасамхўр бўлиб қолманг. Сиз аҳдлашаётиб, қасам ичиш ила:

«Батаҳқиқ, Аллоҳни ўзингизга кафил қилгансиз-а!»

Ҳа, ўша байъатга, аҳдномага, ўзингиз тузган ҳужжатга таъкид бўлиши учун Аллоҳнинг номини кўшиш ила ўзингизга Аллоҳни кафил, шоҳид—гувоҳ қилиб олгансиз-а! Сиз қасам ичиб, аҳдлашиб қўйиб, яна билганимни қилавераман, ким билиб ўтирибди, деб ўйламанг.

«Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.»

Ҳамда ўша билими асосида жазоингизни берур.

Аҳдга вафо қилиш жуда муҳим масала бўлганидан, уни кишиларга янада чуқурроқ тушунтириш мақсадида келаси ояти каримада зарбулмасал ҳам келтирилади:

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ نَقَظَتْ غَزَلَهَا مِنْ بَعْدِ قُوَّةٍ أَنْكَاثًا تَتَّخِذُونَ أَيْمَانَكُمْ دَخَلًا
بَيْنَكُمْ أَنْ تَكُونَ أُمَّةٌ هِيَ أَرْبَىٰ مِنْ أُمَّةٍ إِنَّمَا يَبْلُوكُمُ اللَّهُ بِهِ وَلِيُبَيِّنَ لَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
مَا كُنتُمْ فِيهِ تَخَلِّفُونَ ﴿١٢﴾

92. Тўқигани кучли бўлгандан сўнг уни сўкиб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан зиёдроқ бўлгани учун, қасамларингизни орангизга алдов воситаси қилиб олманг. Албатта, бу билан сизни Аллоҳ синамоқда, холос. Албатта, У қиёмат куни нима ҳақида ихтилоф қилганингизни баён қилиб берур.

Ушбу ояти каримада аввал аҳдлашиб, сўнгра аҳдини бузган одамлар ип билан бир нарсани мустаҳкам тўқиб бўлиб, кейин сўкиб-тарқатиб юборган эси паст хотинга ўхшатишмоқда. Дейлик, бир хотин куч-қувват, вақт ва ҳунар сарфлаб бир нарсани тўқийди. Оддий ипдан ўзига ҳам, бошқага ҳам фойда келтирадиган нарсани чиройли қилиб битиради. Аммо ундан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам фойда олмасдан туриб, дарҳол сўкиб-тарқатиб юборади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилиб, сўнгра уни бузган ёки аҳднома тузиб, унга амал қилмаган, қасам ичиб туриб, қасамидан тонган одамлар ҳам худди ўша ақли паст хотинга ўхшайдилар. Улар яхши ният билан байъат қиладилар, аҳднома тузиб, уни таъкидлаш, қувватли қилиш мақсадида Аллоҳнинг номи ила қасам ҳам ичадилар. Шу билан ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали, савобли улғу ишга қўл урадилар. Аммо, бир оз ўтмасдан, аҳдларини бузадилар. Уларнинг фойдали иши пароканда бўлиб, аҳд тузилишидан олдинги ҳолга қайтади. Аҳдни бузувчи одамнинг бу иши худди ўзи тўқиган нарсани ўзи тарқатиб юборган тентак аёлнинг ишига ўхшайди.

Аҳдни бузиш, асосан, ўз манфаатларини кўзлаб, кўпроқ кучли томонга ялтоқланиш мақсадида бўлгани учун, оятда:

«Тўқигани кучли бўлгандан сўнг уни сўкиб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан зиёдроқ бўлгани учун, қасамларингизни орангизга алдов воситаси қилиб олманг», дейилмоқда.

Аҳдига бевафо, субутсиз шахслар бир нарсага қасам ичиб қўйиб, кейин қасамхўр бўлиб кетаверади. Қасамини одамларни алдаш воситаси қилиб олади. Аслида, у одам субутсиз бўлгани учун ҳеч ким унинг гапига ишонмай қўйган бўлади. У алдовига одамларни ишонтириш мақсадида қасам ичади. Аммо қасамхўр, сўзини аҳду паймон, қувватланган муқаддас ваъда эмас, балки кишиларни алдаш воситаси, деб билади. Бугун биров билан бир нарсани аҳдлашган бўлса, эртасига кучлироқ бошқасини кўриб қолса, кечаги аҳдини бузиб, кучли билан аҳднома тузаверади. Ўша вақтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган баъзи кишилар мусулмонлар оз, кофирлар кўп ва кучли бўлгани учун ҳам байъатларини бузган эканлар. Аллоҳ таоло шундай субутсизликдан қайтармоқда. Аҳду паймон масаласида эътиқодга қаралмайди. Яъни, турли эътиқоддаги одамларга ҳам вафо қилиниши лозим.

Келаси жумлада бундай ҳолат синов учун бўлиши айтилмоқда:
«Албатта, бу билан сизни Аллоҳ синамоқда, холос».

Яъни, Аллоҳ ким аҳдида туриши-тура олмаслигини синаш учун бир умматни бошқасидан куч-қувват ва сону молда зиёда қилиб қўйди.

«Албатта, У қиёмат куни нима ҳақида ихтилоф қилганингизни баён қилиб берур.»

Аллоҳ таоло кимнинг ваъдасига вафоли, қасамига содиқ, аҳдида мустаҳкамлигини ҳам, кимнинг бевафо, қасамхўр, алдоқчи эканини ҳам, шунингдек, яна бошқа турли ихтилофли масалаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб беради.

وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَٰكِن يُضِلُّ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ
 وَلَسْئَلُنَّ عَمَّا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

93. Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни бир уммат қилар эди. Лекин хоҳлаган кимсани залолатга кетказди ва хоҳлаган кимсани ҳидоят қилади. Ва, албатта, қилиб юрган амалларингиздан сўралурсизлар.

Агар Аллоҳ хоҳлаганида, ҳамма одамларни бир хил истеъдодга эга қилиб яратар эди. Дунёда ҳамма бир хил бўлиб юрар эди.

«Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни бир уммат қилар эди.»

Лекин Аллоҳ буни хоҳламади. Одамларни турли савияда, турли истеъдодга эга қилиб яратди. Ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу билан бирга, ҳидоят ва залолат йўлини кўрсатиб ҳам қўйди.

«Лекин хоҳлаган кимсани залолатга кетказди ва хоҳлаган кимсани ҳидоят қилади.»

Кишиларни ҳидоятга бошлаб, залолатдан қайтарадиган таълимотларни тушириб, Пайғамбарларни юборди. Шунингдек, Аллоҳ таоло бандаларни мажбурламасликни ҳам ирода этди. Бандалардан ким залолатни ихтиёр қилса, уни залолатга кетказади, ким ҳидоятни ихтиёр этса, уни ҳидоятга етказади.

«Ва, албатта, қилиб юрган амалларингиздан сўралурсизлар.»

Кейинги оятда яна қасамни алдов воситаси қилиб олмаслик, аҳдни бузмаслик лозимлиги бошқача услубда қайтадан тайинланади.

وَلَا تَنْخِذُوا بِالْأَيْمَانِكُمْ دَخَلَا بَيْنَكُمْ فَزَلَ قَدَمُ بَعْدُ ثَبُوتِهَا وَتَذُقُوا السُّوءَ بِمَا صَدَدْتُمْ
عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَلَكُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

94. Қасамларингизни орангизда алдов воситаси қилиб олманг. Бас, қадам собит бўлганидан сўнг тоймасин ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганингиз учун ёмонликни татиб юрманг. Сизга улкан азоб бўлмасин.

Одамларни алдаш учун қасам ичиш нақадар катта гуноҳ эканлиги ушбу оятда яққол кўриниб турибди. Бу иш ҳаёти дунёнинг баъзи манфаатларига эришиш йўлида кишилар қалбига ёлғон хотиржамлик солишдан иборатдир. Қасамхўр фақат ўзининг беш кунлик дунёдаги озгина манфаатини ўйлайди. Аммо қилмиши туфайли руҳий ва ижтимоий ҳаётни саросимага солади. Ақийда, алоқа ва ўзаро муносабатларни ларзага келтиради.

«Қасамларингизни орангизда алдов воситаси қилиб олманг.»

Одамлар ишончини қозониш, уларни хотиржам қилиб қўйиб, мақсадига эришишни кўзлаш, уларга ўзини яхши кўрсатиш ниятида алдов учун қасам ичиш заррача иймони бор одам учун жуда ҳам оғир гуноҳдир. Бу иш жуда хатарли бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келади.

«Бас, қадам собит бўлганидан сўнг тоймасин.»

Қадами собитлик мустаҳкам ақийда ила бўлади. Одамларни алдаш учун қасам ичган одамнинг қадами тойган – ақийдаси бузилган ҳисобланади. Чунки, ақийдаси собит одам била туриб ёлғон қасам ичмайди. Қасамхўр бўлишнинг ўзи ақийдасига футур етгани ва қадами тойганининг аломатидир.

«...ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганингиз учун ёмонликни татиб юрманг.»

Қасамхўр қилмиши ва бошқа зарарли ишлари билан Ислом динига ҳам зарар етказади. Мусулмонлар шундай бўлар экан, деб Ислом тўғрисида бошқалар назарида нотўғри тасаввур пайдо қила-

ди. Натижада, одамларнинг кўнгли Исломдан совийди. Бу эса, одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсишдир. Бу катта жиноятга ўзига яраша жазо берилади. Ёмонлик тоттирилади. Охиратда эса:

«Сизга улкан азоб бўлмасин».

Демак, қасамхўрнинг асосий жазоси охиратга қолади. Бу дунёда қасамхўрга гувоҳлигини қабул қилмаслик, ишончсизлик билдириш, баъзи таъзир чоралари кўриш каби жазолар берилади. Аммо, кўпинча улар жазосиз қолишлари ёки қилмишларига яраша жазоланмасликлари мумкин. Шунинг учун ҳам, унга охиратда улкан азоб бўлиши тайин қилинган.

وَلَا تَشْتَرُوا بِعَهْدِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا إِنَّمَا عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٩٥﴾

95. Аллоҳнинг аҳдини оз баҳога сотиб юборманг. Агар билсангиз, сиз учун, албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир.

Бу ояти каримада мусулмон одам томонидан берилган аҳд «Аллоҳнинг аҳди» деб аталмоқда.

Аллоҳнинг аҳди даражасига кўтарилган аҳдни бузиш «уни оз баҳога сотиш» деб номланмоқда.

Бу дунёнинг арзимаган матоҳини деб Аллоҳнинг аҳдини бузиш катта зарар келтиришини таъкидлаб, Аллоҳнинг ҳузуридаги савобдан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқитилмоқда:

«Агар билсангиз, сиз учун, албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир».

Аҳдингизга вафо қилишингиз учун Аллоҳдан оладиган ажру савобингиз, бу дунёнинг ҳар қандай матоҳидан афзалдир.

Ушбу ояти карима қасам ҳақидаги оятдан кейин бевосита келганини, қасам таъкидланган аҳд эканини эътиборга оладиган бўлсак, қасамхўр ҳам Аллоҳнинг аҳдини арзон баҳога сотганларнинг энг катталаридан бўлади.

Эй, беш кунлик алдамчи дунёнинг арзимас матоҳи учун аҳдини бузиб, қасамхўр бўлиб юрганлар, билиб қўйинглар!

مَا عِنْدَكُمْ يَنْفَدُ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ بَاقٍ وَلَنَجْزِيَنَّ الَّذِينَ صَبَرُوا أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾

96. Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайдир. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса, боқийдир. Албатта, Биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз.

Бу дунёнинг матоҳи, мансаби, молу мулки ёки сиз қизиқиб унга эришиш учун аҳдингизни бузиб, қасамхўр бўлаётган нарсаларнинг ҳаммаси бебақо нарсалардир. Улар қанча кўп бўлмасин, тезда тугайди. Ҳа:

«Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайдир».

Агарки дунёдаги ҳамма нарса бир кишига мулк қилиб берилса ҳам, тугайди.

«Аллоҳнинг ҳузурдаги нарса эса, боқийдир.»

У ҳеч қачон тугамайди ҳам, камаймайди ҳам.

«Албатта, Биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз.»

Яъни, аҳдига вафо қилиб қасамига риоя этиш йўлидаги машаққатларга чидаб, сабр қилган одамларни энг яхши ажрлар билан мукофотлаймиз. Энг яхши амалига тегишли ажру савобимизни умумлаштириб, ҳамма ишларига берамиз.

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةً
وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٩٧﴾

97. Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз.

Исломда инсоннинг жинсига қараб мукофотланмайди. Насабига, мансаби ёки терисининг рангига қараб ҳам мукофотланмайди. Балки, мукофотлашнинг бирдан-бир ўлчови – иймон ва яхши амалдир.

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса...»

Бир хил ишни эркак киши қилса, алоҳида мукофот, худди ўша ишни аёл киши қилса, унга эркакнинг мукофотидан озроқ мукофот бериш Исломда йўқ. Аллоҳнинг ҳузурда бандалар ҳаммаси баробардир.

Мўмин одам яхши амални, Исломни яхши тушунмайдиган баъзи кишилар ўйлаганидек, фақат охират учун қилмайди. Балки, иймонли кишининг яхши амали ўз фойдасини дастлаб бу дунёда кўрсатади.

«...ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз...»

Зотан, иймон тақозоси ила қилинадиган яхши амалларнинг барчаси бу дунёда яхши ҳаёт кечиришни таъминловчи воситадир. Албатта, мўмин кишининг яхши амалининг ҳақиқий мукофоти охиратда бўлади. Охиратда:

«...албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ мўминга зулм қилмайди. Унга ҳар бир яхши иши учун бу дунёда бир нарса ато этилади. Охиратда эса, савоб берилади. Кофир ҳам яхшиликларига яраша таомланади. Охиратта борганда эса, яхшиликка савоб бўладиган нарсаси қолмайди», деганлар.

Кейинги оятларда Қуръони Карим, уни тиловат қилиш одоблари ва мушрикларнинг у ҳақдаги гап-сўзлари зикр этилади:

فَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ﴿٩٨﴾

98. Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри)дан паноҳ сўрагин.

Яъни, аввал «Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтиб туриб, кейин Қуръон қироатини бошлагин. «Аъузу биллаҳи»ни айтиш Қуръони Карим тиловати учун тилни поклайди. Кишини Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни ўқишга тайёрлайди. Шайтоннинг васвасасидан сақлайди. Бутун вужуди ва шуурини Аллоҳ томон буради. Ушбу ояти каримадан уламоларимиз Қуръон ўқишни бошламоқчи бўлган ҳар бир инсонга «Аъузу биллаҳи»ни айтиш вожиблиги ҳукмини чиқарганлар. Чунки, Аллоҳ шунга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амри ҳар бир мўминга вожиб. Уни қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

إِنَّهُمْ لَكَاِبِتُونَ لِلَّهِ يُتَوَكَّلُونَ عَلَى الَّذِينَ آمَنُوا وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٩٩﴾

99. Албатта, иймон келтирганларга ва ўз Роббиларига таваккал қилганларга у (шайтон)нинг султони йўқ.

Шайтон қанча уринмасин, қанча васваса қилмасин, Аллоҳга иймони бор одамни йўлдан ура олмайди. Чунки, мўмин одамнинг қалби Аллоҳга боғлиқ бўлади. Аллоҳга боғлиқ қалбга эса, на васваса таъсир қилади ва на ғулғула тушади. Аллоҳгагина таваккал қиладиган, фақат Унгагина суюнадиган мўминлар бошқа томонга умуман қиё боқмайдилар. Шунинг учун ҳам, шайтон мўминга ва Аллоҳга таваккал қилувчи шахсга султонини — ҳукмини ўткази олмайди.

إِنَّمَا سُلْطَانُهُ عَلَى الَّذِينَ يَتَوَلَّوْنَهُ وَالَّذِينَ هُمْ بِهِ مُشْرِكُونَ ﴿١٠٠﴾

100. Унинг султони фақат уни дўст тутадиганларга ва у сабабли мушрик бўлганларга, холос.

Шайтонни ўзига валий ва дўст этиб олганлар бўлса, албатта, шайтон уларга эга бўлиб, султонини ўтказади. Шунингдек, шайтон сабабли мушрик бўлганлар бўлса, унга ибодат қилиб, Аллоҳга ширк келтирган ёки шайтон васвасасига учраб, бошқа нарсаларни Аллоҳга шерик қилганлар бўлса, уларга ҳам шайтон ўз султонини ўтказади.

Ана ўшандай мушриклар Қуръони Карим ҳақида ҳам турли бўлмағур гапларни чиқарадилар.

وَإِذَا بَدَّلْنَا آيَةً مَّكَانَ آيَةٍ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُنَزِّلُ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مُفْتَرٍ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٠٠﴾

101. Қачонки, Биз бир оят ўрнини бошқа бир оят ила алмаштирадик, – ҳолбуки, Аллоҳ нимани нозил қилишни Ўзи яхши билгувчидир – улар: «Шубҳасиз, сен уйдирмачисан!» дерлар. Йўқ! Уларнинг кўплари билмаслар.

Аввалги ўрганган сураларимизда Қуръондаги баъзи оятлар кези келганда маълум сабабларга кўра насх этилиб, Аллоҳ уларнинг ҳукми ўрнига бошқа оят ила бошқа ҳукм жорий қилишини билган эдик. Ушбу оятда Қуръондаги баъзи оятларнинг насх бўлишига мушрикларнинг муносабатлари билдирилмоқда:

«Қачонки, Биз бир оят ўрнини бошқа бир оят ила алмаштирадик...»

Яъни, аввал нозил қилинган оят ҳукмини бекор этиб, ўрнига бошқа ҳукм жорий бўлганини баён қилувчи оят туширсак.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло шундай қилди. Бунда кўплаб илоҳий ҳикматлар бўлади. Ўша ҳикматдан баъзилари ўтган сураларда, насхга оид оятлар тафсирида муфассал баён қилинди. Мушриклар эса, бу ҳикматларни тушунмайдилар. Ўзларича бу ишга баҳо беришга ҳаракат қиладилар.

«...ҳолбуки, Аллоҳ нимани нозил қилишни Ўзи яхши билгувчидир...»

Қайси оятни қачон, қандай ҳолда, қайси ҳукм ила нозил қилишини, у ҳукми қайси ҳукм ила алмаштиришни жуда ҳам яхши билади. Унинг ҳеч бир иши беҳикмат эмас. Буни билмаган жоҳил мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тухмат қилиб:

«Шубҳасиз, сен уйдирмачисан!» дерлар».

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда ушбу маънода қуйидагилар айтилади:

«Қачонки, шиддатли ҳукми бор оят нозил бўлиб, кейинроқ насх қилинса, Қурайш кофирлари: «Аллоҳга қасамки, Муҳаммад ўз шерикларини масхаралашдан бошқа иш қилмаяпти. Уларни бугун бир ишга буюрса, эртага ундан қайтаради. Буни у ўзидан чиқариб қилмоқда», дер эдилар. Шунда ушбу оят нозил бўлди».

«Йўқ! Уларнинг кўплари билмаслар.»

Йўқ! Гап мушриклар айтаётгандек эмас. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уйдирмачилик қилаётганлари йўқ. У киши ўзларидан бир оят ёки бир ҳарф ҳам тўқиб – уйдириб келтирмайдилар. Қуръон тўлиғича Аллоҳнинг каломидир. Бир оятдаги ҳукми алмаштириб тушираётган ҳам Аллоҳнинг Ўзидир. Мушриклар оятларнинг насх бўлиш ҳикматини билмайдилар. Улар Аллоҳ таоло шу йўл билан турли маънавий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дардларга чалинган жоҳилий жамиятни ҳозик табибдек даволаётганини англамайдилар.

قُلْ نَزَّلَهُ رُوحُ الْقُدُسِ مِنْ رَبِّكَ بِالْحَقِّ لِيُثَبِّتَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهُدًى
وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ ﴿١٠٢﴾

102. Сен уни руҳул қудус Роббингдан иймон келтирганларни собитқадам қилиш учун ва мусулмонларга ҳидоят ва хушxabар этиб ҳақ ила туширганини айт.

Эй Муҳаммад! Сен уларга Қуръонни Аллоҳ таоло ҳузуридан руҳул қудус унвонига эга бўлган фаришта Жаброил алайҳиссалом олиб тушганини айт. Мушриклар туҳмат қилаётганидек, Қуръонни сен уйдириб – тўқиб олганинг йўқ. Қуръон, улар ўйлаганидек, одамларни масхаралаш учун туширилган эмас. У мўминларни собитқадам қилиш учун туширилган. Қуръон таълимотларига амал этиб яшаган мўминларнинг икки дунёда ҳам қадами собит бўлади. У мусулмонларни ҳидоят йўлига бошлайди.

Қуръон мусулмонлар учун хушxabардир. У мусулмонларга исломий ҳаёт кечирганлари учун икки дунё саодатига муяссар бўлишлари ҳақида хушxabар беради. Қуръони Карим ҳақ ила тушгандир. Унинг бутун борлиғи ҳақдир. У бор жойда ҳақ бордир.

وَلَقَدْ نَعَلْنَا أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانُ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ
أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُبِينٌ ﴿١٠٣﴾

103. Батаҳқиқ, биламизки, албатта, улар: «Унга фақат башар таълим бермоқда, холос», дерлар. Улар гумон қилаётганнинг тили ажамийдир. Бу эса, очиқ-ойдин араб тилидадир.

Мушрикларнинг Қуръони Карим ҳақида тўқиган уйдирмаларидан яна бири шуки, улар: «Муҳаммадга Қуръонни одам ўргатяпти, у эса, менга Қуръонни Аллоҳнинг фариштаси келтирди», деб ёлғон гапиряпти», дейдилар.

Муҳаммад ибн Исҳоқнинг Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақларидаги сийрат китобида ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ алайҳиссалом Марва тепалигидаги Субайда деган жойда Жабр исмли бир насроний ғулом билан ўтирар эдилар. У Бани Ҳазрабийлардан бирининг қули эди. Шундан сўнг Аллоҳ:

«Батаҳқиқ, биламизки, албатта улар: «Унга фақат башар таълим бермоқда, холос», дерлар. Улар гумон қилаётганнинг тили ажамийдир. Бу эса, очиқ-ойдин араб тилидадир», оятини нозил қилди».

Шунга ўхшаш бошқа бир неча ривоятлар ҳам бор. Умумий маъно шуки, мушриклар Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан келаётганини тан олмасдан, уни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб чиқармоқда, деган тухматни қилиб кўрдилар. Аммо ўйлаб қарашса, умрида таълим кўрмаган, ўқиш-ёзишни билмаган одам Қуръонга ўхшаш нарсани тўқиб чиқариши мумкин эмас экан. Шунинг учун, унга Қуръонни башар таълим бермоқда, фалончи ўргатмоқда, деган бошқа уйдирма – ёлғонни тўқидилар. Кофирлик, мушриклик одамларни ана шундай жоҳил қилиб қўяди. Аввал бошда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни уйдирмачилиқда айблаётганлар бирпас туриб ўзлари уйдирмачилик билан тухмат этишга ўтиб олдилар. Уларнинг жоҳилликлари шу даражага етдики, қандай қилиб бўлса ҳам Қуръоннинг илоҳий китоблигини инкор этиш мақсадида тўқийётган уйдирмалари ғоятда мантиқсиз ва ўзларига қарши далил бўлаётганини ҳам унутиб қўйишди.

Уларнинг «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни фалончи таълим бериб, ўргатиб қўйяпти», деган даъволарига қарши Аллоҳ:

«Улар гумон қилаётганнинг тили ажамийдир», деб раддия бермоқда.

У араб эмас. Араб тилини билмайди ҳам. Тилини билмайдиган одам қандай қилиб араб одамга Қуръон савиясидаги мўъжиза каломни ўргата олади? Мушриклар буни инобатга олмай гапириб юборишаверган. Ахир:

«Бу эса, очиқ-ойдин араб тилидадир».

Қуръон очиқ-ойдин араб тилида-ку! Араб тилининг ҳам энг

балоғатли ва фасоҳатли, ҳатто сўз усталари яқинига кела олмайди-ган олий савиясида-ку!

Ҳа, озгина ўйлаган одам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни ўзлари тўқиб олишлари мумкин эмаслигини тушунади. Буни турли замон кофирлари ҳам англаб етади. Аммо куфр жаҳолати сабабли, Қуръонни Муҳаммад ўзи тўқиши мумкин эмас, уни Аллоҳ нозил қилган, дея олмайди. Бунинг ўрнига, бошқа аҳмоқона уйдирмаларни айтади. Қадимги Қурайш кофирлари: Муҳаммадга Қуръонни Жабр, Балзот ёки Яъийш ўргатди, деб ажам қулларнинг исмларини айтганлар. Улардан бир минг тўрт юз йил кейинги кофирлар: Муҳаммад катта олимларни тўплаб Қуръонни ёздирди, сўнгра уларнинг ҳаммасини ўлдириб юбориб, китобни бедапояга ташлаб қўйди-да, одамларни чақириб келиб, мана менга осмондан китоб тушди, деб даъво қилди, дейишди. Ушбу уйдирмани уялмай-нетмай дарс қилиб ўтишди. Уларнинг бу уйдирмаси ўзларининг ақлсизликларига далолат эканини тушуниб етишмас эди.

Кофир бўлгандан кейин шу экан-да!

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٠٤﴾

104. Албатта, Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларни Аллоҳ ҳидоятга солмайди ва уларга аламли азоб бордир.

Ҳа, Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кофирлар ҳидоятдан маҳрумдирлар. Улар доимо адашувда қоқилиб-суқилиб юрадилар. Аллоҳ уларни ҳидоятга солмайди. Бу дунёдан гумроҳ бўлиб ўтадилар. У дунёда эса:

«уларга аламли азоб бордир».

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَٰذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

105. Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар ўзлари ёлғончилардир.

Иймонсиз кофирлар Аллоҳнинг Пайғамбарини уйдирмачи, ёлғончи, Қуръонни тўқиб олган, демоқдалар. Аслида эса, ёлғонни фақат иймонсиз кофирларгина тўқийдилар. Чунки, кофирларда «савоб», «гуноҳ» деган тушунча йўқ. Ёлғон гапирса, гуноҳ бўлиши, у дунёда азобланиши ҳақида эътиқодда бўлмагани учун, ўйламасдан ёлғон тўқийверадилар. Мўминлар эса, ёлғонни катта гуноҳ деб биладилар. Ёлғон гапириш туфайли охиратда азобга дучор бўлишларидан қўрқадилар.

Кейинги оятларда иймонга келгандан сўнг яна куфрга қайтишнинг ҳукми ҳақида сўз кетади:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ
وَلَا يَكُن مِّنْ شَرِّ مَا كَفَرُوا صَدْرًا فَاعْلَمْتُمْ غَضَبٌ مِّنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠٦﴾

106. Ким иймондан сўнг Аллоҳга куфр келтирса, – қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно, – ким кўксини куфрга очса, бас, уларга Аллоҳдан ғазаб бор. Уларга улкан азоб бор.

Ислом дини янги келган даврда Макка кофирлари оз сонли мусулмонларни мисли кўрилмаган қийноқларга, азоб-уқубатларга солдилар. Кофирларнинг бу ишлардан кўзлаган бирдан-бир мақсадлари мўминларни иймондан қайтариб яна кофир қилиш эди. Аммо мусулмонлар бу азобларга сабр қилиш билан инсоният тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган намуналар кўрсатдилар. Мушриклар Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳуни турли йўллар билан азобладилар. Мисол учун, у кишини шиддатли иссиқ пайтида чалқанча ётқизиб, кўксиларига кун иссиғида қизиб турган оғир харсанг тошлар қўйиб, ё диндан қайтишни, ёки шу ҳолатда ўлиб кетишни таклиф этдилар. Ҳазрати Билол эса: «Аҳад, Аҳад» деган сўзларни такрорладилар, холос.

Шунингдек, бошқа мусулмонлар ҳам қаттиқ қийноқларга чидадилар.

Мушриклар саҳобалардан Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ва у кишининг оталари Ёсир розияллоҳу анҳу ҳамда оналари Сумайя розияллоҳу анҳоларни ҳам тутиб келиб, диндан қайтариш учун қаттиқ азобладилар. Улар азобларга чидам билан сабр қилиб, иймонларидан қайтишга кўнмадилар. Сумайя розияллоҳу анҳонинг икки оёқларини қозиққа боғлаб, аврат жойларига найза санчдилар. Сўнгра, Амморнинг отаси Ёсир розияллоҳу анҳуни ҳам ўлдирдилар. Бу икки улуғ инсон – эру хотин Ислом йўлида, иймон учун биринчи шаҳидлар бўлиш шарафига эришдилар. Амморнинг кўз ўнгида ҳам онасини, ҳам отасини ўлдирган мушриклар уни ҳам ўлдиришга қасд қилганларида унинг оғзидан кофирларни рози этадиган гап чиқди. Шунда, мушриклар уни ўлдирмадилар. Одамлар Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аммор муртад бўлди», дедилар. Бунга жавобан Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ! Аммор бошидан товонигача иймонга тўлиқдир. Иймон унинг этига ҳам, қонига ҳам сингиб кетгандир», дедилар.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳунинг ўзлари ҳам йиғлаган ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган ишларни айтиб:

«Энди нима бўлади?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

«Қалбингни қандоқ сезмоқдасан?» дедилар. Аммор розияллоҳу анҳу:

«Иймонга оромли», деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар улар такрорласалар, сен ҳам такрорлагин», дедилар.

Аллоҳ таоло ана шу ҳодисадан сўнг биз ўрганаётган мазкур ояти каримани нозил қилди. Ундан кўриниб турибдики, иймондан кейин куфрга қайтиб муртад бўлиш улкан гуноҳдир. Ким иймонга келганидан сўнг Аллоҳга куфр келтирса, кўксини куфрга очса, у Аллоҳнинг ғазаби ва улкан азобига дучор бўлади. Фақат бир тоифа одамларгина бундан мустасно бўладилар.

«...қалби иймон ила ором топа туриб зўрланганлар бундан мустасно...»

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳуга ўхшаб, қалби иймонга тўлиқ бўлгани ҳолда, муҳаққақ ўлимдан қутулиш учунгина ўзини иймондан қайтган қилиб кўрсатишса, жоиз. Шунингдек, Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу каби чидаб тураверса ҳам, жоиз.

Исломи тарихига назар соладиган бўлсак, ҳазрати Билол розияллоҳу анҳуга ўхшашга интилан кишиларни кўпроқ кўраимиз.

Машҳур тафсирчилардан Ибн Касир саҳобалардан бири, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳу ҳақида қуйидагиларни ривоят қилади. У киши румликларга асир тушибди. Уни подшоҳлари олдига олиб боришибди. Подшоҳ унга:

«Насроний бўл, сени мулкimgа шерик қиламан ва қизimgа уйлаб қўяман», дебди. У киши эса:

«Агар ҳамма мулкингни ва арабларнинг ҳамма мулкени берсанг ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динларини бир лаҳзага ҳам тарк қилмайман», деб жавоб берибди.

«Унда, сени ўлдираман», дебди Рум подшоҳи.

«Билганингни қил», дебди Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳу.

Шунда подшоҳнинг амри билан у киши осиб қўйилиб, камончилар унга тегар-тегмас ҳолда ўқ отиб туришибди. Подшоҳ яна саҳобийга насронийлик динини таклиф этибди. Қабул қилмаганларидан кейин осган жойидан қайтариб туширишибди. Подшоҳ катта қозонни қиздиришни амр қилибди. Қозон роса қизиганда бир мусулмон

асирни олиб келиб унга ташлашган экан, асир бир зумда жизғанак бўлиб қолибди. Подшоҳ Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳуга яна насронийликни қабул этишни таклиф қилибди. У киши яна бош тортибдилар. Шунда подшоҳ уни қозонга ташлашга буюрибди. Жаллодлар уни қозонга яқинлаштирганда, йиғлабди. Подшоҳ, энди қабул этса керак, деб умид қилиб, ҳузурига чақириб, нимага йиғлаётганини сўрабди. У киши розияллоҳу анҳу:

«Аллоҳнинг йўлида қозонга ташланаётган жоним биттагина бўлганидан, танамдаги туким сонича бўлмаганидан йиғламоқдаман», деган эканлар.

Мусайламатул Каззоб ўз қўлига тушган Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анҳуга:

«Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик берасанми?» деди.

«Гувоҳлик бераман», деди Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анҳу.

«Менинг Аллоҳнинг Расули эканимга гувоҳлик берасанми?» деди Мусайламатул Каззоб.

«Эшитмаяпман», деди Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анҳу.

Мусайламатул Каззоб унинг этидан бир парча кесиб туриб яна сўради. У яна:

«Эшитмаяпман», деди. Мусайламатул Каззоб унинг танасидан парча-парча қилиб кесаверди. Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анҳу ўлгунича собит тураверди.

Уламоларимиз: мусулмон одам учун дину диёнат, иймон йўлида кофирларнинг азобига чидаш азийматдир, асл ҳукмдир; жонни сақлаш учун қалби иймонга тўла туриб, тили билан гап айтиб қутулиш рухсатдир, дейишади.

Муҳаддис уламоларимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ким динини алмаштирса, уни қатл этинглар», деган ҳадисни ривоят қилганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Бурда розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Муоз ибн Жабал Яманга Абу Мусонинг олдига борса, унинг ёнида бир одам турган экан.

«Бу одам ким?» деб сўради Муоз.

«Асли яҳудий, кейин мусулмон бўлган эди. Энди яҳудийликка қайтди. Биз унинг Исломда қолишини хоҳлаймиз. Икки ойдан бери шу ҳол», деди Абу Мусо. Шунда Муоз ибн Жабал:

«Аллоҳга қасамки, бўйнини чопмагунларингча ўтирмайман», деди.

Сўнгра Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ ва Унинг Расули «Ким динидан қайтса, уни қатл қилинглар», деб ҳукм чиқарган», деди.

Чунки, ақийда масаласи улуғ масаладир. Бунда мурасасозлик ва лоқайдлик бўлиши мумкин эмас. Бугун бир динни тутиб, эртага

бошқа динга журъат қилган кимсанинг Исломга келтирадиган зарари чексиздир. Шунинг учун, муртадга нисбатан Ислом шариатида шундай мурасасиз ҳукм чиқарилган.

Кейинги оятларда эса, ўша, иймондан сўнг Аллоҳга куфр келтирган муртадларга тегишли бошқа гаплар айтилади:

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ اسْتَحَبُّوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ
الْكَافِرِينَ ﴿١٠٧﴾

107. Бу, уларнинг дунё ҳаётини охиратдан устун қўйганлари сабабидандир. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят этмас.

Яъни, ўша муртадларга дунё ҳаётини охиратдан юқори қўйиб, иймонни тарк этиб, куфрга қайтганлари учун азоблар берилади.

«Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят этмас.»

Ўша муртадлар ҳидоятдан махрум қилиш билан ҳам жазоландилар.

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ طَبَعَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَسَمِعَتْهُمُ وَأَبْصَرَتْهُمْ وَأُولَٰئِكَ هُمُ
الْغَافِلُونَ ﴿١٠٨﴾

108. Ана ўшаларнинг қалблари, қулоқлари ва кўзларига Аллоҳ муҳр босгандир. Ана ўшалар нофиллардир.

Яъни, улар ғафлат босган бандалардир. Улар бирон нарсани ибрат кўзи билан кўриб, ибрат қулоғи билан эшитиб, ибрат қалби ила идрок эта олмайдилар. Аллоҳ уларнинг қалб, қулоқ ва кўзларига муҳр босиб жазолагандир.

لَا جُرْمَ أَنَّهُمْ فِي الْآخِرَةِ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿١٠٩﴾

109. Ҳеч шубҳа йўқки, охиратда улар зиён кўргувчилардир.

Бу энг кучли ва абадий азобдир. Чунки, улар муртад бўлганлари учун жаҳаннамга тушадилар.

ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ هَاجَرُوا مِن بَعْدِ مَا فُتِنُوا ثُمَّ جَاهَدُوا وَصَبَرُوا
إِنَّ رَبَّكَ مِن بَعْدِهَا غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٠﴾

110. Сўнгра, албатта, Роббинг фитнага учраганларидан кейин ҳижрат этиб, жиҳод қилган ва сабр этганлари учун, албатта, Роббинг шулардан кейин мағфиратли ва раҳимлидир.

Аввалги мусулмонларнинг кўплари Макка мушрикларининг азоб-уқубатларига дучор бўлдилар. Кейин Маккаи Мукаррамани тарк этиб Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилдилар.

У ерни ўзларига қароргоҳ қилиб олиб, Аллоҳнинг йўлида жиҳод бошладилар. Улар мушрикларнинг азобига ҳам, ҳижрат ва жиҳод машаққатларига ҳам сабр қилдилар. Улар ана шу улкан фидокорликлари туфайли Аллоҳнинг мағфирати ва раҳматига сазовор бўла-жақлар.

﴿يَوْمَ تَأْتِي كُلُّ نَفْسٍ تُجَادِلُ عَنْ نَفْسِهَا وَتُوْفَىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

111. У кунда ҳар жон ўзи ҳақида тортишиш учун келур ва ҳар бир жонга амалига яраша вафо қилинур ҳамда уларга зулм этилмас.

Яъни, қиёмат кунида ҳар ким ўзини уйлаб, ўзини азобдан қутқазиш пайдан бўлиб қолади. Бошқаларни тамоман унутади. У кунда, ваъдага биноан, ҳар бир жонга ўзига яраша мукофот ёки эваз тўлиғича берилади. Ҳамда, ҳеч кимга зулм қилинмайди.

﴿وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا قَرْيَةً كَانَتْ آمِنَةً مُّطْمَئِنَّةً يَأْتِيهَا رِزْقٌهَا رَغَدًا مِّنْ كُلِّ مَكَانٍ فَكَفَرَتْ بِأَنْعُمِ اللَّهِ فَأَذَاقَهَا اللَّهُ لِيَاسَ الْجُوعِ وَالْخَوْفِ بِمَا كَانُوا يَصْنَعُونَ﴾

112. Аллоҳ бир шаҳарни зарбулмасал қилади: у омонлик ва хотиржамликда эди. Ризқи ҳар макондан сероб ҳолда келиб турарди. Сўнг, у Аллоҳнинг неъматларига куфр келтирди. Бас, Аллоҳ унга, қилган ишлари учун, очлик ва хавф кийимини тоттирди.

Бу ояти каримадаги мисол Макка шаҳри аҳолиси учун эслатмадир. Аллоҳ таоло бу шаҳарни муқаддас қилиб қўйди. Ўз уйининг айнан шу шаҳарда бўлишини ирода этди. Маккани ёмонликлар, гуноҳ ишлар ва душманликлар ҳаром қилинган шаҳарга айлантди. Унга кирган ҳар бир одамга омонлик ва хотиржамлик берди. Ҳаттоки, биров жиноят қилганидан сўнг кирса ҳам, қайтиб чиқмагунча унга тегилмайдиган қилди. Макка атрофидаги ҳамма жойларда уруш-жанжал, босқинчи-

лик, талон-тарож ҳукм сурган бир пайтда Макка аҳолиси Байтуллоҳнинг ҳурматидан тинч-омон, хотиржам яшар эди. Макка шаҳри қақроқ чўлнинг қоқ ўртасида бўлса ҳам, у ерда ҳеч бир гиёҳ ўсмаса ҳам, ҳожилар, зиёратчилар ва савдо карвонлари воситаси ила у ерга ризқ-рўз оқиб келар эди. Аллоҳ таоло бу ризқларни баракали қилиб қўйган эди. Макка аҳолиси ўзларини бошқалардан устун сезар эди. Улар берилган неъматларга шукр этиш ўрнига, Аллоҳ таолога куфрони неъмат қилдилар. Бунинг устига, ҳаммасидан устун неъматни – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини ҳам инкор этдилар.

«Бас, Аллоҳ унга, қилган ишлари учун, очлик ва хавф кийимини тотгирди.»

Яъни, қилган ношукрчиликлари, келтирган куфрлари учун уларга очлик ва хавфни кийим қилиб кийгазиб қўйди. Аллоҳнинг амри билан Маккага етти йил қаҳатчилик келгани, унинг аҳолиси ўлим-тиклар, туянинг юнги ва одатда еб бўлмайдиган бошқа нарсаларни еганлари ҳаммага маълум. Шундай қилиб, Аллоҳ уларни тўқликдан очликка чиқарди. Мусулмонлар Мадийнаи Мунавварага ҳижрат этиб, ўша ерда ўз жамиятларини қурганларидан сўнг эса, аҳли Маккадан хотиржамлик неъматини ҳам олиб, уларни хавф-хатарда яшайдиган қилиб қўйди. Улар, мусулмонлар Маккани фатҳ этиш учун келиб қолармикан, деган хавфда яшардилар.

وَلَقَدْ جَاءَهُمْ رَسُولٌ مِنْهُمْ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمُ الْعَذَابُ وَهُمْ ظَالِمُونَ ﴿١١٣﴾

113. Батаҳқиқ, уларга ўзларидан Пайғамбар келди. Бас, улар уни ёлғончига чиқардилар. Кейин, золим бўлганлари учун, уларни азоб тутди.

Уларга ўзларининг ичларида туғилиб ўсган, насабини яхши билишадиган, ростгўйлигини, аминлигини ва ҳалол-поклигини тажрибадан ўтказишган бир шахс – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келди.

«Бас, улар уни ёлғончига чиқардилар.»

Аҳли Макка бу Пайғамбарга иймон келтириш, у билан фахрланиш ўрнига, уни ёлғончига чиқарди, унга турли бўҳтонлар қилди ва озорлар берди.

«Кейин, золим бўлганлари учун, уларни азоб тутди.»

Иймонсиз, кофир бўлиб, гуноҳ ва исён қилганлари учун, уларни азоб тутди.

Аслида, инсон Аллоҳ неъмат берганидан сўнг ўзини қуйидаги оят васфига мос тутиши лозим эди:

فَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا وَأَشْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِن كُنْتُمْ إِيَّاهُ
تَعْبُدُونَ ﴿١١٤﴾

114. Бас, Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолида енг. Ва агар унга ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шукр қилинг.

Одам Аллоҳ унга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсаларни ейиш билан бирга, Аллоҳнинг неъматига шукр ҳам этади. Бу эса, Аллоҳга ибодат қилиш доирасига киради. Шунинг учун ҳам, оятда

«агар ибодат қиладиган бўлсангиз», дейилмоқда.

Сўнгра, еб бўлмайдиган нарсалар ҳам эслатиб қўйилмоқда:

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالْدَّمَ وَالْحَمَّ الْخَنِزِيرِ وَمَا أَهْلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ ۖ فَمَنِ
أَضْطَرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادِي فَاتَّكَ اللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٥﴾

115. Сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқа гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Ким золим ва ҳаддан ошувчи бўлмаган ҳолида мажбур бўлиб қолса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимлидир.

Ушбу ояти каримага ўхшаш оятлар ўтган сураларда муфассал тафсир қилингани учун такрорлаб ўтирмаймиз.

Инсонни яратган ва унга неъматларини берган зот – Аллоҳ таолонинг Ўзигина инсонга нима ҳалол ва нима ҳаром эканини ҳам белгилаб беради.

وَلَا تَقُولُوا لِمَا تَصِفُ السُّنُنُكُمُ الْكُذِبَ هَذَا حَلَالٌ وَهَذَا حَرَامٌ لِنُفْتَرُوا عَلَى اللَّهِ
الْكُذِبَ ۚ إِنَّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ لَا يُفْلِحُونَ ﴿١١٦﴾

116. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиш учун тилларингиз васф қилган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар. Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқувчилар нажот топмаслар.

Инсон бандадир. У неъматни розиқ Аллоҳдан олади. Шунинг учун, инсоннинг ҳалол ёки ҳаром ҳақида ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқдир. Кимки ўзи ҳақсиз бўлган нарсага аралашиб,

«Бу ҳалол, бу ҳаром», деса, Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон тўқиган бўлади. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиганларга эса:

مَتَّعَ قَلِيلًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١١٧﴾

117. Озгина матоҳ ва аламли азоб бор.

Яъни, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиганларга бу дунёда «озгина матоҳ» бор. Эҳтимол, ўша тўқиган ёлғонлари сабабли ушбу беш кунлик дунёнинг арзимаган фойдасига етишарлар. Аммо улар учун у дунёда «аламли азоб бор»лиги муқаррардир.

وَعَلَى الَّذِينَ هَادُوا حَرَّمْنَا مَا قَصَصْنَا عَلَيْكَ مِنْ قَبْلُ وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١١٨﴾

118. Яҳудий бўлганларга эса, сенга бундан олдин айтиб берган нарсаларимизни ҳаром қилдик. Биз уларга зулм қилмадик. Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.

Ушбу оятда ишора этилаётган, Аллоҳ яҳудийларга ҳаром қилган нарсалар «Анъом» сурасида келган. Ўша сурадаги оятда Аллоҳ таоло: «Яҳудий бўлганларга якка туёқлиларни, мол ва қўйнинг белидаги, ичакларидаги ва суякка аралашганидан бошқа ёғини ҳаром қилдик», деган эди. Бу ҳукм яҳудийларнинг ўзларига хос бўлиб, гуноҳларига жазо сифатида туширилган эди. Мусулмонларга тегишли эмасдир.

Бундай ҳукми чиқариш билан:

«Биз уларга зулм қилмадик».

Яъни, мазкур нарсаларни ҳаром қилиш билан Биз яҳудийларга зулм қилганимиз йўқ.

«Лекин улар ўзларига зулм қилган эдилар.»

Улар ҳаддан ошиб, Аллоҳнинг амрини бажармаслик ила ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Зинҳор бошқага эмас. Ўша гуноҳлари туфайли уларга мазкур ҳукм жорий бўлди.

Яҳудийлардан кейин келганлар уларнинг хатосини такрорлаб юрмасинлар. Акс ҳолда, уларга ҳам яҳудийларга ўхшаб муомала қилиниши мумкин. Бунинг ўрнига, ўзларини ўнглаб, тўғри йўлни топишга ҳаракат қилсинлар.

ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ عَمِلُوا السُّوءَ بِجَهْلَةٍ ثُمَّ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا إِنَّ رَبَّكَ مِنْ بَعْدِهَا غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١١٩﴾

119. Сўнгра, Роббинг билмасдан ёмон амал қилган, ундан кейин эса, тавба қилиб яхши амалларни қилганларга, албатта, Роббинг шулардан сўнг мағфиратли ва раҳимлидир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло кимларнинг тавбасини мағфират қилиб, унга раҳматини насиб этишини баён этмоқда. Ояти каримани диққат билан ўрганадиган бўлсак, инсоннинг тавбаси қабул бўлиши учун, аввало,

«...билмасдан ёмон амал қилган...»

яъни, гуноҳ ва ёмон амални билмасдан, хато ила қилган бўлиши керак.

Била туриб қилган бўлса, шартга тўғри келмайди ва тавбаси қабул бўлмайди. Баъзи кишиларнинг «Ҳозирча ўйнаб олайлик, фалон ёшга кирганимизда тавба қилиб, намоз ўқишни бошлаймиз», деган каби тушунча ва гапларининг нотўғри эканини ҳам шундан билиб оламиз.

Иккинчидан,

«...ундан кейин эса тавба қилиб...»

Инсон қилган гуноҳи учун тавба қилиши керак, чин дилдан афсусланиб, Аллоҳга истиғфор айтиб, ўша гуноҳ ишдан қайтиши, уни бутунлай тарк этиши лозим.

Учинчидан,

«...яхши амалларни қилганларга...»

Яъни, тавбадан сўнг яхши амалларни қилиши шарт. Ўша иш унинг тавбаси ҳақиқий эканини кўрсатади.

«...албатта, Роббинг шулардан сўнг мағфиратли ва раҳимлидир.»

Ана шу шартларни бажарганларга Аллоҳ таоло мағфиратини насиб этади. Гуноҳларини кечиради. Раҳим қилиб, охиратда мукофотларини беради.

Юқорида ўзларининг Иброҳим алайҳиссаломга яқинликларини даъво қилаётган яҳудийлар учун ҳаром бўлган нарсалар эса олинди. Маълумки, араб мушриклари ҳам, «Иброҳимнинг динидамиз» деб даъво қилар ва баъзи нарсаларни бутларга атаб, ўзларича, ҳаром санар эдилар. Келгуси оятда Аллоҳ таоло уларнинг даъволари ёлғон эканини фош этиш учун Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳақиқатларини эслатади:

إِنَّ إِبْرَاهِيمَ كَانَ أُمَّةً قَانِتًا لِلَّهِ حَنِيفًا وَلَمْ يَكُ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

120. Албатта, Иброҳим Аллоҳнинг итоат қилгувчи, ҳаққа мойил уммати эди. Мушриклардан бўлган эмас.

Ушбу ояти карима Иброҳим алайҳиссаломни

«уммат» деб атамоқда. Бу оятдаги «уммат» сўзига «имом» ҳамда «милат» маънолари берилган. Иккинчи маънога келсак, Иброҳим

алайҳиссалом бир ўзлари бутун бошли бир миллат—умматга тенг келган, деган маънони англаймиз. Агар «уммат»дан «имом» маъносини олсак, «йўлбошчи»ни тушунамиз. Дарҳақиқат, бир умматни тўғри йўлга бошловчи имомга унга эргашганларнинг ҳам ажри-савоби берилади. Шунинг учун, икки маъно бир-бирини тўлдириб келади деб, ҳар иккисини ҳам олаверган маъқул.

Иброҳим алайҳиссаломнинг яна бир сифатлари

«Аллоҳга итоат қилгувчи», Унга бўйинсуниб, ибодат қилувчи эканларидир.

Бошқа бир сифатлари

«ҳаққа мойил» эканликларидир. Яъни, ҳақ динга мойил бўлганлар, нотўғри йўлларга юрмаганлар.

Энг муҳим сифатлари

«мушриклардан бўлган эмас».

Шундай экан, у кишини ўз раҳнамолари деб даъво қилаётган араб мушрикларида Иброҳим алайҳиссаломнинг қайси сифатлари бор? Бирортаси ҳам йўқ-ку! Шунингдек, уларда Иброҳим алайҳиссаломнинг кейинги оятларда келадиган сифатлари ҳам йўқ:

شَاكِرًا لِّلْأَنْعَمِ ۖ أَجْتَبَنَّهُ وَهَدَنَّهُ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١١١﴾

121. Унинг неъматларига шукр қилгувчи эди. У зот уни танлаб олди ва сиротул мустақиймга ҳидоят қилди.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг неъматларига ҳам сўзларида, ҳам амалларида шукр қилгувчи эдилар. Мушрикларга ўхшаб, оғизда тан олиб, амалда бошқача ибодат қилиб куфр келтирмас эдилар. Ушбу сифатлари учун, Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни танлаб олди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди.

وَأَتَيْنَاهُ فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَإِنَّا فِي الْآخِرَةِ لَمِنَ الصّٰلِحِينَ ﴿١١٢﴾

122. Унга бу дунёда яхши (ҳаёт) бердик. Охиратда эса, у, албатта, солиҳлардандир.

Иймони ва шукр қилгани туфайли, мазкур гўзал сифатларга эга бўлгани туфайли, бу дунёда у кўплаб яхшиликларга эришди. Охиратда эса, албатта, аҳли солиҳлардан бўлади. Демак, икки дунёнинг саодатига эришиши муқаррар.

Яҳудийлар ва араб мушриклари ўзларининг алоқадорликлари билан фахрланаётган Иброҳим алайҳиссалом ҳақларидаги гаплар мана шулардан иборат.

ثُمَّ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ أَنْ اتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٢٣﴾

123. Сўнгра, сенга: «Иброҳимнинг ҳаққа мойил миллатига эргаш. У мушриклардан бўлмаган эди», деб ваҳий қилдик.

Эй Муҳаммад, сенга юборган тавҳид дини ҳам Иброҳимга юборган ҳаққа мойил диннинг ўзгинасидир. У мушриклардан бўлмаган эди. Муваҳҳидлардан эди. Шунинг учун ҳам, Иброҳимнинг ҳақиқий миллатига эргашган сенсан ва сенинг умматларингдир.

Яҳудий ва мушриклар, биз Иброҳимнинг миллатидамиз, деб оғизларида даъво қилаётганлари билан, гаплари пуч, амалда бошқа йўлга эргашмоқдалар.

إِنَّمَا جُعِلَ السَّبْتُ عَلَى الَّذِينَ ائْتَلَفُوا فِيهِ وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٢٤﴾

124. Шанба, фақат, у тўғрисида ихтилоф қилганлар зиммасига юкланди, холос. Албатта, Роббинг қиёмат кунинда улар орасида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм чиқарур.

Яҳудийларга фарз қилинган шанба кунини улуғлаш иши ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатларида йўқ нарса. Аллоҳ уни яҳудийлар ихтилоф қилганлари учун жазо сифатида жорий этгандир. Қиёмат куни ихтилофли нарсалари ҳақида Аллоҳ таолонинг ўзи улар орасида ҳукм чиқаради.

Яъни, уларнинг қилмишлари янги эмас, аввалда ҳам бўлган. Шунинг учун, уларга эътибор бермасдан, ўз ишингни қилавер.

ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَدَلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ ﴿١٢٥﴾

125. Роббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт. Албатта, Роббинг ўз йўлидан адашганларни ўта билгувчи ва ҳидоят топгувчиларни ҳам ўта билгувчидир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ислом даъвати, асослари ва услубларини Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у киши орқали даъватчи умматларига баён қилиб бермоқда.

Аввало:

«Роббингнинг йўлига...»

Яъни, даъват Аллоҳнинг йўлига бўлмоғи керак экан. Баъзи шахсларга, гуруҳларга, тоифаларга эмас, фақат холис Аллоҳнинг йўлига бўлиши керак.

Иккинчидан:

«...ҳикмат...»

Демак, даъват ҳикмат билан амалга оширилиши керак. Бунда даъват қилинаётганларнинг ижтимоий, маданий савияси ва бошқа омилларни эътиборга олиб, оғир келмайдиган йўсинда даъват қилиш лозим.

Учинчидан:

«...ва яхши мавъиза ила даъват қил».

Шунингдек, даъват яхши мавъиза орқали йўлга қўйилмоғи керак. Кишиларни қизиқтириш, рағбатлантириш учун чиройли сўз ва гапларни топиб гапириш зарур бўлади. Уларни нафратлантирмаслик лозим.

Тўртинчидан:

«Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт».

Ҳар бир даъватчи кишилар билан гўзал услубда мунозара қилиши керак. Аллоҳнинг йўлига даъват, аввало, фикрий ҳаракатдир. Фикрий ҳаракат бор жойда мунозара бўлиши турган гап. Ислом даъватчиси мунозарани ғоятда гўзал услубда олиб боришга тайёр бўлиши керак. У рақиб билан таллашиб, тортишиб, бақирчақир, уруш-жанжал этмасдан, рақибининг табъига йўл топиб, унга қаноат ҳосил қилдириб, ўзи сезмаган ҳолда Исломга мойил бўлиб қоладиган даражада усталлик билан мунозара олиб бориши лозим.

Бешинчидан:

«Албатта, Роббинг Ўз йўлидан адашганларни ўта билгувчи ва ҳидоят топгувчиларни ҳам ўта билгувчидир».

Яъни, даъватчи ўз вазифаси даъват қилиш эканини, ҳидоят ва залолат Аллоҳга боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Исломга даъватнинг асосий қоидалари шулардан иборат. Гоҳида, ҳикмат ва яхши мавъиза ила Аллоҳнинг йўлига чақираётган даъватчиларга қарши душманлик, тажовузкорлик содир бўлиши ҳам мумкин. Ундай пайтда даъватчи ўзини қандай тутиши лозимлиги қуйидаги оятда баён қилинади.

وَإِنْ عَاقَبْتُمْ فَعَاقِبُوا بِمِثْلِ مَا عُوِّقْتُمْ بِهِ ۖ وَإِنْ صَبَرْتُمْ لَهُوَ خَيْرٌ لِلصَّابِرِينَ ﴿١٦٦﴾

126. Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилгувчилар учун хайрлидир.

Агар сизга тажовуз қилганларни иқоб қиладиган бўлсангиз:

«...ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг».

Ошириб юборманг. Ошириб юборсангиз, тажовузкор бўлиб қоласиз.

«Агар сабр қилсангиз...»

Тажовузкордан ўч олмасангиз, уни афв этсангиз...

«...албатта, у сабр қилгувчилар учун хайрлидир.»

Ўрни келганда, сабр қилиб ўч олмаслик ҳам хайр бўлиб, Ислом даъватига фойда келтириши мумкин.

وَأَصْبِرْ وَمَا صَبْرُكَ إِلَّا بِاللَّهِ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ ﴿١٢٦﴾

127. Сабр қил, сенинг сабринг фақат Аллоҳ ила бўлур. Улар (ҳоли)га хафа бўлма. Улар қилаётган макрдан сиқилма.

Яъни, сабр қилишда сенга ёрдам бергувчи зот — Аллоҳдир. Сенинг даъват йўлида учрайдиган машаққатларга сабр-бардош беришинг фақат Аллоҳ ёрдами билан бўлади.

«Улар(ҳоли)га хафа бўлма.»

Уларнинг иймон келтирмай кофир, мушрик бўлиб юришларига, залолатда қолиб кетишларига хафа бўлма. Чунки, бу сенинг ишинг эмас.

«Улар қилаётган макрдан сиқилма.»

Ҳаммаси учун, албатта, Аллоҳ ҳузурида жавоб берурлар. Уларнинг макри ўз бошларига бало бўлур.

إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ ﴿١٢٧﴾

128. Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир.

Аллоҳ ким билан бўлса, икки дунёда ҳам ўша ютади. Унга турли ҳийлагарларнинг макри таъсир этмайди. Шунинг учун, тақводан ҳам, яхши ва гўзал ишлар қилишдан ҳам қолма.



ИСРО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 111 оятдан иборат.

Сураи кариманинг «Исро» деган номи унинг биринчи оятидаги «Асро» (кечаси юргизди) сўздан олинган. Араб тилида «исро» сўзи-кечаси юргизиш маъносини англатади. Бу сураи каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккаи Мукаррамадан Қуддуси Шарифга кечанинг бир қисмида юргизиб олиб боргани ҳақида сўз юритилган.

Сураи кариманинг иккинчи номи «Бани Исроил» бўлиб, сураи каримада Бани Исроил қавми ҳақида сўз кетади. Шу боис, ушбу ном ила ҳам номланиб қолган.

«Исро» сураси Ислом даъвати тарихидаги энг машаққатли ва оғир дамларда нозил бўлди. Бу даврга келиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидаги оз сонли мусулмонларга нисбатан мушрикларнинг озорлари, қийноқлари кучайган, уларни Аллоҳнинг динидан қайтариш йўлидаги чиранишлари ҳаддан ошган эди. Мусулмонлар учун ғоятда қийин бир ҳолат пайдо бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни мушрикларнинг ҳужумларидан ҳимоя қиладиган шахслар – амакилари Абу Толиб ва Ҳадича онамиз ҳам вафот этганлар. Ана шундай мудҳиш бир пайтда Исро ва Меърож ҳодисаси бўлиб ўтди. Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кечаси Маккаи Мукаррамадан бир зумда Байтул Мақдисга олиб борди ва у ердан меърожга олиб чиқди. Бу эса, ана шундай оғир бир пайтда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар учун катта тасалли эди. Ноумидлик кайфиятини сўндириб, умид учқунларини аланга олдириш эди. Сураи кариманинг асосий оқими ана шу услубда давом этади.

Айни чоқда, Исро воқеаси кишилар иймонини синаш омили ҳам эди. Ҳар бир нарсага моддий мўъжиза талаб қилиб турган мушрикларга бу воқеа ортиқча гап-сўзлар учун яна бир қулай фурсат бўлса, мўмин-мусулмонман деб юрганларнинг иймони қанчалик мустаҳкамлигини синашга бу сураи карима зўр омил бўлди.

Шунингдек, «Исро» сураси Маккада нозил бўлган бошқа маккий суралар каби, ақийда масаласига, Ислом динининг асларига – ваҳдоният, Пайғамбарлик ва ўлгандан кейин қайта тирилиш ақийдаси каби нарсаларга алоҳида эътибор беради. Бу масалаларни муолажа қилишда «Исро» сурасининг бошқа суралардан фарқи шуки, бу ерда ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахслари бўрттириб кўрсатилади ҳамда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ томонидан берилган мўъжизалар, ҳужжат-далиллар зоҳир қилинади.

Сураи карима Исро мўъжизасини баён қилиш билан бошланади. Бу ҳодиса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун илоҳий ҳурмат, улуғ мартаба экани айтилади. Аллоҳ таолонинг қудратига далил экани тушунтирилади.

Сўнгра, Мусо алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари Бани Исроил ҳақида сўз кетади. Қурайш мушриклари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан турли моддий мўъжизалар келтиришни талаб қилганларидек, бир вақтлар Бани Исроил қавми ҳам Мусо алайҳиссаломдан турли моддий мўъжизалар келтиришни талаб қилишган эди. Бу икки қавм ўртасида ана шундай ўхшашлик бор. Шунинг учун ҳам, сурада Қурайш мушрикларига олдинги ўтганлар ўрнак, ибрат бўлсин деб Бани Исроилнинг қиссаси келтирилади. Уларнинг Аллоҳга исён этгани, ер юзидаги фасод ишлари ва унинг фожиавий аянчли оқибати баён қилинади.

Кейин эса, борлиқдаги мавжуд оят-мўъжизалар ҳақида сўз кетади. Кеча ва кундуз мўъжизалари мисол қилиб келтирилади. Уларнинг дақиқ низом асосида ҳаракатда бўлиши ҳам Аллоҳнинг ягона ва қудратли Зот эканлигига далил сифатида кўрсатилади. Бу нарсалар Аллоҳ таоло томонидан биз бандаларга берилган улкан неъмат эканлиги, унга шукр қилишимиз лозимлигига ишора этилади.

Шунингдек, «Исро» сурасида фозил жамиятнинг асосий унсурлари ҳақида ҳам сўз боради. Ижтимоий одоблар, гўзал ахлоқларга даъват этилади. Айни чоқда, баъзи нобоб ижтимоий касалликлардан сақланишга чақирилади.

Кейинги оятларда мушрикларнинг адашувлари, уларнинг Аллоҳнинг шериги бор, хотини, ўғли ёки қизи бор, дейишларининг инкори келади. Ўлгандан кейин қайта тирилишга мушриклар шубҳа билан қарашлари ҳикоя этилиб, бунга ҳам раддия берилади.

Қуръони Каримда лаънатланган дарахт ҳақидаги оят ҳам ушбу сурададир.

Сўнгра эса, Одам Ато ва иблис лаъиннинг қиссасидан сура сиёқига хос парча келтирилади.

Аллоҳ таоло Бани Одамни мукаррам қилиб қўйганлиги баён қилинади.

Шунингдек, бу сурада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг абадий мўъжизалари бўлмиш Қуръони Карим васф қилинади. Рух тўғрисида баҳс юритилади. Мушрикларнинг саркашлик қилиб турли мўъжизаларни сўрашлари, жумладан, анҳорларни отилтириб чиқариш, Маккада боғу бўстонлар пайдо қилиш каби ноўрин талаблари ҳақида ҳам сўз кетади.

Мусо алайҳиссаломга берилган тўққиз мўъжиза ҳам ибрат учун эслатиб ўтилади.

Нихоят, Қуръони Карим шаънини яна бир бор улуғлаш ва Аллоҳ таолони нуқсон сифатлардан яна бир бор поклаш билан сураи карима охирига етади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنَ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿١٠٠﴾

1. Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот пок бўлди. Албатта, У эшитгувчи ва кўргувчи Зотдир.

Ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзини Ўзи поклаб ёд қилмоқда ва бандаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни исро қилдиргани, яъни, кечанинг бир қисмида сайр қилдиргани ҳақида хабар бермоқда. Оятдаги «**Ўз бандаси**»дан мурод Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо Аллоҳнинг бандаси эканликлари билан фахрланиб юрар эдилар. Ушбу оятда у зотнинг номлари айтилмай,

«**Ўз бандаси**» ибораси ишлатилиши ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун фахр ҳамда энг оғир пайтда у киши учун тасаллидир.

Қуръони Каримда

«Масжидул Ҳаром» ибораси уч нарсага ишлатилади.

Биринчиси – Каъбаи Муаззама атрофидаги масжид.

Иккинчиси – Маккаи Мукаррама шаҳри.

Учинчиси – Маккаи Мукаррама атрофида ҳарам учун белгиланган чегара; кофирлар кириб бўлмайдиган, ов овланиб, ўсимликлари кесилиб ёки юлиниб бўлмайдиган, кўпгина маълум ишлар ҳаром этилган минтақага нисбатан ҳам ишлатилади.

Ушбу ояти каримадаги **«Масжидул Ҳаром»** ибораси Маккаи Мукаррама шаҳри маъносида келган. Исро кечасида Пайғамбаримиз Каъбаи Муаззама атрофидаги масжидда эмас, шаҳарнинг бир тарафида жойлашган амакиларининг қизи Умми Ҳониънинг уйида ухлаб ётган эдилар.

«Масжидул Ақсо»дан мурод Шои Шарифдаги Байтул Мақдисдир. «Ақсо» сўзи узоқ, чет маъноларини билдиради. Масжид эса, ибодатхона, саждагоҳ маъносини билдириши ҳаммага маълум. Ўша пайтда Байтул Мақдис Маккаи Мукаррамага нисбатан узоқ ва энг четдаги ибодатхона ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ уни «Масжидул Ақсо» деб номлади. Аллоҳ таоло Масжидул Ақсонинг атрофини баракали қилиб қўйганини ҳам айтмоқда.

«Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога...»

Чунки, Байтул Мақдис, ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ томонидан баракотли қилиб қўйилган бир жойдир. Қадимдан бу ер Пайғамбарлар маскани, ибодатгоҳи бўлган. Мусо алайҳиссалом, Ийсо алайҳиссалом ва уларнинг ораларидаги Пайғамбарлар ҳам шу ерда ўтишган. Уларга Аллоҳнинг ваҳийси шу ерда тушган. Шунинг ўзи ҳам ҳар қандай баракотдан устун. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло бу жойни моддий томондан ҳам баракотли қилиб қўйган. Об-ҳавоси, зилол сувлари, серунум тупроқлари ила бу жойни серҳосил қилиб қўйган.

«...мўъжизаларимизни кўрсатиш учун...»

Исродан – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кечаси Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдиришдан – мурод у зотга мўъжизаларни кўрсатиш экан. Дарҳақиқат, бу ҳодиса асносида, хусусан, Меърожда Аллоҳ таоло Ўз бандаси ва Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга кўпдан-кўп мўъжизаларни кўрсатди. Бу ҳақда «Нажм» сурасида: «Батаҳқиқ, у Роббининг улкан оятларидан кўрди», дейилади.

«Албатта, У эшитгувчи ва кўргувчи Зотдир.»

Аллоҳ таоло ким нима деганини эшитиб, ким нима қилганини кўриб тургувчи Зотдир.

Ушбу ояти каримада келган маълумотлар муносабати ила икки нарса – Исро ва Меърож нима эканини ҳам тўла тушуниб олмоғимиз лозим.

Исро, аввал айтилганидек, луғатда «кечанинг бир қисмида сайр қилиш», юришни англатади.

Шариатда эса, Аллоҳ таолонинг Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кечалардан бирида Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдиришига айтилади. Яна шуни ҳам таъкидлаб айтиш лозимки, Исро ҳодисаси туш эмас, руҳий сафар ҳам эмас, балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам жасадлари, ҳам руҳлари ила қилган сафарларидир. Агар туш ёки руҳий сафар бўладиган бўлса, бу воқеанинг мўъжизалиги қолмас эди. Ояти каримада «**бандасини**» деб таъкидланиши ҳам Исро ҳодисаси ҳам жасад, ҳам руҳ билан бўлганини кўрсатади. Агар фақат руҳ билан бўлганида, «бандасининг руҳини» деган бўлар эди.

«Меърож» луғатда «юқорига кўтарилиш» маъносини англатади. Шариатда эса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Мақдисдан Сидратул Мунтаҳога, Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилишларига айтилади.

Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозидан сўнг Умми Ҳониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида Исро ҳодисаси бошланди. Ўша кечаси Байтул Мақдисга Буроқ номли ҳайвонга миниб бордилар. Сўнгра, у ердаги катта харсанг тош устида турганларида Меърожга кўтарилдилар. Ҳозирда ўша тош устига қубба – гумбаз қурилган, сувратлари думалоқ бино шаклида бутун дунёга тарқатилган. Кўпчилик, билмасдан, уни Масжидул Ақсо деб тушунадилар.

Меърожда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом ҳам бирга бўлдилар. Ҳар осмонга етганда у киши эшикни очишни сўрадилар. Қўриқчи фаришталар:

«Ким?» деб сўрашарди. У киши:

«Жаброил», деб жавоб берардилар. Улар:

«Ёнингдаги ким?» деб сўрашарди. Жаброил алайҳиссалом:

«Муҳаммад», десалар, улар:

«Шундайми? У Пайғамбар этиб юборилдими?» дея, эшикни очиб сўрашишарди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар осмонда бир Пайғамбар ва кўплаб фаришталар ила кўришдилар. Шунингдек, жаннат ва жаҳаннамнинг ҳолини кўрдилар. Сидратул Мунтаҳога ўтиб, Аллоҳнинг малакут оламида кўпгина ажойиботларни кўрдилар. Ўшанда беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра, ортга қайтдилар. Бўлган воқеани

борича ул зотнинг ўзлари Умми Ҳонийга айтиб бердилар: «Пайғамбарлар тўпландилар, уларга намоз ўқиб бердим», дедилар. Сўнгра, масжидга чиқмоқчи бўлиб ўринларидан турдилар. Умми Ҳоний у кишининг кийимларига ёпишиб олди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сенга нима бўлди?» – дедилар. Умми Ҳоний:

«Агар бу хабарни айтсанг, қавминг сени ёлғончига чиқаришидан қўрқаман», – деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ёлғончига чиқарса ҳам майли» – дедилар. Чиқиб бориб Абу Жаҳлнинг олдига ўтирдилар ва Исро хабарини унга етказдилар. Шунда Абу Жаҳл:

«Эй, Бани Каъб ибн Луай жамоаси, келинглар!» – деб бақирди. Сўнгра, уларга бўлган гапни айтиб берди. Улар ҳайрон бўлиб тааж-жубга тушдилар. Бири қарсак чалса, бошқаси бошини ушлаб ҳайронлигини билдирди. Иймон келтирганлардан баъзилари муртад бўлиб, диндан қайтди. Бир гуруҳ одамлар Ҳазрати Абу Бақр розияллоҳу анҳунинг олдидан югуриб боришди. У киши хабарни эшитгандан сўнг:

«Ул зот шу гапларни айтдимиз?» – деб сўрадилар. Улар:

«Ҳа», – дедилар. У киши:

«Агар ул зот айтган бўлсалар, тўғри айтибдилар, мен бунга шохидлик бераман», – деди. Улар:

«Шомга бир кечада бориб, яна Маккага тонг отмай туриб қайтиб келишига ишонасанми?!» – дейишди. Абу Бақр:

«Мен у кишининг бундан ғариброқ нарсасини ҳам тасдиқлайман. Осмондан хабар айтишини ҳам тасдиқлайман», – деди. Шундан сўнг Абу Бақрни «Сиддиқ» – ўта тасдиқловчи, деб атаиб бошладилар.

Одамларнинг ичида Байтул Мақдисга борганлари бор эди. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўша ердаги масжид – ибодатхонани сифатлаб беришни талаб қилдилар. Масжид Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатилди. У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга масжидни – ибодатхонани васф қила бошладилар. Улар:

«Аммо, васфини тўғри қилди», – дедилар-да, сўнгра:

«Сен бизнинг қарвонимиздан хабар бер», – дейишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг қарвонидаги туялар сони, аҳволи ҳақида тўлиқ хабар бериб, ниҳоясида:

«Қарвон фалон куни, қуёш чиқиш пайтида етиб келади. Олдинда кулранг туя бўлади», – дедилар. Ўша куни ҳаммалари шаҳар четига чиқиб қарвон келишини кута бошладилар. Улардан бири:

«Мана қуёш ҳам чиқди», – деди. Бошқаси эса:

«Мана, Аллоҳга қасамки, қарвон ҳам кўринди. Олдинда, Муҳаммад айтганидек, кулранг туя келмоқда», – деди. Аммо, шундоқ бўлса ҳам,

иймон келтирганлари йўқ. Исро ҳодисаси буюк мўъжиза эди. Буни билган одамлар иймон келтирмақлари лозим эди. Аммо иймон келтирмадилар. Қадимда, Бани Исроил ҳам шундай қилган эди. Уларга Аллоҳ томонидан Мусо алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келганларида, у кишининг руҳий маркази Байтул Мақдис эди. У кишини ҳам Аллоҳ таоло мийқотга чақириб, ўзи билан алоҳида гаплашиб, муҳим нарсаларни тайинлаган эди. Аммо Бани Исроил бунга ишонмади. Қурайшликлар ҳам худди шундай қилмоқдалар. Лекин улар Бани Исроилдан ўрнак олишлари, оқибат нима бўлишини ўйлаб кўришлари лозим эди. Мана, бўлиб ўтган гапларни бир эшитиб қўйсинлар:

وَأَتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَجَعَلْنَاهُ هُدًى لِّبَنِي إِسْرَائِيلَ أَلا تَتَّخِذُوا مِن دُونِي وَكِيلًا ﴿٦﴾

2. Ва Биз Мусога китобни бердик ва у(китоб)ни Бани Исроилга ҳидоят қилиб: «Мендан ўзгани вакил тутманглар!» дедик.

Яъни, Биз Мусо Пайғамбарга Таврот китобини бердик. Ҳамда ўша Таврот китобини Бани Исроил учун ҳидоят қилиб қўйдик. Унга эргашсалар, ҳидоятга эришишлари турган гап эди.

Шу билан бирга, Биз Бани Исроилга:

«Мендан ўзгани вакил тутманглар!» дедик».

Яъни, Аллоҳдан ўзгага суйанманглар. Ундан бошқага юзланманглар. Ана шундагина ҳидоят топасизлар, дедик.

ذُرِّيَّةَ مَنْ حَمَلْنَا مَعَ نُوحٍ إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا ﴿٧﴾

3. (Эй) Нуҳ билан бирга кўтарганларимизнинг зурриётлари! Албатта, у ўта шукрли банда эди.

Дунёда инсоният қолмаган пайтда Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом билан бирга у киши ясаган кемада тўфон балосидан қутулиб қолган мўминлардан зурриёт тарқатиб, ер юзида янгидан одамзотни кўпайтирди. Аллоҳ таоло Бани Исроилга ўша нарсани эслатиб туриб хитоб қилмоқда. Уларнинг асли ана ўшандай яхши, фазилатли инсонларга қайтишини эслатмоқда. Улардан ўрнак олишга чақирмоқда.

«Албатта, у ўта шукрли банда эди.»

Нуҳ алайҳиссалом ўта шукрли банда эди. Унга иймон келтирганлар ҳам ўта шукрли бандалар эдилар. Сизлар ҳам шукрли бўлинглар.

وَقَضَيْنَا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ فِي الْكِتَابِ لِنُفْسِدَنَّ فِي الْأَرْضِ مَرَّتَيْنٍ وَلِنَعْلَمَنَّ عُلُوًّا كَبِيرًا ﴿٨﴾

4. Биз у китобда Бани Исроилга, ер юзида икки марта бузғунчилик қилурсизлар ва катта туғёнга кетурсизлар, деб билдирдик.

Яъни, ўша Бани Исроилга ҳидоят қилиб берилган Таврот китобида уларнинг келажақда ер юзида икки марта бузғунчилик қилишлари, катта туғёнга кетиб ҳаддан ошишлари ҳам хабар қилинган эди. Бу хабар Аллоҳ таолонинг чексиз илми туфайли билинган хабар эди. Уларни бузғунчиликка, туғёнга мажбурлаш эмас эди. Бани Исроилнинг табиатини яхши биладиган Аллоҳ, дунёдаги ҳар бир воқеани бўлишидан олдин билиб турадиган Аллоҳ, ушбу хабарни ҳам аввалдан билган эди.

Ояти каримадаги «**ер юзи**»дан мурод муқаддас ер – Фаластин эканини тафсирчиларимиз таъкидлаганлар. Улар ўзларида қувват ҳис қилсалар, кўтарилиш сезсалар, бузғунчиликка ўтадилар. Бани Исроилнинг табиати шундай.

فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ أُولَاهُمَا بَعَثْنَا عَلَيْكُمْ عِبَادًا لَنَا أُولَىٰ بَأْسٍ شَدِيدٍ فَجَاسُوا خِلَالَ الدِّيَارِ
وَكَانَ وَعْدًا مَّفْعُولًا ﴿١٠٠﴾

5. Бас, ўша икки(бузғунчилик)дан биринчисининг ваъда вақти келганда, устингизга шиддатли куч-қудратга эга бандаларимизни юборамиз. Бас, улар ҳовли-жойларни оралаб кезадилар. Бу, қилиниши лозим ваъда эди.

Бу Бани Исроилнинг биринчи бузғунчилигидир. Аввал улар турли имконларга эга бўлиб, муқаддас ерда юксаладилар. Куч-қувватга, султонга эга бўладилар. Сўнгра, бузғунчилик қилишга ўтадилар. Ўшанда, Бани Исроил қилиши керак бўлган

«**ўша икки(бузғунчилик)дан биринчисининг ваъда вақти келганда, устингизга шиддатли куч-қудратга эга бандаларимизни юборамиз**».

Чунки, бузғунчилик доимо давом этавериши мумкин эмас. Эртами, кечми бузғунчи жазосини тортиши керак. Сизга қилмишингизнинг жазосини куч-қувватга эга ўша бандаларимиз беради.

«**...улар ҳовли-жойларни оралаб кезадилар**» ва сизларни топиб, азоблаб ўлдирадилар. Улардан қочиб қутула олмайсиз.

«**Бу, қилиниши лозим ваъда эди.**»

Уни ўзгартириб ҳам, кечиктириб ҳам бўлмайди.

ثُمَّ رَدَدْنَا لَكُمُ الْكُرَّةَ عَلَيْهِمْ وَأَمْدَدْنَاكُمْ بِأَمْوَالٍ وَبَنِينَ وَجَعَلْنَاكُمْ أَكْثَرَ نَفِيرًا ﴿١٠١﴾

6. Сўнгра, сизга улар устидан ғалабани қайтардик ва сизга молу дунё ва фарзандлар ила мадад бердик. Ва сизларнинг ададингизни кўп қилиб қўйдик.

Эй, Бани Исроил, сўнгра тавба-тазарру қилдингиз, ана шундан кейин, Биз сизга улар устидан ғалабани қайтардик, сиз яна душманингиз устидан ғолиб бўлдингиз. Бу ишда сизга ёрдам сифатида биз молу дунёингизни ва болаларингизни кўпайтириш ила мадад бердик:

«Ва сизларнинг ададингизни кўп қилиб қўйдик».

Ана шу нарсалар ёрдамида душманингиз устидан қайта ғолиб бўлдингиз.

إِنْ أَحْسَنْتُمْ أَحْسَنْتُمْ لِأَنْفُسِكُمْ وَإِنْ أَسَأْتُمْ فَلَهَا فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسْتَوْأُوا
وُجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلِيُتَبِّرُوا مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا ﴿٦﴾

7. Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз ҳам, ўзингиз учундир. Бас, кейинги(бузғунчилик)нинг ваъда вақти келганда, юзингизни қора қилишлари учун, масжидга аввал кирганларидек киришлари учун ва эгаллаган нарсаларини тамоман парчалашлари учун (бандаларимизни юборурмиз).

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг Бани Исроилга нисбатан хитоби давом этмоқда.

«Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз.»

Ҳар ким яхшилик қилса, ўзи учун қилади. Шу жумладан, Бани Исроил ҳам. Буни ҳамма, жумладан, Бани Исроил ҳам яхши тушуниб олмағи лозим. Шунингдек:

«Агар ёмонлик қилсангиз ҳам, ўзингиз учундир».

Бу қоида умумий, ҳамма учун баробар, охираат учун ҳам, бу дунё учун ҳам жорий қоидадир. Шунга биноан, инсоннинг ҳар бир иши ўзига қайтади. Ҳамма қилганига яраша мукофот ёки жазо олади. Яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам, ўзига. Ҳар ким ўзидан кўраверади. Ушбу қоидага биноан, эй, Бани Исроил, сиз яна туғёнга кетиб бузғунчилик қилсангиз:

«Бас, кейинги(бузғунчилик)нинг ваъда вақти келганда...»

Сиз ўзингизнинг қилмишингиз, бузғунчилигингиз ила ўша ваъданинг юзага чиқишига сабаб бўлганингизда...

«юзингизни қора қилишлари учун, масжидга аввал кирганларидек киришлари учун ва эгаллаган нарсаларини тамоман парчалашлари учун (бандаларимизни юборамиз)».

У бандаларимиз шиддатли куч-қувват эгалари бўладилар. Улар сизни қаттиқ қийнаб азоблайдилар. Улар масжидга — Байтул Мақдисга аввал қандай кирган бўлсалар, шундай кирадилар ва ўзлари эгаллаган нарсаларни тамоман парчалаб — йўқ қилиб ташлайдилар.

Тафсирчиларимиз Бани Исроилнинг устига юборилган шиддатли куч-қувватга эга бандалар ким эканлиги ҳақида турлича фикрлар келтирадилар. Яҳудийларнинг азоб-уқубатига сабаб бўлган қавмларнинг номларини ҳам айтишади. Аммо, Қуръони Карим ёки ҳадиси шарифда муайян бир қавмнинг номи келмаган. Шу билан бирга, Аллоҳ таолонинг Бани Исроил ҳаддан ташқари туғёнга кетганида уларнинг устига шиддатли куч-қувватга эга бандаларини юбориши тўғрисидаги ваъдаси ҳақиқатга айланган. Тарихда бир неча марта такрорланган, иншоаллоҳ, яна бўлажак.

عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يَرْحَمَكُمْ وَإِنْ عُدْتُمْ عُدْنَا وَجَعَلْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ حَصِيرًا ﴿٨﴾

8. Шояд, Роббингиз сизга раҳим қилса. Агар сиз қайтсангиз, Биз ҳам қайтамыз. Ва жаҳаннамни кофирларга зиндон қилганмиз.

Агар сиз ўзингизни билиб, туғёнга кетмай, бузғунчилик қилмай юрсангиз:

«Шояд, Роббингиз сизга раҳим қилса».

Сизни азоблаш учун шиддатли куч-қувватга эга, ҳовли-жойларни айланиб юриб додингизни берадиган бандаларини юбормай турса.

«Агар сиз қайтсангиз, Биз ҳам қайтамыз.»

Агар сиз туғёнга, ер юзида бузғунчилик қилишга қайтсангиз, Биз ҳам сизларни азоблаш учун шиддатли куч-қувватга эга бандаларимизни юборишга қайтамыз.

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг бу ваъдаси доимо юзага чиқиб келмоқда. Бани Исроил туғёнга кетиб, ер юзида бузғунчилиги маълум даражага етгандан сўнг, уларнинг устига куч-қувватли бандаларини юбормоқда. Бу ҳодисалар тарихда маълум ва машҳур. Булар ушбу дунё ҳаётининг можароларидир. Охиратнинг эса, ўзига яраша ҳисоб-китоби бор.

«Ва жаҳаннамни кофирларга зиндон қилганмиз.»

Ўша зиндондан чиқа олмай, абадий азобда қолурлар.

Бани Исроил ўзига ҳидоят учун берилган китобга — Тавротга амал қилмай, бу дунёю у дунёнинг хорлигига дучор бўлгани баён қилинганидан сўнг, кишиларга ҳидоят ўлароқ юборилган, икки дунё саодатини таъмин этадиган китоб — Қуръони Карим ҳақида сўз бошланади:

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا ﴿١٠﴾

9. Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларга, албатта ўшаларга, улуғ ажр борлиги хушxabарини берур.

Аллоҳ таоло Ўзининг сўнги илоҳий таълимотларини қамраб олган китобини – Қуръони Каримни қиёмат кунигача инсониятни икки дунё саодатига элтиш учун, энг тўғри йўлга ҳидоят қилиш учун нозил этди.

«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур.»

Қуръон ҳамма замон ва макондаги инсонларни ҳам бу дунё, ҳам у дунё саодатига ҳидоят қилади. Инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларида уни энг тўғри йўлга йўллайди. Қуръони Карим ҳидояти ақийда, эътиқод, маънавият, қадрият, руҳоният, мафкура бобидаги энг тўғри ҳидоятдир.

Қуръони Карим инсоннинг ўзига, Роббига, бошқа инсонларга ва уни ўраб турган турли махлуқотларга нисбатан алоқаси қандай бўлишининг энг тўғри йўлини кўрсатади.

Қуръони Карим инсоннинг бу дунёдаги ахлоқий, иқтисодий, ижтимоий, оилавий ва сиёсий ҳаётини энг тўғри йўлга бошлайди.

Қуръони Карим ҳидояти ҳаммани охират саодатига бошловчи энг тўғри ҳидоятдир.

Қуръони Каримдан ўзга тўғри йўлга ҳидоят қилувчи ҳеч бир китоб, мафкура, тузум ва дастур йўқдир. Фақат Қуръони Каримгина энг тўғри йўлга ҳидоят қила олади. Чунки, борлиқни яратган Зот ҳам, борлиқда инсонни ўзининг халифаси қилиб яратган Зот ҳам Аллоҳдир. Борлиқ Аллоҳнинг махлуқи, инсон Аллоҳнинг бандаси, Қуръон эса, Аллоҳнинг дастури. Аллоҳ Ўзи яратган бандасини Ўзи яратган борлиқда Ўзи нозил этган китобига амал қилиб яшасагина, икки дунё саодатига эриштиради. Аллоҳ яратган борлиқда Аллоҳ яратган инсон Аллоҳ нозил қилган Қуръондан ўзга энг тўғри йўлга ҳидоят қилувчи нарсани икки дунёда ҳам топа олмайди. Шу билан бирга, Қуръони Карим:

«...яхши амалларни қилувчи мўминларга, албатта, ўшаларга, улуғ ажр борлиги хушxabарини берур».

Демак, фақат мўмин бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, яхши амаллар ҳам бўлиши керак. Шунингдек, яхши амалларнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди, иймон бўлиши керак. Бу умумий қоида. Иймонсиз яхши амал ва яхши амалсиз иймон бўлмайди.

Бу умумий қоиданинг акс томони ҳам бор:

وَأَنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٠﴾

10. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганларга, ўшаларга, аламли азобни тайёрлаб қўйдик.

Иймонсизлик тўғри йўлдан адашишдир. Тўғри йўлдан адашганлар ҳеч қачон мақсадга ета билмайдилар. Аввало, бу дунёда мақсадга эриша олмайдилар. Чунки, уларнинг иймони йўқ, энг тўғри йўлга ҳидоят қилувчи Қуръони йўқ. Шунингдек, охиратда ҳам мақсадга эриша олмайдилар. Бу ҳам иймонлари йўқлиги, энг тўғри йўлга ҳидоят қилувчи Қуръонлари йўқлигидандир. Натижада, улар ўзларини турли йўлларга урадилар. Ҳавойи нафслари айтган кўйларга тушадилар. Ўзларига нима фойда ва нима зарарлигини билмай, турли ҳолатларга гирифтор бўладилар.

وَيَدْعُ الْإِنْسَانَ بِالشَّرِّ دُعَاءَهُ بِالْخَيْرِ وَكَانَ الْإِنْسَانُ عَجُولًا ﴿١١﴾

11. Инсон яхшиликка дуо қилганидек, ёмонликка ҳам дуо қилур. Инсон шошқалоқ бўлгандир.

Яъни, иймонсиз, Қуръон ҳидоятдан маҳрум бўлган ҳар бир инсон ўзини яхшиликка урганидек, ёмонликка ҳам ураверади. Чунки, у нима яхши ва нима ёмон – ажрата олмайди. Шунингдек, яхшилик тилаб дуо қилганидек, ёмонлик тилаб ҳам дуо қилаверади. У, аввало, ёмонликни англаб етмайди, англаган чоғида ҳам, ундан ўзини тўхтата олмайди.

Ўтган ояти карималарда Нуҳ алайҳиссалом билан бирга қутқарилганлар, Мусо алайҳиссалом билан Бани Исроил, уларга Таврот берилиши, Қуръони Карим ҳидояти каби маънавий мўъжизалар ва неъматлар ҳақида сўз кетганидан сўнг, энди келадиган оятларда моддий мўъжиза ва неъматлар ҳақида сўз очилади:

وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ آيَاتٍ لِّمَنْ حَسَّنَا ۖ آيَةَ اللَّيْلِ وَجَعَلْنَا آيَةَ النَّهَارِ مُبْصِرَةً لِّمَنْ تَبَتَّغُوا فَضْلًا مِّن رَّبِّكُمْ ۚ وَلِتَعْلَمُوا عَدَدَ السِّنِينَ وَالْحِسَابَ ۚ وَكُلُّ شَيْءٍ فَضْلَنَاهُ تَفْصِيلًا ﴿١٢﴾

12. Кеча ва кундузни икки белги – аломат қилдик. Кеча аломатини маҳв этдик. Роббингиздан фазл талаб қилишингиз ва йиллар ададини ҳамда ҳисобини билишингиз учун кундуз аломатини кўрсатувчи қилдик. Ва ҳар бир нарсани батафсил баён қилганмиз.

Бошқа суралардаги оятларда ҳам кеча билан кундуз Аллоҳнинг ягоналигига, қудратига далолат қилувчи аломатлардан эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Икковининг мунтазам равишда алмашиб ту-

риши, бири кетиб, иккинчиси келиши, уларнинг ҳар биридаги алоҳида хусусиятлар ҳақида ҳам кўп гапирилган. Бу ишларни чуқурроқ тафаккур қилган инсонгина ўзига кўплаб ибратлар олиши мумкин.

«Кеча ва кундузни икки белги – аломат қилдик.»

Яъни, бу икки нарсани Ўз қудратимизга ва ягоналигимизга икки катта аломат қилдик.

«Кеча аломатини маҳв этдик.»

«Маҳв этдик» иборасини уламоларимиз икки хил таъвийл қилганлар. Биринчи таъвийлга кўра, йўқотдик, кетказдик, маъноларини билдиради. Яъни, қоронғу тушириб, нарсаларни кўринмайдиган қилиб қўйдик, деган маънони англатади. Иккинчи таъвийлга кўра эса, кечанинг аломатини ҳамма нарсани йўқотиб, кўринмайдиган қилиб қўювчи қоронғуликлардан иборат қилдик, деган маъно келиб чиқади. Ушбу иккинчи таъвийл умумий маънога уйғунроқ келади. Чунки, кейинги жумлада:

«Роббингиздан фазл талаб қилишингиз ва йиллар ададини ҳамда ҳисобини билишингиз учун...» дейилади.

Кечаси ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Шунинг учун, инсон дам – роҳат олади. Кундузининг ёруғида ҳамма нарсани кўрган инсон ишлаб Роббининг фазлидан ризқ-рўз ва бошқа нарсалар талаб қилади. Шунингдек, кеча билан кундузнинг алмашиб туришидан кун, ҳафта, ой, йил ва ваъда қилинган вақт кабиларни ҳисоблайди. Буларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг бандаларга берган неъматидир.

«Кундуз аломатини кўрсатувчи қилдик», дейилиши ҳам бежиз эмас.

Маълумки, кундуз ҳамма нарсани кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Бу, катта мўъжиза бўлиши билан бирга, улкан неъмат ҳамдир. Буни англаш учун кундузсиз ҳаётни тасаввур қилиб, бир ўйлаб кўришнинг ўзи кифоя. Оятнинг ўзида ушбу неъматнинг ҳар қандай содда киши ҳам кўп ўйламасдан англаб етадиган фойдаларидан баъзиси зикр этилмоқда.

«Ва ҳар бир нарсани батафсил баён қилганмиз.»

Бу дунёда тафсилоти Аллоҳ томонидан баён этилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган нарса йўқ. Ҳамма нарса, жумладан, кечаю кундуз ва уларга тегишли нарсалар ҳам батафсил баён қилинган.

وَكُلِّ إِنْسَانٍ أَلْزَمْنَاهُ طَبْعَهُ فِي عَنَقِهِ ۖ وَنُخْرِجُهُ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ كِتَابًا يَلْقَاهُ مِنْشُورًا ﴿١٣﴾

13. Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз ва қиёмат кунини унга китоб чиқарамизки, у унга очилган ҳолда рўбарў бўлур.

Ҳар бир инсон яхшими, ёмонми амал қилса, унинг амали ўзи билан бўлади, ундан ажрамайди. Қуръони Карим инсонга шу маънони мужассам ҳолда ҳис эттириш учун амалини худди бўйинга осиб қўйиладиган нарса қилиб кўрсатмоқда. Инсон яхши билиши лозимки, унинг ҳар бир қилган иши бўйнига осилиб боради. Ундан тониб, мен қилганим йўқ деб, қутулишнинг имкони йўқ. Бунинг устига, қиёмат куни унга очиқ бир китоб чиқариб кўрсатилади. Ўша очиқ китобда унинг ҳамма амаллари аниқ шаклда битилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳисобкитоб бўлади. Демак, инсон фақат яхши амал этиши, ёмон амалдан ҳазар қилиши лозим. Чунки ўша қиёмат кунида ҳар бир инсонга:

أَقْرَأْ كِتَابَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿١٤﴾

14. Китобингни ўқи, бугунги кунда сен ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан (дейилур).

Бошқа ҳисобчининг кераги йўқ. Ҳамма ишларинг шу китобда ёзилган, ўқиб олсанг, бўлди. Ўзинг ўзингга ҳисобчисан, гувоҳсан.

مَنْ أَهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ ۗ وَمَنْ ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۗ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ
وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا ﴿١٥﴾

15. Ким ҳидоятга юрса, фақат ўзи учунгина ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, фақат ўзи учунгина залолатга кетадир. Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас. Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз.

Аллоҳ таоло умумий қоида шундай бўлишини ирода этган. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Яхшилик қилса, ҳидоят йўлига юрса, ўзи учун қилган бўлади. Бошқа учун эмас.

«Ким ҳидоятга юрса, фақат ўзи учунгина ҳидоят топадир.»

Унинг ҳидоятга юриши бошқага фойда келтирмайди. Инчунин, Аллоҳга ҳам унинг ҳидоятга юришидан бирор манфаат йўқ.

«Ким залолатга кетса, фақат ўзи учунгина залолатга кетадир.»

Зиёни ўзига қайтади. Аллоҳ таолонинг бирор ери камайиб қолмайди. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини тутган даъватчиларга ҳам зарар етмайди. Зарар фақат залолатга кетган шахснинг ўзигагина етади.

«Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас.»

Ҳамма ўз оғирлигини ўзи кўтаради. Ҳар ким нима қилса, ўзи жавоб беради. Шу билан бирга,

«Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз».

Инсонга ақл, фаросат берганимиздан кейин, дунёдаги қудратимизга, холиқ ва мудаббир, розиқ эканлигимизга далолат этувчи мўъжизаларга қараб тўғри йўлни танлаб, Бизга иймон келтириб ибодат этишини фарз қилиб, бажарилмаса, жазолашни жорий қилсак, ҳаққимиз бор эди. Аммо бундай қилмадик. Бандаларимизга раҳим қилдик. Мазкур нарсалар устига яна огоҳлантирувчи, эслатувчи Пайғамбар юборишни ҳам ирода этдик. Пайғамбар огоҳлантиргандан кейин ҳам иймон ва Ислом йўлини танламаганларни азоблашга аҳд этдик. Пайғамбар ва унинг даъвати етмаганларни эса, азобламасликка қарор қилдик.

وَإِذَا أَرَدْنَا أَنْ نُهْلِكَ قَرْيَةً أَمَرْنَا مُتْرَفِيهَا فَفَسَقُوا فِيهَا فَحَقَّ عَلَيْهَا الْقَوْلُ فَدَمَّرْنَاهَا تَدْمِيرًا

16. Қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг майишатпарастларини (итоатга) амр қиламиз, бас, улар у(шаҳар)да фисқ қилурлар. Шунда унга «сўз» ҳақ бўлур. Бас, Биз у(шаҳар)ни мутлақо вайрон қилурмиз.

Аллоҳ таоло якка шахсларни бекордан-бекорга азобга гирифтор қилмайди. Шунингдек, айрим шаҳар-юртларни ҳам сабабсиз ҳалок этмайди. Бало ва офат ўша юрт аҳолисининг гуноҳлари, фисқу фу-журлари туфайли бўлади.

«Қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг майишатпарастларини (итоатга) амр қиламиз.»

Ҳар бир юртнинг майишатпарастлари бор. Улар каттакон амалдорлар ва ҳар хил нозу неъматга кўмилган кишилар тоифасидир. Ўша майишатпарастларнинг ихтиёрида молу дунё, нозу неъматдан ташқари, яна ҳукму амал, хизматчилар ва бошқа имкониятлар бўлади. Улар нимани хоҳласалар, шуни қиладилар. Дунёда фақат бизнинг айтганимиз бўлиши керак, деган фикрга бориб қоладилар. Фазилат, муқаддас нарса, гуноҳ ёки савоб каби тушунчалар уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Кўнгиллари тусаган ишни қилишга ўрганиб қоладилар. Кўнгиллари эса, доимо фисқу фасодни, ҳаром майишатни тилайди. Аъёнлари шу даражага етишига томошабин бўлиб турган халқдан ҳам яхшилик кутилмайди. Бундай юрт ҳалок бўлишга сазовордир.

Шунинг учун ҳам:

«Қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг майишатпарастларини (итоатга) амр қиламиз».

Ўша юртнинг каттакон, амалдор, аъёну зодагонларини Аллоҳнинг тоатига чақирамиз.

«...бас, улар у(шаҳар)да фикс қилурлар.»

Маийшатпарастликка ўрганиб қолганлари учун, тоат этишга бўйинлари ёр бермайди. Оддий кишилар дарҳол амрга бўйсунсалар ҳам, маийшатпараст амалдорлар итоатни мутлақо истамайдилар. Улар ўзларининг фиксу фасод ишларини қилаверадилар.

«Шунда унга «сўз» ҳақ бўлур.»

Яъни, ўша юртга азоб сўзи ҳақ бўлиб, ҳалокатга учрайди.

«Бас, биз у(шаҳар)ни мутлақо вайрон қилурмиз.»

Чунки, бундай юрт шунга лойиқдир. Бир юртда маийшатпарастлар ва Аллоҳнинг амрига юрмайдиганлар ишбоши бўлиб туриши ўша юртнинг бузуқлигидан далолат беради.

Бу ояти каримани машҳур муфассир саҳобий ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бошқача таъвийл қилганлар. «Маийшатпарастларини (итоатга) амр қиламиз» жумласида биз қавс ичида тунтириш учун келтираётган (итоатга) сўзи оятда йўқлиги ва «амарна» феълини «аммарна» ўқиш мумкинлигидан у киши «маийшатпарастларини амир қиламиз» деган маъно чиқарганлар. Яъни, қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг маийшатпарастларини унга амир — бошлиқ қилиб қўямиз. Ана энди улар амир бўлиб олиб, фиксу фасодни авжга чиқарадилар ва оқибатда ўша юртга азоб ҳақ бўлади.

Ҳаётий тажрибада бу икки таъвийл ҳам учраб туради. Шунинг учун, бу икки маъно бир-бирини тўлдириб келади.

Худди шу йўл ила:

وَكَمْ أَهْلَكْنَا مِنَ الْقُرُونِ مِنْ بَعْدِ نُوحٍ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ بِذُنُوبِ عِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا

17. Нуҳдан сўнг қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилдик. Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш ва уларни кўришда Роббинг Ўзи кифоя қилур.

Яъни, фиксу фасодга берилиб бузғунчилик қилган қавмларнинг ҳалокати янги одат эмас. Бу иш доимо бўлиб келган. Нуҳ даврида фиксу фасод туфайли барча одамларни фарқ этиб, фақат Нуҳ ва унга иймон келтирганларни сақлаб қолган эдик. Аммо Нуҳдан кейинги асрларда ҳам гуноҳкорларни ҳалок этиб келдик. Ҳа,

«Нуҳдан сўнг қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилдик».

Қаерда гуноҳлар кенг тарқалса, ўша ер аҳолиси ҳалокатга учратади.

«Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш ва уларни кўришда Роббинг Ўзи кифоя қилур.»

Бошқа гувоҳ, хабарчи ёки кўрувчининг кераги йўқ.

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعَاجِلَةَ عَجَّلْنَا لَهُ فِيهَا مَا نَشَاءُ لِمَنْ نُرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُ جَهَنَّمَ يَصْلَاهَا
مَذْمُومًا مَدْحُورًا ﴿١٨﴾

18. Ким шошган(дунё)ни истаса, унга бу дунёда прода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилич берурмиз. Сўнгра, унга жаҳаннамни берурмиз. Унга хор ва қувфинга учраган ҳолда кирур.

Кимки бошқа нарсани хоҳламасдан, ушбу ўткинчи, беш кунлик дунё учун яшамоқчи бўлса, Аллоҳ унга бу дунё насибасини шошилич тарзда беради. У киши бу дунёда керак нарсасига эришиб олади. Аммо охиратига ҳеч нарса қолмайди. Шунинг учун:

«Сўнгра, унга жаҳаннамни берурмиз. Унга хор ва қувфинга учраган ҳолда кирур».

Улар бу дунё ҳойи-ҳавасларига берилиб, шаҳват ва лаззат ортидан қувиб, ҳаётларини гуноҳ қилиш билан ўтказадилар. Энди, жаҳаннамда ўша гуноҳларига яраша азоб чекадилар.

وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ وَسَعَىٰ لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ كَانَ سَعْيُهُمْ مَشْكُورًا ﴿١٩﴾

19. Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир.

Демак, охират саодатига эришиш учун фақат уни иташ, хоҳлашнинг ўзи кифоя қилмас экан. Унга эришиш учун истак билан бирга иймон ва жиддий ҳаракатлар ҳам даркор экан. Истак билан бирга, энг аввало иймон керак, усиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Истак ва иймон бўлса-ю, керакли саъй-ҳаракат қилинмаса ҳам, натижа чиқмайди. Демак, охират саодатига эриштирувчи ишларни ҳам амалга ошириш керак. Яъни, одам охиратда яхши натижага эриштирадиган ишларни қилиши, охиратда жаҳаннамга дучор эатдиган ишларнинг яқинига йўламаслиги лозим бўлади.

«...бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир.»

Улар бу дунё ва охиратнинг саодатига эришадилар.

كَلَّا تُمَدُّهُنَّ أُولَاءِ وَهَتُّوْا لَآءٍ مِّنْ عَطَاءِ رَبِّكَ وَمَا كَانَ عَطَاءُ رَبِّكَ مَحْظُورًا ﴿٢٠﴾

20. Барчага-манавиларга ҳам, анавиларга ҳам Роббингнинг атою неъматларидан чўзамиз. Роббингнинг атою неъматлари чекланган эмас.

Аллоҳ таоло бу дунё неъматларини барчага бераверади. У ҳам-манинг Розикидир. Бергани билан неъматни камайиб қолмайди:

«Барчага—манавиларга ҳам, анавиларга ҳам Роббингнинг атою неъматларидан чўзамиз».

Барча бандаларга, яъни, охиратни истаган, иймонга келиб, ибодат қилиб, керакли саъй-ҳаракатларни қилганларга ҳам, дунёни истаб, иймонга келмай, исён қилиб, гуноҳкор бўлиб юрганларга ҳам Роббингнинг атою неъматларидан берамиз.

«Роббингнинг атою неъматлари ман бўлган эмас.»

Доимо барчага берилиб келган. Бу дунёнинг бутун матоҳи Аллоҳнинг наздида чивиннинг қанотича эмас. Асл саодат бу дунё неъматларига эришишда эмас.

أَنْظُرْ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ ۚ وَالْآخِرَةُ أَكْبَرُ دَرَجَاتٍ وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا ﴿٦١﴾

21. Баъзиларини баъзиларидан қандай афзал қилиб қўйганимизга назар сол. Албатта, охират даражаси ва афзаллиги каттароқдир.

Бу дунёда баъзи одамларга кўпроқ неъмат тегса, бошқаларидан афзал бўлиб юраверадилар. Аммо бу ҳоллари ҳақиқий афзаллик, ҳақиқий юксак мартаба эмас.

«Албатта, охират даражаси ва афзаллиги каттароқдир.»

Яъни, охиратнинг даража ва афзаллиги ҳақиқийдир. Чунки, бу даража ва афзалликлар абадий қолажақдир. Ўзини билган одамлар ана ўша афзаллик ва ана ўша даражага эришиш учун ҳаракат қиладилар.

Ўтган оятларда Қуръони Карим энг тўғри йўлга ҳидоят қилиши, охират саодатига эришиш учун керакли саъй-ҳаракат қилиш лозимлиги умумий тарзда айтиб ўтилган эди. Эндиги келадиган оятларда ўша умумий гапларнинг тафсилотига ўтилади:

لَا تَجْعَلْ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَتَقْعُدَ مَذْمُومًا مَّخْذُولًا ﴿٦٢﴾

22. Аллоҳ билан бирга ўзга илоҳни (шерик) қилма! Яна, мазамматга учраб, чорасиз ўтириб қолмагин.

Аллоҳга ширк келтирмаслик, тавҳид ақийдаси ҳамма ишларнинг бошидир. Оятда ана ўша асл масаладан сўз очилди. Ширк келтирмаслик қаттиқ тайинланди. Шу билан бирга, ширк келтиришнинг оқибати нима бўлишидан огоҳлантириб ҳам қўйилди. Кимки, Аллоҳга ширк келтириб, Ундан ўзгани илоҳ деб эътиқод қиладиган бўлса, мазамматга учраб, чорасиз ўтириб қолиши, ёрдамчи топа олмаслиги эслатиб қўйилди.

﴿ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴾

23. Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!

Олдинги оятда Аллоҳга ширк келтиришдан қайтарилган бўлса, бу оятда ягона маъбудга – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилмоқда. Ундан сўнг, бевосита ота-онага яхшилик қилиш буюрилмоқда.

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди.»

Бу, Аллоҳнинг бандаларига амри, буйруғи, фармонидир; бу, бандаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган иш эмас. Хоҳласа қилиб, хоҳдамаса қилмайдиган ҳаваскорлик ҳам эмас. Қариб ҳеч нарсага ярамай қолганда юзланадиган кўнгил ҳуши ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг қатъий ва ўзгармас буйруғидир. Бу буйруқни бажариш ҳар бир банданинг бурчидир.

Аллоҳнинг ибодатидан кейинги келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирган амрдан кейин шу жумланинг давомида ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу икки ҳукмнинг бир оятдаги бир жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади.

«Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема.»

Бу жумланинг «уфф» сўзига боғлиқ икки хил маъноси бор. Бир маъноси – ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси – ота-онанг олдида «уфф» дема, улар «Болам оғир ҳолга тушибди», деб озорланадилар, деганидир.

«...уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!»

Ота-онангга ҳеч бир озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онангга раво кўр!

﴿ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا ﴾

24. Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни

пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳим қилгин», деб айт.

Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У бутун меҳрини хокисорлик ила ота-онасига пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳим-шафқат тилаб дуо қилиб туриши лозим.

Ота-онани ҳурматлаш, эъвозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломига тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар ва ҳадислар бу борада дунё тарихида мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар эканлиги маълум ва машҳурдир. Хусусан бу оят ва ҳадисларни, илоҳий кўрсатмалар ва исломий ҳикматларни ҳаётга татбиқ қилган мусулмонларнинг ота-оналарига кўрсатган юксак эҳтиромлари ва фидойиликларига тарих шоҳиддир.

Ҳофиз Абу Бакр ал-Баззор Бурдайдан, у киши ўз оталаридан қилган ривоятда қуйидагилар келтирилади: «Бир одам зиёратда онасини кўтариб юриб тавоф қилдираётган экан. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Онамнинг ҳаққини адо қилдимми?» – деб сўрабди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, бир оҳ тортишининг ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ», деган эканлар».

رَبِّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِنْ تَكُونُوا صَالِحِينَ فَإِنَّهُ كَانَ لِلْأَوَّابِينَ غَفُورًا ﴿١٥﴾

25. Роббингиз, сизнинг дилингидаги нарсани ҳам ўта билгучидир. Агар аҳли солиҳлардан бўлсангиз, албатта, У сертавбалар учун сермағфиратдир.

Ўтган оятларда зикр қилинган нарсаларнинг ҳаммаси дилга боғлиқ бўлгани учун ҳам ушбу оятда:

«Роббингиз, сизнинг дилингидаги нарсани ҳам ўта билгучидир», деб ниятдаги нарсалар ҳам, улардан келиб чиқадиган гап-сўз ва амаллар ҳам – барчаси Аллоҳ таолога қайтишининг хабари берилмоқда. Демак, дилдаги нарсани яхшилаш лозим экан. Дилда нима борлигини Аллоҳ билиб тургандан кейин, сиртда бошқа, ичда бошқа бўлиш фойда бермас экан.

«Агар аҳли солиҳлардан бўлсангиз, албатта, У сертавбалар учун сермағфиратдир.»

Кишининг қалби салоҳиятли бўлса, иши яхши бўлаверади. Сертавба кишилар, яъни, билмасдан хато қилиб қўйиб, ўша заҳоти

тавбага шошилувчи зотлар учун Аллоҳнинг тавба эшиги очик, дар-ҳол тавбаларини қабул қилади.

Кейинги оятларда ота-оналардан кейин яхшилик қилиш лозим бўлган яна бир неча тоифа кишилар ҳақида сўз кетади:

وَأَتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا يَنْبُرْ تَبْذِيرًا ﴿٢٦﴾

26. Қариндошга ҳаққини бер! Мискинга ва йўл ўғлига ҳам. Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма.

Қуръони Карим ота-онанинг фарзанддаги ҳаққини баён қилибгина қолмай, қариндошларнинг ҳам бир-бирларида ҳаққи борлигини билдирмоқда. Имкони бор, ўзига тўқ кишида ночор, ёрдамга муҳтож қариндошларнинг ҳаққи бор. Бу ҳақ уларга Аллоҳ томонидан берилган. Бой-бадавлат киши ўз қариндошларига ёрдам берганида, миннат ёки фазлини кўрсатиш учун эмас, балки Аллоҳ амрини адо этиш, Аллоҳ белгилаган ҳақни бериш учун иш қилган бўлади. Шунингдек, ночор қариндош ўзининг бой-бадавлат қариндошидан бирор нарса олганда, унинг олдида хору зор бўлиб эмас, Аллоҳ унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутиб олади. Шунингдек:

«**Мискинга ва йўл ўғлига ҳам**» ҳаққини адо эт.

«**Мискин**» — ҳаёт ўтказишда моддий жиҳатдан қийналиб қолган камбағал одам.

«**Йўл ўғли**» — юртида бой-бадавлат бўлса ҳам, сафарда турли сабабларга кўра ночор иқтисодий ҳолга тушиб қолган шахс. Мана шу тоифадаги кишиларнинг ҳам бой-бадавлат мусулмоннинг молу мулкида Аллоҳ тайин қилган ҳаққи бор. Қуръони Карим бой-бадавлат кишиларга ота-она, қариндош, мискин ва кўчада қолганларга қўлла-ридаги молу мулкдан сарфлашни амр қилиш билан бирга:

«**Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма**», демоқда.

Ислом нуқтаи назарида, исрофгарчилик ноҳақ, ҳаром-хариш йўлларга мол-дунё сарфлашдир. Агар инсон бору йўғини ҳақ йўлда сарф қилиб битирса ҳам, исрофга йўл қўйган ҳисобланмайди. Аммо ноҳақ ишга, ҳаром-харишга арзимаган пул сарфласа ҳам, исрофгарчиликка йўл қўйган бўлади.

إِنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيْطَانِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا ﴿٢٧﴾

27. Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса, Роббига ўта ношукр бўлгандир.

Исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди, унга шукр этмайди. Агар шукр этса, ўшани исроф қилмасди, неъмат берувчи Зотнинг розилиги йўлида сарф этган бўларди. Исрофчилар ношукр бўлганидан ўзларига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-харишга, маъсият ва ёмонликка сарф қилади. Улар бу борада шайтонга биродар бўлади. Шайтон эса, ношукрликда донғи кетгандир. Албатта, шайтонга биродар бўлган исрофчиларнинг бошига ҳам ўз биродарлари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап.

وَأَمَّا تَعْرِضَنَّهُمْ أَتَبَّعَاءَ رَحْمَةٍ مِّن رَّبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ لَهُمْ قَوْلًا مَّيْسُورًا ﴿٢٨﴾

28. Агар улардан Роббингдан раҳмат талаб қилган ҳолда юз ўгирадиган бўлсанг, бас, уларга мулойим сўз айтгин.

Яъни, қўлингда берадиган нарсанг бўлмаса, ота-она, қариндош, мискин ва йўлда қолганларга моддий ёрдам бера олмай юз ўгирадиган бўлсанг, Роббингдан келажақда сенга ҳам ризқ-рўз — раҳмат талаб қилган ҳолда уларга ширин сўз айт. «Ўзимда ҳеч вақо йўқ-ку, сенларга нимани берар эдим! Бошимни айлантириб келаверасанларми?!» каби қўпол сўзларни айтиш яхши эмас. «Кечирасизлар, ҳозир бир оз қўлим қисқароқ бўлиб турувди, Аллоҳнинг раҳматидан умидвормиз, бизга ҳам неъматидан бериб қолса, иншоаллоҳ, сизларга ҳам берамиз», каби ширин сўзлар айтиш керак.

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا ﴿٢٩﴾

29. Қўлингни бўйнингга боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма. Яна, маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин.

Исрофгарчиликдан қайтарилгандан сўнг ушбу оятда пулу мол сарфи аслида қандай бўлиши кераклиги баён қилинмоқда.

«Қўлингни бўйнингга боғлаб олма.»

Яъни, бахил бўлма. Оятда бахиллик жуда ҳам ажойиб бир тамсил ила васф қилинмоқда. Қўлини бўйнига боғлаб олган одам ҳеч қачон ҳамёнига қўл сола олмайди ва ундан пул олиб, бировга нафақа бера билмайди. Демак, бахил одам «Кутилмаганда ҳамёнимга қўл солиб, бировга пул бериб юбормай» деб, қўлини бўйнига боғлаб олган кишига ўхшатишмоқда.

«Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма.»

Яъни, қўлингни бир йўла ёзиб, бор-йўғингни бошқаларга бериб тугатиб ҳам қўйма.

«Яна, маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин.»

Ўйламасдан борини беҳуда сарфлаб, сариқ чақасиз қолган одам маломатга учрайди. Уни ҳамма маломат қилади. Нотўғри ва ноўрин тасарруфини қоралайди. Шунингдек, вақт ўтгандан кейин, унинг ўзи ҳам қилган ишига пушаймон бўлиб, ҳасрат-надомат чекади. Исломда ҳар бир нарсани меъёрида қилиш тавсия этилади. Бир нарсани жуда ошириб ҳам юборилмайди ёки, аксинча, жуда йўқ даражага ҳам тушириб қўйилмайди. Балки, ўртача меъёрида адо этилади.

Кейинги оятда ўша, меъёрида тасарруф қилишга амр этаётган зотнинг Ўзи ризқ берувчи ҳам эканлиги баён қилинади:

إِنَّ رَبَّكَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَن يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا

30. Албатта, Роббинг ризқни кимга хоҳласа, кенг қилур ёки тор қилур. Албатта, У бандаларидан хабардор ва кўргувчи Зотдир.

Кишилардан баъзиларининг ризқини кенг, бой-бадавлат қилгувчи ҳам, баъзиларининг ризқини кесиб, камбағал-бечора қилгувчи ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Ўша Аллоҳ таолонинг Ўзи мол-дунёни ақл ила сарф қилишни амр этмоқда.

«Албатта, У бандаларидан хабардор ва кўргувчи Зотдир.»

Кимнинг ризқини кенг қилган бўлса, хабардорлик ила ва кўриб-билиб қилган. Кимнинг ризқини тор этган бўлса ҳам, хабардорлик ила кўриб-билиб туриб амр этган. Унинг амрини бажарган кам бўлмайди.

Аллоҳ таолонинг Ўзи ризқ берувчи бўлгач, кимга хоҳласа, кўп, кимга хоҳласа, оз ризқ беради:

وَلَا تَقْنَلُوا أَوْلَادَكُمْ خَشْيَةَ إِمْلَاقٍ نَّحْنُ نَرْزُقُهُمْ وَإِيَّاكُمْ إِنَّا قَنَاهُمْ كَمَا كَانَ خَطَا كَبِيرًا

31. Болаларингизни фақирликдан қўрқиб ўлдирманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантирамыз. Албатта, уларни ўлдириш катта ҳатодир.

Жоҳилият даврида арабларда фақирлик ва очликдан қўрқиб фарзандни тириклай кўмиб юбориш одати бор эди. Ҳозирги замон жоҳилиятида ҳам очлик ёки кўп сарф-ҳаражатдан қочиб, фарзандни туғмаслик, битта ёки иккитадан орттирмаслик одати кенг тарқалган. Бу, аввало, эътиқод бузуқлигига бориб тақалади. Аллоҳга иймони йўқ ёки бузуқ ақийдадаги, Аллоҳ ҳаммага ризқ беришга қодирлигини инкор этадиган одамгина фақирликдан қўрқиб ўз болаларини ўлдириши мумкин.

«Албатта, уларни ўлдириш катта хатодир.»

Катта гуноҳдир. Аллоҳнинг розиқ эканлигига иймон келтирмасликдир.

Болани ўлдирмаслик ҳақидаги амрдан сўнг зино қилмаслик ҳақидаги фармон келади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْنَةَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

32. Ва зинога яқинлашманглар. Албатта, у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир.

Оятда «зино қилманглар» эмас, балки «**зинога яқинлашманглар**», дейилмоқда. Бу дегани, зино қилманглар, дегандан кўра қаттиқроқдир. Мўмин-муслмон одам зино қилиш тугул, унинг яқинига ҳам йўламаслиги керак. Зинога олиб борувчи нарсалардан ҳам узоқда бўлиши лозим. Чунки:

«Албатта, у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир».

Аллоҳ таоло мўмин-муслмонларни барча фоҳиша ишлар ва ёмон йўллардан қайтарган. Энди эса, ҳам фоҳиша иш, ҳам ёмон йўл бўлган зинодан қайтармоқда. Мўмин-муслмонлар бу ишнинг нақадар хатарли эканини тушуниб етмоқлари ва ундан қайтмоқлари лозим.

Уламоларимиз зинодан қайтариш ҳақидаги ушбу оятнинг, олдинги, фарзандларни ўлдирмаслик ҳақидаги оятдан кейин ва ноҳақ одам ўлдиришдан қайтарган оятдан олдин келиши бежиз эмас, деган фикрни олға сурганлар. Чунки, зино – ҳалол-пок йўл билан сарфланса, фарзандлар пайдо бўладиган моддани беҳуда, ҳаром йўлда сарф қилишдан иборатдир. Зинокор иложи борича ушбу ҳаром алоқа туфайли бола бўлиб қолмаслигига уринади. Мабодо, бола бўлиб қолса ҳам, уни туғилишидан олдин ёки кейин ўлдиради. Агар зинодан бўлган бола ҳаётга келса ҳам, ҳаромдан бўлгани учун, жамиятда тирик ўлик бўлиб юради.

Шу билан бирга, зино жамиятга ҳам катта зарарлар келтиради, бора-бора уни ҳалок қилиши мумкин. Қадимдан зинога мубтало бўлган жамият ва давлатлар ҳалокатга учраб келган.

Энди, умуман ноҳақдан одам ўлдириш мумкин эмаслиги баён қилинади:

وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَمَنْ قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيٍّ سُلْطَانًا
فَلَا يُسْرِفُ فِي الْقَتْلِ إِنَّهُ كَانَ مَنْصُورًا

33. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли. Кимки мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийсига ҳақ берганмиз. Бас, у ўлдиришда исроф қилмасин. Албатта, у нусрат берилган одамдир.

Исломда ҳар бир тирик жон, айниқса, одам боласининг жони юқори қадрланади. Жонни ҳаммага Аллоҳ берган ва уни олишга ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина ҳақлидир. Шунинг учун, ҳеч кимнинг бировни ўлдиришга ҳаққи йўқ.

Исломда шаръий ҳукм ила жонни ўлдиришга уч ҳолатда ҳукумат йўли билан рухсат берилади. Яъни, бу ишни ҳар ким ўзича эмас, балки исломий ҳукумат йўлга қўйган услуб ила амалга оширади.

Биринчи ҳолатда: одам ўлдирган қотилни ундан қасос олиш учун ўлдиришга рухсат берилади.

Иккинчи ҳолатда: оилали одам зино қилса, зинонинг жазоси сифатида уни ўлдирилади.

Учинчи ҳолатда: диндан қайтган муртадни ҳам ўлимга ҳукм қилинади.

Яна бошқа бир ҳолат борки, унда ҳукумат ё ўлдиришга, ёки бошқа жазо беришга ҳақли. Бу жазо муҳорибларга, яъни, қуроли ҳолда уюшиб, элу юртнинг, халқнинг тинчини бузиб, талон-тарож билан шуғулланган одамларга белгиланган жазо бўлиб, уларни ўлдириш, осий, қўл оёқларини қарама-қарши томонидан кесий ёки сургун қилиш мумкин. Ҳукумат шароитга қараб мазкур жазолардан бирини танлайди. Бошқа ҳолатларда одам ўлдириш ҳаром ҳисобланади. Мабодо, ушбу улкан гуноҳ содир этилиб, биров ноҳақдан ўлдирилса, унинг валийсига – эгасига ҳақ берилади.

«Кимки, мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийсига ҳақ берганмиз.»

Яъни, мусулмонлардан ким ноҳақдан ўлдирилса, ўша ўликнинг валийсига – эгасига қасос олиш ҳаққини берганмиз. У, ўлдирилган шахснинг эгаси сифатида, хоҳласа, қасос олиб, қотилни ҳам ўлдиришни талаб қилиши, хоҳласа, хун олиб, қотилни ўлдирмай қўйиши, хоҳласа, умуман, афв қилиб юбориши мумкин.

«Бас, у ўлдиришда исроф қилмасин.»

Яъни, ўлган бир одамнинг ўрнига икки ёки ундан кўпроқ одамни ўлдирмасин. Ёки қотилни қийнаб, ҳаддан ташқари азоблаб ўлдирмасин. Қотил марҳумни қандай қилиб ўлдирган бўлса, уни ҳам шундай қилиб ўлдирсин. Зотан, «қасос» сўзининг луғавий маъноси ҳам бировнинг қилганига ўхшатиш демақдир.

«Албатта, у нусрат берилган одамдир.»

Яъни, марҳумнинг валийси Аллоҳ томонидан нусрат берилган

одамдир. Аллоҳ унга қасос олиш ҳуқуқини бериб қўйибди. Шунинг ўзи катта гапдир. Ҳаддан ошиш яхши эмас.

Кишиларнинг жонига тажовуз қилиш ман қилинган иш эканлиги айтиб бўлингандан кейин, уларнинг молига тажовуз қилиш ҳам ҳаром экани таъкидланади:

وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ
كَانَ مَسْئُولًا

34. Етимнинг молига, токи у балоғат ёшига етгунча, яқинлашманглар. Магар яхшилик ила бўлса, майли. Аҳдга вафо қилинглр. Албатта, аҳд масъул бўлган ишдир.

Исломда ҳар бир кишининг жони каби, моли ҳам бедахлдир. Ҳаётда кўпроқ етимлар ҳақиқага хиёнат учраб тургани учун ҳам, оятда уларнинг молига ёмон ният билан яқинлашишдан қайтарилмоқда.

«Етимнинг молига, токи у балоғат ёшига етгунча, яқинлашманглар. Магар яхшилик ила бўлса, майли.»

Кишиларнинг молига, умуман, ёмон ният ила яқинлашиб бўлмайди. Етим молига эса, у балоғатга етгунча, мутлақо яқинлашиш мумкин эмас. Чунки, бу вақтда ёш етим бола ўзини ҳам, молини ҳам ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун, уларни ва молларини шариат алоҳида эътибор билан муҳофаза этади.

«Магар яхшилик ила бўлса, майли» дегани, етимнинг молини яхши ният билан кўпайтирса ёки ҳомий у молни етимнинг ўзига сарфласа ёхуд ҳомий ўзи сарфлаб, кейин жойига қайтариб қўйса, шу мақсадда яқинлашса, бўлади, деганидир. Бу ишларда Ислом жамияти масъулдир.

«Аҳдга вафо қилинглр. Албатта, аҳд масъул бўлган ишдир.»

Аҳдга вафо қилишга Ислом дини қанчалик катта аҳамият беришини ўтган сура ва ояти карималарда кўриб ўтганмиз. Аҳдга вафо қилишлик якка шахслар ва жамоалар орасидаги ўзаро ишонч, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг асосидир. Исломда якка шахслар, жамоалар, халқлар ва давлатлар орасида аҳдга вафо қилишга алоҳида эътибор берилади. Аҳдга вафоли бўлишда инсоният тарихида ҳеч ким мусулмонларга тенг келган эмас.

Аҳдга вафо қилишга даъватдан кейинги оятда ўлчаш ва тортишни тўлиқ қилиш масаласига ўтилади:

وَأَوْفُوا الْكَيْلَ إِذَا كُنْتُمْ وَزِنُوا بِالْقِسْطِ أَسْ الْمُسْتَقِيمِ ذَٰلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

35. Ўлчаган чоғингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва оқибати гўзалдир.

Олди-берди чоғида ўлчашни тўғри олиб бориш, бирор нарсани тортиб беришда адолат тарозуси ила тортиш аҳдга вафо қилишнинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Кишилар ўртасидаги таомилда доимо мавжуд омилдир. Тўғри ўлчаб, тўғри тортиш омонатдир; қалб поклигининг аломатидир; ўзаро ишончга боғлиқ нарсадир; хайр-барака омилидир.

Бу соҳада ҳам ҳеч ким мусулмонларга тенг келган эмас. Чунки, бу ишларни Қуръони Карим ва ҳадиси шариф шунчалик кўп тарғиб қилганки, мусулмонлар уни эътиқодларининг бир қисмига айлангириб олишган. Кейинги асрларда Ислонинг кўпгина юртларда кенг тарқалишига айнан мусулмон савдогарларнинг тўлиқ ўлчовлари, тўғри тортишлари, бировнинг ҳақиқа хийнат этмасликлари, омонат ила муомала қилишлари сабаб бўлган. Умрида бундай гўзал ахлоқни, омонатли, ҳалол-пок кишиларни кўрмаган турли халқлар вакиллари мусулмон савдогарлардан ушбу адолатли муомалаларни кўриб, бу гўзал шарофатларнинг манбаи бўлган Ислон динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кира бошлаганлар.

Кейинги оятда тилни ва дилни тўғрилашга амр қилинади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

36. Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшалар, масъулдирлар.

Ислон ҳар бир нарсани илмий асосда олиб боришга даъват қилади. Билмаган нарсадан четда бўлишга чақиради.

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма!»

Ҳар бир нарсани очиқ-ойдин ва аниқ билиб олгачгина унга ишониш ва у ҳақида ҳукм чиқариш керак. Гумон билан, бировнинг гапига ишониб, турли ноаниқ ишораларга суяниб ҳукм чиқариш мусулмонларга хос эмас. Билган нарсасини борица етказиш ҳам омонатдир. Қулоқ нима гапни эшитса, хийнат қилмай, ўша гапни аниқ етказиши керак. Кўз бир нарсани кўрса, ўша ўзи кўриб-билган нарсага хийнат қилмай, у ҳақда очиқ-ойдин маълумот бериши керак. Шунингдек, дил нимани идрок этса, ўша нарсани аниқлик билан етказмоғи зарур. Бу аъзоларнинг билган, идрок этган ҳар бир нарсаси илмий омонат саналади. Омонатга хийнат қилмаслик катта масъулият ҳисобланади. Кўз ҳам, қулоқ ҳам, дил ҳам ҳар бир нарсадан масъулдир. Бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта масъулдир. Айниқса, охиратдаги ана ўша масъулият мусулмонларни илмий омонатга ҳеч хийнат қилмасликка ундаган. Улар

доимо билганлари ҳақида тўғри маълумотлар берганлар. Ушбу ояти каримага ўхшаш оятлар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари уларни доимо илмий омонатга хиёнат қилмай тўғри маълумотлар беришга чорлаб келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир ҳадисларида: «Гумондан эҳтиёт бўлинглар, чунки гумон энг ёлғон сўздир», деганлар.

وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَن تَخْرِقَ الْأَرْضَ وَلَن تَبْلُغَ الْجِبَالَ طُولًا

37. Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ета олмайсан!

Қуръони Карим кишиларни тавозуъли, камтар бўлишга чақиради. Кибру ҳаво, мутакаббирлик мусулмон одамга тўғри келмайди. Бу сифатлар иймонли, Аллоҳнинг улуғлигини ҳис этган ҳар бир инсон учун ётдир. Ўзининг ожиз бандалигини унутган шахсгина ер юзида кибру ҳаво ила юради. Лекин кибру ҳаво билан қаерга ҳам борарди? Нима ҳам қўлидан келарди? Қуръони Карим таъбири билан айтганда, ерни тешиб юборармиди ёки бўйи тоғларга етиб қолармиди? Ҳеч нарса бўлмайди. Бекорга овора бўлгани қолади, холос.

كُلُّ ذَلِكْ كَانَ سَيِّئُهُ عِنْدَ رَبِّكَ مَكْرُوهًا

38. Буларнинг барча ёмони Роббининг ҳузурида хуш кўрилмагандир.

Яъни, юқоридаги оятларда зикр қилинган нарсаларнинг ёмонлари Аллоҳ севмаган ишлардир.

ذَلِكَ مِمَّا أَوْحَىٰ إِلَيْكَ رَبُّكَ مِنَ الْحِكْمَةِ وَلَا تَجْعَلْ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَتُنْقَلَىٰ فِي جَهَنَّمَ مَلُومًا

مَذْحُورًا

39. Ушбулар Роббинг сенга ваҳий қилган баъзи ҳикматлардир. Аллоҳ билан бирга ўзга илоҳ қилма. Яна, жаҳаннамга маломат қилинган ва қувилган ҳолингда ташланмагин.

Ушбу оятлар мажмуаси бошида ҳам Аллоҳга ширк келтирмаслик ҳақида таъкид келган эди. Сўнгиди ҳам худди шундай таъкид келмоқда. Тавҳид ақийдаси нақадар зарурий эканини шундан ҳам билиб олиш мумкин. Ширк келтириш энг нотўғри иш, улкан зулмдир.

Аллоҳга ширк келтириш, Унинг боласи бор, шериги бор, деб эътиқод қилиш қанчалик ёмонлигини келгуси оятлар баён қилади:

أَفَأَصْفَكُمْ رَبُّكُمْ بِالْبَنِينَ وَاتَّخَذَ مِنَ الْمَلَائِكَةِ إِنثًا إِنَّكُمْ لَنَقُولُونَ قَوْلًا عَظِيمًا ﴿٤٠﴾

40. Роббингиз сизларга ўғилларни хос қилиб бериб, фаришталарни ўзига қиз қилиб олдимиз? Албатта, сизлар зўр гапни айтмоқдасизлар.

Араб мушриклари қиз фарзандни ҳеч ёқтирмас эдилар. Бошқа оятларда зикр қилинганидек, улардан қиз кўргани қаттиқ хафа бўлиб, юзи қорайиб кетар эди. Қиз фарзанди бўлишини ўзига ор деб биларди. Шунинг учун, кўпинча қиз фарзандларни тириклайин кўмиб юборар эдилар.

Ақийда бузуқлиги нималарга олиб боришини қарангки, қиз фарзанд тўғрисида шунчалар салбий эътиқодда бўла туриб, араб мушриклари: фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деб эътиқод қилишар эди. Ояти каримада уларнинг мазкур нотўғри ақийдалари инкор этилмоқа. Уларга инкор хитоби ила:

«Роббингиз сизларга ўғилларни хос қилиб бериб, фаришталарни ўзига қиз қилиб олдимиз?» дейилмоқда.

Ўғилни ҳам, қизни ҳам Аллоҳнинг ўзи беради. Лекин мушриклар, қўлларидан ҳеч нарса келмаса ҳам, ўзларича, ўғилларни ўзларига, қизларни Аллоҳга, деб ҳукм чиқарадилар.

«Албатта, сизлар зўр гапни айтмоқдасизлар.»

Сизларнинг бу гапларингизнинг ёмонлиги зўр гапдир, одобсизлиги зўр гапдир, журъати зўр гапдир, уйдирмалиги зўр гапдир, гуноҳи зўр гапдир.

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِي هَذَا الْقُرْآنِ لِيَذَّكَّرُوا وَمَا يَزِيدُهُمْ إِلَّا نُفُورًا ﴿٤١﴾

41. Батаҳқиқ, Биз бу Қуръонда эслашлари учун баён қилдик. Лекин бу уларга нафратдан ўзгани зиёда қилмас.

Қуръонда мушрикларга эслатма бўлиши учун турли ваъз, насиҳат ва мисоллар баён қилинди. Лекин мушриклар бу ваъз, насиҳат ва мисолларни — Қуръон оятларини эшитган сари ундан қочадилар, нафратланадилар. Улар ўзларининг ботил ақийдаларидан ажраб қолишдан қўрқиб шундай қиладилар. Чунки, уларнинг ниятлари яхши эмас.

قُلْ لَوْ كَانَتْ مَعَهُ إِهْلَةٌ كَمَا يَقُولُونَ إِذًا لَابْتِغَوْا إِلَىٰ ذِي الْعَرْشِ سَبِيلًا ﴿٤٢﴾

42. Сен: «Агар, улар айтганидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида, улар Арш эгаси томон йўл излардилар», деб айт.

Бу оят мушрикларнинг «Аллоҳдан бошқа ибодатга сазовор турли илоҳлар бор», деган даъволарига раддиядир. Фаразан, мушриклар айтаётганидек, Аллоҳ таоло билан бирга бошқа илоҳлар бўлса эди, ўша илоҳлар Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ томон, Унга яқинлашаман деб ёки Унинг мулкига соҳиб бўламан деб, йўл излаган бўлар эдилар.

سُبْحٰنَهُ وَتَعَالٰى عَمَّا يَقُوْلُوْنَ عَلَوًّا كَبِيْرًا ﴿٤٣﴾

43. У зот улар айтаётган нарсадан пок ва ниҳоятда олийдир.

Аллоҳнинг ҳеч қандай шериги йўқ. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор ҳеч қандай зот йўқдир. У шундай зотдирки:

تَسْبِيْحٌ لِّهُ السَّمٰوٰتُ السَّبْعُ وَالْاَرْضُ وَمَنْ فِيْهِنَّ وَاِنْ مِنْ شَيْءٍ اِلَّا يُسَبِّحُ بِحَمْدِهِۦ وَلٰكِنْ لَا تَفْقَهُوْنَ تَسْبِيْحَهُمْ اِنَّهٗ كَانَ حَلِيْمًا غَفُوْرًا ﴿٤٤﴾

44. Унга етти осмону ер ва улардаги кимсалар тасбиҳ айтур. Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбиҳини англамайсизлар. Албатта, у ҳалийм ва сермағфират Зотдир.

Араб тилида тасбиҳ айтиш «Аллоҳни поклаб ёд этиш» маъносини англатади. Ушбу ояти карима бутун борлиқ, барча мавжудот Аллоҳ таолони айбу нуқсондан поклаб тасбиҳ айтишини таъкидламоқда.

«Унга етти осмону ер ва улардаги кимсалар тасбиҳ айтур.»

Аллоҳ таолога етти осмон ҳам тасбиҳ айтади. Ер ҳам тасбиҳ айтади. Ўша етти осмону ердаги кимсалар ҳам тасбиҳ айтади, поклаб ёд этади.

«Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ.»

Борлиқдаги ҳамма нарса Аллоҳга ҳамду сано ва тасбиҳ айтади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва ўз тили ила айтади.

«Лекин уларнинг тасбиҳини англамайсизлар.»

Эй инсонлар, сизлар ғафлатда бўлганингиз учун, эътиборсиз бўлганингиз учун, борлиқдаги мавжудотларнинг Аллоҳ таолога ҳамду сано ва тасбиҳ айтишларини англамайсизлар.

«Албатта, У ҳалийм ва сермағфират Зотдир.»

Ҳалиймлигидан, бутун мавжудот уни поклаб ёд этиб турганда, ожиз инсон ширк келтирса ҳам, уни дарҳол азобламайди, қўйиб

қўяди. Сермағфиратлигидан, шунча беодоблик ва гуноҳ қилсалар ҳам, тавба этган бандаларини мағфират қилаверади.

Ўтган оятлардан бирида Аллоҳнинг баёни мушрикларга нафратдан ўзгани зиёда қилмаслиги ҳақида сўз кетган эди. Келаси оятларда ўша ҳолнинг сабаблари ва тафсилоти келади:

وَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَلِمْ يَدَكَ وَابْتَهِمْ وَارْكَعْ وَارْجُلَاكَ وَابْتَهِمْ

45. Қачон Қуръон қироат қилсанг, сен билан охиратга иймон келтирмайдиганлар орасида кўринмас парда қилурмиз.

Ана ўша кўринмас парда уларни Қуръонга ишонишдан тўсиб туради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни тиловат қилганларида, Қурайшнинг бошлиқлари тинглашарди. Аммо ундан таъсирланиб қолмаслик учун турли чораларни кўриб, сунъий тўсиқлар пайдо қилишга уринишар эди. Бу ҳақда энг машҳур Ислом тарихчиларидан бири, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари ҳақидаги дастлабки китоблардан бирининг соҳиби Ибн Исҳоқ аз-Зухрийдан қуйидагиларни ривоят қилади: «Иттифоқо, бир кечада Абу Суфён ибн Ҳарб, Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва Бани Заҳро қабиласининг шартномадоши ал-Ахнас ибн Шурайқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларида намоз ўқиётганларида қулоқ солиш учун чиқибдилар. Улардан ҳар бири алоҳида-алоҳида ўтириб тинглабди. Бир-биридан хабари йўқ экан. Кечаси билан у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ солиб, тонг отганда тарқалишибди. Йўлда учрашиб қолиб, бир-бирини маломат қилишибди. Бир-бирларига, энди қайта келмайлик, эси паст одамларимиз кўриб қолсалар, кўнгилларига баъзи шубҳалар тушишига сабаб бўламиз, дейишибди-да, тарқалиб кетишибди. Иккинчи кечаси эса, улардан ҳар бири яна ўз жойига келиб, яна кечаси билан (Қуръон) эшитиб чиқибди. Тонг отганда қайтиб кетаётиб йўлда учрашиб қолишибди ва яна бир-бирларига аввалги гапларни айтишибди. Учинчи кечаси ҳам келиб, туни билан (Қуръон) эшитиб чиқибди. Тонг отганда қайтиб кетаётиб, яна аввалги ҳол такрорланибди. Бир-бирларига: «Қайтиб келмасликка аҳд қилмагунимизча тарқамаймиз», дейишибди. Сўнгра, аҳдлашиб, тарқалишиб кетибдилар.

Кундузи ал-Ахнас ҳассасини қўлига олиб Абу Суфён ибн Ҳарбнинг уйига борибди ва унга:

«Эй, Абул Ҳакам, Муҳаммаддан эшитганларинг ҳақида фикринг нима?» дебди. Абу Суфён:

«Нима эшитдим? Биз Бани Абду Маноф билан шараф талашганмиз. Улар ҳам кишиларга таом берганлар. Биз ҳам берганмиз. Улар

улов бердилар. Биз ҳам улов бердик. Улар хайр-эҳсон бердилар. Биз ҳам бердик. Ҳамма тиз тушиб, пойгага қўйилган икки отдай бўлиб қолди. Шунда улар: «Биздан Пайғамбар бор, унга осмондан ваҳий келади», дедилар. Биз буни қачон идрок қиламиз? Аллоҳга қасамки, биз ҳеч қачон унга иймон ҳам келтирмаймиз, уни тасдиқ ҳам қилмаймиз», деди. Ал-Ахнас унинг олдидан туриб кетди».

Эҳтимол, ушбуга ўхшаш номаъқул ўй-фикр ва тасаввурлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон тиловат қилаётганларида у киши билан охиратга иймон келтирмайдиганлар орасида кўринмас парда бўлгандир.

وَجَعَلْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَنْ يَفْقَهُوهُ وَفِي آذَانِهِمْ وَقْرًا وَإِذَا ذَكَرْتَ رَبَّكَ فِي الْقُرْآنِ وَحْدَهُ
وَلَوْ عَلَىٰ أَدْبَارِهِمْ نُفُورًا ﴿٤٦﴾

46. Ва қалбларига, уни англамасликлари учун, филоф қилдик ва қулоқларини кар қилдик. Қачон сен Қуръонда Роббингнинг ёлғиз Ўзини зикр қилсанг, улар ортларига ўгирилиб қочурлар.

Яъни, охиратга иймон келтирмайдиган ўша мушриклар Қуръонни англамасликлари учун уларнинг қалбларига филоф қилдик. Ўша филоф туфайли Қуръон уларнинг қалбларига етиб бормади. Қулоқларини ҳам оғир, эшитмайдиган қилиб қўйганмиз, улар Қуръонни ибрат қулоғи билан эшита олмайдилар.

«Қачон сен Қуръонда Роббингнинг ёлғиз Ўзини зикр қилсанг, улар ортларига ўгирилиб қочурлар.»

Улар Қуръон эшитиб тавҳидга юрсалар мансабларидан, жоҳилий обрў-эътиборларидан айрилиб қолишларидан қўрқиб, ортга қараб қочадилар.

تَحْنُ أَعْمُرُ بِمَا يَسْتَمِعُونَ بِهِ إِذْ يَسْتَمِعُونَ إِلَيْكَ وَإِذْ هُمْ نَجْوَىٰ إِذْ يَقُولُ الظَّالِمُونَ إِنْ تَتَّبِعُونَ
إِلَّا رَجُلًا مَّسْحُورًا ﴿٤٧﴾

47. Биз улар нима сабабдан тинглаётганларини, улар сени тинглаётганларида ўзаро пичирлашаётганларини, зolimларнинг: «Сизлар сеҳрланган кишига эргашяпсиз, холос», деганларини ҳам яхши билурмиз.

Уларнинг нима учун Қуръон тинглаётганларини яхши биламиз. Улар Қуръондан манфаат олиш, ҳидоят топиш учун эмас, масхара қилиш, айб топиш учун эшитадилар.

«Улар сени тинглаётганларида, ўзаро пичирлашаётганларини» ҳам яхши биламиз.

Пичирлашлари ҳам яхшилик учун эмас. Улар ёмонлик, куфр, ширк йўлида пичирлашадилар.

«Золимларнинг: «Сизлар сеҳрланган кишига эргашяпсиз, холос», деганларини ҳам яхши билурмиз.»

Бу гапларининг ўзиёқ уларнинг Қуръондан таъсирланаётганларини билдириб турибди. Ўша таъсирни сезганларидан, нима дейишларини билмай, уни сеҳрга йўйишмоқда. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган одамларга: «Сизлар сеҳрланган кишига эргашяпсиз, холос», дейдилар. Демак, Муҳаммаднинг гапи оддий гап эмас, сеҳрланган одамнинг гапи, шунинг учун одамларга таъсир ўтказмоқда, демоқчи бўладилар.

أَنْظُرْ كَيْفَ ضَرَبُوا لَكَ الْأَمْثَالَ فَضَلُّوا فَلَا يَسْتَطِيعُونَ سَبِيلًا

48. Улар сенга қандай мисол келтирганларига назар сол! Бас, залолатга кетдилар ва (тўғри) йўлга қодир бўлмаслар.

Эй Пайғамбар, мушрикларнинг сени сеҳрланган кишига мисол қилиб келтиришларига назар сол. Аслида, сен ҳеч сеҳрланган эмассан. Сен Пайғамбарсан. Улар ушбу ишлари билан йўлдан адашдилар. Энди тўғри йўлни топа олмаслар.

وَقَالُوا آءِذَا كُنَّا عِظْمًا وَّرَفْنَاءَآءِ تَالْمَبْعُوثُونَ خَلْقًا جَدِيدًا

49. Улар: «Суяк ва титилган тупроқ бўлганимиздан кейин ҳам, яна янгидан яратилиб тирилтириламизми?» дедилар.

Араб мушриклари ғайбнинг баъзи нарсаларига ишонсалар ҳам, ўлиб, чириб, суякка ажраб, тупроққа қўшилгандан кейин қайта тирилишга ҳеч ишонмасдилар. Улар бундай бўлишини хаёлларига сиғдира олмасдилар. Чунки, мушриклар аввал бошда асллари умуман йўқлигини унутиб қўйганлар. Уларни йўқдан бор қилган Аллоҳга бор нарсаларни қайта тирилтириш жуда ҳам осонлигини улар тушуниб етмас эдилар. Уларнинг қайта тирилишни инкор қилиб айтган бу гапларига қарши нима дейишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳнинг Ўзи ўргатмоқда:

﴿ قُلْ كُونُوا حِجَارَةً أَوْ حَدِيدًا ﴾

50. Сен: «Тош ёки темир бўлиб олинглар.»

أَوْ خَلَقًا مِّمَّا يَكْبُرُ فِي صُدُورِكُمْ فَسَيَقُولُونَ مَن يُعِيدُنَا قُلِ الَّذِي فَطَرَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ
 فَسَيُنْغِضُونَ إِلَيْكَ رُءُوسَهُمْ وَيَقُولُونَ مَتَى هُوَ قُلْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا

51. Ёки кўнгилларингизда катта кўринган бошқа бирон махлуқ (бўлиб олинглар)», деб айт. Бас, улар: «Бизни ким қайта тирилтирур», дерлар. Сен: «Сизларни биринчи марта йўқдан бор қилган Зот», дегин. Улар сенга бошларини қимирлатурлар ва: «У қачон бўлур?» дерлар, Сен: «Шояд яқинда бўлса», дегин.

Мушриклар: гўштимиз чириб, ўзимиз суяк ва тупроққа ажрасак, қандай қилиб қайта тириламиз, демоқдалар. Инсоннинг суяги ва титилиб тупроққа айланган гўшtidан қайта одам яшаш ҳеч гап эмас. Ҳатто, агар қўлингиздан келса:

«Тош ёки темир бўлиб олинглар ёки кўнгилларингизда катта кўринган бошқа бирон махлуқ (бўлиб олинглар)», деб айт».

Ҳа, эй Пайғамбар, уларга шуни айт, улар ўлганларидан кейин ҳатто тош бўлиб олсалар ҳам, албатта қайта тирилтириладилар. Темир бўлиб олсалар ҳам, албатта қайта тирилтириладилар. Ўз фикрларича катта кўринган, инсон ўлганидан кейин фалон нарсага айланса, қайта тирилмаса керак, деб ўйлаган нарсага айланиб олсалар ҳам, албатта қайта тирилтириладилар.

«Улар: «Бизни ким қайта тирилтирур», дерлар.»

Улар ўзларича, биз ўлсак, бизни қайта тирилтирадиган зот йўқ, деб юрибдилар. Чунки, улар Аллоҳни унутиб қўйганлар. Ўзларини йўқдан бор қилган Зотни эсдан чиқарганлар. Сен уларнинг бу саволига жавобан:

«Сизларни биринчи марта йўқдан бор қилган Зот», дегин».

Ҳа, сизларни биринчи марта яратган, дунёга келтириб, инсон қилган Зот ўлганингиздан кейин, суяк ва титилган тупроққа айланганингиздан сўнг яна қайта тирилтиради. Ўликни қайта тирилтириш аввалда йўқдан бор қилган Зот учун ҳеч нарса эмас.

Лекин улар бундан кейин ҳам ҳақиқатни англаб етмайдилар. Охиратда қайта тирилишга иймон келтириш ўрнига:

«Улар сенга бошларини қимирлатурлар».

Истеҳзо ва кибр ила бошларини сарак-сарак қилурлар ва:

«У қачон бўлур?» – дерлар».

Ўша қайта тирилиш қачон бўлади? – деб кесатиб, яна гумроҳлик қиладилар. Уларнинг қотиб қолган мияси бундай нарсалар фақат

Аллоҳга хос иш эканини англаб етишга қодир эмас. Улар ҳамма нарса ўзларининг ҳавойи нафсига тўғри келишини хоҳлайдилар. Қайта тирилиш қачон бўлишини уларга сен айтиб беришинг керак эмиш. Ҳолбуки, бу сенинг ишинг эмас. Шунинг учун, уларга ўзларига мос муомала қилиб:

«Шояд яқинда бўлса», дегин».

Албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу иш қачон бўлишини аниқ билмайдилар. Аммо, бўлиши шубҳасизлигини жуда яхши биладилар. Кофирлар ишонмай турган қайта тирилиш улар учун жуда яқин бўлиши мумкин.

Кейинги оятда ўша ҳодиса бўладиган куннинг баёни келади:

يَوْمَ يَدْعُوكُمْ فَتَسْجُبُونَ بِحَمْدِهِ، وَتَظُنُّونَ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٥٢﴾

52. У кунда Ул зот сизни чақирур. Бас, сиз Унга ҳамд ила жавоб берурсиз ва (дунёда) фақат озгина турганлигингизни гумон қилурсиз.

Ҳа, қайта тирилиш маҳшар куни бўлади. Ўшанда Роббил Оламийн Одам Атодан тортиб қиёматгача яшаб ўтган ҳамма халойиқни чақиради, уларнинг ҳаммалари «Алҳамдулиллоҳ, Алҳамдулиллоҳ», дейишдан бошқа жавоб бера олмайдилар. У куннинг даҳшатидан ҳеч кимнинг оғзига шундан бошқа сўз келмайди. У куннинг даҳшати шунчаликки, уни кўрган ҳар бир одам «Бу дунёда ҳеч қанча яшамаган эканман» деб ўйлаб қолади.

Шу ерга келганда охиратни, қайта тирилишни инкор қилувчиларни эътиборсиз ташлаб қўйиб, хитоб мўмин-мусулмонларга қаратилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга уларга мурожаат қилиш топширилади:

وَقُلْ لِعِبَادِي يَقُولُوا الَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْزِعُ بَيْنَهُمْ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلْإِنْسَانِ عَدُوًّا مُّبِينًا ﴿٥٣﴾

53. Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир. Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир.

Мўмин-мусулмонлар доимо энг гўзал ва энг яхши, энг ширин гапларни айтсинлар. Бу билан улар яхши натижаларга эришадилар. Энг муҳими, шайтоннинг шарридин сақланадилар.

«Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир.»

У бу ишда қабих, қўпол сўзларни, сўкиш ва аччиқ калималарни ишга

солади. Шу билан мўминлар орасида низо чиқаради. Агар мўминлар доим энг гўзал сўзларни ишлатсалар, бу низолардан холи бўладилар.

«Албатта, шайтон инсон учун очиқ-ойдин душмандир.»

У душманлигини ҳеч ҳам яширмайди. Шунинг учун, инсон доимо унинг душманлигидан сақланиб туриши керак.

رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِكُمْ إِنَّ يَشَأُ يَرْحَمَكُمُ أَوْ إِن يَشَأُ يُعَذِّبْكُمْ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ وَكِيلًا ﴿٥٤﴾

54. Роббингиз сизларни яхши билгувчи Зотдир. Хоҳласа, сизга раҳим қилар, хоҳласа сизни азоблар. Ва Биз сени улар устидан қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.

Эй бандалар:

«Роббингиз сизларни яхши билгувчи Зотдир».

Қиёмат куни ҳамма бир хил бўлиб, титраб-қақшаб, фақат Аллоҳга ҳамд айтишдан бошқа нарсага тили бормай тургани билан, Аллоҳ ҳар бир банданинг кимлигини, нима қилганини ипидан-игнасигача яхши билади. Ҳамда ўша яхши билиш илми асосида ўз хоҳишига биноан тасарруф қилади:

«Хоҳласа, сизга раҳим қилар, хоҳласа, сизни азоблар».

Ҳа, бу дунёдаги ишларни ҳисоб-китоб қилиш, уларга яраша мукофот ёки жазо бериш Аллоҳ таолонинг ишидир. Пайғамбарга эса, Аллоҳнинг таълимотини бандаларга етказиш топширилган, холос. Эй Пайғамбар:

«Биз сени улар устидан қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ».

Сен уларни қўриб, иймонга мажбурлаб киритишинг талаб қилинмайди. Сен уларни огоҳлантириб қўйсанг, бўлди.

وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَن فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّينَ عَلَى بَعْضٍ وَءَاتَيْنَا دَاوُدَ زَبُورًا ﴿٥٥﴾

55. Роббинг осмонлару ердаги кимсаларни яхши билгувчи Зотдир. Батаҳқиқ, Биз баъзи Пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик. Ва Довудга Забурни бердик.

Роббул Оламийн фақат ердаги одам болаларинигина эмас, балки:

«Роббинг осмонлару ердаги кимсаларни яхши билгувчи Зотдир».

Унинг илми мутлақдир. Чексиздир, чегарасиздир. Ҳамма махлуқотларини жуда яхши билади. Ана ўша мутлоқ илм асосида:

«Батаҳқиқ, Биз баъзи Пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик».

Мисол учун, баъзиларига китоб нозил қилдик, баъзиларига но-

зил қилмадик. Айримларига кўп ва катта мўъжизалар, айримларига оз ва кичик мўъжизалар бердик ва ҳоказо.

«Ва Довудга Забурни бердик.»

Бу ҳам Пайғамбарларнинг бирини бошқасидан афзал қилганимиз намунасиدير.

Шундай бўлгандан кейин, эй Пайғамбар, Аллоҳга ширк келтираётганларга:

قُلْ ادْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِهِ، فَلَا يَمْلِكُونَ كَشَفَ الضَّرِّ عَنْكُمْ وَلَا تَحْوِيلًا ﴿٥٦﴾

56. Сен: «Ундан ўзга ўзингизча гумон қилганларингизни чақиринг. Бас, улар сиздан зарарни кушойиш қила олишга ёки буриб юборишга молик эмаслар», деб айт.

Мушриклар, ўзларича, Аллоҳга ширк келтириб, ўша шерик худоларидан умидвор бўлиб юрибдилар. Аллоҳнинг ягона ибодатга сазовор Зот эканлигини ва бошқа сифатларини инкор қилмоқдалар. Қани, Аллоҳдан ўзга, ўзларича худо деб гумон қилиб юрган ўша бут, жин, инс ёки бошқа нарсаларини чақирсинлар-чи, уларга ёрдам бера олармикинлар? Йўқ, сохта худолари улардан ҳеч бир зарарни кушойиш қила олмайдилар. Улар зарарни бошқа томонга буриб юборишга ҳам қодир эмаслар. Балки, улар ҳам Аллоҳнинг яратган нарсаларидир.

أُولَئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ، إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا ﴿٥٧﴾

57. Ана ўша дуо қилаётганлари Роббиларига васила изларлар, қайсилари яқинроқ эканини (билмоқчи бўлурлар). Унинг раҳматини орзу қилурлар ва азобидан қўрқурлар. Албатта, Роббининг азоби ҳазир бўлишга лойиқдир.

Мушриклар яралмишларни ўзларига илоҳ деб эътиқод қилиб, ўшаларга дуо — ибодат қилиб, ҳожатларини сўраб юрибдилар. Ҳолбуки, уларнинг

«Ана ўша дуо қилаётганлари Роббиларига васила изларлар, қайсилари яқинроқ эканини (билмоқчи бўлурлар)».

Чунки, аслида улар худо эмас, худонинг махлуқларидирлар. Улар ўзларининг ожизликларини, Аллоҳдан узоқлашсалар, ишлари чатоқ бўлишини ҳам яхши биладилар. Шунинг учун, ҳаммалари Аллоҳ таолога яқин бўлиш учун васила излайдилар. Қайси бирлари Аллоҳга муқарраб бўли-

ши учун мусобақа қиладилар. Мушриклар эса, ана шуларни ўзларига худо деб юрибдилар. Уларнинг раҳматига етишни орзу қилиб, азобидан қўрқиб юрибдилар. Ҳолбуки, уларнинг бу сохта худолари Аллоҳнинг

«...раҳматини орзу қилурлар ва азобидан қўрқурлар».

Ўзи Аллоҳнинг раҳмати орзуида юрган кимса қандай қилиб бировни раҳмат қила олади? Ўзи Аллоҳнинг азобидан қўрқиб турган кимса қандай қилиб бировни азоблай олади? Буни мушриклар тушуниб етишлари керак. Бўлмаса, Аллоҳнинг азобига дучор бўладилар.

«Албатта, Роббингнинг азоби ҳазир бўлишга лойиқдир.»

Шунга қарамасдан, Аллоҳнинг азобидан қўрқмай, бир пулга арзимайдиган нарсаларни Унга шерик қилиб юрганларга ҳайронсан.

وَإِنْ مِنْ قَرْيَةٍ إِلَّا نَحْنُ مُهْلِكُوهَا قَبْلَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ أَوْ مُعَذِّبُوهَا عَذَابًا شَدِيدًا
كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ مَسْطُورًا ﴿٥٨﴾

58. Ҳеч бир шаҳар йўқки, Биз уни қиёмат кунидан аввал ҳалок қилгувчи бўлмасак ёки шиддатли азоб-ла азобловчи бўлмасак. Бу, китобда битилгандир.

Аллоҳ таоло дунёдаги турли юртларни гуноҳи ва исёнига яраша азоблаб ёки ҳалок қилиб бораверади. Бу нарса тарихда собит ва шубҳасиз ҳақиқатдир. Бориб-бориб, қиёмат бўлишидан олдин, ўша вақтда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини ҳалок этади ва сўнгра, қиёматни қоим қилади.

«Бу, китобда битилгандир.»

Яъни, ҳеч бир юрт қолмай азобга ёки ҳалокатга учраши Аллоҳнинг ҳузуридаги китобда – Лавҳул Маҳфузда очиқ-ойдин битилгандир.

Ақли-ҳуши жойида бўлган кишилар учун шуларнинг ўзи кифоя. Аммо кофиру мушриклар буларга ишонмай, турли мўъжизалар кўрсатилишини талаб қиладилар. Жумладан, улар Муҳаммад алайҳиссаломдан ҳам ана шундай мўъжизалар келтиришни талаб этишгани маълум ва машҳур. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг турли сура ва оятларида қайта-қайта зикр қилинган. Келаси оятда ҳам ўша сўралган мўъжизалар нима учун келтирилмаётгани баён этилади:

وَمَا مَنَعَنَا أَنْ نُرْسِلَ بِالْآيَاتِ إِلَّا أَنْ كَذَّبَ بِهَا الْأُولُونَ وَءَايَاتُنَا مَوَدَّ النَّاقَةَ مَبْصُرَةً
فَظَلَمُوا بِهَا وَمَا نُرْسِلُ بِالْآيَاتِ إِلَّا تَخْوِيفًا ﴿٥٩﴾

59. Бизни оят-мўъжизаларни юборишимиздан фақат аввалгиларнинг уларни ёлғонга чиқарганлари ман қилди. Самудга туяни кўз очувчи (мўъжиза) қилиб бердик. Бас, унинг сабабидан (ўзларига) зулм қилдилар. Биз оят-мўъжизаларни фақат қўрқитиш учунгина юборамиз.

Ҳозир Макка мушриклари лол қолдирувчи оят-мўъжиза талаб қилаётган бўлсалар ҳам, уларнинг талаби бўйича мазкур оят-мўъжизаларни юбормаётганимизнинг сабаби аввалги умматлар ҳам шундай мўъжизаларни талаб қилишиб, уларни келтирганимизда, мўъжизаларни ёлғонга чиқариб, иймон келтирмай, кофирлигича қолганларидир. Қурайш кофирлари ҳам, худди ўзларидан олдинги кофирларга ўхшаб, оят-мўъжизаларни кўрса ҳам, иймонга келмасликлари турган гап. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, талабга биноан мўъжиза келтирилгандан кейин ҳам иймонга келмаган қавмни Аллоҳ таоло тағ-томири билан йўқ қилиб юбориши керак. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари охириги уммат бўлганлари учун уларни бутунлай ҳалок этишни Аллоҳ ирода қилмаган. Бу уммат қиёматгача туриши керак. Ҳа,

«Бизни оят-мўъжизаларни юборишимиздан фақат аввалгиларнинг уларни ёлғонга чиқарганлари ман қилди».

Шунга кўра, уларнинг талабига биноан мўъжиза юборилмайди. Балки, тушунтириш ишлари олиб борилади. Ўтган умматлардан моддий-ҳиссий мўъжиза талабгорларининг оқибати нима бўлганини ўйлаб кўришга даъват қилинади. Мисол учун айтадиган бўлсак:

«Самудга туяни кўз очувчи (мўъжиза) қилиб бердик».

Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми Самуд ҳам Аллоҳнинг Пайғамбарига иймон келтирмай, мўъжиза талаб қилган эдилар. Шунда Аллоҳ таоло уларга харсанг тошдан мўъжиза ўлароқ бир туя чиқариб берди. Бу туя уларнинг ғафлат кўзларини очувчи мўъжиза эди. Лекин улар талабларига кўра юборилган мўъжизага ишонмадилар. У туяни сўйдилар.

«Бас, унинг сабабидан (ўзларига) зулм қилдилар.»

Оқибатда Аллоҳ таоло у қавмни ҳалок қилди.

«Биз оят-мўъжизаларни фақат қўрқитиш учунгина юборамиз.»

Одамлар ўша оят-мўъжизаларнинг кетидан ҳалокат келишидан қўрқсинлар ва шунга биноан ўзларини ўнгласинлар.

Аллоҳ таоло ўтган Пайғамбарларга уларнинг ҳақ эканликларини тасдиқловчи мўъжизалар берди. Баъзиларига қавмларининг талабларига биноан ҳам мўъжиза кўрсатди. Ҳар бир Пайғамбар ўзига берилган бош мўъжиза билан бошқаларидан ажралиб турадиган бўлди. Улар ҳаммаси моддий ва ҳиссий мўъжизалар бўлиб, замонарига, шароитларига мос эди. Шу билан бирга, у мўъжизалар Пай-

ғамбар алайҳиссаломларнинг шахси ва ҳаётлари билан ҳам боғлиқ эди. Уша Пайғамбарларнинг ҳаёти тугаса, шахси бу дунёдан кетса, мўъжиза ҳам тамом бўлар эди.

Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари охирги шариат бўлгани, у кишининг рисоласи қиёматгача туриши лозимлиги учун, Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизасини моддий эмас, маънавий қилди, муваққат эмас, абадий қилди. Қуръони Карим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизаларидир. Бу мўъжиза у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларига ва шахсларига боғлиқ эмас. У кишидан кейин ҳам қиёматгача абадий мўъжиза бўлиб тураверади. Лекин бу дегани, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръондан бошқа мўъжиза бермаган, дегани эмас. Аллоҳ таоло Ўзининг анбиёларининг хотами Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўтган Пайғамбар алайҳиссаломларга берган мўъжизаларининг кўпини берган. Лекин бу мўъжизаларга у кишининг Пайғамбарликларини тасдиқловчи аломатлар сифатида қаралган эмас. Пайғамбаримизга берилган мўъжизалар ҳақида алоҳида китоблар ҳам битилган. Мисол учун, ушбу сурада сўз кетаётган Исро ва Меърож ҳодисалари аввалги Пайғамбарларга берилган мўъжизалардан кам эмас. Аммо бунга Пайғамбарликни тасдиқловчи алоҳида мўъжиза деб эмас, балки Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолога яқинликларининг оддий мисоли сифатида қаралган.

وَإِذْ قُلْنَا لَكَ إِنَّ رَبَّكَ أَحَاطَ بِالنَّاسِ وَمَا جَعَلْنَا الرُّءْيَا الَّتِي أَرَيْنَاكَ إِلَّا فِتْنَةً لِلنَّاسِ
وَالشَّجَرَةَ الْمَلْعُونَةَ فِي الْقُرْآنِ وَنُحُوفِهِمْ فَمَا يَزِيدُهُمْ إِلَّا طُغْيَانًا كَبِيرًا

60. Биз сенга: «Албатта, Роббинг одамларни ихота қилиб ўраб олгандир», деганимизни эсла. Биз сенга кўрсатган нарсаларни ва Қуръонда лаънатланган дарахтни фақат одамлар учун синов қилдик, холос. Ва уларни қўрқитамиз. Бас, бу улар учун катта тугёндан бошқани зиёда қилмас.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга таскин бериб, мушриклар талаб қилган мўъжизаларни юбормаса ҳам, барибир хотиржам бўлишга ишора қилмоқда.

«Биз сенга: «Албатта, Роббинг одамларни ихота қилиб ўраб олгандир», деганимизни эсла.»

Ўша гап доимо кучида туради. Аллоҳ доимо Ўз илми ила одамларни ихота қилиб — ўраб туради. Жумладан, мўъжиза келтиришни

талаб қилиб сафсата сотаётган мушрикларни ҳам ўраб туради. Уларнинг нима деяётганию нима қилаётганини яхши билади.

«Биз сенга кўрсатган нарсаларни ва Қуръонда лаънатланган дарахтни фақат одамлар учун синов қилдик, холос.»

Биз «кўрсатган нарсаларни» деб таржима қилган ибора Қуръони Карим матнида «кўрсатган рўё» деб келган. Рўё — туш маъносини англатгани учун, кўпчилик «Бу ерда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрган туш ҳақида гап кетаётибди», деб ўйлаб, «Аллоҳ бу оятда қайси тушни ирода қилмоқда?» деган саволни берганлар. Бу саволга баъзилар: Макка фатҳи тўғрисидаги тушлари, десалар, бошқалар: Бадр жангидан олдин кўрган тушлари ирода қилинмоқда, деганлар. Лекин бу гапларни айтган азизлар Макка фатҳи ва Бадр ҳодисалари, шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам улар ҳақида туш кўришлари ҳам ушбу биз ўрганаётган оятдан кейин содир бўлганини унутиб қўйганлар. Бу оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккада, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага ҳижрат қилишларидан олдин нозил бўлган. Мазкур икки ҳодиса ва улар ҳақидаги тушлар эса, Мадийнада, ҳижратдан кейин юз берган.

Баъзи бир кишилар «кўрган рўё»ни «туш» деб тушуниб «Исро тушда бўлган» дейишгача бориб етган ва фитнага учраган.

Эътиборли уламоларимиз «кўрган рўё»нинг маъносини Исро ва Меърож пайтида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзларига кўрсатилган нарсалар, деб таъвийл қилганлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Исро ва Меърожда кўплаб нарсаларни кўрсатди. Ўша «кўрган нарсалари» кўпларга синов бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро ва Меърож кечасининг эртасига кўрган нарсаларини одамларга айтиб берганларида, мўмин бўлиб юрган баъзилар муртад бўлиб, диндан қайтдилар. Оятда айнан ана ўша иймон синови ҳақида сўз кетмоқда. Исро ва Меърож ҳодисаси ҳақиқий иймон синови эди. Иймони заифлар бу синовдан ўта олмай, диндан қайтиб кофир бўлдилар. Иймони кучлиларнинг иймони янада зиёда бўлди. Зарра ҳам шубҳа қилмаган Абу Бақр розияллоҳу анҳудек шахс «Сиддик» унвонига эришди. Аллоҳ одамларни Ўз илми ила ихота этиб туриши яна бир бор намоён бўлди. У зот мушрикларнинг талабларига биноан мўъжиза туширмаётгани бежиз эмас экан. Агар туширганида ҳам иймонга келмасликлари аниқ экан. Мана, Исро ва Меърож ҳодисалари қайси мўъжизадан кам? Ҳар қандай мўъжизадан юқори ҳодиса! Ҳеч бир Пайғамбарга бундай воқеа насиб этмаган. Агар мушрикларнинг мўъжиза талаб қилаётганлари сидқидилдан бўлганида, яъни, Пайғамбарлик тасдиғини кўриб, сўнгра иймон келтириш ниятида бўлганларида эди, Исро ва Меърождан сўнг сўзсиз иймонга келардилар. Воқе-

ликда эса, тескариси бўлди, яъни, улар иймондан янада узоқлашдилар. Бу ҳам етмаганидек, баъзи кишилар иймондан юз ўттирдилар.

«...ва Қуръонда лаънатланган дарахтни фақат одамлар учун синов қилдик, холос.»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исро ва Меърожда кўрган нарсалари одамлар учун синов бўлганидек, Қуръонда лаънатланган дарахт ҳам синов бўлди.

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар ривоят қилишларича, Қуръонда лаънатланган дарахтдан мақсад Заққум дарахтидир. Ушбу Заққум дарахти ҳақида «Соффаат» сурасида: «...ёки Заққум дарахтими? Дарҳақиқат, Биз уни золимлар учун фитна қилиб қўйдик. Албатта, у дўзах қаъридан чиқадиган дарахтдир. Унинг шингиллари худди шайтонларнинг бошларига ўхшайди. Бас, албатта, улар ундан егувчилардир ва ундан қоринларини тўлдиргувчилардир. Сўнгра, албатта, улар учун унинг устидан қайноқ сувли ичимлик бўлур», дейилган. Ушбу оятдан ҳам Заққум дарахти нима учун Қуръонда лаънатлангани аниқ кўриниб турибди.

Яна, Заққум дарахти ҳақида «Духон» сурасида қуйидагилар зикр қилинади: «Заққум дарахти гуноҳкорларнинг таомидир. У қорамой каби қоринларида қайнар. Худди қайноқ сувдек», дейилган. Бу оятлар ҳам Заққум дарахти ҳақида маълумотлар бермоқда. Ҳамда унинг нақадар ёмон нарса эканини янада ойдинлаштирмоқда.

Қуръони Каримнинг «Воқиъа» сурасида ҳам Заққум зикр қилинган. Аллоҳ таоло ўша сурада: «Сўнгра сиз, эй адаштиргувчи ва ёлғонга чиқаргувчилар, Заққум дарахтидан егувчилардирсиз. Ундан қорингизни тўлдиргувчидирсиз», дейди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро ва Меърож кечасининг эртасига одамларга Заққум дарахтини ҳам кўрганларини айтиб бердилар. Мушриклар бу гапни ёлғонга чиқардилар. Абу Жаҳл бўлса: «Муҳаммад сизларни тошларни ҳам куйдириб юборадиган дўзах ўти билан қўрқитаётган эди. Энди эса, ўша олов ичида Заққум дарахти ўсади, демоқда», деди.

Кейин хурмо ва қаймоқ олиб келишни буюрди. Буйруғи ижобат бўлгач эса: «Биз заққум деганда мана буни тушунамиз, бундан бошқа заққум йўқ. Келинлар, заққумга марҳамат», деб хурмо ва қаймоқни тановул қила бошлади. Бу иши ўтакетган беодоблик ва истеҳзо эди.

Шундай қилиб, Қуръонда лаънатланган Заққум дарахти ҳам одамлар учун синов бўлди. У тўғридаги хабар туфайли баъзи кишилар иймондан янада нафратланиб, узоқлашдилар. Заққум дарахти билан кофирларни қўрқитиш уларнинг янада тугёнга кетишига сабаб бўлди. Шу билан Аллоҳ таоло одамларни ихота қилиб (ўраб) туришини яна бир

бор исбот этди. У зот шунинг учун ҳам Макка мушриклари талаби ила Пайғамбарликни тасдиқловчи оят-мўъжиза туширишни истамай турган экан. Демакки, мўъжизани туширган чоғида ҳам, кофирлар иймонга келмас, балки янада кўпроқ ундан нафрат қилар эканлар. Заққум дарахти туфайли бир қанча одам диндан чиққанлиги ҳам шуни кўрсатади. Кофирлар ва иймони заифлар ҳар нарсани ўз тарозуси билан ўлчайдилар. Уларнинг фикрича, ўт-олов бор жойда дарахт ўсиши мумкин эмас. Нега? Чунки олов билан дарахт табиатан бир-бирига зид нарсалар эмиш. Лекин улар Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир эканини унутиб қўйишган. Зотан, ҳўл, сувли ёғочга ёниш қобилиятини берган ҳам Аллоҳнинг Ўзи. Иброҳим алайҳиссаломга оловни совуқ ва саломатлик қилиб қўйган ҳам Аллоҳнинг Ўзи. Аслида, бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп, тафаккур қилсалар, топар эдилар. Аммо, уларнинг ниятлари бузуқ, кўнгиллари пок эмас, шунинг учун, мўъжизалар ҳам уларга акс таъсир қилади.

«Ва уларни қўрқитамиз. Бас, бу нарса улар учун катта тугёндан бошқани зиёда қилмас.»

Ҳўш, талаб қилинган мўъжизалар келтирилди, дейлик. Уларни қандай қаршилашарди? Мана, Исро ва Меърож ҳодисаси рўй берди, нима бўлди? Уларни Заққум дарахти ила қўрқитиш нима берди? Кофир ва мушрикларнинг яна ҳам кўпроқ тугёнга кетишларига сабаб бўлди, холос. Агар Аллоҳ таоло уларнинг талабларига биноан мўъжиза юборганида, уларни ҳалок қилиши керак бўлар эди. Аммо юбормади. Бу ҳам одамларни ихота қилиб (ўраб) олганлигидандир. Чунки, келажакда ўша мўъжиза талаб қилган мушрикларнинг кўплари яхши мусулмон бўлдилар. Қолганларининг зурриётларидан мусулмонлар чиқди.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ قَالَ أَأَسْجُدُ لِمَنْ خَلَقْتَ طِينًا

61. Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» деганимизда сажда қилганларини, магар иблис қилмаганини, «Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?» деганини эсла.

Ушбу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган. Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Одам алайҳиссалом ва лаънати иблис қиссасини эслатмоқда.

Аллоҳ таоло Ўз қўли ила Одамни яратиб, унга Ўз руҳидан жон киритиб, сўнгра фаришталарга:

«Одамга сажда қилинглар!» деганида, уларнинг ҳаммаси сажда қилдилар. Фақат иблис бўйин эгмади. У такаббурлик этиб:

«Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?» – деди.

Ўша вақтдаги ҳодисанинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эслатилишида: ҳозир сенга озор бериб, иймон келтирмаёт-

ганлар ҳам ўша шайтоннинг ишини қилишмоқда, деган ҳикмат — ишора бордир. Макка мушриклари ҳам, ўзимиздан чиққан бир кишига эргашамизми деб, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришдан бош тортган эдилар.

Иблис Одам Атони лойдан яралгани учун паст санаб, унга сажда қилишдан бош тортибгина қолмади, балки ҳаддан ошиб, бошқа таклифлар ҳам қилди:

قَالَ أَرَأَيْتَكَ هَذَا الَّذِي كَرَّمْت عَلَىٰ لَيْنِ أَخْرَجْتَنِي إِلَىٰ يَوْمِ الْقِيَامَةِ لِأُحْتَبِنَكَ
ذُرِّيَّتَهُ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٢﴾

62. У: «Менга хабар бер-чи, меңдан устун қилганинг шуми? Агар мени қиёмат кунигача қўйиб қўйсанг, унинг зурриётининг озгинасидан бошқасини жиловлаб оламан», деди.

Иблис Одамга нисбатан ҳиқду ҳасадга тўлганидан, Аллоҳ таоло Одамни мукаррам қилиб қўйганига чидай олмаганидан ўзини юқори тутиб, одамни паст санашга уринди. Аллоҳ таолога беодоблик қилиб:

«Менга хабар бер-чи, меңдан устун қилганинг шуми?» дейишга журъат этди.

У, ўзича, Одамни паст санади. Ўзининг лаънатга учрашига сабаб бўлган Одамдан ўч олишга қасд қилди. Нима қилиб бўлса ҳам, Одамнинг зурриётидан кўпроғини ифво ила йўлдан уриб, адаштириб, ўзига ўхшаган бадбахт этишга бел боғлади. У, Аллоҳга:

«Агар мени қиёмат кунигача қўйиб қўйсанг, унинг зурриётининг озгинасидан бошқасини жиловлаб оламан», деди».

У катта кетган эди. Одам боласи фақат ёмонлик қилишга эмас, балки яхшилик қилишга ҳам тайёр эканини билмас эди. Шунинг учун ҳам, уларнинг озгинасидан бошқасини жиловлаб, ўз йўлига солиб олишни орзу қилар эди.

Иблиснинг бу гапига жавобан:

قَالَ أَذْهَبَ فَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ فَإِنَّ جَهَنَّمَ جَزَاءُكُمْ جَزَاءً مَّوْفُورًا ﴿٦٣﴾

63. У зот: «Боравер, улардан ким сенга эргашса, бас, албатта, жаҳаннам тўлиқ жазоингиз бўлур.

Аллоҳ таоло шайтонни қиёмат кунигача қўйиб қўйишни ирода этди. Лаънати шайтонга:

«Боравер» (қўлингдан келганини қилавер), **улардан**, (яъни Одам

болаларидан) **ким сенга эргашса, бас, албатта, жаҳаннам тўлиқ жазоингиз бўлур», деди.**

Яъни, сенга ҳам, сенга эргашган ўша Одам болаларига ҳам, жаҳаннам тўлиқ жазо бўлур, деди.

Аллоҳ ўз сўзи давомида яна:

وَأَسْتَفْزِزُ مَنْ أَسْتَطَعْتَ مِنْهُمْ بِصَوْتِكَ وَأَجْلِبْ عَلَيْهِم بِخَيْلِكَ وَرَجِلِكَ وَشَارِكْهُمْ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ وَعَدِّهِمْ وَمَا يَعِدُّهُمْ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا ﴿٦٤﴾

64. Улардан кимига кучинг етса, овозинг ила қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда аскарингни торт, уларга молларда ва болаларда шерик бўл ва ваъдалар қил», деди. Шайтон уларга ғурурдан бошқани ваъда қилмас.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло шайтонга таҳдид ила, қўлингдан келганини қил, деган маънода амр сийфасида, буйруқ майлида қаттиқ гаплар айтганлиги кўриниб турибди. Одам болаларидан қайси бирига кучи етса, бор имконини ишга солиб, уларга қарши ифво ва васваса жанги ила йўлдан уришга ҳаракат қилиши мумкинлигини айтмоқда:

«Улардан кимига кучинг етса, овозинг ила қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда аскарингни торт».

Наъра торт, ҳайқир, отлиқ ва пиёда аскар торт, хуллас, қўлингдан келган воситаю услубларнинг ҳаммасини қўлаб, одам боласидан кимга кучинг етса, мағлуб этиб, ўзингга қаратиб олавер, дейилмоқда.

Албатта, шайтоннинг овоз аскарлари жуда кўп. Одамларни йўлдан оздириб, шайтонга мағлуб қилувчи овозлар айниқса ҳозир жуда ҳам кўпайган. Шунингдек, шайтоннинг отлиқ ва пиёда аскарлари ҳам жуда кўп. Улар ҳам турли услублар ила одам болаларини йўлдан уриб, шайтон йўлига юргизишга тинмай ҳаракат қиладилар.

«...уларга молларда ва болаларда шерик бўл...»

Ҳаромдан топилган мол ва болага, албатта, шайтон шерикдир. Шунингдек, баъзи ҳалолдан топилган мол ва болаларга ҳам одамлар шайтонни шерик қилиб оладилар. Мисол учун, жоҳилиятда араблар молларининг бир қисмини сохта худоларга атаганлар ёки болаларини ҳам ўша сохта худоларига назр қилганлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам шайтоннинг шериклиги бор.

«...ва ваъдалар қил», деди.»

Яъни, ўзингга эргаштириш учун одам болаларига уларнинг ҳавасларини келтирувчи турли ваъдалар қил.

Шу ерга келганда, Аллоҳ таолонинг шайтонга таҳдиди тугайди ва оят сўнгида шайтоннинг ваъдаси қанақа бўлишини эслатади:

«Шайтон уларга ғурурдан бошқани ваъда қилмас».

Яъни, шайтоннинг ҳамма ваъдаси фақат алдамчиликдан иборатдир. Нотўғри йўлларга ва ишларга бошлар экан, уларни тўғри деб тақдим этади. Оқибатини ҳам чиройли қилиб кўрсатади. Шайтоннинг энг хатарли ва инсон зотини ғурурга кетказувчи ваъдаси: ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳни ҳозирдан ўйлама, гуноҳнинг барибир кечирилади, деган ваъдадир.

Кейинги оятда яна Аллоҳнинг шайтонга хитобининг давоми келади:

إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ وَكِيلًا ﴿٦٥﴾

65. Албатта, Менинг бандаларим устидан сенинг султонинг йўқ. Роббинг Ўзи вакилликка кифоядир.

Кимки Аллоҳга ҳақиқий банда бўлса, қалби Аллоҳга иймон ила тўлиб-тошган бўлса, банда Роббига ибодат ила банд бўлса, ундай бандага шайтоннинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Шайтон ҳеч қачон ундай бандани бўйсундира олмайди.

«Роббинг Ўзи вакилликка кифоядир.»

Унинг Ўзи шайтоннинг васвасасидан сақлайди, бандага ғолиб келишда ёрдам беради.

Лекин, айти чоқда, шайтоннинг васвасасига учадиган, унинг йўлига юрадиган, Аллоҳнинг йўлидан юз ўтирадиган бандалар ҳам бор.

رَبُّكُمْ الَّذِي يُزْجِي لَكُمْ الْفَلَكَ فِي الْبَحْرِ لِيَتَّبِعُوا مِنْ فَضْلِهِ ۗ إِنَّهُ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿٦٦﴾

66. Роббингиз, Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун денгизда кемани юргизиб қўйган Зотдир. Албатта, у сизга раҳимлидир.

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон бўлгани учун ҳам, уларга турмуш ўтказишни осонлаштириб беради. Масалан, денгизда кемаларни юргизиб қўяди. Бу иш ҳам Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлик ила ато қилган улкан неъматларидандир.

وَإِذَا مَسَّكُمُ الضُّرُّ فِي الْبَحْرِ ضَلَّ مَنْ تَدْعُونَ إِلَّا إِلَٰهًا فَلَمَّا نَجَّكُمْ إِلَى الْبَرِّ أَعْرَضْتُمْ وَكَانَ الْإِنْسَانُ كَفُورًا ﴿٦٧﴾

67. Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур. Қачонки сизга нажот бериб қуруқликка чиқарса, юз ўтирасиз. Инсон ўзи куфрон(и неъмат) қилгувчидир.

Аллоҳ таоло бандаларга ҳаёт кечиретиш осон бўлсин учун меҳрибонлик ила денгизда кема юргизиши катта неъмат эди. Бандалар бу неъматга қанчалар шукр қилсалар, шунча оз эди. Аммо улардан баъзилари ношукр бўлиб, Аллоҳнинг йўлидан тойиб, шайтоннинг йўлидан юрадилар. Ўзларига Аллоҳдан ўзгани валинеъмат тутадилар. Энди, бордию, Аллоҳ берган неъматдан фойдаланиб, денгизда кемага миниб кетаётганларида фалокат юз бериб қолса, ўзларини бошқача тутадилар:

«Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур».

Денгизда фалокатга йўлиқиш қуруқликдаги фалокатга қараганда таҳликалироқ бўлади. Ўзига хос қўрқинч ва талвасалари бор. Шунинг учун ҳам, денгизда фалокатга йўлиққан одам, ким бўлишидан қатъиназар, дарҳол, бевосита Аллоҳ таолога илтижо қила бошлайди. Агар кофир бўлса ҳам, Аллоҳга ёлбориб мадад сўрайди. Мушрик бўлса, сохта худоларини қўйиб, биру бор Аллоҳнинг Ўзига ёлборади.

«Қачонки сизга нажот бериб қуруқликка чиқарса, юз ўтирасиз.»

Фалокат вақтида ёлғиз Аллоҳга илтижо қилган банданинг ношукрлиги фалокатдан қутулгандан кейин юзага чиқади. Аллоҳ таоло унга нажот бериб, фалокатдан қутқариб, қуруқликка чиқарса, банда ҳеч нарса бўлмагандай, аввалги ҳолича қолиб, Аллоҳнинг йўлидан юз ўтириб кетаверади. Фалокатдан қутулгандан кейин қўрқинчли ҳолини унутади. Аллоҳни ҳам ёддан чиқаради.

«Инсон ўзи куфрон(и неъмат) қилгувчидир.»

Булардан иймони борлар мустасно, улар доимо Аллоҳнинг неъматига шукр этиб, доимо ибодатида собит қадам бўладилар. Кофирлар кофирлигича қоладик, келаси оятда ана шундай ношукрларга хитоб қилинади:

أَفَأَمِنُوا أَنِ مَخِيفَ بِكُمْ جَانِبَ الْبَرِّ أَوْ يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا ثُمَّ لَا يَأْتِيكُمُ الْكُرُوكِ يَلًا

68. Сизни қуруқликнинг бир томонига ютқазиб юборишидан ёки устингиздан тошли шамол юборишидан, сўнгра ўзингизга қутқарувчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!

Эй, ношукр бандалар, денгизда фалокатга учраганингизда қўриқиб кетиб, фақат Аллоҳга илтижо қилган эдингиз. Энди, У сизни қутқарганидан кейин, қуруқликка чиқиб олиб, юз ўтириб кетишингиз нимаси? Ёки, ер юзида Аллоҳнинг фалокатига учрамайман,

деб хотиржаммисиз?! Сувда фалокатга учратган Аллоҳ, қуруқликда ҳам фалокатга учратишга қодир. Ёки У:

«Сизни қуруқликнинг бир томонига ютқазиб юборишидан» хотиржаммисиз?!

Ерга ютқазмаса, бошқа фалокатга ҳам учратиши мумкин. Ана ўшандай фалокатларга учрашдан ҳам хотиржаммисиз?! Мисол учун, Аллоҳ устингизга шамол йўллаб, тош ёғдира олмайдами?! Хотиржам бўлишга асло ҳаққингиз йўқ. Аллоҳ фалокатларини юборганида, сиз ўзингиз учун қутқарувчи топа олмай қоласиз. Аллоҳ таоло учун сизни фалокатга учратиш ҳеч гап эмас.

أَمْ أَمِنْتُمْ أَنْ يُعِيدَكُمْ فِيهِ تَارَةً أُخْرَى فَيُرْسِلَ عَلَيْكُمْ قَاصِفًا مِنَ الرِّيحِ فَيُغْرِقَكُمْ بِمَا كَفَرْتُمْ ثُمَّ لَا تَجِدُوا لَكُمْ عَلَيْنَا بِهِ تَبِعًا ﴿٦٩﴾

69. Ёки сизни у(денгиз)га яна бир марта қайтариб, устингиздан шиддатли шамол юбориб, куфр қилган нарсангиз сабабли ғарқ қилиб юборишидан ва сиз ўзингизга Биздан ўч олувчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!

Эй, кофир бандалар! Сиз фақат денгиздаги фалокатдан қўрқадиган бўлсангиз, билиб қўйинг, Аллоҳ сизни яна бир бор денгизга қайтариб, кемага миндириб туриб, сўнгра, ношукр бўлганингиз сабабли ҳалок қилиши мумкин. Бу жуда ҳам осон. Ҳа, осонгина ҳалок бўлиб кетаверасиз. Сизнинг орқангиздан хун сўровчи ҳам бўлмайди. Ўч олувчи ҳам.

Ҳа, Аллоҳ таоло одам боласини азизу мукаррам қилиб қўйган-у, аммо кўпгина ношукр инсонлар бунинг қадрига етмайди.

﴿٧٠﴾ وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾

70. Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик.

Аллоҳ таоло борлиқдаги турли-туман мавжудотларни бир-биридан афзал қилиб яратган Зот. Ана ўша Зот ушбу ояти каримада одам боласини борлиқдаги ҳамма нарсдан азизу мукаррам қилиб яратганининг хабарини бермоқда:

«Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик».

Аввало, одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу мукаррамликдан далолат бериб туради. Бошқа махлуқотларда бу шакл, бу мутаносиблик ва бу каби аъзолар йўқ. Сўнгра, Аллоҳ таоло одамни Ўз қўли билан яратиб мукаррам қилди. Ўз руҳидан жон пуфлаб улуғлади. Бундай шарафга ҳеч бир махлуқот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан ҳам, инсон азизу мукаррамдир. Аллоҳ таоло, яна, одам бола-сини Ўзи берган ақл билан мукаррам қилиб қўйди. Ақли билан инсон бошқа ҳамма махлуқотлардан устун туради. У, Аллоҳ берган ақл ила турли тадбирлар қилади, нарсалар ишлаб чиқаради, бошқа махлуқотларни ўз фойдасига ишлатади. Буларнинг ҳаммаси инсонни Аллоҳ азизу мукаррам қилиб қўйганининг намуналаридир.

Аллоҳ таоло инсонга ваҳий туширади. Одамлар ичидан Пайғамбар танлаб олади. Пайғамбарларга илоҳий китоблар нозил этади. Шариат ҳукмларини юборади. Буларнинг барчаси Аллоҳ инсонни азизу мукаррам қилганига намунадир.

Аллоҳ таоло одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилиши ҳам шунга далолатдир.

Аллоҳ таоло охири индирган китоби Қуръони Каримда:

«Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик», деб эълон қилишининг ўзи ҳам катта обрў-эътибордир.

«...ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик...»

Аллоҳ таоло қуруқликда ҳам, денгизда ҳам инсон боласи учун турли уловларни яратиб, шунга биноан қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйди. Инсон қуруқликда турли ҳайвонлар ва нақлиёт воситаларида юриб, оғир ишларни енгиллик ила бажаради. Одамларни кўтарадиган, унга улов бўлиб хизмат қиладиган маркаблар Аллоҳ таолонинг махлуқлари бўлиб, улар Жаноби Ҳақ жорий этган қонун-қоида асосида уловлик вазифасини бажаради. Бу ҳам Аллоҳ одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсон учун сувда чўкмайдиган турли моддаларни яратиб, уларга маълум шаклларни беришни илҳом этиб, денгизларда сузиб юрадиган уловларни ўзи жорий қилган қонун-қоидалар асосида ҳаракатланадиган этиб қўйди. Бу ҳам Аллоҳнинг одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

«...ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантirik...»

Аллоҳ таоло одам боласига барча пок нарсаларни ризқ қилиб берган. Уларни санаб санафига етиб бўлмайди. Одам бу пок ризқлардан тўғри фойдаланиб, уларни берган Зотга шукр қилса, жуда яхши бўлади. Ана шу сонсиз покиза ризқларнинг берилиши ҳам Аллоҳ таоло одам боласини азизу мукаррам қилиб қўйганидандир.

«...ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик.»

Яъни, одам бошқа махлуқотлардан мутлақо афзал саналади. Афзалликда унга яқин кела оладиган махлуқот оламда йўқдир. Барча махлуқотлар одам боласи учун беминнат хизматкордир. Лекин бу афзалликнинг жавобгарлиги ҳам бор. Қиёмат куни ҳар бир берилган афзаллик ва неъматлардан сўралади. Ҳисоб-китоб қилинади.

يَوْمَ نَدْعُوا كُلَّ أُنَاسٍ بِإِمَّتِهِمْ فَمَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَأُولَٰئِكَ يَقْرَءُونَ كِتَابَهُمْ وَلَا يُظْلَمُونَ قَتِيلًا ﴿٧١﴾

71. Биз барча одамларни ўз имомлари ила чақирадиган кунни (эсла). Кимга китоби ўнг томонидан берилса, бас, ана ўшалар китобларини ўқирлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас.

Барча одамлар ўз имомлари ила чақирадиган кун — Қиёмат кунидир. «Имом» деб бошқаларни эргаштирувчи, олдга тушиб юривчиларга айтилади. Гоҳо «имом» сўздан одамларнинг номаи аъмол китоблари ҳам қасд қилинади. Шундан келиб чиқилса,

«Биз барча одамларни ўз имомлари ила чақирадиган кунни (эсла)» жумласидаги «имом» ҳар бир кишининг бу дунёда қилган амаллари битилган «номаи аъмоллари»дир.

Демак, қиёмат куни Аллоҳ ҳар бир инсонни номаи аъмоли билан чақиради. Яъни, қиёмат бўлиб, ҳамма қайта тирилиб, маҳшарга тўпланганида, ҳаммага номаи аъмоли берилади. Ўшанда:

«Кимга китоби ўнг томонидан берилса, бас, ана ўшалар китобларини ўқирлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас».

Номаи аъмол китоби ўнг томонидан берилиши яхшилик аломати. Аҳли жаннатларнинг, яъни, жаннатга элтувчи амал қилиб ўтганларнинг номаи аъмол китоби ўнг томонидан берилади. Ана ўшанда улар амаллари битилган китобларини мароқ билан ўқийдилар. Ёруғ дунёда ана шундай ишлар қилиб яшаганларидан мамнун бўладилар. Уларга ажру савоблар тўлалигича берилади, заррача зулм қилинмайди.

وَمَنْ كَانَ فِي هَذِهِ أَعْمَىٰ فَهُوَ فِي الْآخِرَةِ أَعْمَىٰ وَأَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٧٢﴾

72. Ким бу дунёда кўр-гумроҳ бўлса, у охиратда янада кўр-гумроҳ ва янада йўлдан адашганроқ бўладир.

Бу дунёдан кўр-гумроҳ ҳолида — иймонсизликда, гуноҳ ва исён қилиб ўтса, у дунёда бундан ҳам баттар кўр ва гумроҳ бўлади.

Қиёмат тўполонида нима қилишини билмай гирён уради. Хору зорликка йўлиқади. Умуман, юрадиган йўлини топа олмай, сарсон-саргардон бўлиб, охири дўзахга тушади. Охиратда шундай. Бу дунёда эса, ўзлари кўр-гумроҳ бўлганлари етмагандек, бошқаларни ҳам эргаштиришга уринадилар. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам йўлдан урмоқчи бўладилар:

وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ الَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ لِتَفْتَرِيَ عَلَيْنَا غَيْرُ^ط وَإِذَا
لَا تَخَذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٣﴾

73. Сени Биз ваҳий қилган нарсдан фитна орқали буриб, Бизнинг шаънимизга бошқасини уйдиршингга ундашларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда, албатта, сени дўст тутар эдилар.

Мушриклар турли йўллар билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳ юборган ваҳийдан буриб юборишга кўп уриниб кўрганлар.

Мисол учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизнинг ва ота-боболаримизнинг бутларимизни сўкишни, танқид қилишни тўхтатсанг, биз сенинг илоҳингга ибодат қиламиз», дейишган.

Шунингдек, кофир бошлиқлардан баъзилари келиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизга камбағаллардан алоҳида мажлис тайин қилгин», дейишган.

Шунга ўхшаш анчагина таклифлар бўлганлиги тарихдан маълум ва машҳур. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг таклифларини қабул қилсалар, Аллоҳнинг ваҳийдан бурилган бўлар эдилар. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг таклифларига кўнсалар, Аллоҳнинг шаънига, У зот индирган ваҳийга бошқа нарсани уйдирган бўлар эдилар. Мушриклар эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан айни шу ҳолдагина, яъни, Аллоҳ ваҳий қилган нарсдан бурилиб, Аллоҳнинг шаънига ваҳийдан бошқа нарсани уйдирганларидагина рози бўлардилар ва у кишини дўст тутар эдилар.

وَلَوْلَا أَنْ تَبَيَّنَّاكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾

74. Агар Биз сени собит қилмаганимизда, батаҳқиқ, уларга бир оз бўлса-да, мойил бўлишингга оз қолар эди.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, «қани энди ҳамма одамлар мўмин-мусулмон бўла қолса» деган рағбатлари жуда

ҳам кучли эди. Баъзан даъват фойдасини кўзлаб, кўнгилларига мушрикларнинг катта бошлиқларини йўлга солиш учун тадбир ахтариш хаёли ва бошқа баъзи мураса муомалалари ҳам келар эди. Шундай ҳолларда Аллоҳ таоло дарҳол вазиятга Ўзи аралашиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни тўғри йўлда собитқадам қилар эди. Бунга «Абаса» сурасининг аввалги қисми тушишига сабаб бўлган Абдуллоҳ ибн Умму Мактумнинг қиссаси мисол бўла олади. Ваҳийдан оғишдан Аллоҳ таолонинг Ўзи асраб турганлиги ҳамда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсларининг аҳамияти ушбу ҳолда яққол билинади.

إِذَا أذَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

75. Шундай бўлган тақдирда Биз сенга ҳаёт (азобини) ҳам икки ҳисса, мамот (азобини) ҳам икки ҳисса тоттирган бўлардик. Сўнгра, ўзинг учун Бизга қарши ёрдамчи топа олмас эдинг.

Яъни, уларга бир оз бўлса-да мойиллик билдирсанг, Биз сенга бу дунёда берадиган азобни ҳам, у дунёда берадиган азобни ҳам икки баробар қилиб берар эдик. Сенга ёрдам берувчи ҳам бўлмас эди.

وَإِنْ كَادُوا لَيَسْتَفْرِزُونَكَ مِنَ الْأَرْضِ لِيُخْرِجُوكَ مِنْهَا وَإِذًا لَا يَلْبَثُونَ خِلافَكَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٧٦﴾

76. Улар сени бу ерда безовта қилиб, ундан сени чиқариб юборишларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда, сендан кейин улар озгина муддатдан бошқа тура олмаслар.

Яъни, Макка мушриклари сени безовта қилиб, у ердан чиқариб юборишларига оз қолди. Дарҳақиқат, улар Дорун Надвада ва бошқа жойларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши қилган маслаҳатларида, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан чиқариб юбориш масаласини ҳам ўртага қўйган эдилар. Аммо, бу бо-рада келиша олмай, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан ҳайдаб чиқара олмаган эдилар.

«Шундай бўлган тақдирда, сендан кейин улар озгина муддатдан бошқа тура олмаслар.»

Бу қилмишлари учун Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилган бўларди. Аллоҳ уларни ҳалок қилишни истамагани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан чиқаришларига йўл қўймади. Балки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига чиқиб кетишни амр қилди.

سُنَّةٌ مِّن قَدَرٍ سَلْنَا قَبْلَكَ مِن رُّسُلِنَا وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا ﴿٧٧﴾

77. Бу сендан олдин юборган Пайғамбарларимизнинг суннати-дир. Бизнинг суннатимизга ўзгартириш топа олмайсан.

Яъни, Пайғамбарни безовта этиб, ўз юртидан қувиб чиқарган нобакорларни ҳалок этиш одати сендан олдин юборилган Пайғамбарларга нисбатан ҳам жорий қилиниб келинган. Чунки, Аллоҳ юборган Пайғамбарни безовта этиб, ўз юртидан ҳайдаб чиқариш катта нобакорликдир. Бу ишга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги Пайғамбар бўлишларини ва у кишининг шариатлари қиёмат кунигача туриши лозимлигини ирода қилгани учун ҳам, Аллоҳ таоло у зотнинг қавмларини таг-томири билан ҳалок этишни хоҳламади. Бинобарин, уларни тамоман ҳалок бўлишларига сабаб бўлувчи ишлардан сақлади.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, бошқа нарсаларни қўйиб, Унинг Ўзига янада кучли боғланишга, Унинг Ўзидангина ёрдам сўрашга, Ўз йўлидан оғишмай боришга амр қилди:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ وَقُرْءَانَ الْفَجْرِ إِنَّ قُرْءَانَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا ﴿٧٨﴾

78. Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўқис адо қил. «Фажр Қуръони»ни ҳам. Албатта, «фажр Қуръони» гувоҳлантирилгандир.

Кўпчилик тафсирчи уламоларимиз, ушбу ояти каримада беш вақт намозни адо этишга ишора бор, дейдилар.

Қуёш оғиши—заволга кетиши билан пешин намози вақти киради. Ҳар бир нарсанинг сояси аслидан икки баробар катталашганда аср намози бўлади. Қуёш ботиши билан шом, кеча қоронғуси келганда хуфтон намозлари ўқилади.

«Фажр Қуръони» деганда бомдод намози назарда тутилган, дейдилар. Чунки, бомдод намозида Қуръон қироати узун бўлади.

«Албатта, «фажр Қуръони» гувоҳлантирилгандир.»

Яъни, бомдод намозининг ўқилишига кеча ва кундуз фаришталари гувоҳ бўладилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда, жумладан: «Сизларга кечаси алоҳида фаришталар, кундузи алоҳида фаришталар алмашиб келиб туради-

лар. Улар аср ва бомдод намозларида жам бўладилар», дейилади. Демак, ушбу икки вақт алоҳида эътиборли ва баракали вақтлардир.

وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ ۗ نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰ أَن يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا ﴿٧٩﴾

79. Кечанинг баъзисида у ила бедор бўл. Сенга нофила бўлсин. Шоядки, Роббинг сени мақтовли мақомда тирилтурса.

Яъни, туннинг бир қисмини у(Қуръон)ни ўқиб, бедор ўтказ. Тун намози бўлмиш таҳажжудни – бедорлик намозини-да ўқи. Бу сенга қўшимча, ихтиёрий ва фазилат келтирувчи нафл намоз бўлсин. Шундай қилсанг:

«Шоядки, Роббинг сени мақтовли мақомда тирилтурса».

Биз «мақтовли мақом» деб таржима қилган ибора «мақоми маҳмуд» шаклида машҳур бўлиб, диний маълумотлардан хабардор кишилар орасида ҳам таржима қилинмай, «мақоми маҳмуд» лафзи ила ишлатилади. «Мақоми маҳмуд» – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни аввалгилару охиргилар мақтайдиган мақом, у кишига берилган «улкан шафоат» мақомидир.

Тафсирчи уламоларимиз, оятдаги «шоядки» сўзи Аллоҳ таоло томонидан айтилгани учун шак-шубҳани эмас, ҳақиқатни, албатта бўлишини англатади, дейдилар.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги Пайғамбарини, маҳбубини, ўтгану қолган гуноҳларини Ўзи кечган зотни, икки дунёнинг сарвари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни «мақоми маҳмуд»га эришиш учун намозларни қолдирмай тўла-тўқис адо этишга, бунинг устига, кечаси бедор бўлиб, таҳажжуд намози ўқишга амр қилиши намознинг нақадар муҳим ибодат эканини билдириб турибди. Намознинг шу даражада аҳамиятли ибодат эканини била туриб умрида пешонаси сажда кўрмай ҳам мусулмонлик даъвосини қилаётганлар ва жаннатдан умидвор бўлаётганлардан ҳайрон бўлади одам.

وَقُلْ رَبِّ أَدْخِلْنِي مَدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِي مَخْرَجَ صِدْقٍ وَأَجْعَلْ لِي مِنْ لَدُنْكَ سُلْطٰنًا نَّصِيْرًا ﴿٨٠﴾

80. Ва: «Эй Роббим, мени кирадиган жойимга содиқлик ила киритиб, чиқадиган жойимга содиқлик билан чиқаргин ва менга Ўз ҳузурингдан ёрдам берувчи қувват ато эт», дегин.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у киши орқали барча мўмин-мусулмонларга қандай дуо қилиш кераклигини ўргатмоқда. Бу дуога биноан, иймонли инсон ҳамма ишларида содиқ бўлишга ҳаракат қилиши

ва бунда Аллоҳ таолодан ёрдам сўраши лозимлиги маълум бўлмоқда. Шу билан бирга, банда Аллоҳ таолодан:

«менга Ўз ҳузурингдан ёрдам берувчи қувват ато эт», деб сўрамоғи, дуо қилмоғи лозимдир. Аллоҳ қувват ато этмаса, банданинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا ﴿٨١﴾

81. Ва: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Зотан, ботил доимо йўқ бўлгувчидир».

Ҳақ келди, иймон келди, Ислом келди. Ботил йўқ бўлди. Куфр йўқ бўлди. Ширк йўқ бўлди. Ҳақ бор жойда ботилга ўрин йўқ. Ҳақ келгандан сўнг ботил йўқ бўлиши табиий.

«Зотан, ботил доимо йўқ бўлгувчидир.»

Чунки, ботилда йўқ бўлишлик табиати бордир. Унда доимийлик сифати йўқдир. Ботил гайритабиий, ноҳақ омилар, сабаблар ва кучлар воситасида зўрма-зўраки ва вақтинча туради. Ҳақ келиши билан зўраки омилар ўз-ўзидан тарқаб кетади. Куфр, ширк, худосизлик ва улардан келиб чиқадиган тушунчаларга асосланган мафкуралар, тузумлар ва жамиятлар ана шундай зўраки омилар ила тутиб турилади. Аммо, ҳақ, яъни иймон ва Ислом келиши билан улар йўқ бўлади.

وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَاهُو شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا خَسَارًا ﴿٨٢﴾

82. Биз Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз. У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас.

Дарҳақиқат, Қуръони Карим шифодир, Қуръони Карим раҳматдир. Қуръони Карим куфр, ширк ва мунофиқлик каби энг зарарли ақийдавий хасталикларни даволайди.

Қуръони Карим қалблардаги турли иллатларнинг – ҳикду ҳасад, бахиллик, манманлик, мутакаббирлик ва бошқа касаликларнинг шифосидир.

Қуръони Карим турли ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, муомалавий, сиёсий ва бошқа касаликларга шифо бўлади.

Турли дардларга даво бўлувчи бу шифони борлиққа нозил қилган Зот борлиқни Ўзи яратган ва унга қандай шифо кераклигини ҳам яхши билади. Бу дунё турли моддий ва маънавий касаликларга тўлиб-тошган касалхона бўлса, ўша касалхонанинг бош табиби Ҳаз-

рати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳаммабоп давони Аллоҳ таолонинг Ўзи нозил қилгандир.

Шунингдек, Қуръони Карим мўминлар учун раҳмат ҳамдир. У ҳар бир нарсада – шахсий, ақийдавий, оилавий, ижтимоий, халқаро, сиёсий, иқтисодий, сиҳҳий ва бошқа соҳаларда раҳматдир. Унга амал қилганлар ҳар тарафлама раҳматга сазовор бўладилар.

Қуръони Каримнинг мазкур шифоларидан даво олиш учун, у орқали мазкур шомил раҳматга ноил бўлиш учун мўмин бўлиш керак. Мўмин бўлмаган одам бу нарсалардан маҳрумдир.

«У золимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас.»

Золимлар – соф фитратга зулм қилиб, иймон ўрнига куфр келтирганлардир. Улар иймонга чақирувчи Қуръон оятларига иймон келтирмаганлари ва амал қилмаганлари учун, гуноҳлари, зиёнлари зиёда бўлиб бораверади. Ундай инсон шифодан ва раҳматдан бенаиб бўлади. У доимо зиён устига зиён кўриб бораверади.

وَإِذَا أَنْعَمْنَا عَلَى الْإِنْسَانِ أَعْرَضَ وَنَسَّ بِجَانِبِهِ وَإِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ كَانَ يَئُوسًا

83. Қачон Биз инсонга неъмат ато этсак, юз ўгирур ва четга бурилиб, узоқлашур. Қачон уни ёмонлик тутса, ноумид бўлур.

Иймонсиз – кофир инсоннинг ҳоли шундай. Кофирлиги туфайли шифодан ва раҳматдан бебаҳра қолган. Натижада, унга қачон неъмат етса, ўзидан кетади, ҳовлиқиб, ҳаддан ошади. Неъмат берувчига шукр қилиш ўрнига, ундан юз ўгириб, четга бурилиб, узоқлашади. Худди шу сабабдан, унга ёмонлик етганда ҳам, ўзини нотўғри тутади. Сабр қилиб, Аллоҳдан ёрдам сўраш ўрнига, ноумид бўлади. Иймонсизликнинг оқибати – шу.

Эй Пайғамбар!

قُلْ كُلُّ يَعْمَلْ عَلَى شَاكِلَتِهِ فَرَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَنْ هُوَ أَهْدَى سَبِيلًا

84. Сен: «Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Бас, Роббингиз ким тўғри йўлдалигини яхши билгувчидир», деб айт.

Яъни, ҳар бир одам эътиқодига мувофиқ ўз услуби ила иш олиб бораверади. Ўша эътиқод ва амалларга қараб ҳукм чиқариш Аллоҳ таолога ҳавола. Унинг Ўзи ким нимага эътиқод қиляпти-ю, қандай амал қиляпти – ҳаммасини яхши билиб тургувчи Зотдир.

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَا أُوتِيتُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا

85. Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. Сен: «Руҳ Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши сабаби ҳақида икки ривоят келтирилади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, имом Насайй, Ҳоким ва Ибн Ҳиббон каби муҳаддислар ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Қурайшликлар яҳудийларга:

«Бизга бир нарса ўргатинг, манави одамдан сўрайлик», дейишди. Улар:

«Руҳ ҳақида сўранглар», дедилар. Шунда қурайшликлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан руҳ ҳақида сўрадилар. Бу сўровга жавобан: «Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар», ояти нозил бўлди».

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда эса, қуйидагилар айтилади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадийна кўчаларидан бирида борар эдим. У киши бир шохга таяниб олган эдилар. Шу пайт бир гуруҳ яҳудийлар дуч келдилар. Улар бир-бирларига: «Бундан руҳ ҳақида сўранглар», дедилар. Улардан баъзилари ўринларидан туриб келиб руҳ ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жавоб бермай, жим туриб қолдилар. Мен у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келаётганини дарҳол сездим. Турган жойимда кутдим. Ваҳий нузули тўхтагандан сўнг, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар», оятини тиловат қилдилар».

Шунинг учун ҳам, тафсирчи уламоларимиз, ушбу ояти карима икки марта, яъни, Маккада бир, Мадийнада бир нозил бўлган, дейдилар.

Шу масалада келган бошқа ривоятларга кўра, яҳудийлар руҳ ҳақидаги саволга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким жавоб бера олмаслигини аввалдан билганлар. Тавротда шу ҳақда маълумот бўлган. Улар қурайшликларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан руҳ ҳақида сўрашни ўргатишлари билан баробар, агар жавоб берса, Пайғамбар эмас, жавоб бермаса, ҳақиқий Пайғамбар бўлади, дейишган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқий Пайғамбар бўлганлари учун ҳам, руҳ ва унинг моҳияти ҳақидаги саволларга жавоб бермадилар. Аллоҳ таоло берган жавобни уларга ўқиб бердилар. Бу жавоб:

«Руҳ Роббимнинг ишидир», дейишлик эди. Руҳ, унинг моҳияти ва унга тегишли бошқа нарсалар Аллоҳнинг иши, банданинг иши эмас. Банда қанчалик мақтанмасин, илми оздир:

«Сизга жуда оз илм берилгандир».

Банданинг ана шу оз илм билан гердайиши ҳам оламни олади. Аслида эса, ўз идроки етадиган, ўзига фойда келтирадиган нарсаларни билдирган Аллоҳга шукр этиб, қолганини Аллоҳга ҳавола қилиши керак эди. Инсоннинг ҳамма нарсаси чеклангандир. Жумладан, ақли,

идроки ҳам маҳдуддир. У ақли, идроки доирасидаги ишлар ила шуғулланиб, ундан ташқаридаги нарсалар хусусида беҳуда бош қотирмаслиги керак. Булар қаторига руҳ масаласи ҳам киради. Ҳозиргача инсоннинг руҳ ҳақида бирор нарса билиш учун қилган барча ҳаракатлари беҳуда кетди. Руҳ ҳақида ҳеч нарса била олмади. Инсон руҳ ҳақида билган бирдан-бир нарса Аллоҳ юборган ваҳий, холос.

Лекин Аллоҳ хоҳдаса, ўша ваҳийни ҳам қайтариб олиб қўйиши мумкин:

وَلَيْنِ شِئْنَا لَنذَٰهَبَنَّ بِالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ ثُمَّ لَا تَجِدُكَ بِهِ عَلَيْنَا وَكَيْلًا ﴿٨٦﴾

86. Агар хоҳласак, сенга ваҳий қилган нарсаларимизни кетказамиз. Сўнгра, Бизга қарши ўзингга вакил топа олмассан.

Инсонга берилган илм, ваҳий орқали эриштирилган ҳақиқат ҳам Аллоҳ таолоникидир. У зот хоҳлаган пайтида ўша ваҳийни қайтариб олиб қўйиши мумкин. У ҳолда инсон ҳеч нарса қила олмай қолаверади. Ўртага тушиб ишни унинг фойдасига ҳал этиб бера оладиган бирон вакил ҳам топа олмайди.

إِلَّا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ إِنَّ فَضْلَهُ كَانَ عَلَيْكَ كَبِيرًا ﴿٨٧﴾

87. Магар Аллоҳдан марҳамат бўлсагина. Албатта, Унинг фазлу карами сен учун каттадир.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг марҳамати билангина ваҳий боқий қолди. Уни қайтариб олмади. Ана ўша ваҳийга амал қилиб, оқибатда саодатга эришиш мумкин. Бу эса, Аллоҳ томонидан берилган фазлу карамдир.

Аллоҳ таоло томонидан фазлу карам сифатида инсонга берилган бу ваҳий, яъни Қуръон Аллоҳгагина хос нарсадир. Бунга ўхшаш нарсани ундан бошқа ҳеч ким келтира олмайди.

قُلْ لَّيْنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ
كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿٨٨﴾

88. «Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмақчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар», деб айт.

Барча инсонларга ҳам, жинларга ҳам жуда оз илм берилгандир. Ҳатто, улар руҳ ҳақида ҳеч нарса била олмай ҳайрондир. Модомики,

шундай экан, ҳаммалари бир бўлиб, ўзаро ёрдамлашиб ҳаракат қилсалар ҳам, Қуръонга ўхшаш нарса келтира олмайдилар. Қуръон сўзлари каби сўзлар туза олмайдилар. Қуръон жумлалари каби жумлалар топа олмайдилар. Лекин Қуръони Каримнинг мўъжизакорлиги фақат сўз, гап, балоғат-фасоҳат ёки услуб жиҳатидан эмас, балки инсониятнинг барча мушкулотларини ҳал қилишида, унга икки дунё саодатини ато этувчи мукамал ва абадий, ҳар замон ва ҳар маконга мос дастур тақдим қилишида ҳамдир. Бундай илоҳий дастурни ҳеч ким, ҳатто дунёдаги барча инсонларга барча жинлар қўшилиб, бир-бирларига ёрдам бериб уринганларида ҳам ярата олмайдилар.

Улар Қуръонга ўхшаш нарса келтириш у ёқда турсин, шу бор Қуръонни тўғри англашга ҳам ожизлик қиладилар.

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا لِلنَّاسِ فِي هَذَا الْقُرْآنِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ فَأَبَى أَكْثَرُ النَّاسِ إِلَّا كُفُورًا

89. Батаҳқиқ, ушбу Қуръонда одамларга турли мисолларни баён қилдик. Бас, одамларнинг кўплари куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда одамларни иймонга чорловчи, ҳидоятга йўловчи, уларнинг қалбларини, ҳис-туйғуларини, ақллариини ишга солувчи турли мисолларни баён қилди. Аммо, Қуръондаги бу баёнотларни идрок эта олмаган инсонлар ҳамма нарсадан бош тортдилар. У мисоллардан фойда олмадилар. Улар фақат куфрдан бош тортмадилар.

وَقَالُوا لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّى تَفْجُرَ لَنَا مِنَ الْأَرْضِ يَنْبُوعًا

90. Улар: «Токи бизга ердан чашма отилтирмагунингча, зинҳор сенга иймон келтирмасмиз», дедилар.

Кофирларнинг ақллари пастлиги ушбу таклифларидан ҳам кўришиб турибди. Улар Қуръони Каримнинг тенгсиз ва улкан мўъжиза эканлигини англаб ета олмадилар. У, Аллоҳ томонидан берилган шифо ва раҳмат эканини тушунмадилар. Қуръон ҳар тарафлама икки дунё саодати манбаи эканини англамадилар. Келиб-келиб, ердан чашма отилтириб чиқаришни талаб қилиб ўтирибдилар. Бу ақли ривожланмаган боланинг талабига ўхшайди. Наҳотки, иш ердан бир дона чашма отилтириб чиқаришга қараб қолган бўлса?! Бу чашма нима қилиб берар эди?! Ахир, Қуръони Карим миллионлаб моддий ва маънавий чашмалардан иборат битмас-туганмас икки дунё саодати манбаи-ку! Афсуски, кофирлар буни идрок этишдан ожизлар. Ҳа,

«Улар: «Токи бизга ердан чашма отилтирмагунигча, зинҳор сенга иймон келтирмасмиз», дедилар».

Ва яна бошқа нарсалар бўлишини ҳам ўртага қўйдилар:

أَوْ تَكُونُ لَكَ جَنَّةٌ مِّنْ نَّجِيلٍ وَعِنَبٍ فَتُفَجَّرَ الْأَنْهَارُ خِلَالَهَا تَفْجِيرًا ﴿٩١﴾

91. Ёки сенинг хурмо ва узум боғинг бўлиб ва уларнинг орасидан анҳорларни отилтириб чиқармагунигча.

Бу ҳам аввалги таклифга ўхшаб, уларнинг кўзларига баъзи бир арзимаган моддий нарсаларни кўрсатиб қўйишни талаб қилишдан иборат. Улар Қуръони Каримдек улкан, очиқ-ойдин мўъжиза бир ёнда қолиб, хурмо ва узум боғларни, орасидан анҳор сувлари отилиб туришини истадилар. Шундагина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирар эмишлар. Энг қизиғи шуки, уларга ўша талаб қилган мўъжизалари келтирилганда ҳам, тажрибада собит бўлганидек, бизни сеҳрлаб қўйди ёки у бўлди-бу бўлди, деб баҳона топиб, куфрларида давом этаверадилар. Бу ҳол мазкур суранинг бошланғич мавзуи – Исро воқеасида ҳам кўрилди.

أَوْ تَسْقُطَ السَّمَاءَ كَمَا زَعَمَتَ عَلَيْنَا كَيْفَ أَوْ تَأْتِي بِاللَّهِ وَالْمَلَائِكَةَ قِيَلًا ﴿٩٢﴾

92. Ёки ўзинг даъво қилганигдек, устимиздан осмонни парча-парча қилиб туширмагунигча ёхуд Аллоҳни ва фаришталарни олдимизга келтирмагунигча (сенга иймон келтирмасмиз, дедилар).

Бу таклиф аввалгиларидан ҳам беодобона таклифдир. Бу таклифда очиқдан-очиқ тажовузкорлик, Аллоҳнинг қудратидан қўрқмаслик кўришиб турибди. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга у зот уларни огоҳлантириш маъносида, агар иймонга келмасалар, Аллоҳнинг азоби-га гирифтор бўлишларини эслатганларини юзларига солиб:

«Ёки ўзинг даъво қилганигдек, устимиздан осмонни парча-парча қилиб туширмагунигча», сенга иймон келтирмаймиз, демоқдалар.

Ҳолбуки, устларига осмон парча-парча қилиб туширилса, иймон келтиришга вақтлари қолмайди. Кофир ҳолларида ўлиб кетадилар. Энг муҳими, аввал бир неча марта таъкидланганидек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам охирги Пайғамбар бўлганлари учун, Аллоҳ у кишининг қавмларини тамомийла ҳалок этишни ирода этмагандир.

«...ёхуд Аллоҳни ва фаришталарни олдимизга келтирмагунигча...» сенга иймон келтирмаймиз, дедилар.

Аллоҳ таоло ҳар банданинг олдига Ўзи фаришталар билан келиши, кўзларига кўриниши жорий бўлганида Пайғамбар юбориши-

нинг кераги қолмасди. Умуман, ушбу ақийданинг асоси бўлган ғайбга ишонишнинг ўзи ҳам, аҳамияти ҳам йўқоларди.

أَوْ يَكُونُ لَكَ يَتُّ مِّنْ زُخْرَفٍ أَوْ تَرَفٍّ فِي السَّمَاءِ وَلَنْ نُؤْمِنَ لِرُقِيَّكَ حَتَّىٰ تَنْزِلَ عَلَيْنَا كِتَابًا
نَقْرُوهُ قُلِّ سُبْحَانَ رَبِّيَ هَلْ كُنْتُ إِلَّا بَشَرًا رَسُولًا ﴿٩٣﴾

93. Ёки сенинг олтиндан безалган уйинг бўлмагунича, ёхуд осмонга кўтарилмагунигча, ўша кўтарилишингга ҳам токи биз ўқишимиз учун китоб келтирмагунигча, ишонмаймиз», (дедилар). Сен: «Роббим пок бўлди. Мен фақат башар Пайғамбардан бошқа нарса эмасман», дегин.

Кофирлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қилаётган ноўрин таклифларини давом эттирмақдалар:

«Ёки сенинг олтиндан безалган уйинг бўлмагунича...» сенга иймон кетирмаймиз.

Кофирлар оддий инсон Аллоҳнинг Пайғамбари бўлишини ҳеч ақлларига сиғдира олмайдилар. Уларнинг тасавбурида Пайғамбар ё фаришта бўлиши керак, ёки қандайдир ажабтовур, бошқалардан алоҳида ажралиб турадиган одам бўлиши керак. Ҳеч бўлмаса, Пайғамбарнинг яшайдиган уйи бошқалардан ажралиб туриши, мисол учун, олтиндан қурилиб, бошқача безатилган бўлиши лозим...

Шунингдек, кофирлар тасавбурида бошқаларга ўхшаб еб-ичадиган, бозорда юрадиган оддий одам Пайғамбар бўлиши мумкин эмас. У Пайғамбар бўлганидан кейин турли ғайритабиий ишларни қиладиган бўлиши керак.

Мисол учун:

«ёхуд осмонга кўтарилмагунигча, ўша кўтарилишингга ҳам токи биз ўқишимиз учун китоб келтирмагунигча, ишонмаймиз», (дедилар).

Яъни, Пайғамбар осмондан, Аллоҳнинг олдидан унга китоб тушаётганини даъво қиляпти, ўзи осмонга чиқиб кўрсатсин, ўша чиққанда бир йўла китобни ҳам олиб тушиб одамларга берсин, улар ўқисинлар.

Кофирларнинг бу таклифларига қандай жавоб беришни Аллоҳнинг Ўзи ўргатмоқда:

«Сен: «Роббим пок бўлди. Мен фақат башар Пайғамбардан бошқа нарса эмасман», дегин».

Араб тилида «Субҳаналлоҳ!» («Аллоҳ пок бўлди») калимаси ажабланиш маъносида ҳам ишлатилади. Шунинг учун ҳам, ояти каримадаги «Субҳана Роббии» иборасини «Роббим пок бўлди» деб таржима қилинди.

Пайғамбар Аллоҳнинг элчиси бўлса ҳам, аввало, башар, оддий одам;

одам боласига хос ҳамма нарсалар унга ҳам жорий бўлади. У оддий одам учрайдиган барча нарсаларга учрайди. Пайғамбарлиги эса, Аллоҳнинг берган фармонларини амалга ошириш билан бўлади. У ўзича бирор нарсани, жумладан, кофирлар таклиф қилаётган мазкур ишларни ҳам қила олмайди. Булар унинг вазифаси доирасига кирмайди. Бу ишлар фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Худди мана шу ҳолатни идрок эта олмаслик, хусусан, оддий башарнинг Пайғамбар бўлишини тасаввур қила олмаслик қадимдан одамларни иймондан тўсиб келган.

وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَبَعَثَ اللَّهُ بَشَرًا رَسُولًا ﴿٩٤﴾

94. Одамларга ҳидоят келган пайтда иймон келтиришларидан ман қилган нарса, фақат, Аллоҳ башардан Пайғамбар юборадими, дейишлари бўлди.

Одамлардаги бу нотўғри тасаввур «Одам боласи» сифати Аллоҳ таоло ҳузурида нақадар олий мартабада эканини тушуниб етмасликларидан келиб чиққандир. Улар фаришта ва бошқа махлуқотлардан кўра, одамни Аллоҳ азизу мукаррам қилиб қўйганини англаб етмас эдилар. Агар одам Аллоҳнинг йўлида юриб, буюрган ишларини қилиб, қайтарганларидан қайтса, фариштадан афзал бўлишини идрок етмас эдилар. Улар одам боласи ичидан энг пок ва содиқлари танлаб олиниб Пайғамбар қилиниши барча инсоният учун шоншараф эканини тушунмас эдилар. Одам боласи билан фаришталарнинг хусусиятларини фарқ эта олмасдан, Аллоҳ башардан Пайғамбар юборадими, деб ажабланишади. Ҳамда ўзларига ўхшаган башарга эргашишдан бош тортиб, иймондан юз ўгирадилар.

Эй Пайғамбар, сен уларнинг бу гапларига жавобан:

قُلْ لَوْ كَانَتْ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ مَلَكَاتًا رَسُولًا ﴿٩٥﴾

95. Сен: «Агар ер юзида фаришталар хотиржам юрганларида, уларга осмондан фаришта Пайғамбар туширган бўлар эдик», деб айт.

Аллоҳ барча махлуқотларни яратган Зот сифатида уларга қандай нарса мос келишини Ўзи яхши билади. Аллоҳ одамларни яратган Зот сифатида уларга кимни Пайғамбар қилиб юборишни яхши билади. Ер юзида хотиржам яшаб юрганлар одамлар бўлгани учун уларга одамларни Пайғамбар қилди. Агар ер юзида хотиржам яшаб

юрғанлар фаришталар бўлганида, уларга осмондан фаришта Пайғамбар туширган бўлар эди.

Пайғамбар Аллоҳнинг элчиси бўлиши билан бирга, Унинг амр ва наҳйларини ўз тимсолида акслантириб, шариат ҳукмларига амал қилишда ўрнак бўладиган биринчи шахс ҳамдир. Агар одамларга фаришта Пайғамбар қилиб юборилса ва у шариат ҳукмларига амал қилиб кўрсатса, Пайғамбар оддий одамдан бўлмаслиги керак-да, деган нобакорлар биринчи бўлиб: «Бу Пайғамбар – фаришта, шунинг учун шариат ҳукмларига осон амал қилади, биз оддий башармиз, унинг қилганини қила олмаймиз», деган бўлар эдилар. Пайғамбар оддий башардан чиқарилса, бундай даъво қила олмайдилар.

قُلْ كَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا ﴿٩٦﴾

96. Сен: «Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур. Албатта, У Ўз бандаларидан хабардор ва уларни кўриб тургувчи Зотдир», деб айт.

Одамлар ҳақиқатни тушунмасалар, Пайғамбарлик нима эканини англашни хоҳламасалар, улар билан тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, уларни Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилиб қўйиш керак. Кофирларга:

«Мен билан сизнинг орамизда гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур», деб айт.

Орада бўлиб ўтган гапу сўзлар ва муомалаларга Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ. Пайғамбарнинг ихлос билан вазифасини адо этганига, одамларнинг озорларига чидаганига, тортган азиятларига ҳам Аллоҳ гувоҳ. Кофирларнинг Пайғамбарни ёлғончига чиқарганларига ҳам, унга озор берганларига ҳам, ундан турли мўъжизалар келтиришни ноўрин талаб қилганларига ҳам, «Аллоҳ башардан Пайғамбар юборадими?» деб иймон келтирмаганларига ҳам Аллоҳнинг Ўзи гувоҳ.

«Албатта, У Ўз бандаларидан хабардор ва уларни кўриб тургувчи Зотдир.»

Аллоҳ ҳар бир гап-сўз, қилинган иш, ният ва кўнгилдан ўтган барча ўй-хаёллардан хабардор Зотдир. Шу хабардорлиги асосида улар орасида ҳукм чиқаради. Аллоҳ таоло ҳар бир бандаси қаерда нима иш билан машғуллигини, нима деяётганию нима қилаётганини кўриб туради. Шу кўриб туриши асосида улар орасида ҳукм чиқаради. Бу ҳукм қиёмат куни чиқарилади.

وَمَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ الْمُهْتَدِ وَمَنْ يُضِلِلْ فَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِهِ ۗ وَيَحْشُرُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ عَمِيَائًا وَبُكْمًا وَأَصْمَاءً ۗ مَا وَلَّيْنَاهُمْ جَهَنَّمَ ۗ كُلَّمَا خَبَتْ زِدْنَاهُمْ سَعِيرًا ﴿٩٧﴾

97. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, ўша ҳидоят топгувчидир. У кимни адаштира, уларга Ундан ўзга зинҳор валийлар топа олмассан. Уларни қиёмат куни юзтубан, кўр, кар, соқов ҳолларида тўплаймиз. Уларнинг турар жойлари жаҳаннамдир. У қачон сокин бўлса, уларга оловни зиёда қиламиз.

Аллоҳ таоло инсонни яратгач, унга турли истеъдод ва ақлни бериб, Пайғамбар юбориб, ҳидоят ва залолат йўлини кўрсатиб қўйиб, ихтиёрини ўзига берган. Ақлини ишлатиб ҳидоят йўлини ихтиёр этган бандаларини ҳидоятга бошлайди. Ана ўша одам ҳақиқий ҳидоят топган одам бўлади. Ҳа,

«Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, ўша ҳидоят топгувчидир».

Ҳавойи нафсининг гапига кириб, залолат йўлини ихтиёр этганларни эса, залолатга кетказди. Ана ўшалар ҳақиқий залолатга кетган бўладилар. Аллоҳ залолатга кетказса, ундай кимсалар ўзларига ундан бошқа ёрдам берувчи топа олмайдилар.

«У кимни адаштира, уларга Ундан ўзга зинҳор валийлар топа олмассан.»

Уларнинг ҳоли, айниқса, қиёмат куни ачинарли бўлади.

«Уларни қиёмат куни юзтубан, кўр, кар, соқов ҳолларида тўплаймиз.»

Аллоҳ таоло ҳамма бандаларни қиёмат куни тирилтириб маҳшарга тўплаганида, залолатга кетган ўша кимсаларни юзтубан, кўр, кар ва соқов қилиб тўплайди. Улар ҳеч нарсани кўра олмайдилар, ҳеч нарсани эшита олмайдилар ва ҳеч нарсани гапира олмайдилар. Азоб фаришталари уларни оёқларидан тутиб, юзларини ерга қаратиб, жаҳаннам томон судраб кетадилар. Ниҳоят, улар ўз турар жойларига эришадилар.

«Уларнинг турар жойлари жаҳаннамдир.»

У ерда улар турли азоб-уқубатларга дучор бўладилар. Мабодо, жаҳаннамда сокинлик бўлиб қолса, Аллоҳ дарров чора кўради:

«У қачон сокин бўлса, уларга оловни зиёда қиламиз».

Яъни, аҳли жаҳаннам битмас-туганмас азобда ушлаб турилади. Уларнинг бунчалик азоб-уқубатларга дучор бўлишларининг сабаби кейинги оятда баён қилинади:

ذٰلِكَ جَزَاؤُهُمْ بِاَنَّهُمْ كَفَرُوْا بِعٰیٰتِنَا وَقَالُوْا اِنَّنَا لَمَبْعُوْثُوْنَ خَلْقًا

جَدِيْدًا

98. Ана ўша, Бизнинг оятларимизга куфр келтирганлари ва «Агар суяк ва титилган тупроқ бўлсак ҳам, албатта янгитдан

**яратилиб, қайта тирилтирилурмизми?!» деганлари учун жазола-
ридир.**

Ушбу оятда жаҳаннамийларнинг охират жазосига мубтало бўлиш-
ларининг сабаби бўлган иккита бош гуноҳлари эслатилмоқда.

Биринчиси – Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмаганлари.

«Бизнинг оятларимизга куфр келтирганлари...»

Иккинчиси – қайта тирилишга ишонмаганлари.

**«Агар суяк ва титилган тупроқ бўлсак ҳам, албатта янгитдан
яратилиб, қайта тирилтирилурмизми?!» деганлари...»**

Дунёдаги ҳамма ёмонликлар ушбу икки сабабдан келиб чиқади,
десақ муболаға бўлмайди.

Аллоҳнинг оятларига ишонмай, уларга куфр келтириш орқали
ақийда масаласидаги ҳамма нарсалар тескари кетади. Инсон ўша
илоҳий кўрсатмалар бўйича яшашдан бош тортгани учун ҳамма
ишда нотўғри кўрсатмаларга амал қилиб, расвои олам бўлади.

Қайта тирилтиришга ишонмаган инсон бу дунёда хоҳлаган ёмон-
лигини қилаверади деган бўлиб қолади. Охиратга, унда қайта тири-
либ, бу дунёдаги ҳар бир қилмишига жавоб беришга ишонмаган
одам беш кунлик бевафо дунёнинг матоҳидан иложи борица кўпроқ
фойда олиш пайдан бўлиб қолади. Табиийки, у мазкур жиловсиз
хоҳишни ҳалол-пок йўл билан қондириши мумкин эмас. Натижада,
иймонсиз инсон ҳеч қандай ёмонликни киприк қоқмай қилавера-
диган бўлиб қолади. Охир-оқибат келиб бир оят юқорида зикр
қилинган:

**«Уларни қиёмат куни юзтубан, кўр, қар, соқов ҳолларида
тўплаймиз. Уларнинг турар жойлари жаҳаннамдир. У қачон со-
кин бўлса, уларга оловни зиёда қиламиз»,** деган илоҳий хабарда
зикр қилинган жаҳаннамийлар қаторига қўшилади.

Келгуси оят уларнинг ғафлатда айтган гапларини муҳокама қилади:

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ قَادِرٌ عَلَىٰ أَنْ يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ وَجَعَلَ
لَهُمْ أَجَلًا لَّيْسَ فِيهِ فَأَبَى الظَّالِمُونَ إِلَّا كُفُورًا﴾

**99. Улар осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларга ўхшашини яра-
тишга қодир эканини ва улар учун шак-шубҳасиз ажал белгила-
ганини билмадиларми?! Бас, золимлар куфрдан бошқа нарсдан
бош тортдилар.**

Ўша кофирлар ақлларини ишлатиб ўйлаб кўрганларида, аввалги
оятдаги «Агар суяк ва титилган тупроқ бўлсак ҳам, албатта қайта
тирилтирилурмизми?» деган гапларини айтмас эдилар.

«Улар осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларга ўхшашини яратишга қодир эканини ва улар учун шак-шубҳасиз ажал белгиланини билмадиларми?!»

Борлиқдаги барча мавжудотни ва осмонлару ерни яратган Зотга ўша борлиқдаги кичкинагина заррача ҳисобланган инсонни қайта яратиш нима иш бўлибди!

Аллоҳ улар учун шак-шубҳасиз ажал белгилагандир.

Яратилишлари, ҳаётда бўлишлари, қайта тирилишлари, ҳамма-ҳаммасининг вақти аниқ белгилаб қўйилгандир. Белгиланган ўша ажалдан олдинга ҳам, кейинга ҳам сурилмайди. Айнан ўша белгиланган вақтда бўлади.

«Бас, золимлар куфрдан бошқа нарсадан бош тортдилар.»

Улар фақат куфрни ихтиёр қилиб туриб олдилар. Шунинг учун ҳам, ақлларини ишлатиб ҳақиқатни идрок эта олмадилар.

Эй Пайғамбар, уларга:

قُلْ لَوْ أَنْتُمْ تَمْلِكُونَ خَزَائِنَ رَحْمَةِ رَبِّي إِذْ الْأَمْسَكْتُمْ خَشْيَةَ الْإِنْفَاقِ وَكَانَ الْإِنْسَانُ قَتُورًا

100. Сен: «Агар сизлар Роббим раҳмати хазиналарига эга бўлсангиз ҳам, уни сарфлашдан қўрқиб, мумсиклик қилган бўлар эдингиз. Инсон зоти, ўзи, бахил бўлур», деб айт.

Аллоҳ таолонинг раҳмати ва Унинг хазинаси жуда ҳам кенг. Аммо кофирлар – феъли тор, ўзи бахил кофирлар, фаразан, қўлларига ўша хазина тасарруфи тушиб қолса ҳам, мумсиклик қилиб, тугаб қолади деб, қўрқиб, бировга ундан ҳеч нарса бермас эдилар.

Аллоҳ таоло ана ўша ҳақиқатни кофиру мушрикларнинг юзларига очиқ айтиб, баён қилишни амр этиб:

«Агар сизлар Роббим раҳмати хазиналарига эга бўлсангиз ҳам, уни сарфлашдан қўрқиб, мумсиклик қилган бўлар эдингиз», деб айт, эй Пайғамбарим, демоқда.

Ва бу ҳолат ҳамма одамларда ҳам бўлиши мумкин нарса эканлигига ишора қилиб, сўзининг давомида:

«Инсон зоти, ўзи, бахил бўлур», деб айт», деб амр қилмоқда. Ана ўша ҳар кимда бўлиши мумкин бўлган мумсиклик сифатини Исломи тарбия тўғри йўлга солиши мумкин, холос. Иймон – Иломдан узоқда бўлганлар эса, худди ушбу ояти каримада зикр қилинганидек бўладилар.

Кўнгли тор, бахил одамларнинг қалби ҳам қаттиқ бўлади. Турли-туман мўъжизаларни кўриб туриб ҳам ундай одамлар иймонга келмадилар. Мисол учун, Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло тўққизта турли мўъжизаларни берди. Аммо кофирлар шунда ҳам иймонга келмадилар.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى تِسْعَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ فَمَسَّ لَبَنِي إِسْرَائِيلَ إِذْ جَاءَهُمْ فَقَالَ لَهُ فِرْعَوْنُ إِنِّي لَأَظُنُّكَ يَمُوسَى مَسْحُورًا ﴿١٠١﴾

101. Батаҳқиқ, Биз Мусога тўққизта очиқ-ойдин ояг-мўъжиза бердик. Бани Исроилдан уларга у (Мусо) келган пайти(нима бўлгани)ни сўрагин. Бас, Фиръавн унга: «Албатта, мен сени, эй Мусо, сеҳрлангансан деб ўйлайман», деди.

Биз Мусони Пайғамбар қилиб юборганимизда, унинг Пайғамбарлигини тасдиқловчи тўққизта очиқ-ойдин мўъжизани ҳам ато этдик. Бу мўъжизалар — қўл, асо, тўфон, чигиртка, бит, бақалар, қон, очарчилик йиллари ва меваларнинг камчил бўлиши ҳодисалари эди. Бу мўъжизалар ҳақида «Аъроф» сурасида ва бошқа сураларда сўз кетган.

«Бани Исроилдан уларга у (Мусо) келган пайти(нима бўлгани)ни сўрагин.»

Улар бу ишга гувоҳдирлар. Улар Мусо алайҳиссалом билан Фиръавн орасида нима бўлиб ўтганини яхши биладилар. Ўшанда:

«Фиръавн унга: «Албатта, мен сени, эй Мусо, сеҳрлангансан деб ўйлайман», деди».

Фиръавн — жабри, зулми ва ҳукми ҳамда гап ва сўзини ҳаммага ўтказиб ўрганиб қолган кофир подшоҳдир. У одамларни ўз шахсига банда қилиб олган эди. Унинг олдида ҳеч ким лом-лим деб оғиз оча олмасди. Бора-бора, бу золим юртидаги одамларга робблик даъвосини қилди, мен сизларнинг олий роббингизман, деди. Ана шундай даражага етган тоғут олдида чиқиб Мусо алайҳиссаломнинг ҳақ гапни айтишлари, Аллоҳнинг тавҳидига чақиришлари, зулм, туғён ва одамларга озор беришни тарк этиб Аллоҳга бўйин эгишга даъват қилишлари ғалати туйилди. Фиръавн қаршисида одатдан ташқари гапларни қўрқмай гапираётган одамни кўриб, бунинг эс-ҳуши жойида бўлмаса керак, эҳтимол, сеҳрлангандир, бўлмаса, бунчалик гапларни журъат этиб гапирмас эди, деб ўйлади. Одатда, туғёнга кетган золим подшоҳлар шундай бўлади. Ҳамма гап ўша золимдан чиқади, атрофидагилар, тўғри-тўғри, ҳақ гапни айтдингиз, деб туришдан бошқага ярамайди. Агар биров ақлироқ гап айтса, ўзини худо фаҳмлаётган тоғутга суиқасд қилгандек туйилади. Ўша золимдан бошқа ҳам ақлли одам борга ўхшаб қолади. Ўртада ноқулайлик пайдо бўлади. Шунда Фиръавннинг олдида ақлли гап гапиришга журъат қилган одам тезлик билан жиннига чиқарилади ёки «Сеҳрланиб, мияси айниб қолибди», дейилади. Мусо алайҳиссаломдан ҳақ гапларни эшитган Фиръавн ҳам ана шундай йўл тутди. Мусо алайҳиссаломни «сеҳрланган» деб эълон қилди. Аммо Мусо

алайҳиссалом иккиланмадилар. У киши ҳақ ўзлари томонда эканини, ортларида оламларнинг Робби турганини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, у киши Фиръавнга:

قَالَ لَقَدْ عَلِمْتَمَا أَنْزَلَ هَٰؤُلَاءِ إِلَّا رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ بِصَٰبِرٍ وَإِنِّي لَأَظُنُّكَ
يَنْفِرَعَوْتُ مَشْبُورًا ﴿١٠٢﴾

102. У: «Ановиларни кўзни очувчи қилиб осмонлару ернинг Роббидан ўзга ҳеч бир Зот туширмаганини яхши биласан. Албатта, мен сени, эй Фиръавн, ҳалок бўлгувчисан деб ўйлайман», деди.

Эй Фиръавн, сен анови тўққиз очиқ-ойдин мўъжизаларни ғафлат уйқусида қолганлар учун кўзларини очувчи қилиб осмонлару ернинг Робби туширганини, Ундан ўзга ҳеч ким тушира олмаслигини яхши биласан. Лекин шундай бўлса ҳам, инкор қилмоқдасан. Иймонга келмай, куфрда қолмоқдасан. Аллоҳга банда бўлмай, Аллоҳнинг бандаларига худо бўлмоқчисан. Мен сени огоҳлантириб қўяй. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Билиб қўй, оқибатда ҳалок бўласан.

Шунда, фикрий тортишувда енгилишини сезган Фиръавн куч ишлатишга ўтди. Ҳамма золимлар, тоғутлар шундай қиладилар:

فَأَرَادَ أَنْ يَنْتَفِرَهُمْ مِنَ الْأَرْضِ فَأَغْرَقْنَاهُ وَمَنْ مَعَهُ جَمِيعًا ﴿١٠٣﴾

103. Бас, уларни ердан қўзғатиб чиқармоқчи бўлди. Шунда, Биз уни ва у билан бирга бўлганларни жамлаб ғарқ қилдик.

Фиръавн Мусо алайҳиссаломни ва у кишининг қавмлари Бани Исроилни Миср еридан қўзғатиб чиқармоқчи бўлди. Шунда, Аллоҳ таоло Фиръавнни ва унинг қавмини жамлаб денгизга ғарқ қилди. Ҳаммалари ҳалок бўлдилар.

وَقُلْنَا مَنْ بَعْدَهُ لَبِنِي إِسْرَائِيلَ أَسْكُنُوا الْأَرْضَ فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ لَفِيفًا ﴿١٠٤﴾

104. У(Фиръавн)дан сўнг Бани Исроилга: «Мана шу ерни маскан тутинглар. Бас, охират ваъдаси келган чоғида, ҳаммангизни тўплаб келтирамиз», дедик.

Фиръавн ва унинг қавми ҳалок бўлди. Қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Аммо ораларингизда турли гаплар, ишлар ўтган эди. Уларнинг ҳам ҳисоб-китоби бўлиши керак эди. Ҳозирча бу нарсга бўлмай қолди.

Эй, Бани Исроил:

«Мана шу ерни маскан тутинглар».

Шу ерда яшаб тураверинглар, вақти-соати етиб,

«охират ваъдаси келган чоғида, ҳаммангизни тўплаб келтирамиз».

Қиёмат қоим бўлганида, ҳаммангизни — сизни ҳам, Фиръавн ва унинг қавмини ҳам тўплаб келтирамиз. Ўшанда ҳисоб-китоб бўлаверади.

Кейинги оятларда яна Қуръонни улуғлашга ўтилади:

وَبِالْحَقِّ أَنْزَلْنَاهُ وَبِالْحَقِّ نَزَّلْ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا مُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿١٠٥﴾

105. Уни ҳақ ила нозил қилдик ва ҳақ ила нозил бўлди. Биз сени фақат хушхабар бергувчи ва огоҳлантиргувчи этиб юбордик, холос.

Яъни, Қуръонни Биз ҳақ ила туширдик. Қуръон ер юзида ҳақ қарор топиши учун туширилди. Энг улкан ҳақ — Аллоҳнинг тавҳиди Қуръон ила қарор топди. Шунингдек, бошқа ҳақлар ҳам Қуръон ила ер юзида қарор топди.

«...ва ҳақ ила нозил бўлди.»

Яъни, Қуръонда тушган ҳамма нарсалар — буйруқлар, қайтаришлар, ҳукмлар, эслатмалар, кўрсатмалар, хабарлар — ҳамма-ҳаммаси ҳақдир.

«Биз сени фақат хушхабар бергувчи ва огоҳлантиргувчи этиб юбордик, холос.»

Яъни, эй Муҳаммад, Биз сени иймон келтириб, ибодат ва яхши амалларни қилгувчиларга жаннат ҳамда унинг олий даражаларию, битмас-туганмас неъматларининг хушхабарини берувчи қилиб ва куфр, нифоқу исён соҳибларини дўзах азобидан огоҳлантиргувчи этиб юбордик.

وَقُرْءَانَ فَرَقْنَاهُ لِتَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْثٍ وَنَزَّلْنَاهُ نَزِيلًا ﴿١٠٦﴾

106. Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб туширдик.

Ушбу оятда Қуръони Каримнинг бир йўла тугал бир китоб ҳолида эмас, балки бўлак-бўлак этиб нозил қилинганининг ҳикмати ҳақида сўз боряпти.

Маълумки Аллоҳ таоло Қуръони Каримни бир оят, икки оят қилиб, баъзида ундан оз, баъзида ундан кўп қилиб, йигирма уч йил давомида нозил қилди. Албатта, бунинг улкан ҳикматлари бор эди. Бу ояти каримада ўша ҳикматлардан бири, одамларга «аста-секин ўқиб бериш» зикр қилиняпти. Албатта, ўттиз пора Қуръон бир

йўла тушса, уни одамларга ўқиб бериш осон бўлмас эди. Ўқиб берилганда ҳам, одамлар уни қабул қилиб олишлари осон бўлмас эди. Энг муҳими – Қуръони Карим ўқиш учунгина эмас, асосан, ўқиб амал қилиш учун туширилган илоҳий дастурдир. Уни бир йўла ўқиб, бунга бир йўла амал қилиш осон эмас. Шунинг учун ҳам, жоҳилият ботқоғига ботган одамларни аста-секин тарбиялаб, Ислом нурига олиб чиқиш учун йигирма уч йил керак бўлди. Шу даврда жаҳон тарихида мисли кўрилмаган ажойиб бир мусулмон уммати тарбияланиб вояга етди. Улар ҳар бир оятни нозил бўлганидан кейин ўқиб ўрганишар, ёд олишар ва унга амал қилишар эди. Ушбу шартларни амалга оширмагунларича, бошқа оятлар тушган бўлса ҳам, уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олмай туришарди. Оқибатда саҳобаи киромларнинг ҳар бирлари икки оёқда юрадиган тирик Қуръонга айландилар ва оз муддатда ер юзига Қуръон таълимотларини тарқатдилар.

Қуръон ана шундай нарса. Аллоҳ уни бўлиб-бўлиб тушириб, кишиларга осонлик ҳам яратди. Энди бу ёғи одамларнинг ўзига ҳавола, икки дунё бахт-саодатини хоҳласалар, ушбу Қуръонга эргашсинлар, икки дунё бадбахтлигини хоҳласалар, эргашмасинлар. Бу ҳақиқатни уларга етказиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда:

قُلْ ءَامِنُوٓا۟ بِهٖٓ ؕ اَوْ لَا تُوۡمِنُوۡا۟ اِنَّ الَّذِيۡنَ اُوۡتُوۡا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهٖٓ ؕ اِذَا يُتْلٰٓى عَلَيْهِمْ يَخِرُّوۡنَ لِلْاَذْقَانِ سُّجَّدًا

107. Сен: «Унга иймон келтиринглар ёки иймон келтирманглар – бари бир. Албатта, ундан олдин илм берилганлар у уларга тиловат қилинганда юзлари ила саждага йиқилурлар», деб айт.

Ушбу оят сажда ояти бўлиб уни ўқиган ёки эшитган одамга қироат саждаси қилишлик вожиб бўлади.

Бу ояти каримадаги хитоб кофир ва мушрикларга қаратилган. Уларга, Қуръон ҳақидаги васфларни билдингиз, уни Пайғамбаримиз сизга етказди, энди хоҳласангиз, унга иймон келтиринг, хоҳласангиз, иймон келтирманг, дейилмоқда.

«Албатта, ундан олдин илм берилганлар у уларга тиловат қилинганда юзлари ила саждага йиқилурлар.»

Қуръондан олдин илм берилганлар деганда Таврот ва Инжил берилганлар тушунилади. Аллоҳни таниганлар, дин-диёнат, Пайғамбар, илоҳий китоб, ваҳий, фаришта каби нарсалар нима эканини биладиганлар уларга Қуръони Карим тиловат қилиниши билан, ўзларини тута олмай, саждага йиқиладилар.

وَيَقُولُونَ سُبْحَانَ رَبِّنَا إِن كَانَ وَعْدُ رَبِّنَا لَمَفْعُولًا ﴿١٠٨﴾

108. Ва: «Роббимиз мутлақо пок бўлди. Шубҳасиз, Роббимизнинг ваъдаси амалга ошажак», дерлар.

Улар саждага йиқилиш билан бирга, Аллоҳ таолони турли айб ва нуқсонлардан поклаб, унга тасбиҳ ҳам айтадилар. Аллоҳ Ўзи берган ваъдасини албатта амалга оширишини таъкидлайдилар. Аллоҳ уларга Тавротда ва Инжилда замон охирлаб қолганида маълум сифатларга эга Пайғамбар юбориб, унга Ўзининг охирги китобини нозил қилишни ваъда этган эди. Улар: бошқа ваъдалари қатори бу ваъдасини ҳам амалга оширибди, дейдилар. Уларнинг бу эътирофлари фақат оғизларидан чиқадиган сўзлар билан ифода қилинмайди. Балки, амалий жиҳатдан ҳам тасдиқланади.

وَيَخِرُّونَ لِلْأَذْقَانِ يَبْكُونَ وَيَزِيدُهُمْ خُشُوعًا ﴿١٠٩﴾

109. Ва юзлари ила йиқилиб йиғларлар ва у хокисорликларини зиёда қилур.

Улар аввал одатдагидек сажда қилган бўлсалар, энди йиғлаб сажда этадилар. Қуръони Карим уларнинг хокисорликларини зиёда қилади. Улардан ўртак олиб юрган мушриклар бўлса, Қуръонга иймон келтирмай юрибдилар.

قُلْ أَدْعُوا اللَّهَ أَوْ ادْعُوا الرَّحْمَنَ أَيًّا مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ وَلَا تَجْهَرُوا بِصَلَاتِكُمْ وَلَا تَخَافَتْ بِهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴿١١٠﴾

110. Сен: «Аллоҳга дуо қилинглар, Роҳманга дуо қилинглар, қайсисига дуо қилсангиз ҳам, бари бир. Гўзал исмлар Униқидир», деб айт. Намозингни жуда баланд овоз ила ўқима, уни жуда махфий ҳам ўқима, бунинг орасида бир йўл тут.

Ривоятларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни: «Ё Аллоҳ! Ё Роҳман!» деб дуо қилаётганларини мушриклар эшитиб қолиб, дарҳол: «Муҳаммад якка худоликка чақирар эди, ўзи бўлса иккита худога дуо қилмоқда», деб гап тарқатишибди. Уларнинг бу жоҳилона тушунчаси ва тасарруфи жавобига ушбу оят тушган экан. Бу оятда мазкур нотўғри тушунча ва тасарруф тўғриланмоқда.

«Аллоҳга дуо қилинлар, Роҳманга дуо қилинлар, қайсисига дуо қилсангиз ҳам, бари бир.»

«Аллоҳ», «Роҳман» исмлари икки хил бўлгани билан зот бир. Исм кўпайса, зот ҳам кўпайиб қолмайди.

«Гўзал исмлар Уникидир», деб айт.»

Дунёдаги энг гўзал исмлар Аллоҳникидир. Шундан тўқсон тўқ-қизтаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида келган.

Оятнинг иккинчи ярмида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатма келмоқда. Мушриклар ҳамма нарсадан айб топишга уринганлари каби, намоздан ҳам камчилик топишга, масхара қилишга уринишар эди.

«Намозингни жуда баланд овоз ила ўқима...»

Мушриклар эшитиб, яна баъзи нобакорликлар қилиб юрмасин.

«...уни жуда махфий ҳам ўқима...»

Орқангда турганлар қироатингни эшитмай қолмасинлар.

«...бунинг орасида бир йўл тут.»

Яъни, ўртача бўлсин.

Ва ниҳоят, суранинг охирида, худди аввалидаги каби, Аллоҳнинг мадҳи келади.

وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمَلِكِ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ وِليٌّ مِنَ الذَّلِيلِ
وَكَبِيرُهُ تَكْبِيرًا ﴿١١١﴾

111. Сен: «Ҳамд бўлсин, фарзанд тутмаган, мулкда шериги бўлмаган ва хорликдан қутқаргувчи дўстга зор бўлмаган Аллоҳга», дегин. Ва Уни мутлақо улуғла!

Яъни, барча нуқсонлардан ҳоли бўлган, ҳеч нарсага ҳожати тушмайдиган Аллоҳга ҳамду сано айт. У зот Ўзига фарзанд тутмаган, чунки фарзандга ҳожати йўқ. Фарзандга ҳожатмандлик банданинг иши. У зотнинг шунчалик бепоён мулкида шериги ҳам йўқ. Чунки, у шерикка муҳтож эмас. Мулкни бошқаришда шерикка, ёрдамчига муҳтожлик банданинг иши. У зот хорликдан қутқаргувчи дўстга зор бўлмайди. Чунки, У зот асло хор бўлмайди. Хор бўлиш ва хорликдан қутулишда бошқанинг ёрдамига муҳтож бўлиш банданинг иши.

«Ва Уни мутлақо улуғла!»

Аллоҳу акбар!



КАҲФ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 110 оятдан иборат.

«Каҳф» сўзи «ғор» маъносини англатади. Сурадаги асосий қисса қаҳрамонлари – Роббиларига иймон келтирган ёш йигитлар ўз замонлари подшоҳи зулмидан қочиб, иймонларини сақлаш мақсадида ғорга кириб оладилар ва ўша ерда илоҳий мўъжиза содир бўлади. Суранинг номи шундан олинган.

«Каҳф» сураси Қуръони Каримдаги «Ал-ҳамду» билан бошланган беш суранинг биридир.

Бу сурада қиссаларга асосий урғу берилган. Бир юз ўн оятдан иборат бўлган «Каҳф» сурасининг етмиш бир ояти қиссалардан иборат. Сураи каримада қаҳфга кириб олган йигитлар, икки боғ, Одам ва иблис, Мусо алайҳиссалом ва солиҳ банда ҳамда Зулқарнайн қиссалари келади.

«Каҳф» сурасида ҳам Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби ақийдани, фикр ва тасаввурни, одоб-ахлоқ ва қадриятларни исломий йўлга солишга даъват етакчилик қилади.

Ислом даъватининг машаққатли босқичида – мусулмонларни кофирлар азоблаётган бир пайтда тушган бу сураи карима оятлари, ундаги ибратли қиссалар, агар иймон аҳли қийинчиликларга бардош берса, албатта ғолиб бўлажакларини англатади. Ҳар замон ва ҳар маконда ҳам иймон аҳли синовга учраши, кофирлар вақтинча устун келиши мумкинлигини тушунтиради.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عِوَجًا ۗ

1. Ўз бандасига китоб нозил этган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

قِيمًا لِّتُنذِرَ بِأَسَاسٍ شَدِيدًا مِّن لَّدُنْهُ وَيُبَشِّرَ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ
أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا حَسَنًا ﴿١٦٦﴾

2. Уни тўғри қилган; Ўз ҳузуридан бўладиган шиддатли азобдан огоҳлантирадиган; яхши амалларни қиладиган мўминларга уларга гўзал ажр бўлиши башоратини берадиган қилган Зотга.

مَكْتَبِينَ فِيهِ أَبَدًا ﴿١٦٧﴾

3. (Улар) у(ажр)да абадий қолгувчидирлар.

Оятдаги «Бандаси»дан Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам назарда тутиляпти. «Китоб»дан мурод Қуръони Каримдир. Аллоҳ таоло суранинг бошида Ўз бандаларига ҳамду сано айтишни ўргатмоқда. Бу сафар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у киши орқали Ўз бандаларига Қуръони Каримни нозил қилгани учун Аллоҳга ҳамду сано айтиш лозимлиги таъкидланмоқда.

«Ўз бандасига китоб нозил этган» Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Қуръони Карим саодат манбаидир. Фақат у орқалигина бандалар энг зарурий нарсаларни биладилар. Жумладан, ақийда, тасаввур ва ахлоқ-одоб каби масалаларнинг бирдан-бир масдари Қуръондир. Шунинг учун ҳам, Қуръонни нозил этган Зотга ҳар қанча ҳамду сано айтилса, шунча оз. Ҳамду саного сазовор, «Ўз бандасига китоб нозил этган Зот» мазкур китобни – Қуръони Каримни қандай сифатлар билан индиргани ҳам ушбу оятларда зикр этиляпти.

«...ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган...» Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Яъни, Қуръонда ҳеч бир эгрилик қилмай нозил этган Аллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин.

«Уни тўғри қилган...» Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Яъни, Қуръонни фақат тўғрилиқдан иборат қилган Аллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин.

Ундаги кўрсатмалар, тузумлар, амрлар, қиссалар ва бошқа нарсаларда ҳеч қандай эгрилик, хато-нуқсон йўқ.

Шу билан бирга, Қуръони Каримни Аллоҳ таоло кофирларга:

«...Ўз ҳузуридан бўладиган шиддатли азобдан огоҳлантирадиган...» қилиб нозил этган. (Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Аксинча:

«...яхши амалларни қиладиган мўминларга уларга гўзал ажр бўлишининг башоратини берадиган қилган...» (Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Ўша мўмин бандалар:

«(Улар) у(ажр)да абадий қолгувчидирлар».

Ояти каримадаги «Ажр»дан мурод жаннатдир.

وَيُنذِرَ الَّذِينَ قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا

4. Ва, Аллоҳ Ўзига бола тутди, деганларни огоҳлантириш учун. (Қуръонни нозил қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Демак, Қуръонни нозил қилишдан яна бир мақсад – Аллоҳга ширк келтирувчиларнинг, унинг боласи бор, деб эътиқод этувчиларнинг йўли нотўғрилигидан ва бунинг оқибати яхши бўлмаслигидан уларни огоҳлантиришдир.

«Ўзига бола тутди» иборасининг шу тарзда келиши жуда нозик бир масаланинг баёнига ишорадир. Мушрикларнинг кўпи, Аллоҳнинг боласи бор, деб эътиқод қилганлар. Баъзи бир масийҳий мазҳабидагилар эса, Аллоҳнинг Ўз боласи йўғ-у, аммо Ийсони бола тутиб олган, дея эътиқод этишган. Шайх Абул Ҳасан Надавий: бу ибора ҳам Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоблигига далилдир, дейдилар. Дарҳақиқат, масийҳийларнинг бутунлай эсидан чиқиб кетган бу масалани ёлғиз Аллоҳгина зикр эта олади.

مَّا لَهُم بِهِ مِنْ عِلْمٍ وَلَا لِآبَائِهِمْ كَبُرَتْ كَلِمَةً تَخْرُجُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ إِن يَقُولُونَ إِلَّا كَذِبًا

5. На уларнинг ва на ота-боболарининг бу ҳақда илми йўқдир. Оғизларидан чиқадиган сўз қандай ҳам оғир. Улар ёлғондан бошқани айтмаслар.

Ўша мушриклар ўзларича «Аллоҳ ўзига бола тутди», дейдилар. Аммо:

«На уларнинг ва на ота-боболарининг бу ҳақда илми йўқдир».

Мушриклар Аллоҳга ширк келтиришда кўпроқ ота-боболарига суянадилар. Ҳолбуки, ўзлари тўқийдиларми ёки ота-боболарига суяниб гапирадиларми – бари бир, уларнинг бу даъволарида заррача илмийлик йўқ. Бу даъво жоҳилона айтилган қуруқ гап, холос. Уларнинг:

«Оғизларидан чиқадиган сўз қандай ҳам оғир».

Аллоҳ ҳақида билмай туриб гапириш жуда офир. Айниқса, илмсизларча, жоҳиллик билан «Аллоҳ Ўзига бола тутди» дейиш яна ҳам офир.

«Улар ёлғондан бошқани айтмаслар.»

Мушрикларнинг бу гапи ғирт ёлғондир. Уларнинг бунақа бўҳтонлари, Қуръони Каримдаги очиқ-ойдин баёнотларга ишонмасликлари Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламни таассуфга соларди. Аллоҳ таоло бу ҳақида у кишига тасалли бериб, қуйидагиларни айтади:

فَلَعَلَّكَ بَدِخِعٌ نَّفْسَكَ عَلَىٰ آثَرِهِمْ إِنْ لَمْ يُؤْمِنُوا بِهَذَا الْحَدِيثِ أَسَفًا ﴿٦﴾

6. Улар бу сўзга иймон келтирмасалар, эҳтимол, уларнинг ортидан таассуф ила ўзингни ҳалок этмоқчи бўларсан?!

Яъни, мушриклар Қуръонга иймон келтирмасалар, уларга афсусланиб, ўзингни ўзинг қийнарсан? Йўқ, бундай қилма. Улар бунга арзимайдилар. Улар учун афсус чекма, хафа ҳам бўлма. Улар бу дунёнинг зийнатига берилиб юраверсинлар.

إِنَّا جَعَلْنَا مَا عَلَى الْأَرْضِ زِينَةً لِّهَا لِنَبْلُوهُمْ أَيُّهُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ﴿٧﴾

7. Биз ер юзидаги нарсаларни, уларнинг қайсилари гўзалроқ амал қилишини синаш учун, зебу зийнат қилиб қўйганмиз.

Ер юзидаги ҳамма нарса беш кунлик дунёнинг зебу зийнати, холос. Ҳеч бири боқий эмас. Ана ўша зебу-зийнатлар — бандалардан қайси бирлари уларга берилиб йўлдан озадилар-у, қайси бирлари уларни ўткинчи матоҳ билиб, яхши ишлар кетидан қолмай юради — синаш учун қилингандир.

وَإِنَّا لَجَاعِلُونَ مَا عَلَيْهَا صَعِيدًا جُرُزًا ﴿٨﴾

8. Албатта, Биз унинг юзидаги нарсаларни қуп-қуруқ тупроққа айлантиргувчимиз.

Ер юзидаги зийнатлар қанча кўп бўлса ҳам, охир-оқибат ҳаммасини қуп-қуруқ тупроққа айлантиришимиз бор. Улардан ҳеч бир фойда чиқмайди. Бу дунёда ҳақиқий фойдали нарса иймону яхши амал, холос.

Кейинги оятдан Каҳф эгалари қиссаси, яъни, иймонли кишилар учун синов йиллари, уларнинг зебу зийнатга берилмай иймонларини сақлашга уринганлари ва оқибати нима бўлгани ҳақидаги қисса келтирилади:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَبًا ﴿١٠﴾

9. Каҳф ва битик эгаларини Бизнинг ажойиб оят-белгиларимиздан деб ўйладингми?!

Яъни, эй Пайғамбар, ўша каҳф (ғор) эгалари ва ундаги уларнинг исмлари битилган битикни Бизнинг энг ажойиб мўъжизаларимиз деб ўйладингми?

إِذْ أَوْىءَ الْفِتْيَةُ إِلَى الْكَهْفِ فَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهِيَ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا شَدِيدًا ﴿١١﴾

10. Қачонки йигитлар каҳфдан жой олганларида: «Эй Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин ва ишимизни ўзинг тўғрилагин», дедилар.

Каҳф эгалари йигитлар экан. Улар ғордан паноҳ топибдилар. Яъни, бировдан қочиб келиб яширинибдилар. Сўнгра, Аллоҳга илтижо қилиб:

«Эй Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин...» дебдилар.

Демак, уларнинг ғорга кириб яширинишларидан мақсадлари Аллоҳнинг раҳматига эришиш экан.

«...ва ишимизни Ўзинг тўғрилагин», дедилар.»

Демак, ишларидан кўнгиллари тўқ эмас. Уларга бу борада ҳам Аллоҳдан ёрдам керак.

فَضَرَبْنَا عَلَى آذَانِهِمْ فِي الْكَهْفِ سِنِينَ عَدَدًا ﴿١٢﴾

11. Бас, каҳфда уларнинг қулоқларига бир неча йиллар (парда) урдик.

«Қулоққа парда урди» дегани, қулоғини эшитмайдиган қилиб қўйди, деганидир. Йигитлар қочиб келиб ғорга жойлашганларида, Аллоҳ таоло уларнинг қулоқларини эшитмайдиган қилиб қўйган, яъни, ухлатиб қўйган. Ухлаган одам ҳеч нарсани эшитмайди. Эшитса, уйғонган бўларди. Ушбу ҳолат бир неча йил давом этган. Яъни, йигитлар ғорда узоқ вақт ҳеч нарсани эшитмай ухлаб ётганлар.

ثُمَّ بَعَثْنَاهُمْ لِنَعْلَمَ أَيُّ الْحِزْبَيْنِ أَحْصَى لِمَا لَبِثُوا أَمْ دَأْبًا ﴿١٣﴾

12. Сўнгра, икки гуруҳдан қайси бири уларнинг турган муддатини ҳисобловчироқ эканини билиш учун уларни уйғотдик.

Яъни, бир неча йиллар ўтгач, ухлаганларни уйғотдик. Одамлар уларнинг ёрда қанча муддат ухлаб ётганлари ҳақида тортишадилар. Биз ўша тортишадиган икки гуруҳдан қайси бири тўғрироқ ҳисоблашини юзага чиқариш учун уларни уйғотдик.

Ушбу мухтасар ва умумий баёндан кейин Каҳф эгалари қиссаси батафсил келтирилади:

تَحْنُ نَقْصَ عَلَيْكَ نَبَاهِهِم بِالْحَقِّ إِنَّهُمْ فِتْيَةٌ آمَنُوا بِرَبِّهِمْ وَزِدْنَاهُمْ هُدًى ﴿١٣﴾

13. Биз сенга уларнинг хабарларини ҳақ ила қисса этиб берамиз. Албатта, улар Роббиларига иймон келтирган йигитлардир. Ва Биз уларга янада зиёда ҳидоят бердик.

Каҳф эгалари ҳақида турли ривоят ва қиссалар бор. Аммо Қуръонда: «Биз сенга уларнинг хабарларини ҳақ ила қисса этиб берамиз», дейилган.

Ҳақиқий ва ишончли хабар — шу. Шундан бошқа ҳақиқий ва ишончли хабар йўқ. Ана ўша маълумотлардан бири шуки:

«...улар Роббиларига иймон келтирган йигитлардир».

Каҳф эгаларининг бош сифатлари уларнинг иймонли эканликларидир. Шу билан бирга, улар ёш йигитлардир. Иймонлари туфайли:

«...Биз уларга янада зиёда ҳидоят бердик».

Оғир ҳолга тушиб қолганда нима қилиш кераклигини илҳом этдик. Ҳамда:

وَرَبَطْنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ إِذْ قَامُوا فَقَالُوا رَبُّنَا رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَن نَدْعُوَ مِنْ دُونِهِ ۗ
إِلٰهًا قَدِ قُلْنَا إِذَا شَطَطًا ﴿١٤﴾

14. Уларнинг қалбларини мустаҳкамладик. Қачонки турдилар, бас: «Бизнинг Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмаймиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз.

هَؤُلَاءِ قَوْمُنَا اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ ۗ إِلٰهَةً لَّا يَأْتُونَ عَلَيْهِمْ بِسُلْطٰنٍ بَيِّنٍ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا ﴿١٥﴾

15. Ана у қавмимиз ундан ўзга худолар тутдилар. Уларга равшан

ҳужжатлар келтира олармиканлар?! Аллоҳга ёлғон уйдиргандан ҳам золиброқ ким бор», дедилар.

Яъни, иймонлари сабабли, мазкур йигитларнинг ҳидоятларини зиёда қилдик ва қалбларини мустаҳкамладик. Қалбларида иймон ва эътиқод қаттиқ жойлашди.

«Қачонки турдилар...»

Бирон муҳим масала муҳокама этилган мажлисдан тураётиб инсон одатда гапининг хулосасини, охириги нуқтасини айтади. Оятнинг мазмунидан, бу йигитлар бирор йиғилишда бўлишган кўринади. Ана ўша мажлисдан тураётиб:

«Бизнинг Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир», деяптилар.

Демак, ўша мажлисда Робб – Аллоҳ ҳақида сўз кетган. Бошқалар бу масалада йигитларга тўғри келмайдиган фикрни айтган бўлсалар керак, шунинг учун улар мажлисдан тураётиб, гапининг пўсткаласини айтдилар. Улар сўзлари давомида:

«Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмаймиз», дедилар.

Яъни, Аллоҳга ҳеч қачон ширк келтирмаймиз. Ундан ўзгани ибодатга сазовор деб билмаймиз, дедилар.

«Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз.»

Яъни, Аллоҳдан ўзгани илоҳ деб дуо этсак, ҳақиқатдан узоқ гапни айтган бўламиз.

Шунингдек, йигитлар бу масалада қавмлари тутган йўл нотўғри эканини ҳам баён қилмоқдалар:

«Ана у қавмимиз Ундан ўзга худолар тутдилар».

Ёлғиз Аллоҳга иймон келтириб, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилмасдан, Ундан бошқа нарсаларни ибодатга сазовор деб ишондилар ва уларга сиғиндилар.

«Уларга равшан ҳужжатлар келтира олармиканлар?!»

Ўзлари худо деб билаётган ўша нарсаларнинг ҳақиқий худо эканлигига равшан бир ҳужжат келтира олармиканлар?! Ақийда ва ибодат масаласи шуни тақозо қилади. Ҳужжат-далилсиз, гумон билан нимагадир эътиқод ҳам, ибодат ҳам қилиб бўлмайди. Очиқ-ойдин далилсиз бир нарсани худо деб эътиқод қилиш ҳам, унга сиғиниш ҳам Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиш ҳисобланади.

«Аллоҳга ёлғон уйдиргандан ҳам золиброқ ким бор.»

Ҳеч ким йўқ. Ўзини яратган Зотга ёлғон ва тухмат уйдирган одам энг золим одам бўлади. Йигитларнинг қавмлари ўша энг золимлар туридан экан. Ўт билан сув бир жойга сиғишмаганидек, иймон билан ширк ҳам бирга бўла олмайди. Шунинг учун ҳам, мўмин йигитлар мушрик қавмларидан узоқлашишга қарор қилиб, бир-бирларига:

وَإِذْ أَعْتَرَلْتُمُوهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ فَأَوْرَأَ إِلَى الْكَهْفِ يَنْشُرْ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِّن رَّحْمَتِهِ وَيَهَيِّئْ لَكُمْ مِّنْ أَمْرِكُمْ مَّرْفَقًا ﴿١٦﴾

16. «Модомики, улардан ва улар ибодат қилаётган, Аллоҳдан бошқа нарсдан узоқлашмоқчи бўлсангиз, каҳфдан паноҳ жой олингиз. Роббингиз сизга Ўз раҳматини таратур ва сизга ишингизда осонлик яратур», дедилар.

Роббиларига иймон келтирган, Роббилари ҳидоятларини зиёда қилиб, қалбларини мустаҳкамлаган йигитлар кофирлар билан баҳс-лашиш бeфойдалиги, улар ёмонлигидан фақат қочибгина қутулиш мумкинлигини англаб етгач, иймонлари муҳофазаси учун каҳф—ғорга кириб беркинишни ўзаро маслаҳат қилдилар. Улар бир-бирларига:

«Модомики, улардан (яъни, кофир қавмингиздан) ва улар ибодат қилаётган, Аллоҳдан бошқа нарсдан (яъни, бут-санамлардан) узоқлашмоқчи бўлсангиз, каҳфдан паноҳ жой олингиз, дедилар.

Иймонларини саломат сақлаш учун мўмин ёшлар кофирлардан беркинишга келишдилар. Улар энг қийин дамда ҳам, мўминликлари учун, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмадилар ва бир-бирларига:

«Роббингиз сизга Ўз раҳматини таратур ва сизга ишингизда осонлик яратур», дедилар.

Ўзлари жуда қийин ҳолга тушганлари, ватанлари, аҳллари ва дўст-ёрларини тарк этиб, ғорга кириб яширинишга мажбур бўлганларига қарамай, Аллоҳ ишларини ўнглашидан заррача ноумид бўлмадилар. Бу ҳол уларнинг ҳақиқий мўминликларига, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ уларнинг ҳидоятини қабул қилиб, қалбларини мустаҳкамлаганига далилдир.

Кейинги ояти каримада Роббиларига иймон келтирган йигитларнинг ғорда ухлаб ётишлари тасвирланади:

﴿وَتَرَى الشَّمْسَ إِذَا طَلَعَتْ تَزَّوَّرُ عَنْ كَهْفِهِمْ ذَاتَ الْيَمِينِ وَإِذَا غَرَبَتْ تَقَرَّبُ مِنْهُمْ ذَاتَ الشَّمَالِ وَهُمْ فِي فَجْوَةٍ مِنْهُ ذَلِكَ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ لِيَهْدِيَ اللَّهُ لِقَوْمٍ لَهُمْ هُدًى وَبُحْرَانٌ﴾

﴿يُضِلُّ لِقَوْمٍ يَجِدَلُهُمْ وَلِيُؤْمِرُوا بِشَرِّ الْأَعْيُنِ﴾ ﴿١٧﴾

17. Қуёш чиққанида уларнинг каҳфининг ўнг томонидан мойил бўлганини, ботганда эса, чап томонидан қийиб ўтганини кўра-

сан. Улар эса у(ғор)нинг кенг жойидадирлар. Ана шу ҳам Аллоҳнинг мўъжизаларидандир. Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, ўша ҳидоят топгувчидир. Кимни адаштира, бас, ҳаргиз унга иршод қилувчи бирон дўст топа олмассан.

Араб тили билимдонлари: «Бу тасвир ёлғиз Аллоҳга хос», дейдилар.

Ғорда бир гуруҳ йигитлар бир неча йилдан бери ухлаб ётишибди. Ҳар куни қуёш чиқади, аммо уларга тегмайди. Сўнгра, оғиб, ботишга мойил бўлади, яна ғор аҳлига тегмайди.

«Қуёш чиққанида уларнинг қаҳфининг ўнг томонидан мойил бўлганини, ботганда эса, чап томонидан қийиб ўтганини кўрасан.»

Яъни, эрталабдан тушгача уларнинг ўнг томонига, тушдан то қуёш ботгунча чап томонига иссиғи тушади. Йигитлар ётган жойга қуёшнинг иссиғи мутлақо тушмайди.

«Улар эса у(ғор)нинг кенг жойидадирлар.»

Атрофларидан шамол ўтиб туради. Бу шарт-шароитлар йигитларнинг сурункали ухлагига ўзига хос омил бўлади. Агар қуёш нури тушиб, уларни иситса, уйғонишлари ёки жисмлари иссиқ-совуқдан зарар топиши мумкин. Шунингдек, улар ғорнинг кенг жойида ётишлари ва атрофларидан шамол ўтиб туриши ҳам сурункали уйқуга ёрдам беради.

«Ана шу ҳам Аллоҳнинг мўъжизаларидандир.»

Яъни, ўша ҳолат — уларнинг узлуксиз бир неча йил ухлашлари, қуёш уларнинг ўнг ва чап томонларидан ўтиб уларга тегмаслиги, улар эса, ҳам ўлмасдан, ҳам ҳеч нарсани билмасдан ухлаб ётишлари Аллоҳнинг мўъжизаси саналади.

«Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, ўша ҳидоят топгувчидир.»

Ҳидоятга юришнинг ҳам қонун-қоидаси бор. Ким ўша қонунга риоя этса, Аллоҳ таоло ғорга беркинган ўша йигитлар каби унинг ҳам ҳидоятини зиёда қилади, қалбларини мустаҳкамлаб қўяди.

«Кимни адаштира, бас, ҳаргиз унга иршод қилувчи бирон дўст топа олмассан.»

Залолатга кетишнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Ким мазкур йигитларнинг қавмига ўхшаб адашиш йўлига юрса, Аллоҳ адашишни зиёда қилиб қўяди. Аллоҳ адаштирган одамга эса, ҳеч қачон дўсту меҳрибон топилмайди.

Кейинги оятда ғордаги ҳолат тасвири давом этади:

وَحَسِبَهُمْ آتِقًا وَهُمْ رُقُودٌ وَنَقَلْنَا عَنْهُمْ آلِيمِينَ وَذَاتَ الشَّمَالِ وَكَلَبَهُم بِسِطٍّ
ذِرَاعِيهِ بِالْوَصِيدِ لَوِ اطَّلَعْتَ عَلَيْهِمْ لَوَلَّيْتَ مِنْهُمْ فِرَارًا وَلَمُلِئْتَ مِنْهُمْ رُعبًا ﴿١٨﴾

18. Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ҳолбуки, ухлаб ётурлар. Уларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб турурмиз. Итлари эса, остонада олд оёқларини чўзиб ётур. Гар уларни кўрсайдинг, ортга ўгирилиб қочар ва улардан қўрқинчга тўлар эдинг.

Йигитлар узоқ муддат ухлаганларига қарамай, уларнинг ётишини кўрган одам уйғоқ деб ўйлайди.

«Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ҳолбуки, ухлаб ётурлар.»

Аллоҳ таоло шундай қилиб қўйган. Уларни уйғоқ деб ўйлашнинг сабабларидан бири:

«Уларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдариб турурмиз.»

Яъни, Аллоҳ таоло уларни чапга, ўнгга ағдариб туради. Бу, бир томондан зах ўтиб, жисмларига зарар етишидан сақлайди. Аллоҳ бусиз ҳам уларни безарар сақлаши мумкин, аммо ҳамма нарса Ўзи ирода қилган ва жорий этиб қўйган қонун-қоидалар асосида бўлишини хоҳлайди. Шунингдек, узлуксиз бир неча йил ухлаб ётган йигитларнинг гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдарилиб туришлари уларни уйғоққа ҳам ўхшатади.

«Итлари эса, остонада олд оёқларини чўзиб ётур.»

Худди уларни қўриқлаб турганга ўхшаб. Одатда, итлар доимо остонада уй пойлайдилар. Итларининг бу ҳолда ётиши ҳам манзарарга ўзига хос маҳобат бахш этади.

«Гар уларни кўрсайдинг, ортга ўгирилиб қочар ва улардан қўрқинчга тўлар эдинг.»

Чунки, тасвирланган ҳолатлари шуни тақозо қилади. Ўзлари уйғоққа ўхшайдилар, аммо ухлаб ётибдилар. У ёқ-бу ёққа қимирлайдилар, аммо уйғониб ўринларидан турмайдилар. Бунинг устига, итлари остонада олд оёқларини чўзиб ётибди.

وَكَذَلِكَ بَعَثْنَاهُمْ لِيَتَسَاءَلُوا بَيْنَهُمْ قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ كَمْ لَبِئْتُمْ قَالُوا لَبِئْنَا يَوْمًا
أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالُوا رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا لَبِئْتُمْ فَابْعَثُوا أَحَدَكُمْ بِوَرِقِكُمْ هَذِهِ إِلَى
الْمَدِينَةِ فَلْيَنْظُرْ أَيُّهَا أَزْكَى طَعَامًا فَلْيَأْتِكُمْ بِرِزْقٍ مِّنْهُ وَلْيَتَلَطَّفْ وَلَا يُشْعِرَنَّ
بِكُمْ أَحَدًا ﴿١٨﴾

19. Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашлари учун уйғотдик. Улардан бири: «Қанча қолдинглар?» деди. Улар: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича қолдик», дейишди. «Қанча қолганингизни Роббингиз яхши билгувчидир, шаҳарга бирингизни ушбу пулингиз ила

юборинг, назар солиб, яхши таомни танлаб, ундан ризқ келтирсин ва диққатли бўлсин, сизни бировга сездириб қўймасин», дейишди.

Аллоҳ таоло истаги ила ухлаган йигитлар уйғондилар. Уйғонишлари ҳам, албатта, Аллоҳнинг амри ила бўлди. Шунинг учун ҳам, оятда:

«Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашлари учун уйғотдик», дейилмоқда.

Яъни, қандай ухлатган бўлсак, шундай уйғотдик. Улар бир-бирларидан қанча ухлаганликларини сўрай бошладилар.

«Улардан бири:(уйқуда) «Қанча қолдинглар?» – деди».

Одатда, қаттиқ ухлаган одам қанча вақт ухлаганини дарҳол била олмайди. Йигитлар ҳам ушбу ҳолатда эди. Шунинг учун ҳам, мазкур саволга улардан баъзилари:

«Бир кун ёки бир куннинг баъзисича қолдик», дейишди».

Гарчи йиллаб ухлаган бўлсалар ҳам, кўпи билан бир кун ухлаган бўлсак керак, деган хаёлга боришди. Сурункали ухлаган кишиларда шу ҳолат бўлишини тажриба ҳам тасдиқлаган. Фарзанд туққанидан кейин бир аёл, илмий мажаллаларнинг ёзишча, ўн етти йил ухлаган. Уйғонганидан кейин боласини эмизишга беришларини сўраган экан.

Қанча ухлаганларини билиш қийинлигини, тортишиш бефойдалигини англаганлар ҳам бор эди. Улар:

«Қанча қолганингизни Роббингиз яхши билгувчидир...» дейишди.

Яъни, тортишишнинг ҳожати йўқ, қанча муддат ухлаганимизни Аллоҳнинг Ўзи яхши билади. Сиз бу ҳақда тортишиб ўтириш ўрнига:

«...шаҳарга бирингизни ушбу пулингиз ила юборинг...»

У бозорга бориб:

«...назар солиб, яхши таомни танлаб, ундан ризқ келтирсин ва диққатли бўлсин, сизни бировга сездириб қўймасин», дейишди.

Шаҳарга борувчининг жуда эҳтиёт бўлишини тайинлашаётганининг сабаби кейинги оятда билинади:

إِنَّهُمْ إِنْ يَظْهَرُوا عَلَيْكُمْ يَرْجُمُوكُمْ أَوْ يُعِيدُوكُمْ فِي مِلَّتِهِمْ وَلَنْ تُفْلِحُوا إِذًا أَبَدًا ﴿٢٠﴾

20. Чунки, агар улар сизни қўлга олсалар, тошбўрон қиладилар ёки ўз миллатларига қайтарадилар. Ундай бўлса, зинҳор ва абадий нажот топмассиз, дейишди.

Демак, йигитлар қаттиқ таҳдидга учраб, шаҳар аҳолиси уларга «Динимизга қайтасизлар ёки сизларни тошбўрон қилиб ўлдирамиз», деганларидан кейингина қочиб форга беркинишган экан. Форга кириб, ухлаб турганларидан кейин ҳам ўша таҳдидни эсламоқдалар

ва пул олиб шаҳарга таом учун борувчини эҳтиёт бўлишга, сездириб қўймасликка чорламоқдалар. Улар ўлимни эмас, шаҳар аҳолисининг жоҳиллигини, уларни ўз миллатлари — адашган динларига қайтишга мажбурлашларини ўйлашди.

«Ундай бўлса, зинҳор ва абадий нажот топмассиз, дейишди.»

Ҳақиқий мўмин ҳар доим, ҳар жойда иймон ташвишида бўлади.

وَكَذَلِكَ أَعْتَرْنَا عَلَيْهِمْ لِيَعْلَمُوا أَن وَعَدَ اللَّهُ حَقًّا وَأَنَّ السَّاعَةَ لَا رَيْبَ فِيهَا إِذْ يَتَنَزَّعُونَ بَيْنَهُمْ أَمْرَهُمْ فَقَالُوا ابْنُوا عَلَيْهِم بُيُوتًا رَبُّهُمْ أَعْلَمُ بِهِمْ قَالَ الَّذِينَ غَلَبُوا عَلَىٰ أَمْرِهِمْ لَنَتَّخِذَنَّ عَلَيْهِم مَّسْجِدًا

21. Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соатида шубҳа йўқ эканини билишлари учун уларни (одамларга) билдирдик. Энди эса, улар иши ҳақида тортиша бошладилар: «Уларнинг устларига бино барпо қилинлар, Роббилари уларни яхши билгувчидир», дедилар. Ишларига ғолиб келганлар эса: «Уларнинг устларига, албатта, масжид қуриб олурмиз», дедилар.

Афтидан, йигитларнинг ҳолати пулни олиб бозорга борган вакиллари туфайли фош бўлган. Ривоятларда келишича, вакил бозорга бориб пулни берганда, одамлар у қадимги замон пули эканини билиб қолганлар. Вакил билан муомалада ҳам унинг ўз замонлари одами эмаслигини сезиб қолган бўлишлари мумкин. Хуллас, нима бўлса ҳам, Аллоҳ йигитларнинг сирини фош қилди, уларни ўша даврнинг одамларига танитди. Вақт ўтиши билан шаҳар аҳолиси ҳам иймонга келган эди. Улар каҳф эгалари ҳақидаги қиссани ҳам яхши билар эдилар. Шунинг учун, бозорга келган вакилни дарҳол таниб олдилар. Ояти кариманинг аввалида узоқ йиллар ухлаб ётган йигитларни одамларга билдиришнинг ҳикмати баён қилинади:

«Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соатида шубҳа йўқ эканини билишлари учун уларни (одамларга) билдирдик».

Яъни, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақлигини билдириш учун уйғотилган йигитларни одамларга танитдик. Бу ердаги «Аллоҳнинг ваъдаси» — охир-оқибат иймон аҳли ғолиб келиши ва ўлгандан кейин қайта тирилиш ҳақлиги ҳақидаги ваъдадир. Иймонларини саломат сақлаш учун ғорга яширинган йигитлар йиллар ўтиб қайта уйғондилар ва иймон иши ғолиб бўлганини кўрдилар. Бу ҳақиқатни уларни кўрган шаҳар аҳолиси ҳам билди. Иймонга келиб қолган шаҳар

аҳолиси иймон йўлидаги жиҳодлари учун Аллоҳ томонидан муносиб тақдирланган каҳф эгаларини ҳақиқий ўлимларидан кейин қандай қилиб иззат-эҳтиром этиш борасида тортиша бошладилар:

«Энди эса, улар иши ҳақида тортиша бошладилар».

Яъни, каҳф эгалари иши ҳақида тортиша бошладилар. Шаҳар аҳолисидан баъзилари:

«Уларнинг устларига бино барпо қилинлар, Роббилари уларни яхши билгувчидир», дедилар».

Яъни, қабрлари устига бино қуриш билан ҳурматлашни маслаҳат қилдилар. Бу ўша замон ва ўша шароитнинг одати бўйича айтилган гапдир. Аммо, шаҳар аҳолисига ҳоким, йўлбошчи бўлиб олганлар:

«Уларнинг устларига, албатта, масжид қуриб олурмиз», дедилар.

Бу ҳам шаҳар аҳолисининг урф-одатларидан келиб чиққан тақдир. Ислоҳда бундай гап йўқлиги ҳаммага маълум.

Лекин замонлар ўтиши билан каҳф эгалари ҳақидаги турли-туман гаплар, тортишувлар давом этаверади.

سَيَقُولُونَ ثَلَاثَةً رَّابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُونَ خَمْسَةً سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًا بِالْغَيْبِ
وَيَقُولُونَ سَبْعَةً وَثَامِنَهُمْ كَلْبُهُمْ قُلْ رَبِّي أَعْلَمُ بِعَدَّتِهِمْ مَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تُمَارِ
فِيهِمْ إِلَّا مِرَاءً ظَهْرًا وَلَا تَسْتَفْتِ فِيهِمْ مِنْهُمْ أَحَدًا ﴿٢٢﴾

22. Ҳали улар: «Учтадирлар, итлари тўрттинчиларидир», дерлар. Ва: «Бештадирлар, итлари олтинчиларидир», деб ғайбга тош отадилар. Ва: «Еттидадирлар, итлари саккизинчиларидир» ҳам дерлар. «Роббим уларнинг саноғини яхши билгувчидир. Уларни жуда оз киши билур», дегин. Бас, улар ҳақида тортишиб юрма. Тортишсанг ҳам, очиқ тортиш. Улар ҳақида ҳеч кимдан фатво ҳам сўрама.

Одамларнинг одати қизиқ. Бўлиб ўтган бир иш ҳақида турли-туман гаплар тўқиб олишади. Воқеа битта бўлса ҳам, миш-миш гап-сўзлар мингтага етади. Ҳар ким хаёлига келган тахминни айтаверади. Каҳф эгаларининг қиссаси зикр этилди. Аммо одамлар бу қисса ҳақида ўзларича турли-туман гап тарқатишди. Аввал уларнинг қабрлари устига нимадир қуриш юзасидан тортишган эдилар. Аслида, бу ниятлари мутлақо кераксиз ва ҳатто зарарли ҳам. Аммо одамлар билганидан қолмайди. Энди яна янги гап чиқариб, каҳф эгаларининг сони устида тортишадилар:

«Ҳали улар: «Учтадирлар, итлари тўртинчиларидир», дерлар».

Баъзи одамлар: каҳф эгалари учта, итлари тўртинчилари эди, деса, бошқалари:

«Бештадирлар, итлари олтинчиларидир», деб ғайбга тош отадилар».

Яъни, иккинчи бир одамлар: йўқ, улар бешта, итлари олтинчилари эди, дейдилар ва бу билан ўзлари билмаган ғайб нарсага гумон тоши отадилар.

Учинчилари эса:

«Еттитадирлар, итлари саккизинчиларидир», ҳам дерлар».

Яъни, учинчи бир гуруҳ одамлар: йўқ, ҳаммангизнинг гапингиз тўғри эмас, каҳф эгалари еттита, итлари саккизинчилари эди, дейдилар. Шундай қилиб, тортишув давом этаверади. Лекин бундан ҳеч кимга фойда йўқ. Шунинг учун ҳам, Исломда бундай бефойда тортишувлар қораланади. «Ғайбга тош отиш» танқид қилинади. Аниқ билмаган нарсани гапириш яхши фазилат эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Роббим уларнинг саноғини яхши билгувчидир. Уларни жуда оз киши билур», дегин», деб ўргатмоқда.

Бекордан-бекорга тортишиб вақтни ўтказишнинг, ақл-идрок ва имкониятларни беҳуда сарфлашнинг нима ҳожати бор? Қадимда ўтган каҳф эгаларининг саноғини, улар неча киши бўлганини аниқ биладиган зот Аллоҳдир. Шунингдек, уларнинг сонини ўз кўзи билан кўрган жуда оз киши билиши мумкин.

«Бас, улар ҳақида тортишиб юрма.»

Ақл-заковатинг, вақтинг бекорга кетади. Фойда топмайсан.

«Тортишсанг ҳам, очик тортиш.»

Яъни, улар ҳақида очик маълумотга эга бўлсанг, ўшани гапир.

«Улар ҳақида ҳеч кимдан фатво ҳам сўрама.»

Чунки, улар ҳақидаги энг муҳим маълумотни сенга Қуръон айтиб беради. Каҳф эгалари қиссасининг фойдали ва ибратли ўринлари олдинги оятларда айтиб ўтилди. Шунга тескари фикрлар айтилса, беҳуда гаплардан иборат бўлади. Масалан, уларнинг сони нечта бўлишининг нима аҳамияти бор? Гап уларнинг нечта бўлишларида эмас, нима қилганларидадир.

Ўтган оят ғайб ва ўтмишдаги ноаниқ воқеалар тахминини гапиришдан қайтарганидек, эндиги оят келажак замондаги ғайб ва ноаниқ нарсага ҳукм чиқаришдан қайтаради:

وَلَا تَقُولَنَّ لِّشَأْيٍ إِنِّي فَاعِلٌ ذَٰلِكَ غَدًا

23. Зинҳор бир нарсани: «Буни эртага албатта қилгувчиман», дема.

إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ وَاذْكُرْ رَبَّكَ إِذْ أَنْسَيْتَ وَقُلْ عَسَى أَنْ يَهْدِيَنِّي رَبِّي لِأَقْرَبَ مِنْ هَذَا رَشَدًا ﴿٧٤﴾

24. Магар: «Аллоҳ хоҳласа», дегин. Қачонки унутсанг, Роббингни эсла ва: «Шоядқи, Роббим мени бундан яхшироққа яқин бўлишимга ҳидоят қилса», дегин.

Инсоннинг ҳар бир ҳаракати, иши, ҳатто нафас олиб-чиқариши ҳам буткул Аллоҳнинг иродасига боғлиқдир. Аллоҳ таоло хоҳласа, бўлади, хоҳламаса, бўлмайди. Шунинг учун, инсон бу ҳақиқатни бир лаҳза ҳам унутмаслиги, келажақдаги режа ва ишларини Аллоҳнинг хоҳишига боғлаб гапириши керак.

«Зинҳор бир нарсани: «Буни эртага албатта қилгувчиман», дема, магар: «Аллоҳ хоҳласа», дегин».

Яъни, келажақда бирон иш қилмоқчи бўлсанг, доимо «Иншоаллоҳ, қиламан», деб айт. Чунки, келажак сенга нисбатан ғайбдир. Сал ўтиб нима бўлишини ўзинг билмайсан. Шунинг учун, келажақдаги ҳар бир ишни «Аллоҳ хоҳласа, қиламан», деб зикр этгин. «Иншоаллоҳ» дейишни:

«Қачонки унутсанг, Роббингни эсла».

Яъни, унутиб қўйган бўлсанг, ёдинга тушиши билан дарҳол эсла:

«...ва: «Шоядқи, Роббим мени бундан яхшироққа яқин бўлишимга ҳидоят қилса», дегин».

Доимо яхшироққа яқин бўлишни умид қилгин ва шунинг учун ҳаракат этгин.

Бу танбеҳ инсон Аллоҳни унутиб, ҳамма нарсани ўзим қилавераман, деган нотўғри эътиқодга бориб қолмаслиги учун лозим. Лекин мусулмонларда «Келажак ҳақида ўйлаш, режа тузиш, қатъият билан уриниш беҳуда экан-да», деган салбий тушунча пайдо бўлмасин. Чунки, мусулмон инсон келажак ҳақида фикр қилиши, режа тузиши, тадбирлар ишлатиши матлубдир.

Айни чоқда, Аллоҳнинг ирода ва хоҳиши инсоннинг ирода ва хоҳишидан доимо устун туришини, унинг хоҳлагани эмас, Аллоҳнинг хоҳлагани бўлишини унутмаслиги керак. Агар режалаштирган иши амалга ошса, Аллоҳ Ўзи ёрдам берди, деб шукр этади ва ҳовлиқиб кетмайди. Мабодо, амалга ошмай қолса, Аллоҳнинг хоҳиши шу экан, деб сабр қилади ва ноумид бўлмайди.

Ҳозиргача каҳф эгаларининг ёрда қанча муддат ухлаганлари айтилмаган эди. Келаси оятда бу нарса очиқ айтилади:

وَلَبِثُوا فِي كَهْفِهِمْ ثَلَاثَ مِائَةٍ سِنِينَ وَازْدَادُوا تَسْعًا ﴿٢٥﴾

25. Ва қаҳфларида уч юз йил қолдилар ва тўққиз йил зиёда ҳам қилдилар.

Йигитлар қаҳфларида шамсий йил ҳисоби бўйича уч юз йил, қамарий йил ҳисоби бўйича уч юз тўққиз йил қолдилар. Чунки шамсий юз йил қамарий бир юз уч йилга тўғри келади, деган тафсирчиларимиз ҳам бор. Бу хулоса уларнинг ўз ижтиҳодларидир. Чунки, Қуръони Каримда ҳам, суннати набавияда ҳам бу ҳақда, яъни, шамсий ва қамарий йил ҳисоби ушбу оятда эътиборга олингани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун, оятда келганини ўз ҳолича қабул қилган маъқул.

قُلِ اللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا لَبِثُوا لَهُ الْغَيْبُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَبْصَرَ بِهِ ۖ وَأَسْمِعَ مَا لَهُمْ مِّنْ دُونِهِ ۗ مِنْ وَّلِيِّ وَلَا يَشْرِكُ فِي حُكْمِهِ أَحَدًا ﴿٢٦﴾

26. «Уларнинг қанча қолганларини Аллоҳ яхши билгувчидир. Осмонлару ернинг ғайби Унга хосдир. У нақадар яхши кўргувчи ва яхши эшитгувчи Зотдир. Уларга Ундан ўзга дўст йўқдир. Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас», дегин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган бу хитобда масаланинг ҳал қилувчи баёноти келмоқда. Улар ҳақида ҳар ким ҳар нарса деяверади. Аммо:

«Уларнинг қанча қолганларини Аллоҳ яхши билгувчидир».

Ҳа, фақат Аллоҳгина бу ишлар ҳақида энг тўғри маълумотларга эга. Шунинг учун, Аллоҳнинг маълумотларини шундайлигича қабул этиб, бошқа томонга чалғимаслик зарур. Аллоҳ нафақат йигитларнинг қаҳфда қанча қолганларини, балки ҳамма ғайбларни ҳам аниқ билади. Чунки:

«Осмонлару ернинг ғайби Унга хосдир».

Барча ғайб ва номаълум нарсаларни фақат Аллоҳ таологина яхши билади.

«У нақадар яхши кўргувчи ва яхши эшитгувчи Зотдир.»

Ана шундай сифатга эга бўлган Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳамма нарсани жуда яхши кўради ва ҳамма нарсани жуда яхши эшитади. Унинг илмидан ҳеч нарса четда қолмайди:

«Уларга Ундан ўзга дўст йўқдир».

Яъни, осмонлару ердагиларга Аллоҳдан ўзга ёрдам берувчи дўст йўқ.

«Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас.»

Осмонлару ерда фақат Аллоҳнинг ҳукми жорий бўлиши керак. Бошқанинг ҳукми жорий этилса, Унга ширк келтирилган бўлади.

Аллоҳ эса, Ўз ҳукмига ҳеч кимни шерик қилишни хоҳламайди ва У зотнинг ҳукми Қуръони Каримда келган:

وَأْتَلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنْ كِتَابِ رَبِّكَ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَاتِهِ وَلَنْ تَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا ﴿٢٧﴾

27. Сенга Роббинг китобидан ваҳий қилинганини тиловат қил. Унинг калималарини алмаштиргувчи йўқ. Ундан ўзга ҳеч қандай паноҳни топа олмассан.

Борлиқда Аллоҳнинг ҳукми жорий бўлиб, Унинг ҳукми Қуръонда турганидан кейин:

«Сенга Роббинг китобидан ваҳий қилинганини тиловат қил».

Одамлар ҳар бир нарсада Аллоҳнинг ҳукми қандайлигини тиловатингдан билиб олсинлар.

«Унинг калималарини алмаштиргувчи йўқ.»

Яъни, Аллоҳнинг калималарини ўзгартирувчи зот йўқ. Агар биров Унинг ҳукмига юрмай, калималарини ўзгартиришга ҳаракат қилса, ўзидан кўраверсин:

«Ундан ўзга ҳеч қандай паноҳни топа олмассан».

Паноҳ фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи. Унга осий бўлган кимса умуман паноҳсиз қолади.

Иймон ва эътиқод йўлида фидокорлик намуналари бўлмиш каҳф эгалари қиссаси ва унга изоҳ берувчи оятлардан кейин аҳли иймон қадрлаши лозим бўлган хислатлар ва уларга бўладиган муомалалар, иймон-эътиқод тарозусида нималарнинг вазни бор-йўқлиги ҳақида сўз кетади:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَنْ ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا ﴿٢٨﴾

28. Ўзингни эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут. Ҳаёти дунё зийнатини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан вофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб иши издан чиққанларга итоат қилма.

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида «Тафсири Кабир»да қуйидагилар ривоят қилинади: «Қурайш раҳбарлари тўпла-

ниб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бо-ришди ва: «Агар бизнинг сенга иймон келтиришимизни истасанг, анави фақир-фуқароларни ҳузурингдан ҳайда», дейишди. Улар бу гаплари билан Билол, Ҳаббоб, Суҳайб ва бошқаларни кўзда тутган эдилар. Қурайшликлар яна: «Улар билан бир жойда бўлсак, кўнгли-миз айнийди. Улар билан бирга тўпланишга алоҳида вақт тайин қилиб қўй», дейишди. Ана шунда Аллоҳ таоло: «Ўзингни эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб, унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут» оятини нозил қилди».

Бу оят Аллоҳнинг ўлчовида инсоннинг қадр-қимматини эълон этиш учун нозил бўлди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кимларга эътибор бериб, кимлар билан суҳбат қуришлари, кимларга эътибор бермай, гапига кирмасликлари лозимлигини баён этди.

«Ўзингни эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут.»

Гарчи улар билан бирга туриш қийин бўлса ҳам, сабр-матонат талаб қилса ҳам, сабр этиб, улар билан бирга бўл. Улар бирга бўлишга арзийдиган одамлардир. Чунки, улар «эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб» яшамоқдалар. Улар доимо Роббиларига боғланиб ҳаёт кечирмоқдалар. Шу билан бирга, уларнинг мақсадлари олийдир. Улар:

«...Унинг юзини ирода қилувчилар»дир.

Бу бандалар кўримсиз, камбағал бўлишлари мумкин, аммо улар Аллоҳнинг юзини – розилигини ирода қилиб яшамоқдалар. Уларнинг бирдан-бир мақсадлари шу: Аллоҳнинг розилигини топиш. Шундай кишилар билан бўлмай, ким билан бўласан? Сен улардан ҳеч қачон ажрама:

«Ҳаёти дунё зийнати хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма».

Ҳаёти дунёнинг зийнати ўткинчи нарса. Ўткинчи нарсани деб боқий нарсадан айрилиб қолма. Икки кўзинг доимо, Роббиларига эртаю кеч дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчиларда бўлсин улардан кўзингни узма.

«Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб иши издан чиққанларга итоат қилма.»

Бизнинг зикримиздан ғофил юрганларга, агарчандики, улар катта мансабдор, ҳасабию насаби юқори, бой-бадавлат, кучли-бақувват бўлсалар ҳам, итоат қилма. Чунки, Аллоҳнинг зикридан ғофил одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Ким бўлишидан қатъиназар, Аллоҳга бўйсунмай, ҳавойи нафсининг йўлига юрганларга итоат қилма. Чунки, Аллоҳнинг йўлини қўйиб, ҳавойи нафсига берилиб кетганлар яхшиликни билмайди.

Исломда қадр-қимматни ўлчашда инсоннинг иймон-эътиқоди, Аллоҳ таолога бўлган боғланиши, Унга итоати ва ибодати ҳисобга олинади. Мансаб, амал, ҳасаб-насаб, бойлик, куч ва бошқа жоҳилий ҳисоблар ўтмайди. Ислом тарозуси бўйича ҳақ фақат бир томондан бўлади.

Эй Пайғамбар!

وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ ۖ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ ۚ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ
بِهِمْ سُورَادِفُهَا ۚ وَإِنْ يَسْتَعِثُوا بِغَاثِ أَيْمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ
مُرْتَفِقًا

29. Сен: «Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин. Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қовурувчи сув билан «ёрдам» берилади. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!

Яъни, эй одамлар, сизга келган ҳақ нарса – Қуръон, Ислом Роббингиз томонидандир. Ким хоҳласа, Унга иймон келтирсин, хоҳламаса, ўзи билади. Ихтиёр ўзларида, деб айтгин уларга, эй, охирзамон Пайғамбари. Ҳа,

«Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин».

Аммо, ундай ёки бундай қилсанг иймон келтирамиз, деб шарт қўймасинлар. Ҳақ доимо ўз ўрнида туради. Уларнинг хоҳишига кўра қаёққадир эгилмайди. Агар ҳаққа эгилмай, унга иймон келтирмай, кофир бўлиб, зулм қилсалар:

«Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз».

У ер жаҳаннамдир ва уларни оловдан бўлган деворлари ила ўраб олади. Золимлар у жойда куйиб-ёниб, гоятда чанқайдилар.

«Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қовурувчи сув билан «ёрдам» берилади.»

Гоятда чанқаган дўзахийлар бир томчи сувга зор бўлиб, ёрдам сўрасалар, уларга маъдан ёки қаттиқ қизитилган қора мой каби нарса сув ўрнига берилади. У шундай иссиқ бўладики, агар кишининг юзига тегса, уни қовуриб юборади. Дўзахийлар ана шу нарсани чанқоқларини қондириш учун ичадилар. Бу дунёда иймонсиз

кетган золимларнинг ҳоли нима кечишини шундан ҳам билиб олиш мумкин. Дўзахийлар ичадиган шароб ана шундай шароб, улар яшайдиган жой ана шундай жой.

«Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!»

Золим-кофирларнинг ҳоли шундай бўлиб турганда, бошқа томонда мутлақо ўзгача манзара кечади.

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ إِنَّا لَا نُضِيعُ أَجْرَ مَنْ أَحْسَنَ عَمَلًا ﴿٣٠﴾

30. Албатта, Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг, гўзал иш қилганларнинг ажрини зое қилмасмиз.

Бу дунёда иймон келтириб, яхши амал қилганлар у дунёда ажрларини тўлиқ оладилар.

أُولَٰئِكَ لَهُمْ جَنَّاتُ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِنْ ذَهَبٍ وَيَلْبَسُونَ ثِيَابًا خُضْرًا مِّن سُندُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُّتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ نِعْمَ الثَّوَابُ وَحَسُنَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٣١﴾

31. Ана ўшаларга адн жаннатлар бордир. Остиларидан анҳорлар оқиб туради. У ерда олтиндан бўлган билакузуклар ила безанурлар, шойи иплардан яхши либослар киярлар. Улар у ерда сўриларда ёнбошлаган ҳолда бўлурлар. Нақадар яхши савоб ва нақадар яхши жой.

Бу дунёда иймон келтириб, яхши амалларни қилиб ўтган бандаларнинг у дунёдаги ажри жаннатдир.

«Ана ўшаларга адн жаннатлар бордир.»

«Адн» сўзи истиқомат маъносини билдиради. Шунингдек, бу сўз жаннатта ном ҳам бўлиб қолган. У жаннатлардаги дарахтларнинг:

«Остиларидан анҳорлар оқиб туради.»

Кофирлар дўзахда бир томчи сувга зор бўлиб, ёрдам сўрасалар ҳам, сув берилмаслигига қарама-қарши бу ёқда жаннатийлар чанқоқ сезмасалар ҳам, зийнат учун сув тўла анҳорларнинг оқиб туриши ажиб бир манзарани ифода этади. Шунингдек, уларга бошқа хурсандчиликлар ҳам берилади. Жумладан, аҳли жаннатлар:

«У ерда олтиндан бўлган билакузуклар ила безанурлар, шойи иплардан яхши либослар киярлар.»

Яъни, бу дунёда ўзларини тийган зебу зийнатлардан у дунёда хоҳлаганларича берилиши ҳам аҳли жаннатларга қанчалик ажрлар бўлишини кўрсатиб турибди.

«Улар у ерда сўриларда ёнбошлаган ҳолда бўлурлар.»

Бу манзара уларнинг баркамол роҳат-фароғат олишларини билдиради. Аҳли жаннатларга:

«Нақадар яхши савоб ва нақадар яхши жой».

Охиратда мўминлар билан кофирлар орасида шундай улкан фарқ бўлади. Мўминлар иймонлари ва яхши амаллари ажри сифатида жаннатда роҳат-фароғатга эришсалар, кофирлар куфрлари ва исёнлари туфайли дўзахга тушиб, юқорида васф қилинганидек, азобуқубатга йўлиқадилар. Уларнинг бу ҳолга тушишларининг яна бир сабаби дунё зебу зийнатларига берилишлари, ўша зебу зийнатлари деб, охиратни унутишларидир.

Келгуси оятларда мўмин ва кофирларнинг бу дунёдаги ҳоллари зикр этилади:

﴿وَأَضْرَبُ لَهُمْ مَثَلًا رَجُلَيْنِ جَعَلْنَا لِأَحَدِهِمَا جَنَّتَيْنِ مِنْ أَعْنَبٍ وَحَفَفْنَاهُمَا بِنَخْلٍ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمَا زُرْعًا﴾

32. Уларга икки кишини мисол қилиб келтир. Улардан бирига узумлардан икки боғ бердик ва уларни хурмо ила ўрадик ва ораларида экинзор қилдик.

Демак, икки киши бор экан. Улардан бирига Аллоҳ таоло иккита узумзор боғ ато қилибди. Ўша икки боғ хурмо ила ўралган экан. Орасида эса, турли экинлар ўсар экан. Бу дегани, боғу роғ масаласида камчилиги йўқ, деганидир. Бунинг устига:

﴿كَلَّمَا الْجَنَّتَيْنِ ءَأَنْتِ أَكْلُهُمَا وَلَمْ تَظَلِمِ مِنْهُ شَيْئًا وَفَجَرْنَا خِلَالَهُمَا نَهْرًا﴾

33. Ўша икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар ва ораларидан анҳор оқизиб қўйган эдик.

Ҳар икки боғнинг ҳосили тўлиқ чиқар эди. Икки боғ орасидан эса, Аллоҳ таоло анҳор оқизиб қўйган эди.

﴿وَكَانَ لَهُ ثَمْرٌ فَقَالَ لِصَاحِبِهِ وَهُوَ يُحَاوِرُهُ أَنَا أَكْثَرُ مِنْكَ مَالًا وَأَعَزُّ نَفَرًا﴾

34. Унинг меваси бор эди. У ўз шериги ила гаплашар экан: «Менинг сендан молим кўп ва одамларим қувватлироқ», деди.

У кишининг боғларидан бошқа ҳам «меваси» — молу дунёси бор

эди. Бир куни шериги ила баҳслашар экан, мақтаниб қолди. Менинг сендан кўра молу дунём кўп. Одамларим, болаларим, хизматчиларим, ёрдамчиларим ҳам кўп, ҳам кучли, деди. Ушбу дунёнинг зебу зийнатида фахрланишидан бу одамнинг кофирлиги кўриниб турибди.

وَدَخَلَ جَنَّتَهُ وَهُوَ ظَالِمٌ لِّنَفْسِهِ قَالَ مَا أَظُنُّ أَن تَبِيدَ هَذِهِ أَبَدًا ﴿٣٥﴾

35. У ўз боғига кирар экан, ўзига зулм қилган ҳолида: «Мен буни ҳеч қачон йўқ бўлади, деб ўйламан».

Кофирнинг ҳоли шу: беш кунлик дунёнинг ҳойи ҳавасини абадий деб ўйлайди. Унга Аллоҳ томонидан синаш учун берилган дунё матоҳларини ўзига фахр деб билади ва дунё шундан иборат деб гумон қилади. Ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларни кўрган кофир уларга шукр қилиш ўрнига,

«Мен буни ҳеч қачон йўқ бўлади, деб ўйламан», дейди.

Унинг фикрича, ўзи ҳам, молу дунёси ҳам бу дунёда абадий турар экан. Бу фикри унинг ўзига ўзи зулм қилганидир. Чунки, айти шу фикр уни кофирликка ва осийликка чорлайди. Ҳолбуки, унинг молумулки дунёнинг ўткинчи матоҳи, ўзи эса, беш кунлик дунёнинг арзимас меҳмони эди. Лекин иймони бўлмагандан кейин, ўлишини ўйламагандан кейин, одам боласи шу ҳолга тушади. У нафақат молу мулким йўқ бўлмайди, деган даъво, балки ундан каттароғини ҳам қилади. Мана, ўша икки боғга соҳиб бўлган кофирнинг гапининг давомига эътибор беринг-а, у яна нималарни даъво қилмоқда:

وَمَا أَظُنُّ السَّاعَةَ قَائِمَةً وَلَئِن رُّدِدْتُ إِلَىٰ رَبِّي لَأَجِدَنَّ خَيْرًا مِنْهَا مُنْقَلَبًا ﴿٣٦﴾

36. Қиёмат қоим бўлмаса керак, деб ўйлайман. Агар Роббимга қайтарилсам ҳам, албатта, бундан яхши оқибатни топаман», деди.

Молу дунё ҳирси кофирни ғурурга кетказди. У ҳамма нарса кўз олдимда, бундан бошқаси бўлмаса керак, деб гумон қилади. Ҳатто: **«Қиёмат қоим бўлмаса керак, деб ўйлайман»**, дейди.

Қиёматга ишониш молу дунё ила фахрланмасликни, хайр-эҳсонлар қилишни, Аллоҳга иймон келтириб, Унга ибодат этиб, ҳалол юриш ва ҳалол туришни тақозо этади. Дунё ҳирсига берилган кофир эса, буни хоҳламайди. У молу дунё, зебу зийнат, хизматчи ва югурдакларга шунчалик берилганки, уларни доимо ўзи билан бирга ҳамда ўзининг ажралмас ҳамроҳи деб ўйлайди. Мабодо, фаразан, қиёмат қоим бўлиб:

«Агар Роббимга қайтарилсам ҳам, албатта, бундан яхши оқибатни топаман», дейди.

Кофирнинг гумонича, ҳамма нарсада, ҳатто охират ҳисоб-китобида ҳам молу дунё бош ўринни тутлади. Бу дунёда у нозу неъмат, молу дунё ичида қандай яшаган бўлса, демак, у дунёда ҳам шундай бўлиши керак. Бунга унинг ишончи комил, шунинг учун ҳам, у «албатта» деб таъкид ва ишонч билан гапирмоқда.

Кофирлар наздида, ҳамма нарсани мол-дунё, бойлик, мансаб ҳал қилади. Ҳатто охират иши ҳам шунга қараб ҳал этилиши керак. Ушбу қиссадаги уларнинг намоёндаси, икки боғнинг эгаси бўлган кофир ҳам шуни даъво қилмоқда. Мўмин шериги олдида фахрланиб, у билан бўлган суҳбатда юқоридаги фикрларни айтмоқда.

قَالَ لَهُ صَاحِبُهُ وَهُوَ يُحَاوِرُهُ: أَكَفَرْتَ بِالَّذِي خَلَقَكَ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ سَوَّاهُ رَجُلًا ﴿٣٧﴾

37. Унга шериги гаплаша туриб: «Сени тупроқдан, сўнгра нутфадан яратган ва инсон этиб ростлаган Зотга куфр келтирдингми?!

Яъни, молу дунёга берилган ўша кофир кишининг беодобона гапларини эшитган мўмин киши: сени йўқдан бор қилган, аслингни тупроқдан, сўнгра, сенга ўхшаган зурриётларингни бир томчи нутфадан яратган Зотга, бекаму кўст инсон қилиб ростлаган Зотга куфр келтирдингми? — деди. Чунки, икки боғ эгасининг гапларидан куфр очиқ-ойдин кўриниб турарди.

Мўмин киши кофирга аслини эслатиб, Яратганни эслатиб, куфр келтиришини қоралади ва ўз мавқеини эълон қилди:

لَكِنَّا هُوَ اللَّهُ رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ بِرَبِّي أَحَدًا ﴿٣٨﴾

38. Лекин мен: «У Аллоҳ менинг Роббимдир ва Унга ҳеч кимни шерик қилмайман», дейман.

Сен, эй, кофир, нима десанг, деявер. Аммо мен ўша, бизни йўқдан бор қилган, аввал тупроқдан, сўнгра нутфадан яратган, кейин инсон ўлароқ ростлаган зотни — Аллоҳни Роббим — яратувчим, ризқ берувчи ва тарбиячим деб биламан. Унга иймон келтираман ва Унга ҳеч бир нарсани ширк келтирмайман.

Кофир молу дунё, хизматкор ва бола-чақаси билан фахрланган бўлса, мўмин иймони, тавҳиди ила фахрланмоқда. Келгуси оятда мўмин инсон нонкўр, беодоб кофирга инсоф қилиб одобли бўлишни маслаҳат бермоқда:

وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ إِنَّ تَرَنَّا أَقْلَ مِنْكَ مَا لَا وُلْدًا ﴿٣٩﴾

39. Боғингга кирганингда: «Аллоҳнинг хоҳлагани, Аллоҳдан бошқада қувват йўқ», десайдинг. Агар мени ўзингдан молу дунё ва бола-чақа жиҳатидан кам деб билсанг,

فَعَسَى رَبِّي أَنْ يُؤْتِيَنِي خَيْرًا مِّنْ جَنَّتِكَ وَيُرْسِلَ عَلَيْهَا حُسْبَانًا مِّنَ السَّمَاءِ فَنُصَبِحُ صَعِيدًا زَلَقًا ﴿٤٠﴾

40. Шояд, Роббим менга сенинг боғингдан яхшироғини берса, сенинг боғингга осмондан офат юбориб, у сип-силлиқ тупроққа айланиб қолса.

أَوْ يُصْبِحَ مَأْوَاهُ غَوْرًا فَلَنْ تَسْتَطِيعَ لَهُ طَلَبًا ﴿٤١﴾

41. Ёки суви ерга сингиб кетиб, сен уни талаб қилишга қодир бўлмай қолсанг», деди.

Эй, кофир, сен фахрланаётган боғни сенга Аллоҳ берган, агар Аллоҳ бермаганида, сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмас эди. Шунинг учун, боғингга кирсанг:

«Машааллоҳу, ла қуввата илла биллаҳи» —

«Аллоҳнинг хоҳлагани, Аллоҳдан бошқада қувват йўқ», десайдинг».

Бундай дейишинг сенга неъмат берган Зотни тан олишингни ва Унинг қувватига ишонишингни билдиради. Шу билан бирга, ожизлигингни ҳам тан олишинг бўлади. Ана шунда сенга Аллоҳ берган неъмат ҳам бардавом бўлади.

Шу оят маъносига биноан мусулмонлар ўзларини ажаблантирадиган, хурсанд қиладиган бир нарсани кўрсалар ёки эшитсалар, хабар топсалар: «Машааллоҳ», дейдилар. Бу ҳам мусулмон инсон маданиятининг белгисидир.

Мўмин киши кофирга молу дунё, бола-чақа билан фахрланиш нотўғрилиги сабабини батафсил тушунтириб беради.

«Агар мени ўзингдан молу дунё ва бола-чақа жиҳатидан кам деб билсанг...»

Агар шу билан устимдан кулиб фахрланаётган бўлсанг, бекор қиласан. Билиб қўйгин:

«...шояд, Роббим менга сенинг боғингдан яхшироғини берса...»

Сенга берган Худо менга ҳам беради. Сен ҳам одамсан, мен ҳам одамман. Бугун сенга боғ ато қилган Аллоҳ эртага менга сеникидан яхшироқ боғ бериши мумкин. Унда сен нима деган одам бўласан?! Ёки:

«...сенинг боғингга осмондан офат юбориб, у сип-силлиқ тупроққа айланиб қолса...»

Ҳеч нарса ўсмайдиган бўлиб қолса, нима қиласан?

«...ёки суви ерга сингиб кетиб, сен уни талаб қилишга қодир бўлмай қолсанг» нима бўлади?!

Бундай бўлиши ҳеч гап эмас. Молу дунёси билан фахрланиб юрганларнинг бир зумда молу дунёларидан айрилиб, хору зор бўлиб қолаётганлари ҳар қадамда учраб турибди. Боғу роғ, молу дунё берган Аллоҳ бир зумда олиб қўйишга ҳам қодир. Шундай бўлди ҳам:

وَأُحِيطَ بِشَمْرِهِ فَاصْبَحَ يَقْلِبُ كَفَيْهِ عَلَى مَا أَنْفَقَ فِيهَا وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا وَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي
لَمْ أَشْرِكْ بِرَبِّي أَحَدًا

42. Ва унинг меваси (ҳалокат-ла) ўралди. Ўзи эса, унга сарф қилгани ҳасратидан чапак чалиб, боғида ишқомлар йиқилиб ётганини кўриб: «Қани энди Роббимга ҳеч кимни шерик қилмаганимда», деб қолаверди.

Аллоҳ учун қийин иш йўқ. Ўша кофирнинг мақтанишига, фахрланишига ва куфрига сабаб бўлган боғини бир зумда фалокатга учратди.

«Ва унинг меваси (ҳалокат-ла) ўралди.»

Боғдан ном-нишон қолмади. Мевалари барбод бўлди. Ишқомлар йиқилиб, ҳаммаёқ хувиллаб қолди. Кофирнинг ўзи эса: «Аттанг, бу боғни шу ҳолга келтиргунча қанчадан-қанча сарф-ҳаражат қилган эдим», деб ҳасратидан чапак чалиб қолаверди.

«Ўзи эса, унга сарф қилгани ҳасратидан чапак чалиб, боғида ишқомлар йиқилиб ётганини кўриб: «Қани энди Роббимга ҳеч кимни шерик қилмаганимда», деб қолаверди.»

Бошига мусийбат етганда ўзига келди. Кўзи очилди. Аллоҳга ширк келтирмаслик кераклигини тушуниб етди. Гарчи у тили билан ширк калимасини айтмаган бўлса-да, эътиқоди, қилган ишлари, нияти ила мушрик бўлган эди. Унга неъмат берган Зотни танимаган эди. У молу дунёси билан фахрланиб юрарди. Мол-дунё бўлса, ҳамма нарса бўлаверади, деб ўйларди. Ҳатто охиратда ҳам мол-дунёга қараб муомала қилинади, деб ишонарди. Кофир бола-чақа, хизматкорлар

ва ишчиларнинг кўплиги билан обрў ўлчарди. Агар улар кўп бўлса, ҳар қандай қийинчиликдан уларнинг ёрдамида қутулиб кетилади, деб гумон қиларди. Мана энди бошига мусийбат келиб:

وَلَمْ تَكُنْ لَهُ فِئَةٌ يَنْصُرُونَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَ مُنْتَصِرًا ﴿٤٣﴾

43. Унга Аллоҳдан бошқа ёрдам берадиган гуруҳ бўлмади, ўзи ҳам нусрат қозона олмади.

Аллоҳ таоло ишини расво қилиб қўйгандан кейин унга ким ҳам ёрдам бера олар эди. Молу дунё ва одамларни унга берган Зот уларни олиб қўйгандан кейин, у нима ҳам қила олар эди. Бундай пайтда ҳеч ким дўст ҳам бўла олмайди, ёрдам ҳам беролмайди.

هَذَاكَ الْوَلِيَّةُ لِلَّهِ الْحَقِّ هُوَ خَيْرٌ ثَوَابًا وَخَيْرٌ عُقْبًا ﴿٤٤﴾

44. Бундай мақомда ҳақ нусрат Аллоҳга хосдир. У яхши савобли ва яхши оқибатли Зотдир.

Ҳа, бундай мақомда Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бировга нусрат бера олмайди. Ҳақ нусратни фақат Аллоҳнинг Ўзигина беради. Аллоҳ бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам яхши савоб беради. Унга иймон келтириб, ибодат қилганнинг оқибати албатта яхши бўлади.

Шу ерда боғ эгасининг қиссаси тугайди. Ундан кўплаб ибратли фикрларни чиқариб олсак бўлади. Энг муҳими – кофирлик, нонкўрлик, ҳақиқий неъмат берувчини тан олмаслик, ҳамма нарсани молу дунё ва бола-чақа билан ўлчашиқнинг оқибати икки дунёда ҳам яхшиликка олиб келмаслиги ва, аксинча, иймонли бўлиш, Аллоҳга ибодат қилиб, ҳар бир нарса фақат Унинг қуввати ила бўлишини доимо тан олиб туриш икки дунё саодатига олиб боришини англаб етишимиздир.

Кейинги келадиган оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, Қурайш кофирларига ва улар орқали бошқа кофирларга ҳам яна бир мисол келтиришни топширмақда:

وَأَضْرَبَ لَهُمْ مَثَلَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَا أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ فَأَصْبَحَ هَشِيمًا تَذْرُوهُ الرِّيحُ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ مُّقْتَدِرًا ﴿٤٥﴾

45. Уларга дунё ҳаётининг мисолини келтир. У, Биз осмондан туширган сувга ўхшайди. Унинг сабаби ила ер набототлари ара-

лашиб чиқди. Бас, хашакка айланиб, уни шамол учириб кетди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир бўлган Зотдир.

Аллоҳ таоло бу оятда дунё ҳаётини, унинг гўзаллиги ва лаззатларини ердан униб чиқадиган набототларга ўхшатмоқда. Ёмғир ёққанида кўзни қувонтирувчи ям-яшил ўсимликлар ўсиб чиққандек, кишига янги ҳаёт берилганида ҳам бу дунё унга гўзал, ёш, чиройли ва лаззатли кўринади. Аммо, вақт ўтиши билан, набототлар қуриб, хашакка айланиб, уларни шамол учириб кетгани сингари, ҳаётнинг ҳам ўткинчи эканлиги аён бўлиб қолади. Шунинг учун, ўткинчи нарсага алданиб қолмаслик керак. Қодир Аллоҳни ҳеч қачон унутмасдан, охиратга, абадий ҳаётга тайёргарлик кўриш лозим. Бу дунёнинг зебу зийнатига алданишнинг оқибати яхши бўлмайди.

المال والبنون زينة الحياة الدنيا والبقية الصالحة خير عند ربك ثوابا وخيرا املا

46. Мол-мулк, бола-чақа ҳаёти дунё зийнатидир. Боқий қолгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир.

Ҳа, молу мулк, бола-чақа бу дунёнинг зийнатидир, аммо қиймати эмасдир. Маълумки, зийнат ортиқча ҳавас учун қилинади. Исломда зийнатга ҳам ҳалол-пок бўлиш шарти ила изн берилган. Аммо, зийнатлар ҳаёт қадрини ўлчовчи қийматга айлантирилмаган. Зийнатга зийнат деб қаралган. Ҳа,

«Мол-мулк, бола-чақа ҳаёти дунё зийнатидир».

Исломда боқий қолувчи солиҳ амаллар қиймат саналади. Ҳар бир инсонга унинг иймони ва яхши амалига қараб қиймат берилди. Ҳа, фақат:

«Боқий қолгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир».

Дунё ҳаёти зийнатларининг қиймати йўқдир. Уларга савоб ҳам берилмайди, уларнинг ортидан бирон нарса умид ҳам қилиб бўлмайди.

Бу дунёнинг арзимаслиги, ҳамма гап охиратдалиги баёнидан кейин қиёмат кунининг баъзи ҳолатлари зикр қилинади:

ويوم نسير الجبال وترى الأرض بارزة وحشرتهم فلم تغادر منهم أحدا

47. Тоғларни юргизадиган кунимизни ва ерни яп-яланғоч кўрадиган кунингни эсла! Ўшанда уларни жамлаймиз ва бирон кишини қўймаймиз.

Қиёмат куни даҳшатидан тоғлар юргизилганини кўрасан. Инсон кўз ўнгида энг улкан, саботли ва ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган тоғлар ҳам қиёмат куни титилган жун каби майдаланиб, ҳавода учиб юради.

Ер юзидаги ҳамма нарса барбод бўлиб, ернинг ўзи яп-яланғоч бўлиб қолади. Бу ҳам қиёматнинг қанчалик даҳшатли эканини кўрсатиб турибди.

«Ўшанда уларни жамлаймиз ва бирон кишини қўймаймиз.»

Яъни, мазкур ҳодисалар кечадиган қиёмат кунида Аллоҳ таоло ҳамма одамларни жамлайди, бирон кишини қўймай, ҳаммани тўплайди.

وَعُرْضُوا عَلٰى رَبِّكَ صَفًّا لَقَدْ جِئْتُمُونَا كَمَا خَلَقْنَاكُمْ اَوَّلَ مَرَّةٍ بَلْ زَعَمْتُمْ اَلَّنَّ نَجْعَلَ لَكُمْ مَوْعِدًا

48. Ва Роббингга сафга тортилган ҳолларида рўбарў қилиндилар. «Батаҳқиқ, сизларни аввал қандай яратган бўлсак, шундай Бизга келдингиз. Аммо сиз Бизни ҳеч жой ва вақт ваъда қилганимиз йўқ, деб ўйлар эдингиз», (дейилди).

Ана ўшандай тўс-тўполон кунда кофирлар Аллоҳнинг ҳузурига саф қилиб олиб келинади. Ҳамма тақдирга тан бериб, бошларини эгиб, қаторлашиб туради. Шунда уларга қарата:

«Батаҳқиқ, сизларни аввал қандай яратган бўлсак, шундай Бизга келдингиз», дейилади.

Яъни, онадан янги туғилгандай ҳолда қайта тирилиб ҳузуримга келдингиз. Могу дунёнгиз, бола-чақангиз, хизматчи-мардикорингиз, мансаб-амалингиз ва дўст-ёрингиз у дунёда қолиб кетди. Қани энди айтинглари-чи, қиёмат ҳақ эканми? Энди кўрдингизми? Энди Биз ваъда қилган қиёмат ҳақ эканига ишондингизми?

«Аммо сиз Бизни ҳеч жой ва вақт ваъда қилганимиз йўқ, деб ўйлар эдингиз.»

Ваъда қилинган қиёмат кунига, маҳшардаги тўпланиш жойига ишонмас эдингиз. Мана, ваъда қилинган ўша вақт — қиёмат куни қоим бўлди. Мана, ваъда қилинган ўша жойда — маҳшарда саф тортиб турибсиз. Энди сизга ваъда қилинган жазоларни берамиз. Энди ўзингиздан кўраверасиз.

وَوُضِعَ الْكِتَابُ فَتَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَا وَيْلَتَنَا مَا لِ هَذَا الْكِتَابِ لَا يَغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظُنُّ رَبُّكَ اٰحَدًا

49. Ва китоб қўйилди. Бас, жинойтчиларни ундаги нарсдан қўрққан ҳолларида кўрасан. Улар: «Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я», дерлар. Ва қилган амалларини ҳозир ҳолда топдилар. Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас.

Сўнгра, уларнинг олдиларига номаи аъмол қўйилади.

«Бас, жинойтчиларни ундаги нарсдан қўрққан ҳолларида кўрасан.»

Чунки, улар номаи аъмол китобларини олганларида, бу дунёдаги ҳамма амаллари бекаму кўст битиб қўйилганини кўрадилар. Кофирлар – жинойтчилар бу дунёда ёмон иш қилиб ўтганлар. Ўша ёмон ишларининг каттаю кичик ҳаммаси ёзиб қўйилганини кўрганларидан кейин, ўзлари қийин ҳолда турганлари сабабли, яна ҳам қўрқиб кетадилар. Чунки, улар энди ҳар бир жинойтлари учун жазо тортишларини аниқ биладилар.

«Улар: «Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я», дерлар.»

Бу дунёда бепарво юриб, гуноҳларни қилаверган эдилар. Қиёмат қоим бўлишига, қайта тирилишга, ҳисоб-китоб бўлишига ва ҳар ким амалига яраша жазо ёки мукофот олишига ишонмас эдилар. Энди қиёмат қоим бўлди, номаи аъмоллари – бу дунёда қилган амаллари ёзилган китоблари қўлларига тегди. Китобга назар солсалар, каттаю кичик ҳамма амаллари ёзиб қўйилибди. Бу ҳақиқатни тан олишдан бошқа иложлари йўқ. Энди улар «вой шўрим» демасдан, ким «вой шўрим» десин!

«Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас.»

Ҳаммага қилган амалига яраша жазо ёки мукофот беради.

Доимо, қадимдан шундай бўлиб келган. Бу дунёда кибр ила, Аллоҳга исёнда, кофир ҳолда ўтганларнинг ҳолига вой бўлган.

Иймонли ва итоатлиларнинг оқибати эса, яхшилик билан тугаган. Бунга инсоният тарихидаги биринчи воқеа ҳам далил бўла олади.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ أَفَتَتَّخِذُونَهُ وَذُرِّيَّتَهُ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِي وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّ بِئْسَ لِلظَّالِمِينَ بَدَلًا ﴿٥٠﴾

50. Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деганимизни эсла. Бас, ўшанда улар сажда қилдилар. Магар иблис қилмади. У жиндан бўлган эди. У ўз Роббининг амридан чиқди. Энди сизлар Мени қўйиб уни ва унинг зурриётларини дўст қилиб оласизларми?! Ҳолбуки, у сизларга душман-ку! У, золимлар учун нақадар ёмон бадалдир.

Кофиру мушриклар — жиноятчилар исёнлари билан аслида кимга эргашаётганларини биладиларми? Бу саволга жавоб бериш учун Аллоҳ таолога нисбатан қилинган биринчи исённи эслаш керак. Биринчи исён қачон ва ким тарафидан содир бўлганини билиш учун эса:

«Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деганимизни эсла.»

Бу ўша машҳур қиссага ишора. Аллоҳ таоло Одам Атони тупроқдан Ўз қудрати билан яратиб, унга жон киргизганидан сўнг, фаришталарга Одамга сажда қилишни буюрди.

«Бас, ўшанда улар сажда қилдилар.»

Фаришталар Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, одамга сажда қилдилар. Уни иззат-икром этдилар.

«Магар иблис қилмади.»

Иблис Одамга сажда қилмади.

«У жиндан бўлган эди.»

Демак, иблиснинг асли жиндир. Баъзилар гумон қилганидек, фариштадан эмас.

«У ўз Роббининг амридан чиқди.»

Робби унга Одамга сажда этишни буюрди, у амрга бўйсунмади — одамга сажда қилмади. Натижада, Аллоҳнинг лаънатига учради.

«Энди сизлар Мени қўйиб уни ва унинг зурриётларини дўст қилиб оласизларми?!»

Уларга қўшилиб Менга исён қиласизларми, Менинг амримдан чиқасизларми?!

«Ҳолбуки, у сизларга душман-ку!»

Қайси ақл билан душманнинг айтганини қиласиз, унинг йўлидан юрасиз?!

«У, золимлар учун нақадар ёмон бадалдир.»

Иблис кофирлар томонидан Аллоҳнинг ўрнига қўйилган жуда ҳам ёмон бадалдир. Аслида, инсон бу дунёда Аллоҳга тоат қилиб, Унинг амрига бўйинсуниб яшамоғи лозим эди. Аммо Аллоҳга тоат этмаслиги ва Унинг амрига бўйинсунмаслиги ила иблисга тоат қиладиган ва унинг йўлига юрадиган бўлиб қолди. Роҳманни қўйиб, шайтонни танлади. Шайтонни Роҳманга алмаштириб олди. Унинг бу иши нақадар ёмон бадалдир.

Нима сабабдан улар бундай қиладилар? Ахир:

﴿ مَا أَشْهَدُهُمْ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَا خَلْقَ أَنْفُسِهِمْ وَمَا كُنْتُ مَخْدُومًا لِلْمُضِلِّينَ عَصَا ﴾

51. Мен уларни на осмонлару ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилганман ва адаштиргувчиларни ёрдамчи қилиб олган эмасман.

Яъни, нима учун одамлар шайтон ва унинг зурриётларини дўст тутадилар? Ахир, уларда ҳеч қандай бунга лойиқ хислат йўқ-ку. Шайтонлар бирор нарсани яратганлари йўқки, уларни одамлар дўст тутсалар.

«Мен уларни на осмонлару ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилганман...»

Яъни, ўша шайтонлар бирор нарсани яратиш у ёқда турсин, ҳатто ўзларининг яратилишларига ҳам гувоҳ бўлган эмаслар. Яъни, ҳатто ўзларининг қандай қилиб яратилганларини ҳам билмайдилар. Қандай қилиб уларга эргашиш, уларни дўст тутиш мумкин?

«...ва адаштиргувчиларни ёрдамчи қилиб олган эмасман.»

Мабодо, фаразан, Аллоҳ ёрдамчи олади, деб ўйланса ҳам, шайтон Унга ёрдамчи бўла олмайди. Келиб-келиб ўшани ёрдамчи қилиб оладими? Ахир, шайтон одамларни Аллоҳнинг йўлидан оздиргувчи-ку. Келиб-келиб, Аллоҳ душманларни, ўзининг лаънатига учраганларни ёрдамчи қилиб оладими? Демак, шайтонни дўст тутишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Қандай қилиб одамлар уни дўст тутадилар?! Уни Аллоҳга шерик қиладилар.

وَيَوْمَ يَقُولُ نَادُوا شُرَكَاءِيَ الَّذِينَ زَعَمْتُمْ فَدَعَوْهُمْ فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا لَهُمْ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُم مَّوْبِقًا

52. У зот: «Сизлар Менинг «шерикларим» деб ўйлаганларингизни чақиринг», деган кунида уларни чақирдилар. Бас, улар жавоб бермадилар ва уларнинг орасига ҳалокатгоҳ қилмишмиз.

Яъни, қиёмат куни Аллоҳ таоло мушрикларга: дунё ҳаёти давомида Менга «шерик» деб гумон қилиб юрганларингиз бутларни, санамларни, турли шахслар ва нарсаларни, жумладан, шайтонларни чақиринглар, деб айтади. Шунда мушриклар уларни чақирадилар. Аммо, улар Аллоҳнинг «шериги» деб ўйлаб юрган ўша нарсалар чақириқларига жавоб бера олмайди. Чунки, улар аслида бунга қодир эмас. Бунинг устига, қиёмат куни Аллоҳ мушриклар билан улар эътиқод қилиб юрган сохта худодар орасига ҳалокатгоҳни — жаҳаннамни пайдо қилиб қўйган бўлади. Ана шундай таҳликали вақтда:

وَرَاءَ الْمُجْرِمُونَ النَّارَ فَظَنُّوا أَنَّهُمْ مُوَافِعُوهَا وَلَمْ يَجِدُوا عَنْهَا مَصْرَفًا

53. Жиноятчилар дўзахни кўрурлар ва, албатта, унга тушувчи эканларига ишонарлар ва ундан қочар жой топмаслар.

Аллоҳнинг тайёрлаб қўйган дўзахидан қочиб бўладими? Бу жойдан қочиш фурсатини у дунёда бой берганлар. Ёруғ дунёда иймон ва Ислолда яшаганларида, бу жойдан нажот топардилар. Ёруғ дунёда Қуръонга эргашганларида, ўша дўзахдан сақланган бўлардилар.

وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِي هَذَا الْقُرْآنِ لِلنَّاسِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ وَكَانَ الْإِنْسَانُ أَكْثَرَ شَيْءٍ جَدَلًا ﴿٥٤﴾

54. Батаҳқиқ, бу Қуръонда одамлар учун турли масаллар баён қилдик. Инсон, ўзи, кўп тортишувчи бўлган эди.

Аллоҳ таоло инсонга бу дунё ҳаётида абадий саодатга эришиш, охират азобидан қутулиш учун омил қилиб Қуръонни берган эди. Уни дастур этиб олишни буюрган эди. Қуръонда ҳамма нарсани батафсил баён ҳам қилган эди. Инсон ўша улуғ Қуръонга эргашганида, мақсадига етарди. Аммо у, Аллоҳ яратган махлуқот ичида энг кўп тортишувчи, ҳар нарсага эътироз қилувчи, талашувчи бўлиб чиқди. Қуръонга ҳам иймон келтириб, амал қилиб кетавермай, у ҳақда ҳам тортишув билан овора бўлди. Қуръон ҳақида, унда батафсил баён этилган нарсалар ва унинг ҳукмлари ҳақида ўзича баҳслар юритди, талашиб-тортишди. Аввало, Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига ишонмай, баҳслашди. Кейин Қуръонга амал қилиш устида тортишди. Ундан кейин, Қуръон ҳукмлари эскириб қолган, деб ҳам кўрди. Охир-оқибат ўзига ёмон бўлди. Бу дунёда кулфат билан яшаб ўтди. Охиратда эса, мана, иши расво бўлиб турибди.

وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ وَيَسْتَغْفِرُوا رَبَّهُمْ إِلَّا أَنْ تَأْتِيَهُمْ سُنَّةٌ الْأُولَىٰ أَوْ يَأْتِيَهُمُ الْعَذَابُ قُبُلًا ﴿٥٥﴾

55. Одамларни уларга ҳидоят келганида иймон келтиришларидан ва Роббиларига истиғфор айтишларидан фақатгина аввалгиларнинг суннати келишини ёки очиқ азоб келишини кутишлари тўсди, холос.

Аллоҳ таоло барча одамларга ҳидоят ўлароқ Қуръонни туширди, Пайғамбар юборди. Ҳамма нарсани очиқ-ойдин баён қилди. Одамлар хурсанд бўлиб, Аллоҳга ва У юборган ҳидоятга иймон келтиришлари лозим эди. Ана унда ишлари яхши бўларди. Аммо улар бундай қилмадилар. Улар: агар Аллоҳ, Пайғамбар, Қуръон деган нарсалар ҳақ-рост бўлса, нима учун биз уларга иймон келтирмасак ҳам, ҳеч нарса бўлмаяпти; агар улар рост бўлса, иймон келтирма-

ганлар аввалги иймон келтирмаганларга ўхшаб ҳалок бўлишлари керак эди-ку, дедилар. Аввалгиларнинг суннати – иймонсизликлари учун ҳалокатга учрашлари ёки уларга азобнинг очиқ-ойдин келиши булар устида содир бўлмагани учун иймон ҳам келтирмай, Роббиларига истиғфор ҳам айтмай юришаверади. Ҳолбуки:

وَمَا نُرْسِلُ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَيُجَادِلُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالْبَاطِلِ لِيُدْحِضُوا بِهِ الْحَقَّ وَاتَّخَذُوا آيَاتِي وَمَا أُنذِرُوا هُزُوًا ﴿٥٦﴾

56. Биз Пайғамбарларни башорат бергувчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юборурмиз, холос. Куфр келтирганлар эса, ботил ила мунозара қилиб, у билан ҳақни енгмоқчи бўлурлар. Ҳамда Менинг оятларимдан ва ўзлари огоҳлантирилган нарсадан истеҳзо қилурлар.

Биз Пайғамбарларни одамларга ҳидоят олиб келувчи, иймон келтириб, ибодат қилганларга башорат берувчи ва куфр келтириб, исён этганларга огоҳлантирувчи қилиб юборганмиз, холос. Ҳа,

«Биз Пайғамбарларни башорат бергувчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юборурмиз, холос».

Уларни ҳалокат олиб келиш ёки азобни очиқ кўрсатиб қўйиш учун юборганимиз йўқ.

«Куфр келтирганлар эса (буни тушунмай, ўзларича) ботил ила мунозара қилиб, у билан ҳақни енгмоқчи бўлурлар.»

Кофирлар, аслида, иймонни хоҳлаганлари учун турли мўъжизаларни, жумладан, ўтганларга келган азоблар ўзларига келишини ёки азобнинг очиқ-ойдин келишини талаб қилмайдилар, балки ботил уларни шу кўйга солади. Улар шу йўсинда Пайғамбарга келган ҳақни йўққа чиқармоқчи бўладилар. Шу билан улар:

«Менинг оятларимдан ва ўзлари огоҳлантирилган нарсадан истеҳзо қилурлар».

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ ذُكِّرَ بِآيَاتِ رَبِّهِ فَأَعْرَضَ عَنْهَا وَنَسِيَ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ إِنَّا جَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَنْ يَفْقَهُوهُ وَفِي آذَانِهِمْ وَقْرًا وَإِنْ تَدْعُهُمْ إِلَى الْهُدَى فَلَنْ يَهْتَدُوا إِذًا أَبَدًا ﴿٥٧﴾

57. Роббининг оятлари ила эслатилганда, улардан юз ўгириб, ўзи қилган(гуноҳ)ларни унутган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, Биз у(Қуръон)ни англамасликлари учун улар-

нинг дилларига пардалар ва қулоқларига оғирлик қилиб қўйдик. Агар уларни ҳидоятга чақирсанг ҳам, ҳаргиз ҳидоят топмаслар.

«Золим» сўзи «бир нарсани ўз жойидан бошқа жойга қўювчи» деган маънони англатади. Амалига қараб, золим билан золим орасида фарқ бўлади. Баъдаларга зулм қилган ҳам золим, шунингдек, Парвардигори Олам билан бўлган муомалада бир нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга қўйган одам ҳам золим саналади. Лекин бу борада ҳам золим билан золимнинг фарқи бор. Ушбу ояти каримада энг золим одам ҳақида сўз кетмоқда.

«Роббининг оятлари ила эслатилганда, улардан юз ўгириб, ўзи қилган(гуноҳ)ларни унутган кимсадан ҳам золимоқ одам борми?!»

Албатта, йўқ. Ахир Робби — яратувчиси, ризқ берувчиси ва тарбиячиси унга оят юбориб, тўғри йўлга юришни, эгри йўлдан қайтишни эслатса-ю, у Роббининг оятларидан юз ўгирса ва қилган гуноҳларини унутиб, бепарво кетаверса, ундан кўра золимоқ одам бўладими?!

У катта ва тенгсиз зулм қилди. Яратган Холиқ, ризқ берган Холиқ, тарбия қилган Робб унинг бахти-саодати учун оятлар юборганда, уларни хурсандчилик билан қабул қилиш ўрнига, улардан юз ўгирди. Аллоҳдан гуноҳларини мағфират қилишини сўраш ўрнига, гуноҳларини унутди. Албатта, бу жуда катта зулмдир. Албатта, ундан золимоқ одам бўлмайди.

Албатта, бундай улкан зулм этган катта золимоқ Аллоҳ таоло ҳам ўзига яраша муомала қилади:

«Албатта, Биз у(Қуръон)ни англамасликлари учун уларнинг дилларига пардалар ва қулоқларига оғирлик қилиб қўйдик».

Биз уларни қилмишларига яраша жазоладик. Модомики, улар Қуръонни масхара этар эканлар, модомики, улар оятларимиздан юз ўгириб кетар эканлар, шундай муомалага сазовордирлар. Энди эса:

«Агар уларни ҳидоятга чақирсанг ҳам, ҳаргиз ҳидоят топмаслар».

Ҳидоят топиш учун очиқ, тайёргарлиги бор қалб керак.

وَرَبُّكَ الْغَفُورُ ذُو الرَّحْمَةِ ط لَوْ يُؤَاخِذُهُمْ بِمَا كَسَبُوا الْعَجَل لَّهُمُ الْعَذَابُ بَل لَّهُمْ
مَوْعِدٌ لَّنْ يَجِدُوا مِنْ دُونِهِ مَوْيِلًا ﴿٥٨﴾

58. Ва Роббинг сермағфират ва раҳим-шафқат соҳиби Зотдир. Агар уларни қилган касбларига биноан олганида, азобларини тез-

лаштирган бўлар эди. Лекин уларга ваъда қилинган вақт бор. У келганда Ундан ўзга паноҳгоҳ топмаслар.

Одамлар шунчалик нобакор бўлсалар ҳам, куфрга кетиб, исён қилсалар ҳам, ер юзида юраверишларининг сабаби:

«Роббинг сермағфират ва раҳим-шафқат соҳиби Зотдир».

Бандалар қанчалик гуноҳ қилсалар ҳам, сўнгра тавба этсалар, мағфират қилади. Улар қанчалик исёнкор бўлсалар ҳам, меҳр-шафқат кўрсатади, жазолашга шошилмайди.

«Агар уларни қилган касбларига биноан олганида, азобларини тезлаштирган бўлар эди.»

Аллоҳ таоло бандаларнинг амалига биноан муомала этса, аллақачон уларни азоблаган бўлар эди. Банда хатокор. У гуноҳдан холи эмас. Ҳар бир гуноҳи учун ўз жойида ҳисоб-китоб қилинса, бандаларга қийин бўлар эди.

Аллоҳ бандаларга ўзларини ўнглаб олиш учун кенг имконият берди. Уларни қилган касбларига биноан азоблашга шошилмайди.

«Лекин уларга ваъда қилинган вақт бор. У келганда Ундан ўзга паноҳгоҳ топмаслар.»

Бу дунёда барча инсонларни ҳалок этишнинг ваъда қилинган вақти бор. Ўша вақтда бандалар Аллоҳдан ўзга паноҳгоҳ топа олмай қоладилар. Қадимдан шундай бўлиб келган. Ўтган замондаги шаҳарлар ҳам шундай қилинган:

وَتِلْكَ الْقُرَىٰ أَهْلَكْنَاهُمْ لَمَّا ظَمَمُوا وَجَعَلْنَا لِمَهْلِكِهِم مَّوْعِدًا

59. Ана у шаҳарларни ҳам зулм қилганларида ҳалок этганмиз ва уларнинг ҳалокатларига вақт белгилаганмиз.

Уларнинг гуноҳлари ва зулмларини кўриб, дарров ҳалок қилганимиз йўқ. Ўша белгилаган вақтимизда ҳалок этганмиз. Бинобарин, кейингилар гуноҳлари ва зулмлари учун дарҳол азоб келмаётганига адданиб, қилсам бўлаверар экан, дейишмасин. Уларга ҳам азобни тайин қилган вақтимиз бор.

Эндиги оятларда суранинг сиёқига мос равишда Мусо алайҳиссалом ва солиҳ банда ҳақидаги қисса келтирилади. Турли ибратларга бой бу қисса қаҳрамонлари ҳақида тафсирчи уламоларимиз турли фикрларни айтганлар. Турли тортишувлар бўлган. Ҳаттоки, қиссадаги Мусо машҳур Пайғамбар Мусо алайҳиссаломми ёки бошқа Мусоми, деганлар ҳам бўлган. Шунингдек, икки денгизнинг жам бўлган жойи қаерда, солиҳ банда ким, каби саволларга ҳам, жавоблардан келиб чиққан мулоҳазаларга ҳам шарҳ ва изоҳлар кўпайган.

Оқибатда баъзи тафсирларда қисса ва ундан чиқадиган ибратлар бир ёқда қолиб, тортишувларга кўп ўринлар ажратилган. Бизнинг мақсадимиз Қуръони Каримни осон йўл билан тушуниш бўлгани учун шунга мос тафсирларга эргашиб, бошқа оятлардаги каби, бу қиссада ҳам Қуръоний истилоҳларга асосланиб асл маънони тушунишга ҳаракат қиламиз.

وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ لَا أَبْرَحُ حَتَّىٰ أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُبًا ﴿٦٠﴾

60. Мусо ўз йигитига: «Икки денгиз жамланган жойга етмагунимча, йилларни ўтказсам ҳам, юравераман», деганини эсла.

Мусо алайҳиссаломнинг бундай қарорга келишларининг сабаби Имом Бухорийнинг Саид ибн Жубайрдан қилган ривоятларида баён этилган. Унда Саид ибн Жубайр қуйидагиларни айтадилар: «Мен Ибн Аббосга:

«Навф ал-Қуноший Хизр алайҳиссаломнинг соҳиби бўлган Мусо Бани Исроилнинг соҳиби бўлган Мусо эмас, деб даъво қиляпти», дедим. Ибн Аббос:

«Аллоҳнинг душмани ёлғон айтибди. Убай ибн Каъб розияллоҳу анху бизга айтишларича, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳикояларини эшитган экан: «Мусо Бани Исроил орасида бир куни хутба қилиб турганида, одамларнинг қайсиниси энг илми, деб сўралди. У:

«Мен», деди.

Аллоҳ уни илми ўзига нисбат бергани учун итоб қилди. У Мусога:

«Икки денгиз қўшилган жойда Менинг бир бандам бор. У сендан илмироқ», деди. Мусо:

«Эй Роббим, мен уни қандай топаман?» деди. Аллоҳ:

«Ўзинг билан бир балиқни саватга солиб ол. Балиқни қаерда йўқотсанг, уни ўша ерда топасан», деди...»

Шундан кейин Мусо алайҳиссалом йўлга тайёргарлик кўрдилар ва хизматкор йигитларига юқоридаги оятда келган азму қарорни айтдилар. У киши ўзларидан илмироқ бандани топиш учун икки денгиз жамланган жойга боришга қарор қилган эдилар.

فَلَمَّا بَلَغَا مَجْمَعَ بَيْنَهُمَا نَسِيَا حُوتَهُمَا فَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ سَرَبًا ﴿٦١﴾

61. Икковлон икки (денгиз) жамланган жойга етганларида, балиқларни унутдилар. Бас, у денгизни тешиб йўл олди.

Мусо алайҳиссалом хизматкор йигит билан юриб-юриб, икки денгиз қўшиладиган жойга етиб келдилар. Ўша жойда саватда олиб келган балиқларини унутиб қўйдилар. Балиқ эсларига келмади. Яна юриб кетавердилар. Аммо ўша жойда:

«Бас, у денгизни тешиб йўл олди».

Яъни, балиқ денгизни тешиб сузиб кетди. Балиқ сузиб кетган жой тешик бўлиб сувсиз ҳолга келиб қолди. Уни кўрган одам, бу ердан бир балиқ сузиб ўтибди, деган хулосага келадиган бўлди.

فَلَمَّا جَاوَزَا قَالَ لِفَتَاهُ إِنِّي نَادَيْتُكَ لَمَنِ سَفَرْنَا هَذَا نَصَبًا ﴿٦٦﴾

62. У(ер)дан ўтганлари замон у йигитига: «Тушлигимизни келтир. Бу сафаримизда чарчоққа учрадик», деди.

Яъни, икковлари Аллоҳ буюрган ўша икки денгиз жамланадиган макондан ўтгандан сўнг, Мусо алайҳиссалом хизматкор йигитга тушлик овқатни келтиришни буюрдилар, сафарда чарчаб, оч қолдик, дедилар.

قَالَ أَرَأَيْتَ إِذْ أَوَيْنَا إِلَى الصَّخْرَةِ فَإِنِّي نَسِيتُ الْحَوْتَ وَمَا أَنَسْنِيهِ إِلَّا الشَّيْطَانُ أَنْ أَذْكُرَهُ
وَأَتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ عَجَبًا ﴿٦٦﴾

63. У: «Буни қара, харсангга (суяниб) жойлашганимизда, мен балиқни унутибман. Фақат шайтонгина уни эслашимни унуттирибди. Ажабо, у денгизга йўл олибди», деди.

Тушлик пайти балиқ ёдларига келса, уни тушириб қўйишгани маълум бўлади. Билъакс, унинг денгизга йўл олишидан йигит ажабланмас ҳам эди. У, фақатгина Мусо алайҳиссалом тушлик сўраганларидан сўнг, балиқнинг йўқлигини билди. Аввалги, харсанг тошга суяниб дам олган жойларида балиқ сувга тушиб, сузиб кетганини пайқаб қолди. Ҳамда бу ишдан ғоятда ажабланганини баён қилди. Мусо алайҳиссалом эса, йигитнинг ажабланганини кўриб:

قَالَ ذَلِكَ مَا كُنَّا نَبِغُ فَأَرْتَدَّ عَلَيَّ آثَارِهِمَا قَصَصًا ﴿٦٧﴾

64. «Ана шу биз истаган нарса», деди. Бас, келган йўлларида изларига қайтдилар.

Йигит балиқни унутиб қўйганини, у эса, денгизга йўл олиб кетганини айтиши билан Мусо алайҳиссаломнинг:

«Ана шу биз истаган нарса», дейишлари, шуни кутиб юрган эдик-ку, деган маънони билдиради. Чунки, Мусо алайҳиссалом балиқ жонланиб, сувга тушиб сузиб кетган жойда излаб юрган нарсаларини топар эдилар. Шунинг учун, балиқнинг йўқолиб қолганини эшитганларида хафа бўлмадилар, севиндилар. Ҳамда ўша балиқ сувга тушиб, сузиб кетган жойни топиш учун йигит билан биргаликда изларига қайтдилар. Қайтиб бориб, ўша белгили жойда:

فَوَجَدَا عَبْدًا مِّنْ عِبَادِنَا آتَيْنَاهُ رَحْمَةً مِّنْ عِنْدِنَا وَعَلَّمْنَاهُ مِمَّا لَدُنَّا عِلْمًا ﴿٦٥﴾

65. Бас, бандаларимиздан бир бандани топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ва Ўз тарафимиздан илм ўргатган эдик.

У ерда Мусо алайҳиссалом ўзларидан илмироқ солиҳ бандани кўрдилар. Бу бандага Аллоҳ таоло Ўз даргоҳидан раҳмат ато этган ҳамда унга Ўз тарафидан илм ўргатган эди. Бу илм Мусо алайҳиссалом биладиган илмдан бошқача илм эди. Шу боис, Мусо алайҳиссалом ўша солиҳ бандадан илм ўрганиш учун уни излаб йўлга чиққан эдилар. Уни кўришлари билан:

قَالَ لَهُ مُوسَىٰ هَلْ أَتَيْتَكَ عَلَىٰ أَنْ تَعْلِمَنِي مِمَّا عَلَّمْتَ رُشْدًا ﴿٦٦﴾

66. Мусо унга: «Сенга ўргатилган рушддан менга ҳам ўргатмоғинг учун сенга эргашсам майлими?» – деди.

Мусо алайҳиссалом улкан Пайғамбар бўлишларига қарамай, ўзларидан кўра илмироқ, ўзларига устоз бўлиши мумкин бўлган кишига ўта одоб билан мурожаат қилиб, унга шогирд тушишни сўрадилар.

قَالَ إِنَّكَ لَن تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٦٧﴾

67. У: «Сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан.

وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِ خَيْرًا ﴿٦٨﴾

68. Ўзинг хабарини ихота қилмаган нарсага қандай сабр қиласан», деди.

Солиҳ банда бу гапи билан Мусо алайҳиссаломга ўзидаги илм оддий илм эмас, ладуний (яъни, сиртдан бошқа кўринган нарсалар-

нинг ичидаги, ортидаги сирларини билиш илми) эканини, бундай сирли илмларга Пайғамбар ҳам сабр қилиши қийинлигини айтди. Бўлаётган ҳодисани ихота эта олмаган одам унга сабр қилиб, индамай қараб тура олиши қийин эканини эслатди.

Мусо алайҳиссалом унинг бу гапига жавобан:

قَالَ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا ﴿٦٩﴾

69. У: «Иншоаллоҳ, менинг сабрли эканимни кўурсан ва сенга ҳеч бир ишда осий бўлмасман», деди.

Яъни, Мусо алайҳиссалом шогирд сифатида устознинг оғир шартларини ҳам қабул қилдилар ва унга зинҳор осий бўлмасликка ваъда бердилар. Шунда:

قَالَ فَإِنِ اتَّبَعْتَنِي فَلَا تَسْأَلْنِي عَنْ شَيْءٍ حَتَّىٰ أَحَدِثَ لَكَ مِنْهُ ذِكْرًا ﴿٧٠﴾

70. У: «Агар менга эргашадиган бўлсанг, то ўзим зикр қилиб айтмагунимча, бир нарса ҳақида сўрамагин», деди.

Яъни, солиҳ банда Мусо алайҳиссаломни шогирдликка қабул қилди. Аммо шарт қўйди. Шарти, ўзи баён қилиб бермагунча, Мусо алайҳиссалом ундан бирон нарса сўрамасликлари эди. У киши ундан ҳеч нарсани сўрамай эргашиб юраверса, шартни бажарган бўлади. Агар сўраса, шарт бузилади. Шунга келишганларидан кейин:

فَأَنْطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا رَكِبَا فِي السَّفِينَةِ خَرَقَهَا قَالَ أَخْرَقْنَاهَا لِنُغْرِقَ أَهْلَهَا لَقَدْ جِئْتَ شَيْئًا إِمْرًا ﴿٧١﴾

71. Бас, юриб кетдилар. Кемага минганларида, уни тешиб қўйди. У (Мусо): «Буни унинг аҳлини ғарқ қилиш учун тешдингми?! Жуда ғалати нарса қилдинг-ку?!» – деди.

Солиҳ банда билан Мусо алайҳиссалом бориб кемага миндилар. Сузиб кетаётиб, солиҳ банда кемани тешиб қўйди.

«Бас, юриб кетдилар. Кемага минганларида, уни тешиб қўйди.»

Сиртдан қараганда, унинг иши ажабланарли эди. Кема уларнинг ҳожатини чиқараётибди, кемада бошқа одамлар ҳам бор, аммо солиҳ банда кемани тешиб қўйди. Мусо алайҳиссалом бу ғалати ишга ҳайратланиб, унга:

«Буни унинг аҳлини ғарқ қилиш учун тешдингми?! Жуда ғалати нарса қилдинг-ку?!» – деди.»

Албатта, одамларни ортиб бораётган кемани биров тешса, дастлаб, демак унинг мақсади одамларни ғарқ қилиш экан-да, деган ўй келади. Мусо алайҳиссаломнинг хаёлларига ҳам дарҳол шу фикр келди. Уни дарҳол солиҳ бандага айтдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг мазкур саволларига жавобан:

قَالَ أَلَمْ أَقُلْ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٧٢﴾

72. У: «Сенга, мен билан бирга бўлишга албатта сабр қила олмасан демабмидим?!» – деди.

Солиҳ банда дарҳол Мусо алайҳиссаломга орадаги шартни бузганларини эслатди. Ўзи хабар бермагунча савол сўраганларини юзларига солди.

قَالَ لَا تُؤَاخِذْنِي بِمَا نَسِيتُ وَلَا تَรْهَقْنِي مِنْ أَمْرِي عُسْرًا ﴿٧٣﴾

73. У: «Эсимдан чиққан нарса учун мени жазолама, бу ишим учун мени қийнама», деди.

Мусо алайҳиссалом узрларини айтдилар. Эсларидан чиқиб шартни бузганликлари учун жазолаб, шогирдликдан қувмаслигини сўрадилар. Бу ишлари учун оғирликка дучор қилмаслигини тиладилар. Солиҳ банда биринчи бор у кишининг узрларини қабул қилди.

فَأَنطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا قِيَا عُلْمًا فَفَقَنَاهُ قَالَ أَقْنَتِ نَفْسَازِكِيَّةٌ بَغَيْرِ نَفْسٍ لَّقَدْ جِئْتَ شَيْئًا نُّكْرًا ﴿٧٤﴾

74. Бас, улар юриб кетдилар. То бир болани учратганида, уни ўлдирди. У (Мусо): «Бировни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?! Жуда мункар нарса қилдинг-ку?!» – деди.

Икковлари яна биргаликда кетаётган эдилар, бир бола чиқиб қолди. Солиҳ банда болани ўлдирди. Бегуноҳ ёш болани ўлдириш ғалати иш эди. Шунинг учун, Мусо алайҳиссалом бу ишга чидай олмай, солиҳ бандага эътироз билдирдилар. Унга:

«Бировни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?! Жуда мункар нарса қилдинг-ку?!» – деди».

Бу иши кемани тешгандан ҳам баттар туюлди. Чунки, кўриб билиб туриб бир маъсум гўдакни қасддан ўлдириш ҳазилакам иш эмас эди.

قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٧٥﴾

75. У: «Сенга, сен мен билан бирга албатта сабр қила олмайсан демабмидим?!» – деди.

Мусо алайҳиссалом иккинчи марта шартни буздилар. Солиҳ бандага яна бир бор узр айтдилар.

قَالَ إِنَّكَ عَنْ شَيْءٍ بَعْدَ هَٰذَا فَالَا تُصِجِبْنِي ۖ قَدْ بَلَغْتَ مِن لَدُنِّي عُذْرًا ﴿٧٥﴾

76. У : «Агар бундан кейин сендан яна бир нарсани сўрасам, мен билан биродарлик қилмай қўявер. Батаҳқиқ, мен тарафимдан узр(қабули)ни охирига етказдинг», деди.

Мусо алайҳиссалом камчиликларини тан олиб, ўзларига ўзлари ниҳойи ҳукми чиқардилар. Аввал бир марта кечирдинг, яна бир кечир, бундан кейин яна шартни бузсам, айб ўзимда бўлади, сендан ҳеч гина қиладиган жойим қолмайди, дедилар. Солиҳ банда бу сафар ҳам узрни қабул қилди.

فَأَنْطَلَقَا حَتَّىٰ إِذَا أَنَّىٰ أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعَمَا أَهْلَهَا فَأَبَوْا أَن يُضَيِّفُوهُمَا فَوَجَدَا فِيهَا جِدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقُضَ فَأَقَامَهُ ۖ قَالَ لَوْ شِئْتَ لَتَخَذْتَ عَلَيْهِ أَجْرًا ﴿٧٦﴾

77. Бас, юриб кетдилар. Қачонки, бир шаҳар аҳолисига келганларида, унинг аҳлидан таом сўрадилар. Улар икковларини зиёфат қилишдан бош тортдилар. Икковлари у ерда йиқилиб кетай деб турган бир деворни кўришди. Бас, уни турғизиб қўйди. У (Мусо): «Агар хоҳласанг, бунинг учун ҳақ олар эдинг», деди.

Яна тушуниб бўлмас ғаройиб иш содир бўлди. Икковлари юриб бориб бир шаҳарга кирдилар. Қоринлари очиқиб, ўша шаҳар аҳолисидан таом сўрадилар. Шаҳар аҳолиси уларга таом беришдан бош тортди. Бундай бахил аҳолидан ҳар қанча хафа бўлса, арзирди. Аммо солиҳ банда ранжимади. Ўша ерда йиқилиб кетай деб турган девор бор экан, уни қайта тиклаб қўйди. Бу иши Мусо алайҳиссаломга қизиқ туюлди. Девор эгалари қизғанчиқлик қилиб, уларни меҳмон қилишдан бош тортсалар-у, уларнинг йиқилиб кетай деб турган деворини ҳақ олмасдан тиклаб қўйса. Ҳеч бўлмаса, ушбу деворларингизни тиклаганим учун ҳақ берасизлар, деса, бўлмасмиди? Пул берса, таом олиб ейишармиди?

Шу хаёлларга бориб, Мусо алайҳиссалом ишнинг зоҳиридан ҳукм чиқардилар ва солиҳ бандага:

«Агар хоҳласанг, бунинг учун ҳақ олар эдинг», дедилар.

Бу эса, у кишининг учинчи марта шартни бузишлари эди.

Солиҳ банда энди Мусо алайҳиссаломга шартни бузганликларини эслатиб ўтирмай, бир йўла ниҳойий ҳукмни айтди:

قَالَ هَذَا فِرَاقُ بَيْنِي وَبَيْنِكَ سَأُنَبِّئُكَ بِمَا أُوِيلِ مَا لَمْ تَسْتَطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا ﴿٧٨﴾

78. У: «Бу мен билан сенинг орамиздаги ажрашишдир. Энди сенга сабр қила олмаган нарса(лар)нинг таъвийлини айтиб бераман», деди.

Сен учинчи марта шартни буздинг. Энди узрга жой қолмади. Бу қилиғинг икковимизнинг ажрашишимиз белгисидир. Энди сен тушуна олмай, сабр қила билмай, шартни бузиб, сўраган нарсаларингнинг, ғаройиб тасарруфотларнинг сирини айтиб бераман.

أَمَّا السَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسْكِينٍ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرَدْتُ أَنْ أَعِيبَهَا وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا ﴿٧٩﴾

79. «Кемага келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилишни ирода қилдим. Чунки, ортларида бир подшоҳ бўлиб, барча кемани тортиб олаётган эди.

Сен бизни ва бошқаларни олиб кетаётган кемани тешиб қўйганимдан ажабланиб, менга эътироз билдирган эдинг. Сиртдан қараганда, ўша ишим ноҳақ эди. Аммо ишнинг моҳиятида бошқа гап бор эди. Ўша кема камбағал одамларники эди. Улар шу кеманинг орқасидан кун кўрардилар. Аммо уларнинг подшоҳлари барча бутун кемаларни тортиб олишга ҳукм чиқарган бўлиб, подшоҳлик ихтиёрига ўтказаетган эди. Мен кемани айбли қилиб қўйдим. Юзаки қараганда, кема эгалари учун зарар етказдим. Кемаларини тешидим. Аммо аслини олганда, уларга фойда қилдим. Подшоҳ одамлари айбли кемани ташлаб кетадилар. Камбағаллар бутунлай кемасиз қолгандан кўра, айбли бўлса ҳам, уни ишлатиб кун ўтказа берадилар. Сен бундан беҳабар мендан норози бўлдинг.

وَأَمَّا الْغُلَامُ فَكَانَ أَبَوَاهُ مُؤْمِنَيْنِ فَخَشِينَا أَنْ يُرْهَقَهُمَا طُغْيَانًا وَكُفْرًا ﴿٨٠﴾

80. Энди болага келсак, ота-онаси мўмин кишилар эди. Бас, биз унинг икковларини туғён ва куфр ила эзишидан қўрқдик.

Йўлда учраган ёш болани ўлдириб қўйганимга ҳам чидай олмадинг. Эътироз билдирдинг. Дарҳақиқат, бировга ёмонлик қилмаган,

беғуноҳ бир болани бекордан-бекорга ўлдириш ҳар кимга ғаройиб иш бўлиб кўринади. Лекин бунинг ортида ҳеч ким билмайдиган ҳикмат бор. Боланинг ота-онаси мўмин кишилар эдилар. Аммо, бола улғайса, кофир бўлиб, туғёнга кетиб, ота-онасини эзар эди. Ҳолбуки, ота-онаси унинг зулмига лойиқ кишилар эмасдилар. Ўша ота-онани келажақдаги ёмонликдан асраш учун болалари вояга етмасдан, куфр ва туғён содир этмасдан, ёшлигидаёқ ўлдириб қўйишни лозим топдик. Сиртдан қараганда, ёш боланинг қатл этилиши ила ота-онага катта мусийбат етди. Аммо, аслини олганда, улар жуда катта мусийбатдан қутулдилар. Чунки, биз келажақда уларни куфр ва туғён ила эзадиган болаларини ўлдирдик. Ва:

فَأَرَدْنَا أَنْ يُبَدِّلَهُمُ اللَّهُمَّا خَيْرًا مِّنْهُ زَكَاةً وَأَقْرَبَ رَحْمًا

81. Бас, Роббилари уларга унинг бадалига ундан кўра яхшироғини, аҳли солиҳроқ ва меҳрибонроғини беришни ирода қилди.

Келажақда кофир бўлиб, туғёнга кетиб, ота-онасига улкан мусийбат етказадиган болани олиб, унинг ўрнига аҳли солиҳ ва меҳрибон фарзанд бериш, албатта, яхшиликдир.

وَأَمَّا الْجِدَارُ فَكَانَ لِغُلَامَيْنِ يَتِيمَيْنِ فِي الْمَدِينَةِ وَكَانَ تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَا صَالِحًا فَأَرَادَ رَبُّكَ أَنْ يَبْلُغَا أَشُدَّهُمَا وَيَسْتَخْرِجَا كَنْزَهُمَا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ وَمَا فَعَلْتُهُ عَنْ أَمْرِي ذَلِكَ تَأْوِيلُ مَا لَمْ تَسْطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا

82. Деворга келсак, у шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида икковларининг хазинаси бор эди. Уларнинг оталари солиҳ одам эди. Бас, Роббинг икковларининг вояга етишини ва хазиналарини чиқариб олишини ирода қилди. Бу, Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди. Мен ўзимча қилганим йўқ. Мана шу, сен сабр қила олмаган нарсанинг таъвийлидир».

Таом сўрасак, қизғанчиқлик қилиб бермаган шаҳарликларнинг базўр турган деворини тиклаб қўйганим ҳам сенга мантиқсизлик бўлиб кўринди. Ҳеч бўлмаса, ҳақ олсанг бўлар эди, деб маломат қилдинг. Сен сирни тушунмай, сиртдан ҳукм чиқариб шундай дединг. Аслида, бу ишда мантиқ ва ҳикмат бор эди. Нураган ўша эски девор шаҳардаги икки етим болага тегишли эди. Деворнинг остига

эса, икковларига мерос хазина кўмилган эди. Девор йиқилса, хазина очилиб, гўдак болалар ундан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Уларнинг оталари аҳли солиҳ бўлиб ўтган эди. Шунинг учун, Аллоҳ унинг етим фарзандларига ҳам яхшиликни раво кўрди. Икковлари вояга етиб, хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Менга деворни тиклаб қўйишни билдирди. Мен шундай қилдим. Энди икки етим боланинг хазиналари улар вояга етгунларича очилмай туради. Бу ишлар ҳаммаси Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди. Мен ўзимча қилганим йўқ. Сен бўлса, ортида ҳикмати бор шу ишларни кўриб, чидаб тура олмай, шартни буздинг, турли гаплар айтдинг.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда: «Биродарим Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, сабр қилганида, Аллоҳ бизга уларнинг қиссаларини айтиб берар эди. У (Мусо) ўз шериги билан турганида, ажойиботларни кўрар эди», деганлар.

Шу жойда Мусо алайҳиссалом билан солиҳ банда қиссаси тавом бўлади.

Ушбу қисса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ўзига хос услубда келган. Айнан ҳадиси шарифдан Мусо алайҳиссаломга устозлик қилган зот Хизр алайҳиссалом эканликларини билиб оламиз. Биз аввал Қуръони Каримдаги қиссани ўрганиб олиш мақсадида ҳадиси шарифдаги маълумотларни аралаштирмай турган эдик. Фақат, ўрни келганда иккита иқтибос келтирдик, холос. Мазкур қисса энг мўътабар ҳадис китобларимизда турли ривоятлар-ла келган. Биз муҳаддисларнинг имоми, мўминларнинг ҳадис илмидаги амири, имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг «Саҳиҳ» китобларида келтирган ривоятлардан бирини келтирамиз. У киши «Китобут Тафсир»да, «Аллоҳ таолонинг: «Бир куни Мусо ўз йигитига: «То икки денгиз қўшилган ерга етмагунимча ёки узоқ муддат кезмагунимча юришдан тўхтамайман», деганини эсла», деган қовли ҳақидаги Боб» сарлавҳали бобда қуйидагиларни ривоят қиладилар:

Саъид ибн Жубайрдан ривоят қилинади: «Мен ибн Аббосдан:

«Навфал ал-Баколий: «Хизр алайҳиссаломга ҳамсуҳбат бўлган Мусо Бани Исроилга Пайғамбар бўлган Мусо эмас», демоқда, шу тўғрими?» – деб сўрадим. Ибн Аббос (ғаблабаниб):

«Аллоҳнинг душмани ёлғон гапирибди, менга Убай ибн Каъб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ривоятларини айтиб берган эди», – деди:

«Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга хутба қилиб турган эканлар, шунда у кишидан:

«Одамларнинг орасида энг билимдони ким?» — деб сўрашди. Мусо алайҳиссалом:

«Мен», — деб жавоб бердилар. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга танбеҳ берди, чунки у киши «Оллоҳ билимдонроқ», демадилар. Кейин, Аллоҳ таоло:

«Икки денгиз қўшилган жойда Менинг бир бандам яшайди, у сендан билимдонроқ», деб ваҳий қилди.

Мусо алайҳиссалом:

«Эй Роббим, мен ул зотни қандай топарман?» — дедилар. Оллоҳ таоло:

«Бир балиқни саватга солиб, кўтариб оласан, қаерда ўша балиқни йўқотсанг, шу жойда Хизрни кўрасан», — деди. Мусо алайҳиссалом бир балиқни саватга солиб, йўлга тушдилар, хизматкорлари Йўшаъ ҳам бирга эрди. Юра-юра бир тепалик ёнига келиб, бошларини ерга қўйдилар-да, уйқуга кетдилар. Саватдаги балиқ эса, тирилиб, ҳаракатга келди-да, денгизга тушиб, сузиб кетди. Аллоҳ таоло балиқ сузиб ўтган йўналишдаги сувни оқишдан тўхтатиб, бинонинг йўлагига ўхшатиб қотириб қўйди. Мусо алайҳиссалом уйфонганларида хизматкор йигит балиқнинг йўқолганини айтишни унутди. Улар яна бир кеча-кундуз йўл юришди. Эртаси куни Мусо алайҳиссалом ҳамроҳларига: «Егулигимизни келтир, сафаримизда бироз машаққат тортдик», — дедилар. Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло бормоқни буюрган ўша балиқ йўқолган жойгача ҳеч машаққат чекмаган эрдилар, аммо кейинги бир кечаю кундузда қаттиқ қийналдилар. Мусо алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари: «Эсингиздами, бир тепалик олдида ухлаган эрдик. Ўша ерда мен балиқни йўқотган эрдим, лекин сизга айтишни унутибман. Албатта, буни менга шайтон унутгирган», — деди. Балиқ эса, сирли суратда денгизга тушиб ғойиб бўлган эди. Мусо алайҳиссалом ва ул кишининг хизматкорлари унинг қандай қилиб ғойиб бўлганини билолмай таажжубда қолишди. Кейин, Мусо алайҳиссалом: «Мана шу биз истаган нарсадур», — дедилар-да, Хизр алайҳиссаломни излаб хизматкорлари билан орқаларига қайтдилар. Улар юра-юра, ниҳоят, икки денгиз бирлашган жойдаги тепалик ёнига келишди. Шу ерда кийимига ўралиб олган бир кишини учратишди. Мусо алайҳиссалом салом бердилар. Хизр алайҳиссалом ул кишига жавобан:

«Сизнинг ерингизда қаердан ҳам тинчлик (салом) бўлсин?!» — дедилар.

«Мен Мусоман», дедилар Мусо алайҳиссалом.

«Бани Исроилнинг Мусосимисан?» — дедилар Хизр алайҳиссалом.

«Ҳа, ўзингиз билган илмдан менга ҳам ўргатсангиз, деб келдим», дедилар Мусо алайҳиссалом. Хизр алийҳиссалом:

«Сен мен билан сабр қилиб юра олмайсан. Эй Мусо, менда Аллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни сен билолмассан ва сенда Аллоҳ таоло билдирган шундай илм борки, уни мен билолмайман», дедилар. Мусо алайҳиссалом:

«Худо хоҳласа, менинг сабрли эрканлигимни кўрасиз, сизга осийлик қилмайман», дедилар. Хизр алайҳиссалом:

«Ундоқ бўлса, мен билан юргин-да, то ўзим айтмагунимча бирор нарсанинг сабабини сўрама», дедилар. Сўнг, икковлари денгиз соҳили бўйлаб юриб кетишди. Иттифоқо, бир кема соҳилга келиб тўхтади. Улар кемачи билан гаплашиб, ўзларини бирга олиб кетишга уни кўндиришди. Аммо, кемадагилар Хизр алайҳиссаломни таниб қолиб, бепул олиб кетишга рози бўлишди. Кема йўлга чиққач, кўп ўтмай Хизр алайҳиссалом болта билан кеманинг бир ёғочини кўчириб олдилар. Мусо алайҳиссалом ул кишига:

«Бу қавм-ку, бизни кемаларига бепул чиқариб олдилар, сиз бўлсангиз кемаларини чўктириш учун уни тешиб қўйдингиз, тааж-жуб иш қилдингиз», дедилар. Шунда Хизр алайҳиссалом:

«Мен сенга мен билан бирга сабр қилиб юра олмайсан, деб айтувдим-ку!» — дедилар. Мусо алайҳиссалом дарҳол узр айтиб:

«Унутган нарсам учун менга танбеҳ бериб, кўзлаган ишимни қийинлаштирманг», дедилар. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусо алайҳиссаломдан содир бўлган дастлабки хато эсдан чиқариш сабабли эди», дедилар.) Кейин, бир чумчуқ келиб кема четига қўнди-да, тумшуғи билан денгиздан бир томчи сув олди. Шунда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга:

«Аллоҳнинг илми олдида мен билан сенинг илминг мана шу чумчуқ денгиздан олган бир қатрачалиқдур, холос!» — дедилар. Кейин, икковлари кемадан тушиб соҳил бўйлаб кетаётган эдилар, ногаҳон, Хизр алайҳиссаломнинг кўзлари ўртоқлари билан ўйнаб юрган бир болага тушиб, бориб уни ўлдирдилар. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга:

«Беғуноҳ бир покиза болани ўлдирдингиз, қандай ёмон иш қилдингиз!» — дедилар. Хизр алайҳиссалом:

«Мен сенга мен билан юришга ҳеч тоқат қилолмайсан, деб айтмаганмидим!» — дедилар. Бу танбеҳ аввалгисидан қаттиқроқ ва таҳдидлироқ эрди. Мусо алайҳиссалом:

«Агар яна бирор нарса ҳақида сиздан сўрасам, майли мени ўзингиз билан олиб юрманг, унда айб ўзимда бўлади», деб илтимос қилдилар.

Икковлари йўлда давом этиб бир қишлоққа киришди, қишлоқ аҳлидан таом сўрашган эди, улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Хизр алайҳиссалом ўша ерда йиқилай деб турган бир деворни кўриб, қайта тиклаб қўйдилар. Буни кўриб Мусо алайҳиссалом:

«Бу қавмнинг ҳузурига келиб таом сўрадик, беришмади, меҳмон ҳам қилишмади, агар хоҳласангиз, мана шу ишингизга ҳақ олишингиз мумкин эди», деб куюндилар. Хизр алайҳиссалом:

«Мана бу энди сен билан менинг фироғимиз сабабдур! Лекин мен сенга ўзим айтиб бергунимгача сен сабр қилолмаган ишларнинг маъносини айтиб берайин: бояги кема хусусига келсак, у бечораҳол кишиларники бўлиб, улар борадирган жойда яроқли кемаларни тортиб оладиган золим подшоҳ бор эди. Ҳалиги боланинг ота-онаси эса, мўмин кишилар бўлиб, куфр ва осийлик бирлан уларга кўп озор берар эрди. Шу сабабдан, Аллоҳ таоло унинг ўрнига покиза ва меҳрибон фарзанд ато қилишни ирода қилди. Мана бу девор масаласига келсак, унинг остида хазина бор, у икки етим болага тегишли. Уларнинг марҳум оталари солиҳ киши бўлган бўлиб, ундан қолган ушбу хазинани Аллоҳ таоло улар вояга етгач юзага чиқармоқни ирода қилди. Мен бу ишларни ўзим учун қилганим йўқ. Мана шулар сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвийлидур», дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Қани энди, Мусо алайҳиссалом сабр қилган бўлсалар, Аллоҳ таоло бизга икковлари ҳақидаги қиссаларни баён қилиб берар эди», дедилар».

Уламоларимиз бу қиссадан кўплаб ҳикматлар, ибратлар чиқарганлар. Уларнинг барчасини эслаб ёзиш кўп вақт ва кўп жойни талаб қилади. Шунинг учун, бир-иккитасини айтиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчиси, дунёдаги ҳар қандай инсон илмининг чекланганидир. Мусо алайҳиссалом улул азм Пайғамбарлардан бўлишларига қарамай, Калимуллоҳ – Аллоҳ билан бевосита каломлашган – сўзлашган зот бўлишларига қарамай, ўз замонларидаги бандалардан бири билганларини билмадилар. Унга шогирд тушдилар.

Иккинчиси, бу дунёда содир бўладиган ишларнинг асл моҳиятини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади.

Учинчиси, мўмин банда ўзига етган, сиртдан мусийбат бўлиб кўринаётган ишлардан сабрсиз бўлмаслиги лозим. Кейин ўша иш унинг ўзи учун фойдали бўлиб чиқиши эҳтимоли борлигини унутмаслиги керак.

Тўртинчиси, ўтган қиссада, яъни, икки боғ эгаси ва унинг мўмин дўсти қиссасида дунё ҳаёти матоҳлари кишини фитнага учратиб,

йўлдан оздириши мумкинлиги айtilган эди. Мусо алайҳиссалом ва солиҳ банда қиссалари эса, дунё ҳаётидаги баъзи бир ҳодисалар ҳам кишини фитнага учратиб йўлдан оздириши мумкинлигига ишора қилмоқда. Ва ҳоказо...

Энди навбат Зулқарнайн қиссасига келди. Бу қиссани баён этувчи ояти карималарни ўрганишга киришишдан олдин айтиб ўтиш керакки, Зулқарнайннинг шахси, қаерда ва қачон яшагани, борган жойлари, қилган ишлари ҳақида жуда кўп гаплар бор. Турли-туман фикрлар, фаразлар ва тахминлар ҳам кўп. Улардан айримлари тафсир китобларимизда ҳам келтирилган. Бу гап-сўзлар қиссачи ва тарихчи одамларнинг ўрганиб топган маълумотларидир. Уларни ҳеч ким айнан Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн ҳақида деб узил-кесил айтолмайди. Айтса ҳам, асоссиз, тахмин ила айтган бўлади. Мисол учун, баъзилар қиссадаги Зулқарнайндан мурод македониялик Искандар, деганлар. Бу гап тўғри эмас. Чунки, македониялик Искандар Аллоҳнинг ягоналигига ишонган мўмин бўлган эмас. Қуръондаги Зулқарнайн эса, мўмин одамдир. Шунинг учун, бунга ўхшаш тахминий гапларни бир томонга қўйиб, Аллоҳнинг каломидаги маълумотларгагина юз тутиб, қиссадан кўзланган мақсаддан фойдаланишга ўтганимиз маъқул.

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ ذِي الْقَرْنَيْنِ قُلْ سَأَتْلُو عَلَيْكُمْ مِنْهُ ذِكْرًا

83. Сендан Зулқарнайн ҳақида сўрарлар. «Сизга унинг ҳақидаги зикрни тиловат қилурман», дегин.

Эй Пайғамбар, одамлар:

«Сендан Зулқарнайн ҳақида сўрарлар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамлар Зулқарнайн тўғрисида сўраганлари аниқ. Баъзи ривоятларда: яҳудийлар сўраган, дейилса, бошқаларида: яҳудийлар ўргатган, қурайшликлар сўраган, ҳам дейишади. Умуман олганда, одамлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан Зулқарнайн ҳақида сўрашган. Қуръоннинг хабар бериши шундай. Аллоҳ Пайғамбарига савол ҳақида хабар бериб бўлиб, унга қандай жавоб беришни ҳам Ўзи ўргатмоқда:

«Сизга унинг ҳақидаги зикрни тиловат қилурман», дегин», демоқда.

Ўша зикр – хабарга назар солинса, сўров Зулқарнайннинг шахси, яшаган жойи ёки замони ҳақида эмас, балки бошқа нарсалар, яъни қилган ишлари ҳақида экани ойдинлашади. Шундан ҳам унинг кимлиги, нима учун бу номни олганлиги, қачон ва қаерда яшаганлиги ҳақидаги баҳслар ортиқча экани маълум бўлади.

إِنَّمَا كُنَّا لَهُ فِي الْأَرْضِ وَءَايَاتِهِ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ سَبَبًا ﴿٨٤﴾

84. Албатта, Биз унга ер юзида имконият бердик ва ҳар бир нарсага (эришиш) сабабини ато қилдик.

Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ер юзида ҳукмронлик, молу дунё, аскарлар ва бошқа катта имкониятларни берган эди. Шунингдек, Аллоҳ унга ҳукм юритиш, бинокорлик ва ободончилик, давлатни мустаҳкам тутиш каби ишларнинг сабабини ҳам ўргатган эди.

فَأَنْبَعُ سَبَبًا ﴿٨٥﴾

85. Бас, сабабга эргашди.

Яъни, ўзига осон қилинган йўлдан юрди.

حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِي عَيْنٍ حَمِئَةٍ وَوَجَدَ عِنْدَهَا قَوْمًا قُلْنَا يٰذَا الْقَرْنَيْنِ إِمَّا أَنْ تُعَذِّبَ وَإِمَّا أَنْ تَتَّخِذَ فِيهِمْ حُسْنًا ﴿٨٦﴾

86. То қуёш ботиш жойига етганида, унинг қора балчиқ булоққа ботаётганини кўрди ва унинг олдида бир қавмни кўрди. Биз: «Эй Зулқарнайн, ё уларни азоблайсан, ёки гўзаллик-ла тутарсан», дедик.

Зулқарнайн ғарбга қараб юриб борар эди. У қуёш ботадиган жойга етди. Яъни, катта ботқоқликка ўхшаган сувли бепоён жойга етди. Унга қуёш ўша кенгликда ботадиган бўлиб кўринди.

«То қуёш ботиш жойига етганида, унинг қора балчиқ булоққа ботаётганини кўрди...» жумласидан шу фаҳмланади. Айни дамда, Зулқарнайн:

«... унинг олдида бир қавмни кўрди».

Яъни, ўша қора балчиқли булоқ олдида бир қавмни кўрди.

«Биз: «Эй Зулқарнайн, ё уларни азоблайсан, ёки гўзаллик-ла тутарсан», дедик.»

Аллоҳ бу гапни Зулқарнайнга қандай айтганини Ўзи билади. Ваҳий орқали айтдимиз, илҳом қилдимиз? Лекин ўша қавм бўйича қарор қабул қилишни — хоҳласа, азоблаб, хоҳласа, яхшилик этишни унинг ихтиёрига қўйди.

Зулқарнайн уларга бўладиган муносабатни қуйидагича баён қилди:

قَالَ أَمَّا مَنْ ظَلَمَ فَسَوْفَ نَعَذِّبُهُ ثُمَّ يُرَدُّ إِلَىٰ رَبِّهِ فَيُعَذِّبُهُ عَذَابًا نَّكَرًا ﴿٨٧﴾

87. У: «Ким зулм қилган бўлса, тезда уни азоблармиз, сўнгра, Роббига қайтарилар, бас, У зот ҳам уни мункар азоб ила азоблар.

Зулқарнайн мўмин бўлгани учун мўмин ҳокимларга хос ҳукми эълон қилди:

«Ким зулм қилган бўлса, тезда уни азоблармиз...»

Зулм кўп нарсаларни, жумладан, куфр, фисқу фасод, тажовуз-корлик ва барча ёмонликларни ичига олади. Демак, мўмин подшоҳ ёмонлик қилганларни жазолайди.

«...сўнгра, Роббига қайтарилади, бас, У зот ҳам уни мункар азоб ила азоблар.»

Яъни, бу дунёда мўмин подшоҳ томонидан азобланган золимлар у дунёда Аллоҳ таолонинг жуда қаттиқ азобига дучор бўладилар.

وَأَمَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُ جَزَاءُ الْحَسَنَىٰ وَسَنُقُولُ لَهُ مِنْ أَمْرِنَا يُسْرًا ﴿٨٨﴾

88. Аммо, иймон келтириб яхши амаллар қилганларга эса, уларга гўзал мукофот бордир ва унга ўз ишимиздан осонини айтурмиз», деди.

Аввал ўтган оятда, зулм қилган, куфр келтирганларнинг оқибатини баён этиб бўлинганидан сўнг, энди ушбу ояти каримада мўмин бандаларнинг оқибати қандоқ бўлиши ҳақида сўз кетмоқда:

«Аммо, иймон келтириб яхши амаллар қилганларга эса, уларга гўзал мукофот бордир...»

Яъни, жаннат бордир. У, қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида бўлади.

«...ва унга ўз ишимиздан осонини айтурмиз», деди.»

Яъни, подшоҳнинг ҳузурида ҳам яхшилик, осонлик бўлади. Ислам ҳукми шу. Яхшига яхшилик, ёмонга ёмонлик раво кўрилади. Ҳар ким қилганига яраша олади.

سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٨٩﴾

89. Сўнгра, у яна сабабга эргашди.

Яъни, Зулқарнайн мазкур жойдаги ишларини битириб бўлиб, яна бошқа томонга юрди, Аллоҳ мақсадга эришиш учун жорий қилиб қўйган сабабга амал қилди.

حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَطْلِعَ الشَّمْسِ وَجدهَا تَطْعَعُ عَلَىٰ قَوْمٍ لَّمْ نَجْعَلْ لَهُم مِّن دُونِهَا سِتْرًا ﴿٩٠﴾

90. То қуёш чиқиш жойига етганида, унинг бир қавм устидан чиқаётганини кўрди. Уларга у(қуёш)дан тўсиқ бўладиган нарса қилмаган эдик.

Яъни, Зулқарнайн мағрибдан қайтиб машриққа қараб юриб кетаётиб, қуёш чиқадиган жойга етди.

«То қуёш чиқиш жойига етганида, унинг бир қавм устидан чиқаётганини кўрди.»

Қуёш чиқиш жойидаги кўринган нарса қуёш ботиши жойидаги кўринган нарсаларга ўхшарди. У ер ҳам кенг, тўсиқсиз жой эканлигига оятдаги:

«Уларга у(қуёш)дан тўсиқ бўладиган нарса қилмаган эдик» жумласи далолат қилади.

Яъни, Зулқарнайн қуёш чиқиш жойида кўрган қавмни қуёшдан ҳеч нарса, яъни, тоғу тош ҳам, дов-дарахт ҳам тўсмас эди.

كَذَٰلِكَ وَفَدَّ أَحَطْنَا بِمَا لَدَيْهِ خُبْرًا ﴿٩١﴾

91. Ана шундай, батаҳқиқ, Биз унинг олдидаги нарсанинг хабарини ихота қилдик.

Яъни, мағрибдаги ҳақ сўзлар ва ишлар машриқда ҳам жорий қилинди. Зулқарнайн мағрибда ҳукмронлик қилганидек, машриқда ҳам ҳукмронлик қилди. Биз, шубҳасиз, Зулқарнайннинг ҳузурдаги ҳамма нарсанинг хабарини тўлиқ биламиз.

ثُمَّ اتَّبَعَ سَبَبًا ﴿٩٢﴾

92. Сўнгра у яна сабабга эргашди.

Яъни, бошқа томонга — шимолга йўл олди.

حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ بَيْنَ السَّدَّيْنِ وَجَدَ مِنْ دُونِهِمَا قَوْمًا لَّا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا ﴿٩٣﴾

93. То икки тоғ орасига етганида, уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрди.

Зулқарнайн борган икки тоғ орасининг аниқ номини айтиш қийин. Зотан, Қуръони Каримнинг бундай одати ҳам йўқ. Айрим

тайин қилганлар ҳам тахминга асосланадилар, холос. Биз учун муҳими – Зулқарнайнинг яна бир томонни ўзига қаратгани, у ерда ҳам бир қавмни топганидир. У қавм гап тушунмайди. Эҳтимол, жуда қолюқдир.

Аммо, Зулқарнайнинг шон-шавкати, аскарлари ва имкониятларини кўрган ҳалиги қавм ундан фойда олишларига кўзлари етди ва ундан ўзларининг ҳолатлари учун ёрдам сўрашга шошилдилар.

قَالُوا يَا قَوْمِ إِنَّا بَرَاءٌ مِّمَّا يُسْأَلُ فِي الْأَرْضِ فَأَكْفُرُوا بِهِمْ وَيَبْتَغُوا هُدًى مِّنْ دُونِ اللَّهِ
وَيَبْتَغُوا سُدًى

94. Улар: «Эй Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир. Биз сенга харож берсак, биз билан уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?» – дедилар.

Ўша икки тоғ орасидаги бирон гапни англамайдиган қавм Зулқарнайнга Яъжуж ва Маъжуждан шикоят этдилар. Уларнинг ер юзидаги бузғунчиликларидан арз қилдилар.

«Улар: «Эй Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилгувчилардир...»

Яъжуж ва Маъжуж ҳақида ҳам жуда кўп гаплар бор. Бу ҳам тахминий гаплардан иборатдир. Биз эса, ўз одатимизча, Қуръони Каримдаги маълумотлар билан кифояланамиз. Шуниси хайрли.

«Биз сенга харож берсак, биз билан уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?» – дедилар.»

Мазкур қавм Зулқарнайндан, агар харож тўплаб берсак, ўша Яъжуж ва Маъжужлар билан бизнинг орамизга тўсиқ қуриб бера-санми, деб сўрадилар. Шу билан уларнинг ҳужумларидан, бузғунчиликларидан қутулмоқчи бўдилар. Зулқарнайн уларнинг бу саволига одоб билан жавоб берди:

قَالَ مَا مَكَّنِّي فِيهِ رَبِّي خَيْرٌ فَأَعِينُونِي بِقُوَّةٍ أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا

95. У: «Роббим менга берган имконият яхшидир. Бас, сиз менга куч ила ёрдам беринг. Сиз билан уларнинг орасида бир девор қилажакман.

Зулқарнайн қавм таклиф этган харож пулини олмасликка қарор қилди. Менга сизнинг харожингизнинг кераги йўқ;

«Роббим менга берган имконият яхшидир».

Яъни, Аллоҳ таоло менга етарли молу дунёни бериб қўйган.

«Бас, сиз менга куч ила ёрдам беринг.»

Яъни, ишчи кучи беринг. Ўша қурилишда ишласин, деди.

«Сиз билан уларнинг орасида бир девор қилажакман.»

Биз «девор» деб таржима қилган сўз Қуръони Каримда «радм» деб келган. Бу сўз икки нарсанинг орасига қуриладиган тўғон – тўсиқдан кўра кучли ва каттароқ алоҳида бир иншоот маъносини англатади.

Сўнгра, Зулқарнайн ўз сўзида давом этиб:

ءَاتُونِي زُبَرَ الْحَدِيدِ حَتَّىٰ إِذَا سَاوَىٰ بَيْنَ الصَّدَفَيْنِ قَالَ انْفُخُوا حَتَّىٰ إِذَا جَعَلَهُ نَارًا قَالَ ءَاتُونِي
أُفْرِغْ عَلَيْهِ قِطْرًا

96. Менга темир парчаларини келтиринг», деди. Ниҳоят, икки тоғ томонлари ила баробарлашганда: «Дам уринглар», деди. Ниҳоят, у(тўп темир)ни ўтга айлантиргач: «Олиб келинглр, устидан мис қуяман», деди.

Зулқарнайн мазкур қавм билан Яъжуж ва Маъжуж орасида радм – улкан ва мустаҳкам тўсиқ қура бошлади. Дастлаб:

«Менга темир парчаларини келтиринг», деди».

Яъни, одамларни темир топиб келишга буюрди. Улар олиб келган темир парчаларини ўша икки тоғ орасига тўплата бошлади.

«Ниҳоят, икки тоғ томонлари ила баробарлашганда: «Дам уринглар», деди.»

Яъни, темир парчаларини тўплаб-тўплаб, икки тоғ орасини тўлдирдилар. Ундан кейин Зулқарнайн босқонлар билан дам уриб, темирларни қизитиб, эритишга киришди.

«Ниҳоят, у(тўп темир)ни ўтга айлантиргач: «Олиб келинглр, устидан мис қуяман», деди.»

Яъни, икки тоғ орасига тўпланган темирни босқонлар билан дам уриб алангалатиб, эритиб, олов ҳолига келтирдилар. Ана шунда Зулқарнайн одамларига, энди эритилган мис олиб келинглр, олов бўлиб турган темир устидан қуяман, деди.

Мис аралашган темир янада мустаҳкам бўлиши яқинда кашф этилди. Демак, ўша замонда ҳам Зулқарнайн Аллоҳ унга берган илм орқали бу сирни яхши билган ва жуда мустаҳкам девор қуриб, ҳалиги қавмнинг Яъжуж ва Маъжужнинг ҳужумларидан сақланишига ёрдам берган.

فَمَا اسْتَطَاعُوا أَنْ يَظْهَرُوهُ وَمَا اسْتَطَاعُوا لَهُ نَقْبًا

97. Бас, улар унинг устига чиқа олмадилар, уни тешиб ҳам ўта олмадилар.

Яъни, Яъжуж ва Маъжужлар Зулқарнайн қурган радм – девор тўсиқ устига чиқа олмадилар ва улар уни тешиб ҳам ўта олмадилар. Зулқарнайнга Яъжуж ва Маъжуждан шикоят қилиб ёрдам сўраган қавмлар омонликка эришдилар. Зулқарнайн ишни жуда ҳам пухта амалга оширган эди. Лекин мўмин инсон бўлмиш Зулқарнайн ўзи қурган бундай улкан иншоот ила фахрланмади. Мақтаниб, одамларга кўз-кўз ҳам қилмади. Балки, одоб ва камтарлик билан:

قَالَ هَذَا رَحْمَةٌ مِّن رَّبِّي فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ رَبِّي جَعَلَهُ دَكَّاءَ وَكَانَ وَعْدُ رَبِّي حَقًّا ﴿٩٨﴾

98. У: «Бу, Роббим раҳматидандир. Агар Роббимнинг ваъдаси келса, буни ер баробар қилур. Роббимнинг ваъдаси ҳақдир», деди.

Бу ҳақиқий мўминнинг гапи эди. Ҳақиқий мўмин етти иқлимнинг подшоҳи бўлиб, тарихда ҳеч кимнинг қўлидан келмаган ишни қилганида ҳам:

«Бу, Роббимнинг раҳматидандир», дейди.

Ҳеч қачон, мен қилдим, мендан бошқа одам қила олмас эди, демайди. Шу билан бирга, ўзи қилган ишнинг бебақолиги, Аллоҳ таоло хоҳласа, уни бир зумда барбод этиши мумкинлигини доимо тан олиб юради.

Шу жойда Зулқарнайн қиссаси тугайди. Қиссанинг сўнгида йўллари Садди Зулқарнайн билан тўсилган Яъжуж ва Маъжужлар ҳақида турли гаплар жуда ҳам кўп. Баъзилар: улар мўғул-татарлар, дейдилар. Аввал бир неча бор такрорлаганимиздек, бу гапларнинг ҳаммаси уламоларнинг ижтиҳодларидир. Яъжуж ва Маъжуж ҳақида «Анбиё» сурасида ҳам: «То Яъжуж ва Маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепалиқдан шошиб тушганида», деган ояти карима бор.

Шунингдек, имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу Суфёни Саврий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутаҳҳаралари уммул мўминийн Зайнаб бинти Жаҳш онамиз қуйидагиларни айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқуларидан юзлари қизарган ҳоларида: «Арабларнинг ҳолига яқинлашган ёмонлиқдан вой бўлсин, бугун Яъжуж ва Маъжуж радми – саддидан мана шунча очилди», деб турдилар, бош ва кўрсаткич бармоқларини халқа қилиб кўрсатдилар. Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ичимизда аҳли солиҳлар бўла туриб ҳалок бўламизми?» – дедим. У киши: «Ҳа, агар ёмонлик кўпайса», дедилар».

Шунингдек, имом Муслим, имом Термизий, имом Ибн Можа, имом Аҳмад ва имом Абу Довуднинг ривоятларида ҳам Яъжуж ва Маъжуж ҳақида хабарлар келган.

Ақоид илми уламоларимиз Яъжуж ва Маъжуж ҳақидаги ояти карима ва ҳадиси шарифларни мукамал ўрганишиб, қуйидаги хулосани айтадилар:

«Яъжуж ва Маъжуж жуда ҳам кўп сонли бир қавм бўлиб, уларнинг чиқишлари қиёматнинг аломатларидан бир аломатдир. Улар ер юзини фасодга ва харобга тўлғазадилар. Уларнинг қачон чиқишини эса, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди».

Ушбу гаплардан бошқаси ўринсиздир.

Зулқарнайн қиссасидан уламоларимиз кўплаб ҳикмат ва ибратларни чиқарганлар.

Биз эса, ушбу қиссада инсон бу дунёда каҳф эгаларига ўхшаб сиёсий истибдодга, иймон учун қийин-қистов ва қувғин фитнасига, икки боғ эгасига ўхшаб молу дунё, зебу зийнат фитнасига, Мусо алайҳиссаломга ўхшаб илму маърифат фитнасига учраши мумкин бўлганидек, ҳукм ва ҳукмронлик, турли моддий ва маънавий устунлик имкониятлари фитнасига ҳам учраши мумкинлиги кўрсатилганига ишора қилмоқчимиз. Ана шундай синов даврида мўмин банда Зулқарнайндан ўрнак олиши лозимлиги Қуръон таълимотидир. Аллоҳ таоло Зулқарнайнга маърибу машриқ ва яна бошқа тарафларнинг салтанатини берса ҳам, ҳовлиқиб кетмади. Ўша ердаги қавмлар устидан хоҳлаган ҳукмини чиқариш ихтиёрини берса ҳам, яхшиларга яхшилик қилишга, ёмонларни азоблашга қарор берди. Хоҳлаганини азоблаб, хоҳлаганини мукофотламади. Ўзининг ишларини Аллоҳнинг лутфи-марҳамати ила бўлмоқда деб, тўғри тушунди. Юртидаги кишиларни турли ёмонликлардан ҳимоя этишга ҳаракат қилди.

Кейинги оятда Зулқарнайн қиссасига хотима ясалади:

﴿وَتَرَكْنَا بَعْضَهُمْ يَوْمَئِذٍ يَمُوجُ فِي بَعْضٍ وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَجَمَعْنَاهُمْ جَمْعًا﴾

99. Ўша куни уларни бир-бирлари ила мавж урган ҳолларида тарк этдик ва сур чалинди. Бас, уларнинг ҳаммаларини жамладик.

Яъни, қиёмат куни турли миллат, қавм ва жамоаларга мансуб кишилар ҳайрон ҳолларида мавж урадилар. Сур чалинганда ҳаммаларини бир жойга тўплادик.

﴿وَعَرَضْنَا جَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ لِلْكَافِرِينَ عَرْضًا﴾

100. Ҷша куни кофирларга жаҳаннамни кўндаланг қилиб кўрсатдик.

Яъни, қиёмат куни кофирларга дўзахни кўндаланг қилиб кўрсатдик. Кофирларнинг унга киришлари аниқ бўлди. Ана шундоқ жазога дучор бўлганлар кимлар эканлигини билмоқчи бўлсанг:

الَّذِينَ كَانَتْ أَعْيُنُهُمْ فِي غِطَاءٍ عَنْ ذِكْرِي وَكَانُوا لَا يَسْتَطِيعُونَ سَمْعًا ﴿١٠٠﴾

101. Улар кўзлари Менинг зикримдан пардада бўлган ва эшитишга қодир бўла олмайдиганлар эдилар.

Яъни, қиёмат куни кофирларга жаҳаннамни кўндаланг қилиб кўрсатиб қўйдик. Унга киришларида шубҳа йўқ. Чунки, уларнинг кўзи бу дунёда Менинг эслатмаларимни кўрмади. Улар ибрат олмас эдилар. Шунингдек, эшитган гапларидан ҳам ибрат олмасдилар. Шу сабабли, охиратда ана шу ҳолатга тушдилар.

أَفَحَسِبَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ يَتَّخِذُوا عِبَادِي مِنْ دُونِي أَوْلِيَاءَ إِنَّا أَعْتَدْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ نُزُلًا ﴿١٠١﴾

102. Ёки куфр келтирганлар Мени қўйиб бандаларимни валий – илоҳ қилиб олишни гумон қилдиларми?! Албатта, Биз жаҳаннамни кофирларга манзил этиб тайёрлаганмиз.

Бу инкорли сўров жумласи кофирларнинг жаҳаннамга тушишларининг яна бир сабабини, яъни, Аллоҳга ширк келтирганларини баён қилмоқда.

«Ёки куфр келтирганлар Мени қўйиб бандаларимни валий – илоҳ қилиб олишни гумон қилдиларми?!»

Кофирлар орасида бу дунёда Аллоҳнинг бандаларини ўзларига худо қилиб олганлари ҳам бўлди. Бунинг оқибатида ўзлари учун Аллоҳ томонидан тайёрлаб қўйилган манзилга – дўзахга тушадилар.

«Албатта, Биз жаҳаннамни кофирларга манзил этиб тайёрлаганмиз.»

Сураи қариманинг хотимасидаги оятларда ишлар ва кишилар қадрининг ўлчови ҳақида сўз кетади:

Эй Пайғамбар!

قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا ﴿١٠٢﴾

103. Сен: «Сизга амаллари юзасидан энг зиёнкорларнинг хабарини берайми?»

الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا

104. Улар бу дунё ҳаётидаёқ саъйи-ҳаракатлари ботил бўлган, ўзлари эса, гўзал иш қиляпман, деб ҳисоблайдиганлардир», дегин.

Эй Муҳаммад, сен одамларга: бу дунёда қилган амаллари туфайли энг зиёнкор бўлувчилар ким эканини хабар қилайми, айтиб берайми, дегин. Уларнинг қилган амаллари, охиратга қолиш у ёқда турсин, бу дунёнинг ўзидаёқ ботил бўлади. Қилган саъйи-ҳаракатлари бефойда бўлади. Ҳолбуки, улар ўзларича, жуда яхши иш қиляпмиз, деб ўйлайдилар. Ана шундай одамлар ким эканини айтиб берайми?

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَلِقَائِهِ. فَحَبَّطْتَ أَعْمَالَهُمْ فَلَا يُنْقِصُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَزَنًا

105. Ана ўшалар Роббилари оятларига ва унга рўбарў келишга куфр келтирганлардир. Бас, уларнинг амаллари ҳабата бўлди. Қиёмат куни уларга ҳеч қандай вазн бермасмиз.

Яъни, юқоридаги икки оятда тасвирланган, амаллари беҳуда кетадиган, жуда яхши ишларни қилмоқдамиз, деб гумон этсалар ҳам, бу дунёнинг ўзидаёқ саъйи-ҳаракатлари ботил бўладиган кимсалар:

«Ана ўшалар Роббилари оятларига ва унга рўбарў келишга куфр келтирганлардир».

Яъни, улар Аллоҳнинг оятларига ва қиёмат кунига куфр келтирган кимсалардир. Шунинг учун ҳам:

«...уларнинг амаллари ҳабата бўлди».

Бир неча бор айтиб ўтилганидек, «ҳабата» сўзи аслида заҳарли хашакни еб қўйган ҳайвоннинг қорни шишиб кетиши маъносини англатади. Сиртдан қараганда, ҳайвон хашак еб қорнини тўйгазганга ўхшайди. Аслида эса, қорнига кирган таомдан унга ҳеч фойда бўлмайди. Балки, зарар етади. Ҳатто, қорни ёрилиб ўлиши ҳам мумкин.

Шунга ўхшаш, кофир ҳам, сиртдан қараганда, яхши иш қилаётганга ўхшайди. Лекин аслини олганда, у худди заҳарли хашак тановул қилаётган ҳайвон каби, беҳуда уринаётган бўлади. Қилаётган амали зое кетади.

«Қиёмат куни уларга ҳеч қандай вазн бермасмиз.»

Яъни, қиёмат куни кофирларнинг ҳеч қандай қадр-қиймати бўлмайди. Уларнинг бу дунёда қилган амалларининг вазни ҳам бўлмайди. Чунки, Аллоҳнинг наздида ҳамма қадр-қиймат ва амал-

ларнинг вазни иймонга боғлиқ. Иймони йўқнинг қадри ҳам йўқ, қиймати ҳам йўқ. Унинг қилган ишининг вазни ҳам йўқ.

ذَلِكَ جَزَاءُهُمْ جَهَنَّمَ بِمَا كَفَرُوا وَتَتَّخِذُوا آيَاتِي وَرُسُلِي هُزُوًا ﴿١٠٦﴾

106. Шунингдек, куфр келтирганлари ва Менинг оятларим ва Пайғамбарларимни масхара қилганлари сабабли уларнинг жазоси жаҳаннамдир.

Ушбу ояти каримада дўзах эгаларининг дўзахий бўлишларига сабаб бўлган нарсалардан учтаси зикр қилинмоқда:

Биринчиси:

«**куфр келтирганлари**» сабабли уларнинг жазоси жаҳаннамдир. Ҳа, кофирлик дўзахга киришнинг бош сабабидир. Куфрдан сақланиш лозим.

Иккинчи ва учинчиси:

«**Менинг оятларим ва Пайғамбарларимни масхара қилганлари сабабли уларнинг жазоси жаҳаннамдир**».

Аллоҳ таолонинг оятларини масхара қилиш куфрнинг энг кўзга кўринган турларидан биридир.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбарларини масхара қилиш ҳам айни шу гумроҳликнинг ўзи.

Шунинг учун, зинҳор ва зинҳор Қуръони Карим ва унинг ояти карималари, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шахслари ва у зотнинг таълимотлари, ҳадисларига тил теккизиб бўлмайди.

Кофирларнинг қадр-қиймати, қилган ишларининг вазни ва охиروقибатлари қандай бўлиши зикридан кейин мўминларнинг ҳоли баёнига ўтилади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا ﴿١٠٧﴾

107. Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир.

خَالِدِينَ فِيهَا لَا يَبْغُونَ عَنْهَا حَوْلًا ﴿١٠٨﴾

108. Унда абадий қолурлар ва ундан кўчишни истамаслар.

Иймон ва амали солиҳ банданинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги қадр-қийматини оширади. Охиратда эса, жаннатга тушишига сабаб бўлади.

Жаннатга тушганда ҳам, у ерда абадий қоладилар. У ерда шундай қадр-қиймат, роҳат-фароғат топадиларки, бошқа жойга кўчишни зинҳор истамайдилар.

Кишиларнинг қадр-қиймати ва ишларининг вазни Аллоҳнинг наздида қандай кўрилиши баёнидан сўнг, инсоннинг чекланган илми билан Аллоҳ таолонинг чекланмаган илми жонли мисол ила таққосланади:

قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مَدَادًا لَكَلِمَتِ رَبِّي لَنَفِدَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَنْ نُنْفِدَ كَلِمَتِ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا ﴿١٠٩﴾

109. Сен: «Агар денгиз Роббим калималарига сиёҳ бўлсаю унга ўз мислича мадад келтирсак ҳам, Роббим калималари тугашидан олдин денгиз тугаб қолур», дегин.

Инсон тасавурида сиёҳ илми қайд қилиш воситаси ҳисобланади. Сиёҳ билан ёзилган нарсалар ҳақиқий илм ҳисобланади. Сиёҳ билан ёзилган илм энг кучли, энг кўп илм ҳисобланади.

Денгиз эса, Қуръон нозил бўлган пайтдаги инсонлар тасавуридаги энг чексиз, энг барақали борлиқдир. Хусусан, илмга нисбатан ишлатилганда, бу тасаввур мутлоқ кўпликни, бепоёнликни англатади. Бирор кишининг илми кўплигини баён қилмоқчи бўлсак, фалончи илмда денгиз бўлиб кетган, деймиз.

Оятдаги «денгиз» лафзи барча денгиз жинсини ўз ичига олади. Демак, дунёдаги барча денгизлар сиёҳ қилиб олиниб, уларга яна шунча денгиз сиёҳи қўшилса-да, Аллоҳ таолонинг калималари ёзилса, ўшанча кўп сиёҳ ҳам тугаб қолади, аммо Аллоҳнинг калималари асло тугамайди. Демак, Аллоҳ таолонинг илми шунчалар кўп, чексиз, бепоёндир. Буни юқоридаги қиёсдан тушуниб олсак бўлади. Ана шундай чексиз илмга эга бўлган зот бандаларига раҳим этиб, уларни тўғри йўлга бошлаш учун Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборган. У зот Аллоҳ ўзларига юборган илм – ваҳий орқали кишиларни ҳидоятга бошлайдилар. Шунчалик илм эгаси бўлган Аллоҳнинг Пайғамбари айтган гапларига ишонмаслик эса, ўтакетган гумроҳлиқдир. Ана шунга ишора қилиб, суранинг сўнгида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан шундай деган:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ وَاحِدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١٠٩﴾

110. Сен: «Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта илоҳ экани ваҳий қилинди. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин», дегин.

Яъни, эй Муҳаммад, одамларга ўзингнинг уларга ўхшаган одам эканингни англат. Сен фаришта ёки бошқа бирор нарса эмассан. Ҳаммага ўхшаш оддий одамсан. Бошқалардан фарқинг шуки, сенга Роббингдан ваҳий келади. Ўша қатъий илоҳий илмнинг бир парчаси бўлмиш ваҳий одамларнинг илоҳи яккаю ягона Аллоҳ эканлигини билдиргандир. Демак:

«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин».

Ёмон амални қилишдан ўзини тортсин.

«...ва ўз Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин», дегин.»

Эътиқодда ҳам, амалда ҳам фақат Аллоҳнинг айтганини қилсин.

«Каҳф» сураси ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Улардан баъзиларини эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Имом Бухорий, имом Муслим ва имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Абу Исҳоқ қуйидагиларни айтади: «Ал-Барроснинг қуйидагиларни айтаётганини эшитдим. Бир киши «Каҳф» сурасини ўқиди. Ҳовлида ҳайвон бор эди. Ҳайвон безовта бўла бошлади. Одам қараса, уни булут ўраб турибди. Бўлган ҳодисани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берган эдик, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй фалончи, ўқийвер, у Қуръон тиловати учун тушган сакийнадир», дедилар».

Имом Муслим, имом Насайй ва имом Аҳмад Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Каҳф» сурасининг охириги ўн оятини ўқиса, Дажжол фитнасидан сақланади», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда: «Ким «Каҳф» сураси аввалидан ўн оят ёд олса, Дажжол фитнасидан сақланади», дейилган.

Ҳофиз Абу Бакр ибн Мурдавайҳ, Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Каҳф» сурасини жума куни ўқиса, қиёмат куни унинг қадами остидан нур чиқиб осмону фалакни ёритади ва унинг икки жума орасидаги хатолари кечирилади», деганлар.

Шу маънода бир-бирини қувватловчи ҳадислар анчагина келган.

«Каҳф» сурасининг тафсирини ўрганиб чиққанимиздан кейин бу сурани тез-тез ўқиб туришга тарғиб этувчи ҳадислар аҳамиятини яна ҳам кўпроқ тушунамиз.

Чунки, бу сураи каримада ҳар бир инсон ҳаёти давомида учраши мумкин бўлган фитналар: ҳокимият, подшоҳ, амалдорлар босқиси, молу дунё ишқи, дунё ҳодисалари, мансаб, подшоҳлик ва имкониятлар бекаму кўст бўлиши ва бошқа фитналар ҳақида, улардан четлашиш зарурлиги хусусида баҳс юритилгандир.

Демак, ҳар бир инсон мазкур фитналардан омон бўлиб юриши учун ушбу ҳадиси шарифларга амал қилиб, ҳар куни сураи «Каҳф»-нинг аввалидан ўн оят, ҳар жума эса, аввалидан охиригача тадаббур ила тиловат этиб туришни ўзига вазифа қилиб олса, жуда ҳам яхши бўлади.



МАРЯМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 98 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг «Марям» деб номланиши онамиз Биби Марям шарафларига бўлиб, сурада ул зотнинг ва зурриётлари Ийсо алайҳиссаломнинг қиссалари алоҳида зикр этилгани боисидандир.

Бошқа маккий суралар каби, «Марям» сурасида ҳам тавҳид масаласи бош ўринни тутаяди. Ақийда масалаларига алоҳида эътибор берилаяди. Аллоҳ таолонинг биру борлиги, қайта тирилишнинг ва қиёмат кундаги ҳисоб-китобнинг ҳақлиги, ҳидоят ва залолат аҳллариинг йўллари каби мавзулар муолажа этилаяди.

Ўтган умматлар қисмати баёни суранинг асосини ташкил этади. Сура аввалида Закариё алайҳиссаломнинг қиссалари, сўнгра Яҳё алайҳиссалом қиссалари зикр қилинади. Ниҳоят, сура муборак номлари билан аталган онамиз Биби Марямнинг ажойиб ва фаройиб тақдирлари – Ийсо алайҳиссаломнинг отасиз таваллуд қилишлари, туғилганларидан кейинги ҳодисотлар бирин-кетин баён этилаяди.

Шунингдек, сураи каримада Аллоҳнинг улуғ Пайғамбарларидан Иброҳим алайҳиссаломнинг тарихлари, ул зот билан оталари орасида бўлиб ўтган можаролар, ниҳоят, Пайғамбар алайҳиссаломнинг юртларини тарк этиб кетишлари ҳикоя қилинади. Сўнгра, навбат Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларига келиб, ундан кейин Исмоил алайҳиссалом ва пировард Идрис алайҳиссалом ҳақида сўз юритилади. Мазкур Пайғамбарлар тарихи суранинг учдан икки қисмини ташкил қилади. Бундан муддао пайғамбарлик ва Пайғамбарларнинг асллари ва мақсадлари бирлиги, шунингдек, вазифалари ҳам муштарак бўлиб, кишиларни иймон-эътиқод ва солиҳ амаллар ижросига даъват қилишдан иборат эканини баъшариятга англатишдир. Сурада қиёмат саҳнасидан айрим лавҳалар, одамларнинг даҳшатли кундаги аҳволотлари, хусусан, кофир қавмининг жаҳаннамда ўтин каби ёқилғи бўлишлари таърифланади.

Сура хотимасида Аллоҳ таолонинг фарзанди, шериги ёки тенгдоши зинҳор йўқлиги таъкидланиб, мушриклар қавмининг бу боладаги шак-шубҳалари рад этилаяди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

كَهَيْعَصَّ

1. Кааф, ҳаа, йаа, айн, сод.

Муқаттаот – узилган ҳарфлар ҳақида юқорида ўтган бир неча сураи карималарда маълумот берилди.

ذِكْرُ رَحْمَتِ رَبِّكَ عَبْدَهُ زَكَرِيَّا

2. Бу, Роббингнинг бандаси Закариёга раҳмати зикридир.

Яъни, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, ушбу қисса

«Роббингнинг бандаси Закариёга раҳмати зикридир».

Эй, охирзамон Пайғамбари!

إِذْ نَادَى رَبَّهُ نِدَاءً خَفِيًّا

3. У, Роббига махфий нида қилган чоғини эсла.

Аллоҳдан бирор ҳожатини риёкорона ва хўжақўрсинга эмас, сидқидилдан, ихлос билан илтижо қилиб сўрайдиган одам махфий сўрайди. Шундай илтижоли дуонинг қабули ҳам осон бўлади. Аллоҳ таолонинг барҳақ Пайғамбари Закариё алайҳиссалом ҳам Роббларига махфий дуо билан илтижо қилдилар.

قَالَ رَبِّ إِنِّي وَهَنَ الْعَظْمُ مِنِّي وَأَشْتَعَلَ الرَّأْسُ شَيْبًا وَلَمْ أَكُنْ بِدُعَائِكَ رَبِّ شَقِيًّا

4. У: «Эй Роббим, менинг суякларим мўртлашди, бошга оқ туташди, эй Роббим, сенга дуо қилиш-ла бадбахт бўлмаганман.

وَإِنِّي خِفْتُ الْمَوَالِيَ مِنْ وَرَائِي وَكَانَتِ امْرَأَتِي عَاقِرًا فَهَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا

5. Ва, албатта, мен ортимдаги қариндошлардан қўрқдим. Аёлим туғмас эди. Бас, менга Ўз даргоҳингдан бир валий – орtdан қолгувчи ато эт.

يَرْثِي وَيَرِثُ مِنْ آلِ يَعْقُوبَ ۖ وَاجْعَلْهُ رَبِّ رَضِيًّا ﴿٦٠﴾

6. У менга ва Яъқуб оиласига меросхўр бўлсин. Эй Роббим, уни Ўзинг рози бўладиган қил», деди.

Закариё алайҳиссалом муддаоларини баён этмасларидан бурун, аҳволотлари сабабини зикр этиб, дардларини тўкиб солдилар.

«Эй Роббим, менинг суякларим мўртлашди.»

Суяги мўртлашган одам қариб, бутун вужуди заиф бўлиб қолади.

«...бошга оқ туташди...»

Бошимдаги сочларга оқ таралди. Бу ҳам кексаликнинг аломати.

«...эй Роббим, сенга дуо қилиш-ла бадбахт бўлмаганман.»

Қачонки сенга дуо қилдим, саодатманд бўлдим. Дуоларимни доимо қабул айлаб, мени умидда қатъий қилиб қўйгансан.

«Ва, албатта, мен ортимдаги қариндошлардан қўрқдим.»

Қариб-қартайиб, ўлим яқинлашганда, ортимда қолаётган меросхўр қариндошларим мендан қолажак меросга муносиб эмасликларидан таҳликадаман.

«Аёлим туғмас эди.»

Лойиқ меросхўр бўладиган фарзандим ҳам йўқ. Ортимда қоладиган мерос зое бўлмасин.

«...менга Ўз даргоҳингдан бир валий – орtdан қолгувчи ато эт.»

Роббим, менга фарзанд ато айла!

«У менга ва Яъқуб оиласига меросхўр бўлсин.»

Яъни, менга ва Яъқуб алайҳиссалом авлодларига меросхўр бўлсин. Бу ўринда меросхўрликдан мурод пайғамбарлик ва илмдир. Зеро, Пайғамбарлар молу дунё мерос қолдирмайдилар.

«...Эй Роббим, уни Ўзинг рози бўладиган қил», деди.»

Энг муҳими, ўша фарзанд сени рози қиладиган банда бўлсин. Бу дуо Аллоҳдан фарзанд талаб қилишнинг башариятга тақдим этилаётган юксак намунаси.

Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломнинг бу махфий дуоларини қабул этганини билдириб, у зотга қуйидаги хитобни қилди:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اٰنۡبِشِرُوْا بِرَبِّكُمْ ۗ اِنَّا نَبَشِّرُكُمْ بِعِلۡمٍ اَسۡمٰٓءٍ يَّحۡيٰى لَمْ يَجۡعَلۡ لَّهٗمۡنۡ قَبۡلَ سَمِيًّا ﴿٦١﴾

7. «Эй Закариё, Биз сенга исми Яҳё бўлган бир ўғилнинг хуш-хабарини берамиз. Бундан олдин унга отдош қилган эмасмиз».

Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломга буюк раҳмат назари билан боқди. Ул зотга ўғил фарзанд берди. Фарзанд берибгина қолмай, унга Ўзи Яҳё деб исм ҳам қўйди ва бу исм билан ундан олдин ҳеч ким шарафланмаганини таъкидлади. Буларнинг бари дунёга келаётган фарзандининг келажаги жуда қутлуғлигидан дарак берар эди.

Роббининг бу қадар ҳайратомуз жавобидан Закариё алайҳиссалом шошиб қолдилар:

قَالَ رَبِّ إِنِّي كُنتُ لِي غَلْمٌ وَعَ كَانَتْ أُمْرَاتِي عَاقِرًا وَقَدْ بَلَغْتُ مِنَ الْكِبَرِ عِتِيًّا

8. У: «Эй Роббим, аёлим туғмас бўлса, ўзим қариб-чириб қолган бўлсам, қандай қилиб менинг ўғлим бўлсин?!» – деди.

Закариё алайҳиссалом бу фикрни инсонийлик воқелигидан келиб изҳор этдилар. Одатда, пуштсиз хотиндан бола бўлмайди. Боз устига, унинг жуфти суяклари мўртлашиб, сочлари оқариб, қариб-чириб қолган мўйсафид бўлса, тажрибага кўра, фарзанд туғилмаслиги аён.

Ушбу маҳол дамда Аллоҳ таоло инсоний воқелиқдан ғоят устунлиги, иродаси жамийки ҳодисадан қудратли экани, Унинг учун ҳар бир нарса осонлиги ҳақида сўз очди:

قَالَ كَذَلِكَ قَالَ رَبُّكَ هُوَ عَلَىٰ هَٰئِنٍ وَقَدْ خَلَقْتِكُ مِنْ قَبْلُ وَلَمْ تَكُ شَيْئًا

9. У: «Ана шундай! Роббинг айтдики, бу Мен учун осон. Батаҳқиқ, бундан олдин сени яратдим. Ҳолбуки, сен ҳеч нарса эмас эдинг», деди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Пайғамбари Закариё алайҳиссаломнинг эътиборини жуда оддий ва таъсирли ҳақиқатга жалб этди: «Сен пуштсиз хотин ва қари чолдан зурриёт бўлишига ажабланысан. Аммо бир зум ўзингга боқ.

«У: «Ана шундай! Роббинг айтдики, бу Мен учун осон. Батаҳқиқ, бундан олдин сени яратдим.»

Сени йўқдан яратган Зот пуштсиз хотин ва кекса чолдан фарзанд пайдо қила олмайдими? – деди.

Ҳа, Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодир Зот. Пуштсиз хотинни ҳомилали, кекса чолни фарзанд кўришга лаёқатли қилиш унга ҳеч оғир эмас.

Аллоҳ таолонинг бу хитобини эшитган Закариё алайҳиссалом хушёр тортдилар. Шундай бўлса ҳам, ишончлари янада комил бўлиши учун:

قَالَ رَبِّ اجْعَلْ لِي آيَةً قَالَ آيَتُكَ أَلَّا تُكَلِّمَ النَّاسَ ثَلَاثَ لَيَالٍ سَوِيًّا ﴿١٠﴾

10. У: «Роббим, менга бир белги ато қил», деди. У зот: «Сенинг белгинг саломат ҳолингда одамларга уч кеча гапирмаслигингдир», деди.

Яъни, Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ваъда қилинган ўғилни берганини, аёлининг ҳомиладор бўлганини олдиндан билдирадиган бирор аломат нозил қилишини сўради.

«У: «Роббим, менга бир белги ато қил», деди.»

Аллоҳ таоло фарзанд аломати қилиб Закариё алайҳиссаломнинг соппа-соғ ҳолда уч кун давомида тилдан қолишларини белгилади.

«У зот: «Сенинг белгинг саломат ҳолингда, одамларга уч кеча гапирмаслигингдир», деди.»

Шундай бўлди ҳам. Бу ҳақда Ибн Аббос розияллоху анҳудан қилинган ривоятда: «Ўзи соппа-соғ бўла туриб, тили тутилиб қолди. Бирор одамга гапира олмас, аммо Аллоҳга тасбиҳ айтса ёки Таврот ўқиса, тили очилар эди», дейилади.

Яъни, Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломнинг одамлар жамоатидан узилиб, илоҳий алоқага боғланган ҳолларини фарзанд берилганининг белгиси сифатида зоҳир этди.

فَخَرَجَ عَلَى قَوْمِهِ مِنَ الْمِحْرَابِ فَأَوْحَى إِلَيْهِمْ أَنْ سَبِّحُوا بُكْرَةً وَعَشِيًّا ﴿١١﴾

11. Бас, ўз қавми ҳузурига меҳробдан чиқди ва уларга, эртаю кеч тасбиҳ айтинглар, деб ишора қилди.

Соғлом ҳолда тилдан қолган Закариё алайҳиссалом меҳробда ибодат, тасбиҳ ва Таврот тиловати билан машғул бўлдилар. Меҳробдан чиқиб қавмларига, эртаю кеч Аллоҳга тасбиҳ айтинглар, деб ишора қилдилар. Бу билан қавмларини бирга ибодат қилишга, берилган улуғ неъмат шукронасини адо этишга чорладилар.

Шу нуқтада Закариё алайҳиссаломга тегишли тарих хотима топади. Яхё алайҳиссаломнинг таваллудлари, вояга етишлари, ҳаётларига тааллуқли бошқа тарихлар баён этилмай, бир йўла ул зотга китоб нозил этилиш қиссаси зикр этилади:

يٰٓيَحْيَىٰ خُذِ الْكِتَابَ بِقُوَّةٍ وَّءَاتَيْنَاهُ الْحُكْمَ صَبِيًّا ﴿١٢﴾

12. «Эй Яҳё, китобни қувват-ла ол!» (дедик). Ва унга гўдак-лигидаёқ ҳукми бердик.

Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломга: илоҳий Тавротни қувват билан ол, демоқда. Аслида, Мусо алайҳиссаломга нозил бўлган Тавротни кейин келган Пайғамбарлар, жумладан, Закариё алайҳиссалом ва ул зотнинг ўғиллари Яҳё алайҳиссалом ҳам ўқиб, унга амал қилганлар. Оятдаги:

«Унга гўдаклигидаёқ ҳукми бердик», деган жумлани уламо-ларимиз «илму ҳикмат» мазмунида таъвийл қилганлар.

وَحَنَانًا مِّن لَّدُنَّا وَزَكَاةً وَكَانَ تَقِيًّا

13. Ва Ўз томонимиздан меҳрибонлик ва поклик (бердик). Ҳамда у тақводор эди.

Яъни, Яҳёга китоб, илму ҳикмат билан бирга, меҳрибонлик ва поклик ҳам бердик. Шунингдек, Яҳё алайҳиссалом ўта тақводор зот эдилар.

وَبَرًّا بِوَالِدَيْهِ وَلَمْ يَكُنْ جَبَّارًا عَصِيًّا

14. У ота-онасига меҳрибон бўлиб, жабр-ситам қилгувчи ва исёнчи эмасди.

Яҳё алайҳиссаломнинг фазилатларидан яна бири ота-онага меҳрибонликлари эди. Хусусан, кексалиқда кўрилган фарзанднинг ота-онага меҳрибон бўлиши катта фазлдир.

وَسَلَّمَ عَلَيْهِ يَوْمَ وُلِدَ وَيَوْمَ يَمُوتُ وَيَوْمَ يُبْعَثُ حَيًّا

15. Унга туғилган кунда ҳам, ўладиган кунда ҳам, қайта тириладиган кунда ҳам саломлар бўлсин.

Ибн Атиййанинг айтишларича, Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломга инсон фарзанди энг заиф ва ёрдамга муҳтож бўладиган уч ҳолатда, яъни, туғилган, ўладиган ва қайта тириладиган кунларида саломатлик тилади. Бу жуда улкан саодатдир.

Зикр этилган оятларда кекса ва пуштсиз аёл билан унинг суяк-лари мўртлашиб, сочлари оқариб кетган чолидан фарзанд яралишидек ғаройиб ҳодиса баён этилганидан сўнг, навбатдаги оятларда ундан ҳам ғаройиброқ ҳодисанинг баёни бошланади:

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ مَرْيَمَ إِذِ انْتَبَذَتْ مِنْ أَهْلِهَا مَكَانًا شَرْقِيًّا

16. Китобда Марямни эсла. У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда

فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا

17. Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда, Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди.

Яъни, эй Муҳаммад, бу китобда (Қуръонда) Марямни эсла. Унинг фаройиб қиссасини зикр эт.

Қисса қуйидагича:

«У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанда ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда...»

Байтул Мақдисда яшаётган озода, бокира, тақводор қиз Марям қавмидан ажралиб, шаҳарнинг шарқий томонига ёлғиз чиқди. Нимага чиққанини Аллоҳ билади. Эҳтимол, бўйи етган қизларга хос, биров сезиши мумкин бўлмаган сирли иши бордир. Хуллас, ўша ерга чиқиб, ўзи ва қавми орасида тўсиқ олди. Қавмидан ҳеч ким Марямни кўрмайдиган бўлди. У холи ва ёлғиз қолди. Шунда:

«Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди.»

Яъни, фаришта Жаброил алайҳиссалом Марямга тўла-тўкис одам сиймосида намоён бўлди. Аллоҳ уни яратган асл ҳолатида кўринмади. Чунки, бус-бутун ҳолида кўринса, Марям буткул даҳшатга тушиши мумкин эди.

Марям Жаброилни кўриши билан ҳушёр тортди.

قَالَتْ إِنِّي أَعُوذُ بِالرَّحْمَنِ مِنْكَ إِنْ كُنْتَ تَقِيًّا

18. У: «Мен Роҳмандан сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар тақводор бўлсанг...» деди.

Марям Жаброил алайҳиссалом эркак киши сифатида хилват жойда кўриниши билан, дарҳол ўз иффати ҳақида қайғурди ва унга Аллоҳни эслатди. Менга сенинг ёмонлигинг етишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Агар Аллоҳдан кўрқсанг, менга яқинлашма, деди. Тақводор одам, Аллоҳ таоло эслатилганда ҳар қандай ёвузликдан қайтади. Жаброил алайҳиссалом Марямнинг ҳузурига Аллоҳ томонидан элчи бўлиб келган эди. Шунинг хабарини берди:

قَالَ إِنَّمَا أَنَا رَسُولُ رَبِّكِ لِأَهَبَ لَكِ غُلَامًا زَكِيًّا ﴿١٩﴾

19. У: «Мен Роббингнинг элчисиман, холос, сенга бир пок ўғилни ҳада этиш учун келдим», деди.

Жаброил алайҳиссалом Марямга, таҳликага тушма, сенга тегмайман, мен Роббингнинг сенга юборган элчисиман, сенга пок бир ўғлонни тақдим этиш учун келдим, холос, деди.

Бу ҳол жуда ажойиб, одатдан ташқари фаройиб ҳол эди.

Шу боисдан, Марям қаттиқ ҳайратга тушди.

قَالَتْ أَنَّى يَكُونُ لِي غُلَامٌ وَلَمْ يَمَسِّنِي بَشَرٌ وَلَمْ أَكُ بَغِيًّا ﴿٢٠﴾

20. У: « Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузуқ ҳам бўлмасам?!» – деди.

Марямнинг ҳолати оддий инсоний воқеликнинг кўриниши эди. «Менга бирор эркак тегмаган бўлса, яъни, тан маҳрагим бўлмаса ёки бошқалар билан ношаръий алоқада бўлган бузуқи аёл бўлмасам, қаердан бола бўлиши мумкин?!» – деди.

Марямнинг бу саволига Жаброил алайҳиссалом оддий воқеликдан юқори – илоҳий воқелик хулосасини баён қилди:

قَالَ كَذَلِكَ قَالَ رَبُّكِ هُوَ عَلَىٰ هَدًىٍّ وَلِنَجْعَلَهُ آيَةً لِلنَّاسِ وَرَحْمَةً مِنَّا وَكَانَ أَمْرًا مَّقْضِيًّا ﴿٢١﴾

21. У: «Ана шундай, Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир ва уни одамларга белги қилиш учун ҳамда Биздан раҳмат бўлиши учун, бу ҳукми чиқиб бўлган ишдир», деди.

Жаброил алайҳиссалом: Шундай, Роббинг ирода қилса, башар тегмаса ва бузуқи бўлмасанг ҳам фарзанд бўлаверади, деди.

«...Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир...»

Ҳеч кимсанинг қўли тегмаган, бузуқилик қилмаган пок ва бокира қиз болага фарзанд ато этиш Мен учун жуда ҳам ўнғайдир, деди.

«...уни одамларга белги қилиш учун...»

Яъни, Биз сенга бу фарзандни одамларга Аллоҳингнинг қудратига, холиқлигига ва тадбиркорлигига белги бўлиши учун ато қилмоқдамиз.

Одамлар Аллоҳ жорий этган табиий қоидаларга одатланиб қолганлар. Шу боис, бу ҳодисаларнинг ҳар лаҳзада содир бўлиб туришини қонуний ёки мажбурий нарсалар деб биладилар. Бу қоидалар

уларнинг кўз ўнгида кўп такрорланаверганидан шу қарорга келганлар. Бироқ ушбу қоидаларни жорий этган Аллоҳ учун айрим ҳолларни истисно этиш ҳам ҳеч гап эмас.

Эркак ва аёлнинг жинсий унсиятидан фарзанд пайдо бўлишини Аллоҳ таоло умумий қоида қилиб қўйган. Аслида, эркак ва аёл қўшилган тақдирда ҳам, Аллоҳнинг хоҳиши бўлсагина, фарзанд яралади. Бу ҳақиқатни кўпчилик унутиб қўяди. Унутиладиган ҳақиқатларни бандалар ёдига солиб туриш учун Аллоҳ таоло ҳар замонда мазкур умумий қоидаларга хилоф ишларни ҳам юзага келтиради. Баъзи бир эр ва аёлларни фарзандсиз қилиб қўяди. Агар эркак ва аёлнинг қўшилишигина бола яралишининг асосий омили бўлса, нима сабабдан барчанинг ҳам фарзанди бўлавермайди? Шунингдек, қартайиб қолган кишилардан фарзанд бўлмаслиги ҳам умум одамлар учун табиий қоида, аммо Аллоҳ хоҳласа, Закариё алайҳиссаломга бергандек, кекса жуфтларга ҳам фарзанд ато қилаверади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир, чунончи, хотини бўлмаса ҳам, эркакнинг ўзидан аёл пайдо қилади. Одам Атодан Момо Ҳавони яратганидек. Аксинча, эркак бўлмаса ҳам, аёлнинг бир ўзидан фарзанд яратиши мумкин. Биби Марямдан Ийсо алайҳиссаломни яратгани каби. Шунингдек, Одам Атони йўқдан бор қилганидек, на эр ва на аёлсиз ҳам турфа махлуқларни ҳаёт саҳнига келтиради.

Мулоҳаза қилсак, мазкур ҳодисаларнинг барчасида ҳам Аллоҳ таоло Ўзи яратган сабабчи омилларни ишга солади. Чунки, У зот бу дунёни шу асосда яратган. Аслида, бир оғиз «**Бўл!**» деса, Одам Ато бино бўларди. Аммо бундай қилмади. Даставвал, уни Ўз қўли билан лойдан одам шаклида ясади, бир муддатдан кейин унинг ичига жонни киритди.

Шунга ўхшаб, Закариё алайҳиссаломга ҳам тайёр ўғилни шундоқ тутқазиб қўймади. Пуштсиз кампири билан қўшилганидан кейин аёл ҳомиладор бўлди. Ҳомила пайдо бўлганининг белгиси сифатида Закариё алайҳиссаломни уч кун тилсиз қилиб қўйди. Ниҳоят, фарзанд одатдагидек табиий йўсинда дунёга келди.

Шунингдек, Одам Атодан Момо Ҳавони яратишда ҳам ўзига хос бир қанча тадбирлар амалга оширилган.

Энди, бокира Марямдан, эркаксиз, бола пайдо қилиш жараёни қандай кечганига келайлик. Биз ўрганаётган оятларда айтилганидек, Жаброил фаришта алайҳиссалом Марямга йўлиқди-да, унинг кўйлаги ёқасидан пуфлади.

﴿ فَحَمَلَتْهُ فَانْتَبَذَتْ بِهِ مَكَانًا قَصِيًّا ﴾

22. Бас, унга ҳомиладор бўлди. Сўнгра, у билан узоқ маконга четланди.

Яъни, Жаброил алайҳиссалом Марямнинг ёқасидан пуфлаганидан кейин у Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлди.

«Сўнгра, у билан узоқ маконга четланди.»

Чунки, бокира қиз ҳали турмуш қурмай, туйқусдан ҳомиладор бўлиб, қавми назарига тушишдан андиша қилиши табиий бир ҳол эди.

Кейин нима бўлганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо навбатдаги оят Марямнинг тўлғоқ тутганлиги воқеаси билан бошланади:

فَأَجَاءَهَا الْمَخَاضُ إِلَى جِذْعِ النَّخْلَةِ قَالَتْ يَلَيْتَنِي مِتُّ قَبْلَ هَذَا وَكُنْتُ نَسِيًّا مَنْسِيًّا ﴿٢٢﴾

23. Бас, тўлғоқ уни хурмо танасига олиб борди. У: «Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», деди.

Ҳомиладор бўлиб қолганидан ҳижолат бўлиб, одамлар кўзидан қочиб юрган бокира Марямни тўлғоқ тутди. Уят, андиша ва хижолатпазликларга тўлғоқ алами қўшилди. Боз устига, тажрибасиз ёш қиз ўзи ёлғиз эди. Тўлғоқ азоби зўрайгач, хурмо танасини маҳкам тутди ва чидай олмай:

«Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», деди.

Ибодатхонада вояга етган, поклиги ва тақвоси билан машҳур бўлган бокира қиз учун эрсиз бола туғиш ўлимдан ва бутунлай унутилиб кетишдан ҳам даҳшатли эди.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Хижолатдан ўлимига рози бўлиб турган Марямга:

فَنَادَتْهُمَا مِنْ تَحْتِهَا أَلَا تَحْزَنِي قَدْ جَعَلَ رَبُّكِ تَحْتَكِ سَرِيًّا ﴿٢٣﴾

24. Унинг остидан: «Маҳзун бўлма, батаҳқиқ, Роббинг остингдан оқар сув қилди.

وَهَزَىٰ إِلَيْكِ بِجِذْعِ النَّخْلَةِ تُسْقِطُ عَلَيْكَ رَطْبًا جَنِيًّا ﴿٢٤﴾

25. Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади», деб нида қилди.

Тафсирчи уламоларимиз ушбу ояти каримани икки хил талқин қиладилар. Баъзилар «Унинг остидан» иборасини «хурмонинг ости-

дан» маъносида, «нидо қилди» иборасини, «фаришта нидо қилди» мазмунида шарҳлаганлар. Айрим уламолар эса, «Унинг остидан»ни «Марямнинг остидан» ва «нидо қилди»ни, «Ийсо нидо қилди», деган мазмунда талқин этганлар.

Биз иккинчи гуруҳ фикрига қўшилаемиз. Тил ва ибора жиҳатидан ҳар икки томоннинг ҳам талқини тўғри. Лекин, бизнингча, эътибор жиҳатидан иккинчи томоннинг фикри устун. Чунки, ушбу ҳодиса бошидан охиригача фаройиботга тўла. Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари баробарида гапирганлари маълум ва машҳур. Агар юқоридаги нидо фариштанing Биби Марямга нидоси эди, десак, ҳодисанинг фаройиблиги йўқ бўлади. Аммо, дунёга эндигина келган мурғак гўдак нидо қилди, десак, бу энг фаройиб ҳодисанинг исботи бўлади. Бунинг устига, тўлғоқдан сўнг довдираб турган онасига нималар қилиш кераклигини ўргатди.

«Маҳзун бўлма...»

Яъни, бу ҳодисадан маҳзун бўлма,

«...батаҳқиқ, Роббинг остиндан оқар сув қилди.»

Мазкур маконда сув йўқ эди. Аллоҳ унда сув пайдо қилди. Ундан ювинасан ва ичасан.

«Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади...»

У сенинг тановул қилмоғинг учундир.

Хурмо кўзи ёриган аёллар учун энг яхши таом эканлиги маълум.

Сўнг, Ийсо алайҳиссалом оналарига қилган нидосини давом эттирдилар:

فَكُلِي وَأَشْرِي وَقَرِي عَيْنًا فِيمَا تَرِينَ مِنَ الْبَشَرِ أَحَدًا فَقُولِي إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَنِ صَوْمًا
فَلَنْ أَكَلِمَ الْيَوْمَ أَنْسِيًا ﴿٦٣﴾

26. Е, ич ва кўзинг қувонсин. Бас, бирор одамни кўрар бўлсанг: «Мен Роҳманга рўза назр қилдим. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмасман», дегин.

Яъни, хурмодан е, сувдан ич ва фарзандингга боқиб қувонгин. Сени бу фаройиб ҳолда кўрган одамлар турли саволлар бериши мумкин. Сен уларга оғиз оча кўрма. Ишора билан, «Мен Роҳман сифатли Аллоҳга рўза назр қилдим, ибодатдаман. Бугун инсон зотига зинҳор гапирмайман», дегин. Биби Марямга ўзларини бундай тутиш тавсия қилинганининг яширин ҳикмати бўлиб, бу ҳикмат воқеа ривожда намоён бўлади.

فَأْتَتْ بِهِ قَوْمَهَا حَمَلَةً قَالُوا يَا مَرْيَمُ لَقَدْ جِئْتِ شَيْئًا فَرِيًّا ﴿١٧﴾

27. Бас, уни кўтариб қавмига олиб келди. Улар: «Эй Марям, сен ажойиб нарса келтирдинг-ку!»

يَتَأَخْتَهُنَّ مَا كَانَ أَبُوكِ أَمْرًا سَوْءًا وَمَا كَانَتْ أُمُّكِ بَغِيًّا ﴿١٨﴾

28. Эй, Ҳорун синглиси, отанг ёмон одаммас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!» – дедилар.

Биби Марям чақалоқ Ийсо алайҳиссаломни кўтариб қавми ҳузурига олиб борди. Қавм бу ҳолни кўриб ҳайратга тушди. Дарҳол, Марямни тергаб, дашном бера бошлади.

Улар:

«Эй Марям, сен ажойиб нарса келтирдинг-ку!» – дедилар. Қавмнинг бу зардаси: «Бола кўтариб келишинг нимаси?» деган маънони англатарди. Қавм Марямни тергашда давом этиб:

«Эй, Ҳорун синглиси, отанг ёмон одаммас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!» – дедилар.

Аслида, Биби Марям Мусо алайҳиссаломнинг биродари Ҳорун алайҳиссаломнинг синглиси эмас, балки ул зотнинг наслидан эди. Шунинг учун, қавм Марямга Ҳоруннинг нисбатини бериб, «Ҳорун синглиси» деб мурожаат қилмоқдалар. Отанг Имрон ёмон одам эмас эди, онанг Ҳанна ҳам бузуқ хотин эмас эди, сен қандай қилиб эрга тегмай туриб бола туғиб олдинг, демоқчи бўлдилар. Қавм буни очиқ айтмаса ҳам, унинг таънасида шу маъно англашилади. Биби Марямни зинокорликда айблашга ишорат очиқ-ойдин сезилиб турибди.

Шу ўринда Биби Марямга одамларга оғиз очмаслик ҳақида берилган тавсиянинг ҳикмати намоён бўлади. У ҳеч кимга гапириб ўтирмади-да:

فَأَشَارَتْ إِلَيْهِ قَالُوا كَيْفَ نكَلِمُ مَنْ كَانَ فِي الْمَهْدِ صَبِيًّا ﴿٢٩﴾

29. Бас, унга ишорат қилди. Улар: «Бешиқдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!» – дедилар.

Биби Марям ҳар қанча уриниб, уларга ҳақиқатни тушунтирса ҳам, улар, ўзини оқлашга, деб гумон қилишлари аниқ эди. Шунинг учун, ўзи бир оғиз ҳам гапирмасдан, бундан сўранглари, дегандек,

гўдак Ийсо алайҳиссаломга ишора қилди. Шунда қавм аввалгидан ҳам ҳайратда қолди ва:

«Улар: «Бешиқдаги ёш бола ила қандай гаплашамиз?!» – дедилар».

Бешиқдаги бола ҳеч қачон гапирмайди. Аммо Аллоҳ ҳар нарсага қодир. У хоҳлаган иш бўлади. Бешиқдаги гўдак Ийсо алайҳиссалом тилга кирдилар.

قَالَ إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ آتَنِيَ الْكِتَابَ وَجَعَلَنِي نَبِيًّا ﴿٣٠﴾

30. У: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени Пайғамбар қилди.

وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنْتُ وَأَوْصِنِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ مَا دُمْتُ حَيًّا ﴿٣١﴾

31. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди.

وَبَرًّا بِوَالِدِي وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَّارًا شَقِيًّا ﴿٣٢﴾

32. Мени волидамга меҳрибон қилди ва жабр-ситам қилгувчи, бадбахт қилмади.

وَالسَّلَامُ عَلَيَّ يَوْمَ وُلِدْتُ وَيَوْمَ أَمُوتُ وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا ﴿٣٣﴾

33. Менга тувилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир», деди.

Бешиқда ётган Ийсо алайҳиссаломнинг тилларидан ёш боланинг эмас, улулазм Пайғамбарнинг сўзлари янгради. Бу илоҳий ҳақиқатлар ҳозиргача янглиш бўлиб келаётган эътиқод, тасаввур ва туншунчаларни тўғрилайди. Ийсо алайҳиссалом таълимоти, ул зот шахси ҳақидаги ботил ғояларни муолажа қилади.

Ул зот алайҳиссаломнинг гапларига эътибор берайлик:

«Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман».

Ҳа, таъкидлаб айтаманки, «Мен Аллоҳнинг бандасиман». Аллоҳ эмасман. Унинг шериги ҳам эмасман. Учликнинг бири ҳам эмасман. Аллоҳнинг ўғли ҳам эмасман. Мен Аллоҳнинг бандасиман, инсонман.

«У менга китоб берди...»

Аллоҳ менга илоҳий китоб – Инжилни берди. Инжилни мен берганим йўқ.

«...ва мени Пайғамбар қилди.»

Аллоҳ таоло мени Ўзига Пайғамбар қилди. Билиб қўйинглар, мен Аллоҳнинг Пайғамбариман. Мен Аллоҳ эмасман.

«Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди.»

Мен қаерга борсам, Аллоҳ ўша ерни хайр-баракотли, бандаларга саодат келтирадиган макон қилиб қўйди. Менинг оёғим етган жойлардаги баракотларни ўзим ҳосил қилмайман. Бу, якка ва ягона, шериксиз Аллоҳнинг қудрати.

«Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди.»

Бу ҳам менинг Аллоҳнинг бандаси эканимдан далолат. Чунки, ҳаёти давомида намоз ўқиб, закот бериш банданинг вазифасидир.

«Мени волидамга меҳрибон қилди...»

Марям – менинг онам. Худо эмас. Мен инсонман, мени инсон туққан. Инсон боласи онасига меҳрибон бўлганидек, мен ҳам онамга меҳрибонман. Аллоҳ мени:

«...жабр-ситам қилгувчи, бадбахт қилмади.»

Онамга меҳрибон бўлганимдек, бошқа инсонларга ҳам шафқатлиман, ҳеч кимга жабр-ситам етказмайман.

«Менга туғилган кунимда ҳам...»

Башар каби туғилган зот ҳеч қачон Худо бўла олмайди. Демак, Ийсо ҳам туғилди. У Худо бўлиши мумкин эмас.

«...ўладиган кунимда ҳам...»

Демак, Ийсо ўлади. Бу сифати ҳам у зот алайҳиссаломнинг Худо бўлиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Ўлиш бандага хос ҳодиса бўлиб, Худога хос эмас.

«...ва қайта тириладиган кунимда ҳам...»

Қайта тирилиш ҳам бандага хос.

«...салом бордир», деди.»

Яъни, менга ҳар уч ҳолатимда – туғилган, ўлган ва қайта тирилган кунимда саломатлик, омонлик ва хотиржамлик бордир.

Диққат қиладиган бўлсак, Аллоҳнинг бандаси ва Пайғамбари бўлмиш Ийсо алайҳиссаломнинг бу сифатлари у зотдан олдин келган Яҳё алайҳиссалом сифатларининг айнан ўзи. Бу ҳам Ийсо алайҳиссалом Худо эмас, Худонинг Пайғамбари эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Қисса шу нуқтада хотима топади. Давомида Аллоҳ таоло ба-шариятнинг тенг ярмини доводиратиб турган ғоят чигал масалага яқун ясайди ва Ийсо алайҳиссаломнинг кимликларини қатъий қилиб англатади.

ذَلِكَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ قَوْلَ الْحَقِّ الَّذِي فِيهِ يَمْتَرُونَ ﴿٣٤﴾

34. Мана шу, шубҳа қилишаётган Ийсо ибн Марям тўғрисидаги ҳақ сўздир.

Бундан ўзга ҳақ сўз бўлиши мумкин эмас.

Бошқалар ул зот ҳақида фақат шубҳали ва норасо сўзлар айтадилар, холос. Баъзилар уни «худо» дедилар, баъзилар оналари Биби Марямни зинокорликда айбладилар. Турли-туман шубҳали фикрлар оламни тутди. Бу қуруқ ва асоссиз сўзларга эмас, Аллоҳнинг ҳақ каломига ишониш керак.

مَا كَانَ لِلَّهِ أَنْ يَتَّخِذَ مِنْ وَلَدٍ سُبْحَانَهُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ ﴿٣٥﴾

35. Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан покдир. У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади.

Болалик бўлиш ва уни сақлаб вояга етказиш бандога хос иш. Чунки, банданинг умри қисқа, ўзидан кейин ному насаб қолдириши учун болага муҳтож бўлади. Аллоҳ эса, бунга муҳтож эмас. У доимо ва абадий боқийдир.

Шунингдек, бола бандаларга заиф бўлганликлари учун керак. Улар дунёвий ишларида болаларнинг ёрдамига муҳтождирлар. Аллоҳ таоло ҳеч қандай ёрдамчига муҳтож эмас.

«У бундан покдир.»

У ҳеч нарсага ҳожатманд эмас. У ҳамма нарсага қодир. Хоҳлаган ишини хоҳлаган вақтида бажаради.

«У бир ишни истаса, унга «Бўл!» дейди. Бас, бўлади.»

Бошқа бир бажарувчи, ёрдамчи, ўринбосар ёхуд муовиннинг унга кераги йўқ.

Кейинги оят Ийсо алайҳиссаломнинг бешиқда ётган ҳолда қавмларига айтган гапларидан бир ҳисса ҳисобланади:

وَإِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٣٦﴾

36. «Ва, албатта, Аллоҳ менинг Роббимдир ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир.»

Аллоҳ таоло барчамизнинг Роббимиз. Шу жумладан, менинг ҳам Роббимдир. Отам ёки шеригим эмас. Мен Унинг бандаси — қулиман. Мен Унга қулик қиламан. Бас, сиз ҳам Унга қулик қилинг.

«Мана шу тўғри йўлдир.»

فَاخْتَلَفَ الْأَحْزَابُ مِنْ بَيْنِهِمْ فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ مَّشْهَدِ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٣٧﴾

37. Сўнгра, фирқалар ўзаро ихтилофга тушдилар. Куфр келтирганларга буюк кундаги кўринишдан вой бўлсин.

Ушбу ояти каримадаги «фирқалар»дан мурод Ийсо алайҳиссалом хусусида ихтилофга борган яҳудий ва насоро фирқаларидир. Насоролар Ийсо алайҳиссаломни «худо» десалар, яҳудийлар у зотни «валади зино» деб тўхмат қилиб, ихтилофга тушдилар. Шунингдек, яҳудийларнинг ўзлари ҳам Ийсо алайҳиссалом борасида ўзаро турли ихтилофларга тушдилар.

Насоролар ҳозиргача Ийсо алайҳиссалом хусусида ихтилофдалар. Улардан баъзилари: Ийсо Аллоҳдир, у ерга тушиб, хоҳлаган қавмни тирилтиради, хоҳлаган гуруҳни ўлдиради, сўнгра яна фалакка чиқиб кетади, дейишади. Бошқа бирлари: Ийсо Аллоҳнинг ўғли, деса, учинчилари: Ийсо ота, ўғил ва муқаддас руҳдан иборат учликнинг бири, дейди; тўртинчилари эса: Ийсо ота худо, она худо ва бола худодан бири – бола, ўғил худо, дейдилар.

Уларнинг орасида «Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси, Расули, руҳи ва калимаси» дейдиганлар ҳам бор. Бу мавзудаги кескин ихтилофлар авжига чиққан кезларда катта йиғинлар ўтказилиб, бир қарорга келишга уринишлар ҳам бўлган. Аммо ҳанузгача мазкур ихтилофлар давом этиб келмоқда.

Ана ўшаларнинг ҳоли буюк кунда – қиёматда вой бўлади.

أَسْمِعْ بِهِمْ وَأَبْصِرْ يَوْمَ يَأْتُونََنَا لَكِنِ الظَّالِمُونَ الْيَوْمَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾

38. Бизга келадиган куни қандай ҳам яхши эшитарлар, қандай ҳам яхши кўрарлар. Лекин золимлар бугунги кунда очиқ залолатдадирлар.

Шунинг учун, бу дунёда ҳар нарсани эшитиб, кўриб турсаларда, ибрат олмайдилар. Ҳолбуки, бу дунё эшитилган ва кўрилганлардан ибрат олиш дунёси эди. Ишни ўнглаб олиш даври эди. Аммо, улар бундай қилмай яшаб ўтдилар. Қиёмат қоим бўлиб, Бизнинг ҳузуримизга келганларида эса, шунақа эшитадиларки, шунақа кўрадиларки, асти қўяверасиз. Аммо, унда кеч бўлади. У кунги эшитганлари ва кўрганларидан заррача фойда йўқ.

وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٩﴾

39. Уларни ҳасрат кунидан, иш битмиш пайтидан огоҳ қил. Улар ғафлатдадирлар, улар иймон келтирмаслар.

Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, сен одамларни ҳасратлар куни бўлмиш қиёматдан огоҳлантир. У кунда ҳукм ўқилиб, иш яқунланган бўлади. Улар ана шу кунга довур ўзларини ўнглаб олсинлар. Ҳозир эса:

«Улар ғафлатдадирлар, улар иймон келтирмаслар».

Улар ғафлат уйқусини тарк этиб, иймонга, Исломга келсинлар.

إِنَّا نَحْنُ نَرِثُ الْأَرْضَ وَمَنْ عَلَيْهَا وَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴿٤٠﴾

40. Албатта, Биз ерга ва унинг устидаги кимсаларга меросхўр бўламиз ва Бизгагина қайтурлар.

Замин умри, унинг саҳнидаги жамики кимсаларнинг ҳаёти ҳам битади. Ҳамма нарсага меросхўр бўлиб биргина Биз қоламиз. Жумлаи одамзот фақат Бизгагина қайтарилдилар. Бу қиёмат кунидир. Ўшанда ҳаёти дунёда қилган ҳар бир ишларидан сўраладилар.

Келгуси ояти карималарда Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари баён қилинади:

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّهُ كَانَ صِدِّيقًا نَبِيًّا ﴿٤١﴾

41. Китобда Иброҳимни эсла. Албатта, у сиддиқ ва Набий бўлган эди.

Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, Қуръонда Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссасини зикр қил. У сиддиқ – ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри, шунинг баробарида, Набий – Пайғамбар бўлган эди. Иброҳим алайҳиссаломнинг сиддиқлик сифатлари «кўп тасдиқловчи» маъносини ҳам англатади.

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ لِمَ تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِي عَنْكَ شَيْئًا ﴿٤٢﴾

42. Қачонки у отасига: «Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласан?»

يَتَابَتِ إِنِّي قَدْ جَاءَنِي مِنَ الْعِلْمِ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَاتَّبِعْنِي أَهْدِكَ صِرَاطًا سَوِيًّا ﴿٤٣﴾

43. Эй отажон, албатта, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргаш, сени тўғри йўлга бошлайман.

يَتَابَتِ لَا تَعْبُدِ الشَّيْطَانَ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلرَّحْمَنِ عَصِيًّا ﴿٤٤﴾

44. Эй отажон, шайтонга ибодат қилма. Албатта, шайтон Роҳманга осий бўлгандир.

يَتَابَتِ إِنِّي أَخَافُ أَنْ يَمَسَّكَ عَذَابٌ مِنَ الرَّحْمَنِ فَتَكُونَ لِلشَّيْطَانِ وَلِيًّا ﴿٤٥﴾

45. Эй отажон, албатта, мен сени Роҳман томонидан азоб тутишидан ва шайтонга дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман», деган эди.

Ушбу тўрт ояти каримада «Пайғамбарлар отаси» лақабини олмиш зот, Аллоҳнинг улуғ Пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз оталарини Аллоҳнинг ибодатига чақиришлари баён қилинмоқда. Иброҳим алайҳиссалом оталарини тўғри йўлга даъват этишдан олдин, ота нотўғри йўлда эканини савол йўсинида баён қилдилар.

«Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласан?»

Иброҳим алайҳиссаломнинг қавмлари, шу жумладан, оталари ҳам, ўзлари ясаб олган жонсиз бутларга ибодат қилишар эди. Табиийки, бутлар ҳаётсиз бўлганларидан, ҳеч нарсани эшитмайди ва кўрмайди. Шу боисдан, ўзига ибодат қилаётган мушрикларни кўрмаслиги, уларнинг дуоларини эшитмаслиги табиий. Жонсиз, ҳиссиз нарса бировга на фойда, на зиён етказа олади. Иброҳим алайҳиссалом жўяли савол ила ушбу ҳақиқатни оталарига эслатдилар.

Аслида, инсоннинг ибодати унинг ўзидан кўра олий, олим ва қудратли зотга таважжуҳ этиш — юз тутиш ила бўлмоғи лозим. Ана шунда инсон ўз мақомидан чандон юқори мақомга юзланади. Инсоннинг ҳайвондан ҳам тубан, жонсиз бир нарсага юзланиши, ёлвориши, розилигини топишга уриниши, унга қурбонликлар келтириши ўз қадрини ерга уриш, ўзини жонсиз нарсалардан ҳам паст деб тан олишдир. Бу иш инсоният учун улуғ иснодир.

«Эй отажон, албатта, сенга келмаган илм менга келди.»

Яъни, менга, ваҳий йўли билан, Худони таниш, сифатларини англаш, Унга қандай ибодат қилиш илми – сен билмаган илм келди.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, Иброҳим алайҳиссалом оталарига олий мақомдаги одоб билан мурожаат қилмоқдалар. «Сен кофирсан, мушриксан», каби оғир гапларни айтмаяптилар. Шунингдек, «Мен Пайғамбарман, Аллоҳнинг халилиман», каби ўз шаънларини тавсифлаш ҳам йўқ. Балки, бу гапларни ўзимча тўқиб эмас, менга келган илм асосида гапирмоқдаман, демоқдалар.

«Бас, менга эргаш, сени тўғри йўлга бошлайман.»

Чунки, мен сен билмаган нарсани биламан.

Демак, дин-диёнат ишида ёши катта ёки ота-бола деган мулоҳаза бўлмас экан. Кичик ўзидан каттага, бола ўз отасига залолат йўлини тарк этиб, ҳидоят йўлида юришни англантиши зарур.

«Эй отажон, шайтонга ибодат қилма.»

Яъни, шайтоннинг айтганини қилма, унинг йўлига юрма. Бутга сиғиниш ҳам шайтоннинг иши. Бу ботил амалга шайтон бошлайди. Бинобарин, бутга ибодат қилиш шайтонга ибодат қилишдир.

«Албатта, шайтон Роҳманга осий бўлгандир.»

Роҳманга осий бўлган шайтонга баъда қандай ибодат қилиши мумкин? У ҳолда шайтондан ҳам тубан бўлиб қолади-ку?! Ҳа, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилмаганлар, фақат Унинг кўрсатмалари асосида яшамаганлар шайтондан ҳам баттардирлар.

«Эй отажон, албатта, мен сени Роҳман томонидан азоб тутишидан ва шайтонга дўст бўлиб қолишингдан қўрқаман.»

Яъни, агар шу тарзда шайтонга эргашиб юраверсанг, албатта, Роҳманнинг азобига дучор бўласан. Унда бир йўла шайтонга дўст бўлиб қоласан. Бу эса, энг ёмон оқибатдир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг лутф ила қилаётган куюнчақликлари отанинг тош қотган мушрик қалбига таъсир қилмади. Ўғлининг пурҳикмат гапларига қўполлик, дағаллик ва таҳдид ила жавоб берди:

قَالَ أَرَأَيْتَ أَنْتَ عَنِ الْهَتَىٰ يٰأَبْرَاهِيمُ لِيْنَ لَمْ تَنْتَه لَأَرْجَمَنَّكَ وَأَهْجُرَنِي مَلِيًّا

46. У: «Эй Иброҳим, сен менинг худоларимдан юз ўгирувчими-сан?! Қасамки, агар тўхтамасанг, сени, албатта, тошбўрон қиламан! Мендан узоқ кет!» – деди.

Яъни, «Эй Иброҳим, ҳали сен менинг худоларимдан юз ўгириясанми?! Уларга ибодатдан бош тортяпсанми?! Билиб қўй! Қасам

ичиб айтаманки, агар уларни таҳқирлашдан тўхтамасанг, сени ўлим кутади, албатта, тошбўрон қиламан. Йўқол! Кўзимга кўринма! Мендан узоқ кет!» – деди.

Бундай қаттиқ таҳдиддан кейин ҳам Иброҳим алайҳиссалом жаҳл қилмадилар. Босиқлик билан гапларида давом этдилар.

قَالَ سَلِّمْ عَلَيْكَ سَأَسْتَغْفِرُ لَكَ رَبِّي إِنَّهُ كَانَ بِي حَفِيًّا

47. У: «Омон бўл. Энди Роббимдан сени мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У менга жуда ҳам лутфли, марҳаматлидир.

Яъни, нима десанг ҳам майли, омон бўл. Сен билмай жоҳиллик қиялсан. Энди мен Роббимдан сенинг гуноҳингни кечиришини, гумроҳлигинг жазоси сифатида залолатда бардавом қолдирмасдан, ҳидоят йўлига ўтишинг учун имконият яратишини сўрайман. У зот доимо менга марҳаматли бўлган. Қачон бир нарсани сўраб дуо қилсам, ижобат айлаган. Бу гал ҳам шундай бўлса, ажаб эмас.

Агар менинг даъватим сизларга ёқмаётган бўлса, сизларнинг орангизда туришимни хоҳламаётган бўлсангиз:

وَأَعْتَزِلْكُمْ وَمَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَأَدْعُوا رَبِّي عَسَىٰ أَلَّا أَكُونَ بِدُعَاءِ رَبِّي شَقِيًّا

48. Мен сизлардан ҳам, Аллоҳдан ўзга илтижо қилаётган нарсангиздан ҳам четланаман ва Роббимга илтижо қиламан. Шояд-ки, Роббимга илтижо қилиш ила бадбахт бўлмасам», деди.

Яъни, мен сизлардан ҳам, бутларингиздан ҳам четланаман. Узоққа кетаман. Сизлар билан туриш менга ҳавас эмас. Мен ўз Роббимга ибодат қиламан. Албатта, Роббимга ибодат қилиш ила ҳеч қачон бадбахт бўлмайман.

Тафсирчиларимиз, «шояд» сўзи Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилганда «албатта» маъносини англатади, деганлар.

Бу гаплардан сўнг Иброҳим алайҳиссалом юртларидан ҳижрат қилиб чиқиб кетдилар. Золим қавмдан четландилар.

فَلَمَّا أَعْتَزَلْتَهُمْ وَمَا يَعْجُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا جَعَلْنَا نَبِيًّا

49. Бас, улардан ва улар Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсадан четланганида, Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини Пайғамбар қилдик.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳни деб, У зотнинг динини деб, ўз ватанлари, қавм-қариндошларини тарк этиб, ҳижрат қилган эдилар. Аллоҳ таоло у зотни ёлғиз қўймади. Қариб қолган бўлсалар ҳам, Исҳоқ ва Яъқубни берди. Яъни, у кишига пуштсиз хотинлари Биби Сорадан Исҳоқ исми ўфил ато этди. Исҳоққа эса, Яъқуб исми ўфил берди. Иброҳим алайҳиссаломнинг насабини бардавом айлади. Энг муҳими, уларнинг ҳаммасини Пайғамбар қилди. Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида қилган ҳижратлари эвазига мушрик қариндошлар ўрнига Пайғамбар зурриётлар берди.

وَوَهَبْنَا لَهُم مِّن رَّحْمِنَا وَجَعَلْنَا لَهُمْ لِسَانَ صِدْقٍ عَلِيمًا ﴿٥٠﴾

50. Ва уларга Ўз раҳматимиздан ҳадя этдик ҳамда уларга ростгўй ва олий тил бердик.

Яъни, биз уларга – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб алайҳимуссаломларга Ўз раҳматимизни – илм, маърифат, амал, мол-дунё, хуллас, икки дунё саодатини ато этдик.

«...ҳамда уларга ростгўй ва олий тил бердик.»

Улар даъватларида содиқ – ростгўй бўлдилар. Тиллари доимо олий – устун эди. Кишилар уларнинг оғзидан чиққан гапларни жон деб тинглайдиган ва уларга амал қиладиган бўлдилар.

Кейинги оятларда Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари Исҳоқ алайҳиссаломдан бўлган зурриётлари Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар қиссаси зикр этилади:

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ مُوسَىٰ إِنَّهُ كَانَ مُخْلَصًا وَكَانَ رَسُولًا نَّبِيًّا ﴿٥١﴾

51. Китобда Мусони эсла. Албатта, у танлаб олинган набий ва Расул эди.

Эй Муҳаммад, илоҳий Китоб – Қуръонда Мусо алайҳиссаломнинг қиссасини эсла. У Аллоҳ таоло томонидан танлаб олинган бандда: ҳам Набий ва ҳам Расул эди. Биз Аллоҳ томонидан бандаларга етказиш учун кўрсатмалар олган шахсни Пайғамбар деб одатланиб қолганмиз. Аслида эса, Пайғамбарлик моҳият жиҳатидан икки турлидир. Бир турларига «Набий», бошқаларига «Расул» дейилади. Набийлар Аллоҳдан ваҳий келган, бироқ китоб берилмаган, шунингдек, даъватлари кенг оммага эмас, ўзлари учунгина кифоя қилган зотлардир. Расуллар Аллоҳ томонидан ваҳий берилган, даъватлари кенг оммага мўлжалланган зотлар ҳисобланадилар. Мусо алайҳисса-

лом ушбу икки сифатни ўзларида мужассам қилган Пайғамбарлардан биридирлар.

وَنَدَيْنَهُ مِنْ جَانِبِ الطُّورِ الْأَيْمَنِ وَقَرَّبْنَاهُ نَجِيًّا

52. Биз унга Турнинг ўнг томонидан нидо қилдик ва муножот учун Ўзимизни яқинлаштирдик.

Яъни, Биз Мусога Тур тоғининг ўнг томонидан нидо қилдик. Нидо қандай тарзда бўлганининг тафсили бошқа сураларда баён қилинган. Бу сураи каримада эса, сиёққа мос равишда бир эслатма шаклида келтирилмоқда, холос.

«...ва муножот учун Ўзимизни яқинлаштирдик.»

Яъни, Мусо алайҳиссаломни инсониятга муножот қилиш учун ўзимизга яқинлаштирдик. У билан фаришта воситасисиз, бевосита мулоқот қилиш учун шундай қилдик.

Бу эса, ўз навбатида, Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло томонидан қанчалик лутфу марҳаматга сазовор бўлганликларини яққол кўрсатади.

وَوَهَبْنَا لَهُ مِنْ رَحْمِنَا أَخَاهُ هَارُونَ نَبِيًّا

53. Ва унга Ўз раҳматимиздан отаси Ҳорунни Пайғамбар қилиб ҳадя этдик.

Оғалари Ҳоруннинг Пайғамбар бўлишини Мусо алайҳиссаломнинг ўзлари Аллоҳ таолога дуо қилиб сўраган эдилар.

Энди Пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидан яна бир сулола — арабларнинг отаси — Исмоил алайҳиссалом ҳақида сўз боради:

وَأذْكُرْ فِي الْكِتَابِ إِسْمَاعِيلَ إِنَّهُ كَانَ صَادِقَ الْوَعْدِ وَكَانَ رَسُولًا نَبِيًّا

54. Ва китобда Исмоилни эсла. Албатта, у ваъдасига содиқ ҳамда Расул ва Набий бўлган эди.

Эй Муҳаммад, илоҳий китоб — Қуръонда Исмоилнинг қиссасини эсла. Исмоил, ҳеч шубҳасиз, ваъдасига содиқ зот эди. Содиқлик ҳар бир Пайғамбарнинг сифатидир. Аммо, Исмоил алайҳиссалом бошқа Пайғамбар алайҳиссаломлардан ўзларининг ваъдага садоқатлари билан ажралиб турганлар.

«...ҳамда Расул ва Набий бўлган эди.»

У зотнинг Расул ва Набий эканликларига шак-шубҳа йўқ. Демак, Исмоил алайҳиссалом халойиқни ҳидоят йўлига чақирганлар.

وَكَانَ يَأْمُرُ أَهْلَهُ بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَكَانَ عِنْدَ رَبِّهِ مَرْضِيًّا ﴿٥٥﴾

55. У аҳлини намозга ва закотга буюрар эди ва Робби ҳузурида рози бўлинган эди.

Маълум бўладики, Исмоил алайҳиссаломнинг шариятларида ҳам намоз ва закот ибодатлари бўлган. Бўлганда ҳам, алоҳида зикрга сазовор, юксак мақомли ибодатлардан экан.

«...ва Робби ҳузурида рози бўлинган эди.»

Яъни, Роббининг розилигига сазовор бўлган эди.

Кейинги икки оятда Аллоҳнинг Пайғамбарларидан бири Идрис алайҳиссалом ҳақида эслатма келади.

وَأُذْكَرُ فِي الْكِتَابِ إِدْرِيسَ إِنَّهُ كَانَ صِدِّيقًا نَبِيًّا ﴿٥٦﴾

56. Ва китобда Идрисни эсла. Албатта, у сиддиқ ва Набий бўлган эди.

Эй Муҳаммад, илоҳий китоб Қуръонда Идрисни ҳам эсла. Идрис алайҳиссалом Одам Атодан кейинги иккинчи Пайғамбардирлар. У киши сиддиқлик, яъни, кўп тасдиқловчилик хислатлари билан ажралиб турганлар. Набийликларига ҳеч шубҳа йўқ.

وَرَفَعْنَاهُ مَكَانًا عَلِيًّا ﴿٥٧﴾

57. Ва уни олий мақомга кўтардик.

Яъни, Биз Идриснинг қадрини юксак, зикрини олий қилдик.

Бу дунёда шундай олиймақом зотлар ўтган.

Ва уларнинг авлодлари орасидан ҳам кўплаб тақволи, Аллоҳга муҳаббатли, ҳассос қалбли, ҳидоятга эришган зотлар етишиб чиқди. Кейинги оятда Аллоҳ уларни «неъмат бер(ил)ган зотлар» деб атаydi:

أُولَئِكَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ مِنْ ذُرِّيَةِ آدَمَ وَمِمَّنْ حَمَلْنَا مَعَ نُوحٍ وَمِنْ ذُرِّيَةِ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْرَائِيلَ وَمِمَّنْ هَدَيْنَا وَاجْتَبَيْنَا إِذِ اتَّخَذُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِ الرَّحْمَنِ خَرُّوا سُجَّدًا وَبُكِيًّا ﴿٥٨﴾

58. Ана ўшалар, Аллоҳ неъмат берган зотлар Пайғамбарлардан, Одам зурриётидан, Нух билан бирга (кемада) кўтарганларимиздан, Иброҳим ва Исроилнинг зурриётидан, ўзимиз ҳидоят қилган ва танлаб олганлардандир. Уларга Роҳманнинг ояти тиловат қилинса, йиғлаб саждага йиқилардилар.

Ушбу оятда Одам Атодан буён ўтган барча Пайғамбарлар – аҳли солиҳ, ҳидоят топган, тўғри йўлда юрган зотлар эса олинмоқда. Инсоният тарихидаги алоҳида эътиборга сазовор даврлар зикр қилинмоқда. Одам алайҳиссаломнинг замонлари инсониятнинг энди дунёга келиши, унга Аллоҳ томонидан биринчи бор кўрсатма, ваҳий юборилиш давридир.

«...Нух билан бирга (кемада) кўтарганларимиздан...»

Инсоният йўлдан озиб, бедаво ақийдавий касаликка йўлиққанда Нух алайҳиссалом элик кам минг йил даъват қилсалар ҳам, жуда оз одамлардан бошқалари иймонга келмаганидан кейин Аллоҳ тўфон юбориб иймонсизларнинг барчасини ҳалок этган, Нух Пайғамбар билан нажот кемасида қутулиб қолган инсонлардан янги насл тарқатишни ирода қилган давр алоҳида эса олинди.

«...Иброҳим ва Исроилнинг зурриётидан...»

Иброҳим алайҳиссалом, юқорида айтилганидек, ўзларидан кейин келган барча Пайғамбарларнинг отаси ҳисобланадилар.

Яъқуб алайҳиссалом эса, Бани Исроилнинг оталари. Улардан кўплаб Пайғамбарлар дунёга келганлар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг яна бир ўғиллари Исмоил алайҳиссаломдан эса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таралганлар.

Бу зотлар тақволи, жуда ҳассос қалбли бандалар бўлганлар. Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниши билан йиғлаб, ўзларини саждага отганлар. Бу азиз зотлар ана шундай қисмат соҳиби эдилар. Аммо:

﴿خَلْفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ الصَّلَاةِ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسَوْفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا﴾

59. Бас, уларнинг ортидан бир ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шахватларга эргашдилар. Бас, тезда улар ёмонликка йўлиқдилар.

Роҳманнинг ояти тиловат қилинганда йиғлаб, саждага отиладиган ҳассос зотлар ортидан уларнинг ўринларига нобакор, фосиқ ва бетавфиқ ўринбосарлар келди. Бу бетавфиқ кимсалар намозни зое қилдилар. Намозни зое қилиш, уни ўқимаслик энг катта мусийбат эканлигини ушбу ояти каримадан билиб олса ҳам бўлади. Намозни тарк этган одам ҳар қандай ёмонликдан, гуноҳдан тап тортмайдиган

бўлиб қолади. Шунинг учун, мазкур нобакор ўринбосарларнинг намозни зое қилганлари зикр этилгандан кейин, шаҳватларга эргашганлари баён этилмоқда. Яъни, улар ҳавойи нафслари нимани истаса, шуни қиладиган бўлиб қоладилар. Жумладан, арақхўрлик, зинокорлик, айшу ишрат, ўйин-кулгу каби шаҳватлар шулар жумласидан. Энди улар намозни зое қилиб, шаҳватларига эргашиб юраверадилар.

«Бас, тезда улар ёмонликка йўлиқдилар.»

Намозни зое қилгач, шаҳватга эргашади. Шаҳватга эргашган залолатга юз буради. Залолатга кетганга эса, ҳалокат етади. Лекин, барибир, Аллоҳ таоло меҳрибон, уларга яна бир бор имкон бериб, тавба эшигини очди:

إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا

60. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, амали солиҳ қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва ҳеч зулм қилинмаслар.

Намозни зое қилиб, шаҳватларига эргашиб юрганлардан ким тавба қилса, ношойиста амалидан афсус-надомат чекиб, тамомийла тўғри йўлга қайтса, сўнгра иймон келтириб, мўмин бўлса ва яхши амалларни адо этса, ёмонликка учрамайди. Балки:

«...ана ўшалар жаннатга кирурлар...»

Ноил бўлган иймонлари ва адо этган яхши амаллари эвазига жаннатга дохил бўлурурлар. Улар кирадиган жаннат:

جَنَّاتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدَ الرَّحْمَنُ عِبَادَهُ بِالْغَيْبِ إِنَّهُ كَانَ وَعْدُهُ مَأْتِيًا

61. Роҳман Ўз бандаларига ғайбдан ваъда қилган адн жаннатларидир. Албатта, Унинг ваъдаси келгусидир.

Улар «адн жаннатлар»га дохил бўладилар. Бу жаннатларни Аллоҳ солиҳ бандаларига ваъда қилгандир. Аллоҳнинг ваъдаси муқаррар келгусидир. Келмасдан қолмас. Улар дохил бўладиган адн – иқомат жаннатлари шундай жаннатларки:

لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا إِلَّا سَلَامًا وَلَهُمْ رِزْقُهُمْ فِيهَا بُكْرَةً وَعَشِيًا

62. Улар унда беҳуда сўз эшитмаслар, илло, салом эшитурурлар. Уларга у ерда эртаю кеч ризқлари келиб турур.

Ушбу жаннатлар шу қадар ажойиб ва шу қадар роҳат-фароғат диёрики, у ерда қулоқларга бирор оғиз беҳуда сўз эшитилмайди. Эшитиладиган садо фақат «салом» — табрик, тинчлик, омонлик, хурсандлик сўзларидан иборатдир. Ади жаннатларида мангу қолувчилар учун фақат маънавий эмас, балки моддий неъматлар ҳам керагича.

«Уларга у ерда эртаю кеч ризқлари келиб турур.»

تِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي نُورِثُ مِنْ عِبَادِنَا مَنْ كَانَ تَقِيًّا

63. У, бандаларимиздан тақводор бўлганларига мерос қилиб берадиган жаннатимиздир.

Яъни, улар тақволари туфайли ўша жаннат меросхўрлигига нечоғли ҳақдор бўлсалар, шунчалик ҳақли бўладилар. Бошқача қилиб айтганда, ўша жаннат буткул уларники. Чунки, Аллоҳ таоло бу жаннатга кирувчилар фақат тақводорлар бўлишини ирода этган. Бу жаннатни фақат тақводорларгагина бағишлаган.

Имом Бухорий, имом Аҳмад ибн Ҳанбал, имом Термизий, имом Насай ва бошқа муҳаддис уламоларимиз ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир муддат ваҳий келмай қолган. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломнинг ваҳий келтиришларини жуда ҳам орзиқиб кутганлар. Ниҳоят, Жаброил алайҳиссалом келганларида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у зотга қараб: «Эй Жаброил, сенинг бу зиёрат этишингдан кўра кўпроқ зиёрат қилмаслигингнинг сабаби нима?» — дедилар. Яъни, нима учун кеч келдинг? Бунинг сабаби недур? Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди. Ояти қарида Жаброил алайҳиссаломнинг тилларидан шундай дейилади:

وَمَا نَنْزِلُ إِلَّا بِأَمْرِ رَبِّكَ لَهُمْ مَأْسِكٌ أَيْدِينَا وَمَا خَلْفَنَا وَمَا بَيْنَ ذَلِكَ وَمَا كَانَ رَبُّكَ نَسِيًّا

64. Биз фақат Роббингнинг амри билангина тушамиз. Бизнинг олдимиздаги нарсалар ва ортимиздаги нарсалар ҳамда уларнинг орасидаги нарсалар ҳам Униқидир. Роббинг унутгувчи бўлмаган.

Яъни, эй Муҳаммад, бизда ўзимизча тушавериш ихтиёри йўқ.

«Биз фақат Роббингнинг амри билангина тушамиз.»

Қачонки амр қилсагина, ҳузурингга тушамиз. Акс ҳолда, амрни кутиб тураверамиз. Жамийки нарса Аллоҳнинг измида. Бизнинг олдимиздаги ва ортимиздаги ҳамда ҳар иккисининг орасидаги нарсалар Униқидир.

Келаси замон, ўтган замон, ҳозирги замон ва мавжуд барча нарсалар ҳам Аллоҳникидир. Уларда фақат Аллоҳнинг Ўзигина тасарруф қилади. Биз муқарраб фаришта бўлганимиз билан, бу ишларда амр кутишдан ва амрни бажо қилишдан бошқа имконимиз йўқ.

«Роббинг унутгувчи бўлмаган.»

У ҳеч қачон ҳеч нарсани унутмаган, унутмайди ҳам. Шу боисдан, сенга маълум муддат ваҳий тушмай қолса, шошилма. Роббинг қачон ваҳий тушириш лозимлигини яхши билади.

رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَاعْبُدْهُ وَاصْطَبِرْ لِعِبَادَتِهِ هَلْ تَعْلَمُ لَهُ سَمِيًّا

65. У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Бас, Унга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл. Унга тенгдошни билурмисан?

У зот шундай зотки, осмонларнинг Роббидир. Ернинг Роббидир. Осмонлару ер орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Роббинг билмаган нарса йўқдир. Шундай экан:

«Бас, Унга ибодат қил...»

Ундан ўзгага ибодат қилма.

Бурунги шарҳларимизда ҳам қайта-қайта такрорлаганимиздек, Исломда ибодат фақат баъзи бир шахсий руҳий уринишлар, зикр, тиловат, намоз, рўза, ҳаж ва закот каби амаллар билан чекланиб қолмайди. Балки, инсоннинг бутун ҳаёти – ҳаракати, юриш-туриши, нияти, тирикчилиги – ҳамма-ҳаммаси ибодатдир. Аллоҳга ибодат қилиш эса, инсоннинг ҳаёти Аллоҳнинг кўрсатмаларига мувофиқ кечиши йўлидаги уринишдир.

Бу ҳаракат, албатта, осон кечмайди. Ҳар бир каттаю кичик амални Аллоҳнинг хоҳишига муносиб тарзда адо этиш учун куч-ғайрат, саъй-ҳаракат лозим. Бўлганда ҳам, узлуксиз сувратда бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида:

«...ва Унинг ибодатида сабрли бўл», дейилмоқда.

Ҳа, инсон сабр-матонат ила Аллоҳга ибодат қилиб, бутун ҳаётини Унинг кўрсатмасига мос этиб яшагандагина мақсадга ноил бўлади.

«Унга тенгдошни билурмисан?»

Йўқ, албатта. У – абадият. У – макон ва замон. У – борлиқ. У – мангулик.

Сурада бир гуруҳ Пайғамбарларнинг қиссалари ваъз-насихат тарзида зикр қилинди. Бу қиссаларнинг асосий ғояларидан бири Аллоҳ таолонинг тирилтириб ўлдирувчи ва яна тирилтирувчи эканини, қиёмат кунининг ҳақлигини исбот қилиш. Кейинги оятларда кофирлар бу

масалаларда қўзғашлари мумкин бўлган баъзи шубҳали масалалар зикр этилиб, уларга очиқ-ойдин ҳужжатлар билан раддия берилади. Қиёмат кунида одамларнинг ҳоли нима кечиши таърифланади:

وَيَقُولُ الْإِنْسَانُ أَءِذَا مَاتْنَا لَسَوْفَ نُحْيَا حَيًّا

66. Инсон: «Агар ўлсам, яна қайта тирик ҳолда чиқариламанми?!» – дейди.

Кофир кимсанинг бу саволи инкор маъносидадир. У бу гапни ўлгандан кейин қайта тирилишнинг ҳақиқатини билиш мақсадида эмас, балки бу илоҳий ҳолни тан олмаётганини эълон қилиш учун айтмоқда. Яъни, ўлганимдан кейин қандай қилиб қабримдан қайта тирик ҳолда чиқар эканман, демоқда.

Шунинг учун, жавоб ана шу инкорга ярашиқ ҳолда берилган:

أَوَلَا يَذْكُرُ الْإِنْسَانُ أَنَا خَلَقْتَهُ مِنْ قَبْلُ وَلَمْ يَكُ شَيْئًا

67. Ўша инсон Биз уни бундан олдин ҳеч нарса бўлмай турганида яратганимизни эсламайдими?!

Кофир ўлгач, қабрга кирганидан кейин қайта тирилтиришимизга ишонмаяпти. У бир кун келиб қабрдан тирик ҳолда чиқишини инкор этипти. Аммо бу инкори асоссиз эканини билмайди. Ўша кофир узоққа бориб юрмай, ўзига боқсин. Бундан олдин унинг ўзи, ота-онаси қаёқда эди? Табиийки, улар йўқ эдилар. Ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасдилар. Шундай экан, бундан бурун ному нишони йўқ инсонни, бугун Аллоҳ уни қайта тирилтириши мумкинлигини инкор этиб турган инсонни ким йўқдан бор қилди?

فَوَرَبِّكَ لَنَحْشُرَنَّهُمْ وَالشَّيَاطِينَ ثُمَّ لَنُحْضِرَنَّهُمْ حَوْلَ جَهَنَّمَ جِثِيًّا

68. Роббингга қасамки, Биз уларни ва шайтонларни, албатта, маҳшарга тўплаймиз, сўнгра, уларни жаҳаннам атрофига тиз чўккан ҳолларида ҳозир қиламиз.

Кофирлар ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмасалар, ишонмасинлар. Бу инкор уларни сарбаланд ёхуд бахтиёр қилмайди. Эрта кун ўзларига қийин бўлади.

«Роббингга қасамки, Биз уларни ва шайтонларни, албатта, маҳшарга тўплаймиз...»

Аллоҳ таоло айтган иш бўлмай қолмайди. Айниқса, Аллоҳ таоло қасам ичиб, хусусан, Ўз исми билан қасам ичиб айтган ишнинг бўлиши муқаррар. Кофирлар ўзларининг қайта тирилишларига ишонмай турибдилар. Ҳали Аллоҳ таоло уларга қўшиб шайтонларини ҳам маҳшар майдонига жам этади. Кўп инсонлар ҳаёти дунёда шайтоннинг измида юриб, унга эргашиб кофир бўлган эдилар. Энди у дунёда маҳшар майдонида бирга жам бўладилар.

«...сўнгра, уларни жаҳаннам атрофига тиз чўккан ҳолларида ҳозир қиламиз.»

Охират куни фақат қайта тирилтириш ёки маҳшар майдонига тўплаш билан иш битиб қолмайди. Қайта тирилтириш ва маҳшарга тўплашдан мақсад, савол-жавоб қилиб, қилмишига яраша жазо беришдир. Бугунги кунда қайта тирилишни инкор қилаётган кофирлар шайтонлари билан маҳшар майдонига тўпланганларидан кейин савол-жавоб бўлади. Жазолари ҳақида ҳукм ўқилади. Шу ҳукмга биноан улар хору зор, тиз чўккан ҳолларида жаҳаннам гирдига ҳозир қилинадилар. Улар тиз чўккан ҳолда қаршиларидаги ўзлари кирадиган жаҳаннамни кўрадилар.

ثُمَّ لَنَنْزِعَنَّ مِنْ كُلِّ شِيعَةٍ أَيُّهُمْ أَشَدُّ عَلَى الرَّحْمَنِ عُنِيًّا ﴿٦٩﴾

69. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдан Роҳманга ашаддий осий бўлганини суғуриб оламиз.

Ниҳоятда қўрқинчли ва даҳшатли манзара. Кофирлар, осийлар ва уларнинг шайтонлари жаҳаннам атрофида хору зор бўлган ҳолларида тиз чўкиб ўтирибдилар. Жаҳаннам қизигаңдан қизиб, келгани ютишга шай бўлиб, гувиллаб ёнмоқда. Атрофда ўтирганларнинг бари шу жаҳаннамга улоқтирилишларини яхши биладилар. Фақат, қай тарзда жаҳаннамга ташланишларини кутиб турибдилар, холос. Ана шундай аянчли пайтда улар мансуб бўлган

«...ҳар бир гуруҳдан Роҳманга ашаддий осий бўлганини суғуриб оламиз».

Анчайин чорлаб ёхуд таклиф қилиб эмас, шиддат билан суғуриб олинади. Демак, кофирлар шайтонлари билан жаҳаннам атрофига ўтқазиб қўйилиб, қилган гуноҳларига қараб бирин-кетин дўзахга ташланадилар. Қолганлари навбат кутиб, ўзидан олдин тушганларнинг дўзахда қандай азобланишини кўриб, кузатиб турадилар.

ثُمَّ لَنَحْنُ أَعْلَمُ بِالَّذِينَ هُمْ أَوْلَىٰ بِهَا صِلَاتًا ﴿٧٠﴾

70. Кейин, албатта, Биз у(жаҳаннам)га киришга кимлар лойиқроқ эканини яхши билгувчимиз.

Ким, қачон, қандай ҳолда киради—ҳаммасини ўзимиз яхши биламиз.

وَإِنْ مِنْكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتْمًا مَّقْضِيًّا ﴿٧٠﴾

71. Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ. Бу, Роббинг ҳузуридаги кескин ҳукмдир.

Ушбу ояти кариманинг маъноси хусусида уламоларимиз икки хил фикр билдирганлар. Бу хилма-хилликка оятдаги биз «яқинлашувчи» деб таржима қилган «ворид» сўзи сабаб бўлган. Бу сўзнинг маъноси жумладаги ўрни ва бошқа сўзларнинг жойлашишига қараб ўзгариши мумкин. Аслида, «варада» феъли сув бор жойга яқинлашиб, сув олишга айтилади. Бошқа жойга нисбатан ишлатилса «кирди» маъносини англатиши ҳам мумкин. «Кирди» маъносига иқрор бўлган уламоларимиз ушбу оятга «Сиздан унга қирувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ», деган маънони берадилар. Яъни, сиздан у жаҳаннамга кирмаган ҳеч ким қолмайди. Ҳаммангиз кирасиз. Шунга биноан, бу гуруҳдаги уламоларимиз: мўминдир, кофирдир ҳар бир инсоннинг жаҳаннамга бир кириши бор, дейдилар. Мўмин кириб, зарар тортмай ўтиб кетади. Кофир кириб, азоб тортиб қолиб кетади.

Иккинчи гуруҳ уламоларимиз эса: «варада»га ўзининг асл «яқинлашди» маъносини беришимиз керак, оят таркибида «ворид» бўлиб келгани билан унга «қирувчи» маъносини беришга ҳеч бир далил йўқ, дейдилар. Шунингдек, Аллоҳ таоло «Анбийё» сурасида мўминлар ҳақида: «... ана ўшалар ундан(жаҳаннамдан) узоқлаштирилгандирлар. Улар унинг чисирлашини(овозини ҳам) эшитмаслар...» деган, шунинг учун ҳам бу оятга «Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ», деб маъно берсак, аслига мувофиқ бўлади, дейдилар. Бинобарин, мўминлар жаҳаннамга, хусусан, сиротдан ўтаётганларида яқинлашадилар, бироқ тушмай ўтиб кетадилар. Кофирлар эса, яқинлашиб, жаҳаннам атрофида тиз чўкиб ўтирадилар ва аввалда айтилганидек, гуноҳларига мос равишда кетма-кет дўзахга ташланадилар. Биз ҳам шу фикрни манзур тутдик.

Ушбу маъно кейинги оятда собит бўлади:

ثُمَّ نَجَّيْنَا الَّذِينَ اتَّقَوْا وَنَدَرُوا الظَّالِمِينَ فِيهَا جَنَّتًا ﴿٧١﴾

72. Сўнгра, тақво қилганларга нажот берамиз ва золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз.

Машҳур тафсирчи олимларимиздан имом Байзовий: «Ушбу ояти каримада, юқоридаги оятдаги «ворид» сўзининг «кирувчи» эмас, «яқинлашувчи» эканига далил бор», дейдилар. Яъни, ҳамма инсонлар ва жинлар яқинлашиб, жаҳаннам атрофида тиз чўкиб ўтирадилар. Сўнгра, мўминлар нажот топиб, жаннатга томон равона бўладилар. Кофирлар эса, жаҳаннамга тушишларини кутиб, тиз чўккан ҳолларида ўтириб қоладилар.

Жаҳаннам атрофида унга тушишини кутиб тиз чўккан хору зор кофирлар бу дунёда мўминлар устидан кулар эдилар:

وَإِذَا نُتِلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِلَّذِينَ آمَنُوا أَيُّ الْفَرِيقَيْنِ خَيْرٌ مَّقَامًا
وَأَحْسَنُ نَدِيًّا ﴿٧٢﴾

73. Қачонки уларга Бизнинг равшан оятларимиз тиловат қилинса, куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Икки гуруҳнинг қайси бири мақом ва мажлис жиҳатидан яхшироқдир?» – дерлар.

Одамларга Аллоҳнинг равшан оятлари тиловат қилиниб, иймонга, Исломга даъват қилинганларида, кофирлар бу ҳолни ўз қаричлари билан ўлчаб, иймон аҳли ва куфр аҳлини таққослаб, баҳо берадилар. Улар мўминларга қараб:

«Икки гуруҳнинг қайси бири мақом ва мажлис жиҳатидан яхшироқдир?» – дерлар».

Башарият, асосан, икки гуруҳдан иборат: бири – мўминлар гуруҳи. Бошқаси – кофирлар. Боқинглар, қайси бир гуруҳнинг жамиятдаги мақом ва мансаби яхши? Қайси бир гуруҳнинг мажлиси, тўпланишлари, маросимлари дабдабали ўтади? Кофирларникими? Ёки мўминларникими? Кофирларда молу дунё мўл. Ҳукм ва мансаб, куч-қувват уларнинг қўлида. Турли жамиятлари, йиғин ва маросимлари дабдаба билан ўтади.

Мўминларда на молу дунё, на ҳукму мансаб бор. Жамиятлари, йиғин ва маросимларида ҳеч нарса йўқлигидан Қуръон ўқишади, ваъз-насиҳат қилишади. Қани айтинг, қайси бир гуруҳ мақом ва мажлис жиҳатидан яхшироқ, устунроқ?

Бу фикр – кофирларнинг фикри. Кофирларнинг қаричи.

Лекин мазкур кофирлардан бурун ҳам кўплаб кофирлар ўтган, уларнинг ҳозиргиларидан асло фарқи бўлмаган. Кофир ҳамма давру замонда кофирдир.

وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِّن قَرْنٍ هُمْ أَحْسَنُ أَتَشَاوِرُونَ يَا

74. Ҳолбуки, Биз улардан олдин мол ва кўриниш жиҳатидан яхшироқ бўлган қанчадан-қанча асрларни ҳалок қилганмиз.

Ўтган асрларда бу кофирлардан кўра молу дунёси зиёда, дунёвий маийшати гўзалроқ қанчадан-қанча кофирларни ҳалок қилганмиз. Ҳалокатга дучор бўлган асрлар кофирларидан кўра молу дунёси оз ва кўриниши хунук бўлган ҳозирги кофирларни ҳалок қилишимиз ҳеч гап эмас.

Эй Пайғамбарим!

قُلْ مَنْ كَانَ فِي الضَّلَالَةِ فَلْيَمْدُدْ لَهُ الرَّحْمَنُ مَدًّا حَتَّىٰ إِذَا رَأَوْا مَا يُوعَدُونَ إِمَّا الْعَذَابَ وَإِمَّا السَّاعَةَ فَسَيَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضْعَفُ جُنْدًا

75. Сен: «Ким залолатда бўлса, Роҳман унга муҳлат бериб қўйсин. Токи ўзларига ваъда қилинган нарсани – азобни ёки қиёматни кўрганларида, кимнинг мартабаси ёмонроқ ва аскар кучсизроқ эканини албатта билурлар», дегин.

Яъни, эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўзининг молу мулки, куч-қуввати ва мажлислари билан фахрланиб, мўминларни камситаётган кофирларга айтгин: «Биз ўзимизни ҳақ йўлда, сизларни адашув – залолатда, сизлар эса, ўзингизни ҳақ, бизни залолатда демоқдасиз. Ҳар томон ўзининг гапини маъқулламоқда. Бундай ҳолларда иш юқорига ҳавола қилинади. Келинг, биз ҳам келишайлик-да, ишни Аллоҳ таолога ҳавола қилайлик.

«Ким залолатда бўлса, Роҳман унга муҳлат бериб қўйсин.»

Яъни, бизлардан қайси бир гуруҳ залолатда бўлса, Аллоҳ унга муҳлат бериб қўйсин. Умрини узоқ, ҳозирги ҳолатини бардавом қилсин. Ана шунда:

«Токи ўзларига ваъда қилинган нарсани – азобни ёки қиёматни кўрганларида, кимнинг мартабаси ёмонроқ ва аскар кучсизроқ эканини албатта билурлар».

Чунки, сиз ҳам, биз ҳам залолатга кетишнинг оқибати ёмон эканини баён этмоқдамиз. Демак, қай биримиз залолатда бўлсак, бу дунёда азобга учраймиз ёки қиёмат куни шарманда бўламиз.

وَيَزِيدُ اللَّهُ الَّذِينَ اهْتَدَوْا هُدًى وَالْبَاقِيَتُ الصَّالِحَاتُ خَيْرٌ عِنْدَ رَبِّكَ ثَوَابًا وَخَيْرٌ مَّرَدًّا

76. Ва Аллоҳ ҳидоятга юрганларнинг ҳидоятини зиёда қилади. Боқий қолувчи солиҳ амаллар Роббинг наздида савоби яхшироқ ва оқибати хайрлидир.

Шундай қилиб, ким ва қай бир гуруҳ ҳидоятда бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзи унинг ҳидоятини зиёда қилиб қўяди ва қайси гуруҳ ҳақлиги, қай бирининг ноҳақлиги аён бўлади.

Аллоҳ таоло бандаларининг қадрини молу дунё, мансаб ва амал, жамияту мажлислар, ташқи кўриниш билан белгиламайди. Балки:

«Боқий қолувчи солиҳ амаллар, Роббинг наздида савоби яхшироқ ва оқибати хайрлидир».

Имом Бухорий ва имом Муслим раҳматуллоҳи алайҳилар қилган ривоятда Хаббоб ибн ал-Арт розияллоҳу анҳу қуйидагиларни баён этадилар: «Бир темирчи одам эдим. Осс ибн Воилнинг мендан қарзи бор эди. Қарзни сўраб унинг ҳузурига бордим. У: «Йўқ! Аллоҳга қасамки, Муҳаммадга куфр келтирмагунингча қарзни қайтармайман!» – деди. Мен: «Йўқ! Аллоҳга қасамки, ҳатто ўлиб, қайта тирилсанг ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга куфр келтирмайман», дедим. У: «Агар мен ўлиб, қайта тирилсам, албатта, молу дунём ва бола-чақам кўп бўлади. Ўшанда келсанг, қарзимни бераман», деди. Бас, Аллоҳ таоло қуйидаги оятларни нозил қилди».

أَفْرَأَيْتَ الَّذِي كَفَرَ بِآيَاتِنَا وَقَالَ لَأُوتِيَنَّكَ مَا لَمْ يَكُنْ لَكَ بِهِ شَيْئًا يَمُرُّ بِالْعُرُبَاتِ حَامِلًا كِفْلًا وَمِن دُونِهَا فَأَخَذَهُ لَدُنَّا أَصْحَابُهُ فَأَغْرَقْنَاهُ إِلَى جَنَّةِ نَارٍ فِيهَا سَاكِينٌ

77. Оятларимизга куфр келтирган ва: «Албатта, (охиратда) менга молу дунё ҳамда бола-чақа берилажак», деганни кўрдингми?!

أَطَّلَعَ الْغَيْبَ أَمِ اتَّخَذَ عِنْدَ الرَّحْمَنِ عَهْدًا

78. У ғойибни билармикан ёки Роҳманнинг ҳузуридан аҳду паймон олдимикан?!

Нега у нобакор бу қадар ишонч билан:

«Албатта (охиратда) менга молу дунё ҳамда бола-чақа берилажак», демоқда? Бунчалик ишонч билан гапириш учун, албатта, кучли далил бўлиши лозим. Ёки

«У ғойибни билармикан?...»

Ғойибда унга охиратда молу дунё ҳамда бола-чақа берилиши муқаррар эканлиги ҳақида аломат бормикан?

Агар ғойибни билмаса, унинг бу гапларни айтишига яна бошқа бир асосли сабаб бўлиши лозим. Яъни:

«...Роҳманнинг ҳузуридан аҳду паймон олдимикан?!»

كَلَّا سَنَكْتُبُ مَا يَقُولُ وَنَمُدُّ لَهُ مِنَ الْعَذَابِ مَدًّا

79. Йўқ! Нима деганини албатта ёзиб қўямиз ва унга азобни узундан-узоқ қиламиз.

Йўқ! У ғойибни билгани йўқ! У Роҳманнинг ҳузуридан аҳду паймон олган ҳам эмас! Унинг бу гаплари масхарадан бошқа нарса эмас. У Ислом ақийдаси устидан кулмоқда.

«Нима деганини албатта ёзиб қўямиз...»

Шунда сира унутилмайди. Қиёмат куни ҳисоб-китоб пайтида қўл келади. Ўшанда

«...унга азобни узундан-узоқ қиламиз».

Бу азоб узлуксиз давом этади.

وَنَرْتُهُمْ مَا يَقُولُ وَيَأْتِنَا فَرْدًا

80. У айтаётган нарсага меросхўр бўлурмиз ва у Бизга ёлғиз ҳолида келур.

Кофир «охиратда менга берилади...» деб даъво қилаётган нарсага — молу дунё ва бола-чақаларга Биз меросхўр бўламиз. Биздан сўнг ҳеч ким қолмас. Кофир молу мулк, бола-чақа ва бошқа дунёвий нарсаларидан жудо бўлган ёлғиз ҳолида Бизга — ҳузуримизга келади. Ўша пайт у билан қандай муомала қилишни Ўзимиз биламиз.

Кофирлар худди шундай ёлғиз ҳолларида фақатгина Бизнинг ҳузуримизга келишларини унутиб:

وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ إِلَهَاتٍ لِيَكُونُوا لَهُمْ عِزًّا

81. Улар ўзларига куч-қудрат, иззат бўлиши учун Аллоҳдан ўзгаларни худо қилиб олдилар.

Роббоний оятларга куфр келтирган мушриклар Аллоҳдан ўзга нарсаларни ўзларига худо қилиб оладилар ва шу йўл билан ўзларига куч-қудрат, мадад, иззат-обрў, шону шавкат ҳосил қилмоқчи бўладилар. Аслида шундайми? Бу сохта худолар мушрикларни улар орзу қилган нарсалар билан таъминлай оладиларми?

كَلَّا سَيَكْفُرُونَ بِعِبَادَتِهِمْ وَيَكُونُونَ عَلَيْهِمْ ضِدًّا ﴿٨٢﴾

82. Йўқ! У («худо»)лар уларнинг ибодатларини инкор этурлар ва уларга зид бўлурлар.

Қиёмат куни сохта худолар мушрикларнинг уларга қилган ибодатини, бандалигини инкор этадилар. Биз уларга, бизга ибодат қилинг, деганимиз йўқ, деб Аллоҳ ҳузурда ўзларини оқлайдилар. Сохта худолар қиёмат куни

«...уларга зид бўлурлар».

Уларга қарши гувоҳлик берадилар.

أَلَمْ تَرَ أَنَّا أَرْسَلْنَا الشَّيَاطِينَ عَلَى الْكٰفِرِينَ تَوۡزِيۡهُمۡ أَزًّا ﴿٨٣﴾

83. Биз шайтонларни кофирларга уларни доимий қўзғаб туришга юборганимизни кўрмадингми?

Шайтон қавми кофирларнинг гарданига миниб олганлар. Уларни доимо гуноҳ, исён, фаҳш ишларга ундаб турадилар. Шунинг учун:

فَلَا تَعْجَلْ عَلَيْهِمْ إِنَّمَا نَعِدُهُمْ عَذَابًا ﴿٨٤﴾

84. Уларнинг зиддига шошилма! Биз уларнинг саноғини санамоқдамиз.

Кофир ва мушрикларга азоб келишига шошилма!

«Биз уларнинг саноғини санамоқдамиз.»

Биз уларнинг кунларини, соату дақиқаларигача санамоқдамиз. Биз уларнинг гуноҳларини, исёнларини санамоқдамиз.

يَوْمَ نَحْشُرُ الْمُتَّقِينَ إِلَى الرَّحْمٰنِ وَفَدًا ﴿٨٥﴾

85. Тақводорларни Роҳман ҳузурига меҳмон ҳайъати этиб тўплаган кунимизда.

وَنَسُوقُ الْمُجْرِمِينَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ وِرْدًا ﴿٨٦﴾

86. Жиноятчиларни жаҳаннамга чанқоқ ҳолларида ҳайдаймиз.

Бу икки оятда қиёмат куни мўминларнинг ҳоли ҳамда кофирларнинг ҳоли қандай бўлиши аниқ намоён бўлмоқда. Қиёмат куни

Аллоҳ таолонинг ҳузурига тақводор мўминлар худди меҳмонга келган гуруҳ — ҳайъатдек ҳурмат ва эъзоз билан, жамоат ҳолида келтирилар эканлар.

Кофирлар эса, жаҳаннамда куйиб кул бўлишлари учун, чанқоқ ҳолларида, ҳайвон подаси сиёқида ҳайдаб олиб келинадилар. Ўшанда:

لَا يَمْلِكُونَ الشَّفْعَةَ إِلَّا مَنِ اتَّخَذَ عِنْدَ الرَّحْمَنِ عَهْدًا

87. Улар шафоатга молик бўлмаслар. Магар ким Роҳман ҳузурида аҳду паймон олган бўлса (молик бўлар).

Қиёмат куни ҳеч ким бировни шафоат қила олмайди ва бировнинг шафоатидан баҳраманд ҳам бўла олмайди. Бундан мустасно бўладиганлар, шафоатга молик бўлганлар фақат Аллоҳнинг Ўзидан бу ҳақда аҳду паймон олганлардир, холос.

Келгуси оятларда кофирларнинг яна бир улкан гуноҳлари муолажа қилинади. Мушрикларнинг энг катта қабоҳатлари ҳақида сўз кетади:

وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا

88. Улар: «Роҳман бола тутди», дедилар.

Кофир ва мушрикларнинг турли тоифалари бу мункар гапни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога нисбатан турлича талқин қилдилар. Яҳудийлар: Узайр Аллоҳнинг ўғли, десалар, насоролар: Масийҳ Аллоҳнинг ўғли, дердилар, араб мушриклари эса: фаришталар Аллоҳнинг қизлари, дердилар.

Эй, кофир қавм! Эй, мушрик зоти! Бу бўҳтон гапларингиз билан:

لَقَدْ جِئْتُمْ شَيْئًا إِذَا

89. Батаҳқиқ, жуда оғир нарса келтирдингиз.

«Роҳман бола тутди», дейишингиз шу қадар оғир тухматдирки:

تَكَادُ السَّمَوَاتُ يَنْفَطَرْنَ مِنْهُ وَتَنْشَقُّ الْأَرْضُ وَتَخِرُّ الْجِبَالُ هَدًّا

90. Ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб йиқилай, дейди.

أَنْ دَعَوْا لِلرَّحْمَنِ وَلَدًا

91. Роҳманнинг боласи бор, деганларига.

وَمَا يَنْبَغِي لِلرَّحْمَنِ أَنْ يَتَّخِذَ وَلَدًا

92. Роҳманга бола тутиш лойиқ эмасдир.

Унинг бола тутишга ҳожати йўқ. У фарзанд талабида эмас. Бу унинг шаънига тўғри келмайди. Роҳман яккадир. У Ягона ва Биру Бордир.

إِنْ كُلُّ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَّا آتَى الرَّحْمَنِ عَبْدًا

93. Осмонлару ердаги барча кимсалар Роҳманга банда бўлган ҳолларида келурлар.

Яъни, қиёмат куни ҳамма, жумладан, мушрик ва кофирлар, Аллоҳнинг боласи бор, деб даъво қилаётган кимсалар ҳам Аллоҳ таолога қул бўлиб келадилар.

لَقَدْ أَحْصَيْنَاهُمْ وَعَدَّهُمْ عَدًّا

94. Батаҳқиқ, У зот уларни ихота қилган ва санаб қўйгандир.

Бирортаси Унинг илмидан четда қолмайди, саноғидан тушиб ҳам кетмайди.

وَكُلُّهُمْ آتِيهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَرْدًا

95. Уларнинг барчалари У зотнинг ҳузурига қиёмат куни ёлғиз ҳолларида келгувчидирлар.

Ёнларида ҳеч ким бўлмайди. Ёрдамчи ҳам, ҳимоячи ҳам, восита-чи ҳам йўқ. Қариндош-уруғ, бола-чақа, дўсту ёр, аскару хизматкор ҳам йўқ. Ёлғиз ўзлари, танҳо-танҳо бўлиб келадилар.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَيَجْعَلُ لَهُمُ الرَّحْمَنُ وُدًّا

96. Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Роҳман муҳаббат пайдо қилур.

Демак, уларнинг ҳоли кофирларникидан буткул бошқача, яъни, афзал бўлади.

فَأَنَّمَا يُسَّرُّنَهُ بِلسَانِكَ لِتُبَشِّرَ بِهِ الْمُتَّقِينَ وَتُنذِرَ بِهِ قَوْمًا لُدًّا ﴿٩٦﴾

97. Бас, албатта, тақводорларга хушxabар беришинг ва у билан саркаш қавмларни огоҳлантиришинг учун у (Қуръон)ни тилингга осон қилдик.

Уни ўқиш, англаш ва одамларга етказиш осон.

وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِّن قَرْنٍ هَلْ يُحِيسُ مِنْهُمْ مِّنْ أَحَدٍ أَوْ تَسْمَعُ لَهُمْ رِكْوًا ﴿٩٧﴾

98. Улардан олдин қанчадан-қанча аср(аҳли)ни ҳалок қилдик. Улардан бирортасини ҳис этасанми ёки шарпасини эшитасанми?!

Йўқ, на ҳис этиб бўлади, на эшитиб бўлади. Боқий қолганлар улардан ўрناق олмоқлари даркор.



ТОҲА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 135 оятдан иборат.

Ибн Аббос ва Жобир ибн Зайд розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинишича, бу сураи карима «Марям» сурасидан кейин нозил бўлган. Демак, улар Ислом даъватининг пайдар-пай босқичларида нозил бўлган экан, шунга кўра сиёқлари ҳам бир-бирига ўхшаш бўлиши, яқин мавзуларни муолажа қилиши турган гап. Сураи кариманинг биринчи лафзи ўзига ном бўлиб қолган.

«Тоҳа» лафзи ҳақида уламоларимиз турлича фикр айтадилар. Баъзилари: «тоҳа» ҳижо (алифбо) ҳарфларидан бири, ундан нима мурод қилинганини Аллоҳнинг Ўзи билади, десалар, бошқалари: «тоҳа» Аллоҳнинг гўзал исмларидан биридир, дейдилар. Яна бирлари эса: «тоҳа» Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари, дейишади. Яна бир қисм уламолар борки, улар: «тоҳа» «Эй киши!» деганидир, деб ҳам тушунтиришади.

Шундан келиб чиқиб, биз: «тоҳа» лафзидан нима мурод эканини Аллоҳнинг Ўзи билади, деймиз.

Сура Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиш билан бошланади ва Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби ақийда, мўминлик сифатлари ва ахлоқлари ҳақида баҳс юритади. Суранинг бош мақсади тавҳид, Пайғамбарлик ва қайта тирилиб, маҳшарга тўпланиш каби диний асосларни кишилар қалбига ўрнатишдир.

«Тоҳа» сурасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахслари алоҳида васф қилинган. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламни қўллаб-қувватлашга, руҳларини кўтаришга катта эҳтибор берилади. Сурада У зот кофир ва мушрикларнинг ҳийла-найрангларига, ёлғонларига, истехзо ва мазахларига аҳамият бермасдан, ўзларининг асосий вазифаларини оғишмай бажаришга ундадилар.

Ана шу мавзуга мос равишда Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари, аниқроғи, у зотга пайғамбарлик берилганидан бошлаб, Бани Исроил бузоқни ўзига худо қилиб олганигача бўлган давр батафсил

ҳикоя этилади. Мусо алайҳиссалом оғалари Ҳорун алайҳиссалом ила туғёнга кетган Фиръавн ҳузурига қандай кириб борганлари, у билан ораларида нима ишлар бўлиб ўтгани, Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло билан роз айтишишлари, у кишининг Пайғамбар этиб танланишлари, Фиръавн билан қилган мужодалалари, сеҳр-гарлар билан ўтказган муборазалари ва бошқа ҳодисалар келтирилади. Қисса давомида Аллоҳ Ўз Пайғамбари ва гаплашган бандаси Мусо алайҳиссаломни доимо ҳифзу ҳимоясида сақлаётгани яққол сезилиб туради. Қиссада, шунингдек, Аллоҳ Ўз душманлари бўлмиш кофирларни албатта ҳалок этишига алоҳида урғу берилади. Суранинг аксар қисми ушбу қиссага бағишлангандир. Сўнгра, Одам алайҳиссаломнинг қиссалари ҳам қисқача эслаб ўтилади. Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила Одам хато қилганидан кейин уни ҳидоятга бошлаб, тўғри йўлга солгани, зурриётларига Пайғамбарлар юбориб, ҳаққа даъват этгани ва қайси йўлни танлаш ихтиёрини уларнинг ўзларига бергани айтилади.

Шунингдек, сура давомида қиёмат тасвири ҳам алоҳида бўрттириб кўрсатилади. Унинг воқе бўлиши, маҳшар саҳнаси, ҳисобкитоб қай ҳолда рўй бериши, иймон ва тақво эгалари жаннатга, куфр ва исён эгалари дўзахга қандай киритилиши васф қилинади.

Сураи кариманинг сўнгида яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ



1. Тоҳа.

مَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لِتَشْقَىٰ

2. Сенга Қуръонни бадбахт бўлишинг учун нозил қилганимиз йўқ.

Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, сенга ушбу Қуръонни нозил этишимиздан мақсад сени бахтсиз қилиш эмас. Балки, икки дунёда бахтли қилишдир. Ва:

إِلَّا نَذْكُرُهُ لِمَنْ يَخْشَى

3. Магар қўрққан кимсаларга эслатма бўлиши учун.

Яъни, биз ушбу Қуръонни Аллоҳдан қўрқадиган одамлар эслатма — панду насиҳат олишлари учун нозил қилдик.

تَنْزِيلًا مِّمَّنْ خَلَقَ الْأَرْضَ وَالسَّمَوَاتِ الْعُلَى

4. У, ерни ва юксак осмонларни яратган Зотдан нозил бўлгандир.

Қуръонни нозил қилувчи Зот — ерни ҳам, юксак осмонларни ҳам яратган Зотдир. Ана шундай ишларга қодир Зот Қуръонни нозил қила олмасми?

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى

5. У — Роҳман аршни эгаллади.

Роҳман сифатининг соҳиби Аллоҳ аршни эгаллади. Аршни эгаллашининг эса, ўхшаши йўқ, мисли йўқ, шакли ҳам йўқ. У зотнинг аршни эгаллаши Ўзига хос. Бу ҳақда ўтган сураларда батафсил сўз юритганмиз.

لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَمَا تَحْتَ الثَّرَى

6. Осмонлардаги нарсалару ердаги нарсалар, уларнинг орасидаги нарсалару ер остидаги нарсалар Униқидир.

Борлиқда нимаики бўлса, ҳаммаси Аллоҳникидир. Шунинг учун ҳам, У Ўз мулкани хоҳлаганича тасарруф қилади.

وَإِنْ تَجَهَّرَ بِالْقَوْلِ فَإِنَّهُ يَعْلَمُ السِّرَّ وَأَخْفَى

7. Сен агар сўзда овозингни юксалтирсанг ҳам. Бас, албатта, У сирни ҳам, махфийни ҳам билгувчидир.

Яъни, эй Муҳаммад, сен ҳозир овозингни чиқариб, Аллоҳга дуо қилмоқдасан. Ҳолбуки, илтижо қилмасанг ҳам, Аллоҳ барча ҳожатларингни билиб туради. Чунки, у овоз чиқариб айтилган гап у ёқда турсин, сир тутилган сўзлар, махфий қилинган хаёллар, ниятлар ва хотираларни ҳам яхши билгувчи Зотдир.

Бу хитоб билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга таскин берилмоқда, у зотнинг қалблари хотиржам қилинмоқда. Яъни, Роббинг доимо сен билан бирга, қилаётган ишларингни кўриб, айтаётган гапларингни эшитиб, ўй-хаёлларингдан ҳам хабардор бўлиб турибди. Сени ёлғиз ташлаб қўйгани йўқ, дейилмоқда.

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى

8. Аллоҳ–Ундан бошқа ибодатга сазовор илоҳ йўқ Зотдир. Гўзал исмлар Униқидир.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзининг борлигида, моликлигида, илмида ва ҳамма нарсани Ўз тасарруфида тутишида яғонадир. Унинг исмлари фақат гўзалдир. Гўзал исмларнинг барчаси Унга хосдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган хитобдан кейин, у зот каби, Аллоҳнинг хизматида бўлган Пайғамбарлардан бири Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари ибрат сифатида келтирилади:

وَهَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ مُوسَى

9. Сенга Мусонинг хабари келдими?

Ушбу оятдаги саволга «икрор қилиш» саволи дейилади. Яъни, бу саволдан мақсад Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Мусо алайҳиссаломнинг хабари келган-келмаганини билиш эмас, балки ўша хабар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга келганини таъкидлашдир.

إِذْ رَأَىٰ نَارًا فَقَالَ لِأَهْلِهِ امْكُثُوا إِنِّي آنَسْتُ نَارًا لَّعَلِّي آتِيكُم مِّنْهَا بِقَبَسٍ أَوْ أَجْدُ عَلَىٰ
النَّارِ هُدًى

10. У, оловни кўрган чоғида ўз аҳлига: «Туриб туринглар, мен оловни кўрдим, шояд, сизга ундан чўғ келтирсам ёки олов бошида йўл кўрсатувчини топсам», деди.

Ушбу ояти каримада Мусо алайҳиссалом Мадяндан Мисрга қайтиб келаётганларида рўй берган ҳодиса баён этилмоқда. Бошқа суралардан маълумки, Мусо алайҳиссалом Бани Исроилликка ёрдам бериш мақсадида бир қибтийни уриб ўлдириб қўйган ва Мисрдан қочиб чиққан, сўнгра Мадянга бориб, Шуайб алайҳиссаломнинг

қизларига уйланиб, оила қурган эдилар. Энди, никоҳ пайтида қай-ноталари Шуайб алайҳиссалом билан келишган муддатлари тугаб, аҳлларини олиб, Мадяндан Мисрга қайтиб кетмоқдалар. Бепоён саҳрода кетаётиб, адашиб қолдилар. Ҳайрон бўлиб, йўл топа олмай турган Мусо алайҳиссалом кечаси узоқда оловни кўрдилар. Саҳроликларнинг одати бўйича, кечалари баланд жойга одамларга кўринадиган қилиб, зиёфат борлигини билдириш ёки йўл қаёқда эканини кўрсатиш учун олов ёқиб қўйиларди. Мусо алайҳиссалом узоқдан ана шундай оловни кўрдилар.

«У, оловни кўрган чоғида ўз аҳлига: «Туриб туринглар, мен оловни кўрдим», деди.

Яъни, сизлар шу жойда қимирламай туринглар. Мен оловни кўрдим, ўша ерга бориб келаман.

«...шояд, сизга ундан чўғ келтирсам...»

Ундан олов ёқиб, исинсак ва бошқа мақсадларда фойдалансак.

«...ёки олов бошида йўл кўрсатувчини топсам, деди.»

Албатта, оловнинг бошида бирор одам бўлади. Ана ўшандан йўлни сўраб билсам, дедилар.

Ушбу мақсадлар ила Мусо алайҳиссалом олов кўринган томон йўл олдилар.

فَلَمَّا أَنهَا نُوْدِيَ يَمْوَسَىٰ

11. Бас, у(олов)га келганида, нидо қилинди: «Эй Мусо.

إِنِّي أَنَا رَبُّكَ فَاحْلَعْ نَعْلَيْكَ إِنَّكَ بِالْوَادِ الْمُقَدَّسِ طُوًى

12. Албатта, Мен Ўзим сенинг Роббингдирман. Кавушларингни еч. Чунки, сен муқаддас Туво водийсидасан».

Мусо алайҳиссалом чўғ олиш ёки йўл билиш учун келган эдилар. Ўзлари билмаган ҳолда истаганларидан кўра зиёда хайр-баракотга — ҳидоят ва саодатга йўлиқдилар. Ул зот оловга яқинлашиб келганларида, Аллоҳ таоло нидо қила бошлади:

«Эй Мусо, албатта, Мен Ўзим сенинг Роббингдирман».

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга фаришта юбормай, бевосита Ўзи нидо қилди. Мен сенинг Роббингман, деб очиқ-ойдин айтди. Шунинг учун ҳам, Мусо алайҳиссаломнинг «Калимуллоҳ» — «Аллоҳ билан гаплашган» деган лақаблари бор.

«Кавушларингни еч. Чунки, сен муқаддас Туво водийсидасан.»

Ҳозир сен ушбу муқаддас жойда туриб, Роббил Оламиин ила гаплашасан, шунинг учун, пок бўлиб, турли ерларни босиб келган оёқ кийимларингни ечиб, тайёрланиб тур.

وَأَنَا خَيْرٌ لَّكَ فَاسْتَمِعْ لِمَا يُوحَىٰ ﴿١٣﴾

13. Мен сени ихтиёр қилиб олдим. Ваҳий қилинадиган нарсага қулоқ ос.

Яъни, Мен сени Пайғамбарликка танлаб олдим. Ҳозир сенга ўша Пайғамбарлик вазифаларингни ваҳий орқали юбораман. Ваҳийга қулоқ сол.

إِنِّي أَنَا اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدْنِي وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي ﴿١٤﴾

14. Албатта, Мен Ўзим Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўқис адо эт.

Яъни, бу дунёда ибодатга сазовор бирдан-бир зот Мен Ўзимман. Мендан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, шундай бўлганидан кейин, Менга ибодат қил. Ибодатнинг энг мукаммали бўлмиш намозни ҳам мени зикр этиш учун тўқис адо эт.

إِنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ أَكَادُ أَخْفِيهَا لِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا تَسْعَىٰ ﴿١٥﴾

15. Албатта, соат (қиёмат) келгувчидир. Ҳар бир жон саъйи-ҳаракатига яраша жазо олиши учун уни махфий тутурман.

Қиёмат албатта қоим бўлади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин унинг қачон бўлишини махфий тутаман. Ҳеч ким билмайди. Бундан мақсад ҳар бир одамга қилган ишига яраша мукофот ёки жазо беришдир. Агар қиёмат қачон бўлиши махфий тutilмаса, ошкор этилса, одамлар саъй-ҳаракат қилмай қўядилар. Инсонларнинг табиати шунини тақозо этади. Улар учун доимо бир махфий, ноаниқ нарса бўлиб туриши керак. Ўша махфий нарсага қизиқадилар, уни билишга уринадилар, унинг учун ҳаракат қилдилар. Шунингдек, қиёмат қачон қоим бўлиши махфий бўлгани учун, соғлом табиатли, тўғри йўлдаги кишилар доимо эҳтиёт бўлиб, унга тайёр турадилар. Табиати бузуқ, нотўғри йўдагилар эса, унга ишонмайдилар, тайёргарлик ҳам кўрмайдилар.

فَلَا يَصُدُّكَ عَنْهَا مَنْ لَّا يُؤْمِنُ بِهَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ فَتَرْدَى ﴿١٦﴾

16. Унга иймон келтирмайдиганлар ва ҳавойи нафсига эргашганлар сени ҳаргиз ундан тўсмасинлар. У ҳолда ҳалок бўласан.

Ҳавойи нафсга эргашиш қиёматга куфрни келтириб чиқаради. Ҳавойи нафсига эргашиб, қиёматга иймон келтирмай юрганлар ўзларидан бошқаларни ҳам унга ишонишдан, иймон келтиришдан тўсишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, улар сенинг ҳам иймонингни тўсишга уринишлари мумкин. Аммо, сен зинҳор уларнинг гапига қулоқ солма. Агар қулоқ солсанг, ҳалок бўласан.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга тавҳид илмидан сабоқ бериб бўлгач, энди бошқа гапга ўтди:

وَمَا تَلْكَ يَمِينُكَ يَا مُوسَىٰ ﴿١٧﴾

17. Эй Мусо, қўлингдаги нима?»

قَالَ هِيَ عَصَايَ أَتَوَكَّؤُاْ عَلَيْهَا وَهَشُّ بِهَا عَلَىٰ غَنَمِي وَلِيَ فِيهَا مَآرِبُ أُخْرَىٰ ﴿١٨﴾

18. У: «Бу асоимдир, унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор», деди.

Кечаси оловдан чўғ олиш ёки бирортасидан йўл сўраш мақсадида келган Мусо алайҳиссалом тўсатдан илоҳий нидони тинглаб, ғалати ҳолга тушиб қолган эдилар. Қўлларидаги нарса нима экани сўралганидан кейин ўша маҳбуб илоҳий нидо тугаб қолишини ҳис этдилар ва гапни чўзиб, Аллоҳ таоло билан иложи борича кўпроқ гаплашишга ҳаракат қила бошладилар. Шунинг учун ҳам, қўлингдаги нима, деган саволга «асоим» деб қўявермасдан,

«унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор», деб чўзиб жавоб қилдилар.

قَالَ الْقَهَائِمُوسَىٰ ﴿١٩﴾

19. У: «Эй Мусо, уни ташла», деди.

Яъни, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга «Асоингни ерга ташла», деди. Шунда Мусо алайҳиссалом

فَالْقَهْفَ إِذَا هِيَ حَيَّةٌ تَسْعَى ﴿٢٠﴾

20. Бас, уни ташлади. Бирдан у (асо) илон бўлиб юра бошлади.
Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амрини бажариб, асони ерга ташлаган эдилар, бирдан асо илон бўлиб, ҳаракат қила бошлади.
Буни кўриб Мусо алайҳиссалом қўрқиб кетдилар. Шунда:

قَالَ خُذْهَا وَلَا تَخَفْ سَنُعِيدُهَا سِيرَتَهَا الْأُولَى ﴿٢١﴾

21. У зот: «Уни ол, қўрқма. Биз уни аввалги ҳолига келтирамиз.
Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни хотиржам қилди. Қўрқмасдан уни ердан ол, Биз уни аввалги асолик ҳолига қайтарамиз, деди.

وَأَضْمَمْ يَدَكَ إِلَى جَنَاحِكَ تَخْرُجَ بَيْضَاءَ مِثْلَ بَيْضَاءِ الْأُولَى ﴿٢٢﴾

22. Қўлингни қўлтиғинга тиқ, ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир. Бу бошқа бир мўъжизадир.

Яъни, асо ҳодисасидан кейин Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга қўлини қўлтиғига тиқишни буюрди. Асода қандай мўъжиза содир бўлишини айтмаган эди, лекин қўлини қўлтиққа тиққанда нима бўлишини олдиндан айтиб қўйди:

«...ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир», деди.

Қўл оппоқ бўлди, аммо бу оқликда ёмонлик йўқдир. Яхшилик бор. Жуда чиройли бўлиб кўринади. Бундай бўлиши сенинг Пайғамбар эканлигингни тасдиқловчи асодан кейинги яна бир мўъжизадир.

لَنُرِيكَ مِنْ آيَاتِنَا الْكُبْرَى ﴿٢٣﴾

23. Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик).

Сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун аввал асо ва қўл мўъжизаларини кўрсатдик. Асо ва қўлтиққа тиққанда чиройли оқ бўлиб чиқадиган қўл Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга берган улкан мўъжизаларидан иккитаси эди.

أَذْهَبَ إِلَى فِرْعَوْنَ إِنَّهُ طَغَى ﴿٢٤﴾

24. Сен Фиръавнга бор, чунки, у тугёнга кетди», деди.

Эй Мусо, сени Пайғамбар қилиб танлаб олдик, муқаддас Туво водийсида нидо қилдик, улкан мўъжизаларимиздан кўрсатдик. Энди сен Миср подшоҳи Фиръавн олдига бор. У, шубҳасиз, ҳаддан ошиб, тугёнга кетди. Уни йўлга солиш керак.

قَالَ رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي ﴿٢٥﴾

25. У: «Эй Роббим, менинг қалбимни кенг қил.

وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي ﴿٢٦﴾

26. Менинг ишимни осон қил.

وَأَحْلِلْ عُقْدَةَ مِنِّ لِسَانِي ﴿٢٧﴾

27. Тилимдаги тугунни ечгин.

يَفِّقْهُ أَقْوَالِي ﴿٢٨﴾

28. Сўзимни англасинлар.

وَأَجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِي ﴿٢٩﴾

29. Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер.

هَارُونَ أَخِي ﴿٣٠﴾

30. Оғам Ҳорунни.

أَشَدُّ بِهِ أَرْزِي ﴿٣١﴾

31. У билан белимни қувватла.

وَأَشْرِكُهُ فِي أَمْرِي

32. Уни ишимга шерик айла.

كَيْ نَسِيحَكَ كَثِيرًا

33. Сенга кўп тасбиҳ айтишимиз учун.

وَنَذُرُكَ كَثِيرًا

34. Ва Сени кўп зикр қилишимиз учун.

إِنَّكَ كُنْتَ بِنَابِصِيرًا

35. Албатта, Сен Ўзинг бизни кўриб турувчи эдинг», деди.

Аллоҳ томонидан ўзига ўта масъулиятли вазифа юклатилганини чуқур ҳис этган Мусо алайҳиссалом бу амри илоҳийни қабул этдилар. Фиръавннинг олдига боришларидан олдин ҳар нарсага қодир Аллоҳ таолодан ўзларининг машаққатли ишларида зарур бўладиган ёрдамларни бир йўла сўраб олдилар. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан энг аввал:

«Эй Роббим, менинг қалбимни кенг қил», деб сўрадилар.

Чунки, Аллоҳнинг динига одамларни даъват қилишда қалбнинг кенг бўлиши жуда муҳимдир. Қалби тор одам даъват ишини эплай олмайди. Қалби кенг одам эса, ҳатто, даъват йўлидаги машаққатлардан роҳатланади.

Кейин Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан енгиллик сўрадилар:

«Менинг ишимни осон қил».

Аллоҳ ишини осон қилмаган инсон ҳеч нарсага эриша олмайди. Инсоннинг ўзига қўйиб берилса, нима ҳам қила олар эди у. Фақат Аллоҳ таоло ёрдам бериб, ишини осон этган одамгина бирор нарса қила олиши мумкин.

Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳга учинчи тилаги:

«Тилимдаги тугунни ечгин», дейишлик бўлди.

Тилнинг бурро бўлиши ҳам даъватчилар учун жуда керак. Мусо алайҳиссаломнинг тилларида бир оз дудуқлик бор эди. Аллоҳдан ўша дудуқлик тугунини ечишни сўрадилар. Тилакнинг ортидан

«Сўзимни англасинлар», деб ўшанда одамлар у кишининг сўзини яхшироқ тушунишларини ҳам қўшиб қўйдилар.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан сўраган тўртинчи тилак:

«Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер».

Яъни, менга машаққатли ишларда ёрдам берадиган, оғиримни енгил қиладиган бир ёрдамчи бер, дедилар. Ўша вазир аҳлларидан бўлишини ҳам қўшиб қўйдилар. Чунки, аҳлини тушуниш осон, у билан бирга ишлаш осон. Кейин Мусо алайҳиссалом вазир қилиб кимни хоҳлаётганларини очиқ айтдилар:

«Оғам Ҳорунни».

Ўзларининг катта акалари Ҳорун алайҳиссаломни Мусо алайҳиссалом яхши билишлари турган гап. Айнан Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга вазир бўлиш салоҳиятига эга эдилар. У киши тили ўткир ва фасоҳатли, босиқ-вазмин ва саботли одам эдилар. Мусо алайҳиссалом ана шу сифатларга эга бўлган оғаларининг Пайгамбарликка шерик бўлишини сўрадилар.

«Уни ишимга шерик айла», дейишлари шу маънони англатади.

Мусо алайҳиссалом сўзларининг ниҳоясида бу талабларни қўйишдан қандай мақсадлари борлигини ҳам айтдилар:

«Сенга кўп тасбиҳ айтишимиз учун. Ва сени кўп зикр қилишимиз учун».

Шу билан бирга, уларнинг эҳтиёжларини Аллоҳ таолонинг Ўзи билиб турганини ҳам айтиб қўйдилар:

«Албатта, Сен Ўзинг бизни кўриб турувчи эдинг».

Ҳолимизни биласан. Заифлигимизни кўряпсан. Камчиликларимиз Ўзингга маълум.

Мусо алайҳиссалом тилакларини тугатишлари биланоқ Аллоҳ таоло бу тилакларни амалга оширганини билдирди:

قَالَ قَدْ أُوتِيتَ سُؤْلَكَ يَا مُوسَى ﴿٣٦﴾

36. У зот: «Эй Мусо, сенга сўраганинг берилди.

Бир оғиз гап билан ҳал қилиб қўйди. Нимани сўраган бўлсалар, берди.

وَلَقَدْ مَنَّا عَلَيْكَ مَرَّةً أُخْرَى ﴿٣٧﴾

37. Батаҳқиқ, Биз сенга бошқа марта ҳам неъмат берган эдик.

Яъни, ҳозир берган неъматларимиздан бошқа ҳам неъмат берган эдик.

إِذْ أَوْحَيْنَا إِلَىٰ أُمَمِكَ مَا يُوحَىٰ

38. Ўшанда онангга илҳом қилинадиган нарсани илҳом қилиб.
Яъни, зарур ишни унга илҳом орқали етказган эдик:

أَنْ أَقْدِفِيهِ فِي التَّابُوتِ فَأَقْدِفِيهِ فِي الْيَمِّ فَلْيَلْقَهُ الْيَمُّ بِالسَّاحِلِ يَا خُذْهُ عِدْوِي وَعِدْوِي لَهُمُ وَالْقَيْتُ
عَلَيْكَ مَحَبَّةً مِنِّي وَلِنُصْنَعَ عَلَىٰ عَيْنِي

39. «Уни тобутга сол, уни эса, дарёга ташла. Дарё уни соҳилга отсин. Уни Менинг душманам ва унинг душмани олади», дедик. Ва сенга Ўзимдан муҳаббат солдим. Буни Менинг кўз олдимда етиштирилишинг учун (қилдим).

Яъни, эй Мусо! Онангга берган илҳомда бундай деган эдим:

«Уни тобутга сол...»

Яъни, янги туғилган чақалоқни – Мусони ёғоч сандиққа сол.

«...уни эса, дарёга ташла.»

Яъни, Мусо солинган сандиқни денгизга ташла.

«Дарё уни соҳилга отсин.»

Денгиз ичига гўдак Мусо солинган сандиқни соҳилга чиқарсин.

«Уни Менинг душманам ва унинг душмани олади.»

Яъни, сандиқдаги Мусони Аллоҳга ва Мусо алайҳиссаломга душман бўлган Фиръавн олади.

«Ва сенга Ўзимдан муҳаббат солдим.»

Яъни, эй Мусо, одамлар қалбига сенинг муҳаббатингни солиб қўйдим. Ҳатто Фиръавндек шафқатсиз золим ҳам сени яхши кўрди. Сени топиб олиб, боқишга қарор қилди.

Мен бу ишларнинг ҳаммасини:

«...менинг кўз олдимда етиштирилишинг учун (қилдим)».

Яъни, Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти ва риояти остида тарбияланиши учун Мусо алайҳиссаломга мазкур шароитлар яратилди. Оқибатда мурғак Мусо Фиръавн оиласига келиб тушди.

Фиръавн ҳукмига биноан, Бани Исроилда туғилган ҳар бир ўғил бола ўлдирилаётган эди. Бундан қўрққан Мусонинг онаси Аллоҳ берган илҳом билан уни сандиққа солиб, сувга оқизиб юборади. Сўнгра, жигаргўшасининг фироқига чидай олмай, қийнала бошлайди. Лекин Мусонинг Ўз кўзи остида вояга етиши учун душман Фиръавннинг уйига уни жойлаштирган, қалбига унинг муҳаббатини солган Зот онанинг фарзанд фироқида қийналишига ҳам барҳам берди. Мурғак Мусо аёллар-

нинг биттасини ҳам эммай қўйди. Фиръавн ва унинг хотини Мусо эмадиган аёл ахтара бошлашди. Бунинг хабари Мусонинг оиласига ҳам етиб борди. Ўшанда она Мусонинг опасини Фиръавн саройига юборади ва «Шу болани эмизадиган аёл бор», деб айтишни буюради.

Аллоҳ таоло ана ўша ҳолатни Мусо алайҳиссаломга эслатиб, бундай дейди:

إِذْتَمَشَىٰ أَخْتُكَ فَانْقَوْلْ هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ مَن يَكْفُلُهُ ۗ فَرَجَعْنَاكَ إِلَىٰ أُمِّكَ كَيْ تَقَرَّ عَيْنُهَا
وَلَا تَحْزَنَ ۗ وَقَتَلْتَ نَفْسًا فَنَجَّيْنَاكَ مِنَ الْغَمِّ وَفَتَنَّاكَ فُتُونًا ۚ فَلَبِثْتَ سِنِينَ فِي أَهْلِ مَدْيَنَ ثُمَّ جِئْتَ
عَلَىٰ قَدَرٍ يٰمُوسَىٰ

40. Ўшанда опанг юриб бориб: «Уни кафилликка оладиганларга далолат қилайми?» – деган эди. Бас, Биз сени кўзи қувониши ва хафа бўлмаслиги учун онангга қайтардик. Ва бир жонни ўлдирдинг. Бас, Биз сени ғамдан қутқардик ва турли синовлар ила синадик. Сўнгра, Мадян аҳли ила йилларча қолдинг ва тақдирга биноан келдинг, эй Мусо!

Ўшанда опанг Фиръавн саройига бориб, Мусони эмизишни кафилликка оладиган кимсани сизларга айтиб берайми, деганини эсла. Ана шундай тадбир билан Биз сени, кўриб кўзи қувониши ва фи рофингда ғам чекмаслиги учун, онангга қайтардик.

Ана ўшанда онани олиб келадилар, Мусо уни эма бошлайди. Фиръавн ва унинг оиласи эмизувчи аёл топганларидан, она эса, ўз фарзандига етишганидан хурсанд эди.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга яна бир бошқа неъматини ҳам эслатмоқда:

«Ва бир жонни ўлдирдинг».

Мусо алайҳиссалом Фиръавн саройида тарбия топиб, ўсиб-улғайдилар, вояга етдилар. Бир куни шаҳарда кетаётиб, муштлашаётган икки кишини кўрдилар. Улардан бири мисрлик қибтий эди. Иккинчиси эса, Бани Исроиллик эди. Ўша Бани Исроиллик киши Мусо алайҳиссаломни ёрдамга чақирди. Мусо алайҳиссалом унга ёрдам бериш мақсадида қибтийни бир мушт урган эдилар, у ўлиб қолди. Мусо алайҳиссалом бировни ўлдирмоқчи эмас эдилар. Қаттиқ ғамда қолдилар.

«Бас, Биз сени ғамдан қутқардик...»

Яъни, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг кўнглига хатоси учун истиффор айтишни солиб, ғамни кўтарди. Яна бир куни Мусо алайҳиссалом шаҳарда кетаётсалар, ҳалиги Бани Исроиллик бошқа бир

мисрлик билан муштлашмоқда эди. У яна Мусо алайҳиссаломдан ёрдам сўради. Мусо алайҳиссалом олдинги ҳодисани эслаб, аччиқландилар ва Бани Исроилликка: «Сен ўзинг ёмон одам экансан», деб мисрликни уриш учун интилиб бордилар. Шунда, мени ургани келаётибди, деб қўрқиб кетган Бани Исроиллик: «Ўтган куни одам ўлдирганингдек, бугун мени ҳам ўлдирмоқчимисан», деб сирни фош қилди. Шунда Мусо алайҳиссалом Мисрдан қочиб кетишга мажбур бўлдилар.

«...ва турли синовлар ила синадик.»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни турли синовларга солди. У зот эса, синовларнинг барчасидан муваффақиятли ўтдилар.

«Сўнгра, Мадян аҳли ила йилларча қолдинг...»

Ундан кейин Мадян диёрига бориб, Пайғамбар Шуайб алайҳиссаломнинг қизига уйланиб, бир неча йиллар Мадян аҳли ила бирга яшаб қолдинг.

Мадянда у зотнинг ўн йил қолганлари айтилади.

«...ва тақдирга биноан келдинг, эй Мусо!»

Яъни, Мен қилган тақдирга биноан, энди бу ерга келдинг.

Аллоҳ таоло муқаддас Туво водийсидаги суҳбат давомида Мусо алайҳиссаломга у зотни туғилганидан бери Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлаб, доимо раҳмати остида тутиб келаётганини бирма-бир эслатди ва бунинг сабабини ҳам баён этди:

وَأَصْطَنَعْتُكَ لِنَفْسِي

41 Мен сени Ўзим учун танладим.

Яъни, Пайғамбар қилиб олганини эълон қилди. Кейин эса, Пайғамбарлик вазифасини адо этишга киришишга буюриб, биринчи қилиниши керак бўлган ишларни айтди:

أَذْهَبَ أَنْتَ وَأَخُوكَ بِآيَاتِي وَلَا نُنِيَا فِي ذِكْرِي

42. Сен ва оғанг мўъжизаларимни олиб боринглар ва Мени зикр этишда сусткашлик қилманглар.

Эй Мусо, сен ва оғанг Ҳорун Менинг мўъжизаларимни олиб, Фиръавн ва унинг қавмига боринглар.

«...мени зикр этишда сусткашлик қилманглар.»

Менинг зикрим сизларга доимо куч-қувват, сабот-бардош беради. Сизларнинг зоду роҳилангиз — йўл озиғингиз ҳам, қурол-аслаҳангиз ҳам шу.

أَذْهَبَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُ طَغَىٰ

43. Фиръавнга боринглар! Чунки, у туғёнга кетди.

Қўрқмасдан, золим Фиръавнга боринглар. У туғёнга кетди. Ҳаддан ошди.

فَقُولَا لَهُ قَوْلًا لِّئَلَّا يَعْلَمَ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَىٰ

44. Бас, унга юмшоқ сўз айтинглар. Шояд, эсласа ёки қўрқса».

Юмшоқ сўз таъсир қилиши мумкин. Юмшоқ сўз кофирни ва туғёнга кетган шахсни ҳам мулоим қилиб қўйиши мумкин. Юмшоқ сўз ўйлашга мажбур қилиши мумкин. Шояд, туғёнга кетган Фиръавн ҳам қилаётган ишларини эсласа ва туғённинг оқибати ёмон бўлишидан қўрқса.

قَالَا رَبَّنَا إِنَّا نَخَافُ أَنْ يُفْرَطَ عَلَيْنَا أَوْ أَنْ يَطْغَىٰ

45. Икковлари: «Эй Роббимиз, биз унинг тезда бизга ёмонлик қилишидан ёки ҳаддан ошишидан қўрқамиз», дедилар.

Мусо ва Ҳорун иккаласи (алайҳимассалом): «Эй Роббимиз, биз Фиръавн ҳузурига бориб, уни иймонга чақирсак, у дарҳол бизга ёмонлик қилиши мумкин ёки яна ҳам туғёни зиёда бўлиши мумкин, шундан қўрқамиз», дедилар.

قَالَ لَا تَخَافَا إِنِّي مَعَكُمْ أَسْمَعُ وَأَرَىٰ

46. У зот: «Қўрқманглар! Албатта, Мен сизлар биланман, эшитаман ва кўраман.

Аллоҳ томонидан Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломларга ҳал қилувчи, иккиланишга ўрин қолдирмайдиган жавоб келди: «Ҳеч қўрманглар. Нимадан қўрқасизлар! Ахир мен сизлар биланман. Ҳамма нарсани эшитиб турибман. Ҳамма нарсани кўриб турибман. Фиръавн сизларга дарҳол ёмонлик қилгани билан, нимани қойил эта олар эди. Фиръавннинг туғёни яна ҳам ошгани билан, қўлидан нима келар эди?»

فَأَنبَاهُ فَقُولَا إِنَّا رَسُولَا رَبِّكَ فَأَرْسِلْ مَعَنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ وَلَا تَعَذِّبْهُمْ قَدْ جِئْنَاكَ بِبَيِّنَاتٍ مِّنْ رَبِّكَ وَالسَّلَامُ عَلَيَّ مَنِ اتَّبَعَ الْهُدَىٰ

47. Бас, унинг олдига боринглар ва унга: «Албатта, биз Роббингнинг Пайғамбарларимиз, Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор. Уларни азоблама. Батаҳқиқ, биз сенга Роббингдан мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кимсага салом бўлур.

إِنَّا قَدْ أُوحِيَ إِلَيْنَا أَنَّ الْعَذَابَ عَلَىٰ مَنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ

48. Албатта, бизга ваҳий қилиндики, ёлғонга чиқарганларга ва юз ўгириб кетганларга, шубҳасиз, азоб бўлур», денглар», деди.

Яъни, мен сизлар билан бирга бўлганимдан кейин, Фиръавннинг олдига дадил бораверинглар ва унга бу гапларни айтинглар:

«Албатта, биз Роббингнинг Пайғамбарларимиз...»

Эй Фиръавн, билиб қўй, ҳеч шак-шубҳасиз, биз икковимиз Роббингнинг Пайғамбарларимиз. Сенга Аллоҳ таолонинг амрини олиб келдик. Ўша амрлардан бири:

«...Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор. Уларни азоблама».

Оламларнинг Робби, жумладан сенинг ҳам Роббинг бўлмиш Аллоҳнинг амри шу. Бани Исроилни қул қилиб олиб туришга, уларни тинимсиз азоблашга сенинг ҳаққинг йўқ.

Агар бизнинг бу гапларимизга, Пайғамбарлигимизга ишонмаётган бўлсанг:

«Батаҳқиқ, биз сенга Роббингдан мўъжиза келтирдик».

Ўша мўъжиза бизнинг ҳақиқий Пайғамбар эканлигимизни тасдиқлайди. Биз Аллоҳнинг Пайғамбарлари бўлганимиз учун доимо тўғри йўлга – ҳидоятга чорлаймиз.

«Ҳидоятга эргашган кимсага салом бўлур.»

Саломатлиқ, яъни омонлик бўлади. Бинобарин, Аллоҳнинг айтганини қилиб, ҳидоятда собитқадам турганлар тинч-омон яшайдилар. Яна:

«Албатта, бизга ваҳий қилиндики...»

Аллоҳнинг Пайғамбарларини «ёлғонга чиқарганларга» ва иймондан «юз ўгириб кетганларга, шубҳасиз, азоб бўлур».

Сен ҳам, эй Фиръавн, тугендан қайт, ҳидоятга эргаш, турли бало-офатлардан саломат бўласан. Сен ҳам, эй Фиръавн, Аллоҳнинг Пайғамбарларини – бизларни ёлғончига чиқарма ва иймондан юз ўгирма, йўқса, шубҳасиз, азобга дучор бўлиб қоласан, денглар.

Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломларга Фиръавнга нималар дейиш кераклигини ўргатганидан сўнг, муқаддас Туво воқидидаги учрашув тугайди. Учрашув тугагани, ундан кейинги

воқеалар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Қисса Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломлар Фиръавнга бориб, Аллоҳ уларга ўргатган гапларни айтганларидан кейин Мусо алайҳиссалом билан Фиръавн ўртасида бошланган баҳс билан давом этади. Фиръавн:

قَالَ فَمَنْ رَبُّكُمْ يَا مُوسَى

49. У: «Эй Мусо, икковингизнинг Роббингиз ким?» – деди.

Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломлар Фиръавнга: «Биз сенинг Роббингнинг Пайғамбарларимиз», дейишларига қарамай, Фиръавн: «Менинг Роббим ким?» деб эмас, «...**икковингизнинг Роббингиз ким?**» деб сўради. Шу гапнинг ўзидан унинг Роббни тан олмаслиги кўриниб турибди. Тугёнга кетиб, худолик даъвосини қилган кофир, ўзининг ҳар бир гапида ўша даъвосини олға сурмоқда.

Фиръавндан бу саволни эшитган Мусо алайҳиссалом унга қуйидагича жавоб бердилар:

قَالَ رَبُّنَا الَّذِي أَعْطَى كُلَّ شَيْءٍ حَلْقَهُ ثُمَّ هَدَى

50. У: «Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир», деди.

Мусо алайҳиссалом жуда қисқа, аммо мукамал жавоб бердилар.

Имом Замахшарий ҳам, бошқа буюк уламолар қатори, бу жавобдан қойил қолиб: «Ё Аллоҳ! Бу қандай ажойиб жавоб! Қандай ҳам мухтасар! Қандай ҳам жамловчи! Қандай ҳам баён қилувчи! Ким инсоф билан зеҳн қўйиб, назар солса, англаб этади», деганлар.

«Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган...»

Роббимиз шундай зотки, у ҳар нарсага, кўзга кўринмас ҳужайрага ҳам, кўз нури етмас улкан мавжудотларга ҳам ўзига хос яратиш — хилқат берган. Ҳаммаси ўзига хос. Бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бири ўзича бир олам. Сон-сановига етиб бўлмайдиган мавжудотларнинг ҳар бирига ўзига хос хусусият, шакл-шамоил берган Зот Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломларни Фиръавн ва унинг қавмига Пайғамбар қилиб юборди.

У зот ҳар бир нарсага хилқат бериш билан кифояланиб қолгани йўқ, балки яна:

«ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир...»

Аллоҳ ҳар бир мавжудотни ўзига хос хусусият, шакл-шамоил ила яратгани қаторида, ҳар бирига вазифа белгилаб, уни адо этишга ҳам йўллаб қўйгандир. Кўзга кўринмайдиган кичик ҳужайралардан тортиб, кўз нури етмас улкан махлуқотларгача ҳамма-ҳаммаси вазифасини адо этиш учун ҳаракатда. Ҳар бир зарра бурчини ўташ учун ҳаракат қилади. Ҳар бир ҳужайра вазифасини ўзига буюрилгани янглиғ тўғри адо этади. Шунингдек, осмонлар ҳам, ер ҳам, тоғу тош, дарё-денгизлар ҳам вазифаларини тўқис адо этади. Уларни бу ишга Аллоҳ ҳидоят қилган, йўллаган.

Бу жавобдан сўнг Фиръавн яна савол берди.

قَالَ فَمَا بَالُ الْقُرُونِ الْأُولَىٰ ﴿٥١﴾

51. У: «Ўтган асрларнинг ҳоли недир?» – деди.

Яъни, ўтган асрларда яшаб ўтган одамларнинг ҳоли нима бўлди? Улар қаёққа кетдилар? Сен айтаётган Робб уларга ҳам Роббмиди ёки йўқми? Ўтганлар унга иймон келтирмай, ибодат қилмай ўтиб кетди. Энди нима бўлади?

Аллоҳга иймони йўқ ҳар бир кофирдан тушадиган бу саволга Мусо алайҳиссалом қуйидаги жавобни бердилар:

قَالَ عَلِمَهَا عِنْدَ رَبِّي فِي كِتَابٍ لَا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنسَىٰ ﴿٥٢﴾

52. У: «Уларнинг илми Роббим ҳузuriда, китобдадир. Роббим адашмас ва унутмас», деди.

Яъни, ўтган асрлар ҳақидаги барча илм Роббим ҳузuriдаги китобда ёзилгандир. Қанча асрлар ўтиб, қанча одамлар яшаб, нима ишлар қилган бўлсалар, ҳамма-ҳаммаси Роббим ҳузuriда турибди, китобда ёзилган. Роббим уларнинг амалларини ҳисоб-китоб қилишда адашмайди, баъзи нарсаларни унутиб ҳам қўймайди. Шунга қараб жазолайди ёки мукофотлайди.

Мусо алайҳиссалом Фиръавннинг саволига жавоб бериб бўлиб, сўзларида давом этдилар, Роббул Оламийнинг сифатларини васф қилишга киришдилар:

الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ مَهْدًا وَوَسَّلَ لَكُمْ فِيهَا سُبُلًا وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ
أَنْوَاجًا مِنْ تَبَاتٍ شَتَّىٰ ﴿٥٣﴾

53. «У сизга ерни бешик қилган, сизга унда йўллар очган ва осмондан сув туширган Зотдир». Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи бир неча сифатлари зикр қилинмоқда.

«У сизга ерни бешик қилган...» Зотдир.

Гўдак учун бешик қандай қароргоҳ бўлса, ер ҳам сиз учун шундай қароргоҳ. Инсон ким бўлишидан, қай даражага етишидан қатъи-назар, ер юзида бешикдаги болага ўхшайди. Унга ерни бешик қилиб, унда уни таомлантириб, ювиб-тараб турган зот Аллоҳдир. Агар Аллоҳ таоло Ўз инояти билан ерни одам боласи учун бешик қилиб бермаганида, инсон ер юзида яшай олмас эди. У (Роббим):

«...сизга унда йўллар очган...» Зотдир.

Агар Аллоҳ ер юзида одамларга турли йўлларни очиб бермаганида ҳам, улар машаққатда қолар эдилар.

«...ва осмондан сув туширган Зотдир».

Сув ҳаётдир. Аллоҳ одамларга осмондан сув туширмаса, инсон қандай ҳаёт кечиради? Ўша сув туфайли инсон ҳаёти давом этади. Жумладан:

«Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик».

Набототларнинг ҳам жуфт-жуфт экани илм тараққий этганидан сўнг маълум бўлди. Қуръони Карим эса, буни аввалдаёқ айтиб қўйган.

كُلُوا وَارْعَوْا أَنْعَمَكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِأُولِي النُّهَى

54. Енглр ва чорваларингизни боқинглр. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.

Эй одамлар, ўша осмондан туширилган сув ёрдамида Аллоҳ чиқариб қўйган набототлар меваларидан ўзларингиз енглр. Ўша набототлар ила чорваларингизни боқинглр. Аллоҳ уларни сизнинг фойдангиз учун чиқарган.

«Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.»

Озгина ақлга эга бўлган одам бу низомни, бу илоҳий тадбирларни мулоҳаза қилиб кўрса, Роббул Олабийннинг биру бор эканлигига кўплаб белгилар, далиллар кўради.

Эътибор берилса, Мусо алайҳиссалом айтаётган гаплар олдинги оятнинг охиридан бошлаб бевосита Аллоҳнинг гапларига айланиб кетди. Ҳозирги оят ҳам Аллоҳнинг сўзлари.

Келаси оятларда ҳам Аллоҳнинг сўзи давом этади:

﴿مِنْهَا خَلَقْنَاكُمْ وَفِيهَا نُعِيدُكُمْ وَمِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً أُخْرَى﴾

55. Сизларни ундан яратдик, унга қайтарамиз ва яна бир бор ундан чиқариб оламиз.

Яъни, биз сизларни ердан яратдик, ўлганингиздан сўнг сизни яна унга қайтарамиз. Қиёмат куни эса, сизларни қайта тирилтириб, яна бир бор ердан чиқариб оламиз. Эй Фиръавн, сен ҳам одамсан, сенинг ҳам бошингга шу кун тушади.

﴿وَلَقَدْ آرَيْنَاهُ آيَاتِنَا كُلَّهَا فَكَذَّبَ وَأَبَى﴾

56. Батаҳқиқ, Биз унга оят-мўъжизаларимизнинг ҳаммасини кўрсатдик. Бас, у ёлғонга чиқарди ва бош тортди.

Яъни, таъкидлаб айтамикки, биз Фиръавнга унга аталган ҳамма мўъжизаларимизни кўрсатдик. Уларни, жумладан, асо ва қўл мўъжизаларини кўрсатишдан мақсад унинг иймонга келиши эди. Аммо:

«...у ёлғонга чиқарди ва бош тортди».

Фиръавн мўъжизаларни ёлғонга чиқарди ва иймонга келишдан бош тортди. Фиръавн баҳс ва тортишувда енгилишига кўзи етиб қолганидан кейин, туғёнга кетган подшоҳлар одатича, дўқ-пўписа қилишга, рақибига туҳмат тошларини отишга бошлади.

﴿قَالَ أَجِئْتَنَا لِتُخْرِجَنَا مِنْ أَرْضِنَا بِسِحْرِكَ يَا مُوسَى﴾

57. У: «Эй Мусо, бизни еримиздан чиқариш учун сеҳринг ила келдингми?!»

Туҳматни қаранг, Мусо алайҳиссаломнинг гаплари фақат яхшиликдан иборат эди. Иймон келтиринглар, бўйинсунинглар, оқибати яхши бўлади, деган эдилар. Агар кофир ҳолингизда қолиб, туғёнда кетаверсангиз, ёмон бўлади, деган эдилар. Фиръавнга эса: «Бани Исроилга зулм қилма, уларни қулликдан озод эт», дедилар, холос. Чунки, Фиръавн Бани Исроилни қул қилиб олган, уларни узоқ вақтлардан буён истибдодда тутиб келар эди. Кейинроқ, мулкининг завоидан қўрқиб, Бани Исроилдан туғилган ҳар бир ўғил болани онаси қорнидан тушиши билан ўлдиришга ҳукм чиқарди. Унинг жосуслари Бани Исроиллик ойи-куни яқинлашган аёлларни пойлаб юришар, кўзи ёриши билан болага қарашар, ўғил бўлса, ўлдиришар, қиз бўлса, тегишмас эди. Ҳукмдорлик ишқи шундай. Бир томондан худолик даъвосини

қилади, иккинчи томондан, салтанатингга зарар етказади, дейилса, онасидан янги туғилган гўдақдан-да қўрқаверади. Атрофидаги гу-машталари эса, ҳар қандай гап ёки воқеадан ҳам тескари маъно чиқариб, сизнинг ҳукмингизга қарши бўлса керак, дейишаверади. Фиръавн атрофидаги сеҳргар-фолбинлар ҳам унга: «Яқинда Бани Исроилда бир ўғил бола туғилади, ўша мулкингнинг заволига сабаб бўлади», деб айтган эдилар. Ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган Фиръавн Мусо алайҳиссаломнинг: «Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор, уларни азоблама», деган гапларини мулкига суиқасд деб тушунди ва:

«Эй Мусо, бизни еримиздан чиқариш учун сеҳринг ила келдингми?!» деди.

У, Мусо алайҳиссалом ўзларининг ҳақ Пайғамбар эканларини тасдиқлаш учун кўрсатган мўъжизаларни сеҳрга йўйди, «Бани Исроилни қўйиб юбор» деган талабларидан, «еримни тортиб олиб, ўрнимга ўзи жойлашмоқчи», деб ўйлади.

Фиръавн бўлганидан кейин бошқа нима ҳам келар эди хаёлига.

Фиръавн гапида давом этди:

فَلَنَأْتِيَنَّكَ سِحْرٌ مِّثْلَهُ فَأَجْعَلْ بَيْنَنَا وَبَيْنَكَ مَوْعِدًا لَا نُخْلِفُهُ نَحْنُ وَلَا أَنْتَ مَكَانًا سَوِيًّا

58. Бас, албатта, биз ҳам унга ўхшаш сеҳр келтирамиз, биз билан ўзинг орангда ваъда вақти тайин қил, унга биз ҳам, сен ҳам хилоф қилмайдиган бўлайлик, ўрта жой бўлсин», деди.

Фиръавн Мусо алайҳиссалом кўрсатган мўъжизаларни чиндан-да сеҳр деб ўйлагани шу гапларидан билиниб турибди. Чунки, ўша пайтда унинг юртида сеҳр чўққига чиққан амал эди. Сеҳргарлар ақлларни лол қиладиган сеҳрларни кўрсатар эдилар. Сеҳр ва сеҳргарликнинг жамиятда катта обрўйи бор эди. Фиръавннинг ҳам кўплаб сеҳргарлари бўлиб, уларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатарди.

Аллоҳ таоло ҳар замоннинг ўзига мос Пайғамбар юбориб, унинг ҳақлигини тасдиқловчи мўъжизани ҳам ўша замонга мослаб беради. Мусо алайҳиссаломни сеҳргарлар мамлакатига Пайғамбар қилиб юборди, шу боис ҳам, у кишига ўша ердаги сеҳргарлардан устун турадиган мўъжизаларни берди.

Фиръавн эса, ўз сеҳргарларига ишонар, агар ўртада мусобақа бўлса, улар ҳар қандай сеҳргардан ғолиб келишига шубҳа қилмас эди. Шунинг учун ҳам, у Мусо алайҳиссаломга:

«Бас, албатта, биз ҳам унга ўхшаш сеҳр келтирамиз», деди.

Яъни, биз ҳам сенинг сеҳрингга ўхшаш сеҳрни албатта келтирамиз, бу биз учун осон, деди.

Фиръавн ғалабага чуқур ишонганидан баҳслашув жойи, вақтини танлаш ихтиёрини ҳам Мусо алайҳиссаломга ҳавола қилди.

«...биз билан ўзинг орангда ваъда вақти тайин қил...»

Яъни, сен қайси вақтни хоҳласанг, ўша вақтда мусобақа ўтказамиз, биз учун фарқи йўқ, деди.

«...унга биз ҳам, сен ҳам хилоф қилмайдиган бўлайлик, ўрта жой бўлсин», деди.

Яъни, ваъда қилинган вақт икки томонга ҳам ўнғай бўлсин. Яна, мусобақа жойи ҳам ҳар икки томонга қулай бўлсин, деди.

Фиръавннинг такаббуруна бу журъатига Мусо алайҳиссалом ҳам ҳеч иккиланмасдан, журъат билан жавоб бердилар:

قَالَ مَوْعِدُكُمْ يَوْمَ الزَّيْنَةِ وَأَنْ يُحْشَرَ النَّاسُ ضُحًى

59. У: «Ваъда вақтингиз зийнат куни. Одамларнинг чошгоҳда тўпланиши», деди.

Аллоҳнинг кўзи ўнгида эканини, Унинг эшитиб, кўриб турганини чуқур ҳис этган, Унинг ёрдами муҳаққақлигига ишончлари комил бўлган Мусо алайҳиссалом Фиръавндан-да дадил гапирдилар. У киши Фиръавн ва унинг сеҳргарлари халқ ичида шарманда бўлишларини истар эдилар. Шунинг учун ҳам:

«Ваъда вақтингиз зийнат куни», дедилар.

Мисрликларнинг «зийнат куни» деган катта байрами бўлиб, унда барча халойиқ зийнатли кийимлар кийиб чиқар эдилар. Мусо алайҳиссалом, ҳамма гувоҳ бўлсин деб, зийнат кунини танладилар. Шу билан бирга, у зот ўша куннинг энг қулай вақтини ихтиёр қилдилар:

«Одамларнинг чошгоҳда тўпланиши».

Мисрда ўша пайтларда барча аҳоли иштирок этадиган катта ва обрўли мусобақалар шу вақтда ўтказилар эди.

فَتَوَلَّى فِرْعَوْنُ فَجَمَعَ كَيْدَهُ ثُمَّ أَتَى

60. Бас, Фиръавн қайтиб кетди, сўнгра, ҳийласини йиғиб келди.

Ояти карима қисқа бўлса ҳам, учта ҳолатни тасвир этмоқда. Аввало, Фиръавн Мусо алайҳиссалом билан бўлган учрашувдан қайтиб кетди. Кейин ҳийласини йиғди — ҳамма кучли сеҳргарларини тўлади. Сўнгра, яна қайтиб келди.

Тортишув, мусобақага тайёргарлик ниҳоясига етди.

Шунда Мусо алайҳиссалом қарши томонга яна бир бор насихат қилдилар.

قَالَ لَهُمُ مُوسَىٰ وَيَلَيْكُمُ لَا تَفْتَرُوا عَلَيَّ اللَّهُ كَذِبًا فَيُسْحِتْكُمْ بِعَذَابٍ وَقَدْ خَابَ مَنِ افْتَرَىٰ ﴿٦١﴾

61. Уларга Мусо: «Ҳолингизга вой! Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирманг, бас, сизни азоб ила бутунлай ҳалок қилур. Батаҳқиқ, ким ёлғон уйдирса, ноумид бўлур», деди.

Яъни, Мусо алайҳиссалом тортишувга шай бўлиб турган сеҳргарларга:

«Ҳолингизга вой! Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирманг...» дедилар.

Яъни, Аллоҳга ширк келтирманг! Аллоҳнинг Ўз Пайғамбарига берган мўъжизасини сеҳр деманг. Агар шундай десангиз:

«...бас, сизни азоб ила бутунлай ҳалок қилур».

Ўша нобакорлигингиз учун Аллоҳ сизга азоб юбориб, бутунлай ҳалок этади, барбод қилади. Чунки, бу дунёнинг умумий қоидаси шуки:

«Батаҳқиқ, ким ёлғон уйдирса, ноумид бўлур».

Аллоҳга нисбатан ёлғон уйдирган кимса доимо ноумид бўлиб келган ва шундай бўлиб келмоқда ҳам, деди.

Мусо алайҳиссаломнинг бу гапларидан баъзи сеҳргарлар таъсирланишди. Улар у кишининг насихатларини қабул этишни таклиф қилишди. Бошқалари эса, ўз фикрларида туриб олдилар.

فَنَنْزَعُوا أَمْرَهُم بَيْنَهُمْ وَأَسْرُوا النَّجْوَىٰ ﴿٦٢﴾

62. Бас, улар ишлари ҳақида ўзаро аста шивирлашиб, мунозара қила бошладилар.

Мусо алайҳиссаломнинг юқоридаги гапларидан кейин сеҳргарлар ўзаро пичирлашиб, тортишиб кетдилар ва сўнгра:

قَالُوا إِنَّ هَٰذَا لَسِحْرَانِ يُرِيدَانِ أَنْ يُخْرِجَاكُم مِّنْ أَرْضِكُمْ بِسِحْرِهِمَا وَيَذْهَبَا بِطَرِيقَتِكُمُ الْمُثَلَىٰ ﴿٦٣﴾

63. Улар: «Албатта, бу иккови сеҳргардирлар. Сизни сеҳрлари билан ерларингиздан чиқаришни ва сизнинг афзал йўлингизни йўқотишни хоҳларлар.

فَاجْمَعُوا كَيْدَكُمْ ثُمَّ اتُّوَاصِفًا وَقَدْ أَفْلَحَ الْيَوْمَ مَنْ اسْتَعْلَىٰ ﴿٦٤﴾

64. Бас, макр-ҳийлангизни жамлаб, бир саф бўлиб келинг. Батаҳқиқ, бугунги кунда ким устун келса, ўша ғолиб бўлур», дедилар.

Ушбу икки оят сеҳргарларнинг ўзаро пичирлашиб, тортишиб келган хулосаларини баён этмоқда. Улар бир-бирларига:

«Албатта, бу иккови сеҳргардирлар», дейишди.

Яъни, мана бу икки шахс – Мусо билан Ҳорун Пайғамбар эмас, сеҳргарлардир.

«Сизни сеҳрлари билан ерларингиздан чиқаришни ва сизнинг афзал йўлингизни йўқотишни хоҳларлар.»

Афтидан, сеҳргарларнинг Фиръавнга лаганбардорлик қилишлари ўзаро тортишувга ҳам таъсирини ўтказган кўринади. Улар хўжайинларининг Мусо алайҳиссаломга қилган туҳматини маҳкам ушлаб олиб, шерикларига: «Сизни сеҳрлаб, ерингиздан чиқаришни хоҳлайдилар», демоқдалар. Туғёнга кетган подшоҳнинг гапи, албатта, у турган юртда ҳал қилувчи омил бўлади. Сўнгра, лаганбардорлар хўжайинлари гапига ўзлариникини ҳам қўшиб: «Сизнинг афзал йўлингизни йўқотишни хоҳлайдилар», деб қўйдилар. Бу билан улар, «ота-боболарингиз қолдирган дин, урф-одатларни йўқотади», демоқчилар.

Демак, ватан, дину диёнат, урф-одат ва ота-боболар мероси хавф остида. Уларни ҳимоя қилиш керак. Ана шундай шарафли ва машаққатли ишга хўжайин сиз билан бизни муносиб кўрди. Энди, турли гап-сўзларни йиғиштириб:

«...макр-ҳийлангизни жамлаб, бир саф бўлиб келинг».

Бир саф бўлиб, бир жону бир тан бўлиб, ватанни, дину диёнатни, урф-одатларимизни ва ота-боболаримизнинг меросини ҳимоя қилиш вақти келди. Шундай нозик пайтда биз фидокор бўлмасак, ким бўлади.

«Батаҳқиқ, бугунги кунда ким устун келса, ўша ғолиб бўлур», дедилар.

Фиръавннинг гумашталари Аллоҳ томонидан келган ҳақни ботил деб, ўз ботилларини ҳақ деб, баҳолаб бўлганларидан кейин, Мусо алайҳиссаломга хитоб қилдилар.

قَالُوا يَمُوسَىٰ إِمَّا أَنْ تُلْقَىٰ وَإِمَّا أَنْ نَكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَلْقَىٰ ﴿٦٥﴾

65. Улар: «Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки биз аввал ташловчи бўлайликми?» – дедилар.

Сеҳргарларнинг бу гапларидан уларнинг ғолиб келишга ишончлари комил эканлиги билиниб турибди. Улар бу гаплари билан, эй Мусо, сен бошлайсанми ёки биз бошлайликми – биз учун фарқи йўқ, демоқчилар.

قَالَ بَلْ أَلْقُوا فَإِذَا حِجَابُهُمْ وَعَصِيَّهُمْ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ مِنْ سِحْرِهِمْ أَنَّهَا تَسْعَى ﴿٦٦﴾

66. У: «Йўқ. Сизлар ташланг», деди. Бирдан уларнинг арқонлари ва асолари унга сеҳрларидан худди ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринди.

Мусо алайҳиссалом сеҳргарларга олдин бошлашга имкон бердилар.

«У: «Йўқ. Сизлар ташланг», деди».

Яъни, йўқ, мен аввал ташламайман, аввал сизлар ташланглар, дедилар.

Сеҳргарлар қўлларидаги арқон ва асоларини ерга ташладилар.

«Бирдан уларнинг арқонлари ва асолари унга сеҳрларидан худди ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринди.»

Сеҳргарларнинг ерга ташлаган арқон ва асолари Мусо алайҳиссаломга уларнинг сеҳри сабабли худди ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринди.

فَأَوْجَسَ فِي نَفْسِهِ خِيفَةً مُوسَى ﴿٦٧﴾

67. Бас, Мусо ичида хавф ҳис этди.

Бу эса, ўз навбатида, сеҳргарлар анчагина катта ҳунар кўрсатаётганликларининг далилидир. Бўлмаса, Мусо алайҳиссалом доимо Аллоҳ таолонинг ёрдамини сезиб турганларидан, унча-бунча нарсдан қўрқмас эдилар.

فَلَنَلَا تَخَفَ إِنَّكَ أَنْتَ الْأَعْلَى ﴿٦٨﴾

68. Биз: «Қўрқма, албатта, сен устунсан.

وَأَلْقِ مَا فِي يَمِينِكَ تَلْقَفْ مَا صَنَعُوا إِنَّمَا صَنَعُوا كَيْدَ سِحْرٍ وَلَا يُفْلِحُ السَّاحِرُ حَيْثُ أَتَى ﴿٦٩﴾

69. Қўлингдаги нарсани ташлагин, уларнинг қилган ҳунарини ютиб юборур. Уларнинг қилган ҳунари сеҳргарнинг ҳийласи, холос. Сеҳргар қаерда бўлса ҳам, зафар топмас», дедик.

Ўша пайт Аллоҳ Мусо алайҳиссаломни қўлади. Эй Мусо:

«Қўрқма, албатта, сен устунсан», деди.

Шу билан у зотнинг сеҳргарлардан устун келишлари муқаррар эканини яна бир бор таъкидлади. Сўнгра, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нима қилиш кераклигини ўргатди:

«Қўлингдаги нарсани ташлагин, уларнинг қилган ҳунарини ютиб юборур».

Қўлингдаги асони ерга ташлагин, сеҳргарлар кўрсатаётган сеҳрни ютиб юборади, деди.


«Уларнинг қилган ҳунари сеҳргарнинг ҳийласи, холос.»

Ундан бошқа нарса эмас. Уларнинг ишлари фақат ҳийла-найранг, холос. Қўрқининг ҳожати йўқ.

«Сеҳргар қаерда бўлса ҳам, зафар топмас.»

Ҳийла-найранг ҳеч қачон зафар топмаган. Бу сафар ҳам зафар топмайди. Фиръавнлар ва уларнинг гумашталари, сеҳргарлари доимо ҳийла-найранглар ила халқнинг кўзини бўяб келганлар. Уларнинг ботили ҳақ кўринмаган пайтда ўтади, холос. Ҳақ келганида, ботил йўқ бўлади. Сен Роббингдан ҳақ келтирдинг, энди уларнинг ботили йўқолади.

Аллоҳ таолонинг амри ила Мусо алайҳиссалом қўлларидаги асони ерга ташладилар. У сеҳргарларнинг ҳунарини ютиб юборди.



70. Бас, сеҳргарлар: «Ҳорун ва Мусонинг Роббига иймон келтирдик», деб саждага ташландилар.

Улар сеҳргар бўлганлари учун сеҳрнинг кайфиятини яхши билар эдилар. Улар Мусо алайҳиссалом кўрсатган ҳунар сеҳр эмас, Аллоҳнинг мўъжизаси эканини дарҳол англадилар. Улар Мусо алайҳиссалом ўзлари каби ҳийла-найрангчи эмас, Аллоҳнинг ҳақиқий Пайғамбари эканини зудлик билан англаб етдилар. Шунинг учун ҳам:

«Ҳорун ва Мусонинг Роббига иймон келтирдик», деб саждага ташландилар».

Уларнинг қалбига иймон нури етиб борди. Улар бу нур томон жон-жаҳдлари билан интилдилар. Шунинг учун ҳам, иймонларини ошкор этиб, саждага «ташландилар», оддий сажда қилмадилар, балки саждага ўзларини отдилар.

Энг ишонган одамларидан бу ҳолни кўрган Фиръавн нима қилиши керак эди? Агар у соф табиатли бўлганида, ўзини ўнглаб ҳақни тан

оларди. Аммо у соф табиатини йўқотиб, туғёнга кетган, одамлар устидан ҳукм юритавериб, ўзини худо ҳис қилиб қолган, ўзининг ишорасисиз бирор иш бўлмаслигига одатланган, одамийлигини кибрга сотган бир махлуқ эди. Шунинг учун ҳам, у тамоман тескари йўл тутди.

قَالَ ءَامَنْتُمْ لِي قَبْلَ أَنْ ءَاذَنَ لَكُمْ إِنَّهُ لَكَبِيرِكُمْ الَّذِي عَلَّمَكُمُ السِّحْرَ فَلَا تُقْبَعُونَ أَيَدِيكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ مِّنْ خَلْفٍ وَلَا تُصَلِّبْتَكُمْ فِي جُدُوعِ السَّخْلِ وَلَنَعْلَمَنَّ أَيُّنَا أَشَدُّ عَذَابًا وَأَبْقَى

71. У: «Сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингизми?! Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир! Бас, албатта, қўл-оёқларингизни қарама-қаршисидан кесурман ва, албатта, сизларни хурмо танасига осурман, албатта, қайси биримизнинг азобимиз шиддатлироқ ва боқийроқ эканини билурсиз», деди.

Фиръавн туғёнга кетган подшоҳларнинг вакили ва тимсоли сифатида уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам қилган. Жумладан, ҳар бир нарса фақат унинг изни билан бўлиши шарт. Фиръавннинг фикрича, Аллоҳга иймон келтириш ҳам унинг изни билан бўлиши керак эди. Аллоҳга иймон келтирган сеҳргарларга ғазабини сочар экан, шунинг учун ҳам:

«Сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингизми?!» деб бақирди.

Кейин эса, ҳозиргача ўзига мухлис бўлган, унинг хизматига жон фидо этишга тайёр турган, бундан олдин қанчадан-қанча ишларни бирга бажарган одамларига туҳмат қила бошлади:

«Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир!»

Яъни, шубҳа йўқки, Мусо сизга сеҳрни ўргатган устозингиздир. Шунинг учун сиз унга ютқаздингиз ва шунинг учун иймон келтирдингиз, деди.

Гумашталар Фиръавнга қанчалик ихлос қилмасинлар, қанчалик фидойи бўлмасинлар, бир оғиз сўзини қанда қилганларига, ҳатто, Аллоҳга иймон масаласида бўлса ҳам, ундан балога қолдилар. Чунки, улар қалбларини Фиръавндан ўгириб, Аллоҳга бурган эдилар. Аллоҳга иймон келтирган эдилар. Фиръавн туғёнга кетган подшоҳларнинг йўлини тутиб, қалбларни ўзига мойил қила олмагач, азобуқубат, қийноқ ва азоб беришга ўтди. Иймонга келган сеҳргарларга таҳдид қилиб деди:

«Бас, албатта, қўл-оёқларингизни қарама-қаршисидан кесурман...»

Яъни, ўнг қўл-чап оёқ ёки чап қўл-ўнг оёқ қилиб, кесиб азоб-лайман, деди.

«...ва, албатта, сизларни хурмо танасига осурман...»

Шундай қилиб, энг ёмон тарзда ўлдираман.

«...албатта, қайси биримизнинг азобимиз шиддатлироқ ва боқийроқ эканини билурсиз», деди.

Яъни, қайси биримизнинг – менингми ёки Мусонинг Роббининг азоби шиддатлироқ ва боқийроқ эканини ўшанда билурсиз, деди.

Фиръавн ўз қаричи билан ўлчар эди. У, таҳдид, азоб-уқубат, қийнаш, чопиш-кесиш, ўлдириш билан одамларни измимда ушлаб тураман, деб хаёл қиларди. Аммо, инсоннинг қалбига ҳақиқий иймон кирганида, унинг бу чоралари заррача ҳам таъсир қилмай қолишини англамасди. Унинг собиқ сеҳргарлари қалбига ана шундай иймон жо бўлган эди. Энди улар Фиръавннинг ҳеч қандай дўқ-пўписаларидан қўрқмасдилар.

قَالُوا لَنْ نُؤْتِرَكَ عَلَىٰ مَا جَاءَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالَّذِي فَطَرْنَا فَاقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ إِنَّمَا تَقْضِي

هَذِهِ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿٧٢﴾

72. Улар: «Биз сени зинҳор ўзимизга келган очиқ-ойдин (мўъжиза)лардан ва бизни яратган Зотдан устун қўймасмиз. Бас, нима ҳукм қилсанг, қилавер. Сен фақат ҳаёти дунёда ҳукм чиқарасан, холос.

إِنَّا أَمْنَّا بِرَبِّنَا لِيَغْفِرَ لَنَا خَطِيئَاتِنَا وَمَا أَكْرَهْتَنَا عَلَيْهِ مِنَ السِّحْرِ وَاللَّهُ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴿٧٣﴾

73. Албатта, биз Роббимиз хатоларимизни ва сен бизни мажбур қилган сеҳрни мағфират қилиши учун иймон келтирдик. Аллоҳ яхши ва боқийдир», дедилар.

Ҳақиқий иймон ила қалblлари обод бўлган мўминлар туғенга кетган гумроҳ подшоҳ – Фиръавннинг таҳдидига шундай жавоб қайтардилар. Бу жавобда улар энди ўзларининг ҳақиқий йўлларини топиб олганларини, бу йўлда собит туражакларини, ҳеч нарса уларни бу тўғри йўлдан қайтара олмаслигини очиқ-ойдин айтдилар:

«Биз сени зинҳор ўзимизга келган очиқ-ойдин (мўъжиза)лардан ва бизни яратган Зотдан устун қўймасмиз».

Эй, Фиръавн, эй, туғенга кетган подшоҳ, биз энди сени ҳеч қачон ўзимизга келган Мусонинг ва Ҳоруннинг Пайғамбарликларини тасдиқловчи равшан мўъжизалардан устун қўймаймиз. Энди биз учун

сендан кўра Аллоҳнинг Пайғамбари афзал. Олдин сенинг кимлигингни билмаган эканмиз.

Эй, Фиръавн, эй, туғёнга кетган подшоҳ, биз энди сени ҳеч қачон ўзимизни яратган зотдан – Аллоҳдан устун қўймаймиз. Энди сенинг эмас, У зотнинг айтганини қиламиз. Олдин У зотни билмаган эканмиз. Сен бизга жазо бермоқчисан, дўқ-пўписа, таҳдид қилмоқдасан.

«Бас, нима ҳукм қилсанг, қилавер.»

Энди биз сенинг дўқ-пўписангдан, таҳдидингдан қўрқмаймиз. Чунки: **«Сен фақат ҳаёти дунёда ҳукм чиқарасан, холос.»**

Қўлингдан келадигани шу, холос. Бу дунёда баъзи бир ҳукмлар чиқаришинг мумкин. Қамайсан, кесасан, чопасан, осасан, қўлингдан бошқа нима ҳам келар эди! Ҳеч нарса келмайди. Бизни қўрқитаман деб умид қилма. Биз кимга ва нимага иймон келтирганимизни яхши биламиз.

«Албатта, биз Роббимиз хатоларимизни ва сен бизни мажбур қилган сеҳрни мағфират қилиши учун иймон келтирдик.»

Ўйлаб кўрсак, шу пайтгача хато ишлар қилибмиз. Шу хатоларни сен эмас, Аллоҳ кечирар экан. Шунинг учун, унга иймон келтирдик. Шу вақтгача сен бизни сеҳр кўрсатишга мажбур этиб келдинг. Энди ўйлаб қарасак, сен ўз манфаатинг учун бизни гуноҳ ишга буюраётган экансан. Ана ўша гуноҳларимизни кечгувчи ҳам Аллоҳ экан. Шунинг учун, биз Унга иймон келтирдик.

«Аллоҳ яхши ва боқийдир», дедилар.

Яъни, Аллоҳ берадиган мукофот сен берадиган мукофотдан яхши ва Аллоҳнинг азоби сенинг азобингдан боқий. Шунинг учун ҳам, биз ҳеч қачон сени Аллоҳдан устун қўя олмаймиз.

Аллоҳ таоло иймонга келган сеҳргарларга илҳом берди ва улар Фиръавнга насиҳат қила бошладилар:

إِنَّهُ مِنْ يَأْتِ رَبَّهُ مُجْرِمًا فَإِنَّ لَهُ جَهَنَّمَ لَا يَمُوتُ فِيهَا وَلَا يَحْيَىٰ ﴿٧٤﴾

74. Шубҳасиз, ким Роббига жиноятчи бўлган ҳолида келса, унга албатта жаҳаннам бордир. У ерда у ўлиб ўлмас, яшаб яшамас.

Яъни, ким қиёмат куни Аллоҳ таолога кофир ва осий ҳолида йўлиқса, жаҳаннамга ташланади. Жаҳаннамда эса, доимий азобда қолади. Ўлиб қутулиб кетай, деса, ўла олмайди. Тузукроқ яшай, деса, ҳаммаёқдан ўлим қисиб келади.

وَمَنْ يَأْتِهِ مَوْمِنًا قَدْ عَمِلَ الصَّالِحَاتِ فَأُولَٰئِكَ لَهُمُ الدَّرَجَاتُ الْعُلَىٰ ﴿٧٥﴾

75. Ким Унга мўмин ўлароқ, яхши амаллар қилган ҳолида келса, бас, ана ўшаларга олий даражалар.

جَنَّتٌ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ جَزَاءُ مَنْ تَزَكَّى ﴿٧٦﴾

76. Остидан анҳорлар оқиб турган адн жаннатлари бор. Унда абадий қолурлар. Ана шу, пок бўлганнинг мукофотидир.

Кўриниб турибдики, бу ҳол кофирларнинг ҳолидан тамоман бошқача ҳолат.

«Ким Унга мўмин ўлароқ, яхши амаллар қилган ҳолида келса, бас, ана ўшаларга олий даражалар.»

Бу дунёда Аллоҳга иймон келтириб, яхши амал қилиб ўтганлар у дунёда олий даражаларга эришадилар.

«Остидан анҳорлар оқиб турган адн жаннатлари бор. Унда абадий қолурлар. Ана шу, пок бўлганнинг мукофотидир.»

Улар Адн жаннатларга кирадилар. Унинг дарахтлари остидан анҳорлар тўлиб оқиб туради. У ерга абадий яшаш учун тушарлар. Ана у — ҳаётмисан, ҳаёт! Бундай мукофотга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳаёти дунёда ўзини пок тутганларгина бунга эришадилар.

Иймонга келган сеҳргарларнинг Фиръавнга айтган ушбу гаплари билан қиссанинг яна бир қирраси тугайди.

Зийнат куни омма олдида бўлиб ўтган олишув ҳақнинг ботил устидан ғалаба қилиши билан якун топди. Лекин бу маънавий ғалаба эди. Ҳали зоҳирий куч-қувват ботил томонида эди. Кўпчилик олдида шармандаси чиқиб мағлуб бўлган Фиръавн энди оғзаки дўқ-пўписаларни ҳам йиғиштириб қўйиб, аскарларини ишга солди, Мусо алайҳиссалом бошлиқ Бани Исроилликларни қириб ташлаш пайига тушди. Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга кўрсатма берди:

وَلَقَدْ أَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِي فَاصْرِبْ لَهُمْ طَرِيقًا فِي الْبَحْرِ يَبَسًا لَا تَخَافُ دَرَكًا وَلَا تَخْشَىٰ ﴿٧٧﴾

77. Батаҳқиқ, Биз Мусога: «Сен бандаларим ила кечаси йўлга туш, уларга денгиздан қуруқ йўл оч, етиб олишларидан хавф қилма ва қўрқма», деб ваҳий қилдик.

Аллоҳ таоло ихчам иборали бу ояти каримада Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга Бани Исроил халқини Фиръавн зулмидан қутқа-

риб, Мисрдан олиб чиқиб кетишнинг бутун бошли режасини баён қилиб бермоқда. Чунки, вақт зиқ. Гапни чўзишнинг фойдаси йўқ. Фиръавн аскарлари билан ёпирилиб келмоқда. Эй Мусо:

«Сен бандаларим ила кечаси йўлга туш...»

Душман ғафлат уйқусида ётганида бировга кўринмай, етар жойингизга етиб оласизлар.

«...уларга денгиздан қуруқ йўл оч...»

Эй Мусо, сен бандаларимга — Бани Исроилга денгиздан, яъни сувдан қуруқ йўл оч, улар ўша йўлдан ўтиб, Фиръавн зулми ва таъқибидан қутулсинлар. Фиръавн ва унинг аскарларининг сизларга:

«...етиб олишларидан хавф қилма...»

Улар сизларга ета олмайдилар. Ҳамда денгизга фарқ бўлишдан:

«... қўрқма...»

Ўзим сақлайман.

«...деб ваҳий қилдик.»

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг айтганларини амалга оширдилар. Бани Исроил билан кечаси йўлга чиқдилар. Денгизга бордилар, асолари билан уриб, йўл очдилар. Аллоҳнинг амри ила денгиз иккига ёрилиб, қуруқ ер — йўл очилди. Бани Исроил эсон-омон ўтиб олди.

فَاتَّبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ بِجُنُودِهِ فَغَشِيَهُمْ مِنَ اللَّيْلِ مَا غَشِيَهُمْ

78. Бас, Фиръавн аскарлари ила уларнинг ортидан таъқиб этди. Денгиз уларни ўраганича ўраб олди.

Фиръавн аскарлари билан Бани Исроилни қувиб келиб, ортидан денгизга тушди. Улар денгизга тушиб кетаётганларида тўхтаб турган сув бирдан ҳаракатга келди ва тўлқинлар остида қолиб кетишди.

وَأَضَلَّ فِرْعَوْنَ قَوْمَهُ وَمَاهَدَى

79. Фиръавн ўз қавмини адаштирди, тўғри йўлга бошламади.

Оқибатда ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Худога эмас, Фиръавнларга эргашганлар доимо шундай оқибат топадилар.

Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг аскарларини фарқ этиб, Бани Исроилни зулм, жабр-ситамдан озод қилди. Улар хурсанд бўлиб, ғалаба нашидасида турганларида, Аллоҳ таоло неъматларини эслатди.

يَبْنَى إِسْرَائِيلَ قَدْ أَنْجَيْنَاكَ مِنْ عَدُوِّكَ وَوَعَدْنَاكَ جَانِبَ الطُّورِ الْأَيْمَنِ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْمَنَّاءَ وَالسَّلْوىَ ﴿٥١﴾

80. Эй, Бани Исроил, батаҳқиқ, Биз сизни душманингиздан қутқардик ва сиз билан Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик ҳамда сизларга манн ва бедана туширдик.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Бани Исроилга Ўзининг уч турлик неъматини эслатмоқда. Уларнинг биринчиси:

«...**биз сизни душманингиздан қутқардик...**» деган жумлада аксини топгандир.

Иккинчиси эса, уларнинг диний ҳаётларига алоқадор неъмат:

«...**сиз билан Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик...**»

Яъни, Миср билан Фаластиннинг ўртасида жойлашган Тур тоғининг ўнг томонида Мусо алайҳиссалом билан мулоқот бўлиши, диний ишларга аҳамият берилиши, Аллоҳнинг у зот билан гаплашиши ва Таврот нозил қилиниши Бани Исроил учун катта неъмат эди.

Учинчи неъмат дунёвий бўлиб, у оятнинг «...**ҳамда сизларга манн ва бедана туширдик**», деган жумласида аксини топган. Ўтган сураларда манн ва салва – бедана ҳақида батафсил сўз юритилган.

Кейинги оятда Аллоҳ таолонинг Бани Исроилга хитоби давом этади:

كُلُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَلَا تَطْغَوْا فِيهِ فَيَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبِي وَمَنْ يَحِلَّ عَلَيْهِ غَضَبِي فَقَدْ هَوَىٰ ﴿٥٢﴾

81. Биз сизга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар, унда ҳаддингиздан ошманг, яна, бошингизга ғазабим тушиб қолмасин. Кимнинг бошига ғазабим тушса, бас, батаҳқиқ, ҳалок бўлибди.

Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан еб, ҳузурланишга ҳар бир банданинг ҳаққи бор. Бани Исроилликлар Фиръавн истибдоди остида турганларида ушбу неъматлардан бирмунча маҳрум бўлган эдилар. Зулмдан қутулганларидан кейин истакларини ижобат қилиб, Аллоҳ таоло уларга осмондан гўштга қўшиб ейиладиган манн ва бедана гўштини тушириб турди. Албатта, бошқа неъматлар ҳам бор эди.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Бани Исроилга неъматлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, уларда туғёнга кетмаслик, ҳаддан ошмаслик зарурлигини ҳам эслатмоқда:

«Биз сизга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар, унда ҳаддингиздан ошманг...»

Пок нарсалардан еганингиз яхши. Аммо ҳаддан ошиб, тугёнга кетманг. Ўй-хаёлингиз, дарду фикрингиз емоқ бўлиб қолмасин. Дунёдаги масъулиятингизни унутиб, таомнинг ортидан тушиб қолманг. Ҳаётни таом ейишдан иборат қилиб қўйманг.

«...яна, бошингизга ғазабим тушиб қолмасин.»

Чунки, доимо тугёнга кетганларга ғазабим ёғилган.

«Кимнинг бошига ғазабим тушса, бас, батаҳқиқ, ҳалок бўлибди.»

Чунки, Менинг ғазабимга учраган одам ҳеч қачон қутула олмайди.

وَإِنِّي لَغَفَّارٌ لِّمَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا ثُمَّ اهْتَدَىٰ ﴿٨٧﴾

82. Албатта, Мен тавба қилган, иймон келтириб, яхши амал қилган, сўнгра тўғри юрганларни кўплаб мағфират қилгувчиман.

Ушбу ояти каримада «тавба» оғиз билан айтиладиган сўз эмас, балки иймон, амал ва тўғри йўлда бардавом юришлиқдан иборат эканлиги яққол кўриниб турибди. Аллоҳ таоло:

«Албатта, Мен тавба қилган»ларни кўплаб мағфират қилувчиман, демаяпти. Балки тавбадан сўнг қилиниши лозим бўлган муҳим амалларни санаб ўтмоқда:

— **иймон келтириб,**

— **яхши амал қилган,**

— **сўнгра тўғри юрганларни кўплаб мағфират қилгувчиман,** демоқда. Ана ўша шартларни бажарган кишигина Аллоҳ таолодан гуноҳларини кечиришини умид қилса бўлади. Оғзида «тавба қилдим» деб қўйиб, яна билганини қилаверадиғанлар бу қаторга кирмайди.

Фиръавн ва унинг аскарлари устидан қозонилган ғалабадан кейин, юқоридаги оятда зикр этилганидек, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тур тоғининг ўнг томонида учрашишни ваъда қилди. Бу учрашув ғалабадан қирқ кун кейин бўлгани бошқа сураларда ҳам баён қилинган. Ўша қирқ кун давомида Мусо алайҳиссалом рўза тутиб, ибодат қилиб, Аллоҳ таоло билан бўладиган учрашувга тайёргарлик кўришлари керак эди.

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга оғалари Ҳорунни бошлиқ қилиб қўйиб, ўзлари учрашувга ҳозирлик кўра бошладилар. Ниҳоят, орзиқиб кутилган учрашув вақти ҳам етиб келди. Мусо алайҳиссаломда завқ-шавқнинг чеки йўқ эди. Чунки, у киши Туво во-

дийсидаги учрашувда ҳам Роббул Олабийн билан суҳбат қилишнинг мазасини тотган эдилар. Шу боисдан ҳам, бу учрашув тайин қилинган жойга — Тур тоғининг ўнг томонига шошилиб келдилар. У киши билан бирга учрашувга келаётган танланган кишилар ҳам ортда қолиб кетдилар.

Шунда Аллоҳ таоло у кишига хитобан:

﴿ وَمَا أَعْجَلَكَ عَنْ قَوْمِكَ يَا مُوسَى ﴾

83. Эй Мусо, сени қавмингдан нима илгарилатди?

Яъни: «Қавмингни ортда қолдириб, ўзинг шошилиб келишингнинг сабаби нима?» деб сўради.

﴿ قَالَ هُمْ أَوْلَاءَ عَلَىٰ أَثَرِي وَعَجِلْتُ إِلَيْكَ رَبِّ لِتَرْضَىٰ ﴾

84. У: «Улар ана изимдалар. Рози бўлишинг учун мен Сенга шошдим, эй Роббим», деди.

Яъни, қавмин ана у ёқда, ортимдан келяптилар. Мен эса, Сенинг розилигингни топиш учун шошилдим, дедилар.

Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга у киши кутмаган хабарни берди.

﴿ قَالَ فَإِنَّا قَدْ فَتَنَّا قَوْمَكَ مِن بَعْدِكَ وَأَضَلَّهُمُ السَّامِرِيُّ ﴾

85. У зот: «Батаҳқиқ, Биз қавмингни сендан кейин фитнага дучор қилдик. Сомирий уларни адаштирди», деди.

Узоқ йиллар зулм ва истибдод остида, хорликда яшаб, табиати бузилиб кетган, қулликка ўрганиб қолган Бани Исроилга ҳурлик оғир келди, уни кўтара олмади. Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан уларни озодликка, эркин ҳаётга олиб чиққанларидан кейин турли нағмалар кўрсата бошладилар. Жумладан, энг нозик ва аҳамиятли масала — иймон-эътиқод масаласида ҳам. Мусо алайҳиссалом уларни илк бор тарк этишлари биланоқ залолатга кетдилар. Сомирийга эргашиб, бузоқнинг ҳайкалини худо қилиб олдилар. Робб мулоқотига узоқ тайёрланган ва ниҳоят қавмини қолдириб, учрашувга шошилиб етиб келган Мусо алайҳиссалом бу ишлардан беҳабар эдилар. Аллоҳ таолонинг Ўзи у кишига бу хабарни етказди.

Мулоқот пайтида бўлиб ўтган бошқа ҳодисалар ва гап-сўзлар ҳақида бу ерда ҳеч нарса айтилмайди. Қиссанинг бу қирраси бошқа сураларда келган. Бу ерда эса, оятлар ушбу сура сиёқига мос равишда Мусо алай-ҳиссаломнинг қавмларига қайтиб борганларидан давом этилмоқда:

فَرَجَعَ مُوسَىٰ إِلَىٰ قَوْمِهِ غَضْبَانَ أَسِفًا قَالَ يَقَوْمِ الْمَ يَعِدُكُمْ رَبُّكُمْ وَعَدًّا حَسَنًا
أَفَطَالَ عَلَيْكُمْ الْعَهْدُ أَمْ أَرَدْتُمْ أَنْ يَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبٌ مِّنْ رَبِّكُمْ فَأَخْلَفْتُم مَّوْعِدِي ﴿٨٦﴾

86. Бас, Мусо қавмига ғазабланган, афсусланган ҳолда қайтди. У: «Эй қавмим, Роббингиз сизга яхши ваъда қилмаганмиди?! Сизларга замон узоқ кўриндими ёки бошингизга Роббингиздан ғазаб тушишини хоҳладингизми?! Менга берган ваъдага хилоф қилибсиз?!» – деди.

Бани Исроилнинг залолатга кетгани ҳақидаги хабар Мусо алай-ҳиссаломни қаттиқ ғазаблантирди ва чуқур таассуфга солди. Ул зот нобакор қавмнинг ҳузурига ғазабнок, афсусланган ҳолларида қайтдилар ва уларни сўроққа тута бошладилар:

«Эй қавмим, Роббингиз сизга яхши ваъда қилмаганмиди?!»

Сизларга нусрат беришни, муқаддас ерларга киришимизни, гуноҳларингизни кечиришни, Тавротни туширишни ва бошқа яхшиликларни ваъда қилмаганмиди? Ахир, бу ваъдаларни сизга яқиндагина берган эди-ку?!

«Сизларга замон узоқ кўриндими?!»

Шунинг учун аҳдни бузиб, залолатга юз тутдингизми?

«...ёки бошингизга Роббингиздан ғазаб тушишини хоҳладингизми?!»

Сизнинг қилган ишингиз Аллоҳнинг ғазабини хоҳлаётган одамнинг ишидан бошқа нарса эмас!

«Менга берган ваъдага хилоф қилибсиз?!»

Боримда қандай бўлсангиз, йўғимда ҳам шундай туришга сиз билан ваъдалашган эдик-ку?!

قَالُوا مَا أَخْلَفْنَا مَوْعِدَكَ بِمَلِكِنَا وَلَكِنَّا حَمَلْنَا آوْزَارًا مِّنْ زِينَةِ الْقَوْمِ فَقَذَفْنَاهَا فَكَذَلِكَ
أَلْقَى السَّامِرِيُّ ﴿٨٧﴾

87. Улар: «Биз сенга берган ваъдага ўз ихтиёримиз ила хилоф қилмадик. Лекин бизга у қавмнинг зийнатидан оғирликлар юк-

ланган эди. **Бас, уларни ташладик, Сомирий ана шундай илқо қилди», дедилар.**

Халоскори ва Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга Бани Исроилнинг айтаётган узрини қаранг. Қилар ишни қилиб қўйишган. Дунёда бундан катта жиноят йўқ. Аммо узрлари ҳеч нарсага арзимайди.

«Улар: «Биз сенга берган ваъдага ўз ихтиёримиз ила хилоф қилмадик», дейишмоқда.

Узр айтишнинг энг қулай йўли – ихтиёридан ташқари иш бўлиб қолганини баҳона қилиш. Лекин ихтиёрдан ташқаридаги ўша иш иймондан кечिशга, яратган Холиқни қўйиб, бузоқнинг ҳайкалига ибодат қилишга арзийдими?!

«Лекин бизга у қавмнинг зийнатидан оғирликлар юкланган эди.»

Яъни, бизда Фиръавн қавмининг зийнатлари, тилла тақинчоқлари бўлиб, улар ортиқча юк эди.

Уламоларнинг ривоят қилишларича, Бани Исроиллик аёллар мисрликлардан турли зебу зийнат ва тақинчоқларни қарзга олишган экан. Мисрдан чиқишаётганда ўша тақинчоқларни ҳам ўзлари ила бирга олишибди. Мусо алайҳиссалом мийқотга кетганларида, тақинчоқлар масаласи кўтарилибди. Ҳорун алайҳиссалом уларнинг ҳалол ёки ҳаромлигида шубҳага тушибдилар. Мусо қайтиб келса, сўраймиз, деб бир чуқурга олов ёқтириб, ҳамма тақинчоқларни ўша чуқурга ташлашни буюрибдилар. Бани Исроилнинг зийнатлар ҳақидаги гапида ўша тақинчоқлар кўзда тутилган.

«Бас, уларни ташладик.»

Яъни, Ҳорун амр қилганидан кейин биз у тақинчоқларни чуқурга ташладик.

«Сомирий ана шундай илқо қилди.»

Ояти кариманинг охиридаги ушбу жумла ҳақида тафсир уламолари икки хил маъно айтишган. Кўплар: «Шунингдек, Сомирий ҳам ташлади», деб маъно берганлар. Яъни, Сомирий ҳам ўзида бор зебу зийнатларни чуқурга ташлаган.

Баъзи уламолар эса, «Сомирий ана шунга ундади», деган маъно чиқарганлар. Яъни, бузоқ ҳайкалига ибодат қилишга ундади, деб маъно берганлар. Уламолар орасидаги бу хилофга сабаб жумладаги «алқо» сўзидир. Бу сўз «ташлаш» маъносида ҳам, «фикр ташлаш – ундаш» маъносида ҳам ишлатилади.

Биз иккинчи тоифа уламоларнинг гапига қўшилиб, «илқо қилди – ундади» маъносини ихтиёр қилдик. Бунга сабаб шуки, аввал оятда «ташладик» сўзи «қазафа» феъли билан англатилган. Агар

Сомирий ҳам Бани Исроил каби тақинчоқларини ташлаганида «алқас-Сомириййу» демасдан, «қазафас-Сомириййу» дейилган бўлар эди.

Уламолар, Сомирий асли сомаролик бўлиб, Бани Исроилга кузатувчи – йўл кўрсатувчи одам эди, деганлар.

Бўлган воқеа шу. Тақинчоқларни оловли чуқурга ташлашган экан, Сомирий уларни эритиб, бузоқ шаклига солиб, мана шу сизларнинг худоингиз, унга ибодат қилинганлар, деса, ибодат қилиб кетаверишибди. Уларнинг фикрича, бу ихтиёрларидан ташқари иш эмиш!

فَاخْرَجْ لَهُمْ عَجَلًا جَسَدَ الْخُورِ فَقَالُوا هَذَا إِلَهُكُمْ وَإِلَهُ مُوسَىٰ فَنَسِيَ

88. Бас, у (Сомирий) уларга бўкирадиган бузоқ шаклини чиқариб берди. Улар: «Мана шу сизнинг илоҳингиз ва Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди», дедилар.

Сомирий уларга тилла тақинчоқлардан овоз чиқарадиган бузоқ ҳайкали ясаб берди. Ривоятларда келишича, ҳайкалнинг ортидан шамол кирса, оғзидан бузоқнинг бўкирганига ўхшаш овоз чиқар экан. Ўша ҳайкални кўрган Бани Исроилликлар бир-бирларига:

«Мана шу сизнинг илоҳингиз ва Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди», дедилар».

Мана шу ҳайкал сизнинг илоҳингиз. Ундай бўлса, нима учун Пайғамбаримиз Мусо бизга буни айтмади, деган хаёлга борманг. Мусонинг илоҳи ҳам шу бузоқ. Аммо, Мусо буни унутиб қўйиб, излаб тоққа чиқиб кетди, дейишмоқда. Бани Исроил ўзининг гумроҳлиги билан Аллоҳнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссаломни ҳам гумроҳга чиқарди.

أَفَلَا يَرَوْنَ أَنَّهُمْ قَوْلًا وَلَا يَمْلِكُ لَهُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا

89. Унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини, на зарар ва на фойдага молик бўла олмаётганини кўрмаяптиларми?!

Ахир, ҳеч бўлмаса, бир оз ўйлаб кўрмайдиларми?! Бу бузоқнинг ҳайкали уларга бирон оғиз ҳам сўз қайтара олмайди-ку, қандай қилиб уларга ва Мусога худо бўла олади? Ахир, бу ҳайкал уларга бирон зарар ёки фойда келтира олмаяпти-ку, қандай қилиб уларга ва Мусога илоҳ бўла олади?!

Бунинг устига:

وَلَقَدْ قَالَ لَهُمْ هَارُونُ مِنْ قَبْلُ يَقَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِهِ وَإِنَّ رَبَّكُمُ الرَّحْمَنُ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرِي ﴿٩٠﴾

90. Батаҳқиқ, илгари Ҳорун уларга: «Эй қавмим, бу билан фитнага дучор қилиндингиз, холос. Шубҳасиз, Роббингиз Роҳмандир. Бас, менга эргашинг. Менинг амримга итоат қилинг», деган эди.

Яъни, уларнинг ўзлари айбдор. Бу иш бизнинг ихтиёримиздан ташқари бўлди, дейишлари ҳам ёлғон. Қилаётган ишлари нотўғри эканини уларга Ҳорун алайҳиссалом эслатган эдилар:

«Эй қавмим, бу билан фитнага дучор қилиндингиз, холос».

Яъни, эй қавмим, бу бузоқ сизга бир синов, холос, синовга бардош беринг, ақийдангизни бузманг. Сизнинг Роббингиз бу ҳайкал-бузоқ эмас.

«Шубҳасиз, Роббингиз Роҳмандир.»

Ўша Роҳман сифатли Роббингизни тарк этманг.

«Бас, менга эргашинг. Менинг амримга итоат қилинг», деган эди.

Аммо улар унга эргашмадилар, унинг амрига итоат қилмадилар.

قَالُوا لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ عَاكِفِينَ حَتَّىٰ يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَىٰ ﴿٩١﴾

91. Улар: «То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз», дедилар.

Бу гап ҳам тутуруқсиз одамларнинг гапи. Аллоҳнинг Пайғамбари Мусо алайҳиссаломнинг ўрнига қолган оғаси Ҳорун алайҳиссалом уларга бузоққа ибодат қилмасликни таъкидлаб айтмоқдалар-у, улар бўлса:

«То Мусо бизга қайтгунича, унга ибодат қилишда бардавом бўламиз», дедилар.

Залолатларида қолиш учун бу ҳам бир баҳона. Улар бузоқнинг гапира олишига, зарар ёки фойда етказишига далил келтиролмайдилар. Демак, залолатлари яна ҳам равшан. Аммо ўзларини ўнглаш ҳам хаёлларига келмайди. Мантиққа тўғри келса-келмаса, бари бир, баҳона топадилар. Мусо алайҳиссалом қайтиб келсалар, нима дейишлари ҳам аниқ, Мусо келганидан сўнг бир гап бўлар.

Мана, Мусо алайҳиссалом қайтиб ҳам келдилар. Сўроқ-саволга тута бошладилар. Аввал ўринларига қўйиб кетган оғалари Ҳорундан сўрадилар:

قَالَ يَهْرُونَ مَا مَنَعَكَ إِذْ رَأَيْتَهُمْ ضَلُّوا

92. У: «Эй Ҳорун, уларнинг залолатга кетганларини кўрганингда сени нима ман қилди?!»

أَلَا تَتَّبِعُنَّ أَفْعَصَيْتَ أَمْرِي

93. Менга эргашишингдан?! Менинг амримга осий бўлдингми?!» – деди.

Эй Ҳорун, мен сенга ҳолатни ўзгартирмасликни тайинлаб айтиб кетган эдим. Уларнинг адашганларини кўрганингда нима учун менинг амримга бўйсуниб, йўлларини тўсмадинг? Нима учун уларни бузоқ ҳайкалига ибодат қилишдан қайтармадинг?! Ёки менинг амримга осий бўлдингми?

Мусо алайҳиссаломнинг ғазаб ва афсус билан айтган бу гапларига Ҳорун алайҳиссаломнинг ҳам асосли жавоблари бор эди:

قَالَ يَبْنَومٌ لَا تَأْخُذْ بِلِحِيَّتِي وَلَا بِرَأْسِي إِنِّي خَشِيتُ أَنْ تَقُولَ فَرَّقْتَ بَيْنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ
وَلَمْ تَرْقُبْ قَوْلِي

94. У: «Эй, онамнинг ўғли, соч-соқолимдан тутма. Мен сенинг: «Бани Исроилни тафриқага солибсан, гапимга кирмабсан, дейишингдан қўрқдим», деди.

Табиатан оғир-босиқ Ҳорун алайҳиссалом қариндошлик ҳурмати-ни орага солиб, Мусо алайҳиссаломни бир оз ҳовурларидан туширмоқчи бўлдилар. Эй ука, дейишнинг ўрнига, **эй, онамнинг ўғли**, деб «она» сўзини қўшишда ҳам маънони кучайтириш бор. Бошқа сура-ларда баён қилинганидек, Мусо алайҳиссалом ғазабланиб келиб, бир қўллари билан Ҳорун алайҳиссаломнинг пешона сочларидан, иккинчи қўллари билан эса, соқолларидан тортиб туриб, мазкур гапларни айтган эдилар. Шунинг учун, Ҳорун алайҳиссалом:

«...соч-соқолимдан тутма», деб укаларини яна ҳам ҳовурларидан туширмоқчи бўлдилар. Сўнгра, Бани Исроилни бу йўлдан қайтариш учун куч ила қўполлик ишлатмаганларининг сабабини зикр қилдилар:

«Мен сенинг: «Бани Исроилни тафриқага солибсан, гапимга кирмабсан», дейишингдан қўрқдим», дедилар.

Зотан, Ҳорун алайҳиссалом Бани Исроилни залолатдан қайтаришга уринганлари юқоридаги оятларда ҳам бир оз кўрилди. Қаттиққўллик қилмаган, куч ишлатмаган бўлсалар, Бани Исроил орасида ихтилоф, келишмовчилик уйғотиб қўйишдан чўчиган эканлар. Балки, Мусо алайҳиссалом шу гапни у кишига алоҳида таъкидлаб айтган бўлсалар керак.

Оғалари Ҳорун алайҳиссаломдан бу жавобни эшитган Мусо алайҳиссалом бош бузғунчи Сомирийга қараб хитоб қилдилар:

قَالَ فَمَا خَطْبُكَ يَا سَمِرِيُّ ﴿٩٥﴾

95. У: «Бу нима қилганинг, эй, Сомирий?!» – деди.

Яъни, нима учун бу ишни қилдинг?

Бу саволга Сомирий ўзига хос маккорлик билан жавоб берди. Фирибгарларнинг тимсоли бўлмиш Сомирийнинг ҳар бир ҳаракати, гап-сўздан фириб ёғилиб туради.

قَالَ بَصُرْتُ بِمَا لَمْ يَبْصُرُوا بِهِ، فَقَبَضْتُ قَبْضَةً مِّنْ أَثَرِ الرَّسُولِ فَنَبَذْتُهَا
وَكَذَلِكَ سَوَّلَتْ لِي نَفْسِي ﴿٩٦﴾

96. У: «Улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, Расулнинг изидан бир сиқим олдим, сўнгра уни ташладим. Ҳавойи нафсим менга шундай қилишни хуш кўрсатди», деди.

Тафсирчи уламоларимиз бу оятнинг тафсирида кўплаб ривоятлар келтирганлар. Мазкур ривоятларда Бани Исроил кўрмай Сомирий кўрган нарса нима? Расул ким? Сомирий унинг изидан олган бир сиқим нарса нима? Ўша бир сиқим нарсани Сомирий қаёққа сочди? – каби саволларга жавоблар ахтарилади.

Мазкур ривоятларнинг аксари бундай нақл этади: Сомирийнинг Бани Исроил кўрмаганини кўргани – Жаброил алайҳиссаломнинг Ҳаёт отига миниб келишлари. «Расул»дан мурод Жаброил алайҳиссалом. Изидан олинган бир сиқим эса, Жаброил алайҳиссалом миниб келган отнинг туёғи тагидан олинган тупроқ. У тупроқни сочган жойи эса, Бани Исроилнинг зеб-зийнатлари тўплаб қўйилган жой. Демак, зебу зийнатлар эритилаётганда Сомирий уларга бир сиқим тупроқ қўшиб юборган. Бу тупроқ эса, Жаброил алайҳиссалом миниб келган Ҳаёт отининг туёғи теккан ердан олинган экан. Шунинг учун ҳам, у ясаган ҳайкалчадан бузоқнинг овозига ўхшаш товушлар чиққан.

Сомирийнинг бу гапидан фирибгар қўлга тушганда ўзини қандай тутиши билиниб турибди. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, ёмон

ниятим ҳам йўқ эди, кўнглимга тушган ишни қилсам, ўзларидан ўзлари эргашиб кетишаверди, демоқчи бўлди.

Лекин Мусо алайҳиссалом, барибир, уни айбдор деб топдилар ва унга қарши ҳукм чиқардилар:

قَالَ فَاذْهَبْ فَإِنَّ لَكَ فِي الْحَيَاةِ أَنْ تَقُولَ لَا مِسَاسَ وَإِنَّ لَكَ مَوْعِدًا لَنْ تُخْلَفَهُ
وَأَنْظِرِ إِلَى إِلْهِكَ الَّذِي ظَلْتَ عَلَيْهِ مَا كَفَا لِنَحْرِقَنَّهُ ثُمَّ لَنَنْسِفَنَّهُ فِي الْيَمِّ نَسْفًا ﴿٩٧﴾

97. У: «Бас, жўна! Кет! Энди сенга бу ҳаётда «тегиш йўқ» дейишинг бор, холос. Албатта, сенга хилоф қилмайдиган ваъдамиз бор. Ўзинг ибодатида бардавом бўлган илоҳингга назар солиб қўй. Биз уни, албатта, куйдирамиз, сўнгра денгизга сочиб юборамиз.

Мусо алайҳиссалом Сомирийни Бани Исроилдан қувғин қилдилар. Бани Исроил одати бўйича, «тегиш йўқ» номли қувғин жазоси бор эди. Ана ўша жазо Сомирийга нисбатан қўлланди. У қувғин қилинди. Саҳроларда яккамохов ҳолида хору зор бўлиб юрди. Бирор одам кўриниб қолса, «тегиш йўқ» дер эди, холос. Яъни, мен «тегиш йўқ» жазосига маҳкум этилганман, менга тегма, мен ҳам сенга тегмайман, дерди. Бировга бундан бошқа гап айта олмас эди. Бу, Сомирий учун дунёвий жазо эди. Охиратда эса:

«Албатта, сенга хилоф қилмайдиган ваъдамиз бор».

Яъни, албатта бўладиган азобимиз бор. Унга хилоф қилиб бўлмайди. Шўрпешона бўлмасанг, жонсиз, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсани ўзингга илоҳ қилиб оласанми?

«Ўзинг ибодатида бардавом бўлган илоҳингга назар солиб қўй.»

Нимага лойиқ эканини биласан. Асли ердан чиққан бир маъданку.

«Биз уни, албатта, куйдирамиз, сўнгра денгизга сочиб юборамиз.»

Куйиб кетадиган нарса Худо бўла оладими? Кули денгизга сочилиб кетадиган нарса Худо бўла оладими? Турли нарсаларни ўзингизга илоҳ қилиб олаверманг:

إِنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَسِعَ كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿٩٨﴾

98. Албатта, сизнинг илоҳингиз Аллоҳдир, холос. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир. У барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир.

Аллоҳдан ўзга зот сизга илоҳ бўла олмайди. Ундан ўзга ҳеч қандай зот ёки нарса ибодатга сазовор эмас. Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани қамраб олгандир. Шу жумладан, У зот Ўзидан бошқага ибодат қилаётганларни ҳам яхши билади.

Шу билан Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари ҳам тугайди. Ушбу муносабат ила Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериш бошланади. Қуръони Карим у зотга бахт-саодат учун берилганлиги, унга эътироз қилганларнинг оқибати нима бўлиши ҳақида сўз кетади:

كَذَلِكَ نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنْبَاءِ مَا قَدْ سَبَقَ وَقَدْ آتَيْنَاكَ مِنْ لَدُنَّا ذِكْرًا

99. Шундай қилиб, сенга ўтган нарсалар хабарини қисса қилиб берурмиз. Батаҳқиқ, сенга Ўз тарафимиздан зикрни бердик.

Яъни, Мусо қиссасини айтиб берганимиздек, бошқа умматларнинг хабарини ҳам қисса қилиб берамиз. Биз сенга Ўз томонимиздан Қуръонни бердик.

Қуръони Каримнинг исмларидан бири «Зикр»дир.

مَنْ أَعْرَضَ عَنْهُ فَإِنَّهُ يَحْمِلُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وِزْرًا

100. Ким ундан юз ўгирса, албатта, у қиёмат куни (гуноҳ) юкини кўтарур.

Кимки Қуръондан юз ўгирса, албатта, у қиёмат кунида катта гуноҳ юки остида қолади.

خَالِدِينَ فِيهِ وَسَاءَ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حِمْلًا

101. Унда абадий қолурлар. Қиёмат кунида уларнинг юки қандай ҳам ёмон бўлди.

Қуръондан юз ўгириш оқибатида катта гуноҳ юки остида қолиш вақтинча эмас. Балки абадийдир. Жаҳаннамда абадул-абад ўша офир юк остида қолурлар. Бу юк қандай ҳам ёмон юк. Хусусан, қиёмат куни юкланиши яна ҳам офир.

يَوْمَ يَفْحُ فِي الصُّورِ وَنَحْشُرُ الْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ زُرْقًا

102. У кун сурга пуфланадиган кундир. Ўша кунда жиноятчиларни кўзлари кўк бўлган ҳолда тўплармиз.

Яъни, қиёматнинг келганини билдириб, сур чалинади. Ўша қиёмат кунида кофирлар — жиноятчиларни Аллоҳ таоло қўрқувдан юзлари қорайиб, кўзлари кўкариб кетган ҳолларида маҳшарга жамлайди.

يَتَخَفَتُونَ بَيْنَهُمْ إِنْ لَبِثْتُمْ إِلَّا عَشْرًا ﴿١٠٢﴾

103. Улар ўзаро: «Ўн кундан ортиқ турганингиз йўқ», дея шивирлашар.

Ўша кофирлар — жиноятчилар қиёмат кунининг шиддатини, азоб-уқубатларини кўрганларидан кейин бу дунёда яшаган умрлари жуда ҳам оз туюлади. Бир-бирлари билан сирлашиб, у дунёда ўн кунгина турган эканмиз-да, дейишади.

Аллоҳ таоло уларнинг сирли пичир-пичирларини ҳам эшитиб туриши ҳақида хабар бериб, шундай дейди:

نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ إِذ يَقُولُ أَمْثَلُهُمْ طَرِيقَةً إِنْ لَبِثْتُمْ إِلَّا يَوْمًا ﴿١٠٣﴾

104. Биз нима деяётганларини яхши билгувчимиз. Ўшанда уларнинг энг тўғри йўлдагиси: «Бир кундан ортиқ турганимиз йўқ», деган эди.

Демак, охират азобларини кўрган кофирлар гарчи бу дунёда узоқ йиллар айшу ишратда, роҳат-фароғатда кун кечирган бўлсалар ҳам, яшаган муддатлари оз кўриниб кетади. Абадий азоб-уқубат олдида ўн йиллик ёки юз йиллик айшу ишрат нима бўлибди? Шу арзимаган нарсани деб ўзини абадий азобга гирифтор қилган одамни нима деса бўлади?

وَسَأَلُونَكَ عَنِ الْجِبَالِ فَقُلْ يَنْسِفُهَا رَبِّي نَسْفًا ﴿١٠٤﴾

105. Сендан тоғлар ҳақида сўрарлар. Бас: «Роббим уларни мутлақо совуриб юборажак», дегин.

Яъни, эй Муҳаммад, сендан қиёмат куни тоғларнинг ҳоли нима бўлиши ҳақида сўрайдилар. Сен:

«Роббим уларни мутлақо совуриб юборажак», деб жавоб бер.

Одамларнинг кўзларига тоғлар маҳобатли, улкан, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган, дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетса ҳам, қимир этиб

қўймайдигандек кўринади. Аммо қиёмат куни ўша улкан ва маҳобатли тоғларни ҳам Аллоҳ таоло кулдек созуриб юборади. Ўша куннинг даҳшатидан тоғлар титилиб, қум каби сочилиб кетади.

فَيَذَرُهَا قَاعًا صَفْصَفًا ﴿١٠٦﴾

106. Сўнг уларни теп-текис ҳолга келтирур.

Яъни, Аллоҳнинг амри ила тоғлар турган жойлар теп-текис ерга айланур.

لَا تَرَىٰ فِيهَا عِوَجًا وَلَا أَمْتًا ﴿١٠٧﴾

107. У ерда чуқур ҳам, дўнг ҳам кўрмассан.

Ўша тоғлар турган жой шу қадар силиққи, у ерда бирорта чуқурча ёки бўртиқ йўқ, ҳаммаёқ теп-текис.

يَوْمَئِذٍ يَتَّبِعُونَ الدَّاعِيَ لَا عِوَجَ لَهُ، وَخَشَعَتِ الْأَصْوَاتُ لِلرَّحْمَنِ فَلَا تَسْمَعُ إِلَّا هَمْسًا ﴿١٠٨﴾

108. У кунда чорловчига эргашурлар. Ундан бурилиш йўқ. Овозлар Роҳман(ҳайбати)дан жим қолмиш. Пичирлашдан бошқа нарса эшитмассан.

Қиёмат кунда одамлар ўзларини маҳшарга чорловчига эргашурлар. Ўша чорловчидан бошқа томон бурилиб кетиш йўқ. Ҳеч ким чурқ этиб овоз чиқара олмайди. Ҳамма овозлар Роҳман ҳайбатидан сукут сақлаб жим қолган. Фақат баъзи пичирлаб айтилган овозларгина эшитилади.

Ҳаммаёқ теп-текис. Ҳаммаёқ жим-жит. Ҳамма жим ҳолда бўйин эгиб, маҳшарга чорловчига эргашишдан бошқа нарсани билмайди.

يَوْمَئِذٍ لَا نَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا ﴿١٠٩﴾

109. У кунда Роҳман унга изн берган ва сўзидан рози бўлганлардан бошқага шафоат фойда бермас.

Қиёмат кунда ҳеч кимга шафоат фойда бермайди. Биров ўртага тушиб, бировни оқлай олмайди. Фақат, Аллоҳ бу дунёдаги сўзидан — «Ла илаҳа иллаллоҳу»ни айтганидан рози бўлиб, Ўзи шафоат қилинишига изн берган киши учунгина фойда бериши мумкин.

يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِ عِلْمًا ﴿١١٠﴾

110. У уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам, орқаларидаги нарсаларни ҳам билур. Улар эса, Уни илм ила ихота қила олмаслар.

Аллоҳ таоло бандаларнинг келажагини ҳам билади, ўтмишини ҳам билади. Унинг билмаган нарсаси йўқ. Илмнинг барчаси Аллоҳникидир. Одамлар эса, ҳеч нарса билмайдилар. Айниқса, Аллоҳ таолони ҳеч қандай илм ила ихота қила олмайдилар.

﴿١١١﴾ وَعَنْتِ الْوُجُوهُ لِلْحَيِّ الْقَيُّومِ وَقَدْ خَابَ مَنْ حَمَلَ ظُلْمًا ﴿١١١﴾

111. Бутун юзлар тирик ва доим турувчи Зотга бош эгмиш. Батаҳқиқ, ким зулм кўтарган бўлса, ноумид бўлмиш.

Қиёмат кунининг тасвири давом этмоқда. Тирик ва доимо қоим сифатларига эга бўлган Аллоҳ таолога у кунда барча халойиқ бош эгиб туради. У кунда бу дунёда қилган зулмларини кўтариб келган кимсалар ноумид бўлади.

﴿١١٢﴾ وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَا يَخَافُ ظُلْمًا وَلَا هَضْمًا ﴿١١٢﴾

112. Ким мўмин ҳолида яхши амаллардан қилган бўлса, зулмдан ҳам, нуқсондан ҳам қўрқмас.

Ўша кунда яхши амаллар қилиб ўтган мўминлар ўзларига зулм бўлишидан ҳам, амаллари савобида камчилик топилишидан ҳам қўрқмайдилар.

﴿١١٣﴾ وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا وَصَرَّفْنَا فِيهِ مِنَ الْوَعِيدِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ أَوْ يُحَدِّثُ لَهُمْ ذِكْرًا ﴿١١٣﴾

113. Шундай қилиб, Биз уни арабий Қуръон этиб нозил этдик. Шоядки, тақво қилсалар ёки уларда эслаш пайдо қилса, деб, унда қўрқинчли ваъдаларни баён қилдик.

Бу китоб – арабий Қуръондир. Уни араб тилида нозил қилдик. Ушбу арабий Қуръонда кўплаб қўрқинчли ваъдаларни ҳам баён этдик. Бундан мақсадимиз, шояд одамлар тақво қилсалар, куфр ва ёмонликлардан сақлансалар, қўрқинчлик ваъдалардан эслатма олсалар.

فَنَعَلَى اللَّهِ الْمَلِكُ الْحَقُّ وَلَا تَعْجَلْ بِالْقُرْآنِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يُقْضَى إِلَيْكَ وَحْيُهُ وَقُلْ
رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا ﴿١١٤﴾

114. Ҳақ Подшоҳ–Аллоҳ олий бўлди. Сенга ваҳийи битгунча Қуръон(тиловати)га ошиқма ва: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин.

Юқорида зикр этилган ишларга қодир ҳақиқий мулк эгаси, ҳақиқий Подшоҳ – Аллоҳ таоло бутун борлиқдан олий – устун бўлди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унутиб қўйишдан хавфланиб, ваҳий тушган пайтида Қуръони Карим оятларини Жаброил алайҳиссаломга қўшилиб, ўқиб турар эдилар. Бу эса, қийинчилик туғдирарди. Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбарини хотиржам этиб:

«Сенга ваҳийи битгунча Қуръон(тиловати)га ошиқма», демоқда.

Яъни, эй Муҳаммад, Жаброил ваҳийни сенга охиригача ўқиб бермагунича, Қуръонни тиловат қилиб, оятларни ўқишга шошилма. Олдин Жаброил тўлиқ ўқиб берсин, кейин сен ўқийсан.

«Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин.

Шу дуонинг ўзи кифоя қилади.

Қуръони Карим бир қатор васф этилди. Энди, ўтганларнинг хабарини қисса қилиб берамиз, деган ваъдага биноан, ибрат ҳамда ваъзу насиҳат бўлсин учун, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг қиссаларини келтиради:

وَلَقَدْ عَهِدْنَا إِلَىٰ آدَمَ مِنْ قَبْلِ فَنَسَىٰ وَلَمْ يُجِدْ لَهُ عِزْمًا ﴿١١٥﴾

115. Батаҳқиқ, илгари Биз Одам билан аҳдлашган эдик. Лекин у унутди. Унда азму қарор топмадик.

Биз қадимда Одам билан буйруққа бўйсунуш – дарахтдан емаслик ҳақида аҳдлашган эдик. Аммо Одам аҳдни унутди ва дарахтдан еб қўйди. У шайтоннинг ифвосига сабр қила олмади. Азму қарориди турмади.

Аллоҳ таоло Одамни яратганидан кейин, унга жаннатдаги ҳамма мевалардан емоққа изн берди-ю, фақат биргина дарахтнинг мевасидан тановул этишни ман қилди. Албатта, ман қилиш ирода тарбияси учун зарур. Инсон ман қилинган нарсадан ўзини тийиб юриши билан иродаси кучаяди, шахсияти ҳам мукаммаллашади. Ҳавойи нафснинг қутқуларидан озод бўлади. Қайси инсон ҳавойи нафсини жиловлаб, унинг рағбатларини кесолса, у олий қадриятлар поғона-

сидан жой олади. Одам Ато ана ўша синов пайтида азму қарорлик бўлолмади. Бу қандай содир бўлган эди? Тафсилотлар қуйидагича:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى ﴿١١٦﴾

116. Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимизда, улар сажда қилдилар. Магар иблис бош тортди.

Аллоҳ таоло фаришталарга,

«Одамга сажда қилинг», деб амр қилганда,

«улар сажда қилдилар».

Фаришталар Аллоҳнинг амрини дарҳол адо этиб, барчалари Одамга сажда қилдилар.

Одамга фақат шайтон сажда қилмади.

«Магар иблис бош тортди.»

Фақат, ўша ерда турган ва мазкур амрга бўйсунити шарт бўлган иблисгина Одамга сажда қилишдан бош тортди.

Ўшанда:

فَقُلْنَا يَا آدَمُ إِنَّ هَذَا عَدُوٌّ لَكَ وَلِزَوْجِكَ فَلَا تَخْرُجَنَّ مِنَ الْجَنَّةِ فَتَشْقَى ﴿١١٧﴾

117. Бас, Биз: «Эй Одам, албатта, бу сенга ва жуфтингга душмандир. Яна, у икковингизни жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб қолмагин.

Иблис Одамга сажда қилмаган вақтдаёқ, Биз Одамга: «Эй Одам, мана бу иблис сенинг ҳам, жуфтинг Ҳавонинг ҳам душмандир. Ундан эҳтиёт бўлинглар. Яна, бепарволик қилиб, у икковингизни жаннатдан чиқариб, сен бадбахт бўлиб қолмагин», деб айтган эдик.

إِنَّ لَكَ أَلًا يَجُوعُ فِيهَا وَلَا تَعْرِى ﴿١١٨﴾

118. Албатта, сен у ерда оч-яланғоч қолмассан.

Яъни, жаннатда доимо сенинг қорнинг тўқ, устинг бут бўлади.

وَأَنَّكَ لَا تَظْمَأُ فِيهَا وَلَا تَصْحَى ﴿١١٩﴾

119. Албатта, сен у ерда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмассан», дедик.

Чунки жаннат хурсандчилик, роҳат-фароғат масканидир. У ерда беҳузурлик, кўнгилғашлик, чарчаш, оч қолиш, ташна бўлиш, иссиқ ёки совуқдан озорланиш каби ҳолатлар бўлмайди.

فَوَسَّوَسَ إِلَى الشَّيْطَانِ قَالَ يَا آدَمُ هَلْ أَتَاكَ عَلَى شَجَرَةِ الْخُلْدِ وَمُلْكٍ لَّا يَبْلَىٰ ﴿١٢٠﴾

120. Бас, шайтон уни васваса қилди. У: «Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулкни кўрсатайми?» – деди.

Лаънати шайтон одамнинг нозик жойидан тутган эди. Инсон фитратида абадий яшаш истаги бор. Ҳеч-ҳеч ўлишни истамайди. Мол-мулки заволга кетишини ҳам хоҳламайди. Шайтон ушбу икки нозик ҳисни Одамда қўзғатиб, уни васваса қилди. Роббинг манави дарахт мевасидан ейишингни ман қилган бўлса, сенинг абадий яшашингни, мулкинг бардавом бўлишини хоҳламаганидандир, бу дарахтнинг мевасидан есанг, ҳеч ўлмайсан, мулкинг йўқолмайди, деди.

فَأَكَلَا مِنْهَا فَبَدَّتْ لهُمَا سَوْءَاتُهُمَا وَطَفِقَا يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِنْ وَرَقِ الْجَنَّةِ وَعَصَىٰ آدَمُ رَبَّهُ فَغَوَىٰ ﴿١٢١﴾

121. Бас, икковлари ундан едилар. Кейин, авратлари ўзларига очилиб қолиб, ўзларини жаннат барглари билан тўса бошладилар. Одам Роббига осий бўлди ва йўлдан озди.

Одам ва Ҳаво шайтоннинг ифвосига учиб, ман қилинган дарахтнинг мевасидан едилар. Ўша мевани ейишлари билан авратлари ўзларига очилиб қолди. Ўзларидаги очиқ авратдан уялдилар ва жаннатдаги дарахтларнинг барги ила авратларини тўса бошладилар. Шундай қилиб:

«Одам Роббига осий бўлди ва йўлдан озди».

Аммо зудлик билан хатосини англаб, тавба қилди.

ثُمَّ اجْتَنَبَهُ رَبُّهُ فَتَابَ عَلَيْهِ وَهَدَىٰ ﴿١٢٢﴾

122. Сўнгра, Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади.

Яъни, тавбада бардавом бўлишни кўнглига солди.

قَالَ أَهْبِطَا مِنْهَا جَمِيعًا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فَأَمَّا يَا نِينَصَةَ كُفِّمْ مَنِّي هُدَى فَمَنِ
اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿١٢٣﴾

123. У: «Ҳаммангиз бир-бирингизга душман ҳолда ундан тушинг. Агар мен томонидан сизга ҳидоят келганида, ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас.

وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿١٢٤﴾

124. Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга торчилик ҳаёти бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз», деди.

Кейин Аллоҳ таоло уларга қараб:

«Ҳаммангиз бир-бирингизга душман ҳолда ундан тушинг», деди.

Яъни, жаннатдан тушинг, деди. Шу билан шайтон ва Одам ора-сидаги душманлик собит бўлди. Одам боласига шайтон душман экани, жаннатдан ҳам душман ҳолида тушгани, қиёматгача душманлик қилиши аниқ бўлди. Одам ўзининг бир умрлик душманидан, токи тирик экан, эҳтиёт бўлиб юриши керак. Шайтоннинг ифвосига учиб, қилар ишни қилиб қўйиб, кейин, «Ғафлатда қолибман, шайтон йўлдан урибди» дейишнинг фойдаси йўқ.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло ер юзида келажақда бўладиган ишларнинг ҳам ҳақиқатини билдириб қўйди:

«Агар мен томонидан сизга ҳидоят келганида, ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас».

Демак, инсон ер юзига тушганидаёқ Аллоҳ таоло унга ҳидоят — Пайғамбар ва китоблар юбориб туришини айтиб қўйган. Аллоҳ таолодан келган ҳидоятга эргашиб яшаган инсонгина адашмайди, бахтсиз бўлмайди. Аллоҳдан келган ҳидоятга эргашиб яшаган инсонгина тўғри йўлда юрган бўлади, бахт топади.

«Ким менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга торчилик ҳаёти бўлур...»

Қайси бир инсон Аллоҳни унутса, Уни эсламаса, Унинг ҳидоятига эргашмаса, ўзига ўзи қилади. Аввало, ундай одам бу дунёда танглик-торлиқда ҳаёт кечиради. Иймонсизлиги туфайли, ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас бўлиб қолади. Молу дунё, айшу ишрат ичида кўмилиб ётса ҳам, унга оз кўринади. Улардан ажраб қолишидан кўрқаверади. Иймонсизлиги туфайли кетма-кет муаммолар келиб чиқаверади.

«...ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз.»

Бу ҳам ҳаёти дунёда қилган қилмишига муносиб жазодир. Лекин унинг ўзи нима учун кўр ҳолда тирилтирилганлигини тушуна олмайди.

قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَى وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا ﴿١٢٥﴾

125. У: «Эй Роббим, нима учун мени кўр ҳолда тирилтирдинг. Ахир, кўрувчи эдим-ку?!» – деди.

Бу дунёда Аллоҳнинг зикридан юз ўгириб, У зотни унутиб, У зотнинг Робб эканини тан олмай юрган нобакор қиёматда кўр ҳолида тирилтирилганда Аллоҳни зикр қилиб, У зотнинг Робб эканини тан олиб:

«Эй Роббим, нима учун мени кўр ҳолда тирилтирдинг. Ахир, кўрувчи эдим-ку?!» – деди».

У, ўзича, бу дунёда қандай ҳолда ўтган бўлса, у дунёда ҳам шундоқ ўтишини хаёл қилар эди. Шунинг учун, у, Аллоҳдан, нима учун кўр ҳолда тирилтирилдим, деб сўрамоқда.

Аллоҳ таоло унга қуйидаги жавобни берди.

قَالَ كَذَلِكَ أَنْتَ أَيْتَنَّا فَانْصِبْهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ نُنْسِي

126. У: «Шундай. Сенга оятларимиз келди. Сен эса, уларни унутдинг? Шунингдек, сен ҳам бугун унутилурсан», деди.

Эй бандаи кофир. Ишлар шундай. Сенга у дунёда кўзинг очиқ пайтда иймонга далолат қилувчи оятларимиз келди. Аммо сен уларни кўриб, кўрмасликка олдинг. Сен уларни унутдинг. Иймонга келмай, кофирликда ўтдинг. Мана энди, бугун қиёмат кунида оятларимизни кўриб, кўрмасликка олганинг жазосига кўр этиб тирилтирилдинг. У дунёда оятларимизни унутганинг учун, бугун сен ҳам унутиласан.

وَكَذَلِكَ نَجْزِي مَنْ أَسْرَفَ وَلَمْ يُؤْمِنُ بِآيَاتِ رَبِّهِ ۖ وَلَعَذَابُ الْآخِرَةِ أَشَدُّ وَأَبْقَى ﴿١٢٦﴾

127. Исроф қилган ва Робби оятларига иймон келтирмаганларни ана шундай жазолаймиз. Охират азоби, албатта, ашаддий ва боқийдир.

Робби зикридан юз ўтирган шахс энг катта исрофчидир. У ўзига берилган энг улкан имкониятни, бахт-саодат манбаи бўлмиш ҳидо-

ятни зое кетказиб – исроф қилиб, залолатни ихтиёр этган одамдир. Икки дунё бахт-саодатининг манбаи бўлган иймон ва Ислом ҳидоятини зое қилган гумроҳ кимсадек исрофчи оламда йўқ. Ўрганаётганимиз ояти каримада исрофга йўл қўйган ва Робби оятларига иймон келтирмаган ана шундай кишилар охирада юқорида зикр қилинганидек жазоланишлари таъкидланмоқда:

«Охира азоби, албатта, ашаддий ва боқийдир».

أَفَلَمْ يَهْدِهِمْ كَمَا أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِنَ الْقُرُونِ يَمْشُونَ فِي مَسْكَانِهِمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّأُولِي
التَّهْوَى

128. Улардан илгари уларнинг масканларида юрган асрлардан қанчадан-қанчасини ҳалок қилганимиз ҳам ҳидоят қилмадимми? Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.

Инсонлар ўтганлардан ибрат олмай ўзича бепарво юрса, юраверадилар. Лекин атрофларига қарасинлар. Тарихга назар солсинлар. Ўзлари яшаб турган жойларда яшаб ўтганларнинг ҳоли нима бўлганини ўйласинлар. Ўзлари турган жойда улардан илгари яшаб ўтганларнинг кўплари ҳалокатга учрашига нима сабаб бўлганини билиб қўйсинлар. Агар инсонлар инсоф билан назар солсалар, ўзларидан илгари ўтган асрлар авлодлари, асосан, Роббиларидан юз ўгирганлари учун, Унинг оятларига иймон келтирмаганлари учун ҳалок бўлганларини кўрадилар.

«Улардан илгари уларнинг масканларида юрган асрлардан қанчадан-қанчасини ҳалок қилганимиз ҳам ҳидоят қилмадимми?»

Ахир, ўтган кофир ва зolimларнинг ҳидоятдан юз бурганлари учун ҳалокатга учраганлари кейин келганларга ўрнак бўлиши керак-ку! Бу тушунча, шубҳасиз, уларни ҳидоятга бошлаши зарур-ку!

Мана бу Макка аҳллари, Қуръонга эътироз билдираётганларни, Роббининг зикрини унутганларни ўзларидан илгари уларнинг масканларида яшаб ўтган авлодлардан қанчадан-қанчасини ҳалок қилганимиз ҳам ҳидоятга бошламадимми?

«Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.»

Агар улар ўтмишдан ибрат олиб, ҳидоятланмаган бўлсалар, уларнинг ақллари йўқдир. Чунки, мазкур ишларда фақат ақл эгалари учун ибратлар бордир. Бундай ҳодисалардан фақат ақл эгаларигина ибрат оладилар.

وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ لَكَانَ لِزَامًا وَأَجَلٌ مُّسَمًّى

129. Агар Роббингдан сўз ўтиб қолмаганида ва номланган ажал бўлмаганида, албатта, (азоб) лозим бўлар эди.

Аллоҳ таоло Ўзига маълум ҳикматга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом даъватларидан кейин оммавий азоб юбормасликка сўз бериб қўймаганида, уларнинг ажаллари номланиб, белгиланмаганида, албатта, уларга азоб лозим бўлар эди.

فَأَصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا وَمِنْ آنَاءِ
الَّيْلِ فَسَبِّحْ وَأَطْرَافَ النَّهَارِ لَعَلَّكَ تَرْضَىٰ

130. Бас, улар айтаётган нарсаларга сабр қил. Роббингга қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин тасбиҳ ва ҳамд айт. Шунингдек, кечанинг бир қисмида ва кундузнинг атрофида ҳам тасбиҳ айт. Шоядки, рози бўлсанг.

Эй Муҳаммад, шундай экан, кофир ва мушрикларнинг нохуш гап-сўзларига, сўкишларига, ифво-бўхтонларига сабр қил. Ҳа,

«Бас, улар айтаётган нарсаларга сабр қил».

Кофирлар доимо мўминларни хафа қиладиган, уларга озор берадиган нарсаларни айтишга одатланганлар. Улар айтаётган нарсаларга сиқилиш ёки хафа бўлишнинг ҳожати йўқ.

«Роббингга қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин тасбиҳ ва ҳамд айт.»

Роббингга доимо тасбиҳу ҳамд айт. Қуёш чиқишидан олдин ҳам, қуёш ботишидан олдин ҳам Роббингга тасбиҳ ва ҳамд айт.

Уламоларимиз «Роббингга қуёш чиқишидан олдин тасбиҳ айт»дан мурод «Бамдод намозини адо эт», «Роббингга қуёш ботишидан олдин тасбиҳ айт»дан мурод «Аср намозини адо эт», деганидир, деганлар.

«Шунингдек, кечанинг бир қисмида ва кундузнинг атрофида ҳам тасбиҳ айт.»

Кечанинг бир қисмида ҳам Роббингга тасбиҳ айт, яъни, «Шом ва Хуфтон намозларини адо эт». Кундузнинг атрофида ҳам тасбиҳ айт, яъни, «Пешин намозини адо эт».

«Шоядки, рози бўлсанг.»

Албатта, рози бўласан. Роббинг ҳам сендан рози бўлади.

وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ زَهْرَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا لِنَفْتِنَهُمْ فِيهِ وَرِزْقُ رَبِّكَ
خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ

131. Кўзларингни уларни синаш учун айримларига баҳраманд қилиб берганимиз ҳаёти дунёнинг турли зийнатларига тикма. Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир.

Биз баъзи кофирларга берган турли зебу зийнатларга ҳавас билан боқма. Улар бу дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Биз уларга бу матоҳларни синаш учун, вақтинча берганмиз. Беш кунлик дунёнинг зебу зийнатида бақо йўқ. Бирпасда заволга учрайди.

«Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир.»

Роббинг сенга берган ризқ энг яхши ризқдир, энг боқий ризқдир. У вақтинчалик эмас, доимийдир. У синаш учун эмас, сийлаш учундир.

وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَاصْطَبِرْ عَلَيْهَا لَا تَسْأَلُكَ رِزْقًا نَحْنُ نَرْزُقُكَ وَالْعَاقِبَةُ لِلتَّقْوَىٰ ﴿١٣١﴾

132. Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил. Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз. Оқибат тақвоникидир.

Мусулмоннинг биринчи бурчи аҳлини, оиласини мусулмон қилишдир. Бу ишда намоз муҳим ўрин тутади. Шунинг учун, аҳлингни, оила аъзоларингни намоз ўқишга буюр. Ўзинг ҳам сабр ила намозда бардавом бўл ва аҳлингни намозга ундашда давом эт.

Аллоҳ сендан бошқа нарсани сўрамайди.

«Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берамиз.»

Ўша берган ризқимизга шукр қилиб, намоз ўқи ва намозга буюр.

«Оқибат тақвоникидир.»

Яхши оқибатга сазовор бўлиш тақвога боғлиқдир.

وَقَالُوا لَوْلَا يَا تَيْنَا بَيِّنَاتٍ مِّن رَّبِّهِ ۗ أَوْلَمْ تَأْتِهِم بَيِّنَاتٌ مَّا فِي الصُّحُفِ الْأُولَىٰ ﴿١٣٢﴾

133. Улар: «У бизга Роббидан мўъжиза келтирса эди», дерлар. Ахир, уларга аввалги саҳифалардаги нарсаларнинг баёноти келмадимми?

Кофир ва мушриклар, Муҳаммад Роббидан бир лол қолдирувчи мўъжиза келтирса эди, дейдилар. Ахир, Қуръонда аввалги умматларга келган нарсаларнинг баёни келди-ку. Шу уларга кифоя қилмайдими?

وَلَوْ أَنَّا أَهْلَكْنَاهُمْ بِعَذَابٍ مِّن قَبْلِهِ لَقَالُوا رَبَّنَا لَوْلَا أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا فَنَتَّبِعَ آيَاتِكَ مِن قَبْلِ أَنْ نَّذَلَ وَنُخْزَىٰ ﴿١٣٣﴾

134. Агар Биз уларни у(келиши)дан олдин азоб-ла ҳалок қилганимизда эди, албатта: «Эй Роббимиз, бизга Пайғамбар юборганинда эди, хору зор ва шарманда бўлишимиздан олдин оятларингга эргашган бўлар эдик», дердилар.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келишларидан олдин Биз ўша мушрикларга азоб юбориб, ҳалок қилганимизда, улар, албатта, Бизга норозилик билдиришар, нима учун бизга аввал Пайғамбар юбориб, огоҳлантирмасдан ҳалок этдинг, дейишган бўлар эди. Пайғамбар юборсак, энди мўъжиза талаб этишмоқда.

قُلْ كُلُّ مَتْرَبٍصٍّ فَتَرَبِّصُوا فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ أَصْحَابُ الصِّرَاطِ السَّوِيِّ وَمَنِ اهْتَدَى ﴿١٣٥﴾

135. Сен: «Барча кутгувчидир. Бас, кутинглар. Албатта, кимлар тўғри йўл соҳиблари ва кимлар ҳидоят топганини билурсизлар», деб айт.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган бу хитоб доимо янгиланиб туради.



АНБИЁ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 112 оятдан иборат.

«Анбиё» сўзи арабча «Набий» сўзининг кўплиги бўлиб, «Пайғамбарлар» маъносини англатади. Аллоҳ таоло бу сурада Пайғамбарлар ҳақида, жумладан, Иброҳим, Довуд, Сулаймон, Исҳоқ, Яъқуб, Лут, Нух, Айюб, Исмоил, Идрис, Зул-кифл, Зуннун, Закариё, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар ҳақида сўз юритгани учун ҳам мазкур сура «Анбиё» (Пайғамбарлар) номини олган.

Бошқа маккий суралар каби, бунда ҳам Ислом даъватининг Макка давридаги бош мавзу – ақийда ва унга тегишли масалалар муолажа қилинади. Хусусан, ақийданинг тавҳид, Пайғамбарлик ва қайта тирилиш бобларига алоҳида эътибор берилади.

Ушбу масалалар муолажаси борликдаги қонун-қоидаларга боғлаб олиб борилади. Чунки, ақийда масаласи борликқа чамбарчас боғлиқдир. Ақийдага энг эҳтиёжманд инсон борликда яшайди ва унинг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун, осмонлару ер, уларнинг орасидаги барча нарсаларга назар солиш, уларнинг бекорга яратилмаганини ўйлаб кўриш зарур бўлади.

Дунёда турли нарсалар, ҳар хил жонзотлар, турли-туман умматлар бўлган ва бор. Сурада ўша нарсалар ва жонзотларнинг ҳам, умматлар ва уларга келган Пайғамбарларнинг ҳам асли бир эканлиги очиқ-ойдин баён этилади.

Дунёдаги шариатлар ва Пайғамбарларнинг асли бирлигини, айниқса, сурадаги Пайғамбарлар ва уларнинг қиссаларидан яхши англаб олиш мумкин. Ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг умматлари қиссалари кишилар учун улкан ибрат ва ваъз-насиҳат манбаи бўлмоғи зарур. Уларни яхши ўрганиб, хулоса чиқариб, уларнинг гўзал тажрибаларини ўзлаштириб, хатоларини такрорламасликка ҳаракат қилиш лозим. Шунинг учун, Қуръони Каримда бу масалага алоҳида эътибор берилади. Пайғамбарларнинг қиссалари турли жиҳатлардан ёритилади.

«Анбиё» сураси кишилар охиратни ва ундаги ҳисоб-китоб, жазо-мукофот ишларини унутиб юрганларини таъкидлаш, қиёмат яқинлашиб қолганини эслатиш билан бошланади.

Сўнгра эса, дину диёнатни ва Пайғамбарларни ёлғонга чиқарувчилар ҳақида сўз юритилади. Улар ўтганларнинг ҳалокатларини кўриб, билиб турса ҳам, улардан ибрат олмаётганлари афсус билан эслатилади. Аммо тўсатдан азоб келиб қолса, ҳаммалари ёрдам сўраб ёлворишлари айтиб ўтилади.

Аллоҳ қудратининг чексиз далиллари кишиларнинг ўзларида ва атрофларида жуда кўп эканлигига эътибор қаратилади.

Кейин мушрикларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни истехзо, масхара ва қўполлик билан қарши олганлари айтилади. Бундай ишларнинг оқибати қадимдан ёмонлик билан тугаб келаётгани эслатилади.

Сўнгра, юқорида исми шарифлари зикр этилган Пайғамбар алайҳиссаломларнинг қиссалари сура сиёқига мос равишда қисқа ёки узунроқ баён этилади. Энг аввал Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари батафсил ҳикоя қилинади. Чунки Иброҳим алайҳиссалом билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмлари орасида катта ўхшашлик бор эди. Қолаверса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши чиққан мушриклар «Биз Иброҳим миллатиданмиз», деб даъво ҳам қилар эдилар.

Суранинг ниҳоясида эса, қиёмат манзараларидан бир кўриниш васфи орқали ҳамманинг оқибати баён қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

أَقْرَبَ لِلنَّاسِ حِسَابُهُمْ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ مُّعْرِضُونَ ﴿١٠﴾

1. Одамларга ҳисоблари яқинлашиб қолди. Улар эса, вафлатда, юз ўгирувчи бўлган ҳолларида.

Кишиларга қиёмат ва унинг ҳисоб-китоби яқинлашди. Уламоларимиз: Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбар бўлиб келишларининг ўзиёқ қиёмат яқинлашганининг энг катта аломати, дейдилар. Чунки, у зот охирги Пайғамбардирлар, у зотдан кейин Пайғамбар келмайди. Қиёмат келади.

Шу билан бирга, ҳар бир келувчи яқиндир, деган қоида ҳам бор. Келиши кутилаётган ҳар бир нарса тезда келади. Буларнинг энг каттаси қиёматдир, унда бўладиган ҳисоб-китобдир.

Ҳар бир инсон ўлимни ҳам кутади. Ким ўлса, қиёмати қоим бўлади. Чунки, ўлгандан кейин инсонга қиёматни кутишдан бошқа иш қолмайди. Ҳар бир инсоннинг ўлими ҳам яқиндир. Ҳа,

«Одамларга ҳисоблари яқинлашиб қолди».

Мана шуларнинг барчаси кишиларни ҳушёрликка, ҳисоб-китоб учун яхшилаб тайёргарлик кўришга ундамоғи лозим эди. Кишилар қиёматда бўладиган ҳисоб-китобга ёрдам берувчи амалларни қилишлари керак эди.

«Улар эса, ғафлатда, юз ўгирувчи бўлган ҳолларида.»

Ҳа, одамлар ғафлатда юрибдилар. Уларнинг қиёмат билан, ҳисоб-китоб билан ишлари йўқ.

Улар Роббиларидан келган ҳидоятдан, Пайғамбарлар ва китобдан юз ўгириб юрибдилар.

مَا يَأْتِيهِمْ مِّن ذِكْرِ مِّن رَّبِّهِمْ مُّحَدَّثٍ إِلَّا أَسْتَمِعُوهُ وَهُمْ يَلْعَبُونَ ﴿٦١﴾

2. Қачон Роббиларидан янги эслатма келса, уни фақат ўйнаётган ҳолларида тингларлар.

لَا هِيَ قُلُوبُهُمْ وَأَسْرُوا النَّجْوَى الَّذِينَ ظَلَمُوا هَلْ هَذَا إِلَّا بَشْرٌ مِّثْلَكُمۡ
أَفَتَأْتُونَ السَّحَرَ وَأَنْتُمْ تَبْصُرُونَ ﴿٦٢﴾

3. Қалблари вофил бўлиб. Зулм қилганлар ўзаро: «Бу ўзимизга ўхшаган башардан ўзга эмас-ку. Ўзингиз кўриб туриб сеҳрга келасизми?» – деб пичирлашарлар.

Ҳисоблари яқинлашиб қолганини унутиб, ғафлатда юрганлар Роббилари Аллоҳ таолодан янги эслатма – Қуръони Карим келса, ўйнаб турган ҳолларида эшитадилар. Бу ҳоллари уларнинг эслатмага эътиборсиз қараётганини билдиради. Зотан, Аллоҳдек улуғ зотнинг ҳар бир сўзи юксак одоб ва эътибору аҳамият билан қарши олиниши керак эди. Кофир ва мушриклар эса, уларга Аллоҳнинг эслатмаси келганда, ҳатто ўйинларини тўхтатишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Зоҳирда ўйнаб туриб, ичидан эътибор бераётган бўлса керак, деб ўйламанг. Улар:

«Қачон Роббиларидан янги эслатма келса, уни фақат ўйнаётган ҳолларида тингларлар. Қалблари вофил бўлиб».

Зоҳирда ўйин, ботинда ғафлат. Икки томонда ҳам Аллоҳ каломига эътиборсизлик.

Чунки, улар аслида бузукдирлар, умуман Пайғамбарга ишонмай зулм қиладилар. Ўша,

«Зулм қилганлар ўзаро: «Бу ўзимизга ўхшаган башардан ўзга эмас-ку. Ўзингиз кўриб туриб сеҳрга келасизми?» – деб пичирлашарлар».

Кофирлар ўзаро: «Муҳаммад ҳам сиз билан бизга ўхшаган одам-ку, қандай қилиб Пайғамбар бўлади? Унинг айтаётган гаплари сеҳр. Бу нарсани кишиларга таъсир қилишидан, ота-бола ва эру хотин орасини бузишидан ҳам билиб олсангиз бўлади. Шунга кўриб-била туриб унга эргашасизларми?» – деб пичирлашадилар.

Уларнинг бу гапларига жавобан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишни Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилдилар:

قَالَ رَبِّي يَعْلَمُ الْقَوْلَ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٦٠﴾

4. У: «Роббим осмону ердаги сўзни билур. У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир», деди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло энг яхши эшитгувчи ва энг аниқ билгувчи Зот эканини, У зот осмону ердаги ҳамма сўзларни эшитиб туришини кофирларга эслатиб қўйдилар. Бундан: Аллоҳ мушрикларнинг ўзаро пичирлашиб гапираётган юқоридаги сўзларини ҳам эшитиб турибди, У зотнинг Ўзи билиб жазоларини беради, деган маъно чиқади.

Зулм қилганлар Қуръони Карим оятларидан ҳайратга тушган эдилар. Улар Қуръонни инкор этар, бироқ унинг оддий калом эмаслигини ҳам яхши билар эдилар. Қуръони Карим қаршисида лол қолардилар. Аммо, иймонсиз бўлганлари учун, Қуръоний таъсирни бошқа нарсага йўйишга уринадилар. Улар Қуръонни сеҳр дейиш билан қониқиб қолмадилар. Чунки, Қуръонда сеҳрда йўқ нарсалар кўп эди. Шунинг учун, ҳайратлари ошиб, турли бўлмағур тўқималарни тўқиб чиқардилар:

بَلْ قَالُوا أَضْغَثٌ أَحْلَمَ بَلِ افْتَرَاهُ بَلْ هُوَ شَاعِرٌ فَلْيَأْتِنَا بآيَةٍ كَمَا أُرْسِلَ الْأُولُونَ ﴿٦١﴾

5. Улар: «Балки, алғов-далғов тушлардир, балки, ўзи уйдириб олгандир, балки, у шоирдир. Бас, бизга аввалгиларга юборилганидек, мўъжиза келтирсин», дедилар.

Зулм қилганлар Қуръон ва уни ўқиб бераётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида:

«**Балки, алғов-далғов тушлардир...**» деб ҳам кўрдилар. Муҳаммад бизга, «Аллоҳдан келди», деб айтаётган гаплари ўзининг алғов-далғов тушлари бўлса керак, дедилар.

«**...балки, ўзи уйдириб олгандир...**»

Эҳтимол, Қуръон деб айтаётган нарсани Муҳаммаднинг ўзи уйдириб – тўқиб олгандир, деб ҳам кўришди.

«**...балки, у шоирдир.**»

Чунки, Қуръон деб айтаётган нарсаси шеърга ҳам ўхшайди. Хуллас, Муҳаммаднинг ишлари ва гапларидан бошимиз айланиб кетди. Агар у, ўзи даъво қилаётгандек, Аллоҳнинг Пайғамбари бўлса ва Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига бизни ишонтиришни истаса:

«**Бас, бизга, аввалгиларга юборилганидек, мўъжиза келтирсин, дедилар.**»

Аввалгилар Пайғамбарликларини тасдиқлаш учун одатдан ташқари мўъжизалар келтиришган. Муҳаммад ҳам даъвоси рост бўлса, ўшаларга ўхшаб, одатдан ташқари мўъжиза келтирсин. Кейин биз унга ишонайлик.

Аллоҳ таоло уларнинг бу таклифларига қуйидаги жавобни берди:

مَاءَ أَمْنٍ قَبْلَهُمْ مِنْ قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا أَفَهُمْ يُؤْمِنُونَ

6. Улардан олдин бирор шаҳар (аҳолиси) иймон келтирмади. Биз уларни ҳалок қилдик. Энди улар иймон келтирармидилар?!

Улардан олдин ўтган ва одатдан ташқари мўъжиза талаб қилган бирорта шаҳар аҳолиси ҳам ўша мўъжизани келтирганимиздан кейин иймонга келмади. Аллоҳнинг ер юзидаги оят-белгиларига, Пайғамбарига ва китобига ишонмасдан, яна одатдан ташқари мўъжиза сўрашнинг ўзи саркашлик аломатидир. Улар ўзлари талаб қилаётган одатдан ташқари мўъжизани кўрсалар ҳам, иймонга келиб ўзгариб қолмайдилар. Демак, улардан зинҳор яхшилик кутиб бўлмайди. Оқибатда, уларни оммавий ҳалок этиш зарурати туғилади. Аввалги умматларда шу ҳолат бўлиб ўтди. Одатдан ташқари мўъжиза келтирганимиздан кейин ҳам ҳеч бирлари иймонга келмадилар.

«**Биз уларни ҳалок қилдик.**»

Ҳаммаларини оммавий азобга учратиб ҳалок этдик. Бу мушриклар ҳам, Муҳаммад аввалги Пайғамбарларга ўхшаб одатдан ташқари мўъжиза келтирсин, демоқдалар. Ҳолбуки, аввалги Пайғамбарлардан одатдан ташқари мўъжиза талаб этганлар уни кўриб иймонга келмаган эдилар.

«**Энди улар иймон келтирармидилар?!**»

Йўқ, булар ҳам иймон келтирмайдилар. Эй Муҳаммад, буларнинг гапларидан таъсирланма.

وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ إِلَّا رِجَالًا نُّوحِي إِلَيْهِمْ فَسْئَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٧﴾

7. Биз сендан илгари ҳам фақат эр кишиларни Пайғамбар қилиб юбориб, уларга ваҳий қилганмиз, холос. Агар билмасангиз, зикр аҳлларидан сўранг.

Мушриклар «Бу ўзимизга ўхшаган башардан ўзга эмас-ку», деб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини инкор қилмоқдалар. Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи Пайғамбар эмаслар. Балки охирги Пайғамбардирлар. У кишидан олдин қанчадан-қанча Пайғамбарлар ўтган. Улар кимлар? Башарми ёки малак?

«Биз сендан илгари ҳам фақат эр кишиларни Пайғамбар қилиб юбориб, уларга ваҳий қилганмиз, холос.»

Аввалги Пайғамбарлар ҳам сенга ўхшаш эр киши бўлган. Уларга ҳам сенга юборган каби ваҳий юборганмиз.

Эй мушриклар!

«Агар билмасангиз, зикр аҳлларидан сўранг.»

Ўзимизга ўхшаган башар Пайғамбар бўлмайди, деб даъво қилаётган эй, кофир-мушриклар, агар Пайғамбарлар башар эканини билмасангиз, зикр аҳлидан – илм эгаларидан сўранг. Аҳли китоблардан сўранг. Улар сизга айтиб берадилар.

وَمَا جَعَلْنَاهُمْ جَسَدًا آيَاتٍ كُنُونَ الطَّعَامَ وَمَا كَانُوا خَالِدِينَ ﴿٨﴾

8. Биз уларни таом емайдиган жасад қилганимиз йўқ. Улар абадий қолгувчи ҳам бўлган эмаслар.

Биз Пайғамбарларни таом емайдиган жасад қилиб яратмадик. Модомики, жасади борми, таомни талаб этади. Модомики, жасади борми, таом ейдими, у башар бўлади. Модомики, жасади борми, таом ейдими, башарми, у абадий қолмайди.

Ҳа, Пайғамбарларнинг барчалари башар эди. Уларнинг башар бўлишини Аллоҳ таолонинг ҳикмати тақозо қилади. Башардан бўлган Пайғамбарлар башарга юборилган. Башарга ғайрибашар Пайғамбар келса, мантиққа тўғри келмас эди.

Агар ғайрибашар бир мавжудот Пайғамбар бўлиб келса, аввало, ҳозиргина Пайғамбарнинг башарлигини баҳона қилиб иймон келтирмаётганлар: «Қандай қилиб башарга ғайрибашар Пайғамбар бўла олади», деб эътироз билдирар эдилар.

Шунинг учун, Аллоҳ таоло доимо башарга башар Пайғамбар юбориб келган. Ўша Пайғамбарлар вазифаларини сидқидилдан адо этганлар.

ثُمَّ صَدَقْنَاهُمُ الْوَعْدَ فَأَنْجَيْنَاهُمْ وَمَنْ نَشَاءُ وَأَهْلَكْنَا الْمُسْرِفِينَ ﴿٩٠﴾

9. Сўнгра, уларга (берган) ваъдамиз устидан чиқдик. Бас, уларга ҳамда Ўзимиз хоҳлаганларга нажот бердик ва исрофчиларни ҳалок қилдик.

Кейин, Пайғамбарларга берган ваъдамиз устидан чиқдик. Ўша Пайғамбарларга ва уларга эргашган мўминларга нажот ва фатҳу нусрат бердик. Исрофчиларни, яъни ҳидоят топиш имконини зое қилиб, кофир бўлганларни ҳалок этдик. Одат шу. Ҳозирги кофирлар ибрат олсинлар.

Сўнгра, Аллоҳ таоло арабларга, аҳли Маккага хитоб қилиб:

لَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ كِتَابًا فِيهِ ذِكْرُكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٩١﴾

10. Батаҳқиқ, Биз сизга китоб нозил қилдик. Унда сизнинг зикрингиз бор. Ақл ишлатмайсизларми?!

Биз сизга Қуръон туширдик. Унда сизнинг зикрингиз, шарафингиз ва иззатингиз бор. Ақлингизни ишлатинг.

Араблар ақларини ишлатиб, Қуръонга амал қилиб, ундаги зикр-эслатмалардан ибрат олиб яшаган даврларида бутун дунё уларни зикр этадиган бўлиб қолди. Қуръони Каримдан олдин уларни ҳеч ким эсга олмас эди. Қуръони Карим уларни тарихга олиб кирди. Уларга шону шавкат, ҳурмату иззат келтирди.

Араблар Қуръони Каримни тарк этиб, унга амал қилмай қўйганларидан кейин, уларни ҳеч ким эсламай қўйди. Улар шон-шавкат ва ҳурмат-иззатларини йўқотдилар. Қуръондан узоқлашган даврлари мобайнида жаҳон халқларига ҳеч нарса бера олмадилар.

Ҳа, араблар ақларини ишлатмай, Қуръондан узоқлашиб, турли назария, фалсафа ва тузумларга эргашиб, ўзларини хароб қилдилар.

Араблар тарихда ўз зикрларини, шон-шавкат ва иззат-эҳтиромларини тикламоқчи бўлсалар, ақларини ишлатишлари лозим. Яна Қуръонга қайтиб, унга амал қилмоқлари шарт.

وَكَمْ قَصَمْنَا مِنْ قَرْيَةٍ كَانَتْ ظَالِمَةً وَأَنْشَأْنَا بَعْدَهَا قَوْمًا آخَرِينَ ﴿٩٢﴾

11. Биз золим бўлган шаҳар-қишлоқлардан қанчасини (белини) синдирдик ва улардан кейин бошқа қавмларни пайдо этдик.

Биз «белини синдирдик» деб таржима қилган ибора «қосамна» ибораси бўлиб, синдириш билан бирга, даҳшатли ҳалокат маъносини ҳам жамлайди.

Шаҳар-қишлоқлар, диёрлар пайдо бўлиб, униб-ўсиб, ривожланиб бораверади. Аммо, қайси бири зулмга ўтса, Аллоҳ таоло унинг белини синдиради. Ҳалок қилади. Зулм нақадар ёмон амаллигини шундан ҳам билиб олиш мумкин. Уламоларимиз, ҳукм – султон куфр билан давом этиши мумкин, аммо зулм билан давом этмайди, дейдилар. Золим бўлган шаҳар-қишлоқларнинг белини синдириш Аллоҳ таолонинг қадимий одати эканини

«...золим бўлган шаҳар-қишлоқлардан қанчасини (белини) синдирдик...» деган жумладан билиб олиш мумкин.

Жумла тасдиғи учун тарихга бир назар солишнинг ўзи кифоя. Улардан баъзи мисоллар шу сураи кариманинг ўзида ҳам келади.

«...ва улардан кейин бошқа қавмларни пайдо этдик.»

Тарих ғилдираги айланаверади. Аллоҳ зулмга кетган бир қавмни ҳалок этса, бошқасини янгидан тарих саҳифасига чиқариб қўяверади. Ўша янги қавм ҳаракат қилиб, кўзга кўринади, ривожланади, унади, ўсади. Аммо, ҳаддидан ошиб зулмга ўтса, у ҳам ҳалок бўлади. Ҳар бир қавм ривожланиб, иши юришиб турган пайтида ғурурга кетиб, ҳеч нарсани назарига илмай қўяди.

فَلَمَّا أَحْسَبُوا أَنَّنَا إِذَا هُمْ مِنْهَا يَرْكُضُونَ ﴿١٢﴾

12. Бизнинг азобимизни ҳис қилганларида эса, бирдан у ердан қочибга бошларлар.

Ўзлари яшаб турган шаҳар-қишлоқларга Аллоҳнинг азоби тушишини ҳис этишлари билан, дарҳол у ерларни ташлаб қоча бошлайдилар.

لَا تَرْكُضُوا وَأَرْجِعُوا إِلَىٰ مَا أَتَرْتُمْ فِيهِ وَمَسْكِنِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُونَ ﴿١٣﴾

13. Қочманглар! Маийшатпараастлик қилган нарсаларингизга, масканларингизга қайтинглар. Ҳали, эҳтимол, сўралурсизлар.

Шаҳар-қишлоқларнинг кофир, золим ва тажовузкор аҳолиси ерларини ташлаб қоча бошлаганларида, фаришталар уларга қуйидагича хитоб этадилар:

«Қочманглар!»

Шаҳар-қишлоқларингизни ташлаб қаёққа борасизлар?

«Майишатпарастлик қилган нарсаларингизга, масканларингизга қайтинглар.»

Бу дунёда ўшаларни деб яшадингиз. Бутун умрингизни яхши таом, айшу ишрат, ҳойи ҳавас, дабдабали масканларга сарфладингиз. Уларга эришиш учун ҳеч бир ёмонликдан қайтмадингиз. Энди ўша майишат матоҳларингиз ва масканларингизни ташлаб қаёққа қочмоқдасиз?! Шошманг.

«Ҳали, эҳтимол, сўралурсизлар.»

Ҳа, албатта, ўша айшу ишратларингиз ва ишратгоҳларингиз юзасидан сўров бўлади. Унга жавоб беришингиз керак!

قَالُوا يَوَيْلَنَا إِنَّا كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿١٤﴾

14. Улар: «Ҳолимизга вой! Биз, албатта, золим бўлган эканмиз», дедилар.

Вақт ўтгандан кейин тан олишди. Қиёмат қоим бўлиб, кўзлари азобни кўргандан кейингина зулмлари ёдларига тушиб қолди. У дунёда зулм қилиб, Роббул Олабийнинг Пайғамбарларини рад этишлари нотўғри бўлгани хаёлларига келиб қолди.

Энди ўзлари ўзларига дуоибад қила бошлайдилар. Дод-вой сола бошлайдилар:

فَمَا زِلْتِ تِلْكَ دَعْوَتُهُمْ حَتَّىٰ جَعَلْنَاهُمْ حَصِيدًا خَمِيدِينَ ﴿١٥﴾

15. Уларнинг ўша дод-войлари биз уларни ўрилган ўтдай, совуган кулдай қилгунимизча бардавом бўлди.

Яъни, уларнинг ҳаммасини ўтдек ўриб ташладик, ҳалок қилдик ва совуган кулдек қилиб қўйдик. Улар эса, дод-вой қилишдан бошқага ярамайдилар.

وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا الْعَيْنِ ﴿١٦﴾

16. Биз осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйин учун яратганимиз йўқ.

Бундай улкан ва ажойиб нарсалар, албатта, ўйин учун яратилмайди. Беҳудадан-беҳудага шунчалик уринишнинг кераги йўқ. Мақсад ўйин бўлса, шунга мосроқ нарса яратилар эди.

لَوْ أَرَدْنَا أَنْ نَتَّخِذَهُمْ آلًا تَخَذْنَهُ مِنْ لَدُنَّا إِنْ كُنَّا فَاعِلِينَ ﴿١٧﴾

17. Агар Биз кўнгилхуши тутишни прода қилсак, уни қилувчи бўлганимизда ҳам, Ўз томонимиздан тутар эдик.

Бу, фараз учун айтилган гап. Яъни, бўлиши мумкин эмас, мабодо, бўлган тақдирда ҳам, бундай бўларди, қабилидаги гап. Аллоҳ таоло кўнгилхуши қиладиган зот эмас, аммо, мабодо, шундай қилса ҳам, У ўша кўнгилхушини Ўз томонидан, Ўзига боғлиқ нарсадан тутар эди. Бандаларга боғламас эди. Фақат, одамлар билиб қўйсинларки, Аллоҳ осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб, кўнгилхуши учун яратгани йўқ. Уларни ҳикмат ила, улкан мақсад учун яратган.

بَلْ نَقْذِفُ بِالْحَقِّ عَلَى الْبَاطِلِ فَيَدْمَغُهُ فَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ وَلَكُمْ الْوَيْلُ مِمَّا نَصِفُونَ ﴿١٨﴾

18. Йўқ, Биз ҳақни ботил устига отурмиз. Бас, уни яксон қилур. Кўрибсанки, у (ботил) заволга учрабди. Сизларга эса, қилган васфларингиздан ҳалокат келур.

Йўқ! Мушрик ва кофирларнинг ўйлаётган ўйлари ҳам, сўзлаётган сўзлари ҳам, қилаётган ишлари ҳам нотўғри. Ҳеч қачон уларнинг ботили юзага чиқмайди.

«Биз ҳақни ботил устига отурмиз.»

Ҳа, ҳақ доимо ботил устига отиладиган ўқдир.

«Бас, уни яксон қилур.»

Яъни, ҳақ ботилни яксон этади. Чунки, борлиқдаги асл нарса ҳақдир. Ботил эса, ўткинчидир.

Ҳақ отилган жойда ботил қолмайди.

«Кўрибсанки, у (ботил) заволга учрабди.»

Аллоҳ отган нарса завол бўлмай, нима завол бўлар эди?

«Сизларга эса, қилган васфларингиздан ҳалокат келур.»

Сизларга эса, эй мушриклар, Аллоҳга қилган нотўғри ва ноҳақ васфларингиз, жумладан, боласи бор, хотини бор, деганга ўхшаш гапларингиз сабабли ҳалокат келади.

Мушрикларнинг итоатсизлиги, Пайғамбарларни ва Қуръонни тан олмаслиги, уларга сеҳр, шеър, алғов-далғов туш, уйдириш каби нисбатлар беришлари билан Аллоҳга зарар етмайди. У зотнинг бирор ери камайиб қолмайди. Унга тоат қилувчилар етарлидир.

وَلَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ عِنْدَهُ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِهِ ۚ وَلَا يَسْتَحْسِرُونَ ﴿١٩﴾

19. Осмонлару ердаги барча жонзотлар Уникидир. Унинг ҳузуридагилар ибодатидан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар.

Аллоҳнинг махлуқлари, бандалари жуда кўп. Аллоҳга итоатсиз мушриклар уларнинг олдида ҳеч ким эмас.

«Осмонлару ердаги барча жонзотлар Уникидир.»

Осмонлардаги барча жонзотлар ҳам, ердаги барча жонзотлар ҳам Аллоҳ таолоникидир. Уларнинг ҳисобини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

«Унинг ҳузуридагилар ибодатидан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар.»

Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги фаришталар Унга ибодат этишдан бўйин товлаб, мушрикларга ўхшаб мутакаббирлик қилмайдилар. Балки ихлос, ҳушуъ, ҳузуъ билан ибодат этадилар. Малоикалар Аллоҳнинг ибодатини малол ҳам олмайдилар.

يَسْبَحُونَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ ﴿١٩﴾

20. Улар кечаю кундуз тасбиҳ айтарлар. Чарчамаслар.

Ибодати ихлос ила бардавом бўлиб турган ана шундай бандалари бор Зотнинг ибодатидан такаббурлик қилиб бўйин товланган бир гуруҳ мушрикларнинг саркашлиги қаерга борар эди? Улар нима демоқчи ўзи?

أَمْ اتَّخَذُوا إِلَهًا مِّنَ الْأَرْضِ هُمْ يَنْشُرُونَ ﴿٢٠﴾

21. Ёки улар ердан худолар тутдилар-у, ўшалар тирилтирадиларми?

Мушриклар ўзларини бундай тутишларининг сабаби нима? Нима учун ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилмай, бош тортмоқдалар? Ёки улар ердан лой, ёғоч, тош ва бошқа нарсалардан бўлган «худо»лар топиб олдиларми? Уларни ўша «худо»лари тирилтирадими?

لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا فَسُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٢١﴾

22. Агар у(осмонлару ер)ларда Аллоҳдан ўзга «худо»лар бўлганида, бузилиб кетар эдилар. Аршнинг Робби Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир.

Борлиқни бир зот яратган, бир зот идора қилиб, бошқариб туради. Борлиқ шунга бўйсунди. Шу боис ҳам, нарсалар ҳадсиз-ҳисобсиз бўлишига қарамай, борлиқда қойил қоларлик даражада низом, жипслик ва мутаносиблик ҳукм суради. Агар борлиқни яратган, уни идора қилиб турган зот биттадан кўп бўлса, ўша зотларнинг иродаси бир-бири билан албатта тўқнашар эди. Оқибатда борлиқда номутаносиблик келиб чиқар, жипслик йўқолар ва низом бузилар эди. Модомики, борлиқ бир низомда турибдими, жипс ҳолидами, мутаносибми, демак, уни яратган ва тадбирини қилиб турган зот битта. Мушрикларнинг Аллоҳга ширк келтиришлари нотўғри.

«Аршнинг Робби Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир.»

Аллоҳ мушриклар тасвирлаётган шериклардан покдир. Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. Аршнинг, мулкнинг Робби ҳам ягона ўша Зотдир.

لَا يَسْتَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ

23. У қилган нарсасидан сўралмас. Ҳолбуки, улар сўралурлар.

Аллоҳ таолони ҳеч ким саволга тутмайди. Нимани хоҳласа, шуни қилади. Бандалар, хусусан, мушриклар ҳар бир ишлари юзасидан сўроққа тутиладилар. Аллоҳ таоло улардан ҳар бир амаллари учун савол сўрайди.

أَمْ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ إِهْلًا ۚ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ ۚ هَذَا ذِكْرٌ مَنْ مَعِيَ وَذِكْرٌ مَنْ قَبْلِي ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ الْحَقَّ فَهُمْ مُعْرِضُونَ

24. Ёки Ундан ўзга «худо»лар тутдиларми? Сен: «Ҳужжатларингизни келтиринг. Мана бу мен билан биргаларнинг зикридир ва мендан олдингиларнинг зикридир», дегин. Йўқ, уларнинг кўплари ҳақни билмаслар. Бас, улар юз ўгиргувчилардир.

Борлиққа назар солиб, ундаги мавжудотларни мулоҳаза қилиб кўрганда, Аллоҳ таолонинг шериги бўлиши мумкин эмаслиги исботланди. Яна нима учун мушриклар Аллоҳ таолога ибодат қилмаяптилар?

«Ёки Ундан ўзга «худо»лар тутдиларми?»

Агар тутган бўлсалар, нима асосда тутдилар? Эй Муҳаммад, сен уларга:

«Ҳужжатларингизни келтиринг. Мана бу мен билан биргаларнинг зикридир ва мендан олдингиларнинг зикридир», дегин».

Ниманидир даъво қилган одам, уни исботлаш учун ҳужжат-далил келтиради. «Аллоҳнинг шериги бор» дейиш дунёдаги энг катта даъво ҳисобланади. Бу даъво учун ҳужжат-далил керак. Қани, эй мушриклар, сизлар бу даъвоингиз учун ҳужжатларингизни келтиринглар. Келтира олмайсизлар.

Энди, Аллоҳнинг шериги йўқлигига ҳужжат-далилни кўриб қўйинглар.

«Мана бу мен билан биргаларнинг зикридир ва мендан олдингиларнинг зикридир», дегин.»

Мана бу Қуръон мен билан биргаларнинг ва мендан олдингиларнинг зикридир. Аммо унда на қадимда ва на ҳозирда Аллоҳнинг шериги борлиги ҳақида бирор сўз йўқ. Ҳамма диёнатлар, ҳамма Пайғамбарлар ягона Аллоҳга иймон келтиришга, ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирганлар. Анали мушриклар бирор далилга суяниб гапиряптиларми?

«Йўқ, уларнинг кўплари ҳақни билмаслар.»

Улар ноҳақ гапирдилар. Асоссиз сўзлайдилар. Шунинг учун,

«Бас, улар юз ўгиргувчилардир.»

Яъни, ҳақни билмаганлари учун ундан юз ўтирадилар.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ

25. Сендан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз.

Ибодатга сазовор зот ягона Аллоҳ эканини англатиш ва фақат Унга сифинишга чақириб барча илоҳий диёнатлар ва Пайғамбарларнинг иши бўлган. Тавҳид ақийдаси ҳеч қачон ўзгармаган. Лекин мушриклар ўзларича турли бўлмағур гапларни ўйлаб чиқарадилар. Жумладан:

وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا سُبْحٰنَهُ ۗ بَلْ عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ

26. Улар: «Роҳман фарзанд тутди», дедилар. У покдир. Йўқ! Икром этилган бандалардирлар.

Турли замон мушриклари, «Аллоҳнинг фарзанди бор», деб ҳар хил нотўғри эътиқодда бўлганлар. Яҳудий мушриклар «Узайр Аллоҳнинг боласи», деганлар. Насоро мушриклар «Масийҳ Аллоҳнинг боласи», деганлар. Араб мушриклари эса, «Фаришталар Аллоҳнинг

қизлари», деганлар. Ҳа, мушриклар Аллоҳга боласи борлик нисбатини бердилар.

«Улар: «Роҳман фарзанд тутди», дедилар.»

Бу оятда гап араб мушриклари ҳақида кетмоқда. Улар: «Аллоҳ фаришталарни ўзига қиз қилиб олди», дедилар.

«У покдир.»

Аллоҳ бу нуқсондан покдир. Ўзига фарзанд тутиш эҳтиёжи инсонда бор. Аллоҳда йўқ. Бу иш Аллоҳ учун нуқсон ҳисобланади. У эса, бундан покдир.

«Йўқ! Икром этилган бандалардирлар.»

Йўқ, мушрикларнинг гапи нотўғри. Фаришталар Аллоҳнинг қизлари эмас, балки икром этилган бандаларидир.

لَا يَسْتَفْتُونَہُ بِالْقَوْلِ وَہُمْ بِأَمْرِہٖ یَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾

27. Улар Ундан олдин сўз айтмаслар. Улар Унинг амри ила амал қилурлар.

Фаришталар шунчалик одобли, шунчалик итоатли, шунчалик Аллоҳни улуғлайдиларки, ҳатто, Унинг олдида бирор оғиз сўз айтишга ботинмайдилар. Аллоҳ нима амр қилса, фаришталар сўзсиз амалга оширадилар.

یَعْلَمُ مَا بَیْنَ أَیْدِیْہِمۡ وَمَا خَلْفَہُمْ وَلَا یَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ارْتَضَىٰ وَہُمْ مِّنۡ خَشِیَّتِہٖ مُّشْفِقُونَ ﴿٢٨﴾

28. У зот уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Улар фақат У зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар. Улар У зотнинг қўрқинчидан титраган ҳолда турурлар.

Аллоҳ таоло фаришталарнинг келажақдаги ишларини ҳам, ўтган замонда қилган ишларини ҳам яхши билади. Яъни, Аллоҳ таоло уларни Ўз илми ила ихота қилгандир.

«Улар фақат У зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар.»

Яъни, фаришталар қиёматда шафоат қилсалар, фақат Аллоҳ рози бўлган шахсларгагина шафоат қила оладилар.

«Улар У зотнинг қўрқинчидан титраган ҳолда турурлар.»

Фаришталар шунчалик иззатли, доимо ибодатдаги бандалар бўлсалар ҳам, Аллоҳдан қўрқиб ҳамиша титраб турадилар.

Ана шундай фаришталарни «Аллоҳнинг қизи», «шериги», деб бўладими?

﴿ وَمَنْ يُقْلِ مِنْهُمْ آيَاتِ اللَّهِ مِنْ دُونِهِ ۖ فَذَلِكَ نَجْزِيهِ جَهَنَّمَ كَذَلِكَ نَجْزِي الظَّالِمِينَ ﴾

29. Улардан ким: «Мен Ундан ўзга илоҳман», деса, бас, ўшани жаҳаннам ила жазолармиз. Золимларни шундай жазолармиз.

Ким бўлишидан қатъиназар, мен Аллоҳдан ўзга илоҳман, деса, унинг жазоси жаҳаннам бўлади. Чунки, у ўша ноҳақ даъвоси билан улкан зулм қилади. Биз доимо:

«Золимларни шундай жазолармиз».

Кейинги оятларда атрофдаги ва инсоннинг ўзидаги тавҳидга далолат қилувчи белгилар ҳақида сўз кетади:

أُولَئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ كَانَتَا رَتْقًا فَفَتَقْنَاهُمَا وَجَعَلْنَا مِنَ الْمَاءِ كُلَّ شَيْءٍ حَيٍّ أَفَلَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾

30. Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлган эканини, бас, Биз уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмасларми? Иймон келтирмасларми?

Ояти карима маъноси хусусида қадимги ва ҳозирги тафсиричларимиз илмлари, маърифатлари ва тушунчаларига кўра, бир неча хил маънолар айтганлар.

Биринчиси, Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинган бўлиб, унга биноан: осмон ёпиқ эди, Биз уни очдик ва ёмғир-қор ёғдирдик, оқибатда ўша сув ила ҳамма тирик нарсалар пайдо бўлди.

Иккинчиси, бошқа баъзи бир муфассирларнинг фикрлари бўлиб, унга кўра: осмонлару ер йўқ эди, уларни Биз яратдик, сўнгра, сувдан тирик нарсаларни пайдо қилдик.

Учинчиси, Ибн Аббос, Иқрима, Ҳасан, Қатода розияллоҳу анҳумлардан ривоят қилинган бўлиб, унга биноан: осмонлару ер бири-бирига битишган бир нарса эди, уларнинг орасини Биз очдик, сўнгра, сувдан тирик нарсаларни пайдо қилдик.

Тўртинчи хили ҳозирги замондаги баъзи тафсиричларнинг фикрлари бўлиб, учинчи маънога яқин келади. Унга биноан: осмону ер, юлдузлару қуёш – ҳамма-ҳаммаси бир бутун эди, сўнгра Аллоҳнинг иродаси ила кўп айланиш ва ички портлашлар оқибатида парчаланиб, алоҳида-алоҳида бўлиб кетди: қуёш алоҳида, ер алоҳида, ой алоҳида, юлдузлар алоҳида ва бошқа нарсалар ҳам алоҳида бўлди; сувдан эса, барча тирик нарсалар, инсон, ҳайвон ва набототлар пайдо қилинди.

Буларнинг ҳаммаси фикр ва назариялардир. Ҳаммаси ҳам ояти кариманинг маъносини тушунишга уринишдир. Оятнинг ҳақиқий маъносини Аллоҳнинг Ўзи билади. Биз эса, оятнинг маъносини онгимиз етганича тушунишга ҳаракат қиламиз, холос. Қуръон ҳақиқий илоҳий китоб эканлигидан ҳамда замонлар оша инсоннинг ўзгарувчи илмидан доимо устун туришидан қувонамиз. Иймонимиз янада мустаҳкам бўлади. Илмий кашфиётлар, хусусан, назарияга боғлиқ илмлар бугун бирни айтса, эртага бошқани айтади. Аммо Қуръон мағрур ва собит туради. Илмий назариялар ўзгарувчан, Қуръон ўзгармасдир. Шу билан бирга, Қуръон илмий назариялар тўплами ҳам эмас. Балки, баъзан илмга оид маълумотларга ҳам мурожаат қилса, уларни иймонга даъват йўлида ишлатади. Ана шунда ҳақиқий илм эгалари ҳидоят топадилар. Шу ўринда ҳозирги кун илмининг фалакиёт назарияси Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср илгари бир оятнинг ярмида айтиб ўтган маълумотни такрорлаётганини ҳам эслатмоқчимиз. Фақат илмий далилга ишонамиз, дейдиганлар Қуръоннинг илоҳий китоб эканига энди тан беришлари керак. Акс ҳолда, даъволари ноҳақ бўлиб чиқади.

Ушбу ояти кариманинг иккинчи қисмидаги:

«...ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни» деган маънони Қуръондан бир минг тўрт юз йил кейин такрорлаган айрим одамлар улуғланмоқда. Кишилар уларга таҳсинлар ўқимоқда. Номлари кўкларга кўтарилмоқда. Аммо нега бу ҳақиқатни минг тўрт юз йил илгари таъкидлаган китобнинг илоҳийлигини тан олмайдилар? Агар одамлар ҳақиқатан илм эгалари бўлсалар, илмий далилга ишонсалар, шу ҳақиқатни бундан минг тўрт юз йил илгари айтган Қуръонга:

«Иймон келтирмасларми?»

وَجَعَلْنَا فِي الْأَرْضِ رَوَاسِيَ أَنْ تَمِيدَ بِهِمْ وَجَعَلْنَا فِيهَا فِجَاجًا سُبُلًا لَّعَلَّهُمْ يَهْتَدُونَ ﴿٣١﴾

31. Биз ерда уларнинг тебранмасликлари учун тоғлар қилдик ва шоядки, тўғри йўл топсалар, деб унда даралар, йўллар қилдик.

Бу оятдан тоғлар ер мувозанатини сақлаб туриш вазифасини ўташини ҳам билиб олиш мумкин. Демак, тоғлар бўлмаса, ер тебраниб, одамларга ноқулайлик туғдиради. Эҳтимол, баъзи океан ва денгизлардаги чуқурликлар билан ҳам мувозанат сақланаётгандир.

Шунингдек, тоғлар орасидаги даралар, ер юзидаги йўллар ҳам Аллоҳ томонидан бандаларга яратиб берилган баъзи қулайликлар экан.

Мана шу нарсаларни Аллоҳдан ўзга ким ҳам қилиб беради? Мушрикларнинг сохта худоларими? Йўқ! Аллоҳдан ўзга ҳеч ким бу ишларни қила олмайди. Булар ҳам Аллоҳнинг ягона ва қудратли зот эканига далилдир.

وَجَعَلْنَا السَّمَاءَ سَقْفًا مَّحْفُوظًا وَهُمْ عَنْ آيَاتِنَا مُعْرِضُونَ ﴿٣٢﴾

32. Ва осмонни сақланган шифт қилиб қўйдик. Улар эса, Унинг аломатларидан юз ўгиргувчи бўлмоқдалар.

Қараган одам кўзига осмон шифт бўлиб кўринади. Аммо у сақланган шифтдир. Сақланган бўлганда ҳам, том маънода сақлангандир. У кам-кўст, нуқсонлардан сақлангандир. У, осмон ерга тўкилиб тушишидан сақлангандир. Ундаги ажиб низом бузилишдан сақлангандир. Ундаги руҳонийлик ва покликка халал етишидан сақлангандир. Унга шайтонлар ва жинлар етишидан сақлангандир. Осмонга эътибор назари билан қараган, уни ўрганган одам ундан Аллоҳнинг биру бор эканига ҳадсиз-ҳисобсиз белги-далиллар, аломатлар топади. Фақат мушриклар буни англамаяптилар. холос.

«Улар эса, Унинг аломатларидан юз ўгиргувчи бўлмоқдалар.»

Улар Аллоҳ таолонинг Биру Борлигига далолат қилувчи аломатлардан юз ўгириб, иймонга келмай юрибдилар.

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ ۗ كُلٌّ فِي فَلَكٍ يَسْبَحُونَ ﴿٣٣﴾

33. У кечаю кундузни, қуёшу ойни яратган Зотдир. Ҳаммаси фалакда сузмоқдалар.

Кеча билан кундузнинг алмашуви инсон кўзи олдида содир бўлади. Улар ўз-ўзидан алмашиб қолмайди. Улар инсон ҳаётига таъсирини ўтказиб туради. Шунингдек, қуёш билан ой ҳам инсон кўзига доимо кўриниб турадиган икки улкан жисмдир. Уларнинг ҳам инсон ҳаётига таъсирлари катта. Буларни яратган зот биру бор Аллоҳдир. Ундан ўзга ҳеч ким буларни ярата олмайди. Яратгувчи ёлғизгонадир. Шериклари бўлса, иродалар тўқнашиб, орада келишмовчилик чиқар эди. Бунинг устига:

«Ҳаммаси фалакда сузмоқдалар».

Ҳа, қуёш ҳам, ой ҳам, сайёралар ҳам, юлдузлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси фалакда сузмоқда. Уларнинг фалакда сузишини тадаббур ила ўйлаш ҳам ақли бор инсонни иймонга чорлаши керак. Шунча улкан ва жуда кўп нарсаларнинг фалакда ажиб бир низом ила сузиши, бир-бирига тўқнашиб кетмаслиги ва уларнинг сузиб юришидаги бошқа ажойиботлар Аллоҳнинг биру бор эканига далил эмасми?!

Хўш, нега энди кофирлар иймон келтирмайдилар?

وَمَا جَعَلْنَا لِبَشَرٍ مِّن قَبْلِكَ الْخُلْدَ أَفَإِن مِّن فَهْمٍ الْخَالِدُونَ ﴿٣٤﴾

34. Сендан олдин ҳам бирор башарга абадийликни қилганимиз йўқ. Агар сен ўлсанг, улар абадий қолар эканларми?

Эй Пайғамбар, сендан олдин ўтганларнинг ҳаммаси вақт-соати келиб, ажали етиб ўлганлар. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас.

«Агар сен ўлсанг, улар абадий қолар эканларми?»

Эй Пайғамбар, вақт-соати етиб сен ўлсанг, кофирлар абадий қолар эканларми? Шунинг учун иймон келтирмай, ибодат қилмай юрибдиларми? Улар яхшилаб билиб қўйсинлар.

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ وَنَبَلُوكُم بِالشَّرِّ وَالْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ ﴿٢٥﴾

35. Ҳар бир жон ўлимни татиб кўргувчидир. Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз.

Бу дунёда ўлмайдиган жон йўқ. Шоҳ ҳам, гадо ҳам, Пайғамбар ҳам, уммат ҳам ўлади. Шунинг учун, ҳар бир банда дунёда абадий яшайдигандек бўлиб эмас, балки бошига бир куни ўлим келишини эслаб юрсин. Ўлим шаробини албатта татиш борлигини ҳисобга олиб юрсин. Ўша муқаррар ўлим келгунча эса:

«Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз...»

Аллоҳ таоло бандаларини гоҳида ёмонлик, гоҳида яхшилик билан синайди. Ёмонлик етганда, банданинг қийинчиликка чидаши, ўша оғирликка сабр этиши, Аллоҳга бўлган ишончи ва Унинг раҳматидан умидворлиги қандай эканлиги маълум бўлади. Бу синовларга кўпчилик чидайди, ундан муваффақиятли ўтиш ҳам мумкин.

Аммо, яхшилик билан синаш жуда қийин синовдир. Бу синовдан ўтиш душвордир. Кўплар камбағаллик ва йўқчиликка чидайди. Аммо, бойлик ва сероблик келса, ўзидан кетади. Қўлига бойлик тушса, ҳовлиқиб, ҳаром-хариш ишлар қилишга ўтади. Шунингдек, заифлик ва жабр-зулмларга чидайдиганлар кўп. Аммо куч-қувват ва соғломлик синовидан ўта олмайдиган, ўша неъматларни нотўғри йўлда сарфлайдиган одамлар ундан ҳам кўп. Бошқа нарсаларни ҳам шунга қиёс қилаверишимиз мумкин. Ҳаёт тажрибаси шунини кўрсатади. Исломий таълимотлар эса, ёмонлик ва яхшилик синовидан саломат ўтишга тарғиб қилади. Ёмонлик етганда, сабр қилишга, яхшилик етганда, шукр этишга чақиради.

Имом Муслим раҳматуллоҳи алайҳи «Саҳиҳ» китобларида ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминнинг иши ажибдир. Унинг ҳамма ишида яхшилик бор. Бу

нарсa мўминдан бошқа ҳеч кимда йўқдир. Агар унга яхшилик етса, шукр қилади. Бу унинг учун яхшилик бўлади. Агар унга ёмонлик етса, сабр қилади. Бу ҳам унга яхшилик бўлади», деганлар.

«...ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз.»

Ҳеч ким Биздан ўзгага қайтарилмайди. Ўшанда Биз сизларга синов-имтиҳон натижаси хабарини берамиз.

Энди гап яна сура бошидаги мавзуга, яъни, мушрикларнинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга, у зотга келаётган ваҳийга паст назар ила қараб, уларни масхара қилишларига қайтади:

وَإِذْ أَرَأَيْتَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَتَّخِذُونَكَ إِلَّا هُزُوًا هَذَا الَّذِي يَذْكُرُ
ءَالِهَتَكُمْ وَهُمْ يَذْكُرُ الرَّحْمَنَ هُمْ كَافِرُونَ ﴿٣٦﴾

36. Куфр келтирганлар сени кўрганларида, масхара қилиб: «Худоларингизни зикр қилаётган шуми?!» дейишдан бошқани билмаслар. Ҳолбуки, улар Роҳманнинг зикрига ўзлари кофирдирлар.

Мушрик-кофирларнинг қилиқларига ҳайронсан, улар қачон Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламни кўрсалар, масхара қилишга ўтадилар:

«Куфр келтирганлар сени кўрганларида, масхара қилиб: «Худоларингизни зикр қилаётган шуми?!» дейишдан бошқани билмаслар».

Бу, масхаранинг ўта қўпол кўриниши. Улар ўзларининг сохта худоларини фош этган зотнинг устидан масхара қилиб кулишади. Аммо ўзлари ҳақиқий худога куфр келтиришади.

«Ҳолбуки, улар Роҳманнинг зикрига ўзлари кофирдирлар.»

Бу қандай гап бўлди? Бу уларнинг нақадар эсипастлиги ва табиатлари бузуқлигини кўрсатади.

خُلِقَ الْإِنْسَانُ مِنْ عَجَلٍ سَأُورِيكُمْ آيَاتِي فَلَا تَسْتَعْجِلُونِ ﴿٣٧﴾

37. Инсон шошқалоқ ўлароқ яратилгандир. Мен, албатта, сизларга Ўз оят-аломатларимни кўрсатурман. Бас, мени шошилтирманглар.

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣٨﴾

38. Улар: «Агар содиқ бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур», дерлар.

Инсон табиатига шошқалоқлик қўшиб яратилгандир. Демак, шошқалоқлик инсоннинг табиатида, таркибида бор. Ҳа, ўзи асл яратилишидаёқ,

«Инсон шошқалоқ ўлароқ яратилгандир».

У хоҳлаган иши тезроқ битишини истайди. У кутаётган нарса си тезроқ келишини хоҳлайди. Ҳатто, гоҳида, ўз Роббилари бўлсам ҳам, Мени ҳам шошилтирмоқчи бўладилар.

«Мен, албатта, сизларга Ўз оят-аломатларимни кўрсатурман. Бас, Мени шошилтирманглар.»

Мен, албатта, Ўзимнинг Биру Борлигимга, юборган Пайғамбарларимнинг ҳақлигига далолат қилувчи оят-белгиларимни вақти келганда сизларга кўрсатаман. Ҳеч бўлмаса, Мени шошилтирмай туринглар.

Инсоннинг шошқалоқлигининг яна бир кўриниши шундайки, унга бирор ваъда берилса, гарчи у зарарли бўлса ҳам, ҳатто, Аллоҳ томонидан келадиган азоб бўлса ҳам, ваъда қилувчиларга қараб:

«Агар содиқ бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур», дерлар».

«Бу зикр қилинаётган нарса азоб экан, Аллоҳдан паноҳ сўрайлик», дейишнинг ўрнига шошилиб, бу ваъда қачон бўлади, дейдилар.

لَوْ يَعْلَمُ الَّذِينَ كَفَرُوا حِينَ لَا يَكْفُرُونَ عَنْ وُجُوهِهِمُ النَّارَ وَلَا عَنْ ظُهُورِهِمْ
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٣٩﴾

39. Куфр келтирганлар юзларидан ва сиртларидан оловни тўса олмайдиган ва ўзларига ёрдам берилмайдиган вақтни билсалар эди.

Агар уларнинг қалбида иймони бўлса, Аллоҳ бизни азоблаши ҳақидаги ваъда қачон бўлади, деб сўрамас эдилар. Улар шошилмасинлар. Ваъда қилинган азоб албатта келади. Ўшанда улар юзлари ва сиртларини куйдираётган оловни қайтара олмай қоладилар. Уларга бирор ёрдам ҳам берилмайди.

بَلْ تَأْتِيهِمْ بَغْتَةً فَتَبْهَتُهُمْ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ رَدَّهَا وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٤٠﴾

40. Йўқ! У уларга тўсатдан келиб, ҳайрату даҳшатга солур. Бас, уни рад қилишга қодир бўлмаслар ва уларга муҳлат ҳам берилмас.

Йўқ! Кофирларнинг, қиёмат азоби бўлмайди, деган фикрлари нотўғри.

«У уларга тўсатдан келиб, ҳайрату даҳшатга солур.»

Қиёмат келмайдиганга ўхшаб туради-да, кутилмаганда, тўсатдан келиб қолади. Қачон келар экан, деб ишонмай юрган кофирларни ҳайрату даҳшатга солади. Ана ўша вақтда:

«...уни рад қилишга қодир бўлмаслар ва уларга муҳлат ҳам берилмас».

Қандай қилиб қиёматни рад қила олсинлар?! Аллоҳдан бошқа ёрдамчи йўқ жойда ким ҳам уларга ёрдам бера олсин?!

وَلَقَدْ أَسْتَهْزِئُ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِالَّذِينَ سَخِرُوا مِنْهُمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٤١﴾

41. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар масхара қилинган. Бас, уларни масхара қилганларга ўзлари масхара этиб юрган нарса тушди.

Эй Муҳаммад, мушриклар сени масхара этганларига хафа бўлма. Бу эскидан бўлиб келаётган ишдир.

«Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам Пайғамбарлар масхара қилинган.»

Сендан олдинги Пайғамбарларимни ҳам кофирлар «Азоб ҳақидаги ваъда қачон бўлади», деб масхара қилишган.

«Бас, уларни масхара қилганларга ўзлари масхара этиб юрган нарса тушди.»

Пайғамбарларни масхаралаган кофирларга азоб тушди. Улар бу дунёнинг ўзидаёқ азобга дучор бўлдилар. Сени масхара қилаётганлар ҳам, вақт ғаниматлигида эсларини йиғиб, тавба қилмасалар, аввал бу дунёда, кейин у дунёда азобга учрайдилар. Чунки, уларни Аллоҳ таолонинг азобидан сақлайдиган ҳеч бир куч йўқ. Сен уларга:

قُلْ مَنْ يَكْفُرْكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ مِنَ الرَّحْمَنِ بَلْ هُمْ عَنْ ذِكْرِ رَبِّهِمْ مُعْرِضُونَ ﴿٤٢﴾

42. Сен: «Кечаси ва кундузи сизни Роҳмандан ким қўрийдими?» – дегин. Йўқ! Улар Роббилари зикридан юз ўгиргувчилардир!

Эй Муҳаммад! Ўша азоб қачон келади, деб масхара қилаётган кофирларга:

«Кечаси ва кундузи сизни Роҳмандан ким қўрийдими?» – дегин».

Кофирлар, ваъда қилинган азоб қачон бўлади, деб ўзлари шошилишади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам

шошилтиришади. Аммо азоб келиб қолса, нима бўлишини ўйлаб кўришмайди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг азоби хоҳлаган сонияда, кеча ёки кундузнинг ҳар бир лаҳзасида келиши мумкин. Хўш, кофирлар сўраётган азоб келиб қолса, уларни Аллоҳнинг азобидан ким қўрийдими? Мана буни ўйлаб кўришмайди.

«Йўқ!»

Кофирлар бу нарсаларни ўйлаб кўрмайдилар!

«Улар Роббилари зикридан юз ўгиргувчилардир!»

Шунинг учун ҳам, ҳеч нарсани ўйламай, бекорчи гапларни гапираверадилар.

أَمْ لَهُمْ آلِهَةٌ تَمْنَعُهُمْ مِنْ دُونِنَا لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَ أَنفُسِهِمْ وَلَا هُمْ مِنَّا
يُصْحَبُونَ

43. Ёки уларнинг Биздан ўзга ҳимоя қиладиган «худо»лари борми? Улар ўзларига ҳам ёрдам беришга қодир бўла олмаслар ва Биздан дўстлик топмаслар.

Нима учун кофирлар, азоб қачон келишини сўра, деб шошилишаверади?

«Ёки уларнинг Биздан ўзга ҳимоя қиладиган «худо»лари борми?»

Ана ўша «худо»ларининг ҳимоясига ишониб, Пайғамбарни масхара қилиб: «Бу ваъда қачон бўлади?» деб шошилишмоқдами? Агар шундай бўлса, адашадилар. Улар ишонган «худо»лар ҳеч нарсага арзимаيدди. Мушрик-кофирларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш у ёқда турсин, азоб келганда:

«Улар ўзларига ҳам ёрдам беришга қодир бўла олмаслар...»

Ўзини ҳимоя қила олмаган, ўзгага қандай ёрдам берсин?

«...ва Биздан дўстлик топмаслар.»

Дўстлик топганларида ҳимоямизга ўтишлари мумкин эди. Лекин зинҳор Биздан дўстлик топмаслар. Чунки улар бунга муносиб эмаслар.

Кофирлар эса, буни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ақллари ишлатишса, англашлари мумкин эди. Қачон ва қаерда сохта худолари уларга ҳомий бўлибди, бирор ёрдам қилибди, яхшилик етказибди?

بَلْ مَنَعْنَا هَتُولَاءَ وَعِبَاءَهُمْ حَتَّىٰ طَالَ عَلَيْهِمُ الْعُمُرُ أَفَلَا يَرَوْنَ أَنَا نَأْتِي
الْأَرْضَ نَنقُصُهَا مِنْ أَطْرَافِهَا أَفَهُمُ الْغَالِبُونَ

44. Балки, Биз уларни ва ота-боболарини баҳраманд қилдик, ҳатто, уларга умр узун кўринди. Улар ерга келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни кўрмайдиларми?! Ғолиб келгувчи уларми?

Ҳа, кофирларни ҳам, уларнинг ота-боболарини ҳам бу дунё нозу неъматлари ила баҳраманд қилган зот Аллоҳ таолодир. Уларнинг сохта худолари эмас. Аллоҳ таоло уларни дунё неъматлари билан баҳраманд этса ҳам, куфрлари сабабли, бу яхшиликлар синов эканини тушунмадилар, босар-тусарларини билмай ҳовлиқиб кетдилар.

«Балки, Биз уларни ва ота-боболарини баҳраманд қилдик, ҳатто, уларга умр узун кўринди.»

Ўзларича, бу дунёда абадий турамыз, деб ўйлашди. Шунинг учун, охиратга тайёргарлик кўрмадилар. Узоқ вақт давом этган баҳрамандлик уларнинг табиатини бузиб бораверди. Айшу ишрат, майиш-шатпарастлик уларнинг қалбларини ҳиссиз қилиб қўйди. Улар Аллоҳни эсдан чиқардилар.

«Улар ерга келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни кўрмайдиларми?!»

Тафсирчи уламоларимиз ояти каримадаги ушбу жумла маъноси ҳақида бир неча хил фикр билдирганлар. Қадимги тафсирчиларимиз, ернинг атрофидан қисқартирилиши – куфр ерлари қисқариб Ислом ерлари кенгайиб бориши, деганлар. Мужоҳид ва Икрима розияллоҳу анҳумолар: ернинг атрофидан қисқариши – хароб бўлиши, дейишган. Ал-Афвий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда эса, ернинг баракасининг қисқариши, дейилган. Аш-Шаъбий: агар ер қисқарадиган бўлса, унга сифмай қолар эдинг, лекин жонлар ва мева-чева, ҳосиллар қисқаради, деган. Икрима розияллоҳу анҳу ҳам: агар ер қисқарганида, ўтиргани жой топа олмай қолар эдинг, қисқариш ўлимдир, деб айтган.

Кейинги давр тафсирчилари эса: роҳат-фароғатда яшаган, ернинг турли атрофларида ғолиб бўлиб, ўзининг сўзини ўтказиб турган давлатлар ва халқлар баҳрамандликдан ҳовлиқиб кетиб, ҳаддиларидан ошганларида, нуқсонга дучор қилинишлари – қисқартирилишларидир, дейдилар. Ушбу маънолар бир-бирини тўлдириб келади. Ҳар бир тафсирчи олим ўз замонасидаги воқелиқдан, ўз тушунчасидан келиб чиқиб маъно айтган бўлади.

Хўш, Аллоҳ ерни атрофидан тинмай қисқартириб, кофир ва золимларни нуқсонга учратиб турса, ким ғолиб бўлди?

«Ғолиб келгувчи уларми?»

Кофирлар ғолиб келувчи бўлдиларми?

Кофирларга қилинаётган бу огоҳлантиришларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўйлаб топган эмаслар. Бу ҳақиқат-

ни кофирларга етказиб қўйишни У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло келгуси оятда амр этмоқда:

قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ وَلَا يَسْمَعُ الصُّمُّ الدُّعَاءَ إِذَا مَا يُنذَرُونَ ﴿٤٥﴾

45. Сен: «Мен сизларни фақат ваҳий орқалигина огоҳлантираман. Гунглар огоҳлантирилганларида даъватни эшитмаслар», дегин.

Эй Пайғамбар, кофирлар турли хаёлларга бориб юрмасинлар. Сен уларга огоҳлантиришларнинг манбаини айтиб қўй.

«Мен сизларни фақат ваҳий орқалигина огоҳлантираман», дегин.

Сенинг огоҳлантиришларинг Роббул Олабийнга тегишли эканини билиб қўйсинлар.

«Гунглар огоҳлантирилганларида даъватни эшитмаслар», дегин.

Кофирларнинг қулоқлари очиқ бўлса ҳам, ўзлари гунгдир. Бўлмаса, Аллоҳнинг огоҳлантиришларини эшитиб, ундан огоҳланар эдилар. Майли, ҳозирча улар огоҳ бўлмай юраверсинлар. Лекин тезда ўзларининг кимлигини англаб етадилар.

وَلَيْنَ مَسْتَهْمُ نَفْحَةٌ مِّنْ عَذَابِ رَبِّكَ لَيَقُولُنَّ يَوَيْلَنَا إِنَّا كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٤٦﴾

46. Қасамки, агар уларга Роббинг азобидан салгина етса, албатта: «Ҳолимизга вой! Ҳақиқатда биз золимлар бўлган эканмиз», дерлар.

Кофирлар ҳозирча ўзларини ҳақ деб даъво қиладилар. Хатоларини, зулмларини эътироф этмайдилар. Огоҳлантиришларга қулоқ солмайдилар. Лекин, кези келганда, хатоларини, ўзларининг золим эканликларини шундай эътироф қиладиларки, асти қўяверасан. Уларга кўп эмас, Аллоҳнинг салгина азоби етса, бас, албатта:

«Ҳолимизга вой! Ҳақиқатда биз золимлар бўлган эканмиз», дейдилар.

Лекин унда вақт ўтган бўлади. Эътирофлари фойда бермайди. У вақт ишлар тамом бошқача бўлади.

وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَىٰ بِنَا حَاسِبِينَ ﴿٤٧﴾

47. Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз.

Қиёмат қоим бўлгандан кейин дод-войларга, эътирофларга, тавба-тазарруларга ва ёлборишларга қаралмайди.

«Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз.»

У мутлақ адолат тарозуси бўлади. Ҳаммага бир хил муносабатда бўлинади.

«Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас.»

Фойдасидан камайтирилмайди, зарарига қўшилмайди.

«Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз.»

Ачитқи донаси жуда кичик бўлади. Агар инсоннинг бу дунёда қилган яхшию ёмон амали ўша кичик доначалик оғирликка эга бўлса ҳам, ҳисобга олинади. Яъни, ҳеч бир амал эсдан чиқарилмайди.

«Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз.»

Бизга бошқа ҳисобчининг кераги йўқ.

Демак, қиёмат куни келмасидан олдин ҳаракат қилиб қолиш керак. Унга тайёргарлик кўриш лозим.

Юқоридаги ояти карималарда зикр этилган нарсалар, жумладан, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва марҳамати доимо Пайғамбарларга ва мўмин бандаларга етиб тургани, кофирларнинг азобга дучор бўлишлари, яхшилик ва ёмонлик билан синов-имтиҳонлар ўтказиш ва бошқа ҳолатлар ўтган умматлар тарихида ҳам такрорланиб турган.

Келгуси оятларда ўша маъноларни баён қилиш учун ҳамда, бошқаларга ўрнак ва ибрат бўлиши учун Пайғамбарларнинг қиссаларидан намуналар келтирилади.


 وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَىٰ وَهَارُونَ الْفُرْقَانَ وَضِيَاءً وَذِكْرًا لِّلْمُتَّقِينَ

48. Батаҳқиқ, Биз Мусо ва Ҳорунга Фурқонни тақводорлар учун зиё ва эслатма қилиб бердик.

«Фурқон» Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга Аллоҳ томонидан берилган илоҳий китоб — Тавротнинг сифатидир. «Фурқон» сўзи фарқловчи — ажратувчи деган маънони англатади. Яъни, у ҳақ билан ботилнинг орасини ажратади.

Аллоҳ таоло ояти каримада шундай китобни Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга берганини эслатмоқда. Шу билан бирга, Таврот ҳам Фурқон сифатига, ҳам

«тақводорлар учун зиё ва эслатма» сифатига эга экани баён

қилинмоқда. Ҳа, илоҳий китоб зиёсидан баҳраманд бўлиш ва ундаги эслатмалардан ибрат олиш учун тақводор бўлиш керак. Бетавфиқ ва тақвосизлар унинг зиёсидан ҳам, эслатмасидан ҳам баҳраманд бўла олмайдилар.

Фурқондан зиё ва эслатма оладиган тақводорларнинг сифатлари келгуси оятда зикр этилади:

الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِالْغَيْبِ وَهُمْ مِنَ السَّاعَةِ مُشْفِقُونَ ﴿٤٩﴾

49. Улар Роббиларидан ғойибона қўрқурлар ва улар (қиёмат) соатидан титрарлар.

Ўша тақводорлар Аллоҳ таолодан Уни кўрмасдан туриб, ғойибона қўрқадилар. Улар қиёматдан хавфсираб титрайдилар. Шунинг учун, Аллоҳ рози бўладиган амаллар қилишга уринадилар. Шу боис, доимо қиёмат тайёргарлигини кўрадилар.

وَهَذَا ذِكْرٌ مُّبَارَكٌ أَنْزَلْنَاهُ أَفَأَنْتُمْ لَهُ مُنْكَرُونَ ﴿٥٠﴾

50. Бу Биз нозил қилган муборак эслатмадир. Сизлар уни инкор қилгувчи бўласизларми?!

Эй кофирлар! Мусо ва Ҳорунга китоб нозил қилганимиздек, Муҳаммадга ҳам Қуръонни туширдик.

«Бу Биз нозил қилган муборак эслатмадир.»

Мусо ва Ҳорунга туширган Таврот китобимиз эслатма бўлганидек, Муҳаммадга нозил қилган Қуръонимиз ҳам эслатмадир.

«Сизлар уни инкор қилгувчи бўласизларми?!»

Нима учун уни инкор қиласизлар? Нима учун Тавротни инкор этмайсизлар-у, Қуръонни инкор қиласизлар?

﴿٥١﴾ وَلَقَدْ آتَيْنَا إِبْرَاهِيمَ رُشْدَهُ مِنْ قَبْلُ وَكُنَّا بِهِ عَالِمِينَ ﴿٥١﴾

51. Батаҳқиқ, илгари Биз Иброҳимга рушди ҳидоятни берган эдик. Биз унинг (ҳолини) билгувчи эдик.

Яъни, Мусо ва Ҳорундан илгари:

«...Биз Иброҳимга рушди ҳидоятни берган эдик.»

Иброҳим Аллоҳ томонидан рушди ҳидоят берилган зотлар ичида аввалгиларидан бири эди. Биз унга рушдни бехосдан берганимиз йўқ.

«Биз унинг (ҳолини) билгувчи эдик.»

Биз Иброҳимнинг рушди ҳидоятга, Пайғамбар бўлишга лойиқ зотлигини яхши билар эдик.

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلُ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٥٢﴾

52. Ўшанда у отасига ва қавмига: «Манави сиз ибодатига берилаётган ҳайкаллар нима?» – деган эди.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг рушди туфайли отаси ва қавми сиғинаётган ҳайкаллар ҳеч нарса эмаслигини ва улар ибодатга лойиқ эмаслигини англаганларидан кейин, уларга ушбу инкорий саволни бердилар.

قَالُوا وَجَدْنَا آبَاءَنَا لَهَا عَابِدِينَ ﴿٥٣﴾

53. Улар: «Ота-боболаримизни уларга ибодат қилган ҳолларида топганмиз», дедилар.

У кишининг оталари ҳам, қавмлари ҳам юқоридаги саволга тўғри жавоб бера олмасди. Чунки, нима учун ҳайкалларга сиғинаётганларини уларнинг ўзлари ҳам тушунмасди. Улар ота-боболаридан кўриб, ҳайкалларга ибодат қилмоқдалар. Аммо ақлларини ишлатиб кўришмаган. Иброҳим алайҳиссалом эса, Аллоҳнинг рушди ҳидояти туфайли бу ишнинг – ҳайкалга топинишнинг очиқ-ойдин залолат эканини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, мушриклардан ушбу жавобни эшитганларида:

قَالَ لَقَدْ كُنْتُمْ أَنْتُمْ وَآبَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٥٤﴾

54. У: «Батаҳқиқ, сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ-ойдин залолатдасизлар», деди.

Бу дунёдаги ҳақиқат, тўғри йўл ота-боболарнинг қилган иши билан эмас, Аллоҳнинг кўрсатган йўлланмаси билан белгиланади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бундай кескин гапига жавобан:

قَالُوا أَجِئْتَنَا بِالْحَقِّ أَمْ أَنْتَ مِنَ اللَّاعِينَ ﴿٥٥﴾

55. Улар: «Сен бизга ҳақ ила келдингми ёки ўйин қилгувчиларданмисан?» – дедилар.

Улар, гапинг жиддийми ёки ҳазил қияпсанми, деб сўрадилар. Эътиқодлари пуч бўлганидан, дарҳол шак-шубҳага тушиб, иккиланиб қолдилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг эса, иккиланадиган жойлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам, тўла ишонч билан гапирдилар:

قَالَ بَلْ رَبُّكُمْ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الَّذِي فَطَرَهُنَّ وَأَنَا عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٥٦﴾

56. У: «Йўқ! Роббингиз осмонлару ернинг Роббидир. У зот уларни яратгандир. Мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман.

Яъни, сизга ўхшаб иккиланиб ўтиришга ўрин йўқ!

Сиз Унинг ҳақида иккиланиб турган

«Роббингиз осмонлару ернинг Роббидир».

Ўша зот сизнинг Роббингиз, яратувчингиз, ризқ берувчингиз ва тарбиячингиз бўлгани каби, ҳамма осмонлару ернинг ва улардаги нарсаларнинг ҳам Роббидир.

«У зот уларни яратгандир.»

Уларнинг ҳаммасини ўша Робб сифатига эга зот — Аллоҳ яратгандир, йўқдан бор қилгандир.

«Мен бунга гувоҳлик бергувчиларданман.»

Ана ўша гапларнинг ҳақлигига гувоҳлик берувчиларданман.

Чунки, Иброҳим алайҳиссалом бу гапларни асосий масдардан Пайғамбар сифатлари ила қабул қилиб олганлар. Шунинг учун ҳам, тўла ишонч ила гувоҳлик беришга ҳақлари бор.

Сўнгра, Иброҳим алайҳиссалом уларга ва уларнинг бутларига қарши аёвсиз кураш олиб боришларини очиқ айтдилар:

وَتَأْتِيهِمْ لَأَكِيدَنَّ أَصْنَامَكُمْ بَعْدَٰنَ تَوَلَّوْا مُدْبِرِينَ ﴿٥٧﴾

57. Аллоҳга қасамки, сизлар ортга ўгирилиб кетганингиздан кейин санамларингизга бир бало қиламан», деди.

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом ўзлари билан тортишаётган қавмларига, уларнинг санамларига бир ёмонлик етказишлари аниқлигини қасам ила таъкидлаб айтдилар. Аммо нима қилишларини очиқ-ойдин айтмадилар. Араб тилида «санам» деб бош қисми инсон шаклига ўхшатиб ишланган бутларга айтилади.

فَجَعَلَهُمْ جُودًا إِلَّا كِبْرًا لَهُمْ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِ يَرْجِعُونَ ﴿٥٨﴾

58. Бас, уларни парча-парча қилиб ташлади. Магар энг катта-сини, шоядки, унга қайтсалар, деб қолдирди.

Ривоятларда келишича, мушрик қавм йиллик байрамларида шаҳардан ташқарига чиқар эди. Улар навбатдаги йиллик байрамни нишонлаш учун кетганларида Иброҳим алайҳиссалом ҳамма бутларни парча-парча қилиб ташладилар ва энг катта бутга тегмасдан қолдириб қўйдилар.

Қавм байрамдан қайтиб келиб, бутларини парчаланган ҳолда кўриб, даҳшатга тушди ва:

قَالُوا مَنْ فَعَلَ هَذَا بِآلِهَتِنَا إِنَّهُمْ لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٥٩﴾

59. Улар: «Бизнинг худоларимизга ким бундай қилди?! Албатта, у золимлардандир!» – дедилар.

Ва бу саволга жавоб излай бошладилар. Ана ўшандагина худолари ҳақида уларга ёқмайдиган гап айтиб юрган Иброҳим исмли йигит эсларига келди.

قَالُوا سَمِعْنَا فَتًى يَذُكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُ إِبْرَاهِيمُ ﴿٦٠﴾

60. Улар: «Уларни эслаб юрган бир йигитни эшитган эдик, уни Иброҳим, деб айтиларди», дедилар.

Яъни, худоларимизни ёмонлик ила эслаб юрган бир йигит ҳақида эшитган эдик. Унинг исми Иброҳим эди. Эҳтимол, бу ишни ўша Иброҳим қилгандир, дейишди.

قَالُوا فَاتُوا بِهِ عَلَىٰ عَيْنِ النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَشْهَدُونَ ﴿٦١﴾

61. Улар: «Уни одамлар кўзи олдига олиб келинглар. Шоядки, гувоҳ бўлсалар», дедилар.

Мушриклар худоларини синдирган шахснинг адабини бериб қўйишга қарор қилдилар. Улар бу жазо чорасининг бошқа одамлар кўзи олдида бўлишини афзал кўрдилар. Шоядки, бошқалар кўриб, ибрат олиб, бундан кейин ҳеч ким худоларимизга қўл теккизмаса, деб ўйладилар. Ва ниҳоят Иброҳим алайҳиссаломни одамлар қошига келтириб, сўроқ қила бошладилар.

قَالُوا أَنْتَ فَعَلْتَ هَذَا بِآلِهَتِنَا يَا إِبْرَاهِيمُ ﴿٦٢﴾

62. Улар: «Худоларимизга буни сен қилдингми, эй Иброҳим?!» – дедилар.

Яъни, худоларимизни парча-парча қилиб ташлаган сенмисан, дедилар.

Уларнинг бу саволига жавобан:

قَالَ بَلْ فَعَلَهُ كَبِيرُهُمْ هَذَا فَاسْأَلُوهُمْ إِنْ كَانُوا يَنْطِقُونَ ﴿١٣﴾

63. У: «Йўқ, буни манави, уларнинг каттаси қилди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглар», деди.

Иброҳим алайҳиссалом: Йўқ, бу ишни ўша худоларингизнинг каттаси қилди, ҳамма кичик худоларни синдириб ташлаб, ўзи бутун қолди. Агар менга ишонмасангизлар, гапирадиган бўлсалар, уларнинг ўзларидан сўраб кўринглар, дедилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу гапларида ҳар қандай жоҳилнинг ҳам ҳушини жойига келтирадиган ҳақиқат бор эди. Бутлар худо бўлса, қандай қилиб парча-парча бўлиб кетадилар? Нега ўзларини ким синдирганини айтиб бера олмайдилар? Эй мушриклар, сизлар бутларга худо деб сиғинмоқдасизлар. Лекин парчаланиб кетадиган нарса худо бўла оладими? Ўзини ким синдирганини айтиб бера олмайдиган нарса худо бўла оладими?

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу гаплари мушрик қавмига таъсир қилди.

فَرَجَعُوا إِلَىٰ أَنفُسِهِمْ فَقَالُوا إِنَّكُمْ أَنْتُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١٤﴾

64. Бас, улар ўзларига келдилар ва: «Албатта, сизлар ўзингиз золимдирсизлар», дедилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг мантиқли саволларидан кейин мушриклар ўзларига келдилар. Ҳеч нарса қўлидан келмайдиган бутларни «худо» деб юрганлари нотўғри эканлигини тушундилар ва бир-бирларига:

«Албатта, сизлар ўзингиз золимдирсизлар», дедилар.

Ҳақиқий Аллоҳ ҳаққига зулм қилиб, ўзингиз ясаб олган бутларни худо деб юрибсиз, дедилар.

ثُمَّ نَكَّسُوا عَلَىٰ رُءُوسِهِمْ لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَا هَٰؤُلَاءِ يَنْطِقُونَ ﴿١٥﴾

65. Сўнгра, яна бошлари айланиб: «Сен, батаҳқиқ, буларнинг гапирмаслигини билар эдинг!» – дедилар.

Ақли жойида одам мушрик бўлармиди? Ақллари кирганда ҳақиқатни тан олишди. Ақллари кетиб, яна эски ҳолларига қайтдилар ва Иброҳим алайҳиссаломга ҳужумни давом эттирдилар:

«Сен, батаҳқиқ, буларнинг гапирмаслигини билар эдинг!» – дедилар.

Шу тарзда Иброҳим алайҳиссаломга осилиб кетишди. Сен худоларимизнинг гапирмаслигини олдиндан билар эдинг. Яна нимага бизларга, агар улар гапирадиган бўлсалар, ўзларидан сўранглар, деяпсан, деб дўқ уришди.

Шунда, Иброҳим алайҳиссалом ҳам очиқчасига гапиришга ўтдилар:

قَالَ أَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكُمْ شَيْئًا وَلَا يَضُرُّكُمْ ﴿٦٦﴾

66. У: «Сиз, Аллоҳни қўйиб, ҳеч манфаат ҳам, зарар ҳам бермайдиган нарсага ибодат қиласизми?!»

أَفِ لَكُمْ وَلِمَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾

67. Сизга ҳам, Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган нарсаларингизга ҳам суф-э! Ахир, ақл юритиб кўрмайсизларми?!» – деди.

Яъни, ўйлаб кўрмайсизларми? Буларнинг нимасига сиғиняпсиз ўзи?! Булар сизга фойда ҳам бермаса, зиён ҳам етказа олмаса, нима учун фойда берадиган, зиён етказа оладиган Аллоҳни қўйиб, буларга топинмоқдасизлар?! Сизга ҳам суф! Аллоҳни қўйиб ибодатини қилаётган «худо»ларингизга ҳам суф! Ақл юритиб кўрмайсизларми?!

Ақл ва мантиқ бобида мағлубиятга учраган мушрик қавм, одатдагидек, ўз рақибини жисмоний йўқ қилиш йўлига ўтдилар.

قَالُوا حَرِّقُوهُ وَانصُرُوا آلِهَتَكُمْ إِن كُنْتُمْ فَاعِلِينَ ﴿٦٨﴾

68. Улар: «Уни куйдириглар! Агар (бир иш) қиладиган бўлсангиз, худоларингизга ёрдам беринг!» – дедилар.

Яъни, мушриклар бир-бирларига, Иброҳимни куйдириб, худоларингизга ёрдам беринглар, Иброҳимни куйдириб юборишингиз худоларингизга ҳақиқий ёрдам бўлади, дедилар.

Лекин улар гапларида катта нуқсон борлигини, бу талаблари худоларининг сохта эканини исбот этишини ўйлаб кўришмас эди. Бандасининг ёрдамига муҳтож худо қандай қилиб худо бўлиши мумкинлиги устида фикр юритишмас эди.

Хуллас, мушриклар катта гулхан ёқиб, Иброҳим алайҳиссаломни ўша гулханга отдилар.

قُلْنَا يَا نَارُ كُونِي بَرْدًا وَسَلَامًا عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ ﴿٦٩﴾

69. Биз: «Эй олов, сен Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!» – дедик.

Олов Иброҳим алайҳиссаломга салқин бўлди, саломатлик бўлди ва унга ҳеч қандай озор ёки зарар етмади. Аслида, Аллоҳ таоло оловга куйдириш хусусиятини берган. Ёнишга қобилиятли нарсага қачон олов тегса, ёнади. Буни кўрган одамлар, олов фалон нарсани ёндирди, дейдилар. Аслида, олов бир сабаб, ҳақиқатда эса, Аллоҳ ёндирган бўлади. Чунки, бу дунёда ҳамма нарса Аллоҳнинг амри ила бўлади. Агар ёндириш оловнинг иши бўлса, ҳамма нарсани ёндириши керак эди. Лекин кўпгина нарсаларга олов тегса ҳам, ёнмайди. Шунингдек, ёнишга лаёқатли айрим нарсалар ҳам Аллоҳ хоҳламаса, ёнмай қолади. Бундай ғайритабиий ҳолатлар одамларда, олов ёндиради, деган нотўғри фикр ўрнида, олов, Аллоҳ хоҳласа, ёндиради, деган тўғри тушунча бўлиши учун пайдо қилинади.

Одатда, олов одамни ҳам ёндиради. Шу боис, мушриклар, Иброҳимни оловга ташласак, ёниб кетади, ундан қутуламиз, деб ўйлаб, у кишини оловга отдилар. Лекин оловга ёндириш хусусиятини берган Зот унга:

«Эй олов, сен Иброҳимга салқин ва саломатлик бўл!» – деб амр этди.

Шунда оловнинг куйдириш хусусияти йўқолиб, ўрнига салқинлик хусусияти келди. Олов Иброҳим алайҳиссалом учун нафақат салқинлик, балки саломатлик ҳам бўлди. Агар олов фақат салқинлик бўлиб қолса, у кишига бошқа озор етиши мумкин эди. Лекин Аллоҳнинг амри ила ҳам салқинлик, ҳам саломатлик бўлди. Ҳеч бир зарар етмади.

وَأَرَادُوا بِهِ كَيْدًا فَجَعَلْنَاهُمُ الْأَخْسَرِينَ ﴿٧٠﴾

70. Улар у(Иброҳим)га ёмонлик ирода қилган эдилар. Биз уларни энг зиёнкорлар қилиб қўйдик.

Мушриклар Иброҳим алайҳиссаломга ёмонликни ирода қилиб, уни оловда куйдириб юбормоқчи бўлган эдилар. Биз Иброҳимни сақлаб қолдик. Мушрикларни эса, зиёнга учратдик. Уларни мислсиз азобга дучор қилдик.

وَنَجَّيْنَاهُ وَلُوطًا إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي بَارَكْنَا فِيهَا لِلْعَالَمِينَ ﴿٧١﴾

71. Унга ва Лутга нажот бериб, оламлар учун баракали қилган ерга юбордик.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ва у кишининг жиянлари Лут алайҳиссаломга нажот берди. Қавмларига етган балодан уларни соғ-саломат олиб қолиб,

«**оламлар учун баракали қилган ер**»га – Шомга юборди. Дарҳақиқат, Шом ери энг баракали ерлардан ҳисобланади. Барча Пайғамбарлар ўша жойдан чиққан. Узоқ муддат у ерда Пайғамбарларга ваҳий тушиб турган. У ер муқаддас жой. У юртда Байтул Мақдис жойлашган. Тупроғи ҳам баракали, экин-тикинлари серҳосил бўлади.

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً وَكَلَّمْنَا صَالِحِينَ ﴿٧٢﴾

72. Унга Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни зиёда қилиб бердик ва ҳаммаларини аҳли солиҳлар қилдик.

وَجَعَلْنَاهُمْ أَيْمَةً يَهْتَدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ وَإِقَامَ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةِ وَكَانُوا لَنَا عَابِدِينَ ﴿٧٣﴾

73. Ва уларни амримиз ила ҳидоятга бошловчилар қилдик. Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тугал адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизга ибодат қилгувчилар бўлдилар.

Иброҳим алайҳиссалом иймон йўлида, Аллоҳнинг дини йўлида ватан, қавм ва яқинларини ташлаб ҳижрат қилишга мажбур бўлган эдилар. У кишининг Аллоҳ йўлидаги бу ҳижратлари, тортган азоб-уқубатлари, қийинчиликлари, машаққатлари ва барча йўқотишлари эвазига Аллоҳ таоло афзал нарсаларни берди. Ватанлари ўрнига оламлар учун баракали қилиб қўйган муқаддас ерни ато этди. Қариндошлари ўрнига келажакда Пайғамбар ва Пайғамбарларга ота бўладиган Исҳоқни ўфил қилиб ҳадя этди. Иброҳим алайҳиссалом Ал-

лоҳдан ўғил сўраган бўлсалар, Аллоҳ таоло ўғил устига набира – Яъқубни ҳам зиёда қилиб берди. Уларнинг ҳаммаларини солиҳлардан қилиб қўйди.

«Унга Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни зиёда қилиб бердик ва ҳаммаларини аҳли солиҳлар қилдик.»

Бирортаси солиҳлардан бўлмай қолганида ҳам кўнгиллари тўлмас эди.

«Ва уларни амримиз ила ҳидоятга бошловчилар қилдик.»

Улар нафақат солиҳ, балки бошқаларни ҳам Аллоҳнинг амри ила ҳидоятга бошлайдиган бўлдилар.

«Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тугал адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик.»

Иброҳимнинг зурриётларига аввалги зикри келган яхшиликларидан ташқари яна:

- Яхшиликлар қилишни,
- Намозни тугал адо этишни,
- Закот беришни

ваҳий этиб амр қилдик ва адо этиш имконини бердик. Бас,

«Улар Бизга ибодат қилгувчилар бўлдилар».

Аллоҳдан ўзгага сифинмадилар. Шунинг ўзи катта бахт эди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг жиянлари Лут алайҳиссаломга ҳам кўплаб яхшиликларни ато этди.

وَلَوْ طَآءَأَيْنَنَّهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَنَجَّيْنَاهُ مِنَ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ تَعْمَلُ الْخَبِيثَاتِ
إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمَ سَوْءٍ فَاسِقِينَ ﴿٧٤﴾

74. Ва Лутга ҳукм ва илм бердик ва унга ифлосликлар қилаётган қишлоқдан нажот бердик. Албатта, улар ёмон, бузғунчи қавм эдилар.

وَأَدْخَلْنَاهُ فِي رَحْمَتِنَا إِنَّهُ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٧٥﴾

75. Ва Биз уни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, у солиҳлардандир.

Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни Иброҳим алайҳиссалом билан бирга қутқариб, оламлар учун энг баракали ерга киритганида, Иброҳим алайҳиссалом Фаластинга, Лут алайҳиссалом эса, у ердан бир кунлик йўл узоқликда жойлашган Садум қишлоғига ўрнашдилар.

«Ва Лутга ҳукм ва илм бердик ва унга ифлосликлар қилаётган қишлоқдан нажот бердик.»

Ўша ерда Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломга «ҳукм» — фаҳм, ақл, ҳикмат ва Пайғамбарлик берди. Айни пайтда, Аллоҳ таоло у зотга ифлос ишларни қилувчи Садум қишлоғи аҳли ёмонликларидан нажот берди. Ўша қишлоқ аҳолиси ёмон қавм бўлиб, бузғунчилик ишларни қилар эдилар.

«Албатта, улар ёмон, бузғунчи қавм эдилар.»

Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни ўша қавмнинг шарридан қутқариб олиб, аҳли солиҳлардан қилди.

«Ва Биз уни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, у солиҳлардан дандир.»

Аллоҳ таолонинг одати шу — доимо Пайғамбарларини, солиҳ бандаларини ёмон қавмлар шарридан қутқариб, турли бало-офатлардан нажот бериб келган. Мисол учун, Нуҳ алайҳиссалом бошларидан ҳам худди шундай ҳол кечган.

﴿٧٦﴾ **وَنوحًا إِذْ نَادَىٰ مِنْ قَبْلُ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ فَنَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ مِنَ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ**

76. Ва Нуҳни (эсла). Бундан олдин у нидо этганида, Биз унинг нидосига жавоб қилдик ва унга ҳамда унинг аҳлига улуғ ғамдан нажот бердик.

﴿٧٧﴾ **وَنَصْرَنَاهُ مِنَ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمٌ سَوْءٍ فَأَغْرَقْنَاهُمْ أَجْمَعِينَ**

77. Унга оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмга қарши нусрат бердик. Албатта, улар ёмон қавм эдилар. Бас, Биз уларнинг барчасини ғарқ қилдик.

Нуҳ алайҳиссаломнинг қиссалари бошқа сураларда батафсил келган. Бу сурада сиёққа қараб икки оятда қисқача баён қилинмоқда.

«Бундан олдин...»

Яъни, Иброҳим ва Лут алайҳиссаломларга ёрдам бериб, уларни бало-офатлардан қутқарганимиздан олдин, Нуҳни ҳам қутқардик.

«...у нидо этганида, Биз унинг нидосига жавоб қилдик ва унга ҳамда унинг аҳлига улуғ ғамдан нажот бердик.»

Ўшанда Нуҳ Биздан ёрдам сўраб нидо қилган эди. Биз эса, унинг нидосини истижобат айладик, қабул қилдик. Нуҳга ва унинг (хотини ва бир ўғлидан ташқари) аҳлига улуғ ғамдан, тўфон балосидан нажот бериб, ҳалокатдан қутқариб қолдик.

«Унга оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмга қарши нусрат бердик. Албатта, улар ёмон қавм эдилар.»

Унинг қавми Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган эди. Ўша қавмга қарши Нуҳга нусрат бердик. Шубҳасиз, Нуҳнинг қавми ёмон қавм эди.

«Бас, Биз уларнинг барчасини фарқ қилдик.»

Бас, Биз уларнинг барчасига тўфон балосини юбориб, фарқ этиб, ҳалок қилдик.

وَدَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ إِذْ يَحْكُمَانِ فِي الْحَرْثِ إِذْ نَفَسَتْ فِيهِ غَنَمُ الْقَوْمِ وَكُنَّا لِحُكْمِهِمْ شَاهِدِينَ

78. Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор ҳақида ҳукм қилаётганларини (эсла). Ўшанда у(экинзор)га қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди. Биз уларнинг ҳукмига шоҳид бўлган эдик.

فَفَهَّمْنَاهَا سُلَيْمَانَ وَكَلَّمْنَا هٰكُمَا وَعَلَّمَا وَسَخَّرْنَا مَعَ دَاوُدَ الْجِبَالَ يُسَبِّحْنَ وَالطَّيْرَ وَكُنَّا فَاعِلِينَ

79. Бас, Биз уни Сулаймонга фаҳмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукми ва илми берган эдик. Довуд билан бирга тасбиҳ айтсин деб тоғларни ва қушларни бўйинсундириб қўйдик. Шуларни қилгувчи бўлган Бизмиз.

Ушбу оятларда зикр қилинган Довуд ҳамда Сулаймон алайҳиссаломларнинг экинзор ҳақидаги ҳукмлари, тафсирчи уламоларимиз ривоят қилишларича, қуйидагича бўлган:

Ўз даврининг Пайғамбари ва подшоҳи бўлмиш Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига икки киши ораларида ҳукм чиқаришни сўраб келишибди. Улардан бири экинзор соҳиби, иккинчиси қўйлар эгаси экан.

«Ўшанда у(экинзор)га қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди.»

Кечаси билан экинзорни пайҳон қилиб, еб битирган эди. Довуд алайҳиссалом икки томоннинг гапини эшитиб бўлиб, қўйларнинг экинзор эгасига берилишига ҳукм чиқардилар. Пайҳон бўлиб йўқолган экинзор ўрнига уни пайҳон қилган қўйларни олиб бериш айна адолат эди. Бу ҳукмдан кейин қайтиб кетаётган қўй эгаси Сулаймон

алайҳиссаломни кўриб қолиб, бўлган ҳодисани у кишига айтиб берди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссалом олдиларига кирдилар ва

«Эй, Аллоҳнинг Набийи, ҳукм сиз чиқарган ҳукмдек бўлмаслиги керак эди», дедилар. Довуд алайҳиссалом:

«Қандай бўлиши керак эди?» — дедилар. Сулаймон алайҳиссалом:

«Қўйни экинзор эгасига беринг, у фойдаланиб турсин. Экинзорни эса, қўй эгасига беринг, уни тузатиб, асл ҳолига келтирсин. Сўнгра, ҳар ким ўз нарсасини қайтариб олади. Экинзор эгаси экинзорини эски ҳолига келгандан сўнгра қайтариб олади. Қўй эгаси ҳам қўйларини қайтариб олади», дедилар. Шунда Довуд алайҳиссалом:

«Ҳукм сен чиқарган ҳукмдир», дедилар.

«Биз уларнинг ҳукмига шоҳид бўлган эдик.»

Шунинг учун, ўша адолатга қўшиб, бузилган нарсани тузатишни ҳам ўз ичига олган ҳукмни чиқардик.

«Бас, Биз уни Сулаймонга фаҳмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукмни ва илмни берган эдик.»

Яъни, ҳам Довуд алайҳиссаломга, ҳам Сулаймон алайҳиссаломга ҳукмни ва илмни берган эдик. Довуд алайҳиссалом чиқарган ҳукм ҳам хато эмас. Адолатли ҳукм эди. Аммо Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳукмлари тўғрироқ, мукамалроқ бўлди.

«Довуд билан бирга тасбиҳ айтсин деб тоғларни ва қушларни бўйинсундириб қўйдик. Шуларни қилгувчи бўлган Бизмиз.»

Довуд алайҳиссалом хушовоз муножотлари ила машҳур бўлганлар. У зот алайҳиссалом Тавротни тиловат қилганларида, осмонда учиб келаётган қушлар тўхтаб қолишар ва у кишига қўшилиб тасбиҳ айтишар эдилар. Шунингдек, тоғлар ҳам ўзига хос услуб билан у кишига қўшилиб тасбиҳ айтиши қушларникидан ҳам фаройиб бўлганидан, ояти каримада қушлардан олдин тоғлар келганига тафсирчи уламоларимиз эътибор қаратганлар.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Довуд алайҳиссаломга берган хусусиятлардан яна бирини эсга солади:

وَعَلَّمْنَاهُ صَنْعَةَ لَبُوسٍ لَّكُمْ لِنُحْصِنَكُمْ مِّنْ بَأْسِكُمْ فَهَلْ أَنتُمْ شَاكِرُونَ ﴿٨٠﴾

80. Биз унга сизлар учун сизни ёмонликдан сақлайдиган кийим қилиш санъатини ўргатдик. Энди шукр қиларсизлар?!

Яъни, Биз Довудга урушда сизларни душманнинг қуроли зиёндан сақлайдиган совут кийим ясаш санъатини ўргатдик. Шунга қадар

урушда ҳимоя учун тўғри ва бутун тунука тўсиқлар (қалқонлар) ишлатилган бўлиб, уларни қўллаш қийин бўлган экан. Довуд алайҳиссалом Аллоҳ берган таълим ила ҳалқа-ҳалқа тўр ясаб, ундан жангчилар кийиб оладиган совутлар тўқишни йўлга қўйган эканлар. Темирдан ясалган бу совутлар жангчиларни душман найзаси, қиличи ёки камон ўқидан сақлар ва ўзлари ҳам бундай кийимда эркин ҳаракатланиб жанг қила олар эдилар. Бу нарса Аллоҳнинг бандаларга берган ўзига хос неъматиди. Шунинг учун ҳам, оят охирида:

«Энди шукр қиларсизлар?!» дейилмоқда.

Кейинги икки оятда эса, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломнинг ўғиллари Сулаймон алайҳиссаломга берган неъматларидан баъзиларини эслатмоқда:

وَلَسَلِّمَنَّ الرَّيْحَ عَاصِفَةً تَجْرِي بِأَمْرِهِ إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا وَكُنَّا بِكُلِّ شَيْءٍ عَالِمِينَ ﴿٨١﴾

81. Сулаймонга шамолни қаттиқ эсувчи қилиб бердик. У (шамол) ни унинг амри ила, Биз баракали қилган ерга эсадиган қилиб қўйдик. Барча нарсани билгувчи бўлдик.

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга шамолни беминнат хизматкор қилиб берган эди. Бошқа табиий ҳодисалар қатори шамолни ҳам Аллоҳ таоло маълум шарт-шароитларга боғлиқ қилиб қўйган. Одатда, ўша шароитлар вужудга келганда шамол туради. Бундай ҳол доимо такрорланаверганидан, одамлар, шамолни ўша шарт-шароитлар эсдиради, деган нотўғри хаёлларга бориб қоладилар. Шамолнинг ҳақиқий эгаси бўлмиш Аллоҳни унутиб қўядилар. Ҳолбуки, Аллоҳ хоҳласа, мазкур шарт-шароитларсиз ҳам шамолни эсдираверади. Мисол учун, Аллоҳ таоло Пайғамбари Сулаймон алайҳиссаломга шамолни бўйсундириб қўйди.

«Сулаймонга шамолни қаттиқ эсувчи қилиб бердик.»

У кишининг амри ила шамол хоҳлаган вақтларида хоҳлаган томонга эсар эди.

«У(шамол)ни унинг амри ила, Биз баракали қилган ерга эсадиган қилиб қўйдик. Барча нарсани билгувчи бўлдик.»

Яъни, шамол Сулаймон алайҳиссаломнинг амри ила, Аллоҳ баракали қилиб қўйган ерга, яъни Шоми Шарифга эсадиган бўлди.

وَمِنَ الشَّيْطَانِ مَنْ يَغْوُصُونَ لَهُ وَيَعْمَلُونَ عَمَلًا دُونَ ذَلِكَ وَكُنَّا لَهُمْ حَافِظِينَ ﴿٨٢﴾

82. Ва шайтонлардан унга ғаввослик қиладиганларни ва бундан бошқа амалларни бажарадиганларни бўйсундириб қўйдик. Биз уларни муҳофаза қилгувчи бўлдик.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Сулаймон алайҳиссаломга шайтон-жинларни бўйсундириб қўйган эди. Ўша жинлардан баъзилари Сулаймон алайҳиссаломга ғаввослик қилиб, денгиз остидан турли-туман нарсалар олиб чиқиб берардилар. Бошқалари эса, одамлар қила олмайдиган: шаҳар қуриш, улкан қасрлар барпо этиш ва шунга ўхшаш жуда қийин ишларни бажарардилар.

«Биз уларни муҳофаза қилгувчи бўлдик.»

Яъни, жинларни Сулаймоннинг амридан чиқиб кетишларидан сақлаб турдик.

Кейинги икки оятда Аллоҳ таоло Пайғамбарларидан Айюб алайҳиссаломга берган неъматларидан айримларини эслатади:

﴿وَأَيُّوبَ إِذْ نَادَى رَبَّهُ أَنِّي مَسَّنِيَ الضُّرُّ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّحِيمِينَ﴾

83. Ва Айюбнинг Ўз Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳимлиларнинг раҳимлигисан!» деганини эсла.

Аллоҳнинг Пайғамбари Айюб алайҳиссаломга жуда катта зарар етгани маълум. Лекин ўша зарарнинг айнан номини Қуръони Карим аниқ айтмайди. Ушбу оятда ҳам Айюб алайҳиссаломнинг Аллоҳга ёлбориб нидо қиладиганлари келяпти, холос. Айюб Пайғамбар алайҳиссалом ўша нидо-илтижода ҳам одобга риоя қилиб, ўзларига етган зарар нималигини айтмайдилар. Фақат зарар етганини ва Аллоҳ раҳимлиларнинг раҳимлиси эканини эслайдилар, холос.

«Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳимлиларнинг раҳимлигисан!»

Яъни, менга зарар етганини, унинг нималигини Ўзинг яхши биласан, сен энг раҳимли зотсан, менга қандай раҳим қилишни ҳам ўзинг биласан, деб нидо этганлар.

﴿فَأَسْتَجِبْنَا لَهُ فَاكْشَفْنَا مَا بِهِ مِنْ ضُرِّهِ وَأَتَيْنَاهُ أَهْلَهُ وَمِثْلَهُمْ مَعَهُمْ رَحْمَةً مِّنْ عِنْدِنَا وَذِكْرَىٰ لِلْعَابِدِينَ﴾

84. Бас, Биз уни (дуосини) истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик. Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик. Буни Ўз раҳматимиз ила ва «Обидларга эслатма бўлсин», деб қилдик.

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломнинг одоб ила қилган дуоларини қабул этди.

«Бас, Биз уни (дуосини) истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик.»

Ривоятларда келишича, у киши касал бўлган экан. Қандай касаллигини Аллоҳнинг Ўзи билади. Уламоларимиз: Айюб алайҳиссаломга етган жирканчли касалликлар ҳақида баъзи ривоятларда келган гапларда муболаға бор, Пайғамбарлик мақомига ҳам тўғри келмайди, дейишади.

«Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик.»

Бундан кўриниб турибдики, Айюб алайҳиссаломга етган зарар ичида аҳллари, яъни барча яқин кишилари — фарзандлари, қариндошлари, дўстлари ва хизматчиларини олиш ҳам бўлган экан. Фақат ёлғиз хотинларигина у зот алайҳиссалом билан қолганлар. Лекин Айюб алайҳиссалом сабр қилиб, Аллоҳга ёлборганларидан кейин, Аллоҳ у кишига аҳллари қайтариб берди. Яна шунчага кўпайтириб берди. Аллоҳ таоло бу ишларни беҳикмат қилгани йўқ.

«Буни Ўз раҳматимиз ила ва «Обидларга эслатма бўлсин», деб қилдик.»

Яъни, сабрли бандаларимиз доимо раҳматимизга ноил бўлишларини билдириш ва обидларга ибрат учун шундай қилдик. Обид — ибодат қилувчи шахс. Айюб алайҳиссалом обидларнинг энг мухлис ва машҳурларидан эдилар. Демак, обидлар ҳам синов маъносида ҳар хил балоларга учраб турадилар. Обидлик — улуғ мартаба, унга осонлик билан эришиб бўлмайди. Ҳақиқий обидлик мақомига эришиш учун бандан анчагина синовлардан ўтиши керак.

Кейинги оятда эса, Исмоил, Идрис ва Зул-кифл алайҳиссаломлар зикр қилинади.

وَأَسْمٰعِيلَ وَإِدْرِيسَ وَذَا الْكِفْلِ كُلٌّ مِّنَ الصّٰبِرِيْنَ ﴿٨٥﴾

85. Ва Исмоил, Идрис ва Зул-кифл эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир.

Ушбу оятда эслатилган зотлардан Исмоил алайҳиссалом маълум ва машҳурдирлар. У кишининг қиссалари бошқа сураларда батафсил келган. Бу оятда у зотнинг сабр-тоқатларига алоҳида урғу берилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, Исмоил алайҳиссалом юқори даражада сабр намуналарини кўрсатганлар. У киши ўсимлик ўсмайдиган саҳроларда сабр қилиб ўсганлар. Байтуллоҳни қуришда оталари Иброҳим алайҳиссаломга сабр ва матонат билан ёрдам берганлар. Ўзларини қурбонлик учун сўйиш амри келганида ҳам сабр қилганлар.

Идрис алайҳиссалом ҳақида маълумотлар оз. «Марям» сурасида ҳам зикрлари ўтди. Унда қавмларининг кирдикорларига сабр қилганлари ҳақида сўз кетган эди. Ушбу оятда ҳам у кишининг сабр сифатлари ёд этилмоқда.

Зул-кифл алайҳиссалом ҳақида маълумотлар яна ҳам оз. Ҳатто баъзилар у зотни Пайғамбарлар сафига қўшмайдилар ҳам. Лекин «Анбиё» сурасида машҳур Пайғамбарлар билан бирга зикр этилишлари у зотнинг Пайғамбарлардан бўлганларини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу оятда у киши ҳам сабр қилгувчилар қаторига қўшилмоқдалар.

وَأَدْخَلْنَاهُمْ فِي رَحْمَتِنَا إِنَّهُمْ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٨٦﴾

86. Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир.

Сабрлари туфайли Аллоҳ таоло уларни ўз раҳматига киритди. Яхшиликлар ато этди. Улар аҳли солиҳлардан бўлдилар. Шунинг учун ҳам, Қуръонда зикр қилинмоқдалар.

Кейинги икки оятда Юнус алайҳиссалом эсга олинади:

وَذَا النُّونِ إِذ ذَّهَبَ مُغْرِبًا فَظَنَّ أَنْ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ فَنَادَى فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٨٧﴾

87. Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди. Зулматларда туриб, Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди.

Зуннундан мурод, Юнус алайҳиссаломдир. «Нун» балиқ дегани, Зуннун эса, балиқ эгаси дегани. Юнус алайҳиссаломни денгизда балиқ ютиб юборган, кейин қирғоққа келиб, Аллоҳнинг амри билан чиқариб ташлаган. Шунинг учун, Зуннун – балиқ эгаси лақабини олганлар. У зотнинг қиссалари «Соффаат» сурасида келади. Аммо, бу сурада сиёққа мос равишда қисқача баён қилинмоқда.

«Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди.»

Яъни, у киши қавмларига Аллоҳнинг амрини етказганларида, улар қабул қилмадилар. Юнус алайҳиссалом қавмларининг қилмишларидан ғазабланиб, юртларини ташлаб чиқиб кетдилар.

«Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмас, деб гумон қилди.»

Бу гумон қавмларининг саркашлигидан келиб чиққан эди. Юнус алайҳиссалом уларга, сизлар Аллоҳ амрига бўйинсунмасангиз, бошқа жой қуриб кетгани йўқ, Аллоҳнинг ери кенг, бошқа жойга бориб даъват этсам, улар қабул қиладилар. Аллоҳ мен учун ер юзини тор этиб қўймайди, дегандай иш қилган эдилар.

Уламоларимиз айтишларича, аслида, у киши бошқа Пайғамбарларга ўхшаб сабр қилишлари, Аллоҳнинг амрини кутишлари керак эди. Аммо бундай қилмадилар. Қавмларига зарда қилиб, юртларидан чиқиб кетдилар. Сўнгра, Аллоҳ таоло, у кишини балиққа юттириб, синовга учратди. Ана ўшанда,

«Зулматларда туриб», яъни кеча зулмати, денгиз ости зулмати ва балиқ қорни зулматида туриб, Аллоҳ таолога ёлбориб:

«Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди».

Бу гап чин ихлос билан, Аллоҳнинг улуғ сифатларини эслаб, ўзининг айбдорлигини бўйнига олиб, нажот сўраб қилинган дуо эди.

فَأَسْتَجِبْنَا لَهُ وَنَجَّيْنَاهُ مِنَ الْغَمِّ وَكَذَلِكَ نُنْجِي الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

88. Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз.

Яъни, Биз Юнуснинг дуосини қабул қилдик. Уни балиқ ичидан соғ-саломат чиқариб, ғамдан қутқардик. Мўминларни доимо шу тарзда қутқариб келганмиз.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, ким ғамга мубтало бўлса, ушбу оятдаги «Ла илаҳа илла анта, субҳанака инни кунту миназ-золимийн» дуосини ўқиса, кушойиш бўлишини айтганлар.

Зуннун алайҳиссаломнинг қиссаларида даъватчилар учун катта ибрат бор. Улар ҳар қанча тўсиқларга, қийинчиликларга учрасалар ҳам, аччиқлари чиқмай, сабр қилишлари керак бўлади.

Энди Закариё алайҳиссаломнинг зикрлари келади:

وَزَكَرِيَّا إِذْ نَادَى رَبَّهُ رَبِّ لَا تَذَرْنِي فَرْدًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْوَارِثِينَ ﴿٨٩﴾

89. Ва Закариёни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Эй Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен Ўзинг ворисларнинг энг яхшисисан», деган эди.

Закариё алайҳиссаломнинг қиссалари «Оли Имрон» ва «Марям» сураларида батафсил ўтди. Бу ерда сиёққа мос ҳолда иккитагина оятда қисқача эслатиб ўтилмоқда.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Закариё алайҳиссаломни бефарзандлик балосига дучор қилган эди. Аммо Закариё алайҳиссалом ноумид бўлмадилар. Ўзлари ва хотинларининг ёшлари ўтиб қолган бўлса ҳам, сабр ила Аллоҳдан фарзанд сўрайвердилар.

«Ва Закариёни эсла. Ушанда у Роббига нидо қилиб: «Эй Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен Ўзинг ворисларнинг энг яхшисан», деган эди».

Яъни, Закариё алайҳиссалом Аллоҳга, мени дунёдан бефарзанд ҳолимда ёлғиз ўтказма, менга фарзанд бер, деб илтижо қилди. Шунингдек, энг яхши ворис Аллоҳнинг Ўзи эканини ҳам қўшиб қўйди. Бу билан у киши, мен ортимдан меросхўр қолишини эмас, дин ва бошқа ишларни давом этказувчи фарзанд қолишини сўраяпман, демоқчи бўлдилар.

فَأَسْتَجَبْنَا لَهُ وَوَهَبْنَا لَهُ يَحْيَىٰ وَأَصْلَحْنَا لَهُ زَوْجَهُ إِنَّهُمْ كَانُوا
 يُسْكِرُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَكَ رُغْبًا وَرُهْبًا وَكَانُوا لَنَا خَاشِعِينَ ﴿٩٠﴾

90. Бас, Биз уни (дуосини) ижобат этдик ва унга Яҳёни ҳадя қилдик ҳамда жуфтини ўнглаб қўйдик. Албатта, улар яхшиликларга шошилишар эди ва Бизга рағбат ила ва қўрқиб дуо қилишар эди. Улар Бизга таъзим ила бўйинсунувчи эдилар.

Аллоҳ таоло ушбу оятда Закариё алайҳиссаломнинг дуоларидан кейин бўлган ишларнинг хабарини бермоқда.

«Бас, Биз уни (дуосини) ижобат этдик...»

Яъни, Закариёнинг дуосини қабул қилдик. У дуосида уни ёлғиз ташлаб қўймаслигимизни сўраган эди. Шунинг учун ҳам:

«...унга Яҳёни ҳадя қилдик...»

Қариб қолган чоғида унга фарзанд бердик. Аслида, умумий қоидага қараганда, унинг фарзанд кўриши мутлақо кутилмасди. Чунки, ўзи кексайиб қолган, аёли ҳам қариб, туғишдан ноумид ёшга етган эди. Аммо Биз унинг

«...жуфтини ўнглаб қўйдик».

Хотинини ҳомиладор бўладиган ва туға оладиган қилиб қўйдик. Шу туфайли улар ўта қариган чоғларида ҳам фарзанд кўриш имконига эга бўлдилар. Чунки:

«...улар яхшиликларга шошилишар эди...»

Яхшиликка шошилишлари сабабли дуоларини қабул қилдик ва сўраган нарсаларини бердик.

«...Бизга рағбат ила ва қўрқиб дуо қилишар эди.»

Уларнинг дуолари ғофиллик ила ва шуурсиз қилинган дуо эмас эди. Балки, улар чин дилдан ихлос билан, қўрққан ҳолларида дуо қилардилар. Шунинг учун, мутлақо имконсиз иш уларга мумкин бўлди.

«Улар Бизга таъзим ила бўйинсунувчи эдилар.»

Ўша хушув ва хузуълари ҳам дуоларининг ижобати омилларидан бири бўлди.

Кейинги оятда Биби Марям ҳақларида хабар келади.

وَالَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنَفَخْنَا فِيهَا مِنْ رُوحِنَا وَجَعَلْنَاهَا وَابْنَهَا آيَةً
لِلْعَالَمِينَ ﴿٩١﴾

91. Фаржини пок сақлаган аёлни эсла. Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик. Уни ва унинг ўғлини оламларга оят-белги қилдик.

«Фаржини пок сақлаган» аёл деганда, Биби Марям назарда тугтилган. Бошқа диндагилар, хусусан, яҳудийлар Биби Марямга нисбатан туҳмат қиладилар. У кишини зинода айблайдилар. Ислом ва Қуръон эса, Биби Марямнинг покликларини доимо ва алоҳида таъкидлаб ёд этади. Бу оятда у зотни исмлари билан эмас, балки зинодан сақланиб, фаржларини пок тутганлик сифатлари билан эслаш ҳам шу асосдадир.

«Фаржини пок сақлаган аёлни эсла. Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик.»

Бу оятда Жаброил алайҳиссалом келиб, Биби Марямнинг кўйлак ёқаларидан пуфлаганларида у киши Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлганликларига ишора бор.

«Уни ва унинг ўғлини оламларга оят-белги қилдик.»

Яъни, Марямни ва унинг ўғли Ийсони бутун оламлар учун Аллоҳнинг қудратига аломат, белги қилдик.

Шу билан анбиёларнинг қиссалари тугайди. Уларнинг турли синовларга бардош берганликлари оқибатида Аллоҳнинг раҳматига эришганликлари ҳақидаги гаплар тўхтади.

Кейинги оятда эса, ўша саъй-ҳаракатларнинг самараси нимага олиб келгани устида сўз юритилади:

إِنَّ هَذِهِ أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونِ ﴿٩٢﴾

92. Албатта, сизнинг ушбу умматингиз бир умматдир ва Мен сизнинг Роббингизман. Бас, Менгагина ибодат қилинг.

Эй одамлар! Сизнинг умматингиз, яъни динингиз бирдир. Ва бу дин – Исломдир. Барча анбиёларнинг дини шулдир. Барча қавмларнинг дини шулдир. Мен барчангизнинг Роббингизман. Шундай экан, фақат Менгагина ибодат қилинг. Бошқага эмас.

وَتَقَطَّوْا أَمْرَهُمْ بَيْنَهُمْ كَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ وَتَقَطَّوْا أَمْرَهُمْ بَيْنَهُمْ كَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ

93. Улар эса, ишларини парчаладилар. Барчалари Бизга қайтувчидирлар.

Аслида, ҳамма бир уммат бўлиб, бир динга ишониб, ягона Аллоҳга ибодат қилиши керак эди. Аммо, одамлар бу йўлдан юрмай, ўзларича, йўлларини, динлари ва ишларини бўлак-бўлак қилиб олдилар. Уларнинг ҳаммаси, барибир, охир-оқибат Бизга қайтадилар. Ўшанда Биз Ўзимиз билиб ҳисоб-китоб қиламиз.

فَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَا كُفْرَانَ لِسَعْيِهِ وَإِنَّا لَهُ كَانُوبٌ

94. Ким мўмин ҳолида солиҳ амаллардан қилса, саъйи-ҳаракати зое кетмас. Албатта, Биз уни ёзиб қўйгувчидирмиз.

Яхши амалнинг қабул бўлиши ва савобга эриштириши учун иймон шартдир. Ким иймонли бўла туриб яхши амаллар қилса, ҳаракати беҳуда кетмайди. Ҳар кимнинг ҳар бир ишини Аллоҳ таоло ёзиб туради. Ана шу асосда барчага қиёмат кунида жазо ёки мукофот берилади.

وَحَرَامٌ عَلَىٰ قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا أَنَّهُمْ لَا يَرْجِعُونَ

95. Биз ҳалок қилган қишлоқ-шаҳарларнинг қайтмаслиги ҳаромдир.

Яъни, бу дунёдаги гуноҳлари учун йўқотиб юборилган шаҳар-қишлоқларнинг аҳолиси ҳам қиёмат куни жазоларини тўлиқ олиш учун қайтариладилар. Уларнинг қайтмасликлари мумкин эмас.

Кейинги оятларда қиёмат кунининг баъзи кўринишлари, жумладан, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши васф этилади:

حَقَّ إِذَا فَتِحَتْ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجُ وَهُمْ مِّنْ كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ

96. Ниҳоят, Яъжуж ва Маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепаликлардан оқиб келганларида.

وَأَقْتَرَبَ الْوَعْدُ الْحَقُّ فَإِذَا هِيَ شَاخِصَةٌ أَبْصَرُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِيَوْمِنَا قَدْ
كُنَّا فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَذَا بَلَّ كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٣٧﴾

97. Ва ҳақ ваъда яқинлашгандаги ҳолни кўрсанг, куфр келтирганларнинг кўзлари чақчайиб: «Ҳолимизга вой! Бизлар бундан ғафлатда эдик. Йўқ! Бизлар зулм қилгувчилар эдик», дерлар.

«Каҳф» сурасида айтиб ўтилганидек, қиёматнинг аломатларидан бири – Зулқарнайн қурган садд – тўғон очилиб, Яъжуж ва Маъжужлар чиқиб кетишидир. Ушбу оятда:

«Ниҳоят, Яъжуж ва Маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепаликлардан оқиб келганларида» деб айтилмоқда.

Демак, улар жуда кўп бўлиб, кўпликларидан юрганларида худди сел оққандек оқиб келар эканлар.

«...ва ҳақ ваъда яқинлашгандаги ҳолни кўрсанг...»

Яъни, қиёмат қоим бўлгандаги ҳолни кўрсанг, унинг даҳшатидан, кўрқинчи ва азобидан

«...куфр келтирганларнинг кўзлари чақчайиб», яъни қотиб қолади.

Кўзларини юма олмайдилар. Аини пайтда, ўз ҳолларига йиғлай бошлайдилар:

«Ҳолимизга вой! Бизлар бундан ғафлатда эдик».

Яъни, қиёмат қоим бўлиб, ҳамма қайта тирилиб, савол-жавоб, ҳисоб-китоб, жазо-мукофот бўлишидан ғафлатда эдик. Бундай бўлишини ўйлаб кўрмаган эдик.

«Йўқ! Бизлар зулм қилгувчилар эдик», дерлар.»

Йўқ, биз ғафлатда эмас эдик. Балки, билиб туриб тайёргарлик кўрмаган эдик. Ишонмаган эдик. Зулм қилган эдик, дейдилар. Шунда уларнинг бу эътирофларига муносиб сўз айтилади:

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ لَهَا وَرِدُونَ ﴿٣٨﴾

98. Албатта, сизлар ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилган нарсаларингиз жаҳаннам ёқилғисидирсиз. Сизлар унга киргувчилардирсиз.

Эй, мушриклар! Эй, кофирлар! Эй, бу дунёда Аллоҳдан ўзгага ибодат қилганлар! Сизлар ҳам, Аллоҳдан ўзга сиз топинган нарсалар ҳам — ҳаммангиз қўшилиб энди жаҳаннамга ёқилғи бўласизлар. Сиз унга албатта кирасизлар!

لَوْ كَانَتْ هَتُؤُلَاءِ إِلَهَةً مَّا وَرَدُوهَا وَكُلٌّ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٩٩﴾

99. Агар анавилар худолар бўлганида унга кирмас эдилар. Ҳаммалари унда абадий қолурлар.

Яъни, агар анави, сизлар Аллоҳдан ўзга сиғинган нарсалар ҳақиқатда худолар бўлганида, жаҳаннамга кирмас эдилар. Аммо, улар ҳеч қачон худо бўлган эмас, уларни сизлар «худо» қилиб олгансиз, шунинг учун жаҳаннамга тушмоқдалар. Улар дўзахда абадий қоладилар.

لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَهُمْ فِيهَا لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾

100. У ерда уларга инграш бордир. Улар у ерда эшитмаслар.

Улар жаҳаннамнинг азоби кучлилигидан тинимсиз инграйдилар. Қулоқларига ҳеч гап кирмайди. Улар бирон сўзни эшитмайдилар.

Бу пайтда мўминларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади:

إِنَّ الَّذِينَ سَبَقَتْ لَهُمْ مِنَّا الْحُسْنَىٰ أُولَٰئِكَ عَنْهَا مُبْعَدُونَ ﴿١٠١﴾

101. Албатта, Биздан ўзлари учун яхшилик қилинганлар, ана ўшалар ундан(жаҳаннамдан) узоқлаштирилгандирлар.

Яъни, Аллоҳнинг мўмин бандалари, Аллоҳ уларга яхшиликни раво кўрган бандалар жаҳаннамдан узоқда бўладилар. Унинг яқинига ҳам келмайдилар.

لَا يَسْمَعُونَ حَسِيسَهَا وَهُمْ فِي مَا أُشْتَهَتْ أَنفُسُهُمْ خَالِدُونَ ﴿١٠٢﴾

102. Улар унинг чисирлашини(овозини ҳам) эшитмаслар. Улар ўз нафслари иштаҳа қилган нарсалари ичида абадий қолгувчилардир.

Яъни, Аллоҳ томонидан яхшилик раво кўрилган, дўзахга яқинлашмайдиган мўмин бандалар ҳатто жаҳаннамнинг чисирлаш овозини ҳам эшитмайдилар. Агар эшитсалар, ичига кирмасалар ҳам,

қалбларини қўрқинч безовта қилар эди. Буни эса, уларнинг нафси хоҳламас эди. Қиёмат куни:

«Улар ўз нафслари иштаҳа қилган нарсалари ичида абадий қолгувчилардир».

لَا يَحْزَنُهُمُ الْفَزَعُ الْأَكْبَرُ وَتَتَلَقَّاهُمُ الْمَلَائِكَةُ هَذَا يَوْمُكُمْ الَّذِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ ﴿١٠٣﴾

103. Уларни буюк даҳшат ғами босмас. Уларни фаришталар: «Бу сизларга ваъда қилинган кунингиздир», деб кутиб олурлар.

Кофирларнинг кўзлари қўрқинчдан чақчайиб қотиб қолган қиёмат кунида мўмин бандаларни даҳшат ғами босмайди. Улар у кунда беғам бўладилар.

Ўша кунда жаннатий бандаларни фаришталар очиқ чехра билан **«Бу сизларга ваъда қилинган кунингиздир», деб кутиб олурлар.**

يَوْمَ نَطْوِي السَّمَاءَ كَطَيِّ السِّجِلِ لِلْكِتَابِ كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ يُعِيدُهُ وَعَدَّا عَلَيْهَا إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ ﴿١٠٤﴾

104. Ўша кунда осмонни худди мактуб ёзилган дафтарни ёпгандек ёпамиз. Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз буни қилгувчимиз.

Худди, ҳисоб-китоб ёзиб борувчи шахс ишини тугатиб, дафтари япганидек, қиёмат кунида осмон ҳам шундай ёпилади. Демак, дунёдаги ишлар ҳаммаси битган, охирига етган бўлади. Энди ишга, амалга, савоб топиш ёки тавба қилишга фурсат қолмайди.

Аллоҳ таоло у кунда барча халойиқни аввалги ҳолига қайтаради. Ҳамма ишлар бир бошдан ҳисоб-китоб қилинади. Ҳаммага амалига яраша мукофот ёки жазо берилади.

«Бу зиммамиздаги ваъдадир.»

Аллоҳ, шундай қиламан, деб ваъда бериб қўйган. У доимо ваъдаси устидан чиқадиган Зотдир.

«Албатта, Биз буни қилгувчимиз.»

Қилмасдан қўймаймиз. Шунинг учун, ҳозирдан тайёргарлик кўраверинг. Бунга ўхшаш гаплар қадимдан бўлиб келаётибди, янгилик эмас.

وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزُّبُورِ مِنْ بَعْدِ الذِّكْرِ أَنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ ﴿١٠٥﴾

105. Батаҳқиқ, Биз Зикрдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар», деб ёзган эдик.

Уламоларимиз ушбу ояти каримадаги «зикр» ва «ер» сўзларидан кўзланган мақсад ҳақида икки хил фикр билдирганлар. Баъзилари: «зикр»дан мурод – Тавротдир, шунга кўра, оятнинг маъноси: «Батаҳқиқ, Биз Тавротдан сўнг Забурда ҳам: «Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар», деб ёзган эдик» бўлади, дейдилар. Бошқалари эса: «зикр»дан мурод – Лавҳул Маҳфуз, бинобарин, аввал ўша маънони Лавҳул Маҳфузга ёзиб, кейин Забурга ҳам ёзган эдик, маъноси чиқади, деганлар.

«Ер» ҳақида эса, баъзи уламоларимиз «оддий ер кўзда тутилган» десалар, бошқалари «жаннат ери назарда тутилган», дейдилар. Ушбу икки хил маънони қўшиб, ҳар иккиси кўзда тутилган, деса ҳам бўлади.

إِنَّ فِي هَذَا بَلَاغًا لِقَوْمٍ عَابِدِينَ ﴿١٠٦﴾

106. Албатта, бу (Қуръон)да ибодат қилгувчи қавм учун етарли ўғит бордир.

Бу ўғитдан ҳиммат қилганлар фойда топади. Ибодатга юз тутган ҳар бир инсон бу ўғитлардан жуда кўп, икки дунё саодатига етадиган фойдани олади.

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ ﴿١٠٧﴾

107. Биз сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик.

Эй Муҳаммад, Биз сени Пайғамбар этиб юборишимиздан мақсад – оламларга фақат раҳмат бўлишингдир. Аллоҳ таоло Одам Атодан бошлаб бандаларига улар бир уммат – дин бўлишлари учун юбориб келаётган Пайғамбарлар сисиласини Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламда тугатди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инсоният ўсиб-улғайиб камолга етган пайтида мукамал ва баркамол Ислом ила юборди. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни барча оламларга раҳмат қилиб юборди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган дин, Қуръон, таълимотлар барча оламларга раҳмат-шафқатдир. Жамо-

дот ва наботот оламига ҳам, ҳайвонот ва инсонлар оламига ҳам, яна бошқа оламлар бўлса, уларга ҳам раҳматдир. Ҳам бу дунёнинг раҳмат-шафқати, ҳам у дунёнинг раҳмат-шафқатидир. Буни фаҳмлаб олиш қийин эмас. Ислом таълимотларига бир назар солишнинг ўзи кифоя. Бутун оламларга меҳр-муҳаббат, раҳим-шафқат улардан балқиб турганини ҳар қандай одам дарҳол пайқаб олади.

Эй, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбар!

قُلْ إِنَّمَا يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ وَحْدَهُ فَهَلْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿١٠٨﴾

108. Сен: «Менга фақат, сизнинг илоҳингиз албатта битта илоҳдир, деб ваҳий этилур. Бас, сизлар мусулмон бўласизларми?!» – деб айт.

Яъни, менга юборилаётган ваҳийда фақат: «Илоҳ – маъбудингиз ягона Аллоҳдир», деб айтилади. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқлиги таъкидланади. Сизлар унга бўйинсунасизларми, йўқми, деб айт.

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُلْ ءَاذَنُكُمْ عَلَىٰ سَوَاءٍ وَإِنِ أَدْرَىٰ أَقْرَبُ أَمِ بَعِيدٌ مَّا تُوْعَدُونَ ﴿١٠٩﴾

109. Агар улар юз ўгириб кетсалар: «Мен сизларга баробарлик бўлиши учун эълон қилдим. Сизга ваъда қилинаётган нарса яқинми ёки узоқми – билмасман.

Агар кишилар сенинг ягона Илоҳга бўйин эгиш хусусидаги чақириғингни эшитмай, юз ўгириб кетсалар,

«Мен сизларга баробарлик бўлиши учун эълон қилдим», дегин.

Яъни, иймон масаласида ҳамма баробар бўлиши учун, менга тушган ваҳийни эълон қилдим. Ҳамма эшитиши керак бўлган нарсани кейин «Беҳабар эдик», деган даъво бўлмаслиги учун эшиттирдим.

«Сизга ваъда қилинаётган нарса яқинми ёки узоқми – билмасман.»

Яъни, сизга – ягона Аллоҳга бўйинсунмаганларга ваъда қилинаётган азоб яқинда бўладими, кейинроқ бўладими, билмайман. Унинг қачон бўлишини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади.

إِنَّهُ يَعْلَمُ الْجَهْرَ مِنَ الْقَوْلِ وَيَعْلَمُ مَا تَكْتُمُونَ ﴿١١٠﴾

110. Албатта, У сўзнинг ошкорасини ҳам биладир ва нимани беркитаётган бўлсангиз ҳам биладир.

Ана ўша билимига асосан ҳар бир бандага мукофот ёки жазо беради. Пайғамбарнинг даъватидан юз ўгириб кетганлар буни билиб қўйсинлар.

وَإِنْ أَدْرَى لَعَلَّهُ فِتْنَةٌ لَكُمْ وَمَنْعَ إِلَى حِينٍ ﴿١١١﴾

111. Билмайман, эҳтимол, бу сизлар учун синовдир ёки вақтинчалик ҳаловатдир», деб айт.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларга:

«Билмайман, эҳтимол, бу сизлар учун синовдир ёки вақтинчалик ҳаловатдир», дейишга ҳам маъмур бўлганлар.

Яъни, азобнинг сизларга келмай туриши сизлар учун, эҳтимол, синовдир, эҳтимол, бир муддат бу дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан фойдаланиб олишингиз учун муҳлат беришдир.

Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига Аллоҳ таоло томонидан юклатилган омонатни шараф билан бажардилар. Аллоҳ таоло юборган амрларни тўла-тўқис адо этдилар ва охирида:

قُلْ رَبِّ أَحْكُم بِالْحَقِّ وَرَبُّنَا الرَّحْمَنُ الْمُسْتَعَانُ عَلَى مَا تَصِفُونَ ﴿١١٢﴾

112. У: «Эй Роббим, Ўзинг ҳақ ила ҳукм қил. Роббимиз Роҳмандир ва сизлар қилган васфлардан мадад сўраладиган Зотдир», деди.

Яъни, эй Роббим, мен омонатингни адо этдим. Кишиларга таълимотларингни етказдим. Энди Ўзинг ҳақ ила ҳукм қилавер, дедилар.

Сўнгра кофирларга хитоб қилиб:

Роббимиз, яъни, барчамизнинг Роббимиз **Роҳмандир.** Унинг Ўзи сиз қилаётган нотўғри васфлар учун келадиган азобдан қутулишга мадад сўраладиган ягона Зотдир, дедилар.

*Аллоҳ таолонинг ёрдами ва риояти
ила учинчи жуз тамом бўлди.
Тўртинчи жуз
«Ҳаж» сурасидан бошланур.*

М У Н Д А Р И Ж А

Юнус сураси.....	3
Ҳуд сураси.....	77
Юсуф сураси.....	149
Раъд сураси.....	214
Иброҳим сураси.....	248
Ҳижр сураси.....	282
Наҳл сураси.....	315
Исро сураси.....	394
Каҳф сураси.....	466
Марям сураси.....	527
Тоҳа сураси.....	565
Анбиё сураси.....	619

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

Тафсири Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

3-ЖУЗ

Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*
Техник муҳаррир *Мансур Қаюмов*
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содик*